

А.А.ФАДДЕЕВ



РОМАН

ИККИНЧИ НАШРИ

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети
«51 гвардия» нашриёти
Тошкент — 1972

«СОВЕТСКИЙ ПИСАТЕЛЬ» нинг 1956 йил
нашридан
О. РАҲИМИЙ ва **М. ИСМОИЛИЙ**
(18—35 боблар) таржимаси

Александр Александрович Фадеев илгариги Тверь губернияси, ҳозирги Калинин областининг Кимри шаҳрида 1901 йилда туғилди. Фадеевнинг ота-оналари деҳқонлардан бўлиб, отаси ҳам, онаси ҳам фельдшер эди.

А. Фадеевнинг болалик даври Узоқ Шарқнинг Жанубий-Уссури ўлкасида ўтди. Владивосток шаҳридаги савдо мактабида ўқиди. 1918 йилда, Колчак даврида, революцион подпольеда ишлаш учун мактабини ташлади ва ўша йилиёқ Владивостокдаги яширин большевиклар ташкилотига аъзо бўлиб кирди.

Фадеев кейинчалик, ўзининг бу жанговар ёшлик йилларини хотирлаб бундай деган эди:

«Жилдаримиз Максим Горький ҳамда Некрасов китоблари билан лиқ тўла ҳолда, ўзимиз ёшлик умид-тилаклари билан тўлиб-тошиб революцияга қадам қўйган эдик.

Бизда озодлик ғайрат-шижоати қайнаб тошган эди, чунки Сибирда ва рус Узоқ Шарқида шу кезларда адмирал Колчак ҳокимияти ўрнатилган эди, бу ҳокимият эса эски ҳокимиятдан ҳам баттар даҳшатли эди. Бизда ватаппарварлик ғайрат-шижоати қайнаб тошган эди, чунки жонажон юртимизни япон интервентларининг нағалли этиклари топтаб турган эди.

Мени ёзувчи қилиб етказган шу замон бўлди.

Мен халқимнинг энг яхши хислатларини англаб билиб олдим. Халқим билан бирга уч йил давомида минг-минг километрлаб йўл босдим, у билан бир шинель ёпиниб ётиб, бир солдат котелогидан овқат едим.

Халққа бош бўлиб бораётган кишиларнинг кимлигини дастлаб шунда билдим. Билдим-да, уларнинг ҳам ҳамма одамларга ўхшаган, аммо халқнинг энг яхши ўғил ва қизлари эканлигини англадим. Агар халқ ўз орасидан шу кишиларни топа олмаганда, бутун умри қашшоқлик ва ҳуқуқсизликда хароб бўлиб ўтарди...

Халқ тақдири учун партиянинг қанчалик аҳамияти борлигини тушундим ва партия қаторига қабул қилинганим учун фахрланаман».

Шу йиллардан бошлаб Фадеевнинг бутун ҳаёти партия билан, халқ ва революция билан чамбарчас боғланиб кетди.

1919 йилда Александр Александрович Фадеев партизанлар отрядида олдин пиёда, кейин отлиқ аскар бўлиб хизмат қилди. У 1920 йилдан

1921 йил охиригача Қизил Армия сафида бўлиб, оддий қизил аскардан бригада комиссари вазифасигача кўтарилди. Приморьеда — Спасск ҳамда Хабаровск шаҳарлари ёнида япон интервентларига қарши, Забайкальеда японлар гумаштаси Семёнов бандаларига қарши жангларда қатнашди.

Фадеев Бутун Иттифоқ Коммунистик большевиклар партисиси X съездининг делегатлари қаторида Кронштадтдаги оқ гвардиячилар исёнини бостиришда қатнашди. У икки марта — Спасск ёнида бўлган жангда ва кейин Кронштадтнин штурм қилишда ярадор бўлган эди.

1921 йилдан 1924 йилгача Фадеев Москва Кончилик академиясида ўқиди ва аynи вақтда Москва шаҳари Замоскворечье район партия комитетининг инструктори бўлиб ишлади. 1924 йилдан 1927 йилга қадар Кубань ҳамда Ростов-Донда партия ишида бўлди; область партия комитетининг инструктори, район партия комитетининг секретари, ВКП(б) Шимолий Кавказ Ўлка комитети матбуот бўлими мудирининг ўринбосари ва «Советский юг» номли ўлка газетасининг редактори бўлиб ишлади.

Александр Александрович Фадеев партиянинг X, XVII, XVIII ва XIX съездларига делегат бўлган эди; партиянинг XVIII съездида ВКП(б) Марказий Комитетига аъзо бўлиб сайланди, XIX съезда Совет Иттифоқи Коммунистик партисиси Марказий Комитетига яна аъзо бўлиб сайланди.

Фадеев адабий фаолиятини Кончилик академиясида студентлик чоғидаёқ бошлаган эди. 1923 йилда унинг «Тошқин» деган повести ва «Оқимга қарши» деган ҳикояси босилган эди, аммо бу асарларини авторнинг ўзи етилмаган ва хом асарлар деб ҳисоблайди.

1927 йилда Фадеевнинг «Тор-мор» деган биринчи романи босилиб чиқди, бу роман ҳақли ўлароқ совет адабиётининг яхши асарларидан бири ҳисобланади.

Автор Узоқ Шарқдаги кичик бир партизанлар отрядини мисол қилиб, революциянинг халқ ҳаётида қандай ўзгариш қилганини, кишиларнинг янги маънавий қиёфаси, уларнинг социалистик онги ва янги муносабатларнинг қандай вояга етганини, партиянинг революциядаги етакчилик ролини кўрсатиб берди.

Алексей Максимович Горький ўзининг «Адабиёт ҳақида» деган мақоласида «граждандар урушини ҳаққоний суратда ҳар томонлама ва талант билан тасвирлаб берган» ажойиб асарларнинг авторлари қаторида Фадеевнинг ҳам номини тилга олади.

1930—1940 йилларда Фадеев «Удэгеларнинг сўнгиси» романининг тўрт қисмини чиқартирди. Романда большевиклар партиясининг йўлбошчилиги остида ишчи ва деҳқонларнинг партизанлик ҳаракати, Узоқ Шарқда оқ гвардиячилар ҳамда америка-япон интервентларига қарши кураш тасвирланади.

«Удэгеларнинг сўнгиси» — совет кишиларининг мардлиги ва жасурлиги, уларнинг ўз халқларига ва Ватанга садоқати, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг халқда уйғотган қудратли ижодкорлик кучлари тасвирланган эпик дostonдир.

Узоқ Шарқдаги граждандар уруши то иккинчи жаҳон урушига қадар Фадеевнинг ижодида асосий тема бўлиб келди.

Улуғ Ватан уруши вақтида Фадеев «Правда» мухбири сифатида бир неча марта турли фронтларга бориб келди. 1944 йилда унинг «Ленинград қамалда» деган очерклар тўплами босилиб чиқди.

1945 йилда Фадеев Улуғ Ватан уруши материаллари асосида ёзган «Еш гвардия» романини бостириб чиқарди.

Бу роман Краснодар шаҳрида совет ёшлари яширин ташкилотининг немис-фашист босқинчиларга қарши олиб борган курашнинг тасвирловчи асардир. Романнинг асосий қаҳрамонлари — комсомол ташкилотининг раҳбарлари бўлган ва фашист жаллодларга қарши жанг қилган Олег Кошевой, Сергей Тюленин, Ульяна Громова ва бошқалардир.

Партия матбуоти романга умуман юксак баҳо бериб, китобнинг кўп яхши фазилатлари билан бирга жиддий нуқсонлари ҳам борлигини кўрсатиб ўтди. «Правда» газетасининг 1947 йил 3 декабрь сонидан редакциядан босилган мақолада айтилишича, «комсомолнинг ҳаётини, унинг камол топишини, ишини характерлайдиган энг муҳим нарсаси, яъни партиянинг, партия ташкилотининг раҳбарлик, тарбия роли романдан тушиб қолган».

«Ёш гвардия» нинг авторини танқидни партияча, тўғри тушунди, танқид китобни қайтадан ишлаб чиқишда гоёвий ва бадий жиҳатдан янада юксак даражага кўтаришда авторга ёрдам берди. Шу орада автор Краснодар шаҳрини фашистлар оккупация қилган даврда шаҳардаги яширин коммунистлар ташкилотининг фаолиятига доир ҳали маълум бўлмаган ва босилмаган янги материаллар билан ҳам танишиб олди. Автор китобни қайтадан ишлаб, уни янада тўлдирди, янги қаҳрамонлар киритди, янги боблар қўшди, совет халқининг гитлерчи оккупантларга қарши курашида партиянинг раҳбарлик ва раҳнамолик ролини кўрсатди.

«Правда» газетаси 1951 йилнинг 23 декабрида: «Ижодий жиҳатдап қайта ишлагандан сўнг яхши китоб янада яхшироқ бўлиб чиқди» деб ёзган эди. Романнинг янги варианты ёзувчининг катта ижодий ютуғидир, буютуқ партиявий танқиднинг санъаткорга илҳом бағишловчи буюк куч эканлигини кўрсатади.

Александр Александрович Фадеев хизматига яраша жуда кенг шуҳрат топди, у энг сеvimли совет ёзувчиларидан бири эди.

А. Фадеевнинг адабий-жамоатчилик соҳасида ва давлат арбоби бўлиб кўрсатган фаолияти ниҳоятда кенг ва хилма-хилдир. У СССР Олий Советининг депутаты, «Халқлар ўртасида тинчликни мустақамлаш учун» халқаро Ленин мукофотлари Комитетининг аъзоси, СССР Совет ёзувчилари союзи правленесининг секретари, Тинчликни сақлаш Совет комитети президиумининг аъзоси эди.

Талантли ёзувчи ва тинчлик ҳамда демократия учун оташин курашчи А. Фадеевни фақат Советлар юртидагина эмас, балки чет элларда ҳам яхши танийдилар. У совет фани ва маданияти арбоблари делегацияларининг раҳбари бўлиб кўп мамлакатларга бориб келди. Тинчлик тарафдорларининг уч марта бўлиб ўтган Жаҳон конгрессида қатнашди.

Батанга кўрсатган жуда катта хизматлари учун А. Фадеев икки марта Ленин ордени билан мукофотланган.

Александр Александрович Фадеев 1956 йилда вафот этди.

Р2
Ф 12

Фадеев А. А.

Ёш гвардия. Роман. О. Рахимий ва
М. Исмоилий тарж. 2-нашри. Т., «Ёш гвардия»,
1972.
696 б.

Фадеев А. А. Молодая гвардия.

Р2

Дўстлар, жангу жадал билан тонг сари илдам,
Найза ва ўқ йўл очади бизга; бос қадам!
Меҳнатимиз бўлсин дунё бўйлаб ҳукмрон,
Бўлғусидир бир оила жумлаи жақон,
Жангга, жангга, ишчи-деҳқон ёш гвардияси!

Ёшлар қўшиғи

БИРИНЧИ БОБ

— Валя, бу ёққа бир қарасанг-чи, бу қандай, ажойиб-а! Шундай ҳам чиройли бўларми? Худди ҳайкал дейсан... мрамр десанг ўхшамайди, ганчдан ҳам эмас, жони бору, лекин ўзи муздек! Бирам нозик, бирам нафиски, одамзоднинг ҳеч қўлидан келмаса керак. Сув юзида беғубор, қаддини ростлаб, бемалол туришига бир қара... Сувдаги аксига қара, қайси бири чиройли — ажрата олмайсан ҳам; рангини айтмайсанми? Оқ деб ҳам бўлмайди, йўқ, оқликка оқ-ку, аммо товланишини қара,— саргишроғи ҳам бор, пуштиси ҳам, аллақандай ҳаво рангга ҳам ўхшайди... ичига, шудринг тушган жойига бир қарагин, кўзни қамаштириб марвариддай ялтирайди-я! Одамзод ҳали бундай рангни топган эмас, номини ҳам билмайди!..

Қоп-қора сочлари билакдай қилиб ўрилган, устига оппоқ кофта кийган шахло ва қоп-қора кўзлари бирдан катта очилиб порлаб кетган, сал нам босган, ўзи ўша қорайиб турган сувда акси кўринган нилуфар тахлит қиз сув бўйидаги мажнунтол барглари орасидан бошини чиқариб, шу гапларни айтарди.

Унинг кетидан бир оз қозоқ башара, бурни пучуқ, аммо ёш ва истараси иссиққина Валя деган барно қиз барглар орасидан бошини чиқариб:

— Шу топда гулни томоша қилиш пайтими, худо ҳақи, жуда аломатсан-да, Уля!— деди-да, нилуфарга назар ҳам ташламасдан, қирғоқда қолиб кетган қизлардан хавотир бўлиб кўз югуртирди.— Қизлар, ҳой, қизлар!— деб қичқирди.

— Ҳа-ю-у, — деган бир хил овозлар эшитилди яқин атрофдан.

— Бу ёққа келинлар!.. Уля нилуфар топибди! — деди-да Валя, дугонасига ҳазиломуз жилмайиб қараб қўйди.

Худди шу онда, йироқдаги момақалдироқнинг акс садосидай, яна шарқ-шимолдан, Ворошиловград томондан замбарақларнинг гумбурлаган овози эшитилди.

— Яна!

— Яна... — деб Уля шивирлади-ю, кўзларидан сочилиб турган нур дарҳол сўнди.

— Бу сафар бостириб киришса-я! Эй, худойим! — деди Валя.— Эсингдами, бултур қўрққанларимиз? Ҳайтовур, балоқазодан омон қолган эдик! Шуниси борки, бултур бунчалик яқин келишмаган эди-да. Гумбурлашини қара.

Қизлар қулоқ солиб жим қолишди.

— Тўп овозларини эшитсам, тиниқ осмонни, дарахт новдаларини, офтобда қизиб ётган оёгим остидаги майса ўтларни кўрсам, хушбўй ҳидлари димогимга кирса худди ҳаммасидан айрилиб қолаётгандай юрагим эзилиб кетади,— деди Уля, огир хўрсиниб. — Урушда юрагинг шу қадар тош бўлиб кетганки, малҳам бўла оладиган бирон нарсага ҳам қулоқ солмайдиган бўлиб қолгансан, лекин тўсатдан одамга ҳамма нарса яхши кўриниб, юракларинг эзилиб кетади... юрагимни фақат сенга очяпман биласан-ку...

Қизлар япроқлар орасидан мўралаб юзлари бир-бирига жуда яқин турганидан, улар худди бирга нафас олаётгандай эди, бир-бирларига тикилиб қараб туришарди. Валянинг меҳрибон ва шаҳло кўзлари дугонасининг кўзларига итоаткорлик ва севги билан боқарди. Улянинг кўзлари катта-катта, бўтакўз эди, кўз бўлганда ҳам бамисоли қуёшдай порлаб турарди, қоп-қора узун кивриклари орасидан сутдай оқи, сирли ва сурмадай қораси ярқираб турарди, — шу шаҳло кўзларининг ич-ичидан яна ҳалиги нам нур сочилиб тургандай бўлди.

Замбарақларнинг йироқдан гумбурлаган овози ҳатто бу ердаги, пастлик ердан оқаётган дарё бўйидаги дарахт барглариичи ҳам титратиб, ҳар сафар қизларнинг рангини ўчириб юборарди.

— Кеча кечқурун қирга чиққанимиз эсингдами? Қандай яхши эди-я? Эсингдами? — деди Уля, секингина.

— Ҳа, эсимда. Кун ботиши эсингдами? — деб шивирлади Валя.

— Ҳа, ҳа... Биласанми, қирларимиз ҳеч кимга ёқмас, қовжирлаган эмиш, қирдан бошқа ҳеч нима йўқ, кўзга совуқ кўринармиш, мен бўлсам жуда яхши кўраман. Эсимда бор, ойим соғли-

гида полизда ишларди, жуда кичкина бола эдим, чалқанча тушиб, кўкка қараб ётардим-да, кўзим осмоннинг энг баланд жойини кўра олармикин, деб ўйлардим. Кеча кечқурун кун ботишини, терга пишиб кетган отларни, тўплар, аравалар, ярадорларни кўриб, юрагим бир хил бўлиб ачишиб кетди... Ҳориган, толиққан, чанг босган қизил аскарларимиз зўрга юриб борарди. Ана шунда мен бошқатдан куч тўплаш эмас, чекиниш, дақшатли чекиниш бўлаётганигини бирданига фаҳмлаб қолдим. Шунинг учун ҳам улар одамнинг юзига қарашга ботинолмайди, пайқадингми?

Валя индамасдан бошини силкитиб қўйди.

— Қўшиқ айтиб ўйнаб юрган қирларимизга, қуёшнинг ботишига қараб туриб йиғлаб юборишимга сал қолди. Йиғлаганимни ҳеч кўрганмисан? Қош қораяётган пайтдагиси эсингдами?.. Қош қорайганда аскарлар ўтгани ўтган, гумбуралагани гумбуралаган, уфқнинг дам-бадам ярқираши. Ровенькида бўлса керак, ёнғин элангалари, қуёшнинг қип-қизил қонга беланиб ботиши... Биласанми, мен дунёда ҳеч нарсадан қўрқмайман, курашдан ҳам, машаққатдан ҳам, азоб-уқубатдан ҳам, ҳеч нарсадан қўрқмайман. Аммо, нима қилиш кераклигини билсам эдим... Бошимизга дақшатли бир кулфат тушди, — деди Уля ва кўзлари ўтдай чақнади.

— Қандай ширин кунлар кечириб тургандик-а, Улечка? — деди Валя, кўзлари жиққа ёшга тўлиб.

— Агар оламдаги ҳамма одамларнинг раъи бўлса, ақли етса борми, ҳамма, ҳамма ҳам роҳатда яшарди! — деди Уля. — Аммо нима иложи бор, нима қилиш керак! — Дугоналарининг овозини эшитиб, яна болаларнинг эркалашидай оҳанг билан шундай деди-да, кўзларида шўхлик акс этди.

Уля яланг оёғига кийиб олган туфлисини шошилиб ечди-да, қора юбкасини тиззасигача қайириб, дадил сувга тушди.

Чакалак ичидан юғуриб чиққан ва кўзлари худди ўғил боланинг кўзидай ёниб турган хипчагина бир қиз:

— Қизлар, нилуфар! — деб қичқирди. Кейин: — Мен толдим, меники! — деб чинқирди-да иккала қўли билан юбкасини кўтариб, қорайган оёқлари ялт этиб бир кўринди-да, Уляга ҳам, ўзига ҳам марвариддай сув томчиларини сачратиб, сувга сакради. — Вой, чуқур экан-ку! — деб кулди у; бир оёғи сув тагидаги ўсимликлар орасига кириб қолиб, кетинга тислана бошлади.

Яна олти қиз шовқин-сурон солиб сув лабига келишди. Уларнинг ҳаммаси ҳам Уля, Валя ва ҳозиргина сувга сакраган Саша деган нозиккина қиз сингари калта юбка, оддий кофта

кийишган. Донец буйининг иссиқ шамоли, жазирама офтоби гўё бу қизларни бир-биридан фарқ қилдирмоқчи бўлгандай, атайлаб бирисининг оёқ-қўлларини, юзларини, буйин-елкаларини зардай саргайтирган, бирисиникини қорайтириб, баъзилариникини худди оловдай қизиб турган тоғорага солиб олгандай қип-қизартириб юборган.

Бир ерга уч-тўртта қиз тўпланса бир-бирининг гапига қулоқ солмай, гўёки, бутун олам ҳар бирининг гапини билиши, тинглаши лозим бўлгандай, дунёдаги ҳамма қизлар сингари булар ҳам қаттиқ-қаттиқ ҳовлиқиб бараварига гапиришади. Бу қизларнинг ҳам суҳбати шундай эди.

— ...Парашютда ташлади, ўлай агар! Кўҳликкина, сочлари жингалак-жингалак, оппоққина йигит, кўзлари тугмадек!

— Мен сира ҳам ҳамшира бўла олмасам керак: қонни кўрсам ўлгудай кўрқаман!

— Наҳотки бизни ташлаб кетишса? Қайси тилинг билан шундай дейсан! Сира ҳам кўзим етмайди.

— Вой, бирам чиройли гул эканки!

— Майечка, жажжи қиз, агар ташлаб кетишса-чи?

— Сашкага бир қара, Сашкага!

— Бир кўришдаям киши ошиқ бўларми, сенга нима бало бўлган!

— Ҳой, Улька, тентак, чуқур жойга борма!

— Чўкиб кетманглар тагин, жиннилар-эй!

Улар марказий рус губерниялари тилининг украин халқ шеваси, Дон казакларининг лаҳжаси ва Азов денгизи буйидаги Мариуполь, Таганрог, Ростов-Дон шаҳарларидаги жонли тиллар билан чатишишидан келиб чиққан галати бир тилда сўзлашар эдилар. Аммо бутун дунёдаги қизлар қандай гапирса ҳам, уларнинг оғзидан чиққан ҳамма сўз ва иборалар ёқимли ва ширин бўлади.

Дугонасининг офтобдан қорайган болдиригагина эмас, дум-думалоқ, оппоқ тиззаларига ҳам сув чиққанини кўриб хавотир бўлган Валя ёқимли ва меҳрибон кўзлари билан боқиб:

— Улечка, жонгинам, қўйсанг-чи, бошшингга урасанми уни! — дерди.

Уля, бир оёғи билан сув остидаги ўтларни пайпаслаб, қора иштончасининг почасини кўрсатиб, этагини яна баландроқ кўтарди-да, олдинга яна бир қадам ташлади, келишган қоматини эгиб, бўш қўли билан нилуфарни ушлаб олди. Учи попуқдай бўлиб турган бир ўрим кўнғир сочи елкасидан сувга тушиб юза

бошлади; Уля бармоқларини чўзиб бир зўр берган эди, нилуфарни узун танаси билан узиб олди.

— Яша, Уля! Бу ишинга Иттифоқ Қаҳрамони номини берса арзийди... Бутун Совет Иттифоқи Қаҳрамони эмас, масалан, Первомайск конидаги одобли қизлар иттифоқи қаҳрамони!— дерди болдиригача сувга ботиб турган Саша, дугонасига ўғил болаларникига ўхшаш қўй кўзлари билан қараб. Кейин:— гулни бу ёққа бер!— деди-да, этагини тиззасига қистириб, нозик ва эпчил бармоқлари билан Улянинг чаккаларига тушиб турган жингалак қоп-қора сочига гулни қистириб қўйди.

— Бирам ярашдики, ўзимнинг ҳам ҳавасим келиб кетди!.. Тўхта-чи!— деди у, бирдан бошини кўтариб ва қулоқ солиб.— Қаердадир гингиллапти... Эшитяпсизларми, қизлар? Лаънати-ей!

Саша билан Уля дарҳол сувдан чиқишди.

Ҳамма қизлар қизгин куёш нуридан қаариб кетган осмондаги самолётни излаб, бсшларини кўтаришди-да, гоҳ ингичка, гоҳ бўғиқ ва йўғон гуриллаган товушларга диққат билан қулоқ солиб туришди.

— Бир эмас, учта-я!

— Қани, қани? Мен кўрмаяпман...

— Мен ҳам кўрмаяпман, овозидан билдим...

Моторларнинг дириллаган овози гоҳ қўшилишиб даҳшат билан гуриллар, гоҳ бўлиниб-бўлиниб авжга чиқарди. Самолётларнинг қаердадир қизларнинг тепасида гувиллаган овози келиб турарди, улар кўринмаса ҳам, қора сояси гўё қизларнинг юзини ялаб ўтиб тургандай туюларди.

— Кўприкка бомба ташлаш учун Каменск томонга учди дейман...

— Ё Миллеровога.

— Миллерово деганинг нимаси! Миллеровони бериб қўйишди-ку, кечаги хабарни эшитмадингми?

— Барибир, жанг ўша жануб томонда бўляпти.

Қизлар, назарларидан анча яқинлашиб келаётган даҳшатли гулдурос замбарак овозларига беихтиёр қулоқ солар ва:

— Энди нима қилдик, қизлар?— дейишарди.

Уруш қанча оғир ва даҳшатли бўлмасин, одамларга қанча зарар ва талафот келтирмасин, барибир, куч-қувватга, севги ва келажак умид-орзуларига тўлиб барқ уриб турган, содда, эзгу ният ёшлик то ўзининг бошига хавф ва кулфат тушмагунча, умуман, хавф-хатарликлар туфайли ўз бошига тушаётган

хавф-хатар ва кулфатлар билан иши бўлмайди, ақли ҳам етмайди.

Уля Громова, Валя Филатова, Саша Бондарева ва қолган бошқа қизлар Первомайск конидаги ўн йиллик мактабни шу йил баҳорда тамомлашган.

Еш ўспирининг ҳаётида мактабни тамомлаш катта бир воқеа, уруш бўлиб турган вақтда мактабни тамомлаш, эса айниқса, муҳим бир ҳодиса.

Бултур бутун ёз бўйи, уруш бошланиб кетгандан кейин, юқори синфларда ўқиб турган ўғил ва қиз болалар Краснодар шаҳри атрофидаги колхоз ва совхозларда, кўмир конларида, Ворошиловграддаги паровозсозлик заводида ишлашди, баъзилари эса танк ишлаб чиқара бошлаган Сталинград трактор заводида ҳам ишлашган эди.

Кузда немислар Донбассга бостириб кириб, Таганрог билан Ростов-Донни олди. Бутун Украинадан немислар қўлига ўтмаган фақат Ворошиловград области қолган, шунинг учун ҳам армия қисмлари билан бирга чекинаётган ҳукумат идоралари Киевдан Ворошиловградга кўчиб келишди, Ворошиловград билан Сталино (илгариги Юзовка) область ташкилотлари эса энди Краснодарга келиб жойлашган эди.

Кеч кузгача, яъни жанубда фронт пайдо бўлишига қадар, Донбасснинг немислар босиб олган районларидаги аҳоли лой кечиб, дашт лойини шаҳар кўчаларига ташиб келиб, ҳамма ёқни лойга тўлдириб, Краснодар орқали бетўхтов ўтиб турди. Мактаб болалари ўз мактаблари билан Саратов областига кўчиб кетишга отланиб турганда бирданига кўчиш тўхтатилди. Немислар Ворошиловграддан анча нарида тўхтатилган, Ростов-Дон шаҳари яна немислардан қайтариб олинди; немислар қишда Москва ёнида мағлубиятга учради, Қизил Армия ҳужумга ўтди, шу билан ҳамма, энди ишимиз ўнгидан келар, деб умидланиб юрган эди.

Мактаб болалари Краснодардаги шинам уйларда, этернит томли стандарт уйларда, Первомайка хуторидаги оддий уйларда, ҳатто «Шанхай»даги бостирмаларда, урушнинг дастлабки кунларида оила бошлиғи фронтга кетганлиги туфайли ҳувиллаб қолгандай бўлиб кўринган шу уйларда энди бегона одамларнинг, яъни кўчиб келган идораларнинг ходимлари, Қизил Армиянинг дам олаётган ёки фронтга ўтиб кетаётган қисмларига қарашли жангчи ва офицерларнинг туришига, тунаб ўтишларига ўрганиб қолишган эди.

Улар қўшинларнинг ҳамма турини, ҳарбий увонларни, қурол хилларини, мотоциклар, юк ташувчи ва енгил машиналарнинг,— хоҳ ўзимизники бўлсин, хоҳ ўлжа машиналар бўлсин, барибир, номларини жуда яхши билиб оладиган бўлиб қолишган. Танкларнинг қанақалигини,— ҳатто танклар кучининг бир томонида, терак соясида дам олиб тургандагина ё бўлмаса иссиқ офтобда сиртини ярқиратиб ётгандагина эмас, балки Ворошиловграднинг чанг босган йўлларида гумбурлаб кетаётганида ҳам, кузда лой бўлиб кетадиган, қишда эса қор тагида қолиб кетадиган уруш йўлларида кетаётганида ҳам танкларнинг қанақалигини бир қарашда айтиб берадиган бўлиб қолган эдилар.

Улар, осмонда учиб кетаётган самолётларни белгиларига қарабгина эмас, балки фақат овозини эшитиш биланоқ, қайси бири бизники, қайси бири немисларники эканлигини айтиб беришарди. Улар жазирама офтобда ловиллаган ва чангдан қизариб кетган осмонда, ойдин кечалари ва қоп-қоронғи тунда учиб кетаётган самолётларнинг ҳам кимникилигини беҳато айтиб беришарди.

— Ана, бизнинг «лаглар»имиз (ёки «миглар»имиз ёки «яклар»имиз)¹,— дейишарди бемалол.

— Ана, «мессер»²лар учиб кетяпти!

— Ана. «Ю—87»³ Ростовга қараб кетди,— деб писанд қилмай гаплашарди улар.

Улар кечалари ПВХО отрядларида навбатчилик қилишга, елкаларига газ ниқоб осиб конларда, мактаб ва касалхона томларида навбатчилик қилишга ўрганиб қолишган эди, шунинг учун ҳам узоқдан эшитилаётган бомбардимон овози осмонни ларзага солганда, кечалари Ворошиловград устида прожектор шуъалари бир-бири билан тўқнашиб ярқираганда, уфқнинг гоҳ у ерида, гоҳ бу ерида ёнғин алангалари ловилаб турган пайтларда, душманнинг аллақаяқдан пайдо бўлган шўнгувчи аэропланлари чўлдан тизилиб бораётган автомашиналарга куппа-кундуз куни бомба ёғдириб, кетидан тош йўл бўйлаб тўп ва пулемётлардан ўқ отган жангчи ва отлар худди глиссер учадигандай бўлиб сувни ёриб боргани сингари икки ёнга қочган пайтларда ҳам уларнинг юраклари сира чўчимас эди.

Узоқ колхоз далаларига борадиган йўлларда уларнинг баҳри очиларди; юк машиналарига тушиб чўлда кетаётганда овоз-

¹ Совет ҳарбий самолётларининг номи.

² Немис қирувчи самолётларининг номи.

³ Немис бомбардимончи самолётларининг номи.

ни барала қўйиб қўшиқ айтишлар, етилиб пишган бепоеън бугдойзорлар ичида ёз пайтида кезиб юришлар, бирор арпазор ичида қоронги кечаси кулги ва ширин суҳбат қилиб ўтиришларнинг завқини билишарди, йигитларнинг гўдир қўлида қизларнинг илиқ қўли бир соат, икки соат, уч соатлаб қимирламай ётган пайтлар, илк тонг нури адирлар устига тушганда, сур ранг, пушти ранг томларга тушган шудрингларнинг товланиб кўриниши, шудринг томчилари саргайиб қолган кузги акас баргларида ерга чак-чак томганда, сўлиб қолган гулларнинг нам тупроқ тагидаги илдиэларидан чириган ҳид ва узоқдаги ёнғиндан тутун ҳиди келганда, кечаси билан ухламай гўё оламда ҳеч қандай ўзгариш бўлмагандек хўроз бемалол чақирган пайтгача томда ўтириб чиқишлар уларга ҳузур ва роҳат бағишларди.

Мана энди улар шу кўкламда мактабни битириб, ўқитувчилари ва ташкилотлари билан хайрлашган ҳам эдиларки уруш худди уларни пойлаб тургандек, олдиларидан чиқиб қолди.

23 июнда бизнинг қўшинларимиз Харьков томонга чекинди. 3 июлда эса, саккиз ойлик мудофаадан кейин радиодан, худди чақмоқ чақнагандай, қўшинларимиз Севастополни ташлаб чиқишди, деган хабар берилди.

Старий Оскол, Россось, Кантемировка ва Воронеждан ғарбда, кейин Воронеж остоналарида, 12 июлда эса Лисичанск шаҳарида жанглар бўлди. Бир вақт қўшинларимиз Краснодар орқали чекина бошлади.

Лисичанск бўлса жуда ҳам яқин. Душман Лисичанскка яқинлашиб қолган бўлса, демек эртага Ворошиловградга, индигина Краснодар билан «Первомайка» га етиб келади, бу шаҳар кўчаларининг ҳар бир майсаси таниш, жасмин билан сиренлари гуллаб турибди, ота-боболар унда ўз қўллари билан боғлар ўстирган, уйлари салқин, ота ишдан қайтганда военкоматга кетиш олдидан кираверишда ўнг томондаги қозиққа илиб қўйган шахтёр коржомаси ҳали ҳам осиглигича турибди; она ўз меҳрибон, меҳнатқаш қўллари билан тахта полларни чиннидек қилиб ювган; дераза токчасида сув қўйиб қўйилган атиргуллар ўсиб турибди; столга гулдор топ-тоза полотно дастурхон ёзиғлиқ, — наҳотки шу шаҳарга, шу уйларга немис-фашист бостириб кирса!

Шаҳарда, гўёки умрбод шу ерда қолиб кетмоқчи бўлгандай, ҳамма вақт ҳар нарсадан хабардор, жуда бамаъни ва сермулоҳаза, соқол-мўйловлари тоза қирилган интендант майорлар об-

дан жойлашиб олган эди. Улар уй эгалари билан ҳазилкашлик қилиб қарта ўйнашар, бозордан туэланган тарвуз олиб келишар, фронтдаги аҳволни бажону дил тушунтириб беришарди, вақти келганда уй эгаларининг боршига консерваларини аямай солдиришарди. 1-бис конига қарашли Горький номли клубда ва шаҳар паркидаги Ленин номли клубда танцага ишқи-воз, кайфи чоғ, шўх, одобли бир талай лейтенантлар айланишиб юрарди. Лейтенантлар шаҳарда гоҳ пайдо бўлиб, гоҳ тезда ғойиб бўлиб қолар эдилар, кейин яна бир талай бошқалари пайдо бўлар эди, қизлар уларнинг офтобда қорайган мардона юэларига шундай ўрганиб қолишган эдики, уларнинг ҳаммаси баб-баравар яқин кишидай бўлиб қолган эди.

Кейин бирданига ҳаммаси йўқ бўлди-қолди.

253743
Тинч Верхнедуданная станцияси — командировкадан ё қариндошлариникидан қайтувчилар ёки бир йил ўқиб ёзги каникулга келаётган студентлар шу станцияга келганда, ҳар бири: «Уйимга етдим» деб ҳисобларди,— мана шу Верхнедуданная станцияси ва Лихая — Морозовская — Сталинград темир йўлининг бошқа ҳамма станциялари станоклар, одамлар, замбарак ўқлари, машиналарга ва ғаллага тўлиб кетган эди.

Акас, терак ва клён дарахтлари сосида қолиб кетган уйларнинг деразаларидан болалар ва котин-халажларнинг йиғиси эшитиларди. Бир хонадонда она болалар уйи билан ёки ўз мактаби билан жўнаб кетаётган боласини йўлга отлантирарди; бир уйда оналари қиз ёки ўғлини кузатади, яна бошқа бир уйдагилар ўз ташкилоти билан бирга шаҳарни ташлаб кетаётган эри ёки отаси билан видолашади. Дарчалари маҳкам беркитилган уйлар шу қадар жимжит эдики, бу жимжитлик она йиғисидан ҳам даҳшатлироқ туюларди,— бу уйлар бутуналай ҳувиллаб қолган, ё бирон кампир буви бутун оиласини кузатиб, йиғлашга ҳам мадори қолмай, қўлларини солинтириб, юраги тошдай қотиб, уй ичида якка ўзи ўтирарди.

Эрталаб узоқ-узоқда отилган тўп овозидан уйғониб кетган қизлар ота-оналари билан олишгани олишган; улар ота-оналарига: биз шу ерда қоламиз, ҳеч қаёққа кетмай-миз, сизлар дарҳол шаҳардан жўнашларинг керак, дейишарди, ота-оналар эса: бизнинг беш кунлик умримиз қолдими, йўқми, сиз комсомол қизлар фалокат бўлиб, номусингиз букилиб қолишдан қочинглар, дейишарди. Қизлари нари-бери нонушта қилиб, янги хабар эшитиш учун бир-бирлариникига ю-уришади. Шундай қилиб, биронталарининг чала ёруг уйига



кириб, бўлмаса боғдаги олма тагида иссиқдан ҳаллослаган бир гала қушдай узоқ-узоқ ўтиришади ёинки келгусида бошларига кулфат тушишини ғира-шира пайқаб, ғам-ғуссаларини ичларига сиғдира олмай, унга ақллари ҳам етмай, сой бўйидаги қалин дарахтзор ичига кириб кетишади.

Шу орада бахтсизликлар ҳам етиб келди.

— Ворошиловградни қўлдан беришган ҳам бўлса керак, лекин бизга айтишмаяпти-да!— деди юзи япалоқ, чўққи бурун, ялтираган сочлари силлиқ таралган, икки жамалаги олдинда диккайиб турган кичкина бир қиз, чинқирган овоз билан.

Бу қизнинг фамилияси Вирикова, оти Зина эди, аммо ёшлигидан бери мактабда унинг отини ҳеч ким айтмас, фақат фамилиясини айтиб, Вирикова, Вирикова деб юришарди.

— Қизик гапирасан-а, Вирикова! Қўлдан берилмагандирки, айтишмаяпти,— деди Майя Пегливанова деган қорачадан келган лўли башара қора кўз, чиройли қиз ўзига маҳлиё бўлиб, қалин пастки лабини қисиб.

Мактабни бу йил баҳорда битириб чиқишига қадар Майя мактаб комсомол ташкилотининг секретари эди, шунинг учун у ҳамманинг сўзини тўғрилашга, ҳаммани тарбиялашга ўрганиб қолган эди, умуман у ҳамма ишда тартиб бўлсин деяр эди.

— Сенинг: «Қизлар, сиз диалектикани билмайсизлар!» демоқчи бўлиб турганингни биз аллақачон биламиз,— деган эди Вирикова, худди Майяга ўхшатиб, қизлар кулиб юборишди.— Ростини айтишиб бўпти бизларга, хотиржам бўлинг! Шунча ишона бериб, энди ишончимиз ҳам қолмади!— деди бир-бирига яқин кўзларини чақнатиб ва олдига диккайиб чиқиб турган кокиларини тўғрилаб.— Ростовни яна бериб қўйишган бўлса керак, энди бориб суқуладиган жойимиз ҳам қолмади. Ўзлари думларини хода қилиб қочишяпти,— деди яна Вирикова; бу гапларини, у, афтидан, бошқалардан эшитган бўлса керак.

Майя овозини босишга тиришиб:

— Қизик гапларни гапирасан-а, Вирикова, яна комсомол аъзосисан! Пионервожатий ҳам бўлгансан! Шундай гаплар сенга ярашадими?— деди.

— Ке, бу билан ади-бади айтишиб ўтирма,— деди Шура Дубровина. Бу ҳаммаларидан каттароқ, сочлари эркакларники сингари калта қирқилган, қоши йўқ қиз эди, ғалати кўк кўзлари юзига аллақандай тус бериб турарди.

Харьков университетининг студенткаси Шура Дубровина бултур Харьковни немислар олиши олдидан Краснодонда ямоқ-

чилик ва сарроқлик қилувчи дадасиникига қайтиб келган эди. Ҳамма қизлардан уч-тўрт ёш катта бўлишига қарамай, ҳамма вақт шу қизлар билан бирга юрарди, чунки Майя Пегливановага ичида меҳр қўйган, қизларнинг айтишича, «игна кетидан ип» дай, доим Майянинг кетидан эргашиб юрарди.

— Ке, ади-бади айтишиб ўтирма у билан. Унинг одати шунақа, барибир бошига шу гапларни қўйиб олгандан кейин, уни ўзгартира олмайсан,— деди Шура Дубровина, Майяга қараб.

— Ёз бўйи окоп қаздиришди, қанча меҳнатимиз сарф бўлди, мен бир ой касал ҳам бўлиб ётдим, энди ўша окопларда кимлар ўтирибди?— деди кичкина Вирикова, Майянинг гапига қулоқ солмасдан.— Окопларни ўт босиб ётибди. Ё ёлгонми?

Ингичкадан келган Саша жўрттага ажабланган бўлиб кифтини қоқди-да, Вириковага кўзларини олайтириб, чўзиб-чўзиб хуштак чалиб қўйди.

Бироқ қизларнинг Вирикованинг гапларига гижиниб қулоқ солиб туришганига сабаб унинг гаплари эмас, умуман, аҳволнинг номаълумлиги эди.

— Аҳвол, ростдан ҳам, ёмон-ку, а?— деди Тоня Иванихина гоҳ Вириковага, гоҳ Майяга қўрқа-писа қараб. Тоня Иванихина қизлар ўртасида энг кичиги бўлиб, жуссаси катта, оёқлари узун, бурни катта, қоп-қора сочлари катта-катта қулоқлари орқасига тушириб таралган эди. У шу сўзларни айтаркан, кўзларига жиққа ёш тўлди.

Тоня Иванихинанинг уруш бошларидаёқ фронтга ҳарбий фельдшер бўлиб кетган Лиля деган севгили опаси Харьков томонида бўлган жангларда дом-дараксиз бўлиб кетгандан бери, унга оламдаги ҳамма нарса бедодлик ва мудҳиш бўлиб кўринарди, унинг кўзларидан ёш аримасди.

Ҳақат Уля қизларнинг гапига аралашмасдан, гўё бошқа қизларнинг ташвишига шерик бўлмагандай турарди. У узун ҳўл сочларини сиқди-да, яна ўрди, сўнгра бир оёгини, кейин иккинчисини офтобда қуритди. Қора кўзларига, қора сочларига ярашган оппоқ нилуфар таққанича, худди ўзининг гапига ўзи қулоқ солгандай, бирмунча вақт бошини қўйи солиб ўтирди. Оёқлари қуригандан кейин, Уля узунчоқ кафти билан оёғининг офтобда қорайган юзини ва гардиш бўлиб оқариб турган пастларини артди, кейин бармоқларини, товонларини артиб, туфлисини чаққон кийиб олди.

— Мен аҳмоқ бўлмай, ким бўлсин! Аҳмоқ бўлмасам махсус мактабга кир деб таклиф қилганларида кириб кетмасмидим!—

деди чуваккина Саша.— Мени энкаведенинг махсус мактабига кир дейишган эди,— деб соддадиллик билан тушунтириб берди, ўғил болаларга хос беғамлик билан ҳаммага қараб қўйиб.— Шу ерда, немисларнинг орқа томонида қолардим, қолганимни билмас эдиларинг ҳам. Сизлар бу ерда довдираб юраверардиларинг, мен бўлсам ҳеч нарсани писанд қилмай юрардим. «Нучук Саша бунча бемалол юрибди?» деб ўйлардиларинг. Мен бўлсам бунда энкаведе вакили бўлиб қолардим!— Мен бу гестаподаги аҳмоқларнинг,— деб бирданига пиқ этиб кулиб, Вириковага муғамбирона қараб қўйди-да,— мен бу аҳмоқларнинг додини бериб ўйнатиб қўярдим,— деди.

Уля бошини кўтариб Сашага жиддий тикилиб қараб қўйди-ю, қиёфаси ўзгариб, лабими, бичими келишган бурними, аллақаери қимираб кетди.

Вирикова жамалагини ликиллатиб жаҳл билан деди:

— Мен энкаведесиз ҳам шу ерда қолавераман. Нима қипти? Мен билан ҳеч кимининг иши бўлмагандан кейин, илгари қандай турган бўлсам, бундан буён ҳам шундай туравераман. Нима қипти? Мен ўқувчиман, немисча айтганда, гимназисткаман. Минг қилса ҳам улар маданий кишилар-ку, менга қанчалик зиёни тегарди?

— Гимназисткасан?!— деб юборди жаҳли чиққанидан қипқизариб Майя.

— Гимназиядан ҳозир келиб турганлари, саломат бўлсинлар!

Саша бу гапларни Вириковага шу қадар тақлид билан айтдики, қизлар яна беихтиёр кулиб юборишди.

Шу онда еру кўкни ларзага келтиргудек даҳшатли гумбурлаш овози қизларни қар қилаёзди. Дарахтларнинг барглари, шох-новдалари, пўстлоқлари учиб кетди, ҳатто сув бети ҳам чайқалиб кетди.

Қизларнинг ранги ўчиб кетди, улар бир неча секунд жим бир-бирлариға қараб қолишди.

— Яқин ўртага бомба ташладими дейман, а?— деб сўради Майя.

Ҳамиша фалокатни ҳаммадан олдин пайқайдиган Тоня Иванихина кўзларини катта очиб:

— Учиб ўтишганига анча бўлувди-ку, бошқаларининг овози эшитилмаган эди-ку, — деди.

Шу пайтда бири шу яқин ўртада, бошқаси сал олисроқда яна икки бомба олдинма-кетин портлади-ю, бутун еру кўкни титратиб юборди.

Қизлар, худди олдиндан гаплашиб қўйгандек. офтобда қорайган болдирларини кўрсатиб ҳеч овоз чиқармай, дарахтлар орасидан посёлка томонга қараб илдам юриб кетишди.

ИККИНЧИ БОБ

Қизлар офтобдан қақраган, қўй-эчкилар юравериб чанги ўйнаб кетган Донец қиридан чопиб боришарди. Ҳозиргина яшил ўрмон қўйнида юрганларига ишонгилари келмас эди. Икки ёғини дарахт қоплаган жарлик шу қадар чуқур эдики, қизлар уч юз, тўрт юз қадам чопиб борганларидан кейин на жарлик, на унинг тагидан оқаётган сой ва дарахтлар кўринмай қолди, ҳаммасини қир ютиб юборгандай бўлди.

Бу қир Астрахань ёки Сал қирлари сингари теп-текис эмас, паст-баланд қирлар эди. Йироқда, жануб ва шимол томонларда уфқ сари ёйилиб кетган тепаликлар худди қанотини ёзиб турган баҳайбат қушга ўхшарди, унга қизиганидан оппоқ тусга кирган ҳаво худди кўк лаганга солингандек, жимжима қилиб туради.

Онда-сонда, қақраб кетган кўк қирнинг ўнқир-чўнқир кўк-сида, паст-баландликларда буғдой, маккажўхори, кунгабоқар, лавлаги экилган ерлар орасида кончиларнинг посёлкалари, хуторлар, шахта миноралари, уларнинг ёнида минорадан ҳам баланд терриконлар — шахталардан чиқариб тўкиб қўйилган жинслардан ҳосил бўлган тим ҳаво ранг террикон конуслари кўриниб туради.

Посёлка билан шахталар ўртасидаги ҳамма йўллар қочқинлар билан тўлиб-тошган, улар Каменск ва Лихая йўлига чиқиб олишга шошилар эдилар.

Ғарбда, ғарби-шимолда ва шимолда жуда олисларда бўлаётган даҳшатли жанг, аниқроғи, катта ва кичик беҳисоб жанглар садоси бу бағри кенг қирда барала эшитилиб турарди. Йироқда ёнаётган биноларнинг тутуни осмонни секин-аста қоплаб, баъзи ерларда уфқнинг гоҳ у ерини, гоҳ бу ерини пардадек тўсиб олган.

Қизлар ўрмон ичидаги жарликдан елиб-югуриб чиқишлари биланоқ, дастлаб яна уч жойдан тутун бурқсиб чиқаётганини кўриб қолдилар, — буларнинг иккитаси яқин ерда бўлиб, биттаси йироқда, тепаликлар орасида, ҳали кўринмаётган шаҳар атрофида эди. Бу тутунлар осмонга ёйилиб, секин-аста йўқ бўлиб борар эди. Агар шаҳарга яқинлашган сари бу портлаш овозлари эшитилмаса ва димоққа ураётган худди сассиқ саримсоқ ҳиди

сингари ўткир ҳид сезилмаса, қизлар бу тутунга эътибор ҳам беришмас эди.

Қизлар Первомайск посёлкаси ёнидаги тепаликка югуриб чиқшиди, тепалик ва пастликлардаги посёлка ва уни Краснодондан ажратиб турувчи узундан-узоқ тепаликка солинган Ворошиловград йўли кафтдек текис кўриниб турарди. Кўзга кўринган ҳамма йўлни ҳарбий қисмлар ва қочқинлар босиб кетган, уларнинг ораларини ёриб, тўхтовсиз сигнал бериб машиналар, — оддий граждан машиналари, кўм-кўк қилиб бўялган, пачақ бўлиб чанг босган ҳарбий машиналар, юк машиналари, енгил, санитар машиналар ўтарди. Сонсиз-саноқсиз оёқ ва гилдираклар остидан кўтарилган қалин ва сарғиш тўзон бутун йўл устини қоплаб олган эди.

Шу онда одамнинг ақлига сиғмайдиган қизиқ бир ҳодиса юз берди: 1-бис конининг тош метиндан ишланган биноси (бу кон шахарда энг катта бино бўлиб, тош йўлдан яққол кўриниб турарди) бирданига ларзага келди. Баҳайбат елпуғичдай осмонга кўтарилган қалин кўмир чангги бинони бир лаҳза кўздан яширди, ер остидан чиққан ва кўкка кўтарилган даҳшатли гулдуродан қизлар бир сесканиб тушди. Кўкка созурилган чанг ерга кўнғандан кейин осмон ёришиб, бинодан ном-нишон қолмагани равшан бўлди. Офтобда ялтираб турган қора ҳайбатли террикон қимирламай ўз жойида турар, бино ўрнида эса қорамтир ифлос тутун бурқсиб ётарди. Тош йўл устида ҳам, ғала-ғовур тўлиб-тошган Первомайск посёлкасида ҳам, бу ердан кўринмай турган шахарда ва бутун теварак-атрофда ҳам гўё одамларнинг йиғи-сигиси, қарғиши ёхуд азоб чекиб инграшлари — ҳаммаси қўшилишиб аллақандай даҳшатли чўзиқ ингроқ товуш эшитиларди.

Қочқинлар билан машиналарга тўлиб кетган тош йўл, еру кўкни ларзага солган портлаш овозлари, ҳалиги бинонинг емирилиши, буларнинг ҳаммаси қизларга бир лаҳзада жуда огир таъсир қилди. Уларнинг кўксидан жўш урнб турган ҳамма ҳислардан биргина ҳис — охиратдан, жаҳаннамдан дарак берувчи ҳис устун чиқди, бу ҳис қўрқинчдан ҳам ўткирроқ ва кучлироқ эди.

— Қизлар! Конларни портлатишяпти!..

Бу кимнинг оҳу фиғони эди? Тоня Ивановнадан чиққан бўлса керак, аммо бу овоз гўё ҳар бир қизнинг кўксидан чиққандай эди.

— Қизлар!.. Конларни портлатишяпти!..

Қизлар бир-бирларига ортиқ бир нима дейишга улгуришмади. Улар ўз-ўзидан тарқалишиб, кўплари посёлкага, уй-уйларига, Майя, Уля ва Сашалар эса сўқмоқ йўлдан шаҳарга, комсомол райкомига югура кетишди.

Бироқ, қизлар тил бириктирмасдан иккига бўлинган онда Валя Филатова бирдан энг яқин дугонасининг қўлидан ушлади.

— Улечка! — деди у, қўрққан ва ёлворгансимон. — Улечка! Қаёққа борасан? Юр уйга... — деди-да, тили тугилиб қолди. — Тағин бирон бало чиқиб қолмасин!..

Уля бутун қадди билан қайрилиб, индамай унга тикилиб қаради. Йўқ, унинг кўзлари Валяни тешиб ўтиб узоқ-узоқларга тикилгандай унинг қора ўткир кўзлари худди учиб кетаётган қушдай қанот қоқиб борарди.

— Шошмай тур, Улечка... — деди Валя ёлвориб. Бир қўли билан Улянинг қўлидан тортди, бир қўли билан Улянинг кўнгири қора сочларидан нилуфарни юлиб олиб, ерга улоқтирди.

Бу шу қадар тез бўлдики, Уля бунинг сабабини билиш у ёқда турсин, ҳатто пайқамади ҳам. Ана шундай қилиб, икки қадрдон дугона умрларида биринчи мартаба икки томонга айрилишиб кетишди.

Буларнинг бариси бўлган ҳодиса эканлигига ишониш қийин эди, лекин Майя Пегливанова бош бўлиб бораётган уч қиз тош йўлдан ўтганда бунинг ростлигини ўз кўзлари билан кўриб ишондилар: 1-бис конининг конуссимон ҳайбатли террикони ёнидаги ҳашаматли бино ва унинг юк кўтарувчи қудратли иншоотларидан ном-нишон қолмаган, осмонга буралиб-буралиб кўтарилаётган сарғиш тутун теварак-атрофни сассиқ саримсоқ ҳиди билан тўлдириб юборган эди.

Гоҳ олдиндаги, гоҳ яқиндаги янги-янги портлашлар ер ва кўкни ларзага солиб турарди.

Шаҳарнинг 1-бис конига ёндашган ва қиёқ босиб ётган чуқур жарлик билан шаҳар марказидан ажралиб турган ва бир-бирига туташиб кетган лой тупроқ уйлاردан иборат кварталларнда ваҳима ва саросима ҳукм сурарди. Шаҳарнинг бу қисми, агар жарликда ариқчанинг ҳар иккала томонидаги лойдан ясалган майда-чуйда кулбалар ҳисобга олинмаса, шаҳарнинг марказидаги сингари, ҳар бири икки-уч хонадонга мўлжаллаб солинган бир қаватли тош иморатлардан иборат эди. Томлари черепица ёки этернит билан ёпилган бу уйларнинг ҳар бирининг саҳнида резавор ва гулзор бўлар эди. Баъзи уй эгалари ё олча, ё

сирень, ё бўлмаса жасмин экиб ўстирган, баъзилари чиройли қилиб бўялган панжара девор ичига қатор-қатор акас, клён дарахтлари ўтқазган эди. Ана шу шинам уйли ва боғли кўчалардан энди ишчилар, хизматчилар, эркаклар ва аёллар колонналари, Краснодон корхона ва идораларининг юки ортилган машиналар секин-аста оқиб борарди.

«Уюшмаган аҳоли»лар уй-уйларини ташлаб кўчага чиқар эди. Баъзилари юзларида азоб-уқубат акс этган ҳолда ё бўлмаса қизиқсинган ҳолда, кетиб борувчиларни ўз ҳовлиларидан кузатиб қолар, баъзилари эса халта ва қопларини елкаларига ортиб ё лаш-лушлари билан бирга бола-чақаларини ҳам галтак араваларига тушириб олиб, колонна ёнидан кетиб борар эдилар. Портлаш товушига қизиққан ёш-яланглар 1-бис кон томонга югуриб кетди, бироқ у ерни ўраб олган милиционерлар яқин йўлатмасди. Кон томондан ҳам тўда-тўда одамлар буларга қарши келарди, бозор томондаги кўчалардан қочиб, сават кўтарган ёки гилдирак арава тортган колхозчи аёллар, от ёки ҳўкиз қўшилган, дон ёки сабзавот ортилган аравалар — ҳаммаси кон томондан қочиб келаётган оқимга қўшиларди.

Колонналардаги одамлар қош-қовоқлари солиқ ҳолда чурқ этмай боришарди; уларнинг барини бир фикр, бир хаёл шу қадар банд этган эдики, ҳатто атрофда нималар бўлаётганидан улар беҳабарга ўхшарди. Фақат колонналар ёнидан борувчи раҳбарлар кўчани тўлдириб ҳаракатга халақит бераётган қочқинлар ўртасида тартиб ўрнатишда пиёда ва отлиқ милиционерларга ёрдам бериш учун гоҳ тўхтар, гоҳ олдинга югуриб борар эдилар.

Халойиқ ичидан бир аёл Майянинг қўлидан ушлаб олди, Саша Бондарева ҳам уларнинг ёнида тўхтади, аммо райкомга тезроқ етиб боришга шошилган Уля одамларга урила-туртина елиб борарди.

Жарлик томондан гуриллаб келиб қолган яшил юк машина бир тўда одамлар билан бирга Уляни ҳам суриб бориб, стандарт уйлардан бирининг панжара деворига сиқиб қўйди. Панжара деворнинг эшиги бўлмаганда, Уля икки туп сирень гул тагида турган бўйи паканароқ, олтин соч, қадди-қомати жуда келишган, кўк кўз бир қизни туртиб йиқитиб юборарди.

Ажабки, шундай бир пайтда, эшикка келиб урилган ва қизни йиқитишига сал қолган Улянинг кўзига бу қиз вальсга ўйин тушаётгандай бўлиб кўринди. Улянинг қулоғига ҳатто духовой оркестр чалаётган вальс ҳаволари ҳам эшитилгандай бўлиб

кетди.— бу ширин хаёллар Улянинг қалбини тешиб кетгандай бўлди.

Бу қиз саҳнага чиқиб ҳам ўйнар, ҳам ашула айтарди, залда ҳам ўйнар ва ҳам кўшиқ куйларди, тонг отгунча ким тўғри келса, у билан танца туша берарди, ҳеч чарчамасди, танцага таклиф этувчиларнинг биронтасига ҳам йўқ демасди, теп-текис ва садафдек тишлари ва кўм-кўк кўзлари севинчдан порлаб турарди. Қачон шундай бўларди у? Урушдан олдинги ҳаётда, тушида бўлса керак.

Уля бу қизнинг фамилиясини билмасди, уни ҳамма Люба, кўпинча Любка дерди. Ҳа, Любка, ўғил болалар «Любка — артистка» деб юрадиган қиз шу эди.

Ҳаммадан ҳам қизиги шуки, шундай тўс-тўполон бўлиб турган бир пайтда Любка худди клубга отлангандай ясениб, сирень гул тагида бемалол томоша қилиб турарди. Унинг доим офтоб тегизмай юрадиган чеҳраси, яхшилаб таралган ва жингалак қилиб пардозланган олтиндай товланувчи сочлари, фил суяги каби оппоқ қўллари ва ҳозиргина маникюр қилдиргандай ялтираб турган тирноқлари, пошналари баланд, ихчамгина сариқ туфли кийган чиройли, тўла, бежирим оёқлари, — булар ҳаммаси шундай эдики, гўё ҳозир саҳнага чиқиб, ўйинга тушмоқчи бўлиб тургандай эди.

Аммо унинг қип-қизил юзида, юзига нисбатан бир оз каттароқ кўринган қалин ва қип-қизил лабларида, бир оз қисик, лекин жуда ўйноқи кўк кўзларидаги ғоят шўхлик, лекин шу билан бирга соддадиллик ва ақл аломатлари Уляни янада ажаблантирди.

Бу қиз, Улянинг панжара эшигини синдириб юборишига сал қолганини жуда табиий бир нарса деб қарар ва Уляга назар ҳам ташламай, пинагини ҳам бузмай, кўчага илгаригидай бамайлихотир қараб турар, алланималар деб қичқирарди.

— Ҳой, тентак! Нега одамларни бостирасан?.. Калланг ишламай қолдими дейман, одамлар ўтиб бўлсин, ахир, нега... болаларни бостирасан! Ҳой, қаёққа, қаёққа... Вой ҳафтафаҳм!—янги йил! — деб бурнини кўтариб, қалин киприклари остидаги кўк кўзларини чарақлатиб машина шофёрига бақириб қолди. Шофёр, тўп-тўп одамларга йўл бериш учун ҳам машинани панжара девор эшиги ёнида тўхтатди. Машинага милиция идорасига қарашли буюмлар ортилган бўлиб, бир неча милиционер қўриқлаб борарди.

— Э-ҳа-а, бир машинага шунчаларинг чиқиб олдиларинг-

ми, тартиб ўрнатувчилар! — деб қичқирди Любка, янги гап топилганига хурсанд бўлгандай. — Халқни тинчитиш ўрнига ўзларинг қочиб қолибсанлар-да! — Кичкина қўлларини силтаб деди-да, худди ўғил болалардай ҳуштак чалиб қўйди.

— Нега вағиллаепти бу аҳмоқ! — деди машинадаги милиция бошлиқларидан бири, сержант, унинг бу ножўя гапларидан жаҳли чиқиб.

Бироқ, сержант, бу гапни айтиб, бошига бало ортдирганини пайқамади.

— Э, сизмисиз, ўртоқ Драпкин! — деб масхара қила бошлади Любка уни. — Қаердан пайдо бўлиб қолдинг, ҳой қизил баҳодир?

«Қизил баҳодир» даргазаб бўлиб, машинадан сакраб тушмоқчи бўлгандай ҳаракат қилди:

— Тилингни тиясанми, йўқми?..

— Тушолмайсан, машина кетиб қолади деб қўрқасан, — деди Любка, овозини ҳам ўзгартирмай, жаҳли ҳам чиқмай. — Хайр бўлмасам, яхши борсинлар, ўртоқ Драпкин! — деб бемалол кичкина қўли билан ишора қилиб кузатиб қолди, газабидан қипқизариб кетган милиция бошлиғини. Милиция бошлиғи чиндан ҳам машинадан тушишга журъат этолмади, машина жўнаб кетди.

Агарда бу қизчанинг кўм-кўк кўзларида болаларча маъсумлик ифодаси бўлмаганда ва унинг пичинглари ҳақиқатан ҳам бу гапларга лойиқ кишиларгагина қаратилиб айтилмаганда эди, ҳамма тўс-тўполон қилиб қочаётган бир пайтда унинг гапларига четдан қулоқ солиб турган ва унинг бир жойда бемалол турганини кўрган киши бошига кулфат тушган совет кишиларининг масхара қилувчи ёт унсур, немисларни бетоқат қилиб кутувчи душман деб гумон қилиши мумкин эди.

— Ҳой, шляпалик! Сени қара, ҳамма юкни хотинингга юклабсан-у, ўзинг бўш кетяпсан! — деб қичқиради қиз. — Хотининг бояқиш ўзи нимжон экан. Тагин шляпа кийиб олибсан-а! Э, шўрим, қурисин!..

Аравада кетаётган бир кампирга қараб дерди:

— Ҳой буви, одамлар ўзи билан ўзи овора деб, колхоз болрингини ҳадеб ея берасанми? Совет ҳукумати жўнаб кетяпти, ҳеч ким кўрмайди деб ўйларсан-да? Худо-чи, худо кўрмайдими? Худо ҳамма нарсани кўриб турибди!

Унинг гапларига ҳеч ким эътибор бермасди, буни ўзи ҳам биларди, у эрмакка ҳақ жойини топтираётгандай кўринарди. Унинг довураклиги ва хотиржамлиги Уляга шу қадар ёқдики,

бу қизга нисбатан ўзида дарров ишонч ҳосил бўлди ва унга қараб туриб:

— Люба, мен первомайкалик комсомолкаман. Уля Громова. Айт-чи, бу тўс-тўполоннинг сабаби нима? — деди.

— Одатдаги тўс-тўполон-да... — деди Любка, нур сочиб турган шўх кўзлари билан Уляга дўстона қараб. — Бизникилар саҳарда Ворошиловградни ташлаб чиқишибди. Ҳамма ташкилотлар дарҳол кўчиб кетсин, деб буйруқ кепти...

— Комсомол райкоми-чи? — деб тарвузи қўлтиғидан тушгандек сўради Уля.

— Ҳой, хум калла, нега қизни урасан? Ҳу, заҳар! Ҳозир бориб бир адабингни берайки! — деб ингичка овози билан ҳалойиқ ўртасидаги бир болага дўқ қилди, Любка. — Комсомол райкомими? — деб сўради Улядан. — Комсомол райкоми қаерда бўларди, у ҳамма ишда авангард-ку, эрта кунда ҳамманинг олдига тушиб кетиб қолган... Ҳа, нега ознинг очилиб қолди? — деди Уляга, жаҳл билан. Аммо Уляга ял этиб қараган эди, унинг кўнглидан алланималар ўтаётганини пайқади-да, жилмайди: — Қўрқма, ҳазиллашдим... буйруқ берилган экан, кўчиб кетди, лекин қочгани йўқ. Тушундингми?

Уля:

— Бизлар-чи? — деб сўради; унинг овози интиқом, алам ва ғазаб билан тўла эди.

— Сен ҳам кета бер! Буйруқ эрта саҳар берилган... Эрталабдан бери қаёқда эдинг?

Уля унга қаттиқ тикилиб туриб:

— Сен-чи? — деб сўради.

Любка бир он жим қолди-ю, ақлли чеҳрасида бепарволик ва лоқайдлик пайдо бўлди.

— Менми? Ҳаля бир қарорга келганим йўқ, — деди, Уляни чалғитиб.

— Комсомол аъзоси эмасмисан? — деб суриштира берди Уля; унинг ғазабли ва қоп-қора шаҳло кўзлари Любканинг иссиқ ва сергак кўзлари билан тўқнашди.

— Йўқ, — деди Любка, лабларини чимириб ва орқасига қайрилди. — Дада! — деб қичқирди-да, эшикни очиб, бир нарсдан чўчигандай ва эҳтиром билан йўл бераётган халойиқ ичидан уй томонга қараб келаётган бир тўда одамлар сари пошнаси баланд туфлисини тақиллатиб чопиб кетди.

Энг олдинда 1-бис конининг директори — гавдали, соч-соқоли олинган, пиджак ва этик кийган, эллик ёшлар чамасида лў-

лидек афти қоп-қора, қовоги солиқ Валько билан ўша коннинг бутун шаҳарга донғи кетган кончиси Григорий Ильич Шевцовлар келарди. Уларнинг кетидан яна бир неча кончи билан иккита ҳарбий киши ҳам келарди. Улардан яна кейинроқда бир тўда ҳар хил бекорчи одамлар келарди: турмушнинг энг оғир пайтларида ҳам анча-мунча бекорчи томошабинлар топилади.

Григорий Ильич ва бошқа кончилар қалпоқлари елкаларига ташлаб қўйилган оддий коржома кийиб олишган; уст-бошлари ва юз-қўллари кўмирдан қоп-қорайиб кетган. Улардан бири елкасига оғир электр симғалтак, яна бири асбоб тўла яшик, Шевцов эса икки томонидан сим чиқиб турган радиоприёмник ё телеграф асбобига ўхшаган, металлдан ишланган галати бир аппаратни кўтариб келаётган эди.

Улар бир-бирларига ёки халойиққа қарашдан қўрққандай, чурқ этмасдан келишарди. Уларнинг кўмир чанги қорайтириб юборган юзларидан қалин тер оқарди. Гўё оғир юк кўтариб олгандай, чеҳраларида азоб-машаққат акс этарди.

Кўчадаги ҳамма одамларнинг қўрққандай уларга йўл очиб беришларининг сабабини Уля дарҳол фаҳмлади: Донец ҳавзасининг ифтихори бўлган 1- бис конини ўз қўллари билан портлатиб емириб юборган одамлар ана шулар эди.

Любка Григорий Ильичнинг ёнига югуриб бориб, кичкина ва оппоқ қўли билан унинг қоп-қора ва қадоқли қўлидан ушлаб олди, у ҳам Любканинг қўлини маҳкам сиқиб, икковлари етаклашиб кетишди.

Шу пайтда кон директори Валько, Шевцов ва бошқа кончилар эшик олдига келишди-да, елка ва қўлларидаги юкларини — бир ўрам кабель, асбоб билан лиқ тўла яшик, яна қандайдир аппаратни девордан ошириб тўғри ҳовли ичидаги гулзорга ташлашди. Меҳр билан кўкартирилган бу гуллар ва яна бошқа кўп нарсаларнинг бўлишига имкон берган ҳаётнинг ҳам барбод этилганлиги равшан бўлди.

Улар юкларини ташлаб, анчагача бир-бирларига қарай олмай, хижолат бўлиб турдилар.

— Хў-ўш, Григорий Ильич, чаққонроқ отлана қол, машина тайёр. Одамларни ортаман-да, сенга келаман, — деди Валько; у, лўлининг қошидай қалин пайваста қошлари тагидан Шевцовга қарай олмасди.

Сўнгра Валько кончилар ва ҳарбийлар билан бирга кўча бўйлаб кетди.

Григорий Ильич қизининг қўлидан ушлаганича, сарғайиб

кетган мўйловли ва соқоли тўмтоқ думга ўхшаган жуда ҳам қотма кекса бир кончи билан эшик ёнида қолишди. Ҳеч ким парво қилмаган Уля ҳам, гўё ўзини қийнаган муаммо худди шу ерда ҳал бўладигандай, уларнинг ёнида турарди.

Григорий Ильич, қизининг қўлидан ушлаганича, унга жаҳл билан қаради-да:

— Хўш, Любовь Григорьевна, нима деган эдим? — деди.

— Кетмайман дедим, кетмайман! — деди Любка, қовоғини солиб.

— Жинни бўлма, жинни бўлма, — деди Григорий Ильич секин, аммо товуши титраб. — Нега кетмас экансан? Комсомол-касан-а...

Любка қип-қизариб кетди-ю, ялт этиб Уляга қаради, аммо юзида дарҳол шаддодлик, ҳатто сурбетлик аломати пайдо бўлди.

— Нима комсомолка бўпти, — деди, лабларини буриб. — Кимга ёмонлигим тегибди? Менга ҳеч ким тегмайди... фақат ойимга ачинаман...

«Комсомолдан тонди-я!» деб ўйлади Уля, даҳшат ичида. Бироқ, бирдан ўзининг хаста онаси эсига тушди-да, юраги шув этиб кетди.

— Хўш, Григорий Ильич, энди хайрлашсак ҳам бўлар, — деди чол; унинг овози шу қадар йўғон эдики, қуриб, қотиб кетган танидан шундай овоз чиқишига ҳеч кимнинг ишонгиси келмас эди. — Хайр энди.: — деди-да, истиқболида бош эгиб турган Григорий Ильичга тикилди.

Григорий Ильич индамасдан бошидан кепкасини олди. Унинг сочлари малла, юзи ориқ эди, пастга қараб тушган ажинлари, кўк кўзалари унинг оддий рус мастеровойларидан эканлигини кўрсатиб турарди. У, ёши анчага бориб қолган, устига қўпол коржомга кийган, юз-қўлларини кўмир чанги босган бўлса-да, қомати келишган, бақувват ва қадимий кўркем руслардан эди.

— Таваккал қилиб биз билан бирга кета қол? Нима дейсан, Кондратович? — деб сўради у, чолга қарамасдан.

— Кампир билан қаерга ҳам борардик? Энди бўлар иш бўлди, ўғилларимиз Қизил Армия билан бирга келиб бизни халос қилишар.

— Катта ўғлингнинг иши нима бўлди? — деб сўради Григорий Ильич.

— Каттасими? Ундан гап очма, — деди чол, қовоғини солиб ва гўё: «мени шарманда қилганини ўзинг биласан-ку, тагин

нега сўрайсан?» дегандай, қўлини силтаб қўя қолди. — Хайр энди, Григорий Ильич, — хўрлиги келиб, шундай деди-да, суяк-дай қотиб кетган қўлини Шевцовга узатди.

Григорий Ильич ҳам унга қўлини чўэди. Аммо икки ўртада ҳали айтилмаган гап бордай эди, улар бир-бирларининг қўлларини ушлаганча бир оз жим қолдилар.

— Нима ҳам қилардик... Мана, кампирим билан қизим ҳам қоладиган бўлиб турибди, — деди салмоқлаб Григорий Ильич. Бирданига товуши бўғилиб қолди. — Бу нима бўлди, а, Кондратович? Шундай ҳашаматли конни-я...: Эл-юртнинг хазинаси эди... Эҳ!.. — бу сўзлар қалбининг энг нозик жойидан отилиб чиқди, кўмирдан қоп-қорайган юзидан марвариддай тип-типиқ кўз ёшлари оқа бошлади.

Мўйсафид ҳам пиқиллаб йиғлади-да, бошини қуйи солди. Лубка ҳам ҳўнграб йиғлаб юборди.

Азбаройи чорасизлигидан жаҳли чиқиб кўзларидан оқаётган ёшларини тўхтата олмаган Уля, лабларини қаттиқ тишлаганича, уйига, Первомайкага қараб чопиб кетди.

УЧИНЧИ БОВ

Шаҳар четларида чекиниш ваҳимаси ва кўч-кўч авжга чиққан бир пайтда шаҳарнинг марказга яқин жойлари тинчиб қолган ва ҳамма нарса бояги-боягидай бўлиб қолгандай кўринарди. Кўчалар тўда-тўда хизматчилардан ва бола-чақалари билан бирга қочиб кетаётганлардан бўшаб қолган эди. Идораларнинг кўча эшиклари олдида ё ҳовлиларда аравалар ва юк машиналар навбат кутиб турарди. Одамлар асбоб-ускуна солинган яшик ва тўп-тўп қилиб бойланган ҳужжат солинган қопларни арава ва машиналарга ортардилар, — одамлар ҳам керагидан кўп эмас. Улар гапирганда ҳам, ишлари тўғрисида секин-аста гаплашиб туришибди. Ланг очиб ташланган эшик ва деразалардан болгаларнинг тарақа-туруғи, гоҳ-гоҳда ёзув машинкаларининг тикчлаши эшитиларди: баъзи ўтакетган расмиятчи иш мудирлари олиб кетилаётган ё ташлаб кетилаётган буюмларни сўнгги мартаба рўйхатдан ўтказаетган бўлса керак. Узоқдан артиллерия ўқ товушлари эшитилмаганда ва қаттиқ портлашлар ерни ларзага солиб турмаганда, бў идоралар эски бинодан янги биноларга кўчиб ўтишяпти деб ўйлаш мумкин эди.

Шаҳарнинг қоқ ўртасида, баландликда, икки томонга узун

қанот ёйган, олди томонига қаторасига ёш дарахт кўчатлари ўт-қазилган бир қаватли янги бино турарди. Шаҳардан чиқиб кетувчиларга бу бино шаҳарнинг ҳамма еридан кўриниб турар эди. Бу бино райком ва райисполком биноси бўлиб, бултур куздан бери большевиклар партияси Ворошиловград область комитети ҳам шу бинога кўчиб келган эди.

Катта эшикдан югуриб-елиб, кириб-чиқиб турган турли муас-саса ва корхона ходимларининг сон-саногни йўқ. Очиқ деразалардан телефонларнинг тўхтовсиз жаранглаши, телефон трубкаси орқали гоҳ жўрттага босиқ, гоҳ жуда баланд овоз билан берилаётган буйруқлар эшитилиб турарди. Бинонинг ўрта эшиги олдида граждан ва ҳарбий ташкилотларга қарашли бир неча энгил автомашина ярим доира олиб қатор тизилиб турарди. Машиналар қаторининг энг охирида ҳамма ёғини чанг босган ҳарбий вездеход турарди. Унинг орқа томондаги ўринларидан гимнастёркаларининг ранги айниб кетган икки ҳарбий киши — соқол-мўйлови ўсиб кетган майор билан баланд бўйли ёш бир сержант бошларини машинадан чиқариб қараб ўтирар эди. Шофёрлар ҳамда бу ҳарбийларнинг қиёфаларида биргина нарса акс этган: улар маҳтал бўлиб кутар эдилар.

Шу орада бинонинг ўнг қанотидаги катта бир хонада шундай бир манзара рўй бердики, агар сиртдан оддий кўринмаганда, қадимги энг буюк трагедиялар ҳам бунинг олдида ҳеч гап эмас эди. Жўнаб кетишга отланиб турган область ва район раҳбарлари эвакуацияни тамомлаш учун қолувчи ва немислар келиши билан ғойиб бўлиб, халқ орасига сингиб кетиб, подпольега ўтишлари керак бўлган раҳбарлар билан хайрлашмоқда эдилар.

Киши бир-бирининг қадрини бирга машаққат тортганида билди.

Бутун уруш даври, урушнинг биринчи кунидан бошлаб то шу кунгача бўлган давр бу кишилар учун тўхтовсиз меҳнатда ўтувчи бир кунга айланган эдики, бундай оғир ва инсон ақлига сиймайдиган меҳнатга фақат чиниққан паҳлавонларгина чидаш бера олади.

Ўз ораларидан энг соғлом, ёш ва бақувват одамларни улар фронтга узатдилар. Душман қўлига ўтиб кетишар ёки барбод бўлиш хавфи бўлган катта-катта корхоналарни: минг-минглаб станокларни, ўн минглаб ишчиларни, юз минглаб оилаларни шарққа кўчириб юбордилар. Аммо, яна бир амал-тақал қилиб, дарҳол янги станоклар ва янги ишчилар топдилар ва бўшаб қолган шахта ва корпусларга янгитдан ҳаёт киритдилар.

Улар корхона ва одамларни шундай шайлаб турар эдиларки, зарурият туғилиши биланоқ, уларни дарҳол жойидан қўзғатиб, шарқ томонга жўнатиб юборишар эди. Шу билан бирга улар совет давлати кишиларининг ҳаёти тақозо этувчи ҳамма вазифаларини тўла-тўқис адо этиб турдилар. одамларни боқдилар, кийинтирдилар, болаларни ўқитдилар, касалларни боқдилар, янги-янги инженер, ўқитувчи, агрономлар етиштирдилар, ошхоналар, магазинлар, театрлар, клублар, стадионлар, ҳаммомлар, кирхоналар, сартарошхоналар, милиция, ўт ўчирувчилар командаларини идора қилиб турдилар.

Улар бутун уруш кунлари тинмай меҳнат қилиб келдилар, бу кунларнинг ҳаммаси уларга худди узлуксиз бир кундай бўлиб кўринарди. Улар ўз шахсий ҳаётларини унутган эдилар: ҳаммаларининг оилалари шарққа кўчиб кетган эди. Улар ўз уйларида эмас, идора ва корхоналарда ётиб юрар, овқатларини ҳам шу ерда ер, шу ернинг ўзида ухлардилар, уларни кундуз кунлари ҳам, кечалари ҳам ўз жойларидан топиш мумкин эди.

Донбасснинг бир қисми, кетидан иккинчи қисми, унинг кетидан учинчи қисми қўлдан кетди, аммо улар қолган қисмларида янада қаттиқроқ, янада босим ғайрат билан ишлардилар. Донбасснинг сўнги қисмида улар ниҳоятда зўр бериб, ҳеч кучларини аямасдан ишладилар, чунки бу — Донбасснинг сўнги қисми эди. Аммо улар, халқ елкасига уруш туфайли тушган ҳамма оғирлиқларга бардош бериш учун одамларга далда бериб, уларнинг куч-қувватини охиригача ишга солиб турдилар. Агар бошқалар кучдан кетиб, ҳеч нарсага мадори етмай қолганда ҳам, улар ўзлик-ўзларидан яна ва яна маънавий ва жисмоний куч-қувват топар эдиларки, бунинг чегараси бор-йўқлигини ҳеч кимса билмас ҳам эди, чунки унинг чегараси йўқ эди.

Ахийри, Донбасснинг бу қисмини ҳам ташлаб кетиш пайти келди. Шундан кейин улар яна минг-минг станок, ўн минглаб одам, юз минг тонналаб мол-мулкларни бир неча кун ичида арава ва машиналарга ортдилар. Ниҳоят шундай бир дақиқа келдики, ўзларининг ҳам бу ерда қолишлари мумкин бўлмай қолди.

Улар Краснодар район партия комитети секретарининг катта кабинетига гуж бўлиб туришган эди, кенгаш учун қўйилган узун стол устидаги қизил мовут йигиштириб олинган эди. Улар юзма-юз туриб, бир-бирлари билан ҳазиллашар, елкалари би-

лан бир-бирларини туртар, аммо хайрлашиш учун огиз очиб сўзлашга журъат этолмас эдилар. Жўнаб кетувчиларнинг ҳам ёўнгли хира, диллари сиёҳ эди, юраклари мушук тимдалагандай ачишарди.

Бу группанинг табиий маркази обком ходими Иван Фёдорович Проценко эди; бултур кузда, дастлаб областнинг оккупацияда қолиш хавфи тугилганда, Проценко яширин ишга тайинланган эди. Аммо бу масала у вақтда ўз-ўзидан қолиб кетган эди.

Иван Фёдорович ўттиз бешларга кирган, жуссаси кичкина, бежирим ва ихчам бичилган бир киши эди, чеккаларидаги тўкила бошлаган малла ва сийрак сочларини силлиқ тараб юрарди, илгарилари соқол-мўйловини топ-тоза қириб, юзи қип-қизил бўлиб юрарди; бундан икки ҳафта бурун, фронтдаги аҳволга разм солиб юриб ўзининг яширин ишга кўчиши муқаррарлигига ақли етгандан кейин соқол қўя бошлаган ва энди юзини майин ва қорамтир соқол қоппай бошлаган эди.

Иван Фёдорович Проценко истиқболида турган баланд бўйли, ҳарбийча кийинган, аммо унвон белгиларини тақмаган мўйсафидроқ кишининг қўлини дўстона ва ҳурмат билан сиқиб силкитарди. Бу кишининг қариликдаги ҳорғинлик аломати бўлган тола-тола ажин босган озгин, мардонавор юзи шундай сокин, содда ва шу билан бирга шу қадар маънодор эдики, бундай чеҳралар чинакам ва катта раҳбарларга хос бўлиб, кўп илм-тажриба ва дунёда бўлиб турган воқеаларга ақли етишидан ҳосил бўлади.

Украина партизанларининг яқинда ташкил топган штаби раҳбарларидан бири бўлган бу киши областдаги партизан отрядлари билан ҳаракатдаги армия қисмлари ўртасида алоқа боғлаш мақсадида Краснодарга купи кеча келган эди.

У вақтда, чекиниш бунчалик узоққа бормас, деб ўйлаган ва душман ҳеч бўлмаганда Қуйи Донец билан Қуйи Дон чегараларида тўхтатилар, деб ишонган эдилар. Штаб буйруғига кўра, Иван Фёдорович ўзи таяниб иш кўрадиган партизанлар отряди билан Шимолий Донецдаги заслонимизга мадад бериш учун Каменск районига кўчирилган дивизия ўртасида алоқа боғлаши керак эди. Ворошиловград атрофида бўлган жангларда қаттиқ шикаст еган бу дивизия Краснодарга яқин келай деб қолган эди, дивизия командири эса партизанлар штаби ҳамда Жанубий фронт сиёсий бошқармасининг вакиллари билан бирга кеча етиб келган эди. Дивизиянинг командири, қирқларга кирган

генерал ҳам шу ерда, Иван Фёдорович билан хайрлашиш учун ўз навбати кутиб турар эди.

Иван Фёдорович партизанлар раҳбарининг қўлини сиқарди,— партизанлар раҳбари тинчлик даврида ҳам Иван Фёдоровичнинг раҳбари эди, Иван Фёдоровичларникига бемалол келиб-кечиб турар, унинг хотинини ҳам яхши танир эди, Иван Фёдорович унинг қўлини сиқиб, дерди:

— Кўрсатган ёрдамнингиз учун, берган таълимнингиз учун катта раҳмат, Андрей Ефимович, минг раҳмат. Никита Сергеевич Хрущевга бизнинг партизанлик ташаккуримизни етказинг. Башарти марказий штабга бориб қолсангиз, ҳозир бизнинг Ворошиловград областимизда ҳам фалон-фалон партизанлар бор деб айтинг... Агар бахтингиздан бўлиб, бош қўмондон ўртоқ Сталинни кўриш сизга муяссар бўлса, Андрей Ефимович, айтингки, биз ўз бурчимизни шараф билан бажарамиз...

Иван Фёдорович русча гапирарди, баъзан беихтиёр украинча она тилга ҳам ўтиб кетарди.

— Бажарсангиз хабари менсиз ҳам етиб боради. Бажарингизга эса шак-шубҳа қилмайман,— деди Андрей Ефимович мардона жилмайиб, юзидаги ҳамма ажинлари жилваланиб кетди. Кейин Иван Фёдоровични қуршаб турганларга бирдан қайрилиб қаради-да:— Бу Проценко ўзи жуда айёр одам: ҳали урушга киришгани йўқ-ку, ҳалитдан марказий штаб таъминотига ўтиб олишнинг иложи йўқмикиннинг пайига тушиб қолибди!— деди.

Бутун суҳбат давомида иродали юзида чуқур қайғу ифода топган тўладан келган генералдан бошқа ҳамма кулди.

Иван Фёдоровичнинг тиниқ кўк кўзларида муғамбирлик акс этди, кўзлари чарақлаб кетди, шунда ҳам иккала кўзи эмас, балки гўё шўх бир ўт кўздан кўзга бир оёқлаб сакрагандай, олдин бир кўзи, кейин иккинчи кўзи чарақлаб ёнди.

— Керакли нарсаларни ғамлаб қўйганман,— деди у.— Тугаса анови кекса Ковпак сингари интендатсиз ҳам кунимиз ўтаверади: душмандан ўлжа олаверамиз... Башарти оз-моз юбориб турсанглар...— деб Иван Фёдорович иккала қўлини керган эди, яна ҳаммалари кулишди.

— Фронт сиёсий бошқарма ходимларига биздан катта раҳмат айтинг, улар бизга жуда катта ёрдам беришди,— деди Иван Фёдорович, полк комиссари унвонидаги кекса ҳарбийнинг қўлини қаттиқ сиқиб.— Энди сизларга нима дейишимни ҳам билмайман, йигитлар... сизларни фақат ўпиб қўйишим мумкин...—

Юраги эриб кетган Иван Фёдорович НКВДга қарашли ёш йигитларни галма-галдан қучоқлаб ўпди.

У жуда зийрак одам эди ва ҳар қандай ишга ўз ҳиссасини қўшган бирон ходимни,— хоҳ катта, хоҳ кичикни хаффа қилмаслик кераклигини билар эди. Шундай қилиб у, отрядлар ва яширин ишловчи тармоқлар тузишда ёрдам кўрсатган ҳамма ташкилот ва ҳамма кишиларга ташаккур билдирди. Обкомда бирга ишлашиб келган ўртоқлари билан хайрлашиб ҳам оғир бўлди, ҳам узоққа чўзилди. Бир кундай учиб ўтиб кетган уруш ойларидаги дўстлик ва тақдир уларни бир-бирларига чамбарчас қилиб боғлаган эди.

Кўзларига ёш олиб дўстлари билан хайрлашиб бўлди-да, хайрлашмаган яна ким қолдикин деб теваракка қаради. Генерал,— у паст бўйли, гўладан келган эди,— индамасдан Иван Фёдорович томонга бутун гавдаси билан илгарилади-да, қўлини узатди, генералнинг русларга хос содда чеҳрасида бирдан болаларча бир нарса акс этди.

— Раҳмат, катта раҳмат,— деди Иван Фёдорович, ҳаяжонланиб.— Ўзингиз йўқлаб келганингиз учун катта раҳмат. Энди сиз билан биз худди бир ипга тизилгандай бўлдик...— Сўнгра генералнинг бақувват қўлини сиқди.

Генералнинг чеҳрасидаги болаларга хос ифода дарров сўнди. У фуражкали катта бошини силкитиб ранжигандай, ҳатто жаҳли чиққандай бир ҳаракат қилди-да, сўнгра яна шиддат акс этган кичкина ва доно кўзлари билан Иван Фёдоровичга қаради. У, чамаси, жуда муҳим бир нарса айтмоқчи бўлди-ю, бироқ ҳеч нима демади.

Айрилиш пайти келди. Андрей Ефимович бирдан юзи ўзгариб:

— Ўзингни эҳтиёт қил,— деди ва Проценкони қучоқлади.

Ҳамма Иван Фёдорович билан, унинг ёрдамчиси ва шу ерда қолувчи ходимлар билан яна қайтадан хайрлашиб, худди гуноҳ қилиб қўйган одамлардек, кабинетдан бирин-кетин чиқиб кета бошлади. Фақат генерал бошини баланд кўтариб, одатича семизлигига қарамай енгил, шахдам қадам ташлаб юриб чиқиб кетди. Иван Фёдорович уларни кузатгани чиқмади, фақат кўчада машиналарнинг гуриллаган овозларини эшитди.

Шу орада кабинетдаги телефонлар тинмай жаранглар, Иван Фёдоровичнинг ёрдамчиси дам у трубкани, дам бу трубкани олиб, бир неча минутдан кейин телефон қилинг, деб илтимос қиларди. Иван Фёдорович жўнаб кетувчиларнинг энг сўнггиси

билан энди хайрлашиб бўлувдики, ёрдамчиси дарҳол қўлига телефон трубкасини тутқазди.

— Нон заводидан... ўн мартача телефон қилишди.

Иван Фёдорович ихчам қўли билан трубкани олди-да, столнинг бурчагига ўтирди; ҳозиргина ўз ўртоқлари билан хайрлашиб тургандаги гоҳ дўстона ва ҳаяжонли, гоҳ муғамбир ва хушчақчақлик қиёфаларидан асар ҳам қолмади. Трубкани олишида, чеҳрасида ва овозида бамайлихотир амри фармон аломатлари пайдо бўлди.

— Кўп бақирмасдан, гапимга қулоқ сол,— деди, трубкадан эшитилаётган овоз бирдан жим бўлди.— Мен сенга транспорт бўлади дедимми, бўлади. Шаҳар савдо бўлими нонингни олиб, йўлда одамларни боқиб кетади. Шунча нонни йўқ қилиб юбориш жиноят. Бўлмаса, нега кечаси билан нон ёпиб чиқдинг? Назаримда, ўзинг жуда шошилиб қолган кўринасан, сенга шошилишга рухсат бермагунимча шошилма. Тушундингми?— Иван Фёдорович трубкани жойига қўйиб, жон-жаҳди билан жаранглаб турган бошқа трубкани қўлига олди.

1-бис шахта томонга қараган очиқ деразадан шаҳарни ташлаб чиқиб кетаётган аскар қисмлари, юк машиналари, кўчиб кетаётган аҳоли колонналари кўриниб турарди. Бу оқимнинг асосан уч тармоққа бўлиниб кетиши бу ердан, баландликдан яққол кўриниб турарди: асосий оқим жанубга, Новочеркасск билан Ростов томонга қараб бораётган эди, ундан кичикроғи жануб-шарққа, Лихая томонга, ундан ҳам кичиги эса шарқ томонга, Каменск сари силжиб борарди. Ҳозиргина райком биноси олдидан жўнаб кетган машиналар қатор тизилиб, Новочеркасск томонга қараб кетмоқда эди. Фақат генералга қарашли чанг босган вездеход шаҳар кўчалари орқали Ворошиловград тош йўли томонга қараб борарди.

Шу онда, ўз дивизиясига қайтиб кетаётган генералнинг фикри-хаёли Иван Фёдоровичдан анча йироқда эди. Жазирама оғриб унинг юзига қиялаб тушиб турган эди. Машина ҳам, генерал билан шофёр ҳам, орқада жимиб ўтирган соқол-мўйлови ўсиб кетган майор билан баланд бўйли сержант ҳам қалин чанг остида қолиб кетган эдилар. Олисдан эшитилаётган артиллерия ўқларининг садоари, тош йўлдан кетиб борувчи машиналарнинг шовқини, шаҳарни ташлаб кетаётган халойиқнинг кўриниши,— буларнинг ҳаммаси турли ёшдаги ва турли унвондаги бу ҳарбий кншилارнинг фикрини беихтиёр даҳшатли ҳақиқатга қаратган эди.

Немис танк қисмларининг Миллеровони олганлиги ва бу қисмларнинг Донбассни Сталинград билан боғловчи темир йўл бўйидаги Морозовский шаҳрига ҳамла қилишининг оқибати нима бўлишини Иван Фёдорович билан хайрлашган одамлар ўртасида Украина партизанлар штабининг вакили билан генералгина билар эди, чунки булар ҳарбий кишилар эди: Бу деган гап Жанубий фронт Жануби-ғарбий фронтдан кесилиб қолди ва Ворошиловград области ҳамда Ростов областининг катта қисми марказдан, Сталинград эса Донбассдан кесилиб қолди, деган гап эди.

Шу пайтда дивизиянинг вазифаси Жанубий фронт армиялари Новочеркасск билан Ростовгача етиб олгунча Миллероводан жанубга қараб ҳамла қилиб келаётган немисларнинг йўлини мумкин қадар узоқроқ тўсиб туриш эди. Бу эса генерал қўмондонлик қилаётган дивизия бир неча кундан кейин тамомила йўқ бўлиб кетади ёки бўлмаса душман қўршови ичида қолади деган гап эди. Қўршовда қолиш деган гапнинг ўзига генералнинг ҳеч тоби йўқ эди. Аммо генерал дивизиянинг йўқ бўлиб кетишига ҳам ҳеч йўл қўймоқчи эмасди. Генерал ўз бурчини охиригача бажаришини ҳам биларди. Шунинг учун ҳам унинг бутун куч-иродаси мана шу ечиб бўлмайдиган муаммони ечишга қаратилган эди.

Еш жиҳатдан генерал совет саркардаларининг кекса авлодига эмас, балки ўз йўлини гражданлар урушида ёки гражданлар уруши тугаши биланоқ ўсмир ва танилмаган чоғларида бошланган ўрта авлодига мансуб эди.

Ҳозир ўз вездеходида елиб-учиб кетаётган Донец ерларини у солдатлигида пиёда босиб ўтган эди. Курсклик бир деҳқоннинг ўғли бўлган ўн тўққиз ёшли чўпон ҳарбий йўлга қадам қўя бошлаганида Перекопнинг сўнмас шуҳрати оламни босиб кетган эди. У, Украинада Махно бандалари тугатилаётган бир даврда солдат бўлган эди: бу жанглар революция душманларига қарши олиб борилган буюк жангларнинг сўнги оғиз бир садоси эди. У Фрунзе қўмондонлик қилган вақтларда унинг қўл остида бўлган жангда қатнашган эди. Уша ёшлик чоғларидаёқ у матонатли жангчи эканлигини кўрсатган эди. У доно жангчи бўлиб етишган эди. Аммо унинг етилишининг сабаби фақат бундагина эмас эди: халқ ичида матонатли ва доно одамлар анча-мунча топилади. Рота политруклари, батальон ва полк комиссарлари — сиёсий бўлимлар ва аскарӣй партия ячейкаларининг сон-саноқсиз ходимлар армияси, — уларнинг хотирасига абадий шон-шарафлар бўлсин! — жангчи

ғизил аскарларни тарбиялаб, уларга берган таълимини киши билмас зимдан, ҳатто секин-аста билиб, уқиб олди. Уларнинг таълимини у фақат уқиб қўя қолмасдан, дилига мустаҳкам жоғилиб борди. Кейин бирданига жанговар ўртоқлари орасидан тузуқкина сиёсий истеъдоди бор бир киши бўлиб етишди.

Ундан кейинги йўли ўз тенги саркардаларнинг йўли каби сддий эди ва у тезда кўтарилиб кетди.

Улуғ Ватан урушига полк командири вазифасида бўлганида киришди. Бунга қадар Фрунзе номидаги Ҳарбий академияни тугатган, Халхин-Голда ва Маннергейм линиясида бўлган эди. Унинг ёши ва ижтимоий келиб чиқиши жиҳатидан қараганда шунинг ўзи ҳам жуда кўплик қилардику-я, аммо бу ҳали ниҳоятда оз эди! Ватан уруши уни лашкарбоши даражасига етказди. У такомил топиб борди, аммо уни кўпроқ такомиллаштириб бордилар. Уни бир вақтлар ҳарбий билим юртида, кейин академияда, ундан кейин иккита кичик уруш тажрибасида парвариш қилганлари сингари, энди улуғ уруш тажрибасида парвариш қилиб бордилар.

Чекиниш нақадар аччиқ ва аламли бўлишига қарамасдан, уруш давомида кучайиб борган бу янги туйғу, ўз-ўзини таниш туйғуси ниҳоятда ажойиб бир нарса эди. Маънавий устунлик жиҳатдангина эмас,— дерди,— бу ерда бир-бирини таққослашга ўрин ҳам йўқ!— ҳарбий жиҳатдан ҳам бизнинг солдатимиз душман солдатидан устун туради. Сиёсий онг жиҳатдангина эмас, балки ҳарбий маълумот жиҳатдан, янгиликларни дарҳол уқиб-билиб олиш жиҳатдан, ўз тажрибаларини ҳар бир ишда ишлата билиш жиҳатдан ҳам бизнинг командирларимиз анча устун туради. Ҳарбий техникамиз душман техникасидан ёмон эмас, маълум тармоқларда ҳатто душман техникасидан яхши Бу нарсаларни яратган ва йўлга солиб турган ҳарбий ғоя тарих тажрибасига суянади, бироқ уни яратган революция каби, тарихда кўрилмаган совет давлати каби, бу ғояни ифодалаган ва турмушга татбиқ этган кишиларнинг генийси каби янги ва шиддатлидир,— у шунқор қанотларида парвоз этади. Шунга қарамасдан чекинишга тўғри келяпти. Ҳозирча душман миқдор жиҳатдан, тўсатдан ҳужум қилиш йўли билан, инсон виждони тушунчасига сиғмайдиган шафқатсизлик билан устун келмоқда, душман ҳар сафар ўзининг ҳамма кучларини ишга солиб, чираниб устун келмоқда.

Утган ҳамма урушларга нисбатан бу урушнинг кишилар ва моддий резервлар уруши ёканлигини кўпгина совет саркарда-

лари билан бир қаторда генерал ҳам анча эрта тушуниб олди. Бу резервларни уруш кетиб турганда вужудга келтириш керак эди. Уларни ишлата билиш, вақти-вақти билан тақсимлаш, керакли ерга юбориб туриш ундан ҳам қийинроқ эди. Душманнинг Москва остоналарида тор-мор этилиши, унинг жанубда мағлубиятга йўлиққанлиги ҳарбий ғояларимизнинг, солдатимизнинг, техникамизнинг устунлигини кўрсатиш билан бирга, халқнинг, давлатнинг битмас-туганмас резервлари тежаб-тергаб сарфлайдиган қўлларда, уста ва доно кишилар қўлида эканлигини ундан ҳам яққол кўрсатиб берди.

Душманнинг қанақалигини, ўз кучингни билиб олганингдан кейин халқ кўзи олдида ҳадеб чекиниш одамга жуда алам қиларди!

Генерал, ўй-хаёлларига берилиб, чурқ этмай борарди. Вездеход, кўчиб кетаётган халойиққа лиқ тўлган кўчалардан зўрга ўтиб, Ворошиловград тош йўлига чиқиб олган эдики, худди уларнинг қоқ тепаларидан немисларнинг учта шўнгувчи самолёти моторларини гуриллатиб, бирин-кетин учиб ўтиб кетди. Улар шу қадар тўсатдан келиб қолган эдики, генерал ҳам, унинг ҳамроҳлари бўлмиш офицер билан сержант ҳам машинадан сакрашга улгурмай, ўтиравердилар. Жангчи ва қочқинлар оқими иккига бўлиниб, тош йўлнинг икки ёнида ёйилиб кетди,— баъзилар ўзларини йўл четидаги ариққа ташлади, баъзилар ўзларини уй деворлари панасига олиб турди.

Шу пайтда генералнинг кўзи йўл четида устига оқ кофтсика кийган, узун қора сочи бир қизга тушди. Кети кўринмас тош йўлда ҳеч ким қолмаган эди, қиз эса ёлғиз ўзи турарди. Икки томонга отилган қанотларига қора крестъ солинган ва ранг-баранг қилиб бўялган бу даҳшатли қушлар қизнинг тепасидан елиб учиб ўтиб кетаётганида қиз ҳеч қўрқмай, маъюс кўзлари билан қараб турарди; қушлар шу қадар пастлаб учдики, уларнинг шамолн қизга теккандай бўлди.

Бирдан генералнинг томоғидан қиқирлаган товуш эшитилди, ҳамрсҳлари хавотир бўлиб унга қарашди. Генерал, худди ёқаси бўйнини қисиб қўйгандай, жаҳл билан катта бошини у ёқ-бу ёққа силтаб қўйди-да, йўл четида танҳо турган қизга ортиқ қарай олмасдай, юзини тескари бурди. Вездеход кетаётган йўлидан кескин бурилиб, Каменск томонга эмас, балки Ворошиловград томонга тош йўл бўйлаб даштдан, ўнқир-чўнқир йўлдан ела кетди, генералнинг Ворошиловграддан чиққан дивизияси Краснодонга етиб келиб қолган эди.

ТУРТИНЧИ БОБ

Уля Громованинг устидан елиб ўтган шўнғувчи самолётлар шаҳардан анча нарида тош йўлни пулемётлардан бир неча марта ўққа тутиб, қуёш шуъласида чарақлаб турган ҳавода кўздан ғойиб бўлди. Фақат бир неча минутдан кейингина олисдан портлаш товушлари эшитилди,— шўнғувчи самолётлар Донец кўпригини бомбардимон қилишган бўлса керак.

Первомайка посёлкасида ҳаракатга келмаган нарса йўқ эди. Улянинг қаршисидан аравалар келар, бутун-бутун оилалар қочиб келарди. Уля буларнинг ҳаммасини биларди, улар ҳам Уляни танишарди, лекин унга ҳеч ким қарамас, ҳеч ким ҳеч нарса демасди.

Уля учун энг кутилмаган таассурот «гимназистка» Зинаида Вириковани кўргандаги таассурот бўлди. Юзларида қаттиқ қўрқув акс этган Вирикова яшиқлар, тугун-бўхчалар ва ун солинган қоплар ортилган аравада икки хотин ўртасида ўтирар эди. Бошига қалпоқ кийган, унга беланган этикларини аравадан осилтириб ўтирган бир чол тизгиннинг учлари билан қирчанғи отни савалаб, тепаликка лўкиллашиб ҳайдашга уринарди. Кун ҳаддан ортиқ иссиқ бўлса-да, Вирикова устига жигар ранг драп пальто кийиб олган, аммо бошига рўмол ҳам ўрамаган, шляпа ҳам киймаган, пальтосининг қатирма ёқаси устидан икки жамалаги олдинга диккайиб чиқиб туради.

Первомайка посёлкаси шу райондаги кончиларнинг энг эски посёлкаларидан бири бўлиб, Краснодон шаҳри ҳам аслида шу посёлкадан бошланган. Ўзи ҳам яқин ўрталардан буён Первомайск, ёки халқ тилида Первомайка деб атала бошлаган. Илгари вақтларда, бу ерларда кўмир топилмасдан илгари, бу атрофда казак хуторлари бўларди, уларнинг энг каттасини Сорокин хутори дейишарди.

Бу ерда кўмир шу асрнинг бошида топилди. Дастлабки кўмир кончалари нишаб ва шу қадар кичик бўлар эдики, қазилган кўмир тепага от-арава ёки ғалтак аравада ташиб чиқилар эди. Бу конлар ҳар кимларга қарашли бўлса ҳам, эски одат бўйича Сорокин конлари деб аталарди.

Россиянинг марказий губернияларидан ва Украинадан келувчилар кончилар казак хуторларига келиб жойлашиб, казаклар билан қариндош-уруғ бўлиб қўшилиб кетишарди, казакларнинг ўзлари ҳам конда ишлайдиган бўлиб қолишган

эди. Оила аъзолари кўпайиб, ажралиб чиқишарди, янги уй-рўзгорлик бўлишарди.

Ҳозирги Ворошиловград йўли тушган узун адирнинг орқасида ва Краснодарни қоқ иккига бўлган жарнинг нариги тарафида янги конлар очилди. Бу янги конлар «қутурган бой» деб номи чиққан Ярманкин деган сўққабош бир помешчикка қарашли эди. Шу сабабдан, кон атрофида пайдо бўлган янги посёлкани ҳам одамлар даставвал Ярманкин посёлкаси ёки «қутурган қишлоқ» дейишарди. «Қутурган бой»нинг бир қаватли гиштин иморати ўша замонларда жар ортидаги адирда шамолга юзиши тутиб қўққайиб турарди; қўрғоннинг бир томонини бой қишлоқ боғ қилган, боғда ажойиб ўсимлик ва узоқ мамлакатлардан келтирилган ажойиб-гаройиб қушлар бўларди,— уни ҳам «қутурган қўрғон» дейишарди.

Совет ҳокимияти вақтида, биринчи ва иккинчи бешйилликлар даврида бу ерга янги катта-катта конлар қурилди. Сорокин конининг маркази бериги томонга кўчирилиб, бу ерга стандарт иморатлар, катта идора бинолари, касалхоналар, мактаблар, клублар тушди. Тепаликдаги «қутурган бой» уйи ёнига райисполком учун чиройли, икки томони қанотдай керилган, саҳнига дарахтлар ўтқазилган ҳашаматли бир бинс солинди. «Қутурган бой»нинг уйига эса «Краснодонуголь» трестининг лойиҳа контораси кўчиб кирди. Контора хизматчилари умрларининг учдан бир қисмини шу бинода ўтказсалар ҳам, унинг қанақа ва кимга қарашли эканини ҳеч билмас эдилар.

Ана шундай қилиб, Сорокин кони Краснодар шаҳарига айланиб кетди.

Уля ва унинг ўртоқлари, мактабдошлари ўз шаҳарлари билан барабар ўсиб, улғайиб бордилар. Улар мактабга қатнаб юрган чоғларида, кўчат ўтқазиб мавсумларида, шаҳар совети боғ учун ажратган ва илгари ахлатхона бўлиб ётган, сассиқалаф ва отқулоқлар босиб кетган майдонда дарахт кўчатлари ўтқазиб қатнашар эдилар. Бу ер келажакда боғ бўлиши керак деган фикр даставвал «қутурган бой» замонини кўрган, Ярманкин посёлкасини ҳам билган, биринчи немис оккупациясини ва гражданлар урушини бошдан кечирган эски комсомол аъзоларида туғилган эди. Уларнинг баъзилари ҳозирда ҳам Краснодарда ишлар эдилар, баъзиларининг сочларига ёхуд Будённийнинг мўйлови сингари казакча қўйилган узун мўйловларига оқ кирган эди, аммо уларнинг аксари мамлакатимизнинг ҳар жойига тарқалиб кетган, баъзилари эса катта ишларга кўтарилиб кет-

ган эди. Кўчат ўтқозиш ишига Данилич деган бир боғбон раҳбарлик қилар эди, унинг ёши ўша вақтлардаёқ анчага бориб қолган эди. Данилич мункайиб-букчайиб қолган бўлса-да, ҳозир ҳам у ерда катта боғбон бўлиб ишлаб келар эди.

Эндиликда боғдаги дарахтлар катта бўлиб кетган эди, катталар учун истироҳат жойи бўлиб қолган эди, ёшлар учун эса дам олиш жойигина эмас, ҳатто энг хушчақчақ, жушқин ва барқ урган ҳаёт маркази бўлиб қолган эди. Боғ уларнинг ўзлари каби ёш, улар билан бир тенг ўсиб борар, ҳали ёш боғ эди, аммо қалин ва кўм-кўк япроқларини шамол шитирлатар. Жазирама иссиқ кунларида соя-салқин жойлари кўп; ойдин кечалари ниҳоятда кўркам, куз фаслида, ёмғир қуйиб турган зимистон қоронгида хазонлар шитирлаб учиб юрган пайтларда бу боғдан ўтганда ҳатто кишини ваҳм босарди.

Ўсмирлар ўз боғлари, ўз шаҳарлари билан бирга ўсар, унинг даҳаларига, слободка ва кўчаларига ўзларича ном беришарди.

Бирон ерга янги бараклар тушгудай бўлса бу ерни «Новие бараки» деб аташарди. Бараклар алақачон йўқ бўлиб кетган, уларнинг ўрнига гиштин иморатлар тушган бўлса-да, номи «Новие бараки» деганича қолаверади. Шаҳарнинг бир четида ҳалигача ҳам «Голубятники» деган бир маҳалла бор. Бир вақтлар бу ерда ёғоч уйларда каптар боқувчилар бўлар эди, кейин бу уйлар бузилиб, ўрнига стандарт иморатлар қурилди. Чурилин деган кончи турган бир кичкина уйнинг номи ҳам «Чурилино» бўлиб кетган. «Сеняки» деган жойда илгарилари пичан бозори бўлган экан. «Деревянная» дегани — темир йўлнинг нариёғида — паркнинг орқасида — шаҳардан бутунлай ажралиб қолган бир кўча, у ердаги уйлар ёғочдан қилинганича қолаверган. У ерда Валя Борц деган қора кўз, олтин соч, ўзига бино қўйган ўн етти ёш чамасидаги бир қиз туради. «Каменная» кўчаси дастлаб стандарт гиштин иморатлар тушган кўча. Ҳозир бунақаги гиштин уйлар жуда кўп, лекин шу кўчагина «Каменная» деб аталади, чунки даставвал шу кўча қурилган эди. «Восьмидомики» илгари саккизта стандарт уйдан иборат бир маҳалла эди, ҳозир бир неча кўчадан иборат бутун бир район бўлиб кетган.

Юртимизнинг ҳамма жойларидан Донбассга одамлар келиб туради. Уларнинг биринчи ташвиши турар жой, бошпана топиш. Ли Фан-чи деган бир хитой яланг бир жойга лой тупроқ кулба қуриб олиб, кулбанинг ёнига яна худди ари уяси сингари

аллақандай ҳужралар солиб, келгиндиларга ижарага берар экан, кейин янги кўчиб келганлар: «Ли Фан-чидан уйни ижарага олиб ўтиргандан кўра, ўзимиз қурганимиз яхшироқ эмасми» деб, ўзлари уй қура бошлаганлар. Шундай қилиб, бир-бирига туташган лой тупроқ уйлар пайдо бўлган, уни «Шанхай» деб атаганлар. Кейин-кейин шаҳарни иккига бўлган жар ёқаларига ҳам, шаҳар атрофидаги адирларга ҳам худди шундай «иморатлар» туша бошлаган, қуш уяларига ўхшаган бу кулбаларни «шанхайча» деб атай бошлаганлар.

Сорокин хутори билан илгариги Ярманкин посёлкаси ўртасига қурилган ва бу атрофдаги энг катта 1-бис кони ишлай бошлагандан буён Краснодар шаҳри яна Сорокин хутори томонга қараб кенгая бошлади ва бориб-бориб у билан қўшилиб кетди. Атрофидаги майда хуторларни аллақачон ўз ичига олган Сорокин хутори шаҳар районларидан бири бўлган Первомайский посёлкасига айланиб кетди.

Шаҳарнинг бошқа районларидан унинг фарқи шу эдики, бу ердаги уйларнинг кўпи қадимги казак хуторларидан қолган, ҳар ким ўз ихтиёрича қурган хусусий уйлар эди,— бу ер аҳолиси ўртасида аввалгича казаклар кўп бўлиб, улар конда ишламас эди, улар колхозларга кириб, қирда ғалла экишарди.

Уля Громованинг уйи посёлканинг узоқ чекка бир ерида эди,— бу ер илгари Гаврилов хутори деб аталар, уларнинг уйи ҳам қадимги казак уйдан эди.

Улянинг отаси Матвей Максимович Громов Полтава губерниясида украин оиласида туғилиб, ёшлик чоғларидаёқ отаси билан Юзовкага бориб ишлаб турарди. Новча, бақузватдан келган, чиройли ва шер йигит эди, жингалак малла сочлари пешонасига тушиб турарди; кўмир қазувчи бу полвоннинг довруги ҳамма ёққа кетган, қизлар ҳам уни яхши кўришарди. Уляга дақёнус замонларидай кўринган бир вақтларда, яъни бу ерларда биринчи кўмир конлари топилиб, бу томонларга иш қидириб келиб юрганида Гаврилов хуторида яшовчи Матрёна Савельевна деган қора кўз қазачкани ўзига мафтун этгани ажабланарли эмас.

Рус-япон урушида у, 8-Москва гренадёрлар полкида хизмат қилган эди; олти марта ярадор бўлган, икки мартасида қаттиқ шикаст еган, кўп мукофот олган, охирги сафар ўз полкининг байроғини сақлаб қолганлиги учун Георгий авлиё нишони билан мукофотланган эди.

Ўша-ўша бўлди-ю, тоби қочди. Озгина вақт кичкина конларда ишлаб юрди-ю, кейин кўмир кони конторасида кучерлик қи-

ла бошлади. Матвей Максимович кўп дарбадарликлардан кейин шу ерда, Гаврилов хуторида, Матрёнанинг маҳрига тушган уйда қарор топди.

Уля ўз уйининг эшиги ёнига келди-ю, ҳолдан тойди. Ула отаси билан онасини жуда яхши кўрарди, ёшлик чоғда бўладигандек, бир кун эмас, бир кун тақдирини она эмас, ўзи ҳал қиладиган маҳал келишини у билмас ва кўз олдига ҳам келтиролмас эди. Мана энди шу пайт етиб келган эди.

Уля, она ва отасининг уйларига жуда ҳам ўрганиб қолганини, қарилик ва хасталик туфайли ўз уйларини ташлаб кетолмасликларини биларди. Угил бўлса армияда, Уля бўлса ҳаёт йўли ҳали номаълум бир қиз эди, ишламасди, шунинг учун ота билан онани ўз қарамоғига ололмас эди. Уларнинг Улядан анча катта бир қизлари кон идорасида ишловчи кекса бир ходимга эрга теккан ва бир неча бола кўрган эди, у ҳам кўчиб кетишга журъат ётолмас эди.

Биргина Уля шу дамгача ўзига на бирон режа тузган ва на бирон мақсадни маҳкам ўйлаб қўйган эди. Унга ҳамон изми ўзида эмасдай туюларди. Гоҳ армияга, шунда ҳам фақат авиацияга кириб кетгуси келар ва авиациянинг бир қисмида техник бўлиб ишловчи акасига хат ёзиб, учувчилар мактабига киритиб қўйишни илтимос қиларди. Баъзан, краснодонлик кўп қизлар сингари, осонгина тиббий ҳамширалар курсига кириб қўя қолишни ўйларди,— шундай қилсам ҳаракатдаги армияга тезроқ кетган бўлардим деб ўйларди. Баъзан, душман босиб олган ерлардаги партизанлар орасига бориб ишлашни хаёл қиларди. Ёхуд, бирдан ўқишни давом этдиришни орзу қилиб қоларди! Ахир, ҳадеб уруш бўлавермас, бир кун бориб тўхтайтиди-ку, яна яшамоқ, ишламоқ, қанча-қанча илмли, ишбиларман одамлар керак бўлади-ку, у ҳам кўп ўтмай ё инженер, ё ўқитувчи бўлиб олиши мумкин. Ана шундай қилиб, унинг тақдирини ҳеч ким ҳал этмади, мана энди эшикни очди-ю...

Турмуш нақадар даҳшатли бўлиши мумкинлигини у ана шунда билди. Эндиликда у, ота-онасини хор-зор қилиб душман қўлига ташлаб, ёлғиз ўзи номаълум ва мудҳиш муҳтожлик, саргардонлик ва кураш дунёсига кириши керак... Улянинг оёқлари бўшашиб кетди, ерга ўтириб олишига сал қолди. Қани энди, ҳозир мана шу қадрдон уйга кирса-ю, дарчаларни беркитиб, ўзининг ифбатли ётоғига ўзини ташлаб ҳеч нарсани ўйламасдан ётса, Уля деган қора қиз билан кимнинг нима иши бор? Кўрпага шундай буркансада, оёқларини букиб

ётса, қадрдон, меҳрибон кишилари орасида умр кўрса — бўлганича бўлар... Нима ҳам бўларди, қачон бўларди ва қачонгача бўларди? Балки, унча қўрқинчли ҳам эмасдир?

Бироқ, шу ондаёқ иззат-нафси хўрланиб кетганидан, бундай эҳтимол қилишнинг ўзи хўрлик бўлганидан Уля сесканиб кетди. Бунинг устига, иккидан бирини танлашга фурсат ҳам қолмаган эди: унинг олдида онаси югуриб келмоқда эди. Қандай куч уни ётган жойидан турғизди экан! Онасининг кетидан отаси, опаси, поччаси келарди, уларнинг кетидан болалар чопиб келишарди. Ҳамманинг юзида ташвиш ва ҳаяжон, энг кичик жияни эса йиғларди.

— Қаёққа гум бўлиб кетдинг, қизим? Саҳардан бери қидириб топишолмайди. Анатолийларникига югур, ҳали кетмаган чиқар, югур тезроқ, қизим!— дерди онаси. У офтобда қорайган ва ажин босган юзидан оқаётган кўз ёшларини артмас эди ҳам.

Улянинг онаси қариб, букчайиб қолган бўлса-да, ранги-рўйи ҳали ҳам қорача эди. Ўзи ушоқроқ бўлса-да, қора кўзлари катта шунқор қушнинг кўзларидек, ниҳоятда чиройли эди. Сўзини ўтказадиган ақлли хотин эди,— қизлари ва кекса Матвей Максимович ҳам сира уьинг гапидан чиқишмас эди. Ана энди, қизининг ўз тақдирини ўзи ҳал этадиган пайти келиб қолди, кампир она мадордан қолди.

— Ким қидирди? Анатолийми?— деб шошиб сўради Уля.

Онасининг кетида катта ва узун қўлларини оснатириб турган отаси:

— Райкомдан қидиришди, райкомдан,— деди.

Ота жуда ҳам қариб қолган! Бошининг олди томонида сира сочи қолмаган, фақат икки чаккаси ва бўйнидагина оқарган сочларидан оз-моз асар қолган; аммо гренадёрча сариқ мўйловига ва соқолига анча оқ кирган, бурни ҳам кўкариб қолган, қип-қизил юзини ҳам ажин босиб кетган.

— Чоп, қизим чоп,— деди онаси.— Шошма Анатолийни чақириб берай!— Кичкина жуссали, букчайган кампир полиз оралаб қўшни Поповларникига югуриб кетди. Поповларнинг ўғли Анатолий Первомайск мактабини бу йил Уля билан бирга битирган эди.

— Кириб ётсангиз-чи, ойи, мен ўзим бораман!

Уля онасининг кетидан югурганда кампир олчазордан ўтиб қолган эди: Уля онасига етиб, икковлари,— ёш ва қари — бирга чопдилар.

Громовлар билан Поповларнинг қўрғонлари ўртасида икки томонга қарашли боғ бўлиб, бу боғ, суви қуриб ётган жарликка қараб тушиб кетар, жарнинг тагига қурилган четан девор чегара эди. Гарчи улар азалдан қўшни бўлиб келган бўлсаларда, Уля мактабдан ва Анатолий кўпинча доклад қиладиган комсомол мажлисларидан бошқа вақтда икковлари бир-бири билан кўришмасди. Ёшлик чоғида Анатолийнинг ўғил болаларга хос орзу-ҳаваслари бўларди, юқори синфларда ўқиғанида болалар уни «қизлардан қўрқади» деб масхара қилишарди. Ростдан ҳам, агар уни Уля билан ё бошқа бирон қизлар билан кўча-кўйда кўриб қолишса, шу қадар уялиб кетар ва хижолат тортар эдики, салом-алик қилишга ҳам улгурмас, саломлашганда ҳам юзлари шу қадар ловиллаб кетардики, буни кўрган ҳар қанақа қиз ҳам у каби қип-қизариб кетарди. Буни қизлар бир-бирларига гапиришиб, Анатолийдан кулиб юришарди. Лекин ҳар қалай Уля Анатолийни ҳурмат қиларди; у, кўп мутолаа қилган, зеҳнли, вазмин бир йигитча эди. Уляга ёққан шеърлар унга ҳам ёқарди, ҳар хил капалаклар, қўнғиз, минерал ва гуларни йиғиб коллекция қилиб юрар эди.

— Таисья Прокофьевна! Таисья Прокофьевна!— деб қичқирди Улянинг онаси, пастак четан девордан нариги томонга эгилиб.

— Толечка! Уля келди...

Нариги томондаги тепадан, дарахтлар орқасидан Анатолийнинг синглицининг ингичка овози келди. Мевалари қизара бошлаган олчазор орасидан этаги ва енглари украинча тикилган кўйлак ва бошига ўзбекча дўппи кийган Анатолийнинг ўзи кўринди,— узун ва орқага силлиқ таралган малла сочлари ёйилиб кетмасин учун бошига дўппи кийиб юрар эди.

Ҳамма вақт ориқ, офтобда қорайган, қошлари малла, салобатли юзи ҳаяжонда эди; у шундай терлаб-пишган эдики, қўлтиқларининг таги ҳўл бўлиб кетган эди. Бу пайтда у Улядан уялиш кераклигини ҳам нутган бўлса керак.

— Уяна... Биласанми, мен сени саҳардан бери қидираман, ҳамма болалар ва қизларникига бориб келдим, сени деб Витька Петровни тўхтатиб турибман, бизникида ўтиришибди, отаси хўпам сўкди-да мени, чаққон отлан!— деди, шошиб.

— Ҳеч нарсадан хабаримиз йўқ-ку, ахир! Ким буюрди?

— Раёком буюрди,— ҳамма кетиши керак. Ҳаш-паш дегунча немислар келиб қолади. Ҳаммага хабар қилдим, сизларни тополмадим, жуда қўрқиб кетдим. Погорелое куторидан Витька

Петров отаси билан келиб қолишди. Отаси гражданлар уруши вақтида немисларга қарши партизанлик қилган, бу ерда бир дақиқа ҳам қолиши мумкин эмас. Витька бўлса мени ҳам бирга олиб кетаман деб атайлаб кепти! Ўртоқ деган ана шунақа бўлади! Отаси ўрмон назоратчиси бўлиб ишлайди, отлари жуда яхши, мен уларни жўрттага тўхтатиб турдим. Отаси бўлса кўп сўкинди, мен унга: «Ўзингиз эски партизансиз, дўстниг ташлаб кетиш яхши эмаслигини ўзингиз биласиз, яна ўзингиз довжорак одам бўлсангиз керак...» дедим... Фақат сени кутиб турибмиз.— Анатолий ўз бошидан кечирганларини Уляга тезроқ гапириб бермоқчи бўлса керак, шошиб-пишиб, энтикиб гапирарди. У, гоҳ кўкиш, гоҳ кўм-кўк, гоҳ бирдан чақновчи кўзлари билан қизга боқар, бу кўзлар эса унинг юзини бирдан меҳрибон қилиб юборарди.

Нега шу маҳалгача Уляга унинг юзи оддийгина бўлиб кўринган экан? Анатолийнинг чеҳрасида, қалин лабларида, бурнининг икки четида зўр қалб кучи барқ уриб сезилиб турарди.

— Толя,— деди Уля.— Толя... Сен...— деди-да, овози бўлинди, четан устидан кичкина ва офтобда қорайган қўлини узатди.

Толя уялиб кетди.

— Тезроқ бўл, тезроқ,— деди у, қизнинг юракни жазиллатувчи қоп-қора кўзларига қарашдан кўрқиб.

— Ҳамма нарсани тугиб қўйибман, аравани дарвоза ёнига келтираверинглар... Дарвоза тагига келаверинглар...— дерди Улянинг онаси; унинг кўзларидан ва юзидан тинмай кўз ёшлари оқарди.

Шу дамгача кампир қизининг ёлғиз ўзи бепоён ва тарс этиб ёрилган дунёга сафар қилишига ишонмас эди, аммо бу ерда қолиши хатарли эканлигини билар эди. Мана энди меҳрибон кишилар топилибди, уларнинг ёнида кекса киши ҳам бор экан, энди онанинг кўнгли тўқ.

— Толя, Валя Филатовага ҳам айтдингми?— деди Уля шиддат билан.— Ўзинг биласан-ку, у менинг жонажон ўртоғим, у кетмаса мен ҳам кетмайман.

Анатолийнинг астойдил хижолат бўлганлиги юзидан кўришиб турарди, бу ҳолатини яшира олмади.

— От-арава меники эмас-да, иннайкейин ўзимиз ҳам тўрт кишимиз... Ҳайронман,— деди у.

— Мен уни ташлаб кетолмайман-да, ахир!

— Отлар-ку зўрку-я, аммо беш кишини...

— Менга қара, Толя, сенга катта раҳмат... сизлар кетаверинглар, мен Валя билан... Биз пиёда кетаверамиз,— деди Уля шиддат билан.— Хайр!

— Оҳ худо, қандай қилиб пиёда кетасан, қизим? Мен сенга ҳамма кийимларингни, чамадонларингни йиғиштириб қўйгъман, кўрпа-ёстиқни нима қиласан?..— Она бечора худди ёш боладек мушти билан юзларини арта-арта қаттиқ йиғлаб юборди.

Улянинг ўз ўртогига кўрсатган олижаноблиги Анатолийни ажаблантирмади, бу нарса унга жуда табиий туюлди; аксинча, агар Уля бошқача қилганда у ҳайрон бўларди. Шунинг учун у хафа ҳам бўлмади, тоқатсизлик ҳам кўрсатмади, у фақат чора топиш йўлини изларди.

— Олдин ўзидан сўраб кўр!— деди Толя бирдан.— Балки кетиб бўлгандир, балки шу ерда қолар. Комсомол аъзоси эмаску. ахир!

— Мен бориб кела қолай!— деди Матрёна Васильевна суюниб кетиб; кампир бутунлай ҳолдан кетганини ҳам эсидан чиқариб қўйди.

— Уйга кириб ётсангиз-чи, ойи, ўзим бориб келаман!— деди Уля зарда билан.

— Толечка! Қачон бўласизлар?— деб қичқирди йўгон овозли Витька Петров, Поповларнинг уйдан туриб.

— Отлар-ку бақувват от-а. Жуда бўлмаса навбатма-навбат арава ёнига тушиб пиёда чопармиз,— деб овозини чиқариб ўйларди Анатолий.

Бироқ, Валяникига боришнинг ҳам ҳожати бўлмади. Уля ойиси билан энди эшик олдига келган эди, уй билан бостирма, ошхона ва оғилхона ўртасида озиб кетган Валя Филатованинг ўзи кўринди. Офтобда қорайган юзлари оппоқ бўлиб кетганди.

— Валюша, отлан, арава тайёр, икковимизни олиб кетишга кўндирамыз,— деди Уля, шошиб.

— Шошма, сенга икки оғиз гапим бор..

Валя дугонасининг қўлидан ушлади. Оппоқ оқариб кетган юзи жиддий эди.

Улар эшик ёнига боришди.

Валя, кулфат ва ғуссани ифодаловчи катта-катта кўзлари билан ўртогига дадил қараб:

— Уля!— деди.— Уля! Меҳ ҳеч қаёққа кетмайман, мен.. Уля!— деди зўрга.— Сен бошқача одамсан, ўзинг ажойибсан, қўлингдан ҳар нарса келади, ойим ҳам Уляга худо қанот битказган деб тўғри айтади... Улечка, менкиг бор-йўқ бахтим сен-

сан,— дерди Валя, меҳр-муҳаббат ўтида ўртаниб.— Дунёда биттаю битта бахтим бор, у ҳам бўлса сенсан, аммо мен... сен билан кетолмайман. Мен шунчаки бир одамман, ўзим ҳам буни биламан, мен ҳамма вақт энг оддий нарсаларни ҳавас қилардим... Ўқишимни тугатсам, ишласам, бирон яхши одамга эрта тегсам, ўғил ва қиз кўрсам, ҳаётимиз оддий, ёрқин бўлса деб юрардим, бошқа ҳеч нарсени ўйламасдим. Улечка, мен курашишни билмайман, ёлғиз ўзим мусофирчиликда қолиб кетишдан қўрқаман... Тўғри, бутун орзу-ҳавасларимдан айрилганимни ўзим ҳам билиб турибман, аммо муштипар онам бор, мен ҳеч кимга ёмонлик қилганим йўқ, мен шунчаки бир одамман, мен шу ерда қола қоламан... кечир мени...— деди-ю, қўлида эзиб гижимлаб турган дастрўмолчасини кўзига тутиб йиглаб юборди. Уля ҳам бирдан ўртоғини қучоқлаб, бағрига босди ва жуда ҳам майин, ёшлигидан таниш ва хушбўй сочларига бошини қўйиб, йиглади.

Улар ёшликларидан бери ўртоқ, бирга ўқишган, бирга синфдан синфга кўчар эдилар, қизларга хос илк шодлик, қайғу ва сирларини бир-бирларига ўртоқлашар эдилар. Уля камгап, ҳамма билан гаплашавермайдиган қиз эди, фақат юраги тўлиб-тошган вақтлардагина сирини очиб айтарди. Валя эса билган ва сезган нарсаларини оқизмай-томизмай гапириб берарди, баъзан Улянинг сўзлашгиси келиб қолган пайтда Валя шошганидан унинг кўп гапига тушунмай ҳам қоларди,— аммо ёшликда бир-бирининг фикрига тушунишга ким интиларди, бир-бирига ишониш, сирни ўртоқлашиш — бутун шодлик мана шунда! Энди қарашса улар икки хил одам экан... Аммо уларнинг ўтмишдаги чинакам, муқаддас дўстлиги мусаффо, ёрқин кунлар билан тўла эдики, эндиги жудолик балоси уларнинг юракларини тилка-тилка қилиб юборгудай эди.

Валя ўз умрида энг муҳим ва энг яхши нарсадан воз кечаётганини, бундан бошқа қандайдир номаълум даҳшат ва зулматга дуч келиши мумкинлигини сезарди.

Уля эса бахтли онларда ёки юраги жуда сиқилган пайтларда юрагини очиб, бутун сирини айтиши мумкин бўлган бирдан-бир ўртоғидан айрилаётганини сезарди. Уля, ўртоғи унинг туйғуларини сезадими, йўқми, бунга эътибор бермас эди, у ҳар дам ўртоғидан яхшилик ва меҳр-муҳаббат қайтишини билар эди. Уля ёшлиги ўтиб, балогатга етгани, ҳаётга, дунёга қадам қўяётгани, якка ўзи қадам қўйиб чиқаётгани учун йиғларди.

Валя унинг сочидан гулни юлиб олиб ерга ташлаганини

Уля энди эслади. Валянинг нима учун бундай қилганига энди тушунди. Ҳамма ёқ ларзага келиб, конлар емирилаётган бир пайтда Валя сочига нилуфар таққан ўртоғининг қандай галати кўринишини билиб, сочидан гулни юлиб ташлаган экан. Демак у. ўзи айтгандай, шунчаки бир одам эмас экан — унинг кўп нарсасига ақли етар экан.

Улар ўртасида бўлаётган гаплар сўнгги гап эканлигини иккови ҳам сезиб тургандай эди. Улар аллақандай бўлиб, руҳан абадий видолашаётганликларини фақат сезмай, буни яхши билишарди. Шунинг учун улар кўз ёши тўкишдан уялмай, кўз ёшларини тўхтатишга уринмай, астойдил йиглар эдилар.

Шу йиллар ичида фақат Донец қирларидагина эмас, балки аланга ичида қолган, қонга беланган, таҳқирланган бутун совет тупроғида кўп кўз ёшлари оқди. Бу кўз ёшларининг кўпи ожизликдан, даҳшатдан ва дош бериб бўлмайдиган оғриқдан тўкилган эди. Аммо инсониятнинг тўккан энг олижаноб ва муқаддас кўз ёшларидан ҳам беҳад кўп қанча-қанча кўз ёшлари тўкилди!..

Ярим ҳарбийча кийим ва чарм фуражка кийган тўла юзли ва бақувват, кексароқ бир киши ҳайдаб келаётган, тугун ва чамадонлар ортилган ва икки бақувват от қўшилган арава дарвоза ёнига тарақлаб келиши билан Уля ўртоғини қучоғидан қўйиб юборди-да, узун кафтининг пасти билан кўз ёшларини артди, чеҳраси яна илгариги қиёфага кирди.

— Хайр, Валя...

— Хайр, Улечка,— деди-ю Валя, яна ҳўнграб йиғлаб юборди.

Улар ўпишдилар.

Арава дарвоза тагига келиб тўхтади. Унинг кетидан елиб-кгуришдан терлаб-пишган ва кўз ёшлари тинмаган Анатолийнинг онаси, қомати келишган, сариқ сочли, кўзлари шаҳло, новча, оппоқ казачка Таисья Прокофьевна билан Анатолийнинг кичкипа синглиси Наташа кўринди, Анатолийнинг отаси уруш бошланган кунлардаёқ фронтга кетган эди.

Анатолийнинг ўзи эса аравада, унинг ёнида майка кийган, кўкраги очиқ, қора сочли, истараси иссиқ, жасур кўзларида қайғу аломати сезилиб турган Виктор Петров деган бола юмшоқ нарсасига ўралган ва ип билан боғланган гитарани ушлаб ўтирарди.

Уля қайрилиб ота-онаси томонга худди ёғочдай қотиб бора бошлади. Унинг чамадони, тугунлари ва рўмолини олиб келиб

беришди. Катта ёввойи қушнинг кўзлари сингари қора кўзали кекса ва букчайган она қизига томон отилди.

— Ойижон,— деди Уля.

Онаси қоқ суяк қўлларини чайқади-ю, ҳушдан кетиб йикилди.

БЕШИНЧИ БОБ

Бир замонлар халқлар гурас-гурас кўчиб бошқа томонларга кетган вақтлардан бери, Донец қир-далалари 1942 йилнинг июль кунларидагидек бу қадар кўп халойиқнинг кўчишини сира бошидан кечирмаган эди.

Тош йўл ва арава йўлларидан, қир-дала ерлардан жазирама офтобда Қизил Армиянинг чекинаётган қисмлари, от-аравалар, вამбарак-тўплар ва танклар кетиб борар, болалар уйлари, болалар боғчалари ва яслилар, пода-пода моллар, юк машиналари, хуллас қочқинлар гоҳ тўда-тўда бўлиб, гоҳ тарқалишиб, юкларини ва майда-чуйда болаларини аравачаларга ортиб итаришиб борар эди.

Одамлар етилган ва етилаёзган буғдой пояларни пайҳон қилиб боришарди, буғдойни эккан одамлар ҳам, пайҳон қилувчилар ҳам энди бунга ачинишмас эди, чунки бу буғдойлар эгасиз қолмоқда, немисларга қолмоқда эди. Колхоз ва совхозларнинг картошказорлари ва полиэлари ҳам ҳаммага қолган эди. Қочқинлар станицалардаги четан новдаларини ва похолни ёқиб гулхан қилиб картошкани қўрга кўмиб пишириб ейишар эди; аравада ёки пиёда борувчиларнинг ҳаммасининг қўлида помидор, бодринг, шираси оқиб кетаётган қовун-тарвуз кўриш мумкин эди. Қирда шунақанги қалин чанг кўтарилган эдики, кўзни юммасдан офтобга бемалол қараш мумкин эди.

Чекиниб борувчилар оқимга қум зарраси каби кириб қолган ва теварак-атрофдаги ҳол-аҳволни эмас, балки ўз қалбидаги ҳисларинигина ифодаловчи айрим кишининг назарида бемаъни ва ногаҳоний чекиниш бўлиб кўринган нарса аслда юзлаб ва минглаб катта-кичик кишиларнинг иродаси билан ишга солинган мураккаб уруш механизми ҳаракатга келтирган лак-лак одамлар ва моддий бойликларнинг мисли кўрилмаган ҳаракати эди.

Дон дарёсидан тезроқ ўтиб олиш ва шимол томондан қамалга тушиб қолиш хавфини даф қилиш ниятида жанубий фронт

армиялари Ворошиловград ёнига ва Миус дарёси бўйига кучли заслон қўйиб, Новочеркасск ва Ростов томонга чекиниб келмоқда эди. Ворошиловград шаҳри ва областидан кўчирилган катта кўрхона ва муассасалар ҳам шу томонга қараб келар эди.

Ноилож ва шошилич чекиниш вақтида бўладиган ҳодиса катта аскарӣ қисмлар ва оддий халойиқнинг катта ва шовқин-суронли оқимидан бошқа, ҳамма йўллардан ва қирнинг ўзидан қочқинлар, майда идора ва коллективлар, тарқалиб кетган аскарӣ тўдалар, жангда енгилган қўшинларнинг бир-бирини йўқотиб қўйган ва йўлдан адашган обозлари, касал ёки ярадор бўлиб, от-арава йўқлигидан қолиб кетган тўда-тўда ҳарбийлар шарқ ва шарқ-жанубий томонга қараб судралишиб боришарди. Фронтдаги аҳволдан мутлақо беҳабар бўлган катта ва кичик тўда ва гуруҳлар, назарида беҳавфу хатар кўринган томонга борар, катта оқим билан қўшилишиб кетиб, унинг силжишига халақит берар, айниқса, Донец дарёси бўйида душман бомбардирмонӣ остида паром ва пуфак кўприк ташлаган жойларда халойиқ, машиналар ва от-аравалар суткалаб тиқилиб ётар эди.

Немис қисмлари Донец дарёсидан анча ичкарида Морозовскийга кириб қолганлигидан, граждaн аҳолининг Каменск томонга қараб бориши қанчалик беҳуда бўлишига қарамасдан, Краснодар қочқинларининг аксари қисми худди шу томонга интиларди, чунки бизнинг Донец бўйидаги, Миллероводан жануброқдаги мудофаамизни мустаҳкамлаш учун юборилаётган, эндигина Краснодардан ўтиб олган дивизиянинг олдиндаги қисмлари ҳамон шу томонга қараб борар эди. Уля Громова, Анатолий Попов, Виктор Петров ва унинг отаси тушган икки отли арава ҳам худди шу оқимга тушиб қолган эди.

Арава ва машиналар тепаликдан ошиб, хутор қўрғонлари кўздан гойиб бўлгани ҳам йўқ эдики, осмоннинг бир четидан моторларнинг ҳайбатли гулдураши эшитилди, яна немис бомбардирмончилари офтоб юзини қоплаб, одамларнинг ўстидан пастлаб учиб, тош йўлни пулемётга тутди.

Викторнинг отаси, чарм шапкали, юзи тўла, товуши йўгон киши, бирдан қути ўчиб, оппоқ оқариб кетди.

— Қирга қоч! Ерга ёт! — деб бақирди у, даҳшат ичида.

Боалар аллақачон аравадан сакраб, бугдойзор ичига кириб кетган эди. Викторнинг отаси отнинг тизгинини қўйиб юбориб, у ҳам аравадан сакраб тушди-да, худди катта этик кийган ўрмон назоратчиси эмас, балки арвоҳдек кўздан гойиб бўлди. Аравада ёлғиз Улянинг ўзи қолди, нимага қочмаганини ўзи ҳам

билмасди. Хуркиб кетган отлар аравани шундай олиб қочдики, Улянинг аравадан учиб кетишига сал қолди.

Уля тизгинни ушлаб олмоқчи бўлди-ю, лекин қўли етмади; отлар ўзини олдинда кетаётган аравага обориб уриб, олдинги оёқларини тикка кўтариб, сал бўлмаса ён қайишларини узай деб, бошқа томонга бурилиб олиб қочди. Узун, ичи кенг ва мустаҳкам араванинг ағдарилиб кетишига сал қолди. Уля аравадан йиқилиб тушмаслик учун бир қўли билан араванинг четини, иккинчи қўли билан қандайдир оғир тугунни маҳкам ушлаганича ўтирарди, йиқилганда ҳам бошқа араваларнинг қутурган отлари тагида қолиб кетарди.

Қутурган икки катта от пайҳон бўлган бугдойзорда, одамлар ва аравалар орасида оғизларидан кўпик сачратиб, пишқириб чопиб юрарди. Бирдан олдинги аравадан новча, сочлари сариқ, бош яланг, бақувват бир ўсмир сакраб тушди-да, ўзини қутурган отларга томон ташлади.

Нима бўлганини Уля дарров пайқай олмади, бироқ, у, ёллари тикка, жағи карнайдай очиқ ва пишқирган отлар орасида кўзлари чақноқ бир йигитчанинг зўр куч ва чираниш ифода этган, олмадек қизил юзини кўриб қолди.

Йигитча от билан тоқ шотининг ўртасига тушиб олиб, ўзини шоти зарбидан сақлаш учун кўпроқ отга ёпишиб бақувват қўли билан пишқирган отнинг сўлиғидан маҳкам ушлаб олди. Устига бежирим ва дазмолланган сурранг костюм кийган, тўқ қизил галстук таққан (костюмининг соат чўнтагидан буклама ручканинг учи ялтираб кўриниб турарди), баланд бўйли, қомати келишган йигит тик турарди. Йигит, бошқа қўлини шоти устидан чўзиб, нариги отнинг жilовини ушлаб олмоқчи бўларди. Фақат костюми тагидан мускулларининг туртиб чиққани ва офтобдан қорайган бармоқ томирларининг кўкариши унинг нақадар зўр бераётганини кўрсатарди.

— Тисс! Тисс! — дерди йигитча унга бақирмай, лекин шижоат билан.

Иккинчи отнинг жilовидан ушлаб олиши биланоқ, иккала от бирданига жим бўлди-қолди. Жониворлар ёлларини силкитиб, йигитчага қараб-қараб қўйишди, аммо улар тамомила жим бўлмагунча йигит жilовни маҳкам ушлаб тураверди.

Йигитча ахийри жilовни қўйиб юборди. Унинг Уляни ажабга солган иши шу бўлдики, тараб қўйилган, лекин тахи бузилмаган малла сочларини катта-катта қафтлари билан силаб қўйди. Сўнгра, чаккалари чиққан, узун ятиллаб турган тўқ са-

риқ киприклари, катта кўзларини, терлаб кетган юзини Уляга ўгирди-да, самимий ва иссиқ жилмайиб қўйди.

Ҳамон арава четини ва тугунни ушлаганича, қоп-қора кўзлари билан унга миннатдор тикилиб ўтирган Уляга қараб яна боягидай жилмайиб:

— Зап отлар эканми! Олиб қочаман дейди-я! — деди, бир оё дудуқланиб.

Одамлар тош йўлга чиқар, от-араваларини, машиналарини ахтаришар эди. Улар, бу ерда ўлганлар ёки ярадор бўлганлар ёнида бўлса керак,— хотинлар тўпланишар, инграш ва йиги овозлари эшитиларди.

Ҳаяжонланганидан ҳарсиллаган Уля:

— Отлар сени бошиб кетармикин деб қўрқиб, юрагим чиқиб кетаёзди, — деди.

— Узим ҳам шундан қўрқдим, аммо отлар ювош экан, — деди йигитча соддагина ва бармоқлари узун, қорайган қўли билан ўзига яқин турган терлаб кетган отнинг бўйнига эркалаб уриб қўйди.

Йироқдан, Донец томонидан бўлса керак, бомбаларнинг ёрилиб гумбурлаши эшитиларди.

— Эсиз, эсиз одамлар-эй! — деди Уля, атрофга қараб.

Икки томондан от-аравалар, одамлар йўл-йўлга тушишган, уларнинг оқими ҳайқириб оқувчи баҳайбат дарёга ўхшар эди.

— Рост, ачинасан, киши. Айниқса, оналаримизнинг шўри қурсин. Уларнинг бошига ҳали не-не кунлар тушади! Не-не кулфатлар тушади яна! — деди йигитча, унинг чеҳрасида шиддат акс этди, ёш бўлишига қарамай, пешонасида ажин пайдо бўлди.

— Рост, рост... — деб эшитилар-эшитилмас гапирди Уля ва офтобда қовжираб ётган ерга муккасидан йиқилиб тушган ожиз онасини кўз олдига келтирди.

Виктор Петровнинг отаси қандай тез ғойиб бўлган бўлса, шунча тез пайдо бўлди-ю, зўр бериб отларнинг қайиш-тизгинларини ушлаб кўрди. Унинг кетидан дўппили бошини чайқаб, хижолат чеккани ҳолда жилмайиб Анатолий Попов кўринди, унинг кетидан Виктор келди, у ҳам хижолатда эди. Виктор аравага бир кўз ташлаб:

— Менинг гитарам бутунми? — деб сўради. Кўрпага ўраб, тугунчалар орасига қўйилган гитарани кўриб, ўзининг дадил ва ғамгин кўзлари билан Уляга қаради-да, кулиб юборди.

Ҳамон икки от ўртасида турган бояги йигит бирдан шоти ва от тагига шўнгиб, арава ёнидан чиқди.

— Анатолий! — деб қичқирди у, бирдан севиниб кетиб.

— Олег!

Икковлари бир-бирларининг билакларидан маҳкам ушлашди, Олег Уляга кўз қирини ташлаб қўйди.

Кейин ўзини:

— Кошевой, — деб танитди-да, Уляга қўлини узатди.

Унинг чап елкаси ўнг елкасидан сал баландроқ эди. У ёш, гўдак боладай кўринса-да, офтобдан қорайган юзида, баланд ва енгил қомати, ҳатто яхши даэмол урилган уст-бошида, туқ қизил галстугида, юриш-туришида, бир оз дудуқланиб гап-ришларида шу қадар зўр ирода, меҳр, самимият сезилар эдики, Уля шу оннинг ўзидаёқ унга ишонч қўйди.

Йигитча ёса ёш боладай қизиқсиниб Улянинг оқ кофта ва қора юбкали, дала ишларида пишган қоматни, унга тикилиб турган қоң-қора кўзларини, белигача буралиб-буралиб тушган сочларини, аломат ва бежирим бурнини, қуёшдан қорайган, қора юбка тиззасигача беркитиб турган узун ва силлиқ оёқларини бир зумда кўздан кечирди-да, бирдан қип-қизариб кетди, дарҳол Викторга қайрилиб қараб, уялгансимон унга қўл берди.

Олег Кошевой Краснодондаги шаҳар паркига солинган энг катта — Горький номли мактабда ўқирди; Уля билан Викторни биринчи кўриши бўлса ҳам, Анатолий билан актив комсомоллар ўртасида бўлиб турадиган мажлисларда кўришиб, таниш бўлиб олган эди.

— Юриб-юриб шу ерда учрашганимизни қара-я, — деди Анатолий. — Эсингдами, тунов куни бир гала бўлиб сизларникига сув ичгани кириб эдик... Сен бизни... буving билан таништирувдинг! — деб кулди Анатолий. — Буving ҳам сен билан биргами?

— Йўқ, 6-бувим қолди. Ойим ҳам уйда қолди, — деди Олег ва яна пешонаси тиришди. — Биз 6-беш кишимиз. Ойимнинг иниси, Коля, — тоға дейишга сира тилим бормайди, — деб жилмайди Олег. — Унинг хотини, ўгли; 6-бувам арава ҳайдаяпти, — деди-да, олдинги бричкани кўрсатди. Бричкадагилар уни ҳадеб чақиритар эди.

Пакана, аммо оёқлари чаққон саман от қўшилган бричка олдинда борар эди, кейинги икки қора от ёса шу қадар илдам босар эдики, ўларнинг огизларидан чиққан кўпик бричкадагиларнинг елка ва қулоқларигача келиб сачрар эди.

Олег Кошевойнинг тоғаси Николай Коростилёв, қисқаси «Коля тоға», «Краснодонуголь» да инженер-геолог эди; чиройли,

қора қош, қора кўз, эғнига кўк костюм кийган, табиати оғир бу йигит ўз жиянидан фақат етти ёш катта эди, шунинг учун Олег билан ўртоқ эди. Ҳозир у, Уля туфайли Олегни мазақ қила бошлади. Жиянига қарамай бепарво овоз билан:

— Қўлдан берма энди уни, оғайни! — деди. — Бунақанги қизни бир ўлимдан сақлаб қолиш ҳазил гап эмас! Совчи юбор-масак бўлмайдиганга ўхшайди. Сен нима дейсан, Марина?

— Қўйсанглар-чи! Ўзимнинг юрагим чиқиб кетаёзди, ахир!

— Яхши қиз-а, ўзи? — деб сўради Олег, ёшгина келинойи-сидан. — Жуда ҳам чиройли қиз-а!

— Леночка-чи? Уни унутиб ҳам юбордингми?.. Эҳ, сени қара-ю, бевафо! — деди келинойиси ва қоп-қора кўзларини Олегга тикди.

Марина келинойиси нафис расмларда тасвирланадиган энг чиройли украин жувонларидан ҳам чиройли эди: устида гул солиб тикилган украинча кофта, бўйнида қатор-қатор маржон, ўзи қорачадан келган, тишлари садафдек оппоқ, қалин сочлари ёйилиб тушган, йўлга шошиб-пишиб отланган бўлса ҳам зеб беришни қўймабди.

У, ниҳоятда шўх, кўзи тушган нарсага талпинувчи ва шундай мудҳиш бир муҳитга тушиб қолганидан мутлақо беҳабар уч ёшли дўндиққина боласини тиззасида олиб ўтирар эди.

Марина, теварак-атрофга ва осмонга хавотирланиб қараркан:

— Йўқ, менимча, бизнинг Олегга Леночка мос келади, — дерди. — Буниси чиройликка чиройлий-ку, аммо Олегни ёқтирмайди, нега десангиз, Олег ҳали ёш, унинг эса бўйи етиб қолган. Ёш йигитчалар ёши анчага бориб қолган қизларга ёқади; агар қиз ёш бўлса, ўлса ҳам ўзидан ёш йигитни ёқтирмайди, ўзимнинг бошимдан ўтган. — У гапирганда лаби лабига тегмай тез гапирар эди, унинг ростданам жаҳли тезлигининг аломати эди.

Олегнинг синфдоши Лена Позднишева Краснодарда қолган эди; Олег у билан жуда дўст эди, уни яхши кўрар, кундалик дафтарининг кўп бетлари шу қизга бағишланган эди. Ё Олег, Уляни жуда мақтаб юбориб, Ленага бевафолик қилдими? Нимаси, бевафолик бўпти! Леночка унинг қалбида абадий қолади, ҳеч қаёққа кетмайди. Уля эса... шу билан у яна Уляни ва қутурган отларни кўз олдига келтирди, чап томондаги отнинг ўзига қараб пишқирганини ҳам сёзди. Наҳотки, шулардан кейин ҳам Маринанинг гапи рост бўлса, яъни бу қиз «бола ёш» деб, севмаса? «Эҳ, сени қара-ю, бевафо!» Олег чиройли қизни кўрдими, бўлди — бирпасда яхши кўриб қоларди, бунини ўзи ҳам биларди.

Иккала арава колоннанинг олдига ўтиб олиш учун анчагача қўлдан кезиб юрди, аммо бундай ниятли одамлар юзлаб ва минглаб бўлганидан, одамлар, от-аравалар ва машиналарнинг олди ва кети кўринмасди, ҳамма ёқни халойиқ, машина ва арава босиб кетганди.

Бора-бора Улянинг ҳам, Леночканинг ҳам қиёфалари Олегнинг ёдидан кўтарилди, унинг бутун фикри-ёдини мана шу одамлар оқими чулғаб олди, саман от қўшилган бричка билан қўш отли арава денгизда адашган қайиқча каби, шу оқимдан оқиб борар эди.

Оламнинг тўрт томонига чўзилиб кетган бепоён қир-даланинг кети кўринмас эди, уфқни ёнгиндан кўтарилган қалин тутун қоплаган, фақат олисда, шарқ томонда мовий осмонда оппоқ, топтоза булут парчаларигина суэиб юрарди, шу топда бу булутлар орасидан оппоқ фаришталар кумуш сурнай чалиб учиб чиқиб қолса ҳам ҳеч ким ажабланмасди.

Олег юмшоқ, меҳрибон қўллик ойисини эслади...

... Ойи, ойижон! Эсимни таниганимдан бери сенинг қўлларингни биламан. Қўлларинг ёз келганда қоғаяр, қишда ҳам оқармас, офтобнинг текис, майин нурлари қўлларингдан сира кетмас эди, — қўлларинг майин, силлиқ эди, фақат томирлари сал қорайиб кўриниб турарди. Қўлларинг балки қаттиқ ва дағалдир, умрингда не-не меҳнату юмушлар қилмагансан, — аммо менга ниҳоятда майин кўринади, шу қўлларингнинг томирлари қорайиб кўриниб турган жойларидан ўпишни яхши кўрардим.

Эсимни таниганимдан бери то мени машаққатли ҳаёт йўлига кузатиб, бошингни кўксимга сўнгги марта қўйганинг дамларгача қўлларингнинг бўш турганини кўрмадим. Қўлларинг чойшапларимни ювиб, совун кўпикларидан чиқмагани, қиш кунлари қалта пўстин кийиб, бўйнингга обкаш солиб, қўлқоп кийган қўлинг билан челақ бандини ушлаб сув ташиганларинг эсимда, ойижон: ўзинг ҳам шу қўлқоп сингари кичкинагина, пахмоқдай эдинг.. Бўғинлари йўғон бармоқларингнинг алифбе китоби бетларида сузиб, сенинг кетингдан: «о-на, о-йи» дея бошлаганларим кўз олдимда; бақувват қўлингдаги ўроқ билан арпа ўрганларинг, қўлингни ҳар кўтарганингда ўроқнинг ялтираши, ўрилган арпани авайлаб бир чеккага қўйиб боришинг, — ҳаммаси, ҳаммаси кўз олдимда, ойи...

Биз ёлғиз иккимиз турганда, — ўшанда бутун оламда биздан бошқа ҳеч ким йўқдай кўринарди, — ёлғиз иккимиз яшаган чоғда яхлаган сувда кир чайганларинг, кўкариб, қизариб кетган

қўлларинг, ўглингниг қўлини огритмай зирапчани суғуриб олганларинг, игнага ип тақиб туриб ўзингга ва менга қўшиқлар айтиб, кийим тикишларинг, — ҳаммаси, ҳаммаси ёдимда, — қўлингдан келмайдиган, сен уддасидан чиқолмайдиган, қўлинг бормайдиган иш йўқ эди дунёда! Қўлларингниг сигир тезаги қўшиб лой қорганларини, уйимиз деворларини шуваганларини, бармоқларингга узук тақилганини, шойи кўйлакли қўлингнинг қизил молдаван вино қуйилган стаканни кўтарганларини кўрганман. Ўгай отам сени эркалаб қўлда кўтариб юрганларидан юмшоқ ва билакдан юқориси оппоқ қўлларинг унинг бўйнидан кучганлари эсимда; ўгай отам сени деб мени севарди, сени деб мени ўз отамдай ҳурматлардим, чунки сен уни севардинг.

Ҳаммадан ҳам мудраб ётганларимда илиқ ва совуқ, ғадир қўлларинг билан сочларимдан, бўйин ва кўкракларимдан силаганларинг бир умр ёдимдан чиқмайди. Ҳар сафар кўзимни очсам ёнимда бўлардинг, шамчироқ милтиллаб турарди, худди қоронғиликдан чиқиб келгандай чалғиган кўзларинг билан менга тикилиб-тикилиб ўтирардинг, устингда мурсак, ўзинг сокин ва кундай нур сочиб турардинг. Сенинг пок ва муқаддас қўлларингдап ўпаман, ойи!

Сен-сен бўлмасанг сенга ўхшаган бошқа бир она, — ўз фарзандларингни урушга жўнатдинг; ўгилларингниг баъзилари энди қайтиб келмайди; агар бу кулфат сенинг бошингга тушмаган бўлса, сеңга ўхшаган бошқа бир онанинг бошига тушган. Аммо, уруш кўнларида ҳам одамлар бир бурда ноига вор эмас эканлар, устлари бутун, далаларда, похол сомон мўл, поездлар ғир-ғир юриб турар экан, боғларда олчалар гуллар, домналарда алангалар гурилларкан, солдатни ердан ёки бетоб ва ярадорни ғойиб бир қўл кўтариб турғизиб қўяр экан, — буларнинг ҳаммаси оймнинг қўли билан ановининг, яна аллакимнинг, бошқаларнинг оналарининг қўллари билан бўлган.

Орқа-олдингга назар ташла, йигит, дўстим, мен сингари атрофга бир назар ташла-да, умрингда онангдан ҳам кўпроқ кимни хафа қилганини айт: оналаримизнинг сочлари мандан, сендан, бизнинг қилмишларимиздан, бизнинг қайғу-ҳасратларимиздан оқармадими? Она қабри устида буларнинг бариси бизнинг қалбимизга таъна қиладиган соат ҳам келиб қолар!..

Ойи, ойижон!.. Кечир мени, дунёда фақат сен, ёлғиз сенинг ўзинг кечира оласан. Ёшлигимдаги каби, қўлингни бошимга қўй, кечир...

Олегнинг кўкси шундай фикр ва туйғулар билан тўлиб-тош-

ган эди. Онасининг «у ерда» қолганини, «шиддатли кунларим дўсти» бўлган Вера бувиси, ойисининг ойиси, Коля тоғанинг ойиси Вера бувининг ҳам «у ерда» қолганини Олег сира унутолмас эди.

Олегнинг юзи шиддатли тус олди, хаёлга ботди, олтин киприклари орасидаги катта кўзларини нам босди. У, катта қўлларининг бармоқларини чалиштириб, пешонаси тиришган ҳолда, энгашиб оёғини осилтириб ўтирар эди.

Коля тоға билан Марина, ҳатто уларнинг ўғилчаси ҳам жим бўлиб қолишди, кетиндаги аравадагилар ҳам жим бўлишди. Саман от билан икки қора от ҳам жазирама офтоб ва тўс-тўполондан чарчаган бўлса керак, икки арава ўз-ўзидан яна катта йўлга тушиб олган эди, йўлдан ҳамон одамлар, от-аравалар ва машиналар оқими тўхтовсиз кетиб борар эди.

Одамзоднинг бошига тушган бу катта кулфат тўғғонида оқиб бораётган одамлар кулишар, ҳазил-мутойиба қилишар, мудраб ўтиришар, болаларини эмизар, бир-бирлари билан танишар, онда-сонда учраган қудуқдан отларни сугоришар эди,— буларнинг атрофини, буларнинг устини оқимдан тезроқ учиб бораётган қора булут қамраб, унинг қанотлари қаердадир шимол ва жанубни қоплаб олган эди.

Улар туғилиб ўсган ватанларини, қавм-қариндошларини ноилож ташлаб, номаълум томонларга қочишлари, бу қора кўланка ташлаган ёвуз куч уларга етиб олиб, мажақлаб ташлай олиши ҳар бир кимсанинг бағрини тошдай эзарди.

ОЛТИНЧИ БОБ

Катта тош йўлнинг четидан кетаётган бричка билан телега ҳам келиб қўшилган машиналар ва қочқинлар орасида 1-бис кўмир конига қарашли юк машина ҳам бор эди. Бу машинада кон бошқармасининг юклари ва ходимлари билан бирга кон директори Валько ва бир неча соат бурун Уля эшиги тагида учратган Григорий Ильич Шевцов ҳам бор эди.

Ватан урушида ҳалок бўлганларнинг етим болалари учун очилган болалар уйи (Восьмидомикидаги болалар уйи), — беш-саккиз яшар ўғил ва қиз болалар, — уларни эргаштириб олиб кетаётган икки энага қиз, болалар уйининг мудираси-мураббия, ҳаммалари пиёда борар эдилар; қарашлари ўткир, олазарак кекса мураббия бошига худди ўроқчи аёллар сингари қизил дур-

рача тангиб олган, пайпоғи устидан чанг босиб кетган боти ки-йиб олган эди.

Болалар уйининг ашқол-дашқоли ортилган бир неча аравага чарчаб қолган болаларни галма-галдан миндириб боришар эди.

1-бис конининг машинаси болалар уйига етиб олиши биланоқ, машинада ўтирганларнинг ҳаммаси машинадан тушиб, болаларни миндиришди. Кўк кўз, юзлари олмадек қизил, оппоқ-қина бир қизча Григорий Ильичга шундай ёқиб қолдики, шу қизни бора-боргунча қўлида кўтариб борди; ўзи ҳам оппоқ кўк кўз Григорий Ильич ўзига ўхшаган қизнинг дўндиқ юзидан, жажжигина қўлчаларидан ўпар, уни гапга солиб борарди.

Болалар уйининг аравалари кетидан (бричка билан телега арава ҳам шуларга келиб қўшилган эди) узундан-узун ҳарбий қисм ошхоналари, пулемётлари ва замбараклари билан келмоқда эди. Кўпни кўрган ҳарбий киши бу қисмда танкка қарши милтиқ ва тўплар кўплигини бир қарашдаёқ пайқаб оларди. Битта-битталаб силжиб борувчи гвардиячи миномётлар Донец осмони фониди худди байроқ каби секин-секин чайқалиб борар эди. Улар ўрнатилган юк машиналар олисдан кўринмас эди, шунинг учун бу галати иншоотлар кўп километрларга чўзилиб кетган ҳарбий ва гражданди кишилар оммаси тепасида худди сузиб кетаётганга ўхшарди.

Бу қисм бир неча кундан бери тўхтамай йўл босиб келаётганидан, жангчи ва офицерларнинг этикларини қизгиш чанг босиб кетган эди. Олдинги аравалар тўхтаганда колоннанинг бошида келаётган автоматчилар ротаси араваларнинг икки ёнини ўраб олишарди. Юзлари қип-қизариб кетган автоматчилар автоматларини чақалоқ болани кўтаргандай кўкракларига босиб, чарчаган, вазминлашган ёки жароҳатланиб боғланган қўллари билан ушлаб боришарди.

Уля тушган арава нима сабабдандир ўз-ўзидан автоматчилар ротаси билан қўшилиб, унинг бир қисмидай бўлиб қолди; юрганда ҳам, тўхтаганда ҳам арава ротанинг ўртасида қоларди, Уля қай томонга қарамасин, ҳамма ёқдан этик ва пилоткалари чанг босган, минг марта терлаб, минг марта қотган, яна терга пишган, зах ерларда, қумларда, балчиқда, ўрмонларда ва шўр ерларда булганган, жалаларда ивиган, жазирама офтобда куйган гимнастёркали ёш жангчилар унга гоҳ зимдан, гоҳ тўппа-тўғри тикилиб қарар эдилар.

Чекинишга қарамай, жангчиларнинг кайфлари чоғ эди: улар одатда қизлар бор жойда ҳазилкашлик қиладилар, тиллари бий-

рон бўлиб кетади; ҳар қанақа ротада бўлгани каби, автоматчилар ротасининг ҳам ўз эрка-қизиқчиси бор эди.

Бирон баҳона топиб отларни бир оз бўлса ҳам елдириб ҳайдаб ўтиб кетишга ҳаракат қилаётган Викторнинг отасига бояги ҳазилкаш:

— Ҳой, буйруқ бўлмасдан қаёққа ўтиб кетяпсан? — дерди. — Йўқ, йўқ, огайни, энди бизсиз ҳеч қаёққа кетолмайсизлар. Барингни ротамизга умрбод ёзиб қўйдик, мис котелок қандай хизмат қилса, энди сизлар ҳам шундай хизматда бўласизлар. Биз сизларни таъминотга ҳам киритиб қўйдик, ип-игнага, совунповунга, овқат-повқатга ёзиб қўйдик, қизни, — ҳуснини худо ўз паноҳида сақласин, — қизни ҳар куни эрталаб кофе билан боқиб турамин. Ширин кофе билан!..

— Рост айтасан, Каюткин, ротамизга озор чектирма! — деб қўшилишарди автоматчилар ва Уляга илжайиб қўйишарди.

— Ишонмайсизларми? Мана ҳозир биламиз! Уртоқ старшина! Федя! Ухлаб қолдингми? Уртоқлар Федя юрган ерида ухлаб қопти... Ҳой старшина дейман! Патагингни йўқотиб қўясан...

— Узинг-чи? Узинг каллангни йўқотганинг йўқми?

— Битта аҳмоқ калламини йўқотиб қўйдим, қарасам сенинг елканга бориб қўнибди. Ақллиги ўзимда. Каллам ясама калла, мана ишонмасанг қара...

Каюткин бир қўли билан энгагидан, иккинчи қўли билан бўйнидан, бир қошига тушириб кийган пилоткасининг пастидан ушлаб, кўзларини олайтиради-да, калласини бураб олаётгандай қилиб у ёқ-бу ёққа айлантиради. Чиндан ҳам калласини бўйнидан суғуриб олаётганга ўхшарди, бу найрангни кўрган ротадаги ҳамма кишилар ва яқин атрофдагилар қотиб-қотиб кулишди. Уля ҳам ўзини тутиб туролмади, ёш болалардай жаранглаб кулиб юборди-да, кетидан ўзи ҳам уялиб кетди. Каюткин бу қилиқларнинг ҳаммасини фақат Уля кўрсин деб қилаётганини билгандай, автоматчилар завқ билан Уляга қарар эдилар.

Бу ҳазилкаш Каюткин ўзи нимжон бўлса-да, ниҳоятда эпчил ва чаққон эди. Унинг майда-майда ажин босган юзи шу қадар ғалати эдики, унга қараган одам неча ёшдалигини билолмас эди, — эҳтимол ўттиздан ошгандир, балки ҳали йигирмага ҳам кирмагандир, бўйига қараганда бола дерди. Катта-катта кўк кўзларининг атрофини ҳам майда ажин босиб кетганди, гапдан тўхтаб жим турган вақтларида бу кўзларда бедармонлик сезиларди, аммо ўзининг чарчаганлигини одамларга билдирмаслик учун тинмай гапирарди, деса бўлади.

— Сизлар қаерлик бўласизлар, йигитчалар? — деди у, Улянинг ҳамроҳларига қараб. — Ана, айтмадимми! Краснодарлик экансизлар-да, — деди яна гапга қизиқишиб кетиб. — Бу қиз бирорталарингга сингил бўлса керак-да? Ё сизнинг қизингиз бўладими, отахон?.. Ана, айтмадимми, ёлғиз экан, қиз ҳам эмас, сингил ҳам эмас, эрининг хотини ҳам эмас экан, Каменскка борганда сафарбар қилишлари аниқ. Албатта олиб қўядилар, регулировщик қилиб тайинлайдилар. Катта ва серкатнов йўлга турғизиб қўядилар, — Каюткин қўли билан йўлдан ва чўлдан кетаётган окимни кўрсатди. — Қайтанга бизга, автоматчилар ротасига кириб қўя қолани маъқул.. Мен сизларга айтсам, йигитлар, сизлар ҳадемай Россияга етиб оласизлар, у ерда нима кўп, қиз кўп, бизнинг ротамизда бўлса битта ҳам қиз йўқ. Бетамизликка барҳам бериш, одобли бўлишимиз учун бизга шунақа битта қиз жуда керак.

Анатолий кулгисини босолмай, Каюткиннинг кўзларига кўзи учрашмасин деб бошқа томонга қараб кулиб ўтирган Уляга кўз ташлаб:

— Ихтиёри ўзида, — деди ва жилмайди.

— Ҳа, ҳа, ундай бўлса кўндирамин! — деди Каюткин. — Ротамиздан шундай йигитларни ажратамизки, улар ҳар қанақа кизни ҳам кўндиради.

«Қолсам нима қилади? Аравадан лип этиб тушаманда, шуларга қўшиламан, кетаман!» деб ўйлади Уля ва юраги шув этиб кетди.

Арава ёнида кетаётган Олег Кошевой Каюткиндан кўзини узмай борарди: у, Каюткинни яхши кўриб қолган ва ҳамманинг ҳам уни яхши кўришини истарди. Каюткин огзини очгани ҳамоно Олениннинг кулгиси қистар ва бошини орқасига эгиб, садафдай тишларини кўрсатиб қотиб-қотиб куларди. Завқдан қўлларини ишқарди, — Каюткин унга шу қадар ёқиб қолган эди. Аммо Каюткин бунга эътибор ҳам бермасди, унга ҳам, Уляга ҳам, кулдириб турган одамларнинг ҳеч қайсисига қарамас эди.

Каюткин ўзининг энг ўткир ҳазилларидан бирини айтиб, жангчиларни кулдириб турган пайтлардан бирида чўлдан кетаётган ротага етиб олган ва қалин чангга ботган вездеход жангчилар ёнидан ўтиб қолди.

— Смир-рно!..

Узун ва чайир бўйинли капитан рота орасидан югуриб чиқди-да, силкиниб турган тўппонча қинини қўли билан ушлаб, узун ва ориқ оёқлари билан эндигина тўхтаган вездеход ёнига югу-

риб келди; думалоқ ва катта бошига янги фуражка кийиб олган тўла қоматли генерал вездеход ичидан бошини чиқариб қараб турар эди.

— Кераги йўқ, кераги йўқ, — деди генерал. — Отставить...

Генерал вездеходдан тушди-да, честь бериб бўлган капитан билан қўл бериб сўрашди, у билан сўрашаркан, шиддатли ва оддий юзида чақнаб турган кичкина кўзлари билан чанг босиб борувчи автоматчиларга қараб турарди.

— Ана холос, ҳаммаси ўзимнинг курскликлар-ку, Каюткин ҳам шу ерда экан! — деди генерал, мамнун бўлиб. Кейин вездеходга кетимдан келаверинглар деб қўли билан ишора қилди-да, гавдаси йўгон бўлишига қарамай, илдам қадам билан автоматчиларнинг ёнидан бораверди. — Каюткин бўлса жуда соз... Каюткин тирик экан, демак қўшинларнинг руҳини энгиб бўлмайди, — дерди генерал; у Каюткинга қулиб қараб борса ҳам, атрофини гуж ўраб олган жангчиларга қаратиб гапирарди.

Каюткин шу маҳалгача гапириб келган ҳазил-мутоиба товуш билан эмас, балки ниҳоятда жиддий бир оҳангда:

— Служу Советскому Союзу! — деди.

— Ўртоқ капитан, қаёққа ва нимага кетаётганимизни жангчилар биладими? — деб сўради генерал, ундан сал кейинда бораётган рота командиридан.

— Билишади, ўртоқ генерал...

Генерал унинг атрофини ўраб олган жангчиларга бир назар ташлаб чиқди-да:

— Анови водокачка ёнида хўп иш қилдиларинг-да, эсларингдами? — деб сўради. — Энг муҳими шундаки, ўзимизни омон сақлаб қолдик... — Кейин худди биров унга эътироз билдираётгандай: — ҳа, бутун гап шунда! Ўлиб кетишдан осони йўқ... — деди.

Генерал бу гапни бўлган ишни мақташдан кўра кўпроқ бундан кейинги жангларга ҳозирлаш учун айтаётганини ҳамма сезиб турарди. Ҳамманинг юзидан табассум йўқолди, ҳамма чеҳраларда баб-баравар сезилмас бир маъно пайдо бўлди.

— Ҳали ёшсизлар-у, аммо қандай тажрибангиз борлигини биласизларми? Масалан, сизларни менинг ёшлигим билан таққослаб бўладими? — дерди генерал. — Бир вақтлар мен ҳам шу йўлларни босиб ўтганман... Иннайкейин, душман ҳам бунақа эмас эди, техника ҳам! Мен босиб ўтган йўлни бир мактаб деса, сизларнинг босиб ўтган йўлингизни университет деса бўлади...

Генерал, худди бирон нарсани даф қилгандай ё бўлмаса би-

рон гапни уқдирмоқчи бўлгандай катта бошини силтаб қўйди. Унинг бундай қилиши баъзан ранжиганини кўрсатиб, баъзан эса мамнун эканлигини билдирар эди. Ҳозир унинг бундай қилиши мамнунлигини ифода этган эди. У гўё ёшлигини эслаганидан ва автоматчиларнинг табиий бир одат бўлиб қолган жанговар қиёфаларини кўриб хурсанд бўлган эди.

— Бир гап сўрашга рухсат беринг, — деди Каюткин. — «У» анча ерга бориб қолдими?

— Анча ерга бориб қолди, лаънатилар! — деди генерал. — Шунча ерга бориб қолдики, сен билан биз жуда уятда қолдик.

— Яна шундай кетаверадими?

Генерал бирмунча вақт индамай борди.

— Бу томони сен билан бизга боғлиқ... Қишки зарбамиздан кейин у анча куч тўплади. Бутун Европадаги техникани тўплаб туриб, бир ердан, сиз билан биз турган ердан солиб қолди. Чидаш беролмайди деб ўйлаган-да. Аммо, резерви йўқ... Ҳа, ҳа, бутун гап шунда!

Генералнинг кўзи олдинда кетаётган аравага тушиб қолган эди, бирдан немис шўнгувчи аэропланлари учиб ўтиб кетаётган маҳалда тош йўл ёқасида яккаю ёлғиз турган қизни кўриб қолди. Генерал ўзининг вездеходида дивизиянинг иккинчи эшлонига бориб келишга улгурган ва энди Краснодондан ўтиб бўлган олдинги қисмларга етиб олган эди, шу вақт ичида қизнинг тақдирида ва дилида юз берган ҳамма нарсани кўз олдига келтирди-да, чеҳрасида ачиниш эмас, балки ташвиш аломати пайдо бўлиб қовоқлари солинди. У бирдан тарадудланиб қолди.

— Муваффақият тилайман!

Вездеходни ишора билан тўхтатди-да, тўладан келган бўлса ҳам, чаққон ва илдам қадам билан вездеход ёнига қараб кетди.

Генерал автоматчилар орасида бўлган вақтда Каюткиннинг унга берган саволлари ва ҳаракатлари ниҳоятда жиддий эди. Ўзининг жангчилар ўртасида ажралиб туришига ва уларнинг ҳурматига сабаб бўлган хислатларини генералга кўрсатишни Каюткин ўзига эп кўрмас эди. Аммо вездеход кўздан ғойиб бўлиши биланоқ, Каюткин яна илгариги ҳазилкашанги ва хушчақчақлигини бошлаб юборди.

Колоннанинг кейинги қаторларидан новча, қўллари катта ва қоп-қора бир пиёда аскар ҳаллослаб чиқди-да:

— Уртоқлар! Конга қарашли машинани учратмадингларми? — деб сўради. У қўлида ёғ босиб кетган латтага ўралган қандайдир оғир бир нарсани кўтариб келарди.

— Ҳов ана! Кетаётгани йўқ, тўхтаб турибди! — деди Каюткин қазиллашиб ва болалар билан тўла машинани кўрсатди.

Олдинда тиқилинч бўлиб қолганидан колонна ростдан ҳам тўхтаб қолган эди.

Жангчи, қўлидаги оппоқ қизчани авайлаб ерга қўйиб турган Григорий Ильич билан Вальконинг ёнига келиб:

— Кечирасизлар, ўртоқлар! — деди. — Мана бу асбобларни сизларга ташлаб кетмоқчиман. Сизлар — ҳунарманд одамларсиз, бирон ишингизга яраб қолар, менга эса йўлда оғирлик қилади.

Жангчи ёғ босиб кетган латтани оча бошлади. Валько билан Григорий Ильич энгашиб, унинг қўлига қараб турардилар.

— Мана, кўрдингларми? — деди жангчи мақтаниб ва латтада ялтираб турган чилангарлик асбобларини кўрсатди.

— Гапингга тушунмадим, сотмоқчимисан? — деб сўради Валько ва қалин қош-қовоқлари тагидан лўлиларникига ўхшаган кўзлари билан унга тикилди.

Жангчининг ўртаниб турган юзи шу қадар қизариб-бўзариб кетдики, ҳатто тер чиқиб кетди.

— Огзингга қараб гапир! — деди жангчи. — Қирдан топиб олдим буни. Оёқ остида, латтага ўроғлиқ ёгган экан. Битта-яримтаники тушиб қолган бўлса керак-да!

— Балки оғирлик қилиб, ташлаб кетгандир, — деди Валько.

— Ҳунарманд одам, ўлса ҳам асбобини ташлаб кетмайди! — Энди фақат Григорий Ильичга қараб совуққина қилиб: — Тушиб қолган, — деб қўйди.

— Раҳмат, барака топ, оғайни... — деди Григорий Ильич ва жангчи билан бирга асбобларни яна латтага ўрай бошлади.

— Омонатни топширдим, энди кўнглим тўқ. Яхши асбоб-да, увол бўлади, — деди кайфи чоғ бўлиб жангчи. — Хайр энди! — фақат Григорий Ильичнинг қўлини сиқиб хайрлашди-да, қайтиб кетди, салдан кейин колоннага қўшилиб кетди.

Валько жангчининг кетидан анчагача қараб қолди, унинг юзиде миннатдорлик акс этарди.

— Инсон боласи-де... — деди, бўғиқ овоз билан.

Бир қўлида асбоб ушлаган, бир қўли билан оппоқ қизчанинг бошини силаб турган Григорий Ильич, директорнинг юраги тошлигидан эмас, балки минг-минг киши ишлаган ва кунига минг тонналаб кўмир берадиган корхона директорини баъзи бир одамлар алдаб келганига ўрганиб қолганидан, бояги жангчига ишонмай қараганини тушунди. Бу корхонани директорнинг ўзи

Ўз қўли билан портлатиб юборди, одамлари қисман кўчириб олиб кетилди ё ҳар тарафга тарқалиб кетди, қисман ҳалокат остида қолиб кетди. Директорнинг юраги қанчалик гашлигини ва азобланганини Григорий Ильич биринчи даъфа ўйлаб қолди.

Кеч кириши билан олд томондан тўп овозлари эшитила бошлади. Тунга бориб бу овозлар янада яқинлашди, ҳатто пулемётларнинг тириллаши ҳам базўр эшитиларди. Кечаси билан Каменск томонда шуълалар сўнмади, бу шуълалар баъзан шу қадар кучли бўлардики, ҳатто колоннани бошдан оёгигача ёритиб юборарди. Енгин алангалари гоҳ у томонни, гоҳ бу томонни жигар ранг бўёққа бўяб юборар, қоп-қоронги қирдаги тепаликларни ёритиб юборарди.

Викторнинг гапга қўшилмай, аравада тамаки чекиб ўтирган отаси:

— Ўртоқлар мозори,— деди; тамаки чўғи аҳён-аҳёнда унинг сергўшт юзини ёритарди — Булар қадимги қабрлар эмас, бизнинг ўзимизнинг қабрларимиз, — дерди у, ҳаяжонланиб. — Пархоменко ва Ворошиловлар билан шу ерлардан уруш қилиб ўтганимизда шаҳид бўлган ўртоқларимизни шу ерга кўмиб кетган эдик...

Анатолий, Виктор, Олег ва Улялар оғир сукут ичида аланга шуъласида қизариб кўринган тепаликка қарашди.

— Мактабда ўқиган вақтимизда, ўтган урушлар ҳақида қанчадан-қанча ҳикоялар ёзар эдик, мана энди гўё бизни синамоқ учун, урушнинг ўзи ҳам етиб келди, биз бўлсак ундан қочиб кетяпмиз... — деди Олег ва оғир хўрсинди.

Тунда колоннанинг ҳаракати ўзгарди. Муассаса ва айрим кишиларга қарашли машина ва аравалар, қочқинлар бутунлай тўхтаб қолган, олдинда фақат аскарий қисмлар бораётибди деган гап тарқалди. Энди автоматчиларга ҳам иавбат келган эди: улар ҳам қўзғалишди, қоронғида милтиқлар секин-секин шарақларди; уларнинг кетидан бошқа қисмлар ҳам қўзғалди. Машина моторлари гуриллаб, бир-бирларини итара-итара, аскарларга йўл бўшатиб бера бошлади. Қоронғида милтиллаган тамаки чўғлари осмондаги юлдузларга ўхшарди.

Кимдир биров Улянинг тирсагини туртди, Уля қайрилиб қаради. Викторнинг отаси ўтирган араванинг рўпарасидаги арава ёнида Каюткин турарди.

— Жиндак гапим бор, — деди Каюткин шивирлаб.

Каюткин бу гапни шундай оҳанг билан айтдики, Уля аравадан тушишга мажбур бўлди. Бир оз нарига боришди.

— Кечирасиз, безовта қилдим, — деди Каюткин секин, — Каменскка асло бора кўрманг, ҳадемай немис олиб қўяди, До-нецнинг нариги томонида эса немис анча ичкарига кириб кетди. Менинг айтганимни зинҳор ҳеч кимга айта кўрманг, сизга ҳам айтишга ҳақим йўқ эди. Аммо сизлар ўзимизники бўлганингиздан ачиниб айтаяпман, бекорга ҳалок бўлиб кетманглар, дей-ман. Жануб томонга бурилишлар, ўшанда ҳам фурсатни қўлдан берманглар.

Каюткин худди кафтида чўғ ушлаб тургандай, Уля билан эҳтиёт бўлиб гаплашарди ва қоронгида ғира-шира кўринган юзи жиддий ва маъюс эди, қоронгида ялтилаган кўзларида чарчаганлик аломати кўринмас эди.

Уляга унинг гапи эмас, овозининг оҳанги қаттиқ таъсир қил-ди. Қиз унга индамасдан қараб турарди.

— Отииг нима ўзи? — деб секин сўради Каюткин.

— Уляна Громова.

— Ёнингда бирон суратинг йўқми?

— Йўқ.

— Йўқ дегин... — деб ғамгин ва маъюс такрор этди Каю-кин.

Улянинг юрагини тўлдириб турган ачиниш ҳиссига шўхлик ҳисси келиб қўшилди-да, бошини Каюткиннинг юзига жуда яқин олиб қаради.

— Ёнимда ҳеч қандай суратим йўқ, — деди шивирлаб, — аммо юзимга тикилиб қараб олсанг... — Сўнгра бир дам жим турди-да, қоп-қора кўзлари билан унга қаради, — ...унутмай-сан...

Каюткин жим қолди, фақат катта кўзлари қоронгида маъюс ёнарди.

— Секи ҳеч унутмайман. Чунки сени унутиб бўлмайди, — деб эшитилар-эшитилмас шивирлади, Каюткин. — Хайр... — де-ди-да, солдатча оғир этикларини гурсиллатиб, Сомон йўли каби бепоён зинстонда сигаркаларни чекиб кетаётган қисмига етиб олди-ю, кўздан ғойиб бўлди.

Уля, Каюткиннинг гапларини бирон кимсага айтмайми, йўқ-ми деб ўйланиб қолди, аммо афтидан, бу фақат Каюткингагина маълум бўлмай, балки колонналардагиларга ҳам етиб борган эди.

Уля арава ёнига келганда машина ва от-араваларнинг кўпи қирга, жануби-шарқ томонга қараб бурила бошлаган эди. Қоч-қинлар ҳам шу томонга йўл ола бошлади.

Вальконинг:

— Лихая томонга бурилишга тўғри келади,— деган хириллаган товуши эшитилди.

Викторнинг отаси ундан алланима деб сўради.

— Ажралишиб нима қиламиз? Бизни тақдир қўшиб қўйдими, бирга кетаверамиз,— деди Валько.

Тонг маҳалда улар йўлсиз қирга чиқиб олган эдилар.

Бепоен қир-дала тонги,— ҳали одам қўли тегмаган чексиз бугдойзорлар устида очилиб келаётган осмон; жарларнинг тагидаги шудринг кумуш сепиб кетгандай зумрад майсалар, одамлар тепасидан чиқиб келаётган ва жарлик нишабларини силаб-сийпаб борувчи қуёшнинг илк майин нурлари акс этган шудринг томчилари нақадар оромбахш бир манзара эди! Шундай ажойиб эрта тонгда гўдакларнинг азобли, уйқусиз ва ориқлаб кетган чеҳралари, катталарнинг қовоқлари солиқ, ташвишли юзлари янада ғамгин кўринарди.

Уля, болалар уйининг пайпоқ устидан чанг босиб, саргайиб кетган резинка боти кийиб олган мудирасини кўриб қолди. Мудиранинг юзи қоп-қорайиб кетган. Бутун йўлни пиёда юриб келаётган аёл фақат шу кечаси аравага тушиб олган эди. Донец қуёши унинг бугун вужудини куйдириб, қотириб юборгандай эди. Бу кечаси у ҳам ухламай чиққан кўринади, чурқ этмайди, қилган ишини ҳам билмайди, унинг ҳеч нарсани кўрмас бўлиб қолган ўткир кўзларида бу дунёнинг ифодаси кўринмас эди.

Эрта тонгдан бошлабоқ осмонни моторларнинг гуриллаган овозлари босиб кетди. Аэропланларнинг ўзи кўринмас, аммо олдинда чап томондан тўхтамай тушаётган бомбаларнинг атрофни ларзага келтирувчи гумбура-гумбури ҳамма вақт эшитилиб турар, гоҳ-гоҳда осмондан пулемётларнинг тириллаган овозлари ҳам келиб турарди.

Донец ва Каменск тепасида бошланиб кетган ҳаво жанги бу ердан кўринмас, аммо базўр эшитилиб турар эди. Фақат бир мартагина бомбаларини ташлаб, пастлаб учиб кетаётган немис шўнғувчи аэроплани кўринди.

Олег бирдан бричкадан сакраб тушди-да, орқадаги аравани кутиб турди. Кейин, арава ёнига тушиб, унинг бир четини ушлаб бораркан:

— Агар немислар Донецдан ўтган бўлса, биз билан бирга келган қисм уларни балки Каменскда тўхташиб турган бўлса,— деди, катта кўзлари билан ўртоқларига қараб,— демак у, яъни автоматчилар ҳам, ҳаммани кулдириб келган ажойиб йигит ҳам

соғ қолмайди-да! Шунн биласизларми? Улар, албатта, ўзларининг омон қолмасликларини билишарди, ҳаммалари билишарди!

«Каюткин мен билан ўз ўлими олдидан хайрлашган экан!» деган хаё Улянинг юрагига бориб санчилди; йигитга айтган гапи эсига тушиб, ўзича қип-қизариб кетди. Аммо юракдан чиққан пок бир овоз: «Йўқ, Каюткин, жон бераётганда оғир туюладиган ҳеч қандай гап айтмадинг» дерди.

ЕТТИНЧИ БОБ

Краснодон орқали ўтувчи қочқинларнинг сони тобора кўпайиб борарди; шаҳар осмонини қоплаган чанг одамларнинг устбошларини, дарахт ва гулларни, отқулоқ ва ошқовоқ баргларини қорамтир-қизил тусга бўйб юборган эди.

Паркнинг орқа томонида энг охириги поезд конданконга қатнаб, олиб кетиш мумкин бўлган асбоб-ускуналарни йигиштириб юрарди Паровознинг пишқириши, гудоги, стрелкачининг сурнайи эшитилиб турарди. У ёқдан, кўприк томондан одамларнинг ҳаяжонли овозлари, тўзон кўтариб келувчи саноқсиз оёқ шаргалари, машиналарнинг ўкириши ва гуриллаши, кўприк устидан замбарак гилдиракларининг тарақлаб ўтишлари эшитиларди, — у ерда ҳамон ҳарбий қисмлар чекинмоқда эди. Гўё бепоён қирдан бир томони осмонга етган ҳайбатли бўш бочкани юмалатиб келаётгандек, дам-бадам у ёқ-бу ёқдан, тепаликлар ортидан замбарак ўқларининг гумбурлаган овози келиб турарди.

Боши парк дарвозасига бориб тақалган кенг кўчада, «Краснодонуголь» трестининг икки қаватли биноси ёнида бир ярим тонналик юк машина турарди; бир қанча эркак ва аёллар карракдек очилган эшикдан трестнинг қолган-қутган юкларини ташиб, машинага ортар эдилар.

Одамлар ўз ишларини секин, ҳовлиқмасдан, индашмай бажарар эдилар. Уларнинг оғир ташвишни ифодаловчи юзлари, юк ташийвериби чарчаган кўллари терга ботган ва кирлаб кетган эди. Сал нарида трест деразаларидан бирининг тагида, бир йигит билан бир қиз ҳеч нарсага парво қилмай, қизишиб сўзлашиб турарди, афтидан, на машина, на терга ботган ва кирлаб кетган кишилар ва на атропода бўлаётган ишлар улар учун мутлақо аҳамиятсиз эди, уларга ўз суҳбатларидан муҳим нарса йўқдай кўринарди.

Ним ранг кофта ва сарпойчанг сариқ туфли кийган қиз тўла гавдалик, олтин соч бўлиб, бодом мағиздек сал гилайроқ кўзла-

ри ялтираб турарди. Ғилайлигидан, атласдай бўйнидаги чиройли бошини бир оз четга буриб, йигитга чап қараётгандай кўринарди.

Йигит новчагина, бесўнақайроқ, бўйи бир оз букчайган эди; ювилавериб оқариб кетган ва енги калта кўк кўйлаги устидан энсиз тасма таққан, йўллари жигар ранг, почалари калта кул ранг шим, оёғида енгил шиппак кийган эди. Узун қилиб қирқилган қорамтир сочлари унга итоат қилмас, гапирганида ҳадеб пешонасига, қулоқларига тушаверганидан, дам ўтмай бошини силкитиб, сочларини тўғрилаб қўярди. Унинг юзи офтобда қораймайдиган сўлғин ювлардан эди. Бунинг устига йигит жуда уятчан, тортинчоқ эди. Аммо ҳаммадан ҳам қизга унинг чеқрасидаги қизиклик, шу билан бирга барқ уриб турган илҳом ёқарди, шунинг учун ҳам қиз унинг юзидан кўзини узмас эди.

Одамлар уларга қараяптими, гапларига қулоқ соляптими, бу билан уларнинг ишлари йўқ эди. Аммо, уларга кўз ташлаб туришган эди.

Кўчанинг нариги муйилишида, стандарт бино эшиги олдида анча пачақланган, худди вртақлардаги игна тешигидан ўтавериб туклари сидирилиб кетган туя сингари бўёқлари кўчиб, баъзи жойлари ишқаланавериб ялтираб қолган, ғилдираклари баланд қора енгил машина турар эди. Совет автомобилсозлик саноатининг тўнғичи бўлган бу машина ҳозир деярли ҳамма ерда истеъмолдан чиққан, оддий тилда «газик» деган машина эди.

Бу машина Дон қирлари ва Қозоғистон чўлларида, Шимол тундраларида минглаб, ўн минглаб километр йўл босган, тор йўллардан Кавказ ва Памир тоғларига чирмашиб чиққан, Олтой билан Сихотэ-Алинь тайгаларигача кириб борган, Днепр тўғони, Сталинград трактор заводи, Магнитогорск металлургия комбинатлари қурилишларида хизмат қилган, Нобиле экспедициясини қутқаришга отланган Чухновский ва унинг ҳамроҳларини шимолий аэродомга олиб бориб қўйган, Комсомольск шаҳарини қуриш учун келган биринчи бинокорларга бўрон ва муз тоғларидан ўтиб, яхлаб қолган дарёдан юриб ёрдамга борган «газик» машиналардан бири, хуллас бутун куч-қувватини тўплаб, биринчи бешйилликни ўз елкасида кўтариб чиққан, сўнгра ёскириб, ўз иштироки билан қурилган биринчи автомобиль заводлари ишлаб чиқарган янги машиналарга йўл бўшатиб берган ўша «газик» машиналардан бири эди.

Стандарт уй олдида турган «газик» усти ёпиқ лимузин машина эди. Унинг ичига, оёқ қўядиган жойга оғир узун яшик

қўйилган, ўриндиқнинг бир томонида кўндаланг қилиб устма-уст икки чамадон, уларнинг устида ичи тўла икки рюкзак ётарди. Чамадонлар устида диск солинган иккита ППШ автомат, уларнинг ёнида эса яна бир қанча тайёр дисклар ётарди, ўриндиқнинг бир бурчагидаги бўш жойда малла сочли, оппоққина, офтоб ва ёмғирлардан ранги айниган йўл либоси кийган бир жувон ўтирарди. Пастда оёқ қўйишга жой қолмаганидан жувон оёқларини чалиштириб, яшик билан эшик ўртасига зўрға жойлашиб олганди.

Жувон, лимузиннинг аллақачон синиб кетган ойналари тирқишидан гоҳ стандарт уйнинг эшигига, гоҳ трест олдида юк ортлаётган машинага хавотир бўлиб қараб ўтирарди. Аллакимни узоқ кутиб ўтирганидан, машинага юк ортувчи кишилар обком ёнида ёлғиз турган лимузинни ва унда ўтирган хотинни кўриб қолишлари мумкинлигидан хижолат бўлиб тургани кўриниб турарди, унинг жиддий юзида ташвиш тортаётганлиги акс этиб турарди, у дарҳол ўзини ичкарига олиб, трест деразаси тагида суҳбатлашиб турган йигит билан қизга эшик тирқишидан ўйчан қараб қўйди. Бундай дамда унинг чеҳраси очила борар, кўзлари ва тиниқ лабларида бехосдан пайдо бўлган табасумни ўзи ҳам сезмай қоларди.

Жувоннинг ёши ўттизларга бориб қолган эди, йигит билан қизга қараганда ўзининг чеҳрасида пайдо бўлган меҳрибонлик ва ғамгинлик алсмавлари унинг ўттизга кириб қолгани, энди шу йигит ва қиз каби ёш бўлолмаслигини ифода этувчи сезгигина ёканлигини билмас эди.

Бутун оламда, теварак-атрофда бўлаётган ишларга назар-писанд қилмаган йигит билан қиз бир-бирларига муҳаббат изҳор қилар эдилар. Уларнинг муҳаббат изҳор этмай ҳам иложлари йўқ эди, чунки улар бир-бирларидан айрилишлари керак эди. Аммо улар фақат ёшликдагидай муҳаббат изҳор этишарди, яъни муҳаббатга алоқаси ҳеч бўлмаган нарсалардан гапиришарди.

— Келганинг жуда яхши бўлди, Ванечка, юрагимни босиб турган катта ғамдан бўшалдим,— дерди қиз, гилайроқ кўзлари билан йигитга узоқ-узоқ тикилиб. Қизнинг бошини сал буриб туриб, жиндак гилайроқ, чарақлаган кўзлари билан боқишини йигит дунёнинг ҳамма лаззатларига ҳам алишмасди.— Сен билан кўришмасдан кетиб қолармикимиз деб қўрқувдим...

— Нимага сизларникига кирмай юганимни ўзинг биласан-ку?— дерди йигит, ғуринглаб қолган овози билан; у, узоқни

кўролмайдиган кўзлари билан қизга тепадан пастга қараб туриб гапирарди.— Биласан, ўзингдан ўтар гап йўқ... Мен бундан уч кун илгари жунаб кетишим керак эди. Энди отланиб бўлиб, хайрлашиш учун секингина келай деб ўзимга зеб бериб турган эдим, бирдан комсомол райкомидан чақириб қолишди. Борсам, эвакуация ҳақида энди буйруқ келиб турган экан, шундан кейин бутун режалар бузилди-кетди. Ҳамкурсларим кетиб, фақат мен ўзим қолганим жуда алам қилди, болалар ёрдам қилиб юбор, деб илтимос қилишди, ёрдамлашиш кераклигини ўзим ҳам кўриб турибман... Бугун Олег Каменскка жунаб кетаётган бричкадан менга ҳам жой бериб эди,— биласан-ку, иккимиз жуда қалин ўртоқмиз,— лекин ташлаб кетишдан уялиб, кетмадим...

Қиз, чарақлаган кўзларини йигитдан узмай, яна:

— Билсанг, юрагимни босиб турган гамдан қутулиб олдим,— деди.

— Ростини айтсам, мен ҳам жуда хурсанд бўлдим, у билан (сен билан-да!) ҳали кўп марта учрашаман деб ўйловдим. Қаёғдан дейсан!— деди йигит ўзининг йўгон овози билан қизнинг кўзларига тикилганича; у, қизнинг салгина қизарган чеҳрасидан келаётган ёқимли ҳарорат, майин бўйни, ним ранг кофта тагидан аниқ сезилиб турган баданининг мафтунни эди.— Йўқ, ўзинг бир ўйлаб кўргин-а! Ворошилов мактаби ҳам, Горький мактаби ҳам, Ленин клуби ҳам, болалар касалхонаси,— бари менга қараб қолди. Бахтимдан бўлиб яхши ёрдамчи учраб қолди. Жора Арутюнянц эсингдами? Бизнинг мактабда ўқирди. Йигитларнинг пошшоси! Ўзи келиб, мен сенга қарашай деб қолди. Иккимиз уйқу нималигини билмадик. Кечаю кундуз тиним йўқ, арава топ, машина топ, юкни орт, ем-хашакнинг гамини е, бир ерда машинанинг резинаси ёрилган, бир ерда бричка билдирагига темир топиб бер... Бошим гир айланади дегин!.. Аммо, сенинг ҳали шу ердалигингни билар эдим. Отамдан билдим,— деди йигит, уялиб.— Кеча кечаси уйингизнинг ёнидан ўтиб қолувдим, юрагим бир шув этиб кетди. Бир кўнглим тақиллатайми, йўқми деб ўйладим ҳам.— Йигит кулди.— Кейин станг эсимга тушиб қолди, йўқ сабр қил, Ваня, дедим ўзимга ўзим.

— Биласанми, юрагимни босиб турган гамдан...— дея бошлаган эди қиз, қизишиб кетган йигит унинг гапини оғзидан олди:

— Куни кеча ахийри: энди нима бўлса бўлгани, таваккал,

дедим. Ахир, сен кетиб қоласан, кўролмай қолишим мумкин деб ўйладим-да! Энди бу ёғини эшит! Восьмидомикида етимлар учун очилган болалар уйи ҳалигача жўнамаган экан. Етим болалар уйининг мудираси,— бизнинг қўшнимиз ўзи,— олдимга югуриб чиқиб, «ўртоқ Земнухов, ёрдамлашинг. Жуда бўлмаса комсомол комитети орқали арава топиб бермасангиз бўлмайди» деб кўз ёши қилиб қолди. «Комсомол комитети кетиб қолди-ку, маориф бўлимига бориб айтинг» дедим. «Ҳар куни бораман, ана берамиз, мана берамиз дейишади. Бугун эрталаб борсам, ўзимизга ҳам арава қолмади, дейишди. Узимни у ёққа урдим, бу ёққа урдим, қарасам, маориф бўлими ҳам кўчиб кетибди...» дейди. «Араваси бўлмаса қаёққа кетибди?»—«Билмасам. Ҳар ёққа тарқалиб кетгандир-да...»—Ваня Земнухов: «Халқ маорифи бўлими тарқалиб кетибди!» деб бирдан кулиб юборди ва пешонасига, қулоқларига сочилиб тушган итоатсиз узун сочларини силкитиб тўғрилаб олди.—Ана у аблаҳларни қара!—деб кулди яна.—Энди ишинг пачава. Ваня, Клавангни кўриб бўпсан, дедим ўзимга ўзим. Жора Арутюнянц билан иккимиз энгни шимариб ишга киришдик, бешта арава топдик. Биласанми, кимдан? Ҳарбийлардан. Мудира биз билан бирга хайрлашаркан, йиғлайвериб ҳамма ёғимизни ҳўл қилиб юборди. Иш шу билан тамом бўлди дейсанми? Бугун Жорага: «Югур, мен отланиб бўлгунимча сен ҳам юкингни йиғиштир!» дедим. Кейин мен шама қилиб, бир ерга бориб келишим керак, келиб мендан хабар ол, агар уйда бўлмасам бир оз кутиб ўтир, дедим. Энди қопнинг оғзини боғлаб бўлган эдимки, Толя Орлов кириб келди. Танийсанми? «Момақалди роқ» деган лақаби ҳам бор.

Клава, ниҳоят, йигитнинг битмас-туганмас гаплари орасида сўзга аралашиб:

— Юрагимни босиб турган ташвишдан бўшалиб олдим,— деди жуда овозини паст қилиб ва кўзларида чақмоқ ўйнагандай бўлиб кетди.— Кирмасан деб қўрқувдим. Ахир, мен ўзим сизларникига боролмас эдим-да,— деди мулоим овоз билан.

Ваня бу гапни эшитиб бирдан ажабланди-да:

— Нега?— деб сўради.

— Наҳот нималигини билмасанг?— деб қизарди қиз.— Отамга нима дердим?

Унинг бу гал айтган энг муҳим гапи шу бўлди: ўз ораларидаги муносабатлар оддий муносабат бўлмай, балки бу муносабатнинг «сири» ҳам бор эканлигини йигитга тушунтириши керак эди. Агар йигит бунга ақли етиб, ўз оғзи билан айтгиси

келмаса, барибир қизнинг ўзи унинг эсига солиб қўйиши керак эди.

Ваня жим қолди-да, қизга тикилиб қаради, унинг бу қарашидан қизнинг юзи оппоқ бўйни устидаги кофтадай қип-қизариб кетди.

— Сен тагин отам сени ёмон кўради деб ўйлама,— деди Клава шошиб ва гилайроқ кўзларини ялтиратиб.— Отам кўп марта: «Земнухов ақлли бола кўринади» деб айтган... Биласанми,— шу ерга келганда қизнинг овози яна майинлашди,— агар истасанг, биз билан бирга кетардинг, гап ўзингда қолган...

Уз маҳбубаси билан бирга кетиш мумкинлиги ҳеч ҳам Ванянинг хаёлига келмаган эди; бу фикр шу қадар айни муддао эдики, ҳатто Ваня эсини йўқотаёзди, қизга қаради, бесўнақай жилмайди, аммо шу онда унинг юзи бирдан жиддийлашди-да, узун кўчага бепарво назар ташлади. У орқасини паркка ўгириб турарди, рўпарасида ҳовури юзга уриб турган жазирама офтоб нурига чўмган кўча жануб томонга чўзилиб кетган эди. Анча ерга бориб кўча шарт кесилгандай туюларди: унинг охирида иккинчи кўприк бўлиб, кўприкнинг нариги томонида, олисда қирдаги тепаликлар, тепаликлардан эса узоқлардаги ёнғин ту-туналари кўринарди. Аммо кўзи ожиз бўлганидан Ваня буларни кўрмас эди. У фақат замбаракларнинг гумбурашини, паровознинг чинқирини ва стрелкачининг ёшликдан эшитиб қулоққа ёқиб қолган, очиқ ҳавода янграган сурнай товушини эшитарди.

Ваня маъюс бир овоз билан:

— Юким уйда-да, Клава,— деди ва худди сочлари тўзиган бош яланг бошини, калта энгли оқариб кетган кўк сатин кўйлагини, кўп кийилган кул ранг калта шимини ва оёғидаги шиппакларини кўрсатаётгандай, деди:— Ҳатто кўзойнагим ҳам уйда қолти, сени ҳам зўрга кўриб турибман,— деб маъюс ҳазиллашди.

Клава бошини бир оз буриб йигитга қаради-да, эҳтиросли овоз билан:

— Отамга айтамиз, сеникига кириб ўтамиз,— деди секин. Қиз ҳатто йигитнинг қўлидан ушламоқчи ҳам бўлди-ю, бироқ ботинмади.

Шу онда бошига кепка, оёғига этик, устига анча уринган пиджак кийган Клаванинг отаси машина орқасидан икки чамадон кўтариб чиқиб қолди; у терлаб-пишиб машинадан чамадон кўйгани жой қидирарди. Машина эса лиқ тўла эди.

Тугун ва яшиклар орасида турган бир киши:

— Қани, ўртоқ Ковалёв, келинг, мен қарашиб юборай.— деди-да, бир тиз чўкиб, бир қўли билан машинанинг четидан ушлаб, чамадонларни машинага кўтариб олиб қўйди.

Шу маҳалда машинанинг орқасидан Ванянинг ҳам отаси кўринди; у ҳам ориқ қорайган, томчилари бўртиб чиққан қўлларида каттакон тугун кўтариб келмоқда эди. Унга тугун оғирлик қилган бўлса керак, икки қўлини олдинга чўзиб, узун оёқларини шалвиратиб судралиб келар эди. Унинг ажин босган, узунчоқ, офтобдан қорайган юзи ҳатто оқариб, терлаб кетган эди, машаққат аломатлари кўриниб турган бу озгин юзда ниҳоятда ғамгин, оғир кишининг ўткир кўзлари чарақлаб турарди.

Ванянинг отаси Александр Фёдорович Земнухов трестда қоровул бўлиб ишларди, Клаванинг отаси эса бошқармада хўжалик мудири эди, чол шунинг қўлида ишларди.

Ковалёв, одатда баъзи нафиси бузуқ ҳамкасбарининг хунук ишлари аламига одамларнинг таъна-ҳақоратларига тишини-тишига қўйиб, чидаб келадиған хўжалик мудирларидан, оғир ташвиш пайти келганда дунёда ҳақиқий хўжалик мудирлари ҳам борлигини исбот қилувчи завхозлардан эди.

Трестга қарашли мол-мулкни жўнатиш ҳақида директордан буйруқ чиққан кундан бери у, ўз ҳамкорларининг ялиниш-ёлворишларига, илтимосларига ва одатда уни супурги ўрнида кўриб келган баъзи бошлиқларнинг эндиги хушомадларига назар писанд қилмай ўз одатича шошилмай, оҳисталик билан барча қиймат баҳо нарсаларни яшиқларга жойлаб, машиналарга ортиб, жўнатиб юборган эди. Шу кун и эрталаб, тонг отар маҳалда, трестни кўчиришга вакил қилиб тайинланган кишининг, энди бир минут ҳам кечикмаслик, олиб кетилиши мумкин бўлмаган ҳужжатларни ёқиб дарҳол шарққа жўнаш керак, деган буйруғини олди.

Бироқ, Ковалёв буйруқни олиши биланоқ, энг олдин вакилнинг ўзини юк-пуки билан жўнатди; сўнгра аллақердан амалтақал қилиб от-арава, машиналар топишга тушди, трестнинг қолган-қутган мол-мулкни жўнатиш билан овора бўлди, чунки шундай қилмасликка виждони кўнмас эди. Ҳаммадан ҳам у, бундай фожиали кунда энг олдин ўз ишини саранжомлаб олди, деган гап-сўзлардан андиша қилганидан, оиласини энг охириги машинага солиб кетишга қарор қилган, бунинг учун бир машинани махсус атаб қўйган эди.

Трест қоровули Александр Фёдорович Земнухов эса кекса-

йиб қолгаилигидан, бунинг устига хасталиги туфайли ҳеч қаерга кетмоқчи эмас ва кетолмас эди ҳам. Унинг сингари шу ерда қоладиган бирмунча кишилар қаторида бир неча кун олдин идора билан ҳисоб-китоб қилиб, икки ҳафталик нафақасини ҳам олиб бўлган, яъни трест билан орани очиқ қилиб қўйган эди. Аммо шу кейинги кеча-кундузда, у шол касалига мубтало бўлган оёқларини судраб бўлса ҳам, трест юklarини ортиш ва саранжомлашда, жўнатишда Ковалёвга ёрдамлашарди, чунки бу мўйсафид ўз мулкига қандай қараса, трест мулкига ҳам шундай қарашга ўрганиб қолган эди.

Александр Фёдорович Донецнинг кекса кончиларидан, дурадгор усталаридан эди. Ёшлик чогида у Тамбов губернасида шу ерга иш қидириб келиб қолган эди. Уша кезлардан бери ўзининг ажойиб болтаси билан Донец багрининг энг теран жойларида, энг даҳшатли чуқурликларида конларга тиргович қўйиб мустаҳкамлаб келди. Ёшлигидан зах ерларда ишлаб келган Александр Фёдорович бод касалига йўлиқиб, пироварди пенсияга чиқди-да, трестга қоровулликка ишга кирди. Аммо қоровул бўлиб ишлаганда ҳам гўё эски дурадгорлик касби билан шуғуллангандай ишларди.

— Клава, бор, отлан, онангга қараш!— деб ўшқириб берди Ковалёв, кир қўлининг орқаси билан пешона терини сидириб ташлаб. Кейин Земнуховни кўриб, унга бефарқ кўз ташлаб:— Ҳа, Ваня!— деб қўйди.— Кўрдингми, бўлаётган ишларни?— Бошини жаҳл билан ҳар томонга чайқади, бироқ шу ондаёқ Александр Фёдорович келтирган тугунни олиб, машинага солди.— Бошга тушганни кўз кўрар, деб шуни айтади-да,— деди, нафасини ростлаб: Кейин бирдан:— Вой падар лаънати-ей!— деб юборди, чунки кейинги гумбурлаш, баҳайбат бочка уфқ сари думалаб кетгандек, айниқса даҳшатли эди.— Ҳа, сен ўзингчи, кетмайдиган бўлдингми? Ўғлинг қалай, Александр Фёдорович?

Александр Фёдорович индамади, ўғлига ҳам қайрилиб қарамади-да, яна тугун олиб келгани кетди; у ўғлидан хавотирда эди, унинг бу йил ёзда кириб ўқий бошлаган ҳуқуқшунослик курси билан бирга бир неча кун илгари Саратовга кетмагани учун ўғлидан хафа эди.

Клава отасининг гапини эшитиб, Ваняга қараб кўз қисди, ҳатто унинг қўлини ҳам туртиб қўйди-да, бир нима демоқчи бўлиб турган эди, Ваня:

— Йўқ, мен ҳозирча кетолмас эканман,— деди.— Володя

Осьмухинга арава топиб беришим керак, кўричагини операция қилдирганидан бери ётибди.

Клаванинг отаси таажжубланганидан ҳуштак чалиб юборди.

— Арава топиб бўлсан,— деди, ҳам масхара қилиб, ҳам юраги ачиб.

— Иннайкейин, мен бир ўзим эмасман-да,— деди Ваня ва лаблари оппоқ оқариб кетди, у Клавадан кўзини олиб қочди.— Жора Арутюнянц деган ўртогим бор, иккимиз бирга ишладик, ҳамма ишлардан қутулгач, иккаламиз пиёда бўлса ҳам бирга кетамиз деб ваъдалашиб қўйганмиз.

Энди чекинишнинг иложи қолмаганидан Ваня, қора кўзлари намланган Клавага қаради.

Ковалёв Ваняга ҳам, Жорага ҳам, уларнинг ваъдалашганига ҳам парво қилмасдан:

— Ҳа, ҳа шунақами!— деди.— Ундай бўлса, хайр!— Кейин Ванянинг ёнига келди ва шу онда эшитилган гумбурлашдан бир чўчиб тушиб, терлаб кетган қўлини узатди.

Ваня ўзининг ғўдирлаган овози билан:

— Каменск томонга кетасизларми ё Лихая томонгами?— деб сўради.

— Каменск томонга?! Каменскни ҳадемай немис олиб қўяди-ку!— деб ўшқирди Ковалёв.— Лихаяга, фақат Лихая томонга! Донецдан ўтиб, Белокалитвенскаяга етиб олсак бўлгани...

Уларнинг тепасида бир нарса тақ этди-ю, ахлат тушди.

Улар бошларини кўтариб қарашди, трестнинг иккинчи қаватида жойлашган план бўлимнинг деразаси очилиб, ундан сочсиз ва қип-қизил калла кўринди: бош чиқариб қараган одамнинг юзи ва бўйинлари шу қадар терлаб кетган эдики, худди пастда турганларга сув оқаётгандай кўринарди.

— Ийя, сиз ҳам кетмадингизми, ўртоқ Стаценко?— деб таажжубланди Ковалёв: деразадан қараб турган киши план бўлимнинг мудирини эди.

Стаценко одатдаги мулойим ва паст овози билан:

— Йўқ, ҳар турли қоғозларни кўздан кечираётирман, тагин бирон муҳим қоғоз немиснинг қўлига тушиб қолмасин,— деди.

— Толейнгиз баланд экан,— деди Ковалёв.— Нарин борса ўн минутлардан кейин жўнамоқчи эдик.

— Сизлар кета беринглар, мен бир илож қилиб кетаман,— деди Стаценко, камтарлик билан.— Ҳой, Ковалёв, ҳу анови машина кимники, билмайсанми?

Ковалёв, унинг қизи, Ваня Земнухов ва машинада ўтирган ходим,— ҳаммалари «газик»ка қарадилар.

«Газик»да ўтирган жувон, машина эшигидан кўзга ташлан-маслик учун дарҳол энгашди.

— Улар сизни олармиди, ўртоқ Стаценко, ўз дарди етиб ор-тади!— деди Ковалёв.

У уйда бултур куздан бери партия обкоми ходими Иван Фёдорович Проценконинг бир хонани ижарага олиб, ёлғиз ўзи турганини (хотини Ворошиловградда ишлар эди) Стаценко ҳам, Ковалёв ҳам билар эди.

— Мен ҳам уларнинг марҳаматига орзуманда эмасман,— деди Стаценко ва ичкиликка берилиб кетган кишининг кўзла-рига ўхшаган кичкина ва қип-қизил кўзалари билан Ковалёвга қаради.

Ковалёвни бирдан хижолат босди! Стаценконинг гапини ёмон маънода тушундимми деб, машинада ўтирган кишига ялт этиб қаради.

Стаценко илжайиб:

— Ўзим соддадил одамман-да, аллақачонлар ҳамма кетиб бўлгандир, деб ўйлабман,— деди. Бирдан машинага кўзим ту-шиб қолди. Кимнинг машинаси экан, деб ўйлаб турувдим.

Ҳаммалари бирмунча вақт «газик»ка қараб туришди.

Ковалёвнинг қовоғи солинди:

— Бундан чиқди, ҳали ҳамма кетиб бўлмаган экан-да,— деди.

Стаценко маъюсланган товуш билан:

— Эҳ, Ковалёв, Ковалёв, пайғамбардан ҳам ортиқ диндор бўлиш ярамайди,— деди, Ковалёв бир умрида эшитмаган ма-қолни жўрттага бузиб.

Ковалёв қаддини ростлади ва тепадаги деразага эмас, маши-нада ўтирган ходимга қараб туриб:

— Ўртоқ Стаценко, мен бир оддий одамман, шамангизга тушунолмай қолдим,— деди хириллаб.

— Нега мендан жаҳлинг чиқади? Мен сенга бирон қаттиқ гап гапирганим йўқ-ку... Яхши бор, Ковалёв! Саратовда кўриш-масак, ундан илгари кўришиш насиб қилмаса керак!— деди Стаценко ва деразани тақ этиб ёпди.

Саросималаниб қолган Ковалёв билан бир оз таажжублан-ган Ваня бирмунча вақт бир-бирларига қараб қолдилар. Бирдан Ковалёвнинг бети, гўё бирон кимса ҳақорат қилгандай, қип-қи-зариб кетди.

— Клавка, тезроқ отлан дедим сенга!— деб бақирди-да, машинани айланиб ўтиб, трест биносига кириб кетди.

Ковалёв ҳақиқатан ҳам аччиғланган эди, аммо ўзи учун эмас, бошқалар учун аччиғланган эди. Ковалёвга ўхшаган оддий, масаланинг тагини билмай туриб, ранжийдиган одам эмас, балки Стаценко каби ҳокимиятга яқинроқ турган, унинг вакиллари билан бир марта эмас, кўп марта лаб бир товоқдан ош еган ва вақти келганда минг-минг пойма-пой кушомад сўзлар айтган бир одамнинг ҳозир ўзларини ҳимоя қилолмай қолган кишиларни ҳақорат қилиши Ковалёвнинг аччиғини келтирган эди.

«Газик»да ўтирган ва ҳамманинг қарайверишидан хижолат бўлган жувон обком биносининг кенг очилиб турган эшигига қовогини солиб қараб турарди.

САККИЗИНЧИ БОБ

Хилват ҳовли томонга қараган хоналардан бирида Иван Фёдорович билан яна икки киши ўтирарди; ёндирилган ҳужжатларнинг тутуни чиқиб кетсин деб хона деразалари ланг очиб қўйилган. Уй эгалари бир неча кун илгари кўчиб кетишган. Бутун уй ичи каби, хона ҳам бўшаб, ҳувиллаб қолган: тирик жон кетиб, фақат гилофи қолгандай. Буюм-анжомлар жой-жойидан қўзгатилган. Иван Фёдорович билан унинг икки суҳбатдоши стол ёнида эмас, уйнинг ўртасида стулларда ўтиришибди. Улар қиладиган ишларидан гаплашар, бир-бирларига яширин адреслар бериб ўтиришарди.

Иван Фёдоровичнинг ёрдамчиси бир неча соат илгари партизанлар базасига жўнаб кетган, энди ўзи ҳам ўша ерга кетишга отланиб турган эди. Иван Фёдорович область яширин ташкилоти раҳбарларидан бири сифатида Ворошиловград области билан Ростов области чегарасидаги Митякинская станицаси ёнидаги ўрмонда қарор топган партизанлар отрядида бўлиши керак эди. Унинг икки ўртоғи шу ерда, Краснодонда қолиши керак: уларнинг иккиси ҳам илгари немис оккупацияси даврида ҳамда денкикинчилик даврида бўлган гражданлар урушида қатнашган асли Донец шахтёрларидан.

Яширин райком секретари қилиб қолдирилган Филипп Петрович Лютиков ўз ўртоғидан сал каттароқ: унинг ёши элликлардан ошган. Филипп Петровичнинг қалин сочларига, айниқса чеккаларига ва пешонасидан юқорига анчагина оқ ара-

лашган, қисқа қилиб қирқилган тикондай мўйловига ҳам оқ туша бошлаган. Бир вақтлар бақувват одам эканлиги билиниб турарди, энди гавдасида ҳам, юз-бетларида ҳам хом семизлик сезилар, юзлари салқиб пастга томон осилиб тушган, шунинг учун ҳам аслида катта бўлган энгаги яна ҳам оғирлашгандай кўринарди. Лютиковнинг уст-бошини озода кийиш одати бор эди, ҳозирги шароитда ҳам янги қора костюм, қайтарма ёқали топ-тоза оқ кўйлак кийиб, галстук тақиб олган эди, устидаги костюми катта гавдасига ёпишиб турарди.

Эски мастеровой, хўжаликни тиклаш даврида дастлабки йиллардаёқ меҳнат қаҳрамони бўлган Лютиков хўжалик ишларига кўтарилиб кетган эди: олдин кичкина корхоналарга директор бўлиб юрган эди, кейинчалик йирик-йирик корхоналарда директор бўлиб ишлади. Краснодонда ишлаганига ўн беш йилча бўлиб қолган эди, кейинги йилларда «Краснодонуголь» трестига қарашли Марказий ишхоналарнинг механика цехида бошлиқ бўлиб ишларди.

Унинг яширин ишдаги ўртоғи Матвей Шульга,— отасининг оти Костиевич бўлиб, кўпинча уни шундай деб атар эдилар,— Костиевич украинча Константинович дегани,— қишлоққа ёрдам бериш учун даставвал чақирилган саноат ишчиларидан бири эди. Таги краснодонлик бўлса ҳам, умр бўйи Донбасснинг турли районларида қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ ишларда ишлаб келди. Уруш бошидан бери Ворошиловград областининг шимолӣ қишлоқ районларидан бирида исполком раисига ўринбосар бўлиб ишларди.

Лютиков яширин ишда қолишини биринчи марта оккупация хавфи тугилган пайтда билган бўлса, Шульга бу ишга икки кун илгари, яъни ишлаб турган районини немислар эгаллагандан кейин ўз илтимоси билан тайинланган эди. Шульгани худди шу ерда, Краснодонда яширин ишга қолдириш мувофиқ топилди: бир томондан, таги шу ерик бўлса, иккинчи томондан, уни ҳозир камдан-кам одам танирди.

Матвей Шульга, яъни Костиевич, қирқ бешларга кирган, елкалари қуйиб қўйгандай бақувват, қорайган юзлари келишган азамат бир киши эди; юз терисининг у ер-бу ерида ўйилиб турган қора холлари унинг қайси касб эгаси эканлигини кўрсатиб турарди: шахтёр ёки дегрез бўлиб ишлаган кишиларнинг юзидаги бундай холлар умр бўйи қолади. Ҳозир Костиевич бошидаги кепкасини бўйнига тушириб ўтирарди, сочлари машинка билан қисқа қилиб олинган, кепкаси остидан одамларда камдан-

кам учрайдиган каттиқ суякли бошининг чўққиси кўриниб турарди; унинг кўзлари ҳам буқа кўзларидай катта-катта эди.

Бу уч кишидай хотиржам ва шу билан бирга тантанали ҳаяжонга тўлган киши бутун Краснодонда топилмас эди.

— Кўл остингда қолганлар жуда яхши одамлар, ҳақиқий инсонлар, бундай одамлар билан тоғни толқон қилса бўлади,— дерди Иван Фёдорович.— Узинг-чи, қаерда турмоқчисан?

— Турган еримда,— Пелагея Ильиничаникида туравераман,— деди Лютиков.

Иван Фёдорович таажжублангандай эмас, бир оз гумонсиргандай бўлди.

— Гапингга унча тушунмадим,— деди.

— Яшириниб нима қиламан, Иван Фёдорович, ўзингиз ўйлаб кўринг,— деди Лютиков.— Мени бутун шаҳар танийди, яширинишнинг сира иложи йўқ. Бараков ҳам шундай.— Лютиков, яширин райкомнинг бу ерда ҳозир бўлмаган учинчи раҳбарининг номини айтди.— Немислар бизни дарров топиб олишди, башарти биз яшириниб юрсак, кўнгилларига ёмон гап келиши ҳам мумкин. Яширинишимизнинг кераги йўқ. Немисларга ишхоналаримиз жуда керак бўлиши турган гап, биз бўлсак ҳар дам ҳозир бўлиб тураверамиз! Корхона директори қочиб кетди, инженер ва техник ходимларни большевиклар зўрлаб олиб кетди деймиз, биз сизлар билан, немислар билан ишлаймиз деб қолдик, деймиз. Ишчилар қочиб кетган — уларни ўзимиз тўплаб оламиз, деймиз. Инженерлар йўқ бўлса, мана Николай Петрович Бараков деган инженер-механик бор марҳамат!— деймиз. Узи немис тилини ҳам билади... Уларга бир ишлаб берайликки!— деди Филипп Петрович кулмасдан.

У Иван Фёдоровичга шиддат билан тикилиб қарар, унинг бу қарашида одамларга кўр-кўрона ишонмасдан, ўз миясини ишлатиб иш кўрувчи кишиларга хос маъно акс этарди.

— Бараков нима деркин?— деб сўради Иван Фёдорович.

— Иккимизнинг планимиз шу.

Ҳар бир ишнинг тагини ҳар томонлама билиб оладиган ва ҳар бир ишнинг турмушда қандай ҳолларда қандай бўлишига ақли етадиган Иван Фёдорович:

— Иккингизга дастлаб дуч келадиган хавф нималигини биласанми?— деб сўради.

— Биламан: коммунистмиз,— деб жавоб берди Лютиков.

— Гап унда эмас. Коммунистлар немисларга ишга кирса нима қипти, немисларга қайтанга яхши! Улар ўз нафлари тўғ-

рисида ўйлашга улгурмай қолиши мумкин: сизлар гапингизни айтиб тушунтиргунингизча улар қизиқ устида сизларни...— Иван Фёдорович шипни кўрсатди.

— Дастлабки кунларда беркиниб оламиз. Керак бўлганимизда келиб кўзларига кўринамиз.

— Ҳа, баракалла! Бутун гап мана шунда. Мени қизиқтирган нарса ҳам шу, қаерга беркиниб оласан?

— Пелагея Ильинична бирон беркинадиган жой топиб берар...— Сўхбат бошидан бери Лютиков биринчи марта жилмайган эди, сўлиб осилиб тушган оғир юзлари шу кулгидан бирдан очилиб кетди.

Иван Фёдоровичнинг юзидаги шубҳадан асар қолмади: Лютиковдан кўнгли тўқ бўлди.

Кейин Костиевичга қайрилиб қаради-да:

— Шульганинг иши қалай?— деб сўради.

— Унинг оти Шульга эмас, Остапчук Евдоким,— деди Лютиков,— паровозсозлик заводидан берилган меҳнат дафтариди шундай деб ёзилган. Яқинда бизнинг механика цехимизга слесарь бўлиб кирди. Ҳамма иши жойида: Ворошиловградда ишлаган, ўзи бўйдоқ, уруш бошлангандан кейин Краснодарга кўчиб келган. Мастерской ишлай бошлаганда слесарь Остапчукни ҳам немисларга ишлашга қақирамиз. Бир немисларга ишлаб берайлик,— деди Филипп Петрович.

Проценко Шульгага қайрилиб қаради-да, ҳозир Лютиков билан сўзлашиб ўтирган рус тилида эмас, балки ҳам рус, ҳам украин тилида пейма-пой гапира бошлади,— Шульга ҳам худди шундай гапиргувчи эди.

— Қани, айт-чи, Костиевич: сенга айтилган яширин квартираларда бирон кимсани шахсан ўзинг танийсанми? Қисқаси: ўша одамлар, уларнинг оилалари, атрофидаги одамлар кимлигини ўзинг биласанми?

Шульга ўзининг сокин буқа кўзлари билан Иван Фёдоровичга қараб:

— Уларни обдан яхши танийман деб айтолмайман,— деди, сўзларни чўзиб-чўзиб.— Бир адрес — эскича айтганда Голубятники деган жой, Кондратович тўғрироғи, Иван Гнатенконики, ун саккизинчи йилда яхши партизан бўлиб ўтган одам. Яна бир адрес — «Шанхайда»,— Фомин Игнат деганники — Фоминни шахсан ўзим танийман, нега десангиз Краснодарга яқинда келган, аммо ўзингиз ҳам эшитгандирсиз: тўртинчи шахтанинг стахановчиси дейишади, ўзимизнинг одам, ўзи рози бўпти.

Қулай томони шуки, гарчи донгдор бўлса ҳам, партиясиз, жамоат ишларига қатнашмаган, мажлисларда сўзламас экан, камтарин бир одам дейишади...

— Сен уларнинг уйларида бўлганмисан?— деб яна сўроқ қилаверди Проценко.

— Кондратовичникида— Гнатенко Иванникида деганим, охирги марта бундан ўн икки йилча илгари бўлган эдим, Фоминникида сира бўлганим йўқ. Узингиз биласиз. Иван Фёдорович, бу ерга куни кеча келдим, бу ерда қолишимга куни кеча рози бўлишди ва адресни кеча беришди, қандай қилиб уникида бўлишим мумкин эди, мени-ку шу ишга мувофиқ топишган экан, ахир, шу одамлар билиб танлашгандир?— деди Матвей Костиевич, унинг гап сўраётгани ё жавоб бераётганини билиш қийин эди.

— Ана!— деди Иван Фёдорович ва бармогини бигиз қилиб Лютиковга, кейин яна Шульгага қаради.— Қоғозга ишонманг, одамларнинг сўзига ҳам ишонманг, бировларнинг айтганига сира ишонманг! Ҳамма нарсани, ҳаммани ўзларинг бошқатдан, ишда синаб текшириб чиқинглар. Сизларнинг яширин ишларингизни уюштирган одамлар бу ердан кетиб қолган, бу ўзларингизга маълум. Конспирациянинг қиймат баҳо бир қондасига мувофиқ, улар бу ердан кетиб қолган. Улар жуда олисда. Балки Новочеркасскка бориб ҳам қолгандир,— деди Иван Фёдорович ва кулиб қўйди: кўм-кўк кўзларидан биридаги учкун бир оёқлаб нариги кўзига сакраб ўтди.— Бу гапимнинг маъносини биласизларми?— деб давом этди у.— Бунинг маъниси шундаки, яширин иш ташкил этилганда ҳокимият бизнинг қўлимизда эди, немислар келгандан кейин одамлар яна бир карра синовдан ўтказилади, ҳаёт ва ўлим воситалари билан...

У ўз фикрини тамом баён қилишга улгурмади. Кўча эшик тарақ этиб очилиб ёпилди, нариги хоналардан оёқ товуши эшитилди, шу уйнинг олдида «газик»да ўтирган жувон кириб келди. Иван Фёдоровични кутиб ўтирганда кечирган ҳамма азоблари юзиде акс этиб турарди.

— Кутиб чарчадингми, Катя? Мана, ҳозир кетдик,— деди Иван Фёдорович, хижолат билан жилмайиб. Урнидан турди, бошқалар ҳам туришди.— Танишинглар, менинг хотиним, ўзи ўқитувчи,— деди кутилмаганда фахрланиб.

Лютиков жувоннинг бардам қўлини ҳурмат билан қисди. Жувон Шульга билан таниш эди ва унга жилмайиб қараб:

— Сизнинг хотинингиз-чи?— деб сўради.

Шульга:

— Ҳа, менинг оилам...— дея бошлаган эди, жувон бирдан:

— Вой, кечиринг мени... кечиринг,— деди-да, кафти билан юзини беркитди. Аммо, юзи қизариб кетгани бармоқлари орасидан ва кафтининг пастидан кўриниб турарди.

Шульганинг оиласи немислар босиб олган районда қолган, Шульганинг шу областда яширин ишда қолдиришни илтимос қилишининг сабабларидан бири ҳам шу эди. Шульганинг оиласи кўчиб кетишга улгурмаган, чунки немислар тўсатдан бостириб келиб қолган, Костиевичнинг ўзи эса шу маҳалда олис станицаларда сигир-молларни шарқ томонга жўнатиш билан овора эди.

Шульга қандай содда бўлса, оиласи ҳам ўзига ўхшаган содда эди. Ходимларнинг оилалари шарққа кўчиб кета бошлаганда Матвей Костиевичнинг оиласи, хотини ва мактабга қатнайдиган қизи билан етти яшар ўғли — кетишни хоҳламади, Матвей Костиевичнинг ўзи ҳам кетинглар деб қистамади. Матвей Костиевич ёшлигида шу атрофларда партизанлик қилиб юрганда ёшгина хотини ҳам ўзи билан бирга эди, уларнинг тўнғич ўғиллари ҳам,— ҳозир у Қизил Армия командири эди — шу пайтда тутилган эди. Шунинг учун ҳам улар турмушнинг энг оғир ва серкулфат пайти келганда оила бир-биридан ажралмаслиги керак, балки бутун оғирликни бирга тортиши керак деб ўйлар эдилар, ўз болаларини ҳам шундай тарбия этар эдилар. Ҳозир Матвей Костиевич хотини ва болаларининг немислар қўлида қолганлигига ўзини гуноҳкор сезар ва агар улар тирик бўлса, қутқариб олишга умид қиларди.

Проценконинг хотини қўлини юзидан олиб:

— Кечиринг мени,— деди яна ва Костиевичга ачиниб, гуноҳкордай қаради.

Иван Фёдорович:

— Ҳўш, қадрли ўртоқлар...— деб гап бошлади-ю, яна жим қолди.

Жўнаш маҳали етиб келган эди. Бироқ, тўрт кишининг ҳаммаси бир-биридан айрилгиси келмаганини сезишди.

Уларнинг ёру дўстларининг бу ердан жўнаб кетганига, ўз оилалари ва ўз кишилари ёнига ўз тупроқларини босиб жўнаб кетганига ниҳоятти бир неча соат бўлди, бу тўрт киши эса шу ерда қолди, булар йигирма тўрт йил давомида ўз юртларида эркин оёқ босиб юргандан кейин, галати кўринган янги, номаълум яширин ҳаёт кечиргани қолишди. Булар ҳозиргина ўз ёру биродарлари билан бирга эдилар, ёру биродарлари ҳам узоққа

кетмаган, уларга етиб олиш мумкин эди, ammo булар етиб ололмас эдилар. Шу тўрт киши эндиликда шу қадар яқин бўлиб қолишдики, буларни энг яқин қариндошлардан ҳам яқинроқ деса бўларди. Шунинг учун ҳам буларнинг ажралишиб кетиши қийин эди.

Улар анчагача бир-бирларининг қўлларини сиқиб тик туришди.

— Қани, немисларни ҳам бир кўрайлик-чи, қандай хўжайинлик қилишини, ҳокимлик қилишини ҳам бир кўриб қўяйлик,— дерди Проценко.

— Узингизни эҳтиёт қилинг, Иван Фёдорович,— деди жуда жиддий бир ҳолатда Лютиков.

— Э, жоним қаттиқ, менга бало ҳам урмайди. Узингни эҳтиёт қил, Филипп Петрович, сен ҳам, Костиевич.

— Мен ўлмайдиган одамман,— Шульга маъюс кулиб қўйди. Лютиков унга бир ўқрайиб қаради-ю, бироқ индамади.

Навбатма-навбат бир-бирлари билан қучоқлашиб, ўпишди, ammo бир-бирларининг кўзларига қарай олмас эдилар.

— Хайр,— деди Проценконинг хотини. У кулмади, бу сўзни қандайдир тантанали бир ҳолатда айтди ва бирдан кўзларига жиққа ёш кўринди.

Олдин Лютиков чиқиб кетди, кетидан Шульга чиқди. Улар орқа томондан — ҳовли орқали келишган эди — яна шу йўлдан чиқиб кетишди. Улар ҳовлидаги ҳар турли ҳужра-бостирмаларни оралаб, ҳар бириси катта кўча билан параллель кетган кўчага билдирмай чиқиб кетди.

Иван Фёдорович эса хотини билан парк дарвозасига келиб тақалган катта кўчага — Садовая кўчасига чиқди.

Уларнинг юзига тушки пайтнинг қизиби турган офтоби келиб урди.

Иван Фёдорович кўчанинг нариги бетидан юк ортилган машина, машина тепасида турган кишини ва машина ёнида бири-бири билан хайрлашиб турган йигит билан қизни кўриб, хотинининг бунчалик хавотир бўлганлиги сабабини билди.

У анча вақтгача ручкани айлантирди, «газик» силкинар эди-ю, ammo мотор юрмас эди.

— Катя, сен бура, мен газ берай,— деди Проценко хижолат билан машинага миниб.

Хотини офтобдан қорайган ингичка қўлига ручкани олдида, кутилмаганда зўр куч билан ручкани бир неча марта айлантирди. Мотор гуриллаб кетди. Иван Фёдоровичнинг хотини қўли-

нинг орқа томони билан пешонасидаги терини сидириб ташлади-да, ручкани шофёр ўтирадиган жой тагига ташлаб, ўзи Иван Фёдоровичнинг ёнига ўтирди. «Газик» худди қайсар отдай силтана-силтана, кетидан кўкимтир тутун чиқариб, кўчадан сакраб-сакраб кета бошлади, кейин бир текисда юриб кетди-да, кўприк боши томонда кўздан ғойиб бўлди.

— Бир вақт Тоня Орлов кириб келди,— танийсанми?— деди шу маҳалда Ваня Земнухов, гўлдираган овози билан.

— Билмадим у, Ворошилов мактабидандир,— деб эшитилар-эшитилмас жавоб берди Клава.

— Хуллас, ўша кириб келди-да, «Ўртоқ Земнухов, сиздан бир неча ҳовли нарида Володя Осьмухин деган бола туради, ўзи жуда актив комсомол, яқинда кўричагини олдирган эди, уйига барвақтроқ олиб келиб қўйишган эди, яраси очилиб кетиб, йиринг бойлабди, сиз унга бирорта арава топиб бера олмайсизми? деб қолди. Жуда хижолат тортдим. Володя Осьмухинни жуда яхши биламан,— бола эмас, одамнинг жони! Жуда хижолатда қолдим. «Югур Володянинг олдига, мен ҳозир бир жойга бориб келаман, кейин бирон нарса топиб, олдиларингга кирман» деб айтдим-да, ўзим сенинг ёнингга югурдим. Сизлар билан нега кетолмаслигимни энди билдингми?— деди Ваня гуноҳқор одамдай, ўзи қизнинг тобора ёшланаётган кўзларига тикилиб қаради.— Аммо, Жора Арутюнянц иккимиз...— деб яна гап бошлаган эди, Клава юзини йигитнинг юзига жуда яқин тутиб, унинг юзини илиқ нафаслари билан ювгандай бўлиб:

— Ваня, сен билан мақтансам арзийди, мақтансам арзийди, мен...— деди-ю, инграб юборди, ингради-ю, шу билан ҳеч уялиб-нетиб ўтирмасдан ва ёш қизларга ўхшаб эмас, балки эрга теккан жувонларга ўхшаб, катта-катта, билқилаб турган роҳатбахш муздек қўллари билан бемалол Ванянинг бўйнидан маҳкам қучоқлади-да, лабини лабига босиб, қаттиқ ўпди.

Қиз Ваняни қўйиб юборди-да, қочиб эшикдан ичкари кириб кетди. Ваня бир оз жим туриб қолди, кейин бурилиб, узун-узун қўлларини силкитиб, юзини, тўзиб кетган сочларини офтобга бериб, парк тарафга илдам юриб кетди.

Кўксиди чўғдай товланиб турган илҳом энди унинг ажойиб юзини очиб, порлаб турарди, аммо кўчадан яқка ўзи қўллари билан силтаб кетаётган Ванянинг энди ажойиб ҳусн кирган чеҳрасини на Клава, на бошқа ҳеч кимса кўрмасди. Аллақаерларда ҳамон конлар емирилар, қаердадир одамлар қочишар,

йиглар, сўкишар, чскинаётган аскарлар ўтиб турар, замбэракнинг гумбурлаган овозлари эшитиларди, моторлар кўкда даҳшат солиб бўкирарди, атрофии тутун ва чанг-тўзон босиб кетган, жазирама офтоб ҳамма ёқни куйдирарди, аммо Ваня Земнуховнинг кўзига бўйнидан қучоқлаб олган билқиллаган муздек-нозик қўллар ва лабидан ҳали мазаси кетмаган кўз ёшлари аралаш бўсадан бошқа ҳеч нарса кўринмасди.

Атрофда юз бераётган ҳодисаларни у энди писанд қилмас эди, чунки унинг қўлидан келмайдиган ҳеч нарса қолмаган. У, фақат Володя Осьмухинни эмас, балки бутун шаҳарни — болачақалар, хотин-халажлар, қари-қартангларни бутун юк-пуклари билан бирга кўчириб олиб кетишга қодир эди.

«Мен сен билан мақтансам арзийди, мақтансам арзийди...» — дерди қиз, ўзининг майин овози билан, Ванянинг қулоғига ҳам бошқа бирон гап кирмас эди. У ўн тўққиз ёшга кирган йигит.

ТУҚҚИЗИНЧИ БОБ

Немислар қўли остида туриш-турмушнинг қандай бўлишини ҳеч ким биамас эди.

Лютиков билан Шульга, бир-бирларини махсус ишоралар билан учинчи киши орқали, яъни Краснодондаги асосий яширин квартира эгаси орқали топиш тўғрисида олдиндан келишиб кўйишди.

Улар олдинма-кетин чиқиб, ҳар ким ўз йўлидан кетди. Бир-бирлари билан энди сира кўришмасликлари уларнинг хаёлига келармиди?

Филипп Петрович Иван Фёдоровичга айтганидай қилди: го-йиб бўлиб кетди.

Шульга ҳам тайинланган квартиралардан бирига, яхшиси Иван Гнатенко, қисқа қилиб айтганда Кондратович деган қадрдон дўсти, ёски партизаннинг уйига яшириниши керак эди. Аммо Шульганинг Кондратовични кўрмаганига ўн икки йилча бўлган ва эндиликда, айниқса ҳозир уникига боришга нечукдир оёғи тортмади. У ўзини ҳар қанча хотиржам тутишга ҳаракат қилса ҳам, дили нотинч бўлавериб, азоб чекарди. Шульга ҳозир жуда яқин ва ишончли бир кимсага муҳтож эди. Матвей Костиевич, Краснодонда 1918—1919 йилларда яширин ишда бирга ишлашган энг яқин ёру дўстларидан кимлар борлигини эсга ола бошлади.

Шу онда Матвей Костиевичнинг эсига Леонид Рибаловнинг Лиза деган сингиси келиб қолди-да, умрбод кўмир чанги сингган катта юзида болаларча табассум пайдо бўлди. Лиза Рибалова у вақтларда қомати келишган, олтин соч, эпчил ва шаҳдам, кўзлари ўткир, ҳеч нарсадан қўрқмайдиган бир қиз эди, бу қизнинг унга ва акаси Леонидга «Сеняки»га овқат келтириб юрганлари, «э аттанг, бекор уйланиб қўйибман, бўлмаса сенга совчи қўйдирардим» деб ҳазиллашганида оппоқ тишларини кўрсатиб кулганлари Матвей Костиевичнинг кўзи олдидан бир-бир ўтаверди. Лиза унинг хотинини ҳам яхши танир эди.

Бундан ўн йилми, ўн икки йилми бурун Шульга уни бир куни кўчада учратган, кейин яна бир марта хотин-қизлар йиғилишида кўрган эди. Ўша маҳалда эрга теккан эди шекилли. Дарҳақиқат, граждандар уруши тугаши биланоқ, Лиза Осьмухин деган бир кимсага теккан эди. Осьмухин кейин трестда ҳам ишлаб юрарди. Матвей Шульганинг ўзи уй-жой тақсимлаш комиссиясида ишлаган вақтда уларга 5-шахта атрофидаги янги стандарт уйлардан жой олиб берган эди.

Матвей Шульга Лизани фақат ёшлигида кўргани учун унинг ёдига ўша ёшлик кунлари тушди, шу топда ўзини яна ёш ҳис этди. Унинг гарданига тушган ишларини ҳам бирдан шу ёшлик нури ёритиб юборди. «Лиза ўзгариб кетмагандир, эри Осьмухин ҳам ўз одамларимиздан эди... Майли, нима бўлса бўлгани, ўша Лиза Рибаловникига бора қолай! Балки, кетишмагандир. Балки, мени у ерга тақдирнинг ўзи бошлаб олиб бораётгандир. Ё якка ўзи турармикин?» деб ўйлади-да Шульга, ҳаяжон ичида кўприк бошига тушди.

Бу ерларда бўлмаганига ўн йилча бўлган, шу давр ичида районга жуда кўп ғишт иморатлар тушган, шунинг учун Осьмухинларнинг уйини топиш ҳам қийин бўлди. Дарча-деразалари маҳкам беркитилган уйлар ёнидан, жимжит кўчалардан анчагача кезиб юрди, бирон уйга кириб суриштиришга юраги ботинмади. Бирдан 5-коннинг узоқ қирдан кўриниб турган тахлитига қараб тусмоллаб бориш керак деган фикрга келди-да, шу конга қараб кетган кўчага чиқиши биланоқ Осьмухинларнинг уйини дарров топиб олди.

Гултувакли дераза очиқ эди, уй ичидан қулогига ёшларнинг гурунги чалинди; эшикни қоққанда унинг юраги худди ёшлик чогидаги каби ура бошлади. Уйдагилар эшитмаган бўлса керак, эшикни яна қоқди. Эшик орқасида майин оёқ шарпаси эшитилди.

Унинг истиқболида уй ичида киядиган шиппак кийган Лиза Рибалова, Елизавета Алексеевна, турарди. Лизанинг чеҳрасида ҳам ғазаб, ҳам ғусса сезилиб турарди, кўзлари йиғидан қизариб кетган. «Уҳ-ҳў-ў, турмуш буни ҳам роса қийнабди-ку» деб ўйлади Шульга дарҳол.

Аммо, Лизани бир кўришдаёқ таниди. Ёшлигида ҳам қизнинг юзида ғазаб ёки аччиғ аломатлари кўриниб турарди, аммо аслида унинг меҳрибон ва кўнгли очиқ эканлигини Матвей Костиевич яхши биларди. Лиза ҳамон қомати расо, олтин сочларига ҳали оқ кирмаган бўлса-да, кулфат ва меҳнатдан юзига ажин тушган. Уст-боши ҳам бир ҳолатда, илгари у ҳеч қачон бундай кийинмас эди.

Лиза Рибалова эшик остонасида турган нотаниш кишига «хўш» дегандай илтифотсиз қараб турди. Бирдан чеҳрасида таажжуб ва кўз ёшлари аллақерда яшириб турган қувонч аломати пайдо бўлди.

— Матвей Константинович... Уртоқ Шульга! — деди Лиза ва эшик бандида турган қўли ҳолсиз бўлиб пастга осилиб тушди. — Қайси шамол учуриб келди? Шу маҳалда-я!

— Кечирасиз мени, Лиза... ё Елизавета Алексеевна дейми, отингни қандай айтишимни ҳам билмай қолдим... Шарққа кўчиб кетаётган эдим, йўлдан бир кириб ўтай дедим.

— Ҳа-ҳа, шарққа денг, — ҳаммангиз шарққа қараб кетаварар экансиз-да! Бизлар-чи? Бола-чақаларимиз-чи? — деди бирдан гапга кириб хотин, титроқ қўллари билан сочларини тузатди, Костиевичга ё ғазабли, ё ғуссали назар билан қараб қўйди. — Уртоқ Шульга, сиз шарқ томонга кўчиб кетаётисиз, менинг операция қилдирган ўғлим эса хаста ётибди, сиз бўлсангиз шарқ томонга кўчиб кетаётисиз! — Такрор-такрор дерди хотин, бутун шу дилисиёҳликлардан, худди шундай бўлишидан бир неча марта огоҳлантирилгандай, гўё Матвей Костиевич айбдордай.

Матвей Костиевич, гарчи юрак торларининг бири қандайдир маънос оҳанг берган бўлса-да, ниҳоятда осойишта ва муросазозлик билан:

— Кечирасиз, хафа бўлаверманг, — деди. «Ҳали шунақаман дегин, Лиза Рибалова, — дерди юрак тори, — мени шунақа кутиб олдим дегин, жонгинам Лизам!»

Аммо, у умрида кўпни кўрган эди ва ўзини тута биларди.

— Қани, айтинг-чи, ўзи нима гап?

У ҳам «сиз» лашга ўтди.

— Сиз ҳам кечирасиз, — деди хотин, ҳамон зарда билан.

Унинг юзида қадирли дўстлик аломати яна пайдо бўлди. Киринг... Уйимиз шундай ҳолатдаки... — Лиза қўлини силтади, шишган ва қизариб кетган кўзлари яна ёшланди.

Лиза Шульгага йўл берди. Матвей Костиевич унинг кетидан чала ёруг даҳлизга қадам қўйди. Очиқ эшикдан тушиб турган қуёш нурларига тўлган хонанинг ўнг томонида каравот ёнида уч-тўртта ўсмир бола билан бир қиз турарди; каравотда офтобдан қорайган, аммо рангини олдирган, қора кўз, устига ёқали оқ майка кийган бир ўсмир бола оқ чойшап ёпиниб ёнбошлаб ётарди.

— Ўғлим билан хайрлашгани келишибди. Сиз бу ёққа киринг. — Елизавета Алексеевна рўпарадан уйга бошлади. Бу хона соя томонда бўлганидан қоронғироқ ва салқин эди.

Матвей Костиевич сочлари машинкада олинган бошидан кепкасини олди-да:

— Хў-ўш, олдин салом-алик қилиб олайлик, — деди ва қўлини узатди. — Отингизни нима деб айтишни ҳам билмайман, — Лиза десаммикин ё Елизавета Алексеевна дейми?

— Ўзингизга маъқулини айтаверинг. Мен катталиқни ҳам, кибр-ҳавони ҳам ёмон кўраман, ўзи Лизалигим ҳам қопти дейсизми? Бир вақтлар Лиза эдим, энди қаёғда... — деди-да, Елизавета Алексеевна қўлини силтаб қўйди, шу ондаёқ шишган кўзлари билан Матвей Костиевичга фақат хотин кишиларга хос қараш қилди.

Шульга стулга ўтира туриб:

— Мен учун сен ҳамиша Лизалигингча қоласан, нега десанг, ўзим ҳам қариб қолдим, — деб кулди.

Лиза унинг рўпарасига ўтирди.

Шульга ҳамон жилмайиб, аммо жиддий бир оҳангда:

— Менки сендан каттароқ эканман, хафа бўлсанг ҳам, аввало сени бир койиб қўяй, — деди. — Менинг ва бошқа одамларимизнинг шарқ томонга кўчиб кетишига аччиғинг келмаслиги керак. Аблаҳ немис бизга муҳлат бергани йўқ. Бир вақтлар ўзимизга яқин аёл эдинг, сенга очигини айтишим мумкин: лаънати немис орқа томонимизга анча ичкарига ўтиб олди...

— Бунинг бизга нима енгиллиги бор экан? — маъюсланиб деди Лиза. — Кетаётган сизлар, қолаётган бизлар...

— Бунга ким айбдор экан? — деди Шульга, бирдан қовоғи солиниб. Уз оиласи эсига тушиб, деди: — Сизларга ўхшаган оилаларни уруш бошидан бери ёрдам бериб, от-арава бериб, шарққа кўчириб келяпмиз. Оилалар у ёқда турсин, минглаб, ўн минг-

лаб ишчиларни Уралга, Сибирга жўнадик. Нега вақтида кетмаддингиз? — деб сўради Матвей Костиевич, борган сари юраги ачишиб.

Аёл жим ўтирарди, унинг қимир этмай, худди нариги хонада бўлаётган гапларга қулоқ солгандай индамай ўтиришидан Шульганинг гаплари унинг қулоғига кирмагандай кўринарди. Шульганинг ўзи ҳам нариги хонадаги гапларга беихтиёр қулоқ сола бошлади.

Нариги уйдан аҳён-аҳёнда секин-секин гапирган овозлар эшитилар ва у ерда нима бўлаётганини билиб бўлмас эди.

Ужарлиги ва совуққонлиги ўртоқлари ўртасида мақол бўлиб кетган Ваня Земнухов Володя Осьмухин учун арава ҳам тополмай, машинадан ҳам жой ололмай, уйига қайтиб келди; у ерда Жора Арутюнянц кута-кута тоқати тоқ бўлиб ўтирган эди. Ванянинг отаси ҳам уйда эди, Ковалёвларнинг жўнаб кетганини Ваня шундан тушуниб олди.

Жора Арутюнянцнинг бўйи анча ўсган бўлса-да, Ванядан пастроқ эди; Жора таги қора бўлса ҳам, офтоб уни баттар қорайтириб юборган, киприклари қайрилган, кўзлари ҳам қопқора, лаблари қалин, ўн етти ёшларга кирган бу армани бола худди занжига ўхшарди.

Ёшлари катта-кичик бўлишига қарамасдан, улар шу кейинги кунлар ичида қалин ўртоқ бўлиб кетишган, иккови ҳам ашаддий китобхон эди.

Ваня Земнуховни мактабда ҳатто профессор дейишарди. Унинг бисотида бор-йўғи битта йўл-йўл кул ранг янги костюми бўлиб, уни фақат катта байрамларда ва тўйларда кияр эди, бироқ бу костюм ҳам калта келиб қолган эди. Аммо у, костюм тагидан қайтарма ёқали оқ кўйлагини кийиб, бўйнига жигар ранг галстугини, кўзига суякдан қилинган гардиши қора кўзойнагини тақиб, чўнтаклари тўла газета, қўлида китоб кўтарган ҳолда мактаб коридоридан бемалол, даммини чиқармай, хаёл суриб ўтиб қолганида унинг юзида акс этган илҳом аломатларини кўрган ўз синфдошларигина эмас, балки унинг оталигида бўлган пастки синф пионер ўқувчилари ҳам унга ҳўрмат билан йўл берар эдилар, у ҳақиқатан ҳам профессорга ўхшарди.

Жора Арутюнянцнинг катак-катак қилиб чизилган махсус дафтари бўлиб, унга ўқиб туширган китобларининг номини, авторини ва китоб тўғрисидаги қисқача фикрини ёзиб юрарди. Чунончи:

«Н. Островский. Пўлат қандай тобланди. Жуда ажойиб китоб.

А. Блок. Гўзал хонимга атаб ёзилган шеърлар. Тушуниб бўлмайдиган сўзлари кўп.

Байрон. Чайльд-Гарольд. Ўзи зериктирадиган китоб-ку, нимаси одамларни ҳаяжонга солибди, ҳайронман.

В. Маяковский. Яхши! (Ҳеч қанақа баҳо қўймаган).

А. Толстой. Пётр Биринчи. Ажойиб китоб. Пётрнинг тараққийпарвар одам бўлганлиги тасвирланади».

Бу каттак дафтардан яна кўп нарсаларни ўқиб билса бўларди. Жора Арутюнянц умуман тартиб-қоидаани яхши кўрган, озода, ўз фикрида қаттиқ турадиган, ҳар нарсада тартиб ва интизомни хуш кўрувчи бола эди.

Шу кеча-кундузлари мактаблар, клублар, болалар уйлари кўчириш билан овра бўлишларига қарамай, икковлари доим бир-бирлари билан иккинчи фронт ҳақида, «Кут мени» шеъри ҳақида, Шимолий денгиз йўли, «Кенг ҳаёт» кинокартинаси ҳақида, академик Лисенконинг янги кашфиётлари, пионерлар ҳаракатидаги камчиликлар, Сикорскийнинг Лондондаги ҳукуматининг шубҳали хатти-ҳаракати, шоир Шипачёв, радиодиктор Левитан, Рузвельт, Черчилль ва яна кўп масалалар тўғрисида қизишиб сўзлашар эдилар. Улар фақат бир масаладагина бир-бирлари билан келишолмас эдилар: Жора Арутюнянц, паркларда қизлар кетидан югуриб юришдан кўра газета ва китоб ўқиш фойдали дерди, Ваня Земнухов эса, кўзим бунчалик ожиз бўлмаганда жон деб қизларнинг пайида бўлардим, дерди.

Ваня кўз ёши қилган онаси билан, сингиси ва қовогидан қор ёққан ўғлига қарамасликка тиришиб, ниҳоят, чидай олмай фотиҳа берган ва унинг пешонасидан иссиқ лаблари билан ўпган чол отаси билан хайрлашар экан, Жора, арава тополмаган экансан, Осьмухинларникига кириб ўтиришнинг ҳам ҳожати йўқ деб, зўр бериб Ваняни кўндирар эди. Аммо Ваня «Толя Орловга ваъда берганман, кириб тушунтирсам бўлмайди» дерди.

Улар буюм халталарини елкаларига осиб олишди; Ваня қаравотнинг бош томонидаги азиэ бурчагига, Карпов деган рассом чизган ва Харьковдаги Украина нашриёти босиб чиқарган Пушкин расмига, этажеркага қатор терилган китобларга — Пушкин асарлари тўплами ва Пушкин замонидаги шоирларнинг «Совет ёзувчиси» нашриёти томонидан Ленинградда кичкина ҳажмда босиб чиқарилган асарларига сўнгги марта кўз ташлади-да, кепкасини шартта кўзигача тушириб бостириб кийиб, икковлари Володя Осьмухинникига йўл олишди.

Володя каравотда оқ майка кийиб, белигача чойшапга ўралиб бошини сал кўтариб ётган эди. Чамаси шу куни эрталаб ўқиб ётган китоби бўлса керак, «Релейная зашчита» деган китоб каравотда очиқ ётарди.

Каравотнинг орқа томонида, дераза тагида ҳар хил асбоблар, галтак симлар, ясама киноаппарат, радиоприёмник бўлаклари уюлиб ётарди, — Володя Осьмухин ихтирочиликка жуда ишқи-воз бўлиб, инженер-авиаконструктор бўламан деб юрарди.

Каравот ёнидаги табуреткада Володянинг энг яқин ўртоғи, етим Толя Орлов ўтирарди, унинг лақаби «Момақалдироқ» эди. Ёзини қишин тумов бўлгани ва доим йўталиб юргани учун уни «Момақалдироқ» дейишарди. Толя Орлов катта оёқларини кериб, букилиб ўтирарди. Унинг билак, тизза, тўпиқ бўғинлари ниҳоятда катта ва бақувват эди. Каттакон калласидан қалин пахмоқ сочлари ҳар тарафга диккайиб турар, кўзлари маънос эди.

— Ҳеч юролмайман, дегин? — деб сўради Ваня Земнухов Володядан.

Володя қовоғини солиб:

— Юриш қаёғда, доктор, юрсанг чоки сўкилиб, ичак-чавақларинг чиқиб кетади дейди, — деди.

У, ўзининг кетолмай қолганлигидан эмас, уни деб онаси билан синглиси ҳам кетолмай қолганидан хафа эди.

Жора Арутюнянц уддабурунлик қилиб:

— Қани, чокини кўрсат-чи, — деди.

Володянинг синглиси Люся каравотнинг оёқ томонида, каравот панжарасига суяниб турган жойидан:

— Қандай кўрсатсин? Чок бинтлаб қўйилган-ку! — деди, кўрқиб.

— Хотиржам бўлинг, ҳамма иш жойида бўлади, — деди-да, Жора арманча талаффуз билан, мулойимгина кулиб қўйди. — Ярадорларга дастлабки ёрдам беришни ўргатадиган мактабни битирганман, бинт ечиш ҳам, бойлаш ҳам қўлимдан келади.

— Бу гигиенага хилоф! — деб қаршилик кўрсатарди Люся.

Жора кескин бир оҳангда:

— Ниҳоятда ноқулай уруш шароитларида синаб кўрилган энг янги тиббий техника бу гапнинг бутунлай бемаънилигини исбот этди, — деди.

— Буни сиз бошқа бирон китобдан ўқигандирсиз, — деди Люся, кибрланиб. Аммо шу ондан бошлаб у, занжига ўхшаган бу қора болага қизиқиб қарай бошлади.

— Жим турсанг-чи, Люська! Ойим-ку майли, ойим тажанг. сен нега ўзинг билмаган ишга аралашасан? Бор кет! — деди Володя синглизига жаҳд билан. Володя чойшапни устидан олиб ташлади-да, мушаклари бўртиб чиқиб турган, қоп-қора озгин оёқларини очди, баданлари шу қадар офтобда қорайиб пишган ва мушаклари шу қадар бақувват эдики, ҳеч қандай касал ва ҳеч қандай кўрпа-тўшак қилиб ётишлар терисининг бу қоп-қора тусига ҳам, бу бақувват мушакларига ҳам қор қила олмас эди.

Люся тескари қараб турди.

Толя Орлов билан Ваня Володяни ушлаб туришди, Жора эса Володянинг кўк трусигини пастга тушириб, бинтни ечди. Чокни газак олиб кетган, йиринг бойлаган эди, қимирлашдан келган оғриққа чидаш бериш учун Володя тишини-тишига қўйиб турди, ранги оппоқ оқариб кетди.

Жора афтини буриштириб:

— Иш чатоқ. Лаббай? — деди.

Ваня ҳам!

— Иш пачава, — деб унинг сўзини тасдиқлади.

Улар, Володянинг ҳамииша шўх ва айёр, ҳозир эса маъюс бўлиб ўртоқларининг кўзига жовдираб қараб турган кўзларига қарамасликка тиришиб, ярани қайтадан бойлаб қўйишди.

Энди ишнинг энг мушқули қолган эди: улар, ўртоқларининг ҳаёти таҳлика остида қолганини кўра-била туриб, уни ташлаб кетишлари керак эди.

Матвей Костиевич, гапни бошқа томонга бурмоқчи бўлиб:

— Дарвоқе, эркагинг қани? — деб сўради.

— Ўлган, — деб жавоб берди Елизавета Алексеевна. — Бултур худди уруш олдидан ўлди. Касал бўла-бўла, ахийри ўлди, — деб бир неча марта такрорлади аёл; унинг гапи Шультгага худди аччиқ ўпка қилгандай туюлди. Кейин қайғу-жафога тўлиб тошган овози билан: — Эҳ, Матвей Константинович! Сиз ҳам энди ҳукумат тепасида турган одамсиз, ҳозир биз бечораларнинг аҳволимиз қанчалик оғир ва қийинлигини билсангиз эди! — деди. — Ахир, сизлар оддий кишилар устидан турган ҳукуматсизлар, илгари қанақалигингизни биламан, сиз ҳам биз сингари оддий бир одам эдингиз. Акам билан бирга бизнинг ҳаётимиз учун қандай курашганингиз эсимда, сиздан ҳеч қандай гинам йўқ, сизларга ўхшаган одамларнинг бу ерда қолиб ўзингизни ўлимга тутиб беришингиз мумкин эмаслигини ҳам биламан. Лекин бутун иш-пишини ташлаб, машина-машина мебель, буюм ортиб кетаётган аблаҳларга нега ҳеч нима демайсизлар? Уларнинг биз

Бечоралар билан ҳеч иши йўқ, ҳолбуки бу буюмларни, бу бойликларнинг ҳаммасини бизлар, шу оддий кишилар ўз қўлимиз билан бунёдга келтирган эдик-ку! Эҳ, Матвей Константинович! Бу аблаҳларга одамдан ҳам шу мол-матолар қиммат эканлигини кўрарга наҳотки кўзингиз йўқ бўлса? — деб хитоб қилди, аччиқ аламдан аёлнинг лаблари қийшайиб кетди. — Яна биздек оддий кишилар ўртасида хафа бўлувчи одамлар борлигига ажаблانسиз. Шундай кунларни бошингдан бир марта кечирсанг, ҳеч нарсага, ҳеч кимга ишонмай қўяр экансан!

Кейинчалик Шульга, бир неча бор суҳбатнинг шу ерини эслаганда юраги ачишиб виждони азоб тортди. Энг оғири шунда эдики, аёлнинг бутун шу алам-ҳаяжонларини жуда чуқур ҳис қиларди, унинг кенг ва кучли қалбида бу аёл учун асл ва самимий сўзлар ҳам топиларди. Аммо, ўша суҳбат вақтида аёлнинг бу гапларни юраги тўлиб-тошиб, аччиқ алам билан гапиргани Шульгани унинг назарида ёшлигида билган Лизадан ажратиб қўйгандай бўлди ва кутганидан бошқача бўлиб чиққани уни жуда ҳайратда қолдирди, унинг ўзи шу ерда бўлса ҳам, болачақалари немислар қўлида қолган, балки ҳалок бўлиб кетган бўлса-ю, бу хотиннинг фақат ўзи, ўз оиласи ҳақида сўзлаши унга ҳатто ҳақоратдай тегиб кетди; бу аёл ёшлигида Шульганинг хотини билан таниш бўлишига қарамай, «оилангиз, болачақаларингиз, хотинингиз соғ-саломатми?» — деб сўрамади ҳам! Шу туфайли бирдан унинг оғзидан ҳам қаттиқ гаплар чиқиб кетди, бунга кейин ўзи ҳам пушаймон еб юрди.

— Кўп нарсаларни ортиқ ўйлаб юборибсиз, ортиқча ўйлаб юборибсиз, Елизавета Алексеевна, — деди у, совуққина оҳанг билан. — Остонага немис келиб турганда ўз ҳокимиятимизга ишонмай қўйиш ҳам бир тадбирдай нарса, албатта. Эшитяпсизми? — деди, жун босган бармогини миҳ қилиб: шу топда олислардан тўп овозлари эшитилиб қолди. — Ана у томонда халқимиз гулининг қанчадан қанчаси, ўзингиз айтгандек, оддий одамлар орасидан чиққан мен сингари ҳукумат бошида турганлар, онглари етилган коммунистлардан қанчаю қанчаси ўлиб кетаётганини ҳеч ўйлаб кўрдингизми? Устимизга немис бостириб келиб, бизни оёқ ости қилаётган бир маҳалда сизнинг ўша кишиларга ишонмай қўйганлигингизга хафаман. Сизга куйганимдан хафаман, ачинаман! — Шульга аччиқ-алам билан гапирганидан худди ёш бола сингари лаблари титраб кетди.

— Вой, сиз нима деяпсиз?.. Нима деганингиз?.. Сиз ҳали мени немисни кутяпти деб ўйлаяпсизми? — Аёлнинг нафаси бў-

гилиб кетди, рўпарада ўтирган киши унинг гапини нотўғри тушунганидан баттар тутоқиб кетган эди, у тобора бақрииб гапирар эди. — Ййе, сиз... Углим-чи?... Мен онаман, ахир... Сиз бўлсангиз...

— Елизавета Алексеевна, эсингиздан чиқдими, сиз билан биз оддий ишчи бўлиб юрганнимизда, немислар, оқлар бостириб келган маҳалда, сиз билан биз ўзимизни ўйлаган эдикми? — дерди Матвей Костиевич, аёлнинг гапини тингламасдан, — Йўқ, биз ўзимизни эмас, энг яхши кишиларимизни — йўлбошчиларимизни ўйлаган эдик! Туғишган акангизни эсга олинг! Биз меҳнаткаш одамлар мана шундай деб билар эдик! Йўлбошчиларимизни, энг сара, асл кишиларни яшириш, уларни эҳтиёт қилиш, кўкрагимизни ўққа тутиб берсак ҳам, уларни сақлаш биздек ишчи одамларнинг иши, ҳамиша шундай деб билган эдик бошқача деб ўйлашни ўзимизга ор деб билардик! Наҳотки ўша вақтдан бери сиз шунчалик ўзгариб кетдингиз, Елизавета Алексеевна?

— Шошманг! — деди аёл бирдан тик туриб ва нариги уйдан эшитилаётган гапга қулоқ сола бошлади.

Шульга ҳам қулоқ солди.

У ерда бирдан сукут чўмди, у ерда бирон гап бўлаётганини она сээди. Матвей Костиевичга ҳам қарамай, югуриб нариги уйга ўғлининг ёнига кириб кетди. Матвей Костиевич ўзидан хафа бўлиб, қопқора жун босган қўлларида кепкасини гижимлаганича, даҳлизга чиқди.

Елизавета Алексеевнанинг каравотда ётган ўғли ўртоқлари билан индамасдан узоқ-узоқ хайрлашарди, уларнинг қўлларини сиқар, бўйни ва машинкада сочи олинган боши ҳаяжондан титрарди. Шуниси таажжубли эдики, ўғли шу аҳволда ётган бўлишига қарамай, руҳи тетик, юзида хурсандлик акс этар, қисик кўзлари чақнаб ёнарди. Сочлари тўзиган, бесўнақай гавдали бир ўртоғи каравотнинг бош томонида юзини сал ўгириб туриб, офтоб шуълаларидан ялтираган очиқ деразага кўзларини катта-катта очиб аллақандай шодликка тўлган назар билан қараб турарди.

Қиз эса ҳамон каравотнинг оёқ томонида табессум билан қараб турарди. Қизнинг қиёфасига қараб, унинг эски Лиза Рибаловага ўхшаб кетганлигини кўриб Матвей Костиевичнинг юраги бирдан эзилиб кетгандай бўлди. Ҳа, бу қиз бундан йигирма йил илгари билган ва севиб юрган, қўллари катта-катта, чевар Лиза эмас, бир оз нозикроқ Лиза эди.

Матвей Костиевич ҳамон шапкасини қўлида гижимларкан, «кетиш керак» деб ўйлади ва қисирлаб турган полнинг тахта-сидан авайлаб қадам босиб ўтди.

Елизавета Алексеевна югуриб чиқди-да, баланд товуш билан:

— Кетяпсизми? — деб сўради.

— На илож! Кет дегандан кейин кетиш керак-да. Хафа бўлманг, — деди-да Шульга, кепкасини бошига кийди.

— Дарров-а? — деб яна сўради аёл. Унинг бу саволида ачи-нишми ё алам оҳангими эшитилди, эҳтимол, Матвей Костиевич-га шундай туюлгандир. — Ўзингиз хафа бўлманг... Агар худо бўлса — йўлингизда ҳамроҳ бўлсин, омон-эсон етиб олинг, бизни унутманг, эслаб туринг, — дерди у, хомуш бир ҳолда қўлларини пастга солиб. Унинг товушида қандайдир оналарча меҳрибон-лик сезиларди, бирдан Шульганинг ўпкаси тўлиб кетди.

Шульга хафасимон бўлиб:

— Хайр, — деди-да, кўчага чиқиб кетди.

Эҳ, ўртоқ Шульга, бу ердан кетиб бекор қилдинг! Нега Елизавета Алексеевнани ва илгариги Лиза Рибаловага ўхшаган қиз-ни ташлаб кетдинг, нега шу ўсмирлар орасида бўлган ва сен эшитган суҳбатларга эътибор бермадинг, ҳатто бу ўсмирлар-нинг кимлиги билан қизиқмадинг ҳам? Афсус, афсус!

Агар Матвей Костиевич шундай қилмаганда эди, балки унинг бутун тақдири бошқача бўлармиди. Аммо ўша вақтда бунга ақли етиши у ёқда турсин, ҳатто нима учундир хафа ҳам бўлиб чиқиб кетди. Энди илгарилари «Голубятники» деб аталган бир маҳаллага бориб, илгариги вақтда бирга партизанлик қилган ва ўн икки йилдан бери кўришмаган Иван Гнатенко, содда қилиб айтганда Кондратович деган эски ошнасининг уйини қидириб топишдан бошқа чораси қолмади. Шу пайтда у ўзини-ўзи ҳалокат сари итарганини ва бу йўлдан биринчи қадам қўйганини билармиди?

Елизавета Алексеевнанинг кетидан даҳлизга чиқмасидан бир минутча олдин Елизавета Алексеевнанинг ўғли ётган хонада мана бундай воқеа бўлган эди.

Уй ичида оғир сукунат ҳукм сурарди. Толя Орлов, «Мома-қалдироқ» деб ном чиқарган Толя Орлов бирдан табуреткадан турди-да, агар энг яқин, қадрдон ўртоғим Володя кетолмаса, мен шу ерда у билан бирга қоламан, деди.

Дафъатан ҳамма саросималаниб қолди. Кейин Володя йиглаб юборди, Толя Орловни ўпа бошлади, ҳамма севиниб кетди.

Люся бўлса «Момақалдирақ»нинг бўйига оспатб олиб, юзларидан, кўзларидан, сириндан ўпа кетди, — бу Толянинг умрида энг бахтли дақиқа эди. Кейин Люся, Жора Арутюнянцга қаттиқ бир қараш қилди. Қиз қани энди бу эпчил зайжи йигит ҳам қолса, дерди.

— Балли! Мана буни ўртоқлик дейдилар! — дерди вақти чоғ бўлиб кетган Ваня Земнухов, йўғон ва гўлдираган овози билан. — Ҳа, ўғил бола Толя! — Кейин бирдан: — кирои ўртоғинг бўлса шундай бўлса, мақтансам арзийдиган ўртоғимсан... — деди. — Мен ва мана бу ўртоғим Жора Арутюнянц иккаламиз мақтансак арзийдиган ўртоғимсан, — деб гапини тузатди кейин, шундай деб Толянинг кўлини қаттиқ қисди.

— Биз бекор ўтирармидик! — деди Володя, кўзлари чақнаб. — Биз курашамиз! Тўғрими, Толя? Яширин иш олиб бориш учун партия райкомининг одам қолдириб кетмаслиги мумкин эмас. Биз уларни қидириб топиб оламиз! Нима, фойдамиз тегмайди деб ўйлайсанми?

УНИНЧИ БОБ

Ваня Земнухов, Жора Арутюнянц Володя Осьмухин билан хайрлашиб чиқишди-ю, темир йўл бўйлаб Лихая томонга қараб боровчи қочқинлар оқимига қўшилиб кетишди.

Бошда улар Новочеркасскка кетмоқчи бўлишди: Жора Арутюнянцнинг айтишича, у ердан ундан у ёғига кетишга ёрдам бериш кўлидан келадиган мўътабар қариндоши бор экан, — тоғаси станцияда ямоқчилик қиларкан. Ваня Жорадан катта бўлгани учун, Жора ўртоғининг гапидан чиқмас эди, Ваня, Ковалёвларнинг Лихая томонга кетаётганини билиб олгандан кейин шу йўлнинг қулайлигини жуда мужмал қилиб гапириб энг сўнги дамда шу томонга бурилишни таклиф қилиб қолди. Шу билан, қаёққа деса шу томонга кетаверадиган Жора ўзининг жуда аниқ йўлини ташлаб, Земнуховнинг мужмал йўлига равона бўлишга кўна қолди.

Йўлда этаплардан бирида уларнинг ёнига узун мўйловли, устига ғижимланиб кетган гимнастёрка, оёғига қоқ қуриб қингирқийшиқ бўлиб кетган этик кийган, ўнг кўкрагига гвардия нишонни таққан бир майор келиб ҳамроҳ бўлиб олди. Устидаги ҳарбий формаси ва айниқса этиги, унинг айтишича, беш ойча ярасини даволаб ётганида госпиталь омборида қолиб кетганидан, шунақа қингирқийшиқ бўлиб қолган экан.

Кейинги вақтда Краснодардан энг катта касалхонанинг бир бўлимига жойлашган госпиталь кўчиб кетаётган экан, аммо, транспорт камлигидан, юришга ҳоли келган кишилар пиёда кетишаверишсин, деб айтишибди, юздан ортигроқ ярадорларни бу ердан олиб кетишнинг ҳеч иложи бўлмаганидан улар Краснодарда қолиб кетган экан.

Майор, ўзидан ва госпиталидан батафсил гапириб берди-да, кейин бутун йўл бўйи чурқ этмади. У камгап, ўтакетган камгап одам эди. Майорнинг оёғи ҳам оқсоқ экан. Аммо, оқсоқланиб юрса ҳам, қингир-қийшиқ этикларига қадамни илдам-илдам ташлар, ўсмир болалардан сира қолишмас эди, кўп ўтмай майор шундай ҳурматга эга бўлиб олдики, болалар нимадан гап очмасин, у даммини чиқармаса ҳам, унинг юзига қараб-қараб кўяр эдилар.

Беҳисоб ёшу қарилар, фақат хотин-халажлар эмас, қўлларига қурол кўтарган эркаклар ҳам бу чекиниш оқимида бениҳоя жабру-жафо тортиб борар эканлар, орқаларига халта осиб олган, энгларини билакларигача шимариб, кепкаларини қўлларига олиб олган Ваня билан Жора юраклари ғайратга тўлгани ҳолда ўз истиқболларига умид-тилак боғлаб, шахдам қадам ташлаб борар эдилар.

Уларнинг ўзгалардан фарқи шу эдики, улар ҳали ёш ва ёлғиз эдилар, улар ёв қаерда-ю, бизникилар қаердалигини билмас, турли-туман овоза ва миш-мишларга ишонмас эдилар, бутун олам, унинг бепоён чўли биёбони жазирама офтоби, ёнгини ва тўзони, дам у ерни, дам бу ерни душман бомбардимон қилиб турган йўллар, — хуллас бутун олами-жаҳон ўзининг тўрт томонини уларга кенг очиб бергандай эди.

Уларнинг гаплари, гургунларининг ҳам атроф-теваракда юз бераётган аҳволга ҳеч алоқаси йўқ эди.

— Бизнинг замонимизда юрист бўлишликнинг нега қизиғи йўқ экан, — хўш? — дерди Ваня, гўлдираган овози билан.

— Шунинг учун қизиғи йўқки, раз уруш бўлаётибдими, ҳарбий бўлиш керак, уруш тамом бўлгандан кейин эса хўжаликни тиклаш учун инженер бўлиш керак, юристларнинг ҳозирча унча кераги йўқ, — дерди Жора. Жора энди ўн еттига кирган бўлса-да, сўзлари расо ва фикри равшан эди.

— Тўғри айтасан, уруш вақтида мен ҳарбий хизматда бўлгим келади, лекин кўзим ожиз-да, олишмайди. Мендан сал нарғи силжидингми, бўлди, кўзимга дароз қоп-қора доғ бўлиб кўринасан, — дерди Ваня жилмайиб. — Инженер бўлиш-ку, албатта,

яхши-я, аммо бутун гап орзу-ҳавасда-да. Ўзинг биласан, мен кўпроқ шеърятга ҳавасмандман.

— Ундоқ бўлса, адабиёт олий ўқув юртига кир, — деди Жора лўнда қилиб ва гапини тўғри дейдиган битга одам шу майор деб, унга қаради. Бироқ майор ҳеч нима демади.

— Мен ҳеч ҳам шундай қилмоқчи эмасман, — деди Ваня. — Пушкин ҳам, Тютчев ҳам адабиёт институтида ўқиган эмас, у замонларда бундай ўқув юртларининг ўзи ҳам йўқ эди, қўяверса, институтида ўқиб шоир бўлиб ҳам бўлмайти.

— Ўқисанг ҳар бало бўласан, гап ўқишда қолган, — деди Жора.

— Йўқ, мактабда ўқиб шоир бўламан дейиш — тентаклик. Ҳар кимса ўқиши ва умрини энг оддий касбдан бошлаши керак, агар кишининг табиатида шоирлик таланти бўлса, бу талант кўп-кўп машғулот ва мутолаа билан ривож топиб кетади, ана ўшандан кейин, менимча, ёзувчиликни касб қилиб олиш мумкин. Масалан, Тютчев дипломат бўлган, Гарин инженер, Чехов доктор, Толстой помешчик бўлган...

Жора қоп-қора арманча кўзлари билан маккорона қараб:

— Жуда яхши касб-да! — деди.

Икковлари кулиб юборишди, майор ҳам мўйлови остидан жиммайиб қўйди.

— Биронтаси юрист бўлганми? — деб жиддий оҳангда сўради Жора.

Унинг фикрича, ёзувчилардан биронтаси юрист бўлиб ўтган бўлса, Ванянинг ҳам юрист бўлишига рози бўлган бўлар эди.

Бунисини билмадим, аммо юристлик фанининг шуниси яхшики, ёзувчига зарур фанлардан ижтимоий фанлар, тарих, ҳуқуқ, адабиёт соҳаларидан маълумот беради...

Жора бир оз мақтанчоқлик қилиб:

— Менимча, бу фанларни педагогика институтида ўтган яхшироқ, — деди.

— Гарчи у ерда менга профессор деб лақаб қўйган бўлсаларинг ҳам, педагог бўлишни хоҳламайман...

— Минг қилсанг ҳам бизнинг судларимизда ёқловчи бўлиб ишлаш бемаъни гап, — деди Жора. — Анови зараркунанда аблаҳларнинг очиқ суд қилингани эсингдами? Мен нуқул ёқловчиларни ўйлаб юраман: шўри қурсин уларнинг, лаббай? — деди Жора ва яна садафдек тишларини кўрсатиб кулди.

— Ёқловчи бўлишнинг унча қизиғи йў-а, нега десанг, бизнинг судларимиз халқ суди, аммо терговчидик, менимча, анча

қизиқ бўлса керак: ҳар хил одамларни учратасан, уларнинг кимлигини билиб оласан...

Ҳаммасидан ҳам қораловчи бўлиш яхши, — деди Жора. — Вишинский эсингдами? Боплайди-я? Аммо шахсан мен сира юрист бўлмас эдим.

— Ленин юрист эди, — деди Ваня.

— У вақтлар бошқа эди.

— Бу тўғрида, яъни қандай касб эгаси бўлиш тўғрисида баҳслашишнинг бефойда ва бемаънилигини билмасам, сен билан яна баҳслашар эдим, — деди Ваня жилмайиб. — Ўқимишли, ишнинг кўзини биладиган, меҳнатсевар одам бўлиш керак, бунинг устига яна шоирлик талантинг ҳам бўлса ўзи қайнаб чиқаверади.

— Ваня, ростини айтсам, сенинг деворий газеталарда ва Кошевой икковларинг чиқарган «Парус» журналидаги шеърларингни ҳузур қилиб ўқирдим.

— Ўша журналпи ўқиганмисан? — деб қизиқиб сўради Ваня.

— Ҳа, ўқиганман, — деди Жора. — Мен мактаб «Крокодил» ини ҳам ўқирдим, мактабимизда нимаики чиқса, ҳаммасидан хабардор эдим, — деди мақтаниб. — Ростини айтсам, сенинг талантинг бор!

Ваня уялинқираб:

— Талант қаёқда, — деди-да, майорга кўз қирини ташлади, бошини бир силкитиб, тўзиб кетган узун сочларини йиғиштириб олди. — Ҳозирча шунчаки эрмак қилиб юрибмиз-да... Шоир деб Пушкинни айтадилар! Пушкинга мен сажда қиламан!

— Рост, анови Лена Поэднишевани, ўзини ойнага солгани солган деб, роса боплаганинг эсимда... Ҳа-ҳа!.. Жудаям бопловдинг, ўлайин агар! — деди Жора, арманча талаффуз билан хитоб қилиб. — Қанақа эди? «Гунча лабини очиб...» Ҳа-ҳа!..

Ваня уялиб, ғудурлаб:

— Бе-е, шу ҳам шеър бўлдими! — деди.

— Менга қара, ишқий шеърларинг ҳам бордир? — деб сирли оҳангда сўради Жора, овозини пастлатиб. — Қани, бироқ ишқий шеърларингдан ўқиб бер-чи, — деди ва майорга қараб кўзини қисиб қўйди.

— Қанақа ишқий шеър! Қўйсанг-чи! — Ваня энди жуда уялиб кетган эди.

Унинг ҳақиқатан ҳам «К...га» деб сарлавҳа қўйган Клавага бағишлаб ёзган шеърлари бор эди. Худди шундай: катта «К»

қарфидан кейин нуқталар қўйилган эди. Шу онда у, Клава билан ўртасида бўлган гапларни, ўзининг орзу-хаёлларини яна эслаб кетди. У бахтли эди. Ҳамманинг бошига бахтсизлик тушган пайтда ҳам, у бахтли эди. Аммо қандай қилиб у, ўз бахтиини, ўз ҳисларини Жорага айтиб бера олсин?

Жора арманча кўзларини худди ёш болалардай чақнатиб:

— Бордир дейман, ке, ўқиб берсанг-чи!— деб қистарди.

— Қўй, тентак бўлма...

— Нима, ҳеч ҳам ишқий шеър ёзмаганмисан?— деб сўради Жора бирдан ва унинг овозида аввалгидек устозлик оҳанги сезилди.— Тўғри, ёзмаганинг маъқул. Ҳозир халқда душманга қарши ғазаб ва нафрат туйғуларини туғдириш керак бўлган пайти, Симоновга ўхшаб ишқий шеърлар ёзиб юриш яхшими? Сиёсий шеър ёзиш керак. Маяковский, Сурковлар сингари, тўғримми? Роса бошлади-да!

— Гап унда эмас, ҳар нарса тўғрисида ёзиш мумкин,— деди Ваня, хаёлга берилган ҳолда.— Биз, энг яхши ва олижаноб кишилар авлоди орзу қилиб келган ҳаёт учун курашган бир замонда туғилиб шу замонда яшаб турган эканмиз, шу ҳаётимизнинг ҳамма томони тўғрисида ёзишимиз мумкин, бунга ҳаққимиз ҳам бор, буларнинг бари биз учун қимматли, бунинг мисли йўқ ва бўлмайти ҳам.

— Жон ўртоқ, бирон шеър ўқиб бер!— деб яна ялина бошлади Жора.

Ҳаво ниҳоятда дим эди; улар гоҳ кулишиб, бақириниб, гоҳ яна сирдошлик қилиб шивир-шивир гаплашиб борар эдилар; кўлларини паҳса қилиб гаплашардилар, халта осилган елкалари терлаб ҳўл бўлиб кетган, чанг босган юзларидаги терни артганда чанг бутун юзга шувалаб кетар, ҳабашга ўхшаган қоп-қора Жора ҳам, узун ва офтобдан қорайган юзи чўзиқ Ваня ҳам, ҳатто узун мўйловли майор ҳам,— ҳаммалари гўлоҳдай қоп-қорайиб кетган эдилар. Аммо бу пайтда уларга бутун слам,— майорга ҳам шундай туюлганлигига улар шубҳа қилмас эдилар, бутун олам уларга фақат улар учун яратилгандай эди.

— Хўп, майли, ўқисам ўқиб берай...

Сўнгра Ваня ҳовлиқмай, бўғиқ овози билан шеър ўқий бошлади:

Йўқ, бизга ғам билан ғафлат бегона,
Ҳаёт машаққати чўчитмас бизни.
Йўқ, йўқ, хиёнатнинг чиркин туйғуси
Асло доғлай олмас соф кўксимизни.

Бахтиёр ёшликнинг олтин йиллари
Бирип-кетин ўтар, йўлимиз ёруғ.
Юксақдир парвози ҳаёлимизнинг,
Кувноқ орзу билан қалбимиз тўлиқ

Умид ишончимиз машъалдай порлоқ,
Дилга зўр муҳаббат бахш этган ҳаёт
Самарасиз, совуқ, гумон, тушқунлик
Жўшқин руҳимизга алалабад ёт.

Тинч, роҳат меҳнатнинг завқли йиллари
Бизни истиқболга чорлайди ҳамон.
Олдинда, муқаддас манзилимизда
Коммуна қуёш порлайди ҳамон.

— Боплабсан! Талантинг бор демадимми!— деди Жора, ўзининг катта ўртогига завқ билан қараб.

Шу пайтда майор пиқиллагандай бўлди, Ваня билан Жора унга қайрилиб қарашди.

— Болалар... сизлар кимлигингизни ўзларинг ҳам билмай-сизлар!— деди майор чуқур ҳаяжон ичида, қалин қошлари остидаги намланган кўзлари билан уларга қараб. Кейин қўлини баланд кўтарди-да, қора ва калта бармогини қимгадир бигиз қилиб кўрсатиб, баланд овоз билан деди:— Йўқ! Бундай давлат шу маҳалгача туриб келди, бундан буён ҳам абадий туради. У, бизнинг умримизни яксон қилдим деб ўйлаяпти-ку!— деб мазах қилган овоз билан давом этарди майор.— Э, сен ҳали чучварани хом санабсан! Биз тирикмиз! Болаларимиз сени бир вабо деб билади. Келасану кетасан, ҳаётимиз, ўқиш ва меҳнатимиз ўз йўлидан кетаверади. Ҳафтафаҳмлар!— деб масхара қилди майор аллакимни.— Биз-ку абадий яшаймиз, унинг ўзи ким бўпти? Теп-текис жойда пайдо бўлган йиринг — бир ситсанг йўқ бўлади... Ҳеч гап эмас! Госпиталда ётганимда анча руҳим тушиб кетган эди, наҳотки унга кучимиз етмаса ердим, сизларга қўшилдим-у, яна жуда руҳим кўтарилиб кетди... Кўп одамлар биз ҳарбийларни сўкса керак деб ўйлайман, аммо тўғри эмас. Рост, чекинишга тўғри келяпти. У қандай катта куч тўплади, ахир? Аммо, бизнинг маънавий кучимиз зўр. Куч деб мана шуни айтадилар. Қимир этмасдан туриб бериш, бир қадам ҳам чекинмаслик, жонни фидо қилиш бир бахт-ку! Сиздек йигитлар учун жонимни фидо қилишни ўзим учун бир бахт деб билардим, соф виждоним билан айтаман!— Майор азбаройи ҳаяжонланиб гапирганидан чуваккина гавдаси титраб-титраб кетарди.

Ваня билан Жора жим қолиб, нима дейишларини билмай майорнинг юзига меҳрибон назар билан тикилиб қарашарди.

Майор юрагини бўшатди-ю, кўзлари пир-пир учиб, қир дастрўмоли билан мўйловини артиб, жим бўлди, шу жим бўлганича то кечасигача оғиз очмади. Тун маҳалида бирдан ғайратга кириб кетди-да, тўпланиб тиқилиб қолган машиналар, от-аравалар ва артиллерия обозларини у ёқ-бу ёққа саронжомлашга киришиб кетди; Ваня билан Жора уни кўздан йўқотдилару, шу онда унутиб ҳам юбордилар.

Икки кечаю икки кундуз деганда Лихаяга етдилар. Жанубда Новочеркасск ёнида жанг бошлангани, Донецнинг нариги томонида Донец билан Дон дарёлари ўртасидаги кенг қирда немисларнинг фронтни ёриб ўтган танклари ва моторлаштирилган қисмлари жанг қилиб тургани маълум бўлди.

Лекин, овозаларга қараганда, Каменск ёнида қандайдир бир қисм, немисларни Лихаяга ўтказмасдан, қаттиқ туриб жанг қилаётган экан. Шу қисм командири бўлган бир генералнинг фамилияси халқ орасида дoston бўлиб юрарди. Шу генерал ва унинг қисми туфайлидан кишиларимиз жон сақлаб қолишди, пимага десангиз, Донецнинг этак томонидаги ҳамма кўприклар ўз қўлимизда эди, қир йўлларида юриб борилса, Донга бемалол чиқиш ва дарёдан ўтиб кетиш мумкин эди.

Бир неча кунгача жазирама офтобда юриб, ниҳоятда ҳолдан толган Ваня билан Жора, оёқларида оёқ қолмай, аллақандай бир хуторга кириб боришди-да, ўзларини похолга ташлаб, қотиб ухлаб қолишди. Улар бомбаларнинг гумбурлаган овозидан уйғониб кетишди.

Ваня билан Жора Донецнинг нариги томонидан кўриниб турган кўкалам боғлари, ҳукумат, савдо ва мактаб бинолари бор катта станица — шаҳарнинг пастроғида, дарёнинг бу юзида тўпланиб турган беҳисоб машиналар, от-аравалар ва одамлар манзилига етиб олганларида офтоб ҳали унча баланд кўтарилмаган эди, шундай бўлса-да бепоен буғдойзорларнинг тепаси жазирама иссиқда жимираб турарди. Бомбардимон қилинган ва вайрон этилган биноларнинг кўпи ҳали ҳам тутаб ётарди.

Бундан икки ҳафта бурун қарор топган, одамлар тўхтовсиз келиб-кешиб турса ҳам, аммо доимий истиқомат қилувчилари ҳам бор бўлган бу катта манзилга янги ва янги одамлар, от-аравалар келиб қўшиларди, унинг ўзига хос алоҳида, мудҳиш томонлари ҳам бор эди.

Бу манзил — аскарый қўшилмалар, идора ва корхона коллек-

тивлари қолдиғи, турли машиналар, аравалар, ҳар хил ижтимоий табақага мансуб қочқинлар, ёш ва қари, эркак ва аёл, болачақали ва бўйдоқ кишилар йиғиндиси эди. Бу одамларнинг бутун ҳаракати, фикру ёди тезроқ дарё бўйига, Донец устига қурилган торгина понтон кўприкка чиқиб олишга қаратилган эди.

Бироқ, манзилдаги халойиқ зўр бериб кўпркк томон интиласа, кўприкни идора қилиб турган ҳарбийлар одамларни кўприкка йўлатмасликка, даставвал Қизил Армиянинг Донец билан Дон ўртасидаги янги мудофаа чегараларига чекинаётган қисмларини ўтказиб юборишга ҳаракат қилар эдилар.

Бу манзилдаги кундалик ҳаётда хусусий ва шахсий ирода ва ҳаракатлар билан ҳарбий, ҳукумат тадбирлари ўртасида кураш бўлиб турарди, ҳадемай Донецнинг у томонида ҳам, бу томонида ҳам ёв пайдо бўлиб қолиш хавфи остида, бир-бирдан даҳшатли янги-янги овозалар тарқалиб, икки ўртадаги куч ва ҳирсларни янада авжга миндирувчи шовқин-суронлар бўлиб турарди.

Узоқ навбат кутиб қолган баъзи ташкилотлар ҳатто ўзларига чуқур қазиб жойлашиб ҳам олган эдилар. Баъзилар чодир тикиб, ўчоқ қуриб, қозон ҳам осиб олган эдилар. Лагерь тўла болачақа эди. Донецнинг тор, энсиз кўпригидан кеча-кундуз машиналар, одамлар, аравалар тинмай ўтиб турар, унинг икки ёнидан одамлар сол ва қайиқларда ўтиб турар эдилар. Бутун қиргоқни босиб кетган минг-минглаб сигир ва ҳўкизалар, кўй ва эчкилар бўкириб-маъраб сувдан сузиб ўтишарди.

Немислар кўприкни кунда бир неча марта лаб бомбардимон қилар, пулемётлардан ўққа тутарди, кўприкни ҳимоя қилиб турган зенит артиллерияси, зенит пулемётлари улар кўриниши биланоқ ўт очар, шунда бутун лагерь бир зумда қирга тарқалиб қочиб кетарди. Самолётлар ғойиб бўлиши билан ҳамма яна жой-жойига қайтиб келарди.

Ваня бу манзилга етиб келган пайдан бошлаб унинг бутун иши Ковалёвлар тушган машинани қидириб топиш бўлиб қолди. Унда бир-бирига қарши икки ҳис курашарди: у, хавфхатарнинг қанчалик жиддийлигини сезарди ва шунинг учун, ишқилиб Клава ва унинг ота-оналари Донецдан эмас, балки ҳатто Дондан ҳам ўтиб кетган бўлишсин, дер эди, аммо башарти Клавани шу ерда учратса, бунга ҳам кўп севинарди.

Ваня билан Жора краснодонликларни қидириб лагерьни кезиб юрганларида бирдан алақим уларнинг номини айтиб чақириб қолди. Шу ондаёқ уларнинг мактабдоши Олег Коше-

вой — офтобдан қорайган, аммо ҳар вақтдагидек бежирим, уст-боши тоза, ғайратчан яғрини кенг, олтин киприкли бола, кўзлари чарақлаб, турган катта-катта қўллари билан ўртоқларини қучоқлаб, лабларидан қаттиқ-қаттиқ ўпа бошлади.

Улар 1-бис шахтасининг Валько билан Шевцовлар тушган машинага, Уля билан Кошевойнинг қариндошлари тушган аравага, Ваня билан Жоранинг ҳаракати орқасида Краснодондан кўчиб чиққан болалар уйига дуч келган эдилар. Болалар уйининг мудираси ҳозир уларни ҳатто танимади ҳам.

УН БИРИНЧИ БОБ

Лагернинг Ваня билан Жора келиб чиққан жойида 1-бис кўмир шахтасининг директори Валько қаттиққўллик билан тартиб ўрнатган: машиналар ва аралар бир томонга қатор қилиб тизилган, ҳамма ерга чуқурлар қазилган. Шахтага қарашли машина ёнида эски четанлардан ўтин ҳам ғамлаб қўйилган. Марина хола билан Уля икковлари янги карам, мой солиб шўрва қайнатмоқда.

Бу кекса лўли Валько чинакам ишбилармон одам эди. У, ёнига ўз ишчиларини ва тўрт-бешта комсомол болаларни оливиб, бир-бирига тутшиб кетган қалин қошлари остидан тева-рак-атрофга хўмрайиб, бутун шу ишларни ўз қўлига олиш учун кўприк томонга бораркан, ҳамма унга индамай йўл бўшатиб берарди.

Олег илгари Каюткинни, кейин Уляни қандай яхши кўриб қолган бўлса, Вальконинг тартиб-интизом ўрнатишга киришганини кўргандан кейин уни ҳам шундай яхши кўриб қолган эди.

Бекор ўтирмай тинмай ишлаш, одамларнинг маишати ва ишларига қўлдан келганча аралашиб, уларнинг бу маишатига қандайдир тузукроқ, тезроқ жилийдиган, бамаънироқ янгилик киритиш, турмушни яхшилаш истаги, ҳали ўзи тамомила англаб-тушуниб етмаган бўлса-да, аммо бутун вужудини қамраб олган, бутун табиатидаги чуқур хислати бўлган руҳий куч Олега ҳаракатга солиб турарди.

Ваня Земнухов билан бирга Вальконинг кетидан бораркан, сал дудуқланиб хурсанд бўлиб:

— Бу учрашганимиз жуда яхши бўлди-да, Иван,— дерди.— Ўзим сени жуда соғиниб қолган эдим. Учрашганимиз зап яхши бўлди-да, кўрдингми? Сен бўлсанг шеър шайдоси бўлиб

Юрибсан, э-э, огайни!..— Олег кўзи ва бармоғи билан олдинда кетаётган Валькони имлаб кўрсатди.— Оламда ҳамма иш уюш-қоқлик, ташкилотчиликка боғлиқ,— дерди у, олтин киприкли кўзларини чақнатиб.— Агар бу бўлмаса ҳар қанақа иш ҳам бўлмасди, ҳамма нарса тивитга ўхшаб титилиб кетарди. Аммо, бош қўшиб, иродангни ишга солдингми, бўлди...

Валько, уларга қайрилиб ҳам қарамасдан:

— Қараб турсанг, тумшуғингга тушириб қолишади ҳам,— деди.

Болалар унинг бу оғир ҳазилидан қулиб юборишди.

Фронтнинг кейинги эшелонига тушиб қолган одам олдинда бўлаётган жангнинг нақадар даҳшатли эканлигини билмаганидек, бу ерда ҳам, кўприқдан анча нарида, навбатнинг энг пировардида турган киши фалокатнинг нақадар катталигини тасаввур этиши қийин эди.

Улар кўприкка яқинлашганлари сари кўприқдан ўтиб борувчиларнинг аҳволи янада чатоқроқ, янада мушкулроқ бўлиб кўринарди, бунда ҳамманинг тинкаси қуриб, шу қадар ҳамма жонидан тўйган-у, асабийлашган эдики, бирон-бир кучнинг бу мушкулотга барҳам бериши маҳол бир нарса эди. Ҳамма кўприкка чиқиб олишга интиларди, шунинг учун кейинги машиналар олдингиларни зўр бериб итарар, улар ораларида ва атрофларида одамлар тикилишиб кетган эди, натижада ҳамма аралаш-қуралаш бўлиб кетган, одам одамни танимас эди, уларни аста-секин, битта-битталаб олдинга ўтказиб турилмаса, бошқача бирои тартиб ўрнатишнинг сира иложи йўқ эди.

Ҳазирама офтобда терлаб-пишиб кетган, бир-бирларини сўккан, бир-бирларига лаънат ўқиган одамлар шу қадар куфр бўлиб кетган эдики, бир-бирига тегса худди портлаб, ёрилиб кетгудай ҳолга келиб қолишган эди. Ҳар ёқдан ҳақорат эшитиларди, ким кимни ҳақорат қилаётир, ким-ким билан уришаётир — билиб бўлмас эди.

Кўп кечалар ухламай, эртадан кечгача офтобда туриб, минг-минглаб оёқ ва гилдирақлар кўтарган чангдан қорайиб кетган, бақиравериб овозлари бўғилган, кўзлари қизариб асабийликдан қўл-оёқлари қалтираб турган ҳарбийлар — шу ҳолатда бўлсалар ҳам — ҳеч одам ақлига сигмайдиган оғир вазифаларини адо этиб турар эдилар.

Шу одамлар қилиб турган ишдан бошқа яна бирон илож йўқлиги жуда равшан эди, аммо шунга қарамасдан, Валько кўприк бошига тушди, унинг бўғиқ овози бошқа овозлар, ма-

шипаларнинг бўкириши, пишқириши орасида эшитилмай кетди.

Уртоқлари билан бирга дарё бўйига зўрга чиқиб олган Олег, дарёнинг балчиқ бўлиб кетган соҳилдан тўла юк ортилган машина ва аравалар, терлаган, кирлаб кетган, хўрланган мингминг одамларнинг кўприк томон ҳеч тинимсиз тушиб келишларига алам ва ҳасрат билан қараб турарди.

Ҳақат Донец дарёси, ёшлигидан яхши кўрган ва унинг ўрта оқимларига мактабдошлари билан бирга балиқ овлагани ва чўмилгани бориб юрган, шу ерга келганда багри кенгайган Донец дарёси лойқа сувларини ҳамон сокин оқишиб борар эди.

Кўприкка эмас, балки дарё бетига жасур кўзлари билан маъюсланиб қараб турган Виктор Петров:

— Ҳозир шундайманки, бировнинг гумшугини уриб ёрсам дейман, — дерди; у таги Погорлое хуторлик бўлиб, шу дарё бўйларида катта бўлган эди.

— Сен урмоқчи бўлган одам дарёдан алақачон ўтиб кетгандир дейман, — деб ҳазиллашди Ваня.

Болалар пиқиллаб кулишди.

Бошига дўппи кийган Анатолий:

— Бу ерда эмас, анови томонда уриш керак, — деди ва гарб томонни кўрсатди.

— Гапинг жуда тўғри, — деб қувватлади унинг сўзини Жора.

Жора гапини энди айтиб бўлган эдики, бирдан:

— Воздух! — деган товуш эшитилди.

Дарҳол зенит тўплардан ўқ узила бошлади, пулемётлар ишга тушди, осмонда моторларнинг гувилаган овози, бирин-кетин ташланган тобора кучлироқ визиллаган овози эшитилди.

Болалар дарҳол ерга ётиб олишди. Олис ва яқинга тушган бомбаларнинг портлаши бутун атрофни ларзага солди, осмондан гупроқ, тараша ёға бошлади, самолётлар бир сидра ўтиб кетгандан кейин яна бошқалари, улар кетидан яна бошқалари келиб, бомба ёғдираверди, оҳ-фарёдлар бомбаларнинг гумбурлаб портлаши, зенит тўплари ва пулемётларнинг овози худди қир билан осмонни босиб кетгандай бўлди.

Самолётлар ҳам кўздан ғойиб бўлиб, одамлар энди ердан тура бошлаган эдики, Жора билан Ванялар тунда қўнган хутор томондан бирдан тўп овозлари эшитила бошлади, шу ондаёқ лагернинг қоқ ўртасида ҳамма ёқни кўкка кўтариб замбарак ўқлари ёрила бошлади.

Ердан турган одамларнинг баъзилари яна ерга ётди, бошқалар снарядлар ёриляётган томонга қарай бошладилар, улар кўприкдан ҳам кўзларини узмас эдилар. Кўприкни идора қилиб турган ҳарбийларнинг афтидан ва ҳатто ҳаракатларидан одамлар бирон катта фалокат юз берганини сездилар.

Кўприк бошида турган ҳарбийлар бир-бирларига қарашди, бирпас қулоқ солиб тек туришди; бирдан улардан бири кўприк ёнидаги блиндажга югуриб кириб кетди, бошқаси эса бақириб командани тўплай бошлади.

Бир ондан сўнг ҳарбий киши блиндаждан бир қўлида икки шинель, яна бир қўлида юк халталар кўтариб чопиб чиқди: иккала ҳарбий ва комендант командасига қарашли жангчилар саф тортмасданоқ кўприкка қараб югуришди ва яна кўприкка қараб келаётган ва кўприк устидан кетаётган машиналарни оралаб кўприкдан, чопиб кетишди.

Бундан кейинги воқиа шу қадар тўсатдан бўлдики, унинг нимадан бошланганини ҳеч кимса айтиб бера олмас эди. Аллақандай одамлар ҳалиги ҳарбийлар кетидан қийқариб югуришди. Кўприк бошини бўғиб турган машиналар орасида саросималик туғилди: бир неча машина бирдан кўприкка қараб юра бошладди, улар бир-бирларини уриб, қарс-қурс сина бошлади, бу машиналарнинг йўлни беркитиб қўйгани кўриниб турса-да, кегиндаги машиналар олдиндагиларни итариб, улар ҳам кўприкка интила бошлади, моторларнинг шовқини оламни босиб кетди. Машиналарнинг бири сувга қулаб кетди, орқасидан яна бири қулади, учинчиси энди аганай бошлаган эди, шofёр шартта тормозни босиб, машинани тўхтатиб қолди.

Ожиэ кўзлари билан машиналарни кўздан кечириб турган Ваня Земнухов тўсатдан:

— Клава! — деб қичқариб юборди-да, кўприкка отилди.

Сувга ағдарилиб тушай деган шу учинчи машина Ковалёвларнинг машинаси эди, унда юк устида Ковалёвнинг ўзи, хотини, қизи, яна бошқа аллакимлар ўтирарди.

Ваня яна:

— Клава! — деб бақирди. Машинанинг ёнига қандай етиб олганини ўзи ҳам билмас эди.

Машинада ўтирганлар ерга сакрай бошладилар. Ваня қўлини узатган эди, Клава унинг ёнига иргиб тушди.

Ковалёв:

— Энди тамом... Бари тамом бўлди!.. — деди, буни эшитган Ванянинг юраги шув этиб кетди.

Ваня Клаванинг қўлини ушлаб тураверишга ботинолмади-ю қўйиб юборди, Клава Ваняга қарамасдан, кўз қирини ташлаб, дир-дир қалтирарди.

Ковалёв йиғлоқ овоз билан хотинига:

— Юра оласанми? Айтсанг-чи, юра оласанми, ахир? — дерди. Ковалёвнинг хотини бир қўлини юрагига босиб, худди сувдан чиқариб ташланган балиқ каби оғзини катта-катта очиб ютарди.

— Ўзинг кетавер, ўзинг кетавер... Улар сени ўлдиршади, — дерди хотини, нафаси бўғилиб.

— Нима, нима бўлди ўзи? — деб сўради Ваня.

— Немислар! — деди Ковалёв.

Клаванинг онаси:

— Қоч, бизни қўявер, қочсанг-чи, тезроқ! — дерди.

Ковалёвнинг иккала кўзи жиқ-жиқ ёшга тўлди, Ванянинг қўлидан ушлаб:

— Ваня! — деди, йиги ичида. — Буларни ёлғиз ташлама, қутқар. Тирик қолсаларинг Нижняя Александровкага боринлар, у ерда қариндошларимиз бор... Ваня! Бутун умидим сен...

Шу пайтда худди кўприк бошига, қоқ машиналар ўртасига снаряд келиб тушди.

Қирғоқда турган ҳарбийлар ҳам, гражданлар ҳам индамасдан понтон кўприкка ёпирилиб тушишди.

Ковалёв Ванянинг қўлини қўйиб юборди-да, хотини билан қизи томонга интилди, — улар билан хайрлашмоқчи бўлган бўлса керак, — аммо иккала қўлини силтаб, понтон кўприкдан бошқалар билан бирга чопа кетди.

Олег қирғоқдан туриб Земнуховни шунча чақирса ҳам, Ванянинг қулогига ҳеч нарса кирмас эди.

— Қани, юринглар, тагин бирон фалокатга йўлиқмайлик, — деди Ваня, қаттиқ ва сокинлик билан Клаванинг онасига ва унинг қўлтигидан ушлаб олди. — Юринг, ҳув анови блиндажга кириб ўтираминиз, юринг. Клава, юр, кетимиздан, эшитдингми? — деди Клавага, жиддий ва мулойим оҳангда.

Блиндажга тушиб кета туриб Ваня зенит тўплари ёнидаги жангчиларнинг шошиб-пишиб алланималар қилганларини, тўплардан қандайдир оғир бўлакларни ажратиб олиб, икки қўллаб кўтариб кўприкка қараб югурганларини, бирпасдан кейин уларни сувга ташлаганларини кўриб қолди. Дарёнинг ҳамма еридан, — кўприкнинг у томонида ҳам, бу томонида ҳам, — одамлар ва моллар сувдан сузиб ўтардилар.

Ваняни ва Валькони йўқотиб қўйган ўртоқлари рўпарадан босиб келаётган одам оқимига дуч келмаслик учун, от-араваларини қолдириб, келган жойга қараб югуришди.

Олег, ғазабдан саргайиб кетган кўзлари билан ўртоқларига қараб, кучли елкалари билан одамларни итариб-гуртиб бораркан, ўртоқларига:

— Тарқалишманглар, ҳаммамиз бирга бўлайлик! — дерди.

Бутун лагер ҳаракатга келган ва тарқала бошлаган эди, — машиналар бир-бирларини итаришар, иложини топганлари эса қирғоқ бўйлаб дарёнинг этак томонига ўрмалаб кета бошлаган эди.

Дастлаб самолётлар ҳужум қилиб қолган вақтда Марина хола ўчоққа шох-чўп ташлаб ўтирарди, Коля тоға чўпларни тўпчилар ханжари билан майдалаб бериб ўтирарди. Улар ёнида, майса ўт устида Уля хаёлга берилиб ўтирарди, унинг чеҳрасида, лабларининг акки бурчагида, бурнининг четларида қандайдир зўр эҳтирос акс этарди; у, машинанинг четида ўтириб олиб, кўк кўзли қизчага сут ичириб бўлиб, қизчанинг қулоғига алланималар деб ўтирган Григорий Ильичдан ва кулиб қотаётган қизчадан кўзини узмас эди. Гулхандан ўттиз метрча нарида турган машина атрофида, мураббиялар қарамоғи остида болалар ўйнаб юришарди, болалар уйи мудираси эса сал нарида ҳеч нарсага парво қилмай ўтирарди. Болалар уйининг араваси, Петров ҳамда Кошевойларнинг аравалари ҳам бошқа аравалар қаторида турган эди.

Самолётлар шу қадар бехосдан учиб келиб қолдики, ҳеч кимса ўзини чуқурга ташлашга улгурмади, ҳамма турган ва ўтирган жойида ерга ётди. Ўтирган ерида дарҳол ерга ётиб олган Уля, осмондан учиб тушаётган бомбанинг тобора кучайиб визиллаган товушини эшитарди. Шу онда момақалдироқдай гумбурлаб ёрилган бомбанинг овози ёнидан эмас, худди ўз ичидан эшитилгандай бўлиб туюлди. Тепасида ҳаво вишиллаб кетди, устига тупроқ ёға бошлади. Улянинг қулоғига моторларнинг овози ва яна бомбаларнинг визиллаши эшитилди, аммо бу сафар бомбалар анча нарига тушган бўлса-да, Уля ҳамон кўкрагини ерга бериб ётарди.

Қачон турганини ва туришга нима ундаганини Уля билмас эди. Аммо у бирдан атрофидаги манзарани кўрди-ю, юрагидан даҳшатли, аламли фарёд кўтарилди.

Ҳозиргина унинг ёнида турган 1-бис шахтасига қарашли машина ҳам, Григорий Ильич ҳам, бояги кўк кўз қизча ҳам, яқин

атрофда ҳеч кимса қолмаган эди. Машина турган жойда катта воронка пайдо бўлган, унинг атрофида ҳар-ҳар жойда машинанинг куйган бўлаклари, болаларнинг абжаги чиққан жасадлари ётарди, Уядан бир неча қадам нарида бошига қизил рўмол ўраган, лой ва тупроққа беланган алланима талвасаланиб ётарди. Уля унинг болалар уйи мураббияси танасининг юқори қисми эканлигини билди, пайпоқ устидан резинка боти кийган пастки қисми эса ҳеч қаерда кўринмас эди, у бутунлай йўқ эди.

Саккиз ёшларга кирган бир бола бошини зўр бериб паства энгаштирар ва худди сакрамоқчи бўлгандай қўлини орқага қилиб, бир жойнинг ўзида оёқларини типирлатар ва чинқириб бақирарди.

Уля эс-ҳушсиз ҳолатда болага ташланди, уни қучоғига олмақчи бўлган эди, бола баттар чинқириб бақира бошлади. Уля боланинг бошини кўтариб қараса, гўдакнинг бутун юзи қавариб шишиб кетган, оппоқ кўзлари косасидан чиқиб кетган.

Уля ерга ўтириб, ҳўнграб йиглаб юборди.

Атрофда ҳамма югурарди, аммо Улянинг кўзига ҳеч нарса кўринмас, қулогига ҳеч нарса эшитилмас эди. Ёнига Олег Кошевой келгандагина Уля ўзига келди. Олег унга алланималар дерди, катта қўллари билан унинг сочларидан силарди, ердан турғизиб қўймоқчи ҳам бўлган эди, бироқ Уля ҳамон ўзини йиғидан тўхтата олмас, қўллари билан юзини беркитиб, ҳамон йиғларди. Замбарак садолари, бомбаларнинг гумбураб ёрилиши, пулемётларнинг узоқдан эшитилаётган тариллашлари қулогига кирса ҳамки, энди у парвойи-фалак қилмасди.

Бирдан Олегнинг ниҳоятда ёш. йўғон ва титраган овоз билан:

— Немислар... — деганини эшитиб қолди.

Бу сўз унга таъсир этди. Йиғидан тўхтади, бир онда қаддини ростлади. Олдида турган Олегчи, ҳамма ўртоқларини, Викторнинг отасини, Коля тогани, боласини қўлида кўтариб турган Маринани, ҳатто Олегни ва унинг қариндошларини олиб келган чолни таниди, — улар орасида фақат Ваня Земнухов билан Валько йўқ эди.

Бу турган одамларнинг ҳаммаси аллақандай бўлишиб кўзларини бир томонга тикиб қараб туришарди, Уля ҳам улар қараган томонга қаради. Улар қараб турган томонда ҳозиргина ҳамма ёққа тиқилиб ётган лагердан энди асар ҳам қолмаган эди. Уларнинг кўзига энди ялтираган оқ хира осмон, қуёшдан қизи-

ган кенг ва бепоён дашт кўринди. Шу ялтираган хира ҳаво остида яланг даштдан немисларнинг қурбақага ўхшатиб бўйланган кўк танклари уларнинг устига бостириб келаётган эди.

УН ИККИНЧИ БОБ

Қишлоқ хўжалик тажриба даласида бўлган қаттиқ жангдан кейин 17 июль кундуз соат 2 да немислар Ворошиловградни олди; Жанубий фронт армияларидан бири бу жойда қисмларидан бирини заслон қилиб қолдирган эди, бу қисм ниҳоятда кўп куч тўплаган немислар билан жангда ҳалок бўлиб кетди. Қисмининг омон қолган жангчилари то Верхнедуданная станциясигача, энг охириги солдат Донец тупроғида жон бергунча душман билан жанг қилиб чекиниб борди.

Краснодондан ва атроф районлардан кетмоқчи бўлган ва кетишга қодир бўлганларнинг ҳаммаси шарқ томонга кетиб бўлган эди. Аммо Краснодондаги Горький номли мактабнинг саккизинчи ва тўққизинчи синф ўқувчиларидан анчагинаси ҳеч н.р.с.адан хабарлари бўлмай, бунинг устига транспорт йўқлигидан узоқ Беловодск районида дала ишларида қолиб кетган эдилар.

Бу ўқувчиларни у ердан кўчириб олиб кетишни халқ маориф бўлими шу мактабнинг ўқитувчиси, рус адабиёти муаллимиси Мария Андреевна Борцга топширган эди. Мария Андреевна Борц Донбасда туғилиб ўсган бўлиб, шу атрофнинг ҳамма шарт-шароитларини яхши билар, ўзи гайратчан хотин эди; болаларни бу ердан олиб кетишга ўзи ҳам қизиққан эди, ўқувчилар орасида Валя деган қизи ҳам бор эди.

Ўқувчиларни олиб кетиш учун ниҳояти битта юк машина керак эди, аммо Мария Андреевна бу топшириқни олганда, бирон машина топишнинг иложи қолмаган эди. Йўлда нима учраса шунга тушиб, бир кундан ҳам кўпроқ вақтини сарфлаб зўрга совхозга етиб борди. Оғир йўл юриб чарчаган, комсомол қизи ва ўқувчи болалар тақдири учун ташвиш тортавериб ҳолдан тойган, аммо иродаси мустаҳкам бу аёл, совхоз мол-мулкини зўрга кўчириб кетаётган, одамлар билан ғижиллашавериш овози бўғилиб кетган, бир неча кундан бери мишжа қоқмаган, соқол-мўйловлари ўсиб кетган совхоз директори лом-мим демай сўнги машинасини берганда, юраги тўлиб кетганидан йиғлаб юборди.

Фронтдаги аҳволнинг ниҳоятда сгир эканлиги Беловодск районида ҳам маълум бўлса-да, Мария Андреевна қайтиб боргунча болалар катталарнинг ғамжўрлигига ишониб, ёшларга хос беғамлик билан бемалол ўйнаб-кулиб юришарди; ёш ўсмирлар очиқ ҳавода, табиат қўйнида тўпланиб қолишса ўз-ўзидан дўстона романтик муносабатлар тугилганидек, уларда ҳам шундай қувноқ кайфият пайдо бўлган эди.

Мария Андреевна болаларнинг кайфиятини бузмаслик учун аҳволнинг қанчалик ёмонлигини уларга дарров айтиб қўя қолмади. Аммо унинг асабийланганидан ва болаларни шошиб отлантириб қолишганидан болалар бирон фалоқат ҳол юз берганини сездилар. Болаларнинг бирдан руҳи тушиб, ҳамма ўз уйи, бундан кейинги тақдирини ўйлаб қолди.

Валя Борц эрта бўйи етиб қолган қиз эди; қўллари сариқ майса босган, оёқлари ҳали ёш қизларникидай, киприклари қопқора, кўзлари ҳам қорамтир эди; олтиндек сариқ сочлари узун ўрилган, кўзларида ва қип-қизил лабларида жиндай киборлик сезилиб турарди; Валя совхоздалигида мактабдоши Стёпа Сафонов деган паст бўйли, сочлари оппоқ, бурни пучуқ, сепкилдор, кўзлари маънодор ўйноқи бир бола билан дўст бўлиб қолган эди.

Валя тўққизинчи синфда, Стёпа эса саккизинчи синфда ўқир эди, агар Валя қизлар билан дўст бўлганида, бу ҳол икковининг дўст бўлишига анча халақит бериши мумкин эди, аммо Валя қизлар билан унча юрмасди, — ўгил болалар ўртасида ҳам унга ёқадиган ҳеч кимса йўқ эди. Валя кўп китоб ўқийдиган, пианнони ҳам тузуккина чаладиган қиз бўлиб, ўз тенгқурларидан маълумот жиҳатдан анча баланд турарди, буни ўзи ҳам биларди, ўз тенги ўгил болаларнинг унга ҳурмат билан қарашларига ўрганган қолган эди. Стёпа Сафоновнинг унга ёқиб қолганлигининг сабаби ўзининг ҳам унга ёққанлиги эмас, балки Стёпа уни нуқул кулдириб юриши эди; Стёпа ҳақиқатан ҳам веҳдли ва дилкаш эди, унинг бу хислати ўгил болаларга хос шўхлик остида билинмай юрарди; ундан ташқари, вафодор ўртоқ ва ниҳоятда сергап бола эди. Валя ўзи камгап бўлгани, ўз сирларини фақат кундалик дафтари билан ўртоқлашиб, бировларга айтиб юришни ёмон кўрганлиги, ҳар хил қаҳрамонликларни орзу қилиб юриши, кўплар қаторида учувчи бўлишни ҳавас қилиб юришлари, — мана шулар туфайли у Стёпа Сафоновни ёқтириб қолган эди. Стёпа ўзининг турли ҳазиллари, битмас-туганмас хаёлий фикрлари билан уни кулдириб юрарди.

Валя у билан биринчи марта жиддий сўзлашишга ботиниб,

агар немислар Краснодарга келиб қолган бўлса нима қиласан, деб қўққисдан сўради.

Валя унга қорамтир, ўткир кўзлари билан синагансимон жиддий қараб турарди. Стёпа эса, бу бегам ва доим зоология билан ботаникага ишқивоз, машҳур олим бўлишни ҳавас қилиб юрган, агар немислар келса нима қилажагини ўйламаган Стёпа ҳам кўп бош қотириб ўтирмади-да, немисларга қарши кечаю кундуз, тинмай зимдан курашаман деб жавоб берди.

— Бу — бекорчи гап эмасми? Ростингми? — деб совуққина сўради Валя.

Стёпа узоқ ўйламай:

— Негга бекорчи гап бўлсин? Рост айтаман! — деб жавоб берди.

— Қасамёд қил...

— Қасамёд қиламан... Албатта қасамёд қиламан... Бошқа яна нима қилишимиз мумкин? Комсомол аъвосимиз-ку, ахир? — деди оқ бош Стёпа, таажжубланиб ва қошларини учириб. Ахирри саволнинг маъносига тушунди-да, Валядан: — Ўзингчи? — деб сўради.

Валя лабларини унинг қулоғига яқин келтириб:

— Қасамёд қиламан... — деб шивирлади.

Сўнгра лабларини унинг қулоғига тегизиб, бирдан тойчоқдай пишқирди, Стёпанинг қулоқ пардаси ёрилиб кетаёзди, кейин Стёпага:

— Нима бўлсаям аҳмоқсан, Стёпка! Аҳмоқсан, ҳам маҳмадона! — деди-да, қочиб кетди.

Улар кечаси йўлга чиқишди. Уларнинг олдида машинанинг хира шуъласи қирдан чопиб борарди. Юлдуз тошган қоп-қора осмон бутун атрофни қоплаган, қирдан энгилгина шабада елар, похол ва етилиб келаётган буғдой, бол ва майса ҳидлари анқирди; қалин ва илиқ ҳаво юзларни силаб-сийпарди. Уйларида, эҳтимол, уларни немислар кутиб турганига ҳеч кимнинг ишонгиси келмас эди.

Машина болалар билан лиқ тўла эди. Бўлак вақт бўлганда улар кечаси билан машинада ашула айтишиб чиқар, кулишар, гу-ау деб бақришар эди, бир-бирлари билан киши билмас секин ўпишиб ҳам олишарди. Ҳозир эса шумшайиб, чурқ этмасдан, аҳён-аҳёнда бирон ҳақда бир-бирларига шивирлаб луқма ташлаб борар эдилар. Орадан сал ўтмай болаларнинг кўпи ўз буюмларига бошларини қўйиб, бир-бирларининг пинжига кириб, мудраб кетишди.

Валя билан Стёпа машинанинг кетида ўтириб боришарди, чунки улар навбатчи қилиб тайинланишган эди. Стёпанинг ҳам кўзи уйқуга кета бошлади, Валя эса рюкзак қопига ўтириб олиб, қоп-қоронғи қирдан кўзини узмай олдинга қараб борарди. Ҳозир уни ҳеч ким кўрмасди, қалин ва кибрли лаблари бола-ларча маъюс ва гамгин эди.

Мана, уни учувчилар мактабига ҳам олишмади. Шунча ури-ниб кўрса ҳам, барибир олишмади, аҳмоқлар... ўйлагани бўлма-ди. Эндиликда ҳоли нима бўларкин? Стёпа — сергап, маҳмадо-на. Жон деб яширин иш олиб бориши мумкин, аммо буни қандай ва нимадан бошлаш керак, ким йўл-йўриқ беради? Ота-сининг ҳоли нима кечади? — Валянинг отаси яҳудий эди, — мактабининг тақдири нима бўларкин? Гайрати ошиб-тошиб ётибди, муҳаббат катта, бирон кимсани севишга ҳам улгурма-ди, — умр оқибати шу бўлдими энди? Турмуши ўнгидан келма-ди. Валя энди ўзини одамларга кўрсата олмайди, шон-шавкаг эгаси бўла олмайди, эл-юртнинг ҳурматиغا сазовор бўла ол-майди, энди Валянинг кўзларидан алам ёшлари қайнаб чиқа бошлади, ҳар ҳолда бу кўз ёшлари олижаноблик кўз ёшлари эди, ахир, у энди ўн етти ёшга кирган — кибрли, инжиқ қиз-нинг эмас, балки ёш, иродали қизнинг соф ва юрак орзулари.

Унинг орқасидан худди машинага мушукдек тирмашиб чиқа-ётган ғалати бир товуш қулоққа чалинди.

Валя дарҳол қайрилиб қараган эди, чўчиб тушди.

Бола деса бола эмас, йигит деса йигит эмас, бошига кепка кийган, ориқ ва абжир, пакана бир одам икки қўли билан ма-шинанинг четига тирмашиб, бир оёғини машинанинг ичига оширди, шу онда яна машинадагиларга кўз югуртиб чиқди.

Бирон нарсани ўлжа қилмоқчимми? Узи нияти нима экан? Валя уни машинадан итариб юборай деб энди қўлини чўзган эди, лекин бу фикридан қайтди, тўполон кўтармайин деб Стё-пани уйғотмоқчи бўлди.

Аммо, бу ниҳоятда эпчил бола ёки йигитча алақачон ма-шинага чиқиб олган эди. Бола Валянинг ёнига ўтирди-да, кулиб турган кўзларини Валянинг юзига яқин олиб келиб, бармоғини лабига қўйди. Бола ёнида ўтирган қизнинг феъли-атворини бил-маган бўлса керак. Сал бўлмаса ҳоли танг бўлиши турган гап эди, аммо шу лаҳзада Валя уни яхши кўриб олди. У, ўз тенги ўсмир бола, кепкаси гарданга тушиб кетган, юзига анчадан бери сув тегмаган кир бўлса-да, болаларча слижаноблик ва мард-лик акс этар, қоронғида кўзлари ялт-ялт ёнарди. Валянинг шу

дамда болани яхшйлаб кўриб олиши унинг жонига оро кирди.

Валя қимир этмай ўтираверди, овозини ҳам чиқармади. У, ўзи ёлғиз бўлмай, ёнида бирон кимса бўлган вақтдагидай, кибор билан болага совуқ қараб ўтираверди.

Бола Валянинг юзига яқинлашиб:

— Бу кимнинг машинаси?— деб шивирлаб сўради.

Валя энди уни яхшироқ кўрди. Боланинг сочлари жингалак. дагал, юпқа лаблари бир-бирига қаттиқ ёпишган; унинг чўзилиброқ чиққан лаблари бир оз шишгандай кўринарди.

— Нима ишинг бор? Сен айтган машина эмас эканми?— Валя ҳам совуққина шивирлаб жавоб берди.

Бола жилмайиб қўйди.

— Меники — ремонтда, ўзим ўлардай чарчадим, энди...— деди бола ва: «Менга барибир» дегандай, қўлини силтаб қўя қолди.

— Уэр сўраймиз, ётадиган ҳамма юмшоқ жойлар банд,— деди Валя.

— Олти кеча-ю олти кундуз ухлаганим йўқ, яна бирон соатга чидаш берарман,— деди бола дўстона оҳангда қизнинг кесатишига хафа бўлмай.

Бола гапирар экан, кўринган ҳар нарсага тез кўз югуртириб, машинадагиларнинг башарасига тикилиб-тикилиб қарарди.

Машина ўнқир-чўнқирларда сакраб-сакраб борарди, шунда Валя ҳам, бола ҳам машинанинг четини ушлаб олишарди. Бир гал Валянинг қўли боланинг қўли устига тушиб қолган эди, Валя дарров қўлини тортиб олди, бола бошини кўтарди-да, қизнинг юзига тикилиб қаради.

— Бу ухлаб ётган ким?— деди у ва Стёпанинг у ёқдан-бу ёққа чайқалиб турган оппоқ сочли бошига юзини яқин келтирди. Кейин шивирламасдан, бирдан овозини баланд қилиб:— Стёпка Сафонов-ку,— деб юборди.— Машинанинг кимникилигини энди билдим. Горький мактабими бу? Беловодск районида келаётисизларми?

— Стёпа Сафоновни қаердан танийсан?

— Жарда, сой бўйида танишганмиз.

Валя гапнинг давомини кутган эди, аммо бола бошқа гапирмади.

— Жарда сой бўйида нима қилувдинлар?— деб сўради Валя.

— Қурбақа тутгани борган эдик.

— Қурбақа?

— Ҳа, қурбақа!

— Нима қиласизлар қурбақани?

— Олдин мен у лаққа балиқ овлаш учун тутаётган бўлса керак деб ўйловдим, қарасам, ичини ёрнш учун тутаётган экан!— деб жавоб берди бола ва Стёпа Сафоновнинг бу эрмагини масхара қилиб кулди.

— Кейин нима бўлди?— деб сўради Валя.

— Кейин мен уни лаққа балиқ овлашга кўндирдим. Кечаси балиқ овга кетдик, мен иккита балиқ тутдим, биттаси кичкина, бир қадоқча келарди, яна биттаси каттароқ эди. Стёпка битта ҳам тутолмади.

— Кейин нима бўлди?

— Кейин мен уни эрталаб чўмилишга кўндирдим, сувдан кўм-кўк кўкариб чиқиб: «Совуқотдим, қулоқларимгача муздек сув тўлиб кетди» деди.— Бола пиқир этиб кулиб қўйди.— Кейин мен унга қандай исиниш, қулоққа кириб қолган сувни қандай чиқаришни ўргатдим.

— Қандай қилиб чиқарса бўларкан?

— Бир қулоғингни кафтинг билан беркитасан-да, бир оёқлаб сакраб: «Чиқ, чиқ қулоқдан, кет, кет булоққа!» дейсан. Кейин бошқа қулоғингни беркитасан-да, яна шундай деяверасан.

Валя қошларини билинар-билинемас чимириб:

— Қанақа ўртоқ бўлганларингни энди билдим,— деди.

Аммо унинг сўзидаги кинояни бола сезмади, бирдан қиёфаси жиддийлашди-да, олд томонга, қоронғиликка қаради.

— Анча кечикибсизлар,— деди.

— Нима бўпти?

— Немислар ё бугун кечаси, ё эртага эрта билан Краснодонга кириб келар дейман

— Немислар келса нима қипти?— деб сўради Валя.

Валя болани синамоқчи бўлдими, ё немислардан қўрқмаслигини кўрсатмоқчи бўлдими, нима учун бундай деганини ўзи ҳам билмас эди. Бола дадил ва ўткир кўзлари билан унга қаради-да, ҳеч нарса демай, яна ерга қаради.

Валянинг юрагида бирдан бу болага ғараз ҳисси пайдо бўлди. Қизиқ, буни боланинг ўзи ҳам сезди шекилли, худди ялинқирагандай:

— Қочиб қутулолмай қоласизлар-да,— деди.

— Нега қочайлик?— деди Валя аччиғи келиб.

Аммо боланинг у билан ҳеч аччиғлашиб қолгиси келмаганидан яна мулойимлик қилиб:

— Бу ҳам тўғри,— деди.

Қизни бунчалик қизиқтирмасдан ўз отини айтса бўларди. икки ўртадаги муносабат ҳам дарров яхши бўлиб кетарди. Аммо бу нарса ё боланинг эсига келмади, ё кимлигини айтгиси келмади.

Валя ҳам отдан тушмасдан индамай ўтираверди, болани мудроқ босди, аммо ҳар сафар машина сакраб тушганда ёки Валя хос-бехос қимирлаб қўйганда у дарров бошини кўтарар эди.

Қоронғида Краснодар атрофидаги иморатлар кўрина бошлади. Машина паркка етмасдан, биринчи переезд ёнида тўхтади. Переездни ҳеч ким қўриқламас, шлагбаумлар кўтариғлик, фонуслар ҳам ёнамас эди. Машина переездга чиқди, рельслар жаранглади.

Бола чўчиб уйғонди-да, тугмалари узилиб кетган, кир гимнастёрка устидан нари-бери кийган куртқасини пайпаслаб кўрди. Кейин:

— Шу ердан пиёда кета қолай... Яхшилигингиз учун раҳмат,— деди.

Ўрнидан турди; Валяга унинг дўпайиб турган куртка ва шим чўнтақларида қандайдир оғир нарсалар бордай сезилди.

— Стёпкани уйғотай десам кўзим қиймади,— деди бола, яна кулиб турган дадил кўзларини Валяга яқин келтириб...— Уйғонганда айтиб қўй, Сергей Тюленин бир кириб кетсин деб айтди, дегин.

— Нима, мен сенга почтачимани ё телефон станциясимани,— деди Валя.

Сергей Тюлениннинг астойдил хафа бўлгани юзидан кўриниб турарди. Шундай хафа бўлдики, нима дейишини ҳам билмай қолди, лаблари яна баттарроқ шишгандай кўринди. Индамасдан машинадан сакраб тушди-да, қоронғида кўздан ғойиб бўлди.

Болани бекорга хафа қилганидан Валянинг ўзининг ҳам кўнгли хира бўлди. Болага шундай дегандан кейин, ҳақиқатан ҳам буни Стёпага айтолмаслиги ва тўсатдан пайдо бўлиб, тўсатдан ғойиб бўлган бу довьорак болага қилган кўрслигини энди тузатиб бўлмаслиги унга ҳаммадан ҳам алам қилди. Кулиб турган жасур, аммо Валянинг кўрс гапидан кейин маъюсланган кўзлари, бир оз бўртиб чиққан лаблари қизнинг кўз олдидан сира кетмас эди.

Бутун шаҳар қоп-қоронғи зимистон эди, на бирон деразадан, на шахталарнинг қоровулхоналаридан, на кўприклардан бирон-та чироқ кўринарди,— ҳамма ёқ зимистон эди. Шабада ҳамон тутаб ётган шахталардан кўмир ҳидини учириб келтирарди.

Кўчаларда зоғ учмас, кон томонларда ва темир йўл тарафда кунда эшитилиб турган шовқиннинг йўқлиги, сукунат одамга ниҳоятда ғалати ва ёт туюларди. Фақат ҳуриган итларнинг овозигина эшитиларди.

Серёжа Тюленин аста-секин темир йўл бўйлаб, одатда чай-қов бозори бўлиб турадиган кенг майдон ёнидан ўтди. Ли Фанчиннинг асалари уялари каби бир-бирига қўшилиб кетган, атрофига олча дарахтлари ўтқазилган уйчалари ёнидан ўтди-да, похол томли, лойшувоқ уйлар орасидан оқариб турган отасининг уйига яқинлашди.

Ҳовлига кириб эшикни секин авайлаб ёпди-да, атроф-теваракка кўз ташлаб, лип этиб ҳужрага кирди, бирпасдан кейин белкурак кўтариб чиқиб, отасининг экин-тикинларини қоронғида ҳам билганидан, полизга, девор бўйлаб ўсган акация дарахтлари тагига келди.

Икки дарахт ўртасида анча чуқур қилиб ўра қазиди,— чунки ер бўш эди — куртка ва шим чўнтакларидан бир қанча лимон-граната, иккита «браунинг» пистолет ҳамда ўқларни чиқариб, ўранинг тагига солди. Бу нарсаларнинг ҳар бири латтага ўроғлик эди, шу ўроғлигича ўрага жойлаштириб қўйди. Кейин ўра устига тупроқ тортиб, яна кўмиб ташлади, эрталаб офтоб чиққанда, қурисин деб устини юмшатиб текислаб қўйди, сўнгра курткасининг этаги билан белкуракни яхшилаб артди-да, ҳовлига қайтди, белкуракни жойига киритиб қўйиб, уй эшигини секин қоқди.

Ичқари уй билан даҳлиз ўртасидаги эшик ҳалқаси шилқ этди, онасини оёқларини судраб юришидан таниди,— яланг оёқларини судраб ташқи эшик ёнига келди.

Она хавотирланиб уйқулик товуш билан:

— Ким бу?— деб сўради.

Серёжа секингина:

— Оч,— деди.

— Э, худо!— деди ойиси, ҳаяжон ичида. Ҳаяжондан қўлининг титрагани ва эшикни очолмай тургани билиниб турарди. Эшик ҳам очилди.

Серёжа остонани босиб ўтиши билан, эндигина уйқудан турган онасининг илиқ ҳиди димоғига урди, баланд бўйли онажо-

нини қучоқлади-да, бошини елкасига қўйди. Икковлари даҳлизда бирмунча вақт шу тахлитда қучоқлашиб жим туриб қолишди.

— Қаёқларда тентираб юрибсан? Ё кетиб қолгандирсан, ё сени ўлдиришгандир деб не-не хаёлларга бордик. Ҳамма уй-уйига қайтиб келди, ёлғиз сендан дарак йўқ. Нима бўлганини битта-яримтадан айтиб ҳам юбормабсан,— деб она шивирлаб ўғлини койирди.

Бундан бир неча ҳафта бурун бир талай ўсмир ва аёллар қаторида Серёжкани ҳам Ворошиловград ёнида окоп қазиш ва гов тўсишга юборишган эди; бу ишга Краснодондан эмас, бошқа жойлардан ҳам кўпгина одам юборилган эди.

Серёжка одатдаги сокин товуш билан:

— Ворошиловградда бир иш билан овора бўлиб қолдим,— деди.

— Секинроқ... Бувангни уйғотиб қўясан,— деди онаси. «Буванг» деб у эрини, Серёжанинг отасини айтарди. Уларнинг ўй битта боласи бўлиб, баъзи набиралари Серёжка билан тенг эди.— Ҳали бир таъзирингни берсин!..

Бу пўписага Серёжка парво ҳам қилмади: у отасининг таъзир беришдан чиқиб қолганини биларди. Отаси кекса кончилардан бўлиб, бир замонлар Анненск шахтасида Алмазная станциясида кўмир ортилган вагон уриб юбориб, ўлиб кетишига сал қолган эди. Жони қаттиқ экан, тирик қолган чол ер устида яна кўп вақт ишлаб келди, аммо кейинги, вақтларда жуда букчайиб қолган эди. У, оёқларини зўрға судраб юрар, ҳатто ўтирганида ҳам елкасига тери жилдга тикилган юмшоқ ёстиқ қўйиб ўтирар эди,— чунки бели беланги бўлиб қолган эди.

— Овқат ейсанми? — деб сўради онаси.

— Қорним оч-у, аммо жуда чарчадим, уйқум келяпти.

Серёжа даҳлиздан секин оёгининг учи билан юриб ўтди: бу ерда отаси хуррак отиб ётарди; даҳлиздан катта уйга кирди, бу ерда икки опаси,— бир ярим яшар болали Даша (Дашанинг эри фронтда эди) билан суюкли кичик опаси Надя ётишарди.

Булардан бошқа яна Феня деган битта опаси бола-чақалари билан Краснодонда турарди, унинг ҳам эри фронтда эди. Гаврила Петрович билан Александра Васильевнанинг қолган бошқа фарзандларини турмуш ҳар ёққа чочиб юборган эди.

Серёжка опалари ётган дим уйга кирди-да, усти бошини ҳар ёққа иргитиб, трусикда қолиб, бир ҳафтадан бери ювинмаганига ҳам эътибор бермасдан, кўрпани ҳам ёпинмасдан ётиб олди.

Уйга онаси яланг оёқ кирди-да, бир қўли билан ўглининг жингалак сочли бошини пайпаслаб топиб, бир қўли билан уйда энди ёпилган катта бўлак нонни ўглининг оғзига тутди. Серёжка нонни қўлига олиб, онасининг қўлидан ўпди-да, чарчаганига ҳам қарамай, ўткир кўзларини қоронгиликка тикиб, буғдой ундан ёпилган нонни тушира кетди.

Бояги машинадаги қиз ўзи ажойиб қиз экан-да! Фёлини қара-я! Кўзларини айтмайсанми!.. Аммо, Серёжка қизга ёқмади, турган гап. Қани энди, ўша қиз Серёжканинг шу кунларда бошдан нималарни кечирганини, нималарни кўрганини билса! Қани энди, бирон яқин одамнинг бўлса-ю, юракдаги гапларинини ўртоқлашсанг! Аммо, ҳаммадан ҳам ўз уйингдан яхши нарса йўқ, ўз бўлмангда, ота-она қўйнида, ўз кўрпангда ётиш, онанг ўз қўли билан ёпган мағиздек нонни еб ётиш қандай лаззатли! У, жойимга етиб олсам бўлгани, дарров ётиб ухлайман, камида икки кечаю икки кундуз ухлайман деб ўйлаган эди, аммо бошидан кечирганларини бирон кимсага айтиб бермагунча сира уйқуси келмади. Қани энди, бояги сочлари узун қизга айтиб берса! Йўқ, унга ҳеч нарса айтмаган яхши. Кимнинг қизи, ўзи ким,— ким билади! Эртага ҳаммасини Стёпка Сафоновга айтиб беради, қизнинг кимлигини ҳам ўшандан сўраб олади. Бироқ, Стёпка ўзи лақма бола. Йўқ, ҳамма гапни фақат Витька Лукьянченкога айтиб беради, агар кетиб қолмаган бўлса... Ҳозирнинг ўзидаёқ опаси Надяга гапириб бериши мумкин-у, эртани кутиб ўтиришининг нима кероги бор!

Серёжка секин каравотдан тушди-да, қўлида нон ушлаганича, опасининг ёнига келди ва каравот четига ўтириб опасининг елкасини туртди.

— Надя... Надя...

— А?.. Нима?..— деб чўчиб уйғонди опаси.

— Тссс...— деди Серёжка, кир қўли билан опасининг оғзини ёпиб.

Аммо Надя укасини дарров таниди, дарҳол туриб ўтирди-да, иссиққина ва оппоқ қўллари билан қучоқлаб, қулоғининг алақаеридан ўпди.

— Серёжка... тирикмисан... укажоним... тирикмисан...— деб шивирларди, азбаройи суюниб кетганидан. Қоронғида Надянинг юзи кўринмаса-да, Серёжка опасининг бахтли, қувончга тўлган ва олмадек қип-қизил кулиб турган чеҳрасини тасаввур этарди.

— Надя! Ун учинчи числодан бери ухлаганим йўқ, ўн учин-

чи число куни эрталабдан то бугун кечқурунгача жангда бўлдим,— дерди Серёжка ўпкаси тўлиб ва ҳамон нон ковшаб.

Надя укасининг қўлидан ушлаб олди-да, каравотда чордана қуриб ўтирди ва:

— Вой ўлай!— деди.

— Бизникилар бари ҳалок бўлиб кетди, фақат мен қолдим... Мен у ердан қайтаётганимда ўн беш кишича тирик қолган эди, полковник менга: «Кет бу ердан, бекорга нобуд бўлиб кетасан» деди, ўзи десанг қаттиқ ярадор, қўллари, оёқлари, бетлари, орқалари — ҳамма ёғи боғланган, қонга беланган... «Биз барибир ҳалок бўлдик, аммо сен нега нобуд бўласан?» деди. Шундан кейин мен қайтдим... Ҳозир биронтаси тирик қолмаган бўлса керак.

Надя даҳшат ичида ҳадеб:

— Вой ўлай...— деб йиғлайверди.

— Қайтишимда битта сапёр белкурак олиб, ўлганларнинг қуролларини Верхнедуваннаянинг орқасидаги бир окопчага кўйдим, у ерда иккита тепалик бор, чапроқда — кичкина ўрмонча; миалтиқ, граната, тўппонча ва ўқларнинг ҳаммасини ўша ерга олиб келиб кўйдим-да, кейин уйга қайтдим. Полковник мени ўпди-да: «Отимни унутма, отим — Сомов. Николай Павлович Сомов. Немислар кетгандан кейин ёки бизникилар билан учрашсанг, Горький шаҳар ҳарбий комиссариатга ёзиб юбор, қаҳрамонларча ҳалок бўлди, деб бола-чақаларимга хабар қилишсин!» деди. Мен айтдимки...

Серёжканинг гапи огзида қолди, бир қанча вақт нафас олмаё, ҳўллаанган шўр нонни индамай ковшаб ўтирди.

Надя:

— Вой ўлай...— деди-да, пиқ-пиқ йиғлади.

Укаси бошидан кўп нарсаларни кечирган кўринади. Надя укасининг етти ёшидан бери йиғлаганини биринчи марта кўриши эди.

— Қандоқ қилиб уларга қўшилдинг?— деб сўради Надя.

— Бундоқ бўлди,— деди Серёжка, яна ҳаяжонланиб. У ҳам опасининг ёнига чиқиб, чордана қуриб ўтирди.— Биз истеҳкомларни қуриб бўлганимиз ҳам йўқ эдикки, бизникилар чекиниб келиб, биз турган жойда мудофаа қуришди. Бизнинг краснодонликлар уй-уйларига тарқалиб кетди, мен бир старший лейтенант ёнига, рота командири ёнига бориб, мени ҳам қисмингизга олинг, деб ялдиндим. Старший лейтенант: «Полк командиридан берухсат ололмайман» деди. Мен ундан, ёрдам қилиб юборинг,

деб ялиндим. Жуда ялиниб-ёлворган эдим, бир старшина келиб ёнимни олди. Жангчилар кулишади, старший лейтенант бўлса оёгини тираб туриб олди. Шу жанжал устида бирдан немисларнинг артиллерияси ўт очиб қолди, мен югуриб блиндажга, жангчилар ёнига кириб кетдим. Улар мени кечасигача ўэлари билан олиб ўтиришди, кейин, кечаси бўлгандан кейин, энди кет, дейишди. Блиндаждан сал нарироққа эмаклаб бордим-да, оқол орқасига ўтиб ётиб олдим. Эрта билан немислар ҳужум бошлаган эди, яна оқолга тушиб олдим, битта ўлган жангчининг милтигини оливолиб, ҳамма қатори мен ҳам ота бердим. Бир неча кунгача немисларнинг атакаларини қайтариб турдик, шундан кейин мени ҳеч ким ҳайдамай қўйди. Кейин мени полковник билиб қолиб, «Агар биз ўлимга маҳкум бўлмасак эди, сени албатта ўзимизга олардик, сенга ачинаман, сен ҳали кўп умр кўришинг керак» деди. Кейин кулди-да, «Энди ўзингни партизан деб била қол» деди. Улар билан бирга то Верхнедунаннаягача чекиниб келдим. Сени ҳозир қандай кўриб турган бўлсам, фрицларни ҳам шундай яқиндан кўрдим,— дерди Серёжка, овозини жуда пасайтириб шивирлаб.— Иккитасини ўзим ўлдирдим... Ундан ҳам кўпроқ ўлдиргандирман-у, аммо иккитасини ўлдирганим аниқ, ўз кўзим билан кўрдим,— деди Серёжка, юпқа лабларини буриб.— Аблахларни кўрган еримда ўлдиравераман, шуни билиб қўй...

Надя Серёжканинг рост гапиришига, икки «фриц»ни ўлдирганига ва яна ўлдиришига шухба қилмас эди.

— Нобуд бўлиб кетасан-да,— деди у қўрқув ичида.

— Уларнинг пошнасини ялаб юргандан ё бўлмаса қўл қовуштириб ўтиргандан кўра, бошим кетгани минг марта яхши.

Надя эрта ёки шу кечаси бошларига нималар тушишини ўйлаб, умидсизлик билан:

— Вой, ўлай, энди нима қиламиз!— деди.— Госпиталимизда ўз оёғи билан юролмайдиган юэтача ярадор бор. Фёдор Фёдорович деган доктор ҳам улар билан бирга қолди. Биз ҳам улар ёнидан кетмай, қўрқиб, титраб турамиз, немислар ҳаммасини қириб ташлаши турган гап,— деди Надя куйиб-пишиб.

— Одамлар уй-уйларига олиб кетсин-да. Нега қараб турсизлар?— деди Серёжка яна ҳаяжонланиб.

— Сен одамлар олиб кетсин дейсан! Кимнинг ичида нима борлигини билиб бўладими? Ана, бизнинг «Шанхай»да, Игнат Фоминнинг уйида номаълум бир одам яшириниб ётибди, дейишади, у одамнинг кимлигини, қанақа одамлигини ким билади?

Балки немисларга қарашли одамдир, олдинроқ келиб, у ёқ-бу ёқни искаб юргандир? Фомин яхши одамни яширадиганлардан эмас.

Игнат Фомин асли кончи бўлиб, қилган меҳнати учун кўп марта мукофотланган, газеталарда номи чиққан одам. Умуман Донбассда, жумладан Краснодонда ўттизинчи йилларнинг бошида бир кўп номаълум кишилар пайдо бўлганда, у ҳам бу посёлкага келиб қолган ва «Шанхай»да иморат солиб гуриб қолган эди. Фомин ҳақида анча-мунча шов-шув гаплар юрарди. Надя ҳам ҳозир худди шуни айтаётган эди.

Серёжка хомуш тортди. Юрагидаги бутун гапни айтиб, нонини ҳам еб бўлгандан кейин, ўзини ўз уйида ҳис қилди: энди унинг чиндан ҳам уйқуси келган эди.

— Ёт, ухла, Надя...

— Энди уйқу қайда дейсан.

Серёжка:

— Мен ётиб ухлайман,— деди-да, ўз ўрнига ўтиб ётди.

Бошини энди ёстиққа қўйган эди, бояги машинадаги қизнинг кўзлари кўз олдига келди. «Барибир сени қидириб топамаи, деди-да, Серёжка қизга жилмайиб қўйди, шу ондаёқ кўзи қаттиқ уйқуга кетди.

УН УЧИНЧИ БОБ

Агар сенинг қалбинг шунқор қалби каби мард, жасоратли бўлса, мардонавор ишларга ташна бўлса-ю, ўзинг ёш бўлсанг, кўчаларда яланг оёқ чопиб юрган бўлсанг, қалбингдан чиққан орзуларингнинг биронтасига ҳали инсоният тушунмаган бўлса, шунда нима қилардинг, сен китобхон?

Серёжка Тюленин оиланинг энг кенжаси бўлиб, қирдаги гиёҳ каби ўсиб келаётган эди. Таги тулалиқ, отаси ёшлигида ш қидириб Донбассга келиб қолган ва қирқ йил шахтада ишлаб, ўз касбини шу қадар севиб қолган, шу қадар фахрлиниб юрар эдики, бундай одамлар фақат денгизчи ва кўмир кончилари орасидагина учрайди. Ҳаттоки бутунлай ишдан чиқиб қолган бўлса-да, Гаврила Петрович ўзини ҳамон оила бошлиғи деб биларди. Эрталаб туриб ҳаммани уйғотишга тушарди, чунки эски шахтёрлар одатига кўра, кун чиқмасдан турар ва ёлғиз ўзи зерикиб қоларди. Зерикмаганда ҳам барибир ҳаммани уйғотарди, чунки уни йўтал бўғарди. Ўрнидан туриши билан камида бир

соатча йўталар, нафаси бўғилиб, балғам ташлар, кўкрагида худди бузуқ гармондай алланималар хириллар, ҳуштак чаларди.

Йўтали босилгандан кейин букчайган, суюклари туртиб чиққан ориқлаб кетган, бир вақтлар семиз ва мушгдек, ҳозир китоб қирқса ҳам бўладиган суюги қолган бурунли бу чол ўзининг тери қопланган ёстиғига суюниб, кечгача қимирламай ўтирарди. Чолнинг юзлари чўкиб кетган, бурун катаклари остидаги ўсиб чиққанича ҳеч қирилмаган ўсиқ, оқ аралаш қаттиқ қалин мўй-ловлари шопдай икки томонга тўғри таралиб, тобора ингичкалашиб кетган ва учи биргина мўйдаи бўлиб қолган, қалин қошлари тагидан ўткир рангсиз кўзлари кўриниб турарди. Чол гоҳ ўз каравотида, гоҳ остонада, гоҳ босғирмадаги тўнкага ўтириб олиб, ҳаммага иш буюрар, ўшқирар, ақл ўргатарди; йўталганида ҳам йўтали ва хириллаши бутун «Шанхай»га эшитиларди.

Энди ўрта ёшга кирганда ишга ярим-ёрти яраб, кейин бутунлай ишдан чиқиб қолганида, уч ўғилу саккиз қиз, ҳаммаси ўн бир жонни ўстириб, ҳунарга ўргатиб, ишга солиб юбориш осон гап дейсизми!

Агар орловлик деҳқон оиласидан чиққан забардаст хотини Александра Васильевна бўлмаганда, бу иш Гаврила Петровичнинг қўлидан келиши маҳол бир нарса эди, унинг хотини Русда «полвон хотин», Марфа Посадница¹ деб таърифланадиган хотинлардан эди. Александра Васильевна ҳозир ҳам бақувваг хотин эди ва умри бино бўлиб касал нималигини билмаган эди. Тўғри, саводсиз бўлса-да, аммо керак бўлган чоғларда ҳаммага гапини ўтказа оларди, айёр ҳам бўларди, камгап ҳам бўла биларди, тили бийрон ҳам бўлиб кетарди, жаҳли ҳам тезлаб кетар, меҳрибон ҳам бўларди, хушомад ҳам қила оларди, абжир ҳам бўла оларди, агар бирон кимса билмасдан олишиб қолгудай бўлса, сичқоннинг ини минг танга дегани нималигини кўрсатиб қўярди.

Болаларнинг ўнтаси одам бўлиб етишган эди; энг кичиги Серёжка гарчи ўқувчи бўлса-да, қирдаги гиёҳ каби ўсарди, бошига уст-боши битмай, ақалари ва опаларининг кийимлари қайта-қайта тикилиб, унга кийгизиларди; Серёжка офтобда, шамолда, ёмғир ва қорларда тобланган, бадани қоп-қорайиб товонлари қавариб-қавариб кетган эди, неча марта йиқилиб

¹ Марфа Посадница — 1812-йилдаги биринчи Улуғ Ватан урушида қаҳрамонлик кўрсатган полвон хотин. (Тарж.)

майиб бўлмасин, неча марта яраланмасин, худди эртакда айтилганидек, бирпасда битиб кетарди.

Чол ҳаммадан кўра Серёжкага кўпроқ бақирар ва ўшқирар эди, шундай бўлса ҳам энг яхши кўргани, арзандаси шу Серёжка эди.

Шопдай мўйловларини силаб ва гердайиб:

— Сира тап тортмайдиган бола, а?— дерди чол.— Сен нима дейсан, Шурка?— Шурка унинг олтмиш яшар ҳамроҳи — рафиқаси Александра Васильевна эди.— Бир қараб қўй! Ҳеч нимадан тап тортмайди-я! Мен ҳам ёшлигимда шунақа эдим!.. Уҳў, ўҳў, ўҳў...— яна йўтали бўғиб ҳолдан кетарди.

Қалбинг шунқор қалби каби мард ва жасур, аммо ўзинг ёшсан, уст-бошинг ёмон, оёқларингни кир босиб кетган. Шунда нима қилардинг, китобхон? Албатта, даставвал мардлик кўрсатардинг! Аммо, ёшлигида ким мардликни орзу қилмайди, дейсан, лекин мардлик кўрсатиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди-да!

Тўртинчи синфдалигингда ҳисоб дарсида парта тагидан чумчуқ учириб юборган бўлсанг, бу — қаҳрамонликка кирмайди. Мактаб директори ойингни, яъни олтмишга кирган Шурка ойингни чақиртиради. Авваллари ҳам неча марта чақиртиргани ёсингдами? Буванг, яъни дастлаб Александра Ивановна бува деб ном қўйган Гаврила Петрович хириллаб, бўғилиб қўли етса роса таъзирингни берардику-я, аммо на чора, қўли етмайди, фақат ҳассаси билан ерни уради; иложи бўлса ҳассасини сенга старди-я, аммо ҳассасиз қолиб йиқилишидан қўрқиб отмайди. Аммо, Шурка — онанг мактабдан қайтиб, юзингга бир тарсаки туширадики, уч кунгача юзу қулогинг ўртаниб юради, онангнинг кучи йил сайин ошиб боради.

Ўртоқларинг-чи? Ўртоқларингга нима қиларди! Шон-шараф тутундай бир нарса, пуф десанг учади-кетади. Чумчуқ учириб кўрсатган мардлигинг эртага ҳамманинг эсидан чиқиб кетади...

Ез кезларида, бўш вақтларингда ҳаммадан кўпроқ қорайшинг, ҳаммадан яхшироқ шўнғиб, ҳаммадан яхши сузишни ўрганишинг, сув остидаги дарахт илдиэлари тагидаги балиқларни ҳаммадан яхши ушлашни билишинг мумкин. Дарё ёқалаб кетаётган бир гала қизларни кўриб қолиб, узоқдан чопиб келиб ўзингни сувга ташлашинг, сув устидан худди қалдирғочдай учшинг, қизлар сени, қачон сув бетига шўнғиб чиқаркин, деб қараб турганда сув тагида трусигингни тушириб, тўсатдан сув бетига

қалқиб чиқишинг, бутун баданингда қораймаган биргина жоъинг — оппоқ киндигингни осмонга қаратиб чиқишинг мумкин.

Шунда, қизларнинг худди бир нарсадан ҳуркқандай кўйлақларини ҳилпиллатиб дарё бўйидан товоиларини кўрсатиб қочганини кўриб кўп завқланасан. Сен билан бирга қумда ўзларини офтобга солиб кулиб ётган тенгқур болаларнинг мақтовини эшитиб парво ҳам қилмайсан. Кичкина болалар сени ҳурматлаб, сенга ҳаваслари келиб, орқангдан эргашиб юрадиган бўлади, оғзингдан чиққан ҳар бир сўзингни бажо келтирадиган, нима демоқчи бўлганингни бармоғинг қимирлашидан биладиган бўлишади. Рим цезарлари замонлари аллақачон ўтиб кетган бўлсада, болаларга сен тангридай кўринасан.

Бу ҳам сенга камлик қилади, албатта. Кунлардан бир куни, танаффус вақтида, ҳамма болалар мактаб ҳовлисида ўйнаб юрганда, сен иккинчи қават деразасидан пастга сакрайсан. Сакраш вақтида, ерга учиб тушишдан, мана ман, кўринглар деган ҳисдан ва биринчи синф қизларидан тортиб ўнинчи синф қизларининг чинқириб юборишидан бениҳоя лаззат оласан. Аммо ундан кейин бўладиган ишлар ҳаммаси сени фақат хафа қилади ва қайғу келтиради.

Директорнинг гапи сенга жуда қаттиқ тегади. Сени мактабдан чиқариб юбормоқчи бўлишади. Гуноҳқор бўлганинг учун директор билан қўпол гапиришишга мажбур бўласан. Директор ҳам биринчи дафъа ота-онанг олдига, «Шанхай»даги уйингга боради.

— Боланинг уйдаги шароитларини билмоқчиман. Боланинг бундай шўхлиги сабабларини билмоқчиман,— дейди директор салобат билан ва мулоийм бўлиб. У худди ота-онангдан койингандай бўлади.

Ота-онанг — юмшоқ қўлларини қаёққа қўйишни билмаган, ҳозиргина ўчоқдан қозон-товоқларни ола туриб қўллари қора куяга бўялган, артай деса фартуги йўқ онанг ҳам ниҳоятда саросимага тушиб қолган, уялганидан сўзини йўқотиб қўйган ва директорини кўриши биланоқ, ҳассасига таяниб, ўрнидан туришга чиранган отанг ҳам директор олдида ўзларини гуноҳқордай сезиб қараб қолишади.

Директор чиқиб кетгандан кейин сени ҳеч ким койимайди, ҳамма сендан юз ўгирганга ўхшайди. Бобонг сенга қарамасдан, онда-сонда уҳ тортади, холос, унинг мўйловлари ҳам илгаригидек шопдай эмас, турмушда кўп уринган одамнинг шалвираб қолган мўйловига ўхшайди. Онанг ҳамон рўзғор билан овора

оёғини судраб юраверади, уни унға, буни бунга уради, бирдан рус печкасининг оғзига келиб, куя босган ажойиб, кўпни кўрган кекса қўли билан кўз ёшини секин артганини кўриб қоласан. Отанг ва онанг гўё сенга: «Бизга бир қара, яхшилаб қарагин. биз киммиз, биз сенга қим бўламиз!» дегандай бўлишади.

Ана ўшанда сен биринчи марта кекса ота ва онагининг улуг айём кунлари келганда киядиган тузукроқ кийимлари йўқлигини биласан. Улар болалари билан бирга дастурхон ёнига ўтириб, бирга овқат ейишмайди, болаларимиз кўрмай қўя қолсин деб бир чеккага бориб овқат қилишади, болаларга бўлсин, болаларимиз тўйсин, болаларимиз балоғатга етсин, сени, оиланинг энг кичиги, ўқимишли бўлсин, одам бўлсин деб емишлари бир бурда қора нон билан картошка бўлади.

Шунда онангнинг кўз ёшлари юрагингни эзиб юборади. Отангнинг чеҳраси ҳам сенга яқин ва гамгин кўринади. Унинг йўталиб хирилаши, бўғилишидан ҳам кулгили жойи йўқ — бу бир фожиадир.

Пайпоқ тўқиб ўтирган опаларингнинг гоҳ униси, гоҳ буниси сенга кўз ташлаганида уларнинг кўз қарашларидан газаб ва ўкиниш сезилиб туради. Отанг, онанг, опаларинг билан қўпол, қўрс муомала қиласан, ўзингдан хафа ҳам бўласан, хўрлигинг ҳам келади, кечаси сира ухлай олмайсан, кичкина юз ёноқларингга думалаб тушган кўз ёшларингни кир қўлларинг билан артиб ётасан.

Шу кечадан кейин қарасангки, улгайиб қолибсан.

Сендан ҳамма юз ўгириб, сендан хафа бўлиб юрган гамгин кунларда сенинг кўз олдинга мислсиз, афсонавий қаҳрамонликлар дунёси келиб гавдаланади.

Одамлар сув тагида йчигрма минг километрлаб йўл босадилар, янги қитъалар кашф этадилар; одам оёғи тегмаган ороларга бориб қоладилар, барча ўзларига керак нарсаларни ўз қўллари билан ясайдилар; улар дунёдаги энг баланд тоғ чўққиларига чиқадилар; улар ҳатто ойга учиб борадилар; улар океанларда даҳшатли довул-пўртаналарга бас келадилар, марс ва салингларга чирмашиб, шамолдан чайқалиб турган мачталарга чиқадилар; одамлар ўз кемаларида сув тагидаги қиё тошлар устидан бешикаст сузиб ўтадилар, ҳайқирган тўлқинларга бочка-бочка балиқ мойи тўкиб ташлайдилар; улар солга тушиб, ташналиқдан қақраб кетган оғизларига қўргошин ўқ олгандай,

океанлардан суэиб ўтадилар; улар саҳроларда қум бўронларида қолиб кетадилар, илонлар, қоплонлар, тимсоҳлар, шерлар, филлар билан курашиб уларни енгадилар. Одамлар бойимоқ ёки ўз турмушларини яхшиламоқ, ёки сургузашт кечирмоқ учун, ўртоқлик ҳиссиёти, садоқат учун, фалокатга учраган суюкли қизни қутқозиш учун ё бўлмаса инсоният фаровонлиги, ватан шон-шарафи учун, фан чироғи ер юзини доим ёритиб турсин деб шундай қаҳрамонликларга бел боғлайдилар,— Ливингстон, Амундсен, Седов, Невельскойлар худди шунақа одамлар эди.

Одамлар урушда қандай қаҳрамонликлар кўрсатади! Одам-вод минг йиллардан бери урушиб келади, минг-минг одамларнинг номи урушда шон ва шараф қозонган. Толеингни қара-я: сен уруш йўқ даврда туғилдинг. Сен, сенинг бахти-саодатинг учун жонини фидо қилган шаҳидларнинг ўртоқлар мазорини ўт босган, илгарилари ўтган лашкарбошиларнинг шуҳрати ҳали ҳамон сўнмаган ерларда яшайсан. Ярим кечаларда уйқуни унутиб, уларнинг таъриф саҳифаларини варақлаб ўтирганинда, қалбингда қаҳрамонлик ҳисси зафар таронасидай жавлон уради. Бу кишиларнинг сиймосини яхшилаб кўриб олиш учун сен қайта-қайта ўқийсан, уларнинг расмларини чизасан, тўғриси, ойнага қўйиб кўчириб оласан, кейин ўз билганингча қора қаламни тилинг билан ҳўллаб бўёқлайсан, қаламни ҳўллай бериб тилинг ҳам қоп-қорайиб кетади. Бу расмлар ҳали ҳам қаравотининг тепасида осиглик турибди.

Бу кишиларнинг меҳнати ва қаҳрамонлиги сенинг авлодингга умр бағишлади, уларнинг номи инсоният хотирасида абадий сақланиб қолади. Аслини суриштирсанг, бу одамлар ҳам сенга ўхшаган оддий одамлар — Михаил Фрунзе, Клим Ворошилов, Серго Оржоникидзе, Сергей Киров, Сергей Тюленин... Агар у ҳам ўзини кўрсатишга вақти бўлса эди, балки унинг номи ҳам шулар қаторида тилга олинарди, ким билади дейсан... Дарҳақиқат, бу одамларнинг ҳаёти нақадар ажойиб ва ғаройиб ўтган! Чор ҳукумати вақтида улар яшириниб юришган. Уларни таъқиб этардилар, турмаларга қамардилар, шимол томонларга сургуни қилардилар, сибир қилардилар, аммо улар ҳар сафар қочар ва яна кураш бошлар эдилар. Серго Оржоникидзе сургундан қочган, Михаил Фрунзе икки марта сургундан қочган. Сталин олти марта сургундан қочган. Улар кетидан олдин якка-якка бўлиб, кейин юзлаб, кейин юз минглаб, кейин миллион-миллионлаб одамлар эргашди!.

Сергей Тюленин яширин ишлашга эҳтиёж қолмаган бир

даврда туғилди. У ҳеч қаердан қочмаган, қочишнинг ҳожати ҳам йўқ эди. У, мактаб биносининг иккинчи қават деразасидан сакраган холос, аммо бу тентаклик эканлиги аниқ. Унинг кетидан ҳаётга фақат Витка Лукъянченкогина эргashiб киради.

Бироқ, ноумид бўлиш ярамайди! Бепоен Шимолий муз океанини қоплаган музлар «Челюскин» корпусини сиқиб, пачақ қилди. Тун қоронгисида кеманинг даҳшатли қисирлаши бутун мамлакатга эшитилди. Аммо кемадаги одамлар ҳалок бўлмади, музга тушиб олишди. Бутун олам хавотирда: уларни қутқазиб қолиб бўлармикан? Улар омон қолди. Дунёда шунқор юракли мард одамлар кўп. Булар — сенга ўхшаган оддий одамлар. Улар самолётларга тушиб, бўрон ва қаҳратон совуқларни кечиб, фалокатга учраганларни аэроплан қанотларига боғлаб олиб келдилар,— улар Совет Иттифоқининг биринчи қаҳрамонлари эди.

Чкалов! У ҳам сен каби оддий бир одам, аммо унинг номи бутун оламга кетган. Шимолий Қутб устидан Америкага учиб ўтиш — бутун инсониятнинг орзуси эди-ку! Чкалов, Громов, бир парча муз устида сузиб юрган папининчилар-чи?

Ҳаёт, орзу-хаёллар ва кундалик меҳнат билан тўлиб-тошган ҳаёт шундай ўтиб боради.

Сенга ўхшаган оддий ва содда, аммо илгари китоблардагиин тасвир этилган қаҳрамонлик кўрсатган, шон-шараф қозонган кишилар бутун совет ерида, ҳатто Краснодоннинг ўзида ҳам оз эмас. Никита Изотов, Стахановнинг номларини Донбассдагина эмас, балки ҳамма ерда ҳар ким танийди. Паша Ангелина ким, Кривонос ким, Макар Мазай ким — ҳар бир пионер ҳам айтиб бера олади. Бутун халқ уларни иззат-ҳурмат қилади. Отаси ҳам газетадан энг олдин шу одамлар ҳақида ёзилган жойларни ўқиттиради, эшитиб бўлгач негадир анчагача бўғилиб йўталади, қариганидан, вагон уриб юбсрганидан юраги ачигани кўриниб туради. «Бобо»,— Гаврила Тюленин,— умрида кўп меҳнат қилиб, елкалари ягир бўлиб кетган, эндиликда унинг шу одамлар қаторида ишлай олмай қолганидан алами ичидалигини Серёжа билади, тушунади.

Бу одамларнинг шуҳрати асл шуҳрат. Бироқ Серёжка ҳали ёш, ўқиши керак. Бу шуҳратларнинг бари ўз вақтида, катта бўлганида, улғайганида етиб келади. Чкалов ва Громовлар сингари қаҳрамонлик кўрсатиш энди унинг қўлидан келади, буни ўзи ҳам билади. Аммо бутун гап шундаки, буни бутун дунёда ўзидан бошқа ҳеч ким билмайди. Бу ҳиссиёти билан у одамзод ўртасида танҳо ўзи қолган.

Шу кезларда уруш бошланиб қолди. Серёжка учувчи бўлиш мақсадида махсус ҳарбий мактабга кириш учун бир неча марта уриниб кўрди.— Мен албатта учувчи бўлишим керак — деб қарор қилиб қўйди. Лекин уни қабул қилмадилар.

Ҳамма ўқувчи болалар дала ишларига чиқиб кетганида у, хўрлиги келиб-келиб, кўмир конига ишга кириб кетади. Икки ҳафтадан кейин забойга тушиб, катталар билан бир қаторда кўмир қазий бошлади.

Одамларнинг назарида қанча ўсганлигини ўзи сезмас эди. Кондан чиққанда афт-башараси қоп-қора бўлиб чиқарди, фақат ўткир кўзлари ва оппоқ майда тишлари ялтираб турарди; катталарга ўхшаб, у ҳам салмоқланиб, оғир қадам ташлаб душга кирарди, чўмилганда худди отасига ўхшаб йўталиб-йўталиб қўярди; уйга шошилмасдан худди катталардек тўлганиб қадам ташлаб яланг оёқ қайтарди: ботинкаси ҳукуматники эди.

Уйга кеч, ҳамма овқатни еб бўлгандан кейин қайтарди. У — энди улгайиб қолган, эркак, ишчи одам бўлиб қолган.

Александра Васильевна печдан чуғунокни олиб, уни латта билан ушлаб туриб, ўғлининг косасига тўлдириб борш қуйиб берарди. Қайноқ борш буғланиб турарди, уйда ёпилган бугдой нон ҳеч қачон бунчалик ширин ва мазали туюлмас эди. Отаси, мўйловларини қимирлатиб, қалин қошлари остидан рангсиз кўзлари билан ўғлига узоқ тикилиб ўтирарди. У йўталмас ҳам, хирилламас ҳам эди, ўғли билан худди катта ишчи одамдек бафуржа гапиришиб ўтирарди. Отасини ҳамма нарса: кондаги ишлар, кимнинг қанча кўмир қазигани,— ҳамма нарса қизиқтирарди. Отаси ундан асбоб-ускуналар тўғрисида ҳам, коржомо тўғрисида ҳам сўрарди. У кўмир қатламлари, штреклар, лавалар, забойлар, гезенкалар ҳақида ўз ҳовлисидаги уйлари, ҳужралари, сомонхоналари ҳақида гапиргандай бўларди. Дарҳақиқат, чол шу атрофдаги конларнинг деярли ҳаммасида ишлаган, ишдан чиқиб қолганидан кейин бор-йўқ гапларни ошна-оғайниларидан эшитиб турарди. Ер тагида кўмир қайси томондан ва қандай қазилаётганини билар эди, ҳар кимга ҳам ер тагида нималар бўлаётганини, кон қайси томонга қараб қазилаётганини узун ва ориқ бармоғи билан ҳавода чизиб кўрсатиб бера олар эди.

Қиш кунлари Серёжка мактабдан чиқиб, ҳатто овқатини ҳам емасдан, тўппа-тўғри бирон артиллерист, ёки сапёр, минёр, ёки учувчи ўртоғининг олдига югуриб кетарди; кечаси соат ўн иккида мудраб ўтириб дарс тайёрларди, эрталаб соат бешда яна машқ майдонига югуриб борарди, у ерда биронта сержант ўр-

тоғи унга ўз жангчилари билан бирга милтиқ отиш ёки граната иргитишни ўргатиб турган бўларди. Ҳақиқатан у, милтиқ, наган, маузер, «ТТ», Дегтяревнинг қўл пулемёти, «Максим» пулемёти, ППШ автомати отишда, граната ёки ёнилғи солинган шиша иргитишда жангчилардан қолишмас эди; у чуқур қазиб яширишни биларди, мина ўқлашни, мина кўмишни, миналарни олиб ташлашни биларди; бутун дунёдаги давлатларнинг аэропланларини танирди, авиабомбаларни зарарсиз ҳолга келтиришни биларди; у билан бирга Витька Лукьянченко ҳам бу ишларни қилиб юрарди; Серёжка Витька Лукьянченкони ҳамиша кетида эргаштириб юрарди, Серго Оржоникидзе ёки Сергей Кировга Серёжка қандай қараса, Вигька ҳам Серёжкага тахминан шундай қарарди. Шу йил кўкламда Серёжка махсус ўсмирлар мактабига бўлмаса-да, учувчи тайёрловчи катталар мактабига кириш учун яна бир марта қаттиқ уриниб кўрди. Аммо яна толен келмади. Унга, ҳам ёшсан, келаси йил кел, деб жавоб қилишди.

Учувчилар мактаби ўрнига Ворошиловград ёнига бориб истеҳком қуриш жуда ҳам катта мағлубиятга учраш эди. Шундан кейин, у уйга қайтмасчкка қарор қилди.

Ҳарбий қисмга ёзилиш учун не-не айёрлик, не-не ҳийлакорлик қилмади! Надяга бошидан кечирган хўрлик ва аламларининг юздан бирини ҳам айтмади. Жанг нималигини, ўлим, қўрқув нималигини энди у яхши билиб олди.

Серёжка қотиб ухлаган экан, отасининг эрталабки йўтали ҳам уни уйғота олмади. У, офтоб баланд кўтарилганда уйғонди, уй дарчалари берк эди, аммо Серёжка вақтнинг қанчалигини ҳамиша дарча тирқишидан ерга ва уйдаги нарсаларга тушган қуёш шуъласидан биларди. Кўзини очиши биланоқ ҳали немислар келмаганини билди.

Ювингани ҳовлига чиқди; эшик супачасида «бобоси», бободан сал нарироқда Витька Лукьянченко ўтиришган эди. Онаси полизга чиқиб кетган, опалари алақачон ишга кетишган.

— Э-э-э, бормилар, қаҳрамон! Аника! Уҳў, ўҳў, ўҳў, ўҳў-ўҳа...— деб «бобо» уни қаршилади.— Тирикмисан? Шу кунларда энг муҳими шу бўлиб қолди. Хе-хе! Мана бу қуйруғинг қачон уйғонар экан, деб тонготардан бери кутиб ўтирибди,— деди чол ва ўзининг энди уйқудан турган, кичик юзли, серҳаракат ва эпчил ўртоғига, бахмалдай қоп-қора кўзларини тикиб, тек турган Витька Лукьянченко томонга дўстона қараб қўйди.— Қуйруғинг ҳам чакки бола эмас,— деб давом этди чол.— Ҳар куни эрта саҳарда келиб: «Серёжка келдими? Серёжка қайтди-

ми?» деб сўраб турарди. Серёжкага жонини... ўҳа-ўҳа... жонини беради-да!— мамнун бўлиб дерди чол.

Дўстлик садоқати, «бобо»нинг тили билан яна бир карра тасдиқланди.

Улар иккови Ворошиловград ёнида ер қазишга бирга борган эдилар, ихтиёри дўстида бўлган Витька ҳарбий қисмга бирга кириш ниятида у билан бирга қолмоқчи эди, бироқ Серёжка уни уйга қайтариб юборди, Витькани, қолаверса унинг ота-оналарини аягандан шундай қилгани йўқ; агар Витька у билан бирга қолса, икковининг ҳарбий қисмга олиниши маҳол эди, қолаверса Серёжканинг ҳарбий қисмга киришига халақит ҳам бериши мумкин эди. Витька ўзининг золим ўртогидан жуда хафа бўлиб, уйга қайтишга мажбур бўлди. Қайтишгагина эмас, балки Серёжканинг режасини ўз ота-онасига, Серёжканинг ота-оналарига, умуман ҳеч кимга айтмасликка қасамёд қилишга мажбур бўлди, сабаби — агар Серёжканинг яна омади келмаса, унинг шаънига гап тегизмаслик эди.

«Бобо»нинг гапларига қараганда, Витьканинг ваъдасига вафо қилганлиги кўриниб турарди.

Серёжка билан Витька Лукьянченко уйнинг орқасида ҳамма ёгини қамиш босган кичкина сой бўйида тамаки чекишиб бир-бирларига янги хабарларни айтиб ўтиришарди. Соининг нариги бети кенг ўтлоқ бўлиб, у ерда пода боқилар, майдоннинг орқасида эса кончилар учун қурилган, аммо ҳали ишламайдиган ҳаммом бор эди.

Уларнинг мактабдош ўртоқларидан,— иккови Ворошилов номли мактабда ўқирди,— шаҳарда Толя Орлов, Володя Осьмухин ва Любка Шевцовалар қолган; Витьканинг сўзига қараганда, Любка Шевцованинг юриш-туришлари анча ўзгариб кетган: у кўчага чиқмайдиган, нуқул уйда ўтирадиган бўлиб қолган. Любка Шевцова ҳам Ворошилов номли мактабда ўқирди, бироқ урушгача етти синфни тамом қилиб, кейин мактабдан кетиб қолган эди: у артист бўлишни орзу қилиб театрларда, район клубларида ўйинга тушарди, ашула айтарди. Любканинг шаҳарда қолгани Серёжкага жуда маъқул тушди, чунки у ниҳоятда чаққон, эпчил қиз эди. Любка Шевцовани юбка кийган Сергей Тюленин деса бўларди.

Витька Серёжкага маълум бўлган яна бир янги хабарни, яъни Игнат Фоминнинг уйида номаълум бир кишининг беркиниб ётгани, бутун «Шанхай» аҳолиси у одамнинг кимлигини билолмай доғда қолиб юрганини, ундан кўрқишини қулогига

шивирлаб айтиб берди: «Сеняки» районида, ўқ-дори ъмборлари ёнидаги очиқ ертўлада ёнилғи солинган бир неча ўн шиша туршибди, шошқалоқликда ташлаб кетишган бўлса керак, деди.

Витька, ўша шишаларни олиб, яшириб қўйилса ёмон бўлмасди деган эди, бирдан Серёжканинг эсига бир нарса тушди-да, қиёфаси жиддий тус олиб дарҳол, иккаламиз госпиталга боришимиз керак, деди.

УН ТУРТИНЧИ БОБ

Фронт Донбассга яқин келиб, Краснодарда ярадорлар пайдо бўла бошлаганда, Надя Тюленина ўз хоҳиши билан тиббий ҳамширалар курсига кирган ва курсни битириб, бир йилдан бери ҳарбий госпиталда старший ҳамшира бўлиб ишлаётган эди. Шаҳар касалхонасининг бутун биринчи қавати госпиталга берилган эди.

Ҳарбий госпиталь ходимларининг врач Фёдор Фёдоровичдан бошқа ҳаммаси бир неча кун илгари кўчиб кетганлиги ва касалхонадаги тиббий ходимларнинг кўпчилиги старший врач бошлиқ шарққа кўчиб кетганлигига қарамасдан, касалхона аввалгича ишлаб турарди. Серёжка билан Витька қабулхонага киришлари биланоқ энага хотинларни тўхтатиб, оёқларингни ҳўл латтага артинглар, деб буюрди-да, госпиталда старший ҳамшира бўлиб ишловчи Надяни чақириб келгунимча шу ерда ўтира туринглар деганда, бу иккала болада бу муассасага ҳурмат туғилди.

Бир оздан кейин уларнинг олдига энага билан бирга Надя чиқди, аммо бу Надя кечаси Серёжка билан каравотда суҳбатлашиб ўтирган Надя эмас эди; ҳамширанинг меҳрибон, ажин босган ва мулойим юзида ҳам, Надянинг ёноқлари чиққан, ингичка қошлари бўялган кичкина юзида ҳам қандайдир янги, жиддий чуқур маъно аломатлари кўриниб турарди.

Бирдан опасининг олдида салобат босган Серёжка, қўлидаги шапкасини гижимлаб туриб деди:

— Надя, йигитларни қутқариш керак-да, ўзинг биласанку...— деди.— Витька иккимиз уйма-уй юриб чиқардик, Фёдор Фёдоровичга айтиб кўрсанг-чи.

Надя бир лаҳза Серёжкага индамасдан қараб турди. Кейин худди кўнгли тортмагандай бўлиб, бошини чайқади.

— Чақир, врачни чақир бу ёққа, ё бизни олдига олиб кир,— деди Серёжка қовоғини солиб.

— Луша, буларга халат бер,— деди Надя.

Энага хотин оққа бўялган узун жавондан иккита халат олиб чиқди-да, ўз одатини қилиб болаларга халатни ўзи кийгизиб қўйди.

— Бу бола тўғри айтади,— деди бирдан Луша хола, юмшоқ кекса лабларини ковшаб. У, Надяга меҳрибон назар билан қараб турарди.— Одамлар йўқ демай олишади. Мен ўзим ҳам бировини оламан. Йигитларга кимнинг раҳми келмайди? Ўзим ёлғизман, ўғилларим бўлса фронтда, қизим билан ўзим хў чекада турамиз. Немислар келса ўзимнинг ўғлим дейман. Ҳаммага ҳам айтиб қўйиш керак,— ўғлим, қариндошим дейишсин.

— Немисларнинг қанақалигини сиз билмайсиз-да,— деди Надя.

— Немисларни, балки, билмасман, лекин ўзимизникиларни биламан,— дарров лабини ковшаб жавоб қилди Луша хола.— Мен сизларга ён-веримиздаги яхши одамларни айтиб бераман.

Надя болаларни деразалари шаҳар кўчаларига қараган йўлакдан бошлаб борди. Ҳар бир очиқ эшикдан ўтган сари газак слиб кетган ва бойлаган яра ва ювилмаган кир кийимларнинг ҳиди уларнинг димоғига урарди; бу ҳидларни ҳатто дориларнинг ўткир ҳиди ҳам боса олмасди. Касалхона деразаларидан офтоб нурларига кўмилган шаҳар нақадар ёруғ, тинч, ёқимли ва жонажон кўринарди.

Госпиталда қолган ярадорларнинг бариси ўз оёғи билан юролмайдиган беморлар эди; баъзи бирлари қўлтиқ таёқ билан йўлакда судралиб юрарди; уларнинг ёш ва кекса, соқоли қирилган ва қирилмаган чеҳраларида Надя билан Луша холаники сингари қандайдир жиддий ва руҳий ҳолат ва ғамгинлик акс этарди.

Йўлакдан болаларнинг қадам товуши эшитилиши билан, каравотда ётган ярадорлар умидвор бўлиб бошларини кўтариб қарар, қўлтиқ таёқ билан юрганлар эса,— юзларига ҳам жон кириб,— халат кийган икки ўсмир бола уларни бошлаб келаётган юзи жиддий ва ҳаммага таниш ҳамшира Надяни кузатиб қолардилар.

Надя билан болалар коридор охиридаги берк турган эшик олдига келиб тўхтадилар; Надя эшикни тақиллатмасдан, кичкина қўли билан кенг очиб юборди.

— Сизга келишибди, Фёдор Фёдорович,— деди болаларни ичкарига киритиб.

Бир оз салобат босган Серёжка билан Витька кабинетга ки-

ришди. Уларнинг рўпарасидан баланд бўйли, кенг елкали, қотма ва бақувват, соқол-мўйлови тоза қирилган, сочлари оппоқ, ажин босган, ёноқлари чиққан, қуш бурун, хуллас, худди мисдан қуйилгандек бир чол ўрнидан турди. У, ўтирган стол ёнидан турди; кабинетда ёлғиз ўзи ўтирганидан, столда на китоб, на газета ва на дори-дармон борлигидан, кабинетнинг бутунлай бўм-бўшлигидан болалар врачнинг ҳеч иш қилмай, ёлғиз ўзи мушкул ҳолда оғир хаёл суриб ўтирганини билишди. Буни болалар яна врачнинг ҳарбий кийимда эмас, оддий кийимда ўтирганидан ҳам билишди: унинг эғнида сур ранг костюм (костюмнинг бир ёқаси халат устидан чиқиб турарди), сур ранг шим, оёғида эски ботинка (бу ҳам ўзиники бўлмаса керак).

Надя сингари, Лушка ва палатадаги ярадорлар сингари, у ҳам болаларга ажабланмай жиддий кўз билан қаради.

Серёжка бу кишига ортиқ бир нима деб ўтиришнинг ҳожати йўқлигини дарров пайқаб:

— Фёдор Фёдорович, биз ярадорларни уй-уйга жойлаштиришда сизга қарашгани келдик,— деди

— Олишармикин?— деб сўради врач.

— Оладиган одамлар топилади, Фёдор Фёдорович,— деди Надя қўнғироқдай овози билан.— Касалхона энагаси Луша бир ярадорни олмақчи, яна оладиган одамларни айтиб бермоқчи, болалар ҳам суриштириб кўришади, мен ҳам топаман, краснодонликларнинг кўпи ёрдам беради. Биз Тюленинлар ҳам олардиг-у, аммо уйимиз тор,— деди Надя ва қип-қизариб кетди. Гарчи Надя ростини айтган бўлса-да, Серёжка ҳам қизариб кетди.

Фёдор Фёдорович:

— Наталья Алексеевнани чақиринг,— деди.

Наталья Алексеевна касалхонадаги ёш врачлардан эди; шаҳардан ўн саккиз километр нарида, Краснодон кўмир кони посёлкасида турадиган ёлғиз бемор онасини кўзи қиймасдан, касалхона ходимлари билан бирга кўчиб кетолмаган эди. Касалхонада касаллар, касалхона мол-мулки, дори-дармон ва асбоблар қолганлиги учун, ҳеч қаёққа кетмай, немислар билан қоладиган бўлганидан, Наталья Алексеевна ҳамкасбаларидан уялиб, касалхонанинг бош врач вазифасини ўз устига олган эди.

Надя чиқиб кетди.

Фёдор Фёдорович стол ёнидаги жойга ўтирди, халат этагини чаққон кўтариб, пиджак чўнтагидан тамакидон билан бук-

ланган, гижимланиб кетган газет чиқариб, бир чеккасида йиртиб олди; қотма қўли ва лабларини ишга солиб, дарҳол карнай ясади-да, тамакидондаги махоркадан карнайга тикди, тутатиб чека бошлади.

Фёдор Фёдорович:

— Бу ишларинг маъқул,— деди-да, диванда тек ўгирган болаларга кулмасдан жиддий қаради.

Олдин Серёжкага, кейин Витькага қаради, аммо каттаси Серёжка эканлигини сезгандай бўлиб, яна унга қаради. Бу қарашнинг маъносини Витька тушунди, аммо сира хафа бўлмади, чунки Серёжканинг иш боши эканлигини ўзи ҳам тан оларди, ўзи ҳам, у иш боши бўлсин дерди, бу билан фахрланарди ҳам.

Надя кабинетга йигирма саккиз ёшлар чамасида, жуссаси кичкина бир жувонни бошлаб кирди; жувоннинг чеҳрасида, оёқ ва қўлларида болаларга хос қандайдир гўдаклик, майинлик ва дўндиқлик кўриниб турганидан, уни кўрган одам ҳақиқатан ҳам ёш бола дерди. Отаси тиббий институтда ўқишни давом эттиришга қарши турганидан, Наталья Алексеевна шу оёқчалари билан Краснодардан Харьковга пиёда юриб борган, ўқишнинг давом эттирмоқ учун шу қўлчалари билан тикувчилик қилиб, бировларнинг кирларини ювиб кун кечирган эди; отаси ўлганидан кейин саккиз жонли оилани шу қўлчалари билан ўз қарамонига олган эди, бу оила аъзоларининг баъзилари ҳозир урушда жанг қилмоқда, баъзилари бошқа шаҳарларда ишламоқда, баъзилари эса ўқимоқда эди; шу қўлчалари билан у, ўзидан катта ва тажрибали врачлар ботинолмаган операцияларни дадил қилаверарди, унинг болаларга ўхшаган дўндиқ чеҳрасидаги кўзлари шу қадар очиқ иродали, шафқатсиз ва меҳнатсевар кўзлар эдики, иттифоқ миқёсидаги бирон муассаса ишлар мудирининг ҳаваси келмай қолмасди.

Жувон кириши билан Фёдор Фёдорович ўрнидан турди.

— Утираверинг, қимирламанг, ишдан хабарим бор,— деди жувон, дўндиқ қўлларини кўксига босиб. Унинг бу ҳаракати ишчан, меҳнатсевар кўзларига, аниқ ва ҳатто бир оз қуруқроқ сезиладиган сўзларига зид кўринарди.— Менинг бундан хабарим бор ва менимча, жуда маъқул иш,— деди-да, шахсий муносабат назари билан эмас, балки улардан бирон фойдали иш чиқармикин дегандай, Серёжка билан Витькага қараб олди. Кейин яна Фёдор Фёдоровичга қараб:— Сиз-чи?— деб сўради.

Фёдор Фёдорвич дарҳол унинг гапига тушунди.

— Мен шу ерлик врач бўлганимдан сизнинг касалхонангиз-

да қолсам яхшироқ бўларди. Шу ерда қолсам — ҳар қандай бўлганда ҳам, уларга ёрдамим тегиб туради.— Унинг «улар» деб ярадорларни айтганини ҳамма билди.— Бўладими?

— Бўлади,— деб жавоб берди Наталья Алексеевна.

— Касалхонангизда мени немисларга айтиб қўйишмасмикин?

— Касалхонамиёда сизни немисларга билдиришмайди,— деди Наталья Алексеевна, дўндиқ қўлларини яна кўкрагига босиб.

— Раҳмат. Раҳмат сизларга,— Фёдор Фёдорович, биринчи марта бир кўзини қисиб жилмайди-да, узун ва бақувват бармоқли қўлини олдин Серёжкага, кейин Витька Лукьянченкога узатди.

— Фёдор Фёдорович,— деди Серёжка, врачнинг юзига чарақлаган кўзлари билан тикилиб; унинг бу қараши: «буни сиз ва бошқа одамлар нима деса деяверсин, аммо албатта айтишим керак, чунки бу — менинг бурчим» дегандай эди,— Фёдор Фёдорович, қачон сизга керак бўлиб қолсак,— мен билан Витька Лукьянченко иккимиз ҳамма вақт тайёرمىз. Биз билан алоқани Надя орқали қилинса бўлади. Уз номидан ҳамда ўртоғим — Витька Лукьянченко номидан яна шуни айтишим керакки, сизнинг бу ишингизни, яъни шундай оғир бир пайтда ярадорлар ёнида қолишингизни биз ниҳоятда олижаноб бир иш деб ҳисоблаймиз.— Серёжканинг пешонаси терлаб кетди.

Фёдор Фёдорович ниҳоятда жиддий тусда:

— Раҳмат,— деди.— Сизлар шу гапни очдинглар, мен ҳам икки оғиз гап айтай: қанақа касб эгаси бўлмасин, ҳар қандай одамнинг умрида шундай аҳвол тугилиб қолиши мумкинки, у ўзи бошлаб кетаётган ёки ўзини боғлиқ бўлган одамларни ташлаб кетиши мумкин ва керак. Шундай жуда зарур ҳоллар бўлади. Такрор айтаман, бундай вазият ҳар қандай касб эгасида бўлади, ҳатто лашкарбوشي ва сиёсий арбобларда ҳам бўлади, аммо биргина касб эгаларида — врачларда, айниқса ҳарбий врачлардагина бўлмайди ва бўлиши мумкин эмас. Врач — ҳаммиша ярадорнинг бошида туриши керак. Қандай шароит бўлмасин, ярадор ёнидан силжимаслиги керак. Дунёда бу бурчдан ҳам юксакроқ зарурат йўқ ва бўлмайди. Шундай зарурат бўлганда ҳатто ҳарбий интизомни ҳам бузиш мумкин, буйруқни ҳам бажармаслик мумкин. Агар ҳатто фронт қўмондони менга ярадорларни ташланг-да, ўзингиз кетинг деганда ҳам, мен унга итоат қилмас эдим. Аммо у ҳеч қачон бундай демас эди ҳам...

Раҳмат, раҳмат сизларга,— деди Фёдор Фёдорович ва худди мисдан қуйилган, бугдой ранг юзли оппоқ бошини болалар томон эгди.

Наталя Алексеевна индамай дўндиқ қўлларини кўксига босди, унинг Фёдор Фёдоровичга қараган тетик кўзларида шодӣна руҳ акс этарди.

Фақат Серёжка, Надя, Луша хола ва Витька Лукьянченко қатнашган ва кейинги чорак асрда бўлиб ўтган кенгашларнинг энг қисқаси бўлган бу даҳлиздаги кенгашда иш режаси аниқлаб олинди, бу кенгашга болалар устларидаги халатларини ечиб ташлагунча вақт кетди. Болалар ўзларини тутиб туролмай, касалхонадан ўқдай учиб чиқдилар-да, июль кунининг туш пайтидаги шуъласи кўзни қамаштириб юборди. Уларнинг бутун вужуди аллақандай шодлик, ўзларидан, одамзоддан фахрланиш, тоғни талқон қилгудек меҳнат иштиёқи билан тўлиб-тошган эди.

— Одам деб мана буни айтадилар! А?— деди Серёжка, ўртогига ҳаяжон билан қараб.

— Рост,— деди Витя Лукьянченко, кўзини пир-пир учираб.

Серёжка ҳозир гапириб турган гапини дарров унутгандай бўлди-да, бирдан:

— Игнат Фоминнинг уйида ким яшириниб ётганини мен ҳозир бориб биламан,— деди.

— Қандай қилиб?

— Бораман-де, уйингга битта ярадорни оласанми, деб сўраб кўраман.

Витька гапига қаттиқ ишонгани ҳолда:

— Хоинлик қилади,— деди.

— Мен дарров сирни очиб, анойи бўпман-да! Уйининг ичига кириб олсам бўлгани,— деди Серёжка ва кўз ҳамда тишларини айёрнамо ярқиратиб, кулди. Бу фикр унинг миясига жуда маҳкам ўрнашиб олган эди, айтганини муқаррар бажаришини аниқ биларди.

У «Шанхай»нинг бозордан анча четдаги, ҳар биттаси галвирдай-галвирдай келадиган катта кунгабоқарлар орасига кўмилиб кетган Игнат Фомин уйининг эшиги олдига келиб тўхтади.

Эшик қоқилганда, анчагача ҳеч ким жавоб бермади. Серёжка уй ичидагилар уни деразадан яхши кўриб олмоқчи эканликларини пайқаб, ўзини кўрсатмаслик учун атайин эшикка яқин туриб олди. Ниҳоят, эшик очилди. Игнат Фомин, бир қўли би-

лан эшик бандини ушлаб, яна бир қўли билан кесакига суяниб, бошини экканича, ажин босиб кетган юзидаги нурсиз ва кичкина кўзлари билан Серёжкага тикилиб қаради. Игнат Фомин худди чувалчанг сингари ориқ ва узун бўйли эди.

Серёжка:

— Э, раҳмат!— деди-да, худди Игнат Фомин «Қани, киринг!» деб эшикни очиб тургандай, унинг қўли остидан лип этиб даҳлизга кирди. Ҳайрон бўларини ҳам билмай қолган Игнат Фомин унинг кетидан қадам ташлаганда Серёжка ички уй эшигини очиб бўлган эди.

Уй ичига кириб олгач, Серёжка:

— Кечиргайсиз, гражданин,— деди-да, катак-катак пиджак ва шим, мойланган хом тери этик кийган, кўкрагига зашжир соат осган ва ниҳоятда ҳайрон бўлиб, ҳатто бир оз жаҳли чиққандай бўлиб қолган Игнат Фомин олдида бошини эгиб турди.

— Хўш, нима керак эди сенга?— деб сўради Игнат Фомин, сийрак, қошларини чимириб, юзидаги сонсиз-саноқсиз ажинлар пир-пир учиб ҳаракатга келиб қолди.

— Гражданин!— деди Серёжка тантанали бир оҳангда. Франция революцияси давридаги конвент аъзоси қиёфасида туриб олган Серёжканинг ўзи учун ҳам, Игнат Фомин учун ҳам кутилмаган бир нарса бўлди.— Гражданин! Ярадор жангчини паноҳингизга олсангиз!

Игнат Фоминнинг юзидаги ажинлари дарҳол ҳаракатдан тўхтади, Серёжкага тикилиб турган кўзлари худди қўғирчоқ кўзларидай қимир этмай тўхтаб, қотиб қолди.

Игнат Фоминнинг бундай ҳолга тушиб қолишининг сабабини сезган Серёжка дарров:

— Ярадор мен эмасман,— деди.— Чекинаётган жангчилар кўчага, худди бозор ёнига бир ярадорни ташлаб кетибди. Биз болалар билан кўриб қолиб, тўғри сизникига югурдик.

Игнат Фоминнинг чўзиқ юзида бирдан турли-туман ҳислар акс этди ва у беҳосдан нариги уй эшигига қараб:

— Нега энди тўппа-тўғри меникига келдиларинг?— шивирлаб шундай деди-да, ғазаб билан Серёжкага тикилди, юзидаги ажинлар яна пир-пир ўйнаб ҳаракатга келди.

— Сизникига келмасдан, ахир, кимникига борайлик. Игнат Семёнович? Сизнинг энг пешқадам стахановчи эканлигингизни бутун шаҳар билади,— деди Серёжка, ўзининг гоят соф кўзларини — бу заҳарли ўқ ёйни Игнат Фоминнинг юзига тикиб.

— Ўзинг кимнинг ўғлисан?— деб сўради Игнат Фомин. Борган сари саросимага тушиб ва таажжубланиб.

— Мен ўзингиз биладиган, стахановчи Прохор Любезновнинг ўғли бўламан,— деб жавоб берди Серёжка; ҳеч қанақа Прохор Любезнов деган одамнинг йўқлигини қанчалик билса, шунчалик қатъий қилиб гапирди.

— Прохор Любезновни танимайман.— Игнат Фомин энди ўзига келиб бирдан узун ва бесўнақай қўлларини кўтарди.— Менга қара, жиян, сенинг жангчингга уйимда жой ҳам йўқ, хотиним ҳам касал... Сен жиян, бошқа иложини топ...— унча дадил бўлмаса ҳам, қўллари билан эшикка ишора қилди.

— Жудаям қизиқ одам экансиз, гражданин. Яна битта уйингиз борлигини ҳамма билади-ку,— деди Серёжка чақноқ ва жасур кўзларини Фоминга тикиб.

Фомин қимирлаб ҳам ёки ҳатто овоз чиқариб ҳам улгурмаган ёдики, Серёжка унча шошилмай қадам ташлаб бориб, нариги уйнинг эшигини очиб, ичкари кирди.

Дарчалар чала очиқ. У ер, бу ерига тувакгуллар қўйилган, мебель билан жиҳозланган, бу озода уйда стол ёнида косибона кийилган, ягрини кенг, сочи олинган катта бошли, юзи қора седапалли бир киши ўтирарди. Серёжка кириши билан у киши секин бошини кўтариб бемалол унга қаради.

Шу ондаёқ Серёжка бу одам яхши, иродаси зўр ва оғир табиатли одам эканлигини сизди. Сезиши биланоқ уни ниҳоят даражада қўрқув босди. Унинг жасур юрагида бир мисқол ҳам мардлик қолмади. У шу қадар қўрқиб кетган эдики, ҳатто тили ҳам гапга келмай, ўзи ҳам қимир этолмай тошдай қотиб қолди, шу онда эшикда Игнат Фоминнинг қўрқув аралаш ғазабланган башараси кўринди.

Стол ёнида ўтирган нотаниш киши, Серёжкага ўдағайлаб келаётган Игнат Фоминга қаради-да:

— Шошма,— деди. Кейин Серёжкага қараб:

— Нега ярадор жангчини ўз уйингга олиб кетмадинг, хўш?— деб сўради.

Серёжа индамади.

— Отанг шу ердами ё кўчиб кетганми?

Серёжка қип-қизариб:

— Кўчиб кетди,— деди.

— Онанг-чи?

— Онам уйда.

— Нега олдин онангга бориб айтмадинг?

Серёжка индамади.

— Қанақа хотин экан у, ярадорни уйига киритмаса?

Серёжканинг юраги ачишиб, бошини силкитди. Уйин тамом бўлиб, энди гап «ота» билан «она»га келганда у, кўз олдига ўз отаси ва онасини келтирди, улар ҳақида нотўғри ва ёлгон гап тўқиганидан ўзи жуда уялиб кетди.

Афтидан, стол ёнида ўтирган киши Серёжкага ишонарди.

— Хўш, — деди у, Серёжкани бошдан-оёқ кўздан кечириб.— Игнат Семёнович ярадор жангчини уйимга кирита олмайман деб тўғри айтади, — деди, хаёлга кетиб. — Аммо уйига оладиган одам топиллади. Мен сенга айтсам, бу ишинг маъқул. Отангга раҳмат. Қидирсанг топасан. Бироқ, бу ишингни пинҳон тут, ҳар кимнинг ҳам уйига кириверма. Борди-ю, ҳеч ким топилмаса, тўғри менинг олдимга келавер. Топилса — келма; яхшиси, менга адресингни ташлаб кет, керак бўлиб қолсанг, ўзим қидириб топаман.

Қилган бу ножўя ишидан хафа бўлиб, Серёжка жуда пушаймон еди. Рўпарада ўтирган одамга ўзининг асли адресини айтгиси келганда, бошқа адрес тўқиб айтишга ва шу ёлгон гап билан бу одамдан бутунлай ажралиб кетишга мажбур бўлди.

Серёжка кўчага чиқди. У саросималаниб хижолатда қолди. Игнат Фоминнинг уйида яшириниб ўтирган бу одамнинг асл, катта одам эканлиги мутлақо шубҳасиз эди, шу билан бирга Игнат Фоминнинг бемаза одамлигига ҳам шубҳа йўқ эди. Аммо уларнинг бир-бири билан боғлиқ эканлигида шубҳа йўқ. Мана бунга ақли етмай ҳайрон эди.

УН БЕШИНЧИ БСБ

Уша куниёқ Матвей Шульга Осьмухинлар уйидан чиқиб, Краснодарнинг «Голубятники» деган чет маҳалласида яшовчи, эски вақтда бирга партизанлик қилиб юрган дўсти Иван Кондратович Гнатенконинг уйига йўл олди.

Краснодоннинг бошқа районлари сингари, бу ерларга ҳам бир хилда стандарт иморатлар тушган эди, аммо Кондратовичнинг ҳозирда ҳам ўзига қарашли кичкина ёғоч уйда туришини Матвей Костиевич биларди; бу тарафда бунақанги эски уйлар кўп бўлиб, «Голубятники» деб ном олишининг сабаби ҳам шу эди.

Деразани қоққан эди, эшикда лўли башара, ҳали ёш бўлса-да, семириб кетган, уст-боши янги бўлса-да, ўзига парво қилмай-

диган бир аёл пайдо бўлди. Костиевич, шу томонга йўлим тушиб қолган эди, йўл-йўлакай Иван Кондратовични кўриб кетмоқчиман, деди ва иложи бўлса чол бу ёққа чиқсин деб илтимос қилди.

Чол билан икковлари уй орқасидан қирга чиқишди-да, одамларнинг кўзига ташланмаслик учун пастликка тушишди; шу ерда артиллерия садолари ҳали ҳам эшитилиб турган шу кун, Матвей Шульга билан Иван Гнатенко учрашди.

Иван Гнатенко, ёки қисқа қилиб айтганда, Кондратович, Донец конларини биз яратганмиз, деб айтишга ҳаққи бор кишиларнинг авлодидан эди. Унинг бобоси ҳам, отаси ҳам, ўзи ҳам Украинадан чиққан ҳақиқий, асл кончилардан бўлиб, Донбассни шулар бино этган, кончиларнинг шуҳрат ва анъаналарини кўз қорачигидай сақлаб келувчи кишилар эди, 1918—1919 йилларда немис интервентлари ва оқларни мажақлаб ташлаган кончилар гвардияси шулар эди.

Уз директори Андрей Валько ва Григорий Ильич Шевцов билан бирга 1-бис кўмир конини портлатган ҳам шу Кондратович эди.

Қирнинг пастлигида, ботаётган қуёш нури остида улар ўртасида мана бундай суҳбат бўлиб ўтди.

— Нима учун сени қидириб келганимни биласанми Кондратович?

— Билмайман-у, аммо пайқаб турибман. Матвей Константинович, — деди Кондратович, Шульганинг бетига қарамай. Пастликка уриб турган шабада чолнинг қотиб кетган танасида қўриғичдай осилиб турган пальтосининг этагини қия қилиб елиб турарди.

— Мени ўн саккизинчи йилдаги сингари бу ерда ишлашга қолдиришди, шу вайдан олдинга келдим, — деди Костиевич.

— Бутун ҳаётим сеники, буни ўзинг яхши биласан, Матвей Константинович, — деди Кондратович паст ва бўғиқ овоз билан ва Шульгага қарамай. — Аммо сени уйимга олмайман, Матвей Константинович.

Кондратовичнинг бу гапи шу қадар қутилмаган ва ақлга сиғмайдиган бир гап эдики, ҳатто Матвей Костиевич сўз тополмай жим қолди. Кондратович ҳам индамади.

— Сенга уйимдан жой бермайман, деб айтдинг, гапингни тўғри тушундимми, Кондратович? — деб бирдан соф рус тилида сўради Шульга, чолнинг бетига қарашдан қўрқиб.

— Жой бермайман деганим йўқ, жой беришга иложим йўқ, — деди чол гамгин ва маъюс бир оҳангда.

Икковлари бирмунча вақт бир-бирларига қарамай, сўзлашиб туришди.

Костиевичнинг юраги ғазаб ўти билан қайнаб, у:

— Ахир, ўзинг розилик берганмидинг? — деб сўради.

Чол бошини қуйи солиб ўтирарди.

— Нима гаплигини билармидинг?

Чол чурқ этмасди.

— Бизга хиёнат қилгандай бўлдинг-ку, биласанми?

Чол ниҳоятда бўғилиб ва худди дўқ қилгандай деди:

— Матвей Костиевич... Кейин пушаймон едирадиган гапни гапирма.

— Нимадан кўрқай, — деди жаҳл билан Шульга ва Кондратовичнинг қотиб, суюги чиққан, тамакидан сап-сарғайиб кетган чўлтоқ соқоли юзига қаради; Шульганинг кўзлари қонга тўлди. — Нимадан ҳам кўрқай! Сендан эшитиб турган гапдан ҳам кўрқинчлироқ гап бўлиши мумкин эмас!

— Шошма... — деди Кондратович бошини кўтариб ва тирноқлари қоп-қорайиб кетган оташкуракдай қаттиқ қўли билан Матвей Костиевичнинг билагидан ушлади. — Менга ишонасанми? — деди, ниҳоятда маъюс овоз билан.

Шульга бир нима демоқчи эди, чол унинг билагини қаттигроқ сиқди-да, чуқур ва ўткир кўзлари билан Шульгага қараб:

— Шошма... қулоқ солгин... — деб ёлворди.

Энди икковлари бир-бирларига тик қараб туришарди.

— Мен сени уйимга кирита олмайман, негаки катта ўғлимдан хавфим бор. Мунофиқлик қилиб қўяди деб кўрқаман, — деди чол бўғиқ бир товуш билан шивирлаб, юзини Матвей Костиевичнинг юзига яқин келтириб. — Йигирма еттинчи йилда бизникига бир келганинг эсингдами? Кейинги марта кампирим билан йигирма беш йил умр кўрганимиз шарафига, кумуш тўй қилганимизда келган эдинг. Болаларимнинг ҳаммасини танимасан, танишинг ҳам шарт эмас, — деб аччиқ кулиб қўйди чол. — Аммо, энг каттаси эсингда бўлса керак, ўн саккизинчи йилдан биласан...

Шульга индамасдан турарди.

— Уша ўғлим йўлдан озиб қолган, — деди Кондратович, секин шивирлаб. — Эсингдами, ўша йигирма тўққизинчи йилда қўлсиэ қолган эди?

Шульга ўн саккизинчи йилда Кондратовичларникида кўрган қовоғи солиқ, камгап ва танбалроқ ўсмир болани эслади. Аммо йигирма тўққизинчи йилда Кондратовичларникидаги ёш йигит-

ларнинг қайси бири қўлсизлигини Шульга эслай олмас эди. Уша кеча бўлган гаплар умуман эсида қолмаганлигидан у ажабланди. Кондратовичларникига ўшанда заруратдан келган бўлсак керак, бошқаларникига бошқа вақтларда ҳам зарурдан бориб юргани учун, ўша кечадаги зиёфат эсидан кўтарилиб кетган.

— Қўлини Луганск заводида машина олиб кетган эди... — Кондратович Ворошиловграднинг эски номини айтди, шундан Шульга билдики, бу — эски гап экан. — Уйга қайтиб келиб, бизнинг қарамогимизда қолди. Ўқишга бериш вақти ўтиб қолган эди, ўзимиз ҳам вақтида ўйлаб кўрмаган эканмиз, қўлидан келадиган, эплай оладиган бирон ҳунар ололмади, шу-шу йўлдан оза бошлади. Отасининг, яъни менинг пулимга ича бошлади, мен индамасдан юравердим, раҳмим келарди. Ҳеч ким унга тегмади, аламига ундан баттар бузилди. Уттизинчи йилда мана шу ўзинг кўрган хотин билан топишди, хотини устига чиқиб миниб олди, бошини айлантириб, ёмон йўлга кириб кетди. Хотини яширин ароқ сота бошлади, икковлари яширинча олиб сотарлик қилишди, сенга ростини айтсам, ўғрилик мол олиб сотишдан ҳам тоймайдиган бўлиб қолишган. Бошда раҳмим келиб, индамай юрдим, кейин ор-номусдан андиша қила бошладим. Кампирим иккимиз индамай, билмас бўлиб юраверадиган бўлиб қолдик. Чурқ этмай юравердик... Болаларимизга ҳам билдирмай, индамай келавердик. Совет ҳокимияти вақтида икки марта иши судга тушди; бу аблахнинг бошлаб таъзирини бериш керак эди-ю, аммо ҳар сафар айбига иқрор бўлиб қутулиб кетди. Ўзинг биласан, судьялар менинг эски партизан эканлигимни, донгдор шахтёр, ҳурматли одам эканлигимни билишади, шунинг учун олдинга ҳурматимни қилиб ҳайфсан билдириб, иккинчи сафар шартли ҳукм чиқаришди. У бўлса йил сайин баджаҳл бўлиб, ғазаби ошиб кетаверди. Гапимга ишонасанми? Энди қандай қилиб сени ўз уйимга киритай? Уй ўзимга қолсин деб, кампир билан иккимизга хиёнат қилишдан ҳам қайтмайди! — Кондратович ор-номусга чидай олмаганидан, юзини Шульгадан тескари ўгирди.

--- Бунақалигини билар экансан, нега розилик берасан? — деб ҳаяжон ичида сўради Шульга, у Кондратовичнинг тигдай ўткир юзига ишонайми, ё ишонмайми, деб тикилиб қарарди: Шульга бу вазиятда қайси одамларга ишониш, қайси бирларига ишонмаслигини билмай қолган ва нуқул ўзидан аччиғланар эди.

— Қандай қилиб йўқ деяй ахир, Матвей Константинович! — Ниҳоятда гамгин бир товуш билан деди Кондратович. — Ўзинг ўйлаб кўр: мен, кимсан Иван Гнатенко, бирдан йўқ дейишим

мумкинми? Номус-ку, бу! Бу гаплар ўзи қачон бўлиб ўтган эди, ахир? Улар менга балки ҳожати ҳам бўлмас, борди-ю, керак бўлиб қолган тақдирда, розимисан? — деб сўрашди. Ахир, юрагимга қўл солиб кўрмоқчи бўлиб сўраган эди-да, қандай қилиб мен унга ўғлимни гапириб берай? Унда ўзим ҳам бу ишдан қочган бўлардим, ўғлимни ҳам турмага тутиб берган бўлардим. Нима бўлса ҳам фарзандим-ку, ахир!.. Матвей Константинович! — деди бўғилиб Кондратович. — Менинг изимим сенда, нима буюрсанг адо этишга тайёрман. Фёғлимни биласан, ўлдириб юборса ҳам чурқ этмайман, ўлимдан қўрқмайман. Ихтиёрим сенда. Беркиниш учун жой топиб бераман, ишончли одамларни ҳам топиб бераман, хотиржам бўл. Ушанда райкомда ҳам шундай деб ўйлаган эдим: ўзим ҳар нарсага тайёрман, аммо партиясиз бўлганим учун ўғлим устида райкомда гапирмасам ҳам бўлади, демак виждоним пок деб ўйлаган эдим... Сен менга ишонсанг бўлгани, менга шу кифоя. Жой бўлса ўзим топиб бераман, — дерди Кондратович, овозида ёлвориш оҳанглари пайдо бўлганини ўзи ҳам сезмас эди.

— Мен сенга ишонаман, — деди Матвей Костиевич, аммо ростини айтмади: у ишонарди ҳам, ишонмасди ҳам, гумон қиларди. Ишонаман деб қўя қолди, чунки шуни ўзига маъқул кўрди.

Чолнинг юзи бирдан ўзгариб кетди, ўзи латгадек бўшашиб қолди, бошини қуйи солиб, бирмунча вақт индамай ўтирди.

Шульга эса Кондратовичнинг сўзларини гоҳ ундоқ, гоҳ бундоқ тарозига солиб, юзига қараб турарди. Кондратовичнинг бизнинг одамимиз эканлигини у яхши биларди. Аммо мамлакатимизда жуда муҳим ишлар бўлиб ўтган ўн беш йиллик давр ичида Кондратовичнинг қандай турмуш кечирганини Шульга билмас эди. Кондратович ўз ўғлини совет ҳокимиятидан яшириб юргани, ҳатто турмушнинг энг оғир дамларида ҳам уни яширгани, немисларнинг орқасида махфий иш олиб бориш учун зарур бўлган яширин квартира бериш масаласида алдамчилик йўлига киргани, — булар бариси тарозининг бир палласини босиб юбориб, Кондратовичга узил-кесил ишонма дегандай бўларди.

— Сен шу ерда пича ўтира тур ё хоҳласанг ётиб тур, мен сенга егулик келтирай, — деди Кондратович, бўғиқ овози билан шивирлаб. — Мен шу ерда бир жойга бориб келай, ҳамма ишни тўғрилаймиз.

Матвей Костиевичнинг кўнишига сал қолиб эди, бироқ юрак товуши (юрак товушини у эҳтиёткор товуш эмас, балки кўпни биладиган товуш деб биларди) «кўнма» деди.

— Қўй, овора бўлма, бошқа борадиган жойим йўқ дейсанми, жой топиб оламан, — деди Шульга. — Овқатингни ҳам қўй, яна бир оз сабр қиламан: анови аблаҳ келининг билан ўглингни кўнглига бирон шубҳа келиб ўтирмасин.

— Ихтиёринг, — деди маъюс бир оҳангда Кондратович. — Ҳар қалай, мен кексани йўққа чиқариб қўйма, сенга керак бўлиб қоларман.

— Буни ўзим ҳам биламан, Кондратович, — деди Шульга, чолнинг кўнглига тасалли бериш учун.

— Агар менга ишонсанг — кимникига боришингни айтиб кет. Борадиган одамнинг яхши-ёмонлигини айтиб бераман.

Керак бўлиб қолганинда қидириб топишим ҳам осон бўлади...

— Қаерга ва кимникига боришимни айтишга ҳаққим йўқ. Сен ўзинг ҳам илгарилари махфий ишда ишлагансан, сир сақлаш кераклигини биласан, — деди Шульга айёрларча жилмайиб. — Борадиган жойимдаги одамни ўзим биламан.

Кондратович: «Мени ҳам ўзинг билардинг, аммо қанча номаълум гаплар бор экан, ўзинг кўриб турибсан, яхшиси — мен билан очиқ маслаҳатлашганинг маъқул» демоқчи бўлди-ю, бироқ Матвей Костиевичдан тортинди, айтмади.

Чол хафа бўлиб:

— Ўзинг биласан, ихтиёринг, — деди. Матвей Шульганинг унга ишонмаслигини тушунди.

— Хўш, Кондратович, кетдик, бўлмаса! — деди Шульга.

Чол Матвей Костиевичнинг юзига қарамасдан, яна:

— Ўзинг биласан, — деди.

Кондратович Шульгани ўз уйи ёнидан кўча томонга бошлаган эди, бироқ Шульга уни тўхтатди:

— Мени орқа томондан олиб ўтганинг яхшироқ, тагин анови... талогинг кўриб қолмасин... — деди-да, кулиб қўйди.

Чол унга: «Ишни сир сақлашни яхши билсанг, келган томонингдан қайтиб кетишинг кераклигини ҳам билишинг керак. Кекса Гнатенконикига махфий иш билан келганингни ким билиб ўтирибди?» демоқчи эди-ю, бироқ ўзига ишонч йўқлигини, гапирининг фойдаси йўқлигини билиб, индамай қўя қолди. Матвей Костиевични орқа томондан, пастқам йўллардан олиб ўтиб, ён кўчага чиқариб қўйди. Кўмир саройи ёнига етганда тўхташди.

— Хайр энди, Кондратович, — деди Шульга, юраги жаз этиб ачишиб кетди. Ер ёрилса-ю, ерга кириб кетгандай бўлди. — Сени яна топиб оларман.

— Ўзинг биласан, ихтиёринг, — деди чол.

Шульга кўчадан юриб кетди. Қотма, қўригичдай эски тўн кийган Кондратович эса кўмир саройи ёнида анчагача Шульганинг кетидан қараб қолди.

Шу билан Матвей Шульга ҳалокати сари иккинчи қадам ташлаган эди.

УН ОЛТИНЧИ БОБ

Серёжка Тюленин, унинг дўсти Витька Лукьянченко, оғаси Надя ва кекса ҳамшира Луша бир неча соат ичида шаҳарнинг турли районларидан ярадорлар учун етмишдан ортиқ квартира топишди. Шундай бўлса ҳам, яна қирқдан зиёдроқ ярадор жойсиз қолди: Серёжка ҳам, оғаси ҳам, Луша хола ҳам, Витька Лукьянченко ҳам, уларга ёрдамлашган одамлар ҳам яна кимларга илтимос қилишни билмас ва бутун шу ишларнинг ошкора бўлиб қолишидан қўрқар эдилар.

Бугунги куннинг ўзи жуда галати эди — бунақанги кунни фақат тушда кўриш мумкин. Шаҳар кўчаларидан ўтиб бораётган қисмларнинг йироқдан эшитилган овозлари, қир томонда бораётган жанглarning гулдур-гулдурлари кеча кечқурун босилган, шаҳар ҳам, атроф қирлар ҳам жуда тинчиб сукунат босган. Ана немислар келади, мана немислар келади деб кутишган бўлса ҳам, немислардан дарак бўлмади. Идоралар, магазинлар очиқ, бўмбўш эди, уларга ҳеч ким кирмас эди ҳам. Корхоналар ҳам жимжит, ҳувиллаб ётарди. Портлатиб юборилган шахталар ҳамон тутаб ётарди. Шаҳарда ҳеч қандай ҳокимият йўқ, милиция ҳам йўқ, савдо-сотик тўхтаган, ҳеч ким ишламас эди — ҳамма ёқ жимжит. Кўчалар ҳувиллаб қолган. Онда-сонда бирон аёл водопроводга ёки қудуққа сувга келади, ёхуд полизга югуриб чиқиб, бир-иккита бодринг узади-да, яна уйига кириб кетади, яна ҳамма ёқ жимжит, ҳеч кимса кўринмайди. Уйларнинг мўрилари-дан ҳам тутун чиқмайди: ҳеч ким қозон осмай қўйган. Ҳеч қанақа бегона одам безовта қилмаганидан итларнинг ҳам овози ўчиб жим бўлиб қолган. Ҳар замонда кўчадан мушук ўтиб қолади, кейин яна ҳеч кимса кўринмайди.

Ярадорларни 20 июлга ўтар кечаси уй-уйларга жойлашди, аммо Серёжка билан Витька бу ишга қатнашмади. Шу кечаси улар Сенякида, омбордаги ёнилғи солинган шишаларни «Шанхай»га ташиб, жарликка, чакалакзорга кўмиб қўйишди, керак бўлганда қидириб юрмаслик учун икковлари бир нечтадан шишани ўз ҳовлиларидаги полизга ҳам кўмиб қўйишди.

Ажабо, немислар қаёққа гум бўлиб кетди экан?

Тонг отганда Серёжка шаҳардан чиқиб, қирга етиб олган эди. Қизғиш-кул ранг туманда қуёш каттакон гирдоб бўлиб чиқа бошлаган, унга бемалол қараса бўлади. Сўнгра офтобнинг бир чети туман остидан чиқиб ялтираб кетди; қирнинг у ер-бу ерида қаддини кўтариб турган терриконлар қизғиш тусга кирди. Ҳамма ёққа жон кириб, қақнаб кетди. Серёжка ҳам ўйинга тушган резинка коптокдай ўзини енгил сезиб қолди.

Темир йўл бўйлаб кетган арава йўл гоҳ унга яқинлашиб келади, гоҳ яна ундан узоқлашарди. Иккала йўл ҳам тепаликка солинган, тепаликнинг икки томонни қирра-қирра бўлиб, ўртасидан кесиб ўтган кичкина жарликлар бора-бора пасайиб қирга қўшилиб кетарди. Тепаликнинг қирраларини, жарликларнинг саёз ён багирларини чакалак ва барглари жингалак дарахтлар босиб кетган эди. Бу ер ҳаммаси Верхнедудуван ўрмони деб аталарди.

Эрталаб қизғиш бошлаган офтоб қир устидан тез кўтарилиб борарди. Серёжка атрофга кўз ташлаб борарди: унга, пастбаланд тепаликларга бир текисда жойлашмасдан, кўпроқ ер устидаги иншоотлари ажралиб кўриниб турган конлар атрофига, район ижрокоми ва «Краснодонуголь» трести атрофига тўп-тўп бўлиб жойлашган шаҳар яққол кўриниб турарди. Тепалик қирраларндаги дарахтларнинг боши офтобда кўм-кўк бўлиб товланар, жарларнинг тагидан эрталабки салқин соя ҳали кетмаган. Офтобда ялтираган темир йўл излари олисларга чўзилиб кетар, йироқдаги тепаликдан ошиб кўздан гойиб бўлар, тепаликнинг орқасидан оппоқ юмалоқ тутун қомати бузилмай осмонга кўтариларди, — у ер Верхнедудуванная станцияси эди.

Бирдан ўша тепаликнинг чўққисидан, арава йўли худди тамом бўладигандай бўлиб кўринадиган жойда қоп-қора бир нарса пайдо бўлди-ю, борган сари чўзилиб, узун лентага ўхшаб чўзилиб келаверди. Бир неча дақиқадан кейин лента уфқдан ажралди-да, узунчоқ, яхлит, қора бир нарса Серёжкага қараб, йўлнинг чаңгини осмонга кўтариб, илдам яқинлашиб келаверди. Серёжка унинг нималигини билиб олгунича ҳам йўқ эдики, тариллаши қирни қоплаб юриб келаётган нарса мотоциклар эканини пайқади.

Серёжка йўлдан лип этиб пастга сакраб тушиб, чакалакзор ичига кирди-да, қорнини ерга бериб, кутиб ётаверди. Чорак соат ҳам ўтмасдан моторларнинг тариллаши оламини босиб кетди, Серёжканинг ёнидан йигирматача мотоциклга минган немис

автоматчилари елдай ўтиб кетди. Серёжкага уларнинг фақат белидан юқориси кўринарди. Улар, устларига немис армиясининг оддий кир кул ранг формаси, бошларига пилотка кийган, кўзлари, пешона ва бурунларининг усти қисмини каттакон қора кўзойнак беркитиб турарди, уларнинг бу важоҳати Донец қишлоғида бирдан пайдо бўлган бу одамларга қандайдир хаёлий бир тус берарди.

Улар шаҳар чеккасидаги уйлар ёнига етиб, машиналарини тўхтатишди, ерга таппа-таппа сакраб, ҳар ёнга таралиб кетишди; машиналар ёнида учтами, тўрттами киши қолди. Бироқ, ўн минут ўтар-ўтмас мотоциклчилар яна мотоциклларига миниб, шаҳар томонга елиб кетишди.

Улар пастликдаги уйлар ёнидан ўтганда Серёжка уларни кўздан йўқотди, аммо немислар агар шаҳарнинг марказига, парк томонга борадиган бўлса; албатта иккинчи кўприк ёнидаги тепаликдан ўтишади, шунинг учун кўзини ўша тепаликдан узмай қараб турди. Тўрттами-бешта мотоциклчи худди елпигидай ёйилиб, тепаликка кўтарилди-ю, аммо парк томонга бурилмасдан, район ижрокоми билан «қутурган бой» уйи жойлашган тепаликка қараб кетишди. Бир неча минутдан кейин мотоциклчилар яна кўприк томонга қараб қайтиб ўтишди; Серёжка шаҳар четидаги уйлар орасида яна ҳамма мотоциклчиларнинг тўпланганини кўрди, — отряд Верхнедуданная станциясига қайтмоқда эди. Серёжка чакалаклар орасига кириб ётди-да, ёнидан бутун отряд ўтиб бўлгунча бошини кўтармай ётаверди. Кейин Верхнедуданная томонга туртиб чиққан ва кичкина дарахтзор ҳамда чакалакзор тепаликка чиқди, — бу ердан ҳамма ёқ яққол кўриниб турарди. Бу ерда у, бир неча соат дарахт тагида қимирламай ётди. Осмон кезиб юрган офтоб ҳадеб Серёжкани қидириб топар ва баданини шу қадар қиздириб юборар эдики, Серёжка иссиққа чидолмай, ҳадеб жойдан-жойга, дарахт тагига, соя жойга жилиб турди.

Кечки ёз гулларидан бол ва баргларига ёпишган шираларни ялаб юрган асаларилар дарахтлар орасида гувиллаб учарди. Қирнинг барча ўт-ғиёҳлари қовжираб кетган бўлса-да, бу ернинг кўм-кўк майсаси ва дарахт барглари хушбўй ҳид тарқатар эди. Баъзан шабада туриб, баргларни шитирлатиб кетарди. Баланд осмонда офтобдан ярқираган майда, жингалак-жингалак булутлар сузиб юрарди.

Серёжканинг бутун аъзойи бадани, юраги шу қадар ором олардики, у баъзан нима қилиб бу ерга келиб қолганини ҳам

унутиб қўярди. Унинг эсига ёшликнинг тинч ва пок туйғулари келарди; у кезларда у худди мана шундай қир майсаларида ясланиб, кўзини юмиб, баданини офтобга бериб ётар, атрофда асаларилар гувиллаб учиб юрар, илиқ майса ҳиди димоққа уриб турар, олам ҳам жонажон, ёрқин ва абадий кўринарди. Қулогига яна бояги моторларнинг овози чалинди, мовий осмоннинг бир чеккасида кўзларига ҳайбатли кўзойнак таққан мотоциклчилар кўринди, шунда у, ёшликнинг тинч ва пок туйғулари, илк бахтнинг енгил ва оромбахш шабадаларининг энди бир умр қайтиб келмаслигини бирдан сезиб қолди. Шу онда гоҳ унинг юрагини аччиқ ва ширин хаёллар қитиқлаб ўтар, гоҳ қони қайнаб, бутун вужуди даҳшатли, ниҳоятда шиддатли жангга отилиб киришни талаб этарди.

Энг йироқдаги тепалик орқасидан йўлда яна узун лента пайдо бўлиб, бутун уфқни бирдан яна қалин чанг қоплаганда, кун туш вақтидан ўтиб қолган эди. Улар яна ўша мотоциклчилар эди, аммо бу сафар улар жуда кўп, кети кўринмас узун колонна бўлиб келаётган эди. Улар кетидан юзлаб, минглаб юк машиналари тизилиб борар, уларнинг ора-ораларида командирларнинг енгил машиналари кўринарди. Тепалик ортидан ҳамон янги ва янги машиналар чиқиб келарди. Узундан-узун, йўғон ва офтобда ялтираган кўк илон буралиб-буралиб чўзилиб келарди, унинг боши Серёжка ётган жойга яқин келиб қолган бўлса-да, думи ҳали ҳам кўринмас эди. Йўл устини қалин чанг қоплаган, моторларнинг гуриллаши еру кўкни босиб кетгандай эди.

Немислар Краснодарга қараб кетишаётган эди. Ҳаммадан олдин уларни кўрган одам Серёжка эди.

Серёжка худди мушукдай эмаклабми, сакрабми, арава йўлидан, кейин темир йўлдан ҳам ўтди-да, тепаликнинг нариги томонидаги жарликка югурганича тушиб кетди; ўртада темир йўл бўлгани учун немисларга у кўринмас эди.

Серёжканинг бундай маневр қилишининг сабаби шу эдики, у шаҳарга немислардан олдин етиб олмоқчи ва шаҳар паркига жойлашган Горький номли мактаб биносининг томига чиқиб, немисларнинг конга кириб боришини қулай жойдан қараб турмоқчи эди.

Эски шахта ёнидаги майдондан югуриб ўтиб, паркнинг орқа томонидаги кўчага чиқди, бу кўча бино бўлгандан бери эски ҳолича шаҳардан ажралиб турарди, халқ бу кўчага «Деревянная» деб от қўйган эди.

Шу ерга келиб бир нарсага унинг кўзи тушдики, ниҳоятда ҳайрон бўлганидан, турган ерида тошдай қотиб қолди. Деревянная кўчанинг орқа томонига чиққан ҳовлиларнинг олдидаги деворлар тагида аста-секин бекиниб бориб, шу ҳовлиларнинг бирида ўтган кечаси юк машинада қирда учратган қизни кўриб қолди.

Қиз, Серёжкадан беш қадамча нарида акация тагига, майсага қора одеял солиб бошига ёстиқча қўйиб, туфли кийган оёқларини чалиштириб, атрофда юз бераётган ҳодисаларга парво қилмай, китоб ўқиб ётарди. Унинг билакдек сап-сарик бир ўрим олтин сочи қора киприк ва кибрланиб турган лабини, чеҳрасининг офтобдан қорайганлигини яна бўртдириб кўрсатиб турарди. Минглаб машиналар ер билан осмонни гулдуратиб, ларзага солиб ҳамма ёққа бензин ҳидини сочиб турган бир пайтда, немисларнинг бутун бошли бир армияси Краснодонга бостириб кираётган бир маҳалда бу қиз, тагига одеял солиб, боғчада офтобда қорайган, майин тукли қўллари билан китобни ушлаб бемалол китоб ўқиб ётарди.

Серёжка, кўрагидан ҳарсиллаб чиқаётган нафасини босиб, икки қўли билан деворнинг тепасини ушлаганича бу қизга бахтли кўзлари билан бирмунча вақт қараб турди. Дунёнинг бошига тушган энг оғир ва мушкул кунлардан бирида боғчада китоб ўқиб ётган бу қиз ҳаётнинг ўзидай гўзал ва ажойиб кўринарди.

Серёжка, «Бор, нима бўлса бўлгани» деди-да, девордан лин этиб сақраб, қизнинг ёнига борди. Қиз китобни ёпди, қоп-қора киприклари ўртасидаги осойишта, хурсанд таажжубланган ва ҳуррам кўзларини Серёжкага тикди.

Мария Андреевна Борц болаларни Беловодск районидан Краснодонга олиб келган кунни кечаси бутун оила — Мария Андреевнанинг ўзи, эри, Валя деган қизи, Люся деган ўн икки яшар кичкина қизи, — ҳеч ким мижжа қоқмай чиқди.

Улар керосин лампа ёқиб, — шаҳарни ёритадиган электростанция ўн еттинчи числодан бери ишламас эди, — стол теварагида бир-бирларига термилиб, худди меҳмон бўлиб келган одамдай ўтиришарди. Бир-бирларига айтиб берган янги хабарлари қисқа бўлса-да, шу қадар даҳшатли эдики, уй ичида, кўчада, бутун шаҳарда ҳукм сураётган сукунат ичида бу тўғрида овоз чиқариб гапириб бўлмас эди. Энди бирон ёққа кетиб бўлмас,

чунки вақт кетган эди. Бу ерда қолиш ҳам хавфли эди. Уларнинг ҳаммалари, ҳатто опасиникидан ҳам очроқ олтин сочли, кўзлари жиддий ва оппоқ юзли қизча Люся ҳам, бир фалокат юз берганини ва бунинг оқибати нима бўлишига одам ақли етмаслигини сезар эдилар.

Ҳаммадан ҳам отанинг ҳоли ачинарли эди. У ҳадеб арзон тамаки ўраб чеккани-чеккан эди. Бир вақтлари ота болаларнинг таянган тоғи, оила таянчи ва ҳимоячиси эди, энди у замонлар ўтиб кетган, болаларининг ҳам эсидан чиқиб кетган. У энди ориқлаб, букчайиб, кичкина бўлиб қолган. Унинг кўзи илгарилари ҳам ожиз эди, кейинги вақтларда эса борган сари кўздан ажралиб борар, дарсга ҳам зўр-базўр тайёрланар эди. Мария Андреевна сингари у ҳам адабиёт дарси берарди, шогирдларининг дафтарларини кўпинча хотини кўриб берарди. Жинчиरोқ ёруғида унинг кўзи ҳеч нарсани кўрмас, қисиқ кўзлари ёпилмай, бақрайиб турарди.

Уйнинг ҳамма буюм-жиҳозлари ёшлиқдан таниш ва эски бўлса-да, энди бошқача кўриниб қолди. Устига гулдор дастурхон солинган стол, Валя ҳар куни машқ қилиб ўтирадиган пианино; ойнаванд жавоп, унинг ичига қатор тизиб қўйилган оддий, аммо чиройли идиш-товоқлар, китоб терилган очиқ шкаф, — ҳаммаси ҳамма вақтдагидек эски ва таниш бўлса-да, энди бегона, ёт кўринарди. Валянинг кўпгина ошиқлари Борцларнинг уйи жуда саранжом ва шинам, кишига ширин хаёллар бағишлайди, дейишарди, бу хил ширин хаёллар манбаи шу уйда истиқомат қилувчи шу қизнинг ўзи эканлигини Валянинг ўзи ҳам биларди. Энди шуларнинг бариси унинг кўз олдида худди ялангочлангандай бўлиб турарди.

Улар чироқни ўчиришдан, тарқалишдан, ҳар бири ёлғиз хаёл суриб, кўрпага кириб ётишдан кўрқар эди. Шунинг учун ҳам эрталабгача чурқ этмай ўтириб чиқишди, фақат соатнинг чиқиллагани эшитиларди. Кўчада нариги муюшдаги водопроводга сувга чиққан қўшнилари кўрингандагина чироқни ўчириб, дарчани очишди, шундан кейингина Валя, жўрттага кўпроқ шовқин солиб ечинди-да, бошини ҳам кўрпа остига олиб тезда уйқуга кетди. Люся ҳам ухлаб қолди. Мария Андреевна билан эри ётишмади ҳам.

Валя, отаси билан онасининг ошхонада идиш-товоқларни жаранглатганини эшитиб уйғониб кетди, — Мария Андреевна нима бўлса ҳам самовар қўйди. Деразадан офтоб тушиб турарди.

Бирдан Валя тунда ухламай ўтириб чиққанларини эслаб бирдан ўзидан ҳам хазар қилди. Бунчалик тубанликка одамнинг хўрлиги келарди.

У ёғини суриштирсада, Валянинг немислар билан нима иши бор? Унинг ўзига тегишли маънавий ҳаёти бор. Кутиб ва қўрқиб нолийдиганлар бўлса нолий берсин, лекин у нолимайди.

Валя иссиқ сув билан роҳат қилиб сочларини ювди, кейин ўтириб чой ичди. Кейин шкафдан Стивенсоннинг «Олиб қочилган» ва «Катриона» асарлари босилган бир том китобини олиб, ҳовлидаги акас тагига одеял солди-да, ўқишга тушиб кетди.

Теварак-атроф жимжит. Ҳовлидаги гул ва майсалар офтоб нурига ғарқ бўлган, жигар ранг бир капалак гулга қўниб, қанотини гоҳ ёйиб, гоҳ яна ёпади. Қоринлари оппоқ, ўзлари пахмоқдай қорамтир асаларилар гулдан гулга қўниб, одамни эркалатувчи овоз билан ашула айтиб учиб юради. Шохлаб кетган қари акас ўз теварагига қалин соя ташлайди. Акасинг сарғая бошлаган барглари орасидан кўм-кўк осмон кўришиб туради.

Бу мовий осмон, қизгин қуёш, кўм-кўк майса, асалари ва капалаклар билан тўла ажойиб дунё бошқа бир дунё, китобларда тасвир этиладиган сунъий дунё билан, саргузаштларга тўла, ёввойи табиат, мардлик ва олижаноблик, вафодорлик ва пок муҳаббат дунёси билан чирмашиб кетган эди.

Баъзан Валя китобини бир ёнига қўяр эди-да, акас барглари орасидан осмонга қараб ётар экан, ширин хаёллар денгизига шўнгиб кетарди. Нималарни хаёл ётарди у? Буни ўзи ҳам билмас эди. Аммо, ёлғиз ўзинг ажойиб боғчада шу тахлитда роҳат қилиб китоб ўқиб ётишинг нақадар гўзал!

«Ҳаммалари аллақачон кетиб бўлгандир, — деб ўйларди Валя мактабдош ўртоқларини эсларкан. — Олег ҳам кетган бўлса керак». Олег билан у дўст эди, унинг ота-оналари ҳам Олегнинг онаси билан яқин эдилар. «Ҳа, энди Валяни ҳамма унутган. Олег кетиб қолган. Стёпкадан ҳам дарак йўқ. Шу ҳам дўст бўлди-ю! Тагин: «Қасам ичаман!» эмиш! Ҳаммаси тилида! Агар тунов кун машинага сакраб чиққан бола, — хаҳ, оти нима эди... Сергей Тюленин... Серёжа Тюленин, — қасам ичганда эди, сўзининг устидан албатта чиқарди...»

Валя ўзини Катриона деб ҳис этди, роман қаҳрамони — ўгирланган мард ва олижаноб йигит эса, ўша кечаси машинага сакраб чиққан йигит бўлиб кўринди. Унинг сочлари дагал кўринган эди, Валя уни қўли билан ушлаб кўргиси келди. «Сочи

қизларнинг сочи каби юмшоқ ва майин бола — бола эмас, ўғил боланинг сочи қаттиқ бўлиши керак... Қани, энди, немислар сира келмай, даф бўлса!» деб ўйларди Валя, юрагини алам қамраган ҳолда. У яна ўзи хаёл қилган дунёга, китобда тасвирланган, қуёш нурлари, пахмоқ асаларилар ва капалаклар дунёсига чўмиб кетди.

Шу зайилда кечгача ётди, эртасига эрталаб яна одеял билан Стивенсонни олиб, ҳовлига чиқиб кетди. У энди ҳамма вақт шундай яшайди: оламни сув босиб кетса ҳам парво қилмайди, ҳар куни акас тагига чиқиб ётаверади...

Афсуски, отаси билан онасининг бу хилда кун кечириши мумкин эмас эди. Мария Андреевнанинг тоқати тоқ бўлди. У бақувват, эпчил, серҳаракат, лаблари қалин, тишлари катта-катта, овози йўғон аёл эди. Йўқ, энди бундай ҳаёт кечириб бўлмайди. Мария Андреевна ойна олдига бориб ўзини тартибга келтирди-да, Кошевойларникига чиқди: Мария Андреевна уларнинг кўчиб кетган кетмаганлигини билмоқчи эди.

Кошевойлар паркнинг катта дарвозасига тақалган Садовая кўчадаги стандарт уйлардан бирининг ярмида туришарди. Бу уйни «Краснодонуголь» трести Олегнинг тоғаси Николай Николаевич Коростилёвга, қисқа қилиб айтганда, Коля тогага берган эди. Уйнинг иккинчи ярмида Мария Андреевнанинг ҳамкасабаси ўқитувчи оиласи билан турарди.

Садовая кўчада ёлғиз болта овози эшитиларди, Мария Андреевнага бу овоз Кошевойларнинг ҳовлисидан эшитилаётгандай туюлди. Юраги қаттиқ уриб кетди. Ҳовлига киришдан олдин у, ҳеч ким кўрмаяптимикин деб, атрофга бир қараб олди, — ўзини худди қонунга хилоф ва хатарли бир иш қилаётган одамдай сезарди.

Эшик тагида иссиқдан ҳаллослаб ётган қора пахмоқ ит Мария Андреевнанинг шарпасини эшитиб, ўрнидан турди, бироқ аёлни таниб, «Кечирасан, кун иссиқ, думимни ликиллатишга ҳам мадорим йўқ» дегандай қаради-да, яна эшик тагига чўзилди.

Ориқ, новча, қотма кампир Вера Васильевна буви ҳовлида ўтин ёраётган эди; у, узун ва ёғочдай қўллари билан болтани баланд кўтариб, запти билан палёнга солганда кўксидан нафаси пишқириб чиқарди. Афтидан, унинг бели ҳам ҳали бақувват, эҳтимол, иссиқни иссиқ кесади, деб билса керак. Кампирнинг ориқ юзи офтобдан қорайиб кетган, узун ва ингичка бурнининг учи ҳамма вақт учиб турарди, — ёндан қараганда Мария Андре-

евнанинг кўзига худди Данте Алигьерига¹ ўхшаб кетарди. — Алигьерининг суратини Мария Андреевна «Илоҳийлар комедия»²сининг революциядан илгари чиққан нашрида кўрган эди. Кампирнинг оқарган жингалак сочлари икки елкасига ёйилиб тушган эди. Одатда кампир кўзига гардиши қора суякдан қилинган кўзойнак тақиб юрарди; кўзойнак бир замонлар олинган бўлиб, эскилигидан бир банди синиб кетган, ўрнига қора ип боғлаб қўйилган эди. Аммо ҳозир у кўзойнаксиз эди.

Вера Васильевна гайратига гайрат қўшиб ишларди, палёнлар тарс-тарс ёрилиб, ҳар ёнга сачраб кетарди. Кампир бутун важоҳати, юриш-туриши билан тахминан мана бундай дер эди: «Ордона қолсин немисларинг, немислардан қўрқсаларинг, сенларни ҳам ер ютсин! Қайтанга, ўтинимни ёрганим тузук... тарақ... тарақ... Чочил-а, тараша бўлмай ўлгур! Сизларга хор бўлиб ўтиришдан кўра, қайтанга мана бу палёнларни қақшатганим яхши эмасми? Башарти ажалим етган бўлса, майли, ўзим ҳам қариб қолганман, ўлимдан қўрқмайман... тарақ... тарақ...»

Вера бувининг болтаси палёнга қисилиб қолган эди, палённи елкасидан ошириб туриб тўнкага чунонам урдик, палён ўртасидан қоқ ёрилиб, бир бўлаги Мария Андреевнага бориб тегишига сал қолди.

Шу сабаб бўлди-ю, Вера бувининг кўзи Мария Андреевнага тушди. Вера буви бирпас кўзларини қисиб қараб тургач, уни таниди ва болтасини ерга ташлаб, бутун кўчага эшитилгундай йўғон овоз билан:

— Ийя, Мариямисиз? Мария Андреевна-ку! Келинг, келинг! Яхши, оёгингиз тортиб кебсиз! — деди. — Қизим Лена бўлса уч кундан бери бошини ёстиқдан кўтармай, ҳўнг-ҳўнг йиглаб ётибди. Бу кўз ёши дейман қудуқнинг сувими, қайнаб чиқаверади, қайнаб чиқаверади... Қани, ичкарига кира қолинг, айланай...

Мария Андреевна унинг қаттиқ товушидан қўрқди ҳам, ичида хурсанд ҳам бўлиб қўйди: ахир, ўзи ҳам баланд овоз билан гапиришни яхши кўрарди-да. Шундай бўлса-да, қўрқа-писа:

— Бизникилар кетишганми? — деб сўради ва ўқитувчининг уйини кўрсатди.

— Ўзи кетган, аммо бола-чақалари шу ерда, улар ҳам хун бўлиб ўтирибди. Келинг, мен билан бирга овқатланинг. Лавлаги солиб ғалати борш пиширсам, биронтаси ейман демайди.

¹ Данте Алигьери (1265—1321) буюк итальян шоири.

² «Илоҳийлар комедияси» — Данте Алигьерининг машҳур асари

Ҳа, Вера буви, сўққа бош кампир, ҳар қачонгидек тетик, довурак эди. У таги Полтава губерниясидан бўлиб, қишлоқ дурадгорининг қизи эди. Эри киевлик эди, Путилов заводида мастеровой бўлиб ишлаган, биринчи жаҳон урушидан қаттиқ шикастланиб қайтгач, уларнинг қишлоғида туриб қолган эди. Эрга текканидан кейин Вера буви ҳам ўз йўлини топиб олди; қишлоқда делегатка бўлди, комнезамда¹ ишлади, кейин касалхонага ишга кирди. Эрининг ўлими ҳам унинг қаддини бука олмади, у янада мусту-мустаҳкам бўлди. Энди гарчи бирон ерда ишламаса ҳам, ҳукуматдан нафақа оларди ва пайти келган вақтларда ҳозир ҳам дўқ уриб айтганини қилар, сўзини ўтказарди. Вера буви ўн икки йилдан бери партия аъзоси эди.

Олегнинг ойиси Елена Николаевна каравотда юзини ёстиққа бериб ётар эди; устидаги гулдор кўйлаги гижимланиб кетган, оёқлари очиқ эди; одатда ўриб, бошига чамбар қилиб ўраб юргувчи қалин сариқ сочлари ҳозир ўрилмаган бу қадди-қомати келишган бақувват, ёш ва гўзал бу жувоннинг оёқларигача парижон ҳолда сочилиб ётарди.

Вера буви билан Мария Андреевналар уйга киришганда Елена Николаевна йиғидан шишиб кетган юзини ёстиқдан кўтариб, меҳрибон, доно кўзлари билан уларга қаради-да, бирдан қичқириб юборди ва Мария Андреевнанинг қучоғига отилди. Улар қучоқлашиб кўришди, бир-бирларини юз-қўлларидан ўпишди; кўзларига ёш келди, кейин кулишди. Бу даҳшатли кунларда улар бир-бирлари билан шундай муносабатда бўла олишларидан, ғам-ғуссага шерик бўлишларидан беҳад хурсанд эдилар. Улар ҳам йиғлар, ҳам кулишарди; Вера буви эса ёгочдай қаттиқ қўлларини икки белига тираб, Данте Алигьери сочларига ўхшаган жингалак сочли бошини чайқар ва ҳадеб:

— Ана бу тентакларни қаранглар: ҳам йиғлашади, ҳам кулишади. Нимага куласанлар, куладиган нарса йўқ-ку! Йиғлаш бўлса, ҳали ҳаммамиз ҳам йиглаб тўямиз... — дерди.

Шу топда аёлларнинг қулогига кўчадан галати бир шовқин эшитилди,— гўёки бирталай мотор гуриллар, уларнинг кетидан бирталай итлар ҳуриб келаётгандай эди, шаҳардаги ҳамма итлар қутуриб кетгандай туюларди.

Елена Николаевна билан Мария Андреевна бир-бирларининг қучоғидан чиқишди. Вера бувининг ҳам қўллари осилиб қолди, қоп-қорайган юзи бирдан оқариб кетди. Улар бу товуш-

¹ Комнезам — камбағал деҳқонлар уюшмаси. (Тарж.)

ларнинг қанақа товуш эканлигини пайқаган бўлсалар ҳам, ammo бирмунча вақт ишонгилари келмай турди. Бирдан учовлари, — олдин кампир, унинг кетидан Мария Андреевна, кетинда Елена Николаевна, — ҳаммалари ташқарига югуриб чиқишди-да, худди бир-бирлари билан олдиндан келишиб қўйгандай, кўча эшикка эмас, полиздан, кунгабоқарлар орасидан чопиб, девор бўйлаб ўтқазилган жасмин ёнига боришди.

Шаҳарнинг пастки томонидан жуда кўп машиналарнинг шовқини борган сари яқинлашиб келмоқда эди. Машиналар нариги, иккинчи кўприкдан гумбураб ўта бошлаган бўлса-да, ҳали бу ердан кўринмас эди. Бирдан кўчанинг бошида усти очиқ, ойнаси офтобда чарақлаган кул ранг энгил машина кўринди-да, жасмин тагида турган аёллар томон секин юриб кела берди. Машинада кул ранг кийим, олди баланд кўтарилган кул ранг фуражка кийган бир неча киши қаққайиб ўтирарди.

Бу машина кетидан яна бир қанча энгил машина келарди. Улар кўприкдан ўтиб, бу кўчага бурилар ва секин-аста парк томонга қараб борарди.

Елена Николаевна машиналардан кўзини узмай, кичкина ва йўгон бармоқлари билан икки ўрим сочини бошига ўрай бошладди. Сочларини тез-тез ва беихтиёр бошига чамбарак қилиб ўради-да, қараса, шпилькаси йўқ, сочларини икки қўли билан ушлаганича, кўчага қараб тураверди.

Мария Андреевна эса секин қичқирди-да, жасмин тупи ёнидан кўча эшик томонга эмас, қайтиб уй томонга қараб югурди. Уйни ўқитувчи турган томондан айланиб ўтиб, нариги кўчага, немислар ўтаётган кўчага параллель кўчага югуриб чиқди. Бу кўча бўш эди, Мария Андреевна шу кўчадан чопганича уйига кетди.

— Кечир мени... сени отлантиришга мадорим қолмади... Дадил бўл... Ҳозир беркинмасанг бўлмайди... Ҳозир бизнинг кўчамизга ҳам келиб қолишлари мумкин! — дерди Мария Андреевна эрига.

У қўлини кўкрагига босиб, ҳарсиллар эди, ammo соғлом ва бақувват бўлганидан ва елиб-югуриб терлаб кетганидан, бу сўзлари унинг ташқи қиёфасига мос келмас эди.

Люся секин:

— Немисларми? — деб сўради; унинг товушида болаларга хос бўлмаган қўрқув оҳанги бор эдики, Мария Андреевна бирдан гапи оғзига қолиб, атрофга саросималаниб қаради.

— Валя қани? — деб сўради у.

Мария Андреевнанинг эри лаблари оппоқ оқариб, дами ичи-
да тушиб жим турарди.

— Ҳозир гапириб бераман, ҳаммасини ўз кўзим билан кўр-
дим, — деди Люся жуда секин ва ниҳоятда жиддий бир оҳанг-
да. — Боя богда китоб ўқиб ётган эди, ёнига бир бола девордан
сакраб ошиб тушди. Валя ётаверди, кейин туриб ўтирди, икков-
лари анчагача гаплашиб ўтиришди, кейин Валя сакраб турди-
да, икковлари девордан кўчага сакраб, аллақайёққа чопиб ке-
тишди.

Мария Андреевнанинг кўзлари қотиб қолгандай:

— Қайёққа кетишди? — деб сўради.

— Бог томонга... Одеял, ёстиқ китоб қолганича қолаверди.
Мен уни ҳозир қайтиб келар деб, қараб турдим, қайтавермага-
нидан кейин уйга олиб кириб қўйдим.

Мария Андреевна:

— Ё худо... — деди-да, вазмин тортиб ерга ўтириб қолди.

УН ЕТТИНЧИ БОБ

Вера буви билан Елена Николевна эса ҳамон жасмин ораси-
да туриб бутун кўчани осмонга кўтарган ва бирин-кетин кўп-
рикдан ўтиб келаётган баҳайбат, баланд, чўзинчоқ юк машина-
ларига, улардаги кул ранг куртка, ягири чиқиб кетган пилотка
кийган, чанг босган, офтобдан қорайган, терлаб пишган ва мил-
тиқларини тиззалари орасига қўйиб, қатор ўтирган немис сол-
датларига қарар эдилар. Ҳамма қўралардан югуриб чиққан ит-
лар қутурганча вовиллаб, машиналарга ирғир, сап-сарик чанг
ицида югуришар эди.

Офицерлар тушган энгил машиналар Кошевойлар уйи ёнидан
ўтиб бораётган эди, бирдан аёлларнинг орқасидан вовиллаш
эшитилди-да, пахмоқ қора бир ит кунгабоқар ичидан коптокдай
отилиб чиқиб, ҳовли деворидан кўчага сакраб ўтиб кетди, сўнг-
ра, худди қари итдай бўғилиб-бўғилиб вовиллаб, олдинги ма-
шина атрофида югура бошлади.

Хотинлар даҳшатга келиб, бир-бирларига қарашди. Улар,
ҳозир бирон даҳшатли ҳодиса юз беради деб ўйлашган эди, йўқ
ҳеч қандай қўрқинчли ҳодиса бўлмади. Машина тўғри паркка
қараб ўтиб кетди-да, «Краснодонуголь» трестининг биноси ёнига
бориб тўхтади, унинг кетидан бошқа энгил машиналар ҳам етиб
келди. Шу вақтда кўча солдат ортган машиналарга тўлиб кетган

ёди. Солдатлар машиналардан ирғиб тушиб, увишиб қолган қўл ва оёқларини ёзар, рус қулогига ёт гапларни айтишиб бақиришиб, ҳовли-ҳовлига тарқалишар, эшикларни қоқишарди. Одамларнинг кўплигидан эси чиқиб кетган қора пахмоқ ит эшик ёнида туриб, кўчага қараб вовиллагани вовиллаган эди.

Офицерлар трест ёнида папирос чекишиб туришар, деньшиклар эса уйга чамадон ташиш билан овора эди. Қорни семиз ва калласи билан ҳеч иши бўлмай, олди томони тикка кўтарилган фуражка кийган бир офицер машиналардан юк туширувчиларга қараб турарди. Оёқлари узун-узун ёш бир офицер гавдаси катта, бесўнақай, оёғига қўпол ботинка, сап-сарик сочли калласига пилотка қўндирган бир солдат билан бирга кўчани илдам кесиб ўтди-да, Проценко турган уйга кириб кетди. Бироқ бир минут ҳам ўтмай, офицер билан солдат у ердан чиқиб, унинг ёнидаги ҳовли калиткасига кириб кетишди. Бу ҳовлида ҳам обком ходимлари турар эди, аммо улар квартира эгалари билан бирга бир веча кун илгари кўчиб кетишган эди. Офицер билан солдат бу ҳовлидан қайтиб чиқиб, Кошевойлар ҳовлисига кирадиган эшикка томон юришди.

Қора пахмоқ ит ниҳоят ўз устига бостириб келаётган душманни кўрди-да, ёш офицерга вовиллаб югурди. Офицер узун оёқларини тираб тўхтади-да, юзида болаларга хос шўхлик аломати пайдо бўлиб, тишлари орасидан сўкинди, сўнгра тўппончасини қинидан чиқариб, итнинг пешонасига қараб отди. Ит тумшуғи билан ерга йиқилди-да, вангиллаганча офицерга қараб бир оз эмаклар бориб, чўзилиб жон берди.

— Итни ўлдирди-я... Энди нима бўларкин? — деди Вера буви.

Трест ёнида турган офицерлар ва кўчада турган солдатлар тўппонча овозини эшитиб, қайрилиб қарашган эди, ўлиб ётган итни кўриб, яна ўз ишлари билан машгул бўлишди. Гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда ўқ овози эшитилиб турарди. Гавдаси катта ва малла сочли солдат билан кетаётган офицер Кошевойларнинг эшигини очаётган эди, Вера буви, Данте Алигьерига ўхшаган бошини баланд кўтариб, уларга қараб юра бошлади. Елена Николаевна эса бошига ўраган олтин сочларини икки қўли билан ушлаганича, жасмин ичида қола берди.

Узун оёқ офицер Вера бувининг олдига келиб тўхтади ва бувининг бўйи ҳам новча бўлса-да, совуқ, нурсиз кўзлари билан юқоридан пастга қараб:

— Сизнинг уйингизни ким кўрсатади? — деб сўради.

У, назарида бу сўзни тоза рус тилида гапирган бўлиб, Вера бувига, сўнгра жасмин ичида қўлларини бошига кўтариб турган Елена Николаевнага қаради, кейин яна бувига қаради.

— Нима қилиб турибсан, Лена? Кириб кўрсат, — деди хижолат ичида Вера буви, овози бўғилиб.

Елена Николаевна, сочларини қўли билан ушлаганича, полиз оралаб уйга қараб юрди.

Офицер бирмунча вақт унга ҳайрон бўлиб турди-да, кейин кампирга қаради.

— Хўш? — деди у, сариқ қошларини чимириб; эрка ўсган бу бойваччанинг юзи инжиқ тус олди.

Вера буви оёқлари чалишиб, уй томонга қараб елиб кетди. Офицер билан деньшик унинг кетидан кетишди.

Кошевойларнинг уйи уч хона-ю, ошхонадан иборат эди. Ошхонадан тўғри икки деразаси Садовая кўчасига параллель бошқа кўчага қараган ва овқатхона деб аталган катта уйга кириларди. Елена Николаевнанинг каравоти ва одатда Олег ётиб юрадиган диван ҳам шу ерда турарди. Шу хонанинг чап томонидаги эшикдап Николай Николаевич ўз болалари билан турадиган бўлмага кириларди. Унг томондаги эшикдан яна бир кичкина хонага кириларди, у ерда кампир ётиб юрарди. Бу бўлма деворининг орқаси ошхона бўлиб, плита ҳам шу деворга ёпишган эди, плитага ўт ёқадиган пайтларда, айниқса ёз пайтлари, уй ичи жуда ҳам исиб кетарди. Аммо, қишлоқ аёллари сингари, Вера буви ҳам иссиқни яхши кўрарди, агар уй ҳаддан ташқари исиб кетадиган бўлса, ҳовлига қараган деразани очиб қўярди, дераза тагига бир неча туп сирень гул экилган эди.

Офицер ошхонага кириб, ҳамма ёқни тезда кўздан кечириб чиқди; кейин эшикдан энгашиб, овқатхонага кирди-да, атрофга назар ташлади. Уй унга ёққандай эди. Хона чиннидек оқланган, топ-тоза, бўялган полга уйда тўқилган поёндоз солинган, столга оппоқ дастурхон ёзилган, Елена Николаевна каравотидаги чойшапалар ҳам оппоқ, бири катта, бири кичик икки юмшоқ ёстиқ дўппайиб, устига қандайдир тўр рўмол ёпиб қўйилган эди. Деразаларга гул териб қўйилган эди.

Офицер эшикдан бошини эгиб, дарров Коростилевларнинг бўлмасига ҳам кирди. Сочларини қачон ва қандай қилиб танғиб олганини ўзи ҳам билмаган Елена Николаевна эшикка суяниб, қуюқ сочли бошини эгиб турганича овқатхонада қолаверди. Вера буви немиснинг кетидан кириб кетди.

Мўъжазгина ёзув столи, бежирим сиёҳдон турган ва стол-

нинг бир ёнида, деворга рейшина, уч бурчак ва лекало осиглиқ бу уй ҳам немисга ёқди.

— Schön! — деди у, кўнгли тўлиб.

Бирдан унинг юзи Мария Андреевна кирганда Елена Николаевна ётган, кўрпалари ғижим каравотга тушди. У, тезда каравот ёнига борди-да, кўрпа ва чойшапларни очиб ташлаб, жирканиб икки бармоғи билан тўшакни кўтарди ва энгашиб, ҳидлаб кўрди.

— Қандала йўқми? — деб сўради Вера бувидан, бурнини чимириб.

— Қандала йўқ... Йўқ, — деди-да, Вера буви жирканиб, бошини чайқади.

— Schön! — деди немис ва эшикдан энгашиб, овқатхонага қайтиб чиқди.

Вера бувининг уйига кирмай, шундай қараб қўя қолди ва шартта бурилиб Елена Николаевнага қараб:

— Бу ерда генерал барон фон Венцель туради, — деди. — Мана бу икки уй бўшатилинсин, — деди овқатхона билан Коростилевларнинг уйини кўрсатиб. — Сиз мана бу уйда туришингиз мумкин, — Вера бувининг уйчасини кўрсатди. — Бу уйлардан нима керак бўлса ҳозир олинг... Мана бу, мана бу чиқариб ташлансин, — деди икки бармоғи билан оппоқ чойшап, кўрпаларни жирканиб ушлаб. — Ана у уй ҳам... тозалаб қўйилсин... Дарров! — деди-да, ўзини дарҳол четга олган Елена Николаевна ёнидан ўтиб, чиқиб кетди.

— Қандала йўқми деб сўрайдими? Вой қирилгур-ей!.. Вера бувининг қариган чоғида кўрмаган-эшитмагани шу қолувдими? — деди Вера буви жаҳли билан. — Лена! Ҳой, хода ютдингми, нима бало бўлди сенга? — деб баттар жаҳли чиқарди, унинг. — Анови барони учун жойни тайёрлаб қўйиш керак, ахир, ер ютсин уни! Ўзингни қўлга ол пича! Толеимиздан бўлиб барон киргани ҳам яхши гап, бошқалардан кўра тузукроқдир...

Елена Николаевна бир нима демасдан кўрпа-ёстигини йиғиштириб, кампирнинг уйига кириб кетганича, шу-шу чиқмади. Вера буви ўғли ва келини турган уйдаги кўрпа-ёстиқларини, ўғли ва набираси Олегнинг стол ва деворлардаги суратларини йиғиштириб («буларинг ким» деявериб бошни қотирмасин деб), комодга солиб қўйди, ўзига ва қизига қарашли кийим-кечакларни («яна у ер ютгурлар титиб-питиб юрмасин» деб) ўз уйига киритиб қўйди.

Шундай бўлса-да, Вера бувининг юраги сикилиб, ҳовлига чиқди. Кўча эшикдан яна ўша, дароз малла тулки ва семиз юзига малла сепкил тошган деньшик кўринди; у, икки қўлида чарм жилдлик иккита катта узун чамадон кўтариб кирди. Унинг кетидан бир солдат учта автомат милтиқ, иккита муазер, кумуш қинли қилич, яна икки солдат — бири чамадон, бири кичкина, аммо оғир радиоприёмник кўтариб киришди. Улар, кампирга қарамай, тўғри уйга кириб кетишди.

Шу онда жуда ориқ, новча, чанг босган ялтираган ботинка, олди томони баланд кўтарилган фуражка кийган, кекса, топ-тоза ювилган юзини ажин босган, кекирдаги чиққан генерал эшикдан ҳовлига кириб келди, унинг кетидан оёқлари узун офицер тавозе билан энгашиб келарди.

Генерал икки сидра лампас солинган кул ранг шим, оч тилла тугмали, қора ёқасига қизил парчага олтин ҳал билан хурмо барги сурати тикилган френч кийган эди. Генерал, узун бўйнига қўндирилган, икки чаккасига оқ тушган узун калласини ғоз кўтариб нималарнидир буюриб келарди. Унинг кетидан бошини қўйи солиб келаётган офицер тавозе билан унинг ҳар бир сўзини илиб олар эди.

Генерал ҳовлига кириб тўхтади-да, фуражкеси бўйнига қўндирилган узун калласини айлантириб, атрофга кўз ташлаб чиқди, бундан ва айниқса бошидаги олд томони кўтарилган ва соявони узун фуражкасидан у ғозга ўхшарди. Генерал атрофга қаради, аммо унинг бетида ҳеч ниманинг аломати кўринмади. Билагингичка қўли ва бармоқлари билан бутун атрофни кўрсатиб, бир нарса деб пўнгиради. Офицер бошини ундан ҳам пастроқ қилиб тинглади.

Генерал атрофга турли-туман атир ҳиди сочиб, рангсиз ва чарчаган кўзлари билан Вера бувига бир қаради-да, эшикдан бошини эгиб, уйга кириб кетди. Узун оёқ офицер эшик олдида турган солдатларга «ҳеч қаёққа кетманг» деб имо қилди-да, генерал кетидан кириб кетди. Вера буви ҳовлида қолди.

Бир неча минутдан сўнг офицер қайтиб чиқиб, худди генерал ишорасига тақлид этиб, бутун ҳовлини кўрсатди-да, қисқа буйруқ берди. Солдатлар, турган жойларида орқага бурилишди-да, пошналарини бир-бирига уриштириб, бирин-кетин ҳовлидан чиқиб кетишди, офицер эса яна уйга кириб кетди.

Полиздаги кунгабоқарлар юзини ғарбга ўнгирган, жўякларга узун-узун соя тушиб қолган эди. Кўчадан, жасмин тупларининг орқасидан, бегона кўтаринки овоз, кулги, ўнг томондан, кўп-

рикдан, ҳамон моторларнинг тириллаши, гоҳ у томондан, гоҳ бу томондан ўқ овозлари, итларнинг вангиллаши, товуқларнинг қақиллаши эшитилиб турарди.

Вера бувига таниш бўлиб қолган икки солдат қўлларида болта ушлаб, яна эшикдан кириб келишди. Кампир бу болта нимага керак бўлиб қолган экан деб ўйлашга улгурмаган ҳам эдики, иккала солдат — бири эшикнинг ўнг томонига, иккинчиси чап томонига ўтиб, девор бўйлаб экилган жасмин тупларига болта солиб юборди.

— Ҳой, нима қилаётибсизлар, сизларга зарари тегаётгани йўқ-ку! — дея чидаб туролмади Вера буви ва немисларга қараб югурди. — Ахир, бу гул-ку, чиройли, хушбўй гул-ку! Сизларга нима зарари бор? — дерди у газабланиб; у гоҳ бир солдатга югурарди, гоҳ бошқасига отиларди, уларнинг сочини юлиб олгундай газабланган эди.

Солдатлар унга назар ҳам ташламасдан, индамай, бурунларини торта-торта, гулларни кеса беришди. Кейин улардан бири ўртоғига бир нарса деди, — иккови кулди.

— Тагин кулади-я! — деди кампир жирканиб.

Солдат қаддини ростлади, енги билан пешона терини сидириб, кампирга кулиб қаради-да, немис тилида:

— Бу — юқоридан берилган буйруқ. Ҳарбий жиҳатдан зарур. Кўряпсиз-ку, ҳамма ерда кесишяпти, — деб қўлидаги болтаси билан қўшни боғни кўрсатди.

Унинг гапига кампир тушунмади, аммо солдат кўрсатган томонга қараб, қўшни боғда, унинг нариги ёғида, орқасида, хуллас ҳар томонда немис солдатларининг дарахт ва гулларни кесиб ташлаётганини кўрди.

— Партизанен — пақ-пақ! — дерди немис солдат ва партизанларнинг қандай қилиб отишини тушунтирмақ учун дарахт орқасига тиз чўкиб, кир тирноги ўсиб кетган бармогини ўқталди.

Кампирнинг бирдан ҳафсаласи пир бўлиб, қўлини силкитди-да, солдатлар ёнидан кетиб, эшик зинасига бориб ўтирди.

Кўча эшигидан бошига оқ ошпаз қалпоғи ва оқ халат кийган бир солдат кириб келди; халати тагидан кул ранг шими ва таги ҳам пошнаси ёғочдан қилинган қўпол ботинкаси чиқиб турарди. У, бир қўлида идиш-товоқ солинган сават, бир қўлида мис кострюлька кўтариб келарди. Унинг кетидан яғири чиқиб кетган куртка кийган бир солдат тоғорада бир нарса кўтариб келаётган эди. Улар кампир ёнидан ошхонага кириб кетишди.

Бирдан уй ичидан, худди бўлак дунёдан учиб келгандек му-

зика, тарақлаган овоз, немисча сўзлар, сўнгра яна тарақлаган овоз, яна узиқ-узиқ музика эшитилди.

Кўчанинг у бошидан-бу бошигача солдатлар ҳамма дарахт ва гулларни кесиб ташлашди. Энди кўчанинг ўнг томони ҳам, чап томони ҳам яп-яланг очиқ бўлиб, унда немис солдатлари ва мотоциклчилари елиб-югуриб қолишди.

Бирдан Вера бувининг орқасидан майин ва гўзал музика овозлари эшитила бошлади. Краснодардан алақандай йироқ бир жойда бу ердаги воқеаларга ҳеч қандай муносабати бўлмаган осойишта, тинч ва табиий ҳаёт ҳукм сурарди. Бу музикани эшитувчилар урушдан, кўчаларда елиб юрган ва дарахт ҳам гулларни кесиб юрган мана бу солдатлардан ва Вера бувидан анча йироқда турардилар. Ҳаёт дарахтларни кесаётган солдатларга ёт бўлса керакки, улар бошларини ҳам кўтаришмади, музикага қулоқ ҳам солишмади, бу музика ҳақида бир-бирларига бир оғиз гап ҳам айтишмади.

Улар ҳамма дарахт ва гулларни, ҳатто Вера буви деразаси ёнидаги тупларни ҳам кесиб бўлиб, олтин бошларини ғарбга қаратган кунгабоқарларни кеса бошлашди. Кунгабоқарларни ҳам кесиб бўлгач, энди партизанлар ҳеч қандай «пақ-пақ» этолмайдиغان бўлиб, ҳамма ёқ кафтдек яланг бўлиб очилиб қолди.

ЎН САККИЗИНЧИ БОБ

Ҳар хил немис қўшин турларидан бўлган солдат ва офицерлар шаҳарнинг ҳамма маҳалларига тарқалишиб, жойлашиб олган эди, фақат катта «Шанхай», кичик «шанхайчалар», узоқ Голубятники райони ва Валя Борц турадиган Деревянная кўча ҳали немислардан холи эди.

Шаҳар кўчаларида маҳаллий халқ сира кўринмас эди, ҳамма ёқни кир кул ранг тусли мундир, пилотка ва кумуш герман бургут тамғаси тақилган фуражка босиб кетган эди. Кул ранг мундирлар ҳовли ва полизларга ёйилиб кетар, уларни уй, сарой, омбор ва складларнинг эшикларида кўриш мумкин эди.

Осьмухин билан Земнуховлар турадиган кўча юк машиналарда келган немислар дастлаб эгалланган кўчалардан бири эди. Бу кўча анча кенг бўлиб, юк машиналари бемалол сиғар эди; ammo совет авиациясининг кўзи тушишидан қўрққан солдатлар, ўз бошлиқларининг буйруғига амал қилиб, машиналарни ҳовлига, иморатлар панасига кира оладиган қилиб, ҳамма ерда пастак ёғоч деворларни бузиб ташлашган эди.

Солдатлар сакраб-сакраб тушиб бўшаб қолган, қуйма шиналик, қўшалоқ гилдираклик баланд ва узун машина моторини гуриллатиб, Осьмухинлар кўрасининг гулзорига орқаси билан тисланиб кира бошлади. Девор тарақлаб синиб кетди. Машина бутун атрофга бензин ҳиди сочиб, уй олдидаги гулзорни поймол қилиб, ҳовлига кирди-да, девор ёнига келиб турди.

Узи қоп-қора, қора мўйлови олдинга қараб дўппайиб турган, қора сочлари, юз-чаккалари ва пилотка остидан бўйинини намат сингари қоплаб олган олифта бир ефрейтор даҳлиз эшигини оёғи билан тепиб очиб, бир тўда солдатлар билан Осьмухинлар уйига кирди.

Елизавета Алексеевна билан, Люся, иккови худди бир-бирига ўхшаб, Володянинг каравоти олдида ғайри-оддий қиёфада кеккайиб ўтирар эдилар. Володя ҳаяжонланиб ва бу ҳаяжонини онаси ва сингисига билдирмасликка тиришиб, иягигача чойшап ёпиниб, жигар ранг кўзларини қимирлатмасдан тик қараб ётарди. Аммо даҳлизда дукур-дукур эшитилиб, сўнгра терлаб-пишган ефрейтор билан солдатлар очиқ турган эшикдан кириб келганда, Елизавета Алексеевна бирдан ўрнидан турди-да, ўзига хос кескин ва жиддий тус олиб, немислар олдига чиқди.

Ефрейтор сурбетларча илжайиб, аммо Елизавета Алексеевнага дўстона қараб:

— Жуда яхши,— деди.— Бу ерда бизнинг солдатлар туради... Фақат икки-уч кеча. *Nur zwei oder drei Nächte.* Жуда яхши.

Унинг орқасида турган солдатлар Елизавета Алексеевнага илжаймасдан жим қараб туришарди. Елизавета Алексеевна Люся билан ётиб юрадиган уй эшигини очди. У, немислар келмасдан бурун, агар немислар келиб турадиган бўлса, Люся билан иккови Володя бўлмасига кўчиб чиқишга, ҳаммалари бирга шу уйда туришга қарор қилиб қўйган эди. Бироқ ефрейтор бу уйга кирмади, ҳатто қарамади ҳам, — у, Володя ёнида тикка ўтирган Люсяга очиқ эшикдан кўзини узмай тикилиб қараб қолган эди.

— Оҳ!— деди ефрейтор, Люсяга илжайиб қараб ва честь бериб.— Акангиз бўладими? — деди қоп-қора бармоғи билан Володяни кўрсатиб.— Ярадорми?

— Йўқ,— деди Люся бирдан қип-қизариб кетиб.— Бетоб ётибди.

— Бу қиз немисча билар экан-ку! — деди ефрейтор кулиб ва даҳлизда ҳамон кулмай турган солдатларга қайрилиб қаради.— Сиз акангизнинг қизил солдат ёки партизанлигини ва ярадор-

лигини яширмоқчи бўласиз, ammo биз буни дарров текшириб биламиз, — деди ефрейтор, ўзининг қоп-қора ва ялтироқ кўзлари билан Люсяга кулиб қараб.

— Йўқ, йўқ, бу ўқувчи бола, энди ўн еттига кирган, операциядан кейин бетоб бўлиб ётибди, — деб жавоб берди Люся шошиб.

— Қўрқманг, акангизга тегмаймиз, — деди ефрейтор, Люсяга жилмайиб қараб. Кейин яна честь берди-да, Елизавета Алексеевна кўрсатган уйга қаради. — Жуда яхши! Бу эшик қаёққа чиқади? — деб сўради Елизавета Алексеевнадан ва жавоб кутмасдан, ошхона эшигини очди. — Жуда соз! Ҳозир печга ўт ёқилсин! Товуғингиз борми... Тухум! Тухум! — деб яна худди дўстона гап қилаётгандай тиржайиб қўйди.

Уруш бошланганидан бери неча ойдан буён кўрган-билган одамларнинг оғзиди, газеталардаги мақолаларда ва карикатураларда немисларнинг бу қилиқ ва гаплари латифа бўлиб кетган эди, энди худди шу гапнинг ўзини эшитиш ниҳоятда қизиқ эди.

— Фридрих, сен овқат тараддудини қил, — деди ефрейтор ва солдатлар билан бирга Елизавета Алексеевна кўрсатган уйга кириб кетди. Бутун уйни гап ва кулги босиб кетди.

— Ойи, гапини фаҳмладингми? Улар тухум сўраяпти ва печга олов ёқилсин деяпти — деб...

Елизавета Алексеевна ҳамон даҳлизда қотиб турарди.

— Тушундингми, ойи? Ўтин келтирайми?

— Ҳаммасига тушундим, — деди она, қиёфасини ўзгартмай ва ниҳоятда осойишталик билан.

Ияги туртиб чиққан пилотка тагидан қошигача доғ, ёши ўтиб қолган бир солдат уйдан ташқарига чиқди.

— Фридрих сен бўласанми! — деб сўради Елизавета Алексеевна осойишталик билан.

— Фридрих! Фридрих мен бўламан, — деди қовогини солиб солдат.

— Юр... мен билан бирга ўтин олиб келишасан... Тухумни ўзим олиб келаман.

— Нима? — деди солдат, тушунмай.

Елизавета Алексеевна қўли билан ишора қилиб, даҳлизга чиқди. Унинг кетидан солдат ҳам чиқди.

— Ҳа, — деди Володя, Люсяга қарамай. — Эшикни ёпиб қўй.

Люся бирон нарса дермикин деб, эшикни зичлаб ёпди. Ammo эшикни ёпиб, унинг ёнига келганда, Володя кўзларини юмиб, индамай ётарди. Шу пайтда белигача яланғоч, баданлари-

ни жун босиб кетган, қоп-қора ефрейтор елкасига сочиқ осилтириб, совундон ушлаганича эшикни тақиллатмай уйга кирди.

— Уйингизда умивальник борми! — деб сўради.

— Биэда умивальник йўқ, ҳовлига чиқиб, бир-биримизга сув қуйиб ювинамиз, — деди Люся.

— Қандай ёввойилик бу! — деди ефрейтор, қалин пошналар сариқ ботинка кийган оёқларини кериб, Люсяга жилмайиб туюрди. — Отингиз нима!

— Людмила.

— Нима?

— Людмила.

— Тушунмадим. Лю... Лю...

— Людмила.

— Ҳа! Luise! — деди ефрейтор, ахир қаноат ҳосил қилиб. — Немисча гаплашасиз-ку, лекин кружкадан сув қуйиб ювинаркансиз-а, — деди жирканиб. — Жуда ёмон.

Люся индамади.

— Қишда нима қиласизлар! — деди ефрейтор. — Ҳа-ҳа!.. Ёввойилик-ку, бу! Қани, сувдан қуйиб юборинг-чи, бўлмаса!

Люся ўрнидан туриб, эшикка қараб юрди; ефрейтор жун босган қоп-қора баданини кўрсатиб, оёқларини керганича, Люсяга тик қараб, илжайиб турарди.

Люся унинг олдига келиб, бошини қуйи солиб, қип-қизариб тўхтади.

— Ҳа-ҳа... — деди ефрейтор яна бир оз туриб, кейин йўл берди.

Икковлари равонга чиқдилар.

Икки орада ўтган гапни тушунган Володя кўзини юмиб ётарди, унинг бадани юрак уришдан титрарди. Агар у соғ бўлганда, Люсянинг ўрнига немисга ўзи сув қуйиб берарди. Ўзи ва бутун оиласи хўрланганидан ва бундан буён ҳам шу хўрликда яшайдан уялар ва аҳволини билдирмаслик учун кўзини юмиб, юраги гуп-гуп уриб ётарди.

У, немис солдатлари нағал қоқилган оғир ботинкаларини дукиллатиб даҳлиздан равонга чиқиб, уйга кириб юришларини эшитиб ётарди. Онаси равонда туриб ўткир овози билан бир нима деди-да, кавушини судраб, ошхонага ўтиб кетди, сўнгра яна равонга чиқди. Люся секин-аста уйга кириб, эшикни ёпди, — ўрнига онаси сув қуярди.

— Володя! Бирам даҳшатки! — деди Люся, овозини пасайтириб. — Ҳамма ёқда деворларни бузиб ташлашибди, бутун

гулзорлар поймол қилинган, солдат кирмаган ҳовли йўқ. Қўй-лакларини ечиб, бит қоқишади. Бизнинг эшигимиз олдида бўлса, солдатлар қип-яланғоч бўлиб, челақдан сув қуйиб чўмилиш-япти. Қусиб юборишимга сал қолди.

Володя кўзини чирт юмиб, жим ётарди.

Ҳовлида товуқ қақиллай бошлади.

— Фридрих товуқларимизни сўя бошлади, — деб бирдан ғазабланиб кетди Люся.

Ефрейтор ҳар ёққа пуфлаб, ҳар турли овоз чиқариб, — сочиқ билан артиниб келаётган бўлса керак, — даҳлиздан уйга ўтиб кетди, у ердан бирмунча вақтгача бақувват, соғлом одамнинг хушчақчақ товуши эшитилиб турди. Елизавета Алексеевна унга алланималар деб жавоб берарди. Бир оздан сўнг у, ўралган кўрпа-ёстиқни кўтариб Володянинг бўлмасига кирди-да, бир бурчакка қўйди.

Ошхонада бир нималар пиширилар, қовурилар эди, ҳатто пиёздоғ ҳиди ёпиқ эшиқдан ўтиб кирар эди. Ҳовли кирди-чиқди бўлиб қолди, ҳамма вақт бировлар келиб, бировлар кетиб турар эди. Ошхонадан, ҳовлидан, ефрейтор ва солдатлар жойлашган хонадан немисча сўзлар, кулги эшитилиб турарди.

Тил ўрганишга қобилияти зўр бўлган Люся, мактабни битиргач, бутун уруш йили махсус немис, инглиз, француз тилларини ўрганди, — у келгусида дипломатия соҳасида ишламоқ учун Москвадаги чет тиллар институтига кириб ўқишни орзу қиларди. Солдатларнинг дағал ёки ҳазил аралаш гапларини у истаса ҳам, истамаса ҳам эшитар ва тушунарди.

— Э-э. Адам огайни! Яхшимисан,.. Адам, қўлингдаги нима?

— Украинча чўчка мойи. Сизларга шерик бўлмоқчиман.

— Жуда соз! Конягинг борми? Йўқми? Бўлмаса, hol's der Teufel!... рус ароғини ҳам ичаверамиз.

— Кўчанинг нариги томонидаги бир чолникида асал бор дейишади.

— Ҳозир Гансхейни юбораман. Фурсати келганда фойдаланиб қолиш керак. Ким билади, яна қанча турар эканмиз, яна нималар бўларкин.

— Яна нималар бўлар экан! Олдимизда Дон билан Кубань бор-да! Балки, Волга ҳам бордир. Ташвишланма, у ерда бундан ёмон бўлмайди.

— Ҳар ҳолда, бу ерда тирикмиз-ку!

— Падарига лаънат, бу кўмир конларни! Нуқул шамол, чанг, лой, ким кўринган сенга кўзини олайтириб қарайди.

— Сенга қаерда меҳрибон кўз билан қарашган эди? Нега энди сен уларга бахт келтирдим деб ўйлайсан? Ҳа-ҳа!..

Даҳлизга кимдир кирди-да, хотинчалиш овоз билан.

— Heil Hitler! — деб қичқирди.

— Тьфу, падарингга лаънат, Петер Фенбонг экан-ку бу! Heil Hitler!, Verdammst noch mal¹ биз сени ҳали қора кийимда кўрганимиз йўқ! Қани, кўрсат-чи... Ҳой йигитлар, бу Петер Фенбонгга қаранглар? Чегарада кўришганимиздан буён энди кўришибмиз-а!

— Мени соғиниб қолгандай гапирасизлар-а, — деди хотинчалиш товуш илжайиб.

— Петр Фенбонг! Қайси шамол учириб келди?

— Яхшиси, қаерга деб сўра! Биз шу гўрда қолишга буйруқ олдик.

— Кўкрагингдаги значолинг қанақа?

— Ротенфюрер унвонини олганман.

— Йўғ-е! Семириб кетганинг ҳам бежиз эмас экан-да, СС қисмларида яхшироқ боқсалар керак дейман!

— Менимча, ҳали ҳам ечинмасдан ётса керак, ювинмаса керак, ҳидидан билиб турибман.

— Ҳазил қиладиган бўлсанг, кетидан пушаймон емайди гап ҳазил қил, — деди хотинчалиш товуш.

— Кечир азизим Петер, биз эски қадрдонмиз-ку, шундай эмасми? Солдатнинг ҳазилдан бошқа нимаси қолди дейсан? Қаёқдан келиб қолдинг?

— Уй қидириб юрибман.

— Сен-а, уй қидириб юрибсанми? Энг яхши уйлар олдин сизларга тегади-ку.

— Биз касалхона биносини эгалладик, жуда катта бино экан. Аммо менга уй керак.

— Биз бу ерда етти кишимиз.

— Кўрдим... Wie die Heringe!²

— Сенинг омадинг келди. Аммо эски биродарларингни унутма. Биз шу ердалигимизда келиб тур.

Бунга жавобан, хотинчалиш товуш бир нима деган эди, ҳамма кулиб юборди. У нағал қоққан ботинкасини дукиллатиб, чиқиб кетди.

— Ғалати одам-да, шу Петер Фенбонг!

¹ Вой занғарей!

² Тиқилишиб ётибсизлар!

— Ғалати дедингми? У ишини билиб қилади ва тўғри қилади.

— Менга айт-чи: сен уни бирон вақт яланғоч эмас, ҳатто ички кўйлақда кўрганнинг борми? У бир умр ювинмайди!

— Менимча, баданини яра босиб кетган бўлса, кўрсатишдан уялса керак. Фридрих, чаққонроқ бўлсанг-чи!

— Менга дафна дарахт барги керак бўлиб қолди, — деди қовоғи солиқ Фридрих.

— Сен, уруш тугаб қолди-ю, ғолиблар тақадиган гулчамбар тақиш пайти келди, деб ўйлайсанми?

— Бу урушнинг охири йўқ, чунки биз бутун дунё билан урушяпмиз.— деди қовоғи солиқ Фридрих.

Елизавета Алексеевна бир қўли билан дераза токчасига суяниб, хаёл суриб ўтирарди. Деразадан унга кечки қуёш нурларига чўмган катта майдон кўринарди. Майдоннинг нариги чеккасида, уларнинг уйининг рўпарасида иккита катта бино бор эди, бири — каттароғи — Ворошилов номидаги мактаб бўлиб, иккинчиси — кичикроғи — болалар касалхонаси эди. Мактаб ҳам, касалхона ҳам кўчиб кетган, бинолар бўш ётар эди.

— Люся, ана унга қара, нима у? — деди бирдан Елизавета Алексеевна ва деразадан синчиклаб қарай бошлади.

Люся дераза ёнига югуриб келди. Бояги икки бинонинг чап томонидан майдон кесиб ўтган, чанги тиззага чиқадиган йўлдан қандайдир одамлар тизилиб борарди. Олдинига Люся бу одамларнинг кимлигини билолмай турди. Устларига одми халат кийган бош яланг эркак ва хотинлар йўлдан судралиб борар; баъзилари қўлтиқ таёқ билан, баъзилари эса занбилларда касаларними, ёки ярадорларними, зўрға кўтариб борарди. Бошларига оқ дуррача боғлаган ва халат кийган аёллар, шаҳарнинг оддий эркак ва аёл фуқаролари елкаларида оғир тугун кўтариб борардилар. Одамлар болалар касалхонаси олдига йигилган; оқ халат кийган икки аёл эса касалхона эшигини очишга уринарди.

— Шаҳар касалхонасида ётган касаллар-ку! Уларни ҳайдаб чиқаришибди-да! — деди Люся. — Эшитдингми? Тушундингми? — деди у, Володяга қараб.

— Ҳа, ҳа, эшитдим, дарҳол касаллар нима бўларкин деб ўйладим. Мен ҳам ўша ерда ётиб чиққан эдим. У ерда ярадорлар ҳам бор эди-ку! — дерди Володя ҳаяжон ичида.

То уларнинг диққатини немис солдатларининг вағир-вугури жалб этмагунча, Люся билан Елизавета Алексеевна бир-бирлари билан бирмунча вақт шивирлаб сўзлашиб ва кўрганларини Во-

лодыга гапириб бериб ўтирдилар. Овозларга қараганда, ефрейторнинг уйида ўн-ўн икки киши тўпланган эди. Баъзилари келиб, баъзилари кетиб турарди. Оқшом соат еттиларда улар овқатга ўтиришган эди, ammo кеч кириб, қоронги тушибди ҳамки, улар овқатдан бошларини кўтармас, ошхонада эса, яна алланималар қовурилар эди.

Даҳлизда солдатларнинг дукур-дукури тинмасди. Ефрейторнинг уйидан кружкаларнинг уриштирилган овозлари, тостлар, қаҳ-қаҳ кулги эшитиларди. Сўхбат гоҳ авжга чиқиб кетар, гоҳ уйга янги таом киритилганда босиларди. Овозлар борган сари маст-аласт, бемаъни бўлиб борарди.

Уй эгалари ўтирган уй ниҳоятда дим эди: ошхонадан иссиқ ва тутун урар, уй эгалари эса ҳали ҳам деразани очишга ботинмас эдилар. Уй қоронги эди: худди гаплашиб қўйгандек, чирок ёқишмади.

— Қоп-қоронги июль тунни бошланган бўлса-да, улар кўрпа-ёстиқ солмай, ётишга ботинолмай, ўтириб чиқишди. Майдонда энди ҳеч нарса кўринмас, фақат майдоннинг ўнг томонидаги чўзинчоқ паст-баланд тепаликнинг район ижрокоми биноси ва «қутурган бой» иморати тушган қирраси ёруғ осмонда аниқ кўриниб турарди.

Ефрейторнинг уйида ашула бошланди. Ашулани оддий маст одамлардай эмас, гирт маст немислар айтгандай бир-бирдан сира фарқ қилмайдиган йўғон овоз билан бўғилиб айтишарди; улар йўғон ва баланд овоз билан айтишга тиришганларидан товушлари бўғилиб, хириллаб қолган эди. Кейин улар яна қадаҳ уриштиришар, яна ашула бошлар, яна овқат ейишга киришиб, анчагача жим бўлиб қолишарди.

Бирдан даҳлиздан биров дукур-дукур этиб юриб келди-да, уй эгалари ўтирган хона эшиги ёнида тўхтади, — эшик олдига келган одам қулоқ солиб тургандай бўлди.

Эшикни биров бармоғи билан қаттиқ қоқди. Елизавета Алексеевна уйкуга кетишган экан деб ўйласин, дегандай қилиб эшикни очма, деб имо қилди. Эшик яна қоқилди. Бир неча дақиқадан кейин эшикни мушт билан урди, эшик очилиб, қоп-қора калла суқилиб кирди.

— Ким бор? — деб сўради ефрейтор рус тилида. — Хўжайка!

Елизавета Алексеевна стулдан рўй-рост туриб, эшик олдига борди.

— Сизга нима керак эди? — деб секин сўради ефрейтордан.

— Мен ва солдатларим биз билан бирга баҳам кўрсангиз деган эдик... Сен ва Луиза жиндак,— деб қўшиб қўйди у.— Баранчук ҳам!.. Унга ҳам олиб келиб беришингиз мумкин. Жиндак.

— Биз овқатланиб бўлдик. Қорнимиз тўқ, — деди Елизавета Алексеевна.

— Луиза қаерда? — Елизавета Алексеевнанинг гапига ташунмай сўради ефрейтор, кекириб; унинг оғзидан ароқ ҳиди гупилаб урарди. — Луиза! Мен сизни кўриб турибман, — деди оғзи қулоғига етгунча илжайиб. — Мен ва солдатларим сизни овқатга, қаршилик қилмасангиз — ичишга таклиф қиламиз.

— Акамнинг тоби ёмон, уни ташлаб чиқолмайман, — деди Люся.

— Дастурхонни йигиштириб олиш керакдир? Юринг, мен қарашиб юборай, юринг! — Елизавета Алексеевна ефрейторнинг енгидан дадил ушлаб, у билан бирга йўлакка эшикни ёпиб чиқди.

Ҳамма ёқни: ошхона, йўлак, даҳлиз ва базм бўлаётган уйнинг ичини бурқситган тутун ва ис одамнинг кўзини ачитиб ёшлатиб юборар эди. Стеаринми ё стеаринга ўхшаш бир нарсами қуйилган жинчироқларнинг сариқ ва хира шуъласи шу тутун ичида эриб, йўқ бўлиб кетгандай эди. Ҳамма ерда, — столда, ошхона деразасининг тоқчасида, немис солдатлари билан тўла ва ефрейтор билан Елизавета Алексеевна кирган уйдаги стол-стулларда, — шундай жинчироқлар ёниб ётарди.

Немислар, қаравот олдиғә сурилган стол атрофида қаравотда, стулларда гуж ўтиришарди, қовоғи солиқ, юзи тиртиқ Фридрих эса ўтин ёрадиган тўнка устида ўтирарди. Столда бир неча шиша ароқ, столда, стол тағларида, дераза тоқчаларида эса бир талай бўш шишалар ётарди. Столнинг усти ифлос идишлар, қўй ва товуқ суяқлари, сабзавот пўчоқлари, бурдаланган нонга тўлиб кетган эди.

Немислар устки мундирларини ечиб ташлаб, кир қўйлакларининг ёқаларини очиб, кўкрак жунларини кўрсатиб, терлаб ўтиришарди, бармоқ ва билаклари ёғ эди.

— Фридрих! — деб бўкирди ефрейтор. — Нега турмайсан? Яхшигина қизларнинг оналарига қандай гиргиттон бўлишни билмайсанми? — У, ҳушёр вақтдагидан ошкорроқ кулди. Утир-ганлар ҳам кулиб юборишди.

Елизавета Алексеевна уларнинг ўзидан кулаётганини ва иш, ефрейтор айтгандан ҳам пачавароқ бўлиши мумкинлигини сезиб,

индамай стол устидаги сарқитларни бўш идишга йига бошлади; унинг юзи бўзариб кетган, ўзи индамас ва авзойи даҳшатли эди.

— Қизингиз Луиза қани? Биз билан бир оз ичишинг, — деди ёш, мастликдан қип-қизариб кетган солдат қалтироқ қўли билан столдаги шишани кўтарди; у яна кружка қидирган эди, тополмади-да, ўзиникига қўйди. — Қизингизни чақиринг бу ёққа, уни немис солдатлари таклиф этадилар. У немисчани тушунади дейишади... Бизни русча ашула айтишга ўргатсин.

Солдат, ароқ шишасини ушлаб турган қўлини кўтарди-да, кучланиб кўзларини олайтириб, хунук бир овоз билан ашула айта бошлади:

Wolga, Wolga, Mutter Wolga,
Wolga, Wolga, Russland Fluss...¹

У ўрнидан туриб, қўлидаги шиша билан дирежёрлик қилар, шишадаги ароқ солдатлар устига, стол ва каравотга сачрар эди. Қора ефрейтор ҳам кулиб ашула айтди, бўғиқ-қисиқ овоз билан ҳамма қўшилди.

— Шунақа, биз Волга бўйига чиқамиз! — деб қичқирарди, қошлари терлаб кетган семиз, ашула айтувчиларнинг овозини босиб кетишга тиришиб. — Волга — немис дарёси! Deutschlands Fluss! Ашулани мана бундай айтиш керак! — деб қичқирарди у. Ўз сўзини тасдиқлаш учун қўлидаги вилькани столга зўр билан суққан эди, тишлари қайрилиб кетди.

Улар ашулага шундай берилиб кетган эдики, Елизавета Алексеевна бундан фойдаланиб, сарқит солинган идишни ошхонага олиб чиқиб кетганини ҳеч ким пайқамади. Идишни чайиб ташламоқчи бўлган эди, қараса плитада чойнак йўқ. «Айтгандек, улар чой ичишмайди-ку!» деб ўйлади.

Плита ёнида қўлида латта ушлаб бир нималар қилаётган Фридрих жиққа ёгда қўй гўшти қовурилган товоқни кўтариб, уйга кириб кетди. Елизавета Алексеевна, қадимги Волга қўшиғини немис тилида айтаётган пойма-пой, фирт маст овозларга қулоқ сола туриб, «Слоновларнинг қўйини сўйишган бўлса керак» деб ўйлади. Аммо, атрофда юз бераётган барча ҳодисалар каби, бу ҳам унинг учун энди бефарқ эди, чунки оддий ҳаётда ўзига ва болаларига хос бўлган инсон ҳис-туйғулари ҳозир ўзи ва болаларининг бошига тушган бу кунларга тўғри келмай қол-

¹ Волга, Волга, она жоним. Волга рус нахри...

ган эди. Энди улар ташқи кўринишдан эмас, балки руҳий жиҳатдан ҳам яшаётган муҳит оддий муҳитга сира ўхшамас, ёлгондакам, сунъий дунёга ўхшар эди. Худди кўзингни очсанг бу ёлгондакам дунё йўқ бўладигандай туюларди.

Елизавета Алексеевна Володя билан Люсяларнинг уйига секин-аста юриб кирди. Улар шивирлашиб ўтиришган эди, оналарини кўриш билан жим бўлишди.

— Жойингни солиб ёта қолганинг, ухлаганинг яхшироқдир балки?— деди Елизавета Алексеевна.

— Ётгани қўрқаман,— деди Люся секин.

— Яна бир марта кириб кўрсин-чи, у итвачча!— деди бирдан Володя, каравотдан оппоқ ориқ қаддини кўтариб.— Яна бир марта кириб кўрсин, ўлдираман, ўлдирмай қўймайман, нима бўлса бўлаверсин,— деди қўллари билан каравотга таяниб; қоронгида унинг кўзлари чақнар эди.

Шу ондаёқ эшик қоқилди ва секин очилди. Ич кўйлагини шимиға қистирган, терлаган қора юзига қўлидаги жинчироқ шуъласи тушган ефрейтор эшикда пайдо бўлди. Бир оздан кейин бўйини чўзиб, каравотда ўтирган Володя ва каравотнинг оёқ томонида табуреткада ўтирган Люсяга тикилиб қараб турди.

— Луиза,— деди ғалати овоз билан ефрейтор,— сиз, ҳар онда ҳалок бўлишлари мумкин бўлган солдатлардан ҳазар қилмаслигингиз керак! Биз сизга ҳеч қандай ёмонлик қилмаймиз. Немис солдатлари — олижаноб кишилар, уларни рицарь деса бўлади. Биз фақат биз билан бир оз улфатчилик қилишингизни сўраймиз, холос.

— Йўқол бу ердан!— деди Володя, ефрейторга газаб билан қараб.

— Ҳа, азамат йигитча, афсуски бетобсан!— деди ефрейтор, қоронгида Володянинг юзини кўролмас ва унинг нима деганини ҳам тушунмаган эди.

Шу онда бирон фалокат юз бериши мумкин эди-ю, бироқ Елизавета Алексеевна дарҳол ўглининг ёнига югуриб келди-да, қучоқлаб олди ва унинг юзини кўкрагига босиб, зўрлаб жойига ётқизди.

— Жим, жим бўл,— деб шивирлади Володянинг қулогига қақраб, исиб кетган лаблари билан.

— Фюрер қўшинининг солдатлари сизнинг жавобингизни кутмоқдалар, Луиза!— деди ғалати овоз билан ефрейтор, эшик ёнида чайқалиб туриб.

Ранги бўзариб кетган Люся нима дейишини билмай ўтирарди.

— Яхши, яхши! Гут!— деди кескин овоз билан Елизавета Алексеевна, тезда ефрейторнинг олдига келиб ва бошини силкитиб.— Ҳозир чиқади, тушундингми? Ферштейге? Ҳозир кийиниб чиқади.— Қўли билан кийиниш ишорасини кўрсатди.

Люся қалтираган овоз билан:

— Ойи...— деди.

— Худо ақл бермагандан кейин жим ўтир,— деди Елизавета Алексеевна, бошини силкитиб ва ефрейторни уйдан чиқариб юбора туриб.

Ефрейтор чиқиб кетди. Немислар ўтирган уйдан хитоблар, кулги, кружкаларнинг шақир-шуқур овозлари эшитилди, немислар паст овоз билан яна авжга чиқшди:

Wolga, Wolga, Mutter Wolga. . .

Елизавета Алексеевна дарров гардероб ёнига келди-да, калитни буради.

— Ичига кир, мен устингдан қулфлаб қўяман, эшитдингми?— деди шивирлаб.

— Унга нима дейсизлар...

— Ҳовлига чиқди деймиз...

Люся лип этиб гардеробнинг ичига кириб олди, онаси эшикни ёпди-да, қулфлаб, калитини гардеробнинг тепасига қўйиб қўйди.

Немислар овозлари борича ашула айтишарди. Қоқ сахар пайти, кўчада на мактаб, на болалар касалхонаси биноларини, на райижроком биноси ва «қутурган бой» уйи жойлашган чўзиқ тепаликни кўриб бўларди. Фақат эшик тагидаги тирқишдан даҳлизда турган жинчироқнинг ёруғи тушиб турарди. «Э, худо, наҳотки булар бариси ҳақиқат бўлса» деб ўйларди Елизавета Алексеевна.

Немислар ашула айтиб бўлиб, энди ораларида ғирт мастлик ҳазили бошланган эди. Ҳаммаси қаҳ-қаҳлаб кулар, нуқул ефрейторга ёпишардилар, у эса тап тортмайдиган, ҳамма вақт иши ўнгидан келиб юрадиган солдатдай бўғилиб мақтанарди.

У қўлида жинчироқ ушлаб яна келди.

— Луиза?

— Ҳовлига чиқиб кетди... Ҳовлига...— деб Елизавета Алексеевна қўли билан ишора қилди.

Ефрейтор чайқала-чайқала, ботинкаларини дукиллашиб, йўлакка чиқди. Уйдан, унинг тарақа-турук қилиб зинадан тушгани

эшитилиб турарди. Солдатлар яна бир оз кулишиб, гаплашиб ўтиришди, кейин улар ҳам ботинкаларини даҳлиз ва йўлакда дукилаатиб, ҳовлига чиқишди. Жимлик чўкди. Немислар турган уйда кимдир биров,— Фридрих бўлса керак,— идишларни йиғиштирарди, ҳовлида эса солдатлар айвондан туриб сийиши эшитиларди. Уларнинг бир қанчаси кўп ўтмай шовқин-сурон, мастлик билан уйга қайтиб кирди. Ефрейтор кўринмас эди. Ниҳоят, унинг қадамлари даҳлиздан эшитилди. Уй эшиги очилди-да, ефрейтор жинчироқсиз, ғира-шира ёруғда ва ошхонадаги чироқ шуъласида гавдаси кўриниб, уйга кирди.

— Луиза...— деди шивирлаб.

Дарҳол унинг олдида Елизавета Алексеевна пайдо бўлди.

— Ҳа, қидириб тополмадингми?... У қайтиб киргани йўқ ҳали. У бу ерда йўқ,— дерди у, бош ва қўллари билан «йўқ» деб ишора қилиб.

Ефрейтор ҳеч нарса кўрмайдиган кўзлари билан уй ичини қараб чиқди.

— У-у-у...— деб бирдан бўкириб берди, хира ва қора кўзларини Елизавета Алексеевнага тикди. Шу онда у катта ва ёғли кафтини Елизавета Алексеевнанинг бетига қўйиб, бармоқлари билан сиқа бошлади. Елизавета Алексеевнанинг кўзини ўйиб чиқаришига сал қолди, сўнгра уни қаттиқ итариб юборди-да, чайқала-чайқала уйдан чиқиб кетди. Елизавета Алексеевна дарров калитни бураб эшикни ичдан қулфлаб олди.

Немислар яна бир оз маст-аласт дўнғилаб ўтиришди-да, сўнгра чироқни ўчирмай, ухлаб қолишди.

Елизавета Алексеевна ҳамон кўз юммай ўтирган Володя рўпарасида индамай ўтирар эди. Уларнинг иккови ҳам руҳан ниҳоятда чарчаган бўлишларига қарамай, уйқулари келмас эди. Яна бир оздан сўнг Елизавета Алексеевна Люсяни гардеробдан чиқарди.

— Нафасим бўғилишига сал қолди, елкам, сочларим ҳўл бўлиб кетди,— деб ҳаяжонланиб шивирлади, Люся. Бу ҳодисадан у бир оз бардам бўлган эди.— Секин деразани очай, димиқиб кетдим.

Люся каравотга яқинроқ деразани секин очди-да, ташқарига бошини чиқарди. Тун дим эди, аммо уйнинг димлиги ва уйда юз берган ҳодисалардан кейин майдон ҳавоси шу қадар ёқимли, шаҳар шу қадар жимжит ёдики, худди ҳеч қанақа шаҳар йўғ-у, ялангликда фақат уларнинг немислар ухлаб ётган уйигина тур-

гандай туюларди. Бирдан тепа томонда, кўприкнинг нариги ёғида, парк ёнида бир нарса лоп этиб ёнди-ю, бутун осмонни, майдонни, тепаликни, мактаб ва касалхона биноларини ёритиб юборди. Шу онда яна бир нарса лоп этиб ёнди, буниси илгаригисидан ҳам кучли эди, ҳамма ёқ, ҳатто уйнинг ичи ҳам ёришиб кетди. Бунинг кетидан портлаш эмас, балки узоқдан эшитилган портлаш кучидан осмонни ларзага солган қандайдир овоз майдон устидан эшитилиб ўтди-да, яна қоронғилик чўмди.

— Нима у? Нима у? — деб қўрққанидан сўради Елизавета Алексеевна.

Володя ҳам ўрнидан туриб ўтирди.

Люсянинг юраги ғалати бўлиб кетди; у, ловиллаб ёнган томонга тикилиб қарарди. Тепалик томонда кўзга кўринмайдиган аланганинг шуъласи гоҳ кучаяр, гоҳ пасаярди, зимистон қоронғидан бошини чиқариб, райижроком биноси ва «қутурган бой» уйини гоҳ ёритар, гоҳ яна қоронғиликка чўмдиар эди. Бирдан ана ўша ғалати шуъла кўриниб турган жойдан осмонга каттакон аланга кўтарилиб, бутун осмон қип-қизариб кетди, бутун шаҳар, майдон ёриди, ҳатто уй ичи ҳам шу қадар ёруғ бўлиб кетдики, ундаги одамлар ва нарсаларнинг юзи бемалол кўринарди.

— Ёнгин!.. — деди Люся уйга қайрилиб қараб, сўнгра яна ловиллаб турган алангага қарай бошлади.

— Ёп деразани, — деди қўрққанидан Елизавета Алексеевна.

— Барибир ҳеч ким кўрмайди-ку, — деди Люся, совуқдан увишиб.

Бу қанақа ёнгин, қаерда ёнаётганини у билмас эди. Аммо бу баланд, ўйноқи, голибона аланга киши руҳини мусаффо этар, бу алангада қандайдир юксак ва даҳшатли бир нарса бор эди. Люся ундан кўзини узмай қараб турарди.

Шуъла фақат шаҳар ўртасинигина эмас, балки бутун атрофини босиб кетган эди. Фақат мактаб ва болалар касалхонасининг бишолари эмас, балки шаҳарнинг майдон ортидаги 1-бис кўмир конига ёндош узоқ маҳаллари ҳам худди куппа-кундуздек кўринар эди. Қип-қизил осмон, бинолар ва тепаликлар устидаги шуъла қандайдир ажойиб, хаёлий ва шу билан бирга улуғвор бир манзара кашф этарди.

Бутун шаҳар уйғонганлиги сезилар эди. Шаҳарнинг марказида одамларнинг югуриши, овозлар, ҳайқириқлар эшитиларди, қаердадир юк машиналари бўкирарди. Осьмухинлар кўчасида, уларнинг уйда турган немислар ҳам уйғониб, ҳаракатга келган

эди. Кундузги даҳшатни унутган итлар ҳам,— ҳали уларнинг барини отиб улгурмаган эдилар,— ёнғинга қараб ув тортар эди. Фақат, даҳлизнинг нариги томонидаги уйда маст немисларгина донг қотиб ухларди.

Ёнғин икки соатча ловиллаб кейин пасая бошлади. Шаҳарнинг узоқ районлари ва тепаликлар яна қоронғига чўмди. Фақат аланга ҳар замон, ҳар замонда ловиллаб, гоҳ тепаликнинг чўққисини, гоҳ бир тўда томларни, гоҳ терриконинг қора танасини ёритар эди. Аммо парк устидаги осмон аллақанча вақтгача қип-қизариб турди, тепаликдаги райижроком биноси билан «кутурган бой» уйи ҳам анчагача кўриниб турди. Кейин улар ҳам кўринмай қолди, дераза олдидаги майдонга яна қоронғи тушди.

Люся ҳамон ёнғин бўлган томонга ҳаяжонланиб қараб дераза олдида турар, Елизавета Алексеевна билан Володялар ҳам ухламай ўтиришар эди.

Бирдан Люся майдонда деразанинг чап томонидан бировнинг мушукдай лип этиб, девор тагидан шитирлаб ўтганини сезгандай бўлди. Кимдир дераза ёнига келаётган эди. Люся бехосдан ўзини орқага тортди ва деразани ёпмоқчи бўлган эди, кимдир биров шивирлади. Кимдир:

— Люся... Люся...— деб чақирар эди.

Люся тек қотиб қолди.

— Қўрқма, мен, Тюленинман...— деди овоз. Дераза токчасидан Серёжканинг шапкаси, қаттиқ ва жингалак сочли боши кўринди.— Уйларингда немислар борми?

— Бор,— деб шивирлади Люся, Серёжканинг кулган ва жасур кўзларига ҳам қўрқиб, ҳам севиниб қараб.— Сизларникидани-чи?

— Ҳозирча бизникида йўқ.

— Ким у?— деб сўради Елизавета Алексеевна; қўрққанидан баданлари жимирлашиб кетди.

Узоқдаги ёнғин шуъласи Серёжканинг юзини ёритиб юборган эди, Елизавета Алексеевна билан Володя уни дарров танишди.

— Володя қани?— деб сўради Серёжка, қорнини дераза токчасига тираб.

— Мен шу ердаман.

— Тагин кимлар қолган?

— Толя Орлов. Бошқасини билмайман, кўчага чиққаним йўқ, касалман.

— Витька Лукьянченко, Любка Шевцовалар шу ерда,— деди Серёжка.— Горький мактабидан Стёпка Сафоновни ҳам кўрдим.

— Бизникига қандай қилиб келдинг? Кечаси?— деб сўради Володя.

— Паркдан ёнгинни томоша қилган эдим. Кейин шанхайчалардан ўтиб уйимга кетаётган эдим, жарликдан қарасам, деразаларинг очиқ.

— Нима ёнди ўзи?

— Трест.

— Йўғ-ей?

— Уларнинг штаби ўша ерга жойлашган эди. Ҳаммаси иштончанг югуриб чиқишди.— Серёжка секин кулиб қўйди.

— Сенингча, биров ўт қўйганми?— деб сўради Володя.

Серёжка бир оз жим қолди, фақат кўзлари мушук кўзларидай ялтирарди.

— Ўзидан ўзи ёнмагандир, ахир,— деди ва яна секин кулиб қўйди.

— Энди нима қилмоқчисан?—деб сўради Володядан бирдан.

— Сен-чи?

— Ўзинг биласан-ку.

— Мен ҳам шундай,— деди Володя.— Сени кўриб севиниб кетдим. Шундай севиниб кетдимки...

— Мен ҳам,— деди истар-истамас Серёжка: у дилпора гапларни ёқтирмас эди.— Сизларникидаги немислар сержаҳами?

— Кечаси билан ароқхўрлик қилишди. Ҳамма товуқларни еб битиришди. Бир неча марта уйга бостириб кирмоқчи бўлишди,— деди Володя, немисларнинг кимлигини билиб олганини Серёжкага мақтангандай бўлиб. Лекин у, ефрейторнинг сингласига кўз олайтирганини айтмади.

— Демак, ҳали унча эмас экан,— деди оҳиста Серёжка.— Касалхонага эсэсчилар тушган, у ерда қирқтача ярадор қолган эди, барини Верхнедуданная ўрмонига олиб бориб, автомат билан қириб ташлашди.

Доктор Фёдор Фёдорович, ярадорларни олиб чиқиб кетаётганларида чидаб туролмай, ҳимоя қила бошлаган эди, уни йўлакнинг ўзидаёқ отиб ўлдиришди.

— Вой аблаҳлар! Қандай яхши одам эди-я!— деди Володя.— Мен ҳам ўша ерда ётган эдим.

— Унақа одамлар кам топилади,— деди Серёжка.

— Ҳали не-не кўргилигимиз бор экан тагин, э худо!— деди Елизавета Алексеевна, юраклари эзилиб, секин оқ тортиб.

— Тонг отмасдан уйга етиб олай,— деди Серёжка.— Бир-биримиз билан алоқа қилиб турамыз.— У Люсяга қаради-да, қўли билан ғалати аломат қилиб:— Ауфвидерзеген!..— деди. Люсянинг ажнабий тиллар курсида ўқишни орзу қилганини Серёжка билар эди.

Унинг эпчил гавдаси қоронғига чўмиб, шу ондаёқ кўздан ва қулоқдан ғойиб бўлди.

УН ТУҶҚИЗИНЧИ БОБ

Улар дарҳол сўзлашиб кетдилар, энг қизиғи ҳам шу бўлди.

— Ҳой қизча, ўқиб ётибсанми? Немислар Краснодарга бостириб келишяпти-ку! Ахир, Верхнедунанная чакалакзоридан машиналарнинг гуриллаб келаётганини эшитмаяпсанми?— деди Серёжка, қизнинг оёқлари олдида тўхтаб ва нафасини зўрға босиб олиб.

Валя ҳамон ажабланган, хотиржам ва хурсанд қиёфада унга индамай қараб турди.

— Қаёққа югуриб кетаётган эдинг?— деб сўради қиз.

Серёжка бир онгина шошиб қолди. Аммо у бемаъни қиз бўлиши мумкин эмас.

— Сизларнинг мактабингиз томига чиқиб қарамоқчиман, қани, нима бўлар экан...

— Ййе, бизнинг мактабимизда бўлганмисан, унга қандай чиқасан?

Серёжка уларнинг мактабида бир йил аввал, адабий кечада бир марта бўлганини айтди.

— Ҳа, бир амаллаб чиқаман-да,— деди, кулимсираб.

— Аммо, немислар даставвал мактабни эгаллаши мумкин-ку?— деди Валя.

— Мактабга кириб келишяётганини кўришим биланоқ паррка уриб қочаман,— деб жавоб қайтарди Серёжка.

-- Биласанми, яхшиси чордоқдан қараш, у ердан ҳамма нарса кўринади, лекин ўзимиз кўринмаймиз,— деди Валя ва катта жун рўмолига ўтириб, ўрилган сочлари била: кўйлагини шошиб-пишиб тузатди.— Чордоққа чиқиш йўлини мен биламан, сенга ҳаммасини кўрсатаман.

Серёжка шу онда бир оз иккиланди.

— Лекин бир чатоғи бор-да,— деди у.— Агар мактабга немислар кириб қолса, иккинчи қаватдан сакрашга тўғри келади.

— Нима қипти,— деб жавоб қайтарди Валя.

— Сакрай оласанми?

— Кўрасан-да...

Серёжка унинг қуёшда қорайган, олтин тусли майин юнг босган бақувват оёқларига кўз ташлади. Қалб торига илиқ бир тўлқин келиб уриди. Албатта, бу қиз иккинчи қаватдан сакраб туша олар эди.

Ана шундай қилиб, икковлари паркдан ўтиб, мактаб томонга юриб кетдилар.

Қизил гиштан қурилган икки қаватли каттакон мактаб ёрқин синфлари, катта гимнастика зали билан паркнинг катта дарвозаси ёнида, «Краснодонуголь» трестининг биноси рўпарасида эди. Мактаб бўм-бўш, кулф солинган. Лекин Серёжка бир даста шох синдириб олди-да, паркнинг тўр томонидаги биринчи қават деразаларидан бирига шохни босиб туриб синдирди-да, деразадан ичкари киришди ва буни кўзлаган савоб ишлари олдида гуноҳ деб ҳисобламади.

Пол тахталарини оёқларининг учи билан босиб, синфларнинг бири орқали пастки йўлакка ўтганларида, юраклари ҳурмат ва эҳтиромга тўлди. Бу гоят улкан бинонинг ҳамма ерида жимжитлик ҳукм сурар, кичкина бир шарпа, тиқирлаш ҳар ёққа гуриллаб эшитилар эди. Шу бир неча кун ичида ер юзида кўп нарсга ўзгарди, кўп бинолар ҳам, одамлар сингари, ўзларининг аввалги номлари ва вазифаларини йўқотди, лекин ҳали янги ном ва вазифа олиб улгургани йўқ. Аммо бу — болалар ўқитилиб келинган мактаб, Валя ўз ҳаётининг кўп ёрқин кунларини ўтказган бир мактаб эди.

Улар: «Ўқитувчилар хонаси» деб ёзилган тахтача осиглиқ эшикни, «Директор» деб ёзилган тахтача осиглиқ эшикни, «Доктор кабинети», «Физика кабинети», «Химия кабинети», «Кутубхона» деб ёзилган тахтачалар осиглиқ эшикларни кўрдилар. Ҳа, бу мактаб эди, бунда катта ёшли одамлар, яъни ўқитувчилар болаларга илму фан ва дунёда яшаш йўлларини ўргатар эдилар.

Парталари ҳувиллаб ётган бу бўш синфлардан, мактабнинг ўзига хос ҳидини ҳануз сақлаб келаётган хоналардан Серёжка билан Валянинг димогига қўққисдан шундай бир дунё ҳиди келиб урилдики, булар бирга-бирга ўсишган, булар билан бир тан, бир жон бўлган, мана энди буларни абадий тарк этгандек кўринган ўша дунё бир вақтлар шу қадар одми, кўнгилсиз, ҳатто зериктириб юборадигандек туюлар эди. Мана энди сира-сира

такрорланмайдиган даражада ажойиб, эркин ҳамда ўқитувчилар билан ўқувчилар орасида бўладиган очиқ, тўғри ва самимий муносабатлар билан тўлиб гавдаланди. Қайда энди улар, ўқитувчилар ва ўқувчилар, толе уларни қайларга тирқиратиб юборди? Шу замон Серёжканинг ҳам, Валянинг ҳам юраклари ўша дунёга муҳаббат ва унинг юксак табарруклиги олдида эҳтиром билан тўлди, улар бир вақтлар у дунёнинг қадрига ета билмаган эдилар.

Уларнинг ҳар икковлари ҳам айти бир туйғуни ҳис этар, буни сўзсиз англашар ва шу бир неча минут ичида қадрдон бўлиб кетган эдилар.

Валя мактаб биносининг ичидаги тор зинапоя билан Серёжкани иккинчи қаватга ва ундан юқори, чордоққа кириладиган кичкина эшикка олиб чиқди. Эшик қулф эди, лекин бу Серёжкани дард қолдирмади. Шимининг чўнтагини тимирскилаб, пичоқчасини чиқарди; пичоқчасининг фойдали бошқа жуда кўп қисмлари, жумладан отверткаси ҳам бор эди. Винтларни бураб чиқарди, эшик сопини шундай сугуриб олдики, қулфнинг калит тушадиган тешиги кафтдек очилди.

— Жуда қотирдинг, қулф бузишни ҳам машқ қилибсан,— деди Валя жиламайиб.

— Дунёда қулф бузишдан ташқари, слесарлик ҳунари ҳам бўлади,— деди Серёжка. Кейин Валя томонга бурилиб кулимсиради.

Қулфнинг калит тушадиган тешигини пичоқ исканжаси билан ковлаштириб эшикни очди. Шу вақт, қуёшда қизиган том тунукасининг ҳарорати, иссиқ чордоқ тупроғи, чанг ва ўргимчак уяларининг ҳиди юз-димоққа урди.

Улар, бошларини тўсинларга уриб олмаслик учун, эгилиб, чордоқнинг чанг босиб кетган деразаларидан бири олдига бордилар ва кўча томондан кўринмаслик учун, деразани артмай, юзлари билан ойнага ёпишиб қарадилар: уларнинг бетлари бир-бирига тегар даражада яқин эди.

Парк дарвозасига келиб тақалган бутун Садовая кўчаси, айтиқса партия обкомининг стандарт уйи жойлашган томони деразадан уларга яққол кўриниб турар эди. Уларнинг қоқ кўзлари қаршисида, кўча бурчагида «Краснодонуголь» трестининг икки қаватли биноси кўринарди.

Серёжка Верхнедуданная чакалазорини ташлаб кетган пайтдан то Валя иккови юзларини чанг чордоқ деразаларига ёпиштириб олган пайтларига қадар анчагина вақт ўтди; бу орада немис

қисмлари шаҳарга кириб улгурди, бутун Садовая кўчасига машина тегилиб кетди, ҳар ерда немис солдатлари кўрина бошлади.

«Немислар... Ана немислар қандай бўлар экан. Немислар бизнинг Краснодонимизга келишди» деб ўйлади Валя, унинг юраги ўйнаб, ҳаяжонидан кўкраги тўлқинланар эди.

Серёжкани эса ишнинг ташқи, амалий томони кўпроқ қизиқтиради, унинг ўткир кўзлари чордоқ деразасидан назар доирасига тушган ҳамма нарсани кўради, шу тахлитда Серёжка ҳар бир майда-чуйда нарсани эсга олиб боради, буни эса ўзи ҳам пайқайди.

Мактаб биноси билан трест биносининг ўртаси ўн метрдан ошмас эди. Трест биноси мактаб биносидан пастроқ эди. Серёжка трестнинг тунока томини, иккинчи қават бўлмаларининг ичкарисини ва биринчи қаватдаги полнинг деразаларга яқин жойларини бемалол кўриб турарди. Серёжка Садовая кўчасидан ташқари, бошқа кўчаларни ҳам кўради, лекин уларнинг баъзи қисмлари уйлар панасида эди. Немис солдатлари хўжайинлик қилиб юрган хона — жойларнинг ҳовлилари ва орқа томонларини ҳам кўздан қочирмади ва уларни бирин-кетин Валяга ҳам кўрсатиб борди.

— Буталарни, дарахтларни кесишяпти... Уни қара, ҳатто кунгабоқарларни ҳам,— дейди у.— Хув анави ерда, трестда уларнинг штаби жойлашадиганга ўхшайди, уни қара, қандай ўлиб-тирилишяпти...

Немис офицерлари билан солдатлари — улар иш юритувчилар ва мирзалар бўлса керак,— трестнинг бир-икки қаватига саранжомлик билан жойлашмоқдалар. Немисларнинг вақтлари чоғ. Улар трестнинг ҳамма деразаларини очиб ташлашади, уларга қолган хоналарни кўздан кечиряшади, столларнинг ғаладонларини титкилашади, чекишади ва сигарет қолдиқларини трест биносини мактаб биносидан ажратиб турган кимсасиз кўчага иргитяшади. Бир оздан кейин бўлмаларда ёш ва қари рус хотинлари пайдо бўлди. Уларнинг қўлларида челақ, латталар бор. Аёллар, этакларини липпа уриб олиб, полларни ювишга киришдилар. Тоза кийинган, башанг немис мирзалари аёллар билан ҳазил қилишади.

Буларнинг ҳаммаси Валя билан Серёжканинг кўз олдида юз бермоқда эдики, ҳали тўла англаб улгурмаган, мудҳиш азобли ва айни замонда шукуҳли бир фикр Серёжканинг қалб торини чертди, у ҳатто чордоқ деразасини осонлик билан чиқариб олиш мумкинлигига ҳам разм солиб қўйди. Дераза ромлари енгил бў-

либ, қингир қоқилган ингичка михлар билан кесақисига маҳкам-лаб қўйилган.

Серёжка билан Валя чордоқда шу қадар узоқ ўтиришдики, энди суҳбатларини бошқа мавзуга кўчирсалар ҳам бўларди.

— Стёпка Сафоновни ўшандан бери кўрганинг йўқми?— деб сўради Серёжка.

— Йўқ.

«Демак, Валя унга ҳеч нарса деялмабди» деб мамнун бўлиб ўйлаб қўйди Серёжка.

— У тагин қайтиб келади, ўз кишимиз-ку,— деди Серёжка.— Бундан кейин қандай тирикчилик қилмоқчисан?

Валя кибр-ҳаво билан кифт қоқди.

— Бу нарсани ҳозир ким ҳам айта олади? Нима бўлишини ҳеч ким ҳам билмайди.

— Бу гапинг тўғри,— деди Серёжка.— Сенинг олдинга бориб турсам бўладими? Ота-онанг uriшмасмикин?

— Ота-онам эмиш... Хоҳласанг, эртагаёқ кел. Стёпкани ҳам чақираман.

— Отинг нима?

— Валя Борц.

Шу чоқ уларнинг қулоқларига аллақердан, Верхнедуданная чакалакзоридан узоқ отилган, кейин эса бир неча марта калта-калта отилган автомат ўқларининг овозлари эшитилди.

— Отишяпти. Эшитяпсанми?— деб сўради Валя.

— Биз бу ерда ўтирибмиз, ким билади, шаҳарда нималар бўлаётибди?— деди Серёжка, жиддий бир тусда.— Балки немислар сизларнинг ҳам, бизларнинг ҳам уйимизга баҳузур киришиб олгандир?

Валя уйдан қайси вазиятда чиқиб кетганлигини мана ҳозиргина эслади, эҳтимол, Серёжка ҳақлидир, ота-онам менинг тўғримда ташвиш тортаётгандир деб ўйлади. Лекин унинг иззат-нафси уйга қайтиш кераклиги ҳақида ўзи сўз очишга йўл қўймади, аммо Серёжканинг ўзи ҳақида тугиладиган фикрлар билан ҳеч иши бўлмас эди.

— Энди уйга қайтиш керак,— деди у.

Шундан кейин улар бояги йўл билан мактабдан чиқиб кетдилар.

Улар боғча ёнидагн девор олдида бирмунча вақт турдилар. Чордоқда ёлғиз ўтирганликлари учун улар ўзларини бирмунча ўнғайсиз ҳис этардилар.

— Хўп бўлмаса, эртага уйингга бораман,— деди Серёжка.

Серёжка уйига қайтиб келгач, касалхонада қолган ярадорларнинг олиб кетилганини ва доктор Фёдор Фёдоровичнинг ҳалок бўлганини эшитди ва буларни кечқурун Володя Осьмухинга айтиб берди. Ўз кўзи олдида юз берган бу воқияни Серёжкага опаси Надя батафсил сўзлаб берган эди.

Эсэсчилар тушган иккита енгил машина билан бир қанча юк автомашинаси касалхона олдига келиб тўхтаган. Немислар уларни кўчада учратган Наталья Алексеевнага касалхонани ярим соат ичида бўшатишни таклиф этишган. Наталья Алексеевна ҳам ўзлари юра оладиган касалларга дарҳол болалар касалхонасига кўчиб ўтишни буюрган-у, лекин ўрнидан туролмайдиган касалларнинг кўплигини ва транспорт йўқлигини айтиб, кўчиш муддатининг узайтирилишини илтимос қилган.

Офицерлар машинага ўтира бошлаганлар.

Офицерларнинг каттаси олтин тишли ва қирраси оқиш мўғиздан ишланган кўзойнакли барваста, семиз унтерга:

— Фенбснг, бу хотин нима деяпти?— деган-да, енгил машиналарини ҳайдаб кетаверганлар.

Гардиши оқиш мўғиздан ишланган кўзойнак эсэсчи унтерга олим тусини бермаганда ҳам, ҳар ҳолда уни интеллигентга ўхшатиб кўрсатар эди. Лекин Наталья Алексеевна унга ўз илтимоси билан мурожаат қилганда ва ҳатто у билан немисча сўзлашишга уриниб ҳам кўрганда ақалли кўзойнак остидан бўлса-да, Наталья Алексеевнага қайрилиб қарамаган. Унтер ингичка хотин овоз билан солдатни чақириб, ваъда этилган ярим соатни ҳам кутмай, касалларни ҳовлига чиқариб ташлай берган.

Улар касалларни матрацларда ё бўлмаса қўлтиғидан кўтариб ҳовлидаги кўкатлар устига чиқариб ташлайверганлар. Ана шу вақт касалхонада ярадорлар борлиги ошкора бўлиб қолган.

Ўзини касалхона доктори деб кўрсатган Фёдор Фёдорович, уларнинг оғир ярадор эканини ва жанговарлик қобилиятларини бутун умр йўқотганликлари учун граждлар қарамоғига қолдириб кетилганини тушунтиришга нечоғлиқ уриниб кўрган бўлса ҳам, лекин унтер сира қулоқ солмаган, аксинча, агар улар ҳарбий кишилар бўлса, уларни ҳарбий асирлар деб ҳисоблаш ва дарҳол тегишли жойга юбориш кераклигини айтган. Шундан кейин ярадорларни тортиб-туртиб ўринларидан тургизганларда, кўйлак-иштонда ташқарига олиб чиқиб, юк машинасига қандай тўғри келса шундай улоқтириб ташлай берганлар.

Наталья Алексеевна Фёдор Фёдоровичнинг тажанглигини билгани учун, кетинг деб ундан илтимос қилган, лекин у кетмасдан, йўлакда, икки дераза ўртасидаги девор олдида тураверган. Унинг бугдой ранг йилтироқ юзи оппоқ оқариб кетган. Карнай қилиб ўраган тамакисининг қолдиғини лабларида тишлаб, безовта бўлаверган, тиззаларини шундай қалтироқ босганки, у ора-сира эгилиб, тиззаларини қўли билан силаб турган. Уни якка ташлаб кетишдан қўрққан Наталья Алексеевна ҳамма иш битмагунча Надянинг ҳам кетмаслигини илтимос қилган. Ярим ялангоч ярадорларни қонли бинтлари билан йўлакда кўтаришиб, баъзан полдан судрашиб ўтганларини кўрган Надянинг ҳам юраги эзилган, даҳшатланган. Йиғлашдан қўрққан бўлса ҳам кўз ёшлари ўз ичига қуйилаверган, лекин шундай бўлса-да кетмаган, чунки у Фёдор Фёдорович учун ҳаммадан ҳам кўпроқ қўрққан.

Иккита немис солдати бир ярадорни судраб ўтишаверган, унинг миња синиги ёриб кетган буйрагини икки ҳафта бурун Фёдор Фёдорович олиб ташлаган эди. Ярадорнинг аҳволи сўнгги кунларда анча яхши бўлиб қолган ва Фёдор Фёдорович бу операциядан гоят фахрланиб юрар эди. Солдатлар ярадорни йўлакдан олиб ўтиб кетаётганларида унтер Фенбонг солдатлардан бирини чақириб қолган. Солдат оёғидан кўтариб кетаётган ярадорни ташлаган-у, унтер турган палатага қараб югурган, иккинчи солдат эса ярадорни полдан судраб кетаверган.

Фёдор Фёдорович девор ёнидан бирданига жилган-у, ярадорни судраб кетаётган солдат олдига келиб қолганини ҳеч ким сезмаган. Бу ярадор, кўпчилик ярадорлар сингари, тортаётган азобига қарамай, инграмаган, лекин Фёдор Фёдоровични кўриб:

— Қаранг, Фёдор Фёдорович, нималар қилишмаяпти? Шулар ҳам инсонми?— деган.

Кейин йиғлаб юборган.

Фёдор Фёдорович солдатга немис тилида алланарса деган. Бўлса-бўлмаса, бундай қилиш ярамайди деб айтгандир. Ундан кейин, эҳтимол, кел, мен ёрдам берай, дегандир. Лекин немис солдати кулган-да, ярадорни судраб кетаверган. Шу вақт унтер Фенбонг палатадан чиққан. Фёдор Фёдорович тўғри у томонга қараб юрган. Фёдор Фёдорович бутуналай бўзариб, тамом аъзойи бадани титроқ ичида қолган. Унтернинг қоқ тумшуғи тагига келиб туриб, шартта бир нарса деган. Барваста, семиз гавдасида қора мундир тиришиб ётган ва калла билан суяк сурати солинган ялтироқ металл значокни кўкрагига тақиб олган унтер

Фенбонг Фёдор Фёдоровичга қараб бир хириллагану, тўппончаси билан унинг юзига туртган. Фёдор Фёдорович тисарилиб туриб унга яна бир нарса деган, балки жуда қаттиқ гап айтгандир. Ана шундан кейин унтер кўзойнаклари тагидан даҳшатли бир тусда ўқрайиб, Фёдор Фёдоровични қоқ икки кўзи ўртасидан отиб ташлаган. Надя, унинг кўзлари ўртаси ўпирилиб кетгандек, қон булоқиб чиққанини, кейин Фёдор Фёдорович ағдарилиб тушганини кўрган. Шундан кейин Наталья Алексеевна билан Надя касалхонадан қочиб чиққанлар. Надя уйига қандай келиб қолганини ҳам сезмаган.

Надя, касалхонадан келгандан буён оқ дурра, оқ халатда ўтириб, воқеани қайта-қайта айтарди. Йиғламайди, икки бети ўтдек ёнади, чақнаган кўзлари эса ўз олдидаги кишиларни ҳам кўрмайди.

— Эшитдингми, санқи!— деди отаси Серёжкага, газаб билан йўталиб.— Худо ҳақи, ўлгудек калтаклайман. Немислар шаҳарга киришибди-ю, бу аллақаерларда санқиб юради. Онангнинг юрагини ёриб ўлдираёдинг.

Онаси йиғлаб юборди.

— Хавотир бўлавериб ўлаёдим. Сени ўлдириб қўйдими деб ўйладим.

— Ўлдириб қўйдими деб!— деди бирдан газабланиб Серёжка.— Мени ўлдиришгани йўқ. Ярадорларни ўлдиришди. Верхнедубанная чакалакзорида, ўзим эшитдим...

У, ўз ётоғига кириб, каравот устидаги ёстиққа ўзини ташлади. Қасос ҳисси Серёжканинг бутун вужудини титратар, нафас ололмай қийналар эди. Мактаб чордоғида уни хуноб қилиб азоблаган нарса мана энди юзага чиқди. Серёжка ётган ерида тўлғаниб: «Шошманглар, ҳали қоронғи тушсин!» деб ўйлади. Қасд қилган нарсасидан уни энди ҳеч қандай куч қайтара олмайди.

Чироқни ҳам ёқмай, эртагина ётиб олган бўлсалар ҳам, лекин ҳамма шу қадар ҳаяжон ичида эдики, ҳеч ким ухлай олмади. Сездирмасдан чиқиб кетишининг иложи бўлмагани учун Серёжка, бўшалгани бораётган кишидек, очиқ-ошқора ташқари чиқди-ю, ўзини полиз ичига урди. Ёнилғи моддали шишалар кўмилган чуқурчалардан бирини қўли билан ковлади, — кечаси белкурак билан ковлаш хавфли эди. Уй эшигининг гижирлаб очилганини эшитиб қолди. Опаси Надя чиқди-да, паст овоз билан бир неча бор чақирди:

— Серёжа... Серёжа...

Надя бир оз кутиб турди, яна бир марта чақирди, кейин эшик гижирлаб ёпилди — опаси ичкари кириб кетди.

Серёжка чўнтақларига биттадан шишани ва қўйнига ҳам бирини солиб, дим июль туни зулматида шаҳарни узоқдан ай-ланиб ўтиб, яна паркка кирди.

Парк жимжит, ҳеч ким йўқ эди. Айниқса, мактаб биноси яна ҳам жимжитроқ.

Серёжка ўзи кундузи очиб олган дераза орқали мактаб ичи-га кирди. Мактаб биносининг ичи шу қадар жимжит эдики, унинг ҳар бир босган қадами мактаб ичидагина эмас, балки бутун шаҳарда эшитилаётгандек туюларди. Зинапоянинг ба-ланд деразалари ташқарисидан аллақандай хира ёруғ тушиб туради. Серёжканинг қораси шу деразалардан бирининг ёруғига тўғри келганда, қоронги бурчакда бирон киши биқиниб олгану, ҳозир Серёжкани кўриб, ушлаб оладигандек туюлди. Лекин Серёжка қўрқиб ўтирмади, чордоқдаги ўз кузатиш пунктига жадал чиқиб олди.

Дераза олдида бир оз ўтирди, у ердан ҳозир ҳеч нарса кўринмаса ҳам, ҳар ҳолда нафасини ростлаб олиш учун ўтирди.

Кейин дераза ромини ушлаб турган майда михларни бар-моқлари билан пайпаслаб топди, михларни қайириб, ромни се-кин туширди. Ташқаридан салқин ҳаво гуркираб кирди, чордоқ ҳалига довор дим эди. Қоронги мактабдан ўтиб, ҳозир чордоқ зулмати ичида ўтиргани учун, у ўз қаршисидаги кўчада бўлаёт-ган нарсаларни баҳузур кўра олар эди. Шаҳарда қатнаётган ма-шиналар шовқини эшитилиб турарди ва уларнинг липиллаб турган чироқлари ҳам кўринарди. Қисмларнинг Верхнедуван-ная чакалакзоридида тинмай қилаётган ҳаракатлари кечаси ҳам давом этмоқда. У томондан келаётган машиналарнинг тунда ёқиб олган чироқлари йўлларда кўриниб туради. Баъзи маши-налар чироқларини барала ёқиб еладилар,— уларнинг ёруғи, прожекторники сингари, қир ортидан кўкларга кўтарилади-да, қоронги осмонни баланд-баландларигача, ё дала даштларни, ё бўлмаса чакалакзордаги дарахтларнинг япроқларини пастдан кумушдек товлатиб ёритади.

Трест биносига кириладиган катта эшик олдида тунги ҳар-бий ҳаёт қайнайди. Машиналар, мотоциклетлар пайдар-пай келиб туради. Офицерлар билан солдатлар қурол-аслаҳа шарақ-латиб ва шпорларини жиринглатиб, тинмай кириб-чиқиб тура-дилар, чўрт-чўрт айтилган бегона сўзлар эшитилади. Трест биносининг деразаларига эса ичидан қора пардалар тортилган.

Серёжканинг бутун ҳисси ва бутун фикри-зикри бир мақсад теварагида шу қадар ўраланиб қолган эдики, бу янги, ҳали кўрилмаган аҳвол — деразаларнинг парда билан тўсиб қоронги қилинганлиги унинг қарорини ўзгартолмади. Шундай қилиб, у ўша деразача олдида ками икки соат ўтирди. Шаҳар батамом жимиди. Бино олдидаги қатновлар ҳам тинди, лекин бино ичидаги одамлар ҳали уйғоқ эди, Серёжка буни деразага тўсилган қора пардалар четидан чиқиб турган ёруғлардан сезиб туради. Ана, иккинчи қаватдаги деразаларнинг иккитасида чироқ ўчди, кейин эса аллаким ичкаридан деразаларнинг бирини, сўнгра иккинчисини очди. У кўзга кўринмаган киши қоронғида, дераза олдида турар, буни Серёжка сезиб турар эди. Биринчи қаватнинг баъзи деразаларида ҳам чироқлар ўчди, сўнгра улар ҳам очилди.

Иккинчи қават деразасидан:

— Wer ist da?— деган овоз эшитилди, у алақандай бир бошлиқ овози эди. Деразага ярим белидан суялиб олган у кишининг хира қорасини Серёжка зўрга-зўрга сезиб турар эди.— Ким у?— деб сўради яна бояги овоз.

— Лейтенант Мейер, Herr Oberst,— деб пастдан ёш овоз жавоб берди.

— Пастки қават деразаларини очмасангиз тузук бўлар эди, мен буни маслаҳат кўрмайман,— деди юқоридаги овоз.

— Улгидай дим бўлиб кетди, Herr Oberst. Албатта, агар тақиқ қилсангиз...

— Йўқ, мен сизни димланган гўштдай ўтираверинг демайман. Sie brauchen nicht zum Schmorbraten деди кулиб, юқоридаги бошлиқ.

Серёжка немисчага тушунмай, юрағи дук-дук уриб, тинглаб тураверди.

Чироқларни ўчирдилар, пардаларни кўтардилар, кейин эса бирин-кетин деразалар очилди. У ердан гоҳида айрим сўзлар эшитилиб қолади, кимдир ҳуштак чалади. Баъзан кимдир гургурт чақади: унинг юзи, папириси, бармоқлари бир зумгина ёришиб кўринади, кейин эса папирос чўғи хона ичида узоқ вақтгача милтиллаб туради.

Дераза ёнида турган киши хона тўрида ўз ошнасига қараб бўлса керак:

— Шу қадар ҳам катта мамлакат бўладими, ҳеч охири йўға, da ist ja kein Ende abzusehen,— деди.

Немислар ётиб ухлашди. Бино ичи ҳам, шаҳар ҳам тинчиди. Фақат Верхнедунанная чакалакзори томонда чироқларнинг ўткир шуъласи билан тун осмонини тилкалаб машиналар ҳануз қатнамоқда.

Серёжка ўз юрагининг дукиллаётганини эшитар,— унинг дукиллаши бутун чордоққа ёйилаётгандек туюлар эди. Чордоқ ҳануз дим эди. Серёжка бутунлай терга пишиб кетди.

Ойналари очиб қўйилган қоронги ва уйқуга толган трест биноти Серёжканинг кўзларига ғира-шира кўринади. У пастда ва тепада зулмат сочиб турган деразаларни кўради. Ҳа, буни ҳозир қилиш керак.. Қулочини қанчалик ёйиши мумкинлигини билиш ба таъминан бўлса ҳам нишонга олиш учун, бир нарса иргитаётгандек қилиб бир неча марта кўлини силтаб кўрди.

Бу ерга келиши биланоқ чўнтақларидан ва қўйнидан ёнилғи шишаларини чиқариб, ўнг ёнига териб қўйган эди. Улардан бирини пайпаслаб топди, бўғизидан маҳкам ушлади, мўлжаллаб туриб пастдаги очиқ деразага қаратиб зарб билан иргитди. Кўзни қамаштирарли даражада ловиллаб ёнган ўт ҳамма деразани ва ҳатто трест биноти билан мактаб биноти ўртасидаги кўчани ҳам ёритди ва айни замонда шишаларнинг шарақлаб сингани ва электр лампасининг синишига ўхшаган заиф портлаш овози эшитилди. Деразадан ловиллаб аланга чиқа бошлади. Шу дам Серёжка ўша деразага иккинчи шишани иргитди, у аланга ичида жуда қаттиқ портлади. Бўлма ичида аланга қутуриб авж олар, дераза ромлари ёнар, чўзилиб чиққан олов деворга ёпишиб, юқорига кўтарилар, иккинчи қаватга етай-етай дер эди. У бўлмада кимдир жонининг борича додлади, войлади, бутун бино дод-фарёдга тўлди. Серёжка учинчи шишани олиб, ўз рўпарасидаги иккинчи қават деразасига иргитди.

У, шишанинг синганини аниқ эшитди, ҳосил бўлган жуда қаттиқ портлаш чордоқнинг бутун ичкарисини ёритиб юборди, лекин бу вақт Серёжка деразадан анча узоқлашган, зинапоё эшигига яқинлашиб қолган эди. Зинапоёдан ўқдек отилиб тушди-да, деразаси очиб қўйилган синфни қоронғида излашга вақти бўлмагани учун тўғри келган бўлмага ўзини урди. У ўқитувчилар бўлмаси эди шекилли, жадал деразани очди, паркка сакраб тушди-да, камалакдек букилиб, паркнинг ичкарисига қараб югурди.

Учинчи шишани ташлаган пайтидан то паркда чопиб бораётганини фаҳмлаган пайтига қадар нимаики қилган бўлса, ҳаммасини инстинктив равишда қилган ва агар уларни эслашга тўғри

келса эслай ҳам олмаган бўлур эди. Лекин энди ерга ётиш ва бир зумгина қулоқ солиш кераклигини тушунди.

Серёжкага яқин бир жойда, кўкатлар ичида, сичқон шитирлаб юргани эшитилди. У ётган жойдан ёнгин алангаси кўринмаса ҳам, лекин кўчадан шовқин-сурон, гала-ғовур эшитилиб турар эди. У даст ўрнидан турди ва яна нарига, паркнинг энг четига, эски кўмир конига бориб олди.

Мабодо паркни ўраб олсалар, ҳар қанақа бўлганда ҳам қочиб қутулиш учун ўша ерга бориб олган эди.

Энди у осмонга тобора кўпроқ яллиғ сочаётган, каттаков шафақни кўра бошлади, у шафақ ўзининг тўқ қизил ёғдусини шу қадар узоқдаги бу эски баҳайбат конга ва парк дарактларининг учларига ҳам сепмоқда эди. Серёжканинг юраги ҳовлиқади, қинидан чиқиб кетай дейди, у буни сезади. Унинг бутун вужуди титрайди, қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборишдан ўзини зўрға-зўрға сақлайди.

Мактабда немис грамматикасидан ўрганган ва мана ҳозир эсига келган бир туркум жумлани кўнглида буюк тантана билан такорлади:

— Ана сизга! Зетцен зи зих! Шпрехен зи дейч! Гебен зи этвас!..

Шафақ ҳамон зўрайиб, парк осмонини қизартирди, шаҳар марказида кўтарилган шовқин-сурон ҳатто шу ерга ҳам эшитила бошлади. Кетиш керак эди. Лекин Серёжканинг юраги бошқа орзу билан ёнмоқда: у бугун боғчада учратган қизни, Валя Борцни кўргиси, ўша ерга боргиси келади,— ҳа, Серёжка энди у қизнинг номини ҳам билади.

У, қоронғида шарпасиз юриб, Деревянная кўчасининг орқа томонидан чиқди, девордан боққа ошиб тушдида, дарчадан энди кўчага чиқаман деб турганда, дарча ёнида паст овоз билан бир тўда кишининг сўзлашаётганини эшитиб қолди. Деревянная кўчасининг ҳали немислар ишгол қилмаганидан фойдаланиб, аҳоли кўчага азбаройи ёнгинни кўриш учунгина чиққан эди. Серёжка шарпа чиқармай девордан ошиб ўтиб, дарчанинг олдига келди. У ерда шафақда ёришиб бир тўда хотин киши турган эди, Серёжка уларнинг орасидаги Валяни таниди.

— Нима ёнаётибди?— деб сўради у, ўзини Валяга билдириш учун.

— Садовая кўчасида алақаер... Балки мактаб ёнаётгандир,— деди бир хотин киши ҳаяжонли овоз билан.

— Трест ёнапти,— деди Валя кескин бир оҳангда: унинг

овозида даъват аломати бор эди. Кейин: — Ойи, мен кириб ухлайман,— деб жўрттага эснади-ю, калиткадан кириб кетди.

Серёжка унинг орқасидан бормоқчи бўлиб турганда, Валя пошналарини тақ-туқ босиб зинапояга чиқди ва орқасидан эшик тақ этиб ёпилди.

ЙИГИРМАНЧИ БОБ

Немисларнинг асосий кучлари: танк қисмлари, машиналарга ўтқазилган пиёда аскарлари, оғир замбараклари ва гаубицалари, алоқа қисмлари, аравалар, санитар ва сапёр қисмлари, катта ва кичик қўшилмаларнинг штаблари кўп кунлардан бери Краснодардан ва унга яқин шаҳар ва қишлоқлардан ўтиб турди. Моторларнинг овози кўкда ҳам, ерда ҳам тинмай гуриллайди. Шаҳар ва дала-дашт осмони чанг тўзонлари билан қопланди.

Ҳад-ҳисобсиз қўшинлар ва уруш қуроллари бу оғир, салмоқли ҳаракатида шафқатсиз тартиб — Ordnung бор эди. Темирдек мустаҳкам, шафқатсиз тартиб бўлган бу кучга бас келгудек дунёда ҳеч қандай куч йўқдай туюларди.

Уқ-дори ва озиқ-овқат юкланган вагонлар сингари баланд қилиб ясалган юк машиналари, бензин солинган бақалоқ ва юмалоқ цистерналар катта гилдираклари билан ер бағрини эзиб, оғир-оғир илгарилайди. Солдатларнинг кийимлари ташқи жиҳатдан яхши ва силлиқ. Офицерлар башанг. Немислар билан бирга руминлар, венгерлар, итальянлар ҳам борадилар. Бу армиянинг замбараклари, танклари ва аэропланларида Европадаги барча заводларнинг тамгалари бор. Рус ёзувидан бошқасини ҳам биладиган киши юк машиналари ва енгил машиналар чиқарадиган заводларнинг тамгаларини кўравериб кўзлари қамашар ва Дон далаларида моторларини гуриллатиб, осмони-фалакни мудҳиш чанг тўзонлари билан қоплаб бораётган немис армиясини Европадаги кўпчилик мамлакатларнинг ишлаб чиқариш кучи таъминлаётганини билиб даҳшатланарди.

Уруш ишларига ақли-фаросати сал бўлса ҳам етадиган ҳар бир киши совет армиялари худди ана ўшандай куч зарби билангина шарққа ва шарқи-жанубга, ҳамон орқага — Новочеркасскка, Ростовга, тинч Доннинг ул юзига, Волгага, Кубанга қараб чекинаётганини пайқар, баъзи кишиларга туюлганидек, бутунлай қайтиб келмайдиган бўлиб нақадар шиддат билан

чекинаётганини англар эди. Совет армияларининг қаердалигини энди ким билсин... Ўғлинг, отанг, эринг, қариндошингнинг қайси бир маррада жон бериб, жон олаётганини, балки жонажон ерга бош қўйиб, абадий уйқуга кетганини энди немисларнинг сводкаларидан ва немис солдатларининг гап-сўзларидангина фаҳмлаб олишинг мумкин.

Олдин ўтган немис қисмлари еб-талаб улгурмаган нарсаларнинг ҳаммасини пайдар-пай келаётган қисмлар чигиртка сингари қуришиб бораркан, ҳужум қилиб бораётган немис армияларининг жуда орқада юрадиган кучлари ва уларнинг штаблари, таъминот бўлимлари, резерв қисмлари Краснодонда, худди ўз уйларидек, мустаҳкам жойлашиб олди.

Немислар ҳукмронлиги остида ўтган шу дастлабки кунларда маҳаллий аҳолидан ҳеч бир киши бу ерда немисларнинг қайси бири вақтинча-ю, қайси бири доимий бошлиқ бўлиб қолишини, шаҳарда қандай ҳокимият қурилганини билмас, у фақат ўткинчи солдат ва офицерларнинг ҳар бир уйда қилган бебошлигини, жабру зулминигина биларди. Ҳар бир оила ўз дарди билан яшар ва ўз аҳволининг чатоқлиги ҳам даҳшатли эканлигини тобора кўпроқ фаҳмлаб, бу янги, даҳшатли аҳволга ўзича чора топарди.

Вера буви билан Елена Николаевнанинг ҳаётида янги ва даҳшатли нарса шу бўлдики, уларнинг уйига генерал барон фон Венцель бошчилигида немис штабларидан бири жойлашди, генералнинг адъютанти билан сариқ сочли, сап-сариқ сепкилли малай солдат ҳам шу ерда ўринлашди. Энди уларнинг уйи олдида ҳамиша немис қоровули туради. Уларнинг уйи, бемалол кириб-чиқиб турган, ё кенгашма учун, ё эса шунчаки еб-ичиш учун келган немис генераллари ва офицерлари билан, уларнинг немис тилидаги сўзлари ва немисча маршлари ҳамда радиога сўзланган немисча нутқлари билан тўлди. Немис генераллари ва офицерлари бу уйга, худди ўз уйларига киргандек, баҳузур кириб келишаверади. Уй эгалари, Вера буви билан Елена Николаевна эса, кети узилмай ўт ёқиб турилган ошхона плитаси ёнидаги кичкина, ғоят дим уйга чиқариб ташланганлар. Энди улар саҳардан то ярим кечагача немис генераллари ва офицер жанобларининг хизматлари билан банд бўладилар.

Вера Васильевна буви кечагина қишлоқдаги ҳалол меҳнати билан шахсий пенсионер деган фахрли унвон эгаси ва Донбассдаги катта трестлардан бирида ишловчи геологнинг онаси эди, Елена Николаевна эса — Канёвдаги ер бўлимининг мудирини, катта совет ходимининг тул қолган хотини, Краснодон мактабидаги

эң яхши ўқувчининг онаси эди. Бу аёлларнинг иккиси ҳам кечагина ҳаммага танилиб, ҳамма ҳурмат қиладиган кишилар эди. Энди эса улар немис генералининг сариқ сепкилли малайига чурқ этмасдан бўйинсунадилар.

Генерал барон фон Венцель уруш ишлари билан ғоят даражада банд, у Вера буви билан Елена Николаевнани ҳам сезмайди. Олдига харитани ёзиб қўйиб, соатлаб харитага қараб ўтиради, ўқийди, адъютант келтирган қоғозлар устига алланималар ёзади, қўл қўяди ва бошқа генераллар билан биргаликда коньяк ичади. Баъзан бу генерал, жаҳли чиқиб, худди қўшинга команда бераётгандек, шу қадар ўшқирадики, бошқа генераллар, шимларига тикилган икки қизил ҳошияларга қўлларини қадаб, қотиб турадилар. Немис қўшинлари, уларнинг танклари, аэропланлари, замбараклари генерал фон Венцель ихтиёри билан мамлакат ичкарисига ҳаракат қиლაётгани, уларнинг ҳар вақт ўз муддатида жўнашлари ва тайинланган жойга ҳам ўз вақтида етиб боришлари генерал учун эң муҳим нарса экани Вера буви билан Елена Николаевнага равшан эди. Вера буви билан Елена Николаевнанинг уйида тургани генерал фон Венцелнинг парвойига қанчалик келмаса, немис қўшинлари ўтган жойларда қилинаётган бебошликлар ҳам шунчалик парвойига келмас эди.

Генерал фон Венцелнинг буйруги ё индамасдан қилган совуққина ишораси билан унинг ёнида ва теварак-атрофида юзларча ва мингларча хунук ва ифлос ишлар қилинар эди. Бирон нарсаси олинмаган уй қолмади, Вера буви билан Елена Николаевнанинг ҳам ёғи, асали, тухуми ва мойларини тортиб олардилар, лекин бу нарсалар хурмо шохчалари орасида пухта жойлашган қизғимтил хиқилдоғи устида қимирламай турган узунчоқ калласини баланд кўтариб юришига сира халақит бермайди, ҳар қандай ёмонлик ва ифлослик генералнинг тушунчасига бориб етмайди.

Генерал ўзини жуда тоза тутадиган киши, у ҳар куни икки марта, эрта билан ва кечқурун ётишдан аввал, бошдан-оёқ иссиқ сувда ювинади. Генералнинг узунчоқ юзидаги тиришлари ва пияк тағи тоза қилиб қирилган, ювинган, атир сепилган бўлади. Унинг ўзига махсус ҳожатхона қилинди, генерал букилиб ўтирмасдаюқ ўз ишини битирсин деб, Вера буви ҳар кун ҳожатхонани ювиб туришга мажбур. Генерал ҳар куни худди бир вақтда ҳожатхонага боради, малайи эса унинг ёнида пойлаб туради ва генералнинг йўталганини эшитиб, унга махсус юмшоқ қоғоз тутади. Лекин генерал шунчалик покиза бўлишига қарамай,

Вера буви ёки Елена Николаевна ҳузурда овқатдан кейин қаттиқ кекиришдан ҳам тоймайди. Агар ўз бўлмасида ёлғиз бўлса, ичидан сассиқ ҳаво чиқаверади, ёндаги хонада Вера буви билан Елена Николаевна бордир деб андиша ҳам қилмайди.

Оёқлари узундан келган адъютанти ҳар бир хатти-ҳаракатида генералга ўхшашга тиришади. У новча генералига ўхшаш учун ҳам шундай новча бўлиб ўсгандек туюлади. У ҳам, генералга ўхшаб, Вера бувиға ҳам, Елена Николаевнаға ҳам парво қилмасликка тиришади.

Вера буви билан Елена Николаевнани генерал ҳам, унинг адъютанти ҳам наинки одам ўрнида, ҳатто буюм ўрнида ҳам кўрмайди. Генералнинг малайи эса энди уларнинг тўла ҳуқуқли бошлиғи ва хўжайини бўлиб олган.

Вера буви бу янги ва даҳшатли аҳволга тушгандан кейин, ўзининг бу аҳволга рози бўла олмаслигини дастлабки кунлардаёқ сезган эди. Зийрак Вера буви сариқ сепкилли малай бошлиқлари олдида ўз ҳукмини унга ўтказа олмаслигини, Вера бувининг жонига қасд қила олмаслигини пайқаб олди. Шундан кейин у малай билан тобора кўпроқ айтишадиган бўлди, малай унга бақиргудек бўлса, ўзи малайға ўшқириб берадиган бўлиб қолди. Бир кун малай, қизишиб каттакон пошнаси билан кампирнинг белига бир тепган эди, кампир ҳам бор кучини тўплаб туриб, това билан унинг калласига бир туширди, қизиғи шуки, қип-қизариб кетган малай, дами ичига тушиб кетгандек, ғинг демади. Вера буви билан сариқ сепкилли малай ўртасида мана шундай галати можаролар бўлиб турди. Елена Николаевна эса ҳамон чуқур ички алам билан яшайди ва ҳашаматли оқ-сариқ сочлар билан безалган, бир оз кеккайган бошини ғоз тутиб, ундан талаб қилинган нарсаларни ҳиссиз, сўзсиз бажаради.

Шундай кунларнинг бирида Елена Николаевна Садояга ёндош бир кўчада сувга кетаётиб, рўпарадан келаётган таниш аравага кўзи тушиб қолди; саман от қўшилган араванин ёнида ўғли Олег келмоқда эди.

Елена Николаевна бўшашиб ожизона қаради-да, қўлидаги челаги билан обкаши тушиб кетди.

Гоҳ Олегнинг кўкрагига юзи билан суйкалиб, гоҳ унинг қуёшда товланган оқ-сариқ сочларини силаб, гоҳ кўкраги, елкалари, ягри, оёқларини ушлаб:

— Олжжа... ўғлим...— деб такрорлар эди.

Олег онасидан бир бош бараварида новча эди; шу кунларда у жуда қорайган, юзи озган, ўзи эса йигит тусига кириб қолган.

Лекин ўғлида ва онасининг хотирасида умрбод сақланиб қолган хусусиятлар бу йигитчада ҳар вақтдагидан ҳам кўпроқ кўзга ташланиб туради, Елена Николаевна ўглининг бу хусусиятларини у эндигина тил чиқариб, қуёшда қорайган семиз, юмалоқ оёқлари билан талтанглаб эўрга-зўрга юра бошлаган пайтидан бери билади. У ҳақиқатда ҳали катта ёшли бир болагина эди. У ўзининг катта, кучли қўллари билан онасини қучоқлади; пайваста, оқиш қошлари остидаги кўзлари эса, ўтган ўн олти ярим йилдан бери онаси олдида қандай пирпираган бўлса, ҳозир ҳам ўшандай — ўғлига хос соф, равшан нур билан пирпираб, ўзи эса: — Ойи... ойи... ойи... — деб ҳадеб такрорлар эди.

Шу бир неча зум ичида уларнинг кўзига ҳеч ким ва ҳеч нарса кўринмади: тартибни, Ordnung ни бузадиган бирон нарса йўқмикан деб, уларни яқин ҳовлидан кузатиб турган иккита немис солдати ҳам, она-боланинг учрашганига турли ҳис билан арава ёнида қараб турган қариндошлари: вазмин ва гамгин Коля тога, қора, гўзал ва ҳорғин кўзлари ёшли Марина келноийи; Лена аммаси нима учун уни олдин қучоқлаб ўпмаганига ҳайрон ва тажанг бўлаётгани уч ёшли бола ҳам; ана, дунёда қандай ишлар бўлмайди, деб қариларга хос бир андиша билан турган аравакаш бобой ҳам уларнинг кўзларига кўринмас эди. Бир-бирига ўхшаган бу икки кишининг кўришганига баланд бўйли, қуёшда товланган сариқ сочли, яланғоч бошли ўсмир билан йўгон соч ўримларини бошига чамбарак қилиб қўйган, ҳали бутунлай ёш кўринган хотиннинг қучоқлашиб ўпишганига деразалардан қараб турган мўмин бандалар, агар бошга тушган балодан қочиб қутулолмай, ўз ота-оналари олдида, немислар босиб олган ўз уйларига қайтаётган юзлаб ва минглаб краснодонликлар сингари, унинг ҳам ўз онаси олдида қайтиб келган Олег Кошевой эканини билмаган бўлсалар, уларни опа-ука деб ўйлашлари мумкин эди.

Туғилган жойларини, уйлари ва яқин кишиларини ташлаб кетганларнинг куни жуда оғир эди. Лекин немислардан қочиб қутулган кишилар эса ўз совет ерларида юрар эдилар. Аммо немислардан қочиб қутулишга бутун куч-қувватларини сарф қилиб-да, бунга муяссар бўлолмай азоб-уқубат тортганларнинг аҳволи яна ҳам мушкулроқ ўтар, улар ўз рўпараларида ўлим даҳшатини кўрар ва шу туфайли бугун немислар ихтиёрига ўтган ўз жонажон ерларида сомондек саргайиб, овқатсиз, бошпанасиз, руҳсиз, якка-дукка кезар, худди гуноҳкордай дуч келган ҳар бир немиснинг марҳаматига қараб яшар эди.

Олег ва унинг ўртоқлари ғира-шира ҳаво ёруғида ярқираб турган яланг далада бостириб келаётган немис танкларини кўриб, ўлимга биринчи марта дуч келган кишилардек, сескандилар. Лекин ўлим ҳали ўз юзини кўрсатмади.

Немис мотоциклчилари қочиб улгурмаганларнинг ҳаммасини ўраб олиб, уларни Донец ёнида бир жойга тўплади. Олег, унинг ўртоқлари: Ваня Земнухов, Клава ва унинг онаси, 1-мис кўмир конининг директори Валько ўша ерда биринчи марта учрашдилар. Вальконинг ҳамма ёғи ҳўл, бриджи билан пиджаги сувга пишган, хром этиклари ичида сув билқиллаб турар эди.

Бу умумий гала-ҳовур ичида камдан-кам киши бир-бирига эътибор қилар, лекин Валькони кўрганларида, «у ҳам Донецдан ўтолмабди» деб ўйлар эди. У эса соқол-мўйловлари олинмаган бугдой ранг лўли башарасида қаттиқ ғазаб билан ерга ўтирди, хушбичим этикларини ечди, ичидаги сувни тўкди, пайтаваларини сиқиб, яна этигини кийди-да, хўмрайган юзини болаларга ўгириб, қўрқманглар, мен сизлар билан дегандек, қора кўзларини сал қисиб қўйди.

Қора шлём-берётли, ис босган заҳар юзли немис танкчи-офицер ҳарбийларга оломон ичидан чиқишни буюрди. Қуролсиз ҳарбийлар оломон орасидан тўпланиб ёки битта-битта чиқа бошладилар. Немис солдатлари уларни милтиқ қўндоқлари билан орқаларига туртиб юриб бир чеккага олиб чиқдилар. Ҳадемай оломон ёнида бошқа, кичкина ҳарбийлар тўпи пайдо бўлди. Эгниларида эскириб, кирланган гимнастёркалар ва оёқларида чанг босган этиклари билан кўзларни қамаштирувчи қуёшли далада бир-бирларига сиқилиб турган у кишиларнинг юзида алам ва ҳасрат бор эди.

Ҳарбийларни бир колоннага тизиб, Донецнинг юқорисига ҳайдаб кетдилар. Граждан кишиларни эса уйларига қайтариб юбордилар.

Ана шунда Донецдан кўзгалган одамлар дала бўйлаб ҳар ёққа тарқалдилар. Уларнинг кўпчилиги йўл бўйлаб ғарбга, Ваня билан Жора тунаган хутор орқали Лихая томонга қараб кетди.

Кошевой билан унинг қариндошлари аравага солиб кетаётган бобой ҳам Виктор Петровнинг отаси далада кетаётган немис танкларини кўришлари биланоқ, арава-паравалари билан ўз кишилари тўпига қўшилиб олдилар. Энди Клава Ковалёва билан унинг онаси ҳам қўшилган бу саргардонлар тўпи ғарбга, Лихая томонга қараб кетаётган кишилар ва аравалар оқимиға қўшилиб кетди.

Худди шундай бўлишига, яъни уларни қўйиб юборишган экан, бунда ҳеч қандай қувлик йўқлигига кўп вақтгача ҳеч ким ишоналмади, йўлларда тўлиб-тошиб келаётган немис солдатларига ҳамон хавфсираб кўз ташлаб боришди. Лекин чарчаб, терга пишиб, юзлари чангда кирланиб, яна пима бўларкин деб жонларининг ғами билан бораётган солдатлар рус қочоқларига қайрилиб ҳам қарамас эдилар.

Биринчи ҳадук ларзаси ўтгач, кимдир кўнгли ишонмайроқ гапирди:

— Бу ҳақда немис қўмондонлигининг буйруғи бор. Маҳаллий аҳолига жабр қилинмасин дейилган.

Қуёш остида худди от сингари ҳовур чиқариб бораётган Валько хўмрайиб заҳарханда қилди ва иблис қиёфасида қорайиб, ғазаб билан бораётган немис солдатларига ишора қилиб:

— Кўрмаяпсанми, уларнинг фурсатлари йўқ, бўлмаса-ю бўғзингдан сувга тўлғазишарди-я! — деди.

Рус кишилари тўпланган ҳар жойда, ҳатто ҳаётнинг энг хатарли пайтларида ҳам ҳазилкашлигини ташламайдиган кишилар ҳар вақт топилади; ана ўшандайлардан бири:

— Ундай бўлса, сен ичиб кўрибсан-да? — деди шўх овоз билан.

— Ҳа, ичиб кўрдим, — деди хўмрайиб Валько. Кейин бир оз ўйланиб тургач: — Лекин косанинг ҳаммасини эмас, — деб кўшиб қўйди.

Ҳақиқатан ҳам, Валько болаларни дарё бўйида қолдириб, кечикка тушган пайтда мана бундай ҳодиса юз берган эди: дарёдан одам ўтказиб турган ҳарбийлардан бири унинг феъли бениҳоя бузуқ эканини кўриб, у билан гаплашишга мажбур бўлди. Валько у ҳарбийдан кечик қўмондонлиги дарёнинг у юзига ўтиб олганини билди. Валько бир понтон лабидан энди суза бошлаган иккинчи понтон лабига ирғиётиб: «бу валадларга сўзимни ўтказиб бу ерда тартиб ўрнаткизмасам отимни бошқа қўяман» деб ғазаб билан ўйланди. Шу чоғ немисларнинг шўнғувчи аэропланлари ҳужум қилиб қолди, ана шунда у ҳам эл қатори ётишга мажбур бўлди. Кейин немис артиллерияси саваб қолди, понтонда ваҳима бошланди. Ана шу пайт Валько иккиланиб қолди.

Донецнинг ул юзига ўтиб олиш учун энг охири имкониятдан фойдаланишга у ўз вазифаси жиҳатидангина ҳақли бўлмай, балки бунга мажбур ҳам эди. Лекин, томирларда пинҳона қайновчи қизғин қонли, гоят кучли ва андишали кишиларнинг ҳам

ҳаётида учраши каби, баъзан шахсий, кичик, аммо яқин турган бурч умумий ва асосий, аммо узоқ бурчдан устун келади.

Валько ўз ишчилари, ўз дўсти Григорий Ильич Шевцов, қирғоқда қолган комсомол болалар унинг ҳақида нималар ўйлаши мумкинлигини кўз олдига келтирар-келтирмас, буларни тасаввур қилар-қилмас, унинг бутун қони қора юзига урди ва орқасига бурилди. Шу чоғ сузар кўприкнинг эн-бўйини тўлдириб рўпарадан одамлар лаваси оқиб келмоқда эди. Валько, бутун усти-боши билан ўзини сувга ташлаб, қирғоққа қараб суза кетди.

Немислар Донецнинг бу қирғоғини бевосита ўққа тутиб ва ўраб олабошлаган бир пайтда, одамлар ақли-ҳушларини йўқотиб, понтон узра у қирғоққа чопишар, понтонга тушиш учун бир-бирлари билан ёқалашар ва ўнлаб, юзлаб кишилар қирроқ сари сузиб борса. Валько кучли қўллари билан тўлқинларни ёриб бу қиргоқ томон сузар эди. У немислар қийноғида ўладиган кишиларнинг биринчиси ўзи бўлишини билар, шундай бўлса ҳам бу қиргоқ сари интилар, чунки виждони ўзгача йўл тутишга имкон бермас эди.

Немислар Валькони ўлдирмай, бошқалар қаторида қўйиб юбордилар ва шу калтабинликлари билан ўз пешоналарига шўр орттирдилар. Мана энди Валько шарққа, Саратов томонга бориш ўрнига, қочоқлар оқинида ғарбга қараб кетмоқда, ҳолбуки у хизмат мажбурияти туфайли Саратовга кетиши керак эди, хотин, бола-чақалари ҳам ўша ерда эди.

Қочоқлардан йиғилган бу колонна Лихаяга етмасданоқ бўлиниб-бўлиниб кетди. Валько бир группа краснодонликларга колоннадан ажралиб чиқиб, Лихаядан айланиб ўтиб, катта йўллардан йироқда, қишлоқ сўқмоқлари ва иложи бўлса кўриқлар орқали Краснодонга етиб олишни таклиф этди.

Халқлар ва давлатлар ҳаётининг энг оғир пайтларида ҳар вақт бўлгани каби, ҳатто энг одми киши қалбида ўз тақдири ҳақида тугилган ғам бутун халқ ва давлат ҳақидаги ғам билан чамбарчас боғланиб кетади.

Уларнинг бошларига тушган қулфатлардан сўнгги дастлабки кунларда катталар ҳам, болалар ҳам тушкун бир кайфиятда юришар, бир-бирлари билан жуда кам сўзлашар эдилар. Руҳларини туширган нарса келажакда кўрадиган кўргиликларигина эмас, балки бутун совет ери энди нима бўлади деган ғам эди. Лекин ҳар ким ўзича ғам тортарди.

Маринанинг уч ёшлик ўғилчаси, Олегнинг амакиваччасиги-

на бурмунча хотиржам эди. Үзи яшаб турган оламнинг пухталигига заррача ҳам шак келтирмас эди, чунки ота-онаси ҳар вақт ёнида эди. Тўғри, осмонда алланарсалар гувиллаб ва гув-гув овоз эшитилиб, еру кўкни ларзага келтирган гумбурашдан сўнг одамлар қочиб берганда унинг ҳам юраги жуда қаттиқ шигиллаган эди. Лекин ҳар вақт теварак-атрофда нимадир гумбураб турган ва одамлар ҳар вақт қочиб юрган кезларда ўсгани учун ҳам пича йиғлади-ю, юпанди-қўйди. Энди эса ҳамма ёқ тинчиди, яхши бўлиб қолди. Фақат унга йўл чўзилиброқ кетгандек туюлади, холос. Чоштгоҳ палласи жуда ҳам ҳолдан кетгани учун йўл азоби янада ўтиброқ кетди ва қачон бувисининг олдига боришини айтиб гингший бошлади. Лекин дам олиш учун қўнган кезларида пича каша еб олса, юмронқозиқ инига чўп тиқиб ўйнаса, кейин оёқчаларини маймоқ-сўймоқ босиб, калласини шох кўтарган ҳолда, ҳар бири саман отчага икки баравар келадиган тўриқ отлар атрофида айланса, сўнгра ойисининг тиэзалари орасига бошини қўйиб ширингина ухлаб олса,— ҳар нарса ўз жойига тушади ва дунё яна гўзал, яна ажойиб тус олади.

Аравакаш бобой ўзининг турмушига, яъни кекса кичик бир кишининг ҳаётига немислар замонида хавф тўғилмаса керак деб ўйлайди. Лекин йўлда отини немислар олиб қўйишидан қўрқади. Бундан ташқари, кўмир конида қирқ йил аравакашлик қилгани учун олиб турган нафақасидан немислар маҳрум қилишади ва фронтчи уч ўғли учун олиб турган ёрдам пулини бердирмай қўйиш у ёқда турсин, ҳали ким билади, Қизил Армияда шунча ўгли борлиги учун қийин-қистовга ҳам олишмаса эди деб ўйлайди. Россия урушда енгиб чиқа олармикин деган савол уни жуда қаттиқ ташвишга солади. Ҳақиқатан ҳам кўрганларига қараб туриб, Россия енголмай қолармикин деб жуда ҳам қўрқади. Ана шундай кезларда, энсасидаги кул ранг сочлари чумчуқ патига ўхшаган бу кичкина чол бултур қишда доктор «касалингиз зўриқибди» деганда ўлибла қолмаганига хўп ачинарди. Лекин у, ўз ҳаётини ва ўзи қатнашган урушларни эслайди, Россиянинг катталигини, бойлигини хотирлайди. Кейинги ўн йил ичида Россиянинг бойлиги яна ҳам ортиб кетганини эслайди-да, наҳотки немисларда Россияни енгудек куч топилса?— деб гумонсирайди. Бобойнинг мияси шу фикрлар билан банд бўларкан, у асабий бир тусда жонланади, қуёшда қорайган қотма бўйин суягини қашийди, лабларини болалар сингари чўзилтириб чуҳлаб, саман отчасини қамчи билан тезлайди.

Олегнинг тоғаси Николай Николаевичга, ҳаммасидан ҳам шуниси алам қилардики, трестда жуда яхши бошланган иши биринчи йилдаёқ гоят муваффақият билан ўтказилган разведка натижасида юқорига кўтарилган ёш геологнинг иши — шу қадар қутилмаган ва даҳшатли бир тусда тўхтаб қолган эди. Унинг фикрича, немислар уни муқаррар ўлдиришади, агар борди-ю, ўлдиришмаса, у ҳолда немислар хизматини қилмаслик учун кўп усталик қилишга тўғри келади. Лекин ҳар қандай вазиятда ҳам немисларга хизмат қилмаслигини биларди, негаки немисларга хизмат қилиш унга қўл-оёқлар билан эмаклаб юришдек, ғайри табиий ва ўнғайсиз туюларди.

Ёшгина Марина хола эса немислар келгунча қандай даромадлар билан тирикчилик қилиб келаётганликларини ҳисоблайди. Унинг ҳисобича, немислардан аввал: Николай Николаевичнинг ойлиги, Елена Николаевна марҳум эри — Олегнинг отаси учун олиб турган нафақа, Вера Васильевна буви нафақаси, трест берган уй ва ҳовлида ўзлари етиштирган полиз билан тирикчилик қилиб келган эдилар. Энди немислар келиши билан ўз тирикчиликларининг биринчи уч манбаидан маҳрум бўлишлари турган гап, қолган манбалардан ҳам ажралишлари мумкин. У нуқул кечикда ўлдирилган болаларни эслайди ва уларга ўз боласидек ачиниб, йиғлай бошлайди. Немислар хотинларга кўп бетамизлик билан осилишиб, уларни зўрлашади деган гаплар ёдига тушади-да, ўзининг бежиримгина жувон эканини ва унга немислар муқаррар осилишини ўйлаб, гоҳ кўрқувга тушади, гоҳ эса жўрттага одмироқ кийиниб, тарзи-тароқни ўзгартириб олсам, эҳтимол, ҳеч нарса бўлмас деган фикр билан ўзини юптади.

Виктор Петровнинг отаси, ўрмон қоровули, 1918 йилда немисларга қарши курашиб довруқ чиқарган бир киши бўлгани учун, ўзи ва комсомол бўлгани учун ўғли уйга қайтса уларни ўлим хавфи қарши олишини билар эди. Энди нима қилишини ўйларкан, боши берк кўчага кириб қолади. У яширин иш олиб бориш ва партизанлар курашини уюштириш учун партияли кишилардан биронтаси албатта қолдириб кетилган бўлишини ҳам биледи. У бутун умри оддий ўрмон қоровули бўлиб ҳалол ишлаб келган умримнинг қолганини ҳам шу иш билан ўтказаман деб ўйлаб юарди. Ўғли билан қизини яхшилаб ўқитиб, уларни одам қилишни орзу қилиб юарди. Лекин ўтмиши, эҳтимол ошқора бўлмасдан, немислар қўлида ҳам яна ўрмон қоровуллигини давом эттириши мумкинлиги миясига келгудек бўлса, бу-

тун вужуди шу қадар алам ва жирканч билан тўлиб-тошадики, бу забардаст, бақувват кишининг йиғлагиси, уришгиси келади.

Айни шу вақтда унинг ўғли Викторнинг Қизил Армияга юраги ачиб, қаттиқ алам қилиб ва хўрлиги келиб боради. У Қизил Армия ва унинг командирларини ёшлик чоғларидан бери севар ва урушнинг биринчи кунларидан бошлаб урушда Қизил Армия командири бўлиб қатнашишга тайёрланиб юрар эди. У мактаб ҳарбий тугарагига раҳбарлик қилар ва ҳарбий машғулот ҳамда жисмоний ҳаракатларни, Суворов таълимига мувофиқ, ёмгирда, қаҳратон совуқларда ўтказарди. Қизил Армиянинг маглубияти, албатта, Викторнинг кўзи олдида унинг обрўйини тушириши мумкин эмас эди. Лекин ўз вақтида Қизил Армия командири бўлиб олмагани алам қилади, агар у ҳозир Қизил Армиянинг командири бўлса эди. Қизил Армия, шубҳасиз, бундай оғир ва қайғули аҳволга тушмаган бўларди. Немислар қўлида тақдири нима бўлажаги масаласида эса ортиқча бош қотириб ўтирмас, бу масалада отасига ва ҳаётнинг ҳар қандай мушкул дамларида ҳам кутилмаган, мутлоқ тўғри йўл топадиган дўсти Анатолий Поповга суянар эди.

Унинг дўсти Анатолий Попов эса ватанга ич-ичдан ачинар, индамасдан тирноқларини тишлаб, энди нима қилсам экан деб йўл бўйи ўйланиб боради. Уруш кунлари комсомол мажлисларида социалистик ватанни ҳимоя қилиш тўғрисида қанча докладлар қилган бўлса ҳам, лекин у докладларнинг биттасида ҳам ҳали ватанни ўз онаси — баланд ва тўла қоматли, анор юзли меҳрибон ва унга гўдаклигидан бери айтиб келган ажойиб, қадимий казак куйларининг ҳофизи Таисья Прокофьевна сингари қандайдир катта ва гўзал сифатлари билан тасвир этмаган эди. Бу ватан сифатлар ҳаминиша унинг қалбида яшар ва жонажон куйларни эшитганда ёки оёқ ости қилинган ғаллаларни ва ёндирилган кулбаларни кўрганда, кўзларига ёш келар эди. Мана энди унинг ватани кулфат ичида, шундай бир кулфат ичида қолдики, уни кўрар, уни ўйлар экансан, юраклар ачишиб оғрийди. Ҳаракат қилиш, дарҳол ҳаракат қилиш керак эди, лекин қандай, қайда, ким билан?

Анатолийнинг ҳамма ўртоқлари ҳам шу хил фикрлар билан бири оз, бири кўп даражада машғул эди.

Ғафат Улягина на жонажон ватан тақдири ва на ўз тақдири ҳақнда ўйлай олар, бунга мадори етмас эди. У 1-бис кўмир конининг ағдарилганини кўргандан буён бошдан кечирган нарсаларининг ҳаммаси — севгили ўртоғи онаси билан хайр-маъзуо-

лашгани, қуёшда қақраган ва топталган далаларда босиб бораётгани бу йўллар ва ниҳоят, Уля бошдан кечирган барча азобуқубатларни ўзларида акс этдириб, дарё кечигида ўлиб ётган қизил рўмолли хотиннинг қонга беланган жасади ва кўзлари косасидан ўйнаб чиққан кичкина ўгил бола,— буларнинг ҳаммаси гоҳ ханжар каби ўткир, гоҳ тегирмон тоши каби оғир бўлиб, Улянинг қонли багрини яна ва яна эзарди. У йўл бўйи индамасдан, гўё хотиржамдек кўринган бир қиёфа билан арава ёнида юриб боради ва унинг кўзларида, бурун тешикларида, лабларида зуҳур этган мудҳиш куч аломатларигина унинг қалбиди қандай бўронлар кўтарилганини акс этдириб туради.

Аммо Жора Арутюнянц немислар қўли остида қандай яшагани аниқ билар эди. Шунинг учун ҳам ҳар нарсага ақли етадиган одамдай муҳокама қила бошлади:

— Одамхўрлар! Тавба, бизнинг халқимиз уларнинг айтганига кўна қолармиди, а? Бизнинг халқимиз, илгари немислар ишғол қилган жойлардаги сингари, шубҳасиз қуролга ёпишади. Менинг отам мўмин киши, лекин у ҳам қўлига қурол олади, бунга сира шубҳам йўқ! Онам-ку, ўша феъли-атвори бўладиган бўлса, қўлига қурол олмай қўймайди. Қари-қартанглариимизки шундай кишилар экан, у ҳолда биз ёшлар нима қилишимиз керак? Биз ёшлар кетмаган болаларнинг ҳаммасини ҳисобга олишимиз,— деди-ю Жора, кейин сўзини тузатиб, давом этди — ҳа, бопталарини топиб-билиб, сўнгра ҳисобга олишимиз, кейин яширин ташкилот билан дарҳол алоқа боғлашимиз керак. Ҳар ҳолда, Володя Осьмухин билан Толя Орлов Краснодарда қолишган, буниси менга маълум, ахир улар қўлларини қовуштириб ўтиришмагандир? Ҳа, айтмоқчи, Люся-чи, Володянинг сингиси, ҳе, у ажойиб қиз,— деди Жора ҳиссиёт билан — ана у қиз, ҳарна бўлса ҳам, ҳеч қўл қовуштириб ўтирмайди, бунга зигирдек ҳам гумоним йўқ.

Ваня Земнухов, ўз суҳбатларини Клавадан бўлак ҳеч ким эшитолмайдиган бир пайтни пойлаб туриб, Жорага айтди:

— Менга қара, ҳой абрек! Ростини айтсам, ҳамма сенинг гапингга қўшилади. Лекин... тилингни тий. Аввало, бу иш ҳар бир кишининг виждонига боглиқ. Қолаверса ҳаммага ҳам кафил бўлишинг қийин. Борди-ю, бу гапларни битта-яримтаси оғзидан чиқариб қўйса, у ҳолда сенинг ҳам, ҳаммамизнинг ҳам ҳолимиз нима бўлади.

— Нега сен мени абрек дединг?— деб сўради Жора ва унинг қора кўзларида илҳомли кибр аломати кўринди.

— Негаки, сен қорасан ва чавандоз сингари ҳаракат қиласан.

— Биласанми, Ваня, яширин ишга ўтганимда албатта ўзимга «Абрек» деган лақаб қўйиб оламан,— деди Жора Арутюнянц овозини шивирлар даражада пасайтириб.

Жора Арутюнянцнинг фикри ва кайфияти Ваняга маъқул тушган эди. Лекин у ҳозир ниманики ўйламасин, барибир Клаванинг яқинлигидан бунёдга келган бахтиёрлик ҳисси ва кечик олдидаги хулқини эслаганда уйғонган мағрурлик ҳисси унинг ўйларига қоришиб кетади ва Ковалёвнинг: «Ваня, қутқаз уларни» деб айтган сўзларини яна эшитгандек бўлади ва ўзини Клаванинг ҳомийси деб ғурурланади. Клава-у ҳисга шерик бўлгани учун ҳам Ванянинг бахтиёрлик ҳисси янада тўлиқ кўринар эди. Агар отаси туфайли ташвиш ва онасининг зори-фигони бўлмаса, Клава Ковалёва бу ерда, қуёш ёғдуларига чўмган Донец далаларида, ўз севгили кишиси билан бахтиёр ва дилбар кечинар, уфқнинг гоҳ у ери, гоҳ бу ерида кўриниб турган немис танкларининг қопқоқлари, зенит тўпларининг стволлари ва каскаларга, мотор овозлари ва чанг-тўзонлар ичида олтин буғдойларни поймол қилиб югурувчи немис солдатларининг каскаларига ҳам эътибор қилмас эди.

Лекин ўзининг ва барча халқнинг тақдири ҳақида турлича ўйлашган бу одамлар орасида икки киши бор эдики, улар ҳам характер, ҳам ёш жиҳатдан турлича бўлиб, лекин руҳлари мислсиз равишда баланд ва ғайратлари қайноқ бўлгани туфайли, бир-бирларига ажабланарли даражада ўхшардилар. У кишиларнинг бири — Валько, иккинчиси эса Олег эди.

Валько камгап киши, шунинг учун ҳам бу лўли қиёфали киши қалбида нималар бўлаётганини ҳеч ким ҳеч вақт билмасди. Унинг толеи қаҳрига олгандек туюлса-да, лекин уни ҳеч вақт шундай ғайратли ва хушчақчақ бир кайфиятда кўрмаган эдилар. У бутун йўлни пиёда босди, ҳаммага ғамхўрлик қилди, болаларнинг гоҳ бири, гоҳ иккинчиси билан, гўё уларни синаётгандек, очилиб сўзлашиб, тез-тез тегишиб келди.

Аравада ўтиравериш Олегнинг ҳам жонига тегди. Ахир, ойимни, бувимни қачон кўрар эканман деб, чидамсизлик билдира бошлади. У, Жора Арутюнянцнинг сўзларини эшитаркан, бармоқ учларини шукуҳ қилиб силайди, қўққисдан Ваня билан Клава устидан кула бошлайди, ёки юраксизлик билан дудуқлашиб Уляга тасалли беради, ёхуд уч ёшлик жиянига қарайди

Эйинки Марина келин ойисига ҳурмат ва муҳаббатини изҳор қилади, ё бўлмаса бобой билан узундан-узоқ сиёсий суҳбатларга киришиб кетади. Баъзан эса пешонасини қаттиқ тириштириб, ҳали болаларга хос ўжарлик тусини йўқотмаган ва жилмайиб турган семиз лабларини буриштириб, жаҳлли ва айни замонда мулоғим ўйчан кўзларини узоқ-узоқларга тикиб, арава ёнида индамай боради.

Краснодонга етишларига камида яна бир қўниш қолганда, қўққисдан бир тўда немис солдатига йўлиқишди. Немис солдатлари вазминлик билан,— ҳатто у қадар қўполлик ҳам қилмай, шошмай иккала аравани ипидан-игнасиғача тинтишди. Марина билан Улячинг чамадонларидан ипакли нарсаларини тортиб олишди, Викторнинг отаси ва Вальконинг этикларини ечинтириб олишди, Вальконинг сувда сузганига ҳам қарамай, ноппа-нозандай юриб турган қадимий олтин соатини ҳам тортиб олишди.

Улар немислар билан бу биринчи бевосита тўқнашувнинг оқибати янада бешбаттар бўлишини кутган эдилар, шунинг учун ҳам ўша тўқнашувда юз берган қаттиқ юрак ҳовлиқиши бир-бирларининг олдида хижолатпазликка, кейин эса ғайри табиий бир жонланишга айланди; араваларни немислар қандай тинтиганликларини чувиллашиб тақлид қилар, ҳаммадан ҳам ипак пайпоқларига куйиб фиғони чиқаётган Маринани эрмак қилишар, ҳатто эгниларига бридж ва оёқларида фақат тапочка билан қолиб, ҳаммадан кўра кўпроқ ўнғайсизлик тортган Валько билан Викторнинг отасини ҳам аямадилар. Ёлғиз Олеггина бу сохта хушчақчақликка аралашмади, юзи хўмрайди ва узоқ вақтгача ғазабли бир сиймода қолди.

Улар Краснодонга кечаси етиб келдилар ва тунда шаҳарда юриш тақиқ бўлса керак деб тахмин қилган Вальконинг маслаҳати билан шаҳарга кирмай, жарликда тунадилар. Ойдин кеча эди. Ҳамма ҳаяжон ичида, узоқ вақтгача ҳеч кимнинг кўзига уйқу келмайди.

Валько жарнинг қай томонга чўзилганини билгани кетди. Бир вақт орқадан кимнингдир оёқ товуши эшитилди. У қайрилиб тўхтади ва ой ёруғида Олегни кўрди.

— Уртоқ Валько, сизга жуда зарур гапим бор. Жуда зарур,— деди Олег паст овоз билан сал дудуқланиб.

— Маъқул,— деди Валько,— лекин тикка туриб гаплашишга тўғри келади, ҳамма ёқ хўл.— У истехэо билан жилмайди.

— Шаҳарда яширин иш олиб борувчи кишиларимиздан

биронтасини топишга ёрдам берсангиз,— деди Олег, Вальконинг ўсиқ қошлари остида хираланиб кўринган кўзларига тикилиб.

Валько бошини жадал кўтарди ва шу кўйи Олегнинг кўзларига бирмунча вақт тикилиб қолди.

Унинг қаршисида янги авлод, энг ёш авлод вакили турар эди.

Бир-бирига қовушмайдигандек кўринган хислатлар — хаёлчанлик билан ҳаракатчанлик, фантазия парвози билан амалий тадбир, хайри-саховат севгиси билан бағри тошлик, бепарволик билан ҳушёрлик, ер юзидаги шоду хуррамликларга эҳтиросли муҳаббат билан улардан ўзини тийишлик,— мана шу бир-бирига қовуша олмайдигандек кўринган бу хислатлар биргалашиб шу ёш авлоднинг мислсиз сиймосини қизиб берар эди.

Бу авлодни Валько яхши билар эди, чунки бу авлод кўп жиҳатдан ундан кўчирилган нусха эди.

— Яширин иш олиб борувчи кишини топдинг десак ҳам бўлади,— деди кулимсираб Валько,— лекин бундан кейин нималар қилишимизни ҳозир сўзлашиб оламиз.

Олег жимгина кутиб турди.

— Бу қарорга бугун келмаган кўринасан,— деди Валько.

У тўғри айтган эди. Ворошиловградда бевосита хавф туғилар-туғилмас, Олег ўз ниятини биринчи марта онасидан яшириб, комсомол райкомига борган ва яширин группалар ташкил этишда ўзидан фойдаланишларини илтимос қилган эди.

Райкомдагилар сабабини ҳеч тушунтирмасдан, тахминан қуйидагича жавоб бериб, Олегни жуда қаттиқ хафа қилган эдилар:

— Гап шундай, йигитча, ул-булларингни йиғиштир-у, туёнингни шиқиллатиб жўнаб қол, аммо тезроқ жўна.

Комсомол райкоми яширин иш олиб бориш учун группалар тузмаганлигини, яширин ташкилот ихтиёрига бериладиган комсомоллар эса аллақачон ажратилганини у билмас эди. Шунинг учун унинг райкомдан олган жавоби қўпол жавоб эмасди, балки маълум маънода ўртоққа қилинган гамхўрлик эди. Ана шундан кейин у жўнаб кетган эди.

Лекин дарё кечигида юз берган даҳшатли воқеанинг биринчи зарбаларидан кейин Олегнинг қочиб кетолмаслиги равшанлашган пайтда: «Тилагимга энди етаман» деган фикр унинг ичини ёритди. Қочиш кулфатлари, онасидан айрилгани, тақдирининг мужмаллиги ортиқ унинг бағрини ээмас эди. Унинг бу-

тун рухїй кучи, бутун эҳтироси, орзу-ҳаваси, умиди, бутун ёшлик ҳаваси ва ўжарлиги,— буларнинг ҳаммаси ташқарига булоқиб чиқди.

— Юрагингга қувват берган ўша қароринг,— дея Валько давом этди.— Менинг ҳам феълим шундай. Мана кечагина — қочиб боряпман-у, ҳадеб шу нарсалар эсимга тушади: гоҳ конни портлатганимиз, гоҳ армиямизнинг чекиниб бораётгани, гоҳ қоқларнинг қийналгани, болалар кўзимга кўринади. Ичимни шундай қоронгилик босадик!— Валько мислсиз бир самимият билан гапирар эди.— Лоақал бола-чақамни кўраман-ку деб қувонишим керак эди,— ахир уларни уруш бошидан бери кўрган-им йўқ,— лекин юрак дукиллашини қўймайди: «Хўш, кейин нима бўлади?..» Кеча аҳвол шундай эди. Хўш, бугун-чи? Армиямиз кетди. Немис бизни ушлаб қолди. Бола-чақамни кўрмайман. Эҳтимол, энди ҳеч вақт кўрмасман. Шундай бўлса ҳам, юрагимдан тоғ қулагандек бўлди. Нима учун? Шунинг учунки, йўлим ҳам, бошим ҳам битта бўлиб қолди. Бу эса биздақа кишилар учун энг муҳим нарса.

Олег Краснодонга яқин бир жарликда шудрингларда жилваланган ой ёруғида ўзи билан сўзлашиб турган лўли тахлит ўсиқ қошли бу оғир кишини тинглар экан, унинг ҳеч ким билан шунчалик очиқ сўзлашаганини сезиб турарди.

— Менга қара, сен бу болалар билан алоқангни узма, булар ўз кишиларимиз,— деди Валько.— Сирингни айтма, лекин алоқани ҳам узма. Ундан кейин, ишга яроқли, ҳа, пишиқ болаларни кўз остингга олиб бор, аммо ҳазир бўл, мендан изнсиз бир нарса қилма, ишинг пачава бўлади. Нима қилишни ва қачон қилишни мен ўзим айтаман сенга...

— Шаҳарда ким қолдирилганини биласизми?— деб сўради Олег.

Валько очиқ эътироф қилди:

— Билмайман, хабарим йўқ, лекин топиб оламан.

— Мен сизни қандай топаман?

— Мени топишингнинг кераги йўқ. Мабодо уйим бўлганда ҳам, барибир уни сенга айтмас эдим, лекин очигини айтганда, ҳозирча уйсизман.

Эр ва ота ҳалокатининг хабарчиси бўлиб кириши нақадар қайғули бўлса-да, Валько дастлабки дамларида Шевцов оиласида яширинишга қарор қилди, чунки улар Валькони билар ва яхши кўришар эди. У Любка сингари жасоратли бир қиз ёр-

дами билан алоқа боғлаш ва хилватроқ жойдан уй топиш умидида эди.

— Яхшиси, сен адресингни бера қол, мен ўзим сени топаман.

Валько Олегнинг адресини эсида олиб қолгунча овозини «яқариб бир неча бор такрорлади.

— Хавотир қилма, мен сени топаман,— деди паст овоз билан Валько.— Мабодо мендан дарак бўлавермаса, ҳовлиқиб юрма, кут... Бор энди,— деди ва кенг кафти билан Олегни елкасидан итарди.

Олег эшитилар-эшитилмас овоз билан:

— Раҳмат сизга,— деди.

Олег ҳар қандай изоҳ ожизлик қиладиган бир ҳаяжон билан лагерга қайтди, уни ҳаяжон шудринг босган кўкатлар устидан кўтариб ўтгандек бўлди. Ҳамма уйқуда, фақат отларгина курсиллатиб ўт қовшмақда. Фақат Ваня Земнухов тиззаларини қучоқлаган ҳолда Клава билан унинг онаси бошида ўтиради, она-бола эса донг қотиб ухлаб ётади.

Олег энди барча одамларга раҳми келиб қараб, ўзини эритиб турган шу ҳис билан: «Ваня севгили дўстим» деб ўйлаб қўйди. У ўртоғи ёнига келди-да, ҳўл кўкатлар устига ҳаяжонланиб чўзилди.

Ваня, ой ёругида қонсиз кўринган юзини унга ўгирди-ю, бўйиқ овоз билан шошиб сўради.

— Хўш, ишлар қалай? У нима деди?

Олег ҳам ажабланиб, ҳам хижолатланиб:

— Нимани сўраяпсан? — деди.

— Валько нима деди? Бирон нарсадан хабари бор эканми?

Олег нима дейишини билмай унга тикилиб қараб турар эди.

— Мен билан беркинмачоқ ўйнамоқчимисан дейман-а? — деди Ваня бўғилиб. — Ахир, кичкина бола эмасмиз-ку.

Олегнинг ҳайрати янада ошди, кўзлари чаноғидан чиққудек бўлди ва дўстига тикилиб туриб, шивирлади:

— Қ-қандай билдинг?

— Сенинг яширин алоқангни билиш учун донишманд бўлиш шарт эмас-ку, ахир, сеники ҳам мекинига ўхшаш-да,— деди Ваня истеҳзо билан жилмайиб. — Наҳотки менинг ҳам фикри-эикрим шу нарса эканини билмасанг?

— Ваня!.. — Олег ўзининг катта қўллари билан Земнуховнинг кичкина қўлини ушлаб маҳкам қисди, у ҳам қаттиқ қисиб жавоб қилди. — Демак, биргамиз?

— Албатта, бирга!

— Ҳамиша?

— Ҳамиша, — деди Ваня жуда паст ва жиддий овоз билан. — Томирларда қоним қотгунча.

Улар пирпираган кўзлари билан бир-бирининг юзига қараб турардилар.

— Биласанми, ҳозир унинг ҳеч нарсадан хабари йўқ эмиш. Лекин топаман дейди. Топади ҳам, — деди Олег гурурланиб. — Ҳа-да, оғайни, Қуйи Александровкада ҳаял қилиб қолма...

Ваня калласини барала силкиб:

— Йўқ, буни хаёлингга ҳам келтирма, — деди. Сўнгра уялин-қираб:

— Фақат буларни жойлаб қўйишимиз бор, холос, — деб қўшиб қўйди.

Олег Ванянинг юзига яқинлашиб келиб шивирлади:

— Клавани севасанми?

— Қўйсанг-чи, шу ҳам гап бўлдимиз?

— Йўқ, уялма. Ахир, севиш ёмон нарса эмас, ж-жуда яхши нарса! У ш-ш-шундай ажойиб қизки, сен эсанг... сени мақташга сўз ҳам тополмайман, — деди Олег. Унинг юзи ва овозида ҳам соддалик, ҳам бахтиёрлик ифодалари бор эди.

— Шундай, мана биз ҳам, ҳамма одамлар ҳам анча азоб тор-тяпмиз, сира у ёғи йўқ, лекин турмуш ўз гўзаллиги билан жовибасини қўймайди, — деди Ваня.

— Т-т-тўғри, т-тўғри, — деди Олег қаттиқ дудуқланиб. Кейин унинг кўзларига ёш келди.

Тақдир бу турли-туман одамларни, болалар ва катталарни далада қовуштирганига бир ҳафтадан сал ошган эди. Мана энди дала устида кўтарилган қуёш уларнинг ҳаммасини ёритди. Улар бу ёғдудан сўнги марта бирга туриб баҳраманд бўлмоқда, айрилиш пайти келган экан, гўё бутун умр бирга яшаган кишилардек, юраклари меҳру шафқат, қайғу-ҳасрат ва ҳижрон доғи билан тўлиб тошмоқда.

Эғнида бридж, оёқларида тапочка билан жар ўртасида ёлғиз турган Валько:

— Қани энди, йигитлар ва қизлар... — деб сўз бошлаган эди, лекин қорамтир қўлини силтаб ҳеч нарса демади.

Болалар бир-бирларига адрес бердилар, алоқани узмасликка ваъда қилишиб, хайрлашдилар. Улар дала устида тарқаб кетаётиб ҳам, узоқ вақтгача бир-бирларини кўриб бордилар. Орасира битта-яримтаси қўлини ё рўмолчасини силтаб қўяди. Ана

энди биттаси, кейин бошқалари қир ё жар орқасида кўздан ғойиб бўла бошлади. Даҳшатли улуғ йилда, қуёш жазирамалари остида гўё бу ҳамроҳлар бирга-бирга кезмагандай.

Немислар эгаллаган жонажон уйининг остонасидан Олег Кошевой шу тахлитда босиб ўтди.

ҲИГИРМА БИРИНЧИ БОБ

Марина кичкина ўғли билан ошхона ёнидаги ҳужрага, Вера буви билан Елена Николаевнанинг ёнига кириб жойлашди. Николай Николаевич билан Олег эса, тахтадан иккита чорпоя ясаб, ҳовлидаги ёғоч саройчага омонатгина ўрнашдилар.

Сўзини эшитгудек ҳеч ким йўқлигидан юраги қон бўлган Вера буви (ахир у сариқ сепкилли малайни ўзининг суҳбатдоши деб ҳисоблай олмас эди!) дарҳол уларга шаҳар янгилликларидан гапириб кетди.

Бундан икки кунча бурун йирик-йирик кўмир конларининг эшикларига, Горький ҳам Ворошилов номидаги мактаб биноларига, райижроком биноси ва яна бир қанча ерларга қўлда ёзилган большевистик варақалар ёпиштирилган. Варақаларнинг остига «ВКП(б) Краснодар район комитети» деб ёзилган. Шуниси ҳаммадан қизиқ эдики, варақалар ёнига «Правда» газетасининг эски вақтларда Ленин ва Сталин расмлари билан чиққан сони ҳам ёпиштирилган эди. Овозаларга ва немис солдатларининг ўзаро гапларига қараганда, областнинг турли районларида, аynиқса Донец бўйи районларида, Ворошиловград ҳамда Ростов областларининг чегарасида, Боково — Антрацит ва Кремень районларида немисларнинг транспорт ва ҳарбий қисмларига партизанларнинг ҳужум қилганликлари маълум.

Шу маҳалгача бирон коммунист ва бирон комсомол аъзоси махсус рўйхатдан ўтиш учун немис комендантининг ҳузурига келмади («Нима, мен ўзимни ўзим тутиб бериб анойи бўпманми, қирилиб кетсин немислар!» — деди Вера буви), аммо кўплари маълум бўлиб, қамоққа олинган эди. Бирон корхона, бирон муассаса ишламайди, лекин немис комендантининг буйруғига биноан, одамлар ўз ишхоналарига келишга ва маълум иш вақтини шу ишхоналарда ўтказишга мажбур эдилар. Вера бувининг айтишича, «Краснодонуголь» трестига қарашли Марказий механика ишхонасида ишлаган инженер-механик Бараков билан Филипп Петрович Лютиков яна ишга қайтган. Миш-мишлар-

ға кўра, уларга тегиш у ёқда турсин, ҳатто Бараковни ишхона директори этиб тайинлашган, Лютиковни эса эски механика цехи бошлиғи лавозимида қолдиришган.

— Бу одамлар шундай қилар деб ким ўйлаган эди! Яна булар партиянинг эски аъзолари! Бараков дегани фронтда бўлган, ярадор ҳам бўлган! Лютиковни айтмайсанми: ўзи жамоатчи эди, ҳамма уни танирди! Нима бало, эс-ҳушидан айрилдими? — деб ҳам ҳайрон бўларди, ҳам ғазабланар эди Вера буви.

Вера буви яна, немислар шаҳардаги яҳудийларни тутиб, Ворошиловград ёнига олиб кетаётганларини, у ерда гўё «гетто» очганларини, лекин кўп одамларнинг айтишича, аслда яҳудийларни фақат Верхнедунанная чакалакзорига олиб бориб, қириб ташлаётганларини ва ерга кўмиб ташлаётганларини гапирди. Мария Андреевна Борц ҳам эрининг тақдирдан жуда қўрқиб, бирон кимса айтиб қўймасин деб хавотир қилар экан.

Олег жўнаб кетган вақтдан бери, айниқса немислар келгандан буён Елена Николаевнани тоғдек босиб турган оғир қайғу тошини ўғли уйга қайтиши биланоқ гўё сирли бир қўл олиб ташлагандек бўлди. Энди у ҳар вақт кўнгли равшан бўлиб ва гайратга тўлиб юради, бу сифатлар унинг табиатида ҳар вақт мавжуд эди. У, инидан тушиб кетган бургут боласи теварагида гиргиттон бўлган она бургутдек, ўз ўғлига парвона бўлади. Олег ҳам онасининг: «Қалайсан, ўгилгинам? Шу гам-ғуссаларга бардош бера олармикинсан?» деяётгандек туюлган эйтиборли, қайғу ва ташвишли назарини тез-тез кўриб қолади.

Олег эса йўлда ҳис этгани маънавий парвоздан кейин бирданига чуқур руҳий тушкунликка мубтало бўлди. Ҳамма нарса у тасаввур этгандек бўлиб чиқмади.

Кураш — бу ишга киришаётган ёш ўсмир тасаввурида — аўрлик ва ёвузликка қарши муттасил жонбозлик бўлиб кўринади. Ёвузлик эса тутиш бермайдиган, қандайдир бардош қилинмайдиган, ҳар вақт бўлиб турадиган олчоқликдан иборат бўлиб чиқди.

Пахмоқ, ювош қора ит ҳам тирик қолмабди, Олег у ит билан ўйнашни жуда яхши кўрар эди. Ҳовлидаги ва уй олдидаги дарахтлар ҳам, буталар ҳам кесиб ташлангани учун кўча яланғоч бўлиб кўринарди ва бу яланғоч кўчада яланғоч немислар юргандек туюларди.

Генерал барон фон Венцель Вера буви билан Елена Николаевнага қандай парво қилмаса, Олегга, Марина ва Николай Николаевичга ҳам ўшандай парво қилмас эди.

Вера буви, албатта, генералнинг хулқида ўзини таққир этгудек бирон нарса борлигини сезмас эди.

— Бу ҳам уларнинг «янги тартиби», — дер эди Вера буви. — Мен энди қариб қолдим. Бизда, крепостнойлик ҳуқуқи замонида, эски тартиб қандай оғир эди, мен буни яхши биламан. Крепостнойлик ҳуқуқи замонида ҳам немис помешчиклари бор эди, улар ҳам мана шу барон сингари керик, бадфеъл эди, илоё бунинг кўзлари оқиб тушсин. Ундан қойиб нима ҳам қиламан? Бизникилар келиб, кекиртагини узиб олмагунларича, барибир, у ўз феълени қўймайди...

Олегнинг назарида, Олега ва унинг яқин кишиларини ҳамда теварак-атрофдаги барча одамларни қаттиқ хўрликка солган бош айбдор — камбар, ярқироқ, тугмали ботинкалар кийиб, бўйнини топ-тоза ювиб юрадиган шу генерал эди. Фақат немис генералини ўлдириш билангина ўша хўрлик ҳиссиётидан қутулиш мумкиндек туюларди, лекин бу генералнинг ўрнига бошқа ва шу билан бирга худди ўшанга ўхшаш бўйни тоза ювилган ҳамда тугмали ботинкалари ййотираб турган яна бошқа генерал келади.

Узун оёқ адъютант Маринага жуда мулоим, лекин совуқ муомалалар қилади ва уни ўзининг ҳамда генералнинг ишларига тез-тез солиб туради. Унинг Маринага тикилиб турган рангсиз кўзларида жирканиш ва айни вақтда болаларга хос қизиқиш ифодаси бўлади, гўё у кўнглини очиши мумкин бўлган галати жониворга қараётгандек туюлади, лекин унга қандай муомала қилишни билмайди.

Энди адъютантнинг яхши кўрган машғулоти — Маринанинг кичкинагина ўғилчасини конфет билан алдаш бўлиб қолди. Бола дўндиқ қўлчасини чўзганда у конфетни ўз оғзига солиб олади. Адъютант бу лўттибозликни бир марта, икки марта, уч марта, то бола йиғлагунча қилади. Ана шунда у ўзининг узун оёқлари устида чўкка тушиб ўтиради-да, конфетни тилининг қип-қизил учига чиқариб, кўз-кўзлаб сўради ва рангсиз кўзларини чаноғидан чиқариб, узоқ қаҳ-қаҳлаб кулади.

Марина ундан, унинг узун оёқларидан тортиб то ғайри табиий оқ тирноқларигача жирканади. У Марина учун одам эмас, ҳатто ҳайвон ҳам эмас. Бизда одамлар бақадан, калтакесак ва эчкиэмардан қандай жирканса, Марина ҳам ундан шундай жирканарди. Адъютант уни ўз ишига солганда у шундай одамнинг ихтиёрида бўлгани учун жирканиб ва айни замонда қўрқиб туради.

Лекин ёшларнинг меъдасига тегиб жонидан тўйдириб юборган киши — сариқ сепкилли малай эди. Унинг бўш вақти ҳаддан ташқари кўп бўлади: у бошқа малай солдатлар, ошпазлар, генерал хизматини қилувчи хўжалик командасининг солдатлари орасида катта ҳисобланади. Унинг бутун бўш вақти — немислардан қандай қилиб қочмоқчи бўлганликларини ва нечук қочиб қутулолмаганликларини ёшлардан қайта-қайта сўрашга ҳамда фақат эси паст ва ёввойи одамларгина немислардан қочиши мумкинлиги ҳақида ўз мулоҳазаларини неча мартабалаб сўзлашга сарф бўларди.

У ёшларга ҳар ерда: яшириниб ўтирган ўтин саройда ҳам, ҳовлига тоза ҳаво олиш учун чиққанларида ҳам, генерал кетган пайтларда уйда ўтирганларида ҳам эгов бўларди. Вера бувининг пайдо бўлишигина ёшларни малай таъқибдан қутқазар эди.

Шуниси қизиқ эдикн, қўллари бақувват, ўзи баҳайбат келган малай бошқаларга қандай муомала қилса, Вера бувига ҳам худди шундай қўпол муомала қилади-ю, лекин ундан тап тортиб юради. Немис малай билан Вера буви русча ва немисча сўзларни кўп расво қилиб аралаштириб ва унга юз-бадан ҳаракатларини қўшиб бир-бири билан сўзлашади. Вера бувининг юз ва бадан ҳаракати ҳар вақт аниқ ва заҳари, малайники эса — ҳар вақт қўпол, қандайдир беҳурмат, бемаъни ва ғазабли бўлади. Шундай бўлса ҳам, улар бир-бирларининг гапига яхши тушунишади.

Энди бутун оила эрталик, тушги ва кечги овқатни ейиш учун ўтин саройга йиғилади ва бу иш худди яширинча қилингандай бўлади. Гўштсиз боршч, кўк, сувга пиширилган картошка ва булка нон ўрнига буви ўзи пиширган оби нон ейдилар. Бувининг беркитиб қўйган дунёси ҳали кўп эди. Лекин кўз тушадиган ерга қўйилган нарсаларнинг ҳаммасини немислар еб битиргандан кейин буви, бошқа ҳеч нимаси йўқ экан десин деб, немисларнинг кўзида фақат гўштсиз ёвгон овқат пиширадиган бўлди. Кечаси, немислар ухлаб қолганда, буви саройга яширинча ёг ёки хом тухум олиб келади ва бунда аллақандай хўрлик кундуз ёруғидан яшириниб ейишдек бир ҳақорат туюлиб туради.

Валько доми-дараксиз бўлиб кетди. Ваня ҳам келавермади. Уларнинг қай аҳволда учрашишларини ҳам тасаввур этиш қийин эди. Ҳамма уйларда немислар туради. Келган ҳар бир кишига шубҳа кўзи билан тикилиб қарайдилар. Ҳатто оддий учрашув, кўчада туриб сўзлашув ҳам уларда шубҳа туғдиради.

Ҳамма ухлаган пайтда, саройнинг очиқ эшигидан муздек да-

ла ҳавоси ичкарига ғириллаб кирган ва тўлин ой ўз ёғдуларини узоқ кўкларга сочиб, Олегнинг оёқларига яқин бир ерда тўғри бурчак ясаб тушиб турган бир дамда, қўлларини боши остига қўйиб тахта қаравотда ағанаб ётган Олег азоббахш завқларга толади. Яна Позднишеванинг шу ерда, шаҳарда яшашини ўйла-гудек бўлса, бу ҳам унга азобли завқлар беради. Ленанинг қовшмаган, ажралиб-бўлиниб турган хира сиймоси: ой нурлари дона-дона тушиб ялтираётган тун олчаси янглиғ кўзлари кўри-нади, — ҳа, Олег унинг кўзларини кўклам кунлари паркда кўр-ган ёки улар Олегнинг тушига кирган бўлса керак, кумушдек соф кулгиси эшитилади, — унинг кулгиси девор орқасида қошиқ-лар шарақлаган сингари пардалари бири-биридан ажраб турган сунъий, гўё узоқдан келаётган кулгига ўхшайди. Ёшликда ўз ёрини тасаввур қилиш билан, уни хаёлда кўриш бахти билан, лекин эҳтироссиз, виждон азобсиз қандай қийалинса, Олег ҳам унинг яқинлигидан ва ўртага тушган айрилиқдан шундай азобланади.

Уйда генерал ва унинг адъютанти бўлмаган кезларда Олег билан Николай Николаевич ўз уйларига кирадилар. Уларнинг димоғларига атир ҳиди, чет эл тамакисининг ҳиди ва бўйдоқ-ларга хос яна бир ҳид гупиллаб уради. Бу сўнгги ҳидни на атир ҳиди ва на тамаки ҳиди босиб кета олади ва у ҳид генераллар-дан ҳам, солдатлардан ҳам бир хилда гупиллаб туради.

Шундай осийшта соатлардан бирида Олег уйга онасини кўр-гани кирди. Немис ошпаз солдати билан Вера буви индашмоқ-дан платада овқат пиширишар — ҳар ким ўз ишини қилар эди. Овқатхона қилиб қўйилган даҳлиздаги диванда эса малай сол-дат оёқларида ботинкаси ва бошида пилоткаси билан чўзилиб ётиб, сигарета чекмоқда ва афтидан, жуда зерикиб ётмоқда эди. У ҳар вақт Олег ётиб юрган диванда ағанаб ётар эди.

Олег даҳлизга кириши биланоқ малайнинг танбал, зерикиб турган кўзлари унга тикилди.

— Тўхта! — деди малай. — Сенинг жуда димоғинг кўтари-либ кетяпти дейман; ҳа, мен буни сезиб юрибман, — де-ди у ва қалин чармли ботинкали баҳайбат оёқларини пастга туширди. — Қўлларингни ёнингга тушириб, оёқларингни жуфт-лаштириб тур. Ўзингдан катта билан гаплашяпсан. — У ўзида газаб бўлмаган тақдирда ҳам лоақал жаҳл уйғотмоқчи бўлди-ю, лекин димда ўтира бериб шу қадар мажолдан кетган эдики, у нарсага муяссар бўлмади. — Айтилган нарсани бажар! Эшитяп-санми ё йўқми? Ҳой!.. — деб бақирди малай.

Малайнинг айтганларига тушуниб ва унинг сариқ сепкиллари га индамай қараб турган Олег, бирдан ўзини қўрққан кишига солди ва жадал чўккалаб, ўз тиззаларига шапиллатиб урди-ю:

— Генерал келяпти! — деб қичқирди.

Ўша заҳоти малай даст ўрнидан турди. Тураётиб оғзидан сигаретасини олди-да, чангалида эзиб ташлади. Унинг танбал башараси бир зумда мулойим-тўпос тус олди. Пошналарини бири-бирига шақ-шақ уриб, қўлларини ёнига қилиб қотиб турди.

— Ҳа-ҳа, ювиндихўр! Хўжайининг йўғида диванга чўзилиб олибсан-да... Тур энди мана шундай,— деди Олег, овозини кўтармай; Олег бу сўзларни қўрқмасданоқ малайга айта олгани ва у бу сўзларга тушунганидан завқланиб, онаси турган уйга кириб кетди.

Онаси бошини ғоз кўтариб, юзидан қони қочган ва тикаётган нарсасини қўлида ушлаганича эшик ёнида турарди: у ҳамма гапни эшитган эди.

— Ҳай-ҳай-ҳай, болам, шундай қилиб бўладими... — деб сўз бошлаган эди, бирдан худди шу онда малай бақириб-бўкириб кириб қолди.

— Қайт!.. Бу ёққа чиқ!.. — деб ўзини унутиб бақирди.

Унинг юзи шундай қизариб кетган эдики, ҳатто сепкиллари ҳам кўринмай кетган эди.

— Б-бу аҳмоққа эътибор берма, ойи, — деди Олег, пича титраб турган бир овоз билан: у гўё малай бу ерда йўқдек унга қайрилиб қарамади ҳам.

— Бу ёққа чиқ!.. Тўнғиз! — дея бўкирди малай.

Кейин бирдан Олегга ташланди ва уни, пиджагининг ёқаларига ёпишиб, жони-жаҳди билан силкита бошлади. Малай қипқизариб кетган юзида оқариб кўринган кўзларини Олегдан олмас эди.

Елена Николаевна, малайнинг йўгон, қизил қўлларини ўзининг кичкина қўллари билан ўглининг кўкрагидан ажратишга тиришиб:

— Қўй... қўй... Олежек, бу билан барабар бўлма, керак эмас... — дер эди.

Олег ҳам қипқизариб, малайнинг мундири устидаги камарига икки қўли билан ёпишди ва чақнаб турган кўзлари малайнинг юзига шу қадар нафрат ўти билан ништардек санчилдики, малай бир зумгина нима қилишини билмай қолди.

Олег малайни зарб билан ўзига тортди ва унинг юзида қўр-

қув аломати кўринганидан эмас, балки малайда ўзим учун қулай вазиятда ҳаракат қилаётибманми-йўқми деган шубҳа ифодаси пайдо бўлганидан даҳшатли ғазабга тушиб.

— Қ-қўйиб юбор... Эшитяпсанми?— деди.

Малай қўйиб юборди. Уларнинг иккови ҳам ҳансирашиб, қарама-қарши турарди.

— Бор, болам... Бор...— деб такрорларди Елена Николаевна.

Малай, ўзининг нафратини сўз билан ифодалашга тиришиб, паст овоз билан:

— Ёввойи... Ёввойилар баттарини,— деди,— ҳаммангизни худди ит сингари қамчилаб ўргатиш керак!

— Сенсан ёввойилар баттарини, негаки сен ёввойиларнинг малайсан, сен фақат товуқ ўгирлашни, хотинларнинг чамадонини қовлашни ва ўткинчиларнинг этигини ечинтириб олишингина билсан!— деди Олег нафрат билан унга тикилиб.

Малай немисча, Олег эса русча сўзларди, лекин улар ни-майки дейишган бўлса, уларнинг қиёфа ва башараси шундай равшан ифода этиб турардики, икковлари ҳам бир-бирларига жуда тушундилар. Олегнинг сўнгги сўз пайтида малай йўғон ва салмоқли шапалоги билан Олегнинг юзига шундай қаттиқ туширдик, Олег йиқилиб кетаёзди.

Унинг бутун ўн олти ярим йиллик умрида ҳеч вақт, ҳеч бир кимсанинг қўли Олегга на ҳазил ва на жазо тариқасида тегмаган эди. У оиласида ҳам, мактабда ҳам ёшлигидан бери олиб келган ҳавоси — тоза, мусобақа ҳавоси эди, унда қўпол жисмоний зўрлик ҳам, одам ўлдириш, ўғирлик қилиш ва қонунни бузиш ҳам тақиқ эди. Олегнинг қони қайнаб, миясига урди. У малайга ҳамла қилди. Малай эшикка қочди. Онаси ўглининг елкасига осилди.

Онаси қуруқ кўзларини пирпиратиб ва тобора ўглига маҳкамроқ ёпишиб:

— Олег! Ўзингни тут!.. У сени ўлдиради!..— дер эди.

Жанжални эшитиб Вера буви, Николай Николаевич, ошпазлар киядиган шапка, солдатча мундири устидан оқ халат кийиб олган немис ошпаз югуриб киришди. Малай, худди эшак сингари ҳанграр эди. Вера буви эса, оқ енглари ҳилпилаб турган қотма қўлларини силкитиб, малайга қичқирар ва унинг атрофида ирғишлаб, овқатхонага суриб чиқаришга тиришарди.

— Олежек, болагинам, жон болагинам... Дераза очиқ, шу ердан ташла, ташлай қол, болам!..— деб, Елена Николаевна ўглининг қулоғига ҳарорат билан шипшир эди.

— Деразадан? Үз уйимда деразадан ташламайман!— деди Олег, бурунлари ва лабларини кибр билан учириб. Лекин у ўзига келган эди.— Қўрқма, ойи, қўйиб юбор, ўзим ҳам чиқиб кетаман... Ленанинг олдига бораман...— деб юборди кейин.

Шахдам қадамлар билан овқатхонага чиқди. Ҳамма унга йўл берди.

— Аммо, тўнғиз экансан, тўнғиз!— деди Олег, малайга қараб.— Сени уриш мумкин эмаслигини била туриб урасан..— Кейин босиқ қадамлар билан уйдан чиқди.

Унинг юзи ёнарди. Лекин у маънавий ғалаба қозонганини ҳис этади: у немисдан бирон масалада тап тортибгина қолмади, балки немис ундан қўрқди. У ўз қилмишининг оқибатини ўйлагиси келмас эди. Барибир! Бувиси ҳақди: уларнинг «янги тартиби»га итоат қилишми! Ҳе, падарига лаънат! У ўз билганини қилади. Кўрамиз, ким кимдан зўр чиқаркан!

У Садовая кўчага параллель кўчага чиқди. Худди уйнинг ёнида Стёпа Сафоновга йўлиқди.

Кичик жуссаи, оқиш сочли Стёпа Олегнинг катта қўлини икки қўли орасида силкитиб, жуда зўр қувонч билан:

— Йўл бўлсин? Мен сени қидириб келаётиб эдим,— деди дарров.

Олег хижолат тортиди:

— Бир ерга бориб келмоқчиман...

У «рўзғор иши билан» демоқчи ҳам бўлди-ю, лекин тили келмади.

Стёпа ажабланиб, Олегнинг қўлини бўшатди ва:

— Нега бетинг бундай қизил?— деб сўради. У гўё шу ўринсиз саволни бериш учунгина келган кишидек туюлар эди.

— Немис билан муштлашдим,— деб Олег кулимсиради.

Стёпа Олегнинг қизил юзига ҳурмат билан қараб туриб:

— Йўғе?! Хўп иш бўпти-да!.. Жуда соз бўпти-ку! Ростини айтсам, мен сени худди шу иш билан қидириб келган эдим.

— Яъни, қандай иш билан?— деди Олег ва кулиб юборди.

— Юр, мен сени узатиб қўйай, агар бир ерда турсак битта-яримта фриц эгов бўлади...— деди Стёпа Сафонов, Олегни қўлтиғидан олиб.

Олег дудуқланиб:

— Яхшиси м-мен с-с-сени кузатиб қўйай,— деди.

— Балки ўз ишингни ҳозирча қолдириб, мен билан бирга борарсан?

— Қаерга?

— Валя Борцнинг уйига.

— Валянинг уйига?..— Олег ҳозирга довр Валяни кўриб келмагани учун виждони азобланиб юрар эди.— Уларникида немислар турадими?

— Йўқ, ҳамма гап шунда-да, немислар турмайди. Ростини айтсам, сенинг олдинга Валянинг топшириги билан келиб эдим.

Немислар турмайдиган уйда бўлиш — нақадар зўр бахт! Дарвишнинг кулоҳи сингари, ранг-баранг гулшанли ва оч яшп япроқлари кўм-кўк дала осмонига тикиб қўйилган қимирламай турувчи сершоҳ ўша қари акацияли таниш ва салқин боғчада бўлиш!

Мария Андреевнанинг мактабида ўқиган ҳамма болалар ҳануз унинг кўзига гўдакдай кўринарди. У Олегни бағрига узоқ босди, ўпди, ўпка қилди:

— Эски дўстларни унутдингми? Қачонлари келибсан-у, бир кўриниш берай демайсан, эсдан чиқардинг. Сени қаерда кўпроқ яхши кўришар эди? Пианино чалиб берганда, пешонасини тириштириб, бизникида соатлаб ўтирган ким эди? Кимнинг кутубхонасидан худди ўзингникидек фойдаланар эдинг?.. Унутибсан, унутибсан, оҳ, Олежек. Биэда эса...— Мария Андреевна бошини ушлади. Кейин кўзларини даҳшатли тусда олайтириб ва худди паровоз бугидек отилиб чиққан ва бутун кўчага эшитилгудек туюлган бир шипиш билан:— Начора, яшириниб ўтирибди,— деди.— Ҳа, қаердалигини ҳатто сенга ҳам айтмайман... Уэ уйда яшириниб ўтиришдек разолат, бунчалик даҳшат бўлмас. Энди у бошқа шаҳарга кетмаса бўлмайдиган кўринади. Унинг кўриниши у қадар яҳудийга ўхшамайди,— сен қандай қарайсан? Уни бу ерда тутишиб беради. Сталинода эса қадрдон дўстларимиз, қариндошларимиз, рус кишилари бор... Ҳа унинг кетиши керак,— деди Мария Андреевна ва унинг юзи қайғули, ҳатто мотамли ифода олди, лекин Мария Андреевна ғоят соғлом киши бўлганидан, мотам ҳислари унинг юзида махсус шакл олмади.

Мария Андреевна ғоят самимий эканлигига қарамай, сохта гапирётгандек туюлар эди.

Олег унинг қучоғидан зўрга чиқди.

— Ҳақиқатан ҳам сен томондан чўчқалик бу,— деди Валя, устки қалин лабини худбинлик билан кўтариб,— қачонлари келибсан-у, ҳалига довр келмайсан?

— С-сен ҳам б-б-борсанг бўларди!— деди Олег, хижолат билан кулимсираб.

— Агар қизларнинг ўзи мени келиб кўради деб ўйласанг демак, ёлғиз қаришинг турган гап экан,— деди шарақлаб Мария Андреевна.

Олег унга шўх назар ташлади, сўнгра икковлари биргалашиб кулишди.

— Биласизми, бу фриц билан муштлашибди,— уни қаранг, бети қизариб турибди,— деди Стёпа Сафонов мамнун бир ҳолда.

Валя Олегга қизиқиб қаради.

— Ростдан муштлашдингми? Ойи,— деди ва бирдан онасига қайрилиб қаради,— сени уйда кутишаётган кўринади...

Мария Андреевна ўзининг бардам қўлларини осмонга кўтариб:

— Ё оллоҳ, қандай яширин иш олиб борувчи кишилар-а булар,— деди шовқин солиб.— Кетдим, кетдим...

— Офицер биланми? Солдат биланми?— Валя Олегдан ҳадеб сўрай берди.

Боғчада Валя ҳамда Стёпадан бошқа яна бир бола бор эди; сзгин, яланг оёқ, ёнга тараб ётқизилган қўнғироқ, қаттиқ, оқиш сочли ва лаблари сал дўрдоқ болани Олег танимасди. У акация ўзақлари айрилиб чиққан жойда индамасдан ўтирар ва Олег келгандан бери жуда маъноли, ўткир кўзларини ундан узмас эди. Унинг бу қарашида ва ўзини ушлашида қандайдир ҳурматга сазовор бир нарса бор эдики, Олег ҳам ихтиёрсиз, у томонга қараб-қараб қўяр эди.

Валя, онаси уйга кириб кетгандан кейин, юз ва овозида қатъий бир ифода билан:

— Олег,— деди.— Яширин ташкилот билан алоқа боғлаш учун бизга ёрдам қил... Йўқ, шошмай тур,— деди қиз, Олег ўзини ҳеч нарсани билмайдиганга солиб олганини кўриши биланоқ. Лекин Олег дарҳол соддадиллик билан кулимсиради.— Ахир, яширин кураш йўлларини сен ҳам билсанг керак. Сизларнинг уйингизда ҳар вақт жуда кўп партияли кишилар бўларди, бунинг устига, мен яхши биламан, сен болалардан кўра кўпроқ катталар билан ҳамдамлик қиласан.

— Йўқ, афсуски, м-мен алоқа қилган кишилар йўқ бўлиб кетди,— дея кулимсираб жавоб берди Олег.

— Бу гапларингни бошқа одамга айт,— бу ерда ўтирганларнинг ҳаммаси ўз кишиларимиз... Ҳа. Эҳтимол, сен ундан торти-наётгандирсан? Ахир, у Серёжка Тюленин-ку!— дея қичқирди

Валя, акация ўзаклари орасида индамай ўтирган болага шартта юз ўгириб.

Валя, Серёжка Тюлениннинг тафсирига ортиқча ҳеч нима қўшмаган бўлса ҳам, лекин бунинг ўзи кифоя эди.

— Мен тўғри гапни айтяпман,— деди Олег, энди Серёжа Тюленинга қараб. У бу суҳбатни уюштирган бош сабабчи Серёжа Тюленин эканига шубҳа қилмас эди.— Яширин ташкилот борлигини биламан. Трест билан ҳаммомга ўт қўйган ҳам ўша ташкилот эканига шубҳа қилмайман,— деди Олег, лекин унинг бу сўзларини эшитиб турган Валянинг кўзларида аллақандай учқун кўринганини ва унинг устки, гўштлиқ оппоқ лабида бир табассум барқ уриб турганини сезмади.— Билишимча, яқинда биз, комсомоллар, нима қилишимиз ҳақида йўл-йўриқ олармиз.

— Вақт кетяпти. Қўллар оловдек ёнади!— деди Серёжка.

Улар шаҳарда қолгани эҳтимол бўлган болалар билан қизларни муҳокама қила бошладилар. Бутун шаҳар болалари ва қизлари билан ошнагарчилик қилувчи тиришқоқ Стёпа Сафонов уларни шу қадар тафсираб кетдики, Валя, Олег ва Серёжка немисларни ҳам, суҳбатларидан муддао нималигини ҳам унутиб, ичаклари узилар даражада қақалаб кулиша кетдилар.

— Айтмоқчи, Лена Позднишева қаерда?— деб бирдан Валя сўраб қолди.

— У шу ерда!— деди Стёпа.— Мен уни кўчада кўрдим. Жуда олифта бўлиб юрибди, бошини мана бундай қилиб олибди,— деди Стёпа, сепкилли бурнини кериб, боғни бир айланиб чиққандай бўлди.— Мен уни «Ленка, Ленка!» деб чақирсам, у бошини мана бундай қилиб бир қимирлатди-қўйди.— деб Стёпа бош ҳаракати билан кўрсатди.

— Ҳеч ҳам ўхшата олмадинг!— деди Валя, Олегга маккорона кўз ташлаб кулиб қўйди.

— Эсингдами, уникида қандай ажойиб ашула айтган эдик? Уч ҳафта бурун, атиги уч ҳафтагина бурун-а, э товба!— деди Олег, мулойим, ғамгин табассум билан Валяга қараб. Кейин кетиш тараддудига тушди.

Кўчага Серёжка иккиси чиқди.

Серёжка, бирмунча тортинчоқ кўзлари билан Олегга жадал қараб:

— Менга Валя сен тўғрингда кўп нарсалар айтган, Олег, ундан ташқари, ўзим кўришим биланоқ, бутун жони-дилим билан сенга суюниб қолдим,— деди.— Бу гапни сен билиб қўй деб айтяпман, бу ҳақда энди сира оғиз очмайман. Гапнинг рости

мана бундоқ: трест билан ҳаммомни биронта яширин ташкилот эмас, мен ёндирганман...

— Н-нима, бир ўзинг?— Олег йилтироқ кўзларини пирпиратиб Серёжкага қаради.

— Ўзим, бир ўзим...

Бирмунча вақтгача индашмасдан боришди.

— Бир ўзинг бўлганинг ч-чакки бўлибди... Қотирибсан, дедил ҳаракат қилибсан, лекин... бир ўзинг бўлганинг ч-чакки бўлибди,— деди Олег. Олегнинг юзида ҳам меҳру шафқат ва ғаму ҳасрат ифодаси бор эди.

Серёжка, Олегнинг мулоҳазасига ҳеч қандай жавоб ҳам қилмасдан:

— Лекин яширин ташкилот бор, биламан,— деб давом этди.— Унинг изига тушишимга сал қолди, лекин...— Серёжка алам билан қўл силтади,— туша олмадим...

У Игнат Фоминнинг уйига борганини ва қайси тариқада борганини Олегга айтиб берди ва бунда Игнат Фоминнинг уйда яшринган кишига ёлгон адрес беришга мажбур бўлганини ҳам яширмади.

— Сен буларни Валяга ҳам айтдингми?— деди Олег бирдан.

— Йўқ, буларни Валяга айтганим йўқ,— деди Серёжка хотиржам бир тусда.

— Яхши... ж-жуда яхши!— Олег Серёжканинг қўлини ушлади.— Агар сен ўша киши билан шу мазмунда гаплашган бўлсанг, у кишининг олдига яна борсанг бўладими?— деди Олег ҳаяжонланиб.

— Ҳамма бало шундаки, бориб бўлмайди,— деди Серёжка. Унинг гўё шишиб кетгандек кўринган лаблари атрофида қаттиқ тиришлар пайдо бўлди.— У одамни хўжайини, яъни Игнат Фомин, немисларга тутиб берди. Уни дарҳол тутиб бермади, фақат немислар келгандан кейин бешинчи ё олтинчи кунда ушлаб берди. «Шанхай»да Игнат Фомин у киши орқали бутун ташкилотни очиб ташламоқчи экан-ку, лекин у киши пишиқлик қилиб қолибди, деган миш-мишлар тарқалган. Фомин бир кун кутган, яна бир неча кун кутган, кейин ушлаб бериб, ўзи полиция хизматига кириб кетган.

— Қандай полицияга?— Ажабланиб сўради Олег. У тахта бостирмада ўтирган пайтларида шаҳарда мана қандай ишлар бўлиб кетибди!

— Пастда, райишроком орқасида, бизнинг милициямиз тур-

ган баракни биласанми?.. Ҳозир у ерда немис дала жандармерияси жойлашган, улар ҳозир руслардан полиция ташкил қилишяпти. Унга бошлиқ қилиб Соликовский деган бир итваччани топишган эмиш. У аллақайси районда, кичкина бир шахтада десятник бўлиб ишлаган экан. Ҳозир эса унинг ёрдами билан ҳар хил кисавурлардан полиция ташкил қилаётирлар.

— У одамни нима қилишди? Улдиришдимиз?— деб сўради Олег.

— Агар миясида ақл бўлмаса ўлдиришган бўлиши керак,— деди Серёжка,— лекин ҳали ушлашиб тургандир деб ўйлайман. Улар у одамдан ҳамма нарсани билиб олишга тиришади, лекин у айтиб берадиган хилидан эмас. Эҳтимол, уни ўша баракда сақлашиб, томирини суғуришаётгандир. У ерда яна бошқа маҳбуслар ҳам бор, лекин кимлар эканини билмайман...

Олегнинг миясига келган даҳшатли фикрдан юраги ҳовлиқиб кетди: у Валькодан хабар кутиб ўтирса-ю, у қудратли қалб эгаси бўлган лўли юзли киши, балки тепалик остидаги ўша баракда, тор ва қоронги зиндонда ўтиргандир ва Серёжка айтмоқчи, унинг ҳам томирларини сугуришаётгандир.

— Раҳмат... буларнинг ҳаммасини айтиб берганинг учун раҳмат,— деди Олег, бўғиқ овоз билан.

Сўнгра, азбаройи мақсадга эришиш учун, Валько билан, сўнгра эса Ваня Земнухов билан бўлган суҳбатини Серёжкага айтиб берди, лекин бундан Валькога берган ваъдасини бузаётганига қитдек бўлса-да шубҳа қилмади.

Улар Деревянная кўчасидан секин-секин юриб борар эдилар. Яланг оёқ Серёжка ларзанглаб, Олег эса — ҳар вақт чин ҳафсала билан тозалаб пардозланадиган ботинкали оёқларини чангдан енгил ва салмоқ билан ташлаб борар эди. Олег: эҳтиёт бўлиб, ишга зарар келтирмасдан, киши билмас, большевиклар яширин ташкилотини топиш ҳаракатида бўлиш, шу билан бирга ёшларга кўз-қулоқ бўлиш, садоқатли, саботли ва ишга яроқли болаларни кўз остига олиб бориш, шаҳар ва районда кимлар қамалганини ҳамда улар қаерда ўтирганликларини билиш, уларга ёрдам бериш имкониятини топиш ва қўмондонликнинг барча ҳарбий ва граждон тадбирларини билиш ниятида немис солдатлари орасида тинмай разведка олиб бориш планини ўз ўртоғига тушунтириб берди.

Серёжка, бирдан жонланиб қурол-аслаҳа тўплашни таклиф этди, жанглардан ва чекинишдан кейин барча округда, ҳатто далаларда ҳам кўп қурол қолган эди.

Улар бу ишларнинг ҳаммаси қанчалик мушкул эканини билсалар ҳам, ҳар ҳолда буларни амалга ошириш мумкин эди; шундай қилиб, ҳар икковида ҳам амалга ошириш мумкин деган ҳис уйғонди.

Олег, пирпираб турган шаҳло кўзлари билан олдинга қараб:

— Бир-биримизга айтилган гапларни аввал билиб, сўнгра қиладиган нарсаларимизни ҳеч ким билмаслиги керак, майли, бизга қанчалик яқин кишилар бўлса ҳам, ким билан ошна-оғайнигарчилик қилсак ҳам, барибир, буларни сен билан мендан бошқа ҳеч ким билмаслиги керак!— деди.— Дўстлик дўстлик-у, лекин.. бу ерда қон ҳиди бор,— деди у зўр билан.— Сен, Ваня, мен,— вассалом... Аввал алоқа боғлаб олайлик, кейин нима қилишимиз кераклигини айтишади.

Серёжка индамади: у сўз билан қасамёд қилишни, ваъда беришни ёқтирмас эди.

— Ҳозир паркда нима гап?— деб сўради Олег.

— Немисларнинг автопарки. Ҳамма ёққа зенит тўплари қўйилган. Ҳамма ерни худди чўчқадек ковлаб ташлашди.

— Бечора паркимиз!.. Сизникиларда ҳам немислар турадимиз?

— Утган-кетганлари тушиб туради,— бизнинг уйимиз уларга ёқмайди,— деб Серёжка кулиб қўйди. Кейин, Олег берган саволнинг маъносига тушуниб:— Бизникида учрашиб бўлмайди, одам кўп,— деди.

— Валя орқали алоқа қилишиб турамиз.

— Жуда соз,— деди Серёжка мамнун бўлиб.

Улар чорсига етгач, қўлларини маҳкам қисшиб хайрлашдилар. Бири-бири билан қарийб тенгқур бўлган бу икки йигитча шу қисқа суҳбат мобайнида қадрдонлашди, руҳлари кўтарилди, дадиллашди.

Позднишевлар оиласи «Сеняки» районида яшайди. Уларнинг оиласи ҳам, Кошевойлар ҳам, Коростилёвлар сингари, стандарт уйнинг ярмини эгаллар эди. Олег, Позднишевлар квартирасининг қадимий нафис материалдан парда тутилган очиқ деразаларини узоқдан кўрди ва унга пианино овози ҳамда Леночканинг кумушдек товланган сохта кулгиси эшитилди. Кимдир, гоят бардам ва кучли бармоқлари билан Олегга таниш романсининг биринчи пардаларини босмоқда, Лена эса ашула айта бошлади, лекин унга жўр қилиб турган киши адашди, Лена кулди, кейин

у адашган жойни овози билан тузатди ва буларнинг ҳаммаси яна такрорланди.

Лена билан пианинонинг овози Олегни бирдан шу қадар ҳаяжонга солдики, у бир неча вақтгача уйга киролмай турди. У овозлар шу ерда, Ленанинг ҳузурида ўтказилган бахтли кечаларни яна Олегнинг эсига солди. У кечалар дўстлар билан ўтказилар эди, у вақтларда дўстлар жуда кўп эди... Валя пианипода жўр қилар, Леночка ашула айтар, Олег эса Ленанинг бир оз ҳаяжонли юзидан кўз узмасди, унинг ҳаяжонли, ёқимли овози ҳамда Олегнинг бутун ёшлик дунёсини тўлдирган ва юрагида абадий сақланиб қолган бу пианино овозларига Олег ҳам мафтун бўлиб, ўзини бахтиёр сезарди.

Оҳ, кошки бу уй остонасидан у ортиқ ҳеч вақт босиб ўтмаган бўлса! Музыка, ёшлик, илк севги ҳаяжонининг яхлит ҳислари қалбиде абадий сақланиб қолган бўлса!

Лекин у даҳлизга ва ундан ошхонага кириб қолди. Уйнинг терскай томонидаги бу чала ёруғ ошхонадаги кичкина стол ёни; да бичими эски қорамтир кўйлак кийиб, сочларини ҳам эскича жингалаклаган қотма хоним,— Ленанинг онаси ва Олег муштлашган малай сингари сочлари сариқ, лекин сепкилсиз, пакана, семиз, ҳамма қилиқ ва ҳаракатига қараганда малайга ўхшаган бир немис солдати жимгина ўтирар эди, уларнинг бу тахлитда ўтиришлари биринчи ўтириш эмаслигини кўрсатар эди. Улар табуреткаларда қаршима-қарши ўтиришар, немис малай солдати эса магрур ва манзур бир табассум ҳамда жилавага ўхшаш бир назар билан қучоғида ушлаб турган рюкзагидан алланарсалар олмоқда ва олаётган нарсаларни Ленанинг онасига бермоқда эди. Ленанинг юзи қотма ва сочлари сохта жингалак онаси эса, уни сийлашаётганини қари хонимларга хос шукроналик билан, айни вақтда хушомадгўйликни билдирувчи табассум билан шу нарсаларни қалтироқ қўллари билан олиб ўз тиззасига қўймоқда. Улар бу содда, лекин икковларини ҳам гоёта машгул қилган ишга шу қадар берилиб кетган эдиларки, Олегнинг кирганини ҳам сезмадилар, Олег эса Ленанинг онасининг тиззасида турган нарсаларни баҳузур кўриб олди: сардин балиқ солинган юпқа тунука қути, бир плитка шоколад, пўпаги бураб очиладиган ярим литр вайтун ёғи солинган чорқирра, тор, сариқ-кўк ётикетли тунука банка. Прованс мойи солинган бу хил тунука банкани Олег ўз уйида турадиган немисларда кўрган эди.

Ленанинг онаси Олегни сезиб қолди ва, тиззасида турган нарсаларни беркитмоқчи бўлиб ихтиёрсиз қўлини югуртирди.

Малай ҳам Олегни кўрди ва қўлида рюкзак бўлгани ҳолда унга парвосиз назар ташлади.

Худди шу пайт нариги уйда пианино овози ҳам, Леночканинг ашуласи ҳам тўхтади ва Лена билан эркаклар кулгиси ҳам немисча сўзлар эшитилди. Сўнгра Леночка, ўз товушининг бир қуш пардасини иккинчисидан ажратиб туриб:

— Йўқ, йўқ, мен такрорлаяпман, ich wiederhole, бу ерда пауза, сўнгра яна бир такрор, ундан кейин бирданига... — деди-да, бир қўлининг нозик бармоқларини пианино клавишлари устида югуртирди.

Ленанинг онаси, сийрак қошларини таажжуб билан кўтариб, сохта меҳрибон овоз билан:

— Вой, сенмисан, Олежек? Ййе, сен кетмабмидинг? — деди.— Леночкани кўргани келгандирсан?

Ленанинг онаси тиззасида турган нарсаларни кутилмаган бир чаққонлик билан ошхона столининг пастки хонасига яширди, бузилмадимикин деб жингалак сочларини қотма бармоқлари билан ушлаб кўрди, бошини елкасига чўктириб, бурунчаси билан иягини кеккайтириб, пианино овози билан Ленанинг ашуласи келаётган хонага кириб кетди.

Юзида бир қатра қон қолмай, ўнгайсиз ва бесўнақай тусла, каттакон қўлларини тушириб, Олег ошхона ўртасида турар, немис малай ундан бепарво назарини олмас эди.

Бўлмадан Ленанинг ажабланган ва хижолат тортган хитоби эшитилди. У хонадаги эркакларга худди кечирим сўрагандек, паст овоз билан бир нарса деди ва пошналари билан бутун хонани тақирлатиб югурди. Леночка ошхона эшигида қорамтир гулли, унинг нозик қаддида огиргина турган кул ранг кўйлақда кўринди; нозик бўйни яланғоч эди, у бугдой ранг яланғоч қўллари билан эшик кесакасини ушлаб турарди.

— Олег?... — деди у, бугдой ранг кичкина юзчаси қип-қизаргудек уялиб. — Биз бу ерда...

Лекин «биз бу ерда» деган сўзини изоҳ қилиш учун у ҳеч қандай тайёргарлик кўрмагани ошкор бўлди. Кейин у, хотинларгагина хос бир шошқалоқлик билан гайри табиий бир тусда кулимсираб Олегнинг олдига югуриб келди-да, уни қўлларидан ушлаб уйга тортди, кейин унинг қўлларини қўйиб юбориб, «юр, юр» деди, остона олдида яна бошини сал қишайтириб унга қаради-да ичкарига таклиф этди.

Олег унинг кетидан бўлмага кирди ва ёнида силлиққина бўлиб ўтган Ленанинг онаси билан тўқнашиб кетишига сал қолди.

Ўир хил сур ранг мундир кийган иккита немис офицери — буларнинг бири очиқ пианино ёнидаги табуреткада ярим қайрилиб ўтирар, иккинчиси эса пианино билан дераза ўртасида турар эди — Олегга, кириб келгандан кейин нима ҳам дердик дегандай, парво ҳам қилмай, гашлари ҳам келмай қарашиб турди.

— Бу бизнинг мактабимиздан, — деди Лена, ўзининг кумуш янглиғ сөф овози билан. — Ўтир, Олег... Бу романс эсингда бўлса керак? Бир соатдан бери буларга сира тушунтира олмаяпман. Ҳаммамиз такрорлаймиз, жаноблар. Ўтир, Олег...

Олег олтин тусли киприклари ярим ёниб турган кўзларини Ленага тикди ва дона-дона ҳам равшан қилиб гапирди, унинг ҳар бир сўзи Ленанинг юзига шапати каби урилди:

— Сенга булар н-нима билан ҳақ тўлашади? Зигир мойн билан бўлса керак-да? Н-нархинг жуда тушиб кетибди!..

Кейин пошналари устида қайрилди-ю, Ленанинг онаси билан сариқ-стандарт бошли малай ёнидан ўтиб, кўчага чиқиб кетди.

ЙИГИРМА ИККИНЧИ БОБ

Шундай қилиб, гойиб бўлиб кетган Филипп Петрович Лютиков бошқа киши бўлиб пайдо бўлди.

Шу орада у нималарни бошидан кечирди?

Унинг бултур куздаёқ яширин ишга тайинланганини биламиз. У кезде Филипп Петрович буни ўз хотинидан яширган ва яширганидан хурсанд бўлган эди, чунки оккупация хавфи йироқлашган эди.

Лекин Филипп Петрович буни ҳамиша эсда тутарди. Ҳамиша эҳтиёткор Иван Фёдорович Проценко ҳам уни шу хилда руҳий шайликда тутиб келарди:

— Ҳали нималар бўлишини ким билади дейсан! Сен билан бизнинг ишимиз пионерчасига: «Тайёр бўл!» десалар, «Доим тайёр!» деб тураверамиз...

Бултур кузда ҳам тайинланган, кишилардан Полина Георгиевна Соколова деган уй ишлари билан шуғулланувчи, партиясиз, бутун шаҳарда хотин-қизлар ўртасида актив иш олиб боришда ном чиқарган аёл ҳам ўз постида шайланиб турар эди. Шаҳар советининг депутати Лютиков шаҳарда ҳаммага таниглиқ бир одам эди, — яширин иш шароитида, яъни кўча-кўйларда юришда ва одамлар билан алоқада бўлишда унинг хатти-ҳаракати чеклан-

ган бўлиб қолиши аниқ эди. Шунинг учун Полина Георгиевна унга ҳам кўз, ҳам қулоқ, ҳам қўл-оёқ бўлиши керак эди, — бу хотин Лютиков ёнига алоқачи этиб тайинланган эди.

Бу ишда қолишга розилик берган пайтдан бошлаб Соколова Лютиковнинг маслаҳатига кўра, жамоатчилик ишини бутунлай ташлаб юборди. Хотин-халажлар, ўртоқлари орасида бу нарса таажжуб туғдирди, кейин гинаҳоллик бошланди: ватанимиз шундай мушкул аҳволда қолган бир пайтда нима учун ҳар вақт фаол ишлаб келган аёл киши жамоат ишидан бош тортди? Аммо, у ёғини суриштирганда, уни ҳеч ким шу ишга кўтармаган, ҳеч ким тайинламаган, шу маҳалгача ўзига ёққандирки, ўз хоҳиши билан ишлаб келган. Ҳар бир кимсанинг бошига ҳар нарса тушиши мумкин. Хоҳлабди, ўзининг уй-рўзгор ишига берилиб кетибди. Эҳтимол, уруш кунларининг оғирлиги шундай қилишга мажбур этгандир? Шундай қилиб, бора-бора ҳамма Полина Георгиевнани унутиб юборди.

Полина Георгиевна тишида тишлаб келган пулига шарққа кўчиб кетаётган аллакимларнинг сигирини сотиб олди-да, ҳар кимларникига сут обориб сотиб юрадиган бўлди. Филипп Петровичнинг оиласига унча кўп сут керак эмас эди, улар атиги уч киши; хотини — Евдокия Федотовна, ўн икки яшар қизи Рая ва Филипп Петровичнинг ўзи. Лекин, хўжайканинг, Пелагея Ильиничнанинг, уч нафар боласи бор эди, кекса онаси ҳам шулар билан бирга турарди, шу сабабдан хўжайка ҳам Полина Георгиевнага мижоз бўлиб қолган эди. Ҳар куни эрталаб, энди кун ёриши билан, русларга хос меҳрибон чеҳрали, одми кийинган, бошига қишлоқича оқ рўмол ўраган аёлнинг Пелагея Ильинична уйига шошилмасдан кириб келишига, ингичка бармоқларини тахта орасидан суқиб, калитка ҳалқасини тушириб, очиб киришига ва деразани қоқишига ҳамма қўшнилар ўрганиб қолган эди. Ҳаммадан бурун Пелагея Ильиничнанинг онаси тургувчи эди, уй эшигини сутчига шу очарди. Соколова мулоим кўришар, ичкарига кириб кетар ва бирмунча вақтдан кейин бидонини бўшатиб чиқиб кетар эди.

Лютиков оиласи бу уйда кўп йиллардан бери турарди. Лютиковнинг хотини Евдокия Федотовна Пелагея Ильинична билан қадрдон эди. Рая билан хўжайканинг катта қизи Лиза қарийб тенгқур бўлиб, бир мактабда, бир синфда ўқир эдилар. Хўжайканинг урушнинг биринчи кунларидаёқ фронтга кетиб қолган эри, Филипп Петровичдан ўн беш ёшларча кичик бўлиб, касби дурадгор эди, запада турган кичик артиллерия офицери

эди; у ўзини Филипп Петровичнинг шогирди деб ҳисоблар ва унга устозим деб қарар эди.

Пелагея Ильиничнанинг ҳозир эрсиъ қолиб, башарти немислар келиб қолгудай бўлса, шунча рўзгорни ташлаб, катта оиласи билан шаҳардан кетишга журъат этолмаслигини Филипп Петрович ўша кузакда билган эди. Худди шу кезларда Филипп Петровичда, агар зарурият тугилса, ўз оиласини шарққа кўчириб юбориб, ўзи эски квартирасида қолиш фикри тугилган эди.

Уй эгаси Пелагея Ильинична содда, ҳалол ва дили пок аёллардан бири эди, бизнинг халқимиз бундайларга жуда бой. Унинг бирон гап сўрамаслигини, ҳатто туя кўрдингми — йўқ дейишини Филипп Петрович билар эди. Шундай қилса Пелагея Ильиничнанинг виждони ҳам тинч бўлади: бирон кафиллик берганим йўқ, демак менинг ишим ҳам йўқ, деб тура беради. Аммо тилини тийиб юради, Филипп Петровични ҳам яширади, ҳатто қийнов остида ҳам гинг демайди, чунки у одамга ишонади, унинг қилган ишига хайрихоҳ, қолаверса, аёлларга хос меҳр ва шафқат билан қарайди.

Унинг квартираси ҳам Филипп Петровичга жуда ўнгай эди. Пелагея Ильиничнанинг уйи бир вақтлар Чурилин деган шахтёрнинг яккаю ёлғиз кулбаси атрофига қурилган энг биринчи ёғоч уйлардан бири эди, бу маҳалланинг ўзи ҳам шу маҳалла қадар «Чурилино» деб келинар эди. Уй ортидан ўтган жарлик даштнинг узоқ ерларига чўзилиб кетарди, жарлик ҳам «Чурилинская» дейиларди. Бу район ҳанузгача хилват ҳисобланарди, ҳақиқатан ҳам ўзи хилват бир жой эди.

Июлнинг даҳшатли соати етиб келганда, Филипп Петрович ўз сирини очиб гапирганда, Евдокия Федотовна йиғлаб юборди ва эрига:

— Сен қариб қолгансан, касалинг бор... Райкомга бориб гаплаш, сени бўшатишади...— деди.— Кузбасга кетамиз,— деди бирдан у ва унинг кўзларида Филипп Петровичга таниш ифода пайдо бўлди; бу ифода хотини ёшлик даврларини, яхши-яхши одамларни, юрагига энг яқин бўлган нарсаларни хотирлаганда пайдо бўлувчи эди. Уруш вақтида Донец шахтёрларининг кўпи оилалари билан биргаликда Кузбасга кўчириб юборилган, улар орасида Филипп Петровичнинг ошна-оғайнилари, хотинининг эски дугоналари бор эди.— Кузбасга кетайлик!— деди у, гўё ўзларининг ёшлик даврларида бу ерда ўз ватанларида қандай яхши бўлган бўлса, ҳозир Кузбасда ҳам худди шундай яхшидай.

Бечора аёл, гүё у ўзининг Филипп Петровични билмагандай
вди!

— Бу тўғрида ортиқ огиз очма. Масала ҳал бўлган,— деди
Филипп Петрович ва хотинининг ёлвориб турган кўзларига
шундай жиддий қарадики, унинг ялиниш-ёлворишларига, кўз
ёши тўкишларига йўл қўймаслиги равшан эди.— Аммо, сенлар-
нинг бу ерда қолишларинг ҳам мумкин эмас, менга халақит
берасанлар. Сенларга қараб менинг ҳам жоним азоб чекади...—
Сўнгра хотинини ўпди-да, яккаю ягона фарзанди, эркатой қи-
зини анчагина бағрига босиб турди.

Кўпларнинг оилалари сингари, унинг оиласи ҳам кеч жўнаб
кетган ва Донецга бориб етмасданоқ, яна қайтиб келган эди.
Лекин Филипп Петрович хотини ва қизининг ўз ёнида қолиши-
га кўнмади: уларни шаҳардан олисдаги бир хуторга жойлаш-
тирди.

Фронтдаги вазият немислар фойдасига ўзгариб кетган уч
ҳафта мобайнида партия область комитетида ҳамда Краснодар
райкомида яширин ташкилотларни ва партизан отрядларини
янги ва янги одамлар билан тўлдириш учун жуда қаттиқ иш
олиб борилди. Лютиковнинг ихтиёрига ҳам Краснодар ва бош-
қа районларда ишлаб келган раҳбар ходимлардан анчагинаси
берилди.

Проценко билан хайрлашган ўша унутилмас куни Филипп
Петрович одатича уйига қайтди,— ишхонадан ҳар куни худди
шу соатда уйга қайтар эди. Болалар кўчада ўйнаб юрар, кампир
қуёшдан қочиб, дарчалари беркитилган чала ёруғ хонага кириб
олган эди. Пелагея Ильинична ошхонада офтобдан қорайган ва
томирлари бўртиб чиққан қўлларини бир-бирига қўйиб ўтирар
эди. Унинг ҳали анча ёш ва кўҳликкина чеҳрасида шундай чуқур
хаёл акс этардики, ҳатто Филипп Петровичнинг кириб келиши
ҳам унинг бу хаёлини бузмади: бирмунча вақт Филип Петро-
вичга қараб турган бўлса ҳам, уни кўрмагандай эди.

— Шунча йил бирга туриб, сизнинг мана шундай беташвиш,
бекор ўтирганлигингизни кўрмаганман,— деди Филипп Петро-
вич.— Хафа кўринасиэми дейман? Хафа бўлманг.

Пелагея Ильинична томирлари ирғиб чиққан қўлини инда-
май яна бир кўтарди-да, иккинчи қўли устига қўйди.

Филипп Петрович хўжайка қаршисида бир оз турди-да, ке-
йин оғир ва секин қадамлар билан ичкари хонага кирди. Бир-
мунча вақтдан кейин бош яланг; галстуксиз, ботинкада, аммо
ҳамон ўша оқ қайтарма ёқали кўйлақ ва янги қора костюмда

қайтиб чиқди. Ошхонага чиқаркан, каттакон кўк тароқ билан қалин ва баъзи жойларига оқ аралашган сочларини тарар эди.

— Мен сиздан бир нарсани сўрамоқчи эдим, Пелагея Ильинична,— деди у, қўлидаги тароқ билан қисқа ва тикандай мўйловларини икки томонга тараб.— Мен йигирма тўртинчи йилда Ленин қаҳириги билан партияга қабул қилинган вақтимдан бери, «Правда» газетамизни муттасил олиб тураман. Менда ҳамма номерлари сақланиб келади. Ишимга жуда кўп фойдаси тегиб турарди: докладлар ўқирдим, сиёсий тўғарақлар олиб борардим... Ичкарида турган сандиғимни балки сиз бекорчи лашлушлар билан тўла деб ўйлагандирсиз? Йўқ, сандиқда газеталарим туради,— деди Филипп Петрович ва жилмайди. У камдан-кам жилмаяр эди, балки шу сабабдан унинг жилмайиши юзини ўзгартириб, мулоим тус берарди:— Энди у газеталарни нима қиламан? Ун етти йилдан бери тўплаб келаман. Ёқиб юборай десанг, кўзинг қиймайди...— Филипп Петрович Пелагея Ильиничнага жавоб кутгандай қаради.

Бирмунча вақт икковлари жим қолишди.

— Қаерга яширсак экан?— деди Пелагея Ильинична гўё ўзидан ўзи сўрагандек.— Чуқурга кўмиб ташласа ҳам бўлади. Кечаси полиздан чуқур қазиш керак-да, сандиқ-пандиги билан кўмиб ташлаш керак,— деди Лютиковнинг бетига қарамасдан.

— Борди-ю, керак бўлиб қолса-чи? Керак бўлиб қолиши ҳам мумкин,— деди Филипп Петрович.

Филипп Петрович ўйлаганидек, Пелагея Ильинична немислар даврида совет газеталарининг нимага керак бўлиши мумкинлигини сўрамади ҳам, ҳатто юзидаги бефарқ ва бепарво ифода ҳам кетмади. Яна бирпас жим ўтириб, кейин сўради:

— Филипп Петрович, сиз бизникида кўпдан бери турасиз, ҳар нарсага кўзингиз ўрганиб қолган. Аммо, башарти бизникига кириб, атайлаб бирон нарсани қидириб қолсангиз, бизнинг ошхонамизда кўзга ташланадиган бирон нарсани кўра оларминдигиз?

Филипп Петрович ошхонанинг ичига синчиклаб ва диққат билан қараб чиқди: провинциядаги уйлardan биридаги кичкинагина, аммо саришта бир ошхона. Мастеровой одам бўлгани учун, Филипп Петрович фақат мойланган тахта полнинг узун тахталардан эмас, балки қисқа, энлик ва қалин тахталардан қилинганига, бу тахталарнинг кўндаланг ходаларга зичлаб қоқилганига эътибор берди. Уйни қурган киши пишиқ одам экан. Бундай

бақувват пол мустаҳкам бўлади,— рус печи остида букилмайди, сўйгра, кўп ифлос бўлиб турадиган ва шу сабабли тез-тез ювиб туриладиган бинода бундай пол узоқ вақтгача чиримай туради.

— Йўқ, ҳеч нарса кўринмайди, Пелагея Ильинична,— деди Лютиков.

— Ошхона тагида эски ертўла бор...— Пелагея Ильинична ўтирган табуреткасидан турди-да, энгшиб, пол тахталаридан бирида қорайиб турган доғни пайпаслаб кўрди.— Мана бу ерда ҳалқаси ҳам бор эди. Тагида нарвонча ҳам бор...

— Қараб чиқсам майлими?— деб сўради Филипп Петрович.

Пелагея Ильинична эшикнинг ҳалқасини солди-да, печь остидан болта олди. Лекин Филипп Петрович, полда бирон нишон қолдирмаслик учун болтани ишлатмади. Икковлари,— Лютиков ошпичоқ билан, Пелагея Ильинична оддий пичоқ билан қуролланиб, ертўланинг тўрт бурчакли қопқоғи тирқишларига кириб қолган ахлатларни авайлаб қиртишлаб ташладилар. Ниҳоят, учта қалин ва қисқа тахтадан ишланган оғир қопқоқни икковлашиб кўтариб очдилар.

Ертўлага тўрт зинали кичкина нарвон билан тушиларди. Филипп Петрович ертўланинг ичига тушиб, гугурт ёқди: ертўланинг ичи қўп-қуруқ эди. Бу кичкинагина, ажойиб ертўланинг унга келажакда қанча фойдали бўлишини тасаввур этиш ҳозир ҳатто қийин иш эди!

Филипп Петрович ошхонага қайтиб чиқди-да, қопқоқни яна эҳтиёт билан беркитди.

— Энди мендан хафа бўлмайсиз, яна бир саволим бор,— деди у.— Кейинчалик мен ишимни тўғрилаб кетаман, немислар менга тегмайди. Аммо, улар келган дастлабки кунларда қизиқ устида мени ўлдиришмасайди деб кўрқаман. Шунинг учун, бирон фалокат бўлса, мен тўғри шу ерга тушиб оламан,— деди-да, полни бармоғи билан кўрсатди.

— Борди-ю, уйимга солдатлар қўнса-чи?

— Сизнинг уйингизга солдатларни жойлаштирмайди. Чурилино... Мен камтар одамман, шу ерда ўтиравераман... Лекин сиз хижолат тортманг,— деди Пелагея Ильиничнанинг бефарқлигидан хижолатланган Филипп Петрович.

— Нега хижолат тортай, менинг даҳлим йўқ бунга...

Башарти немислар Лютиков деган одам қаерда деб сўрашса, сиз: шу ерда туради, озиқ-овқат топиб келгани қишлоққа кетди, албатта қайтади, деяверинг... Яширинишим керак бўлса,

мени Лиза билан Петька яширишади. Кундуз кунлари мен уларни навбатчи қилиб қўяман,— деди Филипп Петрович ва жилмайди.

Пелагея Ильинична унга қияроқ қаради-да, бирдан худди ёшлардай ҳаракат билан бошини силтаб, кулиб юборди. Афтидан, ниҳоятда шиддатли кўринган Филипп Петрович тугма тарбиячи эди, болаларнинг қанақалигини билар, уларни севар ва уларни ўзига жазб этишга уста эди. Болалар унга ёпишаверарди. Филипп Петрович улар билан худди тугма одамлар билан муомала қилгандай муомила қаларди. Унинг қўлидан ҳар нарса келарди, болаларнинг кўзи олдида ҳар турли нарсаларни,— ўйинчоқдан тортиб то рўзгорда керак бўладиган ҳамма нарсани бирпасда қилиб ташлайверарди, йўқдан бор қилаверарди. Халқ бундайларни «қўли гул одам» деб атайди.

Филипп Петрович хўжайка болалари билан ўз қизини ҳеч бир нарсада ажратмас эди, уйдаги ҳамма болалар унинг ҳар бир топширигини оғэйдан чиқмасданоқ жони-диллари билан бажарар эдилар.

— Буларни сен ўзингга бола қилиб олиб қўя қол, Филипп амаки, ўзингга шундай ўргатиб олибсанки, булар ўз отасидан кўра сени кўпроқ танийдиган бўпти,— дерди Пелагея Ильиничнанинг эри.— Филипп амакингга бола бўласизларми?— деб сўрарди, болаларига ўқрайиб қараб.

— Бўлмаймиз!— ҳаммалари бараварига жавоб берарди болалар, айни вақтда ҳаммалари Филипп амакига ёпишиб ва уни кучоқлаб олишарди.

Ҳар турли иш соҳасида турли характерга эга бўлган партия раҳбар ходимларини учратиш мумкинки, уларнинг ҳар бири кўзга ташланиб турган бирон миждози билан бошқалардан ажралиб турарди. Улар орасида энг кўп тарқалган тури — тарбиячи партия ходимидир. Бу ерда гап фақат асосий вазифалари партиявий тарбия, сиёсий оқартиш бўлган партия ходимлари устида эмас, балки тарбия этувчи партия ходими,— у қайси соҳада ишламасин, хоҳ хўжалик соҳасида, хоҳ ҳарбий ишда, хоҳ маъмурий соҳада ё бўлмаса маданий соҳада бўлмасин, барибир,— гап тарбия этувчи партия ҳодими тўғрисида боради. Филипп Петрович Лютиков тарбиячи партия ходимларининг худди шу туридан эди.

Кишиларни тарбия этишни у фақат яхши кўрибгина ва буни зарур бир иш дебгина эмас, балки кишиларга ўргатиш, уларни тарбия этиш, ўз билим-тажрибаларини уларга ўргатишни ўзи-

нинг бирдан-бир табиий эҳтиёжи деб билар, бу нарса қонига сингиб ўрганиб қолган эди.

Тўғри, шу туфайли унинг кўп фикр-мулоҳазалари панд-насиҳатгўйликка ўхшаб кетарди. Лекин Лютиковнинг панд-насиҳатлари ҳеч вақт дидактик насиҳатлардан бўлмас, айтганига кўндириш ҳам эмас эди, бу насиҳатлар унинг қилган меҳнати ва мулоҳазаларининг натижаси эди, кишилар ҳам бу насиҳатларга шундай деб қарар эдилар.

Бу турдаги раҳбарлардаги сингари, Лютиковнинг ҳам хусусияти шу эдики, унинг сўзи билан иши бири-биридан ҳеч бир ажралмас эди. Ҳар бир сўзни амалга ошира билиш, хулқи ҳар турли кишиларни худди шу иш теварагига тўплай билиш ва уларни шу ишга ғайратлантира билиш — Филипп Петрович Лютиковнинг янги типдаги тарбиячи бўлиб кетишининг асосий сабаби шу эди. У ниҳоятда моҳир ташкилотчи бўлгани, ҳаётнинг ҳақиқий эгаси бўлгани учун ҳам уста тарбиячи эди.

Унинг панд-насиҳатлари ҳеч кимга таъсир этмай қолмасди, ҳеч кимни кўкрагидан итармас эди, балки қалбларни, айниқса ёшларнинг қалбини ўзига тортар эди, чунки ҳар қандай фикр-мулоҳаза ибрат кучи билан қанчалик асосланган бўлса, ёшлар ҳам шу фикр-мулоҳазага шунча тез берилади.

Баъзан бир калима сўз айтиб қўйиш ёки бир назар ташлаб қўйишнинг ўзи Лютиковга кифоя эди. Табиатан у кам гап одам эди, ҳаттоки жуда камдан-кам гапиради дейиш мумкин эди. Дафъатан сусткаш ҳам кўринарди, — ҳатто баъзи одамлар уни оғир карвон ҳам дейишарди, — лекин ҳақиқатда эса у ҳамиша ишнинг кўзини билар, ишни сокин, донолик билан олиб борувчи бир киши эди. Хизматдан ташқари қолган бўш дамларини у жамоат ишлари, жисмоний меҳнат, китоб ўқиш, ўйин-кулгилар ўртасида шундай усталик билан тақсимлар эдики, ҳаммасини қилишга улгурар, ҳаммасига вақти етар эди.

Филипп Петровичнинг одамлар билан муносабатлари бир текисда эди, ҳеч вақт чегарадан чиқмас, суҳбат вақтида кўп гапирмай, ҳамсуҳбат сўзини тинглай билар эди, — бу кейинги ҳислат одамларда камдан-кам учрайди. Шунинг учун ҳам уни ҳамма яхши ҳамсуҳбат, дилкаш дерди: кўп кишилар ҳатто ўзларининг энг яқин кишиларига ҳам айтишга ботинолмаган жамоат ёки хусусий ишларини бунга келиб гапириб берар эдилар.

Шу билан бирга у, меҳри-шафқатли, ё бўлмаса кўнгли бўш одам ҳам эмас эди. У ниҳоятда иродаси кучли, қаттиққўл одам эди, керак пайтларда шафқат деган нарсани ҳам билмасди.

Баъзилар уни ҳурмат қилар, баъзилар яхши кўрар эди, аммо ундан ҳайиқувчи, кўрқиб турувчилар ҳам бор эди. Яна тўғрироғи у билан муносабатда бўлган ҳаммада, жумладан ўз хотини ва яқин дўст-оғайниларида,— уларнинг ҳар бирининг миждозига қараб,— унга нисбатан бу туйғу-ҳисларнинг ҳаммаси мавжуд эди, фақат баъзиларида бири, баъзиларида иккинчиси, баъзиларида эса учинчиси устун турарди. Агар кишларни уларнинг ёшларига қараб тақсим қилинса, ёши қайтганлари уни ҳурмат қиладилар, яхши кўрадилар ва ҳайиқиб турадилар, ёшлар эса яхши кўради ва ҳурматлайди, болалар эса фақат яхши кўради дейиш мумкин.

Филипп Петрович: «Мени Лиза билан Петька яширишади» дегенда Пелагея Ильиничнанинг бирдан кулиб юборгани ҳам шундан эди.

Ҳақиқатан ҳам шундай бўлди, немислар келган дастлабки кунларда, Филипп Петрович яшириниб ётган кунларда, болалар кўчада дам-бадам навбатда туриб, уни қўриқлаб турдилар.

Унинг иши ўнг келди. Пелагея Ильиничнаникига немис солдатларидан биронтаси қўнмади: шаҳарда, ҳатто Пелагея Ильиничнанинг ёнида уникадан кўра кенгроқ ва яхшироқ уйлар жуда кўп эди. Немисларни чўчитган нарса уй орқасидан ўтган жарлик эди: улар партизанлардан кўрқисар эди. Тўғри, немис солдатлари баъзи-баъзида квартира кўргани келар ва ножўя ётган нарса бўлса илиб кетар эдилар. Филипп Петрович эса ҳар сафар ошхона тагидаги ертўлага кириб яшириниб олар эди. Аммо уни ҳеч ким сўрамади ҳам, суриштирмади ҳам.

Ҳар куни эрта билан, ўз одатича, камтар, камгап, бошини қишлоқчасига топ-тоза оқ рўмол билан тангиб олган Полина Георгиевна кириб келар эди-да, икки хумчага сут қуйиб бўлиб, кўлидаги бидони билан Филипп Петровичнинг олдига кирар эди. Полина Георгиевна у ердан қайтиб чиққунча Пелагея Ильинична ва унинг онаси ошхонада ўтирар эдилар. Болалар ҳали ухлаб ётган бўларди. Полина Георгиевна Лютиковнинг ёнидан қайтиб чиқар эди-да, ошхонада ўтирган хотинлар билан у ёқ-бу ёқдан пича гаплашиб турарди.

Шу тарзда бир ҳафта ўтди, балки сал кўпроқ ўтгандир. Бир куни Полина Георгиевна Лютиковга кўча миш-мишларини гапириб беришдан олдин, паст овоз билан:

— Сизни ишга чақирисяпти, Филипп Петрович...— деди. Филипп Петровичнинг қиёфаси бирдан ўзгариб кетди: бе-

парволик ва бeфapқлик ифoдaлaри, хaтти-ҳaрaкaтларининг суcтлиги, хуллac бу eрдa яшириниб ётгaн мaҳaлдa жўртaгa ўзигa кacб қилгaн ифoдaлaрдaн acap ҳaм қoлмaди.

Худди шер янглиғ эшик ёнига бир сакрашда етиб келди-да, нариги уйга мўралаб қаради. Одатдагича, у ерда ҳеч ким йўқ эди.

— Ҳаммани чақиришяптими?— деб сўради у.

— Ҳаммани...

— Николай Петрович-чи?

— У...

— У ҳам борадимиз?..— деди Филипп Петрович, Соколованинг кўзларига синчиклаб қараб туриб.

Бараковнинг қаерда эканлигини Полина Георгиевнага тушунтириш ортиқча эди. Полина Георгиевна ҳаммасини биларди, бу гапларни Филипп Петрович билан илгари гаплашиб қўйган эди.

— Борди,— эшитилар-эшитилмас деди Полина Георгиевна.

Филипп Петрович ҳовлиқиб қолмади, овозини ҳам кўтармади, йўқ, лекин унинг забардаст, огир гавдаси, пастга салқиб тушган семиз юзи, кўзлари ва овози, худди унинг ичига жойлаштирилган спираль ўзини бўшата бошлагандай, бирдан ғайрат ва кучга тўлиб-тошди.

У, ўзининг мастеровойлигини кўрсатиб турувчи букилмайдиган, семиз ва айни вақтда чаққон икки бармогини пиджагининг ташқи чўнтагига тиқди-да, майда қилиб ёзилган бир парча қоғоз чиқариб, Полина Георгиевнага берди.

— Эртага эргалабга тайёр бўлсин.. Қанча кўп бўлса шунча яхши!

Полина Георгиевна бир зумда қоғозни кўкрагига яширди.

— Овқатхонага чиқиб бирпас кутиб туринг. Ёнингизга ҳовир хўжайкаларни чиқараман..

Полина Георгиевна бидони билан бирга чиқиб турган хонага Пелагея Ильинична билан онаси кириб келди. Улар тиккатик туриб кўча миш-мишларидан гаплашиб турдилар. Кейин ошхонадан Соколовани Филипп Петрович чақирди, Полина Георгиевна унинг ёнига кириб кетди.

Филипп Петрович қўлида бир пачка букланган газета ушлаб турарди. Полина Георгиевнанинг юзида таажжуб акс этди: бу газеталар — тўрт букланган ва карнай қилиб ўралган «Правда» газетаси эди.

— Бидоннинг ичига тиқинг,— деди Филипп Петрович.—

Яна ўша жойларга, энг кўзга ташланадиган ерларга ёпиштиришсин.

Полина Георгиевнанинг юраги дукиллаб ура бошлади: ҳеч бир ақлга сигмайдиган бўлса-да, дафъатан унга Филипп Петрович «Правда»нинг янги сонини ушлаб тургандай туюлди. Полина Георгиевна ўзини тутолмади ва газеталарни бидонга солишдан олдин числосига қаради.

— Эски экан,— деди у, ҳафсаласи пир бўлганлигини яширолмай.

— Эски эмас. Большевиклар ҳақиқати сира эскирмайди,— деди Лютиков.

Полина Георгиевна газетанинг бир неча сонини кўздан кечириб чиқди. Бу сонларнинг кўпи ўтган йилларда чиққан байрам сонлари бўлиб, Ленин ва Сталин расмлари бор эди. Лютиковнинг нияти унга дарров равшанлашди. Дарҳол газеталарни қайта буклади-да, бидоннинг ичига солиб қўйди.

— Дарвоқе,— деди Филипп Петрович,— айтинг, Остапчук ҳам ишга чиқсин. Эртага...

Полина Георгиевна индамасдан бош силкитди. Остапчукнинг Матвей Шульга эканлигини ва унинг қаерда яшириниб ётганини у билмасди, у фақат, Лютиковнинг буйругини етказиши керак бўлган квартиранигина билар эди: Полина Георгиевна у ерга ҳам сут таширди.

— Раҳмат. Бўлди, шу...— Филипп Петрович хогинга ўзининг катта қўлини узатиб хайрлашди-да, бўлмага кириб кетди.

У стулга салмоқ билан ўтирди-да, бармоқлари керилган кафти билан тиззасига таяниб, шу тарзда бирмунча вақт ўтирди. Соатга қаради: вақт еттидан ошган. Уринган кўйлагини сокин ва шошилмай ечди, ювилган, тоза, оқ кўйлак олиб кийди, галстугини тақди, айниқса икки чаккасида ва олд томонида оқарган сочларини таради-да, пиджагини кийиб, ошхонага чиқди, бу ерда, Полина Георгиевна кетганидан кейин, Пелагея Ильинична билан унинг онаси ўз юмушлари билан машғул эдилар.

— Қани, Пелагея Ильинична, менга ўша қутурган сигир сутидан ва, агар топилса, нондан беринг. Ишга бориш керак,— деди Филипп Петрович.

Ун минутлардан кейин тоза ва саришта кийинган ҳолда, бошига қора кепка қўндириб, шаҳар кўчаларида ҳеч кимдан яширинмасдан, ўзининг одатдаги йўли билан, «Краснодонуголь» трестига қарашли Марказий ишхонага қараб кетди.

ҲИГИРМА УЧИНЧИ БОБ

Немис армияси ва армия кетидан келувчи «янги тартиб» маъмуриятининг саноксиз амалдорлари билан бирга Краснодонга қари, ниҳоятда озгин, сочларига оқ туша бошлаган немис лейтенант Швейде ҳам келди, у кончилар батальони деб аталган қисмга мансуб техник эди. Унинг қайси куни келганини краснодонликларнинг биронтаси билолмай қолди: ҳамма амалдорлар сингари, у ҳам ҳарбий стандарт форма кийган ва унинг қайси турга қарашли эканлигини белгиларидан билиб бўлмас эди.

Бу жаноб тўрт квартира ҳамда тўртта ошхонаси бор бутун бошли катта стандарт уйни эгаллади; жаноб Швейде кўчиб кирган биринчи дақиқадан бошлабоқ тўрттала ошхонанинг ҳаммасига иш топилди. У ўзи билан бирга бир талай бошқа немис амалдорларини ҳам олиб келган эди, лекин улар ундан алоҳида жойга ўринлашди, бир нечта немис ошпазлари, рўзгорга қараб турувчи немис хотин ва малайини ўзи билан бирга олиб қолган эди. Аммо, кўп ўтмасдан, унинг хизматкорлар штати меҳнат биржасидан юборилган ходималар, яъни кирчи хотин, таржимон, сигир боқувчи, чўчқа боқувчи, парранда боқувчи хотинлар ҳисобига кўпайиб кетди,— бу ходимларни у бепарвогина *guzzischen* Ғгауен деб атарди. Қўлни бир қимирлатганда пайдо бўлгандай, жаноб Швейде ихтиёрида сигир билан чўчқалар бирпасда пайдо бўлди-қолди, аммо Швейде жаноблари ҳаммадан ҳам уй паррандасига ўч эди.

У ёғини суриштирганда, бу нарсаларнинг ҳаммаси кончилар батальони лейтенантини бошқа немис амалдорларидан ажратиб турмаслиги ҳам мумкин эди. Лекин шаҳарда ҳамма уни тилга ола бошлади. Жаноб Швейде ва унинг билан бирга келган бошқа амалдорлар парк ичига жойлашган Горький номидаги мактаб биносини эгаллади. Шундай қилиб, шаҳарда мактаб ўрнига дирекцион № 10 деган янги бир муассаса пайдо бўлди.

Маълум бўлишича, ҳарбийлаштирилган бу муассаса энг асосий маъмурий-хўжалик бошқарма бўлиб, унга энди Краснодондаги ҳамма кўмир қонлари ва уларга боғлиқ бўлган корхоналар ва улардаги портлатиб ё кўчириб олиб кетишга улгурилмаган асбоб-ускуналар ва мол-мулклар, қочиб кетишга улгурмаган ё қочиб кетолмай қолган ишчилар,— ҳамма нарса бўйсунар эди. Бу муассаса «Кўмир ҳамда металлургия корхоналаридан фойдаланувчи Шарқ жамияти» деган узундан-узун ва тамтароқ номли жуда катта акционер шеркатга қарашли кўп тармоқлардан

бири эди. Шеркат бошқармаси Сталино шаҳрида, ҳозир эса яна
вски номи қайтариб берилган Юзовск шаҳрида жойлашган эди.
«Шарқ жамияти» деб аталган бу бошқарма «Кон ва металлур-
гия корхоналарининг округ бошқармалари»га суянар эди. Бош-
қа дирекционлар қаторида, 10-дирекцион ҳам Шахти шаҳридаги
скруг бошқармасига бўйсунар эди.

Бу шундай яхши уюштирилган ва ундан ҳам яхши планлаш-
тирилган эдики, совет Донбассининг кўмири ва метали энди-
ликда немисларнинг «Шарқ жамияти» кассасига бемалол оқиб
тушавериши керак эди. Жаноб Швейденнинг берган буйругига
биноан, собиқ «Краснодонуголь» трестига қарашли ҳамма
кўмир конлари ва заводларнинг ишчилари, хизматчилари
ва инженер-техник ходимлари дарҳол ишга чиқишлари ке-
рак эди.

Жонажон шахталар ва заводлар ватан душманлари қўлига
ўтган, фарзандлари ва ака-укалари ватан душманларига қарши
жанг майдонларида ўз жонларини фидо этиб турган бир пайтда
мажбурият остида ишга чиқишдан олдин ҳар бир ишчи киши-
нинг руҳи не-не азоб, оғир шубҳа остида эзилмади! Марказий
ишхонага ишга чиққан ҳамма ишчи ва хизматчиларнинг қовоқ-
лари солиқ ва шу билан бирга юзларида хижолат ифода этар
эди, одамлар бир-бирларининг бетига қарай олмас, бир-бирлари
билан деярли гапиришмас эдилар.

Ишхона кўчиб кетган кундан бери ишхонанинг эшиги ланг
очиқ ётар эди. Дарвозани ҳеч ким беркитмас, ишхонани ҳеч
ким қўриқламас эди, чунки ишхонада қолган-қутган нарсалар-
нинг бутун сақланишига бирон кимса манфаатдор эмас эди.
Ишхона очиқ эди, лекин ҳеч ким цехларга кирмади. Ишчилар
ҳатто тўп-тўп бўлмасдан, ҳар ким ўз ҳолича, аҳён-аҳёнда икки
киши бўлиб олиб, қўрада сочилиб ётган темир-терсақлар ёни-
да индамасдан, бошлиқларнинг келишини кутар эдилар.

Шу пайтда Бараков деган қомати келишган, бақувват, ўттиз
бешга кирган бўлса-да, ҳали ёш кўринган, юзида кибр ифода
ётган, тозагина эмас, ҳатто олифтанамо кийинган инженер-ме-
ханик пайдо бўлди. Бўйнида — капалак қанотлари тахлит қора
галстук. Шляпасини қўлида ушлаб, топ-тоза қирдирган бошини
офтобда ялтилатиб келади. Бараков ҳовлида тарқоқ ҳолда тур-
ган ишчилар ёнига келди-да, мулоим сўрашди, бир лаҳза хи-
жолатланиб, кейин шахдам қадамлар билан асосий корпуснинг
ичига кириб кетди. Ишчилар унинг саломига алик олмасдан,
индамасдан кетидан қараб қолишди ва унинг механика цехидан

Ўтиб контора ичига кириб кетганини ланг очиқ эшикдан кўриб туришди.

Немис бошлиқлари шошилмас эди. Швейденинг муовини жаноб Фельднер билан сочлари қалин таржимон аёл киришчиқиш будкасидан ўтиб ҳовлига кириб келганларида кун анча қизий бошлаган эди.

Табиатда кўп учраб тургани каби, ўзининг жисмоний фазилатлари ва эҳтироси билан жаноб Фельднер ўз бошлиғининг нақ акси эди. Лейтенант Швейде ориқ, ҳеч кимга ишонмайдиган камгап одам эди. Фельднер эса пак-пакана, дум-думалоқ, бақироқ ва эзма эди. Унинг турли пардаларда бақирувчи овози олисдан эшитилар ва эшитилганда ҳам биргина немис эмас, балки бир неча немис бир-бири билан шовқин солиб келаётгандай бўлиб туюларди. Фельднер жаноблари ҳарбий формада, оёқларида чарм қўнж, олд томони жуда баланд кўтарилган фуражда келди.

Фельднер таржимон хотин билан бирга ишчилар ёнига келди,— ишчиларнинг бирин-кетин ўринларидан туришини кўриб, мамнун бўлди. Таржимон хотинга гапириб келаётган гапи билан ишчиларга айтмоқчи бўлиб турган гапи ўртасида нафас олмасдан, немис тилида узундан-узун бир жумла ё қисқа-қисқа бир неча жумла сўз айтди. Таржимон унинг гапини таржима этаркан, у ҳамон бақирришда давом этарди. Жим туриш, тил тийиш деган нарсанинг нима эканлигини билмаса керак. Онанинг қорнидан туғилиб, биринчи марта бақирганидан бери тўхтамасдан бақириб келаётган ва бутун умрини бақирининг турли даража ва пардаларида кечириб келаётган бир одамга ўхшарди.

У олдин эски маъмурлардан бирон кимса бор-йўқлиги билан қизиқди, сўнгра ишчиларга цехларга тарқалишни ва цехларни кўрсатишни буюрди. Таржимон хотин билан бирга олдинда ҳамон бақириб бораётган немисни бир неча ишчи механика цехининг конторасигача узатиб қўйди, Бараков шу ерда эди. Фельднер кеккайган ҳолда ва олд томони жуда баланд кўтарилган фуражкали калласини ғоз қилиб, семиз мушти билан эшикни бир туртиб очди-да, ичкари кирди. Таржимон хотин ҳам унинг кетидан кириб, эшикни ёпди. Ишчилар гапни эшитиш учун эшик олдида тўхтадилар.

Олдинига гўё бир неча немис жанжаллашаётгандай, фақат Фельднернинг бақирган овози эшитилиб турди. Эшик ёнида турганлар мана эди унинг нима деб бақирганларини таржимон

хотиндан эшитармиз деб турган эдилар, йўқ, бирдан Бараковнинг ўзи немис тилида гапира бошлаганини эшитиб, таажжубда қолдилар. Бараков ниҳоятда мулойим, сокин ва, конторка ёнида турган ишчиларнинг тахминича, немис тилида бемалол гапирар эди.

Бараков немис тилида гапиргани учунми, ё унинг гаплари немисни қондирганлиги учунми, ҳар ҳолда Фельднернинг бақириги тобора пасая борди. Ё ажабо: бирдан немис жим бўлди. Бараков ҳам жим бўлди. Бир оздан кейин немис яна бақира бошлади, лекин бу сафар унинг бақиригининг унча ҳовури йўқ эди. Улар бирин-кетин, — олдинда Фельднер, унинг кетидан Бараков, Бараков кетидан таржимон хотин, — конторкадан чиқишди. Бараков ишчиларга совуқ бир назар ташлади-да, мен қайтиб келгунимча тарқалмасдан, мени кутиб туринглар, деди. Кейин улар учови бояги тартиб билан цехдан ташқари қараб йўналишди, айти вақтда кучли ва чиройли Бараков, масхарабозга ўхшаган дум-думалоқ ва пак-пакана немиснинг ёнига югуриб бориб, ўнгайроқ йўл кўрсатиб борар эди. Бунга қараш ва буни кўриш бир даҳшат эди!

Бир оздан кейин Бараков Горький номидаги мактабнинг ўқитувчилар хонасида, ҳозир эса 10-дирекцион бошлиғи жаноб Швейде кабинетиде ўтирар эди. Фельднер билан нотаниш хотин ҳам суҳбатда бор эди, лекин таржимон хотинга немис тили билimini ишлатишга тўғри келмади.

Юқорида айтганимиздек, лейтенант Швейде, эзма ва ҳовлиқма Фельднернинг аксича, камгап эди. Ўз фикрини тузукроқ ифода эта олмаслиги сабабли, у бадқовоқ кўринарди, ҳақиқатда эса у бадқовоқ одам эмас эди, турмушнинг ҳамма шодлик ва лаззатларини яхши кўрар эди. Ниҳоят даражада ориқ бўлишига қарамай, ғоят кўп овқат ерди. У еган шунча овқатларнинг қарига сиғиши ва уларни қандай ҳам қилишини тушуниб бўлмасди. Унинг ҳаммадан ҳам яхши кўргани Mädchen ва Frauen, эндиликда эса айниқса russischen Mädchen und russischen Frauen эди. Улар орасидаги саботсиз ва заифроқларини ўз уйига алдаб келтириш учун тўрт квартирали дангиллама уйда ҳар куни кечқурун баэм қураб, ҳар турли иссиқ ва ширин таомлар тайёрлаттирар эди, ҳар навли виноларнинг эса кети узилмасди. Швейде ўз ошпазларига ҳам шундай деб уқдирарди:

— Кўпроқ тайёрлайверинглар! Kocht reichlich Essen Russischen Frauen тўйиб-тўйиб есин ҳам ичин!..

Дарҳақиқат, икки сўзни бир-бирига қўшиб гапира олмайди-

ган бу одам, gussischen Frauen лардан бу ерга келувчи хилини фақат шу сўз билангина мафтун эта оларди.

Жаноб Швейденинг сўзларни қовуштириб жумла ясай олмаслиги қўлидан шундай иш келадиган ҳамма кишиларга ишончсизлик тугдирарди. У ҳатто ўз ўринбосари Фельднерга ҳам ишонмас эди.

Бу тўғрида Бараков энг ноқулай бир ҳолатга тушиб қолди. Аммо, биринчидан, Бараков рус тилида эмас, балки немис тилида сўзларни бир-бирига қовуштириб, осонлик билан жумла туза олиши билан жаноб Швейдени таажжубга солиб қўйган эди. Иккинчидан эса, Бараков Швейдени хушомад билан қўлга илинтирди. Жаноб лейтенантнинг бу хушомадга учишдан бошқа иложи қолмаган эди.

— Мен — эски Россия имтиёзли синфининг камдан-кам тирик қолган вакилларида бири бўламан,— дерди Бараков, ўзининг пир-пир этмай турган кўзларини жаноб Швейдедан узмасдан,— герман генийсини, айниқса хўжалик соҳасида, қолаверса ишлаб чиқариш соҳасидаги генийсини ёшлик давримдан бери ҳурмат қилиб келаман... Менинг отам эски Россияда шуҳрат топган «Сименс-Шуккерт» шеркатига қарашли энг йирик корхоналардан бирининг директори эди. Бизнинг хонадонимизда немис тили иккинчи она тилимиз деб ҳисобланарди. Мен немис техника адабиётини ўқиб тарбияланганман. Мана эндиликда сиз, жаноби Швейде каби оламшумул мутахассис қўли остида ишлаш бахтига эришиб турибман. Нимани буюрсангиз, ҳаммасини адо этишга тайёрман..

Бирдан Бараков таржимон хотиннинг таажжубини яшира олмай, унга тикилиб қараб ўтирганини кўриб қолди. Сочлари пахмоқ бу аблаҳ хотинни лаънати немислар қаердан топди экан! Агар бу хотин шу ерлик бўлса, Бараковнинг эски Россиядаги имтиёзли синфнинг камдан-кам тирик намояндаларидан бири эмас, балки бараковлар сулоласи деб ном чиқарган қадимий Донец шахтёрлари оиласининг мўътабар вакили эканлигини билиши керак. Уинг топ-тоза қирилган бошидан тер чиқиб кетди.

Бараков сўзларкан, жаноб Швейде индамасдан бирмунча вақт фикрини ишга солиб ўтирди, лекин унинг бу меҳнати юзида акс этмади; сўнгра ё ўз фикрини тасдиқ этгандайми, ё савол бергандайми, деди:

— Сиз коммунистсиз...

Бараков қўл силтади. Унинг бу қўл силташи ва шу билан бирга юзидаги ифодани шундай тушуниш мумкин эди: «Э, мен қандай коммунист бўлар эдим!» ёки: «Ўзингиздан ўтар гап йўқ, бу ерда ҳаммамиз коммунист бўлишга мажбур эдик», ёки «Ҳа, мен коммунистман, лекин коммунист бўла туриб сизга хизмат қилсам, қайтанга сизларга яхши эмасми?»

Унинг бу ҳаракати жаноб Швейдени бирмунча вақт қондирди. Марказий ишхонани юргизиб юбориш ва ишхона ёрдами билан шахта асбоб-ускуналарини тиклаш нақадар муҳим эканлигини бу ўтирган рус инженерига тушунтириш керак эди. Бу ниҳоятда мураккаб бир фикрни жаноб Швейде фақат йўқ деган сўз билан ифодалади.

— Ҳеч нарса йўқ, *Ez ist nichtz da*,— деди у ва худди азоб чекаётган одамдек, Фельднерга қаради.

Ўз бошлиғи ҳузурида узоқ вақт оғиз очолмай ўтирганидан мислсиз машаққат чеккан Фельднер, бошлиқнинг гапини тасдиқлаб, оғзидан тариллатиб «йўқ» деган сўзни чиқара кетди.

— Механизмлар йўқ! Транспорт йўқ! Асбоб йўқ! Шахталарни тираб қўйишга хода йўқ! Ишчилар йўқ!— деб бақирар эди у.

У ҳатто, яна «йўқ» дейдиган бошқа нарса бўлмаганидан хафа ҳам бўлган эди.

Швейде мамнунлик билан бош силкитди-да, бир оз ўйлаб тургач, рус тилида зўр-базўр такрорлади:

— Ҳиштима йўқ — also кўмир йўқ.

Орқасини стул суянчиғига ташлади ва олдин Бараковга, сўнгра Фельднерга қаради. Бу қарашни бошла деган ишора деб тушунган Фельднер, «Шарқ жамияти»нинг Бараковдан нималар кутишини бақириб гапира кетди.

Кети йўқ ва узлуксиз бу бақириб орасида учраган кичкина паузадан фойдаланган Бараков, қўлидан келган ҳамма нарсани қилишга тайёр эканини билдирди.

Шу ерда жаноб Швейдени бирдан яна ишончсизлик ҳисси қамраб олди.

— Сиз коммунистсиз,— деди яна у.

Бараков истеҳзо билан қулимсиради-да, яна қўл силтади. Ишхонага қайтиб келгач, Бараков дарвозага каттакон эълон ёпиштирди, эълонда: у, яъни 10-дирекционга қарашли Марказий ишхона директори, ҳамма ишчилар, хизматчилар ва инженерларни ишга чиқишга даъват этиши ва хоҳлаган кишиларнинг фалон-фалон ихтисослар бўйича ишга олиниши ёзилган эди.

Ўз виждонлари билан муросасозлик қилиб, ишга чиқишга розилик билдирган кишиларнинг ҳатто энг жоҳиллари ҳам, фин урушида ҳамда Ватан урушида қатнашган инженер Бараконинг немислар учун ниҳоятда муҳим ўрин тутган корхона директорлигига талабгор бўлиб чиқишидан руҳан жуда қийналиб кетган эдилар. Лекин, эълон бўёғи ҳали қуримаган ҳам эдики, ишхонага Филипп Петрович Лютиков,— фақат ишхонадагина эмас, балки бутун Краснодарон партия ташкилотида коммунистлар виждони деб ном чиқарган Лютиков, ишхонага кириб келди.

Лютиков эрта билан, ҳеч кимдан яширинмасдан, озода кийимда, соқоли тоза қирилган ҳолда, оқ кўйлаги устидан қора пиджак кийиб, бўйнида галстуги билан келди. Келиши биланоқ эски ишига, яъни механика цехи бошлиғи вазифасига тайинланди.

Яширин партия райкоми томонидан чиқарилган дастлабки варақаларнинг пайдо бўлиши ишхонанинг ишга тушиш пайтига тўғри келди. «Правда» газетасининг эски сонлари билан бирга бу варақалар энг кўзга ташланадиган жойларга ёпиштирилган эди. Большевиклар кичкина Краснодарни тақдир ихтиёрига ташлаб кетмаган, улар курашни давом эттирадилар ва бутун аҳолини курашга чақирадилар,— варақаларда шу гаплар ёзилган эди. Утган яхши замонларда Бараков ҳамда Лютиковни билган ва таниган кўп одамлар: кейинчалик, бизникилар қайтиб келганда, бу кишилар ўз ўртоқларининг соф виждонли кўзларига қандай қарай оларкин?— деб ўйлар эдилар.

Рўй-рост, сирасини айтганда ишхонада ҳеч қандай иш қилинмасди. Бараков кўпинча немис бошлиқлари ёнида бўлар, ишхона аҳволи билан унча қизиқмас эди. Ишчилар ишга кечикиб келар, дастгоҳдан-дастгоҳга санқиб бекор юришар, қўранинг бирон хилват жойини топиб олиб, кўкат устида соатлаб тамаки чекиб ўтиришар эди. Одамларни ўзига тортиш учун бўлса керак, Лютиков қишлоққа бориб келмоқчи бўлганларни тобора кўпроқ қўллар-қўлтиқлар ва уларнинг қўлига ишхона ишлари билан юборилди деб ёзилган расмий гувоҳномалар ёзиб берар эди. Ишчилар, бир оз бўлса ҳам тирикчилик учун пул ишлаш учун, аҳолидан майда буюртмалар олиб туришарди. Ҳаммадан кўп зажигалка ясашарди: гугуртнинг уруги қуриган эди, бензинни эса немис солдатларидан егуликка алиштириб олиш мумкин эди.

Немис офицерларининг деньшиклари ҳар куни ишхонага са-

риёғ ёки асал билан тўлдирилган консерва банкаларини кўтариб келиб, Германиягә юбориш учун қалайлаб беришни талаб этар эдилар.

Ишчилардан баъзилари гоҳо Лютиковнинг кўнглига қўл солиб кўришга уриниб кўрар эдилар. Бараков билан кўришиш уларга йўл бўлсин!— Қандай қилиб сен немислар хизматиға киришга журъат этдинг, бундан кейин ҳаётимиз қандай бўлади деб сўрар эдилар. Гапни аввал узоқ-узоқлардан бошлар ва масала атрофида айланишаверар эдилар. Лекин уларнинг бу ҳийлаларини сезиб қолган Филипп Петрович кескин суратда:

— Майли, уларга ҳам бир ишлаб берайлик...— дерди.

Е бўлмаса:

— Бу сенинг ақлинг етадиган иш эмас, оғайни. Ўзинг-чи, ўзинг ҳам ишга чиқдинг-ку? Чиқдинг. Мен сенинг бошлигингманми ё сен менга бошлиқми? Сенинг бошлигинг мен бўламан... Бинобарин, сен мени эмас, мен сени тергайман. Айтганимни қилишга мажбурсан! Уқдингми?— деб қўпол жавоб берарди.

Ҳар куни эрталаб Филипп Петрович юрак касалига йўлиққан кекса киши каби ҳарсиллаб, секин ва оғир қадамлар билан бутун шаҳар орқали ишга келар, кечқурунлари ишдан қайтар эди. Филипп Петровичнинг, келгусида Краснодар деган кичкина шаҳарни бутун жаҳонга танитган ўзининг асосий ишини қанчалик ғайрат ва шижоат билан, пухталиқ билан бошлаб юбораётгани бирон кимсанинг хаёлига ҳам келмас эди.

Ўз фаолиятининг дастлабки дамидаёқ ўзининг энг яқин кўмакчиларидан бири Матвей Шульганинг дафъатан дом-дараксиз кетганини билганида нималарни кечирмади!

Филипп Петрович яширин райком секретари бўлганлиги сабабли, шаҳардаги ва райондаги ҳамма яширин квартиралар ва яширин адреслар унга маълум эди. Шульганинг фойдаланиши эҳтимол бўлган Иван Кондратович ҳамда Игнат Фоминнинг квартиралари ҳам унга маълум эди. Бироқ райком алоқачиларидан биронтасини, айниқса Полина Георгиевнани бу квартираларга хабар олиш учун юборишга Филипп Петровичнинг ҳаққи йўқ эди. Башарти, Шульга шу квартиралардан бирида немисларга тутиб берилган бўлса, алоқачининг изидан тушиб Лютиковни ҳам, райкомнинг бошқа аъзоларини ҳам тутиб олиш учун алоқачини кўришнинг ўзи кифоя эди.

Шульга хотиржам бўлганда эди, ишхонага ишга чиқиш пайти келган-келмаганлигини алақачон асосий яширин квартирандан суриштириб билган бўларди. У квартирага мутлоқ кирмас-

лиги керак эди, фақат шу квартира ёнидан ўтса кифоя эди. Полина Георгиевна Филипп Петровичнинг буйруғини шу квартирага келтириб топширган куниёқ эшик ёнидаги биринчи дераза токчасига ёронгул туваги қўйилган эди. Лекин Евдоким Остапчук, яъни Шульга, ишга чиқмади.

Немис полициясига хизматга кирган ҳамма хонлар тўғрисида маълумот тўплаб юрган Филипп Петрович, Игнат Фоминнинг кимлигини текшириб билгунга қадар анча вақт ўтди. Шульгани шу Фомин тутиб берган бўлиши эҳтимол. Лекин, бу ҳодиса қандай юз берди ва Матвей Шульганинг тақдири нима бўлди?

Эвакуация кунлари Проценконинг кўрсатмасига биноан, район партия комитети район босмахонасининг ҳамма ҳарфларини паркка кўмиб ташлаган эди, ҳарфларнинг қаерга кўмилгани аниқ чизиб кўрсатилган план Лютиковга энг кейинги дамда топширилганди. Лютиков, ҳарфларни немис зенитчилари ва автопарк солдатлари топиб олмасайди деб жуда қўрқиб юрарди. Ҳарна бўлса ҳам, ҳарфларни топиб, немис часовойларининг тумшуги остидан қазиб олиб кетиш керак эди. Бу ишни ким қила олади?

ЙИГИРМА ТҮРТИНЧИ БОБ

Володя Осьмухин биринчи уруш йилининг қишида, отаси ўлгандан кейин, Ворошилов номли мактабнинг сўнгги, ўнинчи синфида ўқиш ўрнига, «Краснодонуголь» трестининг механика цехида слесарь бўлиб ишлар эди. У то аппендицити қўзғаб касалхонага бориб ётгунча ишлади.

Немислар келиши билан Володя, албатта, цехга қайтиб бормоқчи эмас эди. Лекин Бараковнинг буйруғи чиққандан кейин, ишга чиқмаганларнинг ҳаммаси Германияга олиб кетилармиш деган миш-мишлар пайдо бўлгандан кейин ва, айниқса Филипп Петрович ишга чиққандан кейин Володя билан унинг энг қадрдон ўртоғи Толя Орлов диллари ғаш бўлиб, энди нима қилиш керак деган мавзуда бир-бирлари билан гаплашиб қолишди.

Немислар даврида ишлаш керакми-йўқми деган масала ҳамма совет кишилари учун энг мушкул виждоний муаммо бўлгани каби, Володя билан Толя учун ҳам шундай мушкул бир муаммо эди. Яшашнинг ва айни вақтда немислар учун ишлашдан воз кечган совет кишилари бошига тушиб турган жазолардан холи

қолишининг энг осон усули ишга чиқиш эди. Бундан ташқари, кўп кишиларнинг тажрибаси мутлақ ишламаслик мумкинлигини, фақат ўзини ишлаб турганга солиш мумкинлигини кўрсатарди. Лекин, барча совет кишилари сингари, Володя билан Толя ҳам шундай тарбияланган эдиларки, улар немислар учун зиғирдак бўлса ҳам ишламасликка маънавий жиҳатдан шайланган эдилар, аксинча, немислар келиши билан иш ташлашга, барча усул ва тариқалар воситаси билан душманга қарши курашишга, яширин ҳолатга кўчишга, партизанлик қилишга шайланган эдилар. Лекин, қани улар, яширин ишловчилар ва партизанлар қаерда? Уларни қандай қилиб топиш мумкин? Улар топилгунча, қандай ва нима билан яшаш керак?

Касалдан кейин ўрнидан туриб юра бошлаган Володя ҳам, Толя ҳам,— икковлари даштнинг бирон ерида ўзларини офтобга солиб, ўз ҳаётларининг энг муҳим масаласи бўлиб қолган,— энди нима қилиш керак?— деган масала тўғрисида гапиришиб ётганлари ётган эди.

Бир куни кечқурун, қош қорая бошлаганда, Осьмухинларникига Филипп Петровичнинг ўзи кириб келди. У келганда бутун уй ичи немис солдатлари билан тўла эди,— бу солдатлар, Люсяга осила берган олифта ефрейтор бошчилигидаги солдатлар эмас, бошқалари, балки учинчилари эди: Осьмухинлар шаҳарнинг немис қўшинларининг асосий оқини ўтиб бораётган районида туришарди. Филипп Петрович, зинадан худди катта мансабдор кишидек, секин ва салмоқ билан кўтарилди, бошидан кепкасини олиб, ошхонада турган солдат билан мулоийм саломлашди-да, ҳамон уч киши — Елизавета Алексеевна, Люся ҳамда Володя турган хонанинг эшигини қоқди.

— Филипп Петрович! Нечук худо ёрлақаб?...— Елизавета Алексеевна ўзини унга ташлади-да, қуруқ ва иссиқ қўллари билан уни қўлидан ушлади.

Елизавета Алексеевна Филипп Петровични ишхонага ишга қайтиб боргани учун таъна қилувчи красдонликлар қаторига кирмас эди. У, Лютиковни шу қадар яхши ва яқиндан билар эдики, унинг нима учун бундай қилганлигининг сабабини суриштириб ҳам ўтирмади. Филипп Петрович шундай қилишни лозим кўрган бўлса, демак бошқа иложи бўлмаган, балки шундай қилиши ҳам керак бўлгандир, деб қўя қолган эди.

Немислар келган кундан бери Осьмухинларнинг ҳолидан хабар олгани келган биринчи киши Филипп Петрович бўлди, шунинг учун уни кўриб суюниб кетганлиги Елизавета Алексеев-

нанинг унга интилган ҳаракатидан кўриниб турарди. Филипп Петрович буни сизди ва ичида ундан миннатдор бўлди.

— Уғлингизни ишга олиб чиқмоқчи бўлиб келдим,— деди у, ўзининг одатдаги шиддатли қиёфаси билан.— Люся иккингииз биз билан хўжа кўрсинга пича ўтириб турунг-да, кейин бирон ишни баҳона қилиб, ташқарига чиқиб турунглар, мен бу билан бир оз гаплашиб олай...— деди-да, учовларига қараб жилмайган эди, юзи бирдан мулойимлашиб кетди.

У кириб келгандан бери Володя ундан кўзини узмас эди. Толя билан қурган суҳбатларида Володя, Лютиков мастерскойга мажбурият остида ишга қайтган эмас, қўрққани учун ҳам эмас, у қўрқадиган хилиданмас, балки унинг бундай қилишига чуқурроқ сабаблари бордир ва, ким билади, эҳтимол, бу сабаблар сен билан менинг миямизга кўп марта келиб-кетган мулоҳазалардан йироқ эмасдир, деган тахминни айтар эди. Ҳар ҳолда, Филипп Петрович шундай бир киши эдики, у билан ўз ният-мақсадларининг тўғрисида бемалол гаплашиш мумкин эди.

Елизавета Алексеевна билан Люся ташқари чиқиб кетишлари биланоқ, гапни биринчи бўлиб Володя бошлади:

— Ишга! Ишга дедингизми?.. Ишлашим ҳам, ишламаслигим ҳам мен учун барибир, ишласам ҳам, ишламасам ҳам мақсадим битта. Мақсадим — кураш, омонсиз кураш! Ишга чиққанимда ҳам фақат ўзимни ниқоблаш учун чиқаман,— деди Володя; бу гапларни у бир оз мақтанчоқлик билан айтди.

Унинг ёшларга хос жасорати, содда дилиги ва эшик ортида немис солдатлари тургани сабабли зўр-базўр тутиб турган ҳарорати Филипп Петровичнинг кўнглида йигитча учун хавф-хатар эмас, ранжиш ҳам эмас, истеҳзо ҳам эмас, йўқ, балки табассум тугдирди. Начора, у шундай бир одам эдики, унинг дилидаги ҳислар ва туйғулари ҳеч вақт юзида акс этмас эди: ҳатто юзининг бирон ери ҳам қимирламади.

— Жуда соз,— деди у.— Мен каби кириб келган ҳар кимсга ҳам худди шундай деб айт. Кўчага чиқ-да, ҳар бир ўтган-кетганга: мен шафқатсиз курашга отландим, ниқобланиб олмоқчиман, ёрдам беринглар! — деб бақирсанг, янада яхшироқ бўлади!

Володя қип-қизариб кетди.

— Сиз ўткинчи эмассиз-ку,— деди у, бирдан қовоқларини солиб.

— Мен-ку, ўткинчи эмасдирман, лекин ҳозирги замонда сен буни билишинг қийин,— деди Лютиков.

Филипп Петрович ҳозир таълим бера бошлашини Володя тушунди. Дарҳақиқат, Лютиков Володяга таълим ўргата бош-лади.

— Бундай ишларда ҳар кимга ишонавериш ҳалокатга олиб келиши мумкин, — замон ўзгариб кетган. Иннайкейин, деворларнинг ҳам қулоғи бор, деган гапни эшитганмисан? Сен уларни анойи деб ўйлама, улар ўзларича айёр, — деди Лютиков, эшик томонга бош силтаб. — Сенинг бахтингга, мен таниғлиқ одамман, ҳаммани мастерскойга ишга қайтариш тўғрисида менга буйруқ берилган, сеникига ҳам шу иш билан келдим. Ойингга ҳам, синглингга ҳам худди шундай деб айт. Буларга ҳам шундай де, — Лютиков яна эшик томонни бош силкиб кўрсатди. — Биз немисларга бир ишлаб берайлик... — деди-да, ўзининг шиддатли кўзлари билан Володяга қаради.

Володя ҳамма гапга дарров тушунди, ҳатто ранги оппоқ оқариб кетди.

— Уртоқларинг орасида ишонса бўладиганлардан шаҳарда кимлар қолган? — деб сўради Филипп Петрович.

Володя шахсан ўзи билган ва таниган болаларни: Толя Орлов, Жора Арутюнянц ва Ваня Земнуховларни айтди.

— Яна топилади, — деди.

— Олдин ўз билишингча қаттиқ ишонса бўладиганлар билан алоқа боғла, ҳаммаси билан бирдан эмас, алоҳида-алоҳида. Ўз кишиларимиз эканлигига ишонч ҳосил этсанг...

— Улар ўзимизники, Филипп Петрович...

— Агар ўз кишиларимиз эканлигига қатъий ишонч ҳосил қилсанг, — деб давом этди Лютиков, гўё Володянинг гапини эшитмагандай, — шунақа имконият бор, розимисан, — деб секин қулоғига шипшитиб қўй...

— Улар-ку рози, лекин ҳар бири: нима қилишим керак? — деб сўрайди-да.

— Сўраса: топшириқ берилади деб айтгин. Сенга эса ҳозироқ топшириқ бераман... — Лютиков, Володяга паркка кўмиб қўйилган ҳарфларни айтди ва жойини ҳам аниқ айтди. — Текшириб кўр, қазиб олишнинг иложи борми, йўқми. Иложи бўлмаса менга айтасан.

Володя ўйланиб қолди. Филипп Петрович ундан жавобни қистамади: Володянинг иккиланмаслигини, балки мулоҳазаси бор одамдай ишни қандай бажариш йўлини ўйлаб турганини билар эди. Бироқ Володя бу онда Лютиковнинг таклифи устида ўйламас эди.

— Мен сиз билан очиқ-ойдин гаплашмоқчиман, — деди Володя. — Сиз, болалар билан айрим-айрим гаплаш дедингиз, — бунинг маъносига мен тушунаман. Лекин, улар билан айрим-айрим гаплашганимда ҳам кимнинг номидан гапираётганимни уларга билдиришим керак-да... Агар якка ҳолимда, ўз номимдан гапирадиган бўлсам — бу бошқа гап, аммо ташкилот билан боғлиқ бўлган кишидан топшириқ олдим деб айтсам — бу бутунлай бошқа гап. Сизнинг отингизни айтмайман, болаларнинг биронтаси ҳам сўрамайди, — ахир, улар ҳам гапга тушунади-ку? — Бу гапларни Володя Филипп Петрович эътирозининг олдини олиш учун айтди, бироқ Лютиков ҳеч қандай эътироз билдирмай, Володянинг гапини тинглаб ўтираверди. — Албатта, болалар билан Осьмухинлигимча гаплашганимда ҳам барибир ишонишадику-я... Лекин, барибир, улар менсиз ҳам яширин ташкилот билан алоқа боғлаш йўлини излашади, мен уларга, йўқ изламанглар, дермидим, улар орасида мендан ҳам каттароқ ва... — Володя «мендан ҳам ақллироқ» демоқчи бўлди-ю, демади, — болалар бор. Умуман айтганда, болалар ўртасида сиёсат билан қизиққан ва сиёсатни яхши биладиган болалар бор. Шунинг учун айтаманки, мен ўз номимдан эмас, балки ташкилот номидан гапираётиман дейишим керак, дейман. Бу — бир, — деди Володя. — Иккинчиси шуки, босмахона тўғрисида берган топширингизни бажаришим учун менга бир неча бола керак бўлади. Бу топшириқнинг жиддий топшириқ эканлигини ва ким томонидан берилганини жуда бўлмаса шуларга айтишим керак бўлади. Шу муносабат билан сизга яна битта саволим бор. Менинг учта қалин ўртоғим бор: бири эски, қадрдон ўртоғим, оти Толя Орлов; қолган иккиси — янги ўртоқларим, аммо буларни ҳам илгаритдан танийман, мушкул ишларда синалган ўртоқлар, ўзимга қанчалик ишонсам, уларга ҳам шунчалик ишонаман, — булар Ваня Земнухов билан Жора Арутюнянц. Шуларнинг учовини тўплаб, бирга маслаҳатлашсам бўладими?

Лютиков бирмунча вақт ўз этикларига қараб, ўйлаиб ўтирди, кейин кўзларини Володяга кўтарди-да, билинар-билинмас жилмайди, лекин юзи дарҳол яна жиддий бир тус олди.

— Маъқул, шу ўртоқларингни тўпла-да, кимнинг номидан ҳаракат қилаётганингни тўғри айта бер, лекин фамилиямни айтмайсан, албатта.

Ўз ҳаяжонини зўрға босиб ўтирган Володя фақат бош силки-тибгина жавоб берди.

— Сен жуда тўғри гапирдинг: биз бажараётган ҳар бир иш кетида партиямиз турганини ўзимизга қарашли ҳар бир кишига тушунтириш керак, — деб давом этди Филипп Петрович, гўё ўзи билан ўзи гаплашаётган одамдай. Унинг доно ва шиддатли кўзлари худди Володянинг дилига қараб тургандай эди. — Сўнгра, партия ташкилотимиз ҳузурида ёшлар группаси бўлиши кераклигини ҳам тўғри тушундинг. Мен ҳам сенинг олдингга шу масала билан келган эдим. Модомики бу тўғрида келишга олдикми, сизларга бир маслаҳат, хоҳласанг, буйруқ бор; мен билан келишмасдан туриб бирон ишни бошламайсизлар, йўқса ўзларинг ҳам ҳалок бўлиб кетасанлар, бизларга ҳам путур етказган бўласизлар. Менинг ўзим ҳам якка-ёлғиз эмасман, мен ҳам маслаҳатлашиб тураман. Ўз ўртоқларим билан, тепамизда турган кишилар билан маслаҳатлашиб тураман, — бизнинг Ворошиловград областимизда шундай кишилар бор. Бу гапларни учала ўртоқларингга уқдир, сизлар ҳам ўзаро маслаҳатлашиб турунглар. Хўп, шу билан тамом. — Лютиков жилмайди-да, қўзгалди. — Эртадан ишга чиқ.

— Ундай бўлса, индиндан чиқа қоламан, — кулиб туриб деди Володя. — Толя Орловни ҳам бошлаб борсам майлими?

— Немисларга ишлашга бир кишини ташвиқот қилгани келиб, икки кишини ташвиқот этибман-да, — деди Лютиков, кулимсираб. — Бошлаб бор, яна яхши!

Филипп Петрович ошхонага чиқди, бу ерда Елизавета Алексеевна, Люся ва бир немис солдати бор эди, улар билан бирпас ҳазиллашиб турди-да, тезда кетиб қолди. Ўзига ишониб айтилган сирни ойисига ҳам, синглисига ҳам айтиб бўлмасликни билар эди. Аммо у, ўзини қамраб олган ҳаяжонини онаси ҳамда синглисининг меҳрибон кўзларидан яшира олмас эди.

Володя жўрттага сунъий равишда эснай бошлади, эртага барвақт туриш кераклигини, умуман жуда уйқуси келганини айтди. Елизавета Алексеевна ундан бир оғиз ҳам гап сўрамади, бу эса бирон фалокатнинг аломати эди: Филипп Петровичнинг у билан фақат мастерскойдаги иш хусусидагина гапиришмаганидан ойисининг шубҳаси борлигини Володя сезгандай эди. Люся эса шартта:

— Нима тўғрисида шунча узоқ гаплашдинглар? — деб сўради.

— Нима, нима! — Володянинг жаҳли чиқди. — Нималигини ўзинг биласан.

— Борасанми?

— Бормай нима иложим бор?

— Немисларга ишлагани-я!..

Люсянинг овозида шундай ҳайрат ва нафрат сезилар эдики, Володя ҳатто нима дейишини билмай қолди.

— Биз уларга бир ишлаб кўрайлик-чи... — деб Филипп Петровичнинг гапини такрорлади қовоғини солиб туриб ва Люсядан тескари бурилиб, ечина бошлади.

ЙИГИРМА БЕШИНЧИ БОБ

Жора Арутюнянц муваффақиятсиз эвакуациядан қайтиб келиши биланоқ, дарҳол Володя ва Толя Орлов билан очиқ-ошкор дўстона муносабат боғлади. Фақат Люся Осьмухина билангина алоқаси кескин-расмий тусдан нарига ўтмай юрди. Жора шаҳарнинг йироқ чеккасида, кичкина бир уйда турар, немислар бу томонларга камдан-кам келар эди. Шунинг учун дўстлар кўпроқ Жора Арутюнянцнинг уйида учрашиб турар эдилар.

Ҳарфларнинг қайси аҳволдалигини билиш тўғрисида Володя Лютиковдан топпириқ олган кунининг эртаси учала дўст Жора Арутюнянцнинг уйида тўпланишди. Жора Арутюнянцнинг бир каравот-у бир ёзув столи зўрга сигарлик, лекин алоҳида хонаси бор. Қуйи Александровкадан қайтиб келган Ваня Земнухов уларни шу хонадан топди. Ваня бешбатрақ озиб кетган, уст-бошлари йиртилиб кетган, ҳамма ёғи чанг, — у ҳали уйига ҳам кирмаган эди. Лекин унинг руҳи баланд, ғайрати ошиб-тошган.

— Уша киши билан яна бир марта кўришсанг бўладими? — деб сўради у, Володядан.

— Нима учун?

— Шунинг учунки, группамизга дарҳол Олег Кошевойни ҳам тортишга ижозат сўраш керак.

— У, бизнинг группамизга ҳозирча ҳеч кимни тортмаслик керак, фақат тўғри келадиган болаларни тўплаш керак деб айтди.

— Мен шуни айтяпман, рухсат сўраш керак деяпман, — деди Ваня. — Уша киши билан шу бугун, масалан, кечқурунга қадар учраша олмайсанми?

— Бу қадар шошишнинг нимага кераклигига тушунолмадим, — деди Володя бир оз хафа бўлгандай.

— Гап бундай... Биринчидан, Олег — асл йигитлардан, иккинчидан менинг энг яхши ўртоғим, — демак, ишонса бўладиган

йигит. Учинчидан, Горький мактабининг еттинчи синфидап тўққизинчи синфларигача ўқийдиганларни Жорадан яхшироқ билади, шаҳарда қолганларнинг аксарияти шулар-ку...

Жора қоп-қора ва ёниб турган кўзлари билан Володяга ялт этиб қаради-да:

— Муваффақиятсиз эвакуациядан қайтиб келганимдан кейин мен сенга Олегни тўла таърифлаб берган эдим. Кейин шуниси ҳам борки, у нақ парк биқинида туради, бизга берилган топшириқни бажаришда бошқалардан кўра унинг ёрдами кўпроқ тегиши мумкин...

Жора ҳар қандай фикрни яққол жумла-иборалар билан ифода эта билганидан бу фикр шу қадар расмий бир тус олар эдики, худди йўл-йўриққа ўхшаб кетарди. Володя иккиланиб қолди. Лекин, шундай бўлса-да, Лютиковнинг огоҳлантирганини хотирлаб, кўнмай тураверди.

— Хўп, — деди Ваня, — мен сенга яна бир далил келтиришим мумкин, лекин юзма-юз. Сизлар хафа бўлмайсизлар-а? — Ваня мардона ва шу билан бирга уятчан бир ҳолда жилмайиб, Жора билан Толяга қаради-да, кўзойнагини тўғрилаб қўйди.

— Яширин иш шароитида шахсий гина-таъналар бўлмайди ва бўлиши ҳам мумкин эмас, мақсад ҳамма нарсадан устун туриши керак, — деди Жора ва Толя Орлов билан бирга уйдан чиқиб кетди.

— Сенинг менга ишонишингдан кўра менинг сенга кўпроқ ишонганимни ҳозир сенга исбот қилиб бераман, — деди Ваня жилмайиб, лекин унинг бу жилмайишида энди бояги уятчанлик қолмаган, унинг жилмайиши энди мард ва тап тортмайдиган кишининг жилмайиши эди. — Ваня Земнухов ҳақиқатан ҳам мард ва тап тортмайдиган йигит эди. — Вальконинг биз билан бирга қайтиб келганини сенга Жора Арутюнянц айтдимиз?

— Айтди.

— Буни сен ана у ўртоққа айтдингми?

— Йўқ...

— Хўп бўпти, шуни билиб қўйки, Олег Валько билан алоқа-да, Валько эса яширин ишловчи большевиклар ташкилоти билан алоқа боғлаш йўлини излаб юрарди... Буни ўша кишига айтиб беришинг керак. Йўл-йўлакай бизнинг илтимосни ҳам айтсан. Олегга ҳаммамиз кафилмиз деб айт...

Шундай қилиб, Володяни Марказий мастерскойга Лютиковга берган ваъдасидан кўра илгарироқ келишга тақдирнинг ўзи чорлади.

Володя чиқиб кетгандан кейин Ваня, Кошевойларникида немислар туриш-турмаслигини ва уларникига кириш мумкин ё мумкин эмаслигини орқаворатдан билиб келиш учун Толя «момақалди роқ»ни юборди.

«Момақалди роқ» Садовая кўча томондан Кошевойларнинг уйига яқин келди-да, немис часовойи кўриқлаб турган уйдан сочлари қоп-қора, яланг оёқ ва уринган кийим кийган чиройли бир аёлнинг йиғлаганча югуриб чиққанини ва тахта сарой ичига чопиб кириб кетганини кўриб қолди, кейин саройдан унинг йиғиси, уни юпатувчи эркак кишининг овози эшитилди. Қуёшда қорайган ориқ бир кампир ориқ қўлида челақ кўтариб даҳлизга югуриб чиқиб, челақни бочкадаги сувга ботириб тўлдирди-да, яна тезда ичкарига кириб кетди. Уй ичида аллақандай югур-югур бўлиб турар, ёш бир немиснинг ранжигач, аёлларнинг гўё кечирим сўрагандек овозлари эшитиларди. Узига диққатни жалб этмаслик учун Толя ортиқ туролмас эди, у парк ёнига боради. бу кварталнинг орқа томонига ўтди-да, Садовая кўчага параллель бўлган кўчадан юриб, яна уй ёнига келди. Лекин бу ердан унга ҳеч нима кўринмас на эшитилмас эди. Кошевойларнинг ҳовлисидаги каби, қўшни ҳовлидан ҳам икки кўчага чиқадиغان дарча бор эди. Толя шундан фойдаланиб, қўшни ҳовлининг полизидан ўтди-да, полиз ўртасида турган саройнинг орқа девори ёнига келиб бир минутча турди.

Сарой ичидан энди уч аёл киши ва бир эркак кишининг овози келарди. Ёш аёл, йиғлаб туриб, дерди:

— Улдирса ҳам уйга кирмайман!..

Эркак киши уни юпатарди:

— Бундай қилма! Олег қаерга боради? Кичкина-чи?..

«Сотқин махлуқ!.. Ярим литр зайтун ёғига-я! Сотқин махлуқ!.. Сен ҳали номимни эшитиб қоларсан, ҳа, ҳали эшитасан, ҳали пушаймон ейдиган вақтинг келади!» — дер эди шу вақт, Лена Поздншеванинг уйдан қайтиб келган ва рашк олови ва иззати нафс азоби билан қийналаётган Олег. Кечқурун қизаринқираган, илиқ қуёш унинг кўзларига урилар ва ҳосил бўлган майда қизил холларда Ленанинг нозик, буғдой ранг юзчаси, унинг эғнидаги қора гулли ваэмин кўйлаги ва пианино олдида ўтирган кўкиш мундирли немислар қайта-қайта кўринар эди. Олег эса: «Сотқин махлуқ!.. Сотқин махлуқ!..» деб ҳамон такрорлайди ва болалар сингари эзилиб қайгуради.

У кирганда саройда Марина бор эди. Марина юзини қўллари билан тўсиб ва қалин қора сочлари тўзғиб кетган

бошини энгаштириб ўтирар, қариндошлари эса уни ўраб олган эдилар.

Узун оёқ адъютант, генералнинг йўқлигида баданини совуқ сув билан ювмоқчи бўлиб, Маринага тоғора билан бир челақ сув келтиришни буюрган. Марина, тоғора билан бир челақ сувни келтириб, овқатхонанинг эшигини очса, у ерда адъютант қип-яланғоч турган эмиш. У узунчоқ, худди «одамнинг ичида бўладиган қурт» сингари оппоқ экан деб, Марина йиглай-йиглай сўзлаб берди. Адъютант диван олдида, энг тўрдаги бурчакда турган экан, Марина унга раэм солмабди. Бир вақт қараса, Маринанинг ёнига келиб турган эмиш. Адъютант унга жирканч ва паст назар билан қизиқиб қарабди. Марина шундай қўрқиб ва кўнгли айнаб кетибдики, ҳатто тоғора билан челақдаги сув ҳам қўлидан тушиб кетибди, челақ агдарилиб, сув полга тўкилибди. Марина саройга қочиб чиқибди.

Энди ҳамманинг фикри-зикри Марина қилиб қўйган бу ихтиёрсиз ҳаракат оқибати билан машгул эди.

— Э, нимага йиглайсан? — деди кўрс бир овоз билан Олег. — У сени бир нарса қилмоқчи эди деб ўйлайсанми? Агар у бу ерда катта одам бўлганда, сенинг кўз ёшингга қараб ўтирмас эди. Малайини ҳам ёрдамга чақирарди. Шунчаки, ювиниб олмоқчи бўлган холос. Агар сени яланғоч ҳолда кутиб олган бўлса, бунинг сабаби маълум: сендан уялишни ўзига раво кўрмаган! Ахир, у ҳайвонлар бизни ёввойилардан ҳам паст кўришади. Шужур қил, улар, бир кеча, ярим кеча қўниб ўтувчи немис офицерлари ва солдатлари сингари, бизнинг кўзимиз олдида ҳожатга ўтирмайди. Улар бизнинг одамларимиз олдида ҳожатга ўтиришади ва буни одобдан деб билишади. Уҳ, мен бу керик, ифлос махлуқларни яхши биламан, — йўқ, улар ҳайвон эмас, ҳайвондан ҳам баттар, бориб турган хунасалар, — деяр эди Олег, газаби қайнаб. — Сенинг йиглашинг ҳам, бизнинг бу ерда тўпланиб ўтиришимиз ҳам, — оҳ қандай аҳволга қолдик, — буларнинг ҳаммаси ачинарли ва хўрликдир! Агар ҳозирча биз уларни ура ва йўқ эта олмас эканмиз, у хунасалардан жирканишимиз керак, ҳа, ҳа, йиглаш даражасида, хотинлар тушунганича хўрланмаслигимиз, балки жирканишимиз керак! Улар ўз насибаларини олишади! — дер эди Олег.

У саройдан феъли айниб чиқди. Паркдан то кўприккача худди кийими сидириб олинганга ўхшаган яланғоч кўча юзларини ва унда юрган немис солдатларини кўравериш Олегга нақадар жирканч кўринади!

Елена Николаевна унинг орқасидан чиқди.

— Қўрқиб ўла ёздим, жуда узоқиб кетдинг. Леночка қалай?
— деб сўради у, ўғлининг қош-қовоғи тушиб кетган юзига диққат ва шафқат билан қараб.

Олегнинг лаблари катта гўдам боланики сингари титради.

— Сотқин махлуқ! Менинг олдимда ҳеч вақт уни тилга олма...

Сўнгра у ҳамма нарсани — Ленанинг уйида кўрганларини ва ўз муомаласини онасига оқизмай-томизмай айтиб берди. Бу нарсаларни қандай айтганини ҳатто ўзи ҳам билмай қолди. У ҳар вақт шундай қилар эди.

— Ахир, бу қандай гап!.. — деб бақирди у.

— Қўй, унга ачинма, — деди юмшоққина қилиб онаси. — Унга ачинаётганинг учун шундай безовта бўляпсан, қўй, ачинма. Агар у ҳозир шундай иш қилган бўлса, демак илгари ҳам... биз ўйлагандек бўлмаган экан, — деди онаси, лекин у: «сен ўйлагандек» демоқчи бўлди-ю, жўрттага «биз ўйлагандек» деб айтди. — Бу нарса бизнинг эмас, унинг ёмолигини кўрсатади...

Далада каттакон бўлиб кўринган ой, ёвдаги сингари, жанубда пасайиб кўринади. Николай Николаевич билан Олег, ётмасдан, саройнинг очиқ эшиги олдида осмонга қараб ўтиришар эди.

Олег кечқурунги кўм-кўк осмонда нурланиб турган тўлини ойга суқланиб қарайди, унинг ёғдулари томларга, эшик олдидаги немис қоровулига, полиздаги қарам ва қовоқларнинг япроқларига тушиб туради. Олег ойга қарайди ва уни гўё биринчи марта кўраётгандек бўлади. У далалар ўртасидаги кичкина шаҳарда яшагани учун, ундаги ҳамма нарсани кафтдек кўриб ва еру кўкда бўлаётган ҳамма нарсани билиб турар эди. Янги ойнинг тугилиб, аста-секин катта бўлгани ҳам, кўк юзига чиққани ва ниҳоят, кўм-кўк осмонда сузаётган шу ой каби тўлгани ҳам, — ҳамма нарса унга сезилмасдан содир бўлмоқда. Ким билади, меҳр-шафқат, ҳикмат тўла оддий дунёда бўлиб келган нарсалар бирига қовушган ўша бахтли дамлар қачон бўлса ҳам қайтармикин?

Генерал барон фон Венцель ва унинг адъютанти шопу шалопларини шарақлатиб, индамасдан уйга кириб кетишди. Теваракатрофда ҳамма нарса уйқуга толган. Фақат қоровулгина уй олдида айланиб юради. Николай Николаевич ҳам бир оз ўтиргандан кейин ётиб олди. Олег эса ой ёғдусига чўмган очиқ эшик олдида кўзларини чақчайтириб узоқ ўтирди.

Шу он орқа томондан, саройнинг қўшни ҳовлига қараган тахта девори орқасидан, шарпа эшитилди.

— Олег... Ухлаяпсанми? Уйғон, — деб аллаким шивирлар эди, юзини тахта ёруғига қадаб.

Олег лип этиб девор ёнига борди-да:

— Ким бу? — деб шипшиди.

— Мен... Ваняман... Эшигинг очиқми?

— Ёлғиз эмасман. Қоровул ҳам юрибди.

— Мен ҳам ёлғиз эмасман. Бу ёққа чиқа оласанми?

— Чиқа оламан...

Олег, қоровулнинг нариги кўчага чиқадиган дарча томонга кетишини пойлаб туриб, девор панаси билан саройдан айланиб ўтди. Қўшни ҳовлининг тўрида, саройнинг қоп-қора сояси тушиб турган кўкатлар ичида уч киши елпиғичдай бўлиб дум тушиб ётган эди. Уларнинг иккитаси Ваня Земнухов билан Жора Арутюнянц. учинчиси — ўртоқларига ўхшаш узундан келган, бошидаги кепкаси юзини кўланка қилиб турган бир бола.

— Тфу, падарига лаънат! Кеча шу қадар ойдинки, сенинг олдинга зўрға келдик! — деди Жора, кўзлари билан тишларини йилтиратиб. — Володя Осьмухин, Ворошилов мактабидан. Менга қандай ишонсанг, бунга ҳам шундай ишонаверишинг мумкин, — деди Жора, ўртоғига мумкин бўлган энг юксак баҳони бераётганига ишониб.

Олег у билан Ванянинг ўртасига ётди.

— Ҳақ гапни айтганда, ҳозир кўчада юриш тақиқ шундай бир пайтда сени сира ҳам кутмаган эдим, — деб Ваняга шипшиди Олег, астойдил кулимсираб.

— Агар уларнинг қондасига риоя қилаверсанг, хуноб бўлиб кетасан, — деди Ваня, заҳарханда билан.

— Эҳ, менинг куйган дўстим! — Олег кулди ва ўзининг катта қўли билан Ваняни елкасидан қучоқлади. Кейин: — Уларни жойлаштириб келдингми? — деб Ванянинг қоқ қулоғига шивирлади.

— Саҳаргача сизларникида жой топиладими? — деб сўради Ваня. — Мен ҳали уйга борганим йўқ, бизникида немислар турар экан...

— Бизникида ётиш мумкин деб айтдим-ку, сенга! — деди Жора, бўғилиб.

— Сизларники жуда узоқ... Сен Володя билан ойдин кечада юраверасан, мен бўлсам бирон зах хандаққа йиқиламан-у, бўйним тагимда қолади-қўяди!

Олег Ванянинг ўзи билан хилватда сўзлашмоқчи эканини фаҳмлади.

— Тонг ёришгунча саройда ётсанг бўлади, — деди у. Ванянинг елкасини қисиб.

— Бизда кўп галати янгиликлар бор, — деди Ваня эшитилар-эшитилмас бир шипшиш билан. — Володя яширип иш олиб боровчи бир киши билан алоқа боғлаб топшириқ ҳам олибди... Кел, ўзинг айтиб бер.

Болаларнинг қўққисдан кечаси келиб қолишлари ва айниқса Володя Осьмухиннинг унга айтиб берган нарсалари Олегнинг гайратига шу қадар гайрат кўшдики, бошқа ҳеч бир нарса уни шу қадар гайратлантира олмасди. Володя Осьмухинга бундай топшириқ берган киши бошқа биров эмас, Вальконинг ўзидир деган фикр Олегнинг миясидан барқ уриб ўтди. Кейин у, Володянинг юзига юзини ёпиштириб, унинг қисик қора кўзларига тикилиб туриб, сўради:

— У одамни қандай топдинг? Ким экан?

Володя бир оз ўнғайсизланган бўлса ҳам, лекин қатъий бир оҳангда:

— Унинг отини айтишга ҳаққим йўқ, — деди, — Биз Жора икковимиз ҳозир разведкага бормоқчимиз, лекин икки кишига қийинлик қилади. Толя Орлов бирга бораё деяпти-ю, лекин йўтали қургур белга тепади, — деди кулиб, Володя.

Олег бир нафас унинг ёнида узоқларга қараб ётди.

— Бу ишни бугун қилмаслик керак, менинг маслаҳатим шу, — деди у. — Паркка яқинлашган ҳар бир киши у ердан кўринади, паркда қилинаётган нарсалар эса кўринмайди. Энг осони, буни ҳеч найрангсизоқ кундузи қилиш керак.

Паркнинг тевараги девор билан ўралган бўлиб, унинг тўрт томонига тўрт кўча келиб тақаларди. Шунинг учун Олег, удда-буронлигига суяниб, эртагаёқ, турли вақтларда ҳар бир кўчадан битта-битта пиёда киши юборишни ва унинг зиммасига кўча ёқасига жойлашган энг четки зенит тўпини, блиндажлар ва автомашиналарни эсда олиб қолиш вазифасини юклашни таклиф ётди.

Болалар Олегнинг олдига гайратлари қайнаб-тошиб келган эдилар, энди у гайрат бир оз чўкди. Лекин Олегнинг оддий далилларига рози бўлмасдан мумкин эмас эди.

Уқувчи, сенинг умрингда кечаси қоронғи ўрмонларда адашиб юриш, ёки бегоналар юртига ёлғиз бориш, ёинки хавф-хатарга ёлғиз дуч келиш, ёки энг яқин кишиларинг ҳам юз ўгириб кета-

диган бахтсияликка учраш, ё инсонларга номаълум янги бир нарсани қидириб, узоқ вақт якка ва хилватда яшаш ҳодисалари бўлганми? Агар сенинг бошингга ҳаётнинг шу фалокатлари ё қийинчиликларидан бири тушган бўлса, у ҳолда сўзи, вафоси, мардлик ва садоқати сира ўзгармаган ўз қадрдон дўстини топган кишининг қалби нақадар бепоён шодлик, тафсирдан ожив буюк бир шукроналик ҳисси, мислсиз мадор билан тўлажагини англайсан! Сен ортиқ дунёда ёлғиз эмассан, сенинг ёнингда дўст қалби уриб туради!.. Олег Ваня билан ёлғиз қолиб, осмонда сузиб бораётган дала ойининг ёгдулари остида меҳри-шафқат ва куч-қувват билан йилтираб турган ожиз кўзли дўстининг хотиржам очиқ чехрали, илҳомли юзини кўрганда, худди ўша ҳислар оқини қалбида қайнашганини сезди.

— Ваня! — Олег уни катта қўллари билан ўз кўкрагига босди ва оҳиста, бахтиёр кулги билан кулди.— Ниҳоят, кўрар куним бор экан-а! Нега кечикдинг? С-сенсиз ўлаёдим! Оҳ, сен шайтон-а! — деяр Олег, дудуқланиб ва уни кўкрагига босиб.

— Қўйиб юбор, қовурғамни синдирдинг, ахир, мен қиз эмасман-ку, — деб секин кулди Ваня, унинг қучогидан чиқаётиб.

— У сени ўзига мафтун қилиб олар деб ўйламаган эдим! — деди Олег муғомбирона.

— Қўй-э, уялсанг-чи шундай дейишга, — деди хижолат тортиб Ваня, — шунча воқеалардан кейин уларни жойлаб қўймасдан, хавф-хатардан қутулганликларига ишонмасдан туриб, ташлаб кета олармидим? Ундан кейин, ахир жуда галати қиз. Юраги нақадар пок, дунёга қараши нақадар кенг! — дер эди Ваня завқланиб.

Ҳақиқатан ҳам, Ваня Қуйи Александровкада ўтказган бир неча кун ичида ўзининг ўн тўққиз йиллик бутун умрида ўйлаган, ҳис этган ва шеър билан ёзган ҳамма нарсаларини Клавага оқизмай-томизмай айтиб берди. Ваняга кўнгили бериб қолган мулоҳим қиз, Клава ҳам, унинг сўзларини жим ва чидам билан эшитди. Агар Ваня бирон нарса сўраса, ҳамма нарсада унинг сўзига қўшилиб, жон-дили билан бошини қимирлатар эди. Ваня ўз вақтини Клава ҳузурда қанча кўп ўтказса, Клаванинг дунёга қараши шунча кенг туюлиши ажабланарли эмас эди.

Олег кулиб турган кўзлари билан дўстига қараб:

— Билдим, билдим, ж-ж-жигарингдан урибди! — деди, дудуқланиб. Кейин, бу сўзнинг унга ёқмаганлигини сезиб, жиддий бир тусда деди:— Аччигинг келмасин, мен шунчаки ҳозиллаш-ялман, ҳақиқатда эса сенинг бахтинг мени қувонтиради. Ҳа,

мени қувонтиради, — деди Олег, уҳ тортиб; сўнгра унинг пешонасида узун тиришлар пайдо бўлди ва бир неча зумгача Ванянинг ёнида узоқларга қараб ётди.

— Очиғини айт, Осьмухинга топшириқ берган Валько эмасми? — деб сўради у, бир оздан кейин.

— Йўқ. Унга топшириқ берган киши, Володядан Валькони сен орқали қидириб топишни илтимос қилган. Шунинг учун ҳам мен сеникида қолдим.

— Бутун бало унинг қаердалигини билмаслигимда-да. Мен ундан қаттиқ хавотирдаман, — деди Олег. — Кел, энди саройга кирайлик...

Улар сарой эшигини ёпиб, кийимларини ҳам ечмасдан, тор ёғоч каравотга жойлашдилар ва қоронғида узоқ вақтгача пичирлашиб ётдилар. Гўё уларга яқин бир жойда немис қоровули ва умуман атрофда немислар йўқдай эди. Неча марталаб:

— Бас, бўлди энди, пича мизғиб олайлик... — дейишарди-ю, яна қайтадан пичирлаша бошлар өдилар.

Олегни Коля тоғаси туртиб уйғотди, Земнухов аллақачон туриб кетган эди.

Коля тоғаси кўзлари ва лабларида сезилар-сезилмас маъноли кулимсираб:

— Нега кийим-бошинг билан ётибсан? — деб сўради.

— Уйқу баҳодирни йиқитибди... — дея ҳазиллашди Олег, керишиб.

— Қойилман баҳодирга! Сарой орқасида кўкат ичида қилган мажлисингизни ҳам, Земнухов билап вайсашганингни ҳам эшитдим.

— Эшитдингми? — Олег уйқули юзида паришон бир ифода билан каравотга туриб ўтирди. — Нега бўлмаса, уйғоқ эканингни бизга бирон ишора билан билдирмадинг?

— Халақит бергим келмади...

— Сендан буни кутмаган эдим!

— Сен мендан ҳали кўп нарсаларни кутмайсан, — деди Николай Николаевич, ўзининг оғир-босиқ овози билан. — Биласанми, масалан, немисларнинг қоқ тагида, пол остида радиоаппаратим бор?

Олег шу қадар шошиб қолдики, ҳатто юзи аҳмоқона бир тус олди.

— Н-нима, сен уни топширмаган эдингми?

— Топширмаган эдим.

— Демак, Совет ҳокимиятидан яшириб қолган экансан-да?

— Яшириб қолган эдим.

— Эҳ, Коля, ҳали шунақаман дегин... Сенинг бундай мугом-бирлигингни билмаган эканман, — деди Олег, кулишини ҳам, хафа бўлишини ҳам билмай.

— Аввало, бу радиоаппаратни яхши ишлаганим учун менга мукофот қилиб беришган, — деди Коля тога, — қолаверса, у чет эл аппарати, олти лампали...

— Уларни қайтариб берамиз деб ваъда қилишган эди-ку!

— Ваъда қилишган. Агар топширсам, у ҳозир немисларнинг қўлида бўлар эди, ҳолбуки ҳозир полимизнинг тагида турибди. Кечаси сенинг сўзингни эшитиб, у бивга жуда асқатади-да деб ўйладим. Хуллас, ҳар жиҳатдан меники тўғри чиқаётibdими, — деди Коля тога, кулимсирамай.

— Ҳар ҳолда, бало экансан, Коля тога! Кел, юз-қўлларимизни ювайлик-да, нонуштагача бир шахмат суриб юборайлик... Ҳозир бивда немислар ҳоким, барибир кимга ҳам ишлар эдик! — деди Олег, кайфи чог бўлиб.

Шу вақт бир қизнинг бутун ҳовлига ўшитдириб баланд овоз билан сўрагани уларнинг қулоғига чалинди:

— Менга қара, ҳой бедаво, Олег Кошевой шу ерда турадимми?

— Was sagst du? Ich verstehe nicht!¹, — жавоб берди, ўшик олдида турган қоровул.

— Мана шунақа каллаварамни кўрганмисан, Ниночка? Русча ҳеч балони ҳам билмас экан. Ундай бўлса, бизни қўйиб юбор ёхуд биронта чинакам рус кишисини чақириб бер, — деди кўнғироқдек қиз товуши.

Олег Коля тоғаси билан кўв уриштириб олгач, саройдан бошларини чиқариб қарадилар.

Увини бир оз йўқотиб қўйган немис қоровули олдида, кўча ўшигининг қоқ ёнида иккита қиз турарди. Қоровул билан сўзлашадган қизнинг ташқи қиёфаси шу қадар ярқироқ эдики, Олег билан Николай Николаевич даставвал ўшанга вѣтибор қилди. Бу ярқироқликнинг сабаби гоѣт кўзга чопар гулдор кўйлаги эди: ҳаво ранг крепдешинга тўла қилиб аллақандай олча, яшил нухат ва яна сариқ, сафсар нарсаларнинг сурати солинган эди. Олд томони олтин ўқ сингари турмакланган ва икки ойна ўртасида кўп ўйлаб ўрилган, бўйни билан елкаларига тушиб турган жинглак сочларида сабоҳ қуёши товланади. Очиқ рангли кўйлаги вса

¹ Нима деяпсан? Тушунмаяпман.

унинг қаддига шу қадар ярашиб тушган, тан рангли ажойиб пайпоқлар ва баланд пошналар сарғиш гўзал туфлилар унинг расо. тўла оёқларига шу қадар ўтирган эдики, бу қизнинг бутун борлигидан гоят табиий, жонли, енгил, ҳавойи бир нарса анқиб тура; эди.

Олег Коля тоғаси билан саройдан мўралаб қараган пайтларида, қиз кўча эшигининг олдидаги зинапояга чиқмоқчи бўлди, бир қўлида автомати билан зинапоя ёнида турган қоровул эса иккинчи қўли билан унинг йўлини тўсди.

Қиз, заррача ҳам тортинмай, ўзининг нозик оқ қўлчаси билан қоровулнинг бир қўлига урди-да, жадал зинапояга чиқди ва ўртоғига қараб:

— Ниночка, юр, юр... — деди.

Ўртоғи иккиланди. Қоровул зинапояга ирғиб чиқди ва икки қўлини кериб, эшикни қиздан тўсди. Автомат унинг йўғон бўйнидан ўтказилган қайишда осилиб турар эди. Немиснинг соқол-мўйловлари қирилмаган юзида аҳмоқсана бир мағрурлик табассуми пайдо бўлди, у табассум — ўз бурчини бажараётган ҳамда фақат ҳаққи бор қизгина у билан шундай муомала қила олишини тушунганидан пайдо бўлган эди.

— Кошевой — менман, бу ёққа келинлар, — деди Олег, кейин саройдан чиқди.

Қиз ялт этиб у томонга қаради, сузилган кўк кўзлари билан унга бир зумгина қараб турди ва айна замонда сариқ пошналарини тақирлатиб, зинапоядан югуриб тушди.

Олег қўлларини тушириб, барваста қомати билан уни кутиб турди ва содда, меҳрибон бир савол назари билан унга қараб, гўё шундай дер эди: «Олег Кошевой мана мен бўламан... фақат шунисини айтинг: мен сизга нечук керак бўлиб қолдим? Агар яхши нарса учун керак бўлган бўлсам, марҳамат қилинг, ёмон нарса учун бўлса, у ҳолда нега чекингиз менга тушди?» Қиз унинг ёнига келди-да, гўё суратини солиштираётгандек, бир қанча вақтгача қараб турди. Олег ҳануз эътибор бермаган иккинчи қиз — ўртоғи билан бирга келиб, четда турар эди.

— Тўғри: Олег... — дея қониқиб тасдиқлади биринчи қиз, гўё ўз-ўзи билан гаплашаётгандек. — Биз сиз билан хилватда гапласак деган эдик, — деди қиз, кўк кўзларини Олегга қисиб.

Олег, юраги ўйнаб ва уялинқираб туриб, иккови қизни ҳам саройга бошлаб кирди. Очiq рангли кўйлак кийган қиз сузик кўзлари билан Коля тоғага қаттиқ қаради-да, кейин ҳайрат-савол ифодаси олиб, кўзларини Олегга кўчирди.

— Менинг олдимда қандай гапирсангиз, бунинг олдида ҳам шундай гапираверишингиз мумкин, — деди Олег.

— Йўқ, бизнинг гапимиз севги устида бўлади, шундайми, Ниночка? — деди у қиз, ёқимли бир табассум билан ўртоғи томонга қайрилиб.

Олег ҳам Коля тоғаси билан бирликда иккинчи қизга қарашди. Унинг юзи каттагина, қуёшда қаттиқ қорайган эди; тирсагигача яланғоч ва қорага мойил бугдой ранг қўллари забардаст, лекин чиройли эди. Худди тунждан қуйилгандай оғир зулфи, ғоят қалин қорамтир сочлари унинг юзини ўраб, бақувват, қия елкаларига тушиб борар, салмоқли юзида икки хил ифода бор бўлиб, бири ғоят соддалик ифодаси бўлса, иккинчиси куч, давват, эҳтирос, парвоз ифодаси эди; биринчи ифода — дўрдоқ лаблари, юмшоқ бағбақалари, ғоят оддий бурнининг алақаериди, иккинчиси эса — пешона дўнглари, қош қайрилмалари, тўғри, дадил навари, шахло кўзларининг алақаерларида барқ уриб турарди.

Олегнинг кўзлари шу қиз устида ихтиёрсиз тўхтаб қолди ва суҳбат давомида у қизнинг ҳузурини сезиб, дудуқлана бошлади.

Коля тоғанинг қадамлари ҳовлида узоқлашиб борган пайтини пойлаб, кўк кўзли қиз юзини Олегга яқинлаштирди-ю:

— Мен Андрей амакининг олдидан келдим, — деди.

— Юрагингизга қойилман... Н-немисни хўп бопладингиз-да! — деди Олег, бир оз жим тургандан кейин кулимсираб.

— Ҳечқиси йўқ, немис калтакни яхши кўради!.. — Қиз кулиб юборди.

— Ўзингиз ким бўласиз?

— Любка, — деди очиқ рангли крепдешин кўйлагидан атир ҳиди келиб турган қиз.

ИГИРМА ОЛТИНЧИ БОБ

Любовь Шевцова душманнинг орқа томонида фойдаланиш учун партизанлар штаби ихтиёрига йил бошидаёқ ўтказилган комсомоллар группасига мансуб эди.

У, ҳарбий-фельдшерлик курсини тугатиб, фронтга жўнаб кетиш тайёргарлигини кўрмоқда эди. Лекин уни ўша ерда, Ворошиловградда бўлган радистлар курсига кўчирдилар.

Штабнинг топшириғи билан бунинг ота-онасидан ва ўртоқларидан яшириб, ҳамон ҳарбий-фельдшерлар курсида ўқишда давом этаётганини ҳаммага айтиб юрди, уйга ҳам шундай деб

ёзди. Ҳаётнинг ҳозир сирли бўлиб қолгани эса Любкага жуда хуш ёқар эди. У «Любка — артистка, ҳийлакор иблис» бўлиб, бутун умр ўйнагани-ўйнаган эди.

У жажжи қизлик вақтидаёқ докторлик қила бошлайди. Бу кўк кўзли ва икки бети кулдиргичли оппоқ дўндиққина қизча, ҳамма ўйинчоқларини деразадан отиб ташлаб, бинтлар, докалар, пахталар тўлдирилган қизил крестли сумка билан юради. У ўз ота-онаси, ҳамма тиниш-билишларини, катта ёшли кишилар ҳам болаларни, ҳамма ит ва мушукларни бинтлайди.

Бир куни ундан каттароқ, яланг оёқ бир бола девордан ошиб тушиб, вино шишасини босади-ю, оёғини кесиб олади. Бола узоқ ҳовилаларнинг биридан келгани, уни ҳеч ким танимагани ва уйда унга ёрдам қилгудек ҳеч бир катта киши йўқлиги туфайли олти ёшли Любка унинг оёғини ювиб, йод суркаб, кейин бинтлаб боғлайди. Боланинг оти Серёжка, фамилияси эса Левашов бўлади. Лекин у, Любкага қизиқмайди, унга миннатдорчилик ҳам билдирмайди. Умуман кичкина қизларни ёқтирмагани учун, кейин Любкаларникига сира оёқ босмай кетади.

Любка мактабга кириб ўқий бошлаганда эса, шу қадар жўн ўйнаб-кулиб ўқийдики, кўрган киши уни ҳақиқатдан ҳам ўқийди демас, балки ўқувчи қиз бўлиб ўйнаб юрибди деб ўйлар эди. Доктор бўлиш, ё ўқитувчи ё эса инженер бўлиш энди Любканинг меъдасига тегади, кейин уй бекаси бўлишни хоҳлаб қолади. Ҳақиқатан ҳам, уйда нимаики иш қилмасин, — полларни ювадимми ёки шилпилдоқ қиладимми, — ҳаммаси онасиникидан яхшироқ, дурустроқ чиқади. Айтмоқчи, унинг Чапаев бўлгиси ҳам, пулемётчи Аня эмас, худди Чапаевнинг ўзи бўлгиси келиб қолади; нимага десангиз, кейин маълум бўлишича, у ҳам қизалоқлардан нафратланар экан. Пўкак куяси билан ўзига Чапаевники сингарни мўйлов қилиб олиб, болалар билан то уларни енгунча олишади. Аммо, кейин, бир оз ўсгач, ўйинга тушишни ёқтириб қолади, русча ва чет элча бал рақсларига, украинча ва кавказча халқ ўйинларига ишқи тушади. Бунинг устига, яхши овози борлиги ҳам маълум бўлади ва энди муқаррар артист бўлишга қадор қилади. Клубларда ва очиқ паркларда чиқиб концерт беради, уруш бошлангандан кейин эса айниқса, ҳарбийлар олдида жондиди билан номерлар бера бошлайди. Аслда артист қиз бўлмаса ҳам, лекин ўзини артистликка солиб юради, ўзи нима қилишини билмайди. Унинг қалбида ҳар вақт аллақандай рангдор бир нарса жилваланиб туради, ўйноқлайди, куйлайди ва баъзан эса олов сингари қутуради. Алланимаси учиб уни безовта қилиб турарди.

шухрат чанқоғи, мудҳиш фидокорлик кучи, қаттиқ жасурлик ва болаларга хос шўх, ўткир баҳт сезгиси уни азоблайди. Нимадир уни ҳадеб чақиради, қандайдир янги бир нарсага эриштириш ва нимагадир интилтириш учун уни ҳамон олға, юксакларга имлайди. Энди у фронтда қозонадиган галабаларини хаёлидан кечиради, — фронтда учувчи ёки ҳарбий фельдшер бўлади, ҳеч бўлмаса — буниси энди маълум — душманиниг орқа томонида разведкачи — радист бўлади, бу албатта, яна ҳам яхшироқ бўлади.

Шуниси қизиқ ва ғалати бўлдики, радистлар курсига борган Краснодар комсомоллари орасида Любка билан бирга Серёжка Левашов ҳам бор эди. Бу — ёшлигида Любка тиббий ёрдам кўрсатган ва Любкани меҳсимай кетган ўша Серёжка Левашовнинг ўзи эди. Энди Любка қасдини олиши мумкин, чунки у келар-келмас, Любкани яхши кўриб қолди. Любка эса, гарчи Серёжканинг лаблари билан қулоқлари чиройли ва ўзи келишган йигитча бўлса ҳам, унга кўнгил беравермади. Серёжа мулозамат қилишни билмас, у кенг яғринли йигитча қиз олдида, итоаткор бир ифода билан термилиб индамасдан ўтирар, Любка эса уни кулги қилиб, йстаганича юрагини эзар эди.

Любка курсда ўқиб юрган кезларида, курсантлардан гоҳ бири, гоҳ иккинчиси машгулотга келмаган ҳоллар кўп бўлар, бунинг сирини ҳамма ҳам билар, яъни у курсант муҳлатдан олдин чақириб олиниб, немисларнинг орқа томонига ўтказиб юборилган бўлиб чиқарди.

Ой нурларига чўмган шаҳар парки димликдан сўлишган, акация гулларининг ҳидларидан бош айланган майнинг дим оқшоми эди. Ҳар вақт кўп одамлар орасида юришни яхши кўрувчи Любка Сергейни ҳадеб кинога ёки Ленин кўчасидан «бир шўнғиб» ўтишга қистайди, Сергей эса:

— Буни қара, бу ерлар қандай чиройлик! Наҳотки сенга ёқмаса? — дер ва кўзлари ғира-шира хиебонда номаълум бир куч билан пориллар эди.

Улар паркни қайта-қайта айландилар. Сергей эса ўзининг камгаплиги ва ўжарлиги билан Любканинг меъдасига тегди.

Шу вақт шаҳар паркига бир тўда йигитча ва қизлар кулишиб, чирқирашиб кириб келди. Уларнинг орасида ворошиловградлик Борька Дубинский деган бир курсдоши ҳам бор эди. Борька Дубинский ҳам Любкани яхши кўрар ва ҳар вақт уни ўзининг «трамвай қатнови нуқтаи назаридан» деган сафсаталари билан кулдириб юрар эди.

Любка:

— Борька! — деб чақирди.

Дубинский уни дарҳол овозидан таниди ва Любка билан Сергейнинг олдига югуриб келиб, сафсата сота бошлади.

— Кимлар билан юрибсан? — деб сўради Любка.

— Босмахонада бирга ишлашган болалар ва қизлар билан. Таништириб қўяйми?

— Албатта! — деди Любка.

Улар дарҳол танишдилар. Любка ўса ҳаммасини Ленин кўчасига судради. Сергей бормаслигини айтди. Любка, у хафа бўлди шекилли деб ўйлади-да, ҳадеб ноз қилавермасин деб, жўрттага Борька Дубинскийни қўлтиғидан ушлаб олди ва иққовлари, турли мақомда гандираклар юра-юра, паркдан югуриб чиқиб кетдилар, фақат Любканинг кўйлагигина дарахтлар орасида ора-сира кўриниб борар эди.

Любка Сергейни эрта билан нонушта вақтида ётоқхонада кўрмади. Сергей машгулотга ҳам, тушки ва кечки овқатга ҳам келмади. Унинг қаерга кетганини суриштириш фойдасиз эди.

Албатта, Любка кеча шаҳар паркида бўлган нарсаларни ҳеч ҳам хаёлига келтирмади, — «оббо, шу ҳам гап бўлибдим!» деди-қўйди. Лекин кечки пайт бирдан уйини соғинди, отаси билан онасини ўслади, ортиқ уларни ҳеч вақт кўра олмайдигандек бўлди. Ётоқхона бўлмасида, беш нафар ўртоғи билан бирга, ўз каравотида жимгина ётар эди. Ҳамма ухламоқда, дераза пардалари олиб ташлангани учун, унинг яқинидаги очиқ деразадан ой ёғдуси тўлиб кирмоқда, Любканинг ўса жуда дили ғаш эди.

Эртасига Сергей Левашов, худди бу одам ўзи дунёда бўлмагандек, Любканинг ўсидан бутунлай чиқиб кетди.

Олтинчи июлда Любкани курс бошлиги чақириб, унга фронтдаги аҳволнинг дуруст эмаслигини, курснинг бу ердан кўчирилишини, Любкани ўса область партизанлар штаби ихтиёрида қолдиражакларини айтди. Любка уйига, Краснодонга қайтиши ва чақиришларини кутиб туриши керак. Агар немислар босиб келса, у ўзини шубҳа туғдирмайдиган бир алповда тутиши лозим. Сўнгра, унга Каменный Броддан бир адрес бердилар, Любка жўнашдан аввал ўша ерга бориб, хозияка билан танишмоғи керак.

Любка, Каменный Бродга бориб, хозияка билан танишди. Сўнгра чамадонини йиғиштирди, яқин бир чорсида «қўл кўтариб», Краснодон орқали ўтадиган биринчи юк машинаси билан у шўх, оқиш сочли қизча уйига етиб олди.

Валько, ҳамроҳларидан ажралгач, кун бўйи далада ўтирди-да, фақат қоронғи тушгандагина жар ичи билан «Шанхай»нинг узоқ четига чиқди, қинғир-қийшиқ кўчалар ва хилват йўллар билан 1-бис кўмир кони районига етиб олди. У тугилиб катта бўлган бу шаҳарни яхши билар эди.

У Шевцовларникида немислар бордир деган хавотирда эди. Шунинг учун биқиниб-сиқиниб, орқа томондан, девордан ошиб, ҳовлига тушди ва бирон киши чиқар-ку деган умидда, уй ёнидаги бостирмалар орасига яширинди. У шу алпозда жуда узоқ ўтирди ва ниҳоят, сабри соп бўла бошлаган эди, ташқи эшик ғижирлаб очилди-да, бир хотин киши челақ кўтариб, Валько ёнидан ўтиб кетди. Валько, ўтган аёл Шевцовнинг хотини, Ефросинья Мироновна эканини таниб, унинг йўлини тўсиб чиқди.

— Ким бу, ё парвардигор! — деди паст овоз билан хотин.

Валько соқол-мўйловлари тиканақдек ўсиб кетган қора юзини унга яқинлаштирди, хотин уни дарҳол таниди.

— Вой, сизмисиз?.. Қаерда... — деб сўз бошламоқчи бўлди. Агар осмон юзига сочилган кул ранг тутун орқали ой ғира-шира вурланиб турган ола-қоронғи тун бўлмаса, Ефросинья Мироновнанинг юзи нақадар оқариб кетганлигини кўриш мумкин бўлар эди.

— Пича сабр қил. Фамилиямни ҳам унут. Мени Андрей амаки деявер. Сизларникида немислар турадимиз? Йўқ?.. Юр уйга, — деди Валько, томоғи қирилиб ва унга айтиши лозим бўлган нарсаларнинг таъсири остида эзилиб.

Любка, — лекин Валько клуб саҳнасида кўриб юрган, очиқ рангли кўйлак ва баланд пошнаги туфли кийиб, жирттайиб юрадиган Любка эмас, балки одми кофта билан қисқа юбка кийиб, яланг оёқ юрган содда, уй қизи, — бир нарса тикиб ўтирган каравотидан туриб уни қарши олди. Олтин сочлари бўйни билан елкаларига эркингина тушиб турар эди. Стол устида хирагина ёниб турган кончилар чирогининг ёруғида сузилган кўзлари Валькога ҳайратсиз тикилди.

Валько унинг қарашига туриш бермади ва хўжайинларнинг тўқлик изларини ҳали ҳам сақлаб келган хонага паришон назар ташлади. Унинг кўзлари каравотнинг бош томонига осиб қўйилган суратга тушди. У Гитлер сурати эди.

— Кўнглингизга ёмон гап келмасин, ўртоқ Валько, — деди Любканинг онаси.

— Андрей амаки, — деди Валько, унинг хатосини тузатиб.

— Ҳа-я, Андрей амаки, — деб тузатди у, кулимсирамасдан.

Любка Гитлернинг суратига парвосизгина қаради-ю, нафрат билан кифтини қоқди.

— Буни немис офицери осиб қўйган,— Ефросинья Мироновна изоҳ қилди. Бизникида сўнгги кунларгача иккита немис офицери турарди. Йигит ўлгурлар кечагина Новочеркасскка жўнаб кетди. Улар уйга кирар-кирмас: «ҳа, рус қизи, чиройли қиз, блонд» деб бунга тегиша ва кулиша бошлашди, шоколадлар, печеньелар ҳада қилишди. Бундай қарасам бу шайтон тушгур ҳам оляпти ўзи эса керилиб, тарс-тўрс гапиради, гоҳ кулади, яна қўпол гапиради, — бу қизи тушмагур шундай найранг қилдики!— деди онаси қизини ёмон отлиққа чиқармасдан койиб ва Валькога тўла ишониб. Бу нарсаларни Вальконинг тўғри тушунишига унинг имони комил эди.— Мен бунга: «Ўт билан ўйнашма» десам, менга: «Шундай қилиш керак» дейди. Бунга шундай қилиш керак бўлган экан,— хўп ўйин қилди!— деб Ефросинья Мироновна такрорлади. — Уни қаранг, ўртоқ Валько...

— Андрей амаки, — унинг хатосини яна тузатди Валько.

— Андрей амаки... Мен онаси эканлигимни уларга айткизмади, мени уй ичига қаровчи хотин қилиб, ўзини эса артистка қилиб кўрсатди. Ота-онам,— дейди,— саноат эгалари эди, конлари бор эди, уларни совет ҳукумати Сибирь қилиб юборди, дейди. Кўрдингизми, нималарни ўйлаб чиқармади?

Валько, тикиб турган нарсасини қўлида ушлаб англашилмас бир табассум билан Андрей амакидан кўз узмай ўтирган Любкага қаттиқ тикилган ҳолда:

— Ҳа, хўп қотирибди,— деди, хотиржам бир оҳангда.

— Мана шу каравотда ётиб юрган офицер,— бу — қизимизнинг каравоти, биз икковимиз нариги уйда бирга ётар эдик,— ўша офицер чамадонини ковлаштириб қолди, қайдам, қўйлак-лозим керак бўлганми, — дея Ефросинья Мироновна давом этди, — мана шу суратни олди-ю, деворга қоқиб қўйди. Любка эса,— ишонасизми-йўқми, ўртоқ Валько,— унинг устига бир сапчиди-ю, шарт этиб суратни юлиб олди. «Бу'менинг каравотим, сизники эмас, менинг каравотим устига Гитлернинг суратини остириб қўймайман» дейди. Мен эсам, мана энди қизимни ўлдиради деб ўйлайман, лекин у Любканинг қўлига ёпишди, қайирди, суратни олиб яна деворга осиб қўйди. Иккинчи офицер ҳам шу ерда эди, ҳадеб хахолаб кулишди, уларнинг кулгисидан дераза ойналари дириллаб сингудек бўлади. «Оҳ, русники қиз шлехт!..» дейишади. Бундай қарасам, Любканинг жуда жаҳли чиқиб, қипқизариб кетибди, мушталарини сиқиб турибди — қўрққанамдан

Ўлаёзим. Билмадимки, Любка уларга жуда манзур бўлдими, ёки улар худо урган энг пасткаш махлуқлар эдими, ҳайтовур, ҳаққайганича дўнғиллашиб тура беришди. Любка эса ер тепиб: «Сизнинг Гитлерингиз ёмон, қонхўр, уни ҳалажойга ташлаб ўлдириш керак!» деб қичқиради. Яна шундай хунук бир сўз айтдики, гапнинг рости, мана ҳозир тўппончасини чиқаради-ю, отиб ташлайди деб ўйладим... Улар кетгандан кейин эса Любка Гитлерни олиб ташлатмади. «Қўя бер, унинг осилиб туриши керак...» деди.

Любканинг онаси ҳали у қадар қари бўлмаса ҳам, лекин ёшлигида қалтис туққан кўп оддий қари хотинлар сингари болдири билан бели ёнга ўсиб, оёқлари шишиб кетган эди. У буларнинг ҳаммасини Валькога паст овоз билан айтиб берди ва айни замонда унга ҳадиксираган, савол бераётгандек ҳатто яли-наётгандек бир назар билан қараб-қараб қўяр, Валько эса кўзларини унинг кўзларига тушишдан олиб қочар эди. Ефросинья Мироновна ҳадеб гапирар ва ўшитишдан қўрқиб турган нарсасини кечиктиришга тиришгандек, гапдан тўхтамасди. Мана энди ҳамма гапини айтиб бўлди ва юраги дук-дук уриб ҳадиксираб, қани энди, нима дейсиз дегандек, Валькога қаради.

— Сизда, Ефросинья Мироновна, эрингизнинг одмироқ кийимидан қолган эмасми? — деди Валько, хириллаб. — Мана шундай пиджак ва шим билан тапочка кийиб юриш менга унча ўнғай келмаяпти, кўрган киши: «Ҳа, масъул кодимлардан» дейди.— Валько кулимсиради.

Унинг овозида аллақандай бир нарса бор эди. Ефросинья Мироновна яна оппоқ оқариб кетди, Любка ва тикиб ўтирган нарсаси билан қўлларини қуйи туширди.

— Унга нима бўлди? — деб ўшитилар-ўшитилмас бир овозда сўради онаси.

— Ефросинья Мироновна, сен ҳам, Любка! — паст, лекин қатъий овоз билан гап бошлади Валько. — Тақдир мени сизларникига ёмон хабар билан келтирар деб ўйламаган эдим, лекин сизларни алдашни истамайман, юпатгулик ҳам ҳеч нарсам йўқ. Сизнинг эрингиз ва сенинг отанг, Люба, менинг энг қадрдон, энг яхши дўстим Григорий Ильич ҳалок бўлди, тинч кишилар устига лаънати иблислар ташлаган бомбадан ҳалок бўлди... Унинг абадий хотираси ва шон-шарафи халқимиз қалбида сақлангай!..

Онаси, фарёд кўтармай, бошидаги рўмолининг учини кўзларига тутди ва секин-секин йиғлади. Любканинг юзи эса бутун-

лай оқариб, худди қотиб қолгандек бўлди. У бир қанча вақт шундай турди, кейин худди тирагичини олиб ташлагандек, бирдан бўшашди, беҳуш бўлиб полга йиқилди.

Валько уни қўлларидида кўтариб, каравотга ётқизди.

Валько, Любканинг характерига қараб, ўзини уриб йиғлайди, сочларини юлиб фарёд солади, агар шундай қилса, зора аҳволи энгил тортса деб ўйлаган эди. Лекин Любка каравотда қимири этмай, бир сўз айтмай, юзи оппоқ оқариб, нес бўлиб ётди ва салқи лаблари бурчида, онасиники сингари, қайғу тиришлари пайдо бўлди.

Онаси фарёд солмади, қайғуларини гоят табиий, содда ва астойдил бир суратда ифода қилди; бу эса оддий рус хотинларигагина хос бир хислат эди. Кўзларидан ёшлар дув-дув қуйиляди, уларни рўмолининг учи билан артади, лабларига, някларига тушганда эса қўли билан кафти билан сидиради. Унинг қайғуси табиий бир қайғу бўлганидан, меҳмонни унутмади ва лозимий қадар пеш келди. Вальконинг юз-қўлига сув берди, жинчироқни ёқди-да, эрининг уйда кийиб юрадиган кўйлаги, пиджаги ҳам шимини келтириб берди.

Валько жинчироқ билан иккинчи хонага кириб, кийимларини алмаштирди. Бу кийимлар унга бир оз торлик қилса ҳам, лекин ўзини анча эркин сезди: энди у кўп ишчиларнинг бири қиёфасига кирган эди.

Григорий Ильич ҳалокатининг тафсилоти нақадар оғир бўлмасин, фақат шу тафсилотгина унинг яқин кишиларига аччиқ ва қаттиқ тасалли бера олажагини билган Валько, Григорий Ильич ҳалокатининг тафсилотини айта бошлади. Унинг ўзи қанчалик ҳаяжон ва ташвиш ичида бўлганига қарамай, узоқ ва кўп овқат еди ҳам бир графин арақ ичди. Бутун кун бўйи овқатсиз юриб, чарчаган бўлса ҳам, иш тўғрисида сўзлашиш учун Любкани турғизди.

Улар нариги хонага чиқдилар.

— Сени бу ерда бизнинг кишиларимиз иш учун қолдириб кетишган, бу очиқ кўриниб турибди, — деди у, ўзини Любканинг сесканиб тушган ва юзи дарҳол ўзгариб кетганини кўрмаганга солиб. Кейин, Любка бўйнига олмасликка тиришганда оғир қўлини кўтариб: — уринма, — деди, — сени ким ва қандай иш учун қолдирганини сендан сўраётганим йўқ, сен ҳам уни на тасдиқ этишга ва на рад қилишга мажбур эмассан. Менга ёрдам қилишингни ўтинаман... Мен ҳам сенга асқатиб қоларман.

Кейин ўзини бирон ерга бир кунгина яшириб қўйишини ҳам-

да Валько билан бирликда 1-бис кўмир конини портлатган Кондратович билан учраштиришини илтимос қилди.

Любка Вальконинг буғдой ранг юзига ажабланиб қарар, у бу одамнинг катта ва ақлли киши эканини ҳамма вақт билар эди. Бу киши Любканинг отаси билан, ўз тенгқуридай ошна-огайнигарчилик қилиб келган бўлса ҳам, Любкада ҳар вақт бу одам — катта, мен бўлсам — кичик деган ҳис яшар эди. Ҳозир ҳам Любка унинг ўтқир фаҳмига жуда қойил бўлди.

Любка қўшнилари эчкиси учун хашақ сақлаб юрадиган сарой чордогига Валькони жойлаштирди. Қўшнилари кўчиб кетган, эчкини эса немислар сўйиб еган эди. Валько у ерда донг қотиб ухлаб қолди.

Она-бола ёлғиз қолиб, тонг отгунча йиғлаб чиқишди.

Онаси ўзининг бутун ҳаёти, ёшлиқ чоғларидан бери биргина Григорий Ильич билан борланган хотинлик ҳаёти энди тамом бўлгани учун йиғлар эди. У Царицин шаҳрида хизматкор бўлиб ишлаган, ёш матрос Григорий Ильич эса Волгада пароходда сувиб юрган пайтларидан тортиб бутун ҳаётини эслади: улар ўша вақт қуёш нурларига чўмган пристанда ёхуд шаҳар боғида бирга бўлишиб, пароходга юк ортилиб бўлинишини кутар эдилар; уйланганларидан кейин дастлабки вақтларда не-не кунларни кўришмади: у вақт Григорий Ильичнинг ҳеч қандай касби йўқ эди. Кейин Донбассга келдилар, лекин бу ерда ҳам бошда озмунча қийналишмади, сўнгра эса Григорий Ильич аста-секин кўтарилди уни газеталарга ёздилар, шу уч хонали уйни бердилар, рўзғор-бисот ортдирдилар, қизлари Любканинг малика сингари ўсаётганидан қувонар эдилар.

Мана энди ҳаммаси тамом бўлди. Григорий Ильич ортиқ йўқ, улар бири қари ва бири ёш бу икки ожиза немислар қўлида қолдилар. Кўз ёшлари қуйилади, Ефросинья Мироновнанинг кўзларидан ёш қуйилади.

Любка эса сирли меҳрибон бир шипшиш билан онасига деди:

— Йиғлама, ойижон, энди менинг ҳунарим бор. Немисларни қувиб урушни тамом қилганимиздан кейин радиостанцияга бориб ишлайман машҳур радист бўламан, мени радиостанциянинг бошлиғи қилиб тайинлашади. Биладан, ғалва қулогингга ёқмайди, шунинг учун сени ҳам станция ёнидаги ўз уйимга обориб оламан, — у ер ҳамма вақт ғалвасиз жимжит бўлади, ҳамма ёққа юмшоқ материал қопланган, заррача ҳам товуш эшитилмайди, одамлар ҳам кам бўлади. Уйни тоза, чиройли қилиб тутамиз, сен билан ўзимиз икковимиз турамиз. Станция олдидаги ҳов-

лига гуллар экаман; бир оз бойганимиздан кейин товукхона қилиб бераман, сен ҳар хил зотдор товукларни боқиб юрасан, — деб, сирли бир тусда шипшир, кўзларини сузиб, онасини бўйнидан қучоқлар, юпқа тирноқли нозик қўлчасини қоронгида силтар эди.

Шу пайт деразани кимдир бармоғи билан секин-секин тиқиллатди. Она-бола уни баравар эшитди, қучоқлашиб турган қўлларини ажратиб, йиғидан тўхташиб, қулоқ сола бошладилар.

— Немислар эмасмикин? — деб онаси итоаткорона шивирлади.

Лекин Люба немисларнинг бундай тиқиллатмасликларини билар эди. У яланг оёқларини шап-шуп босиб деразага югуриб борди ва деразага тўсиб қўйилган одеялнинг четини пича очиб қаради. Ой ботган эди, лекин у эшик олдида турган уч кишининг қорасини кўрди: бири — эркакники, дераза олдида, иккитаси — хотинларники, нарида эди.

— Нима керак? — деб деразадан қаттиқ сўради Любка.

Эркак киши юзини дераза ойнасига яқин келтирди. Любка у юзни таниди. Унинг нафаси ҳалқумига тиқилгандек бўлди. Эвоҳ, унинг худди ҳозир шу ерда, шундай бир пайтда, ҳаётнинг энг огир бир минутада келганини қаранг-а!..

Любка уйдан қандай отилиб чиққанини, худди шамол учириб келтиргандек кўчада пайдо бўлганини ўзи ҳам сезмай, бахтсиз қалби тўла бир миннатдорчилик билан ўсмир бўйнига кучли, қаққон қўлларини ташлади ва она қучоғидан иссиққина чиққан, йиглаб-сиқтаган, ярим яланғоч бир ҳолда бутун тани-жони билан унга ёпишди.

— Тезроқ... тезроқ... — дер эди Любка, унинг қучоғидан чиқиб, ҳам қўлидан эшик томонга тортиб. Ана шундан кейингина унинг ҳамроҳларини эслади. — Булар ким? — деб сўради, у қизларга тикилиб. — Оля! Нина!.. Вой жонгинам айлансин сизлардан-ей!.. — Сўнгра иккала қизни ҳам кучли қўллари билан қучоқлаб, уларнинг бошини ўз боши олдига тортиб, гоҳ бир, гоҳ иккинчи қизни юз-кўзларидан иссиқ-иссиқ ўпа кетди. — Бу ёққа, бу ёққа юринглар... Тезроқ... — деб шивирларди Любка, шошиб-пишиб.

ЙИГИРМА ЕТТИНЧИ БОБ

Улар, жуда кир ва чанг бўлганликлари туфайли, остонада тўхтадилар, — қиринмаган Сергей Левашовнинг эғнида ё шо-

фёрникига ё монтёрникига ўхшаган кийим, Оля билан Нина қизнинг эғнида эса — бир хил, яхлит, қорамтир кўйлак ва орқаларида буюм халтачалари бор эди. Оля билан Нина бақувват қизлар бўлиб икковининг ҳам юзи бронза тахлит, қорамтир сочлари эса худди кул ранг чанг сепилгандек эди. Нина Олядан тўлароқ эди.

Булар Иванцов деган ака-уканинг қизлари эди, Фамилиялари бир бўлгани учун, буларни ҳамма вақт опа-сингил Иванихиналар билан, яъни, «Первомайка»лик Лилия ҳам Тоня билан адаштириб юрар эдилар. Ҳатто: «Опа-сингил Иванцоваларнинг бири оппоққина бўлса, билки, улар опа-сингил Иванихиналардир» деган мақол ҳам тарқалган эди. (Уруш бошидаёқ фронтга ҳарбий фельдшер бўлиб, доми-дараксиз кетган Лилия Иванихина оппоққина эди.)

Оля ва Нина Иванцовалар Шевцоваларга яқин бир жойдаги стандарт уйда туришарди, уларнинг оталари Григорий Ильич билан бир конда ишлар эдилар.

— Жонимни қоқай сизлардан! Қаердан келаётибсизлар? — деб сўрар эди Любка, оппоққина кўллари билан гиргиттон бўлиб. У Иванцоваларни Новочеркасскдан келишаётир деб тахмин қилар эди, чунки у ерда бу қизларнинг каттаси — Оля — индустрия институтида ўқир эди. Лекин Сергей Левашовнинг у ерга қандай бориб қолгани қизиқ.

— Биз шундай бир жойда эдикки, энди у ерда йўқмиз, — деди Оля аҳтиёткорона, шишиб кетган лабларида билинар-билинемас табассум ўйнатиб. Кейин эса қош ва киприклари чанг босган юзи тиришгандек бўлди. — Билмайсанми, бизникида немислар турадимми-йўқми? — деб сўради у, саргардонлик кунларида ордирган одатини қилиб бутун хонани жадал кўздан кечириб.

— Бизникига ўхшаш, сизларникида ҳам туришган эди, бугун эрталаб жўнаб кетишди, — деди Любка.

Олянинг юзи ё захарханда қилаётгандек, ё нафратланаётгандек тиришди: у девордаги Гитлер суратини кўрган эди.

— Хўжа кўрсин учунми?

— Қўя бер, осилиб тураверсин, — деди Любка. — Қоринларинг ҳам очдир?

— Йўқ, агар уйимиз бўш бўлса, кетамиз.

— Агар бўш бўлмаганда ҳам нимадан қўрқасизлар? Немислар Дондан ёки Донецдан қайтарган кишилардан жуда кўпи ҳозир уйларига келишяпти... Йўқса, Новочеркасскда меҳмонда

өдик, энди уйга қайтдик деб айтсаларинг ҳам бўлаверади,— дедя бидирлаб Любка.

— Қўрқадиган жойимиз йўқ. Шундай деяверамиз,— Оля оғир-босиқ жавоб қилди.

Улар бир-бирлари билан сўзлашганда индамай ўтирган кичик қиз, Нина, давваткор шахло кўзларини гоҳ Любкага, гоҳ эса Оляга ташлар эди. Сергей эса, офтобда саргайган рюкзагини полга қўйиб, икки қўлини орқасига қовуштирган ҳолда печкага суяниб турар ва кўзларида сезилар-сезилмас бир табассум билан Любкага қараб турарди.

«Йўқ, булар Новочеркасскда бўлган эмас» деб ўйлади Любка.

Опа-сингил Иванцовалар уйларига кетишди. Любка, дераза пардасини олиб ташлаб стол устидаги кончи чирогини ўчирди. Уйдаги ҳамма нарса — деразалар, мебеллар ва юзлар кул ранг тус олди.

— Бет-қўлингни ювасанми?

Любка хонадан лип этиб даҳлизга чиқди ва у ердан бир челақ сув, тоғора, кружка ҳам совун келтирди. У шу ишлар билан машғул бўлиб турганда, Сергей:

— Бизникида ҳам немислар турадим, билмайсанми? — деб сўради.

— Вилмадим. Бири кетса, бошқаси келиб турибди. Вой, формангни ечсанг-чи, уялма!

Сергей Левашов шу қадар кирланган ёканки тоғорага ташаётган ювинди сув қоп-қорайиб кетди. Лекин Любка унинг забардаст қўлларини, эркакларга хос ғайрат билан у қўлларни совунлаб ювганини кўриб, ҳузур қилар эди. Унинг бўйни қуёшда қизарган, қулоқлари катта ва чиройли лаблари мардона ва гўзал, қошлари туташмаган лекин бурун суяги устидан икки томонга тўлиб қайрилган қош қанотлари нозик ва анчагина сийрак, қайрилма бўлиб, бу камон қошлар устида қаттиқ пешона тиришлари юзага уриб турар эди. У ўзининг забардаст қўллари билан юзини юваётганини ва ора-сира Любкага кўз отиб унга кулимсираганини кўраркан, Любка бундан ҳузур қиларди.

— Иванцоваларни қаерда илаштириб олдинг? — деб сўради Любка.

Сергей пишилар, юзига сув сочар ва индамай ювинар эди.

— Сен-ку менинг олдимга келибсан, демак ишониб келгансан. Нега энди ўжарлик қиласан? Ахир, сен билан мен бир дарахтнинг япроқларимиз,— дер эди Любка, паст ҳам яширин овоз билан.

— Чочиқни бер, раҳмат, — деди Сергей.

Любка жим бўлди ва ундан ортиқ ҳеч нарса сўрамади. Унинг мовий кўзлари совуқ тус олди. Лекин у, аввалгидек, Сергейга мулозамат қилди, керосинкани ёқиб чой қўйди, меҳмон олдига овқат келтириб графинга арақ қуйди.

— Мана буни бир неча ойдан бери татиганим йўқ, — деди Сергей, унга кулимсираб.

У, арақдан ичиб, ўзини овқатга урди.

Ташқари ёриша бошлади. Сийрак қул ранг туманли шарқда ҳамма нарса пуштиланиб ва тобора олтин тус олиб борди.

— Сени бу ердан топарман деб ўйламаган эдим. Таваккал деб келдим сен эсанг... — у, овозини чиқариб, аста-аста фикр сураб эди.

Унинг сўзларида: радистлар курсида ўзи билан бирга ўқиган Любканинг қандай қилиб уйига келиб қолганини сўровчи бир савол бордек эди. Лекин Любка бу саволга жавоб қайтармади. Сергей мени аввалгидек ҳавойи, инжиқ қиз деб ўйлаши мумкин деган фикр билан Любка хафа бўлар, азобланар, юраги ёзилар эди.

Сергей:

— Сен бу ерда ёлғиз бўлмасанг керак? Ота-онанг қаерда? — деб сўраган эди, Любка:

— Сен учун фарқи йўқ-ку, — деб жавоб берди.

— Бирон нарса бўлдими?

— Овқатни е, овқатни, — деди қиз.

Сергей Любкага бирмунча вақт тикилди, кейин ўзига яна бир стакан арақ қуйди, ичди ва индамасдан овқат қилди.

— Раҳмат, — деди у, овқатни еб бўлгач, оғзини енги билан артиб. Любка унинг шу саргардонлик кунларида қанчали қўполлашганини кўрди, лекин Любкани унинг бу қўполлиги эмас, балки Любкага ишонмагани таҳқир қилар эди.

— Сизларда чекадиган нарса топилмаса керак? — деб сўради Сергей.

— Топилади...

Любка ошхонага чиқди ва ўтган йилги қўлбола тамаки япроғидан олиб келди. Отаси ҳар йил жўяк тортиб тамаки экар, ҳар фаслда бир неча бор ҳосил олар, қуритар ва зарур бўлганда, устара билан трубка боп қилиб майдалаб олар эди.

Улар — тамаки тутунига кўмилган Сергей билан Любка, стол ёнида жим ўтиришди. Любканинг онаси ётган бўлма боягидек

жимжит бўлса ҳам, лекин Любка онасининг ухламай, йиглаб ётганини билар эди.

— Бошингизга қайғу тушган кўринади. Буни юз-кўзингдан кўриб турибман. Сени ҳеч вақт бу хилда кўрмаган эдим,— деди Сергей, сўзларни битта-битта териб. Сергейнинг бир оз дағал, лекин чиройли юзида, кўзларида кутилмаган бир илиқлик, новиклик бор эди.

— Ҳозир ҳамманинг бошида қайғу,— деди Любка.

— Кошки билсанг эдинг, бу кўзларим шу кунларда қанча қонларни кўрганини! — деди Сергей улуг бир қайғу билан. Кейин, гуриллатиб тортган тамакисининг қуоқ тутуни ичида қолди. — Бизни Сталино областига парашют билан ташладилар,— ўзимизни у ёққа-бу ёққа уриб кўрдик, лекин ҳамма ёққа одам тиқиб ташланибди. Биров-бировни тутиб бергани учун келтириб тиқилмаганлар, балки васвасада қолган немис одамларни минглаб, гуноҳкорни ҳам, гуноҳсизни ҳам қамай берган, албатта, қилдек шубҳа туғдирган киши ҳам немис васвасасига қурбон бўлаверган.. Қонлар жасадлар билан тўлиб кетибди! — Сергей ҳаяжонланиб гапирар эди. — Биз якка-якка ишладик, лекин бир-биримиз билан алоқа боглаб турдик, кейин у азоб-уқубатнинг охирини тополмай қолдик. Шеригимнинг қўлини синдириб, тилини кесиб олдилар. Агар Сталино кўчасида қўққисдан Нинани кўриб қолмасам, мен ҳам аспаласопилинга кетар эдим. Сталино партия обкоми бизнинг Краснодарда эканида Нина билан Оляни алоқачи қилиб олган эди, ана шундай қилиб, улар Сталинога шу билан иккинчи марта бориб келдилар. Ундан кейин немисларнинг алақачон Донга бориб қолганликлари маълум бўлди. Уларни Сталинога юборган кишиларнинг ҳам бу ерда, Краснодарда йўқ эканлиги қизларга равшан бўлди.. Передатчикни яширин обкомнинг радистига топширдим-да, кейин уйга жўнашга қарор қилдик, мана энди келдик.. Вой, сен тўғрингда қанча ташвиш тортдим! — бу сўзлар бирдан унинг юрагидан отилиб чиқди. — Ўзимча ўйлайман, агар сени ҳам, биз сингари, душман орқасига олиб бориб ташлашган бўлса, ўзинг ёлғиз қолган бўлсанг! Худо кўрсатмасин, бирон зиндонда немис сенинг юрак-бағрингни қон қилаётган бўлса,— дер эди у ўзини тутиб, хирқираб. Энди унинг назари иссиқ ва нозик бир ифода билан эмас, балки эҳтирос билан Любка қалбига урилар эди.

— Серёжа! — деди Любка. — Серёжа! — Любка шу хитоб билан олтин сочли бошини унинг қўлларига ташлади.

Серёжа, томирлари ўйнаб чиққан катта қўли билан унинг бошини ва қўлини аҳтиёт қилиб секин силади.

— Мени бу ерда қолдириб кетишди, нималигини ўзинг тушунасан... Буйруқни кут дейишди, мана ҳадемай ой тўлади, лекин ҳеч ким ва ҳеч гап йўқ,— дер эди Любка, бошини кўтармай, паст овозда. — Немис офицерлари худди асалга қўнган пашшалардек ҳадеб хиралик қилишади; умримда биринчи марта ўзимни бутунлай бошқа одам қилиб кўрсатдим, бошимни ҳар ёққа урдим, — жирқанчли бир аҳвол, ўз қадримга йиғлайман... Кеча эса эвакуациядан қайтиб келган кишилар отамни немислар Донецни бомбардимон қилган вақтда ўлдирганликларини айтишди, — дер эди, Любка, ўзининг лоладек қип-қизил лабларини тишлаб.

Далада қуёш кўтарилиб унинг кўзларни қамаштирувчи нурлари шабнам тушган томларда ялтирар эди. Любка, калласини силкиб, жиңгалак сочларини силкитиб қўйди.

— Сен бу ердан кетишинг керак. Қандай тирикчилик қилмоқчисан?

— Сенга ўхшаш. Биз дарахтнинг япроқларимиз дединг-ку, ўзинг, — Сергей кулимсиради.

Любка, Сергейни ҳовлининг орқа томони билан узатиб қўйиб, ўзини жадал тузатди-да, мумкин қадар одмироқ кийинди: «Голубятники»га, кекса Иван Гнатенконинг олдига бориши керак эди.

У айни вақтида чиқиб кетди. Любка кетар-кетмас, уйни қаттиқ тақиллатиб қолишди. Уларнинг уйи Ворошиловград тош йўли яқинида бўлгани учун, қўнишга келган немислар тақиллатган эди.

Валько кун бўйи чордоқда наҳор ўтирди, чунки унинг олдига чиқиб бўлмас эди. Кечаси эса Любка, онасининг бўлмасидаги деразадан ошиб тушиб, Андрей амакини «Сенякига» влтиб қўйди; у ердаги таниш ва садоқатли бир тул хотиннинг уйда Валько Иван Кондратович билан учрашуви керак эди.

Кондратовичнинг Шульга билан учрашиш тарихини Валько худди ана шу ерда билди. Валько Шульгани краснодонлик ҳамшаҳари бўлгани ва сўнги йилларда эса областда бирга ишлагани учун ёшлигидан бери билар эди. Шульганинг Краснодонда яширин иш олиб борувчи кишиларга бошлиқ қилиб қолдириб кетилганлардан бири экани энди Валькода шубҳа қолдирмади. Лекин уни қандай топиш мумкин?

Валько, қўполгина кулиб туриб, Кондратовичдан сўради: — Бундан чиқди, у сенга ишонмабди-да? О, эси паст-ей!.. —

У Шульганинг бу ишини тушунмас эди. — Яширин ишловчилардан бошқа бирон кишини билмайсанми?

— Билмайман...

— Хўш, ўтил қалай! — Валько хўмрайиб шама қилди.

— Ким билсин, — дея ўнғайсивланди Кондратович. — Мен ундан «Бориб немисларнинг хизматини қиласанми? Мен отанг бўламан, менга чин гапни айт, сендан нима оқибат кўришимни билиб қўяй» деб тўппа-тўғри сўровдим, у: «Мен нима, аҳмоқманми уларнинг хизматини қилиб? Шундоғ ҳам немислар вақтида бемалол куним ўтади!...» деди.

— Баракалла, ақл-ҳуши жойида экан, отасига ўхшамабди, — деб заҳарханда қилди Валько. — Сен бундан фойдалан. У Совет ҳокимияти вақтида суд қилниган деб кўча-кўйда жар сол. Унга ҳам яхши бўлади, сен ҳам немислар кўзига у билан яхши кўринасан.

— Эҳ, Андрей амаки, менга бундай нарсаларни ўргатарсан деб тақир ўйламаган эдим, — деди Кондратович, паст овоз билан қайғуриб.

— Э, оғайни, сен — кекса одамсан, кўлингни совуқ сувга урмай немисларни енгмоқчи бўласанми!.. Ишга кирдингми, йўқми?

— Иш қайда? Кон портлатилган-ку!

— Ахир, ишхонага нега бормадинг деб айтишмайдим?

— Гапингга сира тушуволмаяпман, ўртоқ директор...

Кондратович немислар замонида қай хил яшашини ўйлаб қўйган эди, лекин Вальконинг айтганлари унинг ўйига шу қадар қарама-қарши эдики, бунинг олдида шошиб қолди.

— Демак, бормабсан. Лекин бор, — деди Валько, вазмингина. — Ахир, ҳар хил ишлаш мумкин. Биз учун муҳими — ўз кишиларимизни сақлаб қолиш.

Валько ўша тул хотиннинг уйидаёқ қолди, лекин эртаси кечаси жойини алмаштирди. Унинг янги турар жойини фақат Кондратовичгина билар, Валько эса унга беҳад ишонар эди.

Валько бир неча кун ичида немислар шаҳарда нима қилаётганини билиб олди ва шаҳарда қолган партия аъзолари ҳамда ўзи таниган партиясиз кишилар билан алоқа боглади; бу ишда унга Кондратович билан Любка, шунингдек Сергей Левашов ҳамда Любка тавсия этган ўша опа-сингил Иванцовалар ёрдам қилишди. Лекин Шульгани ёки яширинча ишга қўйиб қўйилган бошқа кишилардан биронтасини ҳам ҳеч топа олмади. Область яширин ташкилоти билан боглаб тура оладиган бирдан-бир ип Любка эди, лекин унинг характери ва хулқига қараб, Валько

Любканинг разведкачи эканини ҳамда у яқин орада Валькога ҳеч нарса топиб бера олмаслигини пайқади. Шунинг учун, бир нуқтага қараб кетган йўлларнинг ҳаммаси эртами-кеч туташади, деган умид билан у мустақил равишда ҳаракат қилишни жазм этди. Шундан кейин Любкани Олег Кошевойнинг олдига юборди. Олег Кошевой энди унга керак бўлиб қолди.

Олег, ҳовлиқиб турганини билдирмасликка тиришиб:

— Андрей амакини ў-ўзим кўрсам б-бўладими! — деган эди, Любка:

— Йўқ, уни бевосита кўриб бўлмайди, — деди, сирли бир тусда кулимсираб. — Ҳа, дарвоқе, бизнинг гапимиз севги устида эди-я... Ниночка, бу ёққа кел, бу йигит билан таниш!

Олег билан Нина ўнғайсизланиб бир-бирларига қўл узатишди, йигит ҳам, қиз ҳам қизаринди.

— Ҳечқиси йўқ, ҳадемай эллашиб кетасизлар, — деди Любка. — Мен энди қайтай, сизлар қўлтиқлашиб бирон ёққа боринглар, нима иш қилишингиз ва қандай яшашингиз тўғрисида юракни очиб сўзлашинглар. Вақтларингиз чоғ бўлсин! — деди ва макр тўла кўзларини пирпиратиб, очиқ рангли кўйлагини уларнинг олдига ҳилпиллатиб, саройдан чиқди.

Олег — паришон ва уятчан, Нина эса — қани юринг деган бир ифода билан бир-бирларига қараб турар эдилар.

— Бу ерда туришимиз тўғри келмайди, — деди Нина ўзини зўрлаб ва босиб туриб. — Яхшиси, бирон ёққа борайлик. Агар мени қўлтиқлаб олсанг, рости, тузукроқ ҳам бўлади...

Жиянининг нотаниш қиз билан қўлтиқлашиб чиқиб кетаётганини кўрганда, ҳовлида айланиб юрган Коля тоғанинг жаҳлсиз юзида чексиз бир ҳайрат аломати туғилди.

Олег ҳам, Нина ҳам шу қадар тажрибасиз ва ёш эдиларки, улар ўзларигадаги ўнғайсизлик ҳиссидан анчагача қутула олмадилар. Баданлари ё бирон жойлари бир-бирига тегаркан, нес бўлиб қолардилар. Устма-уст қўйиб олган қўллари эса чўғланган темирдек туюларди.

Кеча болалар билан қилинган писандага мувофиқ, Олег паркиннг Садовая кўчаси келиб тақаладиган томонини кўздан кечирши лозим эди, шунинг учун Нинани ўша томонга олиб кетди. Садовая кўчасидаги ва парк ёнидаги уйларнинг қарийб ҳаммасида немислар турарди; кўчага чиқишар-чиқишмас, Нина дарҳол иш устида гапира кетди; у, гўё маҳрамлиқ қилаётгандек, паст овоз билан сўзлар эди.

— Андрей амакини кўришинг мумкин эмас, сен мен орқали

алоқа қилиб турасан... Бунинг учун хафа бўлма, мен ҳам уни ҳали бир марта бўлса-да, кўрганим йўқ... Андрей амаки бизнинг кишиларимиздан кимлар немис қўлида қамалиб ётганини билиб кела оладиган болалар бор-йўқлигини билишни буюрди...

— Жуда ўткир бир бола шу ишга киришган,— деди Олег, шошиб.

— Андрей амаки билган нарсаларингнинг ҳаммасини менга айтишингни буюрди... Ўз кишиларимиз ҳақида ҳам, немислар ҳақида ҳам билганингни айтар экансан.

Игнат Фомин немисларга тутиб берган яширин иш олиб борувчи киши ҳақида Тюлениннинг айтган сўзларини ҳамда кечаси Володя Осьмухин айтган гапларни, Ваня Земнуховнинг, яширин ишловчилар Валькони излаб юрганмиш, деганини Олег айтиб берди ва дарҳол Нинага Жора Арутюнянцнинг адресини берди.

— Андрей амаки ўзининг турган ерини унга бемалол очиқ айта бериши мумкин. Жора Арутюнянцни унинг ўзи ҳам яхши танийди! Жора эса ҳамма керакли гапларни Володя Осьмухин орқали керакли жойга етказиб туради... Сен билан биз сўзлашиб тургунимизча, — деди Олег кулимсираб, — учта э-зени тўпини кўрдим: мактабнинг ўнг томонроғида, ана у ёқда, тўрда, ёнида эса — 6-блиндаж, автомашиналар, кўринмайди...

— Мактаб томидаги тўрт огизлик пулемёт билан иккита немис-чи? — деб сўраб қолди Нина.

— Кўрмабман,— деди Олег, ажабланиб.

— Томдан эса бутун парк кафтдек кўринади, — деди Нина, ҳатто бир оз таъна аралаштириб.

— Демак сен ҳам ҳамма нарсани кўз остингга олибсан-да? Сенга ҳам топширишган эдими? — Олег кўзларини пирпиратиб сўради.

— Йўқ, ўзимча. Одатим шундай,— деди Нина ва ўзимни ҳаддан ташқари билдириб қўймадиммикан деган бир андиша билан забардаст қалин қошлари остидан Олегга апил-тапил кўз ташлади!..

Лекин у, Нинадан бирон нарсада гумонсира олмас, бу масалада ҳам анча содда эди.

— Аҳа... ана машиналар,— қаторлашиб турибди! Тумшуқлари билан ерга санчилибди, фақат кузовларининг четларигина қаққайиб турибди, сўнгра у ерда сафар ошхонаси ҳам буруқ-саяпти, — дер эди Олег, қизиқиб.

— Қарашнинг ҳожати йўқ; мактаб тоmidан кузатиш пункти олиб ташланмагунча, барибир, ҳарфларни ковлаб олиб бўлмайди, — деди Нина вазмингина.

— Т-тўғри...— Олег Нинага шукуҳ билан қараб кулди.

Энди бир-бирлари билан тамом эллашиб олган, шошилмасдан қадам ташлаб борадилар. Нинанинг хотинларга хос йўгон, бўлиқ қўли Олег қўлининг устида роҳатланиб ётар эди. Улар паркдан ўтдилар. Унг томондаги кўча бўйларида, стандарт уйлар олдида немис автомашиналари: ҳар хил тамғали юк машиналари, енгил машиналар, сафар радиостанцияси, санитар автобус турар ва ҳар ёқда немис солдатлари кўринар эди. Чап ёқда сайхон бўлиб унинг тўрида, казарма шаклидаги гиштин бино ёнида, оқ тасмали, ҳаво ранг погон таққан немис сержанти немис милтиқлари билан қуролланган граждани кийимли бир тўда русларни машқ қилдирмоқда. Улар гоҳ сафга тизилишади, гоҳ тарқалишади, эмаклашади, қўл жангига ташланишади. Ҳаммаси ҳам ёши қайтган кишилар. Енгларига фашист аломати солинган латталар боғланган.

— Фрицлар жандарми... Полицайларни бизнинг оғайниларимизни тутишга ўргатишяпти,— деди Нина, кўзларини пирпиратиб.

Олег Тюленинга айтган сўзларини эслади-да:

— Сен қаердан биласан уни?— деб сўради.

— Уларни аллақачон кўрганман.

— Итваччалар!— деди Олег, жирканчли бир нафрат оҳанги билан.— Бундайларни янчиш, эзиш керак...

— Жон кошки эди,— деди Нина.

— Сен партизан бўлгинг келадими?— деб қўққисдан сўраб қолди Олег.

— Бўлгим келади.

— Йўқ, партизаннинг нима эканини кўз олдингга келтира оласанми? Партизаннинг иши кўринмаса ҳам, лекин ўзи жуда олижаноб иш! Партизан бир немисни ўлдиради, иккинчисини ўлдиради, юзтасини ўлдиради-ю, лекин юз биринчиси унинг ўзини ўлдириши мумкин. У биринчи, иккинчи, ўнинчи топшириқни бажаради, ўн биринчисида эса паққа тушиши мумкин. Бу иш фидокорликни талаб этади. Партизан ҳеч вақт ўз жонининг ғамини емайди. Ўз ҳаётини ватан бахтидан ҳеч вақт баланд қўймайди. Агар ватан олдидаги бурчини бажариш лозим бўлса, жонини ҳам аямайди. Партизан ўртоғини ҳеч вақт сотмайди ва ушлаб ҳам бермайди. Мен партизан бўлишни истар эдим!— Олег шу қадар чуқур, астойдил, содда бир мароқ билан сўзлар эдики, Нина кўзларини кўтариб унга қаради, у кўзларда қандайдир содда ва ишончли бир нарса чақнади.

— Менга қара, фақат иш билан учрашибгина юраверамизми?— деди Олег бирдан.

— Йўқ, нега энди, учрашиб туришимиз мумкин... бўш вақтларимизда,— деди Нина, пича уялиқираб.

— Қаерда турасан?

— Ҳозир бўшмисан?.. Балки, мени узатиб қўясан? Оля опам билан таништириб қўймоқчи эдим,— деди қиз, худди шу ниятда ёканига ўзи ҳам ишонмагандек.

Опа-сингил Оля ва Ниналар соддагина қилиб «Восьмидомики» дейиладиган районда турар эдилар. Стандарт уйнинг бир томонида Нинанинг ота-оналари, бир томонида Олянинг ота-оналари туришар эди. Нина Олегни ўз уйига бошлаб келди-да, ойисининг ихтиёрига топширди.

Ёш бўлишига қарамай, онгли ва идрокли, шу билан бирга украин оиласида катталарни ҳурмат қилиш руҳида тарбияланган Олегнинг табиатан дилкаш ва ҳали ёш кўринган Варвара Дмитриевна билан гаплашиб кетиши осон бўлди. Шуниси ҳам бор эдики, у Нинанинг ойисига жуда ҳам ёқишни хоҳлар эди.

Нина қайтиб келгунича Олег, Иванцовлар оилаларининг ипидан игнасигача билиб олган эди. Оля билан Нинанинг оталари, яъни ака-укалар, шахтёр бўлиб, ҳозир фронтда эдилар. Асли таги Орёл губерниясидан чиққан бу ака-ука бадавлат деҳқонлар қўлида батрак бўлиб ишлашган, кейин Донбассга кўчиб келиб, иккови ҳам шу ерда украин қизларига уйланишган. Фақат Олянинг онаси йироқ Чернигов губерниясидан бўлиб, Варвара Дмитриевна эса шу донецлик эди, Рассипное деган қишлоқда туғилган эди. Ёшлик чоғида Варвара Дмитриевна ҳам шахтада ишлаган, бу ҳол эса унга ўзига яраша таъсир қолдирган эди. У уй-рўзғор билан шугулланувчи оддий бекаларга кам ўхшарди. Жасоратли, ўзига мустақил бу аёл кишиларнинг яхши-ёмонини ажрата билар эди. Йигитчанинг бекорга келмаганини дарҳол пайқади-да, айёрлик ила тўла доно кўзлари билан синаб, унинг ичидагисининг ҳаммасини билиб олди, буни Олегнинг ўзи ҳам сезмай қолди.

Тўғрисини айтганда, улар бир-бирларига бас келадиган одамлардан эди. Нина қайтиб кирганда улар ошхонада, скамейкада жуда дилкаш бир ҳолатда ёнма-ён ўтирар эдилар. Олег оёқларини дикиллатиб ва бошини орқасига қилиб, бармоқларининг учини ишқалар ва шундай хахолаб кулар эдики, унга қараб Варвара Дмитриевна ҳам қўшилишиб кулар эди. Нина уларни кўриши биланоқ чапак чалиб юборди-да, у ҳам кулиб

юборди,— бу учов киши кўп йиллардан бери қадрдон дўст бўлиб келгандай, ҳаммалари хушчақчақ ва вақтлари чоғ эди.

Нина Олянинг ҳозирча қўли тегмаслигини, лекин Олегнинг бирмунча вақт кутишини илтимос қилганини айтди. Оляни кутган икки соати Олегга билинмади: у бепарво ва беғам гаплашиб ўтирарди. Лекин аслда эса бу икки соат Краснодонда яширин ишловчиларнинг ҳамма бўгинларини ниҳоят бирибирига улаб бўлган бу икки соат, ҳал этувчи соатлар эди. Бу вақт ичида Оля, «Восьмидомики»дан анча олисда, кичик «шанхайка»лардан бирида истиқомат қилувчи Вальконинг олдига бориб, Нинанинг Олегдан эшитган ҳамма гапларини айтиб келди.

Сингласининг уйида ҳукм сурган хурсандчилик Оля келиши билан бир оз пасайди. Тўғри, Оля ўз характериға зид ўлароқ, Олегга гоят зўр мамнуният билан муносабатда бўлди,— унинг кўзга ташланиб турган бичими қўполроқ ва ҳамиша қош-қовоғи солиғроқ юзида меҳрибонликни ифода этувчи кенг табассум пайдо бўлди. У ҳатто скамейкаға, Нинанинг ўрниға келиб ўтирди. Лекин, уларнинг жўшқин, пойма-пой, четдан қараган одамға мутлоқ беъмани кўринган гапларнинг оқимиға Оля ҳеч ўзини мослай олмади. Ҳозиргина Вальконинг ёнидан қайтиб келиб турган Олянинг қалби шу топда бутунлай бошқа туйғу-ҳислар билан тўлиб-тошиб турарди. Оля Нинадан жиддийроқ,— туйғу-ҳислар кечиришнинг чуқурлиги маъносида эмас, фикр ва режаларни турмушда мумкин қадар тез амалға ошира билиш жиҳатдан Нинадан анча ўткирроқ эди. Ундан ташқари, Оля Нинадан катта бўлгани сабабли, Сталино обкомида алоқачи бўлиб ишлаган кезларида, ўзлари бажариб турган ишнинг моҳиятини ундан кўра кўпроқ билар эди.

Оля Олегнинг ёниға ўтирди-да, бошидан рўмолини ечди, катта қилиб тугиб қўйилган огир ва қорамтир сочлари кўринди. Оля жим қолди. Ўзини хурсанд, вақти чоғ қилиб кўрсатишға ва кулишға қанча уринмасин, лекин кўзлари бефарқлиғича қолаверди. Унинг бу ерда энг катта, ҳатто Нинанинг ойисидан ҳам катта ўрин тутганлиги кўриниб турарди.

Лекин, Варвара Дмитриевна ниҳоятда зийрак ва дипломат хотин бўлиб чиқди.

— Нимаға энди биз бу ерда, ошхонада ўтирибмиз?— деди у.— Юринглар, уйға кириб ўтирайлик, пича картада подкиднойни эрмак қилайлик!..

Улар овқатхонаға киришди. Варвара Дмитриевна Нина билан ўзи ётиб юрадиган нариги уйға жадал кириб кетди-да, қўл

да кўп ушланганидан қорайиб ва бўкиб қолган бир колода карта олиб чиқди.

— Ниночка Олег билан шерик бўлса керак, албатта?— деди Оля, гўё гапига ҳеч қандай маъно бермагандай.

— Йўқ, мен ойим билан бўламан,— Нина қизаринди ва кибрили кўзлари билан Оляга қаради. Унинг жуда Олег билан бирга ўйнагиси келарди, лекин ўзининг ичидаги бор нарсасини дарровдан очиб ташлай олмас эди.

Ҳеч нарсага тушунмай ўтирган Олег Нинанинг ойсис эски шахтёрка бўлгани сабабли тажрибали қартавоз бўлиши кераклигини фаҳмлади-да:

— Й-йўқ, м-мен оyi 6-6-билан!— деб қичқирди.

Дудуқланиб гапирганидан, бу гапларни бақириб эмас, балки худди бузоқ маърагандай маъраб айтди, бу шундай қизиқ вешитлидiki, ҳаммалари, Оля ҳам бирдан кулиб юбордилар.

— Ёш билан қари бирлашдик, энди эҳтиёт бўлинглар, қизлар!— деди Варвара Дмитриевна.

Уларнинг кайфи яна чоғ бўлиб кетди.

Кекса шахтёрка «подкидной» ўйинига ҳақиқатан ҳам жуда уста чиқиб қолди, лекин одатда ҳар қандай ўйинда қивишиб кетувчи Олег шу қадар ҳаяжонга берилиб кетдики, дастлаб сурункасига ютқиза бердилар. Ўзини яхши тутга билган Оля жўрттага Олегнинг жигига тегар, Варвара Дмитриевна эса ютқизаётганига қарамасдан, Олегга муғамбирона назар ташлаб-ташлаб қўярди: йигитча унга жуда ёқиб қолган эди.

Ниҳоят, тўртинчи ўйинни улар зўр-базўр ютдилар. Оля карта сузди. Олег ўз карталарига қаради: карталари жуда ёмон эди. Бирдан унинг ҳам кўзларида муғамбир ифода акс этди, Варвара Дмитриевнанинг кўзлари билан кўз уриштириш учун, унга қаради. Уларнинг кўзлари бир-бирига уришиши биланоқ, Олег худди ўпишмоқчи бўлгандек, қалин лабларини дўппайтирди-да, яна эски ҳолига кўчирди. Варвара Дмитриевнанинг атрофлари тиришган, лекин шундай бўлса-да ҳали ёш кўринган кўзлари учқунлаб кетди. Бироқ у сирини бой бермади ва дарҳол гиштиндан юриш қилди: Олег ўйлаганидек, кекса шахтёрка унинг имо-ишорасига жуда яхши тушунган эди.

Олег ғоят хурсанд, кайфи чоғ бўлиб кетди. Энди улар иккови ҳар ўйинни ютишга имкон топиб олишди. «Кекса билан ёш» хурсанд бўлиб бир-бирларига имо қилишиб ўтирар эдилар: кўзини осмонга кўтаргани «чиллик» дегани эди, кўзни гилай қилиб туриб четга қарагани «қарга» дегани, катта бармоқ билан

иякни қашлагани «топпон» дегани эди. Борган сари сидқидиллик билан ўйновчи соддадил қизлар эса сурункасига ютқизар ва омаднинг қўлдан кетганига сира чидаёлмас эдилар. Нина қипқизариб, ҳаяжонланиб ўтирарди. Қизлар ҳар гал ютқизганда Олег бармоқларининг учини ишқалаб, қотиб-қотиб куларди. Ниҳоят, тажрибаси ортигроқ Оля бунда бир бало борлигини фаҳмлаб қолди ва ўзига хос босиқлик билан сирни бой бермасдан, «душман»га зимдан кўз ташлаб турди. Кўп ўтмай ҳамма нарса унга аён бўлди ва пайтини пойлаб туриб, Олег қалин лабларини энди дўппайтирай деб турганда, қўлидаги карталари билан унинг лабларига бутун кучи билан бир урган эди, карталар сочилиб кетди.

— Ҳа, муттаҳамлар!— деди Оля, сокин ва вазмин овози билан.

Варвара Дмитриевна жаҳлсиз кулиб юборди. Ғазаби келиб кетган Нина ўрнидан сакраб туриб кетди, бироқ унинг кетидан турган Олег унинг нозик ва бугдой ранг қўлини икки қўлига олди-да, бошини унинг елкасига қўйиб, кечирим сўради. Ахир бўлмагандан кейин, тўртовлари бараварига кулиб юборишди.

Кун кечикиб қолган, соат олтидан кейин эса шаҳарда юриш тақиқ этилган эди, шундай бўлса ҳам Олегнинг уйга кетгиси келмас эди. Оля, ҳар қалай бўлса-да, Олегнинг ҳозир қайтгани яхши деди ва чекинишга ҳеч қандай имконият қолдирмаслик учун ҳамма билан хайрлашиб ўз уйига чиқиб кетди.

Нина, Олегни кузатгани кечки қуёш ёритиб турган эшик олдига чиқди.

— С-сира кетгим келмайди!— ошкор иқдор бўлди Олег.

Эшик олдида бирпас туришди.

— Ана у томонларинг нима, боғми?— деб сўради Олег, қовғини солиб туриб.

Нина бир сўз демасдан уни қўлидан ушлади-да, уйнинг орқасига етаклаб кетди. Улар уй соя ташлаб турган жойга, жасмин туплари орасига келдилар, жасмин шу қадар ғовлаб кетган эдики, бутун бошли бир дарахтга ўхшарди.

— Қандай яхши жой экан! Бизникиларнинг ҳаммасини немислар кесиб ташлади.

Нина чурқ этмас эди.

— Нина,— деди Олег, болалардай ёлворган овозда,— Нина, сени бир ўпсам майлими?.. Й-йўқ, фақат юзингдан, юзингнинг ўзидан...

У Нина томонга интилиб бирон ҳаракат қилмади, фақат

ялинди, лекин Нина дарҳол ўзини орқага олди ва шу қадар уялиб кетдики, ҳатто нима дейишини ҳам билмас эди.

Лекин Олег унинг уялганини кўрмасди, болаларга хос табиий бир ифода билан ҳамон унга қараб турарди.

— Йўқ, менга қара, кечикиб қолишинг мумкин,— деди Нина.

Олегнинг фақат шу юздан бир ўпиш туфайли кечикиши мумкинлиги ҳам унга ғайри табиий бўлиб кўринмади,— йўқ, албатта Нинанинг ҳамма гапи тўғри. Олег бир уҳ тортди-да, жилмайиб, қўлини узатди.

— Йўқ, сен бизникига албатта келгин,— деди хижолат ичида Нина, унинг катта қўлини ўзининг нозик ва меҳрибон қўлларида қўйиб юбормасдан.

Олег, янги таниши ва ишининг юришиб кетиши билан ўзини бахтиёр ҳис этиб, очиққан бир ҳолда уйга қайтди. Лекин бу-гун унга овқат насиб қилмаган экан. Коля тоғаси унга қараб юриб келди.

— Сени боятдан бери пойлаб турибман: «хунаса» (улар малай солдатни шундай деб атар эдилар) сени излаб юрибди.

— И-излабса менга нима!— деди Олег, парвосиз.

— Ҳар ҳолда унинг кўзидан узоқроқ юрганинг яхши. Ҳа, айтмоқчи, Виктор Бистринов шу ерда, кеча келибди. Немислар уни ҳам Дондан қайтаришибди. Юр, уникага кирамиз, унинг хозайқасиникида немис йўқлиги ҳам яхши,— деди Коля тога.

Николай Николаевичнинг хизматдоши ва ошнаси бўлмиш ёш инженер Виктор Бистринов уларни ғалати янгилик билан қарши олди. У, оғзининг бир ёнини буриштириб адоват билан хитоб қилди:

— Эшитдингларми? Стаценко бургомистр — шаҳар оқсоқоли бўлиб тайинланибди!

— Қайси Стаценко? План бўлимнинг бошлиғими? — ҳатто Коля тоға ҳам ажабланди.

— Ушанинг ўзи.

— Қўй, кулма!

— Куладиган хонасими!

— Ҳе, бўлмаган гап! Шу қадар мўмин-қобил, умрида бировнинг кўнглини оғритмаган киши...

— Ҳа, ана ўша Стаценко, мўмин-қобил, умрида бировнинг кўнглини оғритмаган, ҳеч бир ичкилик, ҳеч бир қарта ўйини — преферанс усиз ўтмаган ҳамма уни ўз кишимиз дилкаш одам, яхши одам, суйқимли киши, одобли киши деб мақтаган ўша

олам.— ўша Стаценко ҳозир бизда бургомистр,— деб озгин, соч-соқоллари тиканак, қовургалари бўртиб чиққан Виктор Бистринов дўнғиллаб ва ғазаби қайнаганидан тупукларини сачратиб, гапирар эди.

— Худо ҳақи, тушимми ё ўнгимми,— дер эди Николай Николаевич, ҳануз ишонмай,— инженерлар усиз битта ҳам ўтириш қуришмас эди-ку! Менинг ўзим ҳам у билан қанча ароқ ичганман! Мен ундан бирон яширин сўз у ёқда турсин, ҳатто баланд овоз билан айтилган сўз ҳам эшитмаганман... Агар ўтмишда бирон доғи бўлса ҳам гўрга эди,— ахир, ҳамма уни ичидан — тишигача билади: отаси майда амалдорлардан, ўзи ҳам ҳеч вақт ҳеч қандай тескаричиликка аралашмаган эди...

— Менинг ўзим у билан ароқ ичишганман! Мана энди бизни эски танишларим деб ҳаммадан олдин галстугимиздан тутуди: ё хизмат, ё бўлмаса...— Бистринов ингичка бармоқли қўли билан сиртмоқ шаклини қилиб кўрсатди.— Ана сенга суйкимли киши.

Улар, гинг өтмасдан ўтирган Олегга парво қилмай, яна узоқ вақт бўғилишди, кўп йиллардан бери таниган ва ҳаммага манзур бўлган бир кишининг немислар замонида қандай қилиб бургомистр бўлгани уларни тажаиб қилар эди. Бунинг оддий изоҳи эса шу саволни ўртага ташлайди: майли, Стаценкони немислар ўлим таҳдиди остида бургомистр қилишган бўлсин, у ҳолда нима учун немислар худди Стаценкони танлашди? Ана шундан кейин, ҳаётнинг энг маъсул ва энг даҳшатли минутида кишиларнинг қилмиш-қидирмишини кўрсатадиган соф, асл виждон овози, юраклардан келган овози: агар уларга, яъни оддий совет инженерларининг бошига ўша кун тушса, улар ўлимни афзал кўрган бўлур эдилар дер эди.

— Йўқ, Стаценко бургомистр бўлишга фақат ўлимдан кўрқибгина розилик берган бўлмаса керак, гап жуда ҳам бундай юзаки бўлмаган бўлса керак.— Улар, бу англаб бўлмайдиган ҳодиса олдига ганғиб, неча мартаб такрорлашади:

— Стаценко! Уни қара-я!.. Йўқ, ақл бовар қилмайди! Энди кимга ҳам ишониш мумкин, а?

Шундай деб, ҳам кифт қоқар, ҳам қўл силтар эдилар.

ЙИГИРМА САККИЗИНЧИ БОБ

«Краснодонуголь» трести план бўлимининг бошлиғи Стаценко ҳали у қадар кекса киши эмас, қирқ бешлар билан элликлар

чамасидаги бир киши эди. У ҳақиқатан ҳам революциядан олдин солиқ идорасида хизмат қилган кичик амалдорнинг ўгли бўлиб, чиндан ҳам ҳеч вақт ҳеч қандай ишларга «аралашмаган» эди. Билими жиҳатидан инженер экономист бўлиб, бутун умри турли хўжалик ташкилотларида планчи-экономист вазифасида ишлаб келди.

Уни хизмат поғоналарида тез кўтаришган деб айтиб бўлмайди. Лекин бир ерда қотиб ҳам турмаган, қаватма-қават эмас, погонадан поғонага кўтарилиб борган деб айтиш мумкин эди. Аммо турмушда эгаллаган ўрнидан ҳамиша норози бўлиб юрар эди.

Унинг ишчанлигидан, ғайрати ва билимидан етарли даражада фойдаланмаганлари орқасида у ҳаётдан ўз мартабасига қараб олиши лозим бўлган ноз-неъматларни ололмади деб фараз қилайлик, лекин ундаги норозиликнинг сабаби бу эмас эди. У ҳаётнинг барча ноз-неъматларидан ҳеч қандай меҳнат, ғайрат ва билим сарф қилмасданоқ баҳраманд бўлмаганидан норози эди. Шундай ҳаёт бўлиши мумкинлигини ва унинг ҳаловатли эканини эски замонда, ёшлик чоғларидаёқ кўрган эди, энди эса эски замон ҳақида ва чет эл турмуши ҳақида ёзилган китоблардан ўша ҳаётни ўқишни севар эди.

У афсонавий даражада бой киши бўлишни, катта саноатчи ёки савдогар, ё эса банкчи бўлишни истайди деб бўлмас эди, чунки бу ҳам ундан ғайрат, ҳаяжон талаб этарди; доимий кураш, рақиблар, иш ташлаш, яна аллақандай, қуриб кетгур, синиш! Ахир дунёда жимгина келиб турадиган даромад, ердан олинадиган аллақандай ижара ҳақи ёки жим ва муътабар хизматдан тушадиган яхши маош бўлади-ку,— бу нарса ҳар ерда бор, фақат «биздагина» йўқ, холос. «Биздаги» ҳаётнинг бутун ривожини Стаценконинг қариб бораётганлигини ва у ўз ҳаётининг идеалидан тобора узоқлашаётганини кўрсатади, шунинг учун ҳам ўзи яшаб турган жамиятга душманлик кўзи билан қараб юради.

Стаценко ижтимоий тузумдан, ўз тақдирдан норози бўлса ҳам, лекин у ижтимоий тузумни ва ўз тақдирини ўзгартириш йўлида ҳеч қандай чора кўрмади, бундан қўрқар эди. Ҳатто катта ғийбатлардан ҳам қўрқар, фақат кимнинг қанча ичишини ва кимнинг ким билан туришинигина гап-сўз қилиб юрадиган энг оддий ғийбатчи эди. У конкрет шахсларни агар у шахслар узоқ бўлса ҳам, яқин бўлса ҳам, сира танқид қилмас, лекин идоралардаги тўрачилик ҳақида, савдо ташкилотларида шахсий ташаббускор-

ликнинг йўқлиги ҳақида, ҳозирги ёш инженерларнинг билимлари «унинг замондаги» инженерлар билимидан тубан экани ҳақида ва ресторанлар билан ҳаммомлардаги маданиятсизликлар ҳақида умуман гапириб юради. У ҳеч вақт ҳеч нарсдан ажабланмас ва инсонлардан ҳар нарса кутилиши мумкин деб юрар эди. Агар бирон киши унга катта исрофгарчиликдан, сирли ўлдиришдан ёки оддий оилавий можародан гапирса, Стаценко шундай деяр-қўяр эди:

— Шахсан мен бунга ажабланмайман. Ҳамма нарсани кутиш мумкин. Мен сизга айтсам, бориб турган маданий, эрли бир хонимча билан турган эдим,— ана ўша ҳам менинг нарсаларимни ўгирлаб кетди.

Аксар одамлардаги сингари, унинг ҳам эгнидаги, уйдаги буюмлар, ювинадиган ва тиш тозалайдиган нарсалари ватанимиздаги материаллардан ишланган ватан маҳсулотлари эди. Чет элга командировка билан бориб келган инженерлар ўтиришида Стаценко, ароқ ичиб ўтириб, буни содда ва маккорона бир оҳангда гапириб ўтишни яхши кўрар эди.

— Эҳ-ҳа, бизнинг совет молларимиз!— деяр эди у, ўзининг йўғон гавдасига нисбатан кичкина, бўлиқ қўли билан йўл-йўл пиджагининг енг учини ишқалаб. Лекин бу сўзларни фахрлашми ё ёмонлаб айтаётганини уқиб бўлмас эди.

Аммо ўз ўртоқларининг чет элдан келтирган галстуклари ва тиш чўткаларига шу қадар ичидан куяр эдими, унинг қизилга мойил сафсар тусли яйдоқ калласидан тер чиқиб кетарди.

— Қулинг ўргилсин нарсалар!— деяр эди у.— Буни қаранг, ўзи бир зажигалка-ю, ҳам пакки бўлади, ҳам пульверизатор! Йўқ, ҳар ҳолда бизда бундай қилиша олмайди,— дер эди юзлаб ва минглаб оддий деҳқон хотинлари колхоз далаларида трактор ва комбайн билан ишловчи мамлакатнинг бу граждани.

Гарчи ўзи кўрмаган бўлса ҳам, чет эл кинокартиналарини мақтар ва чет эл журналларини ҳар куни бир неча бор соатлаб варақлаб ўтирарди; улар баъзан трестга келиб қоладиган кончилик экономикаси ҳақидаги журналлар эмас (у чет тилларни билмагани ва уларни ўрганишга интилмагани учун бу журналлар уни қизиқтирмас эди), балки баъзан ҳамкорлари келтириб қоладиган — модалар журнали ва умуман олиффа кийинган ҳамда кўпроқ ялонғоч қилиб олинган хотинлар сурати билан тўлиқ журналлар бўлар эди.

Барча бу сўзлар ва завқларда, одатлар ва тамойилларда уни

бошқа одамлардан ажратгудек кескин оҳанг йўқ эди. Чунки бутунлай бошқа манфаат, бошқа фаолият, бошқа фикр ва эҳтирос эгалари бўлган кўп, жуда кўп кишилар бирон муносабат билан Стаценкога улфат бўлиб ўтиришганларида, унингга ўхшаш завқ ва фикр билдирар, лекин бу завқ ва фикрларининг ўз ҳаётларида ўнинчи ё охиричи, ёинки тасодифий ўрин олгани устида ўйлаб ҳам ўтирмас эдилар, Стаценко ҳаётида эса бу завқ ва фикрлар унинг бутун табиатини ифодалар эди.

Қизилга мойил сафсар юзли ва яйдоқ бошли, кўкракдан чиқувчи паст ва аста товушли, эски ароқхўрники сингари кичкина қизил кўзли, вазмин ҳаракатли, лекин ҳурмат ва салобатли бу кўзга кўринмас оғир киши дунёдан шундай ўтиб кетиши мумкин эди, агар... унинг нафратини қўзғатувчи кундузги ва тунги хизмат соатларида, у ҳар доим аъзо бўлиб келган маҳалком мажлисларида, ичкиликлар ва преферанслар орасида, ҳеч ким билан дўстлашмай, ҳамма томондан баравар қабул қилиниб, хизмат зинапоясининг погоналаридан погоналарига, ўз ихтиёридан қатъий назар, аста-секин кўтарилиб, бутун умрининг охириги кунларигача шу тахлитда яшаши мумкин эди, агар...

Бу кичкина киши яшаб турган мамлакатнинг Германияга қарши туриш бера олмаслиги Стаценкога бошданоқ равшан эди: бу — ҳар икки мамлакатнинг ресурсларини билгани ва халқаро ишларга яхши тушунгани учун эмас,— чунки у на биринчи масалада ва на иккинчи масалада бирон нарсани билишни сира-сира хоҳламас эди, балки унинг идеалига муносиб бўлмаган мамлакат унинг тахминича ўз идеалига тўла муносиб бўлмаган мамлакатга қарши тура олмаслиги учун равшан эди. Уша июнь якшанбасида, Молотов нутқини радиода эшитган соатида, Стаценко бутун ичи ғулгулага, ўз уйини алмаштириш зарурати орқасида тугиладиган бир ташвишга тўлганини ҳис этди.

Чегарадан тобора узоқроқ жойлардаги шаҳарларни Қизил Армия ташлаб чиққани ҳақидаги ҳар бир ахборотни эшитгаркан, ўз уйини ўзгартириш зарурлигини янада ортиқроқ тушунарди. Киев олинган пайтда Стаценко янги турар жойга ўрнашиш ва уни жуда дабдабали қилиб ясатиб олиш плани билан йўлга чиққандек бўлди.

Наполеон Эльба оролидан қочиб то Парижга киргунча қанчалик жисмонан йўл босган бўлса, немислар Краснодарга кирган пайтларида Стаценко ҳам тахминан ўшанча йўлни ҳаёлат босиб ўтди.

Стаценкони генерал фон Венцелнинг ҳузурига аввал қоровул, кейин эса малай солдат узоқ вақтгача дагал жавоб бериб, охири киргизмади. Стаценко Вера бувидан жуда қўрқар эди, шу вақт Вера буви Стаценконинг шўрига уйдан чиқиб қолди. Стаценко эса, ўзи ҳам билмай, апила-тапил шляпасини бошидан олди ва икки букилиб кампирга салом берди, ўзини нариги кўчадан бу кўчага ҳовли орқали ўтган кишига солди. Вера буви ҳам бунга ажабланмади. Ҳар қолда, у ёшгина адъютант чиққунча дарча ёнида кутиб турди.

Бўрдоқ Стаценко, шляпасини қўлига олиб, немис офицери-нинг ёнида, бир оз орқароқда елиб-югуриб борар эди. Адъютант, унга қарамасдан, у гапирётган гапларга ҳам парво қилмасдан, немис комендатурасини кўрсатиб, бармоғи билан ишора қилди.

Шаҳар комендант Штоббе, СС хизматининг штурмфюрери, кекса прус жандармларининг ягона моделида қолипдан қуйилиб чиққан жандармлардан бири эдики, бундайларни Стаценко ёшлик чоғларида «Нива» журналида босилган тождорлар учрашини тасвир этувчи суратларда кўп кўрган эди. Штурмфюрер Штоббе мияси айниган, оқ тушиб қолган ҳар бир мўйлови, денгиз тойининг думи сингарн, қаттиқ буралган, сариқ томирлар билан қопланган шишиқ юзидан пиво анқиб турарди, шокосалардан ўйнаб чиққан кўзлари эса хира шиша рангида бўлиб, унинг оқи билан қорасини ажратиб бўлмас эди.

— Сиз полиция хизматига кирмоқчимисиз?— Штурмфюрер Штоббе, гапнинг аҳамиятсиз қисмини чиқариб ташлаб, хириллади.

Стаценко, бошини уятчанлик билан ёнга эгиб ва ранги билан шакли чет ёл консерва сосискаларига ўхшаш бармоқлари семиз, кичкина қўлларини олдига ташлаб, деди:

— Мен инженер-экономистман, ўйлаган эдимки...

— Майстер Брюкнерга боринг!— Штоббе, унинг сўзининг охирини ҳам эшитмай, буюрди. Кейин оқу қораси бир-бирига қўшилиб кетган шиллиқ кўзларини шу қадар чақчайтирдикки, Стаценко пилтанглаб тисланди ва орқаси билан келиб эшикдан чиқди.

Жандармерия райижрокомнинг пастроғида, тепалик пинжидаги бир қаватли баракда эди. Кўп вақтлар бурун оқарган ва бўёқлари қачонлари тушиб кетган бу баракни оддий халқ «Восмидомики» деб атаган сайҳонлик шаҳар районидан ажратиб турар эди. Шаҳар ва район милицияси илгари шу баракда

бўлгани учун, Стаценко ҳам урушдан аввал уйда юз берган ўғирлик муносабати билан шу ерга бир бор келган эди.

Стаценко, ўзига шу қадар таниш бўлган ола-қоронғи йўлакка қуролли немис солдати билан кирди-ю, бирдан сесканди: ўздан ярим барабар новча бир кишига пешонасини уриб олаёзди-да, ялт этиб унга қаради, рўпарасида турган одам эски бичим камзул кийган, Краснодон кончилари орасида доврүқ чиқарган Игнат Фомин эди. Оёқларида тозаланган этик, эгнида эса, Стаценконики сингари, туппа-тузук костюм. Ана шу туппа-тузук кийинган икки жаноб, бир-бирига кўз ташлади-ю, гўё нотаниш одамлардек, ўтиб кетишаверди.

Бир вақтлар Краснодон милициясининг бошлиғи жойлашган ўша кабинет қабулхонасида Стаценко нон заводининг экспедитори Шурка Рейбандни кўриб қолди. Шурка Рейбанднинг суяклари ўйнаб чиққан кичкина буғдой ранг калласида Стаценко жуда яхши таниган усти қизғиш қора кубанка бор эди. Немис колонистлари уруғидан бўлган Шурка Рейбандни бутун шаҳар танирди, чунки у барча идораларнинг ошхоналарига, ион дўконларига ва горпо магазинларига нон берар эди. Ҳеч ким уни Шурка Рейбанддан бошқа ном билан атамас эди.

— Василий Илларионович!..— деди Шурка Рейбанд ҳайратли овозини паст қилиб. Кейин Стаценко орқасидаги қуролли солдатни кўрди-ю, дами ичига тушиб кетди.

Стаценко, яйдоқ калласини солинтириб шундай деди:

— Йўғ-э, Рейбанд жаноблари! Мен...— Стаценко: «хизмат қиламан» демади, «хизматларини бажо келтираман» деди.

Рейбанд жаноблари оёқ учларида юриб келди-ю, бир оз кутгач, эшикни тақиллатмасданоқ, бошлиқ кабинетига шўнғиди. Шурка Рейбанд «янги тартиб»— Ordnung нинг ажралмас таркиб қисми бўлиб қолгани равшан эди.

У кабинетга узоқ ўтирди. Кейин қабулхонада бошлқ қўнғироғи жиринглади ва немис солдат-мирзаси, сичқон териси рангидаги мундирини тузатиб, Стаценкони кабинетга бошлаб кирди.

Майстер Брюкнер, аслда майстер эмас, балки вахмайстер, яъни жандарма вахмистри эди. Бу ер ҳам, ҳақиқатда жандармерия эмас, балки Краснодон жандарма пунктигина эди. Оқруг жандармерияси Ровеньки шаҳрида. Иннайкейин, майстер Брюкнер шунчаки вахмайстергина ҳам эмас, балки гауптвахмайстер, яъни катта жандарма вахмистри эди.

Стаценко кабинетга кирганда, майстер Брюкнер ўтирмай, қўлларини орқасига қовуштириб, тик турган эди. Юмалоқ қорни дўрттайиб чиққан майстернинг бўйи новча, семизлиги ўртача бир одам эди. Қўзлари остидаги салқи териси, ичига сузма тўлдирилган бир жуфт халтачани эслатар, агар унга эътибор билан қаралса, гаптвяхмайстер ўз онгли ҳаётининг кўп қисмини ўтириб эмас, нима учун тикка ўтказганлиги равшан бўлар эди.

— Маълумотим ва тажрибам жиҳатдан мен инженер-экономистман, шунинг учун ўйлаб эдимки...— деди Стаценко уятчанлик билан калласини солинтириб ва қаттиқ жуфтлашган сосиска янглиг бармоқларини йўл-йўл шимига ёпиштириб.

Майстер Брюкнер калласини Рейбандга бурди ва жирканч бир тусда немисчалаб деди:

— Бунга айт, мен буни фюрернинг ваколоти билан бургомистр қилиб тайинлайман.

Худди шу дақиқанинг ўзидаёқ Стаценко илгари у таниган ва унинг олдидан саломсиз ўтган ёки унга баланддан келиб муомала қилган кишиларнинг тақдири энди унга боғлиқ бўлиб қолишини кўз олдига келтирди. Сўнгра, бирданига тер ўйнаб чиққан яйдоқ бошини паст эгди. У майстер Брюкнерга кўп ва астойдил ташаккур билдираётган кўринса ҳам, ҳақиқатда лабларини шунчаки пичирлатиб таъзим қилди.

Майстер Брюкнер мундирининг бир этагини қайирди-да, шими маҳкам қисиб турган қовоқ тусли юмалоқ салқи қорнини очиб, чўнтагидан олтин портсигарини олди, ундан бир сигарет чиқариб ажин босган сариқ терили катта қўлини тўғри, аниқ ҳаракат қилдириб лаблари орасига қистирди. Бир оз ўйланиб тургач, портсигардан яна битта сигарет чиқариб, Стаценкога узатди.

Стаценко рад қилишга журъат эта олмади.

Кейин майстер Брюкнер, стол устида ётган очиқ шоколад плиткасини пайпаслаб топди. Худди яна ўша алпозда бир қанча бўлагини синдириб, индамасдан Стаценкога узатди.

— У одам эмас, бир идеал,— дер эди кейин Стаценко хотинига.

Рейбанд Стаценкони старший вахмистрнинг ўринбосари Балдер ёнига олиб чиқди. Балдер оддий вахмистр бўлиб, бутун қомати, қилиқлари, ҳатто кўкрагидан чиқадиغان паст, вазмин товуши билан Стаценкога шу қадар ўхшаб тушар эдики, агар Стаценконинг ҳам эғнида немис мундири бўлса, уни вахмистрдан ажратиш қийин бўлар эди. Стаценко шаҳар идорасини

ташжил қилиш тўғрисида ундан йўл-йўриқ олди ва янги тартиб Оғдпung замонида бўладиган ҳокимият тузилиши билан танишди.

Маэкур тузилишга мувофиқ, Краснодар шаҳар идораси бургомистр бошчилигида немис жандарма пункти канцеляриясининг бўлимларидан биригина бўлар эди.

Стаценко шу тахлитда бургомистр бўлди.

Виктор Бистринов билан Коля тоға, энди юзма-юз туриб, қўлларини керар ва:

— Энди кимга ишониб бўлади?— дейишар эди.

Матвей Шульга Кондратович билан хайрлашиб кетган ўша оқшом палласи, «Шанхай»да турадиган Игнат Фомин томонга қараб йўл олишдан бошқа иложи қолмаган эди.

Матвей Костиевич Игнат Фоминнинг ташқи аломатларига,— фақат ташқи аломатларигагина қараб ўз таассуротига хулоса ясаши мумкин эди,— Фомин унда яхши таассурот қолдирди. Костиевичга шуниси маъкул тушдики, у паролни айтганда, Игнат Фомин ҳаяжон ва ортиқча шошқалоқлик кўрсатмади, балки Костиевични синчиклаб кўздан кечириб теварақ-атрофга қараб қўйди-да, кейин Костиевични даҳлизга киргизиб ана шу ердигина пароль жавобини айтди. Фомин жуда камгап эди, ҳеч нарса тўғрисида сўрамас, балки диққат билан қулоқ солиб, ҳамма буйруқларга: «бажарилади» деб жавоб берар эди. Костиевичга яна шу ҳам манзур бўлдики, Игнат Фомин ўз уйида пиджак жилети билан, галстук ва занжирли соат тақиб юрар, буларни Матвей Костиевич совет замонида тарбия олган маданий интеллигент ишчи аломатлари деб билар эди.

Тўғри, баъзи майда-чуйда камчиликлар Костиевичга манзур тушмагани бу ёқда турсин,— чунки улар шу қадар майда нарсалар бўлгани учун Костиевич уларга унча аҳамият бермади,— улар таъбига ёқмади. Фоминнинг гўштдор, бақувват хотини Матвей Шульга билан танишар-танишмас, аллақандай лаганбардорлик ва сохтакорлик билан муомала қила бошлагани, айниқса унинг бир-биридан олис, қисик, гилай кўзлари сўйлоқ, сариқ тишларини кўрсатиб тиржайиши қандайдир ёқимсиз туюлар эди. Биринчи кечанинг ўзидаёқ кўзга чалинган нарса шу бўлдики, Шульга дабдурустдан Игнат Семёнович деб айта бошлаган киши, яъни Фомин анчагина хасислик қилди: Шульга қорни жуда қаттиқ очганини ошқор айтса ҳам, Фомин

озиқ-овқат масаласида қийинчилик тортадиганга ўхшаймиз, де-ди. Гарчи улар ўзларига тўқ киши бўлсалар ҳам, лекин Костиевични яхшлаб тўйгазишди деб бўлмас эди. Костиевич уларнинг ўзлари ҳам дастурхондаги овқатдан ейишаётганларини кўриб, бу одамларнинг ҳаётидаги ҳамма икир-чикирларини би-лишим қийин гап экан деб ўйлаб қўйди.

Фоминнинг Матвей Костиевичда қолдирган умумий яхши таассуротини бу майда-чуйда камчиликлар бузолмас эди. Ҳол-буки Матвей Костиевич, танлаб ўтирмасданоқ тасодифан уйига кириши мумкин бўлган энг ёмон одамларнинг энг пасткаши ҳам Игнат Фоминдан афзалроқ бўлур эди. Чунки Краснодар шаҳрида яшовчи барча одамларнинг ичида Игнат Фомин энг даҳшатли киши эди, у қачонлари одамгарчиликдан чиқиб кет-ганлиги учун ҳам айниқса даҳшатли эди.

Бир вақтлар Игнат Фомин деб аталмаган бу Игнат Фомин ўз юртида, Воронеж областининг Острогожск округида 1930 йилгача энг бой, энг кучли одам ҳисобланиб келган. Унинг бе-восита ва бавосита икки тегирмони, от билан ишлайдиган икки машина-лобогрейкаси, кўп плуглари, икки веялкаси, янчиш маши-наси, учта чорвоги, ўнтача оти, олти сигири, бир неча десятин келадиган мевазори, юз уя чоғлиқ асалари хоналари бор эди. Экинзор ва мевазорларида муттасил ишловчи тўрт мардикори-дан ташқари, бир неча волость деҳқонларининг меҳнатидан ҳам текин фойдаланар эди, чунки ўша волостларнинг ҳаммасида моддий жиҳатдан унга боғлиқ кўп кишилар бўлар эди.

Фомин революциядан олдин ҳам бой ўтган, лекин унинг ик-кита акаси айниқса отасининг хўжалигини мерос қилиб олган катта акаси яна ҳам бойроқ эди. Ун тўртинчи йилда, уруш ол-дида уйланган ва отаси уйини бошқа қилиб ажратиб қўйган Иг-нат Фомин, яъни кенжатой, акаларига кек сақлаб келар эди. Лекин революциядан кейин, герман фронтдан қайтгач, Фомин ўзини қашшоқликка солиб, бундан жуда яхши фойдаланди,— ўзини эски ҳокимиятдан жафо кўрган киши қилиб кўрсатди, фақат камбағал ва инқилобчи киши деб эмас, балки революция душманларига қарши шафқатсиз кишидай камбағаллар комите-тидан тортиб Совет ҳокимиятининг барча органлари ва қишлоқ жамоат ташкилотларигача суқилиб кирди. Игнат Фомин бу ҳо-кимият органларидан, ўзи сингари акаларининг ҳам бой киши-лар эканлигидан, Совет ҳокимиятининг душманлари эканидан фойдаланиб, уларни судга тортди, аввал катта акасини, кейин кичигини ҳам сургун қилдириб, уларнинг мулкани эгаллаб ол-

ди, уларнинг оилаларини майда бола-чақалари билан саргардон қилиб ҳайдади; жиянларига ачинмади ҳам, чунки ўзининг болалари йўқ эди, ўзи фарзанд кўрмай ўтиб келаётган эди. Шундай қилиб, ўша округда қандай одам бўлиб ўтган бўлса, яна ўшандай бўлиб қолди. 1930 йилга қадар кўп ҳукумат вакиллари, уни шунча бойлигига қарамай, совет замонида етишган ўзига хос бой, маданий хўжайин, ўз кишимиз деб ҳисоблаб келдилар.

Лекин унинг таъсири остидаги бир қанча волостларнинг деҳқонлари унинг шафқатсиз, қонхўр кулак ва даҳшатли кишилигини билар эдилар. Уттизинчи йилда колхозлар қурила бошлаб, халқ ҳокимият мадади билан бойларни янчишга киришганда, у вақт ўз фамилияси остида яшаган Игнат Фоминнинг бошига халқ қасосининг гурзилари келиб урилди. Игнат Фомин, ҳамма нарсадан ажралиб, шимолга сургун қилинадиган бўлди, лекин маҳаллий маъмурулар уни отоқли, мўмин киши биллиб сургун қилгунча қамоққа олмадилар. Игнат Фомин эса хотинининг ёрдами билан кечаси қишлоқ советининг раиси билан котибини ўлдирди: ўша кунлари раис билан котиб ўз уйларида эмас, қишлоқ совети биносида ётишар ва Фомин уларнинг пайига тушган кечаси меҳмондорчиликдан қаттиқ маст бўлиб қайтишган эди. Фомин уларни ўлдириб, хотини билан бирликда аввал Лискига, кейин эса Ростов-Донга қочди, у ерда Фоминнинг ўз кишилари бор эди.

Ростовда темир йўл устaxonасининг ишчиси Игнат Семёнович Фомин номига ёзилган ҳужжатни сотиб олди-да, хизмат кўрсатган киши эканини билдирувчи бу ҳужжатни ёнига солиб олиб, хотинини ҳам тегишли ҳужжатлар билан таъмин қилди. Ана шундан кейин Донбассда пайдо бўлди; Игнат Фомин у ерда ишчиларга эҳтиёж жуда катталигини ва унинг кимлиги ва қаердан келганлигини суриштирмасликларини билар эди.

У эртами-кечми ўз муроди ҳосил бўлишига қаттиқ ишонарди, шунинг учун ҳам ҳозирча ўзини қандай тутиш кераклиги тўғрисида аниқ ва равшан режа тузиб олди. Даставвал: ҳалол меҳнат қилиш керак деб билар эди, агар ҳалол меҳнат қилса, аввало, ўзини яшириб юриши осон бўлади, иккинчидан эса ўз маҳорати ва эпчиллиги билан қилган ҳалол меҳнати тўқ-фаровон яшашига имкон беради ва учинчидан, ўтмишда қанчалик давлатманд киши бўлса ҳам, меҳнат ҳамиша йўлдоши бўлиб келган эди. Булардан ташқари, ҳар ерга суқилавермасликка, бошлиқлар билан итоаткорона муомала қилишга ва бировни танқид қилишдан, худо сақласин, нарироқ юришга қарор қилди.

Шундай қилиб, замон ўтиши билан бу кўзга кўринмас киши фақат тиришқоқ, ҳалол ишчи сифатидагина эмас, балки катта камтарликка ва интизомга эга киши сифатида ҳам маъмурлар ҳурматига сазовор бўлди. Бу хатти-ҳаракат планини қитдек бўлса ҳам бузмасликка чидами етди, ҳатто немислар Ворошиловградга яқинлашиб қолганларида ҳам бузмади. Немисларнинг бу ерга ҳам етиб келишига гумони йўқ эди. Бир кун, агар немислар келгудек бўлса, уйингизни яширин ташкилот учун беришга розимисиз, деб сўраганларида, ўзини шарманда қилиб қўйишига оз қолди, уни ёвузлик ҳисси ва қасос шодлиги асир этган эди.

Шульгага шу қадар манзур бўлган нарса, яъни уйда пиджак кийиб, галстук ва соат тақиб юриши Фоминнинг назокат-парастлигини билдирмас эди. У одатда ҳамма ишчилар сингари, тоза, лекин кундалик кийимида юрар, эгнидаги ҳозирги кийимлари аса немисларни соат сайин кутиб турганини билдира эди. Фомин азбаройи немисларга манзур бўлиш учунгина сандиқдаги бисотининг энг яхшисини олиб кийган эди.

Стаценко аввал старший жандарма вахмистри Брюкнер олдиди, кейин аса вахмистер Балдер ҳузурида турган вақтда Матвей Костиевич ўша баракнинг иккинчи ярмида, кичкина, қоронғи ҳужрада калтакланган ва қонига беланган ҳолда ётар эди.

Бир қанча камерадан иборат бўлган ва милициянинг хизматчилар ўтирадиган хонасини ажратиб турувчи йўлак охирида, тор йўлакча билан бўлинган баракнинг бу ярми ўтмишда Краснотондаги бирдан-бир қамоқхона эди.

Янги тартиб, Ordnung шундан иборат эдики, қамоқхона биносини ташкил қилган ўша бир неча умумий камера ва бир қанча ёлғиз ҳужра эркаклар, аёллар, ўсмирлар ва кексалар билан тўлиб-тошган эди. Бу ердаги одамлар — совет ходимлари, партизанлар, коммунистлар, комсомоллар бўлса керак деган гумон билан шаҳардан, станица ва хуторларда ушланган кишилар, ҳаракати ё сўзи билан немис мундирини ҳақорат қилган кишилар, ўзининг яҳудий эканини яширган кишилар, ҳужжатлари йўқ учун ва умуман инсон бўлганликлари учун қўлга олинган кишилар эди.

Маҳбусларга озиқ-овқат бермас, ҳаво олишга чиқариш у ёқда турсин ҳатто ҳожатхонага ҳам олиб чиқмас эдилар. Камераларнинг ичи чидаб бўлмайдиган даражада сассиқ, баракнинг шarti кетиб, парти қолган, эски поллари ифлос, сийдик, қон.

Ҳамма камералар қанчалик тўлиб-тошган бўлса ҳам, Евдос-

ким Остапчук номи билан қамоққа олинган Матвей Шульгани алоҳида ерга қўйдилар.

Уни қамаш вақтидаёқ шалайим қилиб ташлаган эдилар. Қамаш чоғида қаттиқ қаршилик кўрсатди, шу қадар кучга кириб кетдики, уни узоқ вақтгача эплай олмадилар. Кейин шу ерда, овохтада гауптвахмайстер Брюкнер, вахмайстер Балдер ва уни қамоққа олган СС ротенфюрери Фенбонг, полиция бошлиғи Соликовский ва немис полиция кишиси Игнат Фомин Шульга ҳушидан кетиб ётганда унинг иродасини биратўла синдириш умидида жуда қаттиқ қалтаклашди. Агар Матвей Костиевичдан оддий ҳолатда бирон нарсани зўрлаб билиб олиш мумкин бўлмаса, айниқса кураш ўти билан ёнаётган бир пайтда ундан бирон нарсани зўрлаб билиб олиш сира ҳам мумкин эмас эди.

У шу қадар кучли эдики, ҳозир ҳам шалайим қилинган ва қонга беланган ҳолда, мадоридан кетгани учун эмас, балки нафасини ўнглаб олиш учунгина чурқ этмай ётаверди. Агар уни яна ўртага олсалар, у то охиригача курашар эди.

Юзи зирқираб ачишади, бир кўзидан тинмай қон оқади. Қўли жон олгучи бир оғриқ билан толади; ўша қўлининг билагига унтер Фенбонг темир таёқ билан урган эди. Матвей Костиевич, немислар қаердадир хотингинамни, болаларимни худди мендай қийнашаётгандир, уларни мен туфайли азоблашаётгандир, деб хаёл қилади ва уларни қачон бўлса ҳам қутқазишга кўзи этмай, юрак-бағри эзилади.

Лекин, ўз бурчини бажариб улгурмай, душман қўлига тушиб қолгани ва бунда фақат ўзи айбдор эканлиги Костиевични жисмоний оғриқ ва руҳий азобдан ҳам баттарроқ қийнар эди.

Унинг аҳволига тушган киши, бу ҳалокатига ўзим эмас, балки ишни ёмон уюштирган бошқа кишилар айбдор деб ўзини ўзи оқлаши табиийдек кўринар эди, бу фикр бошда унинг ҳам миясига келди, лекин буни заиф кишиларнинг сохта юпанчи деб билиб, дарҳол ўзидан соқит қилди.

У ҳар қандай жамоат ишининг муваффақияти кўп одамларга боғлиқ эканини ва улар орасида ишнинг ўзига тегишли қисмини ёмон бажарадиган одамлар ҳам бўлишини турмуш тажрибаларидан билар эди. Лекин фавқулодда вазиятда фавқулодда иш устига қўйилган, руҳан заиф ва аянч кишигина ўз ишини бажармай, бунда бошқалар айбдор деб шикоят қила олади. Ичдан чийққан самимий виждон овози унга: сен бошқача одамсан, ўтмишдаги яширин ишларда тажриба ордиргансан, ўз ироданг, тажрибанг, ташкилотчилик малаканг билан ҳамма ва ҳар қандай хавф-ха-

тарли қийинчиликлар ва маҳрумликларни, ғовлар ва тўсиқларни, бу иш боғли бўлган кишиларнинг хатоларини енгасан деб сени фавқулодда вазиятда шу фавқулодда ишга кўтаришган, дяр эди. Мана шунинг учун ҳам Матвей Костиевич ўз ҳалока-тида ҳеч кимни айблай олмас ва айбламас ҳам эди. Ўзинигина эмас, балки бутун ишни ҳалок қилгани ҳақидаги тушунча Кос-тиевичнинг юрагини ҳар қандай бошқа азобдан ҳам ачитиброқ өзар эди.

Виждонининг тинмас, ҳаққоний овози унинг қаердадир, ни-мададир хато қилганини таъкидларди. У Иван Фёдорович Про-ценко ва Лютиков билан ажрашган пайдан буён қилган ўз ҳа-ракатлари ва айтган сўзларини бутун майда-чуйда тафсилотла-ригача қайта-қайта, азобли бир суратда эслаб чиқди ва қайда, нимада ҳам қай вақтда хато ҳаракат қилганини топа олмади.

Матвей Костиевич илгари Лютиковни бутунлай билмас ва танимас эди, лекин эндиликда у ҳақда жуда хавотир қилиб қо-ди, — бунинг асосий сабаби шунда эдики, улар икковига топ-ширилган ишнинг бажарилиши энди ёлғиз Лютиковнинг ўзига боғлиқ бўлиб қолган эди. Аммо ниҳоятда огир қийнов ичида, чексиз гам-ҳасрат ичида кўпроқ Проценкога, ҳаммаларининг умумий раҳбарлари ва ўзининг шахсий дўсти Проценкога муро-жаат қилиб, ундан қаёлан сўрар эди:

«Хўш, ўзинг қайдасан, Иван Фёдорович? Қалайсан? Ҳаёт-мисан? Лаънати ёвларни уряпсанми, улардан зўр келдингми, уларни алдай билдингми? Балки мендек сенинг ҳам юрак-бағ-рингни қонга ботириб қийнашаётгандир? Балки қарғалар далада сенинг шўх кўзларингни аллақачон чўқишиб ўтгандир?..»

ИИГИРМА ТУҚҚИЗИНЧИ БОБ

Лютиков ҳамда Шульга билан хайрлашгач, Иван Фёдорович хотини билан бирга, Шимолий Донецнинг ул ёғидаги Митякино ўрмонига жойлашган отряд томон жўнаб кетди. Немислар ишғол қилган территорияни айланиб ўтиш учун, кўпгина йўлни четлаб ўтишга тўғри келди. Иван Фёдорович бир амаллаб ўзининг «га-зик» машинасини Донецнинг у томонига ўтказиб юборишга ва Митякино станциясига немис танклари бостириб кира бошлаган пайтда базага етиб олишга улгурди.

Ўрмонлар, ҳамма ёқ ўрмон... шулар ҳам ўрмонми? Бир пар-ча сайҳон ерга чочиб ташланган пастак бутазор ва чакалакзорни

партизанлар шуҳрати тугилган Белоруссия ёки Брянск ўрмонлари билан тенглаштириб бўлармиди? Митякино ўрмонзори районида ҳарбий ҳаракатлар бошлаш у ёқда турсин, унда ҳатто катта отряд яширина оладиган жой ҳам топилмас эди.

Яхшиямки, Иван Фёдорович хотини билан бирга базага етиб келганларида партизанлар бу ердан кетиб бўлган ва ғарбий томон йўлларида немислар билан жанг олиб бормоқда эдилар.

Базага етиб келган куниеқ Иван Фёдоровичнинг миясига, областнинг энг йирик партизанлар отрядининг яширинадиган папа жойи йўқ деган фикр келган эди, шу оддий ва равшан бир фикрдан ҳамма тегишли хулоса чиқармаганига, чиқара олмаганига у кейинчалик қанча пушаймон еб юрди!

Ворошиловград области бир неча маъмурий округга бўлиниб, бу округларнинг бошига яширин партия обкомининг секретарлари қўйилган эди, Иван Фёдорович шу секретарлардан бири эди. Иван Фёдоровичга бир неча райком қарар эди, уларга қарашли кўпгина яширин группалар бор эди. Ундан ташқари, районларда махсус диверсиячи группалар бор эди, уларнинг баъзилари маҳаллий яширин райкомларга, бошқалари бевосита обкомга, учинчилари эса Украина ва ҳатто Марказий штабга бўйсунар эдилар.

Бу кўп тармоқли яширин ташкилот ҳамда группаларга конспирация жиҳатдан ниҳоятда мураккаб системали яширин квартиралар, беркинадиган жойлар, озиқ-овқат ҳамда қурол-аслаҳа базалари, алоқа воситалари — техника алоқаси ва махсус алоқачи кишилар хизмат этиб турарди. Районлардаги одатдаги яширин квартиралардан ташқари, область яширин ташкилот раҳбарлари ихтиёрида бўлгани каби, Иван Фёдорович ихтиёрида ҳам фақат ўзларигина маълум бўлган квартиралар бўлар эди, бу квартираларнинг баъзилари Украина штаби билан алоқа боғлаб туришга хизмат этса, баъзилари область раҳбарларининг ўзаро алоқа қилиб туришлари учун, учинчилари район раҳбарлари ёки отряд командирлари билан алоқа қилиб туришга хизмат этарди.

Ҳар бир округ территориясида бир неча кичик партизанлар отряди иш кўрарди. Ундан ташқари, ҳар бир округда бир қадар катта битта отряд ташкил этилган эдики, дастлабки режага кўра, обком секретари — округдаги яширин иш раҳбари шу отрядда бўлиши керак эди: обком секретарининг катта партизанлар отрядида бўлиши унинг хавф-хатардан холи бўлишини, бинобарин,

Кенг миқёсда ишлай олишнинг таъмин этади деб тахмин этилган эди.

Ворошиловград областидаги яширин иш раҳбарларининг асосий яширин квартираси Успенск районига қарашли Орехово қишлоғининг тиббий пункти эди. Квартира хўжайкаси этиб Иван Фёдорович, ўз алоқачиси Ксения Кротованинг синглиси, маҳаллий врач Валентина Кротова тайинлади. Иван Фёдорович Краснодондалигида Ксения Кротова синглисиникида турар эди, немислар ишгол қилгандан кейин бошқа округларда вазият қандайлиги тўғрисидаги дастлабки маълумотларни Иван Фёдорович шу Ксения Кротовадан олиши керак эди.

Митякино ўрмонларидаги партизанларга қарашли озиқ-овқат ҳамда яроғ-аслаҳалар мутасаддиси ва айни вақтда округлар билан алоқа ишларини бошқарувчи вазифасини ўз ёрдамчиси зиммасига юклаб, Иван Фёдорович ўз отряди ёнига кетди. У пиёда кетди. Бутун теваарак-атроф немис қўшинлари билан тўлиб-тошган эди. Иван Фёдорович борган еримга «газиг»имда боравераман деб қанча умид қилмасин, — у ҳатто бир йилга етарли қилиб бензин ҳам гахлаб қўйган эди, — кўпни кўрган «газиг»ни ўрмон ичидаги бир гор ичига киритиб, горнинг оғзини беркитиб ташлашга тўғри келди. Иван Фёдорович ҳузурида алоқачи ҳамда разведкачи вазифасини ўтовчи Екатерина Павловна эрдан кулди-да, икковлари отряд ёнига пиёда кетишди.

Иван Фёдорович Краснодон партия райкоми биносида дивизия командири генерал билан алоқа тўғрисида келишиб олганига атиги бир неча кун бўлди, лекин шу қисқа вақт ичида вазият қанчалик ўзгариб кетди! Албатта, дивизия билан бирга ҳамкорлик қилиш тўғрисида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас. Бу дивизия Донец бўйида, Камёнск ёнида буйруқда айтилган вақтгача туриб берди, анча камайиб қолган составининг тўртдан уч қисмидан кўпроғини талафот берди-да, кейин у жойни ташлаб кетди. Дивизия шу қадар кўп талафот берган эдики, гўё дивизиядан асар ҳам қолмагандай эди, лекин халқ ичида бирон кимса дивизия «тор-мор этилди» демас, ҳеч кимса «қуршов ичида қолди» ёки «чекинди» демас, ҳамма: «кетди» дер эди. Дивизия ҳақиқатан ҳам кетган эди, — Шимолий Донец билан Дон ўртасидаги бепоен ерларда немисларнинг йирик қўшилмалари ҳаракат қилиб турганда, дивизия кетиб олган эди.

Дивизия душман ишгол этган территория бўйлаб, дарёлар кечиб, дашти-биёбонлардан ўтиб, дашт дарёларининг баланд қирғоқларидан мудофаа учун фойдаланиб, жанглар билан кетиб

борар эди; у гоҳ кўздан ғойиб бўлар, гоҳ бирдан бошқа бир ердан келиб чиқар эди. Ҳали анча йироққа кетиб қолмаган дастлабки кунларда дивизиянинг жанговар ҳаракатлари тўғрисида халқ овозалари бу ерларга ҳам етиб келиб турарди. Лекин дивизия тобора шарқ томонга, олислардан унга тайинланган марраси сари йироқлашиб борар эди; бу марра шу қадар олис бўлса керакки, дивизия ҳақидаги овозалардан асар ҳам қолмаган, фақат унинг шуҳрати бир афсона каби халқ қалбида қолган эди.

Иван Фёдоровичнинг партизан отряди ўз ҳолича иш кўрарди ва иш кўрганда ҳам ёмон иш кўрмасди. Биринчи кунлардаёқ отряд очиқ жангда душманнинг бир неча майда қўшинларини тор-мор этди. Партизанлар кейинда қолиб кетган солдат ва офицерларни қириб ташлар, бензин солинган цистерналарни ёндиради, обозларни ўлжа қилар, қишлоқлардаги немис маъмурларини тутиб, қатл этар эдилар. Бошқа отрядларнинг ҳаракатлари тўғрисида ҳали маълумот келмас эди, лекин овозаларга кўра, бошқа отрядларнинг ҳам иши юришиб кетганини Иван Фёдорович фаҳмларди. Овозалар партизанларнинг қаҳрамонликларини бўртдириб юборарди, лекин бу ҳол курашни халқ қўллаб-қувватлаётганлигини кўрсатарди, холос.

Душман бу отрядга қарши йирик кучларини ташлаганда, қўмондонликнинг базага қайтиш керак деган таклифини Иван Фёдорович рад этди ва отрядни тунда Донецнинг ўнг қирғоғига яшириқча ўтказиб юборди. Партизанларни бу ерда ҳеч ким кутмаган эди, шунинг учун улар немисларнинг орқа томонини мисли кўрилмаган даражада ағдар-тўнтар қилиб юбордилар.

Лекин, аҳолиси ниҳоятда зич, кўмир конлари, хуторлар, станицалар қарийб бир-бирларига тутшиб кетган кафтдек даштликда ҳаракат қилиш кундан-кунга қийинлашиб борарди. Отряд узлуксиз ҳаракат қилиб турди. Фақат Иван Фёдоровичнинг усталиги, теварак-атрофни яхши билганлиги ва қурол-аслаҳанинг мукамаллиги отряднинг оз талафот кўриб чекинишига имкон берди. Лекин, душман товон босиб турган бир пайтда токайгача бир жойнинг ўзида гир айланиб юриш мумкин бўларди?

Урмонлик жойлардаги ёки аҳолиси сийрак бўлган кенг даладашт жойлардаги отрядларга тақлид этиб тузилган катта партизан отрядлари аҳолиси зич, серсаноат Донбассга тўғри келмас эди. Лекин хавф-хатар етиб келган пайтда Иван Фёдорович шу хулосага келди.

Ксения Кротовадан келган хабарлар Иван Фёдоровичнинг қоқ юрагини поралади. Ворошиловград яқинида ҳаракат қилиб

юрган йирик партизан отряди, душман қуршовида қолиб, майда бўлақларга бўлиниб кетган, шу отрядда бўлган обком секретари Яковенко эса ўлдирилган эди. Яковенко ҳамда Иван Фёдорович отрядлари сингари тузилган Кадиевка отрядидан атиги тўққиз жангчи билан отряд командири омон қолган. Отрядни тормор этган душман уч ҳисса кўпроқ талафот берган, лекин душман қанча талафот кўрмасин, машҳур Кадиевка шахтёрлари гвардиясининг жангда ҳалок бўлиб кетганига хун бўла олмас эди! Отряд командири Иван Фёдоровичга, янги жангчилар тўплаётганини, аммо бундан буён фақат майда тўдаларга бўлиниб иш кўражагини билдирар эди. Боково-Антрацит отряди кўп талафот бермасдан душман қамалидан чиқиб олган ва шу ондаёқ бир неча майда отрядларга бўлиниб, умумий қўмондонлик остида ҳаракат қилмоқда эди. Рубежанск, Кремень, Иваново ва бошқа районларнинг кичик отрядлари деярли талафот бермай, муваффақиятли суратда иш олиб бормоқда эдилар. Областдаги энг йирик отрядлардан бири бўлмиш Попасня районининг отряди давтавалданоқ умумий қўмондонлик остида майда группаларга бўлиниб ҳаракат қилар эди, бу отряднинг курашдаги ютуқларига халқнинг ўзи баҳо бериб, отрядга «Шафқатсиз» деган ном қўйган эди. Районларда қўзиқорин каби бирин-кетин пайдо бўла бошлаган янги ва янги отрядлар,— бу отрядлар ерли аҳоли ҳамда Қизил Армиянинг қолиб кетган жангчи ва офицерларидан иборат эди,— бу отрядлар эса фақат кичик-кичик партизан отрядлари ҳолида пайдо бўлар эди.

Буни турмушнинг ўзи тақозо этар, бу — турмушнинг амри эди.

Иван Фёдорович шундай хабарларни олди ва ўз отрядини ҳам бир неча кичик группаларга бўлиб юборишига атиги бир неча соатгина вақт керак эди, лекин бу соатларни тақдир унга насиб кўрмаган эди.

Немислар уларни тонготар пайтда қуршаб олган, ҳозир эса қуёш оқшомга ога бошлаган эди.

Бир вақтлар бу ерда Шимолий Донецга қуйиладиган анҳор бўларди. Анҳорнинг қуриб қолганига шунча вақт бўлган эдики, яқин жойдаги Макаров Яр деган хутор аҳолиси бу ердан қачон сув ўтганини ҳатто билмас эди. Анҳор ўрни ҳозир чакалак босиб кетган жар бўлиб ётарди. Бош томони тор, лекин тобора кенгайиб борган бу жарлик уч бурчак шаклида эди — чакалакзор дарё бўйигача кенг қанот ёзиб чиқарди.

Тим сариқ майин соқоли мужикларники сингари ўсиб кетган

Иван Фёдорович мудрофаанинг энг оғир бир ерида, жарлик тепа-сидаги пастак чакалакзор ичида ётарди. Немис ўқи сочсиз ўнг чаккасини шилиб, терисини олиб кетган, юзида оқиб тушган қон қотиб қолган эди, лекин Иван Фёдорович буни сезмас эди. У чакалакзор ичида ётиб олиб, автоматдан отар, ёнида эса бошқа бир автомат совуб ётар эди.

Екатерина Павловна эридан сал нарида, юзи кескин ва оппоқ оқарган бир ҳолда ётиб, у ҳам автомат отар эди. Унинг ҳамма ҳаракатлари тежоқли, аниқ, қандайдир яширин гайратли ва ўзи ҳам сезмаган табиий нозик ҳаракатлар эди, — сиртдан қараган-да ўз автоматини фақат бармоқлари билангина идора қилаётган-га ўхшарди. Унинг ўнг томонида Макаров Ярлик қокса колхозчи, ўзи айтмоқчи, «эски герман урушида иш кўрсатган пулемётчи» Нарезний ётарди.

Нарезнийнинг набираси, ўн уч яшар бола, теварагига патрон солинган яшикларни териб олиб, ҳадеб диск ўқлаб бериб турар эди. Яшиклар ортида, ўрда эса Иван Фёдорович билан бирга эмас, балки дарёнинг ул юзида бўлган командир адъютан-ти қизиб кетган телефон трубкасини қулоғидан олмасдан, ҳадеб ўзининг шартли тилида:

— Онангнинг қулоғи сенда... Онангнинг кулоғи сенда... Ким? Салом, хола!.. Олхўри етишмаяпти? Жиянингдан ола тур... Онангнинг қулоғи сенда, онангнинг қулоғи сенда... Бизда хотиржамлик. Сизлар-чи?.. Қани, бир қизитиб юборинглар!.. Сингилгинам! Сингилгинам! Сингилгинам! Нима бало, ухлаб қолдингми? Аканг, чап томондан ўтни қиздириб юборинглар деб сўраяпти!.. — дерди.

Йўқ, Иван Фёдоровичнинг қалбида ўзи ҳамда хотинининг ҳалок бўлиб кетиш эҳтимоли эмас, кишилар ҳаёти учун сезиб турган масъулият ҳам эмас, балки, аттанг, буларнинг ҳаммаси-нинг олдини олиш мумкин эди ва бунинг орқасида шу мушкул аҳволнинг юз бермаслиги мумкин эди, деган тушунча порлар эди.

Шундай бўлса-да, Иван Фёдорович отрядни бир неча группага бўлди-да, ҳар бирига командир ва сиёсий ишлар бўйича муовин тайинлади ва ҳар бирига кейинчалик база бўлиши мумкин бўлган алоҳида жой белгилади. Бу янги ва кичик отрядлардан бирига илгариги командир ўз муовини ҳамда штаб бошлиги билан бирга қўмондонлик қилиши керак эди. Улар ҳамма отрядларга умумий қўмондонлик вазифасини ўташлари керак эди ва бу отрядлар энди унча кўп бўлмаслиги сабабли, базалари ҳамон Митякино ўрмонида бўлиши керак эди.

Иван Фёдорович командир ва жангчиларни тун қоронгиси тушгунча шу ерда, жарликда туриб беришга, сўнгра Иван Фёдорович бошчилигида душман ҳалқасини ўпириб, даштга чиқиб кетишга шайлади. Ҳалқани ёриб ўтгандан кейин кишиларга жадал илгарилаш осон бўлсин деб, Иван Фёдорович ҳар бир отрядни яна майда группаларга, уч-беш кишидан қилиб бўлиб юборди, бу группаларнинг ҳар бири ўз билганича қилиб қутилиши керак эди. Унинг ўзини ва хотинини кекса Нарезний бирмунча вақт хавф-хатарсиз жойга яширишни ваъда қилди.

Душман қамалини ёриб чиқиш пайтида кишиларнинг бир қисмининг ҳалок бўлишини, бир қисмининг тугилишини, ҳалок бўлмасдан омон қолса-да, лекин қўрқоқлик қилиб, тайинланган ерга базага келмаслигини Иван Фёдорович билар эди. Бунинг ҳаммаси Иван Фёдоровичнинг қалбига оғир бир руҳий тошдай жойлашар эди. Лекин у, ўз кечинмаларини ҳеч ким билан ўртоқлашмас, балки, аксинча, юзлари ва хатти-ҳаракатлари бутун юриш-туриши ичидаги кечинмаларнинг қарама-қаршиси эди. Кичик ва ихчам жуссали, юзлари қизарган, қорамтир соқоли мужиклариинки сингари ўсиб кетган Иван Фёдорович чакалакзор ичида ётаркан, душманни тинмай ўққа тутар ва кекса Нарезний билан ҳазиллашиб ҳам қўярди.

Нарезнийнинг қиёфасида молдаванларга, ҳатто туркларга ҳес бир аломат бор эди: ялтираб турган жингалак соқоли қопқора, жовдираган, ўтли кўзлари ҳам қопқора эди. Худди офтобда қурилган поя каби қотма, ягрини кенг ва қўллари забардаст, ниҳоятда ҳаракатлари сустдай бўлиб кўринган бу чолда қандайдир яширин бир олов ёниб турар эди.

Ўз вазиятларининг қанчалик мушкул эканлигига қарамасдан, улар бир-бирлари билан ёнма-ён ётганларидан ва унча жиддий бўлмаган суҳбатларидан мамнун кўринар эдилар.

Тахминан ҳар ярим соат ўртасида Иван Фёдорович муғомбирона чарақлаган кўзларини алтиратиб, дерди:

— Қалай, Корний Тихонович, қитдак терлаб кетгандирсан?

Корний Тихонович ҳам жавобни нася қилмасдан, дерди:

— Унча салқин деб бўлмайди-ю, лекин ҳали терлагунимча йўқ, Иван Фёдорович.

Немиснинг ҳамласи кучайган пайтларда Иван Фёдорович дерди:

— Немиснинг миномёти бўлганда ва устимизга бодринг ташлаганда эди, ана унда терлаб кетардик! А, Корний Тихонович?

Корний Тихонович яна нася қилишни хоҳламади ва бамай-лихотир жавоб берди:

— Бу ўрмонга ёғдириш учун озмунча бодринг кетмас, Иван Фёдорович...

Бирдан улар автомат овозлари бўрони орасидан, Макаров Яр томондан яқинлашиб келаётган моторларнинг овозини эшитиб қолдилар. Бир он ҳатто отишни тўхтатиб турдилар ҳам.

— Эшитяпсанми, Корний Тихонович?

— Эшитяпман.

Иван Фёдорович огоҳлантирувчи бир назар билан хотини томонига қаради ва жим дегандек қилиб лабини чўзиб қўйди.

Бу ердан кўринмайдиган йўлда мотоциклчилар отряди немисларга мадад бергали келмоқда эди. У овозни жарнинг ҳамма ёғида эшитган бўлсалар керак, телефон иши жадаллашди.

Қуёш ботган бўлса ҳам, ҳали ой чиқмаган, қоронги ҳам тушмаган, лекин соялар тарқалиб, ранг-баранг товланувчи кўп, ёрқин бўёқлар кўкда ялтираб турарди, ҳали замон зулмат қурбони бўлишга тайёрдек кўринган у ғалати, жимжимадор ёруғ ерларга — буталар ва дарахтларга, одамларнинг юзлари ва мултиқларга ҳамда кўкатлар ичида сочилиб ётган бўш гильзаларга — ҳамма нарсага тушади. Бу кундузга ҳам, қочага ҳам ўхшамаган фурсат фақат бир неча зумгина давом этди ва қандайдир ғирашира совуғига, шабнамга ўхшаш бир нарса ҳаво юзини тўсди, буталарга, ерларга тушди ва дарҳол қорайиб борди.

Макаров Яр томонда авж олиб бораётган мотоцикллар овози ҳамма ёққа тарқалди. Гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда отишма авж олар, дарё бўйида эса айниқса қизиб борарди.

Иван Фёдорович соатига қаради.

— Қочиш керак... Терёхин! Йигирма бир ноль-нольда...— деди у, телефон ёнидаги адъютантига қайрилиб қарамасданоқ.

Иван Фёдорович чакалакзорга тарқалган партизан гуруппаларининг командирлари билан келишиб-қўйган эди: Иван Фёдорович сигнали билан гуруппаларнинг ҳаммаси қари қайин дарахти ёнида, жардан далага чиқиладиган жойда тўпланишарди. Улар яна ўша ердан қамални ёриб ўтишлари керак эди.. Фурсат яқинлашиб борарди.

Чакалакзорни Донецнинг қоқ ёнида қўриқлаб турган икки партизан гуруппаси, немисларнинг кўзини шамғалат қилиш учун, бошқалардан узоқроқ қолиши ва ўзини сойдан ўтмоқчи бўлиб

сўнги қатъий ҳужум бошлаётгандай қилиб кўрсатиши керак эди. Иван Фёдорович, уларнинг олдига кимни юборсам экан, деб теварагига аланглаб қаради.

Жар тепасини мудофаа қилиб турган партизанлар орасида краснодонлик бир бола, комсомол Евгений Стахович бор эди. У, немислар келмасдан бурун Ворошиловградда ПВХО командири лари курсида ўқирди. Ўзининг етуклиги, огир-босиқ қилиқлари ва жамоат арбоби бўлажagini жуда эрта кўрсатувчи хислатлари билан бошқа партизанлардан ажралиб турар эди. Иван Фёдорович, Краснодон яширин ташкилоти билан алоқа боғлаб туришда Стаховичдан фойдаланмоқчи бўлиб юрарди. Мана ҳозир Иван Фёдорович ўзининг чап ёғида турган Стаховичнинг қонсиз юзини ва ғижимланган, ҳўл оқиш сочларини кўрди, бошқа вақтларда унинг сочлари виқорли бошида тўлиб, тўлқинланиб турарди. Йигитча жуда асабийлашган кўринса ҳам, лекин иззат нафси жарнинг ичкарироғига эмаклар кетишига йўл қўймас эди. Унинг мана шу сифати Иван Фёдоровичга манзур тушди. У Стаховични юборди.

Евгений Стахович зўр-зўракисига кулимсиради-ю озгин гавдасини камалакдек букиб, дарё ёқасига қараб югура кетди.

Проценко, отряднинг чекинишини ҳимоя қилувчи партизанлар группаси билан қолаётган жасур бобойга:

— Ҳа-да, Корний Тихонович, ўзинг ҳам кечикма!— деди.

Дарё ёқасига яширинган партизанлар гўё Донецдан ўтмоқчи эканликларини намойиш қила бошлаган пайтларида немисларнинг асосий кучлари ўша ерда, Донец ёқасида тўпланган ва душманнинг бутун ўти ўрмон ҳам дарёнинг шу қисмига қаратилган эди. Уқларнинг визиллаши ва буталарга шитирлаб урилиши ялли, ўткир бир овозга айланар, гўё ўқлар осмонда майдаланаётирлар-у, одамлар қизгин қўрғошин тўзонини ютаётгандек бўладилар.

Отряд командири, Проценконинг буйруғини Стахович орқали олиб, партизанларнинг кўпчилик қисмини йиғилиш пунктига, жарга юборди, ўзи эса ўн икки киши бошида чекинишни қўриқлаб қолди. Стаховични даҳшат босди ва бошқалар билан жуда ҳам кетгиси келди, лекин кетиш ўнғайсиз эди, шундан кейин одамларнинг кўзини шамгалат қилиб бир бута орасига кирди-да, дум тушиб, пиджак ёқалари билан бир оз бўлса-да қулоқларини беркитди.

Жанг сурони бир оз пасайган дамларда қичқириб берилган кескин немис командаларини эшитиш мумкин эди. Немислар-

нинг айрим группалари Макаров Ярниг аллақаридан энди ўрмонга кира бошлаган эди.

— Вақти келди, йигитлар, — деди бирдан отряд командири. — Қани югуринглар!..

Партизанлар бирдан отишни тўхтатиб, командир орқасидан югурдилар. Душман ўтини наинки камайтирди, балки ошириб бораётганига қарамай, ўрмондан чопиб бораётган партизанларга гўё бутунлай сукунат тушгандек туюларди. Улар жонларининг борича югуришар ва бир-бирининг ҳаллослаганини эшитиб борарди. Охири, жарликда ўртоқларининг ёнма-ён яшириниб ётган қораларини кўрдилар-да, гурс-гурс ерга ташлаб, эмаклай-эмаклай ўртоқларига бориб қўшилдилар.

— А, худо мададларингни берсин! — Қари дарахт олдида турган Иван Фёдорович маъқуллаб гапирди. — Стахович шу ердами?

— Шу ерда, — командир ўйламасданоқ жавоб берди.

Партизанлар ёнверларига қарашди-ю, лекин Стаховични топишолмади.

Командир жарликда ётган партизанларнинг юзларига тикилиб, паст овоз билан:

— Стахович! — деб чақирди. Лекин Стахович йўқ эди.

— Яшанглар, йигитлар, шунчалик ақли-ҳушларингизни йўқотиб қўйибсизларки, уни ўлдиришганини кўрмабсизлар ҳам! Балки уни ярадор ҳолида қолдириб келгандирсизлар, — Проценконинг жаҳли келди.

— Нима, мен ёш боламанми, Иван Фёдорович! — деб командир хафа бўлди. — Позициядан жўнаганимизда ёнимизда, соппа-соғ эди. Ўрмоннинг энг қалин жойи билан чопиб келдик бир-биримиздан кўзимизни узганимиз йўқ.

Шу вақт Иван Фёдорович, ёши бир ерга етиб қолганига қарамай, буталар орасидан чаққонлик билан ёнига эмаклаб келаётган Нарежнийнинг қорасини, орқасидаги ўн уч ёшлик неварасини ва яна бир неча жангчини кўрди.

— Оҳ, жонгинам! Дўстим! — деб шодиёна хитоб қилди Иван Фёдорович, ўз ҳисларини яширишга мажоли келмай.

У ялт этиб ўгирилди ва ингичка овоз билан ҳаммага эшиттарли қилиб чўзди:

— Тайёрла-ан!..

Ерга бағрини бериб ётган партизанларда улоқчиларга хос бир интилиш пайдо бўлди.

— Катя! — деди паст овоз билан Иван Фёдорович. — Мен-

дан орқада қолмагин-да... Агар мен бирон вақтда... бирон нарса... — у қўл силтади. — Кечир мени...

— Сен ҳам кечир... — Катя бошини ынгаштирди. — Агар соғ қолсанг, мен бўлсам...

У, Катянинг сўзини бўлди-да, ўзи давомини айтди:

— Агар мен ҳам ўшандай бўлсам... болаларга айтиб берарсан.

Уларнинг бир-бирига айта олган ҳамма сўзлари шу бўлди. Проценко ингичка овоз билан қичқириб:

— Уқ уз! Олга!— деди.

Шундай деди-ю, жарликдан ўзи биринчи югуриб чиқди.

Улар қанча киши қолганликларини ва қанча вақт югурганликларини билмас эдилар. Нафас олгудек, юрак ургудек мажол қолмагандай эди, баъзилар йўл-йўлакай отиб боради, бошқалар чурқ этмай чопадилар. Иван Фёдорович орқасига қараб, Катяни, Нарезнийни, унинг неварасини кўрди, бу унга мадор берди.

Бирданига орқа томондан ва даштнинг ўнг ёғидан мотоциклларнинг гуриллагани эшитилди ва у тун ҳавосида узоқ-узоқларга тарқалди. Моторларнинг овозлари энди олд томондан эшитилди: улар қочиб борувчиларни ҳар ёқдан ўраб олаётгандай.

Иван Фёдорович сигнал берган эди, кишилар тарқалиб кетишди, ерга ёпишиб ётиб олишди, ойнинг хира ёруғидан ва ернинг ўнқир-чўнқирларидан фойдаланиб, илон сингари, шарпасиз судралиб боришди.

Бир неча минут ўтмай Иван Фёдорович, Катя, Нарезний ва унинг невараси ой ёғдусига чўмган даштда ёлғиз қолишди. Улар бир неча гектар олга, тепага, ўз чўққиси билан осмон фонида кеккайиб турган узун қирнинг, балки, нариги томонигача чўзилган колхоз полизларининг ўртасида туришган эди.

— Шошма пича, Корний Тихонович, нафасим оғзимга тикилиб қолди!— Шу сўзларни айтиб, Иван Фёдорович ўзини ерга ташлади.

— Тишни тишга қўйинг, Иван Фёдорович,— деди Нарезний, унинг устига жадал энгашиб ва иссиқ нафасини унинг юзига уриб.— Нафас олиб ўтиришимиз тўгри келмайди. Ана бу қишлоқнинг орқаси қишлоқ, у ерда таниш одамлар бор, бизни яширишади...

Шундан кейин улар Нарезний орқасидан полиз оралаб судрала кетдилар. Нарезний аса ўзининг ўткир кўзи ва жин-

галак соқолли қўнғир юзини тез-тез Иван Фёдорович билан Катяга ўгириб қараб боради.

Улар қир тепасига судралиб чиқдилар-да, рўпарада деразалари қора, уйлари оқ қишлоқни кўрдилар. Қишлоқ булардан икки юз метрча наридан бошланарди. Полиз четан билан тўсилган уйларнинг энг бериги қатори ёнидан ўтган йўлгача чўзилиб келган. Улар қир учига судралиб чиққан пайтларида мотоцикл минган бир неча немис шу йўлдан ўқдек отилиб келди-ю, қишлоқ ичига бурилиб кетди.

Гоҳ у ер, гоҳ бу ерда автомат ўтлари чақнар, баъзан кимдир жавоб ўқи чиқараётгандек туюлар ва тунда гумбураб эшитилган бу овозлар Иван Фёдоровичнинг қалбида дард ва зулмат акс садоси қолдириб борар эди. Нарезнийнинг сира ҳам ўзига ўхшамаган оппоқ невараси гўдак кўзларини баъзан ҳадик, баъзан савол назари билан Иван Фёдоровичга тикади. Унинг кўзларига қараш огир эди.

Қишлоқдан автомат қўндоқлари билан эшикларнинг қаттиқ ва зарб билан қоқилиши, немис ҳақоратлари эшитилади. Гоҳ жимжитлик тушади, гоҳ эса, бирдан болаларнинг йигиси ёки хотинларнинг фарёди кўтарилади, хотин фарёди гоҳ йиғига, гоҳ яна фарёдга—кеча дуосига айланади. Баъзан қишлоқнинг ўзгинасида, унинг ёнида ва ундан тамом узоқда мотоцикллар гуриллайди, бу гуриллашлар битта ё бир қанча мотоцикл ё эса бутун бир отряд бораётганини билдирарди. Иван Фёдорович, оёғининг этиги шилган жойи ачишаётган Катя, Нарезний ҳам унинг невараси ивиб ва совуқда шумшайиб ерда ётишади.

Қишлоқ ҳам, дала-дашт ҳам тамом тинчигунча шу алпозда ётдилар.

— Бас энди, йўқса ҳали замон тонг отиб қолади,— Нарезний шивирлади,— биттадан бўлиб, кетма-кет сурғаламиз.

Қишлоқда немис патруллари оёқ товушлари эшитилиб турар эди. Гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда ора-сира гугурт ё зажигалка чақилади. Иван Фёдорович билан Катя қишлоқ марказининг алақаерида, бир уй орқасидаги сассиқ кўкатлар орасида ётишиб қолди. Нарезний эса невараси билан четан девордан ошиб ўтди. Бир қанча вақтгача дараксиз бўлиб кетди.

Биринчи хўроз чақирди. Иван Фёдорович бирдан маънодор қилиб кулумсиради.

— Ҳа!— деб Катя шипшиб сўради.

— Немислар хўрозларнинг ҳаммасини еб бўлишибди, бутун қишлоқда икки-учта хўроз чақиряпти!..

Улар эътибор ва маънодор бир назар билан бир-бирларининг юзларига энди қарашди, фақат кўзлари билан кулимсирашди. Худди шу кези четан орқасидан шипшиш эшитилди:

— Қаердасизлар! Уйга киринглар...

Йўғон суякли, оқ рўмолли, бўйдор, озгин бир хотин четан орқасидан уларга қараб турар эди.

Унинг қора кўзлари ой ёруғида ялтирайди.

— Туринглар, қўрқманглар, ҳеч ким йўқ,— деди у. Кейин четандан ўтишда Катяга ёрдам берди.

— Отингиз нима?— Катя паст овоз билан сўради.

— Марфа,— деди хотин.

Иван Фёдорович, Катя, Нарезный бобой ва унинг невараси жинчироқ ёқилган уйда стол ёнига келиб ўтиришгач, Иван Фёдорович қош-қовоғини солиб туриб:

— Хўш, янги тартиб қалай экан!— деб кулимсираб сўради.

— Янги тартиблари бошини есин: комендатурадан бир немис келиб, ҳар кун сигир бошига олти литрдан сут ҳамда ойда товуқ бошига тўққизтадан тухум берасан деб кетди,— Марфа уялинқираб ва айни вақтда ўзининг қора кўзларини Иван Фёдоровичга ғалати бир тусда, хотин кишиларга хос бир жилва билан учириб гапирди.

Марфа элликларга бориб қолган бўлса ҳам, лекин барча ҳаракатларида — столга овқат келтириб қўйишида ҳам, идиш-товуқларни йиғиштириб олишида ҳам қандайдир ёшлик, чаққонлик кўриниб турарди. Тоза йиғиштирилган, яхши оқартирилиб, каштали сочиқлар билан безалган уй бири-биридан кичик болаларга лиқ тўла эди. Унинг ўн тўрт ёшли ўғли билан ўн икки ёшли қизи, ётган ўринларидан туриб ҳозир кўчада пойлоқчилик қилиб туришган эди.

— Ҳар икки-уч кунда мол топшир деб буйруқ келади. Ана кўрдингизми, бизнинг қишлоғимизда жуда бўлса юз хўжалик бордир, ҳозирдаёқ йигирма бош сигир топшириш тўғрисида иккинчи марта буйруқ олдик, ана сизга янги тартиб,— деяро эди Марфа.

— Сен ҳадеб куйиб жизгинак бўлаверма, Марфа хола! Биз уларни ўн еттинчи йилдан биламиз. Улар қанча шитоб билан келишган бўлса, яна ўшандай кетишади!..— деди-ю Нарезный, сопла-соғ тишларини кўрсатиб, бирдан хохолаб кулиб юборди. Унинг қуёшдан қорайган буғдой ранг юзидаги туркча кўзлари мардона ва маккорона ялтиради.

Бу гапларнинг боягина ўлим билан юзма-юз бўлган кишининг оғзидан чиқаётганига ишониш қийин эди.

Иван Фёдорович Катяга зимдан қараб қўйди; унинг жиддий юзи энди меҳр табассумлари билан ёришган эди. Кўп кунлик урушдан ва шу даҳшатли қочишдан сўнг, аллақачон ёшлари қайтган бу икки кишидан Иван Фёдорович билан Катянинг димоғига ёшлик ҳиди уриб турарди.

Марфа «юрагини кенг қилиб» столга сузма, қаймоқ, сариёғ, тухум қовурдоқ келтирди. Иван Фёдорович дастурхонга ишорат қилиб, Нарезнийга кўз қисди-ю:

— Иш катта-ку, Марфа хола, улар сизни қанча талашса ҳам яна дастурхонингиз гулини тўкмабди-да!— деди.

— Вой, нечук гулини тўксин! Билмайсизми, «хотин киши бор уй — давлатдор уй» деган украин мақолини? Энг қашшоқнинг уйи бўлгандаям, уни талаб, ичиб-еб адо қилиб бўлмайди,— Марфанинг юзи қизариб қизларча уятчанлик ва шу қадар дағалроқ очиқлик билан ҳазил қилдики, Иван Фёдорович билан Нарезний чапак чалиб юборишди, Катя эса кулимсиради.— Мен бор бисотимни беркитиб ташлаганман!— деб Марфанинг ўзи ҳам кулди.

— Оббо ақли расо хотин-эй!— деди Проценко калласини чайқаб.— Энди кимсан, колхозчими ё якка хўжаликми!

— Немислар кетгунча отпуссага чиққан колхозчи,— деди Марфа.— Немислар бизни одам қаторига қўшмайди. Улар колхозимизнинг ерларини германники дейишади... Ҳа, отинг қургур нима эди — райхми! Нима эди, Корний Тихонович?

— Райх бўлса райх-да, қўявер!— аччиққина кулимсиради чол.

— Мажлисда аллақандай бир қоғозни ўқиб беришди,— нима эди, Розенбергми, у отинг қургур золим, а, Корний Тихонович?

— Ҳа, Розенберг, қўявер!— деб жавоб берди Нарезний.

— Уша Розенберг, кимда-ким герман райхи учун яхши ишласа ва ўз улови билан инвентари бўлса, ана ўшоларгина ердан якка хўжалик бўлиб фойдалана олади, лекин ҳамма эмас, дебди. Колхоз бугдойини бизга ўроқ билан ўрдиришаётгандан кейин, галлани эса ўз райхига олиб кетишаётгандан кейин, ахир, қандай инвентарь бўлади! Бизнинг аёллар ўроқ билан ўришни эсдан чиқариб юборишган. Далага чиқамиз-да, бугдой салқинида ётиб ухлаймиз...

— Староста ҳеч нима демайди?— деб сўради Иван Фёдорович.

— Староста ўзимизга қарашли киши,— Марфа жавоб берди.
Проценко тагин:

— Оббо доно хотин-эй!— деб, тагин калласини чайқади.—
Эринг қаерда?

— Қаерда бўларди? Фронгда. Менинг Гордий Корниенкам
фронгда,— деди хотин жиддий овоз билан.

— Ҳай, менга рост гапни айт: мана, шунча боланг бор-у, яна
бизни яширасан,— наҳотки, ўзинг учун ва шу болаларинг учун
қўрқмайсан?— деб Иван Фёдорович бирдан рус тилида сўраб
қолди.

— Қўрқмайман!— деб Марфа ҳам русча жавоб қилди, ўзи-
нинг қора ёш кўзларини унга тикиб.— Майли, калламни олиш-
майдими! Қўрқмайман. Лоақал нима учун ўлаётганимни билиб
ўламан-ку. Ҳа, айтмоқчи, сизлар ҳам бизнинг фронтдагилар би-
лан алоқа қилишиб турасизларми?

— Ҳа, алоқа қилишиб турамиз,— деб Иван Фёдорович жа-
воб берди.

— Ундай бўлса, бизникиларга айтиб қўйинг: улар то охи-
ригача уришишсин. Майли, эрларимиз ўзларини аямасин,—
Марфа виждонли, оддий аёл ишончи билан сўзлар эди.— Мен
сизга айтиб қўйай: аҳтимол, бизнинг отамиз,— у гўё ўз болалари
номидан сўзлаётгандек, эрини «бизнинг отамиз» деб айтди,—
аҳтимол, отамиз қайтмас, аҳтимол, у жангда азиз жопидан аж-
рар, лекин биз нима учун эканини биламиз! Мабодо бизнинг
ҳокимият яна ўз ўрнига қайтса, у болаларимга ота бўлади!..

— Оббо доно хотин-эй!— деди учинчи марта Иван Фёдоро-
вич мулойим бир оҳангда. Кейин калласи солинди ва анча вақт-
гача кўтармай ўтирди.

Марфа, Нарезнийни невараси билан уйида ётқизди, қурол-
ларини кўнгли тўқ жойга яшириб қўйди. Иван Фёдорович би-
лан Катяни устини ўт босган, ичи соғона сингари муздай ўрага
киритиб қўйди.

— Пича захроқ, лекин иккита пўстинча опкелдим,— деди
Марфа уялинқираб.— Керак бўлса, мана бу ерда похол ҳам
бор...

Эр-хотин ёлғиз қолди, қоронғи ўрада, похол устида бир қан-
ча вақтгача жим ўтиришди.

Бирдан Катя иссиқ қўллари билан Иван Фёдоровичнинг
бошини қучоқлаб, уни кўкрагига босди.

Шунда Иван Фёдоровичнинг кўнгли юмшаб кетди.

— Катя!— деди у.— Бу партизанликни энди биз бутунлай

бошқача йўлга солиб юборамиз. Бутунлай бошқача йўлга сола-
миз,— кучли ҳаяжон билан дерди у, хотинининг қучоғидан чи-
қиб кетди.— О, ичимдаги дард-аламнинг қандай кучли эканлигини
билсанг!.. Бизнинг ландовурлигимиз орқасида ҳалок бўлиб кет-
ган кишиларимиз учун дилим оғриydi. Лекин, ҳамма ҳалок бўл-
мади-ку! Менимча, кўпчилиги қуршовни ёриб чиқиб кетган-
дир?— деб сўрарди у, гўё бировнинг тасдиғини кутгандай.—
Майли, Катя, майли Нарезнийга ўхшаган, Марфага ўхшаган-
ларни халқ ичидан минг-мингини топамиз!.. Йў-ўқ, Гитлер бу-
тун немис миллатини аҳмоқ қилган бўлса, Иван Проценкони аҳ-
моқ қила олмади,— йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас!— зўр
ҳаяжон ичида дерди у, гарчи хотини, Екатерина Павловна, рус
бўлса-да, ўзининг украинча гапира бошлаганини сезмасдан.

УТТИЗИНЧИ БОБ

Дарахтлар ва кўкатларнинг илдиэлари остида, ер дарэлари-
да ва тупроқ тагида ер ости сувлари шарпасиз ва бетўхтов, ин-
сон кўзига кўринмай, турли томонга сизгиб туриши сингари не-
мислар ҳоқимияти остида ҳам миллионлаб эркаклар, хотинлар,
болалар, қарилар,— бизнинг еримизда яшовчи ҳамма миллатга
мансуб кишилар дала-дашт, ўрмон, тоғ сўқмоқлари, жерлар,
дарёларнинг тик қиргоқлари, шаҳар ва қишлоқларнинг кенг ва
тор кўчалари, гавжум бозорлар ва қоронғи тун қилватгоҳларида
жойдан жойга қатнаб турар эдилар.

Жонажон юртларидан қувилган, жонажон юртларига яна
қайтиб келаётган, ҳеч ким танимайдиган жой қидирган, фронт
линияларидан озод совет ерига ўтиб бораётган, қуршовдан чи-
қиб, немис асоратидан ё қамоқ лагерларидан қочиб кетаётган-
лар, шунчаки муҳтожлик билан кийим-кечак ва озиқ-овқат қи-
дириб юрганлар, эолимга қарши кураш қуролини кўтарганлар—
партизанлар, яширин иш олиб борувчилар, диверсантлар, аги-
таторлар, душман орқасидаги разведкачилар, улуғ халқнинг че-
киниб бораётган улуғ армияси, разведкачилар,— ана шуларнинг
ҳаммаси борадилар, юрадилар, улар қум каби ҳад-ҳисобсиздир-
лар...

Донецдан чўзилган дашт йўлида қизил юзли кичкина бир
киши офтобда боради. Унинг эғнида одми, деҳқон кийими, ияги-
да мужикларники сингари майин, қорамтир соқол, орқасида га-
дир бўз халта. Унга ўхшаш минглаб одам юриб келмоқда... Ким

билсин, у ким? Кўзлари кўк, лекин кўзларига қараб таниб бўладими? Эҳтимол, у кўзларда шайтон ўйини бордир, эҳтимол, улар вахмайстерга ва ҳатто гауптвахмайстерга ҳам энг расмана киши кўзлари каби қарар!

Қорамтир соқолли, деҳқонча кийинган кичик жуссали киши Ворошиловград шаҳрига кирди-да, кўча оломони орасида кўздан ғойиб бўлди. Шаҳарга у нима учун келди? Балки халтасида бозорга, сариёғ, ё сузма, ё ўрдак келтиргандир, уларни миҳга, бўзга ё тузга алиштиромоқчидир? Эҳтимолки, у фельдкомендатуранинг еттинчи бўлим кенгаши доктор Шульц ҳоқимиятини таг-туғи билан емира оладиган энг мудҳиш кишидир!..

Кичик шахтёрлар шаҳарчасининг четида, даштга қараб чўзилиб кетган тор ва қоронғи жарликнинг тепасидаги ёғоч кулбада, биргина деразаси одеял билан тўсиб қўйилган хонада жиңчиरोқ ёруғида икки киши ўтирибди: бири — семиз юзи паст томонга салқиб тушган, ёши қайтиб қолган бир киши бўлиб, иккинчиси — куч ва ғайратга тўлган, тим сариқ киприклари остидаги кўзлари катта-катта очилиб турган ўсмир йигитча.

Икковида — ёшида ҳам, қарисида ҳам, бир-бирига ўхшаш бир нарсаси, ҳатто кеч тун қоронғисида, немис оккупацияси ҳукм сурган ёвуз бир кунда, жўрттага кийингандай тоза ва саришта кийиниб, бўйинларига галстук тақиб ўтиришларида ҳам ўхшашлик бор.

— Узингизда жонажон Донбассимиз учун фахр туйғусини тарбия этинглар. Эсингдами, катта ўртоқларимиз Артём, Клим Ворошилов, Пархоменколарнинг қандай курашгани? — дейди чол ва унинг шиддатли кўзларида жинчиरोқнинг хира ёруғи эмас, балки бир вақтлар бўлиб ўтган жанглар ёғдуси акс этганга ўхшайди. — Эсингдами? Болаларга айтиб бера оласанми?

Йигитча, ўнг елкасидан сал баландроқ кўринган чап елкасига бошини соддагина эгиб ўтиради.

— Эсимда... Айтиб б-бера оламан, — дейди у, бир оз дудуқланиб.

— Донбассимизнинг шон-шухрати нимада? — деб давом этади чол. — Қанча қийинчилик тортмайлик — граждандар уруши йилларида ҳам, биринчи беш йилликда ҳам, иккинчи беш йилликда ҳам, мана ҳозир уруш бўлаётган даврда ҳам — ҳаммиша биз ўз бурчимизни шараф билан бажариб келганмиз. Болаларга мана шуни уқдир...

Чол жим бўлади. Йигит унга ҳурмат билан қараб, жим ўтиради. Чол давом этади:

— Яна шуни унутманглар: ҳушёрлик, зийраклик — яширин ишнинг гарови... «Чапаев» деган картинани кўрганмисан? — сўрайди чол, жиддий оҳанг билан.

— Кўрганман.

— Василий Иванович Чапаев нима сабабдан ҳалок бўлиб кетди? Шу сабабдан ҳалок бўлдики, қоровулар ухлаб қолиб, душман жуда яқинлашиб келиб қолди. Ҳушёр бўлинглар, кечасиям, кундузиям ҳушёр ва зийрак бўлинглар... Полина Георгиевна Соколовани танийсанми?

— Танийман.

— Қаердан танийсан?

— Ойим билан бирга хотин-қизлар ўртасида ишлашган эди. Улар ҳозир ҳам бир-бирлари билан ўртоқ...

— Тўғри... Фақат сен билан менгина билишимиз керак бўлган ҳамма гапларни Полина Георгиевнага етказиб турасан. Одатдаги алоқамиз эса бугунги сафаргидек, Осьмухин орқали бўлиб туради. Бизнинг ортиқ учрашувимиз мумкин эмас... — Йигитчанинг юзида пайдо бўлиши мумкин бўлган ранжиш, хафалик ва ҳатто эътироз аломатларининг олдини олмоқчи бўлгандай, Лютиков бирдан унга очилиб кулиб қаради.

Лекин Олегнинг юзида бу туйғуларнинг биронтаси ҳам ифода этмайди. Унга билдирилган ишонч, — ҳатто Филипп Петрович шаҳарда юриш тақиқ этилган бир пайтда уни ўз уйига келтирди, — Олегнинг қалби гурур ҳамда бениҳоя садоқат туйғуларига тўлди. Унинг юзида болаларга хос кенг ва содда табассум порлади. У ҳам кулиб туриб:

— Раҳмат! — дейди.

Ҳеч ким танимайдиган бир ўсмир бола даштнинг пастлигида шумшайиб олиб ухлайди, қуёш уни иситади, кийимларидан буг кўтарилади. Ўсмир, дарёдан чиққач, ажриқ устида қолдириб кетган ҳўл изларни қуёш қуритади. Агар у кечаги ҳўл кийимлари билан далада ухлаб қолган бўлса, дарёдан ўтгунча қанчалик чарчадикин!

Лекин қуёш қизита бошлади дегунча, ўсмир уйғонади ва яна йўлга тушади. Оқиш сочлари қуриди ва кўркам бир тусда ўз ўзича мавжланди. Иккинчи кечани кончилар посёлкаснда, тўғри келган бир уйда ўтказди, у ерда унга бошпана бердилар, чунки уни ҳам — қишлоқ деса бўлади: у краснодонлик, Ворошиловградда ўқиган, энди эса уйига қайтиб келаётир. Шундай қилиб, куппа-кундузи Краснодонга кириб келади. Ота-онасининг аҳволи нима бўлганини, уйларида немислар туриш-турмаслигини

билмайди, шунинг учун мактабдош ўртоғи Володя Осьмухинни-
кига боради.

Аввал Володя Осьмухинларникида немислар турарди, энди
жўнаб кетган.

— Женья!.. Қайдан шамол учирди?

Лекин Володянинг ўртоғи ўзининг одатдаги бирмунча керик
ва расмий одати билан гапирди:

— Хўш, ўзинг нима қиялпсан, аввал шундан гапир...

У, Володянинг эски ўртоғи, комсомол Евгений Стахович, ун-
дан яширадиган ҳеч нарсаи йўқ. Шунинг учун Володя шахсан
ўзига тааллуқли ҳамма нарсаи унга айтиб беради.

— Ҳа-ҳа...— дейди Стахович.— Яхши. Сендан бошқа нарса
қутмаган эдим...

У бу сўзларни бир ҳомий оҳангда гапирди. Эҳтимол, бунга
ҳаққи ҳам бордир. У Володя сингари, яширин курашга бош қў-
шишга чанқаб турибди эмас, балки партизанлар отрядида жанг
ҳам қилган, унинг сўзига қараганда, Краснодарда шу ишни
уюштириш учун штаб уни расмий вакил қилиб юборган.

— Иш катта-ку!..— дейди ҳурмат билан Володя.— Дарҳол
Олегнинг олдига боришимиз керак...

— Олегнинг ким?— деб сўрайди Стахович керик бир тусда,
чунки Володя Олегнинг номини катта бир ҳурмат билан тилга
олган эди.

— У, огайни, шундай бир болаки!— дейди Володя, хоҳлага-
нингча тушунавер дегандай қилиб.

Йўқ, Стахович Олегни танимайди. Агар у фойдали бола
бўлса, нима учун ҳам унинг олдига бормасин?

Расмана кийинган, тахлити ҳарбийча бир киши Борцлар
уйининг эшигини астагина тақиллатди.

Уйда фақат кичкина Люсянинг ўзи бор. Онаси баъзи у-бу-
ларни овқатга алиштиргани бозорга кетган. Валя эса... Йўқ, уй-
да яна отаси ҳам бор, лекин энг даҳшатлиси ана шу. Қора кў-
зойнакли отаси дарров жазонга яширинади. Люся эса юраги
дук-дук уриб, ўзини катта кишиларга ўхшатиб, эшик ёнига ке-
лади-да, мумкин қадар катталардай бир оҳангда сўрайди:

— Ким бу?

— Валя уйдами?— ёқимли, уятчан нозик бир овоз билан
эшик орқасидан эркак товуши сўрайди.

— Йўқ...— Люся энди нима бўларкин деб жимийди.

— Эшикни очинг, қўрқманг,— дейди яна ўша товуш.— Узингиз кимсиз?

— Люся.

— Люся? Валянинг синглиси? Очинг, қўрқманг...

Люся эшикни очади. Зинапояда Люсяга нотаниш узун бўйли, сарв қоматли камтар бир йигит турар эди. Люся уни катта кишидек қабул қилади. Унинг кўзлари мўмин, жуда озгин юзи келишган, мардона. У кўзлари билан кулимсираб Люсяга қарайди ва унга ҳарбийларча салом беради.

— Тез келадими?— деб йигит нэзокат билан сўрайди.

Люся бу ҳурмат белгисини жиддий бир суратда маъқуллайди. Кейин йигитнинг кўзларига пастдан юқори жиддий бир назар билан қараб:

— Қайдам,— дейди.

Йигитнинг қўлтиғидан тарвузи тушгандек бўлади. У бирмунча вақт жим туради-да, кейин яна честь беради. Лекин у солдатча қайрилиб энди кетай деб турганда, Люся шошиб сўраб қолади:

— Валяга нима деб айтай?

Унинг кўзлари бир зумгина кулгили ифода олади, лекин у том бир жиддият билан гапиради:

— Куёвинг келди деб айтинг...

Шундан кейин юрганича зинапоядан тушиб кетади.

— Дарров кетиб қоляпсиз-ку? Ахир у сизни қандай топади?— дейди Люся, унинг орқасидан ҳаяжонли бир тусда шошиб.

Лекин Люся бу сўзларни ғоят қўрқиб ва ғоят кечикиб гапиради. Йигит Деревянная кўчаси билан переезд томонга қараб узоқлашган эди.

Валянинг куёви... Люся ҳаяжонда. Албатта, у бу хабарни отасига айта олмайди. Буни онасига ҳам айтиш мумкин эмас. «Уни ахир уйимизда ҳеч ким танимайди!.. Балки, уйланишмас?» деб Люся ўзига тасалли беради.

Ёш кишилар — ёш боладай икки ўсмир билан икки қиз далада айланишиб юради. Ҳеч ким ўйнамайдиган шундай қўрқинчли чоғларда нима учун икки йигит билан икки қиз далада ўйнаб юришади? Улар иш кунда, иш соатида, шаҳардан жуда узоқда сайр этиб юришади. Лекин бошқа ёқдан ўйлаганда, сайр этишни ҳеч ким тақиқ қилган эмас.

Улар жуфт-жуфт бўлиб сайр этадилар: сочлари оқиш, бир оз жингалак, ҳаракатлари чаққон ва тез, яланг оёқ бир йигитча билан яланг қўл-оёқларини юнг босган олтин тусли сариқ сочлари ўрилган бугдой ранг бир қиз; сочлари сарғиш, жуссаси кичик, юзлари сепкил иккинчи йигит билан оғир-босиқ, кийимлари одми, кўзлари маъноли — Тося Машченко деган қиз. Жуфтлар гоҳ бир-бирларидан ажралиб узоқ-узоқларга кетади, гоҳ яна бир жойга тўпланишади. Улар эрталабдан то кечгача, чанқашиб, офтобда куйишиб, сайр этиб юришади. Офтобда оқиш сочли йигитчанинг юзидаги сепкиллари икки-уч баравар кўпайиб кетади. Улар ҳар сафар, қўллари ва чўнтаклариди алла нарсалар: ўқ, граната, баъзан немис милтиғи, тўппонча, рус милтиғи олиб келадилар. Бунда ажабланарли бир нарса йўқ: улар, чекиниб кетган Қизил Армиянинг сўнги жанглари бўлган районда, Верхнедудванная станцияси ёнида сайр этиб юрадилар. Бу қурол-аслаҳаларни немис комендатурасига элтиб топшириш ўрнига, чакалакзор ёнидаги бир хилват жойга олиб бориб кўмадилар. Лекин уларни ҳеч ким кўрмайди.

Ҳаммага онабоши бўлиб юрган жиккак бола бир вақт зарядли мина топиб олади ва оқ-сариқ сочли қиз кўзида, бармоқларини гоят эпчиллик билан ишлатиб, мина зарядини чиқариб олади.

Бу районда мина кўп бўлса керак. Энди у ҳаммага мина зарядини олишни ўргатади. Миналар ҳам иш бериб қолади.

Олтиндек товланиб турган оқ-сариқ кокилли қиз, қуёшда қаттиқ қорайиб, чарчаб, юз-кўзлари аллақандай бўлиб оқшомда уйига қайтиб келади,— бу биринчи оқшом қайтиб келиши эмас. Люся уни бир дақиқа боғчага судраб олиб чиқади. Люся, кўз оқини қоронғида йилтиратиб, даҳшатли бир шипшиш билан куёв хабарини айтади.

— Қандай куёв? Нега бўлмагур гапни гапиряпсан? — дейди Валя, зарда қилиб ва бир оз тараддудланиб.

Валянинг кўнглига икки фикр келди, бири — балки у немислар юборган жусусдир, деган фикр бўлса, иккинчиси — Валянинг ишларидан дарак топган яширин большевик ташкилоти уни қидириб ўз вакилини юборгандир деган қарама-қарши фикр эди. Лекин бу ҳар икки тахмин ҳам дарров йўқолади.

Гарчи Валя, портлаш моддаси билан тўлдирилган мина сингари, саргузаштлар адабиёти билан тўлган бўлса-да, лекин у ўз тенгқурлари сингари реал, практик бичимдаги одам. У ҳамма танишларини бирма-бир хаёдан кечирди, бирдан ичига чироқ ёқилгандек бўлиб кетди... Утган йили баҳори... Ленин номли

клубда драма тўғарагининг хайрлашув спектакли бўлди.— Валя Туркенични Севастополдаги зенит артиллерия мактабига узатиш кечаси бўлган эди. У — куёв, Валя эса — қайлиқ ролида ўйнаган эди... «Куёв!..» Уша-да, албатта!

Ваня Туркенич! У одатда қизиқчи чоллар ролини ўйнар эди. Албатта, бу ер Москва бадий театри эмас. «Менинг тилагим шу,— дер эди у,— биринчи қатордан охирги қаторгача ўтирган томошабин кула бериб терга пишиб кетсин». Шундай дер эди-ю. тилагига тўла-тўқис муваффақ ҳам бўлар эди. Қайси бир ролда чиқмасин, майли, «Бесталанная» дами, ё «Биринчи сайр» дами, барибир, ўзини нуқул боғбон Даниличга ўхшатиб грим қилиб оларди. Лекин ҳозир у фронтда-ку, бу ерга қандай келиб қолсин? Ахир, у Қизил Армия лейтенанти. Зенит тўплари билан танк отишни ўрганиш учун бултур қиш Сталинградга юборишганда, шаҳарда қўниб ўтган эди.

— Ҳамиша шундай қиласан, ойи, ахир сенинг нима ишинг бор? Овқат егим йўқ!— дейди-да Валя, ғизиллаганича Олегни-хига қараб чопади.

Туркенич Краснодонда!

Муъжазгина, оппоққина бир қиз бепоён ерларда саргардон кезиб юради, у бутун Польшани ва бутун Украинани босиб ўтади, у ҳад-ҳисобсиз инсон қумлари орасида бир заррачагина эди... У юра-юра Первомайкага етади-да, кичик бир уй деразасини қоқади.

«Агар опа-сингил Иванцоваларнинг бири оппоққина қиз бўлса, билингки, улар опа-сингил Иванихиналардир...»

Фронтда бедарак бўлиб кетган Лиля Иванихина ўз юртига қайтиб келди.

Уля буни Майя Пегливанова билан Саша Бондаревадан эшитди. Дилкаш, шўх Лиля, дугоналар жони, дугоналари орасида ўз онаси ва дўстларидан биринчи ажралган, бу мудҳиш кураш ўпқонига биринчи тушган, дараксиз бўлиб кетган, қачонлари кўмилган ва яна қайта тирилган Лиля қайтиб келди!

Ана шунда уч ўртоқнинг ҳаммаси,— қилиқлари ўғил болаларниқига ўхшаган, нозикдан келган Саша Бондарева, пастки лаби мағрурона дурдайган, сергайрат ва ҳамманинг камчилигини тузатиб, тарбия бериш одатини ҳатто немислар ҳукмронлиги замонида ҳам ташламаган, лўли сингари қоратўриқдан келган Майя ҳам уйлариде туриб кетган немис солдатлари қўлидан зўр-

ға қутулиб қолған бирдан-бир оқ донали тұқ одми кўйлаги устидан қора қўнгироқ кокилларини кўкракларига тушириб юрадиган Уля,— шу уч ўртоқнинг ҳаммаси посёлканинг ўртасида, мактаб яқинида турувчи Иванихиналарникига қараб югуриб кетишди.

Битта ҳам немис қолмаган бир посёлкада югуриб бориш ғалати туюлар әди. Қизлар ўзларини шу қадар хур сеза бошлаган әдиларки, жон кирганини ҳам пайқамадилар. Улянинг қора кўзларида шу қадар шодлик ва юзида сира кўрилмаган шўх бир табассум ўйнар, бу табассум ўртоқларининг ва улар тева-рагида турган кишиларнинг ҳам юзларида акслангандек бўлар әди.

Мактаб биносига етар-етмас, мактаб эшигининг бир қанотига ёпиштириб қўйилган рангдор плакатга кўзалари тушди. Қизлар бамисоли тил бириктириб қўйгандек, эшик зинапоясига югуриб чиқдилар.

Плакатда немис оиласи тасвир этилган: унда олдига фартук тутган ва бўйнига капалак тахлит галстук тақилган йўл-йўл кўйлак, бошига шляпа кийган, қўлида сигараси билан кулиб турган катта ёшли бир немиснинг расми, бошига чепчик, эгнига пушти кўйлак кийган семиз аёл; ёнидаги эркаги сингари тиржайиб турган у аёлнинг атрофини энди ёшига тўлган семиз, бетлари сақки ўғил боладан тортиб оқиш сочли, кўк кўз қиз болагача ҳар хил ёшдаги болалар ўраб олган. Черепицалари устида буқоқ капталар ғуриллашиб юрган баланд томли қишлоқ уйининг эшиги ёнида турган эркак ҳам, аёл ҳам, кичкинаси ҳатто қўлчасини чўзиб турган болалар ҳам қўлида сирланган оқ челақ кўтариб рўпарадан келаётган қизга кулиб қараб туришибди. Эгнида тұқ рангли сарафан, олдида тұр фартук, бошида ҳалигидек чепчик, оёқларида чиройли қизил туфли, ўзи семиз, бурни қаншайган, бетлари қип-қизил бу қиз ҳам йирик тишларини иржайтириб, кулиб келмоқда. Суратнинг ичкари томонида отхона билан молхона кўринади, унинг ҳам черепицали баланд томида капталар ўйнашиб юради, кўм-кўк осмоннинг бир парчаси, бугдойлари бошоқлаган даланинг бир чети ва молхона ёнида турган зотдор чипор сигирлар кўринади.

Плакатнинг остига: «Мен бу ерда уйлик ва оилалик бўлдим» деб русча ёзиб қўйилган ва пастга, ўнг томонга «Катя» деган «мэо қўйилган.

Шаҳарда немис солдатлари турган пайтда Уля, Майя ва Саяна яна ҳам қадрдон бўлиб кетган әдилар. Борди-ю, биронтаси-

нинг уйига немис қўнгалн тушса, бошқасиники бўш бўлса, бу уч ўртоқ ўша холи уйда тунаб чиқишарди. Лекин ўша кунларда бу уч ўртоқ, худди индамасдан гапни бир жойга қўйишгандек, қалин сўзлашиш вақти келмаганини билгандек, ҳаётидаги энг катта ва энг асосий нарса ҳақида, яъни немислар ҳукмронлиги остида қандай яшаш лозимлиги тўғрисида бир-бирлари билан гаплашмаган эдилар. Ҳозир ҳам бир-бирига кўз ташлади-ю, зинапоядан фикр этмай тушиб, яна индашмасдан, бир-бирига қарашмасдан, Иванихиналарникига қараб кетишди.

Опа-сингиллардан энг кичиги, на бўйига етган қизга ва на гўдак қизга ўхшайдиган узун оёқ, бурни катта, қалин қўнғир сочли Тоня, суюнчи ичига сиғмай, уйдан югуриб чиқди.

— Қизлар! Эшитдингларми? Вой худо, шундай суюндимки! — деди у, кўзларига дарҳол ёш олиб.

Уй ичи қизлар билан лиқ тўла эди. Яқинда шаҳардан қайтган опа-сингил Иванцовалар — Оля билан Нина ҳам шу ерда эди. Улянинг кўзлари шу қизларга тушди, Уля уларни кўрмаганига кўп ойлар бўлган эди.

Эвоҳ, Лиляга нима бўлибди! У оқиш сочлари ва мурувват тўла шўх кўзлари билан шу қадар оппоқ, тоза, майин, ширмой нондек юмалоққина эди. Энди озиб-тўзиган гавдаси ёнига мажолсиз қўлларини тушириб, Уля олдида шумшайиб турар эди. Қонсиз юзига ҳасталик ўзининг мудҳиш тамғасини босган, бурнининг фақат суюги чиқиб қолган, аммо кўзлари илгариги мурувват ифодасини йўқотмаган... Йўқ, бу илгариги мурувват ифодаси эмас!

Уля зўр бир жўшқинлик билан Лиляни индамай қучоқлади ва унинг юзчасини ўз кўксига босиб, қучоғидан узоқ вақтгача чиқармай турди. Лиля юзини Улянинг қучоғидан олганда, унинг юзида мулоиймлик ёки ҳаяжон аломати йўқ эди. Лилянинг мурувват тўла кўзларида қандайдир ётлик, бегоналик ифодаси бор, гўё Лилянинг бошидан кечирган кунлари уни болалик чоғларидаги дўстларидан шу қадар узоқлаштирганки, у ўртоқларининг оддий, кундалик ҳис ва сезгиларига, улар буни қанчалик астойдил ва жўшқинлик билан ифода этмасинлар, барибир, шерик бўла олмайдигандек кўринар эди.

Саша Бондарева Лиляни қўлидан тортиб, уй ичида пириллатди.

— Лилечка! Сенмисан?.. Лилягинам, ўзимнинг ўртоқжоним, олтингинам! Мунча озиб кетдинг-а! Ҳа майли, майли, майли, ўзимиз семиртириб оламыз, топилганингга минг шукур, Лилеч-

ка, бўталоғим!— деяр эди ўз сезги ва ҳисларини дарҳол очиб соладиган Саша, Лиляни уй ичида пириллатиб.

Майя, пастки дўрдоқ лабини буриштириб, кула-кула:

— Вой, қўйиб юбор уни!— деди. Кейин у ҳам Лиляни қучоқлади, ўпди ва дарҳол:— Қани, сўзла, сўзла!— деди.

Лиля ҳам ўзига ёпишиб олган қизлар даврасида ўтириб, жим, бамайлихотир бир овоз билан сўзлай кетди.

— Тўғри, эркаклар орасида бизга қийин бўлса ҳам, лекин мен, ўз батальонимиздаги болалардан мени ажратиб қўймаганликлари учун қувонар, қувониш эмас, бахтиёр бўлиб юрардим. Ахир, биз бирга-бирга чекинишган, қанча одамларимиздан ажраб қолган эдик... Биласизларми, қизлар, ўз кишиларимиз ҳалок бўлганда, кишининг юраги жуда ачишар экан. Ротада атиги етти-саккизта киши қолса-ю, ҳаммасини номма-ном билсанг, унда ҳар бирини жигарпорангдек кўрасан... Эсимда, бултур ярадор бўлганимда мени Харьковга келтириб, яхши госпиталга жойлаб қўйишди, мен бўлсам яланг: «Батальонда менсиз нима қилиш-яптикан!» деб ўйлайман. Ҳар кун хат ёзаман, улар ҳам, якка-якка ва коллектив бўлиб ёзишиб туради, мен бўлсам узу-кун: «Қачон, қачон бораман...» деб орзиқаман. Кейин менга отпуск беришди, отпускдан кейин бошқа қисмга тушиб қолишим мумкин эди, лекин комендантга ялинган эдим, эшелондаги ўз кишиларимиз орасига жойлаб қўйди... Мен Харьковда ҳар вақт пиёда юрар эдим, нега десангиз, бир кун трамвайга тушиб, ўлгудек хафа бўлиб кетдим! Одамлар бир-бирларини итаришади, ҳақорат қилишади, мен ўшанда ўзим учун эмас, улар учун хафа бўлиб кетдим,— ахир, бу қандай гап, ўзим ҳарбий киши бўлсам-у, кўзимдан ёш қуйилиб турса, нима қилай, шу одамлар учун хафа бўлиб кетдим, уларга раҳмим келди. Оҳ, бизда, фронтда ҳар куни қанча одам биронта ортиқча сўз айтмай, хархаша қилмай жимгина ҳалок бўлаётганини кошки билсангиз эди,— деб ўйлайман.— Улар ўзларини эмас, бир-бирларини авайлайдилар, ахир улар сизларнинг эрларингиз, оталарингиз, ўғилларингиз-ку... Агар шулар устида қитдек ўйлаб кўрсангиз эди, бир-бирингизга қўполлик қилиш, ҳақорат тоши отиш ўрнига, бир-бирингизга йўл беришга, ширин сўз айтишга, агар бировни беҳосдан ранжитган бўлсангиз, ундан уэр сўраб, бошини силашингиз лозим бўларди.

У ўртоқларига эмас, балки улар ўртасидан қайларгадир қараб тургандек, текис, паст бир товуш билан сўзлар, ўртоқлари

эса Лиляга яқинлашиб, жим ўтириб тинглашар, ҳаяжонли кўзларини Лилядан узмас эдилар.

— Очиқ, яланг лагерда турдик. Ёмгир ёгса тагида дириллашамиз, кепакдан ё эса картошка пўчоғидан қилинган атала едиршиди, иш бўлса ўлғидай огир, йўл қураамиз, йигитлар тутдек тўкилишди. Кундан-кунга, кундан-кунга камайиб боришди, кўплари оламдан ўтиб кетди. Биз хотинлар,— Лиля тўғридан-тўғри: «биз хотинлар» деди, лекин биз қизлар демади,— биз хотинлар ҳар нечук эркаклардан кўра кўпроқ чидам кўрсатдик. У ерда бизнинг батальонимиздан тушган бир бола бор эди, ўша сержант Федя билан дўстлашиб, жуда ҳам иноқлашиб юрдим,— деди Лиля паст овоз билан,— у яланг хотинларга тегишиб: «Хотин зотининг запаси ичида бўлади» дер эди. Бизни бўлак лагерга ҳайдаб олиб кетишаётганда унинг ўзи ҳам чндай олмади, конвой уни отиб ташлади. Лекин дарров жон бермади, анча ётди, чиқиб кетаётгандай менга термулиб қараб қолди, мен бўлса уни энди ортиқ қучоқлай олмадим, ўпа олмадим, шундай қилсам мени ҳам отиб ташлашарди...

Лиля уларни бошқа лагерга қамаганликларини, у ердаги хотинлар бўлимида Гертруда Геббех деган немис назоратчи хотин бўлганини ва у урғочи бўри, қизларни ўлгудек қийнаганларини сўзлади. Сўнгра Лиля хотинларнинг: ё ўзимиз ҳалок бўламиз, ё бўлмаса Гертруда Геббехни йўқ қиламиз деб аҳдлашганини ва кечаси ишдан қайтиб келаётиб ўрмонда қоровулнинг кўзини шамғалат қилиб, Гертруда Геббехнинг устига шынель ёпиб туриб бўғиб ўлдирганини, сўнгра бир неча хотин-қиз бирликда қочганликларини айтди. Лекин улар Польша билан Украинадан то уйларига бирга қайтиша олмай, йўлдаёқ бир-бирларидан ажраб кетишган. Лиля эса бу юз-юзлаб километрли йўлдан ўзи ёлғиз ўтган, унга поляклар, кейин украинларимиз йўлда бошпана беришган, боқишган.

Бу қайғули саргузаштни бир вақтлар эл қатори краснодонлик бўлган оппоққина, семизгина, меҳрибон қизча — Лиля сўзлар, у ҳам ўша вақтлар ҳозирги ўртоқлари сингари эди. Гертруда Геббехни шу ўзи бўғиб ўлдирганини, сўнгра эса ана шу томирлари ўйнаб чиққан кичкина оёқлари билан бутун Польша ва немислар эгаллаган Украина орқали пиёда юриб келганини кўз олдига келтириш қийин эди. Ҳар бир қиз ўзи ҳақида: «Агар шу кулфатлар менинг бошимга тушган бўлса, ҳаммасига бардош бера олар эдимми, нима қилардим?» деб ўйлар эди.

У илгариги Лиля бўлса ҳам, лекин бошқача бўлиб қолган

эди. У кўрган бутун азоби-уқубатлардан сўнг бағри тошга айланди деб бўлмас эди, у ўртоқлари олдида ҳовлиқмади, бурни кўтарилмади; йўқ, у турмушда кўп нарсага ақли етадиган бўлибди. Бир жиҳатдан ҳатто одамларга раҳмдилроқ ҳам бўлиб қолди, уларнинг қадри-қимматини билиб олгандай бўлди. Жисмоний ва руҳий жиҳатдан қандайдир қуришиброқ қолган бўлса-да, лекин буюк инсонлик меҳр чироғи унинг озгин юзида нурланиб туради.

Ҳамма қиз Ляляни яна бошқатдан ўпди, ҳар бирининг уни силагиси ёки унинг бирон ерига қўл теккизгиси келади. Фақат улардан каттароқ, студент қиз Шура Дубровинагина ўзини бошқалардан вазминроқ тутар эди, чунки Майя Пегливанованинг Ляляга ёпишаверганига рашки келар эди.

— Бу қандай гап, қизлар, ҳаммангизнинг кўзингиздан сел ёғиб қолди!— деб бақирди Саша Бондарева.— Келинлар, бир ашула айтамиз!

У «Қора тепаликлар уйқуда» ашуласини энди чўза бошлаган эди, қизлар: посёлкада ҳао хил одамлао боо. ооалаоила «полицайлар»дан биронтаси келиб қолиши мумкин, дейишди. Сўнг-ра қандайдир қадимий украинча ашулани айтамиз деб турганда, Тоня «Землянка»ни таклиф этиб қолди.

— «Землянка»ни бизники деса ҳам бўлади, унга даъво қилмаса ҳам бўлади,— деди Тоня ҳадиксираб.

Лекин қизлар унингсиз ҳам юраклари қон эканини ва агар «Землянка» айтилса, йиғлаб юборишлари мумкинлигини ўртага ташладилар. Шундан кейин, первомайкалик ҳамма қизлар ичида биринчи ашулачи саналган Саша куйлаб юборди:

Оқшомлари бир йигит
Дерзамдан кетмайди,
Кўнглидагин айтишга
Асло журъат этмайди...

Ҳамма қўшилди. Бу ашулада полицай кишисининг қулоқларини динг қиладиган ҳеч нарса йўқ эди. Лекин у, севимли хор ижросида қизлар радиода кўп марта эшитган ашула эди. Улар бу ашулани радио орқали Москвадан неча бор эшитганликлари учун ҳам, энди бу ашулани бу ердан, «Первомайка»дан, Москвага қараб айтмоқда эдилар.

Қизларни ўстирган бутун ўша ҳаёт, тўрғайлар далаларда қандай яйраб яшаса, уларга ҳам шундай табиий кўринган ҳаёт ашула билан бирликда уйга кирди.

Уля опа-сингил Иванцовалар ёнига ўтирди, лекин Оля ашулага берилиб кетиб, Улянинг билагидан қаттиқ ва суйиб қисди,— унинг кўзларида гўё кўк олов ёлқинланар, бу эса унинг бичимсиз юзини чиройли қилиб кўрсатар эди. Узининг қалин қошлари остидан теварагига даъват назари билан қараб турган Нина эса, бирдан Уляга ўгирилиб, иссиқ нафаси билан унга шипшиди:

— Сенга Кашукдан салом.

— Қайси Кашукдан? — Уля ҳам ўшандай шипшиб сўради.

— Олегдан. Энди уни,— деди таъкидлаб Нина,— ҳар вақт Кашук деб атаймиз.

Уля бу гапнинг маъносига тушунмай, олдинга қараб турар эди.

Куйлашаётган қизларга жон кириб, қип-қизаришиб кетди. Улар теварақ-атрофлардаги ҳамма нарсани, ақалли бир зумгина бўлса ҳам унутгилари келди, немисларни, «полицайлар» ни, немис меҳнат биржасида рўйхатдан ўтиш кераклигини, Лиля бошидан кечирган азоби-уқубатларини, уйларида оналари нега қизимдан дарак йўқ деб қилаётган ташвишларини унутгилари келди! Қани энди ҳамма нарса илгаригидек бўлса! Улар бир ашулани тугатдилар-да, бошқасини бошладилар.

Лиля ўзининг пастак, лекин ўткир овози билан:

— Қизлар, қизлар!— деди бирдан.— Неча бор лагерда ўтирган чоғларимда, тунда, яланг оёқ, оч ҳолда Польшадан ўтиб келган вақтларимда Первوماйкамини, мактабимизни, сизларнинг ҳаммангизни, қизлар, тўпланишиб далаларга чиққанларимиз, яйрашиб куйлашганларимизни неча бор эсладим... Бу нарсаларнинг ҳаммасини поймол, остин-устун қилиш кимга, нимага керак бўлибди. Ахир, инсонларга дунёда нима етишмайди?.. Улягинам!— деди у бирдан.— Биронта яхши шеърдан ўқиб бер, эсингдами, бурунлари...

— Қайсисини? — деб сўради Уля.

Қизлар Улянинг севики шеърларини чувиллашиб айта бошладилар, қизларга у шеърни Уля неча бор ўқиб берган эди.

— Улечка, «Демон»ни ўқиб бер,— деди Лиля.

— «Демон»дан нимани?

— Узинг хоҳлаган нарсангни.

— Ҳаммасини ўқисин!

Уля ўрnidан турди, қўлларини секингина ёнга туширди ва шеър ёзмайдиган ҳамда саҳнага чиқиб шеър ўқимайдиган

кишиларга хос табиий бир қиёфада, керилмасдан, уялмасдан, хотиржам, ёрқин, кўкракдан чиқувчи бир овоз билан ўқий бошлади:

Ана, қувгинди руҳ, қайғули Демон —
Гуноҳкор ер узра учади гир-гир.
Ажойиб кунларнинг хотири ҳамон
Тинмай кўз ўнгидан кечади бир-бир...
Кенг бўшлиқда қуюқ қора туман,
Дайди карвонларнинг ёнар чироғи,
Борлиқнинг бахтиёр тўнғич фарзанди
Хирс билан уларни кузатган чоғи
Ишонч, севги билан қалби тўлғанди.

Шуниси ажойибки,— қизлар айтган ҳамма ашула, Уля ўқиган ҳамма шеър ҳам бир зумгина жонланди, муҳим маъно олди. Ҳозир қизлар бошига тушган ҳаёт дунёда яратилган баоча гўзал нарсаларга, уларнинг яралиш характериға ва замониға қарамай, қарама-қаршидек бўлиб туюлади. Поэмада хоҳ Демон тарафдори, хоҳ унга қаршидай айтилган нарсалар, буларнинг ҳаммаси қизлар бошиға тушган кулфатларға ҳам, қизларнинг ўзларига ҳам баб-баравар алоқадор эди, уларға баб-баравар таъсир қиларди.

Уля ўқир эди:

Инсон захматининг ғамгин қиссаси,
Авлод-аждодларнинг азоби недур?!
Асирлик жафоларнинг баридан оғир
Қалбнинг бир нафаслик яширин ғуссаси...

Шунда қизларға ҳақиқатан ҳам дунёда ҳеч ким уларчалик азоб чекмаётгандек туюлади.

Ана фаришта Тамаранинг жонини ўз олтин қанотларида учириб олиб кетди, дўзахдан чиққан шайтон эса унинг орқасидан қувди.

Йўқол, э қора шубқалар руҳи!—

ўқир эди Уля, қўлларини ёниға секин тушириб қўйиб:

Йўқол, тушкунлиқнинг қоронғи туйи!
Ана, ўтмиш кунлар оғир синовин,
Адолатсизликнинг зангин бўғовин
Ер узра қолдириб, учар қиз руҳи.
Соғинтирган эди бизни шукуҳи!

Унинг бутун умри — чексиз мусибат,
Беозор юпанчининг бир дамига тенг.
Дилдаги гумоннинг бебош гирдоби
Оғир фожиялар олди бошига.
Энди муҳаббатнинг ўтли азоби
Жаннат эшикларин очди қошида...

Лиля ўзининг оппоқ бошини қўлларига ташлади-да, бола-лар сингари қаттиқ йиглаб юборди. Қизлар юраклари эзилиб, Лиляни юпатишга киришдилар. Шунда улар яшаб турган мудҳиш олам яна уйга қайтиб кирди ва ҳар бирининг қалби-га оғу сочгандек бўлди.

УТТИЗ БИРИНЧИ БЎБ

Анатолий Попов, Викторнинг отаси ва Уля муваффақият-сиз эвакуациядан қайтган кундан бери Анатолий ўз уйида турмас, Погорелое хуторидаги Петровлар уйида яшириниб ётар эди. Немис маъмурлари ҳали хуторга суқилганича йўқ, шунинг учун ҳам Петровлар очиқ-ошкор яшар эдилар.

Анатолий немис солдатлари кетгандан кейин «Первомай-ка»га қайтиб келди.

Нина Иванцова Анатолий билан Уляга хабар қилиб, улар—яхшиси, шаҳарда одамлар камроқ танийдиган Уля,— дар-ҳол Кошевой билан ўзи алоқа боғлаши ҳамда немисларга қар-ши курашмоқчи бўлган ва ишонса бўладиган первомайкалик болалар ва қизларни белгилаши лозимлигини тайинлади. Ни-на Олегнинг фақат ўз майлича ҳаракат қилмаётганини шама қилиб, унинг баъзи маслаҳатларини етказди: ҳар ким билан алоҳида сўзлашилсин, бошқаларнинг номи айтилмасин, албат-та, Олегнинг номи ҳам билдирилмасин, лекин биз ҳам фақат ўз майлимиз билан иш кўраётганимиз йўқ деб шама қилиб қўйилсин, деган гапини етказди.

Сўнгра Нина кетди. Анатолий билан Уля эса, Поповлар билан Громовлар ҳовлисини бир-бирдан ажратиб турган пастликка тушиб, олма тагига ўтиришди.

Далаларга, боғларга оқшом ғира-шираси тушди.

Немислар Поповларнинг боғчасини анча барбод қилган, айниқса, олчаларнинг жуда ҳам шўрини қуритган, шохлари мевалари билан синдириб олинган, лекин боғ бир вақтлар ота-ўғил парвариш қилиб юрган кезларидаги сингари роҳат-бахш, пок-покиза қиёфасини йўқотмаган.

Уз фанининг ошиги бўлган табиёт ўқитувчиси саккизинчи синфдан тўққизинчига ўтаётган Анатолийга ҳашаротлар ҳақида «Нок дарахтларининг текинхўрлари» деган китоб ҳадя қилган эди. Китоб шу қадар эскирган эдики, унинг биринчи саҳифалари йўқолган, авторнинг кимлигини ҳам билиб бўлмас эди.

Поповлар боғчасига кираверишда кекса, жуда кекса, ҳатто ҳалиги китобдан ҳам кексaroқ бир нок дарахти бор эди, Анатолий ўша нок билан шу китобни яхши кўрарди.

Кузда, олма пишганда,— олма дарахтлари Поповлар оиласининг ифтихори эди,— Анатолий болалар олма ўғирлашмасин деб, ҳовлидаги ёғоч каравотда ётар эди. Агар ёгингарчилик бўлиб, уйга кириб ётиш керак бўлиб қолса, дарҳол сигнал тортар, олма шоҳларини ингичка каноп билан айлантириб ўрар, унинг учини эса боғчадан уй ичига қараб тортилган чилвирга боғлар эди. Агар биронта олмага тегилгудек бўлса, Анатолийнинг боши устига осиб қўйилган бир боғлам бўш консерва банкалари тарақлаб тушарди-да, ўзи турсикдаёқ боғчага чопиб чиқарди.

Мана ҳозир улар, Анатолий билан Уля ўша боғчада, Нина билан сўзлашган минутлардан тортиб янги ҳаёт йўлига кирганликларини тўла ҳис этган ҳолда жиддий, ўй ўйлаган тахлитда ўтиришади.

— Сен билан астойдил сўзлашиш насиб бўлмаган эди, Уля,— деди Анатолий, қиз билан ёнма-ён ўтирганидан бир оз уялинқираб,— лекин сени кўпдан бери нззат қиламан. Мана энди, очиқчасига, то охиригача сўзлашиш пайти келди деб ўйлайман... Агар сен билан мен бу нарсаларнинг ҳаммасини, первомайқадаги болалар билан қизларимизни уоштириш ишини биз ўз устимизга олишимиз керак деб айтсам, ўйлайманки, бу бизнинг ролимизни ошириш, кибрланиш бўлмаса керак. Бундан ташқари, даставвал, ўзимизнинг қандай иш кўришимизни писанда қилиб олайлик... Масалан, ҳозир меҳнат биржасида рўйхат кетаётир. Шахсан мен биржасига бормайман. Немисларга ишлашни хоҳламайман ҳам, ишламайман ҳам. Сенинг олдингда қасамёд қилиб айтаманки,— дейди у босиқ, лекин кучга тўлиқ овоз билан,— шу йўлдан чиқмайман! Агар лозим бўлса, қочаман, яширин ҳаётган кўчаман, ўлсам ўламанки, лекин бу йўлдан чиқмайман!

— Бизнинг чамадонларимизни ковлаган ўша немис ефрейторининг қўллари эсингдами? У қўллар кирланиб қорайган,

мағорланган, ушлаганини қўймайдиган қўллар өди, улар сира кўз олдимдан кетмайди,— деди паст овоз билан Уля.— Қайтиб келганимда биринчи куниеқ у қўлларни яна кўрдим, улар ўрин-жойларимизни, сандиқларимизни титкилар, онамнинг, менинг ва синглимнинг қўйлақларимизни қирқиб, ўзларига шарф қилар, улар ҳатто кирларни ҳам қовлаштиришдан тортинмас өди, өнди бу қўллар бизнинг қалбимизга чўзилмоқчи бўлади... Толя! Мен қанча-қанча тунларни ошхонамизда уй-қусиз ўтириб ўткөвдим,— биласан-ку, ошхонамиз бутунлай холи,— қоп-қоронғида ўтираман, немисларнинг уйда бақириб ўкирганларини, касал онамга иш буюраётганларини эшитаман, мен шу тахлитда фақат бир кеча ўтириб чиққаним йўқ, мен ўзимни синаб кўрдим. Мен бу йўлга киргани кучим етармикин, ҳаққин бормикан деб ҳамон йўлар өдим. Менга бошқа йўл йўқлигини тушундим, Мен фақат шу йўлдан бориб яшай оламан, ё бўлмаса ҳаётдан бутунлай воз кечишим керак. Онам номи билан қасамёд қилиб айтаманки, то сўнгги нафасим чиққунча мен бу йўлдан қайтмайман! — дейди Уля, қора кўзларини Анатолийга тикиб.

Икки юракда ҳаяжон қайнади. Улар бир қанчагача жим қолишди.

— Кел, аввал сўзлашадиган кишиларимизни белгилаб слайлик,— деди хирқи овоз билан Анатолий, ўзини тутиб.— Балки, қизлардан бошлармиз?

— Албатта, Майя Пегливанова билан Саша Бондарева. Сўнгра, албатта, Лиля Иванихина ҳам. Лилядан кейин Тоня келади. Фикримча, Лина Самошина, Нина Герасимовалар билан ҳам сўзлашиш керак,— Уля шу тахлит санаб чиқди.

— Хўш, ҳалиги активисткамиз-чи, хаҳ, оти нима эди, пионерлар вожатийси-чи?

— Вириковами? — Улянинг юзи совуқ ифода олди.— Биласанми, мен сенга бир гапни айтаман: оғир кунларда бизнинг ҳаммамиз у ёки бу масалада қаттиқ гапирган вақтларимиз бўлган. Лекни инсон қалбида, бамисоли ўз онанг сингари муқаддас, табаррук нарса бўлиши, кулмаслик, унинг шаънига тегмаслик, масхара этмаслик керак. Вирикова эса... Ким бўлади уни? Менга қолса, унга ишонгим келмайди...

— Қолсин, разм солиб кўрармиз,— деди Анатолий.

— Ундан кўра Нина Минаева боптароқ,— деди Уля.

— Оппоққина, қўрқоққина қизми?

— Ундай деб ўйлама, у қўрқоқ эмас, уятчан холос, лекин жуда мустаҳкам қиз...

— Шура Дубровина-чи?

— Уни Майядан сўраймиз,— деб кулимсиради Уля.

— Менга қара, нима учун энг яхши ўртоғинг — Валя Филатовани айтмадинг?— Анатолий бирдан ажабланиб сўради.

Уля бир қанча вақтгача жим ўтирди, Анатолий унинг юзида қандай ҳислар акс этганини кўрди.

— Ҳа, у менинг энг яхши ўртоғим эди, мен ҳали ҳам уни илгаригидек севаман, унинг меҳрибон қалбини ҳаммадан ҳам кўпроқ биламан, лекин у бу йўлга кира олмайди, кучсиз, назаримда у фақат қурбонгина бўла олади,— деди Уля, кейин унинг лаблари ва бурун катакларида нимадир қалтиради. Кейин, гўё гапни бошқа ёққа бургиси келгандек сўради:— Болалардан кимлар?

— Болалардан, албатта, Виктор, мен у билан гаплашиб қўйганман. Агар сен Саша Бондаревани айтган бўлсанг, албатта, буни тўғри айтдинг. Сашанинг укаси Васяни ҳам айтиш керак. Сўнгра, албатта,— Женька Шепелёв билан Володька Рагозин... Ундан ташқари, Боря Главанни ҳам айтиш мумкин, биласан, Бессарабиядан эвакуация бўлиб келган молдав болалар...

Улар ўз ўртоқларини шу тахлит бирма-бир эслашиб чиқдилар. Ун беш кунликдан ошган, лекин ҳануз ўз тўлинлигини йўқотмаган ой дарахтлар ортида қизил шафақдек кўринади, қора, қалин соялар боғда чўзилиб ётади, бутун табиат ҳаяжонли сир ичида қолгандек туюлади.

— Қандай бахтки, сизларнинг ҳам, бизнинг ҳам уйимиз немислардан ҳоли! Уларни, айниқса ҳозир кўришга чидай олмас эдим,— деди Уля.

Уля қайтиб келгандан бери уй бостирмалари қаторида бўлган кичкина ошхонада ўзи ёлғиз турарди. У печька устидаги жинчиروқни ёқди, олдинга қараб, ўрнида бирмунча вақт ўтирди. Катта руҳий ҳодиса юз берган минутларда юрагингни ўзингга очиб кўрсатасан, Уля ҳам ҳозир худди шу ҳолатда ўзи ва ўз ҳаёти билан ҳамдам эди.

У ўрин ёнига ўтирди, чамадонини олдига тортди-да, ичидан, чамадоннинг энг тагидан, кийим-кечаклар остидан тити-

либ кетган, клёнка муқовали дафтарни олди. Уля уйдан кетганидан бери уни қўлга олмаган эди.

Дафтар ичидагиларга бир эпитаф тарихасида биринчи сарифага қалам билан ёзилган ва ярим-ёрти ўчиб кетган хат бу дафтарни Уля нима учун тутганини ва қайси вақтга оид эканини кўрсатиб турар эди.

«Инсон ҳаётида шундай бир давр бўладики унинг хулқий тараққиётида бурилиш юз берганда, маънавий тақдирини ўша даврга боғлиқ бўлиб қолади. Бу бурилиш кишининг фақат ўсмирлик чоғидагина юз беради, дейишади. Лекин бу тўғри эмас, кўп кишиларда у бурилиш ёшлигидаёқ юз беради (Помяловский)».

У айни замонда ҳам қайғули, ҳам ёқимли бир ҳис билан ва қарийб ҳўдаклик чоғида кўчириб ёзган бу нарсаларининг ҳозирги руҳий ҳолатига жуда мос келганидан ҳайрон бўлиб, ёзувнинг гоҳ у ердан, гоҳ бу ердан танлаб ўқир эди.

«Жаҳду жадалда фурсатдан фойдалана билиш ва дарров чора кўриш қобилиятига эга бўлиш керак».

«Инсоннинг қаттиқ иродасига нима бас кела олади? Ирода бутун жонни ўз ичига олади, истак демак — нафратланиш, севиш, ачиниш, қувониш, яшаш демакдир; хулласи ирода ҳар бир борлиқнинг маънавий кучи, бирон нарсани яратишга ё емиришга эркин интилиш, йўқдан муъжизалар яратувчи ижодий ҳукмдордир!.. (Лермонтов)».

«Уялганимдан ерга кирай дедим. Ёмон кийим кийган кишилардан кулиш уят, уят,— йўқ, ундан ҳам беш баттар бу,— шармандалик! Бу одатни қачон ортирганимни эслай олмайман ҳам. Бугун Нина М. можаросини қара-я—йўқ, буни ёзишга қалам ҳам юрмайди... ҳар эсимга тушганда қизариб кетаман, ўтдай ёнаман. Мен ҳатто Лизка У. билан топишиб олдим, кийими ёмонлардан биргалашиб куламин, ҳолбуки унинг ота-онаси... бу ҳақда ёзмаслик керак, умуман у ярамас қиз. Бугун эса керилиб, жуда керилиб кетиб Нинадан кулдим ва кофтасидан шундай тортидимки, кофтаси юбкасидан чиқиб кетди, шунда Нина бир сўз айтди... Йўқ, у айтган сўзни такрорлай олмайман. Лекин ҳеч вақт миямга аҳмоқона фикр келмас эди. Ҳаётда ҳамма нарса, ҳамма нарса гўзал бўлсин деган истак билан шундай қилган эдим, оқибати хунук бўлиб чиқди. Ҳали кўп кишилар, айниқса Нина М. муҳтожликда яшаши мумкинлигини ўйламабман, Нина бечора... Онт бўлсин, Ниночка, энди ҳеч вақт, ҳеч бир вақт бундай қилмайман!»

Унинг остига қалам билан: «Сен ундан афв сўрайсан, ҳа, ҳа!» деб ёзилган. Бу сатр, афтидан, эртасига ёзилган бўлса керак.

Икки саҳифадан сўнг мана бу сўзлар ёзилган эди.

«Инсонда энг қимматли нарса — ҳаёт. Инсон дунёга фақат бир марта келади, шунинг учун шундай яшаш керакки, йиллар бефойда кетди деб жон оғримасин, ифлос ва разил ўтмишингдаги шармандалигинг қалбингни ёндирмасин (Н. Островский)».

«Ҳар ҳолда М. Н. жуда қизиқ йигит! Албатта, у билан (баъзан) бирга бўлгим келади, буни яширмайман. Иннайкейин, ўзи ўйинга ҳам яхши тушади. Лекин билимини пеш қилишни ва орденларини кўрсатиб мақтанишни яхши кўради, ҳолбуки мен худди шунисини ёқтирмайман. Кеча мен кўпдан бери кутиб юрган нарсамдан гап очди. Лекин уни эшитай деб кўзим тўрт бўлаётгани йўқ эди... Мен кулдим, кулганимга ачинмайман ҳам. Ўзимни ўзим ўлдираман дегани ёлгон гап, бориб турган аҳмоқлик. Ўзи ўлгудек семиз, унинг ери фронтда, милтиқ кўтариб юриш эди. Зинҳор, зинҳор, зинҳор...»

«Камтар командирларимиз орасида энг баҳодир ва баҳодирлар орасида энг камтари деб ўртоқ Котовскийни биламан. Унга абадий шон-шарафлар ва ҳурматлар бўлсин! (Сталин)».

Уля дарча секин ёпилиб, ҳовлидан кимнингдир майин қадимлар билан югуриб ўтиб ошхонага келаётганини эшитгунча, мактаб дафтари устида энгашиб ўтирган эди.

Эшик тақилламасдан очилди-да, Валя Филатова ҳеч нимага қарамай, Улянинг олдига кириб келди ва тиз чўкиб, юзини Улянинг тиззасига қўйди.

— Нима бўлди, Валечка? — деб Уля пастак овоз билан сўради.

Валя юзини кўтарди, ярим очиқ оғзи намиққан эди.

— Уля! — деди у. — Мени Германияга олиб кетишяпти...

Валя Филатова, немислардан ва уларнинг шаҳарда қилаётган нарсалардан бутун вужуди билан нафратланганига қарамай, немислардан қўрқиб ақли озгудек бўлар эди. Немислар келган биринчи кундан бошлаб Валя ўз бошига ёки онасининг бошига қандайдир мудҳиш бир иш тушажагини ҳар доим кутиб юрар эди.

Меҳнат биржасида рўйхатдан ўтиш тўгрисида буйруқ чиққандан сўнг ҳам Валя у буйруқни бажармади ва ўзини немис

ҳукмронлигига қарши кураш йўлига тушган жинойтчи ҳис этиб, камалишини кутиб юрар эди.

Бугун эрталаб бозорга кетаётиб, рўйхатдан ўтган бир неча первомайкаликни кўрди, улар «Первомайка» районида жуда кўп учрайдиган майда конлардан бирини тиклашга кетмоқда эдилар.

Ана шундан кейин Валя ўзининг заифлигини Уляга иқ-рор қилишдан уялиб, ундан яширинча рўйхатдан ўтгани борди.

Меҳнат биржаси район ижрокомининг яқинида, қирдаги бир қаватли оқ уйда эди. Бинога кираверишда бир неча ўн киши тизилиб навбат кутиб турган эди. Валя «Первомайка» мактабидаги синфдоши Зинаида Вирикованинг оcherедда турганини узоқдан кўрди. Валя уни кичкина бўйидан, худди елимлаб қўйгандек силлиқ сочларидан ва олдинга диккайиб чиққан калта, учли жамалагидан таниди-да, оcherедда турганларнинг олдинроғига ўтиб олиш учун унинг ёнига келди.

Йўқ, бу уруш кунларида нон олиш учун, озиқ-овқат олиш учун ва ҳатто меҳнат фронтига сафарбар қилинаётганда кишилар озмунча турмаган оcherедлардан эмас эди. У вақт ҳар бир киши оcherеднинг олдига ўтиб олишга тиришар ва бирон киши танишидан ёки ўз хизмат мартабасидан фойдаланиб оcherедсиз ўтгудек бўлса, одамлар жанжаллашар эдилар. Бу эса немисларнинг меҳнат биржаси олдида тизилган оcherедъ, ҳеч ким у ерга олдин киришга интилмайдди. Вирикова, бир-бирига яқин кўзларини жовдиратиб Валяга қаради-ю, ўз олдидан унга жой берди.

Очередъ жуда тез жилиб борди — одамлар иккитадан киришарди. Рўмолчага ўралган паспортини терлаган қўлида кўкрагига яқин ушлаб турган Валя, Вирикова билан бирга кирди.

Рўйхатхонага кириладиган эшикнинг қоқ рўпарасида узун стол бўлиб, унинг орқасида семиэ немис ефрейтори ва юзининг пушти ранг териси гоят нозик, бағбақалари ҳаддан ташқари салқи бир рус хотини ўтирар эди. У хотинни Валя ҳам, Вирикова ҳам танийди: у Краснодар мактабларида, шу жумладан «Первомайка» мактабида ҳам немис тили ўқитар эди. Қизиқ, у хотиннинг фамилияси ҳам Немчинова эди.

Қизлар у билан саломлашдилар.

— Э... шогирдларим! — деди Немчинова ҳам қора узун киприklarини тушириб, ғайри табиий бир тусда кулимсиради.

Рўйхатхонада ёзув машиналари чиқиллайди. Чап ва ўнг томондаги эшиклар олдида икки-учтадан одамлар кутиб турарди.

Немчинова, Валядан ёшини, ота-оналарини ва адресини сўради, буларни узун ведомостга ёзиб борди. Айни вақтда бу маълумотларни немис ефрейторига таржима қилиб берди, ефрейтор эса буларни бошқа ведомостга немисча қилиб ёзди.

Немчинова, Валяни сўроқ қилиб турган вақтда ўнг ёқдаги хонадан кимдир чиқиб, кимдир кирди. Шу вақт Валя, сочлари тўзиган, юзлари ҳаддан ташқари қизарган ва кўзлари ёшли ёш бир жувонни кўриб қолди. У, кофтасининг кўкрак тугмаларини бир қўли билан қадаб, шошганича борар эди.

Шу дам Немчинова Валядан алланарса сўраб қолди.

— Нима? — деди Валя, сочлари тўзиган ҳалиги ёш жувонни кўзлари билан узатиб.

— Соғмисан? Бирон касал-пасалинг йўқми? — деб сўради Немчинова.

— Йўқ, соғман, — деди Валя.

Вирикова бирдан унинг орқасидан кофтасини тортди. Валя бурилиб қаради, лекин Вирикова парвосиз кўзлари билан бошқа ёққа қараб турар эди.

— Директорга! — деди Немчинова.

Валя ўнг томондаги оқсиз икки ёқда бориб қўшилгач, Вириковага бурилиб қаради. Вирикова ҳам ўз ўртоғига берилган саволларга беихтиёр жавоб бермоқда эди.

Директор бўлмаси жимжит, фақат паст овоз билан қилинган немисча хитобларгина ора-сира эшитилиб қолади. Вириковани сўроқ қилиб бўлгунча директор эшигидан ўн етти ёшлар чамасида бир ўсмир чиқди. Унинг ҳоли паришон, ранги оқарган, у ҳам кўйлак тугмаларини йўл-йўлакай қадаб борарди.

Шу чоғ Валя кичкина Вирикованинг ингичка овоз билан айтган сўзларини эшитиб қолди:

— Ахир, ўзингиз биласиз-ку, Ольга Константиновна, мен силман, мана эшитяпсизми? — Кейин Вирикова Немчинова билан семиз немис ефрейторига яқин келиб нафас олиб кўрсатди; ефрейтор эса ўзини тортиб стулга суяниб, юмалоқ хўроз кўзлари билан Вириковага ажабланиб тикилиб ўтирарди. Вирикованинг кўкрагида ҳақиқатан ҳам бир нарса хириллар эди. Вирикова гоҳ Немчиновага, гоҳ ефрейторга ҳаёсийларча боқиб, давом этди: — Мен уй парваришига муҳтожман, агар

шу шаҳарнинг ўзида бўлса мен жони-дилим билан, ҳа, жони-дилим билан кўнаман! Фақат сиздан бир илтимосим бор. Ольга Константиновна, зиёли боп бирон маданий ҳунар бўлса эди. Мен янги тартиб замонида жони-дилим билан, ҳа, жони-дилим билан бориб ишлар эдим!

Валя, юраги дук-дук уриб директор бўлмасига кираётиб: «Ё раббий, нима деяпти Вирикова?» деб ўйлади.

Валя ҳузурида кул ранг-қизғиш сочлари қоқ ўртасидан икки ёққа текис, силлиқ ётқизилган ҳарбий мундирли семиз бир немис турар эди. У эгнида мундир бўлишига қарамай, сариқ тери трусик ҳам напармон пайпоқ кийиб олган яланғоч тиззаларини қалин жун босган. У ялт этиб Валяга қаради-да:

— Ечин, ечин! — деб қичқирди.

Валя англамай гандираклади. Хонада, стол олдида яна битта немис мирзаси ўтирарди холос, ёнида эски паспортлар тахлаб қўйилган.

— Раздягайся, чуеш?¹ — деди немис мирзаси, украинча қилиб.

— Нега энди?.. — Валя бутунлай қип-қизариб кетди.

— Нега! Нега энди! — Мирза уни эрмак қилди. — Кийимларингни еч!

— Schneller! Schneller!¹ — деб жеркиди, яланғоч тиззаларини жун босган офицер. Сўнгра, бирдан қўлларини Валяга чўзиб, тоза ювилган, майда тириш ҳам сариқ жун босган бармоқлари билан Валянинг тишларини кўрди, оғзига қаради, сўнгра кўйлагининг тугмаларини еча бошлади.

Валя кўрқув ва разолатдан йиғлаб, апил-тапил ечина бошлади; у шошганидан кўйлаги ичида ўралишиб қолар эди.

Офицер унга ёрдам берди. У фақат туфлидагина қолди. Немис уни жадал кўздан ўтказди, жирканиб туриб елкалари, сонлари, тиззаларини ушлаб кўрди, солдатга ўгирилиб, чўрт овоз билан, худди солдат тўғрисида гапирётгандек:

— Tauglich²! — деди.

Мирза, Валяга қарамасданоқ қўлини чўзиб:

— Пачпорт! — деб қичқирди.

Валя, кийимлари билан тўсиниб, хиқ-ҳиқ йиғлаб туриб, паспортини узатди.

— Адрес!

Валя айтди.

¹ Ечин! Ечин!

² Ярайди.

— Кийин,— деди мирза паст овоз билап, хўмрайиб, унинг паспортини бошқа паспортлар устига ташлаб.— Йигилиш пунктига қачон келишинг тўғрисида хабар қилинади.

Валя фақат кўчага чиққандагина ўзига келди. Уйларга, чанг-тўзон кўчаларга, қуриган ажриқларга қизгин чоштгоҳ қуёши гушиб турар эди. Ҳамма нарса қуриган, офтобда ёнган. Ҳаво оташ дамини беради.

Валя кўча ўртадан тўпигидан чангга ботиб тўхтади. Сўнгра бирдан фарёд солиб, чангга ўтириб қолди. Кўйлаги совун кўпигидай шишиб, яна пучайди. Валя юзини қўллари орасига яширди.

Уни Вирикова ҳушига келтирди. Улар райжроком биноси турган тепаликдан, милиция ёнидан ўтиб, «Восьмидемики» номи жой орқали ўзларининг «Первомайка»сига келдилар. Валяни гоҳ совуқ, гоҳ иссиқ тер босар эди.

— Аҳмоқсан, аҳмоқ!— деяр эди Вирикова.— Ажаб бўлди! Сендақаларга шу керак... Ахир, улар немислар-ку,— деди Вирикова ҳурмат ва ҳатто тамагирилик билан,— уларга мосланиб ола билиш керак.

Валя қулоқ солмасдан, ёнида индамай борар эди.

— Ух, аҳмоқ қиз!— деяр эди газабланиб Вирикова.— Орқаигдан-ку туртиб турибман-а! Шу ерда туриб ёрдам қилгим бор, деб айтишинг керак эди, улар буни хуш кўришади! Сўнгра, касалман... дейиш ҳам керак эди. Шаҳар касалхонасида ишлаган Наталья Алексеевна комиссияда доктор бўлиб иштирок қилади, у ҳаммани бўшатиб юборяпти ё касал деб кўрсатяпти, у ердаги немис шунчаки фельдшер, ҳеч балога ҳам тушунмайди. Аҳмоқсан, аҳмоқ. Мени аввалги «Заготскот» конторасига тайинлашди, паёк ҳам беришади...

Улянинг биринчи ҳаракати — ачиниш бўлди. У, Валянинг бошини қучоқлади ва соч-кўзларидан ўпа бошлади. Кейин унда Валяни қутқазиш плани туғилди.

— Қочишинг керак,— деди Уля,— ҳа, ҳа, қочишинг керак!

— Қайга, қайга ахир, ё парвардигир?— дер эди Валя, чорасиз кишилардек бўгилиб.— Ахир энди қўлимда ҳеч қандай ҳужжат йўқ!

— Валечка, жонгинам,— деб сўз бошлади Уля, севимли бир шипшиш билан,— биламан, ҳар ёқда немис, лекин бу ер бизнинг мамлакатимиз, катта мамлакат, ахир, ҳамма ерда биз бирга яшган одамлар бор, ахир, нажот йўлини топиш мумкин! Мен ўзим ёрдам бераман сенга, ҳамма болалар, қизлар ёрдам беришади...

— Ойим нима бўлади? Йўқ-йўқ, Улечка! Ахир улар онамни қийнаб ўлдиришадил— Валя йиғлаб юборди.

— Э-э, қўй йиғлама, жуда!— юрагидан чиқариб айтди Уля.— Мабодо сени Германияга ҳайдаб кетишса, бунга ойинг чидайди деб ўйлайсанми? Ахир у дош бероладими?

— Улечка... Уленька... Нега сен ҳам юрагимни эвасан?

— Қўйсанг-чи, бемаза гапларни гапирма, бу шармандалик, разиллик... Мен сендан нафратланаман!— даҳшатли мудҳиш бир сезги билан деди Уля.— Ҳа, ҳа, сенинг ожизлигингдан, кўз ёшларингдан нафратланаман... Теварақда қанча қайғу-алам бор, қанча-қанча одамлар, соғ, кучли, ажойиб одамлар фронтда, фашистларнинг қамоқ лагерларида, зиндонларда ҳалок бўлиб кетмоқда, ўйлаб кўр ахир, уларнинг хотинлари, оналари қанча азият чекмоқда, лекин шунда ҳам ишлаша ва курашаётирлар! Сен бўлсанг кичкина бир қизсан, сен учун ҳамма йўл очиқ, сенга ёрдам берамиз дейишаётибди, сен бўлсанг мингиллайсан-у, яна раҳм қилинглар дейсан. Йўқ, сенга раҳмим келмайди, ҳа, ҳа, сира раҳмим келмайди!— дер эди Уля.

Уля шарт ўрнидан турди, эшик ёнига борди-да, қўлларини орқага қовуштириб эшикка суянганича, газабли қора кўзларини рўпарага тикиб турди. Валя Улянинг ўрнига юзини қўйиб индамасдан чўкка тушиб турарди.

— Валя! Валечка!.. Бирга-бирга юрган кунларимизни эсла. Жонгинам!— деди бирдан Уля.— Менинг жонгинам!

Валя пиқ-пиқ йиғларди.

— Эслаб кўр, сенга бирон ёмон нарсани раво кўрганам борми? Эсингдами, ҳув ўша олхўри воқеаси ё бўлмаса сузиб ўтолмайман деб менга қичқирганингда, мен ўзим сени сувга ботираман деб айтганим? Валечка! Ялиниб сўрайман...

— Йўқ, йўқ, сен мени ташлаб кетдинг, ҳа, ўша кетишингда мени юрагингдан чиқариб кетдинг, кейин орамизда ҳеч нима бўлмади, сен мени сезмади деб ўйлайсан!— Валя йиғлаб, ўзини унутиб сўзлар эди.— Энди-чи?.. Энди мен дунёда фақат бир ўзим, ёлғизман.

Уля унга жавоб қилмади.

Валя ўрнидан турди-да, Уляга қарамай, юзини рўмолча билан артди.

— Валя, сенга охири марта айтаман,— деди Уля секин ва совуқ бир оҳангда.— Ё менинг гапимга кирасан-у, биз бориб Анатолийни уйғотамиз, у сени Погорелоедаги Виктор олдига элтиб қўяди, ёки... юрагимни эзма.

— Яхши қол, Улечка... Яхши қол, умрбод...

Валя, кўзларидаги ёшларини тутиб, ошхонадан ҳовлига югуриб чиқди, ҳовли ой ёғдусига гарқ бўлган эди.

Уля унинг орқасидан қувиб чиқиб, бечоранинг юз-кўзларидан қайта-қайта ўпишига оз қолди.

У жинчиروқни ўчирди, деразачани очди ва ечинмаёқ кўрпага кирди. Уйқуси қочди. Дала-даштдан ва посёлкадан келувчи хира тун шарпасига қулоқ солди. Бу ерда ётган Уляга Валяникига гўё немислар келиб, уни олиб кетишаётгандек, бечора Валяга меҳрибона ва мардона хайр-хуш сўзлари айтарли биронта одам йўқдек туюлар эди.

Бирдан юмшоқ босиб келаётган қадам шарпаси ва полизнинг аллақасерида япроқларнинг шитирлаши қулоқларига урилди. Қадам яқинлашиб келди, келаётган бир киши эмас эди. Эшик илгачини солиб, деразани ёпиб қўйиш керак эди, лекин оёқ товушлари деразага қадалиб келди ва ундан ўзбекча дўппи кийган бир оқ бош кўринди.

— Уля, ухляяпсанми? — деб сўради Анатолий.

Уля аллақачон дераза олдида турар эди.

— Жуда ёмон бахтсизлик бўлди-ку,— деди Анатолий,— Викторнинг отасини олиб кетишди.

Уля, Викторнинг ой ёритиб турган қонсиз, мардона юзини ҳамда сояда қолган кўзини кўрди. Виктор деразага қадалиб келган эди.

— Қачон олиб кетишди?

— Бугун кечқурун. Қора кийинган семиз, тишлари тилладан қўйилган, ўзи сассиқ бир немис, эсэсчи,— деди Виктор нафратланиб,— ёнида бир солдат ва рус полицай билан келди... Отамни уришди. Сўнгра лесхоз конторасига олиб боришди, у ерда қамоққа олинган кишилар билан лиқ тўла бир юк машинаси турган экан, ҳаммасини шу ерга олиб келишди... Мен ўша машина орқасидан шу ергача чопиб келдим, йигирма километр йўлдан чопиб келдим... Агар илгариги кун кетмаган бўлсанг, улар сени ҳам қамашар эди,— деди Виктор Анатолийга.

УТТИЗ ИККИНЧИ БОБ

Матвей Шульга овохтага ташланган кунидан буён кўп кунлар ва тунлар ўтди; у, вақт ҳисобини йўқотди. Унинг камераси ҳамма вақт деярли қоронги бўлиб, ёруғ шип тагидаги тир-

қишдан тушиб турар, у ер эса ташқаридан тиконли сим ҳам тахта билан тўсилган эди.

Матвей Костиевич ўзини ёлғиз ва ҳамма унутиб қўйган одамдай ҳис этади.

Гоҳида баъзи бир аёл, она ёки хотин, немис жандармери-ясининг солдатига ёхуд рус «полицайлари»дан биронтасига ялиниб, қамоқдаги ўғли ё эрига унча-мунча овқат ва кийим-ке-чак киритиб юборади. Лекин Костиевичнинг Краснодонда қа-риндошлари йўқ. Костиевичнинг Краснодонда яширин иш олиб бориш учун қолдириб кетилганини, мазкур қоронғи ка-мерада ўтирган номаълум Евдоким Остапчукнинг Костиевич эканини краснодонлик эски қадрдонларидан ҳеч бири билмас эди. Унинг Краснодонда яширин иш учун қолдириб кетилга-нини фақат Лютиков билан чол Кондратовичларгина биларди, холос. Унинг қандай аҳволга тушганлигидан Лютиков беҳабар бўлиши мумкинлигини ва башарти буни билганда ҳам, унинг ёнига кела олмаслигини Шульга тушунарди. Шу сабабдан Матвей Костиевич, Лютиковдан ёрдам кутмас эди.

Унинг иши тушиб турадиган бирдан-бир одамлар, яъни уни азоблайдиган одамлар — немисларгина эди. Улардан фа-қат иккитаси русча билади: бири — суюқдор қора бошига ку-банка қўндириб олган немис тилмоч, иккинчиси — сариқ тас-мали гоят кенг, қадимий казакча шим кийиб юрадиган, мушти от туёгидек келадиган полиция бошлиги Соликовский; агар немислардан ҳам бадтар нарса бўлиши мумкин бўлса, Соли-ковский немислардан ҳам беш баттар эди.

Костиевич ўзининг партия кишиси, коммунист эканини қамалган пайтидан бошлабоқ яширмади, чунки буни яшириш фойдасиз эди, бундан ташқари бу ростгўйлик ва ҳақиқат уни азобловчи одамларга қарши курашда кучига куч қўшар эди. У ўзини фақат оддий бир киши қилиб кўрсатди. Лекин уни азобловчи кишилар қанчалик аҳмоқ бўлмасин, барибир унинг ранг-рўйига ва юриш-туришига қараб, гапининг ёлғонлигини кўриб турардилар. Уларнинг муддаоси шу эдики, Костиевич бошқа одамларни, шерикларини айтиб берсин дейишарди. Шу вайдан улар Костиевични дарҳол ўлдира олмас ва дарҳол ўл-дириш ниятлари ҳам йўқ эди. Шунинг учун старший жандар-ма вахмайстери Брюкнер ва унинг ўринбосари Балдер, Крас-нодондаги большевиклар ташкилотини у орқали фoш қилиш ва область фельдкоменданти генерал-майор Клерга манзур бўлиш ниятида Костиевични кунда икки бор тергов қилар эдилар

Улар Костиевични тергов қилишарди-да, жонларига теккан-да уни калтаклашарди. Лекин уларнинг топшириғи билан СС командасининг ротенфюрери, тилла тишли, заифона чинқироқ овозли ва қирраси оқ мўғизли кўзойнак тақиб юрадиган семиз, тепа сочи тушган унтер Фенбонг кўпроқ урар эди. Унтердан шундай сассиқ ҳид анқиб турардики, у яқинлашганда ҳатто вахмайстер Валдер билан гауптвахмайстер Брюкнер ҳам бурунларини беркитиб гижинишар, жирканиб пингиллашар эди. Костиевични қўлларини боғлаб солдатлар ушлаб беришар, унтер Фенбонг өса салмоқ ва зарб билан, парвосизлик ва совуққонлик билан уриб азоблар эди. Фенбонгнинг касби — иши шу эди. Костиевич терговда өмас, ўз камерасида ўтирган соатларда өса қўллари боғланмагани ва солдатлар ушлаб турмагани учун, унтер Фенбонг унга тегишдан қўрқарди, у соатлар Фенбонгнинг иш соатлари өмас, овохта ҳовлисида у билан солдатларига махсус ажратиб берилган ҳужрада ўтказиладиган дам өлиш соатлари бўлгани учун ҳам Костиевичга тегмас эди.

Лекин Костиевични қанча азоблашмасин ва бу қийноқ қанча чўзилмасин, барибир, Матвей Костиевич феълени сира ўзгарتماди. Шунингдек ўзини мустақил, итоатсиз ва жўшқин тутиб ҳамманинг мажolini қуритди, уларнинг таъбларини тирриқ қилиб келди.

Костиевичнинг ташқи ҳаёти қанчалик умидсиз, азиятли ва бир зайлда ўтиб турган бўлса, руҳий ҳаёти шунчалик куч ва теранлик билан кенгайиб борар эди. Улим олдида турган барча катта ва пок одамлар сингари, у ҳам ҳозир ўзини ва бутун ҳаётини ғоят равшан, ғоят зўр ҳақиқат кучи билан кўриб турар эди.

Бола-чақасини ўйлаб, юрагини юмшатмаслик учун, ўзини бардам тутиб бундай ўйларга берилмасликка ҳаракат қиларди. Лекин у шу ерда, шаҳардаги яқин кишиларини, ёшлик чоғларида тутинган дўстлари,— Лиза Рибаловани, Кондратовични зўр меҳр ва муҳаббат билан ўйлар ва мени улар олдида оқлайдиган ўлимимдан ҳам беҳабар қолишади деб куяр эди. У, ўзини бу қора камерага келтирган нарса нималигини биларди ва эиди хатони ҳеч тузата олмаслигини, ҳатто ўз қалбига тасалли бериш учун, хатосини ўзгаларга такрорлатмаслик учун айби нима өканини одамларга уқдира олмаслигини тушуниб азобланарди.

Бир куни, Костиевич эрталабки терговдан сўнг дам олиб

ётганда, камеранинг эшиги олдида бошвоқсиз товушлар эшитилди, эшик ғамгин бир овоз чиқариб ғижирлаб очилди-да, енгига «полицай» латгасини боғлаб олган, камарида сариқ ипли тўппонча қини осилиб турган бир киши камерага кириб келди. Эшикда эса йўлак навбатчиси — немис жандармасидан мўйловдор бир солдат турарди.

Кўзлари қоронгига ўрганиб қолган Костиевич ёнига кирган «полицай»га дарҳол разм солди. Қорачадан келган, ўзи ҳам қора кийинган у «полицай» — бола деса бўладиган даражада ёш эди. У қоронғида ўтирган Костиевични кўролмасдан, уялинқираб ва ўзини бошвоқсиз тутишга тиришиб, ваҳшиёна кўзларини жаланглатар ва, гўё ошиқ-маъшуққа ўрнатилгандек, ҳадеб қилпанглар эди.

Мўйловли жандарма солдати немисча қилиб:

— Ана энди йиртқич қафасига тушдинг! Эшикни ёпиб қўйайлик-чи, қани, ўзингни қандай сезар экансан! Хоп-ля! — деди-да, хохолаб кула-кула, ёш «полицай» орқасидан эшикни шарақлатиб ёпди.

Полиция кишиси, ўша замон қоронғи полдан тура бошлаган Костиевич устига жадал эгилиб, Костиевичга ўзининг ўткири ва қўрқувли кўзлари билан тикилиб шипшиди:

— Дўстларингиз жим ётишгани йўқ. Келаси ҳафта, кечаси кутиб туринг, ўзим огоҳлантираман...

Полиция кишиси қаддини ростлади ва сурбет бўлиб олиб ясама товуш билан гапирди:

— Хотиржам бўл, кўрқитолмайсан... Чучварани хом санабсан... Лаънати немисвачча!

Немис солдати хохолаб эшикни очди ва алланарса деб шўхлик қилди.

— А-ҳа, қўлга тушибсан-ку? — деди ёш «полицай», озгин гавдасини Шульга олдида липанглатиб.— Бахтинг бор экан, мен виждонли кишига дуч келдинг, сени танимайман ҳам... Аҳ, қизталок!— деб, бирдан бақирди ва ингичка қўли билан хезланиб, Костиевичнинг елкасига секингина туширди-да, бармоқлари билан унинг елкасини қисгандек бўлди. Костиевич эса бу майин қисишда дўстона бир нарса борлигини сезди.

«Полицай» камерадан чиққач, эшик ёпилиб, калит қулфда ғижирлаб айланди.

Албатта, бу бир тузоқ бўлиши мумкин. Лекин Костиевич уларнинг қўлида, улар Костиевични истаган вақтида ўлдиришлари мумкин, шундай бўлгач, тузоққа нима ҳожат? Кос-

тивич узига мос келган шароитда у «полицай»ни ўз кишиси деб билиб унга сирини очиб бериши мумкин деган мулоҳаза билан қўйилган тузоқ бўлиши ҳам аҳтимол. Лекин улар наҳотки Костиевични шу қадар содда киши деб ўйласалар?

Ана шундан кейин Костиевич қалбига умид тўлди ва бу умидни қон тўлқинлари Костиевичнинг шалайим қилинган баҳодирона гавдасига ёйди.

Демак, Филипп Петрович тирик экан-у, иложини қилаётган экан-да? Демак, уни эсдан чиқаришмаган экан-да? Бошқача деб ўйлаши ҳам мумкинмиди...

Унинг ғамини еб юрган номаълум дўстларига миннатдорлик ҳисси яна кўзига кўрина бошлаган оиласини қутқазиб умиди, жабру жафолар ва оғир ўйлардан қутулиш аҳтимолининг шодлиги — буларнинг ҳаммаси Костиевич қалбида курашга, ҳаётга чақирувчи қудратли бир даъватга айланди. Ана шунда, ёши қайтган, гуноҳкор бу каттакон киши, яна умр кўришини ва ўз бурчини бажаришини тасаввур этганда, кўнгли бахтиёр кўз ёшлари билан қайнаганини ҳис этди.

Турманинг бутун ҳаёти тахта деворлар ва эшиклар орқали унга кечаю кундуз маълум бўлиб туради: одамлар келтирилгани ва олиб кетилгани, девор орқасида, ҳовлида одамларни қандай қийнаб отганларини эшитди. Бир куни кечаси йўлак ва камераларда одамлар кўтарган гала-говур, қий-чув ва оёқ товушларидан, жандармлар ва полиция кишиларининг немисча ҳам русча бақириб ўкиришларидан, қурол-аслаҳаларнинг шарақлаши ва болалар билан хотинларнинг йиғисидан уйғониб кетди. Одамларни турмадан чиқаришди шекилли. Бирин-кетин ҳовлидан чиққан бир қанча юк машинасининг моторлари гуриллагани эшитилди.

Ҳақиқатан ҳам, Костиевични кундузги терговга йўлакдан олиб ўтганларида у турманинг бўшаб қолганини сизди.

Уша кечаси уни биринчи марта безовта қилишмади. Турмага юк машинаси келганини, жандарма билан полиция кишиларининг жўрттага паст овоз билан сўкишганларини, оёқларини йўлакда зўрға судраб, жим бораётган маҳбусларни гўё бир-бирларидан уялгандек, шошиб-пишиб камераларга киргизаётганларини эшитди. Бутун тун бўйи маҳбус келтириб туришди.

Костиевични уйғотиб, қўлларини боғламасдан терговга олиб чиққан пайтларида, ҳали тонг отишига узоқ эди. У ўзини қийнамасликларини фаҳмлади. Ҳақиқатан ҳам уни бино-

нинг маҳбуслар учун ажратилган ярмидаги махсус жиҳозланган қийноқхонага эмас, балки майстер Брюкнернинг кабинетига олиб кирдилар; Костиевич у ерда подтяжка билан ўтирган Брюкнерни кўрди (унинг офицер мундири кресло суянчигига осиб қўйилган: кабинет тоқат қилиб бўлмайдиган даражада дим), у ерда тўла формали вахмайстер Балдер, тилмоч Шурка Рейбанд ва ранги сичқон терисига ўхшаш мундир кийган уч солдат бор эди. Унтер Фенбонг кўринмасди.

Эшик орқасидан оғир-оғир босилган қадам товуши эшитилди ва эшик устига уриб олмаслик учун бошини энгаштириб, қадимий казакча фуражка кийган полиция бошлиғи Соликовский кабинетга кириб келди, унинг кетидан Костиевич ўзининг золими унтер Фенбонгни ҳамда ярим яланғоч, бақувват ва гўштдор юзли, қўллари орқасига қилиб боғланган, яланг оёқ бир қари кишини ушлаб келаётган СС солдатларини кўрди. Қўллари орқасига боғланган кишини Матвей Костиевич таниди, у — 1918 йилда партизанлар курашида бирга қатнашган Петров деган ҳамқишлоғи бўлиб, у билан кўришмаганига ўн беш йилча бўлган эди. Петров анчадан буён яланг оёқ юрмаган бўлса керак, ҳозир оёғи яра бўлиб, ҳатто полни ҳам босиб юра олмасди. Унинг гўштдор юзи кўм-кук кўкариб кетган, баъзи жойлари қонталоқ бўлган; Костиевич уни сўнгги сафар кўргандан бери у унча қаримаган, фақат елка ва беллари анча кенгайган. У қош-қовоғи солинган, лекин адил турар эди.

— Буни танийсанми? — деб сўради майстер Брюкнер.

Шурка Рейбанд унинг саволини Костиевичга таржима қилиб берди.

Петров ҳам, Костиевич ҳам ўзларини биринчи марта кўраётганга солишди. Сўроқ охиригача ўзларини шу тахлитда тутишди.

Майстер Брюкнер, олдида бошини солинтириб, индамай хўмрайиб турган яланг оёқ Петровга:

— Уҳ, ёлғончи, ёлғон айтасан сен қари каламуш! — деб қичқирди ва яхши тозаланган тугмали ботинкаси билан полни шундай тепдики, майстер Брюкнернинг осилиб тушган қорни шими ичида силқиллади.

Кейин Соликовский, Петровни то полга йиқилиб тушгунча баҳайбат мушти билан ураверди. Шульганинг Соликовскийга ташлангиси келди, лекин ичдан келган бир овоз, ҳай, ҳай, Петровнинг ишини пачава қилиб қўясан, дегандай бўлди. Бундан ташқари, ҳозир қўлининг боғлиқсиз тургани яхшироқ эканли-

гини сээди. Шундан кейин у ўзини тутди, оғир-оғир нафас олиб. Петровни калтаклаётгапларига индамай қараб турди.

Сўнгра икковларини олиб чиқиб кетдилар.

Бу сафар Костиевични урмадилар, лекин шунга қарамасдан, унинг кўз олдида бўлиб ўтган ҳодиса уни шундай ларзага солган эдики, бир сутканинг ўзида бошланган бу иккинчи сўроқ охирида унинг забардаст гавдаси дош беролмади. Камерага қандай олиб киришганини Костиевич билмас эди, у беҳуш бўлиб ётар эди, у яна қулфга солинган калитнинг тикирлашидан уйғониб кетди. У эшик ёнида ҳар хил товушларни эшитар эди-ю, лекин сира кўзини очолмас эди. Кейин, назарида худди эшик очилгандай ва камерага, унинг ёнига, аллакимни итариб киритишгандай бўлди. Костиевич бир зўр бериб кўзларини очди. Унинг тепасида қора қошлари пайваста, лўлидай қора соқолли бир киши энгашиб, Костиевичнинг бетига тикилиб қараб турарди.

Бу киши ёруғдан қоронги камерага кирган-у, бунга одатланмагани учунми, Костиевични таний олмас ёки Костиевич ўз-ўзига ўхшамас эди. Лекин Костиевич уни бир кўришдаёқ таниди,— у ҳам Костиевичнинг ҳамшаҳари, ўша уруш қатнашчиси, 1-бис кўмир конининг директори Валько эди.

— Андрей!...— деди Костиевич, пастак овоз билан.

— Матвей?.. Тақдирни қара-я! Тақдир!

Валько ўрнидан тура бошлаган Костиевични кескин ҳаракатлар билан елкасидан кучоқлади.

— Сени қутқазиш учун қўлимдан келган ҳамма нарсани қилдим, лекин тақдир ўзимни сенинг ёнингга келтириб ташлади... Кел, кел, ахир сени кўриб бир тўйй,— деди Валько бир қанча вақтдан кейин кескин, хирқи овоз билан.— Сени не аҳволга солишибди!— Валько Костиевични кучогидан бўшатиб, камера ичида юра бошлади.

Унда худди табиий, жўшқин лўлилик ҳолати бош кўтарди, камера шу қадар тор кўриндики, ўзини қафасда ётган йўлбарсдек ҳис этарди.

Костиевич сокин овоз билан:

— Сени ҳам ёмон қилишган кўринади,— деди-да ерга ўтириб тиззаларини кучоқлади.

Вальконинг эғии-боши чанг, пиджагининг энги ярмигача узилган, бир тиззаси йиртилган, иккинчиси чокидан сўкилган, пешонаси кўкарган бўлса ҳам, лекин этикларини олдирмаган эди.

— Муштлашдингми дейман?.. Шундай бўлса керак,— деди Костиевич. Кейин унинг қандай муштлашганини кўз олдига келтириб, қувонди.— Майли, асабингни бузма. Ўтир, ташқарида нима гап, айт-чи...

Валько Костиевичнинг рўпарасига чордана қуриб ўтирди, сирғончиқ полни қўли билан ушлаб туриб, пешонасини тириштирди.

— Жуда масъул ходимман-да, ҳали кўникканимча йўқ,— деди у ўзи ҳақида ва кулимсиради.— Сенга нима десам экан? Ишлар яхши юришиб турибди, бизнинг ишлар... Лекин мен...

Бу дағал кишининг юзи бирдан шу қадар кучли азоб билан тиришдики, буни кўрган Костиевичнинг елкалари жимирлаб кетди. Валько қўл силтади-да, қора юзини икки кафтига қўйиб ўтирди.

УТТИЗ УЧИНЧИ БОБ

Валько, Филипп Петрович билан алоқа боғлаб олган кундан бошлаб, райондаги ҳамма махфий саботаж ва диверсия ишларининг ипи шунга топширилган эди, чунки у, «Краснодунуголь» трестига қарашли ҳамма кўмир конларини ипидан игнасигача билар эди.

Бараковнинг дирекционга, Швейдега, айниқса ўз бошлиғи сингари камгап эмас, балки ниҳоятда эъза ўринбосари бўлмиш Фельднерга яқин турганлиги, Бараковга ва унинг орқали Валькога маъмуриятнинг хўжалик соҳасида бошлаган ҳар бир қадамидан хабардор бўлиб туришга имкон берар эди.

Бараковнинг Фельднер билан навбатдаги учрашуви билан, шу учрашувдан бир неча соат кейин камтар, юз бичими хунукроқ, сокин бир қизнинг,— Оля Иванцованинг,— бирдан Краснодон кўчаларида пайдо бўлиб қолиши ўртасида алоқа борлигини бегона одам,— у одам қанчалик зийрак ва ҳушёр бўлмасин,— барибир била олмас, сезмас эди. Бу камтар қиз бир уйга помидор сотгани киради, яна бир уйга шунчаки уй эгаларини кўргани киради, бирмунча вақтдан кейин кўрасизки, немис маъмурлари бошлаб юборган ишлар номаълум сабаблар билан барбод этилиб турибди.

Оля Иванцова энди Вальконинг алоқачиси бўлиб ишларди.

Лекин Бараков Фельднердан фақат хўжалик соҳасидаги

тадбирлар тўғрисидагина маълумот олиб турмасди. Лейтенант Швейде уйда маҳаллий жандарма амалдорлари кундуз кунлари ҳам, тунлари ҳам баэм қураар эдилар. Улар бир-бирларига бепарволик билан айтган ҳамма гапларни Фельднер жаноблари ҳам шундай бепарволик билан Бараковга гапириб берар эди.

Матвей Костиевични ва Краснодар овозтасига солинган бошқа маҳбусларни қайси йўл билан қутқариш тўғрисида Филипп Петрович бир эмас, бир неча кечалаб бош қотириб чиқди. Лекин узоқ вақтгача ҳатто овозта билан алоқа боғлашга имкон бўлмай юрди.

Турма билан Иван Туркенич алоқа боғлади.

Туркенич Краснодарнинг муътабар оиласидан эди, Лютиков уни яхши биларди. Оила бошлиги Василий Игнатъевич инвалид бўлиб ишдан чиқиб қолган кекса кончи бўлиб, унинг Воронеж областидаги руслашган украинлар уруғига мансуб хотини Феона Ивановна билан бирга йигирма биринчи йил қаҳатчилигида Данбассга кўчиб келган эдилар. У вақтда Ваня чақалоқ бола эди. Феона Ивановна Ваняни йўл бўйи қўлида кўтариб келган, кичкина опаси эса онасининг этагини ушлаб олиб, ўзи юриб келган эди.

Улар йўлда шу қадар фақирлик азобини чекдиларки, Миллеровода уларга кечаси ўз уйдан жой берган боласиз кекса кооперативчи билан хотини Феона Ивановнадан гўдак боласини тарбиямизга қолдириб кетинглар, деб илтимос қилдилар. Чақалоқнинг ота-онаси олдин бир берар, бир бермас бўлиб туришди, кейин эса галва қилишди, жанжаллашишди, йиғлашди ва охири беришмади.

Шу тариқада улар Сорокин конига етиб олишиб, ўша ерда макон тутишди. Ваня катта бўлиб, мактабни битирди, драма тўғарагида чиқиб ўйнаган кезларида Василий Игнатъевич билан Феона Ивановна миллероволик кооперативчи уни ўз тарбиясига олмоқчи бўлганини, лекин беришмаганини меҳмонларга айтиб ўтиришдан ҳузур топар эдилар.

Жанубий фронтни немислар ёриб ўтган кунларда танк отар тўплар батареясининг командири лейтенант Туркенич ўлгунча қаршилиқ кўрсатиш ҳақида буйруқ олиб, Дондаги Калач районида то тўп расчётларининг ҳаммаси сафдан чиқиб, ўзи яраланиб йиқилгунча немис танкларининг атакаларини қайтариб турди. Тарқалиб кетган роталар ва батареялардан қолган жангчилар қаторида асир тушди ва юролмайдиган ярадор

бўлгани учун немис лейтенанти уни отиб ташлаган эди. Лекин тамом ўлдирилмаган экан. Бир тул казак хотин Туркенич-ни парваришлаб икки ҳафтада одам қилди. Ана шундай қилиб кўйлаги ичидан бадани бинтланган ҳолда уйига қайтиб келган эди.

Иван Туркенич Горький номидаги мактабда бирга ўқишган эски ошналари Анатолий Ковалёв ҳамда Вася Пирожоклар ёрдамида турма билан алоқа боғлади.

Жисмоний тузилиш ва феъли-атвор жиҳатидан бир-биридан шу қадар ажралиб турган икки дўстни топиш осон эмас эди.

Ковалёв садақайрагоч каби миқти, ҳаддан ташқари кучли, вазмин ҳаракатли ва соддаликкача бориб етган мўмин бир бола эди. У ақлини танигаддан буён машҳур тошбоз бўлишни орзу этиб келар, лекин у мўлозамат қилиб юрган қиз масхара-лаб, спорт дунёси чўққисиди шахматчилар, этагида эса тошбозлар туради, тошбозлардан кейин чувалганлар келади дер эди. У бир хилда ҳаёт кечирар, ичмас, чекмас, қишда пальтосиз ва шапкасиз юрар, эрта биланлари муз тешиб чўмилар ва ҳар кун огир нарсаларни кўтариб машқ қилар эди.

Вася Пирожок эса қотма, тез, тажанг ва йиртқишларники сингари, қора кўзлари чақнаб турган, қизларга кўнгил бериб кўнгил олувчан уришқоқ бир бола эди; агар уни спортда қизиқтирадиган бирор нарса бўлса, у бокс эди. Авантюрага сира суяги йўқ эди.

Туркенич, эрга чиққан кичик опасини Васяникига патефон пластинкалари келтиришга юборди. Опаси пластинкалар билан бирга Васяни, Вася эса дўсти Ковалёвни бошлаб келди.

Краснодоннинг барча аҳолиси, айниқса Ковалёв билан Пирожокни шахсан танувчи ёшлар, икковини енгиди фашист белгиси билан кўриб, бениҳоят газабланди. Ковалёв билан Пирожокни кўкиш погон таққан немис сержанти раҳбарлиги остида парк ёнида бўш майдонда янги ҳунарларини машқ қилиб юрган «полицайлар» орасида кўрган эдилар.

Улар шаҳарда тартиб сақлаш ихтисосини эгалладилар. Шаҳар идорасида, дирекционда, район қишлоқ-хўжалик коммендатурасида, меҳнат биржасида, бозорларда навбатчилик қилиш ҳамда кечаси участкаларни айланиб чиқиш вазифаси уларнинг зиммасида эди. «Полицай» деб ёзилган латгаларни енгларига боғлаб юришар, бу белги эса немис жандармасининг солдатлари билан баҳузур алоқа қилишга имкон берар

эди. Ана шундай қилиб, Вася Пирожок Шульганинг қаерда ўтирганини билибгина қолмади, унинг олдига, камерага ҳам кириб дўстлари уни озод қилиш ҳаракатида эканини ҳам билдириб чиқди.

Озод қилиш! Макру ҳийла ва пора бу ерда кучсиз эди. Матвей Костиевич билан бошқа маҳбусларни фақат турмага ҳужум қилиб қутқазиш мумкин бўларди.

Эндиликда бундай операция район яширин ташкилотининг қўлидан келар эди.

Шу давр мобайнида ташкилотда Қизил Армия офицерлари ҳам бор эди, булар Серёжа Тюленин, спаси Надя ҳамда ҳамшира Лушаларнинг ҳаракати билан Краснодон госпиталидан қутқазиб қолинган офицерлар эди.

Филипп Петрович яширин райком ҳузурида ташкил этган ёшлар группаси Туркенич пайдо бўлиши билан жанговар раҳбарга, яъни ҳарбий раҳбарга эга бўлди.

Жанговар операциялар бошланган вақтда яширин райком штабга, райком раҳбарлари — Бараков билан Лютиков эса отряд командири ва комиссарига айлангани сингари, улар ёшлар ташкилотини ҳам шу тахлитда тузишни кўзлар эдилар.

Бутун август давомида Бараков билан Лютиков турмага ҳужум қилиш учун жанговар дружина тайёрлаш билан машғул бўлдилар. Уларнинг топшириғига биноан, Иван Туркенич билан Олег бу операцияда иштирок этиши керак бўлган ёшлар группасига одам танлар эдилар. Ваня билан Олег, Земнуховни, Серёжка Тюленинни, Люба Шевцовани ва Евгений Стаховични ўз ёнларига ёрдамчи қилиб олдилар,— Евгений Стахович порох ҳидлаган, яъни тажрибаси бор киши эди.

Уля ўзининг янги ролига қанчалик берилган бўлмасин ва тез орада Олег билан бўладиган учрашувнинг бутун аҳамиятини қанчалик англамасин, лекин ота-онасини алдашни ҳали унчалик келтира олмади ва уй ишлари билан шу қадар банд бўлдики, Виктор ҳам Анатолий билан сўзлашгандан бир қанча кун кейингина Олег томонга бора олди. Лекин Олегни уйдан топмади.

Генерал барон фон Венцель ва унинг штаби шарққа жўнаб кетган эди. Коля тоға эшикни очиб Уляни дарҳол таниган бўлса ҳам, лекин унинг юзида наинки хурсандчилик аломати кўринмади, балки бирликда қанча азобу уқубатлар тортиш-

ганига ва кўп вақтлардан бери кўришмаганига қарамай, мулозимат ҳам қилмади...

Вера буви билан Елена Николаевна уйда йўқ эди. Марина билан Оля Иванцова, қарама-қарши ўтириб олишиб, жун ипдан калава қилишмоқда.

Уляни кўриши биланоқ Маринанинг калаваси тушиб кетди-да, у қичқириб Улянинг бўйнига осилди.

— Улечка! Бормисан, қаерларда юрбсан? Лаънат, минг лаънат немисларга!— У, кўзларига ёш олиб, қувониб сўзлар эди.— Мана, қара, жакетимни бузиб ўғлимга костюм қилаётиман. Барибир, жакетни немислар олиб қўяди, кичкинамга эплаб берсам, зора олишмасам!..

Шундан кейин у, бирга босган йўлларини, сув кечнигида ҳалок бўлган болаларни, болалар уйининг мудирни тилка-пора бўлганини ва немислар уларнинг шойи кийимларини тортиб олишганини бидирлаб сўзлаб кетди.

Қорага мойил бугдой ранг, кучли қўлларида жун ипни ёйиб ушлаган Оля сирли ва Уляга туюлишича, ҳаяжонли бир بازار билан индамай, киприк қоқмай, олдинга қараб ўтирар эди.

Уля, келишининг сабабини айтишга имкон йўқ, деб билиб фақат Викторнинг отаси қамалганлигини сўзлади. Оля, қўл ҳолатини ўзгартмасданоқ, ялт этиб Коля тоғага қаради, Коля тоға унга қаради. Ана шунда Уля Коля тоғанинг аҳволига тушунди: у жини одамни ёқтирмайдиган киши бўлгани учун эмас, балки Уля билолмай турган алақандай нарсадан хавотирда экани учун Уляни совуқ қарши олган эди. Улянинг ҳам юраги гаш бўлиб қолди.

Оля, ҳамон бояги сирли ифода билан истеҳзоли бир тусда кулимсираб, синглиси Нина билан парк ёнида учрашишмоқчи бўлганини ва ҳозир қайтиб келишларини айтди. У бу сўзларни ҳеч кимга қарамасдан айтиб, апир-шапир чиқиб кетди.

Нималар бўлаётганини сезмаган Марина ҳамон сўзлар эди.

Бир оздан сўнг Оля Нина билан бошлашиб кирди.

— Бир ўтиришда сени хўп эсладик-да. Юр, хоҳласанг, таништириб қўйай,— деди Нина кулимсирамасдан.

Нина Уляни, кўчалар ва ҳовлилардан олиб ўтиб, шаҳар марказининг алақаерига келтирди. Нина унга қарамасдан борар, олайган қорамтир кўзларида ҳаяжон ва паришонлик ифодалари ўйнар эди.

— Нина! Нима гап? — деб секин сўради Уля.

— Ҳозир сенга айтишар. Мен бир нарса ҳам дея олмайман.

— Биласанми, Витя Петровнинг отасини қамашди,— деди яна Уля.

— А-а? Шундай бўлишини кутиш мумкин эди...— Нина қўл силтаб қўйди.

Улар шу атрофдаги уйларга ўхшаган бир стандарт уйга киришди. Уля у ерда ҳеч бўлмаган эди.

Йўғон бир чол киши кенг ёғоч каравотда калласини юмшоқ ёстиқлар ичига тиқиб кийим-боши билан ёнбошлаб ётар, фақат кенг пешонаси, гўштдор бурни ва оқиш қалин киприкларигина кўриниб турар эди. Қуёшда куйиб саргайган суюклари йўғон-йўғон қотма, кекса бир хотин каравот ёнидаги стулда ўтириб алланарса тикмоқда. Яланг оёқлари йўғон икки нафар чиройли жувон дераза ёнидаги скамейкада бекор ўтиришибди; улар Уляга қизиқиб қарашди.

Уля саломлашди. Нина уни жадал иккинчи хонага бошлаб кирди.

Катта хонада овқатлар, кружкалар ва ароқли шишалар қўйилган стол атрофида бир қанча йигит билан бир қиз ўтирар эди. Уля Олегни, Ваня Земнуховни ва урушнинг биринчи кунларида первомайкаликлар олдида доклад қилган Евгений Стаховични таниди. Қолган икки бола таниш эмас эди. Қиз эса эсдан чиқмайдиган ўша кунда Уля ўз дарчиси олдида кўрган Люба, «Любка-артистка» эди. Улар қай аҳволда учрашганлари Улянинг кўз олида равшан гавдаланди ва Любани бу ерда кўриб ажабланди-ю, лекин айни замонда бутун сирни англади. Любанинг ўша кунги хулқи қандай бўлган бўлса Улянинг кўз олдида шундайлигича гавдаланди.

Нина, Уляни олиб кириб қўйиб, ўзи дарров чиқиб кетди.

Олег ўрнидан туриб, Уляни қарши олди, пича уялинқиради, қаерга ўтқизсам экан дегандай кўзини атрофга югуртириб кулимсиради. Бу кулимсираш Улянинг библи оладиган мажҳул ва ҳаяжонли нарсалари олдидан унинг қалбини илитгандай бўлди...

Викторнинг отаси қамалган кечаси шаҳар ва райондан кўчиб кетишга улгурмаган партия аъзолари, совет ходимлари ва бирон ижтимоий иш билан машғул бўлган кишиларнинг қарийб ҳаммаси, кўп ўқитувчилар, инженерлар ва донгдор кончилар ҳам қамоққа олинган эди.

Бу даҳшатли хабар эрталабоқ бутун шаҳарга тарқалди. Бирон кимсанинг қўлга тушгани натижасида эмас, балки немис жандармаси эҳтиёт шарт билан ўтказган бу операциянинг яширин ташкилотга қанчалик катта талафот етказганини фақат Филипп Петрович билан Бараковгина билар эдилар. Полиция турма соқчиларига қилиниши керак бўлган ҳужумда қатнашувчиларнинг кўпини ўзининг «қалин тўри»га туширган эди.

Оля билан Нина Иванцовалар дарҳол Олегнинг олдига югуриб келишди. Уларнинг қуёшда бронза тусга кирган ва бирдан чўкишган юзларининг оқарганлиги дарҳол унинг юзига ҳам кўчди. Иван Кондратович номидан улар, Андрей амакининг ҳам кечаси қамоққа олинганини айтдилар.

Валько яширинган ва Кондратовичдан бошқа бирон кимса билмаган квартирада тўсатдан тинтув бўлиб қолди. Кейин маълум бўлишича, тинтувчилар Валькони эмас, балки уй хўжайкасининг эвакуацияга кетиб қолган эрини ахтариб келган экан. Бу воқеа кичик «шанхайча» лардан бирида бўлиб, тинтувни Игнат Фомин ўтказган ва дарҳол Валькони таниб қолган.

Хўжайканинг сўзига қараганда, Валько қамалиш вақтида ўзини жуда босиқ ва сокин тутган, лекин Фомин унинг юзига бир урганда Валькониинг ғазаби келиб кетиб, полицайни бир уришда ерга ағдарган. Шундан кейин жандарма солдатлари Валькога ташланганлар.

Олег билан Нина, Оляни ота-оналари ёнида қолдириб, ўзлари Туркеничникига чопдилар. Нима бўлса-да Вася Пирожок ё бўлмаса Ковалёвни албатта кўриш керак эди. Бироқ, Пирожок ва Ковалёвлар уйга югуриб бориб келган Туркеничнинг кичик опаси билиб келган гаплар ҳеч тушуниб бўлмайдиган ва хавотирли гаплар эди. Пирожок билан Ковалёв, ота-оналарининг гапларига кўра, иккови уйдан кеча куни илк оқшомда чиқиб кетишган. Шундан сал ўтмасдан улар билан бирга хизматда бўлган полицай Фомин уларникига келиб, улар қаерда бўлиши мумкин деб сўраган ва уларни уйда учратмагани учун оғзига келган гапларни айтиб сўкинган. Кейин яна бир бор келган ва нуқул: «Шошмай турсин, бир адабни ейтиди-ку, улар!..» деяверган. Ковалёв билан Вася эса уйларига тонготарда гирт маст ҳолда қайтиб келганлар; шуниси ажабли бир ҳол эдики, Ковалёв ичимликни оғзига олмайдиган одам эди. Улар ота-оналарига бир майхона тутган хотинникида ўтиришда эдик

деб айтишган ва Фомин шунақа-шунақа дўқ қилиб кетди дейишганда, парво қилмай, ётиб ухлаганлар. Эрта билан полициялар келиб, қамоққа олиб кетишган.

Имкон бўлди дегунча ҳамма гапни Филипп Петровичга етказиш мақсадида, бўлган воқеаларнинг ҳаммасини Олег Нина орқали Полина Георгиевнага хабар қилди. Улар Серёжка Тюленин, Любка, Ваня Земнухов ҳамда Стаховични кенгашга чақирдилар. Кенгаш Туркенич квартирасида бўлаётган эди.

Уля кириб келган вақтда Стахович билан Ваня ўрталарида баҳс борарди, бу баҳс Уляни ҳам ўзига тортди.

— Ҳеч тушунмайман: мантиқ қани бунда? — дерди Стахович. — Остапчукни қутқарамиз деб шунча ҳозирлик кўрдик, ишоилдик, қурол-аслаҳа тўпладик, йигитларни шайладик, эндиликда, Андрей амаки ва бошқалар қамалиб, уларни қутқариш зарурияти янада ошган бир пайтда, бизга шошманглар, кутиш керак дейишади...

Афтидан болаларнинг ўртасида Стаховичнинг обрўи жуда катта бўлса керак. Ваня ўзининг йўгон ва бўғиқроқ овози билан хижолат бир ҳолда:

— Қандай таклиф киритасан? — деб сўради.

— Мен кечи билан бириси кун кечаси турмага ҳужум қилишни таклиф этаман. Агар биз, шунча гап сотиш ўрнига эрталабдан бошлаб ҳаракат қилганимизда, шу бугун кечасиёқ ҳужум қилишимиз мумкин эди, — деди Стахович.

Сўнгра у ўз фикрини кенг изоҳлади. У урушдан олдин «Первомайка» комсомоллари мажлисида доклад қилган вақтдан бери анча ўзгариб кетганини Уля ичида қайд қилди. Стахович ўша маҳалларда ҳам «мантиқ», «объектив», «таҳлил этамиз» каби кўп китобий сўзларни ишлатар эди, лекин у вақтларда ўзини бунчалик дадил тутмас эди. Ҳозир эса у сокин қўлларини ишлатмасдан, сариқ сочлари эркин ёйилиб турган бошини тўғри тутиб, узун ва ориқ қўлларини стол устига мушт қилиб қўйиб гапирарди.

Афтидан, унинг таклифи ҳаммани ҳайратда қолдирди шекли, унга жавоб беришга ҳеч ким ботинмади.

— Сен ҳиссиётни қитиқлаяпсан, гап шунда, — деди ниҳоят Ваня уятчанлик, лекин кескин бир овоз билан. — Бу ерда беркинмачоқ ўйнашнинг ҳожати йўқ. Гарчи биз бу тўғрида гап счмаган бўлсак ҳам, фикримча, бу жиддий ишга болаларни ўз хоҳишимиз билан тайёрламаганимизни ҳамма қаторида сен

ҳам биласан. То янги кўрсатма берилмагунча ҳатто бармоқ қимирлатишимизга ҳам ҳақимиз йўқ. Агар сен айтгандек қил- сак, кишиларни қутқазиб тугил, янги ва янги кишиларни ҳа- лок этган бўламиз... Ёш болалар эмасмиз-ку, ахир?— бирдан жаҳл билан деди Ваня.

— Билмадим аҳтимол, менга ишонишмас ва бутун бор гап- ни менга айтмаётгандирсизлар,— Стахович араэлаб лаблари- ни чимирди.— Ҳар ҳолда мен шу маҳалгача биронта аниқ жан- говар топшириқ олганим йўқ. Кутганимиз кутган. Кутишимиз ахири шунга олиб келадики, ҳақиқатан ҳам у ердаги кишилар- ни отиб ўлдирадилар... Агар отиб ўлдиришмаган бўлса,— зар- да билан деди у.

— Кишиларга ҳаммамиз ҳам барабар ачинамиз,— хафа- газак бир овоз билан деди Ваня.— Лекин, наҳотки, сен, бу ишга ўз кучимиз етади деб ўйласанг?

— Первوماйкаликлар орасида юракли, садоқатли болалар топиладими?— деб бирдан сўраб қолди Стахович Уладан, гўё ҳомий кишидай унинг кўзларига тўғри қараб туриб.

— Албатта, топилади,— деди Уля.

Стахович индамасдан Ваняга қаради.

Олег бошини елкасига қисиб, ўзининг катта кўзларини жиддий суратда гоҳ Стаховичдан Ваняга кўчириб, гоҳ хаёлга берилиб, тўғрига қараб ўтирар эди, унинг кўзлари худди юп- қа парда билан қоплангандай кўринарди.

Серёжка бошини солинтириб, чурқ этмай ўтирарди. Баҳс- га аралашмаган Туркенич, гўё Стаховични синчиклаб текши- раётгандай, ундан кўзини узмай қараб ўтирар эди.

Шу он Любка Улянинг ёнига келиб ўтирди.

— Мени танидингми?— дея Любка шивирлаб сўради.— Отам эсингдами?

— Менинг кўз олдимда ўлди...— Уля Григорий Ильич ҳа- локатининг тафсилотини шивирлаб айтиб берди.

— Оҳ, бошимизга қандай кулфатлар тушди-я! — деди Любка.— Биласанми, шу немислар билан полицаилар кўзим- га балодай кўринади, қўйиб берса уларни ўз қўлим билан сўяр эдим! — У кўзларида ҳам соддалик, ҳам бағри тошлик ифодаси билан гапирар эди.

— Ҳа... ҳа,— деди паст овоз билан Уля.— Баъзан юра- гимда шу қадар қасос ҳисси уйғониб кетадики, ҳатто ўз-ўзим- дан ҳам қўрқиб кетаман. Бирон ножўя иш қилиб қўяманми деб қўрқаман.

— Сенга Стахович ёқадими? — деб сўради Любка, унинг қулогига шивирлаб.

Уля кифт қоқди.

— У ҳадеб ўзини пеш қила беради. Лекин гапи тўғри. Албатта, йигитлар топилади,— деди Любка, Сергей Левашовни ўйлаб.

— Гап фақат йигитлардагина эмас, гап бизга ким раҳбарлик қилишида,— шипшиб жавоб берди Уля.

Худди шу чоғ, гўё Уля иккиси тил бириктиргандек, Олег сўз бошлади:

— Гап йигитларга келиб тақалмайди, юракли йигитлар ҳар вақт топилади, ҳамма гап ташкилотда...— у бу сўзларни чирқироқ бола овоз билан, одатдагидан ҳам кўпроқ дудуқланиб гапирди, ҳамма унга қаради.— Ахир, б-бизда ташкилот йўқ... Мана ҳозир ҳам ўз майлимизча т-тўпланишиб гаплашяпмиз!— деди, кўзларида жўн бир ифода билан.— Ахир, партия бор-ку. Партиясиз, партия йўл-йўригисиз биз қандай иш қила оламиз?

— Гапни шундан бошлаш керак эди-да, мен бўлсам партияга қарши бўлиб чиққанга ўхшаб қоляпман,— деди Стахович ва унинг юзида хижолат билан ранжиш аломатлари пайдо бўлди.— Шу маҳалгача биз партияни эмас, балки сен билан Ваня Туркеничнигина билар эдик. Уни-буни қўйинглар, бизни бу ерга нимага чақирганларингни бамаънироқ қилиб айтинглар?

— Биз шунга чақирдик,— деди Туркенич ниҳоятда сокин ва паст овоз билан, ҳамма унга қаради,— биз тамом шайланиб туришимиз керак. Биэни худди шу бугун кечаси чақириб қолмасликларини қайдан биласан? — деб сўради у, Стаховичнинг кўзларига тикилиб қараб туриб.

Стахович чурқ этмасди.

— Бу — бир. Иккинчиси шуки,— деб давом этди Туркенич,— Ковалёв билан Пирожокнинг нима бўлганини биз билмаймиз. Кўр-кўрона иш бошлаб бўладими? У болалар ҳақида бирон ёмон гап айтишни ўзимга сира ҳам раво кўрмайман, лекин улар қўлга тушган бўлишса-чи? Қамоқдагилар билан алоқа боғламасдан туриб, бирон тadbир кўриш мумкинми, ахир?

— Б-буни мен ўз зиммамга оламан,— жадал деди Олег.— Ота-онаси овқат олиб борса керак, биронтасидан нон ичига, идишга солиб хат юбориш мумкин бўлар. Б-буни мен ойим орқали уюштираман...

— Ойиси орқали!— деб пиқирлаб кулди Стахович.

Олег қип-қизариб кетди.

— Сен немисларни унча яхши билмасанг керак,— деди Стахович, истеҳзо билан.

— Биз ўзимизни немисларга эмас, балки немисларни ўзимизга мосланишга мажбур этишимиз керак.— Олег ўзини зўрға босар ва Стаховичга қарамасликка тиришар эди.— Сенинг фикринг қалай, Серёжа?

— Ҳужум қилганимиз яхшироқ,— хижолатланиб деди Серёжа.

— Ҳа, отангга раҳмат! Куч етади, хотиржам бўлавер!

Стахович, унинг фикрини қувватлаган одам топилганини сезиб, унга жон кирди.

— Мен шуни айтаётиман-да: бизда на ташкилот бор, на интизом,— деди Олег қип-қизарган ҳолда ва ўрнидан турди.

Шу он Нина эшикни очди-ю, ичкарига Вася Пирожок кириб келди. Бутун юзи мўматалоқ бўлиб кетган, бир қўли боглаб олинган эди.

Унинг қиёфаси шу қадар оғир ва ғалати эдики, ҳамма у томонга интилиб беихтиёр ўрнидан кўзгалди.

Қисқа бир жимжитликдан кейин Туркенич:

— Сени қаерда бундай қилишди?— деб сўради.

— Полицияда...— Пирожок, йиртқичларники сингари қора кўзлари, боладай алам ва хижолат билан тўлиқ бир ҳолда эшик ёнида турар эди.

— Ковалёв-чи, у қаерда? Қамоқда бизникиларни кўрдингми?— деб ҳамма Пирожокдан сўради.

— Ҳеч кимни кўрмадик: бизни полиция бошлиғининг кабинетида уришди,— деди Пирожок.

— Сен ўзингни ёш болаликка сола берма, бўлган гапни дурустроқ қилиб айтиб бер,— деди аччиғланиб Туркенич.— Ковалёв қаерда?

— Уйда... мазаси қочиб ётибди. Нимани айтаман?— деди Пирожок бирдан хит бўлиб,— Уша қамашлар бошланишидан олдин кундузи, Соликовский бизни чақириб, кечқурун яроғ-аслаҳа билан унинг ҳузурида бўлишимизни буюрди, одам қамашга борасизлар, деди, лекин кимникига эканини айтмади. Бундай ишга бизни биринчи марта белгилаши эди. Биздан бошқалар ҳам одам қамашга боришини, кўп одам қамалишини, албатта, биз билганимиз йўқ. Биз тўғри уйга бориб: «Ҳой, қайси юз билан ўз кишиларимизни қамашга борамиз? Ула-ўлгунча дарди-

миз ичимизда кетади-ю!» деб ўйладик. Мен Толяга: «Майхоначи Синюханикига борамиз-да, ўлгидай ичамиз» қамашга бормаймиз, кейин «учиб қолибмиз» деб айтамыз» дедим. Кейин хўп ўйлашдик, ҳақиқатан ҳам бизни нима қилишлари мумкин деб ўйладик. Биздан-ку гумон-пумонлари йўқ. Ҳеч бўлмаганда тумшугимиздан эзишади-ю, ишдан ҳайдашади, шу-да, деган қарорга келдик. Оқибат ҳам худди шундай бўлиб чиқди: бир неча соат сақлашди, тергов қилишди, тумшугимизни эзиб, қувиб юборишди.— деди Пирожок кўп хижолат тортиб.

Аҳволнинг нақадар жиддий бўлишига қарамай, Пирожокнинг қиёфаси шу қадар аянчли ва кулгили ҳамда бутун қилмишлари болаларча бир эси пастликдан иборат эдики, йигитларнинг юзида хижолат табассумлари пайдо бўлди.

Олег қаттиқ дудуқланиб:

— Яна баъзи ўртоқларимиз немис жандармериясини атака қилиш қўлимиздан келади деб ўйлашади!— деди кўзларида шафқатсизлик, ёвузлик ўтлари чақнаб.

Ёшларга топширилган биринчи жиддий ишдаёқ шунча болалик, енгилтаклик, уюшқоқсизлик ва интизомсизликка йўл қўйилгани учун Олег, Лютиковдан жуда уяларди. Ўртоқлари ҳам ўзларини худди шундай сезаётганлари учун ҳам улар олдида уятда қолган эди. Стахович майда иззат-нафс ва шуҳратпарастлик кўрсатгани учун ундан нафратланар ва айни вақтда жанговар тажрибага эга бўлган Стахович, Олегнинг бутун иш-ни шундай ташкил этганидан норози бўлишга ҳаққи бордай туюлар эди. Олег, бутун иш ўзининг ожизлиги туфайли, ўзининг айби билан барбод бўлди деб ўйларди, у ўзини маънавий жиҳатдан шу қадар қоралар эдики, Стаховичдан кўра кўпроқ ўзидан нафратланар эди.

УТТИЗ ТҮРТИНЧИ БОБ

Туркеничнинг уйда болалар кенгаш қуриб ўтирган пайтда Андрей Валько билан Матвей Шульга майстер Брюкнер ҳамда унинг ўринбосари Балдер ҳузурда, бир неча кун аввал Шульга юзма-юз қилиниб тергалган ўша кабинетда турар эдилар.

Ёшлари қайтган, ўрта бўйли, кенг яғринли бу икки киши, ўрмон яланглигида бир жуфт дарахтдай ёнма-ён туришади. Валько бир оз қотмароқ, қора, хўмрайган, ўсиқ қошлари ости-

даги кўз оқлари ёмон бир ниятда йилтирайди; Костиевичнинг ҳамма ёғи эзилган, кўкарган катта юзида эса эркакларга хос дағал чизиклар бўлишига қарамай, қандайдир ёруғ, сокин бир нарса ўйнайди.

Маҳбуслар шу қадар кўп эдики, шу сўнги кунларда уларни ҳам майстер Брюкнер, ҳам вахмайстер Балдер, ҳам полиция бошлиғи Соликовскийнинг кабинетларида тергов қилар эдилар. Лекин Валько билан Костиевични ҳали безовта қилишмади. Уларни ҳатто шу вақтга қадар Шульгани ёлғизлигида боқиб келгандан ҳам яхшироқ боқа бошладилар. Ана шу сўнги кунлар ичида Валько билан Матвей Костиевич ўз камералари девори орқасидан фақат доду фарёд ва ҳақоратларни, оёқ товушлари ва ғалаговурни, қурол-аслаҳаларнинг шарақ-шуруқини ва жом ҳамда челақларнинг тақирлашини, полга оққан қонларни ювишда сувларнинг шалолаб сочилганигина эшитиб ўтирдилар. Узоқдан, алақайси бир камерадан, баъзан чақалоқ йиғиси эшитилиб қолади.

Уларни қўлларини боғламасдан терговга олиб чиққанларида, ҳар икковлари ҳам ўзларини юмшоқлик ва қувлик йўли билан алдаб, қўлга туширишга уринишади деган хулосага келдилар. Лекин улар тартибни — Ordnungни — бузмаслиги учун майстер Брюкнер кабинетига тилмочдан ташқари яна тўрт нафар қуролли солдат ҳам бор эди, маҳбусларни ҳайдаб келган унтер Фенбонг эса, тўппончасини қўлида ушлаб уларнинг орқасида турарди.

Тергов Вальконинг шахсини аниқлашдан бошланди, Валько ҳам ўзининг кимлигини айтиб берди. У шаҳарда маълум одам эди, уни ҳатто Шурка Рейбанд ҳам биларди, Шурка Рейбанд майстер Брюкнернинг саволларини таржима қилиб турганда, Валько унинг кўзларида қўрқув борлигини ва шахсан ўзи жуда қизиқиб қараб турганини кўрди.

Сўнгра майстер Брюкнер Валькодан ёнида турган кишини қачондан бери билишини ва у ким эканини сўради. Валько истеҳзо аралаш кулимсиради.

— Камерада танишдик, — деди у.

— Ким экан?

— Хўжайинингга айтиб қўй. Валькони аҳмоқ деб билма-син, — деди Валько Рейбандга хўмрайиб. — У ахир менга бу гражданин айтган нарсаларнигина билишимни тушунади-ку?

Майстер Брюкнер кўзларини бойқушдай олайтириб турди ва яна нима сўрашини билмагани ҳамда қўллари боғланмаган

ва калтаклаб турилмаган одамни тергов қила олмаслиги ва бу ҳол майстер Брюкнер учун ғоят мушкул ҳам дилгир экани кўзларининг ўша ифодасидан маълум бўлиб турар эди. Кейин шундай деди:

— Агар ўз мартабасига яраша муомала қилишимизни хоҳласа, қўпориш ишларини олиб бориш учун у билан бирга қолдириб кетилган одамларни айтиб берсин.

Рейбанд таржима қилиб берди.

— Ундай одамларни билмайман. Сўнгра ўшандай одамларни ташлаб кетишга улгурганларига ҳам ақлим бовар қилмайди. Мен Донец ёнидан қайтиб келдим, кўчиб кетишга улгурмадим. Буни ҳамма тасдиқ қилиши мумкин, — деди Валько, ўзининг қутуриб турган қора, лўли кўзлари билан аввал Рейбандга, кейин майстер Брюкнерга тикилиб.

Майстер Брюкнер юзининг пастки қисмида, бағбақасида йўғон кибри тиришлар пайдо бўлди. У бир қанча вақт шу алпозда ўтирди, сўнгра стол устидаги портсигардан этикетсиз бир сигарани олди ва уни икки бармоғи орасига олиб, Валькога узатиб савол берди:

— Ўзингиз инженермисиз?

Валько гражданлар уруши тамом бўлиши биланоқ, кончи ишчилардан кўтарилган ва ўттизинчи йилларда Саноат академиясини битирган эски хўжалик ходими эди. Лекин бу гапларни немисга айтиб ўтириш бемаъ依лик бўлур эди, шунинг учун Валько ўзига узатилган сигарани кўрмаётгандек бир қиёфада майстер Брюкнер саволига тасдиқ жавоби берди.

— Сизнинг билимингиз ва тажрибангизга эга бўлган киши, агар хоҳиш билдирса, янги тартиб замонида бирмунча баланд ва моддий жиҳатдан таъминли ўрин эгаллаши мумкин эди, — деди майстер Брюкнер ва сигарани боягидек Валькога узатгани ҳолда, қайғули бир алпоз билан бошини ёнга солинтирди.

Валько индамас эди.

— Олинг, олинг сигарани... — деди Шурка Рейбанд, кўзларида қўрқув ҳамда чирқироқ бир шипшиш билан.

Валько, гўё унинг сўзини эшитмагандай, қора, лўли кўзларида шодон бир ифода билан майстер Брюкнерга ҳамон индамай қараб турар эди.

Майстер Брюкнернинг сигара ушлаб турган каттакон, сариқ, тириш қўли титрай бошлади.

— Бутун Донец кўмир райони кўмир конлари ва заводлари билан бирликда кўмир ва металлургия корхоналарини эксплуатация

тация қилувчи Шарқ жамияти қарамоғига ўтди, — деди майстер Брюкнер ва гўё бу сўзларни айтишга қийналгандек энтикди. Сўнгра бошини янада пастроқ солиптирди-да, сигарани Валькога кескин бир тусда чўзиб, шундай деди:— Жамиятнинг топшириғига биноан, сизга маҳаллий дирекцион ҳузуридаги бош ишжерлик вазифасини таклиф этаман.

Унинг шу сўзлари олдида Шурка Рейбанд, шу қадар эхонаси чиқиб, калласини елкалари орасига чўктирган ҳолда майстер Брюкнер сўзини шундай бир алпозда таржима қилиб бердики, гўё томоғида бир нарса туриб қолгандай эди.

Валько майстер Брюкнерга бирмунча индамасдан қараб турди. Вальконинг қора кўзлари қисилди.

— Мен бу таклифни қабул қилардим...— деди Валько.— Агар ишлаш учун менга яхши шарт-шароит яратиб берилса...

У ҳатто ўз овозига тилёгламалик ифодаси киритишга ҳам ўзида мадор топди. У, ҳаммадан ҳам, майстер Брюкнернинг бу кутилмаган таклифи келажак ишлар учун қандай имконият туғдириши мумкинлигини Шульга тушунмаслиги мумкин деб қўрққан эди. Лекин Шульга, Валько томнига қараб бирор ҳаракат ҳам қилмади, ҳатто унга қайрилиб ҳам қарамади, ҳамма гапни тўғри тушунган бўлса керак.

— Шарт-шароит?— майстер Брюкнер шундай кулимсирадики, бу кулимсираш унинг юзини ҳайвоний, йиртқич бир тусга киритди.— Шарти оддий бир шарт: ўз ташкилотингизни бизга очиб берасиз, ҳаммасини очиб берасиз!.. Сиз буни албатта қиласиз! Ҳозирнинг ўзида шу топнинг ўзида қиласиз!— Майстер Брюкнер соатига қаради.— Ун беш минутдан сўнг озод бўласиз, яна бир соатдан кейин эса — дирекциондаги ўз кабинетингизда ўтирган бўласиз.

Валько дарҳол ҳамма гапга тушунди.

— Мен ҳеч қандай ташкилотни билмайман, бу ерга мен тасодифий суратда келиб қолганман,— деди Валько, ўзининг одатдаги овози билан.

— А-а, сен аблаҳ одамсан!— деб қичқирди майстер Брюкнер газаб билан, гўё ўзининг гапига Вальконинг қанчалик тушунганини тасдиқлашга шошилгандек.— Сен — уларнинг энг каттаси! Бизга ҳаммаси маълум!.. Ва ўзини тутиб туролмасдан, сигаранинг учини Андрей амакининг юзига санчди. Сигара синиб кетди, сассиқ бир атир ҳиди келиб турган ва чуқуқ қилинган бармоқлари Андрей амакининг лабларига келиб санчилди.

Шу оннинг ўзида Валько кучли қора қўлини кериб туриб, майстер Брюкнернинг икки кўзи ўртасига туширди.

Майстер Брюкнер худди хафа бўлган кишидек фик этди-ю, сикниқ сигара қўлидан тушиб кетди, ўзи полга гурс этиб йиқилди.

Ҳамма бир неча зум шошиб қолди, бу орада майстер Брюкнер каттакон қорнини йўғон гавдасида дўппайтириб, полда қамир атмай ётар эди. Кейин майстер Брюкнер кабинетдаги ҳамма нарса остин-устун бўлди.

Паст бўйли, гоят семиз гавдали, оғир-босиқ табиатли вахмайстер Балдер тергов маҳалида индамай стол ёнида турар, кўп иш кўрган, намиққан кўк кўзларини уйку олиб кетар, бир салмоқда пишиллар ва ҳар бир нафас олиш, нафас чиқаришда унинг кўкиш мундирга тиқилган семиз, вазмин гавдаси хамирдек гоҳ кўпар; гоҳ чўкар эди. Донг қотиш ҳолати ўтгандан кейин вахмайстер Балдер қип-қизарди, турган жойида қалтиради ва:

— Тутинглар уни!— деб қичқирди.

Унтер Фенбонг, унинг кетидан солдатлар Валькога ташландилар. Гарчи унтер Фенбонг ҳаммадан яқин турган бўлса ҳам, лекин у Валькони туюлмади, чунки шу чоғ Матвей Костиевич даҳшатли бир хирқираш ва англашилмас бир хитоб билан:

— Ах, ты, Сибирь нашего царя¹,— деб унтер Фенбонгга бир мушт туширган эди, у кабинетнинг узоқ бурчагига калласи билан бориб йиқилди. Кейин эса, қутурган буқадек, зўр калласини солинтириб солдатларга ҳамла қилди.

— Вопладинг... Жуда-жуда бопладинг, Матвей!— деди Валько қувониб ва солдатлар қўлидан чиқиб, қип-қизариб кетган пўрдоқ вахмайстер Балдерга интилиб. Вахмайстер Балдер эса, кичкина, миқти, ёпишқоқ кафтлари билан тўсиниб, солдатларга қичқирарди:

— Отманглар!.. Ушлангла, ушлангла лаънатиларни!

Матвей Костиевич муштлири, оёқлари ва калласини мислсиз бир куч ва газаб билан ишга солиб солдатларни улоқтириб ташлади, уларнинг чангалидан бўшаган Валько ана энди вахмайстер Балдерга ташланди, вахмайстер эса ўзининг пўрдоқ гавдасига ярашиб тушмаган бир чаққонлик ва гайрат билан ундан қочиб, стол атрофида югура бошлади.

¹ Ҳе, онангни уч қўргондан кўргур!

Унтер Фенбонг ўз шеригига ёрдам қилишга яна уриниб кўрган эди, лекин Валько, гўё ғажиб ташлайдигандек тишларини гижирлатиб, этиги билан унинг икки сони ўртасига бир тепган эди, унтер Фенбонг юмалаганича қолди.

— Аҳ, бунисини яна ҳам бопадинг, Андрей!— деди Матвей Костиевич мамнун бўлиб ва буқа сингари ҳам ўннга, ҳам чапга ташланиб. У ҳар бир қайрилиш ва бурилишда солдатларни улоқтириб-улоқтириб ташлар эди.— Деразадан ташла, уқдингми?

— У ерда сим бор-ку.. Яхшиси, сен ёнимга келиб ол!

— Ух, Сибирь нашего царя!— деб бўкирди Костиевич ва бир силташда солдатлар қўлидан чиқиб, Вальконинг ёнига келиб олди-да, майстер Брюкнернинг креслосини бёшидан баланд қилиб кўтарди.

Унга ташланмоққа шайланиб турган солдатлар тисарилди. Валько тишларини гижирлатиб ва қора кўзларини дарғазаб бир ифода билан олайтириб, столдаги нарсаларни: сиёҳдонни, пресспапъени, металлдан ишланган стакан таглигини олиб, буларни душман бошига шу қадар ғазаб ва зарб билан, шу қадар шарақлатиб ва жаранглатиб иргитар эдики, важмайстер Балдер полга йиқилиб, семиз қўли билан сочи тўкилган бошини беркитди, шу вақтгача девор остида биқиниб ётган Шурка Рейбанд чийиллаб диван тагига кириб кетди.

Валько билан Костиевич жангу жадалга кира бошлаган пайтда уларни ўлимга маҳкум бўлганини билган жасур ва кучли кишиларда бўладиган сўнгги озодлик ҳисси эгаллаган эди, ҳаётнинг ана ўша сўнгги чайқалиши уларнинг бир кучига ўн куч қўшди. Лекин жанг палласида душман уларни ўлдира олмаяжигини, ўлдиришга ҳаққи йўқлигини, бунинг учун бошлиқларидан буйруқ олмаганларини англадилар, бу нарса уларнинг қалбини шундай бир тантана ҳисси билан, тўла ҳурлик ва бехатарлик туйғуси билан тўлдирдики, улар ортиқ енгилмас паҳлавонларга айландилар.

Улар қонларга беланган, қутурган ва мудҳиш бир тус олган ҳолда деворга орқалари билан суяниб ёнма-ён туришар, ҳеч ким уларга ҳамла қилишга ботинолмас эди.

Ҳушига келган майстер Брюкнер, солдатларни яна уларга олқишлади. Ур-йиқитдан фойдаланган Шурка Рейбанд диван тагидан секин эшикка чиқиб кетди. Бир неча минутдан кейин кабинетга яна бир қанча солдат ҳовлиқиб кирди ва кабинетда бўлган немисларнинг ҳаммаси чувалашиб Валько билан

Костиевичга ҳамла қилди. Улар паҳлавонларни ерга йиқдилар ва ғазабларининг бошвоғини бўшатиб, уларни боса ва муштлай кетдилар, оёқлари билан тепдилар, тиззалари билан эздилар ва Валько билан Костиевич батамом ҳушдан кетганларидан кейин ҳам яна узоқ қийнадилар.

Янги ой ботган, халқ тонг юлдузи деб атаган тиниқ сабоҳ юлдузи ҳали чиқмаган, табиат ҳам, гўё ҳориб-толгандек, кўзларини маҳкам юмиб уйқуга толган энг ширин уйқу кишилар кўзини очирмай қўйган ва ҳатто турмада ҳорган жаллодлар билан қурбонлар ҳам ухлаб кетадиган гира-шира жимжит саҳар палласи эди.

Ана ўша гира-шира, жимжитлик илк саҳар палласида қаттиқ, ғалвасиз уйқудан даставвал Шульга уйғонди, ўзининг бошига тушадиган ўша даҳшатли ҳаёт тақдирдан жуда-жуда узоқларда бўлган уйқудан уйғонди-ю, қоронги полда тўлғана-тўлғана ўтирди. Қарийб ўша дамда, товушсиз инграб, инграб эмас, жимгина оҳ тортиб,— Андрей Валько ҳам уйғонди. Ҳар иккови қоронги полда ўтириб, шишган, қонталаш бўлган юзларини бир-бирига яқинлаштирди.

Тор ва қоронги камерага заррача ёруғ тушмас, лекин улар бир-бирини кўраётгандек бўлар эдилар. Бир-бирларини кучли ва ажойиб ҳолатда кўрдилар.

— Оҳ, сен хўп барзанг экансан, Матвей, худо сенга куч-қувват берсин!— деди Валько хирқираб. Сўнг бутун гавдасини қўлларига ташлаб, бирданига шу қадар қаҳ-қаҳ уриб кулдики, гўё икковини овозликдаги кишилар деб ўйлаш мумкин эди.

Шульга ҳам хирқи ва меҳрибон кулги билан жавоб қайтарди:

— Сен ҳам чакана казак эмас экансан, Андрей, чакана эмас экансан!

Уларнинг даҳшатли ва баҳодирона кулгиси тун сукунатида турма барагининг деворларини титратиб юборди.

Эрта билан уларга овқат келтирмадилар, кундуз кунни терговга ҳам олиб бормадилар. Бу кун умуман ҳеч ким сўроқ қилинмади. Турманинг ичи жимжит; камера девори орқасидан худди хазон остидан оқиб ўтувчи булоқ шилдираши каби, аллақандай тушуниб бўлмайдиган гўлдир-гўлдир овозлар эшитилади. Чошгоҳ маҳалида турма олдида моторининг овози пасайтирилган бир енгил машина келиб тўхтади-да, бирпас турмасдан яна қайтиб кетди. Ўз камерасининг орқасида бўладиган ҳамма товушларни ажратишга ўрганиб қолган Костиевич,

майстер Брюкнер ё унинг ўринбосари, ёхуд улар иккови турмадан чиқиб кетаётган пайтларида шу машина келиб-кетишини билар эди.

— Бошлиқларнинг олдига кетишди,— деди Шульга, паст, жиддий бир овоз билан.

Валько билан Костиевич бир-бирига кўз ташлади-ю, лекин индашмади, балки икковлари, Валько билан Костиевич, ўз кунлари яқинлашганини билиб турганликларини ва у кунга тайёр эканликларини ўша қараш билан бир-бирига айтган эдилар. Буни турмадаги одамларнинг ҳаммаси ҳам билиб турган бўлса керак,— теваракда жимлик тантанали бир сукунат ҳукм сурар эди.

Улар ўз виждонларига ҳамдам бўлиб бир неча соат жим ўтиришди. Аста-секин гира-шира кира бошлади.

— Андрей,— деди секингина Шульга,— бу ерга қандай тушганимни ҳали сенга айтиб берганим йўқ. Қулоқ сол...

У ёлғиз ўтирган кезларида бу масала устида жуда кўп марта бош қотирган эди. Лекин ҳозир, дунёдаги ҳар қандай илинждан ҳам тоза самимий бир илинж билан уни боғлаб турган кишига ўша масалани баланд овоз билан сўзлаб бераркан, Матвей Шульга ёшлик чоғларида тутинган энг яхши дўсти Лиза Рибалованинг меҳнат ажинлари қаттиқ ўрнашган ва Шульгани кутиш билан узатишда кўринган кескин она меҳри-ла тўла очик юзини ҳозир ҳам кўриб тураркан, пушаймонидан азобланиб, инграб юборишдан ўзини зўрга ушлаб турар эди.

Сўнгра у ўзини аямасдан, Валькога ҳаммга нарсани — Лиза Рибалованинг сўзларини, Шульга ўзига жуда ишониб унга берган жавобларини, Лиза Рибалова уни сира ҳам кетгизгиси келмаганини, кейин у оналардек қараб қолганини, ўзи эса қалбининг оддий табиий сўзига қулоқ солмай кўпроқ нотўғри адресларга ишониб кетганини айтиб берди.

У гапирган сари Вальконинг тобора қовоғи солиниб борарди.

— Қоғоз!— деб хитоб қилди Валько — Иван Фёдоровичнинг бизга айтган гаплари эсингдами?.. Одамдан кўра кўпроқ қоғозга ишонгансан,— деди у, мардона бир қайғу овози билан. — Ҳа, бизда кўп вақт шундай бўлади... Қоғозни ўзимиз ёзамиз, лекин у ўзимизга нўхта бўлишини билмаймиз...

— Ҳали гапим битгани йўқ, Андрей,— деди қайғуриб Шульга,— сенга Кондратович тўғрисида ҳам гапирмоқчиман...

Сўнгра у, ёшлигидан бери таниган Кондратовичдан гумонсираганини сўзлади; Кондратовичнинг ўгли воқеасини эшитиб ва у ўз уйини яширин ташкилот ихтиёрига топширишга розилик беришда ўша воқеани яширганини билиб гумонсираганини айтди.

Матвей Костиевич буларнинг ҳаммасини яна эслади ва оддий одамлар ҳаётида кўп учрайдиган, кундалик ҳаётда бўлиб турадиган воқеа унинг кўзлари олдида Кондратовични қандай қўра қилиб кўрсатгани ва айни замонда ўзи сира ҳам танимаган ҳамда бир талай ёмон хулқлари бўлган Игнат Фомин ёқиб қолгани учун даҳшатга келди.

Бу воқеаларнинг ҳаммасини Кондратовичнинг огзидан шитган Вальконинг қош-қовоғи яна ҳам тушиб кетди.

— Форма!— деди хирқираб Валько.— Форманигина биладиган одат. Бизда шундай одат бор, халқ, ота-боболаримиз эски замонда кечирган турмушга қараганда яхшироқ турмуш кечиради, шундай бўлса ҳам халққа янада маъмурчилик тилаймиз, ҳар бир кишини яхши формада — тоза ва силлиқ кийинган ҳолда кўргимиз келади. Кондратович бояқиш, формадан чиқиб, сенга қорайиб кўринган. У лаънати Фомин эса формага тўғри келган, тозагина, силлиққина, аммо ўзи қоронғи кечалардан ҳам қорароқ эди... Бир вақтлар унинг қорасига қарамаганмиз, ўзимиз оқартириб юқорига кўтарганмиз, шуҳратини чиқариб, формага солганмиз, кейин эса у форма кўзимизга парда бўлди. Мана энди ўша қилган хиёматинг эвазига ўзинг қурбон бўлясан.

— Бу гапинг тўғри, жуда ҳам тўғри, Андрей,— деди Матвей Костиевич. Сўзлашиб турган нарсалари қанча огир бўлмасин, кўзлари бирдан ёришиб порлади.— Бу ерда неча кечаю, неча кундуз ўтирган бўлсам, мен бу ҳақда ўйламаган бирон соят бўлмади... Андрей! Андрей! Мен қуйи ишда ишлаб келган бир одамман, умрим бўйи елкамга қанча заҳмат тушганини мен айтмасам ҳам бўлади. Лекин ўтган умримга қайрилиб қарар эканман, хатойимни кўраман, бу хатони бугун қилмаганимни ҳам сезаман. Ёшим қирқ бешдан ошган бўлса ҳамки, ҳанузгача бир ернинг ўзида силжимамай турибман, уезд масштабининг ўзида йигирма йил қолиб келяпман! Нуқул ҳар кимларнинг ўринбосари бўлиб келаман... Худо ҳақи! Бизни аввал укомчилар деб аташарди, энди райкомчилар дейишади,— истеҳзо билан деди Шульга.— Теварак-атрофимдаги ўзим сингари райкомчи ўртоқларимнинг қанчаю қанчаси юқори вазифаларга кўтарилиб кетди,

мен эсам ҳамон ўша аравани тортиб келаётибман. Бу ҳам бир кўникиш-да! Бунинг қачон бошланганини ўзим ҳам билмайман, лекин кўникиб қолганман. Раз кўникиб қолдимми, демак кейинда қолиб кетавердим...

Бирдан Шульганинг овози бўлинди ва у ҳаяжон ичида катта қўллари билан бошини ушлади.

Матвей Костиевичнинг ўлим олдидан ўз қалби ва руҳини поклаётганини Валько тушунар ва бу пайтда ундан на таъна қилиш, на уни оқлаш мумкин эмаслигини билиб, индамасдан унинг гапини тинглади эди.

— Дунёда биз учун энг азиз нарса нима?— яна сўзлай бошлади Шульга.— Ким учун, нима учун яшаймиз, меҳнат қиламиз, ҳалок бўламиз? Кишиларимиз учун, инсон учун. Дунёда бизнинг кишиларимиздан ҳам гўзал бир нарса борми? У бизнинг давлатимиз учун халқ иши учун ўз зиммасига қанча машаққат, қанча кулфатни олди! Гражданлар урушида нимчорак нон еди, зорланмади, қайтадан қурилиш йилларида очеркларда турди, бедаво эгни-бош кийди, лекин ўзининг тўнғич совет молини олижаноб молларга алиштирмади. Ушбу ватан урушида эса юрак тўла бахт ва гурур билан бошини ўлимга олиб борди, ҳар қандай кулфат ва меҳнатдан қайтмади,— хотин-қизларгина эмас гўдак болалар ҳам бундан қайтмади,— ахир, улар сен билан менга ўхшаш ўз кишиларимиз-ку. Биз шу кишилар орасидан чиққанмиз!.. Ҳамма яхши, ақли, истеъдодли кишилар, донгдор кишиларимиз ҳаммаси шулар орасидан шу оддий одамлар орасидан чиққан. Бутун умр улар учун меҳнат қилиб келганимни ўзинг ҳам биласан... Лекин, ўзингдан ўтар гап йўқ, эртаю кеч шу ишлар билан ўралашиб юрасан, ишлар эса энг муҳим ва кечиктириб бўлмайдиган ишлар бўлади, қарайсанки, ишлар ўз йўли билан кетибди, инсон ўз йўли билан... Аҳ, Андрей! Лиза Рибалованикидан чиқиб кета туриб, уйда учта йигитча билан бир қизни кўрдим бир йигит билан қиз унинг болаларн бўлса керак, қолганлари, фаҳимча, уларнинг ўртоқлари... Андрей!.. Уларнинг кўзларини кўрсанг эди! Менга шундай кўзлар билан қарашдики! Бир куни шу ерда, камерада ётганимда, бирдан кечаси уйғониб кетдим-да, бутун аъзойи баданим титраб-қақшаб кетди. Комсомоллар! Ахир, улар албатта комсомол болалар эди-ку! Қандай қилиб мен улар ёнидан индамай ўтиб кета бердим? Бу қандай бўлди? Нима учун? Нима учунлигини ўзим биламан. Райондаги комсомоллар неча марта лаб менга: «Матвей амаки, йигим-терим ҳақида, галла

экиш, районимизнинг ривожланиши тўғрисида, советларнинг область съезди, истаган мавзуда ёшларга доклад қилиб беринг» деб мурожаат этишарди. Мен эсам уларга: «Вақт қайда, келинлар, сўна бўлаверманглар, комсомоллар, ўзларинг эплай беринглар» дердим. Баъзан эса улардан қутулишнинг иложи бўлмай ҳўп дердим, кейин эса доклад қилиб беришнинг қийинлигини айтмайсанми! Бир томондан область ер бўлимига сводка юбориш керак, бир томондан келишув — тақсимлаш комиссияси яна бир томондан кон бошқармасининг директориникига жуда бўлмаса бир соатга бориб келишинг керак,— нега десанг, ўзи эллик ёшга, боласи бир ёшга тўлганининг шарофатига зиёфат бераётган бўлади; у ўз боласининг бир ёшга тўлганидан шу қадар хурсанд ва фахрланадики, азбаройи тўй қилиб беради, бормасанг — хафа бўлади... Мана шундай бир ҳолатда, бошинг ишлар билан қотиб турган бир пайтда, тайёрланмасданоқ комсомолларга доклад қилгани борасан, хаёлингда бор гапларни бир амаллаб, юмалоқ-ясси қилиб гапирасан, ичингдан шунақанги сўзларни тортиб чиқарасанки ҳатто кўнгилларинг айнаб кетади, ёш-ёш йигит-қизларни эса қўя бер. Ана шармандалик!— деди бирдан Матвей Костиевич ва қип-қизариб кетган катта юзини кафти билан беркитди.— Улар сендан қандай яшаш кераклиги тўғрисида насиҳат кутса-ю, сен уларга «юмалоқ-ясси» қилиб гапирасан... Ёшларимизнинг энг биринчи тарбиячиси ким? Ўқитувчи. Ўқитувчи! Номига ҳам қараб қўй-да!.. Сен билан биз черков — приход мактабини тамом қилганмиз, сен уни мендан беш йил бурун тамом қилгансан, Николай Петрович деган ўқитувчи ёдингда бўлса керак. У бизнинг конда сил бўлиб ўлишигача болаларга беш йилча ўқитувчилик қилган эди. Оламининг тузилиши — қуёш, ер ва юлдузларнинг тузилиши қандайлигини айтиб бергани ҳали ҳам эсимда бор, бизнинг худога ишончимизга дастлаб рахна солиб дунёга кўзимизни очган одам шу бўлса керак... Устоз! Ҳазил гап эмас! Ҳар бир гўдак бола ўқийдиган бизнинг мамлакатимизда ўқитувчи — муаллим энг катта одам. Болаларимизнинг, халқимизнинг келажаги устознинг қўлида, унинг олтин қалбида. Уни кўчада кўрганда, валик метр беридан туриб, унга ҳурмат юзасидан таъзим қилишинг керак. А мен-чи?.. Мактабни ремонт қилиш ўтин билан таъминлаш масаласи қўзғалганда ҳар йил мактаб директорлари мени кабинет эшиги олдида тутиб олиб, ёғоч, гишт, оҳак, кўмир берсангиз экан деб ялинишганини эсинга олсанг уяласан киши. Мен бўлсам, бу менинг ишим эмас, районо шуғуллансин,

деб ҳазил билан қутулиб қўя қолардим. Буни ўзим учун шармандалик деб билмас эдим ҳам! Кўмир плани бажарилди, ғалла топшириш плани ошириб бажарилди, ер ҳайдаб қўйилди, гўшт топширилди, жун топширилди, обком секретарига табричнома юборилди, энди менга тегма деб ўйлардим. Ё шу гапим нотўғрими?.. Кеч ақлим кирди, буларнинг ҳаммасига кеч тундирдим, лекин шундай бўлса ҳам, тушуниб олганим учун дилим анча енгил тортди. Ахир мен ўзим кимман?— хижолатли, меҳрибон ва гуноҳқорона бир табассум билан деди Матвей Костиевич.— Мен халқнинг пушти-камаридан, унинг энг қуйи этагидан чиққанман, мен халқ фарзанди ва унинг хизматкориман. Мен ўн еттинчи йилда, Леонид Рибаловнинг гапларини эшитган вақтимдаёқ, халққа хизмат этишдан зиёда бахт йўқлигини билганман, менинг коммунист-хизматчилик тақдирим ўша даврдан бери давом этиб келади. Яширинча ишлаганларимиз, партизанлик қилганларимиз эсингдами? Биз-ку саводсиз оталар ва оналарнинг фарзандлари эдик, ахир, бизлар босқинчинемислар билан оқлар зулмига чидаш бериш ва охири уларни енгил учун юрак ва журъат кучини қаердан топган эдик? У вақт энг мушкул ишни енгил олсак, сўнгра ҳамма нарса мойдек кетадигандек бўлиб кўринар эди. Ҳолбуки энг мушқули кейинда экан. Эсингдами: камбагал комитетлари озиқ-овқат развёрсткалари, кулак бандалари, махночилар ва — бирдан: пах! НЭП! Савдо қилишни ўрган дедилар. А? Хўш, нима бўлибди? Савдо қилдик. Ўргандик ҳам!

— Эсингдами, кўмир конларини тиклаганимиз, а?— деди Валько, бирдан ғайри оддий бир равишда жонланиб.— Ушанда, армиядан энди бўшаб келган вақтим эди. Ишдан чиқиб қолган, эски бир конга директор қилиб кўтаришган эди. Хўп ишладинг-а, бай-бай-бай!.. Хўжалик ишларини биладиган ҳеч ким йўқ, мутахассислар саботаж қилишади, машиналар тўхтаб қолган, электр йўқ, банк қарз бермайди, ишчиларга ҳақ тўлаш учун пул йўқ, унинг устига Ленин, кўмир беринглар, Москва билан Питерни қўтқазинглар деб телеграммалар юборарди. У телеграммалар менинг учун муқаддас васият эди. Мен Ленинни кўрганман қачон эдиким, ҳа, Советларнинг иккинчи съездида, Октябрь ўзгаришида,— мен у вақтда фронтчи солдат эдим. Ушанда секин олдига бориб, уни қўлим билан ушлаб кўрганим ҳали-ҳали эсимда қараки, унинг ҳам ўзимга ўхшаш жонли киши эканига ишонолмайдигандек ушлаб кўрибман. Хўш, нима бўлди дегин? Кўмир бердим!

— Ҳа, тўғри...— деди хурсанд бир кайфият билан Шульга.— Эҳ-ҳа, шу давр ичида ўша бизнинг «укомчилар» билан «райкомчилар»нинг зиммаларига қанчадан-қанча юк тушмади дейсан, бошимизга қанча-қанча тош ёғмади, Совет ҳокимияти йилларида ҳеч кимни биз «райкомчилар»ни сўкишгани қада сўкишмагандир! Совет ҳокимияти даврида қанча ходим ўтган бўлсин, ё бор бўлсин, ҳеч ким бизчалик вивовор олмагандир!— деди Матвей Костиевич, юзида бахтиёрона бир ифода билан.

— Шундайдир-у, лекин бу масалада бизнинг хўжалик ходимларимиз ҳам сизлардан қолишмайди деб ўйлайман,— деб Валько ҳам кулимсираб қўйди.

— Йўқ, ҳақ гап,— деди Шульга таъсири билан бир овоз билан,— мен ўзимдан ҳар қанча ўпкалаган бўлсам ҳам, бизнинг оғайни «райкомчиларимиз»га умрли ҳайкал қўйиш керак. Масалан, мен ҳамиша «план, план» деб жавраганим жавраган эди... Қани, сен йил сайин, йилдан-йилга кун сайин, кундан-кунга миллион-миллион гектар ерни худди ўз вақтида ҳайдаб, экиб, ғаллани йиғиб-териб, янчиб, давлатга топшириб меҳнат кунларига тақсим қилиб кўр-чи. Хўш, тегирмон қилиш-чи, лавлаги-чи, кунга-боқар-чи, юнг-чи, гўшт топшириш-чи, чорва туёғини ошириш-чи, тракторлар ремонтчи-чи, эҳ-ҳа-а! Ҳар бир кишининг яхшироқ кийингиси, тузукроқ овқат егиси, қанд билан чой ичгиси келса керак, лекин бизнинг ҳаракатчан райкомчимиз сира тинмайди, бу инсон талабини бажо келтириш учун оёғи куйган товукдай югуриб юради. Айтиш мумкинки, бизнинг райкомчимиз ғалла ва хомашё масаласида бутун Ватан уруши юкини ўз зиммасида кўтариб бораётир.

— Хўш, бизнинг хўжалик ходимларимиз-чи?— деди Валько, айни замонда ҳам газабланиб, ҳам фахрланиб.— Агар ҳайкал қўйиладиган бўлса, хўжалик ходимига қўйиш керак! Биринчи ва иккинчи беш йилликларни елкасида кўтарган ва бутун Ватан урушини кўтариб бораётган киши худди ана шу хўжалик ходими? Ё нотўғрими? Қишлоқдаги ҳам план бўлибдими? План ана — саноатда! Қишлоқдаги ҳам суръат бўптими? Суръат, ана — саноатда! Қандай заводлар қуришни ўргандик,— топ-тоза, чиройли, қулинг ўргисин заводлар! Конларимиз-чи? Масалан, бизнинг биринчи бисни олайлик. Ахир улар, капиталистлар, ҳар вақт тайёрга айёр! Биз эсак ўз суръатларимиз, қулоч ёзган ишларимиз билан ҳар вақт тикилишда қоламиз: ишчи

етишмайди, қурилиш материаллари етишмайди, транспорт улгурмайди, бири катта, бири кичик минглаб камчиликлар кўндаланг туради, шундай бўлишига қарамасдан биз ҳамон илгарилаб борамиз. Ўй, бизнинг хўжалик ходимимиз — асл гигант...

— Ҳа-да! — Хушчақчақ ва бахтли бир ҳолда деди Шульга. — Эсимда, Москвада колхозчилар кенгашида бизни резолюция тузувчи комиссияга чақириб қолишди, ўша ерда биз райкомчилар устида гап бошланиб кетди. Кўзойнак таққан, қизил профессорлар тоифасидан бўлган, — ўша вақтларда уларни шундай деб аташарди, — ёшгина бир киши биз райкомчилар тўғримида кеккайиб туриб: булар қолоқ одамлар, улар Гегелни ўқишмаган дея берди, ҳаттоки: юз-қўлларини ҳам кунда ювиб туришмайди дейишгача, олиб борди-да. Шунда у ерда ўтирганлар: «Сизни ўша райкомчиларга қўшиб қўйилса, улардан таълим олсангиз, балки, ақл кириб қолармиди...» дейишади. Ҳа-ҳа-ҳа! — Шульганинг вақти чоғ бўлиб кетди. — Ўша кезларда мен қишлоқни жуда яхши биладиган одам ҳисобланардим, сен нима деб ўтирибсан! Кулакларни фош қилиш, коллективлаштириш ишларида мужикларга ёрдам бериш учун мени қишлоқдан қишлоққа юбориб туришарди... Э, нимасини айтсан, у вақтлар жуда улуғ вақтлар эди, уни эсдан чиқариб бўладими? Бутун халқ ҳаракатга келган эди-да! Ўй, нималигини билмас эдик... У вақтда мужикларнинг кўпи иккиланиб қолган эди. Аммо-лекин, уруш бошланишидан олдин эса, ўша йилларнинг буюк самараларига ҳатто энг қолоқлари ҳам тушуниб қолган эди... Чиндан ҳам, урушдан олдин қантдек яшай бошлаган эдик!

— Ўша вақт бизнинг конда нималар бўлгани эсингдами? — деди Валько, лўли кўзларини пориллатиб. — Бир неча ойгача уйимга ҳам боролмасдим, конда ётиб юрардим. Худо ҳақи, агар ҳозир орқангга қайрилиб қарайдиган бўлсанг, наҳотки ўша ишларнинг ҳаммасини ўзимиз қилганмиз деб ишоналмайсан киши! Чин сўзни айтсам, баъзан ўша ишларни ўзим эмас, менинг яқин бир қариндошларим қилгандек бўлиб туюлади. Мана ҳозир кўзларимни юмиб туриб ҳам бутун Донбасснингизни, қурилишлар билан тўлиқ бутун мамлакатимизни, штурм қилиб чиққан кечаларимизни кўраман...

— Тўғри, тарихда ҳеч бир кишининг зиммасига бизчалик юк тушган эмас, лекин кўриб турибсанки, қаддимиз букилмади. Ана шунинг учун ҳам: ахир, биз қандай одамлармиз? — деб сўрайман, — деди Шульга, содда, болаларча бир ифода билан.

— Душманлар эса аҳмоқ бўлиб, бизни ўлимдан қўрқади деб

ўйлайди!— Валько заҳарханда қилди.— Ҳа, биз большевиклар ўлимга ўрганиб қолганмиз. Биз большевикларни кимлар, қайси душманлар ўлдирмади: подшоҳ жаллодлари ва жандармлар ўлдирди, Октябрда юнкерлар ўлдирди, оқлар ва бутун дунё интервентлари ўлдирди, махночилар, антоновчилар, кулаклар қирқма милтиқдан бизни отдилар, биз бўлсак ҳамон халқ муҳаббати ичида яшаб келамиз. Майли, ҳозир фашист-немислар бизни ўлдириша қолсин, лекин биз эмас, уларнинг ўзи ер қаърига киради. Ростми, Матвей?

— Бу улуғ, муқаддас бир ҳақиқат, Андрей!.. Тақдир мендек оддий ишчи кишига ўз ҳаёт йўлини партиямиз қаторида ўтишни, одамларга бахтли ҳаёт йўлини очиб берган партия қаторида ўтишни буюрган экан, мен бу билан умрбод фахрланаман...

— Бу муқаддас ҳақиқат, Матвей, бу биз учун улуғ бир бахт! — деди Валько, ўзидек шиддатли бир кишида қутилмаган бир эҳтирос билан.— Менинг юрагимда яна ҳам катта шодлик бор: бахтли толе мени шу ўлим соатида сендек ўртоққа ёр қилди, Матвей...

— Бу шараф учун энг улуғ, энг яхши ташаккуримни билдираман... Чунки сенинг қалбинг нечоғлик гўзал эканини дарҳол англадим, Андрей...

— Биздан кейин қоладиган кишиларимизга худо бахт-саодат берсин!— Валько секин, тантанали бир оҳангда деди.

Андрей Валько ва Матвей Шульга ўз ўлим соатларида бир-бирлари ва ўз виждонлари билан шу тахлит хайри-видо қилишдилар.

ЎТТИЗ БЕШИНЧИ БОБ

Майстер Брюкнер билан вахмайстер Балдер чошгоҳдан кейин округ жандармериясига жўнадилар. Бу жандармерия Краснодардан ўттиз километрча наридаги Ровеньки шаҳрида эди. Краснодар жандарма пунктига командировка қилиб юборилган СС командасининг ротенфюрери Петер Фенбонг майстер Брюкнер билан вахмайстер Балдер округ жандармериясига тергов материалларини олиб кетганлигини ва маҳбусларни нима қилиш ҳақида буйруқ олишлари кераклигини билар эди. Лекин Петер Фенбонг ҳам, ўз шефлари билганидек, буйруқнинг қандай бўлишини тажрибадан билар эди, чунки улар парк территориясини СС солдатлари билан ўраб олиш ҳамда паркка ҳеч

кимни киритмаслик тўғрисида жўнаш олдидан Фенбонгга буйруқ берган минутларидаёқ, жандармерия солдатларининг сержант Эдвард Вольман командаси остидаги бир бўлими олтмиш саккиз киши ёнма-ён турганда сиғадиган катта бир чуқур қазиш учун паркка юборилган эди.

Петер Фенбонг, шефларининг қоронги тушмасдан қайтиб келишини билар эди. Шунинг учун ўз солдатларини младший ротенфюрер командаси остида паркка юбориб, ўзи турма ёнидаги ҳужрада қолди.

Сўнги вақтларда унинг иши жуда кўп бўлди ва ҳеч вақт бир минут бўлса ҳам ёлғиз қоладиган фурсат тўғри келмади, шу сабабли бошдан-оёқ ювиниб олиш у ёқда турсин, қатто кўйлак-лозимини ҳам янгилаб ололмас, кўйлак-лозими ичида нималар борлигини биров кўриб қолади деб қўрқар эди.

Майстер Брюкнер билан вахмайстер Балдер жўнашгач, СС солдатлари билан жандармерия солдатлари паркка кетиб, турма жимжит бўлгач, унтер Фенбонг турма ошхонасидаги ошпазга бориб, ювиниб олиш учун бир кастрюль қайноқ сув, тоғора сўради, даҳлиздаги бочкада эса ҳамма вақт совуқ сув бўларди.

Кўп иссиқ кунлардан бери биринчи марта совуқ шамол эди-да, кўкка паст ёмғир булутларини суриб олиб келди, куздаги сингари, куннинг ранги қочди, кўмир районининг бутун табиати ўзининг энг ёқимсиз юзини ўгирди. Шаҳарча стандарт уйлари билан бирликда ўз кўксини кўмир тўзонларига ва барча шамолларга очиб берди. Ҳужра ичи баҳузур ювинса бўладиган даражада ёруғ бўлса ҳам, лекин унтер Фенбонг ғафлатда қолиб қўлга тушмаслик учунгина эмас, балки деразадан биров кўриб қолмасин деб деразанинг қора пардасини тушириб, чироқни ёқиб қўйди.

Уруш бошидан бери яшаб келган турмушига қандай ўрганган бўлмасин, ўзининг бадбўй ҳидига қанчалик одатланган бўлмасин, ҳар ҳолда устидаги ҳамма нарсаларини батамом ечиб, бирмунча вақт яланғоч турганида бениҳоят ҳузур қилади. Унинг семизлиги туғма эди, лекин у ёши ўтган сайин оғирлашиб борди ва қора мундири ичида жуда қаттиқ терлаб юрарди. Бир қанча ойдан бери ўзгартилмаган кўйлак-лозими ачиган тер ва мундир астаридан ўтган қора-сариқ ранглар билан бўялиб, сасиб, жийиб кетган эди.

Петер Фенбонг кўйлак-лозимини ечди-да, кўп вақтлардан бери ювилмаган, лекин туғилишидан оқ баданини очиб, яланғоч ҳолича турди. Унинг кўкраги, қўлтиқлари, оёқлари ва қатто

ягринини ҳам оқ-саргиш жингалак жун қоплаган эди. Кўйлак-лозимини ечганда, баданида галати бўғов борлиги маълум бўлди. Аммо у бўғовга эмас, қадим замонда хитой солдатлари тақиб юрадиган узун патрон лентасига ўхшарди. У ҳар бири тугмалаб беркитиладиган кичик-кичик чўнтакларга ажратилган резина материядан ясалган узун лента эдики, унтер Фенбонг уни икки елкаси ва қўлтиқ тағларидан крест шаклида ўтказиб, белининг юқорироғидан туташтириб боғлаб олган эди. Лента ён томонидан бант қилиб боғланган қасмоғи чиқиб кетган оқ тасма билан тортиб қўйилган обойма катталиғидаги бу кичкина чўнтакларнинг аксари лиқ тўла бўлиб, оз қисми ҳали бўш эди.

Петер Фенбонг тасмани бели ёнидан бўшагиб, баданидаги лентани олди. У баданида кўп вақтдан бери боғлиқ юрган бўлса керак оппоқ семиз баданида, ягрини ҳам кўкрагида ва белининг юқорироғида крестга ўхшаган қорамтир из тушиб қолган эди, бу из киши ётганда тушиб қоладиган хунук рангли тиришга ўхшар эди. Петер Фенбонг лентани чиқариб олгач, уни эҳтиёт билан яхшилаб столга қўйди,— у ҳақиқатан ҳам жуда узун ва оғир эди,— сўнгра ўлиб-қутулиб қичина бошлади. У қисқа, тўмтоқ бармоқлари билан бутун баданини жон куйдириб қаший бошлади, кўкрагини, қорнини, қўлтиқларини, оёқларини қашиди ва ўлиб-тирилиб гоҳ бир елкаси, гоҳ иккинчи елкаси орқали ягринини қашишга тиришди, гоҳ ўнг қўлини пастдан, кўкраги остидан букиб ўтказар, ва пишилаб, катта бармоғи билан қашир, ҳам ҳузур қилиб мингиллар эди.

Қичиғини бир оз босгандан кейин, мундиридаги ички чўнтак тугмасини эҳтиёт билан ечиб, чарм кармонга ўхшаш кичкина халтача олди ва ундан столга ўттизтача тилла тиш тўкди. У бу тишларни ҳали тўлгазилмаган чўнтакларининг икки-учтасига бўлиб солмоқчи ҳам бўлди. Лекин шу топда холи қолиш насиб бўлган экан, тўлдирилган бошқа чўнтакчалардаги буюмларни ҳам жуда кўргиси келиб кетди,— ахир, уларни кўп вақтлардан бери кўрмаган эди. Сўнгра, тугмаларни бирин-кетин ечиб, чўнтаклардаги буюмларни бўлак-бўлак қилиб тўкди ва ҳадемай столни тўлдирди. Ҳа, қарашга арзийдиган нарсалар кўп эди!

Унда дунёдаги кўп мамлакатларнинг пуллари — Америка долларлари, Англия шиллинглари, Франция ва Бельгия франклари, Австрия, Чехия, Норвегия кронлари, Руминия лейлари бор бўлиб, тилла пуллар тиллага, кумуш пуллар кумушга, қоғоз пуллар қоғозга ажратилган эди; ҳатто у қоғоз пуллар орасида

совет ўн червонлиги, яъни яхшилаб тахланган бир пачка юзталик ҳам бор эди, бу пуллардан, ростки, у ҳеч қандай моддий манфаат кутмаса ҳам, уларни ҳар нечук ёнида сақлаб келарди, чунки унинг очкўзлиги турли пулларни йиғувчи коллекциячи даражасига бориб етган эди. Бу ерда бир тўп майда тилла буюмлар — қимматбаҳо тош кўзели ва кўзсиз узуклар, ангишвоналар, тўғнагичлар, брошклар ва бошқа алоҳида тўпда қимматбаҳо тошлар, тилла тишлар бор эди.

Шип тагида бўлган ва пашшалар уймалашган электр лампасининг хира ёруғи стол устидаги пуллар билан қимматбаҳо буюмларни ёритар, тепа сочлари тушган, ҳамма ёғини жун босган, яланғоч Фенбоиг эса мўғиз қиррали оқиш кўзойнақларини тақиб, оёқларини кериб, буюмларга тикилиб, табуреткада ўтирар ва юраги ҳовлиққан, ўз-ўзидан мамнун бўлган ҳолда дам-бадам қашиниб кўяр эди.

Бу майда-чуйда буюмлар ва пулларнинг кўплигига қарамай, ҳар бир пулни ва ҳар бир майда буюмни қўлига олса, у нарсанинг қайда, қачон, қай вазиятда ва кимдан олганини ёки тортиб олганини, у тиш кимдан суғуриб олинганини оқизмай-томизмай айтиб бера оларди, чунки у аҳмоқ бўлиб қолмаслиги учун шу иш билан машғул бўлиш керак деган хулосага келган пайтдан тортиб фақат шу машғулот билангина яшаб келган, қолганлари эса фақат яшаб пардасигина бўлиб қолган эди.

У фақат ўликларнинг эмас, ҳатто тирикларнинг ҳам тилла тишларини суғуриб олар, лекин ўликларникини суғуриб олишни афзал кўрар, чунки уларнинг тишларини суғуриб олиш учун ортиқча ташвиш бўлмас эди. Маҳбуслар орасида тилла тишли кишиларни кўрди дегунча, тергов машмашалари тезроқ тугасая, одамлар тезроқ ўлдирилса деб питиллаб турарди.

Ўша пуллар, тишлар ва майда-чуйда буюмлардан кўзга кўриниб турган ўлдирилган, қиймаланган, таланган эркаклар, аёллар, болалар шу қадар кўп эдики, у шу буюмларга қараб турганда, унинг ширин хаёлларига ва ўз-ўзидан мамнунлик ҳисларига бир қадар ташвиш ҳам келиб қўшилар эди. Лекин бу ташвиш унинг ўзи, яъни Петер Фенбонгнинг ташвиши эмас, балки жуда яхши кийинган алақандай хаёлий жанобдан, семизгина жимжилорига узук таққан, қимматбаҳо майин оқиш шляпа кийган, соқол-мўйловлари тоза қирилган, одоби, Петер Фенбонгга ўпка билан қарайдиган бир жанобнинг ташвиши эди.

У хаёлий киши жуда ҳам бой эди, ҳатто Петер Фенбонг бутун қимматбаҳо буюмлари билан бирга олинганда ҳам, у бой-

лик қиларди, лекин у эски, яъни ҳалол йўл билан боювчилар сифатида, Петер Фенбонгнинг бойиш усулини ифлос усул деб билгани учун, уни қоралашга ўзини ҳақли деб билар эди. Петер Фенбонг ҳам ўша жентльмен билан бениҳоя узоқ, лекин дилкашлик билан баҳслашар, чунки бу баҳсда турмушнинг паст-баландини яхши билувчи ҳозирги замон ишчан кишиси эгаллаган баландроқ ва мустаҳкамроқ позицияда турувчи фақат Петер Фенбонгнинг бир ўзигина гапирар эди.

«Ҳе-ҳе,— дер эди Петер Фенбонг,— ахир бу касбни ўла-ўлгунимча қиламан деб туриб олганим йўқ-ку, агар билгингиз келса, бориб-бориб оддий бир саноатчи, ё савдогар ёки дўкондор бўламан, лекин буни бирон нарса билан бошлашим керакми, ахир! Ҳа, ўз тўгрингизда қандаю, мен тўғримда қандай ўйлашингизни жуда яхши биламан! Сиз: «Мен-жентльменман, менинг ишим ҳамманинг кўз олдида, менинг давлатим манбаини ҳар бир киши кўриб туради, оилам бор, бола-чақаларим бор, тоза ювинган, силлиқ кийинганман, одамларга назокат билан муомала қиламан ва уларнинг кўзига уялмай қарай оламан; мен билан сўзлашаётган аёл тикка турган бўлса мен ҳам тик тураман; мен газета, китоб ўқийман ва иккита жамияти ҳайрияга аъзо бўлиб тураман, уруш кунларида ҳарбий касалхоналарни жиҳозлаш учун катта маблағлар иона қилганман; унинг устига музикани, гулни ва денгизда ой ёғдусини севаман. Петер Фенбонг эса одамларнинг пулини ва қимматбаҳо буюмларини тортиб олиш учун одам ўлдиради, ҳатто одамларнинг тилла тишларини сугуриб олишдан ҳам, у тишларни биров кўрмасин деб баданида яширишдан ҳам қайтмайди, у ойлаб ювинмасдан ҳамма ёқни саситиб юришга мажбур, шунинг учун уни қоралашга ҳақлиман...» деб ўйлайсиз. Ҳе-ҳе, рухсат этинг, менинг энг азиз ва энг ҳурматли дўстим! Эсдан чиқармангки, менинг ёшим қирқ бешга бориб қолган, денгизчи эдим, дунёдаги ҳамма мамлакатларни кезиб чиққанман, иннайкейин, оламда нимаикчи бўлса, ҳаммасини кўрганман!.. Мен узоқ мамлакатларда денгизчи бўлиб кезиб юрган вақтларимда, Жанубий Африка, Ҳиндистон ё Ҳинди-Хитойда бирон жойда мўътабар хотлар кўзи олдида ҳар йил очликдан миллионлаб кишиларнинг ўлганини неча бор ўз кўзим билан кўрганман... ана ўша мен кўрган нарсаларим эсингизда эмасми? Дарвоқе, унча узоққа бориш наҳожат? Урушдан олдинги гуллаш йилларида дунёнинг қарийб ҳамма пойтахтларида иш тополмай, мўътабар хотлар кўз олдида, баъзан эса қадимги жомеълар жиловхоналарида ўлиб турган кишилар билан тўлиқ

бутун-бутун маҳаллаларни кўришингиз мумкин эди. Улар ўз инжиқликлари орқасида ўлишар эди, деган фикрга қўшилиш жуда-жуда қийин! Баъзи мўътабар зотлар, бориб турган жентльменлар, ўз фойдаларини кўзлаб, миллион-миллион соғ-саломат эркак ва аёлларни ўз корхоналаридан кўчага улоқтириб ташлашдан уялмайдилар, у эркаклар билан хотинлар ўз аҳволларига рози бўлмаганликлари учун уларни ҳар йил тўп-тўп қилиб турмаларда чиритадилар, ёки кўчаларда ва майдонлардаёқ ўлдирадилар, полиция ва солдатлар ёрдами билан қонуний қилиб ўлдирадилар!.. Мен сизга бир неча хил усулни мисол қилиб келтирдим,— кўпроқ келтиришим ҳам мумкин эди,— бу усуллар билан ҳар йили ер шарида миллионлаб кишиларни ўлдирадилар, фақат тан-жони соғ эркакларнигина эмас, ҳатто болаларни, аёлларни, кексаларни ҳам, хуллас сизнинг бойишингиз учун ўлдирадилар. Уруш тўғрисида оғиз ҳам очмайман, зеро унда сизнинг бойишингиз учун қисқа бир муҳлатда гоёт кўп одам ўлдирилади. Азиз ва мўътабар дўстим! Беркинмачоқ ўйнашнинг бизга нима кераги бор? Бир-биримизга чин юракдан айтиб қўя қолайлик: агар бошқалар биз учун ишласин деяр эканмиз, у ҳолда бирон восита билан уларнинг маълум миқдорини ҳар йил ўлдириб туришимиз керак! Мени унчалик хуш кўрмаслигингизнинг сабаби шуки, мен бу кушхонанинг энг пастки зинасида турибман, бу ишда қора ишчиман ва ҳозирги ишим шундайки, ювинмасдан юришга ва бадбўй ҳид сочиб юришга мажбурман. Лекин сиз ҳеч қачон мен кабиларнинг ишидан ҳазар қилган эмассиз, гапимга хўп деяверинг, замон ўтиши билан мендақаларга кўпроқ муҳтож бўласиз. Мен қуйиб қўйган ўзингизман, мен сизнинг эгизагингиз бўламан, агар сизнинг астар-аврангизни ағдариб, аслида кимлигингиз очиб қаралса, мен сизнинг ўзингизман. Лекин, вақти келиб, мен ҳам ювиниб оламан, сиппа-силлиқ киши бўлиб дўкандор ҳам бўламан, шунда агар хоҳласангиз, дастурхонингиз учун мендан яхши-яхши сосискалар сотиб олиб туришингиз мумкин...»

Петер Фенбонг соқол-мўйловлари текис қирилган, одобли, меҳрибон юзли ва яхши дазмолланган шим кийган хаёлий жентльмен билан шундай принципа баҳслашган эди. Петер Фенбонг ҳар вақтдагидек, жентльмен устидан ғалаба қозониб, вақти чоғ бўлиб кетди. У бир даста пул ва қимматбаҳо буюмларни тегишли чўнтақларга яширди ва чўнтақларнинг тугмаларини яхшилаб қадагач, пишиллаб юриб ювинди. Ҳузур қилиб энтикди, мағзаваларни полларга сачратди, бунинг учун заррача хижолат ҳам бўлмади, чунки солдатлар келиб артиб ташлашади.

У айтарли тоза ювинмаган бўлса ҳам, лекин анча енгил тортиб қолди; лентани яна тақиб олди, тоза кўйлак-лозим кийди, кирини яшириб, қора мундирни кийиб олди. Сўнгра қора қоғоз пардани пича қайириб, деразадан қаради-ю, лекин ҳеч нима кўрмади, турма ҳовлиси шу қадар қоронги эди. Инстинктга айланган тажрибаси шефларининг ҳали-замон этиб келажақларидан дарак берди. Ташқарига чиқди ва кўзини қоронғига ўргатиш учун, ҳужра ёнида бир оз турди, лекин қоронги кўз ўргатиладиган эмас эди. Совуқ шамол шаҳар устида, бутун Донеу дашти устида оғир қора булутларни қувиб юрар, улар ҳам кўринмас, лекин шарпаларидан сезилиб турар эди.

Худди ана шу пайт Петер Фенбонг моторнинг яқинлашиб келаётган бўғиқ овозини эшитди-да, илгари район ижрокоми, ҳозир эса район қишлоқ хўжалик комендатураси жойлашган ҳамда машина чироғида бир қаноти қоронғида йил этиб кўринган бино ёни билан тепалиқдан тушиб келаётган ярим-ёрти ёпиқ машина чироқларининг икки нафар чўғдек йилтираган нуқтасини кўрди. Шефлар округ жандармериясидан қайтиб келмоқда эдилар. Петер Фенбонг ҳовли орқали кичик эшикдан ўтиб, турма биносига кирди; кичик ҳовли эшиги олдида кўриқчилик қилиб турган жандармерия солдати, ротенфюрерни таниб, унга милтигини энгаштириб салом берди.

Камералардаги маҳбуслар ҳам турма олдиға мотор овозини пасайтириб келган машинани сездилар. Сўнгра турмада бутун кун бўйи ҳукм сурган ўша фавқулодда тинчликни, йўлакда босила бошлаган қадамлар, қалитларнинг қулфларда шарақлаб айланиши, эшикларнинг тарақлаб очилиши ва камераларда кўтарилган ғала-ғовур ҳамда узоқ камерадан келаётган ва юракларни эзадиган гўдак йиғиси тинчликни бузди. У йиғи бирдан қулоқларни тешувчи қаттиқ қичқириққа айланди, чақалоқ кучининг борича, жон-жаҳди билан чинқирар, хириллар эди.

Матвей Костиевич билан Валько ўзларига яқинлашиб келаётган у ғала-ғовурни ва чақалоқ йиғисини эшитар эдилар. Баъзан уларга бир хотин кишининг товуши эшитилгандек бўлади, у хотин қайнаб-тошиб алланареалар деяр, қичқирав, яливар ва у ҳам йиғлаётгандек туюларди. Сўнгра қулфдаги калит шарақлаб буралди: жандармалар болали хотин ўтирган камерадан чиқиб қўшни камерага кирдилар, у ерда дарҳол тўполон кўтарилди ва шу тўполон ичида ҳам чақалоғини юпатувчи хотин товуши ҳамда гўё ўзини аллалаётгандек сусайиб бораётган чақалоқ инграши эшитилар эди:

— А...а...а... А...а...а...:

Жандармалар Валько билан Матвей Костиевич ҳамсоёлари-нинг камерасига кирдилар, улар иккови жандармлар кириши биланоқ, камераларда кўтарилаётган гала-говур маъносига тушунди, жандармлар маҳбусларнинг қўлларини боғламоқда эдилар.

Уларнинг сўнги соати келган эди.

Қўшни камерада одам кўп бўлгани туфайли, жандармлар у ерда анча вақт туриб қолишди. Ниҳоят, у ердан чиқдилар, камерани қулфладилар, лекин Валько билан Костиевичнинг олдига жадал киравермадилар. Улар йўлакда туриб, бир-бирларига шоша-пиша бир нималар дейишди, сўнгра кимдир йўлакдан югуриб ташқарига чиқди. Орага қисқа бир сукунат тушди, фақат жандармларнинг бўғиқ овозларигина эшитилиб туради. Сўнгра йўлакдан камерага яқинлашиб келаётган бир неча кишининг оёқ товуши эшитилди ва кетидан мамнуният билдирувчи немисча бир садо кўтарилди-ю, унтер Фенбонг бошлиқ бир неча жандарм электр фонарь билан камерага кириб келди; улар, ўқланган тўппончаларини ўқталиб турар эдилар; эшикда ҳам беш нафар солдат қораси кўринди. Жандармлар, афтидан бу икки кишининг ҳар вақтдагидек қаршилиқ кўрсатишидан қўрқар эдилар. Лекин Матвей Костиевич билан Валько бу гал уларни кулги қилмайдилар: уларнинг руҳи бу дунё ғовғасидан аллақачон бош олиб кетган эди. Қўлларини ўзлари орқага тутиб бердилар, боғлашди, унтер Фенбонг ўтиринлар, оёқларингизни ҳам боғлаймиз деган ишорани қилиб эди, улар оёқларини ҳам тутиб бердилар; жандармлар оёқларига кишан солдилар, энди улар майда қадамлар билангина юра олишар, лекин қоча олмас эдилар.

Шундан кейин уларни ёлғиз қолдириб чиқиб кетдилар. Сўнгра, ҳамма маҳбусларни боғлашиб бўлгунларича, бу икки жафокаш индамасдан ўтирди.

Ана энди йўлакда шахдам ва илдам қадамлар эшитила бошлади: қадам овози бутун йўлакни тўлдиргунча ортиб борди,— солдатлар бир ерда туриб қадам ташлашар эдилар. Сўнгра команда билан тўхтадилар-да, ботинкаларини гупиллатиб ва милтиқларини оёқларига қадаб туриб, айландилар. Камераларнинг эшиклари тарақлаб очилгач, маҳбуслар йўлакка чиқарила бошланди.

Матвей Костиевич билан Валько қоронғида шу қадар кўп ўтирган эдиларки, йўлак шипидаги электр лампалар хира ёритиб турганига қарамай, дарҳол кўзларини қисдилар. Сўнгра ўз қўш-

ниларига ва йўлакнинг у юзи билан бу юзига тизилган сафлардаги бошқа кишиларга қарай бошладилар.

Улардан бир киши нарида новча бўйли, яланг оёқ, қонга беланган ич кийимида бир кекса одам турар, унинг оёқлари ҳам Валько билан Матвей Костиевичники сингари кишанли эди. Валько ҳам, Матвей Костиевич ҳам унинг Петров эканини таниб, сесканди. Аъзойи бадани шу қадар эзилган эдики, қўйлақ-лозимми бутун яра босган баданига ёпишиб, қотиб қолган; қитдак қимирлаш ҳам у кучли кишига мудҳиш азоб бераётгани равшан эди. Пичоқ ё найза зарби билан суюлганча шилинган бир бети йиринг бойлаган. Петров уларни таниб, бошини эгди.

Лекин Валько билан Матвей Костиевични алам ва газабдан титратган нарса шу бўлдики, уларнинг кўзлари маҳбусларнинг қарийб ҳаммаси ситам, даҳшат ва ҳайрат билан қараб турган йўлак этагида, турмадан чиқаверишда тўқ қизил қўйлак билан, маълум сиймо, лекин забардаст ифодали юз ва қўлларида чақалоқ билан турган бир жувонга тушган эди; у жувоннинг чақалоғини кучоқлаган қўллари ҳам, гўдак тани ҳам чилвир билан шу қадар чамбарчас боғлаб ташланган эдики, чақалоқ она бағрига маҳкам ва абадий бир тусда қапишган эди. Ҳали ёшига тўлмаган чақалоқ, орқаси сал жингалаклашган сийрак, оқиш сочили бошчасини онасининг елкасига қўйиб, кўзлари юмуқ ҳолда ётарди, у ўлик эмас, ухлаб ётарди.

Бирдан Матвей Костиевич хотини ва болаларини кўз олдига келтирди, кўзларидан тирқираб ёш чиқиб кетди. У, ўз кўз ёшларини жандармлар, қола берса ўз кишиларимиз ҳам кўриб қолиб, менинг тўғримда нотўғри фикрга келишади деб қўрқди. Ниҳоят, унтер Фенбонгнинг ҳамма маҳбусларни санаб чиқиб, сўнгра икки қатор солдат ўртасида ҳовлига олиб чиқа бошлаганларини кўриб, хурсанд бўлди.

Тун шу қадар қоронғи эдики, ёнма-ён турган одамлар ҳатто бир-бирини ҳам кўра олмасди. Уларни тўртта-тўртта қилиб бир колоннага тиздилар ва ўраб олиб дарвозадан ташқари олиб чиқдилар. Йўлни ва колоннани гоҳ олдиндан, гоҳ орқа, гоҳ ёндан электр чироқлар билан ёрита-ёрита, уларни кўча бўйлаб тепага ҳайдадилар. Бир салмоқ ва бир куч билан шаҳар устида эсиб юрган совуқ шамол ўзининг нам, майин жараёни билан уларни сийпаб ўтади ва гўё қўлни чўзиб ушласа бўладигандек бош устида пастлаб сузишаётган қора булутлар шарпаси эшитилиб туради. Одамлар огизларини тўлдириб ҳаво оладилар. Колонна индамасдан, ошиқмасдан боради. Олдинда юриб бораётган унтер

Фенбонг ора-сира орқасига қайрилади ва қўлида осилиб турган катта чироқ ёруғини колоннага тўгрилайди, ана шу пайт чақалогги бағрига боғланган, биринчи қатор чеккасида бораётган жувон яна ёришиб кўринади,— шамол унинг тўқ қизил кўйлагининг этагини учириб боради.

Матвей Костиевич билан Валько бир-бирининг елкасига тегишиб ёнма-ён борадилар. Матвей Костиевичнинг кўзларидаги ёш ортиқ қуриган. Улар, Валько билан Матвей Костиевич, қанча илғари юришса, уларни то охирги минутгача таассурот ва ҳаяжон ичида сақланган ва ҳаётдан ажрагиси келмаган шахсий, ҳатто энг муҳим ҳам қимматли нарса тобора узоқлашиб боради. Улугворлик ўз қаноти билан уларга соябон бўлди. Уларнинг руҳи ғоят ёрқин бир сукунат ичида қолди. Ана энди улар юзларини шамолга тутиб, бош устида шивирлаб сузишаётган паст қора булутлар остида ўз ўлимлари сари индамай, ошиқмай борадилар.

Паркка кираверишда колонна тўхтади; унтер Фенбонг, жан-дармерия сержанти Эдвард Больман ва паркни қўриқлаб турган СС солдатларининг командири младший ротенфюрер, Фенбонг мундирининг ички чўнтагидан чиқарган қоғозни электр чироғи ёруғи остида анча текшириб қараб туришди.

Сўнгра сержант колоннадаги одамларни санаб чиқди ва ҳар бирини чироқ ёруғига солиб кўрди.

Парк дарвозаси секин гижирлаб очилди. Колоннани иккитадан қилиб тизишди-да, Ленин номли клуб билан илгариги «Краснодонуголь» трестига қарашли корхоналар бирлашмаси дирекциони жойлашган Горький номли мактаб бинолари ўртасидаги хиёбон билан қайдаб кетдилар. Лекин мактабдан ўтар-ўтмас унтер Фенбонг билан сержант Больман ён томондаги хиёбонга бурилди. Колонна ҳам ўша ёққа қараб йўл олди.

Шамол дарахтларни эгиб, япроқларни қайириб учиради, қалтираган, титраган япроқларнинг тинмай, турли мақомдаги шитирлаши теварақдаги бутун зулматни тўлдириб турар эди.

Уларни паркнинг хилват, ҳатто яхши кунларда ҳам одам кам келадиган четига олиб келдилар; немис полицияси мактаби ўрнашган биргина ғиштин иморатли сайхон у ердан бошланиб кетар эди. Дарахтлар билан қуршалган чўзинчоқ яланглик ўртасида узун чуқур қазилган эди. Одамлар у чуқурни кўрмасдан буруноқ нам тупроқ ҳидини сездилар.

Колоннани иккига бўлдилар-да, Костиевич билан Валькони бир-биридан ажратиб, одамларни чуқур атрофига тургиздилар.

Одамлар қўпорилган ерларда қоқилиб йиқилар, лекин уларни қўндоқлар билан туртиб дарҳол турғизардилар.

Бирдан ўнааб қўл чироқлари ўша узун қоронғи чуқурни, атрофига чиқариб ташланган тупроқ уюмларини, одамларнинг маълум юзларини ва ялангликни девордек ўраб турган немис солдатлари қўлида пўлат янглиғ товлаиган найзаларни ёритди. Ана шу пайт чуқур ёнидагиларнинг ҳаммаси чуқур охиридаги дарахтлар панасида резинкали плаш ёпиниб турган майстаг Брүкнер билан вахмайстер Балдерни кўрди. Орқада, улардан бир оз ёнроқда барзанг, ранг-рўйи совуқ, кўзлари шокосадек чиққан бургомистр Василий Стаценко турар эди.

Майстер Брүкнер қўли билан ишорат қилди. Унтер Фенбонг қўлида осилиб турган чироқни бошидан баланд кўтарди ва кир-қи, хотинчалиш овоз билан жўнгина команда берди. Солдатлар илгари юриб, найзалар билан одамларни чуқурга ҳайдай бошладилар. Одамлар қоқилиб-суқулиб оёқлари билан тупроққа ботиб ва йиқилиб, тупроқ уюмига индашмасдан чиқдилар. Фақат солдатларнинг пишиллаши ва дарахт баргларининг шамолда шитирлаши эшитилар эди.

Матвей Шульга кишанли оёқларини зўрга-зўрга босиб тепага чиқди. У чироқлар лип-лип ёнган кезларда одамларни чуқурга ташлашаётганини кўрди; одамлар ирғишиб, йиқилиб тушар, баъзилар индамасдан, бошқалари эса қаршилиқ кўрсатиб ё зорланиб тушар эди.

Майстер Брүкнер билан вахмайстер Балдер дарахт панасида қимир этмай туришар; Стаценко эса гангир, чуқурга ташланаётган кишиларга икки букилиб таъзим берар эди: у маст эди.

Шульганинг кўзи яна тўқ қизил кўйлакли ва чақалоғи бағрига боглоқли хотинга тушди; чақалоқ, ҳеч нима кўрмай ва эшитмай, фақат онасининг иссиқ бағрида, бошчасини онасининг елкасига қўйган ҳолда боягидек ухлаб ётар эди. Вдовенко боласини уйғотиб қўймаслик учун тупроққа секин ўтирди ва қўлларини қимирлатишнинг иложи бўлмаганидан, оёқлари ёрдами билан чуқурга ўзи сирганиб тушди. Матвей Шульга уни ортиқ кўрмади.

— Уртоқлар! — деди Шульга кучли, хирқи овоз билан; унинг бу овози бошқа ҳамма шовқин-сурон ва товушларни босиб кетди. — Гуъзал дўстларим! Хотирангиз абадий ва шарафли бўлсин! Жондан азиз она Ватанимиз бор бўлсин! У, душманлар учун даҳшат, ўз кишиларимиз учун бахт ва бутун дунё камбағаллари учун қувонч бўлиб яшасин! Яшасин...

Орқасидан найза келиб, қовургаларига санчилди. Шульга бутун куч-қувватини тўплаб йиқилмади, ўзи чуқурга ирғиди, энди овози чуқур ичидан янгради:

— Яшасин инсонларга адолат йўлини кўрсатиб берган улуғ Коммунистлар партияси!

— Душманларга ўлим!— деди Шульганинг ёнида турган Андрей Валько, даҳшатли овоз билан: толе уларга қабрда топигуви насиб қилган эди.

Чуқур одамлар билан шу қадар лиқ тўлдики, қимирлашнинг ҳам иложи бўлмай қолди. Сўнг руҳий азоб дами келди: ҳар бири ўқ еб ўлишга ҳозирланиб турди. Лекин уларга ўқ еб ўлиш насиб бўлмаган экан. Бошларига, елкаларига, ёқа ичларига, огиз ва кўзларига оғир тупроқлар тўкилди, шунда одамлар тирик-лайин кўмилаётганларини англадилар.

Шульга овозини баланд қилиб куйлади:

Тур эй, лаънат остида қолган,
Қуллар ва очлар дунёси...

Валько паст овоз билан қўшилди. Аввал олдингиларнинг, кейин эса узоқдагиларнинг овозлари, ҳамон янғидан-янги овозлар уларга қўшилди ва «Интернационал» тўлқинлари ер остидан кўтарилиб, қора булутлари олам тепасида сузиб юрган қоронғи осмонга тарқалди.

Ана шу қоронғи, даҳшатли бир дамда Деревянная кўчасидаги кичкина уйнинг эшиги секин очилиб, Мария Андреевна Борц, Валя ва иссиқ кийинган, орқасига халта осиб, ҳасса таяниб олган кичик бўйли аллаким зинапоядан тушди.

Мария Андреевна билан Валя у кишини икки қўлидан ушлаб етаклади ва кўча орқали даштга йўл олди. Шамол уларнинг кўйлақларини учирай эди.

Бир қанча қадамдан кейин у киши тўхтади.

— Қоронғи, яхшиси, қайта қол,— деди у, қарийб бир шипшиш билан.

Мария Андреевна уни қучоқлади ва шу алпозда иккови бир қанча вақт турди.

У киши:

— Хайр, Маша,— деди-да, мажолсизланиб қўл силтади.

Шундай қилиб, Мария Андреевна қолди, қиз билан ота йўлларида давом этди. Валя, отасининг қўлини ушлаб, тонг ёришганга қадар узатиб борди. Отаси қанчалик кўздан қолган

бўлса ҳам, ҳар ҳолда Сталино шаҳрига ўзи етиб олиши ва у ерда хотинининг қариндошлариникида яшириниб яшаши керак.

Мария Андреевна уларнинг қадам товушларини яна бир қанча вақтгача эшитиб турди, кейин қадамлар бутунлай узоқлашди. Атроф-теварак қанчалик қалин қора зулматга чўмган бўлмасин, Мария Андреевнанинг ичи ундан ҳам баттар қоронғи эди. Бутун ҳаёти — иши, алласи, орзу-ҳаваси, севгиси, бола-чақаси — буларнинг ҳаммаси емирилди, истиқболда ҳеч нима қолмади.

У ўрнидан қимирлашга қурби етмай турар, ғув-ғув шамол эса этакларини кўпчителиб учирай ва бош устида қора булутлар паст-паст сузишиб, секин-секин шивиллагани эшитилиб турар эди.

Шу дам бирдан ақлидан озаётгандек бўлди... Қулоқ солди... йўқ, унга янглиш туюлмаган, у яна эшитди... Куйлаётирлар! «Интернационал»ни куйламоқдалар... Бу куйнинг қайдан келаётганини аниқлаб бўлмас эди. Шамол ғув-ғувига ва қора булутлар шовқинига қоришиб, бу товушлар бутун қоронғи оламга ёйилмоқда. Мария Андреевнанинг юраги тўхтагандек бўлди; бутун бужудини титроқ олди.

Ер остидан чиқаётгандек, унга эшитилар эди:

Зўрлик дунёсин бузармиз.
Тагидан ағдариб, сўнгра
Янги дунёмизни қуармиз.
Шунда тенг бўлар барча...

ЎТТИЗ ОЛТИНЧИ БОБ

— Мен, Олег Кошевой, «Ёш гвардия» аъзолари сафига кира туриб, қуролдош дўстларим олдида, жонажон ситамдийда юртим олдида, бутун халқ олдида тантанали равишда қасамёд қиламан: ташкилотнинг ҳар қандай топшириғини сўзсиз бажараман, «Ёш гвардия»да қиладиган ҳамма ишимга тегишли ҳар бир нарсани қаттиқ сир сақлайман. Ёндирилган ва вайрон этилган шаҳарлар ва қишлоқлар учун, кишиларимизнинг тўкилган қонлари учун, қаҳрамон шахтёрларнинг азоблаб ўлдирилгани учун шафқатсиз қасос олишга онт ичаман. Агар бу қасос учун жонимни бериш зарур бўлса бир он ҳам иккиланмай, жонимни қурбон бераман. Бу муқаддас онтни мабодо найзалар зарбидан ё қўрқоқликдан бузгудек бўлсам, номим, ота-оналарим номи абадий лаънатларга учрасин, ўзимни эса ўртоқларим шафқатсиз суратда жазоласин. Қонга қон, жонга жон!..

— Мен, Ульяна Громова, «Ёш гвардия» аъзолари сафига киратуриб, қуролдош дўстларим олдида, жонажон ситамдийда юртим олдида, бутун халқ олдида тантанали равишда қасамёд қиламан...

— Мен, Иван Туркенич, «Ёш гвардия» аъзолари сафига киратуриб, қуролдош дўстларим олдида, жонажон ситамдийда юртим олдида, бутун халқ олдида тантанали равишда қасамёд қиламан...

— Мен, Иван Земнухов, тантанали равишда қасамёд қиламан...

— Мен, Сергей Тюленин, тантанали равишда қасамёд қиламан...

— Мен, Любовь Шевцова, тантанали равишда қасамёд қиламан...

Уникига биринчи дафъа келиб, деразасини қоққан ва Любка ёнига югуриб чиққан, туннинг қолган қисми суҳбатда ўтган ўша куни кечаси Сергей Левашов ҳеч нарсага тушунмаган бўлса керак,— ким билади, нималарни кўнглига келтирмадийкин у!

Ҳар ҳолда, Любканинг биринчи марта қилмоқчи бўлган сафарининг биринчи қийинчилиги шу ердаёқ, Сергей Левашов тўфайли учради. Албатта, улар эски қадрдон дўст, шунинг учун Любка уни огоҳлантирмасдан кета олмас эди. Сергей Левашов Андрей амаки ҳаётлигида унинг маслаҳатига кўра, дирекционнинг юк машиналари гаражига шофёр бўлиб кирган эди. Любка, уни чақириб келгани кўчада ўйнаб юрган болалардан бирини юборди,— Любканинг мижози уларникига ўхшаганидан, ўғил болаларнинг ҳаммаси у билан ошна эди.

Сергей ишдан анча кеч қайтди; унинг эгнида ўша Сталинодан кийиб келган коржомаси бор эди,— немислар даврида ҳатто шахтёрларга ҳам коржомома берилмасди. Сергей жуда қирланган, чарчаган, қош-қовоқлари солинган эди.

Любканинг қаерга ва нимага боришини суриштириш унинг одати эмас эди, лекин бутун кеч бўйи уни фақат шу масала машгул этгани равшан эди; у, ўзининг индамаслиги билан Любкани жуда қийнаб юборди. Ахийри унинг сабр-тоқати тугаб, Сергейни уришиб берди. Ахир, бу нима деган гап, у — Сергейнинг хотиними ё жазманими? Турмушда унинг бошига ҳали кўп нарсалар тушиши мумкин бўлган бир пайтда Любканинг хаёлига «шқ-муҳаббат келармиди? Любкани қийнаш учун нималарни ўйламайди у? Улар ўртасида ўртоқликдан бошқа бирон нарса йўқ, шунинг учун ҳам Любка унга ҳисоб беришга мажбур эмас, у, рўзгор иши билан керак бўлган жойга боряпти.

Шундай-ку, лекин Любка ўзи қилиб юрган ишга Сергейнинг ишонмаслигини пайқади, тўғриси, Сергей уни рашк қилар эди, бундан Любканинг кўнгли кўтарилар эди.

Любка тўйиб ухлаб олиши керак, лекин Сергей ҳамон ўтирибди. Сергей шу қадар ўжар бола эдики, эрталабга довур шу алпозда ўтириб чиқишдан ҳам тоймайди. Ниҳоят, Любка уни ўйдан чиқариб юборди. Унинг йўқлигида Сергей ҳамма вақт шундай хафалик кечирса яхши эмас, Любканинг раҳми келади,—

Любка уни уй олдигача узатди ва эшикка етишганда уни қўлтиқлаб олиб бир зумгина унга қисинди-ю, дарҳол уйга қочиб кириб кетди ва ечиноиб, онасининг қўйнига кирди.

Албатта, опасига ҳам жуда қийин. Любка, тирикчилик қийинчилиги олдида боши қотиб қоладиган онаси ёлғиз қолгудек бўлса, ўзининг жуда ҳам азиятда қолишини биларди. Лекин онани алдаш осон бўлгани учун, Любка унга эркаланди, нима балоларни гапириб, кўнглини тўлдирди, шу кўйича онасининг қучогида ухлаб қолди.

Тонг ёришар-ёришмас уйғонди, бир нималарни куйлай-куйлай, йўлга отлана бошлади. Ўзининг энг яхши кўйлагини кўзи қиймай, одмигина, лекин кўзга ташланадиган даражада яхшигина кийинишга қарор қилди, башанг мовий крепдешин кўйлагини, шу рангли туфлисини, ички тўр кўйлаги ва ипак пайпоқларини эса кичкина чамадончасига солиб олди. Боши зўрға ўринадиган иккита кичик оддий ойначага ўзини солиб, икки соатча таранди, эгнида ич кўйлак ва трусик билан ойна олдида туриб, бошини гоҳо у ёққа, гоҳо бу ёққа бурар, ўз-ўзича ашула айтар, кичкина, лекин кучли бармоқли сарғич, забардаст яланғ оёқларининг гоҳ бирига, гоҳ иккинчисига оғирлигини ташлаб, ўзига пардоз берар эди. Сўнгра резинкали камарини боғлади, пушти товонларини кафти билан артдида, тан рангли тиниқ пайпоғини, устидан сариг туфлисини, лубия, олча ва яна аллақандай гуллар солинган олачипор ялтироқ кўйлагини кийди, кўйлак баданига муздаккина тегди. Шунда ҳам Любка, ашуласини кўймай, нималарнидир ковшар эди.

У ўзида енгилгина ҳаяжонлик сезарди, бу ҳаяжонлик уни бўшаштирмас, балки аксинча, уни бардам тутар эди. Унга ҳам чинакам иш топилганидан ва куч-қувватини энди беҳудага сарфламаслигидан ўзини бахтиёр сезар эди.

Икки кун илгари, эрта билан, Шевцовлар уйи олдида кузови узун бир кўк машина тўхтади, афтидан, бу машина немис маъмурий амалдорларига Ворошиловграддан озиқ-овқат ташувчи машиналардан эди. Шофёр, жандармерияга қарашли солдат, ёнида ўтирган автоматли солдатга бир нималар деди-да, машинадан сакраб тушиб, уйга кирди. Любка унинг қаршисига чиққанда шофёр овқатхонада атрофга аланглаб турар эди. У Любкага ялт этиб қаради ва бирон нарса демасидан олдин, Любка унинг сезиб бўлмайдиган юз бичими ва хатти-ҳаракатларидан билдики, солдат — рус. Дарҳақиқат, шофёр тоза рус тилида:

— Машинага қуйишга сув топиладими? — деб сўради.

Немис жандармерия кийимини кийиб олган бу рус киши, кимнинг уйига кирганини билмаса керак!

— Бор жўна, борадиган жойингга! Билдингми?— деди Любка, катта очиган кўк кўэлари билан сокин бир вазиятда унга тикилиб қараб туриб.

Ҳарбийча кийинган бу рус кишига Любка ўйламасдан туриб бўлса ҳам, гап топиб жавоб қайтарди. Агар бу киши унга бирон ёмонлик қиладиган бўлса, Любка фарёд солиб кўчага югуриб чиқади-да, солдатга сувни жардан тушиб ол десам мени тутиб олиб калтаклади деб дод солади, бутун маҳаллани оёққа турғизади. Лекин бу галати шофёр — солдат қимир ҳам этмади, фақат кулимсиради-да:

— Қўпол ишлар экансиэ. Ўзингизга зарар қилади...— деди. Сўнгра бирон кимса борми-йўқлигини билмоқчи бўлгандай, орқасига қайрилиб қаради ва жадал бир суратда.— Варвара Наумовна сизни жуда соғиндим деб айтиб юборди...— деди.

Любка оппоқ оқариб кетди ва беихтиёр унга томон силжиди. Лекин солдат, ингичка ва қоп-қора бармоқларини лабига босиб, уни гапиртирмади.

Любканинг кетидан даҳлизга чиқди. Любка сув тўла челақни икки қўли билан олдида тутиб, шофёрнинг кўзларига илтижо билан қараб турар эди. Лекин шофёр унга қарамади, челақни олди-да, машина ёнига кетди.

Любка атайин унинг кетидан бормади, зич ёпилмаган эшик тирқишидан қарай бошлади: у, шофёр челақни олиб кетганда, бирон гап сўраб билмоқчи эди. Лекин шофёр, радиаторга сувни қуйди-да, челақни боғчага иргитиб, машинага минди ва эшигини беркитиб ҳайдаб кетди.

Шундай қилиб, Любка Ворошиловградга кетиши керак. Албатта, у эндиликда «Ёш гвардия» интизомига бўйсунуши лозим эа, Олегни огоҳлантирмасдан туриб, кета олмас эди. Тўгри, Ворошиловградда таниш-билишлари борлиги ва танишларнинг фойдаси тегиши мумкинлиги тўгрисида бундан илгари ҳам Олегга шама қилиб қўйган эди. Энди у, бориб-келишнинг қулай сир пайти келиб қолди деди. Лекин Олег дарҳол рухсат бера қолмади, бир оз кутишни илтимос қилди.

Улар бу тўгрида сўзлашгандан ниҳояти бир ёки икки соат ўтар-ўтмас, Любканикига Нина Иванцова келиб, рухсат берилганини билдирди, Любка жуда таажжубланди. Бу ҳам майли, Нина мана бу гапларни айтди:

— Борадиган жойингдаги кишиларга кишиларимизнинг ҳалок бўлганини, уларнинг фамилияларини ва паркка қандай кўмилганларини айтиб берар экансан. Сўнгра, бу нарсаларнинг ҳаммасига қарамасдан, ишимиз жуда юришиб кетди деб айт,— катталар шундай десин деб тайинлашди. Ёш гвардия тўғрисида ҳам гапириб бер.

Любка ўзини тутиб туrolмади ва:

— У ерда нималарни айтиш мумкин, нималарни айтиш мумкин эмаслигини Кашук қаердан билар экан?— деб сўради.

Нина Сталинода яширин ишлаб юрган кезларида ортдирган вҳтиёткорлик билан кифтини қоқиб қўя қолди, лекин тайинланган гапларни Любка рoстдан ҳам айтмаслиги мумкин деб ўйлади-да, бепарво бир оҳанг билан:

— Кимнинг ёнига кетаётганлигингни катталар билса керак-да,— деди.

Бу оддий фикрнинг ўз миясига келмаганидан Любка ҳатто ажабланди.

«Ёш гвардия»нинг бошқа қатнашчилари қаторида, Олег Кошевойнинг Краснодондаги катта подпольчилардан қайси бири билан алоқаси борлигини Любка ҳам билмас ва буни билишга уринмас эди, буни фақат Володя Осьмухингина билар эди. Лекин Любканинг Краснодонда қандай мақсад билан қолдирилганини ва унинг Ворошиловградда кимлар билан боғланганини Филипп Петрович жуда яхши билар эди.

Кун совуқ, дала осмонида булутлар этак судраб сузишиб юради; кўйлагининг этагини шўх-шўх учираётган изғирин шамолда юзлари қип-қизарган Любка, совуқни сезмай, бир қўлида кичкина чамадонча, иккинчисида нафис ёзлик пальтосини осилтиргани ҳолда, яланг Ворошиловград тош йўлида турар эди.

Тош йўлдан юк машиналарини гуриллатиб унинг ёнидан ўтувчи немис солдатлари ва ефрейторлари уни кўриб, хахолаб кулар ва баъзан беҳаё ишоралар қилиб Любкани имлар, Любка эса юзини жирканч билан буриштириб, бепарво турар эди. Бир оздан кейин, яқинлашиб келаётган узун, пастак, оқиш рангли енгил машинани, шофёр ва унинг ёнида ўтирган немис офицерини кўриб, бепарвогина қўлини кўтарди.

Офицер жадал кабина ичига қайрилиб қаради, шунда мундирининг ранги айниган елкаси кўринди, афтидан кабина тўрида каттароқ мансабли киши ўтирган бўлса керак,— машина тор-мозларини гижирлатиб, тўхтади.

— Setzen Sie sich! Schneller!¹— деди офицер, машина эшигини очиб ва Любкага мийиғида кулиб. Сўнгра бу эшикни ёпдию, қўлини чўзиб, орқа эшикни очди.

Любка эгилиб ва чамадончаси ҳамда пальто тутган қўлини олдинга чўзиб, илдам машинага минди, эшик ёпилди.

Машина шамол қувишиб ела кетди.

Любканинг ёнида тоза қирилган юз териси ва лунжлари салқи, олд томони ниҳоятда баланд ва офтобда айниган фуражкали қотма полковник ўтирарди. Немис полковниги билан Любка тамомила қарама-қарши икки хил бино билан бир-бирига қараб ўтирар, полковникнинг биноси ҳокимият ўз қўлида экани важдан бўлса, Любканинг биноси ниҳоятда қўрқиб кетганидан эди. Олдинда ўтирган ёш офицер ҳам орқасига қайрилиб, Любкага қаради.

— Wohin befahlen Sie zu fahren?²— деб сўради, тоза қиринган полковник, тиржайиб.

— Бир гапга тушунган бўлсам ўлай агар!— деб чўзиб гапирди Любка.— Ё русча гапиринг ё жим ўтиринг.

— Қайға, қайға...— деди полковник рус тилида, қўлини мужмал бир ҳаракат-ла силкитиб.

— Қагиллаб қолди-ку бу, ё худо,— деди Любка.— Ворошиловградга, яъни Луганска... Ферштеге? Ҳа, билар экансан-ку!

Любканинг гапга кириши билан қўрқуви босилди, кейин табий, жўн бир тусда муомалага киришди; бу тариқа муомала ҳар бир кишини, жумладан немис полковнигини ҳам, Любка нимаки демасин, нимаки қилмасин, ҳаммасини ўз-ўзидан тушунарли бир нарса деб қабул қилишга мажбур этади.

— Соат неча бўлди?.. Соат, соат дейман, вой каллаварам-ёй!— деди Любка ва бармоғи билан билагини уриб кўрсатди.

Полковник енгини юқори кўтариш учун қўлини олдинга чўзди-да, тирсагини букди, сийрак, кул ранг тусли жун босган ориқ қўлидаги квадрат соатини Любканинг юзига якин келтирди.

Ахир, тил билиш шарт эмас, истак бўлса ҳар вақт бир-бирини англаш мумкин.

Бу қиз ким бўлади? Артистка. Ўўқ, театрда ўйнамайди, ашулачи ва раққоса. Албатта, Ворошиловградда қўнадиган жойи кўп, уни жуда кўп мўътабар кишилар танийди: ахир, у, машҳур саноатчи, Горловка шахталари эгасининг қизи-ку. Афсусларки,

¹ Утиринг тезроқ!

² Қаёққа обориб қўййлик?

отасининг бутун мол-мулкени совет ҳукумати мусодара этган ва у бечора Сибирда ўлиб кетган, ундан хотини ҳамда тўртта бола қолган, ҳаммаси қиз ва ҳаммаси бир-бирдан чиройли. Ҳа, Любка энг кичиги. Йўқ, унинг меҳмондўстлигидан фойдалана олмайди, ўзига бирон доғ туширишни истамайди, унақа қизлардан эмас. Адресими? Адресни-ку беради-я, лекин қаерга кўнишни ҳозир ўзи ҳам аниқ билмайди. Агар полковник рухсат этса, бир-бирларини қандай топниш мумкинлиги тўғрисида лейтенант билан келишиб олади.

— Мендан кўра сизнинг омадингиз баландроқ кўринади, Рудольф!

— Агар шундай бўлса, сиз учун ҳаракат қиламан, Нег Oberst! Фронт олисми? Фронтдаги ишлар шундайки, бундай жонон қиз ташвишланмаса ҳам бўлади. Ҳар ҳолда, бежавотир ухлай бериши мумкин. Яқинда Сталинградни оламиз. Кавказга кириб олдик, бу уни қаноатлантирадими? Доннинг юқори томонида фронт у қадар олис эмас деб унга ким айтди? О, бу немис офицерлари! Бундан чиқди, улар ичида фақат бир ўзи лақма эмас экан-да.— Чиройли рус қизларининг ҳаммаси жосус бўлади дейишади, шу ростми?.. Хўп, фронтнинг бу участкасида венгерлар бўлгани учун шундай бўлди. Албатта, улар ҳалиги сассиқ руминлар-у, макаронхўрлардан ўлса ўлиги ортиқ, лекин уларнинг ҳаммасига ҳам ишона бериб бўлмайди... Фронт ҳаддан ташқари чўзилиб кетди, Сталинград жуда кўп одамнинг бошини еяпти. Уларнинг ҳаммасини таъминлаб туришни айтмайсизми? Буни қўл чизиқларига қараб туриб айтиб беришим мумкин, қани, кичкина кафтчангизни очинг-чи... Мана бу катта чизиқ — Сталинград йўли, мана бу чўзилган чизиқ эса — Моздокка борадиган йўл. Мижозингиз тез-тез ўзгариб турар экан?.. Энди шу чизиқларни миллион марта кўпайтирсангиз, герман армияси интендантининг асаблари темирдан бўлиши кераклигини англайсиз. Йўқ, қиз у фақат солдат кўйлак-лозимлари билангина шуғулланар экан деб ўйламаслиги керак, унда жонон қиз учун ҳам баъзан нарсалар, ана бу ерига, оёқчаларига, ана бу ерларига ҳам аломат буюмлар топилиши мумкин, унинг гаплари тушунарлими? Балки, шоколадга йўқ демас? Бир қултум вино ҳам зарар қилмас, бу чангни қаранг!.. Қиз кишининг ичмаслиги табиий бир нарса, аммо француз виноси... Рудольф, машинани тўхтатинг...

Улар тош йўлнинг икки юзи бўйлаб чўзилган катта станицагача икки юз қадамча етмасдан берида тўхтаб, машинадан чиқишди. Бу ерда тош йўлдан бурилиб, жар ёқалаб қишлоқ йўлига

тушиладиган жуда ҳам чанг йўл бор эди, жарнинг пастлигида толлар ўсиб ётар, шамол тегмайдиган ён багирлардаги қалин кўкатлар эса қовжираб кетган. Лейтенант, машинани жарликдаги қишлоқ йўлига тушириб қўйишни шофёрга буюрди. Любканинг кўйлагини шамол қилпирата бошлади ва Любка, этагини ушлагани ҳолда, машина ортидан юшоқ тупроққа туфлиси билан бота-бота, чопиб кетди, офицерлар эса унинг кетидан юрдилар.

Любка, юзини эмас, балки айниган елкасини кўриб келган лейтенант ҳамда шофёр машинадан юшоқ чарм чамадон билан майда новдалардан тўқилган оқиш-сарик оғир сават олишди.

Улар жарнинг шамол тегмайдиган багрига, қовжираб ётган баланд ажриққа жойлашди. Шунча сўрашмасин ва ялинишмасин, Любка вино ичмади. Лекин дастурхонда шунча ширин ноз-нет-матлар бор эдики, улардан емаслик тентаклик бўларди: ахир у, артистка ва саноатчининг қизи-ку! Любка тўйганича еди.

Туфлисининг ичига кириб қолган тупроқ жуда жонига теккан эди, сарғиш рангли туфлиларини ечди-да, ичидаги тупрогини тўкиб ташлаб, фильдиперс пайпоқли товонларини кичкина кафтчалари билан артди ва оёқларим бир оз дам олсин деб пайпоқда ўтира берди,— бу билан у, саноатчининг қизи шундай қила олармиди ё қилмасмиди деган шубҳасини бир ёқлик қилмоқчи бўлди. Бундай қилгани тўғри бўлса керак, ҳар ҳолда немис офицерлари бунга табиий бир нарсадай қарадилар.

Ҳар ҳолда унинг, фронтнинг Краснодонга яқин Ростов областининг шимол томонларидан ўтган участкаларида қанча дивизия борлигини жуда-жуда билгиси келарди,— Ростов областининг бир қисми ҳамон бизнинг қўлимизда эканлигини ўз уйларига қўнган немис офицерларидан эшитган эди. У, фронтнинг шу ердан ёриб ўтилиши мумкин ва мен яна большевниклар қуллигига тушиб қоламан деявериб, иш эмас, балки кўпроқ айш кайфиятида бўлган немис полковникнинг таъбини тирриқ қилар эди.

Немис қуролига бу қадар ишончсизлик билан қараш ахири полковникни ранжитди, у: *verdammt noch mal!* — деди-ю, қиз мароқини қондирди.

Улар бу ерда овқатланиб ўтиришаркан, станица томонидан тобора кучайиб келаётган тартибсиз оёқ товушлари эшитилди. Аввал бу товушларга эътибор бермай ўтиришди, лекин олисдан келаётган бу оёқ товушлари, гўё узун, кети йўқ, одамлар колонаси келаётгандек, ҳамон авж олиб, буғун теварак-атрофни қамраб келмоқда эди. Ҳатто жар ён багирларидан ҳам чанг

тўзонлари кўрина бошлади, бу тўзонларни шамол ён томонларга ва тош йўл тепасига худди қуюндек учуриб келарди. Эркакларнинг дағал, хотинларнинг ув тортиб йиғлагандек овоз ва қичқириқлари тобора равшанроқ эшитила бошлади.

Немис полковниги, лейтенант ва Любка ўринларидан туриб жар ёқасидан бош чиқариб қарадилар. Совет ҳарбий асирларининг бир колончаси тош йўлдан келар, колоннанинг охири эса ҳали станицадан узилмаган эди. Асирларни румин солдатлари ҳамда офицерлари қўриқлаб келмоқда. Ёш ва қари казак аёллар, қизалоқлар чувиллашиб, дуо қилишиб колонна ёнида елиб-югуради, баъзан румин солдатлари орасидан колонна ёнига ўтиб, қоп-қорайиб ва ориқлаб кетган қўлларга нон, помидор, тухум, баъзан бутун-бутун буханка ёки тугунча иргитадилар.

Ҳарбий асирлар ярим яланғоч ҳолда, йиртилган, қоп-қорайиб кетган ва чанг босган ҳарбий шим ва гимнастёркалардан қолган жулдурларда, кўплари яланг оёқ ёхуд сўнг даражада хароб оёқ кийимларида йиртиқ латта-путталарида келадилар. Соч-соқоллари ўсган, бениҳоя озиб-тўзиган, гўё кийимлари суякларига илибгина қўйилгандай кўринар эди. Уларнинг колонна бўйлаб елиб-югурган хотин-халажларга очилиб кулимсираган юзларига қараш даҳшатли эди. Солдатлар хотинлари муштлари ва автомат қўндоқлари билан уриб-туртиб, колонна ёнидан ҳайдар эдилар.

Любка жар ёқасидан бош чиқариб, бир онгина қараб турди-да, дастурхондан оқ булкалар ва яна аллақандай овқатларни апил-тапил олди-ю, буларни қачон ва қандай олганини ҳам сезмай колонна сари чопди. У пайпоқчан ҳолда тўпигигача тупроққа ботиб, тош йўлга чиқди-да, ўзини колоннага урди. Узатилган қора қўлларнинг бирига, иккинчисига, учинчисига булкалар, бурдаларни суқа берди. Румин солдати уни тутмоқчи бўлар, лекин у тутқич бермас эди; унинг бошига солдат муштлари ёгила кетди, Любка бошини эгиб, гоҳ бир тирсаги, гоҳ иккинчи тирсаги билан тўсиниб, қичқирарди:

— Ур, ур, итвачча! Лекин, бошга урма!

Кимнингдир кучли қўллари Любкани колоннадан тортиб чиқарди. У тош йўлга чиқди ва немис лейтенанти румин солдатининг юзига жон-жаҳди билан қарс-курс ураётгани ҳамда қутурган ит каби иржайиб турган полковник олдида оч яшил формали румин офицери тек қотиб турганини кўрди; румин офицери қадимги румоликлар тилида алланималар деб чайналар эди.

Любканинг тўқ сариқ туфлиси оёқларига илиниб, немис офицерлари ўтирган машина уни Ворошиловград сари олиб кетаётган пайтдагина ўзига келди. Энг қизиги шу эдики, немислар Любканинг бу қилмишига ҳам ажабланмай, табиий бир нарса деб билдилар.

Улар немисларнинг контроль пунктидан тўсиқсиз ўтиб, шаҳарга кириб бордилар.

Лейтенант орқасига қайрилиб, Любкадан қаерга элтиб қўйй, деб сўради. Ўзини аллақачон ростлаб олган Любка қўли билан кўча тўртини ишора қилди. Кон эгасининг қизига ярашиб тушадиган бир уй олдига етганларида Любка машинани тўхтатишни илтимос қилди.

Пальтосини қўлида осилтирган Любка чамадончани кўтариб олган лейтенант билан бирга ўзи танимаган уй даҳлизига кирди. «Лейтенантдан шу ерда қутулиб қўя қолсаммикин ё тўғри келган бир квартира эшигини қоқсаммикан?» деб Любка йўлакда бир оз иккиланиб турди ва лейтенантга беқарор бир назар ташлади. Лейтенант унинг бу қарашини ўзича тушуниб, бўш қўли билан Любкани қучоқлаб, ўзига торта бошлади. Любка у қадар газаб билан бўлмаса-да, лекин қаттиқ зарб билан унинг қипқизил юзига бир тарсаки урди-ю, зинадан югуриб юқорига чиқиб кетди. Лейтенант бу тарсакига ҳам ажабланмади, қадим замонлардаги романларда қийшиқ табассум деб аталган бир табассум билан, Любканинг чамадонини итоаткорона кўтариб чиқа берди.

Иккинчи қаватга кўтарилгач, Любка тўғри келган биринчи эшикни гўё у узоқ сафардан уйига қайтиб келган бир кишидай кичкина муштчаси билан қаттиқ қоқа бошлади. Юзида дилгир ва кибор ифодали новча, қотма бир аёл эшикни очди; унинг юзида гўзаллик дейилмаганда ҳам, гўзаллик ғамида пардозланиб ўтилганини кўрсатувчи аломатлар бор эди. Йўқ, Любканинг омади баланд келган эди!

— Данке шен, герр лейтенант!¹— деди Любка, зўр шижоат билан, ўзи билган барча немис сўзларини хунук бир алпозда ифода қилиб. Сўнгра қўлини чамадонга узатди.

Эшикни очган хоним немис лейтенантга ва порлоқ чипор кўйлак кийган немис хонимга ошкор бир даҳшат ифодаси билан қараб турар эди.

¹ Катта раҳмат, жаноб лейтенант.

— Moment¹— лейтенант чамадонни ерга қўйди-да, елкаси-да осилиб турган планшетдан жадал блокнот чиқарди ва усти бўялмаган йўғон қалам билан бир нималар ёзиб, хатни Любкага берди.

У адрес эди. Любка уни ўқиб чиқишга ҳам, кон эгасининг қизи менинг ўрнимда бўлса нима қиларди деб ўйлаб кўришга ҳам улгурмади. Адресни жадал бюстгальтер тагига яширди-да, саломга қўл кўтарган лейтенантга парвосизгина бош силтаб, ичкари қадам босди. Любка, орқасидан хонимнинг бир талай қулф ва ҳалқаларни беркитганини эшитди.

— Ойи, ким экан?— деб сўради бир қиз, хонанинг ичка-рисидан.

— Секинроқ! Ҳозир,— деди онаси.

Любка, бир қўлида чамадон, иккинчисида пальто кўтарган ҳолда, хонага кирди.

— Менга сизларникидан жой беришди... Малол келмасми-кинман?— деди Любка, қизчага хайрихоҳлик билан қараб ва яхши мебелланган, лекин қарамсиз бўлиб ётган бу катта хонани кўздан кечираётди. Бу квартирада доктор, инженер ёки бирон профессор турган бўлиши керак, лекин бир вақтлар бу квартира қайси кишига аталиб мебелланган бўлса, у кишининг ҳозир бу ерда йўқлиги сезилиб турарди.

— Қизиқ бўпти-да, ким юборди экан сизни?— деб сўради қиз, бамайлихотир ажабланиб.— Немисларми ё бошқами?

Қизча уйга энди келиб кирган кўринарди: бошида напармон берет, юзи шамолда қизарган. Бўйни тўла, бетлари гўштдор, миқти қорага мойил жонли кўзлари жовдираб турган ўн тўрт ёшлар чамасидаги бу қизча худди кўзиқоринга ўхшар эди.

— Тамочка!— деди хоним, жиддий овоз билан.— Бунинг бизга сира дахли йўқ, қўявер...

— Ахир, бизнинг уйимизга юборилгандан кейин, нега дах-лимиз бўлмайди? Мен билмоқчиман-да..

— Кечирасиз, сиз немисмисиз?— деб сўради хоним Любка-дан, жадал бир тусда.

— Йўқ, мен русман... Артисткаман...— деди Любка, сал беқарорлик билан.

Орага қисқа сукунат чўкди, шу онда бояги қизча Любка масаласида кескин ва ойдин бир фикрга келди:

— Рус артистлари бари жўнаб кетган!

¹ Бир секунд!

Қўзиқоринга ўхшаган қизча газабдан қип-қизаргани ҳолда, хонадан чиқиб кетди.

Шундай қилиб Любканинг, немислар ишгол этган жойларда ҳаётнинг шод-хуррамлигини заҳарловчи қайғу-алам косасини тагигача ичиши керак эди. Шундай бўлса-да, уни нима деб қабул қилишган бўлса, шундайлигича шу уйда қолиши фойдалироқ бўлишини англаган эди.

— Мен кўп турмайман, бошқа жой топиб чиқиб кетаман,— деди Любка. Ҳар ҳолда у, уй эгаларини ўзига яхшироқ муомалада бўлишларини жуда хоҳлар эди, шунинг учун қўшиб қўйди:— Худо ҳақи, тезда бошқа жой топиб кўчаман!.. Қаерда кийиниб олсам бўлади?

Ярим соатдан сўнг эгнида мовий крепдешин кўйлак, оёқларида ҳаво ранг туфли, пальтоси билагига ташланган рус артисткаси шаҳарни икки бўлиб турган пастликдаги темир йўл переездидан ўтди-да, тош терилмаган кўча билан, Каменный Бродга чиқди. У шаҳарга гастролга келган артистка бўлиб, ўзига доимий квартира қидираб эди.

ЎТТИЗ ЕТТИНЧИ БОБ

Иван Федорович эҳтиёткор одам бўлгани учун, ўзига қолдирилган адреслардан, жумладан Ворошиловграддаги адреслардан илжи борица фойдаланмасликни маъқул кўрарди. Лекин, территориял секретарлардан бири бўлган Яковенко ҳалок бўлгандан кейин Иван Федоровичнинг Ворошиловградга бориб келиши жуда зарур бўлиб қолди. Довжурок одам бўлгани учун у, ўзининг эски бир танишиникига, яъни хотинининг дугонаси, шахсий турмуши ўнгидан келмаган, мўмин ва сўққа бош бир аёлниқига дангал боришга қарор қилди. Аёлнинг оти Маша Шубина эди. У паровозсозлик заводида чизмакаш бўлиб ишлар, биринчи марта ҳам, иккинчи марта ҳам эвакуацияга кетмаганининг сабаби жонажон Ворошиловград шаҳрини ниҳоятда яхши кўрганлиги эди: қандай ҳодиса юз бермасин, кимлар нима демасин, шаҳарнинг қўлдан берилмаслигига ва ўзининг бирон фойдаси тегиб қолишига қаттиқ ишонар эди.

Иван Федорович хотинининг маслаҳати билан Маша Шубинаниқига боришга қарор қилди ва унинг бу мўлжали ўша кунни кечаси, хотини билан бирга Марфа Корниенконинг ертўласида ўтириб чиққан кечаси миясига келган эди.

Иван Фёдорович хотини билан бирга бора олмас эди: улар иккови Ворошиловградда бирга кўп ишлашган ва агар иккови бирдан пайдо бўлса, дарров кўзга ташланиб қолишлари мумкин эди. Иш кўзидан қараганда ҳам Екатерина Павловнанинг шу ерда қолгани маъқул эди: партизан отрядлари ҳамда округдаги яширин ташкилотлар билан алоқа қилиб туриши керак эди. Шунинг учун улар ўша кечаси, ертўлада ўтирганларида, Екатерина Павловнанинг Марфаникида унинг қариндоши бўлиб қолиши ва бу ерда макон тутиб, башарти имконият тугилса, яқин атрофдаги қишлоқлардан биридаги мактабга ўқитувчи бўлиб кириши керак деган қарорга келишди.

Шу қарорга келишгандан кейин, шунча бирга кўрган умрлари давомида биринчи марта ажралишаётимиз ва шундай бир пайтда ажралишаётимизки, ортиқ дийдор кўришиш nasib қилмаслиги ҳам мумкин, деган фикр икковларининг ҳам мишаларига беихтиёр келиб қолди.

Жим бўлишиб, анча вақтгача бир-бирларини қучоқлаб ўтиришди. Кейин бирдан, мана шундай бир қоронғи, рутубатли ертўлада шундоқ қучоқлашиб ўтириш қандай яхши ва бахтли бир он эканлигини сездилар.

Фикр ва мулоҳазаларнинг бир жойдан чиқиши туфайли, фақат эркак кишининг эмас, хотин кишининг ҳам меҳнаткашлиги туфайли, болалар туфайли мустамулакам бўлиб тузилган ҳамма оилалар сингари уларнинг муносабатлари ҳам ташқи ифодалар орқали доимий суратда намоён бўлиб туришга муҳтож эмас эди. Уларнинг ҳис-туйғулари гўё кул остидаги чўғ каби, ичларида, яширин бир ҳолда яшар эди. Бу ҳис-туйғулар ҳаётда бўлиб турадиган синов кунларида ижтимоий ларзалар бўлганда, шодлик ва қуфатли пайтларда бирдан ловиллаб ёниб кетарди. О, шундай пайтларда, уларнинг Луганск боғида биринчи марта учрашганлари қандай зўр бир куч билан хотирда гавдаланар, акация гулларининг шаҳар осмонида анқиб юрган ўткир ҳиди, улар ёшлиги тепасида қанот ёйган ва саноқсиз юлдузлар билан безанган тун осмони, ёшликнинг ҳеч қандай тизгинни билмаган хаёллари, илк жисмоний қўшилишнинг шодликлари, тўнғич боланинг келтирган бахти, икки мижознинг бир-бирига мос келмаганлигининг дастлабки аччиқ мевалари,— буларнинг ҳаммаси хаёлда зўр куч билан гавдаланар эди. Бу меваларни татиб кўрганларнинг фақат ожизларигина ажралишиб, кучлилари эса бир умр жипслашиб кетади.

Севги учун ҳаётнинг энг мушкул синовлари билан бирга шу

севгининг бошланишидаги тирик хотиралар баб-баравар керак бўлади. Буларнинг биринчиси кишиларни бир-бирига боғлайди, иккинчиси эса уларнинг қаришига тўсиқлик қилади. Агар сизни фақат: «Эсингдами?..» деган биргина сўз билан ифода этиб бўладиган туйғу ҳаяжонлантирса, бирга босиб ўтилган йўлнинг кучи ҳамиша улуғ бир куч бўлиб қолади. Буни ҳатто хотира ҳам деб бўлмайди. Бу — ёшликнинг сўнмас чирोगи, истиқболга ундайдиган бир даъват. Бу туйғуни ўз қалбида сақлаб қолган киши — бахтли кишидир...

Марфа Корниенконинг ертўласида ўтирган Иван Фёдорович билан Катя худди шу бахтли бир туйғуни кечирмоқда эдилар.

Улар чурқ этмай ўтирар эдилар, лекин уларнинг қалблари: «Эсингдами? Эсингдами?..» деган садолар билан тепарди.

Уларнинг энг сўнгги мартадаги изҳорлари айниқса эсларидан чиқмайди. Бунгача улар кўп ойдан бери бир-бирлари билан учрашиб турар ва, аслини суриштирганда, Екатерина Павловнага ҳамма нарса аён эди, буни у, Иван Фёдоровичнинг бўғилиб гапиришларидан ва хатти-ҳаракатларидан билиб юрар эди. Лекин у, Иван Фёдоровичнинг охиригача айтмоқчи бўлган гапини айтишга йўл қўймас ва ўзи ҳам бирон нарсанинг тайинини айтмас эди.

Бир кун олдин Иван Фёдорович уни, ўзи турадиган ётоқхона ҳовлисига киришга кўндирди, — Иван Фёдорович область партия курсида ўқиб юрарди. Екатерина Павловнанинг бунга кўнишининг ўзи у учун катта бир ғалаба эди: демак, у унинг ўртоқларидан уялмайди, — ахир, дарс тугагандан кейинги соатларда ҳовли одатда курсантлар билан тўлиб ётарди-да.

Шундай қилиб, Екатерина Павловна, одам тўла ҳовлига кириб келди. Ҳовлининг ўртасида курсантлар городки ўйнашмоқда эди. У ҳам ўйнади, — эгнида боғичсиз украинча кўйлак, ёқаларининг тугмалари ечиб ташланган, вақти чоғ, қизишиб кетган эди. У Екатерина Павловнанинг ёнига югуриб келди-да, саломлашиб бўлиб: «Бирпас кутиб тур, ҳозир ўйнаб бўламыз...» деди. Ҳовлидаги ҳамма курсантлар улардан кўз узмасдан қараб турарди, кейин ораларини очиб, унга жой бўшатиб беришди, у ҳам ўйинни томоша қила бошлади, аммо у фақат Иван Фёдоровичга қарар эди.

Екатерина Павловна унинг паканалигидан бир оз уялиброқ юрарди, ҳозир энди унинг қандай кучли, эпчил ва шўх эканлигини биринчи дафъа кўргандай бўлди. Иван Фёдорович, энг қийин ва энг мураккаб шаклда терилган чўпларни бир уришда

чизиқдан уриб чиқарар эди ва буларни Екатерина Павловна учун қилаётганини у сезиб турарди. Иван Фёдорович ўйин тасомом бўлишига қадар «душман»ларини масхара қилиб кулар эди.

Ленин кўчасига ўша кезларда эндигина асфальт ётқизилган эди, кун ниҳоятда иссиқ эди, улар ўзларини бахтли сезган ҳолда, эриб юмшалган асфальтдан юриб борар эдилар. Иван Фёдорович ўша украинча кўйлагига борарди, лекин ёқасига боғич ўтказган, сариқ сочлари бошида эркин бир суратда яйраб ёйилган бир ҳолда, унинг ёнида борар эди. Йўлда кета туриб, лотокдан қуруқ хурмо сотиб олиб, газетага ўралган бу хурмони олдинда тутиб борар эди. Хурмо ниҳоятда ширин эди, хурмони фақат Екатерина Павловна ерди, чунки Иван Фёдоровичнинг оғзи гапдан бўшамас эди. Екатерина Павловнани ҳаммадан ҳам шундай асфальтли кўчада ахлат ташлайдиган биронта урна йўқлиги ажаблантиргани эсида: хурмо данакларини тупуриб ташлай олмас, шунинг учун бирон ёмонроқ кўчага бурилганимизда тупуриб ташларман деб, ҳамма данакларни оғзида сақлаб борар эди.

Бирдан Иван Фёдорович гапдан тўхтади-да, унинг юзига шундай бир қараш қилдики, Екатерина Павловна ҳатто уялиб кетди. Иван Фёдорович деди:

— Шу кўчанинг ўзида, ҳамманинг кўзи олдида мен сени ҳозир бир ўпаман!

Шунда Екатерина Павловнанинг ўжарлиги тутиб кетди, киприклари остидан Иван Фёдоровичга қия қаради-да:

— Упиб кўр-чи, оғзимдаги ҳамма данакларни бетингга тупуриб ташлайман,— деди.

— Кўпми ўзи?— деб сўради Иван Фёдорович, ниҳоятда жиддий бир суратда.

— Ўн иккитача!

— Юр боққа, а? Югурдик...— деб хитоб қилди Иван Фёдорович ва Екатерина Павловна ўзига келмасданоқ, қўлидан қаттиқ ушлаб олди. Шу билан улар, кулиша-кулиша, ўтган-кетганларга парво қилмай, боғ томонга югуриб кетишди.

«Эсингдами?... Богдаги ўша кеча эсингдами?..»

Мана ҳозир, қоронғи ертўлада ўтиришаркан, Луганск боғидаги юлдузли кечадаги сингари, Екатерина Павловна юзини эрининг забардаст елкаси, бўйни билан соқоли тикандай ўсиб кетган юзи ўртасига беркитиб ўтирибди. Сўнгра, Иван Фёдорович хотинини бир он янада қаттиқроқ қучоғига босди-да, юзини бир оз тортиб қўлларини бўшатди.

— Бўлди энди, вақт бўлди, қалдирғочим, кабутарим!— деди у

Лекин Екатерина Павловна юзини ҳамон ундан олмас эди. Улар то ташқарида тонг ёришгунча шу аллозда ўтирдилар.

Корней Тихонович билан унинг набирасини Иван Фёдорович отряддан хабар олдиргани Митякино базасига юборди. Иван Фёдорович, майда группаларнинг қандай хатти-ҳаракат қилиши кераклиги ҳамда деҳқонлардан, казаклардан ва қишлоқларда туриб қолган ҳарбийлардан янги партизан отрядларини қандай тузиш кераклиги тўғрисида чолга жуда кўп гапларни уқдирди.

Марфа уларга овқат едириб турганда бир чол, Марфанинг узоқ бир қариндоши, ахир болалар даврасини ёриб ўтди-да, нақ овқатнинг устидан чиқиб қолди. Ҳар нарсани билишга ўч бўлган Иван Фёдорович, мавжуд ҳолатга оддий қишлоқ кишининг қандай баҳо беришини билиш учун, чолни гапга солди. Бу чол ҳам кўпни кўрган, бошидан кўп нарсаларни кечирган чол бўлиб бир вақтлар Кошевойни ҳамда унинг қариндошларини аравасига соливолган ҳам шу эди; йўлда учраган немис интендантлари чолнинг ўша саман отини тортиб олиб қўйган, шунинг учун ҳам чол қишлоққа қариндошлариникига қайтиб келган экан. Олдида ўтирган киши оддий киши эмаслигини дарров пайқади-да, гапни чалкаштира берди:

— Мана шунақа ишлар... Уч кунгача аскари ўтиб турди. Ана лашкар-у, мана лашкар! Қизилларнинг энди қайтиб келишига йўл бўлсин, эҳ-ҳа-а!.. Немислар Волгадан ўтиб, Куйбишев ёнида жанг қилмоқда эмиш, Москвани қуршаб олган, Ленинградни қўлга киритгандан кейин, яна нимасини айтасиз! Гитлер, Москвани қаҳатчиликка солиб қўлга оламан деганмиш.

— Бу бўлмагур ёлғон гапларга ишонганингга ўлсам ҳам ишонмасман!— деди Иван Фёдорович, кўзларида шайтон ўйнаган ҳолда.— Менга қара, бобой, иккимизнинг бўйимиз бир кўринади, менга сен бирон уст-бош билан оёқ кийимингдан берсанг, мен устимдагини сенга ташлаб кетардим.

— Эҳ-ҳа, шунақами!— бирдан рус тилида деди чол, дарров ҳамма гапга тушуниб.— Уст-бош бўлса ҳозир келтириб бераман.

Шу чолнинг кийимида, елкасига халта осиб олган, гарчи ўзи ҳали бобой бўлмаса-да, соқоллари ўсиб кетган Иван Фёдорович, Каменний Бродда турувчи Маша Шубинаникига кириб келди.

Ўз шаҳрининг кўчаларидан бошқа бир киши қиёфасида юриб борар экап, Иван Фёдорович ўзини жуда галани ҳис этар эди.

Иван Фёдорович шу шаҳарда тугилиб, кўп йиллардан бери шу ерда ишлаб келарди: кўп корхоналар, муассасалар, клублар ва иморатлар унинг кўз олдида бино этилган, ҳатто кўпи унинг ҳаракати билан бино бўлган. Масалан, мана бу сквернинг плани шаҳар совети ижрокомида муҳокама қилингани, сўнгра унинг қурилишига, дарахт экилишига ўзи бошчилик қилгани ҳали ҳам эсида. Ўз шаҳрини обод қилиш учун қанчадан-қанча меҳнат сарф қилган, шундай бўлса-да, ҳовли ва кўчалар ифлос деб шаҳар комитетида уни сўкишгани сўкишган эди, кўчалар ва ҳовлилар ифлосликка ифлос эди, буниси рост.

Биноларнинг кўп қисми бомбардимон натижасида вайрон бўлиб ётарди,— шаҳарнинг бундай хунуклиги шиддатли мудофаа кунларида кўзга унча ташланмас эди. Лекин гап бунда ҳам эмас: бир неча ҳафта ичида шаҳар шу қадар хароб бўлиб кетган эдики, ҳатто шаҳарнинг янги эгалари ҳам бу ерда абадий қолажакларига ишонмас эдилар. Кўчаларга сув сепилмас, супурилмасди, боғлардаги гуллар сўлиб, хазон бўлиб ётарди, ёввойи ўтлар говлаб кетган, кўчаларни қогоз ва папирос қолдиқлари аралаш сап-сариқ чанг босиб ётарди.

Бу шаҳар мамлакатнинг кўмир пойтахтларидан бири эди. Илгари вақтлар бу ерга мамлакатнинг бошқа жойларига нисбатан кўпроқ ҳар хил моллар келтириларди, кўчалар ясанган-тусанган одамлар, ранг-баранг кийимлар билан тўлиб-тошиб ётарди. Унинг жанубий шаҳар эканлиги, мева-чевага сероб, чаман-чаман гулларга кўмилган ва каптарбозлари жуда кўплиги шундай билиниб турган бир шаҳар эди. Эндиликда одамлар сийраклашиб қолган ва худди жўрттага қилгандек, борлари ҳам кир, ифлос ва бир хилда кийим кийишиб юрар, ҳаттоки юз-қўлларини сира ювмайдигандек кўринар эдилар. Кўчаларни душман солдат ва офицерларининг — уларнинг кўпчилиги немис ва италянлар, румин ва венгерлар ҳам бор,— мундир ва погонлари босиб кетган, ҳар ердан фақат уларнинг овозлари эшитилиб туради, кўчаларни фақат уларнинг автомобиллари чангитиб юради. Иван Фёдоровичнинг ўз шаҳрига ва ўз кишиларимизга ҳеч вақт бу қадар раҳми келмаган эди.

У гўё, бир вақтлар бу ерда уй-жойи бўлган-у, бу уй-жойидан ҳайдаб чиқарилган, мана энди яширинча келиб, уй-жойнинг янги эгалари унинг ичидаги ҳамма мол-бисотларни талаётганини,

жонажон нарсаларига ифлос чангалларини солаётганини, қариндош-уруғларининг ҳақорат қилинаётганини кўраётгандай эди, лекин бу нарсаларни кўриб турса-да, бироқ бунга қарши бирон чора кўришга ўзини ожиз сезгандай ҳис этарди.

Хотинининг ўртоғи ҳам анча азоб-уқубат чеккан ва ўзига парво қилмай қўйганлиги кўриниб турарди: эғнидаги одмигина кўйлаги ёскириб кетган, сариқ сочлари нари-беригина туғиб қўйилган, анчадан бери сув тегмаган оёқларидаги шиппаги харобгина эди, ҳатто оёқларини ювмасдан кўрпага кириб ётадигандай кўринарди.

— Маша, ахир бу қадар тушкунликда яшаш уят эмасми?— деди Иван Фёдорович, унинг бундай қиёфасини кўриб ва ўзини тутиб тура олмасдан.

Маша ўзига бепарвогина бир назар ташлади-да:

— Ростми?— деди.— Бунга ўзим пайқамайман. Ҳамма ҳам шундай-ку. Бир томондан шуниси ҳам тузук: ҳеч ким тегишмайди... Ундан ташқари, шаҳарда сув ҳам йўқ...

Маша жим бўлди, Иван Фёдорович унинг ориқлаб кетганлигига, уй ичининг бесаронжомлиги ва очиқ-чочиқлигига назар ташлади. Унинг хаёлига Маша бор-йўғини сотиб еб бўлган, энди оч-яланғоч қолган бўлса керак деган фикр келди.

— Хўп, майли, қани, кел, насиб қилганини баҳам кўрайлик... Бир хотин менга дунёнинг овқатини пишириб берган эди,— ўзи жудаям, ақлли хотин дегин!— деди Иван Фёдорович хижолат билан халтани очиб, ичини ковлаштира бошлади.

— Э худойим-эй, кошкийди гап фақат шунда бўлса,— деди Маша ва юзини қўллари билан беркитди.— Мени ўзингиз билан бирга олиб кетинг!— деди бирдан куйинган ҳолда.— Мени Катянинг ёнига олиб кетинг, айтган ишингизни қилишга тайёрман, уйингизда хизматчи бўлиб ишлай, фақат бу хўрликни кўрмасам, ишсизликдан секин-аста ўлмасам, ҳаётдан бирон умидсиз ўтмасам бўлгани!

Маша гарчи Иван Фёдоровични Катяга уйланган давридан бери билса ҳам (у, Катя билан ёшлигидан ўртоқ эди), уни «сиз» лаб гапирарди. Оддий бир чизмакаш бўлиб ишловчи Маша, ўзи билан катта ва мўътабар бир арбоб ўртасида бўлган масофанинг катталигидан, уни «сен» сирай олмаслигини Иван Фёдорович илгаритдан сезиб юрар эди.

Иван Фёдоровичнинг кенг ва текис пешонаси тиришди, шўх ва кўк кўзлари жиддий бир тус олди.

— Бир оз қўпол бўлса-да, сен билан очиқ гапиришай,— деди Иван Фёдорович, Машанинг юзига қарамай.— Маша! Гап фақат сен тўғрингда ёки мен тўғримда бўлганда эди, сени дарҳол Катянинг ёнига олиб бориб, икковларингни бирон хавфхатарсиз жойга жойлаштириб қўяр эдим-да, кейин хотиржам бўлиб юра берар эдим,— деди у, ачиқ бир тусда кулимсираб.— Лекин мен ҳукуматга қарашли одамман, шу сабабли мен, сен ҳам ҳукуматимизга қўлингдан келганича хизмат қил дейман. Сени бу ердан олиб кетиш эмас, балки сени ишнинг энг қизиб турган жойига ташламоқчиман. Ростингни айт: шунга розимисан? Қўлингдан келадими?

— Нима десангиз — ҳаммасига розиман, фақат шу турмушдан қутулсам бўлгани...— деб жавоб қилди Маша.

— Йўқ, бунини жавоб деб бўлмайди!— деди Иван Фёдорович, шиддатли бир овоз билан.— Мен сенга жонингни сақлаб қолиш йўлини айтаётганим йўқ, мен сендан халқимизга, давлатимизга хизмат қилишга розимисан деб сўраяпман.

Маша секин:

— Розиман,— деди.

Иван Фёдорович дарҳол столнинг нариги бетидан унга энгашиб, қўлидан ушлади.

— Мен, шаҳарда қолган ўз кишиларимизнинг ҳаммасини топиб, улар билан алоқа боғлашим керак, лекин баъзи кишилар қўлга тушган, шунинг учун мен қайси адресга ишонишимни аниқ билмайман... Сен иблис сингари юракли ва айёр бўлишинг ва мен берган адресларни бирма-бир текшириб чиқишинг керак. Шунга борасанми?

— Бораман,— деди Маша.

— Қўлга тушсанг ўтга солиб қийнашади. Бизни айтиб бермайсанми?

Маша худди ўз қалби билан маслаҳатлашаётгандай, бир оз жим қолди-да, сўнг:

— Йўқ,— деди.

— Бўлмаса, қулоқ сол...

Иван Фёдорович жинчиноқ ёруғида Машага янада яқинроқ келиб, унга энгашган эди, Машанинг кўзи унинг бир чаккасидаги янги тиртиққа тушди. Иван Фёдорович шу ерда, Каменный Броддаги бир адресни берди: бу адрес бошқаларига қараганда унинг назарида ишончлироқ эди. Бу квартира унга шунинг учун ҳам керак эдики, у орқали кейинчалик Украина паргизанлари штаби билан алоқа боғлашига ва ёлғиз бир областнинг

Ўзидагина эмас, балки бутун совет ёғида, ҳамма ерда нималар бўлаётганини билишга имкон берарди.

Маша ҳозирнинг ўзидаёқ бориб келишга ихтиёр билдирди, унинг бу содда фидокорлиги ва тажрибасизлиги Иван Фёдоровичнинг юрагини тилиб кетгандай бўлди. Унинг кўзларидаги шайтонча яна бирдан иккинчисига бир оёқлаб сакраб юра бошлади.

— Бундай қилишинг ярамайди-да! — деди у, Машани меҳрибон ва хушчақчақ бир оҳангга қойиб. — Мода магазинида қандай ишлаш керак бўлса, бунда ҳам худди шундай нозик ва чеварлик билан ишлаш керак. Куппа-кундуз куни, ошкора бориб кела берасан, нима қилишингни ўзим айтаман... Мен ўзимни ҳам бу томондан хотиржам қилиб қўйишим керак. Ўзинг кимникида турасан?

Маша, паровозсозлик заводида ишлайдиган бир кекса ишчининг уйдан бир хонани ижарага олиб турар эди. Уй харсанг тошдан қурилган бўлиб, ўртасидан кесиб ўтган коридор уйнинг икки томонига — ҳам кўчага, ҳам тевараги тош билан ўралган ҳовлига чиқар эди; уйнинг бир томонида бир хона билан ошхона, иккинчи томонида эса кичик-кичик икки хона бор эди. Маша шу хоналардан бирида турар эди. Чолнинг бола-чақалари анчагина бўлса ҳамки, улар ажралиб чиқиб кетишган: ўғилларининг баъзилари армияда, баъзилари бу ердан кўчиб кетган, қизлари эса эрга тегиб, бошқа шаҳарларда туришар эди. Машанинг гапича, уй эгаси мулоҳазали, киши безор бўлса-да, лекин китобхон ва ҳалол бир киши эди.

— Мен сизни унга қишлоқдан келган тоғам деб танитаман, менинг ойим ҳам сиз сингари украиналик. Ёлғиз ўзим қийналиб кетдим, шунинг учун сизни хат билан чақиртирдим деб айтаман.

— Бўлмаса, тоғангни уй эгаси билан таништир, қани, кўрайлик-чи, қандай киши безор одам экан у! — деди Иван Фёдорович.

— Бе, қанақа иш бўларди дейсиз, нима билан ишлайди? — деб гўнғилларди қош-қовоғини солиб ўтирган киши безор, гоҳ-гоҳда шокосада, кўзлари билан Иван Фёдоровичнинг соқолига, ўнг чаккасидаги тиртиғига қараб-қараб қўярди. — Заводнинг асбоб-ускуналарини ўзимиз икки марта кўчириб юбордик, бунинг устига немислар бир неча марта бомбардимон қилди... Паровоз, танк ва замбарақлар қуриб келган одамлар энди примус, зажигалкалар тузатамиз... Рост, деворлари унча-мунча бутун

қолган цехлар бор, агар у ер-бу ерларни титкилаб кўрилса, ҳали бир талай асбоб-ускуна топилади, лекин бунинг учун ҳақиқий ва ишнинг кўзини биладиган хўжайин бўлиш керак. Ҳозиргилар эса...— чол, кичкина, ориқ кўлини мушт қилиб, силтади.— Ҳеч нарсага арзмаган халқ экан!.. Жайдари халқ, кейин — ўғри ҳаммаси. Хоҳ ишон, хоҳ ишонма, ахир бир заводнинг ўзига учта хўжайин келди-да! Бири — Крупп, завод илгари Гартманга қарарди, кейин унинг акцияларини Крупп сотиб олган экан; иккинчиси — темир йўллар бошқармаси, учинчиси эса — электрик шеркати. Шеркатга ТЭЦ теги, яхшиям бизнинг кишилар кетмасдан олдин уни портлатиб кетган экан... Заводда юришди, юришди-да, ахир уч бўлакка бўладиган бўлишди. Ҳам кулгинг қистайди, ҳам йиғлагинг келади: ахир, завод-ку, хароб бўлиб ётибди-я, энди улар худди подшо замонида деҳқонлар ер бўлгандек, завод ўртасидаги йўлларга қозиқ қоқиб, ҳамма ёқни тўнгиз сингари ковлаб ташлашди. Заводни бўлишиб, ҳамма ерга қозиқлар қоқиб бўлгач, қолган-қутган асбоб-ускуналарни Германиясига ортиб олиб кетишди. Ундан ҳам қолган асбобларни худди чайқовчи сингари, бозорда сотиб юришади. Бизнинг ишчилар: «Худо хўпам хўжайин буюрибдими!» деб кулишгани кулишган. Ўзингнинг хабаринг бор, бизнинг ишчилар кейинги йилларда катта-катта ишларни бажаришга ўрганишган, бу хўжайинларга ишлаш у ёқда турсин, ҳатто ишчиларимиз уларга қараса кўнгиллари айнийди. Хуллас, куласанми, йиғлайсанми... •

Улар кичкина жинчироқ ёқиб ўтиришар эди; узун соқолли Иван Фёдорович, жимгина ўтирган Маша, букчайган кампир ва «киши безор»нинг девор ва шипларга тушган ҳайбатли ва ажи-бужи кўланкалари гоҳ бири-бирига қўшилиб, гоҳ яна ажралиб кетар эди; бу ўтирганлар худди қадим замонларда горларда яшовчи ёввойи одамларга ўхшар эдилар. «Киши безор» тахминан етмишларда бўлиб, бўйи пакана, ориқдан келган, боши каттагина эди, бошини зўрға тутар, гапирганда қовоқларини солинтириб, пўнғиллаб гапирар ва унинг гапи кишига худди «бу-бу-бу-бу» дегандай эшитилар эди. Лекин Иван Фёдорович унинг гапларини ҳузур қилиб тингларди, чунки чол жуда доно ва тўғри гапирарди, тасодифий суратда учрашиб қолган кишлоқ кишисига немислар давридаги саноат ишларини батафсил, шошилмай тушунтириб берар эди.

Шундай бўлса-да, Иван Фёдорович ўзини тутиб туrolмади ва деди:

— Биз, қишлоқда турувчи кишилар, шундай деб ўйлаимиз: немислар бизнинг Украинамизда саноатни ривожлантиришга манфаатдор эмас, нега десангиз, унинг бутун саноати ўз Германиясида жойлашган. Биздан улар ғалла билан кўмир олай дейди. Украина уларга гўёки бир мустамлака-ю, биз — ҳабашлармиз...— Иван Фёдорович, «киши безор» одамнинг ўзига ажабланиб қараганини пайқадн-да, кулимсираб, деди:— Мужикларимизнинг бу хилда ўйлашида бирон таажжубли нарса йўқ, халқнинг савияси анча ўсиб қолган...— Иван Фёдоровичнинг кўзларидаги шайтонча яна бир кўздан иккинчисига сакрай бошлади.

— Тўғриликка-ю тўғри-я...— деди «киши безор», Иван Фёдоровичнинг гапига сира ҳам таажжубланмаган ҳолда.— Хўп, майли, айттайлик, мустамлака. Демак, улар қишлоқ хўжалигини илгари силжитган бўладими?

Иван Фёдорович секин кулди.

— Кузги ғаллани жўякларга ва бултурги кузги ҳам баҳорикор ғалла экилган шудгорга экяпмиз, ерни эса чопқи билан юмалоқ-ясси қилиб ишлаймиз. Қанча экишимизни шундан ўзинг билиб ола бер!

— Ҳа баракалла!— деди «киши безор», бунга ҳам таажжубланмай.— Уларнинг қўлидан иш бошқариш келармиди... Уларнинг ўғридан фарқи йўқ. Кимдан нимани тортиб олса, шу билан кун кўради, яна шунақанги маданият билан бутун оламни энгармиш-а, бефаросат махлуқлар,— бегазаб бир оҳангда деди чол.

«Эҳ, бобой, менга ўхшаган ғаллакорнинг ўнтасига бас келадиган кўринасан!» деб ўйлади Иван Фёдорович мароқ билан.

— Жиянингизникига кираётганингизни ҳеч ким кўрмади-ми?— овозини ўзгартмай сўради «киши безор».

— Кўришга-ку, ҳеч ким кўрмади-я, лекин кўрганда ҳам нима қиларди? Ҳамма ҳужжатларим ёнимда.

— Тўғри-ю,— деди «киши безор», гапни чалғитиб.— Аммо бу ерда шундай бир тартиб борки, сизнинг тўғрингизда полицияга хабар бериб қўйишим керак, лекин унча кўп турмайдиган бўлсангиз, хабар бермаганим ҳам маъқулроқ дейман. Чунки, гапнинг очигини айтганда, Иван Фёдорович, мен сизни дарров танидим, бизнинг заводга бир неча бор келганингизда кўрган эдим Бирон ёмон ниятли одам таниб қолмасин дейман-да...

Иван Фёдоровичнинг хотини ҳамиша унга: «Ҳамма вақт толеинг баланд одамсан» деб юргани рост!

Адресни қидириб борган Маша эртасига тонготар маҳалда Иван Фёдоровичнинг олдига нотаниш бир кишини бошлаб келди; бу кишининг «киши безор» билан гўё кечагина кўришгандай бемалол кўришиши Иван Фёдорович билан Машани анча ҳайратга солди. Иван Фёдорович бу одамдан, «киши безор»нинг яширин ишда қолдирилгани ва бинобарин ўзимизга қарашли киши эканини билди.

Немисларнинг мамлакат ичкарасига жуда кириб кетганини ҳам Иван Фёдорович шу кишидан эшитди: у кезлар буюк Сталинград жанги энди бошланган бир кезлар эди.

Кейинги кунларда Иван Фёдорович шаҳарда ва областда алоқаларни текшириш, қисман, узилиб қолган алоқаларни қайтадан тиклаш билан машгул бўлди:

Бу иш айти қизиб кетган кунлардан бирида, Иван Фёдоровични ташкилот билан таништирган киши, Любка-артисткани бошлаб келди.

Краснодон овахтасидаги маҳбуслар ҳалокати тўғрисида Любка айтиб бериши мумкин бўлган барча тафсилотларни эшитиб бўлгач, Иван Фёдорович бирмунча вақт гапиролмай, қайгули бир алпозда ўтирди. Матвей Костиевичга ҳамда Валькога жуда-жуда ачинди. «Қандай яхши казаклар эди!» деб ўйларди у. Кейин бирдан хотини эсига келиб кетди: «Қай аҳволда экан, ёлғиз бир ўзи...»

— Уҳ...— деди у.— Яширин иш шароитлари ниҳоятда оғир! Бунақанги қийини ҳали бўлмаган...— У уй ичида айланиб юра бошлади ва Любка билан худди ўзи билан ўзи гапиришгандай гапира бошлади.— Одамлар, бу яширин ишимизни ўтган интервенция давридаги, оқлар давридаги яширин иш билан таққослайдилар, лекин буни таққослаб бўладими? Бу жаллодларнинг террор кучи шу қадар зўрки, булар олдида оқлар ёш боладай бўлиб қоляпти,— булар кишиларни миллионлаб қириб ташламоқда... Лекин бизнинг бир устунлигимиз борки, бу устунлик у маҳалда бўлмаган: бизнинг яширин ишдаги кишиларимиз, партизанлар партиямизнинг бутун куч-қувватига, давлатимиз кучига, Қизил Армия куч-қувватига суянадилар... Партизанларимизнинг оғи ҳам юксак, ташкилий томондан ҳам мустаҳкам, техникаси ҳам, яъни қурол-аслаҳалари ва алоқа воситалари ҳам кучли. Халққа шуни тушунтириб бориш керак... Бизнинг душманларимизнинг бошқа ҳеч кимсада бўлмаган бир ожиз жойи бор: булар бефаросат одамлар, ҳамма нарсани буйруқ билан қиладилар, халқ ичида ҳеч нарсани кўрмай, ҳеч нар-

сага ақллари етмай яшайдилар.. Мана шундан фойдаланиш керак!— деди у, Любканинг рўпарасига келиб тўхтаб, сўнгра яна уйнинг у бурчагидан-бу бурчагига юра бошлади.— Буни албатта халққа уқдириш керак, халқ буларни алдашга ва булардан қўрқмасликка ўргансин. Халққа далда бериб туриш, уни уюштириш керак, шунда халқ ўз кучини кўрсатади: ҳамма ерда кичик-кичик яширин группалар, шахталарда, қишлоқларда иш кўра оладиган яширин группалар ташкил қилиш керак. Бизнеснинг кишиларимиз ўрмон-ўрмонларга қочиб юрмасин,— ахир биз яшаб турган жойимизни Донбасс дейдилар-ку. Шахталарга, қишлоқларга, ҳатто немис муассасаларига,— биржага, уйравага, дирекционларга, қишлоқ комендатураларига, полицияга, ҳатто гестапога кириб ишлашлари керак. Диверсия, саботаж, ичдан туриб қилинган террор воситалари билан ҳамма нарсани бузиш, барбод этиб бориш керак!.. Ҳамма ерда, ҳар бир тешикда маҳаллий аҳолидан — ишчилар, деҳқонлар, ёшлардан беш кишилик кичик-кичик тўдалар ташкил этиш керак... Кўрамиз! Душмanning қўрққанидан оёқ-қўллари титраб-қалтирамаганини!— У шундай кучли қасос туйғуси, билан тўлиб-тошган бир овозда гапирардики, бу туйғуси Любкага ҳам ўтиб, нафас ололмай қолди. Шу онда Иван Фёдорович Любка айтган «катталар топшириғи»ни эслади.— Хўш, шундай қилиб, ишлар юришиб кетди дегин? Бошқа жойларда ҳам шунақанги юришиб кетган. Лекин бунақанги иш ҳеч ҳам қурбонсиз бўлмайди... Отинг нима?— деб сўради у яна Любканинг тўғрисига келиб тўхтаб.— Ҳа-ҳа, шундайми? Лекин, бу қандай бўлди: ўзинг шундай кўҳликкина бир қиз бўлсанг-у, отинг Любка бўлса? Любка эмас, Люба бўлиши керак!— Унинг бир кўзида яна шайтон порлади.— Хўш, айт-чи, яна нима дейсан?

Улар етти киши бўлиб, уй ичида қатор тизилиб турганлари бирдан Любканинг кўз олдида ялт этиб гавдаланди. Ташқарида қора булутлар пастлаб сузишиб юрарди. Қатор олдига бир қадам ташлаб чиқувчи ҳар кимса ранги оппоқ оқарар, қасам сўзларини айтувчи ҳар бир товуш эса ўз эгасининг ҳаяжон-ла титраганини яшириб, жаранглаб кетарди. Олег билан Ваня Земнухов ёзган ва улар ҳаммалари тасдиқ этган қасам сўзлари шу пайтда бирдан улардан ажралди-да, қонундан ҳам шиддатли ва мустаҳкамроқ бир тусда, уларнинг тепаларига кўтарилди. Любка шуни хаёлига келтирган эди, яна ўзини қамраб олган кучли ҳаяжондан юзи оқарди ва юзидаги кўм-кўк кўзлар пўлатдай ирода ва чуқур маънони ифода этди.

— Бизга маслаҳат билан ёрдам керак,— деди у.

— Кимга — сизларга?

— Еш гвардияга... Иван Туркенич деган командиримиз бор, у Қизил Армия лейтенанти бўлган, ярадор бўлиб, қуршовга тушиб қолган эди. Комиссаримиз — Олег Кошевой, Горкий номидаги мактаб ўқувчиларидан. Ҳозир ўттиз кишимиз, ҳаммамиз садоқатли бўлишга қасамёд этганмиз. Худди сиз айтгандай, беш киши-беш киши бўлиб уюшганмиз,— буни Олег таклиф этди...

— Буни унга катта ўртоқлар тавсия этишгандир,— деди ҳамма гапга дарҳол тушуниб олган Иван Фёдорович.— Лекин, бунинг фарқи йўқ, ҳар ҳолда сизларнинг Олегларинг бамаъни йигит экан!..

Иван Фёдорович ниҳоят даражада ғайратланган бир ҳолда стол ёнига келиб ўтирди-да, Любкани ҳам рўпарасига ўтказиб, штаб аъзоларининг номларини ва кимлигини бирма-бир суриштира бошлади.

Навбат Стаховичга етганда бирдан Иван Фёдоровичнинг қошлари чимирилди.

— Шошма,— деди у, Любканинг қўлини ушлаб.— Отинима?

— Евгений.

— Ҳамма вақт сизлар билан биргамиди ё бирон ёқдан келганми?

Любка, Стаховичнинг Краснодонда қачон пайдо бўлганини ва ўзи ҳақида нималар айтиб юрганини айтиб берди.

— Бу йигитга аҳтиёт бўлинглар, яхшилаб синчиклаб текшириб кўринглар,— деди Иван Фёдорович ва Стаховичнинг бирдан отряддан ғойиб бўлганини Любкага гапириб берди.— Немислар қўлига тушиб чиқмаганми экан,— деди, хаёл суриб.

Любканинг юзида хавотирлик акс этди, унинг хавотирлиги шунинг учун ҳам кучли эдики, шахсан ўзи Стаховични унча ёқтирмас эди. Любка бирмунча вақт Иван Фёдоровичнинг юзига тикилиб қолди, сўнгра бирдан юзи ёришиб, кўзлари чақнади, хотиржамлик билан деди:

— Йўқ, ундай бўлмаса керак. Балки, шунчаки қўрққан-у, қочган.

— Нега бундай деб ўйлайсан?

— Болалар уни кўпдан бери билишади, ўзи комсомол аъзоси. Бир оз кибрлиги бор-у, лекин бундай ишни қилмайди. Оила-

си ҳам яхши оилалардан, отаси — шахтёр, акалари коммунист, ҳаммаси армияда... Йўқ, бундай бўлмаса керак!

Қизнинг бу қадар очиқ, равшан ва пок фикри Иван Фёдоровични ҳайратлантирди.

— Ақинг расо қиз экансан!— деди, кўзларида Любка тушунмаган бир қайғули ифода билан.— Бир замонлар бизлар ҳам шундай деб ўйлардик. Лекин, мен сега айтсам,— деди у, гўё гўдак болага гапираётгандек,— маънавий жиҳатдан бузилган, чирик одамлар дунёда ҳали кўп, гоя деган нарса уларга уст-бош деганда, вақтинча бир нарса ёки ниқоб,— фашистлар бундайларни оламда миллионлаб тарбия этиб келмоқда, лекин шундай ожиз кишилар ҳам борки, уларни букиш қийин гап эмас...

— Йўқ, ундай бўлмаса керак,— деди Любка, Стахович тўғрисида ўйлаб.

— Кошки эди! Лекин, бир марта юраксизлик қилган бўлса, яна қилиши мумкин.

— Мен буни Олегга айтаман,— қисқагина жавоб қилди Любка.

— Мен айтган гапларнинг ҳаммасига тушундингми?

Любка, ҳа, деб бош силкиди.

— Мана шу тахлитда ишлай беринглар... Бу ерда, шаҳарда, сен бояги сени бошлаб келган киши билан богланганмисан? Ўша билан алоқани узма.

— Раҳмат,— деди Любка, кўзларида вақти чоғлик ифодаси пайдо бўлиб.

Икковлари ўринларидан туришди.

— Ёш гвардиячи ўртоқларга биздан большевистик салом айт.— Кейин ўзининг кичик, лекин ҳаракатлари аниқ қўлларни билан Любканинг бошидан ушлади-да, иккала кўзидан ўпиб, секин ўзидан нари итарди.— Энди кет,— деди.

УТТИЗ САККИЗИНЧИ БОБ

Ворошиловградда ўтказган шу бир неча кун давомида Любка уни Иван Фёдоровичнинг олдига бошлаб келган киши ихтиёрида бўлди. Любканинг немис интендант полковниги ҳамда унинг адютанти билан бундай алоқа боғлаб олгани ва квартира эгалари уни бутунлай бошқа одам деб ўйлашлари,— буларнинг ҳаммаси ўша киши учун ниҳоятда муҳим бир нарса эди.

Любкага янги шифр ўрганишга тўғри келмади, чунки шифр курсдан қайтиб келаётганида билган шифрнинг ўзи эди. Лекин ҳозир у ўзи билан бирга радиопередатчик ҳам оливолиши керак эди, чунки бу радиопередатчик билан Ворошиловградда ишлаш жуда қийин эди.

Уша киши, радиопередатчикнинг қаердалигини билиш ва топиш қийин бўлсин учун, жойни қандай ўзгартириб туришни Любкага ўргатди. Любканинг ўзи ҳам доим Краснодарда ўтирмаслиги керак, балки ҳар замон, ҳар замонда Ворошиловградга келиб-кетиб туриши, бошқа жойларга ҳам бориб туриши ва ўзи танишиб олган кишилар билан алоқани давом этдириш билан бирга, немис, румин, итальян ҳамда венгр офицерлари ўртасида янги ва янги танишлар ортдириши керак.

Любка ҳатто Ворошиловградга келган-кетганида шу квартирада қўниши тўғрисида ўзи турган квартира эгалари билан келишиб олди, у: менга тавсия этилган квартираларнинг биронтаси ҳам ёқмади, деб айтди. Қўзиқоринга ўхшаган қизча Любкага ҳамон аввалгидек менсимай қарарди, лекин қизнинг онаси немис амалдорларидан кўра Любканинг хийла беозор эканлигини тушунар эди.

Любканинг йўлда учраган немислар машинасига тушиб қайтиб кетишдан бошқа чораси йўқ эди. Лекин у энди енгил машиналар кўринганда қўл кўтармас эди, аксинча, солдатлар тушган юк машинага тушиб кетишга кўпроқ манфаатдор эди. Солдатлар соддароқ, фаросатлари ҳам озроқ бўлди. Любканинг чамадониди, лаш-лушлари ичида эса анови нозик нарса ҳам бор эди.

Ахийри у, санитар фургонига тушиб қолди. Тўғри беш-олти та санитар солдатдан ташқари, фургонда медицина хизматига мансуб бир старший офицер билан яна бир неча младший офицерлар ҳам бор эди. Лекин уларнинг ҳаммаларининг бир оз кайфлари бор эди, ҳушёр офицерлардан кўра маст офицерларни алдаш осонроқ эканлигини Любка анчадан буён билар эди.

Маълум бўлишича, улар фронтга яқин бир госпиталга катта-катта ясси банкаларда дунёнинг спиртини олиб кетишаётган экан. Бирдан Любка, қани энди, бир иложини топиб кўпроқ спирт олиб қолсам, чунки спирт ҳар қандай қулфга калит бўла олади ва ҳамма керакли нарсани спиртга алиштириб олиш мумкин, деб ўйланиб қолди.

Охири пираварди шу бўлдики, медицина хизматига мансуб старший офицерни қоп-қоронғи тунда бу баҳайбат ва оғир фургонни ҳайдаб юрмасдан, Краснодардаги яхшигина бир таниши-

никида тунашга кўндирди. «Мен ўзим ҳам Краснодарга гастролга кегаётибман» деди. Ўз уйига бирталай маст немис офицерлари ва солдатларини бошлаб кирганда онаси жуда қўрқиб кетди.

Немислар кечаси билан ичиб чиқишди, Любка ўзини уларга артистка деб танитгани сабабли, ҳатто улар олдида ўйнаб беришга тўғри келди. У худди устара дамида ўйнагандай бўларди, лекин шунда ҳам уларни аҳмоқ қилди: у офицерлар билан ҳам, қуйи мансабдагилар билан ҳам ўйнашар, қуйи мансабдагилар эса рашк қилиб, офицерларга ҳалақит беришар эди; бунинг оқибати шу бўлдики, медицина хизматида мансуб старший офицер, бир санитарнинг қорнига оёғи билан бир тепди.

Улар айш-ишрат қилиб ўтиришганда бирдан Любканинг қулоғига кўчадан полицайнинг узундан-узун чалган ҳуштаги эшитилиб қолди. «Полицай» Горький номидаги клуб яқинидан туриб, кучининг борича тинмай ҳуштак чалар эди.

Бунинг тревога белгиси эканини Любка дарҳол фаҳмлай олмай турди, бироқ ҳуштак овози борган сайин кучайиб, уларнинг уйи томон яқинлашиб кела берди. Ташқарида, дераза ортида, бирдан гурсиллаган оёқ товуши эшитилди-ю, дарҳол тинди: чошган киши кўчанинг қуйи томонига, жар ёқаларига қўнган кичик «шанхайча» лар томонга қараб югуриб ўтиб кетди. Яна пичадан кейин кучининг борича ҳуштак чалувчи «полицай» оғир этикларини гурсиллатиб чопиб ўтди.

Любка ҳамда оёқда тура билган немислар ташқарига югуриб чиқишди. Тун сокин, қоронғи ва илиқ эди. Йироқлашиб борувчи ўткир ҳуштак овози ва электр фонарининг липонлаган уч бурчакли ёруғи кўчанинг қуйи томонига чопиб борувчи полицайнинг қай томонга елишини кўрсатиб турарди. Ва худди унга товуш бераётгандек, бозордаги, жарлик ортидаги сайҳонлик — жандармерияда ва ҳатто бу ердан жуда олисдаги иккинчи темир йўл переездидаги постовойлар ҳам ҳуштак чалар эдилар.

Кишини тиккатик тутиб турувчи стерженлари семизлигидан бўшашиб кетган немис ҳарбий медиклари эшик олдида бир мунча вақт индамай туришди. Сўнгра офицерларнинг каттаси бир санитарни электр фонарга юборди, фонарни ёқиб гуллари сўлиб, сирень гул туплари синиб ётган богча ҳамда девор қолдиқларини ёритиб кўрди. Сўнгра, ҳовлида турган фургонни ҳам ёритди-да, кейин ҳаммалари ичкарига кириб кетишди.

Ўз таъқибчисидан анча йироқлашиб кетган Олег худди шу пайтда жарлик орқасидаги сайҳонликда жандармерия томондан

унинг йўлини кесиб келаётган полицаёлларнинг миятламаган фонарларини кўриб қолди. Кичик «шанхайча»ларда яширина олмаслигини Олег дарҳол тушунди: немислар лой тупроқ кулбаларда туришни хоҳламаганликлари, учунгина соғ қолган итлар вовуллаб уни тутиб беришлари мумкин эди. Шуни ўйларкан, айнаи вақтда Олег ўнгга, «Восьмидомики» томонга бурилди-да, биринчи учраган стандарт ўйлардан бирининг девор панасига беркинди. Бир минут ўтар-ўтмас «полицаёл» этикларини гурсиллатиб, унинг ёнидан чопиб ўтиб кетди. У шу қадар яқин елиб ўтдики, ҳатто ҳуштак овози Олегнинг қулогини қарқилаётди.

Олег бирпас кутди, сўнгра ўзини зинҳор билдирмаслик учун, ҳозиргина чопиб келган кўчанинг томорқаларидан ўтиб, тепалик томонга, дастлаб қочган ерига қайтиб кетди.

Клуб эшиги ёнида «полицаёл»ни кўриб қолганидан ва ундан қоча бошлаганидан пайдо бўлган ҳаяжон энди бениҳоя зўр бир қувончга айланган эди, энди бу ҳаяжон кетиб, унинг ўрнини хавотирлик ҳисси босди. Олег бозор томондан ва иккинчи переезд томондан келган ҳуштак овозларини эшитар ва энди, бу хатоси билан ўзинигина эмас, Серёжа билан Валяни, Стёпа Сафонов билан Тося Машченколарни ҳам таҳдидга солиб қўйганини фаҳмлаган эди.

Бу, уларнинг Олег ҳамда Ваня Земнухов томонидан ёзилган варақаларни биринчи марта кўчага олиб чиқишлари. «Ёш гвардия»нинг бор эканлигини халққа маълум қилиши керак бўлган биринчи тадбирлари эди.

Стахович бир кечанинг ўзида бутун шаҳарга варақа ёпиштириб ташлаш ва бу билан кучли таассурот қолдириш мумкин деган таклиф киритди, лекин унинг бу таклифини рад этиш учун анча куч сарф қилишга тўғри келди. Стаховични яхшироқ таний бошлаган Олег унинг бу таклифининг самимий эканлигига шубҳа қилмас эди, лекин бу ишга қанча кўп одам тортилса, ишнинг шунча тез барбод бўлишини наҳотки Стахович тушунмаса! Серёжка Тюлениннинг ҳам одатдагича энг кескин ҳаракат тарафдори бўлиб туриши ҳам яхши бўлмади.

Лекин Туркенич билан Ваня Земнухов Олегнинг варақаларни фақат бир районга, бир неча кундан кейин бошқа районга, яна бир неча кундан кейин учинчи районга ёпиштириш керак, шундай қилсак полиция диққатини ҳар гал чалғитган бўламыз, адаштирамиз деган таклифини қувватлади.

Олег, болалар жуфт-жуфт бўлиб юрсин деб таклиф этди:

бири варақани олиб ҳозирлаб турса, иккинчиси елимлайди, бири варақани ёпиштириб турганда, иккинчиси шишани беркитади; шунда ҳам, бир йигит бир қиз юриши керак: башарти «полицай» ушласа, бундай бемаҳалда сайр қилиб юришга ишқ-муҳаббатни баҳона қилиш мумкин.

Елим ўрнига суяқ асал ишлатишга қарор бердилар. Елимни бирон ерда қайнатиб пишириш керак, бунинг ўзи полицияни шубҳага солиб қўйиши мумкин, ундан ташқари елим уст-бошга тўкилиб, из қолдириши ҳам мумкин. Иннакейин, елим ишлатганда чўтка керак бўлади, олиб юришга ноқулай идиш керак бўлади, асални эса кичкина шишачага қуйиб, керак бўлганда варақанинг орқа томонига томизиш мумкин.

Кечалари варақа ёпиштиришдан ташқари, Олег куппа-кундуз кунлари ҳам говжум жойларда, — кинода, бозорда меҳнат биржаси ёнида варақа тарқатишнинг осонгина планини ишлаб чиқди.

Биринчи тунги операцияни 1-бис кўмир кони ҳам унга яқин бўлган «Восьмидомики» билан бозор атрофида ўтказишмоқчи бўлди. Бозор Серёжа билан Валяга, «Восьмидомики» — Стёпа Сафонов билан Тосяга тегди. 1-бис кўмир кони теварагини эса Олег ўзига олди.

Унинг, албатта, Нина билан боргиси келар эди, лекин у ўзининг чиройликкина келинойиси — Марина билан бирга бораман деди.

Туркенич уйда қоладиган бўлди, чунки уларнинг бу ишлари биринчи иш эди, ҳали тажрибалари йўқ эди, шунинг учун ҳар бир йигит билан қиз ўз ишларини бажариб бўлгач, ишнинг қандай бажарилганлиги тўғрисида дарҳол командирга маълумот беришлари керак эди.

Ҳамма тарқаб бўлгандан кейин Олег бирдан: уч яшар боланинг онасини, ҳатто бу боланинг отаси Коля тога билан маслаҳатлашмасдан туриб, бундай хавф-хатарли ишга тортишга қандай ҳаққим бор? деб ўйланиб қолди.

Албатта, ўзи жорий этган тартибни ўзи бузиши яхши эмас эди, лекин Олегни болаларга хос қизиқиш қамраб олдики, бу ишга ёлғиз ўзи боришга қарор қилди.

Кечки томон, шаҳарда эркин суратда юриш ҳали мумкин бўлган пайтда, Олег бир неча варақани пиджагининг ички чўнтагига, асал солинган шишачани шимининг чўнтагига солди-да, кўчага чиқди. Осьмухин ва Земнуховлар турадиган кўчадан ўтиб, жарликнинг 5-кўмир конига бооадиган йўл кесиб ўтган

ерига етиб олди. Ўнг томонга қараб бурилиб кетган бу жарлик «Восьмидомики»ни жандармерия жойлашган ялангликдан ажратиб турар эди. Жарнинг бу ерида ҳеч ким турмас эди. Олег ўнг томонга бурилган жарлик бўйлаб борди-да, кичик «шанхайча»ларга етмасдан, жарга келиб қўшилган кичкина ўрлардан бири билан тепаликка чиқди. Паст-баланд бўлиб тизилиб кетган ва Ворошиловград тош йўли ўтган бу тепаликлардан шаҳарнинг бутун шу томони яққол кўриниб турарди.

Олег тепалик ораларига яширина-яширина, Ворошиловград тош йўли шаҳар марказидан «Первомайка»га ўтадиган йўл билан тўқнашган ерига етай деб қолди. Шу ерда у қоронғи тушишини кутиб ётди. Қовжираб ётган бурган ўтлари орасидан қараркан, чорраҳани ҳам, «Первомайка»нинг йўл ортидаги чет жойларини ҳам, портлатилган 1-бис кўмир қони ҳамда унинг ёнидаги баҳайбат терриконни ҳам, Люба Шевцова турган кўчанинг охиrhoғидаги Горький номи клубни ҳам, «Восьмидомики»ни, Ворошилов номидаги мактаб ҳамда жандармерия жойлашган ялангликни ҳам,— барини яққол кўриб ётар эди.

Олега бевосита хавф солувчи полиция чорраҳада эди,— постда иккита «полицай» бўлгувчи эди. Улардан бири чорраҳадан сира нари кетмасди, башарти жуда зерикиб қолгудай бўлса, тош йўл бўйлаб сал нарига бориб қайтар эди. Иккинчи «полицай» эса чорраҳадан 1-бис кўмир конига ва ундан ҳам ўтиб, Люба Шевцова турадиган кўча бўйлаб Горький номидаги клубгача ҳамда кичик «шанхайча»ларгача бориб-келиб турарди.

Иккинчи пост бозор атрофида эди, унда ҳам икки полицай бўлиб, бири бозор ичини айланиб атрофида юрар, иккинчиси эса бозор билан кичик «шанхайча»ларнинг катта «Шанхай» билан туташиб кетган жой ўртасини қўриқлаб юрарди.

Қоп-қоронғи тун шу қадар тинч ва сокин эдики, ҳагто ҳар бир шарпа ҳам баҳузуур эшитилиб турарди. Энди Олег фақат ўз қулогнигагина ишониши мумкин эди.

У 1-бис кўмир конининг эшигига ва Горький номидаги клубга бир неча варақа ёпиштириши керак эди. (Аҳolini таҳдидга солмаслик учун, хусусий уйларга варақа ёпиштирмасликка қарор қилинган эди.) Олег тепаликдан эмаклаб тушди-да, энг четдаги стандарт уй ёнига келди. Люба Шевцова турадиган кўча шу ердан бошланарди. 1-бис кўмир конининг эшиги Олегнинг худди рўпарасида, майдоннинг у юзида эди.

Патрулчи билан постовойнинг гурунглашиб тургани Олега шундай эшитилиб турарди. Бир марта улар зажигалка ёқиб

энгашганларида ҳатто уларнинг юзларини ҳам кўрди. Патрулнинг кўчанинг қуйи томонига қараб кетиш пайтини кутиш керак эди, йўқса ялангликда Олегга дуч келиб қолиши мумкин эди. Лекин полицайлар ҳамон эшитилар-эшитилмас гаплашиб турар эди.

Ниҳоят патрулчи кетди, ҳар замон, ҳар замонда йўлини электр фонари билан ёритиб борар эди. Уй орқасида турган Олег, полицайнинг оёқ товушларини эшитиб турарди. Оёқ товушлари узоқлашгач, Олег кўчага чиқди. Полицайнинг гурсиллаган оёқ товушлари ҳамон эшитилиб турарди. Патрулчи ўз йўлини чўнтак фонари билан ёритиб борар, Олег унинг Горький номидаги клуб ёнидан ўтиб кетганини кўриб турар эди. Ниҳоят, полицай кўринмай кетди: Шевцовлар уйининг нариги томонидан жарликка тушадиган тикка йўл бошланар эди. Фақат олис-олислардан кўриниб турган тарқоқ ёруғ шуълалари полицайнинг ҳамон ўз йўлини фонарь билан ёритиб кетаётганини билдирар эди.

Чекиниш маҳалида портлатиб юборилган ҳамма катта-катта кўмир конлари сингари, 1-бис кўмир кони ҳам ишламасди. Лекин, лейтенант Швейденнинг буйругига мувофиқ, немис кончилик батальони амалдорларидан иборат маъмурият тузилган эди. Кўчиб кетишга улгурмаган ёки кўчиб кета олмай қолган ишчиларнинг бир қисми конни «тиклаш» учун ҳар куни эрталаб ишга келиб турар эди,— ҳовлида сочилиб ётган ахлат ва темир-терсақларни йиғиштириш расмий ҳужжатларда «қайтадан тиклаш» дейилар эди: бир неча ўнлаб киши темир-терсақ ва ахлатларни ғалтак араваларда бир ердан иккинчи ерга ташиб, ҳовлида ивирсиб юрар эди.

Ҳозир бу ер жимжит ва мудҳиш бир тусда эди.

Олег, шахта кўрасини ўраб олган ғишт деворга, кейин кираверишдаги будкага ва эълон тахтасидаги ҳар хил билдириш ва буйруқлар устига варақа ёпиштирди. Унинг бу ерда кўп туриши мумкин эмас эди,— қоровул кўриб қолиши мумкинлиги учун эмас, қоровул чол кечаси билан қотиб ухларди,— патрулчи қайтишда шахта ёнидан ўтиб қолиши ва будкани ёритиб кўриши мумкин эди. Лекин патрулчининг оёқ товуши эшитилмас, фонарь ёруги ҳам кўринмас эди: патрулчи кичик «шанхайча»лар атрофида туриб қолган бўлса керак.

Олег майдонии кесиб ўтди-да, клуб биноси ёнига тушди. Шаҳардаги бу энг катта ва энг совуқ ҳамда энг хунук бинода туриб бўлмасди, шунинг учун бўш турарди. Унинг олди томони

кўчага қараган бўлиб, «Восьмидомики», «Первомайка» ҳамда ён-атрофдаги хуторлардан келувчи бозорчилар шу кўчадан ўтишар, Ворошиловград ҳамда Каменск томонга асосий қатнов ҳам шу кўчадан ўтар эди.

Олег клубнинг олд томонига варақалар ёпиштира бошлаган эди, бирдан пастлик томондан, жарликдан, полицайнинг оёқ товушларини эшитиб қолди. Олег бинонинг орқа томонига ўтиб беркиниб турди. Полицайнинг оёқ товушлари тобора яқинлашиб кела берди. Кўчанинг юқори томонига қараб келувчи полицай бино билан тенглашган эдики, бирдан оёқ товушлари эшитилмай қолди. Олег, «полицай» клуб биноси ёнидан қачон ўтаркан деб кутиб турди, бир минут турди, икки минут турди, беш минут ҳам кутди, лекин оёқ товушлари ҳамон эшитилмасди.

Борди-ю, полицай клуб ёнидан ўтиб кета туриб, деворни ёритган бўлса ва варақаларни кўриб қолиб, энди ўқиётган бўлса-чи? Албатта, дарҳол варақаларни кўчириб олишга киришади ва варақаларнинг ҳозиргина ёпиштирилганини билади. Шунда унинг, фонарини ёқиб, бино атрофини айланиши турган гап: ахир, ҳозиргина варақа ёпиштириб турган киши бино орқасига беркинмасдан, яна қаерга беркиниши мумкин!..

Олег нафас олмасдан, қулоқ солиб турди, лекин юрагининг дукиллаб уришидан бўлак ҳеч нарса эшитмади. Унинг девор панасидан чиқиб қочгиси келар эди-ю, лекин бундан фақат ўзига зарар келтиришини билар эди. Йўқ, қутулишнинг бирдан-бир иложи — полицайнинг қайси гўрга кетганини билиш эди!

Олег бурчакдан бўйинини чўзиб мўралаб қаради,— бирон шубҳали садо эшитилмади. Олег деворга суйканиб ва оёқларини баланд-баланд кўтариб ва секин ерга қўя-қўя, кўча томонга силжий берди. Бир неча марта тўхтаб, қулоқ солиб турди, йўқ, ҳеч нима эшитилмади. Шу алпозда бинонинг нариги бурчагига етиб олди ва бир қўлини деворга тираб, иккинчи қўли билан бурчакни ушлаганича, мўралаб қаради. Бирдан қўли остида ёмғирдан бўкиб ётган бир парча шувоқ кўчди-ю, ерга тушди, унинг товуши Оленинг қулоғига гўё бир гумбир каби эшитилди. Худди шу оннинг ўзида Олег эшик зинасининг пастки пояларида ёниб турган сигаретка чўғини кўриб қолди ва полицайнинг дам олиб, сигаретка чекиб ўтирганини англади. Сигаретка чўғи шу онда баландга кўтарилди, зинапоядан аллақандай товуш эшитилди, Олег эса кучли бир зарб билан бурчакдан силжиб, кўчанинг қуйи томонига, жарликка қараб қочди. Кучли ҳуштак овози эшитилди, Олег биргина он уч бурчакли ёруғ

шуъласига тушиб қолди-да, бир неча интилиб яна ёругдай чиқиб, қоронғиликка чўмди.

Адолат билан айтганда, бевосита хавф тугилган ондан бошлаб, Олег биронта ишни ўйламасдан қилмади. У «полицай»ни бирпаснинг ичида «Восьмидомики»да адаштириб юбориши ва Любка ёхуд Иванцоваларникига кириб беркиниши мумкин эди, лекин уларни хавф-хатарга солишга унинг ҳаққи йўқ эди. Узини бозор томонга югуриб кетаётганга солиб туриб, ҳақиқатда «Шанхай»га кириб бориши мумкин эди, бу ерда уни минг қилса ҳам топа олмас эди. Лекин бундай қилганда, Серёжка билан Валяни таҳлиқа остига солиб қўйган бўларди. Шунинг учун Олег кичик «шанхайча»лар томонга қараб югурди.

Мана ҳозир, вазият тазйиқи остида «Восьмидомики» томонга бурилгандан кейин, Стёпа Сафонов билан Тосяни таҳлиқага солмаслик учун, маҳалланинг ичкарисига кирмади. Тепаликлар томонга, постовой тутиб олиши мумкин бўлган чорраҳа томонга қайтди.

У ўз ўртоқларидан ва бутун операциянинг муваффақиятсиз чиқишидан хавотирланар эди. Шундай бўлса-да, кичик «шанхайча»лардаги итларнинг қутуриб ҳуриганини эшитиб, яна болалик шўхлиги тутиб кетди. У ўз таъқибчиси патрульни билан жандармерия «полицай»ларининг учрашганини, уларнинг номаълум кишининг бирдан ғойиб бўлганини муҳокама қилаётганларини ва бутун теварак-атрофни фонарлари билан ёритиб тинтаётганларини тасаввур этди.

Бозор томонда ҳуштак овози тинган эди. Олег, қайтиб келган тепалик чўққисидан туриб, гоҳ ёниб, гоҳ ўчиб турган фонарь ёругларини кўрди, бу шуълалардан у, йўлни кесиб ўтмоқчи бўлган полицайларнинг сайҳонлик орқали яна жандармерияга қайтиб кетаётганликларини фаҳмлади, ўз таъқибчиси патрульниёса кўчанинг нариги бошида бир уйни фонарь билан ёритиб турар эди.

Клуб биносига ёпиштирилган варақаларни «полицай» кўрди-ми экан? Йўқ, албатта, кўрмаган! Кўрганда эди ҳеч ҳам зина-пояда бемалол сигаретка чекиб ўтирмас эди. Шу топда улар Олегни қидириб, бутун «Восьмидомики»ни агдар-тўнтар қилиб юборишарди.

Олег анча енгил тортди.

Олег, Туркеничлар деразасининг дарчасини келишувга мувофиқ уч марта секин қоққанда, ҳали тонг ёришмаган эди. Туркенич эшикни секин ғижирлатмасдан очди. Улар ошхонадан ва

одамлар ухлаб ётган хонадан оёқ учида секин юриб ўтишди-да, Ваня ёлғиз турадиган бўлмага киришди. Ёқилган жинчиروق баланд шкаф тепасига қўйилганди. Афтидан, Ваня ҳали ётмаган кўринарди. Олегни кўриб ҳеч қандай қувонч билдирмади, унинг юзи оқарган ва шиддатли бир тусда эди.

— Б-бирон кимса қўлга тушдими?— деб сўради Олег ду-дуқланиб; унинг ҳам ранги оқариб кетди.

— Йўқ, энди ҳамма омон,— деди Туркенич, кўзини Олегдан олиб қочиб.— Утир...— Олега табуретка кўрсатди-да, ўзи кўрпа-тўшаклари гижимланиб ётган каравотга ўтирди: у кечаси билан гоҳ уй ичини кезиб, гоҳ ўринга келиб ўтирган бўлса керак.

— Хўш, қалай? Дуруст бўлдими?

— Дуруст бўлди,— деди Туркенич, Олега қарамасдан,— уларнинг ҳаммаси,— Серёжка билан Валя, Стёпа билан Тося,— шу ерга тўпланишди... Шундай қилиб, бир ўзим юрдим дегин?— Туркенич кўзларини Олега кўтариб қаради-да, яна қуйи солди.

— Қ-қ-қаердан билдинг?— деб сўради Олег, гуноҳ қилиб қўйган боладай.

— Сендан хавотир олишди,— деди гапни чалгитиб Ваня.— Кейин мен ортиқ тоқат қилиб туrolмадим-да, Николай Николаевичникига бордим, борсам, Марина уйда ўтирибди... Ҳамма болалар сенинг келишингни кутишмоқчи эди, мен уларни қайтардим. Башарти у қўлга тушган бўлса, бу ерда қолишларинг хатарли: ҳаммамизнинг бирданига қўлга тушишимиз мумкин, дедим. Ўзинг яхши биласанки, эртага болалар учун жуда оғир кун бўлади: яна бозорга, биржа ёнига боришлари керак...

Ўз гуноҳининг сабабини яхши англай олмаган бўлса-да, ҳар ҳолда гуноҳ қилиб қўйганлигини билган Олег, кўмир конидан клубга ўтишда шошқалоқлик қилганини ва клуб ёнида нималар бўлганини қисқа гапириб берди. Воқеа тафсилотларини эсларкан, яна ҳаяжонлана бошлади.

— Ҳа, кейин, ҳамма нарса тинчигандан кейин мен, кечир, бир оз шўхлигим тутиб кетди-да, қайтишда Ворошилов номидаги мактаб биносига яна иккита варақа ёпиштирдим...

У, Туркеничга оғзи қулогига етиб жилмайиб қарарди.

Унинг гапларини чурқ этмай тинглаб ўтирган Туркенич ўр-нидан турди-да, қўлларини чўнтакларига солиб, табуреткада ўтирган Олега бирмунча вақт тепадан пастга қараб турди.

— Мен сенга бир гап айтмасқчиман, лекин жаҳлинг чиқмасин...— деди Туркенич, ўзининг ҳамиша паст овози билан.—

Бундай ишга сенинг ҳам биринчи, ҳам сўнги марта борганинг. Тушундингми?..

— Т-тушунмадим,— деди Олег.— Ахир, иш ўнгидан келди-ку, лекин бирон камчилик-нуқсони бор бўлса, бусиз бўлмайди. Бу сайр эмас, буни қураш дейдилар, бу ишда д-душман зоти ҳам бор!..

— Гап душманнинг бор-йўқлигида эмас,— деди Туркенич,— гап шундаки, сен ҳам, мен ҳам ёш болалик қилмаслигимиз керак. Ҳа-да, гарчи мен сендан каттароқ бўлсам-да, бу гапнинг менга ҳам тааллуқи бор. Мен сени жуда ҳурмат қиламан, буни биласан, шунинг учун ҳам сен билан шундай гаплашяпман. Сен жуда яхши йигитсан, ироданг кучли, билимнинг ҳам меникидан кўпроқдир деб ўйлайман, лекин гоҳда ёш болалик қиласан... Болалар шунча сенга ёрдам бергани бормоқчи бўлиб турганда эрра уларни йўлдан қайтардим. Уларни қайтармоқчи бўламан-ку, лекин ўзим ҳам бормоқчи бўламан,— деди Туркенич, заҳарханда кулимсираб.— Балки сен, биз беш кишини бу ерда фақат сендан хавотир бўлиб ўтиргандир деб ўйларсан? Йўқ, биз умумий ишдан хавотирландик. Сенинг изминг ўзингда эмаслигини, менинг ҳам измим энди ўзимда эмаслигини билишимиз керак ахир, вақт етди... Сени юборганим учун кечаси билан ўзимни ўзим койиб ўтирдим. Бирон заруриятсиз, ҳуда-беҳудага ўзимизни таҳликага солишга ҳаққимиз борми? Йўқ, оғайни, ҳеч ҳаққимиз йўқ! Айбга буюрмайсан, оғайни, бу масала тўғрисида штаб қарорини чиқариб оламан. Яъни, махсус йўриқ бўлмагунча, сен билан менинг операцияларга иштирок этишимизни тақиқлаш тўғрисида.

Олег болаларга хос жиддий бир тусда индамасдан унга қараб ўтирар эди. Туркенич бир оз юмшабди.

— Мендан кўра сенинг билимнинг кўпроқдир деб хато айтмадим, оғайни,— деди у, товушида гуноҳкорлик ифодаси билан.— Бу тарбияга боғлиқ нарсаси. Менинг бутун ёшлигим Серёжка сингари кўча-кўйда яланг оёқ тентираб юриш билан ўтди, гарчи мактабда ўқиган бўлсам ҳам, ҳақиқий билимга балоғатга етганимдан кейингина эга бўла бошладим. Сенинг онанг ҳар ҳолда ўқитувчи, ўғай отанг ҳам сиёсий саводи ўткир одам эди, менинг чол-кампириمنى эса ўзинг биласан,— Туркенич меҳрибон кўзлари ила эшикни кўрсатди.— Мана энди билимларингни ишлатишнинг айна вақти келди,— уқдингми? Полицайларнинг қитиғига тегиш эса арзимаган бир иш, оғайни. Болаларнинг ҳам сендан кутгани бу эмас. Тўғриси айтганда...— Туркенич катта

бармоғини миҳ қилиб, маъноли қилиб орқасини кўрсатди,— билсанг, у кишилар сенга жуда катта умид боғлаган!..

— Эҳ, жуда ажойиб бир йигитсан-да ўзинг, Ваня!— тааж-жубланиб деди Олег, унга кулиб туриб қараб.— Гапинг тўгри, тўгри бўлганда ҳам қандоқ!— деди Олег бош чайқаб.— Майли, агар шундай бўлса, штаб қарорини чиқартира бер...

Икковлари кулиб юборишди.

— Ҳар ҳолда, сени муваффақият билан табриклаб қўяй, эсимдан ҳам чиқибди...— Туркенич қўл узатди.

Олег тонг отарда уйига қайтди. Уникига отланган Любка худди шу пайтда ўз немисларини уйдан чиқариб юбормоқда эди. У кечаси билан ухламай чиқди, шундай бўлса-да, маст-аласт немислар билан тўла ва маст шофёр ҳайдаб кетаётган фургоннинг кўчадан гандираклаб кетишига қараб, ўзини кулгидан тугиб туролмади.

Онаси Любкани хўпам сўқди, койиди, лекин қизи кечаси машинадан ўғирлаб туширган тўртта катта банкадаги спиртни кўрсатган эди, гарчи она одми аёллардан бўлса ҳам, Любканинг ўзи билган ният аҳди борлигига тушунди.

ЎТТИЗ ТУҶҚИЗИНЧИ БОБ

«Ҳамшаҳарлар! Краснодарликлар! Шахтёрлар! Колхозчилар!

Немисларнинг бутун гапи ёлғон! Москва ҳамини бизники бўлиб келган, ҳозир ҳам бизники, бундан буён ҳам бизники бўлиб қолажак! Гитлер, урушнинг тамом бўлишига оз қолди, деб ёлғон айтади. Уруш энди қизиб бормоқда. Қизил Армия Донбассга албатта қайтиб келади!

Гитлер бизни ўз заводларида ишлатиб, оталаримиз, эрларимиз, ўғил ва қизларимизнинг жаллоди қилмоқ учун, Германияга ҳайдаб олиб кетмоқда.

Яқин фурсат ичида ўз тупроғингизда, ўз уйингизда эрингиз, ўглингиз, ака-укаларингиз билан қучоқлаб кўришишни истасангиз— Германияга борманг!

Немислар қўрқитиб қўлга олмоқ, тиз чўктирмоқ учун бизни азоб-қубатга солмоқдалар, энг яхши ўртоқларимизни ўлдириб юбормоқдалар.

Уринглар, лаънати босқинчиларни! Қулликда яшагандан кўра курашда ўлган яхши!

Ватанимиз таҳликада, аммо душманни тор-мор келтиришга ватанимиз қодир. «Еш гвардия» ўз варақаларида бутун ҳақиқатни,— бу ҳақиқат Россия учун қанчалик оғир бўлмасин,— бутун ҳақиқатни хабар қилиб туради. Ҳақиқат енгажак!

Варақаларимизни ўқингиз, яширингиз, унда ёзилган гапларни уйдан уйга, посёлкадан посёлкага етказиб турингиз.

Қирон келсин немис босқинчиларга!»

«Еш гвардия».

Ўқувчи бола дафтарининг бир варағига ёзилган бу варақа одамга лиқ тўла бозорнинг бир четида, илгари «Социалистическая родина» деган район газетаси, эндиликда эса сариқ ва қора бўёқлар билан босиб чиқарилган немис плакатлари ёпиштирилдиган тахтада қаёқдан пайдо бўлиб қолди экан?

Якшанба бозорига халта ва тугун кўтарган одамлар станица ва қишлоқлардан саҳар вақтиданоқ тўплана бошлаган эди; баъзи бир хотин биттагина товугини латтага ўраб келган, баъзилар сабзавотдан яхши ҳосил олган бўлса ёки бултурги бугдой ҳосилдан қолган ун, яна бировлар ўз бисотини галтак аравага солиб келган: от бир ёқда турсин, ҳатто ҳўкизларни ҳам немислар еб битирган!

Галтак аравалар-чи?— бу галтак араваларни халқ ҳали кўп йиллар хотирасида сақлайди! Бу галтак аравалар тупроқ ташийдиган бир ғилдиракли аравалар тахлитидан эмас, булар иккита баланд ғилдиракка қўндирилган ва ҳар нарса ташиса бўладиган аравалар, буларни икки шотига кўндаланг қоқилган ёгочдан ушлаб, олдинга итариб борилади. Минг-минг одамлар жазирама офтобда, чанг-тўзонда, лойгарчиликда ва ёғингарчиликда, қаҳратон совуқда ва қор бўронида бутун Донбассни у бошидан бу бошигача шу аравачалар билан кездилар, кезганда ҳам лаш-лушини сўтмоқ учун бозор қилгани эмас, балки ўзларига бирон бошпана ёки гўр истаб кездилар.

Кишилар тонг ёришиши биланоқ яқин қишлоқлардан бозорга сабзавот, ғалла, парранда, мева-чева, бол олиб келишар эди. Шаҳар аҳолиси эса баъзилари шапка, баъзилари кўйлак, кимдир биров ички кўйлак-лозим, баъзилари ковуш, яна аллакимлар мих ёки болта, туз ёки бисотнинг аллақаерида қолиб кетган чит, ё бўлмаса ҳатто мадаполам ёки кампир буви бисотида сақлаб юрган ва тўр билан безатилган қадимий кўйлакни кўтариб чиқар эди.

Бундай кезларда фойда-нафни кўзлаган юракли ё тентак ёки аблаҳ одам бозорга камдан-кам келади, бундай кезларда кишини бозорга бахтсизлик ё муҳтожлик бошлаб келади. Ҳозир Украина тупрогида немис маркаси юрадиган бўлган, лекин бу маркалар ҳақиқий пулми, қадри-қийматини йўқотмайдими, бўлганда ҳам бу маркалар кимда бўлади? Ким билади? Йўқ, кераги йўқ, қайтанга қадимги ота-боболардан қолган усул яхши: сеники менга, меники сенга... Оғир ва мушкул вақтлар келганда бу усул неча-неча кишиларнинг дардига даво бўлган! Шу тахлитда кишилар эрталабдан бошлаб бозорни тўлдиришади, бир-бирларининг атрофида неча марталаб айланишади.

Бозорнинг бир чеккасида турган эълон тахтасини ким кўрмаган? Йил-йиллаб турган бу тахтани ҳамма кўрган, ҳамма билади. Кейинги бир неча ҳафта давомида тахтага немис плакатлари ёпиштирилар эди. Кейин бирдан, шу плакатларнинг устида, немис кўшинларининг Москвадаги паради, Невада, Петропавловск қалъаси ёнида чўмилаётган немис офицерлари, немис офицерларининг Сталинградда дарё бўйида бизнинг қизларни қўлтиқлаб сайр қилиб юргаиларини тасвирловчи, елпигичга ўхшатиб осиб қўйилган расмлар устида кўк қаламдан қориштирилган сийёҳ билан ёзилган бир варақа пайдо бўлиб қолди.

Олдин бир кишининг кўзи тушиб қизиқсинди, кейин яна икки киши яқинлашди, улар кетидан яна ва яна одамлар келиша берди, бир маҳал бирталай одам тўпланди, уларнинг кўпчилиги аёллар, чоллар, ўсмирлар эди; варақа ўқиб чиқиш учун ҳаммалари бир-бирларининг елкалари орасидан бошларини суқиб қарардилар. Бир варақ оқ қоғоздаги хатдан кўзини узмай турган одам тўдасига,— бунинг устига бу одамлар бозорда тўпланишиб турган бўлса,— ким назар ташламай ўта олади?

Варақа ёпиштирилган тахта олдида энди бирталай оломон сиқилишиб, тебраниб турар эди. Олдиндагилар индамас эди, лекин тарқалмас эди ҳам; уларни қандайдир номаълум бир куч бу варақани қайта-қайта ўқиб чиқишга мажбур этарди. Орқароқда турганлар эса, варақа ёнига яқинроқ боришга интилиб, қичқирар, жаҳллари чиқар, унда нима ёзилган деб бир-бирларидан сўрар эдилар. Гарчи уларнинг саволига ҳеч ким жавоб бермаса-да, улар варақа ёнига бора олмасалар-да, тобора зўрайиб борувчи бу оломон, дафтардан юлиб олинган бир варақ қоғозга нима ёзилганлигини билган эди, унда: «Немис кўшинларининг Қизил майдонда паради бўлиб ўтгани ёлғон! Немис офицерлари-

нинг Петропавловск қалъаси ёнида чўмилгани ёлгон! Немис офицерларининг Сталинград кўчаларида бизнинг қизларимиз билан бирга сайр қилиб юргани ёлгон! Қизил Армия йўқ қилиб юборилди, фронтни инглизлар томонидан ёлланган мўгуллар тутиб турибди деган гаплар ёлгон!» деб ёзилган эди. Буларнинг бари ёлгон! Ҳақиқат шундаки, шаҳарда ўз кишиларимиз қолган, улар ҳақиқатни биладилар, бирдан-бир бу ҳақиқатни халққа қўрқмасдан айтувчилар, етказувчилар шулар!»

Енгига «полицай» деб ёзилган латта бсғлаган, бениҳоя новча, эғиндаги катак-катак шимининг почаларини хом тери этик қўнжларига тиқиб олган, катак-катак пиджаги остидан сариқ ипли тўппончасининг оғир қини кўриниб турган киши оломон орасига ёриб кирди, унинг қадим замондан қолган картуз кийган яйдоқ калласи ҳаммининг тепасида чайқалиб кўринарди. Одамлар унга қайрилиб қарар ва унинг Игнат Фомин эканлигини билиб, юзларида қўрқув ёки хушомадгўйлик ифодаси акс этгани ҳолда, дарҳол йўл бўшатиб берардилар.

Келкасини қошигача бостириб кийган Серёжка Тюленин, Фомин кўриб қолмасин деб, одамларнинг орқасига беркина-беркина, оломон ичидан Вася Пирожокни қидира бошлади. Вася Пирожокни қидириб топгач, кўзи билан Фоминни имлаб кўрсатди. Лекин нима қилишини Вася Пирожокнинг ўзи ҳам яхши биларди: у Фоминнинг кетидан тахта ёнига бораверди.

Пирожок билан Ковалёв полициядан ҳайдалган бўлсалар-да, полицайлар билан дўстона алоқаларини узмаган эдилар; Пирожок билан Ковалёвнинг қилмишини полицайлар жуда ҳам бориб турган гуноҳ қаторига қўшмас эдилар. Фомин орқасига қайрилиб қараган эди, Пирожокни кўриб таниди ва ҳеч нима демади. Икковлари тахта ёнига бордилар. Фомин варақани тирноғи билан кўчириб олмоқчи бўлган эди, лекин немис плакатига жуда маҳкам ёпишган варақа кўча бермади. Сўнгра Фомин плакатнинг бир жойини тешиди-да, плакатнинг бир бўлағи билан бирга варақани шилиб олиб пиджак чўнтагига солди.

— Ҳа, нима бор у ерда? Томоша борми? Жўна ҳамман!— деб вишиллади у, сап-сариқ, хезалак башарасини оломонга ўғириб; бирталай майда-чуйда ажинлар орасидан кул рангсимоп кичкина кўзлари атрофга жовдиради.

Фомин теварагида худди илондай сирганиб ва липонглаб юрган Пирожок ингичка овози билан:

— Эшитдингларми?.. Тарқалинглар, жаноблар, обрў борида тарқалинглар!— деб қичқирарди.

Фомин иккала тирсагини кериб, оломон ўртасида турарди. Шу онда Пирожок худди бир зум Фоминнинг гавдасига ёпишгандай бўлиб қолди. Оломон тисарилди-да, ҳар томонга қоча бошлади. Пирожок олдинга югуриб чиқди.

Қош-қовоғи солинган Фомин хом тери этик кийган оёқларини огир ташлаб, бозордан ўтиб борар эди. Бутун халойиқ, савдо-сотигини ташлаб, унинг елкасига қарар эди, бировларнинг юзиде қўрқув, бировларнинг юзиде ҳайрат, яна бошқаларнинг юзиде эса шодлик ифодалари аксланарди: Фоминнинг елкасига катак-катак пиджагига бир варақ қоғоз осилган, қоғозга катта ҳарфлар билан:

«Бир бўлак колбаса, бир қултум ароққа, бир пачка махоркага бизнинг кишиларимизни немисларга сотаяпсан. Аммо, сен қабиҳ жонингдан айрилсан. Билиб қўй!»— деб ёзилган эди.

Фоминни ҳеч ким тўхтатмади, елкасига осилган мудҳиш пинда хат билан бутун бозорни кезиб ўтиб, полиция томонга қараб кета берди.

Серёжканинг сариқ қўнғир сочли боши ва Пирожокнинг қора сочли боши бозор оломони орасида гоҳ кўздан ғойиб бўлар, гоҳ яна пайдо бўлар, гўё ўзининг тушуниб бўлмаган орбитаси теварагида айланувчи сайёра каби у ердан бу ерга силжиб юрарди. Улар ёлғиз эмас эди: бирдан оломоннинг бир еридан Тася Машченконинг, сокин, камтар, одми кийинган, кўзлари доно бир қизнинг олтин сочли боши кўриниб қолди. Тося Машченконинг боши кўриндими, билингки, яқин бир ердан унинг ҳамроҳи Стёпа Сафоновнинг ҳам оқиш сочли бошини қидириб топиш мумкин. Серёжканинг порлаб турган ўткир кўзлари оломон орасидан Витька Лукьянченконинг бахмалдай кўзларини излаб топади-да, бир уриштириб олгач, яна ажралишиб кетади. Олтин сочли Валя Борц ҳам дўконлар ва сўрилар атрофида анчагина айланишиб юради; қўлида дагал матодан тикилган сочиқ ёпилган сават, унинг нима сотишини, нима сотиб олишини ҳеч ким биламайди.

Шундан кейин кишилар халталаридан, бўш қопларининг ичидан, ё бўлмаса тўппа-тўғри оппоқ карам боши остидан ё бўлмаса кул ранг-сарғиш, тим яшил тарвуз остидан варақа топиб оладилар,— баъзан буни ҳатто варақа деб ҳам бўлмайди, энсизгина бир парча қоғозга босма ҳарф шаклида қуйидаги сўзлар ёзилган бўлади:

«Йўқолсин Гитлернинг икки юз грамма, яшасин совет килограмми!»

Ана шунда ҳар бир кишининг қалби ларзага келмасдан қолмайди.

Серёжка қатор тизилган сўриларни бир неча бор айланиб чиқди-да, энди чайқов бозорига кирган эдики, бирдан шаҳар касалхонасининг врачси Наталья Алексеевнага дуч келиб қолди. Оёқларига спортчилар шиппаги кийгън Наталья Алексеевна бошқа хотинлар билан бир қаторда туриб, анчагина кийилган, лекин ҳали ҳам чиройликкина заифона ботинкани юмшоқ қўлида ушлаб турар эди. Серёжкани кўриб, уялиб кетди.

— Салом!— деди Серёжка, бошидан кепкасини олиб; у ҳам уялиб кетган эди.

Лекин Наталья Алексеевнанинг кўзларида дарҳол эски, ўзига таниш бўлган жўшқин гайрат ифодаси акс этди. Наталья Алексеевна майин қўллари билан ботинкани дарҳол газетага ўради-да:

— Учраганинг жуда яхши бўлди. Менга жуда керак эдинг,— деди.

Серёжка билан Валя икковлари бозордан чиқиб, меҳнат биржаси томонга боришлари керак эди,— у ердан Германияга ҳайдаб кетиладиган ёшларнинг биринчи тўдаси бугун Верхне-дуваннаяга жўнатилиши керак эди. Бирдан Валя, Серёжканинг сочларини аёлларча тараган дўндиққина бир қизча билан,— узоқдан унга шундай туюлди,— бозор оломони ичидан чиқиб, Ли Фан-чи кулбалари томонига қараб кетганларини ва сал ўтмасдан кулбалар ортида кўздан ғойиб бўлганларини кўриб қолди. Валянинг кибри уларнинг кетидан эргашишга йўл қўймади. Унинг қалин юқори лаби бир титради, кўзларида совуқ бир ифода акс этди. Қўлидаги саватини кўтарганича,— саватдаги картошка тагида бошқа жойларда тарқатишга аталган яна бир неча варақа ётарди,— гоз юриш қилиб, меҳнат биржаси томонга қараб кетди.

Тепаликдаги биржанинг бир қаватли оқ биноси олдидаги саҳни немис солдатлари ўраб олган эди. Жонажон шаҳарларини бугун тарк этишлари керак бўлган ёш йигит ва қизлар, уларнинг чамадон, тугун ва бўхча кўтарган оналари, оталари, қавм-қариндошлари ва оддий томошабинлар тепалик ён бағирларини, саҳни ўраб турган солдатлар теварагини тўлдириб турар эдилар. Кейинги кунлар ҳаво булут, осмоннинг қовоғи солиқ эди. Эрталабдан бошланган шамол осмондаги қора булутларни жонжаҳди билан ҳар ёққа қувиб юрар ва ёмғир бўлиб қуйилишига йўл бермас эди. Шамол тепаликка тўпланган аёл ва қизларнинг

ранг-баранг кўйлаklarини ҳилпиратади, райижроком биноси ҳамда «қутурган бой» иморати олдидан огир чанг тўзонларини учириб юради.

Ўз бахтсизлиги-ла тошдай қотган, сўзсиз, садосиз бу аёллар, қизлар ва ўсмирлар тўдаси мудҳиш бир тассурот қолдирар эди. Бирон жойда гапиришадиган бўлишса, овозларини зўрға чиқариб ё бўлмаса шивирлашиб гапиришади, ҳатто овоз чиқариб йиғлашга ҳам қўрқишади; бирон она кўз ёшларини қўли билан сидириб ташлайди, қизи эса бирдан кўзларига дастрўмолини босади.

Валя тепалик ён бағрига, оломон четига келиб тўхтади, бу ердан 1-бис кўмир кони ва темир йўл тармоғининг бир қисми кўриниб турарди.

Шаҳарнинг теварак-атрофидан ҳамон янги ва янги кишилар келади. Бозорда варақа тарқатиб юрган болаларнинг деярли ҳаммаси шу ерга тўпланди. Валя бирдан Серёжкани кўриб қолди.— Серёжка, кепкасини шамол учириб кетмасин учун, бошини паст эгиб, темир йўл изидан келмоқда эди. Бир мунча вақт кўринмай қолди, кейин бирдан тепалик ортидан пайдо бўлди, у оломонга қараб, қақир ердан келар эди, узоқдан Валяни кўрди. Валянинг қип-қизил ва қалин тепа лаби кибр билан қимирлаб кетди.

Валя унга қарамади ва ҳеч нарса сўрамади ҳам.

Серёжка Валянинг хафа бўлганини пайқаб:

— Наталья Алексеевна...— деди секин.

Кейин Валянинг қулоғига энгашди-да:

— Краснодар посёлкасида бир тўда болалар... Ўзлик-ўзи... Олегга хабар қил...— деб шивирлади.

Валя штаб алоқачиси эди. Бош силкиб жавоб берди. Шу маҳал улар «Восьмидомики» томонидан келаётган Ульяна Громова билан бошига беретка кийган, пальтоли нотаниш бир қизни кўриб қолдилар. Уя билан у қиз тўғридан ураётган шамол зарбини энгиб ва юзларини чанг-тўзондан тескари буриб, икковлари бир чамадон кўтариб келмоқда эдилар.

— Агар у ерга боришга тўғри келса — борасанми?— деб яна шипшиди Серёжка.

Валя яна бош силкиди.

Биржа директори обер-лейтенант Шприк агар шошилтирмаса, бу йигит ва қизларнинг қуршов ташқарисидан ота-оналари билан ҳали кўп туражакларини тушунди. Соқол-мўйловлари тоза қирилган обер-лейтенант эшикка чиқди; кун жуда исиб

кетган маҳалларда у фақат биржадагина эмас, балки кўчаларда ҳам чарм трусик билан юрарди, лекин ҳозир тўқис форма кийган ҳолда мирза билан бирга эшикка чиқди-да, жўнаб кегувчилар ҳужжатларини олсин, деб қичқирди. Мирза унинг гапини украинчага таржима қилди.

Жўнаб кетувчиларнинг ота-оналарини ва қавм-қариндошларини немислар қуршов ичига киритмас эдилар. Хайр-маъзур бошланди. Оналар билан қизлар ўзларини ортиқ тутиб туролмай, ҳўнграб йиғлай бошлашди. Ўсмир болалар ўзларини тутиб турар, аммо уларнинг оналари, бувилари, опа ва сингиллари бошларини уларнинг кўксига қўйиб дод-фарёд билан йиглаб турганда, ўн йиллаб умрларини ер тагида ўтказган ва неча мартабалаб ўлим билан юзма-юз кўришган кекса оталари бошларини қуйи солиб, мўйловларига оқиб тушувчи кўз ёшларини силкитган пайтда бу ўсмир болаларнинг юзига одамзод сира ҳам қарай олмас эди.

Серёжка ўз ҳаяжонини Валяга билдирмасликка тиришиб:

— Бўлди, вақт бўлди...— деди.

Валя йиглаб юборишдан ўзини зўрға тутиб, Серёжканинг гапи ҳам қулоғига кирмай, халойиқ ичидан беихтиёр чиқиб, биржа сари юрди. Картошка остида ётган тўрт буклоқлик варақани олиб, аллакимларнинг пальто ё тужурка чўнтақларига ёхуд чамадон бандига, ёки бўлмаса сават боғланган чилвир тагига қистириб кета берди.

Майдонни ўраб олган солдатлар ёнига етганда, биржа ёнидан ваҳима билан тисарила бошлаган халойиқ бирдан Валяни орқага қисиб қўйди. Кузатувчилар орасида болалар, қизлар, ёш жувонлар кўп эди, уларнинг ука ё синглисини кузатаётган биронтаси қуршов ичига тасодифан кириб қолган бўлса, қайтиб чиқа олмас эди. Бу нарса немис солдатларини жуда мароқлантирган бўлса керак, дуч келган йигит ва қизларни қўлларидан ушлаб, қуршов ичига торта бердилар. Дод-фарёд, йиги-сиғи осмонга сиғмайди. Бир хотиннинг тутқаноғи тутиб қолди. Ёшлар даҳшат ичида ўзларини орқага торта бошладилар.

Аллақаердан пайдо бўлиб қолган ва юзида азоб ва газаб ифодалари акс этган Серёжка Валянинг қўлидан ушлаб, оломон ичидан судраб чиқди-да, бирдан Нина Иванцовага дуч келиб қолди.

— Худого минг шукур-э... Бўлмаса, анови аблаҳлар...— Нина ўзининг нозиқ ва майин қўллари билан икковининг қўлидан ушлади.— Бугун соат бешда Кашукникида... Земнухов билан

Стаховичга айтиб қўй,— деб шипшиди Валянинг қулоғига.— Уल्याни кўрмадингларми?— деди-да, Уляни қидириб кетди: Валя сингари, Нина ҳам штаб алоқачиси эди.

Валя билан Серёжа яна бир мунча вақт бирга туришди,— икковининг ҳам бир-биридан айрилгиси келмас эди. Серёжканинг юзи, ҳозир бирон муҳим нарса айтмоқчи бўлиб турган кишиникидай, жиддий бир тус олди, лекин ҳеч нима демади.

— Мен кетдим,— деди Валя мулоим бир оҳангда.

Лекин у яна бир неча вақт қимирламай турди, кейин Серёжкага қараб жилмайди, атрофга қаради, хижолатланди-да, савагини кўтарганича, офтобда қорайган бақувват оёқларини кўтариб ташлаб, тепалиқдан пастга қараб чопиб кетди.

Уля худди қуршов ёнида Валя Филатованинг биржа биносидан чиқишини кутиб турарди. Чамадон кўтарган Валяни қуршов ичига киритган солдат Уляни ҳам қўлидан ушлаб торган эди, Уля унинг юзига совуқ ва сокин бир алпозда қаради, Уларнинг кўзлари бир он тўқнашди, солдат кўзларида инсоний бир маъно ифода этгандай бўлди. Валяни қўйиб юборди-да, юзини тескари бурди ва бирдан ўн олти ёшлар чамасидаги ўғлини қаттиқ қучоғига босиб турган бош яланг, сочлари оқиш ёш бир жувонга алам-зарда билан ўшқира бошлади. Ниҳоят, жувон ўғлини қўйиб юборди ва ўглининг эмас, балки ўзининг ҳайдаб кетилаётганлиги маълум бўлди: йигитча, худди гўдак бола каби ҳўнграб, онасининг тугун кўтарганича биржа биносига кирганини, биржа остонасида ўғлига сўнгги марта табассум билан қараганини кўриб турар эди.

Уля билан Валя Филатоваларнинг куз гуллари билан безатилган уйида кечаси билан қучоқлашиб ўтириб чиқдилар. Валянинг кекса онаси гоҳ уларнинг ёнига келиб, бошларидан силар ва ўпар, гоҳ Валянинг чамадонидаги нарсаларни қайта-қайта кўздан кечирар, гоҳ бурчакдаги креслога бориб индамасдан ўтирар эди: Валя кетгандан кейин у ёлғиз ўзи қолар эди.

Йиглай бериб чарчаган ва жимиб қолган Валя аҳён-аҳёнда Улянинг қучоғида сесканиб, сесканиб қўярди. Уля эса, юз бериши муқаррар бўлган ҳодисани даҳшатли бир суратда англаган, юраги эриган, юзида болаларча ва аини вақтда оналарча ифода акс этган бир ҳолда, Валянинг олтин сочларини индамасдан силар ва сийпар эди.

Коронғи уйда, жинчироқ ёруғида фақат уларнинг, яъни икки қиз билан кекса онанинг юзлари ва қўлларигина кўринарди.

Қанийди энди, буларни кўрмаслик мумкин бўлса! Валянинг днаси билан видолашгани, чийиллаб турган шамолда чамадон кўтаришиб узоқ йўл юриб келишгани, немис солдатлари қуршови олдида сўнги марта кучоқлашиб хайрлашишлар,— қани энди, булар ҳақиқат бўлмасал..

Йўқ, буларнинг ҳаммаси рост, ҳақиқат... Бу ҳамон давом этмоқда... Юзида мудҳиш бир куч ифода этиб турган Уля нәқ немис солдатлари қуршови ёнида биржа эшигидан кўзларини узмай, қараб турар эди.

Қуршовнинг ичига кирган йигитчалар ва қизлар, ёш жувонлар, ефрейторнинг буйруғига биноан, ўз тугун ва чамадонларини ташқари девор тагида қолдирар эдилар,— юк-буюмлар машинада олиб кетилади деб айтишган эди,— сўнгра ўзлари ичкари кирар эдилар. Обер-лейтенант раҳбарлиги остида Немчинова ҳар бир кишининг қўлига карточка тутқизарди, бу карточка то гайинланган ерга етиб боргунча немис маъмуриятининг ҳамма вакили талаб қилганда кўрсатиладиган бирдан-бир ҳужжат эди. Карточкада унинг эгасининг на исми, на фамилияси бор эди, унга фақат номер билан шаҳар номигина ёзилганди. Улар шу карточка билан бинодан ташқари чиқишар, ефрейтор эса уларни майдонча бўйлаб тизилган қаторга, жой-жойига тиркарди.

Ана, Валя Филатова ҳам чиқди, дугонасини кўзлари билан ахтариб топди-да, унинг томонига бир-икки қадам ташлаган эди, лекин ефрейтор йўлда уни ушлаб, қатор тизилаётганлар ёнига итарди. Валя учинчими, тўртинчи шеренгага, узоқ бир ерга тушиб қолди, шундан кейин дугоналар бир-бирларини ортиқ кўролмадилар.

Бу мислсиз жудолнк қайғу алами кишиларга ўз меҳри-муҳаббатларини ифода этишларига ҳуқуқ берди. Оломон ичидаги хотин-халажлар солдатлар ҳалқасини ёриб ўтишга уринар, ўз болаларига сўнги насиҳат ёки сўнги алвидо сўзларини қичқирар эдилар. Қаторда турган ёшлар,— уларнинг аксарияти қизлар эди,— гўё энди бошқа бир дунёга тушиб қолгандай эдилар: овозларини пастлаб, ё бўлмаса рўмолчаларини силкитибгина, ёхуд кўз ёшлари юзларидан дўлдай оқиб тушаётган бир ҳолатда индамай жавоб берар ва азиз, жонажон чеҳралардан кўзларини узолмай, термулиб турар эдилар.

Ана, обер-лейтенант Шприк қўлида каттакон сариқ пакет кўтаргани ҳолда биржа биносидан чиқди. Оломон жимиди. Ҳамманинг кўзи ўшанда.

— Still gestandent!¹— команда берди обер-лейтенант.

— Still gestandent— деб такрорлади семиз ефрейтор, хунук бир овоз билан.

Колонна қимир этмай, жим туради. Обер-лейтенант Шприк олдинги қатор бўйлаб юриб, орқама-олдин турган тўрт қатордагиларнинг ҳар бирини йўғон бармоғи билан ниқтаб санаб чиқди. Колоннада икки юздан ортиқ одам бор эди.

Обер-лейтенант пакетни ефрейторга топширди-да, қўл силтди. Бир группа солдат, оломон тўсиб турган йўлни очишга киришди. Ефрейторнинг командаси билан колонна бурилди ва тебранди, гўё юришни истамагандек, соқчилар ўртасида йўлдан секин юра кетди, семиз ефрейтор колонна бошида борар эди.

Оломон, солдатлар сургандан кейин, колоннанинг икки томонига ёйилиб кетди, колонна кетидан бошланган йиги-сиғи, дод-фарёд ва қичқариқлар давомли бир фарёдга айланиб, уни шамол учуриб кетди.

Уля колонна ёнидан бораркан, оёқ учини қўйиб кўтарилар ва колонна ичидан Валяни қидириб топишга интилар эди, ахир топди.

Валя кўзларини катта-катта очиб, колонна теварагидан ўз ўртоғини изларди, унинг кўзларида энг сўнгги дамда Уляни кўролмаслик алами ифода этарди.

— Мен бу ерданман, Валечка, мана мен, сен билан!..— деб қичқирди Уля, оломон уни нарига қисиб итарарди.

Лекин Валя уни кўрмас, овозини ҳам эшитмасди, кўзларида акс этган бояғи алам ифодаси билан, ҳамон теваракка қарарди.

Ҳамон оломон итариб, суриб бораётган Уля Валянинг юзини яна бир неча марта кўрди, кейин колонна «қутурган бой» иморати орқасидан ўтиб, иккинчи переездга тушиб кетди, Валя ортиқ кўринмасди.

— Уляна!— деди Нина Иванцова, бирдан Улянинг олдида пайдо бўлиб.— Мен сени излаб юрибман. Бугун соат бешда Кашукникида... Любка келди...

Қулоғига ҳеч нарса кирмаган Уля ўзининг қоп-қора ва даҳшатли кўзлари билан Нинага қараб турарди.

¹ Смирно!

ҚИРҚИНЧИ БОБ

Олег сал ранги оқариб, пиджагининг ич чўнтагидан дафтарча чиқарди ва диққат билан варақларкан, ароқли шишалар, кружкалар ва қуп-қуруқ тарелкалар турган стол ёнига келиб ўтирди, бошқалар ҳам жимиб, жиддий бир тусда стол ёнига, диванга ўтиришди. Ҳамма чурқ этмасдан Олегга қараб ўтирар эди.

Кечагина булар ғам-ташвишни билмайдиган шўх мактаб болалари эдилар, лекин улар қасамёд этган кундан бошлаб, гўё ҳар бири ўзининг ўтмиши билан хайрлашгандай эди. Улар гўё янги муносабат, бир маслак билан бир ташкилотда ишлаш, қонқардошлик муносабатларини бошлаш учун илгариги беғам дўстлик муносабатларини узиб, барбод этгандай эдилар; уларнинг ҳар бири ўз тупроғини озод этиш йўлида бир томчи қони қолгунча курашишга қасамёд этди.

Кошевойлар квартирасининг ҳамма стандарт уйлардагидек катта бўлмаси, бўялмаган дераза тағларига териб қўйилган помидорлар, ёнғоқ дарахтидан ишланган ва Олег ётиб юрадиган диван. Елена Николаевнанинг бирталай оппоқ ва юмшоқ пар ёстиқлар тахлаб қўйилган каравоти турган бу катта бўлма, уларга ўз ота-оналари қаноти остида кечирган беғам ёшликларини эслатар эди. Эндиликда бу уй яширин иш олиб бориладиган махфий бир уй бўлиб қолган эди.

Олег ҳам энди Олег эмас, балки Кашук эди, бу фамилия ёшлигида Украинада партизанлик қилиб ном чиқарган, вафотидан бир йил олдин Каневда ер бўлими мудирини бўлиб ишлаган ўғай отасининг фамилияси эди. Бу фамилияни энди Олег ўзига лақаб қилиб олди, чунки унинг партизанлар кураши ҳақидаги биринчи таассуротлари, шу ўғай отасидан олган тарбияси,— далада ишлаб юрганлари, овга чиққанлари, от чоптириб юрганлари, Днепрда қайиқда сузиб юрганлари,— бари шу фамилия билан боғлиқ эди.

Олег, фақат ўзигагина маълум бўлган ишоралар қўйилган, бу кунги кунда қилипиши керак бўлган ишлар ёзилган варақни очди-да, Люба Шевцовага сўз берди.

Любка дивандан турди, кўзларини юмиб, ниҳоятда оғир, хатарли, турли учрашув ва саргузаштлар билан тўла сафарини яна кўз олдига келтирди,— буларнинг барини айтиб бераман деса икки кеча ҳам камлик қилар эди.

Кеча кунигина у анча оғирлашиб қолган чамадонни қўлда

қўтариб, чорраҳада турар эди, бугун яна ўз дўстлари орасида ўтирипти.

Олег билан илгари қилиб қўйилган писандага кўра Любка ҳаммадан олдин Иван Фёдоровичнинг Стахович ҳақида айтган гапларини штаб аъзоларига айтиб берди. Албатта, у гарчи Иван Фёдоровични кўриши биланоқ таниган бўлса-да, номини айтмади, Стахович билан бир отрядда хизмат қилган бир кишини тасодифан кўчада учратдим деди-қўйди.

— Любка очиқ дил ва юракли қиз эди, ўзи ёқтирмаган бирон кимса тўғрисида гап борса ҳатто ўз-ўзича шафқатсиз ҳам бўла оларди. Шунинг учун у кишининг, Стахович немисларнинг қўлига тушиб чиққан бўлса керак, деган тахминни ҳам яширмади, айтди.

Любка буларни бирма-бир сўзлаб бераркан, штаб аъзоларининг ҳаммаси Стаховичнинг бетига қарашдан ҳам қўрқарди. Стахович эса ташқи қиёфаси сокин бир ҳолда, ориқ қўлларини стол устига қўйиб, тўғрига қараб ўтирар,— кўзларида қандайдир бир куч ифодаси акс этарди. Лекин Любканинг охириги сўзларини эшитиб, бирдан ўзгариб кетди.

Ўзини тутиб турган куч бирдан бўшашди, қўллари ва лаблари керилди, бирдан у хафагазак ва ҳайрат акс этган кўзлари билан ҳаммага очиқ қараб чиқди-да, бирдан ёш болага ўхшаб қолди.

— У... худди шундай деб айтдимиз?... Наҳотки у шундай фикрга келган бўлса?— деб бир неча марта такрорлади, болаларга хос хафалик ифода этган кўзлари билан Любкага қараб.

Ҳеч ким чурқ этмади, у ҳам бошини кафтларига қўйиб, бир мунча вақт шу алпозда ўтирди. Сўнгра юзидан қўлларини олди-да, секин бир овозда:

— Мен шундай бир шак-шубҳа остида қолдимки, мен...— деди.— Нега у, бизни бир ҳафта у ердан бу ерга ҳайдаб юрганлари ва тўда-тўдага бўлиниб тарқалинглр деб айтишгани тўғрисида сенга ҳеч нарса демади?— деди у, кўзларини ялт этиб Любкага тикиб. Сўнгра яна ҳаммага очиқ қараб чиқди.— Буталар орасига кириб ётганимда: улар-ку ўзларини қутқариб қолиш учун ҳалқани ёриб ўтишга уринадилар, ҳаммалари бўлмаса ҳам, кўпчилиги ҳалок бўлиши турган гап, улар билан бизга бўлсам мен ҳам ҳалок бўлиб кетаман, лекин мен ўзимни ўзим қутқариб қолишим мумкин ва меинг яна фойдам тегади деб ўйладим. Мен худди шундай деб ўйловдим... Бундай ўйлашининг бир саҳона эканлигига энди тушунаман. Отишма қаттиқ,

Ўт қалин эди... жуда даҳшатли эди,— соддадиллик билан деди Стахович.— Лекин, шундай бўлса ҳамки, мен ўзимни айтарлик катта жиноят қилдим деб айта олмайман... Ахир, улар ҳам ўзларини ўзлари қутқариш билан машгул бўлишди-ку... Кейин анча қоронғи тушди, шунда мен: сузишга устаман, бир ўзим бўладиган бўлсам немислар балки мени пайқамас ҳам деб ўйладим. Ҳамма қочиб кетиб бўлгандан кейин мен яна бир оз қимирламай ётдим, мен томонимда отишма тугаб, бошқа бир ерда яна кучлироқ отишма бошланди. Мен: бўлди энди, сузиш керак, дедим-да, юзимни осмонга қилиб сузиб кетдим, сув устидан фақат бурнимнинг учи чиқиб турарди,— сузишга жуда устаман. Олдин дарёнинг ўртасигача сузиб бориб, кейин пастга қараб сузиб кетдим. Мен шундай қутулиб қолдим!.. Лекин, бунчалик шубҳа, гумон... Ҳеч бўлмаган бир гап!.. Ахир, ўша кишининг ўзи ҳам ахир қутулибди-ку?.. Мен: сузишга уста эканман, шундан фойдаланишим керак деб ўйладим. Юзимни осмонга қилдимда, сузиб кетавердим. Мен шундай қутулиб қолдим!..

Стахович сочлари тўзиган паришон ҳолда ёш болага ўхшаб ўтирарди.

— Хўп, фараз қилайлик, сен қутулиб, омон қолган бўлгил,— деди Ваня Земнухов,— нега бўлмаса бизга: отряд штаби томонидан юборилдим деб айтдинг?

— Шунинг учун айтдимки, мени чиндан ҳам юборишмоқчи эди-да... Мен: раз тирик қолдимми, буйруқ ўз кучида қолаверди деб ўйладим!.. Ахир, тагини суриштирганда, мен фақат ўз жонимни сақлаб қолишга тиришмадим-ку, мен босқинчиларга қарши курашмоқчи эдим, ҳозир ҳам курашмоқчиман. Менинг тажрибам бор, отряд тузиш ишида иштирок этганман, жангларга ҳам кириб чиққанман, мана шуларни кўзлаб айтган эдим!

Ҳамманинг дили шу қадар огир эдики, Стаховичнинг бу гапларидан кейин ҳамма ўзини бир оз енгил тортди. Лекин шундай бўлса-да, бу жуда кўнгилсиз, хунук бир воқеа эди. Нима бало бўлиб шундай воқеага учради у!

Стаховичнинг гаплари ҳақиқат эканлиги ҳаммага равшан эди. Лекин унинг хунук иш қилиб қўйганини ва ўз қилмиши ҳақида ҳам хунук гапираётганини ҳамма билар, сезар эди, лекин бунга ҳеч ким тушунолмас, ҳаммага қаттиқ тегар эди, энди уни нима қилиш кераклиги ҳам номаълум эди.

Стахович ҳақиқатан ҳам ёт киши эмас эди. Уни амалпараст ёки ўзининг шахсий манфаатларини кўзловчи деб ҳам бўлмас эди. У, болалик чоғиданоқ катталар ёнида юрган, халқ ҳоқими-

ятининг нима эканлигини ва нимага кераклигини ҳали англамаган даврда шу баланд мартабали одамларнинг ҳокимиятти амалга оширишларини кўрган, бу одамлар шу ҳокимиятга оғир ва машаққатли меҳнат ва қийинчиликлар орқасида эришганликларини билмаган ёш йигитлардан бири эди.

У зеҳни баланд, қобил бола эди, у мактабда ўқиб юрган чоғидаёқ уни шаҳарнинг кўпгина баланд мартабали кишилари танир эди, чунки унинг иккала акаси коммунист ва катта мансаб эгалари эди. Ёшлигидан бери шу мансабдор одамлар қаноти остида ўсиб катта бўлган, ўртоқлари билан бўлганда бу одамларни худди ўз тенгидай қилиб кўрсатишга ўрганган, мутолааси чалакам-чатти ва юзаки, ўз фикр-мулоҳазаларини эмас,— у ҳали ўз фикр-мулоҳазаларига эга эмас эди,— балки одамлардан эшитиб юрган фикр-мулоҳазаларни ҳам оғзаки, ҳам ёзма равишда жўнгина тавсиф эта оладиган, умрида ҳали бирон иш қилиб, ўзини кўрсатишга улгурмаган бу бола, район комсомол комитетида актив комсомол деб ҳисобланарди. Уни шахсан танимаган, лекин ҳамма йиғилишларда президиумда ёки минбарда кўрган оддий комсомоллар уни район ёки область миқёсида ишловчи масъул ходим бўлса керак деб ўйлар эдилар. Ўзи билган ва таниган ва аралашиб юрган кишиларнинг ҳақиқий ишларининг маъносига ақли етмаса ҳам, уларнинг шахсий ва хизматга доир муносабатларини, кимнинг ким билан рақобат қилишини, кимнинг кимни қўллаб-қўлтиқлашини яхши биларди, бошқариш маҳорати халққа хизмат қилишда эмас, балки кўпроқ тарафдор ортдириш учун бошқа кишиларга усталик билан ҳийланайранг ишлатишда, деб билар эди.

У шу кишиларнинг бир-бирлари билан ҳазиломуз, кибр ва ҳомийлик билан гаплашиш одатларини, уларнинг қўпол ва мустақил суратда фикр-мулоҳаза қилиш одатларини ўрганиб олган эдию лекин бунинг орқасида қанчалик катта ва машаққатли ҳаёт борлигини билмас эди... Ёшларга хос ҳис-туйғуларни тўғри ва содда бир равишда ифода этиш ўрнига у доим жўрттага оғзини юмиб ўтирар, гапирганда ҳам, айниқса нотаниш киши билан телефонда гапирса овозини сунъий равишда пасайтириб гапирарди; умуман ўз ўртоқлари орасида ўзини ҳаммадан баланд тутиб юришни билар эди.

Шундай қилиб у болалик чоғидан ўзини ғайри оддий ва истеъдодли деб билар ва шунинг учун жамиятдаги оддий қонун-қоидаларга бўйсунмиш мен учун мажбурий эмас деб юрар эди.

Дарҳақиқат, нега у ўзини омон сақлаб қолмай, ҳалок бўлиб

кетиши керак эди-ю, Любка учратган партизан каби бошқа партизанлар омон қолиши керак эди? Отряднинг бундай аҳволга тушганлигига Стахович эмас балки бошқалар, ундан каттароқ ва масъулоқ кишилар айбли бўлганлари ҳолда, бундан, Стаховичдан гумонсирашга у кишининг қандай ҳаққи бор?

Болалар беқарор бир ҳолда индамай ўтираркан, бундай фикр-мулоҳазаларга борган Стахович ҳатто бирмунча ўзини ростлаб олди. Лекин бирдан шу топда Серёжка:

— Отишма бошқа ерда бошланибди-ю, бу юзини осмонга қаратиб сузиб кетаверибди!— деб қолди.— Отишма, ҳар бир аъзоси саноклик бўлган отряд ҳалқани ёриб чиқишга интилгани учун бошланган-да! Бундан чиқди, партизанларнинг ҳаммаси буни қутқариш учун жангу-жадал бошлаган экан-да?

Ташкилот командири Ваня Туркенич ҳарбийларга хос одат билан қаддини кўтариб, ниҳоятда тиниқ юзида мардоналик ва жасорат акс этгани ҳолда, ҳеч кимсага қарамай тек ўтирар эди. Ниҳоят, деди:

— Солдат буйруқни бажаришга мажбур. Сен бўлсанг жангни ташлаб қочгансан. Қисқаси жангдан дезертирлик қилгансан. Биэда, фронтда, бундайларни отиб ташлар эдилар ё бўлмаса штраф батальонига топшириб юборар эдилар. Кишилар ўз гуноҳларини қонлари билан ювар эдилар...

— Мен қондан қўрқмайман...— деди Стахович ва ранг-рўйи оппоқ оқариб кетди.

— Мақтанчоқ экансан, бўлган-турганинг шу!— деди Любка.

Ҳамма бу ҳақда Олег нима дер экан деб, унга қаради. Олег ниҳоятда сокин бир вазиятда деди:

— Ҳамма гапни Ваня Туркенич айтиб бўлди, ундан ортиқ айтиш қийин. Лекин, Стахович ўзини шундай тутишидан интизомга бўйсунитишни хоҳламаслиги кўриниб турибди... Бундай киши отрядимиз штабда аъзо бўлиб тура оладими?

Олегнинг шу гапларидан кейин ҳамма дилидагини айта бошлади. Болалар Стаховичга зўр эҳтирос билан ёпирилдилар. Ахир улар ҳаммалари бирга қасамёд этишган-ку, Стаховичнинг виждонида шундай оғир гуноҳ бўла туриб, уни айтмасликка, иқрор бўлмасликка қандай журъат эта олди? Бундай муқаддас кунни ҳаром қилган ўртоқ ҳам ўртоқ эмишми? Албатта, бундай кишини штабда бир минут ҳам тутиб туриш ярамайди. Қизлар яъни Уля билан Люба эса, ҳатто индамай ўтиришар эди,— Стаховичдан шу қадар нафратланар эдилар, унга ҳаммалан ҳам шуниси алам қилар эди.

У жуда шошиб қолди, ҳамманинг кўзига қарашга тиришиб, ворланиб қарар ва нуқул:

— Наҳотки менга ишонмайсизлар, а? Хоҳлаганингизча синаб кўринглар...— деб такрорлар эди.

Олег ўзининг энди Олег эмас, ҳақиқатан ҳам Кашук эканлигини шунда кўрсатди.

— Сени штабда қолдириб бўлмаслигига ўзинг тушуниб турибсанми, ахир?— деб сўради у.

Шунда Стахович, албатта қолдириш мумкин эмас, дейишга мажбур бўлди.

— Буни ўз ақлинг билан тушунишинг керак, бутун гап шунда,— деди Олег.— Топшириққа келганда, сенга топшириқ берилади. Биз сени синаб кўрамиз. Бешлигинг ўзингда қолаверади, ўз обрўйингни яна тиклашинг учун кўп имконият топилади.

Любка эса бундай деди:

— Жуда яхши оиласи бор-а! Ҳаммадан ҳам шуниси алам қилади!

Улар, Евгений Стаховични «Еш гвардия» штабидан чиқариш тўғрисида таклифни овозга қўйдилар. Стахович бошини эгиб ўтирарди, кейин ўрнидан турди-да зўр-базўр ўзини тутиб:

— Менга бу жуда огир бўлди, ўзларингдан ўтар гап йўқ. Лекин, бундан бўлакча тадбир кўра олмасликларингни билман. Шунинг учун сенлардан хафа эмасман. Онт ичиб айтаманки...— деб туриб, лаблари қалтираб кетди ва уйдан югурганича чиқиб кетди.

Ҳамма бир мунча вақт огир сукунат ичида ўтирди. Ўз ўртоқларидан биринчи марта жиддий хижолат тортишлари уларга ниҳоятда огир туюлган эди. Тирик жонга ништар уриш ҳам ниҳоятда қийин эди.

Лекин Олег бирдан огзи қулоғига етиб илжайди-да, дудуқланиб деди:

— Ҳ-ҳ-ҳали яна т-тузалиб кетади, болалар, худо ҳақи!

Ваня Туркенич ҳам ўзининг сокин овози билан унинг гапини тасдиқлади:

— Фронтда бундай ҳодисалар бўлмаган деб ўйлайсизларми? Еш жангчи олдинига қўрқади, лекин кейинчалик шундай солдат бўлиб етишадик, ҳавасинг келади.

Иван Фёдорович билан учрашганини айтиб бериш пайти келганини Любка тушунди. Тўғри, Иван, Фёдоровичникига қандай бориб қолгани тўғрисида бир огиз ҳам гапирмади,— умуман, ўз фаолиятининг бошқа томони тўғрисида гапиришга ҳақи

йўқ эди,— лекин Иван Фёдорович қандай кутиб олгани ва нималар деганини уйда юриб туриб кўрсатиб берди. Любка уларнинг ишини партизанлар штаби вакили маъқуллаганини, Олени мақтаганини ва хайрлаша туриб, кўзларидан ўпганини гапириб берганда, ҳамма жонланиб кетди. Афтидан, у киши ҳақиқатан ҳам болалардан мамнун бўлганга ўхшайди.

Улар ҳаяжонланган, бахтиёр бир ҳолатда ва ўзларини янги-ча, бошқача кўришларидан бир оз ҳайратланган ҳолда, бир-бирларининг қўлларини қисиб, табриклаша бошладилар.

— Йўқ, Ваня, ўзинг бир ўйлаб кўргин, бир ўйлаб кўргин!— кўзларида бахтли бир ифода порлаган Олег дерди Земнуховга.— Ёш гвардия барпо этилди, ёш гвардияни ҳатто область раҳбарлари тан олди!

Любка эса Туркеничларникида бўлган кенгашда яхши кўриб қолган, лекин саломлашишга улгурмаган Уляни қучоқлаб олди-да, ўз опасини ўпгандай ўпди.

Сўнг Олег яна ўз дафтарчасини варақлай бошлади, ўтган кенгашда бешликлар уюштиришга ташкилотчи этиб тайинланган Ваня Земнухов бешликларга яна раҳбарлар тайинлаш кераклигини айтди: ахир, ташкилот борган сари ўсиб, кенгайиб боради-ку!

— Балки, Первомайкадан бошлармиз?— деб сўради у профессорча кўзойнаги ортидан Уляга шодона қараб.

Уля ўрнидан туриб, қўлларини ёнига солди, бирдан ҳамманинг чеҳрасида фақат пок дилларда қизлик нафосатигина тугдири биладиган бахтли, ажойиб, бегараз бир туйғу ифода этди. Лекин Уля ҳамманинг ўзига завқ билан қараб турганини сезмас эди.

— Биз, яъни Толя Попов билан мен, Витя Петров ҳамда Майя Пегливановани тавсия этамиз,— деди Уля. Бирдан Любканинг унга зўр бир ҳаяжон билан суқланиб қараб турганини кўриб қолди.— Восьмидомикида эса Любка танласин: қўшни бўламиз,— деди у, ўзининг кўкракдан чиқувчи эркин ва сокин овози билан.

— Бе, қўйсанг-чи!— Любка қип-қизариб кетди ва мenden қандай ташиклотчи чиқади дегандай, оппоққина қўлларини силкитди.

Лекин Улянинг таклифини ҳамма маъқуллади, Любка жим бўлди-қолди: ўзини «Восьмидомики» да ташкилотчи эканлигини бир он тасаввур этиб кўрган эди, ўзига ҳам жуда ёқиб кетди.

Ваня Туркенич, кечаси Олег билан бирга муҳокама қилган

таклифни киритиш пайти келди деб ўйлади. У Олег бошдан кечирган бутун воқеани гапириб берди ва бунинг фақат Олег-гагина эмас, балки бутун ташкилот учун ҳам ҳалокатли бир оқибат келтириши мумкинлигини айтиб, бундан буёнги операцияларда Олегнинг штаб рухсатисиз иштирок этиши бутунлай тақиқлансин деган таклиф киритди.

— Менимча, бунинг тушунтириб ўтиришнинг ҳам ҳожати йўқ,— деди у.— Албатта, бу қарорнинг менга ҳам тааллуқи бўлади.

— Б-б-буники тўғри,— деди Олег.

Бу қарорни ҳаммалари яқдиллик билан қабул қилишди. Кейин Серёжка турди, турди-ю, лекин жуда уялиб кетди.

— Менинг ахборотим ҳатто иккита,— деди у, қовоғини солиб ва шишинқираган лабларини чўзиб.

Бирдан ҳамманинг кулгиси қистаб кетди, Серёжка ҳатто бир мунча вақт гапиролмай турди.

— Йўқ, мен анови Игнат Фомин ҳақида гапирмоқчиман. Тоқайгача бу аблаҳга чидаймиз?— деди Серёжа бирдан ғазабдан қизариб-бўзариб кетиб.— Остапчук билан Валькони шу хоин тутиб берган, унинг қора, ифлос виждонида яна қанча шахтёрларимиз ўлими борлигини билмаймиз!.. Мен нима демоқчиман?.. Мен Игнат Фоминни ўлдириш керак демоқчиман,— деди Серёжка.— Яхшиси бунинг менга топширинглар, чунки барибир мен уни ўлдираман,— деди у, Серёжка ҳақиқатан Игнат Фоминни ўлдиришдан тоймаслигига ҳамма тушунди.

Олегнинг юзи ниҳоятда жиддий бир тус олди, пешонасида узунасига тушган тиришлар пайдо бўлди. Ҳамма штаб аъзолари жим бўлишди.

— Ҳа нима? Бунинг гапи тўғри,— сокин ва паст овоз билан деди Ваня Туркенич.— Игнат Фомин — бизнинг кишиларимизни тутиб берувчи ёвуз бир хоин. Уни осиб ўлдириш керак. Шундай ерга осиб керакки, бизнинг ҳамма кишиларимиз кўрсин. Кўкрагига, нима учун осиб ўлдирилганлигини ёзилган плакат ёпиштириб қўйиш керак. Бошқаларга ибрат бўлсин учун! Ҳа нима, рост-да!— деди у, ўзи учун ҳам кутилмаган шиддатли бир овоз билан.— Улар бизни аяб ўтирармиди?.. Бу ишни мен билан Тюленинга топширинглар...

Тюлениннинг таклифини Туркенич қувватлаб чиққандан кейин ҳамманинг дили енгиллашди. Уларнинг қалбларида хоинларга нафрат қанчалик кучли бўлса ҳам, уларнинг бундай йўлга кириши дастлаб қийин гап эди. Лекин Туркенич ўзининг

кескин сўзини айтди, Туркенич уларниг катта ўртоғи, Қизил Армия командири, бинобарин, шундай қилиш керак, васалом.

— Албатта, олдин биз бунга катта ўртоқларимизнинг рухсатини олишимиз керак,— деди Олег.— Лекин, аввал биз ўзимиз ягона бир фикрга келиб олишимиз керак... Олдин Тютеннинг Фомин тўғрисидаги таклифини овозга қўяман, кейин бу ишни кимга топшириш тўғрисидаги таклифни,— деб изох берди у.

— Масала ойдин-кў,— деди Ваня Земнухов.

— Тўғри, масала ойдин, лекин Фомин масаласини алоҳида овозга қўяман,— деди Олег қандайдир мудҳиш бир ўжарлик билан.

Олегнинг нима учун бундай қилаётганини ҳамма англади. Улар қасамёд этишган. Уларнинг ҳар бири бу масалани яна бир марта ўз дилида ҳал этиб кўриши керак. Чуқур сукунат ичида улар Фомин қатл этилсин ва уни қатл этиш Туркенич билан Тютенга топширилсин деб қарор қабул қилдилар.

— Жуда тўғри бўлди! Бу аблаҳларни фақат шундай қилиш керак!— деди Серёжка, кўзлари эҳтирос билан чақнаб.— Энди иккинчи ахборотимга ўтаман...

Касалхона врачлари Наталья Алексеевна, кичкина қўллари семизгина, кўзлари шафқатсиз жувон, Серёжкага шаҳардан ўн саккиз километр нарида жойлашган ва Краснодар деган посёлкада, немис оккупантларига қарши курашувчи ёшлар группаси тузилганини айтган эди. Наталья Алексеевнанинг ўзи бу группага кирмайди, лекин шундай группанинг борлигини бир кватирада турувчи қўшнисини Антонина Елисеенко деган ўқитувчидан эшитиб билган-да, шаҳар билан алоқа боғлашда ёрдам берман деб ваъда қилган.

Серёжканинг таклифи билан штаб бу группа билан алоқа боғлашни Валя Борца топширди; бу иш Валя Борцага ўзи йўғида топширилди, чунки Нина, Оля Иванцовалар ҳам, Валя ҳам, алоқачи бўлганликлари учун штаб мажлисида йўқ эдилар, улар Марина билан бирга ҳовлидаги саройда штабни қўриқлаб ўтирган эдилар.

«Еш гвардия» штаби Елена Николаевна ҳамда Коля тоганинг районга, Маринанинг қариндошлари турган ерга баъзи бир нарсаларни дон-дунга алиштириб келгани бир неча кунга кетганликларидан фойдаланди. Вера буви Васильевна, болаларнинг базм қургани тўпландик деган гапларига гўё ишонгандек

бўлиб, Маринани ва унинг кичкина ўглини саройга олиб чиқиб кетган эди.

Улар кенгашиб ўтираркан, қоронғи тушди, бирдан уйга Вера буви кириб келди. Вера буви, бир банди синиб кетиб, ўрнига қора ип боглаб олган кўзойнаги ордидан столга қараб, шишадаги ароққа тегилмаганини ва кружкаларнинг ҳам бўш турганини кўрди.

— Ақалли чой ичиб ўтирсаларинг ҳам гўрғайди, чой қайнатиб қўйдим!— деди у, подпольечиларни қаттиқ хижолатга солиб.— Марина билан боласини саройга ётқиздим, ҳавоси тоза.

Вера буви Валя, Нина ва Оляни бошлаб ўзи чойнак кўтариб кирди, буфет эмас, комоднинг энг узоқ галадонларидан бирдан бир неча конфет олиб қўйди-да, дарчаларни беркитиб, жинчиروқни ёқиб, ўзи чиқиб кетди.

Энди, кичкина ва сассиқ жинчироқ ёруғида ўтирган ёшлар худди ҳақиқий исёнчиларга ўхшар эдилар,— жинчироқнинг липиллаб турган шуъласи уларнинг гоҳ юзларини, усти-бошларини, гоҳ бошқа нарсаларни ёритиб юборарди. Ёшларнинг товуши ҳам пасайган ва хирқи эди.

— Москвани тинглашни хоҳлайсизларми?— деб секин сўради Олег.

Бу гапни ҳамма ҳазил деб тушунди. Фақат Любка бир сесканди-ю:

— Қандай қилиб?— деб сўради.

— Фақат битта шарти бор: ҳеч ким ҳеч нарсани суриштирмасин.

Олег ташқари чиқиб, шу оннинг ўзидаёқ қайтиб кирди.

— Бирпас сабр қилинглар,— деди.

Олег Коля тоғанинг қоп-қоронғи бўлмасига кириб кетди.

Болалар ва қизлар бу гапга ишониларини ҳам, ишонмасликларини ҳам билмай, жим ўтиришди. Лекин, бу ерда, шундай бир маҳалда бу тўғрида ҳазиллашиб бўлардимми?

— Ниночка менга қарашиб юбор!— деб чақирди Олег.

Нина Иванцова унинг ёнига борди.

Бирдан Коля тоғанинг хонасидан ҳаммага таниш ва айни вақтда ҳамма унутаязган вишиллаш, тарсиллаш овозлари, музика эшитилди, аллақерда танца тушишмоқда. Дам ўтмай немисча маршлар эшитилиб қоларди. Кекса бир одам инглиз тилида дунёда ҳалок бўлганлар сонини шошилмай, сокин бир овоз билан эълон қилади, яна аллаким немис тилида тинмай,

тез ва гўё биров гапиртиргани қўймаётгандай, энтика-энтика жоврайди.

Бирдан самода бир нима тиқирлади, бу овоз гўё бепоен ос-мои билан бирга уйга тўлқинланиб киргандай бўлди, диктор Левитаннинг вазмин, бахмалдай майин, қалин ва таниш овози тавтанали бир суратда равшан эшитила бошлади:

«...Совет Информбюросидан... Еттинчи сентябрь оператив сводкаси... кечки ахборот...»

— Ёзинглар, ёзинглар!— бирдан вишиллаш бошлади Ваня Земнухов ва дарҳол қўлига қалам олди.— Эртага кўпайтириб таркатамиз!

Хур мамлакатдан келаётган ҳур овоз эса минг-минг кило-метр наридан туриб дерди:

«...Еттинчи сентябрь давомида бизнинг қўшинларимиз Ста-линграднинг гарбида ва гарби-жанубида, шунингдек Новорос-сийск ҳам Моздок районларида душманга қарши жанг қилди-лар... Бошқа фронтларда деярли ўзгариш бўлмади...»

Шу онда худди буюк жанглarning садоси уйга эшитилган-дай бўлди.

Бутун танлари билан олдинга интилган, юзлари тек қотган, жинчиноқ шуъласида кўзлари қоп-қора бўлиб кўринган йигит ва қизлар ҳур ўлкадан келаётган бу овозни индамасдан тинг-лаб ўтирар эдилар.

Данте Алигьери юзига ўхшаган бронза тусли, ажин босган ва ориқ юзли Вера буви эшикка суяниб турар, аммо уни ҳеч ким кўрмас эди.

ҚИРҚ БИРИНЧИ БОБ

Электр ёруғи фақат немис муассасаларигагина берилар эди. Коля тога дирекционга ва комендатурага ёруғ берадиган элек-тр симининг кўчадан эмас, балки қўшни ҳовли орқали ўтиши-дан фойдаланди: электр симёгочлардан бири Коростилёвлар уйининг худди ёнгинасига ўтқизилган эди. Радиоприёмник эса ўз бўлмасида, комод тагидан кўчирилган пол остида турарди; радиоприёмник ишлайдиган пайтда унинг сими форточкадан ташқарига чиқарилар ва узун таёқнинг учига симга уланар, та-ёқ эса симёгоч ёнидаги катта симга илинтириб қўйилар эди.

Информбюро ахбороти... Албатта битта босмаҳона бўлмаса бўлмайдил!

Володя Осьмухин, Жора Арутюнянц ва Толя «Момақалди-роқ»лар паркка кўмилган ҳарфларнинг қолган-қутганини қазиб олдилар. Ҳарфни кўмганлар ихтиёрида зарур идиш бўлмаганидан ҳамма ҳарфларни чуқурга ташлаб, устидан тупроқ тортиб қўя қолган бўлишлари аҳтимол. Машина ва немис тўплари ўрнатиш учун чуқур қазган немис солдатлари эса унинг нималигини олдин билмасдан, ҳар тарафга сочиб юборганлар, сўнгра билиб қолиб, бошлиқларга хабар қилганлар-да, ҳарфларни кимгадир топшириб юборганлар. Лекин чуқурнинг тагида бир озгинаси қолган. Болалар бир неча кунгача тупроқни қунт билан ковлаб, ҳарф кўмилган ернинг бир неча метр атрофидан унинг қолган-қутганларини қидириб юриб топдилар. Бу ҳарфлар Лютиковнинг аҳтиёжи учун ярамас эди. Шунинг учун Филипп Петрович «Еш гвардия»га бу ҳарфлардан фойдаланишга рухсат берди.

Земнуховнинг армиядаги акаси Александр илгари наборшик бўлиб ишларди; «Социалистическая родина» газетасининг босмахонасида ишлаганида Ваня унинг олдига кўп-кўп бориб турарди. Ванянинг назорати остида Володя кичкинагина босма машина ясади, зарур бўлган металл қисмларни Володя механика цехида ҳаммадан яшириб ясаб олди, Жора эса бу асбобларни солиб қўядиган яшик ва ҳарф кассалари ясади.

Жоранинг отаси дурадгор эди. Тўғри, немислар келгандан кейин отаси ва онасининг қўлларига асбоб олиб, ўз ишларини давом эттиришар деб кутган эди, лекин улар буни қилмадилар. Шундай бўлса-да, Жора кейинроқ уларни яна ишлашга кўндиришга ишонган эди. Кўп ўй ўйлаб, онаси жуда ҳам сергайрат аёл бўлганлигидан, уни кейинроқ кўндираман, аввал отамдан бошлай деб қўйди. Жоранинг отаси анча қартайган, мўмин, бўйи ўғлининг иягидай келадиган бир чол; ўғли кўпроқ онасига ўхшарди; хулқи ҳам, бўйи ҳам, сочлари ҳам худди онасиникига ўхшарди. Жоранинг отаси, подполчилар ўзларининг нозик буюртмаларини балоғатга етмаган ўз ўғли орқали берганликлари учун улардан хафа бўлган бўлса-да хотинидан яшириб яшик билан кассаларни ясаб берди. Жора билан Володянинг баланд мартабага эришганини, улар бешлик раҳбарлари эканини — чол албатта билмас эди.

Болаларнинг дўстлиги шундай бир муносабатга айланган эдики, улар бир кун ҳам бир-бирларини кўрмасдан туролмас эдилар. Фақат Люся Осьмухина билан Жора ўрталаридаги алоқа аввалгидек расмий алоқалигича қолиб келарди.

Бу нарса, шубҳасиз, икки шахс мижозининг бир-бирига уйғун келмаганликлигини кўрсатар эди. Уларнинг иккиси ҳам ўқимишли эди, лекин Жора кўпинча илмий-сиёсий мазмундаги китобларни яхши кўрар, Люсяни эса китобларда кўпинча аҳтирос билан боғлиқ бўлган нарсалар ҳаяжонга солар эди,— шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Люсянинг ёши Жораникидан каттароқ эди. Рўйрост, Жора туманли истиқболга назар ташлаб, ундаги нарсаларни кўз олдига келтиришга уриниб кўрган пайтларида Люсянинг учта чет тилларни бекаму кўст билишини тасаввур этиб, мамнун бўларди, лекин шундай бўлса-да, бу даража маълумотни у етарли деб билмас ва Люсяни бинокор-инженер қилиб етиштиришга уриниб, балки, бир оз беадаблик ҳам қилган бўлса бордир.

Ҳар ҳолда, улар бир-бирлари билан учрашиб қолган дамларда Люсянинг ёрқин ва порлоқ кўзлари Жоранинг қоп-қора ва кескин кўзлари билан худди икки ўткир қилич тўқнашган каби бир-бирига тўқнаш келар эди. Улар бутун бирга бўлган вақтларида кўпинча бошқа болалар ҳузурида учрашар эдилар,— доим бир-бирларига луқма отиб, бир-бирларига ҳамла қилар эдилар. Люсянинг луқмалари кибри ва ачиқ-заҳар, Жоранинг луқмалари эса босиқ ва насиҳатгўёна луқмалар бўларди.

Ниҳоят, шундай бир кун етиб келдики, Жоранинг хонасига тўрт киши,— унинг ўзи, Володя Осьмухин, Толя «Момақалди-роқ» ва уларнинг катта ўртоғи ва раҳбари Ваня Земнуховлар йиғилишди,— Ваня Земнухов шоир бўлгани учун эмас, балки «Ёш гвардия» чиқариб турган варақа ва шиорларнинг кўпининг автори бўлгани учун босмахонага кўпроқ манфаатдор эди. Ахир станок ҳам тайёр бўлди. Жуда зарур бўлса, станокни бир киши ҳам бемалол кўтаришини намойиш қилиш учун Толя Орлов бурнини торта-торта, уй ичини бир неча марта айланиб чиқди.

Уларнинг ясси чўтка билан бўёқ суркайдиган валиклари ҳам бор эди. Босмахона бўёғи ўрнига Жоранинг бутун умри фақат ёғоч-тахта бўйб, лаклаб келган отаси, унинг айтишича, «алам-бало қоричма» деган бир бўёқ пишириб берди. Болалар дарҳол ҳарфларни кассаларга саралашга киришдилар. Кўзи ожизлигидан ҳамма ҳарфлар «о» бўлиб кўринадиган Ваня Земнухов Жоранинг каравотига ўтириб олиб, қандай қилиб бир ҳарфдан рус алифбесининг ҳамма ҳарфларини ясаш мумкин, ҳайронман дерди.

Худди шу пайтда парда тутилган деразани кимдир қоқди,

лекин ҳеч ким саросималанмади: немислар ва «полицай»лар шаҳарнинг бу хилват чеккасига ҳали бирон марта бошларини суқмаган эдилар. Дарҳақиқат, келганлар Олег билан Туркенич экан. Улар уйларида ҳеч тоқат қилиб ўтириша олмабди, ўз босмахоналарида ўз қўллари билан бирон нарса босгилари кепти.

Кейин маълум бўлса, улар унча айтарлик содда кишилар эмас экан! Туркенич Жорани секин бир четга чақирди-да, икковлари полизга чиқиб кетишди, Олег гўё ҳеч нарсани билмагандек, Володя билан Толяга қарашиб тураверди.

Туркенич билан Жора марзага ётишди; дам-бадам булут остига кириб турувчи куз қуёши ожизгина иситар, ер ва кўкатлар ҳам ёмғирдан кейин ҳўл эди. Туркенич Жоранинг қулогига энгашди-да, бир нималар деб шипший бошлади. Худди у кутганидек бўлди: Жора ўзига хос бир кескинлик билан дарҳол жавоб қилди:

— Жуда тўғри! Бу адолатли иш бўлади ва бошқа аблаҳлар учун ҳам ибрат бўлади... Албатта, мен розиман!

Олег билан Ваня Туркенич яширин райком рухсатини олган, ишнинг энг нозиги қолган эди: болалар ичидан бу ишга фақат адолат ва интизом юзасидангина эмас, балки маънавий жиҳатдан юксак даражали, ўз бурчлари ирода кучига айланиб кетган ва қўллари сира қалтирамайдиганларни топиш керак эди.

Туркенич билан Серёжка Тюленин энг аввал Сергей Левашовни танладилар: Сергей Левашов жуда пухта йигит бўлиб, ўзи ҳам кўп нарсани бошидан кечирган эди. Кейин Ковалёвга тўхташди: Ковалёв довюрак, меҳрибон, ўзи ҳам жуда полвон йигит,— уларга худди шундай йигит керак эди. Серёжка Пирожокни ҳам таклиф этган эди, лекин Туркенич Пирожок авантюрани яхши кўрар деб, унинг номзодини қайтарди. Ўзининг энг яхши ўртоғи Витька Лукьянченкони Серёжка хаёлида рад этди: ўртоғини аяди. Ниҳоят, Жорага тўхташди. Шундай қилиб, улар хато қилмаган эдилар.

— Трибунал составини тасдиқ этиб қўйдингларми?— деб сўради Жора.— Ишни кўп чўзиб, муҳокама қилиб ўтиришнинг кераги йўқ, муҳими шундаки, суд ҳукми билан қатл этилишини айбдорнинг ўзи билсин.

— Трибунални ўзимиз тасдиқлаймиз,— деди Туркенич.

— Биз уни халқимиз номидан суд қиламиз. Халқнинг бу ердаги қонуний вакиллари ҳозир биз бўламиз...— Жоранинг қопқора мардона кўзлари чақнади.

— Эҳ, шунқор йигитсан-да!— деб ўйлади Туркенич.

— Яна бирон киши керак эди-да,— деди у.

Жора ўйланиб қолди. Унинг эсига Володя келди, лекин Володя руҳан жуда нозик бола, бундай ишга ярамас эди.

— Менинг бешлигимда Радик Юркин деган бир бола бор. Танийсанми? Бизнинг мактабдан. Менимча шу тўғри келади.

— Гўдак-ку. Яна чўчиб-нетиб юрмасин.

— Бе-е! Уғил болалар чўчирмиди! Чўчиб, сесканадиган бизлар, катталар!— деди Жора.— Болалар ҳеч нарсадан сесканмайди, билсанг. Мен айтган бола жуда табиати оғир лекин ҳеч нарсадан тап тортмайдиган бола!

Жоранинг отаси бостирмада чўпкорлик иши билан шугулланиб турган бир пайтда, Жора ойисини қулф тешигидан қараб тургани устидан чиқиб қолди-да, ўзининг тамомила мустақил эканлигини, ўртоқларининг ҳам ўз ақли билан яшай бошлаганини айтишга мажбур бўлди ва башарти эртага ҳаммамиз бирдан уйланадиган бўлсак таажжубланманг, деди.

Жора билан Ваня Туркенич уйга нақ вақтида қайтиб киришди: ҳарфлар кассаларга солиниб бўлган, Володя эса бир неча йўл бир устунлик материални териб ҳам бўлмаган эди. Жора бирпасда чўткани «алламбало қоришма»га ботирди, Володя қоғозни станокка ётқизди, устидан валик юргизди. Босилган қоғоз мотам рамкаси билан қора бўлиб чиқди:— Володя тажрибасизлик қилиб, метал пластинкаларни механика цехида яхшилаб йўнмаган экан. Ундан ташқари, ҳарфлар ҳам катта-кичик эди, лекин бошқа иложи йўқ эди. Аммо энг муҳими шунда эдики, босганлари ҳақиқий босма текст эди ва Володя Осьмухин ўз қўли билан терган текстни ҳамма ўқий олар эди.

«Ваня билан хилватгоҳда юраверма, асабини қўзгатма барибир юрак сирларини биламиз Айяй!».

Володя, бу сатрлар Жора Арутюнянцга бағишланганини айтиб, «й» ҳарфли сўзларни теришга гиришдим, ҳатто «Айяй» ни ҳам шу туфайли тердим, чунки босмаҳонамизда энг кўп ҳарф шу экан, деди. Ургу белгиларини қўймаганининг сабаби шу эканки, уларни ҳам ҳарф тергандай териш кераклигини унутган экан.

Олегнинг гайрати қўзғаб кетди.

— Биласизларми, Первомайкадан икки қиз комсомолга қабул қилишни илтимос қилишибди?— деб сўради, катта-катта кўзалари билан ҳаммага қараб.

— Менинг бешлигимда ҳам бир бола комсомолга кирай деб юрибди,— деди Жора. Бу бола яна ўша Радик Юркиннинг ўзи эди, чунки Жора Арутюнянцнинг бешлиги ҳозирча бир боладан, яъни Радик Юркиндан иборат эди.

— Ёш гвардия босмаҳонасига муваққат комсомол билетларини буюрамиз!— деб хитоб қилди Олег.— Ахир, комсомолга қабул қилишга ҳаққимиз бор: бизнинг ташкилотимиз расмий суратда тасдиқ этилган.

Яйдоқ калласига қадим замондан қолган картуз қўндирган, заҳарли илон кўзларига ўхшаган кўзлари терисидаги ҳисобсиз ажинлар орасига яшириниб турган бу одамнинг новча гавдаси қаерларга бормасин, унинг қўллари ва оёқлари қандай ҳаракат қилмасин, барибир бу одам энди мурда эди.

Навбатчилик қилиб турган пайтларида, одамларнинг пайига тушган пайтларида, ишқилиб кечасию кундузи, унинг кетидан қасос изма-из юрарди, ҳозиргина ўлдирган одамнинг уйдан олиб келган мол-матоларни хотини билан бирга кўздан кечириб турганида ҳам деразада қасос унга кўз тикиб турарди; қасос унинг ҳар бир жиноятидан хабардор, унинг ҳар бир жиноятини ҳисобга олиб борарди. Қасос худди мушукдай эпчил ва чаққон, кўзлари қоронғида ҳам кўра оладиган ўсмир, ҳатто ёш бола қиёфасида унинг изидан қолмай юрарди. Лекин яланг оёқ ҳолда юрувчи бу қасоснинг нақадар шафқатсизлигини Фомин билганда эди, худди ҳаётдай бўлиб кўринувчи ҳаракатларини, юриш-туришларини алақачон бас қилган бўлар эди.

Фоминнинг мурда бўлиб қолганлигига сабаб унинг энди ҳатто очкўзлик, ҳатто бойлик, давлат орттиришга интилиши, ўч олишга интилиши эмас эди, балки салобатлик ва мўминлик ниқоби остига беркинган газаб ўти, ҳар нарсадан,— турмушдан, ҳамма кишилардан, ҳатто немислардан ҳам бениҳоя газабланганлиги эди.

Бу газаб туйғуси Фоминнинг руҳини секин-аста кемириб борар, лекин ҳеч қачон ҳозиргидек қўрқинчли ва даҳшатли тус олмаган эди, чунки ҳаётда унга далда бўлиб келган сўнги, лекин қабиҳ руҳий суянчиги синиб тушган эди. Унинг қилган жиноятлари қанча катта ва зўр бўлмасин, у ҳоким бўлишига, одамларни қўрқитиб ўзини ҳурмат қилдиришга, қадимги замонлардаги бойлар сингария иззат-икромли турмуш кўришига, пиру бадавлат бўлишига умид боглаб келарди.

Натижада, ўз ҳаётида моддий таянчга эга бўлиш у ёқда турсин, ҳатто ундан умиди ҳам пучга чиқди. У ўзи қамаб ўлдирган кишиларнинг мол-бисотларини ўғирлаб келар эди, буни кўрса ҳам кўрмаганга солган немислар эса унга бир малай, аблаҳ, ўғри деб қарар, ундан жирканар эдилар. У немисларга улар ҳокимиятни мустаҳкамлаб олгунча керак эканлигини ва бу ҳокимият мустаҳкамлиниб, қонуний тартиб — Ordnung — жорий этилгандан кейин, немислар уни ҳайдаб юборишини ёки бўлмаса тўғридан-тўғри йўқ қилиб юборишини яхши билар эди.

Кўп кишилар ундан қўрқар эди, албатта, лекин бу кишилар ҳам, бошқалар ҳам ундан жуда жирканар ва ўзларини ундан қочириб юрар эдилар. Аммо ҳаётда ўз жойи бўлмаганидан, кишилар уни у кутганча ҳурмат қилмасликларидан, хотинига келтириб берадиган мол-матолар ҳам кўнглини ёритмас эди. Бу эру хотин ҳайвондан ҳам бешбадтар кун кўришарди: ҳайвонлар жуда бўлмаса қушдан ва таомдан бўлса ҳам ҳузур кўрадилар ва ҳаётда ўз наслларини давом эттирадилар.

Одамларни қамоққа олиш ва обвалларда қатнашишдан ташқари, Игнат Фомин барча полицайлар сингари, кўча-кўйларда ёки муассасалар ёнида туриб соқчилик ҳам қиларди.

Шу кечаси у, парктаги Горький номи мактаб биносига жойлашган дирекцион идораси олдида соқчилик қиларди.

Устма-уст уриб турган шамол дарахт баргларини шитирлатар, ёш дарахт таналарини тебратиб қисирлатар ва хиёбонлардан нам япроқларни учириб юрарди. Ёмғир ёғмоқда, ёмғир ҳам эмас, қандайдир майда бир нарса ёғмоқда, лойқа каби қоп-қора булутли осмон пастак кўринади, шундай бўлса-да бу лойқа булутлар орасидан ойми ё юлдузларми кўрингандай бўлиб кетади, дарахт туплари ҳам қоп-қора ва лойқа бир тусда ғира-шира кўзга ташланади, уларнинг нам тортган четлари эса осмон билан туташиб, гўё осмонда эриб йўқ бўлиб кетаётгандай туюлади.

Мактабнинг гиштин биноси билан ёзлик театрнинг ёғочдан қилинган ва ҳувуллаб ётган юксак биноси хиёбоннинг икки чегида худди юксак қоядек, бир-бирига қараб туради.

Ҳамма тугмалари қадалган узун, қора пальто кийган Фомин ёқаларини кўтариб олиб, иккала бино олдида у ёқдан-бу ёққа юриб турарди, гўё занжирга боғлаб қўйилгандек, паркининг ичкарисига кирмас эди. Ора-сира ёғоч дарвоза арки тагида тўхтаб, устунга суяниб турарди. Шундай алпозда устунга суяниб, Садовая кўча бўйлаб қоронғиликка қараб турган бир пайтда алакамининг кучли қўли орқадан келиб туриб хиқилдоғидан

шундай сиқиб бўғиб қолдики, Фомин ҳатто ғиқ деёлмай қолди; сўнгра қўл унинг гавдасини орқага буккан эди, умуртқаси қирс этиб кетди, сўнгра ерга йиқилди. Шу онда гавдасига бир неча кишининг қўллари ёпишганини сизди. Бир қўл ҳамон бўғзидан сиқиб турарди, иккинчи бир қўл бурнини худди омбир билан қисгандай қисиб турар эди, энтикиб очилиб-ёпилиб турган оғзига аллаким латта тикди ва унинг бутун энгагини жағлари билан қўшиб туриб, дағал сочиққа ўхшаган нарса билан танғиб ташлашди.

Ҳушига келиб қараса, қўл-оёқлари чамбарчас боғланган ҳолда дарвозанинг ёғоч арки тагида ётибди, тепасида гўё қоп-қора дуға кесиб ташлангандай, туман қоплаган ва лойқа осмон пастак кўриниб турибди.

Юзлари қоронғида кўринмаган бир неча қора гавдали кишилар унинг икки ёнида қимири ётмай турар эдилар.

Кишилардан бири, сарв қомати қоронғи тунда яққол кўришиб турган бир кимса, дарвоза орқасига қараб турди-да, паст овоз билан деди:

— Энг боп жой — шу ер.

Кичкинагина, ориққина бир бола, ориқ билаклари ва тиззалари билан арканинг тепасига тирмашиб чиқди-да, унинг қоқ ўртасида бирмунча вақт алланималар қилиб турди, бирдан Фомин ўзининг тепасида, баландликда йўгон арқон сиртмоғини кўриб қолди, сиртмоқ осмоннинг хира ёруғида чайқалиб турар эди.

— Двойной қилиб маҳкам боғла,— деди кепкасининг кози-рёғи осмонга қараб турган каттароқ бир бола, шиддатли бир овоз билан.

Фомин бу овозни эшитди-ю, ўзининг «шанхай»даги гултуваклар билан безатилган уйи, стол ёнида ўтирган қора сепкил юзли забардаст киши ва мана шу бола дарҳол кўз олдига келди. Игнат Фоминнинг чувалчанг янглиғ узун ва бесўнақай гавдаси ҳўл кўкатлар устида тўлғана бошлади. У ётган еридан судрала-судрала анча нарига бориб қолган эди, матрос бушлатига ўхшаш куртка кийган, пакана, қўллари зўр ва яғрини кенг бир киши Фоминни оёғи билан туртиб, яна бояғи ерга думалатиб қўйди.

Фомин бу одамнинг полицияда бирга ишлаган ва кейин ҳайдалган Ковалёв эканлигини таниди. Ковалёвдан ташқари, дирскцион шофёрларидан бирини ҳам таниди, бу кучли, яғрини кенг йиғит бўлиб, уни бугун навбатчиликка югуриб кета туриб

сигареткасини тутантиргани йўл-йўлакай арапча ров кирганда кўрган эди. Узи шу ҳолатда ётганлигига қарамасдан, Фомин дирекцион машиналари жуда кўп аварияга учраб турарди, немис маъмурияти ҳам бу тўғрида кўп шикоят қилиб келар эди, бу аварияларнинг асосий сабабчиси шў шофёр бўлса керак, албатта маълумот бериб қўйиш керак деб ўйлади. Лекин шу пайтда тепасида арманча талаффуз билан тантанали суратда сўз бошлаган паст овозни эшитди:

— Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи номидан...

Фомин дарров тек бўлди ва кўзини осмонга қаратган эди, тепасида, ғира-шира ёруғ осмон фонида, йўғон арқон сиртмоғи ҳам дарвоза аркасининг ёғочини, оёқлари билан қучиб, пастга қараб ўтирган ориқ болани кўрди. Арманча талаффузли товуш жим бўлди. Фоминни шундай бир даҳшат босдики, яна жонжаҳди билан ерда тўлғана бошлади. Бир неча киши кучли қўллари билан уни ердан кўтарди-да, тикка-тик қилиб турғизиб қўйди, арка тепасида ўтирган бола эса, унинг жағларини сиқиб тутиб турган сочиқни ечиб бўйнига сиртмоқ солди.

Фомин оғзидаги латтани чиқариб ташлашга уринди, бирikki марта талвасаланиб типирчилади-да, кейин ҳамма тугмалари қадалган қора узун пальтода, оёғи ерга тегмай, осилганича қолди. Ваня Туркенич унинг юзини Садовая кўчага буриб қўйди-да, Игнат Фомин қайси жиноятлари учун қатл этилгани ёзилган қогозини тўғноғич билан кўкрагига қадаб қўйди.

Кейин ҳамма уй-уйига тарқалиб кетди, фақат Радик Юркин Жораларникига ётгани кетди.

— Кайфинг қалай?— қоронғида кўзлари ялтираб сўради Жора Радикдан. Радик дағ-дағ титрарди.

— Жуда уйқум келиб кетди... Мен эрта ётиб ўрганганман-да,— деди Радик ва сокин, мўмин кўзлари билан Жорага қаради.

Серёжка Тюленин парк дарахтлари тагида хаёлга чўмиб турар эди.

Фоминникида кўрган забардаст ва меҳрибон қиёфали кишини Фомин немис маъмурларига тутиб берганини эшитган кунни қилган аҳди мана ахир амалга ошди. Серёжка ҳукмнинг ижро этилишини қаттиқ туриб талаб қилиш билан бирга, бутун жисмоний ва руҳий кучини бу ишга сарф этди, оқибат муродига етди. Унинг қалбида мамнунлик ҳислари, омади келганидан хурсандлиги, кечикиб келган сўнгги қасос туйғулари, чарчашлик, иссиқ сув билан ювиниш иштиёқи бир яқин дўсти билан барг-

ларнинг шитирлаши каби, ариқдаги сувнинг жилдираши ёки чарчаган кўзларга офтоб нурлари тушгани каби, секин ва ширин суҳбатлашиб ўтириш истаги бири бирига қўшилишиб жавлон урарди.

Шу топда Ваня билан бирга ўтирган бўлса-ку, қандай бахтиёр бўлар эди-я. Лекин бундай бемаҳал кечада, онаси ва синглиси борида уникага киришга сира-сира ботиномас эди. Ин-жайкейин, Валянинг ўзи ҳам шаҳарда эмас, у Краснодон посёл-касига кетган эди.

Шундай бўлдики, осмондан аллақандай майда бир нарса ёғиб турган хира ва ғайри табиий бир кечада совуқдан дилдира-ган, қўйлаклари шалаббо ҳўл, оёқлари лой Серёжка Тюлений келиб Ваня Земнуховнинг деразасини қоқди.

Улар деразалари қора одеял билан тўсилган ошхонада, жин-чироқ ёругида ўтирардилар. Чироқ шитирлаб ёнар, плитада кат-та тунука чойнакда сув иситилмоқда,— Ваня ўртоғини иссиқ сув билан ювинтирмоқчи бўлди, яланг оёқларини чапиштириб ўтирган Серёжка эса печка ёнидан нарига силжигиси келмай ўтирарди. Деразаларга шамол келиб урарди, шамолнинг гувил-лаши, ёмғир томчиларининг деразага келиб, урилиши ҳатто жинчироқ милтиллаб турган ошхона ичида ҳам даштда ёлғиз қолган йўловчининг шўри қурсин, бу иссиққинада сиз икки дўст ҳузур қилиб ўтирибсиз, дегандек туюларди.

Кўзига кўзойнак таққан, яланг оёқ Ваня ҳирқи ва йўгон товуш билан дерди:

— Бутун оламни қор бўрон қамраб турган бир пайтда унинг шу кичик кулбада ўтиргани, ёнида фақат энагаси Арина Родио-новна ўтиргани сира кўз олдимдан нари кетмайди...

Бўрон увиллайди; энага чарх йигириб ўтирибди, чарх чувил-лайди, печкада олов шитирлайди. Мен уни жуда яхши сезиб ту-раман, чунки мен ҳам қишлоқда ўсиб катта бўлганман-да, ўзинг биласан-ку. Ойим ҳам сенинг ойинг каби, мутлоқ саводсиз... Ўзимизнинг кулбамиз ҳам кўзим олдидан кетмайди. Олти яшар боламан, печканинг тепасига чиқиб ётиб олганман, Саша акам мактабдан қайтиб келиб шеър ўқимоқда... ё бўлмаса подадан қўйларни ҳайдаб келишган бўлади, мен бўлсам бир қўйни от қилиб миниб олиб, лапоть билан уриб чуқрайман, қўй мени йиқи-тиб, қочиб кетади...

Ваня бирдан уялиб кетди, жим ўтирди, сўнгра яна гап бош-лади.

— Албатта, ёру биродарларидан битта-яримтаси келиб қол-

са ўзида йўқ қувониб кетарди... Пушчиннинг келгани эсимда. Бирдан жаранглаган қўнгироқ овозларини эшитиб қолади. «Ким бўлса? — деб ўйлайди. — Жандармлар бўлмасин тагин?» Йўқ, унинг қалин ва қадрдон ўртоғи Пушчин экан... Ё бўлмаса, энагаси билан иккови ўтирибди; қор остида кўмилиб кетган қишлоқ, қоронги уйлар... ахир, у вақтларда тараша ёқиб ўтирардилар-да... «Кўкни бўрон қамради» эсингдами? Эсингда бўлса керак. Уша жойи мени ҳамиша ҳаяжонга солади...

Ваня негадир Серёжканинг олдига келиб тик турди-да, ўқий бошлади:

Фақир ёшлигимнинг азият ҳамроҳи,
Қўлингга қадаҳ ол, ўтмасин кеча;
Ичайлик, ювилсин аламлар доғи,
Зораки кўнгиллар яйраса пича...

Денгиз соҳилида яшар гўзал қиз...
Мунгли эртагини сўйлагил менга.
Тонгда сув бўйига чиққанда ёлғиз
Айтган кўшигини куйлагил менга...

Серёжка шишинқираган лабларини бир оз чўзиб, индамасдан плитага суяниб ўтирарди. Унинг Ваняга тикилган кўзларида жасорат ва меҳр-муҳаббат ифода этади. Плитада турган чойнак қопқоғи тақиллайди, сув шақиллаб қайнайди.

— Энди шеърхонликни бас қилайлик! — деди Ваня, худди уйқудан уйгонгандай сесканиб. — Ечин! Мен сени ўзим бир боплаб ювинтириб қўймасам бўлмайди, оғайни, — вақти чоғ бир кайфиятда дейди у. — Йўқ, йўқ, бутунлай ечинавер, нимадан уяласан! Мочалка ҳам тайёрлаб қўйганман!

Серёжка ечиниб бўлгунча, Ваня чойнакни олди, рус печи остидан таз олиб, табуреткага қўйди, табуретканинг бурчагига бир бўлак бадбўй, кир ювадиган оддий бир олқинди совунни қўйди.

— Бизнинг қишлоқда, Тамбов областида, бир мўйсафид бўларди. Мен сенга айтсам, ўша киши умр бўйи Москвада, Сандупов деган бир савдогар қўлида, ходими бўлиб ишлаган экан, — дейди Ваня, табуреткани миниб, узун яланғоч оёқларини икки ёққа кериб ўтириб. — Ходими деган сўзнинг маъносига тушунасанми? Масалан, дейлик, сен ҳаммомга тушдинг, фараз қилайлик, сен бир бойваччасан ё бўлмаса, чўмилишга эринасан, шунда сен борасан-да, ходими қилдирасан, мўйлови шопдай ходими сени ишқалай бошлайди, тушуняпсанми? Уша чол, умримда ҳаммаси

бўлиб камида бир ярим миллион одамни ювинтирганман дерди. Сен нима деб ўйлардинг? Бу билан фахрланарди, — шунча одамни ювиб тозалаш осонми? Ахир, инсон боласини биласан-ку, бир ҳафтадан кейин яна кир босиб кетади!

Серёжка тиржая-тиржая кўйлак-лозимини ечди-да, тазга сувни иссиқроқ қилиб чапиштирди, дағал сочлари жингалак бошини ҳузур қилиб сувга ботирди.

— Уст-бошинг жуда жойида-ку, — деди Ваня, Серёжканинг ҳўл кийимларини плита тепасига ёятуриб. — Меникидан ҳам баттар экан... тартиб-қоидани билар экансан, қараб турсам. Мағзавани мана бунга, ҳаром челака тўк-да, яна бир марта юв, кўрқма, сув сачраса сачрайверсин, кейин артиб ташлайман.

Бирдан унинг юзида қўполгина, айни вақтда итоаткорона бир кулимсираш пайдо бўлди; у бўйини янада букчайтирди-да, ориқ ва узун қўлларини пагтага осилтирди, қўллари огир га шишгандай бўлиб кўринди, шундан кейин овозини янада йўгонроқ қилиб:

— Қани, орқаларини бир ўгирсинлар, бойвачча, елкангизини бир ишқалаб қўй...— деди.

Серёжка индамасдан мочалкани кўпиртирди, ўртоғига қияроқ қилиб қараб, пиқ этиб кулди. Мочалкани Ваняга бериб, ўзи икки қўлини тубуреткага тиради-да, офтобда қорайиб кетган ориқ, лекин умуртқалари бўртиб чиққан мускулли елкасини Ваняга тутди.

Кўзи ожиз Ваня Серёжканинг елкасини билар-билмас ишқай бошлади, Серёжка эса бирдан пайдо бўлган баринлик оҳангда қойий бошлади:

— Ҳа сенга нима бўлди, оғайни? Кучинг қолмадими дейман? Ё дангасалигинг тутдими? Сендан рози эмасман, оғайни...

— Овқат масаласи чатоқ! Ўзингиздан ўтар гап йўқ, бойвачча!— йўғон ва гуноҳкорона жиддий бир овоз билан жавоб қилди Ваня.

Шу пайтда секин эшик очилди ва гардиши мўғиз кўзойнак таққан, енглари шимарилган Ваня билан елкаси совунланган Серёжка қайрилиб қарашди, эшикда Ванянинг отаси ички кўйлак-лозимда уларга қараб турар эди. Баланд бўйли, ориқ ота, боя Ваня қилиб кўрсатгандай огир қўлларини пагтага осилтириб, ниҳоятда оқиш кўзлари билан йигитларга қараб турар эди. Бир мунча вақт шу алпозда турди-турди-да, ҳеч нарса демасдан, эшикни ёпиб қайтиб чиқиб кетди. Унинг йўлакдан яланг оёқларини судраб ичкари кириб кетгани эшитилиб турди.

— Хавфдан омон қолдик,— бамайлихотир деди Ваня. Лекин Серёжканинг елкасини энди аввалгидай ғайрат билан ишқаламас эди.— Чой пули тегар дейман, бойвачча!

— Худодан сўра!— деб жавоб қилди Серёжка, ходимиларга шундай дейиладими, йўқми,— билмасдан. Кейин бир хўрсинди.

— Шунақа... Сени-ку билмайман-а, лекин оталар ва оналаримиз билан ҳали кўп қийновларга учраймиз,— жиддий бир қиёфада туриб деди Ваня, ювиниб бўлгач, юзлари қип-қизил, сочларини тараган Серёжка яна плита олдидаги стол ёнига келиб ўтиргач.

Лекин ота-онаси билан бўладиган қийинчиликлардан Серёжка қўрқмас эди... У хаёл парижонлик билан Ваняга қаради.

— Бир энлик қоғоз билан қалам топиладими? Мен энди кетай. Лекин баъзи бир нарсани ёзиб олишим керак,— деди у.

Кўзи ожиз Ваня ўзини ошхонадан зарур бир нарсани қидираётганга солиб тураркан, Серёжка қуйидаги хатни ёзди:

«Валя, сенинг ёлғиз ўзинг кетганинг учун мен шунчалик қийналарман деб ўйламаган эдим. Нуқул: сенга нима бўлди деб ўйлаганим-ўйлаган. Кел, энди бундан буён бир-биримиз билан ажралишмайлик, ҳамма нарсани бирга қилайлик. Валя, башарти мен ҳалок бўлиб кетсам, сендан бир нарсани сўрайман: менинг қабрим тепасига кел-да, аччиғ билан эмас, меҳрли бир сўз билан хотирлаб қўй».

Яланг оёқ ҳолича яна ҳамма «шанхайча»лар, жарликлар ва ўнқир-чўнқирлардан ўтиб, ув тортувчи кучли шамол ва баданни музлатувчи ёгин остида паркка қайтади, ундан Деревянная кўчасига ўтади ва тонг ёришай деган маҳалда ушбу хатни Валянинг синглиси Люсяга беради.

ҚИРҚ ИККИНЧИ БОБ

Булутли эрта тонг маҳалида спортча чувак кийган семизгина кичкина оёқлари билан ялтироқ ва нам йўлдан илдам-илдам кетиб борувчи Наталья Алексеевна билан бирга дашт ҳузурини қилиб бораётган Валянинг таъбини «Ойим-чи, ойим нима бўлади энди?» деган фикр гаш қилар эди.

Хавф-хатарли биринчи мустақил топшириқку-я, лекин онаси-чи... Валя, Наталья Алексеевнаникига бир неча кун меҳмон бўлиб келмоқчиман холос, деган гапни онасига мустақил бир ифода билан айтганда онасининг қизига қараб қўйганини айт-

майсизми! Эндиликда, отаси кетиб қолиб, онаси ёлғиз қолган бир маҳалда, қизининг бу худбинлиги онанинг кўнглига қандай қаттиқ теккан экан!.. Борди-ю, онасининг кўнглига бирон шубҳа тушган бўлса-чи?..

— Мен сиз билан таништирмоқчи бўлган Тося Елисеенко — ўзи ўқитувчи, ойимга қўшни бўлади, тўғрироғи — Тося билан унинг онаси ойим билан икки хонали квартирада туришади. Ўзбошимчароқ, жуда продаси зўр қиз, сиздан ёши анча катта, очигини айтсам, унинг олдига соқолдор подполчи ўрнига кўҳликкина бир қизни бошлаб келганимни кўриб, анча хижолатга тушиши ҳам мумкин, — дерди Наталья Алексеевна, ўз одати билан сўзларини аниқ, маъноли қилишга тиришиб ва бу сўзларнинг ҳамсуҳбатига қанчалик таъсир ётиши билан ҳеч қизиқмай. — Серёжкани мен яхши биламан, фикр-мулоҳазали бола, маълум масалаларда ўзимдан ҳам кўра унга кўпроқ ишонаман. Модомики Серёжа сизни район ташкилотидан деб танитдим, демак айтгани тўғри. Мен сизга ёрдам қилмоқчиман. Башарти Тося сиз билан очиқ-ошкор гапиришмаса, Коля Сумскойга мурожаат этинг; Тосянинг унга муомала-муносабатларига қараганда, уларнинг каттаси — ўша, бунга мен аминман. Рост-рўйини айтганда, улар ораларидаги муносабатни Тосянинг ойсига ва менинг ойимга ишқий муносабатдай кўрсатишга тиришадилар, лекин ишим кўплигидан ўз ҳаётимни ҳали йўлга сола олмаган бўлсам-да, ёшлар ўртасидаги муносабатларнинг қанақалигига ақлим етади. Шунини яхши биламанки, Коля Сумской Лида Андросова деган бир қизни яхши кўради, жуда танноз қиз, — деди Наталья Алексеевна, унинг ўша қизни ёқтирмаслиги сезилиб турарди. — Лекин Лида Андросова ҳам шубҳасиз, ташкилот аъзоси, — деб илова қилди Наталья Алексеевна, адолат юзасидан. — Башарти Коля Сумскойнинг район ташкилоти билан шахсан алоқа боғлаши зарур бўлиб қолгудай бўлса район биржасининг врачани вазифамдан фойдаланиб, икки кун ишга чиқмаслик тўғрисида ҳужжат қилиб бераман; у аллақанақа кичкина шахтада ишлайди, аниги — парма бурайди...

— Сизнинг қогозларингизга немислар ҳам ишонадими? — деб сўради Валя.

— Немислар! — деб хитоб қилди Наталья Алексеевна. — Улар ҳар қандай қогозга ишонадигина эмас, агар расмий киши томонидан ёзилган бўлса — дарҳол бўйсунадилар ҳам... Бу шахтанинг маъмурияти — ўзимизники, руслар. Рост, ди-

ректор ёнида ҳар ердагидек, техника командасидан бир аблаҳдан ўтган аблаҳ ефрейтор ҳам бор. Биз руслар ҳаммамиз уларга бир хил одам бўлиб кўринамиз, улар ҳеч кимни бир-биридан ажрата олмайди, ишга ким чиқди-ю, ким чиқмади — билмайди.

Ҳамма иш худди Наталья Алексеевна айтгандек бўлди. Қазарма тахлитдаги катта-катта иморатлари тарқоқ, улкан терриконлари қоп-қора, копёрлари ўлик ҳолда ётган, бирон қаққайган дарахти йўқ бу хунук ва бефайз посёлкада шу посёлка кишилари ўртасида икки кун туриб қолишга тўғри келди; узун ва қора киприклари, олтин янглиғ ўрим-ўрим сочлари ортида «Ёш гвардия»нинг қудратли кучи, обрўйи борлигини бу кишиларга тушунтириш қийин эди.

Наталья Алексеевнанинг ойиси посёлканинг ҳаммадан олдин қурилган обод ва бир неча хуторлар бирлашиб кетишидан ҳосил бўлган қисмида турар эди. Бу тарафдаги уйларнинг олдида кичик-кичик боғчалар ҳам бор эди. Лекин, боғчалар ҳозир сўлиб-сарғайиб ётар эди. Яқинда ёмғир ёғиб ўтганидан кўчаларнинг кўп ери тиззагача лой бўлиб, бу лойнинг қишгача шу куйи қолиши турган гап эди.

Шу кунларда аллақандай румин ҳарбий қисмлари посёллок орқали Сталинград томонга бетўхтов ўтиб турар эди. Ориқ отлар кўшилган тўп ва арвалари соатлаб лойга ботиб турар, овозлари дашт волинкалариңиң овозига ўхшаган ездвойлар бутун посёлкага жар солиб русча сўкинар эди.

Тося Елисеенко, тўладан келган қоп-қора кўзлари эҳтирос ҳарорати билан тўлган йигирма уч ёшлар чамасидаги бу украин қизи Валяга адил қараб туриб район яширин ишлар марказини гуноҳқор деб биламан, у Краснодар каби шахтёрлар посёлкасини назар писанд қилмади, деди. Нима сабабдан раҳбарлардан биронтаси шу маҳалгача Краснодар посёлкасига бир бор келиб кетмади? Нима сабабданки, бизнинг илтимосимизга мувофиқ, қандай ишлаш кераклигини ўргата оладиган масъул кишини юборишмади?

Валя ўзининг яширин район комитети раҳбарлиги остида ишловчи ёшлар ташкилоти «Ёш гвардия» вакилигина эканлигини билдирди.

— Нима учун «Ёш гвардия» штаб аъзоларидан биронтаси келмади? — деди Тося шиддатли кўзларини чақнатиб туриб. — Бизнинг ташкилотимиз ҳам ёшлар ташкилоти, — деди кибр билан.

— Мен — штабнинг вакили бўлман, — деди кибр билан Валя, қип-қизил тепа лабини қўтариб, — қали бирон кўзга кўринарли иш қилмаган ташкилотга штаб аъзосини юбориш шошқалоқлик бўларди ва конспирацияга хилоф бўларди... агар бу масалада бирон нарсага тушунсангиз, — деди Валя.

— Кўзга кўринарли бирон иш қилмади? — дарғазаб бўлиб хитоб қилди Тося. — У қанақа штаб экан, ўз ташкилотларининг ишидан беҳабар бўлса? Биз ҳеч танимаган кишига ташкилот фаолиятини гапириб бериб, мен аҳмоқ бўлганим йўқ.

Агар Коля Сумской бўлмаганда, вҳтимол, бу кўҳлик ва кибрли икки қиз бирон мурсога келолмас эди ҳам.

Тўгри, Валя унинг номини тилга олганда Тося ўзини бундай кишини танимасликка солди. Лекин Валя, Сумскойнинг ташкилот раҳбари эканлигини «Ёш гвардия» билишини ва агар Тося у билан учраштириб қўймаса, уни ўзи қидириб топишини совуқ бир овоз билан дангал айтди.

— Ажаб, уни қандай излаб топар экансиз, — деди Тося унинг товушида бир оз хавотирлик сезилди.

— Жуда бўлмаса Лида Андросовадан сўраб топарман.

— Лида Андросованинг сизга мендан бошқача муносабатда бўлишига ҳеч қандай асос йўқ.

— Ундай бўлса яна ёмон... Мен уни ўзим қидиришга тушаман ва адресни билаганим сабабли тасодифан уни тутиб беришим ҳам мумкин.

Шундан кейин Тося Елисеенко бўшашди.

Улар Коля Сумскойникига келишлари билан ҳамма иш бутунлай бошқача бўлиб кетди. Сумской посёлканинг энг четида, қишлоқчасига қурилган каттагина уйда турарди, уй ортидан дала-дашт бошланиб кетар эди. Отаси илгари шахтада аравакаш бўлиб ишларди, уларнинг уйидаги ҳамма тирикчиликлари деярли қишлоқча эди.

Катта бурунли, бугдой ранг, юзида запорожьелик ота-боларидан мерос бўлиб қолган жасурлик ва айёрлик, айни вақтда ҳақгўйлик ифода этган ва шу билан бирга уни жозибадор қилиб кўрсатиб турган Сумской, Валянинг кибрли, Тосянинг эса эҳтиросли гапларини кўзларини қисиб туриб тинглади-да, бир сўз демасдан қизларни уйдан ташқарига таклиф қилди. Қизлар унинг кетидан нарвон билан чордоққа чиқишди. Чордоқдан бир гала каптар гув этиб учди, каптарларнинг баъзилари Сумскойнинг елкаларига, бошига келиб қўнди ва қўлларига ҳам қўнмоқчи эди, Сумской худди қолипда ясал-

гандек, кўз қамаштиргудек ялтироқ ва ўз оти билан оппоқ чин каптарга қўлини тутди.

Чордоқда ўтирган гавдаси геркулес гавдасидек келадиган бир йигитча бегона қизни кўриб уялиб кетди-да, олдида ётган бир нарсани дарҳол похол билан ёпиб беркита бошлаган эди, Сумской, хотиржам бўл, дегандай ишора қилди. Геркулес жилмайди, похолни яна очиб ташлади, Валянинг кўзига радиоприёмник чалинди.

— Володя Иданов... Валя. Нотаниш — шундай деймизми? — кулмасдан деди Сумской, елкалари, боши ва қўллари гувур-гувур каптарлар билан тўлган ҳолда.— Тося, Володя ва қаминангиз ташкилотимизнинг раҳбар учлиги — шу уч киши бўлади.

Улар Сумской Валя билан бирга шаҳарга бора олиши ё бора олмаслиги тўғрисида сўзлашаркан, Валя геркулеснинг ўзига қараб турганини сезарди ва бу қараш уни уялтирар эди. Ёш гвардиячилар орасида Валя Ковалёв деган азамат бир йигитни танирди, Ковалёв ниҳоятда зўр ва меҳрибон бўлгани учун уни шаҳар четидагилар «пошшо» деб аташарди. Лекин бу йигитнинг юзи ҳам, бутун гавдаси ҳам ниҳоятда бир-бирига мос, келишган эди, бўйни эса худди бронзадан тарашлаб ясалгандай кўринарди, унинг бутун юриш-туришида сокин ва ажойиб гўзал бир куч барқ уриб турарди. Нима учундир Валя бирдан ориқ, яланг оёқ Серёжкани эсига келтирган эди, қалбини аллақандай бахтли, ҳузурли бир нарса тилиб кетгандай бўлди, шу билан бирдан жим бўлиб қолди.

Уларнинг тўртови чордоқ лабига келишди, Коля Сумской бирдан чин каптарни қўлига олди-да, баландга, майдалаб ёгаётган осмонга кучининг борича отиб учириб юборди. Елкасида ўтирган каптарлар ҳам пириллаб учиб кетди. Каптарларнинг парвозини ҳаммалари чордоқ деразасидан томоша қилиб туришди. Тикка осмонга кўтарилган чин каптар гўё енгил пат сингари, осмоннинг олисарида кўздан ғойиб бўлди.

Тося Елисеенко завқ-мароқдан чинқириб чапак чалиб юборди, у шу қадар севинар, мароқланар эдики, чинқириб юборганига қараб бошқалар ҳам кулиб юборишди. Унинг кўзларида ва овозида ифода топган бахт туйғуси уларга: «Сизлар мени бемеҳр, ёмон деб ўйлайсизлар, қаранглар, мен қандай меҳр-муҳаббатга тўлган қизман!» дегандай туюларди.

Валя билан Коля Сумской иккови шаҳарга йўл олганда тонг ёришиб қолган эди. Осмон кечаси очилиб кетган, офтоб

эрталабданоқ қизий бошлаган, ҳамма ёқ қуриб қолган өди. Тўрт томонга қараб кетган бепоеён дала-даштнинг кўкатлари қуриб-қовжираб ётган бўлса-да, илк куз манзараси одамга кучли мароқ ва ҳузур бағишлайди. Кўкда оппоқ меёнлар сузиб юради. Немис транспорт самолётларининг товуши бутун осмонни кўтаргудек,— улар ҳамон Сталинград томонга учиб кетмоқда,— кейин яна атроф-теваракка жимлик чўкади.

Улар ярим йўлни босгач, икковлари бир адир бағрида ўзларини офтобга солиб дам олгани ётдилар. Сумской тамаки чекди.

Бирдан уларнинг қулогига шундай бир таниш, жонажон қўшиқ янграб эшитилдики, унинг куйи Валя билан Сумскойнинг қалбларида дарҳол акс садо бўлиб янграй бошлади. «Қора тепалар уйқуда...» Донец қирларида туғилиб ўсган ўсмирларга бу қўшиқ ниҳоятда яқин ва дилбар эди, лекин эрта тонг маҳалида бундай ажойиб қўшиқ бу ерда қаёқдан пайдо бўлди?.. Валя билан Коля бошларини тирсақларига тираб ётишаркан қўшиқ сўзларини дилларида такрорлар, қўшиқ эса борган сайин уларга яқинлашиб келарди. Қўшиқни икки киши, эркак билан аёл киши,— овозларини барала қўйиб, бутун олами-жаҳонга даъват қилаётгандай, айтиб келмоқда эди:

Кун нурида қовурилган
Тепалар ухлаган тун,
Сузаркан булут тахлит
Туман кўкда кетма-кет.

Суронли чакалаклар,
Кўм-кўк далалар кезиб,
Донец чўлига чиқар
Навқирон йигит.

Валя адир четига жадал эмаклаб келди-да, секин мўралаб қаради, кейин белигача кўтарилиб қараб, бирдан кулиб юборди.

Йўлдан Володя Осьмухин синглиси Людмила билан қўл ушлашиб, овозларини барала янгради, шу ашулани айтиб келмоқда эдилар.

Валянинг ёшлиги тутиб кетди-да, тепаликдан пастгағизиллаганича югуриб кетди. Ҳеч нарсага таажжубланмаган Коля Сумской секин унинг кетидан кетди.

— Ҳа, йўл бўлсин?

— Қишлоққа, бобомизаникига. Нон-шон топиш илинжида кетяпмиз. Орқангдан эргашиб келаётган ким?

— Узимизнинг йигитлардан, Коля Сумской, шу посёлкалик.

— Сен билан яна бир хайрихоҳни, туғишган синглимни таништириб қўйишим мумкин. Ҳозир мана шу даштдан кела туриб, очиқ-ойдин гаплашиб олдик,— деди Володя.

— Валя, ўзингиз бир ўйлаб кўринг; мени-ку ҳаммалари яхши билишади, ўз акам бўла туриб мендан ҳамма гапни яшириб юради-я, бу чўчқалик эмасми? Мен ҳамма гапдан, ҳатто босмахона ҳарфларини, ҳарф ювадиган аллақандай мойларни уйга беркитиб қўйганидан, ҳарфларнинг ярмини ювиб, ярмини ҳали ювмаганидан хабарим бор, ҳаттоки бугун бирдан... Валя! Бугун нима бўлганини биласизми? — бирдан овозини баланд қилиб деди Люся ва ёнларига яқин келган Сумскойга қараб қўйди.

— Ошиқма,— жиддий қиёфада деди Володя.— Бизнинг механика цехимиздагилар ўз кўзлари билан кўришибди, воқеани ҳам ўшалар айтиб беришди... Хуллас, бундай бўлган: улар паркдан ўтиб кетаётиб, қора пальтоли бир кишининг парк дарвозасида осиглиқ турганини кўриб қолишибди, кўкрагига қандайдир қоғоз ҳам ёпиштирилган эмиш. Олдинига улар, немислар яна бизнинг кишилардан биронтасини осиган деб ўйлашибди, яқинроқ бориб қарашса — Фомин экан. Биласан-ку, Фомин деган бир аблаҳ полицаёй бор эди! Қогозга: «Бизнинг кишиларимизга хоинлик қилган ҳар кимсани худди шу тарзда ўлдирамиз!» деб ёзилган экан, холос. Тушундингми? — деб шипшиди Володя.— Чинакам иш деб мана буни айтадилар,— деди у.— Куппа-кундуз икки соатча осиглиқ турибди! Унинг қоровуллик қилиб турган жойи шу ер экан-да, яқин-атрофда бошқа полицаёй йўқ бўлса керак. Бориб кўрмаган одам қолмабди, бугун шаҳарда ҳамманинг оғзида шу гап.

Игнат Фоминни қатл этиш ҳақида гитабнинг қарор чиқарганини на Володя, на Валя билар эди, бундай қарор чиқариш мумкинлиги ҳатто уларнинг хаёлига ҳам келмаган эди. Шунинг учун Володя, Фоминни яширин большевиклар ташкилоти осиб ўлдирган деб ўйлаган эди. Лекин бирдан Валянинг юзи бўздек оппоқ оқариб кетди: бу иш бир кишининг қўлидан келишини у биларди.

— Билмадингми, бизнинг болаларнинг ҳаммаси омонми?

Ҳеч кимга зарар тегмадими?— деб сўради, у титраганидан лаби-лабига тегмай.

— Хотиржамлик! — деди Володя.— Ҳеч зот билмайди, хотиржамлик. Лекин, мени айтмайсанми, уйимиз тўс-тўполон... Ойим, итваччани сен осгансан, сени ҳам бир кунмас, бир кун осиб ўлдиришади, дейди менга нуқул... Шундай дея берганидан кейин Люскани шошилтирдим: «Ойимнинг қулоғи оғир, иситмалаб турибди, яхшиси тезроқ бувимизникига жўнаб қолайлик!» дедим.

— Коля, кетдик,— деди Валя, бирдан Сумскойга қараб. Шаҳарга етиб олгунча Валя шу қадар илдам юридики, ҳам-роҳини чарчатди, Валянинг кайфи нима сабабдан бирдан ўзгариб кетганини Сумской билмас эди. Ана, Валя пошналарини гурсиллатиб ўз уйининг зинасидан югуриб чиқди. Унинг кетидан хижолатланган Сумской овқатхонага кирди.

Тўла гавдасини таранг тортиб турган қора кўйлакли Мария Андреевна билан олтин сочлари елкаларига тушиб турган ва ранг-рўйи оппоқ оқарган миқтигина Люся овқатхонада худди тўйга келган кишилардек, рўпарам-рўпара жиддий қиёфада ўтирар эдилар.

Мария Андреевна катта қизини кўриши биланоқ ўрнидан сакраб турди, бир нима демоқчи бўлган эди, нафаси тиқилиб қолди, қизига ташланди, бир он гоҳ қизига, гоҳ Сумскойга шубҳали назар билан қараб турди, сўнгра ўзини тутиб туролмай, энтика-энтика қизини ўпа бошлади. Володянинг онаси бошдан нималар кечирган бўлса, ўз онаси ҳам шу нарсаларни бошдан кечирганини Валя энди пайқади: онаси, ўз қизи. Валя Борц, Фоминни қатл этишда қатнашган, унинг бир неча кун йўқ бўлиб кетганлигининг ҳам сабаби шу деб ўйларди.

Валя, эшик олдида хижолатда турган Сумскойни ҳам унутиб, «Сенга нима ҳам дея олардим, нима?» деган бир ифода билан онасига қараб турар эди.

Шу пайтда унинг ёнига кичкина Люся индамасдан келди, қоғоз узатди, Валя ғайри ихтиёрий равишда қоғозни очди, ҳатто хатни ўқимасданоқ кимнинг хати эканлигини таниди. Унинг бугдой ранг ва йўл чанги босган юзини болаларча бахт ифодаси ёритди. Валя ял етиб Сумскойга қаради, ҳатто бўйни ва қулоқлари ҳам лоладек қип-қизариб кетди. Валя ойисининг қўлидан ушлади-да, нариги уйга судраб олиб кириб кетди.

— Ойи! — деди у.— Ойи! Сен ўйлаган нарсанг,— бари бўлмағур гап. Лекин менинг, ўртоқларимнинг фикри-эикри нималигини наҳотки кўрмасанг, сезмасанг? Наҳотки бундан бошқача яшай олмаслигимизни тушунмасанг? Ойи! — дерди бахтга тўлиб-тошган, қип-қизарган Валя, ойисининг юзига тикка қараб.

Мария Андреевнанинг тўлиқ юзи бирдан докадек оқариб кетди, унинг чеҳраси ҳатто қандайдир илҳом ифодаси билан тўлди.

— Қизим! Худо ёрлақасин! — деди бутун умри мактабда ҳам, мактабдан ташқарида ҳам динга қарши таълим ўргатиб келган Мария Андреевна.— Сени худонинг ўзи ёрлақасин! — деди-да, йиғлаб юборди.

ҚИРҚ УЧИНЧИ БОВ

Ўз фарзандларининг руҳий дунёсини билмаган, лекин уларнинг махфий, сирли ва хавфли ҳаракатга тортилганликларини кўра туриб, бу хатти-ҳаракатларнинг қандай ва нима эканлигини била олмаган ва буни тақиқ этишга ожиз бўлган ота-оналарга қийин.

Отасининг нонушта вақтидаёқ қош-қовоғини солиб ўтиричидан Ваня, жанжал бўлиши муқаррарлигини сездди. Ҳақиқатан ҳам, кўчадаги қудуққа сувга чиққан Нина, Фоминнинг қатл этилиши овозасини, бу ҳақдаги миш-мишларни олиб келганда, жанжал бошланиб кетди.

Отасининг ранг-рўйи ўзгариб кетди, чакка томирлари бўр-тиб чиқди.

— Бу тўғридаги... ахборотларни... уйда ўтириб ҳам яхшироқ билармиз дейман,— бундай аломат сўзларни у кўп ишлатиб турарди.— Нега чурқ этмайсан? Гапир. Ахир, сен уларга яқинроқ турасан-ку,— деб заҳарханда қилди ота.

— Кимга яқинроқ дейсиз? Полициягами? — Ванянинг ранги оппоқ оқариб деди.

— Тюленин кеча нимага келган эди? Кўчада юриш тақиқ этилган бемаҳалда?

— Тақиқ-пақиғига ким қарайди? Нинангиз кечалари хуштори билан учрашгани кўчага чиқмайди дейсизми? Шундай, гапиришиб, гурунглашиб кетгани кепти, энди келиши эмас-ку!

— Елгон гапирма!— ўкира бошлади ота, қўлини пахса қилиб, столни бир урди.— Турмага тушгинг келиб қолдимми? Агар у жонидан тўйган бўлса тўйгандир, лекин биз, сенинг отанг билан онанг, нима сабабдан балога йўлиқишимиз керак?

— Сен бошқа нарсани гапиряпсан, дада!— деди Ваня ва отасининг ҳадеб столни уриб, «Йўқ, шуни айтяпман!» деб бақаришларига назар-эътибор бермай, стол ёнидан турди.— Сен яширин ташкилотга кирган-кирмаганимни билмоқчисан-ку? Ҳа, шуни билмоқчисан. Йўқ, мен ундай ташкилотга кирган эмасман. Фомин тўғрисида ҳам ҳозир Нинадан эшитиб турибман. Лекин шуни айтишим керакки, жуда соз бўпти, бундан бешбагтар бўлсин, аблаҳ! Нинанинг гапидан эшитиб турибсан-ку, ҳамма ҳам шундай деяпти. Ўзинг ҳам ичингда шундай дейсан. Лекин, мен яширмайман, ростини айтаман: ўз одамларимизга қўлимдан келганча ёрдам бериб турибман. Ҳаммамиз ҳам шундай қилишимиз керак, мен комсомол аъзосиман-ку, ахир! Буни сен билан ойимга айтмай келишимнинг сабаби — сизларни беҳуда ташвишга солмай деган эдим.

— Эшитдингми, Настасья Ивановна? — Ота худди ақлдан оза бошлагандек оқиш кўзлари билан хотинига қаради.— Бизга гамхўр бўлиб қолибди бу киши!.. Сенда уят деган нарса қолмабди! Мен бутун умрим сенларни деб ишладим, меҳнат қилдим... Ун икки оила бир ҳовлида турганимиз, ерда ётиб юрганларимиз эсингиздан чиқибди-да, ҳовлимиздаги болаларнинг ўзи йигирма саккизта эди, эсингда борми? Сизларни, болаларимизни деб онанг билан мен бутун умримиз адо бўлди... Онангга бир қара! Александрни ўқитдик, мулла бўлмади, Нинани ўқитдик — одам бўлмади, қолган-қутганимизни сенга атадик, сен одам бўлармикинсан десак, энди сен бошингни ўзинг тузоққа илинтириб беряпсан. Онангга бир қарагин! Сенинг кўйингда йиғлай бериб, кўз ёши ҳам қолмади-ку! Фақат сен, сен кўрмайсан буларни, холос!

— Хўш, нима қилгин дейсан?

— Ишга кир! Мана, Нина балодай ишляпти-ку, сен ҳам ишла! Нина счетовод бўлса ҳам, қора ишда ишляпти, сен ҳам ишласанг бир нарса бўладими?

— Кимга ишлай? Немисгами? Кишиларимизни кўпроқ қирсин деб ишлайми? Ўзимизникилар қайтиб келсин, ҳаммадан илгари мен бориб ишлайман. Фарзандинг, акам, Қизил Армияда, сен бўлсанг уни тезроқ ўлдирсинлар деб, ҳадеб ме-

ни немисга ёрдамлашгани жўнатмоқчи бўласан! — деди Ваня. газаби қайнаб кетиб.

Улар ўринларидан туриб, бир-бирларига рўпарама-рўпара турар эдилар.

— Жигилдонингга нима ейсан, бўлмаса!— деб бақирар эди ота.— Сен жон куйдириб юрган одамларингдан биттаси каллангни сотиб юборса яхшими? Немисга сотади! Лоақал, ўз кўчамиздаги қўни-қўшниларимизнинг кимлигини биласанми? Кимнинг ичида нима борлигини биласанларми? Мен уларнинг барини биламан! Ҳамманинг ўз гами, ўз дарди, ўз манфаати бор. Фақат сенинггина бошқаларга жонинг куяди!

— Ҳеч бирда!.. Сен давлат мулкани кўчириб юборганингда ўз манфаатингни кўзлаб эдингми?

— Гап менинг устимда эмас.

— Йўқ, гап сенинг устингда! Нега сен ўзингни бошқа одамлардан афзал кўрасан, нима ортиқлигинг бор? — дерди Ваня, бир қўл бармоқларини столга тираб ва кўзойнакли бошини эгиб.— Манфаат эмиш! Ҳар ким ўзига эмиш! Ишдан бўшаб, оладиган ҳаққингни олиб бўлиб, шу ерда қолишингни била туриб, оқибати ёмон бўлиши мумкинлигига кўзинг ета туриб, нега бировларнинг юкини машинага ортишиб бердинг, кечалари ухламадинг, қани, айт-чи? Ушанда қандай манфаатини кўзлаган эдинг? Дунёда ёлғиз ўзим шундайман деб ўйлайсанми? Бу нарса ҳатто оилам нуқтан назаридан ҳам тўғри келмайди!

Бугун якшанба эди, шунинг учун синглиси Нина уйда эди; ҳозир у ўз каравотида қовоғидан қор ёғиб, баҳслашувчиларга қарамай, индамай ўтирар, унинг нимани ўйлаб ўтирганини, ҳаммиша қандай бўлса, ҳозир ҳам билиб бўлмас эди. Эрта кексайган, меҳрибон, мўмингина ва ожиз она, бутун умри дала иши ва ўчоқбоши билан ўтган она, Александр Фёдорович жаҳл устидан Ванюшани оқ қилиб ҳайдамасайди деб, ҳаммадан ҳам шундан қўрқарди. Ота гапирганда унинг ҳовругини босиш учун ялингандай бош силкиб, унинг гапини маъқуллар, ўгли гапирганда эса яна сунъий равишда жилмаяр ва гарчи сен билан мен, икки кекса, ўғлимизнинг маза-бемаза гапиришини билсак ҳам, ҳар ҳолда унинг гапига ҳам қулоқ солиш керак, кел, хафа бўлмай қўя қол, демоқчи бўлгандай, эрига кўз қисиб қўярди.

Ювила бериб нимжон бўлиб қолган косоворотка устидан узун пиджак, қийшайиб ва букилиб қолган кекса оёқларига

туфли кийган, ямоқли тиззалари дўппайиб турган ота уйнинг ўртасида мушларини гоҳ кўкрагига босиб, гоҳ қўлларини ожиз бир ҳаракат билан ёнига тушириб:

— Мен илмдан исбот қидираётганим йўқ, турмушдан қидирялман! — деб қичқириди.

— Илм нимадан келиб чиқади? Турмушдан эмасми?.. Фақат сен эмас бошқалар ҳам адолат шайдоси бўлиб юрибди! — дерди Ваня, ўзига хос бўлмаган тажанглик билан. — Сен бўлсанг ўзингнинг яхши томонларингни кўрсатишдан уяласан!

— Менинг уяладиган жойим йўқ!

— Йўқ бўлса, менинг ноҳақ эканлигимни исбот этиб бер! Бақирганинг билан мени ишонтира олмайсан. Жим бўлишим мумкин, бир гапдан қолишим мумкин, тўғри. Лекин виждоним айтганини қила бераман.

Ота бирдан бўшашди, оқиш кўзлари нурсизланди.

— Мана, кўрдингми, Настасья Ивановна! — деб чинқириб юборди у, — ўстирган ўғлимизнинг аҳволи... Одам қила-қила, энди керагимиз бўлмай қолибди. Адью!.. — Ота иккала қўлини керди-да, орқасига бурилиб, чиқиб кетди.

Анастасия Ивановна питиллай-питиллай унинг кетидан чиқди. Нина ҳамон каравотда чурқ этмай ўтирар эди.

Ваня бемақсад ўзини у бурчакка урди, бу бурчакка урди, кейин виждон азобини босолмай, ўтирди. Аввалги вақтлардагидек, акасига шеър ёзиб, юрагини бўшатмоқчи бўлди:

Садоқатли, қадрдон дўстим,
Биродарим, азизим Саша...

Йўқ:

Туғишганим, меҳрибоним, дўстим...

Йўқ, бўлмади, шеъринг мактуб чиқмади. Чиққанда ҳам, акасига юбора олмас эди.

Ана шундан кейин Ваня нима қилишини: Нижне-Александровскийга, Клаванинг олдига бориши кераклигини англади.

Елена Николаевна Кошечая ўглининг фаолиятини тақиқ этиши керакми, ё аксинча, унинг ишига ёрдам бериши керакми, деган мушкул масалани ўзи еча олмаганидан, икки ёқлама азоб чекар эди. Ҳамма оналар сингари, у ҳам ўглининг тақдиридан қўрқар, бу қўрқув кечаси ҳам, кундузи ҳам уни жисман ва руҳан қийнар, юзларига ажин солар, ишга қўли бормас

эди. Баъзан унинг қўрқуви эўрайиб кетарди-да, юрагига гулгула тушиб, бостириб кириб, ўлгудек койиб бергуси ва ўглини ўзига ўзи тайёрлаётган тақдири чангалидан юлиб олгуси келарди.

Ўз ҳаётида у фақат бир марта кучли эҳтирос билан севган эди, у севгилиси ҳам Олегнинг ўғай отаси эди; Елена Николаевна шу эрининг кўп хислатларини ўзига касб этган эди: унинг ўз қалбида ҳам кураш алангаси шундай ўртаниб, ловиллаб ёнар эдики, ўғлига хайрихоҳлик кўрсатмасдан бошқа иложи йўқ эди.

Лекин ўглидан кўп марта хафа бўлар эди: қандай қилиб у ундан, ўз онасидан сир сақлай олади, ахир у ҳеч вақт ҳеч нарсасини яширмас, дилидагини айтиб юрадиган, гапга кирадиган эди-ку, онасини ғоят яхши кўрар эди-ку! Ўз онаси Вера бувининг ҳам набираси билан тил бириктиргани ва ўз қизидан буни яшириб юргани ҳаммадан ҳам алам қиларди; юриштиришларидан иниси Коля ҳам ишга алоқадор кўринарди. Ҳатто бутунлай беғона ҳисобланган Полина Георгиевна Соколова,—уни Кошевойлар оиласида Поля хола дейишарди,—Олегга ўз онасидан кўра яқинроқдай кўринарди. Бу қандай, қачон ва нимадан бошланди ўзи?

Бир вақтлар Елена Николаевна билан Поля хола бир-бирларига шундай яқин, шундай иноқ эдиларки, кишилар улардан бири тўғрисида гапирса, албатта иккинчисини ҳам тилга оларди. Уларнинг дўстлиги умумий иш билан боғланган, фикрмулоҳазалари бир хил, кўп нарсани бошдан кечирган икки аёл ўртасидаги дўстлик эди. Уруш бошланиши билан эса Поля хола бирдан ўзи билан ўзи бўлди-қолди, Кошевойларникига ҳам келмай қўйди, башарти Елена Николаевна эски ўртоқ сифатида уни кўргани бориб қолгудай бўлса, Поля хола сигир боққанидан, сут сотиб юришидан ва ватан шаънига хизмат қилиш ўрнига хусусий манфаатларга берилиб кетганлиги учун Елена Николаевнанинг гина қилиши мумкинлигидан уялгандай, хижолат бўлгандай туюлар эди. Елена Николаевна эса Поля билан бу тўғрида гаплашишга юрагида ҳатто бирон имконият ҳам топа олмас эди. Шундай қилиб, уларнинг дўстлиги ўз-ўзидан бузилиб кетди.

Шаҳарга немислар хўжайин бўлиб олгандан кейин Полина Георгиевна яна Кошевойлар уида пайдо бўлиб қолди. У ўзининг қон томиб турган қалбини очиб келди, шундан кейин у Елена Николаевнага яна ўша эски Поля холадай бўлиб кетди.

Улар энди тез-тез кўришиб туришар, бир-бирлари билан дардлашар эдилар, лекин одатдагича, кўпинча Елена Николаевна гапирар эди, мўмингина, камтаргина Поля хола эса ўзининг ҳоргин ва доно кўзлари билан унга термилиб ўтирар эди. Поля хола қанчалик мўмин бўлмасин, шундай бўлса-да, Елена Николаевна бу қадрдон дугонасининг Олегни худди ўзига сеҳрлаб олганини сезмаслиги мумкин эмас эди. Полина Георгиевна келди дегунча, Олег дарҳол пайдо бўлар эди, уларнинг худди бир-бирларига бир гап айтмоқчи бўлган кишилардек, бир-бирларига қараб олганларини Елена Николаевна кўп марта лаб сезган эди. Дарҳақиқат, Елена Николаевна эшикка чиқиб, яна бир оздан кейин уйга қайтиб қирадиган бўлса, келиши билан улар ўз махфий гапларини тўхтатгандай туюларди. Елена Николаевна ўз дугонасини кузатиб даҳлизга чиқадиган бўлса, Поля хола уялгандай бўлиб жадал: «Йўқ, йўқ, безовта бўлма, Леночка, кузатма» дерди. Уни Олег кузатгани чиққан пайтларда эса ҳеч вақт бундай демас эди.

Нима гап ўзи, сабаб нима? Буни она қандай қилиб ўз юрагига сиғдира олади? Ўз ўглини онадан ҳам яхши тушуна оладиган, унинг фикрлари ҳам ишларига онадан ҳам яхшироқ ҳамдам бўла оладиган, бола-қазо соати етиб келганда уни ўз меҳр-муҳаббати кучи билан ҳимоя қилиб қола оладиган ер юзида яна ким бўлиши мумкин? Ҳаққоният товуши эса Елена Николаевнага: «Ўғлинг умрида биринчи марта сендан яширина бошлади, бунинг сабаби шуки, у сенга унча ишонмайди» деб шипширди.

Ҳар бир ёш оналар сингари, Елена Николаевна ҳам ўғлининг фақат яхши томонларинигина кўрар эди, лекин у ҳақиқатан ҳам ўз фарзандини жуда-жуда яхши билар эди.

Шаҳарда «Ёш гвардия» деган сирли имзо билан варақалар пайдо бўла бошлагандан бери, Елена Николаевна ўғлининг шу ташкилотга аъзогина эмас, балки унда раҳбар роль ўйнашига ҳам сира шак-шубҳа қилмас эди. У, бундан ҳаяжонланар, фахрланар эди, ғам-ташвиш чекарди, лекин ўғлини очиқ гаптиришига мажбур этишни ўзига эп кўрмас эди.

Бир куни ўглидан:

— Ҳозир ким билан ўртоқсан? — деб сўраб қолди.

Олег, ўзига хос бўлмаган мугамбирлик билан, гапни бир вақтлар Лена Позднишева тўғрисида бўлган суҳбатга буриб юборди-да, бир оз уялиб туриб:

— Н-нина Иванцова билан ўртоқман,— деди, дудуқланиб.

Онаси нечукдир бу ҳийлага лаққа тушди-да, гайри самимий бир оҳанг билан:

— Лена-чи?— деб сўради.

Олег индамади, кундалик дафтарини чиқариб, ойсига берди. Уғлининг Лена Позднишева ҳақидаги ҳозирги фикр-мулоҳазаларини ва илгари Ленани яхши кўриб юрганларини Елена Николаевна ўқиб чиқди.

Лекин бугун эрта билан кўшнилардан Фоминнинг осиб ўлдирилганини эшитиб, Елена Николаевна дод солиб юборишига сал қолди. Узини зўр-базўр тутди-да, кўрпага ётди. Қомати букчаймаган, мўмиёдек сирли Вера буви унинг пешонасига сочиқ ҳўллаб босди.

Ҳамма оналар сингари, Елена Николаевна бу қатлда ўғлининг иштирок этганлигига шак-шубҳа қилмас эди. Уғлини ўз гирдобига тортган муҳит ана шу экан-да, кураш бу қадар, даҳшатли экан-да? Уни энди қандай жазо кутади?.. Елена Николаевнанинг қалбида ўғлига жавоб ҳам йўқ эди, лекин бу даҳшатли сирни албатта очиб ташлаши керак, бунга ортиқ чидаб туриб бўлмади!..

Шу маҳалда Елена Николаевнанинг ҳамиша топ-тоза ва озода кийинадиган, сочлари саришта этиб таралган, юзлари кўёшда қорайган ўгли саройда, каравотда ўтирар, унинг қаршисида бурни катта, қорадан келган ва ҳаракатлари чаққон Коля Сумской тагига тўнка қўйиб ўтирар эди. Икковлари берилиб шахмат суришмоқда эди.

Уларнинг бутун фикри-зикри ўйинда, фақат аҳён-аҳёнда арзимаган нарсалар тўғрисида бир-бирларига гап ташлашиб ўтиришади, билмаган киши уларни бориб турган ёвуз одамлар деб ўйлаши мумкин эди.

Сумской. Ўша станцияда ғалла пункти очилди... Биринчи янчилган ғалла ўша ерга келтириб тўкилган эди. Коля Мионов билан Палагута ғалланинг ичига кана қўйиб юборишди...

Сукунат.

Кошевой. Ғаллани йиғиб-териш олишдими?

— Ҳаммани шунга зўрлаб мажбур этишмоқда... Ғалланинг кўпи ўрилган-у, лекин ўрилганича далада ётибди: янчадиган асбоб ҳам йўқ, уни ташиб оладиган одам ҳам йўқ.

Сукунат.

Кошевой. Ғалла ғарамларига ўт қўйиш керак... Ҳозир фарзининг кетади!

Сукунат.

К о ш е в о й. Совхозда ўз кишиларимиз бор экан, яхши экан. Биз штабда муҳокама қилиб, ҳамма хуторларда ячейка бўлиши керак деган қарорга келдик. Қурол-аслаҳаларнинг борми?

— Жуда оэ.

— Тўплаш керак.

— Қаердан тўплайсан?

— Дала-даштдан йиғиш керак, кейин улардан ўғирлаш керак,— улар жуда беғам одамлар.

С у м с к о й. Кечирасиз: шах!..

К о ш е в о й. Агрессорлик қилма, калтак ўзингга келиб тегади.

С у м с к о й. Агрессор мен эмас-ку.

К о ш е в о й. Сателлитнинг ўзисан! Эўравонлик қиласан.

— Аҳволим нақ французларникига ўхшайди,— деди кулиб Сумской.

Сукунат.

С у м с к о й. Гапим ножўроқ бўлса — кечир: ановини осийганда сизларнинг ҳам иштирокингиз бормиди?

К о ш е в о й. Ким билади дейсан.

— Жуда боплашибди-да,— деди Коля, мароқ ва кайфичоғлик билан,— менимча, уларни қанча кўп ўлдирсанг савоби шунча кўп бўлади, уларни ҳар бурчакдан, ҳар мушдан туриб ота бериш керак. Отиб ўлдирганда ҳам, ювиндихўрларидан кўра кўпроқ хўжайинларини отиш керак.

— Жуда соз. Улар жуда беғам махлуқлар.

— Кел, мен таслим бўлдим,— деди Сумской.— Ҳеч иложи йўқ, уйга кетадиган вақтим ҳам бўлиб қолди.

Олег шахматни авайлаб йиғиштириб олиб қўйди-да, эшик ёнига келиб ташқарига қараб қўйди, қайтиб келиб:

— Қасамёд қил...— деди.

Улар шахмат ўйнаб ўтиргандаги вазият билан ҳозирги вазиятлари ўртасида ҳеч бир фарқсиз бир ҳолда бўйлари тенг Кошевой билан Сумской,— Кошевойнинг ягрини кенгроқ эди,— қўлларини ёнларига солинтириб, рўпарама-рўпара бир-бирларига қараб турар эдилар.

Сумской гимнастёркасининг чўнтагидан бир парча қоғоз чиқарди, ранги оппоқ оқарди.

— Мен, Николай Сумской, «Ёш гвардия» аъзолари сафи-га кира туриб, қуролдош дўстларим олдида, жонажон ситам-

дийда юртим олдида, бутун халқ олдида тантанали равишда қасамёд қиламан...— Шу қадар ҳаяжонланиб кетдики, товуши жаранглаб эшитила бошлади, яна ҳовлидагиларнинг қулоғига бориб етмасин деб, Сумской овозини пасайтирди.— Агар бу муқаддас онтни қийноқ остида ё қўрқоқликдан бузгудек бўлсам, номим, ота-оналарим номи абадий лаънатга учрасин, ўзимни эса ўртоқларим шафқатсиз суратда жазоласин. Қонга қон, жонга жон!..

— Табриклайман... Энди бундан буёнги ҳаётинг ўзингники эмас, партияники, бутун халқники,— деди ҳаяжон ичида Олег ва Сумскойнинг қўлини қаттиқ сиқди.— Краснодар группасидагиларнинг ҳаммасидан қасамни ўзинг қабул қилиб оласан!..

Энди ҳамма гап она ухлаганда, ёки ўзини ухлаганга солиб ётганда секин уйга кириб олиш, секин-аста ечиниб, лип этиб кўрпага кириб олишда. Шундай қилинса, онанинг очиқ ва жафокаш кўзларидан кўзни олиб қочишга эҳтиёж ҳам қолмайди, ўзингни турмушда гўё ҳеч нарса ўзгармагандай қилиб кўрсатиб ҳам ўтирмайсан.

Ўзини улгайган деб ҳис этган Олег, секин ошхонага кирди, эшикни секин очди-да, оёқ учи билан ичкари кирди. Дераза дарчалари берк, қора парда тутилган. Бугун плита ёқилганидан, уй ичи ниҳоятда дим. Дастурхон булғанмасин ва баландроқ турсин деб тўнтарилган эски тунука банкага ўрнатилган жинчиरोқ уй ичидаги таниғлиқ нарса ва буюмларни йўғон ва ғалати қилиб ёритиб туради.

Ҳамиша тоза ва саришта кийинувчи онаси нечундир солиғлиқ кўрпа устида кўйлагини ечмай, сочларини ёймай, кичик, қорамтир ва семизгина қўлларини тизза орасига олиб, жинчиरोққа термилиб ўтиради.

Уй ичи нақадар жимжит! Эртадан кечгача Бистринов деган ўртогиникида йўқолиб кетувчи Коля тоға уйга қайтиб уйқуга кетган, Марина ҳам уйқуда, кичкина жияни эса лабини чўзиб аллақачон ухлаб қолган. Бувиси ҳам ухлаб ётибди, нечукдир хурраги эшитилмайди. Ҳатто соатнинг чиқиллаши ҳам эшитилмайди. Ёлғиз она ҳушёр. Жоним онам!..

Ҳар қалай бўлса ҳам, ҳиссиётга берилмаслик керак... Секин-аста оёқ учи билан ўтиш керак-да, дарров кўрпага кириб олиш керак, шундан кейин дарров ўзингни ухлаганга солиб олишинг мумкин...

Вазмин Олег ойисининг ёнига келади-да, тиз чўқади, юзини ойисининг тиззалари орасига бекитади. Юзида, чаккала-

рида она қўлларини сезади. илиқ бадан ҳидини, аллақердан анқиган билинар-билинемас ясмингул ҳидини, яна ялпизми, бақлажонми,— барибир эмасми! — ўткир бир ҳид сезади.

— Жоним ойим! Гўзалим ойим! — деб шивирлайди у, чарақлаган кўзлари билан онасига, пастдан юқорига, қараб.— Сен барини биласан, тушунасан... Онажоним!

— Барини биламан,— деб шивирлайди она, бошини эгиб ва ўғлининг кўзларига тикилиб.

Ўғил она кўзларини излайди, она эса кўзларини ўғлининг ипақдек сочлари орасига беркитиб:

— Ҳамиша... ҳар ерда... қўрқма... мард бўл... шунқорим... энг сўнгги нафасинггача...— деб шивирлайди.

— Бўлди, ойи, бўлди... ётиб ухла энди...— деб шипшийти ўғил.— Сочларингни ёйиб юборайми?

Болалик чоғларидаги сингари, она сочларидаги ҳамма тўгнағичларни пайпаслаб топади-да, шпилькаларини олиб ташлай бошлайди. Она, ҳамон юзини бекитиб, бошини эгиб туради, Олег ҳамма шпилькаларни бўшатиб, онанинг ўрим сочларини қўйиб юборади, сочлар ёйилиб кетиб, худди дарахтдан олма тўкилгандек, пастга гурсиллаб тушади ва онанинг бутун гавдасини қоплайди.

ҚИРҚ ТЎРТИНЧИ БОБ

Нижне-Александровскийга бир неча кунга бориб келиш учун Ваня Земнухов штабдан рухсат олиши керак эди.

— Гап фақат қизни кўриб келишда эмас,— дерди у Олегга.— Казак хуторларидаги ёшларни уюштиришни анчадан бери ўшанга топширишни мўлжаллаб юрибман,— дерди Ваня, бир оз хижолатланиб.

Лекин Ванянинг ниҳоятда муҳим далиллар келтириб айтган гапини Олег эшитмагандай бўлди.

— Бир-икки кун сабр қил,— деди Олег.— Эҳтимол, сенга бошқа бир топшириқ берилса... Йўқ, йўқ, ўша ерда, сен айтган ерда,— деди Олег ва Ванянинг қовоғи солинганини кўриб, жилмайди. Ваня ўз ҳис-туйғуларини бировга билдирмасликни хоҳласа, дарров қовоғини солиб оларди.

Кейинги кунларда Полина Георгиевна Лютиков ихтиёрига бирон эс-ҳушли бола ажратиш тўғрисида Олегни қистай берди. Краснодар — Нижне-Александровский ўртасида тузилган мах-

суе маршрутда ишлашга алоҳида алоқачи бир бола керак бўлиб қолган эди. Олег бу ишга Ваня Земнуховни мўлжаллаб юрарди.

Филипп Петровичнинг талабини етказган Поля хола:

— Лекин ниҳоятда эс-қушли, қаттиқ синалган бола керак. Болаларнинг энг эс-қушлиси, энг синалгани бўлсин...— деб бир неча марта таъкидлади.

Земнухов билан Олег ўртасида суҳбат бўлиб ўтган куннинг ўртасигаёқ сарпойчанг чувак кийган, дастрўмолининг тўрт учини тугиб бошига кийиб олган, кўзи ожиз Ваня сал-пал иситиб турган қуёш нурлари остида, ўриб олинмаган сийрак бугдойвор бўйлаб, дашт йўлдан кетиб борарди.

Берилган топшириқнинг нақадар муҳим эканлигини сезган, бу янги вазифаси туфайли туғилган фикрларга тамомила берилган,— Ваня сафарга чиққан пайтларда кўпинча ўз фикр-хаёлларига берилиб кетар эди,— кўзи ожиз Ваня даштдан, жуда кўп обод жойлардан ўтиб борарди, лекин йўлда учратган нарсаларига деярли эътибор бермас эди.

Четдан келган киши,— башарти шундай киши бўлса,— немислар босиб олган қишлоқ районларига келиб қолса, гоҳо ҳунук ва мудҳиш, гоҳо сира кутилмаган манзараларни кўриб, ғоят ҳайратланган бўлув эди. У киши ёндирилиб, кули кўкка совурилган ўнлаб ва юзлаб уйларни, бир вақтлар обод ва гавжум, лекин ҳовир фақат печка мўриларигина бутун қолган қишлоқ станица ва хуторларни ва эшик олдида ўзини офтобга солиб ётган ёлғиз мушукларнигина кўрарди. У киши, бир-икки марта адашиб кириб қолган талончи — солдатларни ҳисобга олмаганда, ҳали немис оёғи тегмаган хуторларни ҳам кўрарди.

Лекин, шундай қишлоқлар ҳам бор эдики, немис маъмурияти бу ерларда ўзини ўзига кераклигича ўрнашиб олган деб ҳисобларди, бу қишлоқларда очиқ-ошкор талончилик ҳодисалари, яъни ўтиб борувчи қўшин қисмларининг талончилик қилиш ҳодисалари ва ҳар турли босқинчилик ва ваҳшийлик ҳодисалари немис ҳарбий-оккупациячилик ҳукмронлигига тарих томонидан белгиланган миқдордан кўп ҳам эмас эди, оз ҳам эмас эди, бу қишлоқларда немисларнинг хўжайинлик қилиши фақат немисларга хос бир қолда ифода этилар эди.

Клава Ковалёва ҳамда унинг онаси она томон қариндошлариникида бошпана топиб турган Нижне-Александровский хутори ҳам худди шундай хуторлар қаторига кирар эди.

Клаванинг тоғаси каваклардан бўлиб, немислар келмасдан олдин оддий бир колхозчи эди. У бригадир ҳам эмас эди, отбо-

қар ҳам эмас эди, фақат жамоат ерида артель бригадасида оила аъзолари билан бирга ҳамма қатори ишлайдиган ва ишлаб топган меҳнат куни ҳамда томорқасидан келган даромад билан тирикчилик қилувчи оддий колхозчи эди.

Клаванинг тоғаси Иван Никанорович ҳам, унинг оиласи ҳам немислар келгандан бери немис оккупацияси даврида оддий қишлоқ хонадони қанча кулфат тортган бўлса, улар ҳам шунча кулфат тортди, ортиқ ҳам эмас, кам ҳам эмас. Хужум қилиб бостириб ўтаётган немис армиялари уларни қаттиқ талаган эди, лекин ип-игнасигача таланди деб ҳам бўлмас эди, чунки өнг қийин ва мушкул аҳволларда ҳам рус деҳқонидай пишиқ, бисотини яхшилаб бекитиб ташлайдиган деҳқон дунёда топилмайди.

Қўшинлар ўтиб кетиб, янги тартиб,— Ordnung,— жорий этила бошлагач, бошқалар билан бир қаторда Иван Никаноровичга ҳам, Нижне-Александровский колхозига умрбод берилган ер, ҳамма ер сингари немис давлати ихтиёрига ўтганлигини эълон қилишди. Лекин!— дерди янги тартиб — Ordnung тили билан, Киевда ўтирган рейхскомиссар,— лекин не-не машаққат ва қийинчиликлар билан яхлит ҳолга келтирилган бу ер майда-майда бўлакларга бўлиниб, ҳар бир казакнинг ихтиёрига берилади. Лекин! Бу тадбир барча казаклар ва деҳқонлар ўзларининг хусусий қишлоқ хўжалик асбоблари ва от-уловларига эга бўлганларидан кейингина амалга оширилади. Лекин, ҳозирча улар бу имкониятга эга бўла олмасликлари туфайли, ер илгаригича қола беради-ю, аммо немис давлати тасарруфига ўтади. Ерни ишлаш учун хутор тепасига рус оқсоқоли белгиланади, лекин уни немислар белгилайди,— оқсоқол қўйилиб бўлган ҳам эди,— деҳқонлар эса ўн-ўнтадан хонадонга бўлинади. Ҳар ўнта хонадонга рус оқсоқоли тайинланади, лекин уни немислар тайинлайди — бу оқсоқоллар ҳам тайинланган эди,— шу ерда ишлаганлари учун деҳқонларга белгиланган миқдорда дон берилади. Лекин улар ҳозир яхши ишлашлари учун, келажакда ер фақат яхши ишлаганларга берилишини ҳозир ҳамма билиши керак.

Бу катта-катта ерларда ишлаш учун немис ҳукумати ҳозирча машина ва машина учун ёнилғи, от-улов беролмайди, ишловчиларнинг ўзлари ўроқ, чопқи топиб ишлашлари керак, қўшга эса сигир-молларини қўшиб ишлатишлари керак. Кимда-ким сигирини аяб, қўшга қўшмаса, келажакда ер олишга умид қилмаса ҳам бўлади. Бунинг устига, бу хил меҳнат ниҳоятда кўп ишчи кучини талаб этса-да, немис маъмурияти бу кучларни шу ернинг

Ўзида сақлаб қолиш у ёқда турсин, аҳоли ўртасидан энг соғлом ва меҳнатга ярайдиганларини танлаб, Германияга ҳайдаб олиб кетиш учун бутун чораларни кўрарди.

Немис давлати ўзининг гўшт, сут, тухумга бўлган ҳамма эҳтиёжларини ҳисобга ололмаганлиги туфайли, Нижне-Александровский хуторининг ҳар беш хонадонидан ҳозир биттадан сигир, ҳар бир хонадондан биттадан чўчқа, ҳар хонадондан ёллик килограмм картошка, йиғирма дондан тухум, уч юз литрдан сут олишга қарор қилди. Лекин! Бундан буён ҳам яна керак бўлиб туриши муқарар бўлгани сабабли, каваклар ҳам, деҳқонлар ҳам ўз сигир-молларини ва паррандаларини ўзлари учун сўймасликлари, башарти битта-яримта чўчқа сўйиш зарур бўлиб қолса, тўртта хонадон бирлашиб туриб бир чўчқани сўйиши мумкин, лекин шу билан бир вақтда улар немис давлатига учта чўчқа топширишлари керак.

Иван Никанорович ва унинг қамқишлоқларидан бу нарсаларни ундириб олиш учун, ўн хонадон тепасига қўйилган оқсоқоллардан ва хутор тепасига қўйилган оқсоқоллардан бошқа, яна район қишлоқ хўжалик комендатураси маҳкамаси тузилиб, унинг бошига зондерфюрер Сандрес тайинланган эди. Зондерфюрер Сандрес, оби ҳавонинг иссиқ келишини наварга олиб, худди обер-лейтенант Шприк сингари, устига мундир ва трусик кийиб олиб, қишлоқма-қишлоқ, хуторма-хутор кезиб юрар, уни кўрган казак аёллар худди жин-пин кўргандек, чўқинишар, туپуришар эди. Бу район қишлоқ хўжалик комендатураси, бошида зондерфюрер Глюккер турган кўп кишилик округ қишлоқ хўжалик комендатурасига бўйсунар эди, бу зондерфюрер гарчи шим кийиб юрса-да, лекин ниҳоятда кибр-қаволи бўлганидан, сира паст тушмасди. Бу округ комендатураси тепасида эса бошида майор Штандер турган ландвиртшафтс группага, қисқа қилиб айтганда, «ля» группасига итоат қилар эди. Бу группа ҳам шу қадар мартабали эдики, уни ҳеч ким кўра олмас эди.

Лекин бу группа ҳам виртшафтскоммандо 9, қисқа қилиб айтганда, «викдо 9»нинг бир бўлимигина эди, бунинг бошлиғи доктор Люде деган бир киши эди. Виртшафтскоммандо 9 нинг ўзи эса, бир томондан, Ворошиловград шаҳрида жойлашган фелькомендатурага, яъни қисқартириб айтганда, жандармерия бошқармасига бўйсунса, иккинчи томондан, Киевда истиқомат қиладиган рейхскомиссар ҳузуридаги давлат мулклари бош идорасига бўйсунар эди.

Бу баланд мартабали, ҳеч ким тушуна олмайдиган тилда гапиришувчи, ҳатти-ҳаракатлари кунда сезилиб турган ва озиқ-овқат талаб этиб, қоринлари сира еб тўймайдиган текинхўр ва ўғриларни елкасида кўтариб турган Иван Никанорович ва унинг ҳамқишлоқлари, немис фашист ҳокимияти фақат ваҳшиёна ҳокимият эмас,— бу аввалданоқ маълум эди,— балки салмоғи паст, ўғри ва, тўғрисини айтганда, аҳмоқ бир ҳокимият эканлигига тушуниб олишди.

Буни тушуниб олишгандан кейин Иван Никанорович, унинг ҳамқишлоқлари, худди яқин атроф-теваракдаги Гундоровская, Давидово, Макаров Яр деган бошқа станица ва хуторларнинг аҳолиси сингари ўз қадрини билган ҳар бир казак, аҳмоқ ҳокимиятга қандай муносабатда бўлса, булар ҳам шундай муносабат ўрната бошладилар, яъни шу аҳмоқона ҳокимиятни алдаш йўлига кирдилар.

Немис ҳукуматини алдаш асосан далада чинакам ишлаш ўрнига хўжа кўрсинга ишладан, етилган ғалла ҳосилини шамолга совуриш, агар пайти келиб қолса, уй-уйларига ташиб олишдан, мол, парранда ва озиқ-овқатни яшириб қўйишдан иборат эди. Алдаш осонроқ бўлсин учун казаклар ва деҳқонлар ўн хонадон ва хуторлар тепасидаги оқсоқолларнинг ўз кишиларидан бўлишига тиришар эдилар. Ҳар қанақа ваҳший ҳокимиятга ўхшагандек, немис фашист маъмурияти ҳам оқсоқолликка ваҳший, аблаҳ одамларни топиб қўйишга тиришар эди. Лекин ҳар қандай одамнинг ҳам умри абадий эмас. Оқсоқол бормиди?— Бор эди, энди йўқ, ким билади, дом-дараксиз бўлиб кетди.

Клава Ковалёва ўн саккиз яшар бир қиз эди, шу сабабдан ҳам у бу ишлардан йироқ эди. У фақат, ҳур ҳаётдан маҳрум бўлганидан, ўртоқларидан айрилиб, ёлғиз қолганлигидан, ўқий олмаслигидан, отасининг тақдири нима бўлганини билмаганлигидан кўп азоб чекар ва ўзининг бутун вақтини Ваняни хаёл қилиб юриш, жуда аниқ ва равшан бир шаклда хаёл қилиб юриш билан, бу нотинчликнинг қачон тугашини, кейин Ваняга тегиб, бола-чақа кўришни ва болалари билан ниҳоятда яхши турмуш кўриб, роҳатда яшашини хаёл қилиб юриш билан ўтказар эди.

У яна китоб ўқиб ҳам кунини қисқа қилиб юрарди, лекин Нижне-Александровскийда китоб қаҳатчилик эди. Кўчиб кетган эски ўқитувчи ўрнига хуторга районнинг янги маъмурулари тайинлаган янги ўқитувчи келганини эшитиб, Клава шу ўқитувчидан китоб сўрасам уят бўлмас, деб ўйлади.

Ўқитувчи мактаб биносида, эски ўқитувчи турган хонада турар эди, унинг стол-стуллари, рўзгорлари, лаш-лушлар ҳам қўни-қўшниларнинг гапига қараганда, эски ўқитувчидан қолган эди. Клава эшикни қоқди ва жавоб бўлмагач, тўлиқ қўли билан эшикни очди-да, терскай бўлгани учун салқингина хонага кирди, ким бор дегандай, атрофга аланглаб қаради. Товуқ пати билан дераза тоқчасини супуриб турган ўқитувчи бошини ўгириб қараган эди, бирдан қалин қошларининг бири тепага кўтарилди; аёл, дераза тоқчасига суюнгандай, кетинга тисарилди, сўнгра қаддини ростлаб, Клавага яна синчиклаб қаради.

— Сизмисиз...

Ўқитувчи аёл гапини тугатмай, ҳаяжонланган ҳолда жилмайиб, Клава сари юриб келди.

У сарв қомат, сочлари олтиндай, одми кийинган, кўм-қўк кўзлари кишига тўғри қарайдиган, лаб бичимлари келишган бир жувон эди, шунинг учун ҳам унинг табассумлари ёқимли, истараси иссиқ эди.

— Мактаб кутубхонасига қарашли китоблар жойлашган жавон синиб ётибди,— мактабда немислар турган экан-да. Китоб варақлари бўлган-бўлмаган жойларда сочилиб ётибди, лекин бутун қолган китоблар ҳам топилади, иккаламиз чиқиб кўрамитиз,— дерди ўқитувчи. У гапирганда ҳақиқий рус ўқитувчисидай тоза талаффуз билан ва ниҳоятда тўғри гапирар эди,— Сиз шу ерликмисиз?

— Шу ерлик десам ҳам бўлади,— деди Клава, иккиланиб туриб.

— Нега бундай деяпсиз?

Клава уялди.

Ўқитувчи унга тикилиб қараб турар эди.

— Келинг, ўтирайлик.

Клава ҳамон тик турарди.

— Мен сизни Краснодонда кўрганман,— деди ўқитувчи.

Клава индамай, кўз қири билан унга қараб турар эди.

— Мен сизни кетиб қолгансиз деб ўйлагандим,— деди ўқитувчи, жилмайиб.

— Мен ҳеч қаерга кетганим йўқ.

— Бўлмаса, бирон кишини узатгандирсиз-да.

— Қаердан биласиз?— Клава ўнгдан чапга, хавотирланиб ва ҳадиксираб қараб турар эди.

— Биламан-да... лекин кўп ҳам хижолат торта берманг... Сиз мени немис маъмурулари юборган деб ўйларсиз ва...

— Мен ҳеч нарса ўйлаётганим йўқ...

— Ўйладингиз,— ўқитувчи бирдан кулиб юборди, ҳатто юзлари қизариб ҳам кетди.— Ўзатганингиз ким эди?

— Отам эди.

— Йўқ, отангиз эмас эди.

— Йўқ, отам эди.

— Хўп, майли, отангиз ким?

— Трестда хизматчи эди,— деди Клава, юзлари лоладек қип-қизарган ҳолда.

— Ўтиринг, нега уяласиз мендан?

Ўқитувчи, Клаванинг қўлидан мулоимгина ушлаб тортди, Клава ўтирди.

— Дўстингиз кетганми?

— Қанақа дўстим?— Клаванинг юраги гупиллаб ура бошлади.

— Мендан яширманг, ҳаммасини билиб турибман,— ўқитувчининг кўзлари энди юмшаган, хурам ва шўх бир кулги билан нурланар эди.

«Калламни кессанг ҳам айтмайман!!!» деб ўйлади Клава, борган сайин жаҳли чиқиб.

— Нимани айтаётибсиз, билолмадим... Яхши эмас!— деди-да, ўрнидан турди.

Кулгидан ўзини тутиб туrolмаган ўқитувчи хотин, энди барала қаҳ-қаҳ уриб кулар, қуёш қорайтирган қўлларини чалиштириб, яна керар, олтин сочли бошини гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа ташлаб кулар эди.

— Вой жонгинам-ей... кечиринг мени... ичингиздаги бутун фикри-эикрингиз мана ман деб шундоқ кўриниб турибди,— деди у ва ўрнидан турди-да, Клаванинг елкасидан ушлаб, ўзига тортди, бағрига босди.— Ҳазиллашдим, мендан қўрқманг, бўлган-турганим — рус ўқитувчисиман, ахир, яшамоқ, тирикчилик қилиш ҳам керакми? Ҳатто немислар бўлганда ҳам одамларни ёмонликка ўргатиш шарт эмас-ку...

Бирдан эшик қаттиқ қоқилди.

— Марфа...— деди у қувониб ва паст овоз билан.

Бошига оппоқ пахтадек рўмолча танфиган, қуёшда қорайган лланг оёқлари шишган ва чанг босган, қўлтигида тугунча кўтарган новча ва забардаст аёл уйга кириб келди.

— Эсон-омонмисизлар,— деди-да, у, бу ким бўлди экан, дегандай Клавага қараб қўйди.— Бир-биримизга қўшни десак ҳам бўлади-ю, шунча маҳалдан бери келиб кўргани энди қўлим тег-

са-я!— баланд овоз билан оппоқ тишларини кўрсатиб, деги у аёл ўқитувчига.

— Отингиз нима? Клава! Мен сизга синфни кўрсатиб қўяман, керакли китобни танлаб ола беринг. Кетиб қолманг тагин, мен ҳозир бўшайман.

Екатерина Павловна қайтиб келгачи:

— Хўш, нима бўлди, нима? Бир гап бўлдими?— деб сўрай бошлади, келган хотиндан энтика-энтика.

Марфа меҳнатдан қотиб кетган қўллари билан кўзларини бекитиб ўтирарди, ҳали ёш кўринган лабларининг икки чети тиришди.

— Суюнишимни ҳам билмайман, хафа бўлишимни ҳам, ақлим етмай қолди,— деди Марфа, қўлларини юзидан олиб.— Погорелое хуторлик бир йигит келиб, Гордей Корниенко тирик, асирда экан, деди. Екатерина, менга энди бир маслаҳат бермансанг бўлмайди!— деди ва бошини кўтариб, рус тилида гапир бошлади:— Погорелоедаги, ўрмон ичида олмиштача асир, солдатлар соқчилигида, армия учун дарахт кесишар экан, менинг Гордейим ҳам ўша ерда эмиш. Баракда туришар экан, ҳеч ерга чиқармас эмиш... Очликдан шишиб кетган дейди. Энди нима қилсам экан? Ё бориб келсаммикан?

— Сенга хабарини қандай етказишди?

— У ерда эркин ёлланиб ишловчилар ҳам бор эканда. Гордей пайтини топиб туриб, хуторликлардан бирига секин шипшибди. Унинг шу ерлик эканини немислар билмас эмиш.

Екатерина Павловна бирмунча вақт унга қараб, ўйлиниб қолди. Бу ҳодиса турмушда ҳеч кимга маслаҳат бериб бўлмайдиган ҳодисалардан бири эди. Марфа Погорелое хуторига бориб ҳафталаб туриши ва ўлиб тирилса ҳам, жонини жабборга берса ҳам эрини кўра олмаслиги мумкин. Жуда бўлганда бир-бирларини узоқдан кўришар, бу билан эрининг жисмоний жароҳатларига руҳий жароҳатлар қўшади. Унга ҳатто бирон егулик нарса ҳам етказиб бериши мумкин эмас: ҳарбий асирлар учун қурилган бу баракнинг қандайлигини билиш қийин эмас!

— Виждонинг нима деса шуни қил.

— Сен бўлсанг борармидинг?— деб сўради Марфа.

— Борардим,— деб жавоб қилди хўрсиниб Екатерина Павловна.— Сен ҳам борасан, лекин беҳуда...

— Мен ҳам шундог деб ўйлайман,— борганим беҳуда... Бормайман,— деди Марфа ва яна кўзларини қўллари билан бекитди.

— Корней Тихонович биладими?

— Отряд билан боришга ижозат беришса, чиқариб олардик, дейди.

Екатерина Павловнанинг чеҳрасида ташвиш ва ғамгин бир туйғу ифода этди. Корней Тихонович командирлик қилган партизанлар группасидан бундай ишда фойдаланишнинг иложи йўқлигини билар эди.

Немис армиясининг муҳим коммуникациялари энди Ворошиловград области орқали ўтар эди. Иван Фёдорович ихтиёрида бўлган ҳамма нарса, унинг ҳаракати билан ташкил топаётган ҳамма нарса эндиликда Донбасдан юзлаб ва юзлаб километр олисда, буюк Сталинград жаъгида ғалаба қозониш ишига қаратилган эди.

Областнинг майда-майда группаларга бўлинган ҳамма партизан отрядлари энди тош йўлларда, грунт йўлларда ва шарқ ҳамда жануб томонга қараб кетган уч темир йўл бўйларида ҳаракат қилмоқда эди. Шундай бўлса-да, ҳали ҳам куч камчил эди. Қардалиги фақат Екатерина Павловнага, Марфа Корниенкога ва алоқачи Кротовагагина маълум бўлган Иван Фёдорович, областдаги ҳамма яширин райкомларнинг хатти-ҳаракатларини шу йўлларда диверсия ишларига буриб юборган эди.

Екатерина Павловна бундан яхши хабари бор эди, чунки сон-саноқсиз алоқа ипларининг ҳаммаси унинг кичкинагина пухта қўлларига келиб тушиб, бу ердан Иван Фёдоровичга ягона ип бўлиб етиб борар эди. Шунинг учун ҳам, гарчи Марфа дилида умид билан келган бўлса-да, Корней Тихоновичнинг Марфа орқали айтган шамасига Екатерина Павловна ҳеч нима демади.

Екатерина Павловна эри билан бевосита алоқада бўлмай, Марфа орқали, тўғрироғи, Марфанинг квартираси орқали алоқа қилиб турар эди.

Екатерина Павловна Иван Фёдорович тўғрисида сўрамади ҳам: Марфанинг ўзики ҳеч нарса демадими, демак ҳеч қандай хабар йўқлигини у билар эди.

Клава китоб жавони олдида турарди — жавондаги китоблар ёшлик чоғларида ўқилган китоблар эди, шунинг учун ёшликдаги ҳамдамлари билан яна қайта учрашиш, ҳамдам бўлиш унинг дилини оғритар эди. Ҳувилаб ётган қора парталар юракни эзарди. Деразалардан оқшом қуёши шуълаларини қиялаб ташлар, қуёшнинг қалин ва сокин нурида қандайдир ғамгин ва маънос бир видолашув сезиларди. Уқитувчи Клавани қаердан

танигани энди уни қизиқтирмас эди, бу дунёда яшаш унга шунчалик маънос ва қайгули бўлиб туюлар эди.

— Бирон китоб танладингизми?— ўқигувчи Клавага дангал тикилиб қарар, лекин кўзларининг энг тийран бир жойида аллақандай маъносилик ақс этар эди.— Кўрдингизми, ёвуз турмуш баъзан шундай тескари ҳам қарайди,— дерди у.— Ёшлигимиз минг хил икир-чкирлар билан ўтади-кетади, пешонамизга нималар битилганини билмай қоламиз... Агар мен яна сиз каби ёшариб қолсам, билиб ишимни қилардим. Лекин мен ўз фикримни ифода этишга ҳам ожизман... Агар дўстингиз келса, албатта мен билан таништиринг.

Худди шу пайтда Ваня Земнуховнинг Нижне-Александровский хуторига кириб келаётганини ва махсус топшириқ билан нақ Екатерина Павловна ҳузурига йўл тутганини Екатерина Павловна билмас эди.

Ваня, Краснодар яширин райкомининг фаолияти ҳақидаги маълумотни Екатерина Павловнага шифр билан етказди. Екатерина Павловна эса, унга Иван Фёдоровичнинг, Краснодардаги яширин ташкилотни жанговар партизан отрядига айлантириш кераклиги, ҳамда йўлларда диверсияни кучайтириш тўғрисидаги талабини оғзаки айтди.

— Айтингки, фронтдаги ишларимиз чакки эмас экан, денг, эҳтимол, яқин кунларда ҳаммамиз қўлимизга қурол олиб кўтарилсак ажаб эмас,— деди Екатерина Павловна, ўз рўпарасида ўтирган бесўнақай йигитчанинг кўзойнаклари ортида нималар борлигини билмоқчи бўлгандай, унга синчиклаб қараб.

Ваня белини букиб, чурқ этмай ўтирар, ҳадеб ёйилиб кета берган сочларини қўли билан тўғрилаб қўяр эди. Эҳ, қани энди, унинг дилида қандай аланга ўртаниб ёнаётганини бу аёл киши билса эди!

Шундай бўлса ҳам, уларнинг суҳбатлари қизиб кетди.

— Инсон тақдири не-не балоларга йўлиқмайди,— дерди Екатерина Павловна, Матвей Костиевич билан Валько ҳалокатининг мудҳиш қиссасини Ванядан эшитиб:— Сиз айтмоқчи бўлган Остапчукнинг оиласи бор, оиласи немислар қўлида қолган эди, балки уни ҳам қийнаб, азоблаб ўлдиришгандир, ё бўлмаса бирон ерда сарсон-саргардон бўлиб, бирон вақт келар, мени ва болаларини халос этар деган умид билан юргандин, ҳолбуки халос этадиган одамнинг ўзи ҳалок бўлиб кетган... яқинда ёнимга бир хотин келган эди,— деди Екатерина Павловна ва Марфа билан унинг эри қиссасини гапириб берди.

— Улар бир-биридан узоқ эмас, лекин бир-бирлари билан дийдор кўриша олмайди-да! Кейин бир вақт келиб, эрини янада ичкарироққа ҳайдаб олиб кетишади-да, ўша ерда йўқ бўлиб кетади... Уларга, ановиларга қандай бир жазо берилса адолатли бўлади!..— деди у, кичкина, ихчам қўлчасини мушт қилиб.

— Погорелое — бизга яқин жойда, бизнинг бир йигитимиз ўша ерда туради,— деди Ваня, Витя Петров хаёлига келиб. Унинг хаёлига ноаниқ, ғира-шира бир фикр келди, лекин унинг қандай фикр эканлигини ҳали ўзи ҳам аниқ билмас эди.— Асирлар кўп эмишми? Соқчилар кўп эканми?— деб суриштирди у.

— Бир яхшилаб ўйлаб кўринг-чи, бошқа кишиларни уюштириш қўлидан келадиган кишиларимиздан Краснодонда ким тирик қолган?— бирдан сўраб қолди Екатерина Павловна, худди бир нарса эсига келгандай.

Ваня айтди.

— Қуршовдан чиқиб, ўша ерда қолиб кетган ёки бошқа сабаблар билан қолиб кетган ҳарбийлардан-чи?

— Бундайлар кўп топилади,— деди Ваня ва ярадор бўлиб, уй-уйларга яшириб қўйилган ҳарбийларни эслади: ўша ярадорларга Наталья Алексеевна ҳанузгача махфий суратда ёрдам бериб келаётганини Серёжкadan эшитган эди.

— Сизни юборган кишиларга айтингки, улар билан алоқа боғлаб, уларни ҳам ишга тортишсин... Яқинда, жуда яқин фурсатда улар сизларга ҳам керак бўлиб қолади. Сиз ёшларга қўмондонлик қилишда керак бўлади. Сизлар яхши йигитларсиз-ку, лекин улар сизлардан катта,— деди Екатерина Павловна.

Ваня, «Ёш гвардия» билан қишлоқ ёшлари ўртасида алоқа қилмоқ учун Клаванинг уйини танлаганини айтиб, бу ишда Клавага ёрдам беришни Екатерина Павловнадан илтимос қилди.

— Клава менинг кимлигимни билмагани яхшироқ,— деди жилмайиб Екатерина Павловна.— Биз у билан шундоқ ўртоқ бўлиб юра берамиз.

— Лекин менга шунини айтинг: бизни сиз қаердан биласиз?— деб сўради Ваня.

— Буни сизга ҳеч-ҳеч айтмайман, айтсам хижолат бўласиз,— деди ўқитувчи ва бирдан юзида маънос бир ифода пайдо бўлди.

Клава билан Ваня, Иван Никанорович уйининг қоронғи бир ҳужрасида ўтиришганда ва Клаванинг кечув бошида бўлган во-

қеадан кейин Ваняга ўз одамидек қарай бошлаган онаси момикдай пар тўшакда қаттиқ ухлаб ётганда, Клава рашк билан:

— У билан нималарни сирлашиб ўтирдинглар?— деб сўради.

— Сир сақлай оласанми?— деб шивирлади Ваня, Клаванинг қулогига.

— Бўлмасам-чи...

— Онт ич!

— Онт ичдим.

— Екатерина Павловна менга бизнинг краснодонлик бир кишимизнинг яқин атрофда яширниб юрганини айтиб, қариндошларига хабар қилишни илтимос қилди, кейин майда-чуйда нарсалардан гурунглашиб ўтирдик...— Клава!— паст ва тантанали бир овоз билан деди у, қизнинг кўлидан ушлаб.— Биз босқинчиларга қарши курашиш учун ёшлар ташкилотини туздик, ўшанга кирасанми?

— Сен-чи? Сен аъзомисан?

— Албатта.

— Албатта, кираман!— Клава ўзининг ҳароратли лабларини унинг қулогига босди.— Ахир, мен сеники-ку, билдингми?

— Менга қасамёд қиласан. Биз уни Олег иккимиз ёзганмиз, бошдан охиригача ёд биламан, сен ҳам ёдлаб олишинг керак.

— Албатта ёдлаб оламан, ахир, мен тамомила сеники-ку...

— Сенга бу ердаги ва ён атрофдаги ёшларни уюштиришга тўғри келади.

— Мен сенга барини уюштириб бераман.

— Сен бу ишга енгилтаклик билан қарамагин-да. Агар иш ўнгидан келмай қолса, ҳалок бўламиз.

— Сен-чи?

— Мен ҳам.

— Ундай бўлса сен билан бирга мен ҳам ҳалок бўлишдан қайтмайман.

— Лекин, тирик қолганимиз тузукроқ бўлар деб ўйлайман?

— Албатта, тирик қолганимиз яхши.

— Менга қара, менга нариги уйга, болалар билан бирга жой солиб қўйишибди, мен энди чиқай, яхши бўлмас.

— Нима қиласан чиқиб? Ахир, мен сеники-ку, билмайсанми, бутунлайин сеникиман,— дерди Клава, ҳароратли лаблари билан Ванянинг қулогига шивирлаб.

ҚИРҚ БЕШИНЧИ БОБ

Сентябрь ойига бориб, Первомайск кўмир кони, «Восьмидомики» ва 1-бис шахта районларини ўз ичига олган «Ёш гвардия» ташкилоти ёшларнинг энг катта яширин ташкилотларидан бирига айланди. Первомайск мактабининг юқори синфларида ўқувчи барча фаол болалар ташкилотга тортилган эди.

Первомайчилар ўзларига радиоприёмник ўрнатиб олишди ва Информбюро ахборотларини босиб чиқаришар, дафтар варақларига тушъ билан хитобномалар ёзиб чиқарар эдилар.

Бу радиоприёмник деб болалар не-не ташвиш тортишмади! Ҳар кимнинг уйдан ташландиқ, баъзи ерлари синиб кетган арзон приёмниклар топилиб, уларни ўғирлаб келишди. Ота-онаси билан Бессарабиядан қочиб келиб, Краснодарда туриб қолган Борис Главан деган молдаван бола,— ташкилотда уни «Алеко» деб аташар эди,— бу приёмникларнинг ҳаммасидан бинойидек приёмник ясашга киришди. Бироқ, аппарат қисмлари ва лампаларни уйига олиб кетаётганида кўчада «полицай» ушлаб олди.

Главан, полиция маҳкамасида жўрттага румин тилида гапирар, полиция бутун бошли оилани егуликдан маҳрум қилаётир, нега десангиз, бу нарсалардан важигалка қилиб согаман деб қичқирар, румин қўшинлари қўмондонлигига арз қиламан деб дўқ қилар эди: Краснодарда ҳамма вақт ўтиб турувчи румин офицер ва солдатлари бўлар эди. Главаннинг уйдан бир неча тайёр ва чала зажигалкалар топилди; у ростдан ҳам зажигалка ясаб шу билан кун кўрар эди. Гарчи полиция радиоприёмник қисмларини тортиб олиб қўйган бўлса-да, Главанни иттифоқдош фуқароси деб қўйиб юборди. Лекин шунга қарамасдан, Главан қўлида қолган қисмларни тўплаб, ахир приёмник ясади.

Асирликдан қутулиб қайтган ва ўзига келгач, Суходол хуторига ўқитувчи бўлиб кетган Лиля Ивановна орқали первомайчилар яқин-атрофдаги хуторлар билан бевосита алоқа боғлаб олган эдилар. Яроқ-аслаҳаларни топиб берувчилар ҳам асосан шулар эди: улар олисдаги Донец дарёси бўйларида бўлиб ўтган жанг майдонларига боришиб дала-даштлардан қурол-аслаҳа топиб келишар ё бўлмаса қишлоқ ва хуторларга қўнган немис ва румин солдат ҳамда офицерларининг яроқ-аслаҳаларини ўғирлаб келишар эди. Ташкилотга аъзо бўлган первомайлик ҳамма йнгитлар ўзларини қурол-аслаҳа билан тўла-тўқис таъминлаб бўлганларидан кейин, яна топилган қурол-аслаҳалар Серёжка Тюленинга топширилар, ундан складга топширилар эди,

складнинг қаердалигини фақат Серёжка билан яна бир неча кишигина билар эди.

Бутун «Ёш гвардия»нинг юраги Олег Кошевой билан Ваня Земнухов, Краснодон ташкилотининг юраги Коля Сумской билан Тося Елисеенко бўлганидек, Первомайка ташкилотининг юраги Уля Громова билан Анатолий Попов эди.

Первомайкадаги гурпупага командир қилиб штаб Толя Поповни тайинлаган эди; комсомолда ортдирган ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган, ваэмин ва мулоҳазали бу йигит Первомайка ёшларининг бажариши керак бўлган ҳар бир ишга масъулият, интизом ва мардлик киритар эди, ҳамма болалар жуда ҳам аҳил бўлиб ишлашарди.

Первомайкаликларнинг ҳар бир ишининг ташаббусчиси ва кўпчилики хитобнома ҳамда варақаларнинг автори Уля Громова эди. Баланд бўйли, сарв қомат, кўзлари гоҳ нур сочиб турувчи, гоҳ сирли бир ифода билан боқувчи, шўхдан кўра камгапроқ ва сипоҳ, жўшқинликдан кўра огирроқ бу қиз ўз тенгқурлари билан ўқиб юрган чоғларида, қирларда сайр қилиб юрганларида, ашула айтиб, ўйинга тушган кезларда, шеърхонлик қилган ва пионерларни томошаларга олиб борганларида ўртоқлари ўртасида ортдирган зўр маънавий обрўси энди-энди билина бошлаган, аён бўла бошлаган эди.

Ёшлик чоғида киши сунъийлик ва ҳаққониятни, жўшқинлик ва хафагазакликни, сохталик ва олижанобликни текшириш натижасида ёки тажриба асосида эмас, балки бир қарашда, бир оғиз сўз ёки ҳаракат билан ажрата олади. Улянинг эндиликда жуда яқин, жонажон дейдиган ўртоқлари йўқ эди, у ҳаммага бир текисда, ҳаммага баравар меҳрибон ва ҳаммага баравар талабчанлик билан қарарди. Лекин қизлар уни кўрганларида ё у билан бир-икки оғиз сўзлашганларидаёқ Улянинг руҳан ночор эмас, балки сиртдан ночорликдай кўринган бу ҳолати тагида ҳислар ва туйғулар, фикрлар ҳазинаси, одамларга баҳо бера билиш, уларга муносабат тўлиб ётганини, бу хазинанинг бирданига, кутилмаганда очилиб кетиши мумкинлигини дарров пайқар эдилар, кўпинча биров ундан руҳий таъна ёки танбиҳ эшитиб қолганда кўпроқ шундай бўлиб турарди. Бундай кишиларга бир текисда қилинган муомала ҳам яхши бир гапдай туюлади,— улар бир лаҳза юракларини очсалар-чи, унда нима бўлади?

Уля, ўғил болалар билан ҳам шундай муомала қилар эди. Уларнинг биронтаси ҳам «Уля мен билан қалин» дея олмас, ҳат-

токи бундай дейишга имкон бўлар, деган хаёлни ҳам бошига келтирмас эди. Уля ўзини «ман-ман» деб кеккайдиган қизлардан эмас эди, унинг ҳис-туйғулари ҳам қашшоқ эмас, балки эгачини топганда бир томчидан эмас, тўлиб-тошиб қуйиладиган ҳирсли, оташин ҳис-туйғулар хазинасига эга эди — бунини ҳам бир ўғил бола Улянинг қарашларидан, хатти-ҳаракатларидан биларди. Шунинг учун ҳам Улянинг атрофида фақат иродаси кучли ва пок қизларгагина насиб бўладиган соф кўнгил, бегараз болалар гир-капалак бўлиб юргувчи эди, ҳамма уни иззат-ҳурмат қиларди.

Худди шу туфайли, унинг ўқимишли ва зеҳли бўлганлиги учун эмас, балки худди шунинг учун ҳам у, ўз дугоналари ва первомайсклик ўртоқларини ҳатто ўзи ҳам билмасдан ўзига ром қилиб олганлиги табиий бир ҳол эди.

Қизлар эгачи-сингил Иванихиналарникида тўпланишиб туришарди: сўнги вақтларда ярадорларга атаб боғловчи материаллар солинган кичкина халтачалар тикишарди.

Ярадорларга аталган бу докаларни Любка, уларнинг уйда ичкилик қилган медицина хизмати офицер ва солдатларидан, улар кечаси маст бўлиб ётганда ўғирлаб олган эди, у вақтда бу нарсаларнинг керак бўлиш-бўлмаслигини ўйламаган ҳам эди. Уля бўлса, бундан хабардор бўлиши биланоқ, уларни ишга солиб юборди.

— Ўғил болаларимизнинг ҳар бирида битта-битта шунақа халтача бўлиши керак, негаки улар бизга ўхшаб уйда ўтиришмайди, жангга кирадиган болалар,— дерди Любка.

Уля:

— Бизнинг ҳам жангга кирар вақтимиз келар, ўшанда бундан ҳам кўпроқ бинт керак бўлади,— деганида бир нарсани билиб айтган бўлса керак.

Ҳақиқатда эса Уля, Ваня Земнуховнинг штаб мажлисида айтган гапини ўзидан қилиб айтган эди, Ванянинг бу сўзларни кимдан эшитганини эса билмасди.

Шу кўйда қизлар биргалашиб халта тикиб ўтиришарди, ҳатто бир вақтлар жамоатни ёмон кўради, яқка юришни яхши кўради, деб ном чиқарган студентка Шура Дубровина ҳам бу ишга аралашган эди, чунки Майя Пегливановага кўнгил қўйганидан «Еш гвардия»га ҳам кирган эди. Хипчагина, нозиккина Саша Бондарева эса:

— Ҳозир кимга ўхшашларингни айтайми, қизлар?— дерди.— Бир вақтлар шахтада ишлаб, кейин нафақага чиққан ёки

болаларининг қарамоғига ўтган кампир-бувимларга ўхшайсизлар. Бувимникида уларни жуда кўп кўрардим. Улар бувимникига тўпланишар эди-да, худди шундай ўтиришарди: бири пайпоқ тўқирди, бири кўйлак тикарди, учинчиси фол очиб ўтирарди, тўртинчиси картошка артишда бувимга қарашарди, ҳаммалари индамай, чурқ этмай ўтиришарди. Анчагача шундай жим ўтиришгандан кейин биронтаси ўрнидан турар. эди-да, керишиб туриб: «Хой овсинлар, бир кўнгил очар қилсакчи!» дерди. Кампир бувилар мийиғларида кулиб қўйишарди, бириси эса: «Чакки бўлмасди, тўғри» дерди. Қарабсанки, иш солиққа тушиб кетарди,— ҳар киши бир миридан чиқарарди. Кўрибсанки, столда яримта ароқ ҳам пайдо бўлиб қопти,— кампирларга шу ҳам етади-да! Жиндак-жиндак ичиб олишади-да, кафтларини чаккаларига тираб олиб, «Узугим, олтин узугим...» деб ашула айтишга тушишади.

— Сашка,— деб кулади қизлар.— Қани, бизлар ҳам ўша кампирларга ўхшаб ашула айтмаймизми?

Шу онда Нина Иванцова келиб қолди. Нина Иванцова келса энди қизлар билан гурунглашгани учун эмас, балки штаб элчиси сифатида келар эди: штаб қаерда, унда кимлар бор,— қизлар буни билмас эди. «Штаб» деганда улар чуқур подволдан ёки деворларига хариталар осилган ерости блиндажларидан чиқмайдиган, тиш-тирноқларигача яроқ-аслаҳа, бир лаҳзанинг ўзида радио орқали фронт билан ва ҳатто Москва билан ҳам гаплаша оладиган катта-катта забардаст одамларни кўз олдиларига келтирар эдилар. Шу топда келиб қолган Нина Иванцова Уляни ташқарига чақириб олиб чиқиб кетди. Бундан қизлар Нинанинг янги топшириқ билан келганини пайқадилар. Дарҳақиқат, сал ўтмасдан Уля яна қайтиб кирди-да, бир ёққа бориб келишини айтди. Сўнгра Майя Пегливановани ёнига чақириб, халтачаларни қизлар бўлишиб уй-уйларига олиб кетишсин деди ва «меникига ҳам етти-саккизтасини элтиб қўй, яқинда керак бўлиб қолади» деб тайинлади.

Чорак соат ўтар-ўтмас Уля, юбкасининг этагини тизза орасига қистириб, узун ва чиройли оёқларини четан девордан ошириб ўз боғидан Поповлар боғига сакраб тушди: уларнинг боғида, қари олча дарахти тагида, қовжираган ажриқда сочлари сапсаргайиб кетган, бошига ўзбекча дўппи кийган Анатолий Попов билан бош яланг Витя Петров қоринларини ерга бериб, район харитасига қараб ётишар эди.

Уляни узоқдан кўришди: қиз улар сари келар экан, улар

секин-аста сўзлашиб, ҳамон харитага қараб ётиша берди, Уля, кўксига тушиб турган бир ўрим сочини орқасига олиб ташлади. юбкасини сал кўтариб тиззасига қистирди-да, болалар ёнига чўққайиб, биргалашиб харита кўриша бошлади.

Анатолий билан Викторга маълум бўлган ва Улянинг келишига сабаб бўлган иш первомайскликлар учун биринчи жиддий синов эди: «Еш гвардия» штаби уларга Погорелое хуторида ўрмон хўжалигида ишловчи ҳарбий асирларни қутқаришни топширган эди.

— Соқчилар қаерда?— деб сўради Анатолий.

— Соқчилар худди шу хуторнинг ўзида, йўлнинг ўнг томонида туришади. Барак эса четда, чап томонда, ўрмонча ёнида, биласан-ку? Илгари у ер склад эди. Улар, барак ичига сўри қилиб, атрофини тиканли симлар билан ўраб олишган. Атиги бигта часовой юради... Менимча, соқчиларга тегмаганимиз маъқул фақат часовойни йўқ қилсак бўлгани дейман... Аттапг, яхшиси-ку, барисини қириб ташлаш керак эди-я!— деди Виктор кўзларида газаб ўти ифода этиб.

Отаси ҳалок бўлгандан кейин Виктор Петров жуда ўзгариб кетган эди. Қора бахмал куртка кийган Виктор жасур кўзлари билан Анатолийга хўмрайиб қараб ва чўп тишлаб, истар-истамас дерди:

— Кечалари асирларнинг устидан қулф солишади. Лекин, Главани қўшсак бўлади, асбобларини ишлатиб, ҳеч кимга билдирмай ишни боплайди.

Анатолий Уляга қаради.

— Сенинг фикринг-чи?— деб сўради.

Гарчи Уля гапнинг бошини эшитмаган бўлса-да, бирга ишлаша бошлаган кунлариданоқ, гапни бир сўзданоқ фаҳмлаб оладиган бўлиб қолганларидан, у дарҳол Викторнинг нимадан кўнгли тўлмаганини фаҳмлаб, гапнинг маъносини илиб олди.

— Витянинг гапига жуда яхши тушунаман: рост, соқчиларнинг бари қириб ташланса ёмон бўлмасди. Лекин, бундай катта ишга ҳали кучимиз етмайди,— деди Уля.

— Менинг фикрим ҳам шу,— деди Анатолий,— осон ва мақсадга яқинроқ ишларни бажариш керак.

Эртасига кечқурун беш йигит — Анатолий билан Виктор, уларнинг мактабдош ўртоқлари Володя Рагозин, Женя Шепелёв (Женя Шепелёв ораларида энг кичиги эди) ҳам Борис Главанлар, Донец бўйидаги Погорелое хуторига яқин ўрмонга якка-якка бўлиб тўпланишди. Уларнинг ҳаммасида биттадан тўппон-

ча бор эди. Виктор яна отасининг қадимги «финка» пичоғини бахмал курткеси тагидан тасмага қистириб олган эди. Борис Главан эса омбур «фомка» билан отвёртка ҳам олиб олган эди.

Жанубнинг эрта куздаги қоронғи, шабадали туни, осмонда юлдузлар чарақлайди. Болалар дарёнинг тикка кесиб тушган ўнг қиргоғи этагида писиб ётишибди. Шамол дарё лабидаги чангалларни шитирлатади, сокин оқувчи дарё сувлари кумуш янглиғ жимирлайди, фақат аҳён-аҳёнда қиргоқнинг қулаб тушган ерларида сув шалоласи ерни ўпирганиданми, ё бўлмаса дарахт шохлари ларзага келганиданми, гўё бузоқ сигирни эмгандай майин жилдираш овози эшитилиб қолади. Дарёнинг нариги паст ва текис қиргоғи гира-шира қоронғида кўзга чалинмайди.

Улар ярим кечагача, яъни қоровулликка янги солдатлар келишигача кутиб ётдилар.

Дарёнинг ул ёғини кумуш ранг туман қоплаган, сувнинг майин жилдираши эшитилиб турган шу эрта куз туни шу қадар сирли ва гўзал бир манзара яратган эдики, болаларнинг ҳар бирида, наҳотки мана шу дарёдан, унинг товушларидан жудо бўламиз, немис часовойи билан, қандайдир тиканли симлар ва қулфлар билан курашамиз?— деган ғалати бир ҳис туғилар эди. Ахир, дарё ҳам, унинг қулоққа эшитилиб турган жилдираши ҳам яқин ва таниш бир нарса, лекин бундай ишни улар биринчи марта бажарадилар, бу ишнинг қандай бўлишини уларнинг ҳеч бири тасаввур ҳам ётолмас эди. Лекин улар ўзларининг бу ҳисларини бир-бирларидан яширар ва ёнг яқин нарсалари ҳақида бир-бирларига шивирлаб ётишар эди.

— Витя, мана бу ер эсингдами? Худди ўша жой эмасми?— деб сўради Анатодий.

— Йўқ, у жой сал пастроқда, ҳов ана, қиргоқ қулаб тушиб, ўпқон ураётган ерда. Ушанда мен дарёнинг ул томонидан сузиб келганман, сени пастга оқизиб, камар ўраб олиб кириб кетмасин деб қўрқувдим.

— Энди иқроб бўлсам ҳам бўлади: ўзим ҳам ўлгудек қўрқиб кетгандим. Ахир, ичимга сув кириб кетган эди-да!

— Женька Мошков иккимиз энди ўрмондан чиқиб келаётган эдик — бирдан кўзимиз тушиб қолди. Бунинг устига, мен сузишни ҳам билмас эдим,— деди кепкасини қошигача бостириб қийган, дароздан келган ғоятда ориқ Володя Рагозин.— Агар Женька Мошков уст-боши билан ўзини сувга ташламаганда, сен уни сувдан олиб чиқа олмас эдинг,— деди у, Викторга.

— Албатта, олиб чиқа олмас эдим,— деб иқрор бўлди Виктор.— Мошковдан яна нима хабар бор?

— Хабар йўқ,— деди Рагозин.— Ўзи младший лейтенанг, яна пиёда аскарлар қисмида дегин! Энг пастки даража командир-да, бундайлардан, огайни, кунда талайи қирилади...

— Йўқ, сизларнинг Донецларинг жуда секин оқаркан. Дарё деб бизнинг Днестрни айтадилар,— дейди, тирсагига таяниб Борис Главан, қоронгида оппоқ тишларини ялтиратиб.— Шунақангги тез оқадики! Кенглигини айтмайсанми! Бизнинг дарёга тушиб қолган одам мишг қилса ҳам қутулиб чиқа олмайди. Шу ҳам ўрмон эканми? Биз ҳам қирлик жойда турибмиз-ку, лекин Днестр бўйларида шунақанги ўрмонлар борки! Ҳар дарахтига одам қучоғи етмайди, бўйи осмонга етади...

— Уша ерда тура берардинг сен,— деди Мёня Шепелёв.— Одамнинг хоҳлаган ерида туришига йўл қўйишмайди-я, бу нима деган гап ахир... Бу урушларнинг нима кераги бор, умуман... Ким қаерни хоҳласа — ўша ерда яшай берарди. Бразилия ёқадими? — Марҳамат! Мен шу Донбасснинг ўзидан ҳеч ерга кетмасдим. Менга шу ернинг ўзи ҳам жуда ёқади.

— Йўқ, менга бир қарагин ўзинг: маза қилишни хоҳласанг, юрт тинчигандан кейин бизнинг Тирасполга кел,— уезд шаҳарчамиз Сорокага, қўя берса бизнинг қишлоғимизга кел, огайни, номи ҳам ўзига ярашган, тарихга кирган.— Царь-град деган номи бор,— дейди Главан, секингина кулиб.— Лекин, югур-югур ишга, масалан, «Заготскот» вакилликка ишга кирма! «Қизил крест»нинг маҳаллий жамиятига раис бўлиб бор. Нуқул сартарошликлар устидан қараб турасан, ҳеч ташвишинг бўлмайди, ҳузур қилиб вино ичиб ётаверасан. Худо урсин, жуда яхши иш шу! — дейди кулиб Главан.

— Секинроқ, мунча бақириб гапирмасанг! — деди Анатолий. Яна худди бузоқ сигирни эмаётгандек чапилаган товуш эшитилди.

— Вақт бўлди... — деди Анатолий.

Уларни қамраб турган оддий табиат ва ҳаёт туйғулари тарқалиб кетди.

Бу ернинг ҳар қадамини ўзининг беш панжасидай билган Виктор бошчилигида, болалар бирин-кетин тизилишиб, йўлни четлаб боришди-да, ўрмон ичига киришди, бу ердан барак ҳали кўринмас эди. Атроф-теваракка қулоқ солиб, пича туришди. Ҳамма ёқ жимжит. Виктор қўли билан ишора қилиши билан, болалар унинг кетидан сирғилиб кетишди.

Энди улар ўрмоннинг нақ чеккасига етиб келган эди. Улар рўпарасида томи бир томонга нишаб қилиб қурилган баланд, лекин оддий барак қоп-қорайиб турарди, лекин ичига одамлар қамалгани учун болалар назарида жуда мудҳиш бўлиб кўринарди. Баракнинг теварак-атрофи яланглик бўлиб, чап томонида часовойнинг қораси кўринди; часовойдан яна чапроқдан ўтган йўлнинг у юзида уйлар, хуторлар бошланар эди, лекин улар бу ердан кўринмас эди.

Часовойнинг алмашишига ярим соатча вақт қолган эди, болалар қоронғида тик турган часовойдан кўзларини узмай, ёта бердилар.

Ниҳоят, олд томондан икки кишининг оёқ шарпаси эшитилди: икки киши ҳарбийларча қадам ташлаб, улар томонга қараб келаверди. Бири разводящий, иккинчиси қоровуликка келаётган часовой эди. Улар, уларнинг овозини эшитиб «смирно» ҳолатида турган часовой ёнига келишди.

Немис тилида паст овоз билан айтилган команда, қуролнинг тарақлагани, этик пошналарининг гурсиллаши эшитилди. Икки киши ажралиб, яна оёқ товушлари эшитилди, икки киши қайтиб кетди-да, қоронғи зимистонликда кўздан йўқолди.

Анатолий бошини Женья Шепелёвга энди бурган эди-ки, қараса, Женья ўрмоннинг алақаеригача сирғилиб кетган эди. Женья Шепелёв хуторнинг четидан айланиб ўтиб, соқчилар турадиган уй ёнига келиб туриши керак эди.

Часовой, худди қафасга солинган қашқир каби, тиканли симнинг у бошидан-бу бошига юриб турар эди. Қадамлари жадал, милтигини елкасига осиб олган; нуқул икки қўлини зўр бериб бири-бирига ишқайди: уйқудан туриб совуқ қотган бўлса керак.

Анатолий Викторнинг қўлини пайпаслаб топди ва секин қисиб қўйди, қўли ниҳоятда иссиқ эди.

— Икковимиз қилиб қўя қолайлик?— деб шивирлади, у оғзини унинг қулоғига яқин келтириб.

Бу — дўстни аёвчи бир туйғу эди. Виктор йўқ, дегандай бошини чайқади-да, олдинга қараб силжиб кетди.

Анатолий, Борис Главан ва Володя Рагозинлар нафасларини босиб, унинг кетидан ва юриб турган часовойдан кўзларини узмай, ётар эдилар. Виктор бирон нарсани шитирлатиб юборса ҳам уларга ўзини билдириб қўйгандай туюларди. Лекин Виктор ҳамон илгарилаб борар эди, ахир, бахмал курткаси ер билан бир бўлиб кўринмай кетди, ўзи ҳам кўринмай кетди, товуши

ҳам эшитилмай қолди. Болалар мана ҳозир, мана ҳозир деб жон ҳовучлаб туришар ва часовойдан кўзларини узмай ётар эдилар, часовой эса тиканли сим бўйлаб у ёқдан-бу ёққа юриб турар, болаларнинг назарида жуда кўп вақт ўтиб кетгандай, худди тонг яқинлашиб қолгандай туюларди...

Виктор эса ер бағирлаб, гоҳ бир қўли, гоҳ иккинчи қўлини илгари суриб, оёқлари билан итарилиб, ўрмалаб борарди ва ёшлигида, пионерлар ўйини бўлганда постда турган ўртоғини алдаганда ҳам худди шундай ҳаракат қилганини эсларди. Часовой унга қараб келаётганида Виктор тек ётар, часовой ундан нари кетганда эса ўзини босишга ва шешмасликка тиришиб, сурилиб борарди.

Юраги гуп-гуп урар, лекин кўксига қўрқув деган нарса йўқ эди. То ўрмалай бошлаганига қадар у, ўзида интиқом ҳиссини яна ва яна ошириш, кучайтириш учун, отасини эшлашга ўзини мажбур этарди. Ҳозир бу сезгини бутунлай унутган эди: унинг бутун руҳий куч-қуввати часовой ёнига билдирмасдан етиб олишга қаратилган эди.

Тиканли симнинг барак бурчагидан бурилиб кетган ерига етиб, тек қолди. Шу пайтда часовой нариги бурчакдан яна орқасига қайрилди. Виктор «финка»сини чиқариб тишлаб олди-да, часовой сари ўрмалаб кетди. Унинг кўзлари қоронғига шу қадар ўрганиб қолган эди-ки, ҳатто симни ҳам бемалол кўра олар эди. У часовойнинг кўзлари ҳам қоронғига ўрганган бўлса, менга яқин келиши билан ерда ётганимни кўриб қолиши мумкин деб ўйларди. Лекин часовой, тиканли симнинг ўртасидан очилган йўлча бошига келиб тўхтади. Бу йўлакнинг эшиги оддий эшик бўлмасдан, балки тиканли сим билан ўралган галати бир дарчасимон бир нарса эканлигини Виктор билар эди. Виктор диққат билан кутиб ётди, лекин часовой орқасини баракка ўрганича, елкасида милтиқ, қўлларини чўнтагига солганича, бошини бир ёнга эгиб, қимири этмай турар эди.

Викторнинг ўртоқларига жуда кўп вақт ўтиб, тонготар пайти келгандай туюлгани каби, унга ҳам бирдан худди шундай туюлди. Часовой уни кўриб қолиши ва айниқса шарпасини эшитиб қолиши мумкинлигига қарамай, Виктор тўғри у томонга қараб ўрмалаб кета берди. Уларнинг ораси кўп келса икки метрча эди, часовой эса ҳамон қўллари чўнтагида, милтиғи елкасида, секин-секин тебраниб турарди. Виктор яна ўрмаладимми, ё сапчиб туриб кетдимми, буни ўзи ҳам билмади, лекин часовойнинг чап биқинидан лип этиб тургани ва «финка» органи эсида.

Часовой кўзларини очиб дарров бошини ўгириб қаради: у ёши анчага бориб қолган ориқ, соқол-мўйловлари ўсиб кетган немис эди. Унинг кўзлари худди ақдан озган кишиларнинг кўзидек олайди, қўлларини чўнтакларидан чиқаришга ҳам улгурмай, аллақандай секин товуш билан:

— Ҳиққ...— деди-қўйди.

Виктор кучининг борича унинг бўғизига, чап иягининг пастрогига «финка» солган эди, сопигача кириб кетди. Немис йиқилди. лекин Виктор ҳам унинг устига йиқилди, яна бир марта пичоқ солмоқчи эди, лекин немис хириллаб, талвасага тушди, оғзидан қон келди. Виктор сал нари борди-да, қонга беланган «финка» пичоғини улоқтирди. Бирдан кўнгли айниб, шу қадар қайт қилгиси келиб қолдики, биров эшитиб қолмасин деб дарров оғзини бекитди.

Шу онда у олдида турган Анатолийни кўрди, Анатолий унга «финка»сини тутқизиб:

— Ол буни, из қолади...— дерди.

Виктор «финка»ни олиб бекитди. Рагозин уни қўлтиғидан ушлаб:

— Қани, кетдик энди!..— деди.

Виктор тўппончасини қўлида ушлаб, Рагозин иккови йўлга чопиб чиқишди-да, ерга ётишди.

Қоронгида тиканли сим эшикда адашиб қолишдан қўрққан Боря Главан икки устун ўртасидан симни омбур билан кесиб, йўл очди. Сўнг Анатолий билан бирга барак эшиги томон юғришди. Главан қоронгида эшик қулфини пайпаслаб топди, қулф оддий темир қулфлардан эди. Главан қулф бандига темир таёқ тикди-да, ҳалқани бузди. Занжирни тушириб, ҳаяжон ичида эшикни очиб юбордилар, димоқларига қўланса ва иссиқ бир ҳид келиб урди. Баракдагилар уйғонди, ҳар ёқдан одамларнинг қимирлаб қолгани эшитилди, кимдир биров қўрқув ичида бир нималарни сўрар эди.

— Ўртоқлар...— деди Анатолий ва юраги тўлиб кетганидан ортиқ ҳеч нарса дея олмади.

Бир неча киши қувонч ичида алланималар деб хитоб қила бошлаган эди, бошқалар уларни жим қилишди.

Анатолий ўзини тутиб олиб:

— Ўрмон ичи билан дарё бўйига чақинглар-да, кейин дарёнинг юқори ва паст томонларига қараб қочинглар,— деди.— Гордей Корниенко деган борми? Боринг уйингизга, хотинингиз ёнига...— Анатолий барак эшиги олдига чиқиб турди.

— Вой чироғим!.. Умринг узоқ бўлсин...— деган овозлар эшитиларди Анатолийнинг қулогига.

Олдин югуриб чиққанлар тиканли сим эшик томонга чопган эди, Главан уларни, йўлдан тўхтатиб, ўзи очган йўл томонга бурди. Бирдан аллаким Анатолийнинг бўйнидан икки қўллаб қучоқлаб олди-да, севинчига сигмай:

— Толя?... Толямисан?...— деди.

Анатолий сесканиб тушди, қучоқлаб олган кишининг юзига юзини тутиб қаради.

— Мошков Женя!..— деди Анатолий, нечундир ажабланмай.

— Овозингдан танидим,— деди Мошков.

— Шошма... Бирга кетамиз...

Анатолий, Виктор ва ориқлаб кетган оёқ яланг, қандайдир жулдир кийим кийган Мошков, болалардан ажралишди-да, дарахтзор жарликнинг тагига тушиб дам олишди.

Боягина Донец бўйида эслаб ётганлари, Мошковни асирдан қутқазганлари болаларнинг ўзларига ажойиб бир мўъжиза бўлиб кўринарди. Жуда чарчаган бўлса ҳам, Анатолийнинг вақти чоғ ва хурсанд эди. У ҳадеб бу ўнгидан келган ишни қайта-қайта эсларди. Викторни, Главанни ва бошқа болаларни мақтарди, гоҳ яна Женя Мошковни қутқазганларига қайтарди. Камгап Виктор унга истар-истамас жавоб қилар, Мошков эса чурқ этмасдан ўтирарди. Ахир бориб Анатолий ҳам жим бўлди. Жарнинг таги қоп-қоронғи ва жимжит эди.

Бирдан Донецнинг паст томонидан аланга шуъласи кўтарилди. Бирдан пайдо бўлган бу шуъла осмоннинг кўпгина қисмига ёйилиб бора берди, ёнғин чиққан ернинг осмони эса худди қизил чодир каби қалқиб тушар, ҳатто жарликнинг таги ҳам ёришиб кетди.

— Қаерда экан?...— деб секин сўради Виктор.

— Гундоровская ёнида,— бирмунча вақт жим тургандан кейин деди Анатолий.— Бу Серёжканинг иши,— деди овозини пастлаб,— ғалла ғарамларига ўт қўйишди. У ҳозир ҳар кунни ўт қўяпти...

— Мактабда ўқиб юрганларимизда йўлимиз кенг эди, истиқболимиз порлоқ эди, эндиликда мана бундай ишлар билан шуғулланишга мажбурмиз!— бирдан кучли ҳарорат-ла деди Виктор.— Бундан бошқа иложимиз ҳам йўқ-да...

— Болалар! Мен чиндан ҳам озод бўлдимми, а? Болалар!— хирқи бир овоз билан деди Женя ва юзини қўллари билан бекитиб, ўзини қовжираб ётган ажриққа ташлади.

ҚИРҚ ОЛТИНЧИ БОБ

Шундай бир замон келдики, ҳатто бошпанасиз кишилар ҳам тош йўл ва грунт йўллардан юришдан қўрқадиган ва ғалтак араваларини кичкина йўлларда ё бўлмаса тўппа-тўғри қир, даладан судраб юрадиган бўлди: юк машиналари ва енгил машиналар ҳамда бензин цистерналарининг миналардан портлаш ҳодисалари шу қадар кучайиб ва кўпайиб кетган эди.

Жануб томонда, Матвей Курган билан Новошахтинск ўрғаларида бўлиб ўтган катта авария овозаси тинар-тинмас, янги авария юз бериб қоларди, бу сафар шимол томонда, Старобельск билан Беловодск ўртасида бензин ортган бутун бошли транспорт ҳалокатга учраган бўларди.

Бирдан Сталинград томонга ўтган асосий тош йўлдаги Крепенка сойига қурилган темир-бетон кўприк портлаб осмонга учиб кетди, бунинг қандай юз берганига ҳатто ҳеч кимнинг ақли етмасди: кўприк Боково-Платово деган ва немислар жуда қаттиқ қўриқлаб турган обод ва гавжум бир жойда эди. Шундан кейин бир-икки кун ўтмасдан Воронеж-Ростов темир йўлининг Каменск ёнидаги баҳайбат кўприги дарёга қулаб тушди. Бир взвод немис автоматчилари тўртта станокли пулемёт билан қўриқлаб турган бу кўприкнинг портлаган овози шу қадар кучли эдики, унинг гумбурлаши ҳатто тунда Краснодарга ҳам эшитилди.

Бу портлашнинг Краснодон ҳамда Каменск яширин партия ташкилотларининг биргалашиб ишлагани натижасида юз берганлигини Олег фаҳмлади. Фаҳмлаганлигининг сабаби шунда эдики, бу портлашдан икки ҳафтача бурун Полина Георгиевна Каменск томонга юбориш учун Лютиков номидан яна бир алоқачи талаб этган эди.

Олег Оля Иванцовани ажратди.

Гарчи Оля Иванцованинг Краснодонга, уйига бир неча марта келиб-кетганлигини Олег Нинадан эшитган бўлса-да, лекин Оля шу икки ҳафта давомида «Ёш гвардия» фаолияти доирасида бирон марта ҳам кўринмади. Шундан кейин, ўша ажойиб портлаш бўлиб ўтгандан икки кун кейин Оля Олегнинг уйида пайдо бўлди-да, «Ёш гвардия» штабининг алоқачиси сифатида яна ўз вазифасини камтарлик билан адо этишга киришди. Олядан бу тўғрида ҳеч нарса сўраб бўлмаслигини Олег билар эди, лекин баъзан унинг юзига қизиқсиниб ва мароқланиб қараб турганини ўзи пайқаб қолар эди. Лекин Оля буни сезма-

гандай, пайқамагандай бўлиб, ҳар вақтдагидек бамайлихотир, босиқ ва камгаплагича ўтира берарди. Унинг бичимлари хунуроқ, лекин кучли ирода ифода топган, камдан-кам куладиган чехраси худди атайлаб сир сақлаш учун яратилгандай туюларди.

Шу орада район атрофидаги йўлларда ва ундан анча олисларда «Ёш гвардия»нинг уч доимий жанговар группаси ҳаракат қилиб турган эди.

Бир группа Краснодон билан Каменск ўртасида ҳаракат қиларди; бунинг қиладиган иши — асосан немис офицерлари тушган энгил машиналарни тутиш эди. Группага Виктор Петров бошчилик қилар эди.

Иккинчи группа Ворошиловград-Лихая ўртасидаги йўллар қарарди; бу группа цистерналарга ҳужум қиларди; машина ҳайдовчиларни ва соқчиларни йўқ қилиб, бензинни йўлларга оқивиб юборар эди. Бу группага асирликдан озод қилинган, Қизил Армия лейтенанти Женья Мошков раҳбарлик қиларди.

Тюлений бошчилигидаги учинчи группа эса ҳар ерда иш олиб борарди. Немисларнинг яроқ-аслаҳа, озиқ-овқат ва кийим-бош ортган юк машиналарини тутарди, ўз қисмларидан ажралиб қолган ёки кейинда қолиб кетган немис солдатларининг пайига тушарди, — бу кейинги ишни ҳатто шаҳар ичида ҳам қила берарди.

Группаларнинг жангчилари топшириқ олгани тўпланар ва кейин якка-якка тарқалишарди; ҳар ким ўз қуролини даштнинг бирон ерига кўмиб сақлаб юрарди.

Мошковнинг асирдан қутулиши билан «Ёш гвардия» яна бир тажрибали раҳбарга эга бўлди.

Асорат кулфатларидан кейин ўзига келган, дуб дарахти каби бақувват Мошков бўйнига қалин шарф ўраб, оёғига этик-калиш кийиб, ўрдак юриш қилиб юрарди (этик билан калишни у, Шевирёвка хуторидаги полиция участкаси тор-мор этилган вақтда ўлдирилган «полицай» нинг оёғидан ечиб олган эди). Афтидан баджаҳл кўринса-да, ўзи жуда ювош эди. Армия хизмати ва айниқса фронтда партияга қабул қилинганлиги уни босиқликка ва интизомга ўргатган эди.

Унинг ҳунари слесарлик эди, шунинг учун 10-дирекцион қошидаги устахонанинг мөханика цехига ишга жойлашди ва Лютиковнинг таклифи билан «Ёш гвардия» штабига аъзо қилиб киритилди.

«Ёш гвардия» бир қанча жанговар ишлар қилиб, донғи чиқ-

қан бўлса-да, немисларнинг ташвишга тушганлиги ҳеч маълум эмас эди.

Кўзга кўринмайдиган ерости сувлари ва булоқлардан сой ва дарёлар ҳосил бўлиши каби, «Еш гвардия» ҳаракатлари ҳам немислар келмасдан олдинги табиий ҳолатларга интилган миллион-миллион кишиларнинг кўзга кўринмас, яширин, лекин жуда кенг оқим бўлиб сезилмай қўшилиб кетган эди. Немисларга қарши қаратилган бу сон-саноксиз катта-кичик ишлар орасида «Еш гвардия»нинг қолдириб келаётган изларини немислар анча вақтгача кўрмай келдилар.

Фронт шу қадар узоқлашиб кетган эдики, Краснодарда турган немисларга бу шаҳар герман рейхига қарашли узоқ, пастқам ва умрбод янги тартиб ўрнатилган бир жойдай кўринар эди. Партизанларнинг йўллардаги ҳаракати бўлмаганда, бу ерда «янги тартиб» абадий қарор топди деб ўйлаш мумкин эди.

Фронтларда — шарқда ҳам ғарбда ҳам, шимол ва жанубда ҳам гўё буюк Сталинград жанги садоларига қулоқ бериб тургандай, жимлик ҳукм сураар эди. Бутун сентябрь давомида, кейин октябрда ҳам Сталинград районида ва Моздок районидаги жанглар ҳақидаги қисқа ахборотлардаги гаплар шу қадар оддий ва доимий бўлиб қолган эдики худди бундан буён ҳам ҳаммаша аҳвол ўзгармайдигандай туюларди.

Шарқдан Краснодар орқали ғарбга ҳайдаб ўтилиб турган асирлар оқими тамомила тўхтади. Лекин немис ва румин ҳарбий қисмлари, обозлар, тўплар ва танклари ғарбдан шарққа ҳамон ўтиб турарди; улар ўтиб кетар эди-ю, лекин ортиқ қайтмас эди, шундай бўлса-да янги ва янги қисмлар ўтишда давом этарди, шунинг учун Краснодарда қўнувчи немис ва румин солдат ва офицерлари сира аримасди ва бу ҳолат ҳам худди абадий бир ҳолат бўлиб қолгандай туюларди.

Коростилёвлар билан Кошевойлар уйда, ярадор бўлиб, тузалиб, энди отпусадан фронтга қайтаётган немис офицери, учувчи — «асс» ҳамда бир румин офицери деньшиги билан бир неча кун туришди. Румин офицерининг деньшиги рус тилини биладиган хушчақчақ бир одам эди, тўғри келган нарсани, ҳатто сассиқ пиёз борми, расм солиб қўядиган рамка борми, ўғирлаб кета берарди.

Барикарам рангли форма кийган, бўйнига галстук ва елкасига зарҳал погон таққан, мўйловли ва кўзлари чақчайган румин офицери пак-пакана ва типирчи эди, ҳатто бурнининг учи ҳам ҳамма вақт қимирлаб турар эди. Коля тоғанинг бўлмасини

өгаллаб олган эди, уйда ўтирмас, оддий кийимини кийиб олиб, шахталар, идоралар, ҳарбий қисмларни текшириб юргани юрган эди.

Коля тога деньшик билан ўртоқ бўлиб олган эди. Шу деньшикдан:

— Сенинг хўжайининг нега оддий кийимда юради?— деб сўради.

Хушчақчақ деньшик лунжини дўмбира қилди-да, худди цирк-да кўрсатгандай, кафти билан бир уриб пақ этиб отди ва бегараз бир оҳангда:

— Шпион!..— деди.

Шу суҳбатдан кейин Коля тога трубкасида айрилиб қолди.

Немис «асс»и Елена Николаевнани Вера бувининг ҳужрасига, Олегни саройга суриб чиқариб, катта уйга жойлашиб олди. У, кўзлари қизарган, кўкраги Франция осмонида ва Харьков учун бўлган жангларда олган орденлар билан тўлган, олпоқ баданли забардаст одам эди.

Уни комендатурадан судраб олиб келишганда гирт маст эди, кечаси демай, кундузи демай ича бериб, сира ўзига келмай юргани учун ҳам бир неча кун шу ерда қолиб кетган эди. У, уйда руминлардан бошқа истиқомат қилувчиларнинг ҳаммасини ичкиликка тортишга уринарди,— руминлар борми, йўқми, назар-писанд ҳам қилмасди,— ҳамсуҳбати бўлмаса, бир минут ҳам туруммас эди. Немисча ҳамда русча сўзларни аралаштириб туриб, олдин большевикларни, кейин инглизларни, ундан кейин америкаликларни уриб енгаман, шундан кейин олам гулистон бўлади, деб вайсаб юрарди. Лекин кейинги кунларда кайфи бузилиб, таъби хира бўлиб қолди.

— Сталинград!.. Ҳа!..— дерди қип-қизил бармоғини бигиз қилиб.— Большевик отади... пақ! Мен капут!..— Қизарган кўзларида аламли ёшлар пайдо бўларди.

Кетмасдан олдин бир оз ўзига келиб, ҳовлима-ҳовли югуриб, маузери билан товуқ отиб юрди. Отган товуқларини бекитадиган жойи йўқлигидан, ҳаммасининг оёғидан битта қилиб боғлаб, эшик тагига ташлаб қўйди, лаш-лушларини йиғиштириб бўлгунча, товуқлар шу ерда ёта берди.

Румин деньшиги Олегни ёнига имлаб чақирди-да, лунжини дўмбира қилиб туриб, пақ этиб отди ва ерда ётган товуқларни кўрсатиб:

— Маданият!— деди, бегараз бир оҳанг билан.

Худди шу ондан бошлаб Олег қаламтарошидан айрилиб қолди.

«Янги тартиб» ўрнатилгандан кейин Краснодарда ҳам худди Гейдельберг ёки Баден-Бадендаги каби, «аҳлигул» пайдо бўлди.— бу — турли мартабалар ва лавозимлар зинапояси эди. Бу зинапоянинг энг тепасида гауптмайстер Брюнкер, вахмайстер Балдер ҳамда дирекцион бошлиғи лейтенант Швейделар турарди. Доимий қилиб жиҳозланган ва ҳар томондан мукаммал, тоза ва шинам немис корхоналарида ишлашга ўрганган лейтенант Швейде, қўл остидаги корхоналардаги аҳвол тўғрисида бир вақтлар Бараковга билдирган норозилигини ўзининг хўжайинлик программасига айлантириб юборганини ўзи ҳам сезмаган эди. Ҳақиқатан ҳам, ишчилар бўлмаса, механизм бўлмаса, асбоб-ускуналар бўлмаса, транспорт бўлмаса, тиргович ходалар бўлмаса, у ёғини суриштирганда, конларнинг ўзи ҳам йўқ даражада бўлса, демак кўмир ҳам бўлмайдиди. Шунинг учун у ўз лавозимини шундай ўтар эдики, ҳар куни эрта билан рус стбоқарлари дирекционга қарашли немис отларига ем бериш-бермаслигини текширар ва қоғозларга имзо чекар эди. Бундан ортиб қолган вақтини жуда ҳафсала қилиб ўз паррандаларига, чўчқаларига, сигир-молларига ҳамда немис маъмурияти амалдорларига базм уюштириш ишларига сарфлар эди.

Бу зинапоянинг сал пастроғида Швейденинг ўринбосари Фельднер, обер-лейтенант Шприж ҳамда трустик кийиб юрувчи зондерфюрер Сандлерлар турарди. Улардан пастроқда полиция бошлиғи Соликовскый билан бургомистр Стаценко турарди; жуда вазминлашиб кетган Стаценко ерталабдан бошлаб ичиб маст бўлиб оларди-да, маълум вақтда зонт кўтариб лой кечиб, шаҳар бошқармасига борар ва худди ҳақиқатан ҳам бирон нарсани бошқариб турган кишидай, яна маълум вақтда уйига қайтар эди. Зинапоянинг энг пастида Фенбонг ва унинг солдатлари турарди,— ҳамма ишларни мана шулар қиларди.

Октябрь ёгингарчилиги бошлангандан кейин шахтёрларнинг жонажон ва сеvimли шаҳарчалари ғариб ва маънос бир жойга ўхшаб қолди! Шаҳар лойи тиззагача чиқади, ёқилги йўқ, электр қуввати ҳам йўқ, деворлар бузиб ташланган, ҳовли-қўраларни ўраб турган дарахт-буталар кесиб ташланган, ҳувиллаб, бўшаб ётган уйларнинг дераза ойналари уриб синдирилган, ичидаги мол-матоларини ўткинчи солдатлар, мебелларни эса немис маъмуриятига қарашли амалдорлар ташиб олиб кетган. Кишилар, бир-бирлари билан учрашганда бир-бирларини таниёлмас эди-

лар: шу даража ориқлаб кетган, уст-бошлари шу қадар жулдур-жулдур бўлиб кетган. Шундай бўлар эдики, энг оддий киши ҳам: «Наҳотки, буларнинг ҳаммаси ҳақиқат бўлса, а? Тушим эмасми? Ё ақлдан оза бошладимми?» деган фикрдан, кўчада кетаётган бўлса, бирдан тўхтаб қоларди, ё бўлмаса кечаси уй-қусидан чўчиб уйғониб кетарди.

Ғафат уй деворига ёки симёғочга ёпиштирилган ва ёмғирда увиб қолган бир парча варақадаги «Сталинград» деган оташин сўз ва яна катта йўлда юз берган портлаш садосигина кишиларга: «Йўқ, бу туш эмас, бу хаёл эмас, бу — ҳақиқат. Кураш давом этмоқда!» деб такрор-такрор уқдириб турарди.

Шундай дамлардан бирида, бир неча кундан бери зўр шамол аралаш ёмғир қуйиб турган пайтда, Любка Ворошиловграддан немисларга қарашли кул ранг ва пастак энгил машинада қайтиб келди, ёшгина немис лейтенанти машинадан олдин сакраб тушди-да, эшикни очиб турди ва Любка қўлидаги кичкина чамадончаси билан ўз уйининг эшиги томон илдам юриб кетганида, кетидан честь бериб қолди.

Любканинг онаси, Евфросинья Мироновна, бу сафар ўзини тутолмади ва ўринларига ётганларида қизига деди:

— Ўзингни аҳтиёт қилиб юрсанг бўларди, Любушка... Оддий кишилар биласанми, нима деяпти? «Жудаям немисларга яқин бўлиб олибди» дейишяпти...

— Одамлар шунақа дейдими? Ундай бўлса, яна яхши, ойижон, менга яна ҳам ўнғай бўлади,— деди Любка ва кулди-да, букчайиб олиб, уйқуга кетди.

Любканинг келганини эшитган Ваня Земнухов эртасига эрта билан уйини «Восьмидомики»дан ажратиб турган кагта майдондан лайлақдай оёқлари билан чопиб ўтди-да, тиззаларигача лойга ботиб, совуқдан дилдираган бир ҳолатда Шевцовларнинг катта уйига, ҳатто эшикни тақиллатмасданоқ югуриб кириб келди.

Любка бир қўлида кичкина ойна ушлаб, иккинчи қўли билан гоҳ таралмаган ва жингалаги бузилган гажакларини тўғрилаб, гоҳ яшил тусдаги уй ичи одми кўйлагининг белларини силаб, ёлғиз ўзи уй ичида у ёқдан-бу ёққа юрар ва тахминан қуйидагиларни дерди:

— Вой сен-ей, Любка-Любушка-ей! Угил болалар сенинг нимангни яхши кўришади, ҳайронман... Ҳа, қани, сенинг қаеринг кўхўлик? Фу! Огзинг катта-ю, кўзларинг кичкина бўлса, юз бичиминг ҳам тўғри эмас, қоматинг эса... Йўқ, қоматинг чакки

эмас... Тўғрисини айтиш керак... Қоматинг жойида... Лекин, яхшилаб суриштириб қараса... Кошкийди, мен уларнинг кетидан судралиб юрсам экан, судралмайман ҳам... Фу! Уғил болалар кетидан судралиш... Йўқ, сира тушунолмаيمان...

Ўзини ойнага солиб, бошини гоҳ у томонга, гоҳ бу томонга эгиб кўрар ва жингалак сочларини силкита ва оёқларини кўтариб-кўтариб ташлаб, ўйинга тушар ва:

Любахон, Любахон,
Эй, жонгинам, Любахон,

деб ашула айтар эди.

Унинг бу қилиқларини индамасдан кузатиб турган Ваня бирмунча вақтдан кейин энди йўталсам ҳам бўлар деб ўйлади.

Любка шошиб қолмади, балки аксинча, гердайиб туриб ойна ушлаган қўлини шошилмасдан қуйи туширди-да, қайрилиб қаради, Ваняни кўриб, кўм-кўк кўзларини қисди-да, қўнғироқдай овози билан кулиб юборди.

— Серёжка Левашовнинг тақдири энди менга аён,— деди Ваня, йўғон ва хирқи овози билан.— Сенинг оёқларингга лойиқ черевичкини подшо хотинидан олиб келиб бермаса бўлмайди-ганга ўхшайди...

— Менга қара, Ваня, ўзим ҳам ҳайронман, ўша Серёжкадан кўра сени кўпроқ яхши кўраман,— дерди Любка, ҳар ҳолда бир оз уялинқираб.

— Кўзим ожизлигидан, ростини айтсам ҳамма қизлар кўзимга бир хил бўлиб кўрина беради. Мен уларнинг овозидан танийман. Менга дьякон овозидай йўғон овозли қизлар кўпроқ ёқади, сенинг овозинг, ўзинг биласан, худди қўнғироққа ўхшаб жаранглайди,— бамайлихотир дерди Ваня.— Уйингда ким бор?

— Ҳеч ким йўқ... Ойим Иванцоваларникида.

— Утирайлик. Ойнани ҳам жойига қўй, жиғимга тегмасин... Любовь Григорьевна! Кундалик иш-ташвишлари билан бўлиб, Буюк Октябрь революциясининг йигирма беш йиллиги яқинлашиб қолганини унутганингиз йўқми?

— Унутганим йўқ!— деди Любка, гарчи, виждонан айтганда, бу тўғрида сира ўйлаб кўрмаган бўлса-да.

Ваня унинг қулоғига энгашди-да, бир нима деб шипшиди...

— Ийя, жуда соз бўлади-ку! Вой барака топгур-эй! Жуда боплабсизлар!— Любка Ванянинг лабидан астойдил ўпиб ҳам олган эди, Ваня уялиб кетиб, кўзойнаги тушиб кетишига сал қолди.

— Ойижон, умрингда бирон марта усти-бош бўяганинг борми?

Ойиси Любканинг гапига тушунмай, анграйиб қараб турар эди.

— Масалан, сенинг оқ кофтанг бўлса-да, сен уни... кўкка бўямоқчисан...

— Бўяганим бор, қизим.

— Қизилга ҳам бўяганмисан?

— Барибир...

— Жон ойи, менга ҳам ўргат, мен ҳам бирор нарсамни бўяб қоларман...

— ...Маруся хола, бирон марта усти-бош бўяганмисан?— деб сўрарди Володя Осьмухин, ўзининг Литвинова деган холасидан.— Володянинг холаси ўз болалари билан Осьмухинларга кўшни уйда турар эди.

— Ҳа, бўяганман, Вовочка.

— Иккита-учта ёстиқ жилдини қизилга бўяб бера олмайсанми?

— Қизили чиқиб, юзларингни қизил қилиб юбормайдими, Вова!

— Йўқ, у жилд қопланган ёстиқда ётмайман, кундуз кунлари шундай кийиб юраман, жуда ажойиб бўлади...

— Дада, фақат ёгоч бўяш учун эмас, металл бўяш учун ҳам ажойиб бўёқ пиширишингга жуда қойил қолдим. Бир чойшабни қизилга бўяб бера олмайсанми, а? Ростини айтсам, яна ўша подполчилар: «Бизга битта қизил чойшаб керак бўлиб қолди» деб қўйишмаяпти. Нима дейсан, сўрагандан кейин ҳожатини чиқариш керак-да,— дерди Жора Арутюнянц отасига.

— Бўяш-ку қийин эмас-а, лекин... ҳар ҳолда чойшаб-ку! Онанг нима деркин?— дерди отаси ҳадиксираб.

— Ахир, оила бошлиги ким, сенми ё оийимми? Бу масалани ўз ўрталарингда аниқ ҳал қилиб олинглар-да! Қачонгача шу ҳолда кета беради? Масала аниқ: битта қизил чойшаб керак, вассалом...

Валя Борц Серёжкадан олган хати тўғрисида унга ҳеч нарса демасди, Серёжканинг ўзи ҳам бу тўғрида гап очмас эди, лекин ўша хатдан кейин улар бир-бирларидан ажралишмайдиган бўлиб қолишди. Тонг ёришар-ёришмас улар бир-бирларини соғиниб қолишар эди. Кўпинча Деревянная кўчага Серёжка келиб

турарди,— бу кўта аҳолиси ориққина, сочлари жингалак, ҳатто куз ёғингарчилигида ҳам яланг оёқ юрувчи бу ўспирин болани таниб олган эмас, яхши кўриб ҳам қолган эди; гарчи Серёжка кўпинча индамай ўтирса-да, Мария Андреевна ва айниқса кичкина Люся уни ниҳоятда яхши кўришар эди.

Кичкина Люся ҳатто бир куни Серёжкадан:

— Нега ботинка кийиб юрмайсиз?— деб сўраб қолди.

— Яланг оёқ танца тушиш яхшироқ,— деди Серёжка ҳазиллашиб.

Лекин шу гапдан кейин ботинка кийиб келади-гап бўлди: шу маҳалгача ботинкасини яматдиришга вақти йўқ эди-да.

Кунлардан бир кун, «Ёш гвардия»чилар буюм бўйша жуда қизиқиб кетган пайтларида, Серёжка билан Валя ёзлик кинотеатрда кино кўрсатилаётган пайтда варақа тарқатишлари керак эди, бу уларнинг тўртинчи марта варақа тарқатишлари эди.

Илгари Ленин номли клуб деб аталган ёзлик театр, тевараги тахта билан ўраб олинган бир жой бўлиб, хунук ва доим очиқ турадиган саҳнасига сеанс бошланишидан олдин оқ парда тортилар эди. Театрнинг бўялмаган скамейкалари текис ерга ўрнатилган бўлиб, орқадагилари олдингиларидан баландроқ эди. Краснотонни немислар босиб олгандан кейин бу ерда немис картиналари, кўпроқ ҳарбий-хроникалар кўрсатилар эди; баъзан сайёр труппалар цирк ўйинларини кўрсатар эди. Театрнинг ўтирадиган жойлари номерсиз, кириш баҳоси ҳам ҳаммага баравар эди,— жойнинг энг яхшилари чакқон ва эпчил одамлар эгаллаб олар эди.

Илгариги сафаргидек, Валя залнинг нариги томонига орқадаги қаторларга ўтиб кетди, Серёжа эса бу томонда, олдинги қатор томонда қолди. Чироқ ўчиб, залда ҳали жой талаш бўлиб турган пайтда Валя билан Серёжа халқ ичига варақа сочиб юбордилар.

Қий-чув кўтарилди. Варақалар бирпасда талаш бўлиб кетди. Серёжка билан Валя олдин гаплашиб қўйган ерда, бинони тираб турган устуларнинг саҳнадан санаганда тўртинчиси ёнида учрашдилар. Одатдагича, залга одам сиғишмас эди. Серёжка билан Валя йўл устида, томошабинлар орасида туриша берди. Кино будкадан экранга кўкимтир чангсимон ёруғ тушиши билан Серёжа секин Валянинг тирсагини туртди-да, экрандан чапроқни секин имлаб кўрсатди. Рампанинг тепасидан осилиб тушган тўқ қизил, ўртасига оқ гирдоб ҳамда қора свастика солин-

ган немис-фашист байроғи саҳнанинг бутун чап томонини қоплаб, залдаги ҳаво тўлқинида секин-аста қимирлаб турарди.

— Мен саҳнага кетдим, сен одамлар билан бирга чиққин-да, билетчи хогинни гапга солиб тур... Мабодо зални йиғиштиргани келиб қолншса беш минутча ушлаб тур...— деб шипшиди Серёжка Валянинг қулоғига.

Валя индамасдан бошини силкитди.

Экранда, фильмнинг немис тилида ёзилган номи устида оқ ҳарфлар билан рус тилида «Унинг биринчи кечирмалари» деган ёзув пайдо бўлди.

— Кейин сеникига борамизми?— ҳадиксираброқ сўради Серёжка.

Валя бош силкитди.

Картинанинг сўнгги пардаси олдидан чироқ ўчар-ўчмас, Серёжка Валянинг ёнидан қўзғалди-да, қўздан ғойиб бўлди. У шундай тез ва тамомила йўқолиб кетдики, бундай нарса фақат Серёжканинггина қўлидан келар эди. Одамлар турган йўлларида бирон ҳаракат ё қимирлаш сезилмади. Валя, ҳар ҳолда қандай қиларкин деб қизиқиб қараб турарди. У, залдан чиқадиган эшик томонга силжий бошлади ва айни вақтда экраннинг ўнг томонидаги кичкина эшикдан кўзини узмай қараб борар эди. Серёжка саҳнага фақат шу эшикдан билдирмасдан чиқа олиши мумкин эди. Сеанс тугади. Томошабинлар ғовур-ғувур билан залдан чиқа бошлади, чироқ ёқилди, лекин Валя ҳеч нарса кўролмади.

Халойиқ билан бирга театрдан чиқди-да, эшик рўпарасига, дарахт тагига бориб турди Парк совуқ, қоронғи, нам эди, дарахтларнинг ҳали тўкилиб бўлмаган барглари, гўё уҳ тортаётгандай бир овоз билан шитир-шитир этиб турарди. Ана, томошабинларнинг сўнггилари ҳам театрдан чиқиб бўлди. Валя дарҳол билетчи хотиннинг ёнига югуриб келди-да, театр залидан ланг очиқ турган эшик орқали ёруғ тушиб турган ерга энгашиб бир нарса қидиргандай бўлди.

— Кичкина чарм ҳамёнча топиб олмадингизми шу ердан?

— Вой, қизалоқ, кармон-пармон қидиришга вақтим борми, одамлар энди чиқиб бўлди-ку,— деди кекса билетчи хотин.

Валя энгашиб, минг-минг оёқлар остида эзилган лойнинг гоҳ у ерини, гоҳ бу ерини пайпаслаб кўрарди.

— Шу ернинг ўзида, бошқа ерда тушгани йўқ... Залдан чиқдим-у, дастрўмолимни олиб, сал нарига бориб қарасам, ҳамёним йўқ ..

Билетчи хотин ҳам теварак-атрофдан ҳамён қидира бошлади.

Эшик орқали эмас, балки оркестр ўтирадиган жойнинг панжарасидан саҳнага чиқиб олган Серёжка худди шу пайтда байроқни рампанинг тепасидан тортиб туширишга уринарди, лекин байроқ бирон нарсага ялиниб қолган бўлса керак, сира туша бермас эди. Серёжка байроқнинг баландроқ еридан ушлади-да, бир сакраб, байроққа осилди. Байроқ узилиб тушди, байроқ билан бирга Серёжканинг ҳам оркестр ўтирадиган жойга йиқилиб тушишига сал қолди.

Паркка қараган эшиги ланг очиқ чала ёруғ зал рўпарасида, саҳнада бир ўзи турган Серёжка каттакон фашист байроғини бамайлихотир, қўйнига тиқиш учун, олдин икки буклади, кейин тўрт буклади, кейин саккиз буклади.

Ташқари томондан механик будкасини қулфлаётган қоровул валдан ёруғ тушиб турган ерга, билетчи хотин билан Валя ёнига келди, улар ҳамон ҳамён ивлашмоқда эди.

— Чироқни ўчирмайсанми! Балога қолишингни билмайсанми!— деб ранжиди қоровул.— Учир, ваали ёпиш керак...

Валя унинг ёнига югуриб келди-да, пиджагининг ёқасидан ушлади.

— Жон амаки, бир оз сабр қилгин!— деди ялиниб Валя.— Ҳамёнчамни йўқотиб қўйдим, топишим қийин бўлади, бир оз сабр қил!— деб такрорлади гапини, унинг пиджагини қўлидан қўйвормасдан.

— Гўрда топиладими!— деди қоровул бир оз юмшалиб ва теварак-атрофга беихтиёр қўв югуртириб.

Шу маҳал кепкасини кўзларигача бостнириб кийган, қорни дўппайиб чиққан, ингичка оёқлари, семиз қорнига нисбатан янада ингичка кўринган бир бола ҳувиллаб қолган театр ичидан елиб чнқди-да, осмонга бир сакраб ва ингичка оёқларини ликиллатиб маъюс бир овоз билан:

— Ме-е-е...— деб маъради.

Маъради-ю, вимистонда кўздан ғойиб бўлди.

Валя яна мунофиқона бир оҳанг билан:

— Вой аттаиғ, всиэгина!..— деб ҳам қўйди.

Лекин унинг шу қадар кулгиси қистаган эдики, оғзини иккала қўли билан бекитиб, пиқир-пиқир қилиб, театр ёнидан югуриб кетди.

ҚИРҚ ЕТТИНЧИ БОВ

Онаси билан қилган суҳбатдан кейин Олегнинг хатти-ҳаракатига ҳеч қандай тўсиқлик қолмади, бутун уй ичидагилар шу хатти-ҳаракатга тортилган, қариндошлари унга кўмакчи, онаси эса энг биринчи кўмакчи бўлиб қолган эди.

Ўтмиш авлодларнинг китоблардан ўқиб билган, ўгай отасининг ҳикояларидан ва эндиликда эса ўзининг бевосита раҳбарни Филипп Петрович Лютиков уқдириб келаётган қимматли тажрибаларининг ўзи, ҳамда ўз ўртоқлари кечирган дастлабки муваффақиятсизликлар ва дастлабки ютуқлар билан бирга қўшилиб, бу ўн олти яшар йигит қалбининг қайси бир ўчоғида тобланиб етилганини ҳеч ким айта олмас эди. Лекин «Ёш гвардия»нинг фаолияти тобора кенгайиб боргани сари Олегнинг ўртоқларига таъсири ҳам кучайиб борар ва буни ўзи ҳам тобора кўпроқ англай эди.

Олег шу қадар дилкаш, ҳамдам, ҳаётга ўч, содда бола эдики, ўз ўртоқларидан устун туришгина эмас, ҳатто уларни, уларнинг фикр ва тажрибаларини менсимаслик тўғрисидаги фикрнинг ўзи ҳам унинг дилида нафрат ҳисси туғдирар эди. Лекин, ўз ўртоқлари фаолиятининг муваффақияти ёки муваффақиятсизликка учраши асосан ўзига ўртоқлари орасида фақат ўзининг ҳамма нарсани олдиндан кўра билишига, ёки хато иш қилиб қўйишига боғлиқ эканини тобора кўпроқ англай эди.

У ҳамиша жонсарак-сергайрат, ҳамиша хушчақчақ ва айни вақтда интизомли, талабчан ва сариштали эди. Гап фақат ўзи устида борганда болалиги тутиб кетарди, варақаларни ўзи ёпиштиргуси, галла гарамларига ўзи ўт қўйгуси, қурол-аслаҳаларни ўзи ўғирлаб келгуси ва бурчак-бурчакдан туриб немисларни ўз қўли билан отиб ўлдиргуси келарди. Лекин ҳамма иш учун, ҳамма ўртоқлари учун масъулият ўз зиммасида эканлигини сезиб, ўзини босиб юрарди.

Олег ўздан катта, ниҳоят даражада содда, гоят жасур, камгап ва романтик руҳли, қоп-қора қўнғир сочлари кучли елкаларига ёйилиб тушиб турган, чиройли қўллари қоп-қора ва қорамтир кўзларида кибр, эҳтирос ифода этган, қошларида аллақандай парвоз акс этиб турган қиз билан дўст эди. Нина Иванцова унинг ҳар бир қарашини, ҳар бир ҳаракатининг маъносини билар эди ва унинг ҳар бир топширигини гинг демасдан, довжораклик билан тўла-тўқис бажо келтирарди.

Гоҳ варақалар, гоҳ муваққат комсомол билетлари, гоҳ бирор ернинг планини чизиш билан овора бўлганликлари учун, улар соатлаб индамасалар ҳам, лекин зерикмас эдилар. Лекин бир-бирлари билан гапиришадиган бўлишса, улар албатта олам осмонда парвоз қилиб кетишарди: улуғвор инсон руҳи барпо этган ва уларнинг болаларга хос ҳаёли тафсир эта оладиган ҳамма нарсалар уларнинг кўз олдидан ўтаверар эди. Баъзан улар иккови ёлғиз қолганда бирор сабаб бўлмаса ҳам шу қадар кайфлари чоғ бўлиб кетар эдики, қота-қота кулишарди: Олег худди ёш бола каби, бармоқ учларини ишқалаб энтикиб-энтикиб кулар, кўзларидан ёш чиққунча кулар, Нина эса фақат қизларга хос бир назокат билан секин-секин, ё бўлмаса гўё Олегдан бирон нарчасини пинҳон тутгандек, бирдан хотин кишиларга хос сирли бир равишда кулар эди.

Бир кун Олег, уялиниқираб, Нинадан бир шеърини тинглашини сўради.

— Кимники? Сеникимн? — деб сўради Нина, ҳайратланиб.

— Йўқ. Тинглагин олдин...

Олег тобора дудуқланиб, ўқий бошлади, лекин бир неча мисрадан кейин ўзини босиб олди:

Жанг куйини айт, дугонажон,
Маъюсланма, битсин қайгуриш,
Тезда қайтар азия, жонажон —
Қизил қанот лочинларимиз,
Учиб келиб, очишади ланг —
Эшик, зиндон, ертўла — барин,
Киприкларга қўнган ёшларнинг
Кун нурида қуриши тайин.
Шунда яна бўласан озод,
Биринчи май каби шод.
Уч олгани борамиз у кун —
Жондан азиз юртимиз учун...

— Ҳали бу ёғини ёзганим йўқ, — деди Олег ва яна уялиб кетди. — Бу ёғида иккимизнинг бирга армияга кетишимизни ёзмоқчиман... Борармидинг?

— Буни менга бағишлаб ёздингми? Менгами?.. — деди Нина, порлоқ кўзларининг бутун нурини унга сочиб. — Сеникилигини дарров фаҳмладим. Шеър ёзишингни нега илгари айтмасдинг?

— Уялардим, — деди Олег, шеърининг Нинага ёққанидан мамнун бўлиб ва илжайиб. — Анчадан бери ёзиб юраман. Лекин ҳеч кимга кўрсатмайман. Айниқса Ванядан уяламан. Биласанми, у шунақа шеърлар ёзадики!.. Менга қайда... Менда вазин йўқ,

буни ўзим ҳам сезиб тураман, кейин қофия ҳам кела бермайди,— деди у, ўз шеърларининг Нинага маъқул тушганидан ўзини бахтиёр сезиб.

Ҳа, тақдир шундай қилдики, ҳаётнинг энг оғир ва мушкул бир даврида Олег ўзининг ёшлиқ куч-қуввати барқ уриб гуллаган ва энг бахтли палласига кирди.

Олтинчи ноябрь кундузи, Октябрь байрами арафасида, «Еш гвардия» штабининг ҳамма аъзолари алоқачи Валя Борц, Нина ҳамда Оля Ивановалар иштироки билан, Кошевойнинг уйига тўпланишди. Бу кунни Олег, Радик Юркини тантанали суратда комсомолга қабул қилиш билан нишонламоқчи бўлди.

Радик Юркин энди кўзлари ювош ва Жора Арутюнянцга бир вақтлар «Мен барвақт ётиб ухлашга ўрганганман» деб айтган бола эмас эди. Фоминни қатл этишда қатнашганидан кейин Радик Юркин Тюленининг жанговар группасига киритилган ва шундан бери кечалари немисларнинг юк машиналарига қилинадиган ҳужумларда қатнашадиган бўлган эди. У ҳозир эшик ёнидаги стулда дадил ўтирар эди. Олег ўзининг кириш сўзини гапирар, Тюленин эса Радикка характеристика берар экан, Радик деразага қараб ўтирар эди. Баъзан унинг чеҳрасида: «Менинг тақдиримни ҳал этувчи бу одамлар ўзи кимлар?» дегандай бир ифода пайдо бўларди, шунда ўзининг узун-узун киприклари орасидаги мўмин кўзларини оппоқ дастурхон ёзилган қатта стол теварагида ўтирган штаб аъзоларига қаратарди. Бироқ бири оппоқ, иккинчиси қорадан келган икки қиз унга шундай суйиб боқар, ўзлари эса шундай кўҳлик эдиларки, Радик бирдан уялиб кетди-да, кўзларини улардан олиб қочди.

— Уртоқ Радик Юркинга саволлар борми?— деб дудуқлашиб сўради Олег.

Ҳамма жим ўтирарди.

— Таржимаий ҳолини гапириб берсин,— деди Ваня.

— Гапириб бер таржимаий ҳолигни...— деди Олег.

Радик Юркин ўрнидан турди ва кўзини деразадан олмай, гўё синфда ўқитувчига жавоб бераётгандай, баланд овоз билан гапира бошлади:

— Мен минг тўққиз юз йигирма саккизинчи йилда Краснодон шаҳрида тугилдим. Горький номидаги мактабда ўқидим...— Радик Юркиннинг таржимаий ҳоли шу билан тамом эди. Бунинг кифоя қилмаслигини ўзи ҳам сезарди, шунинг учун бир оз бўшашиб, қўшиб қўйди:— Немислар келгандан бери ўқимайман...

Ҳамма яна жим бўлди.

— Жамоат ишларини бажарганмисан?— деб сўради Ваня Земнухов.

— Бажармаганман,— деди Радик Юркин, ёш бола каби оғир хўрсиниб.

— Комсомолнинг вазифасини биласанми?— деб сўради яна Ваня Земнухов кўзойнакли кўзларини столга тикиб.

— Комсомолнинг вазифаси — немис-фашист босқинчиларни битта ҳам қолдирмасдан қириб ташлаш,— тугилмасдан жавоб берди Радик Юркин.

— Менимча, йигитчанинг сиёсий саводи жойида,— деди Туркенич.

Радик Юркин учун ичидан жон куйдириб ўтирган Любка:

— Албатта қабул қилинсин!— деди.

— Қабул қилинсин, қабул қилинсин!..— дейишди штабнинг бошқа аъзолари ҳам.

— Кимда-ким ўртоқ Радик Юркин комсомол сафига қабул қилинсин деса — қўл кўтарсин,— деди Олег жилмайиб ва ҳаммадан олдин ўзи қўл кўтарди.

Ҳамма қўл кўтарди.

— Бир оғиздан,— деди Олег ва ўрнидан турди.— Бери кел...

Радикнинг бир оз ранги ўчди. Унга жой бўшатиб берган ва юзига жиддий қараб ўтирган Туркенич билан Уля Громова ўртасидан стол ёнига келди.

— Радик!— деди Олег, тантанали бир оҳангда.— Штаб номидан сенга муваққат комсомол билетини топшираман. Ўз виждонингни қандай сақласанг, билетни ҳам шундай сақла! Аъзолик бадалини ўз бешлигингда тўлаб турасан. Қизил Армия қайтиб келгандан сўнг комсомол райкоми муваққат билетингни олиб, ўрнига доимий билет беради...

Радик ингичка ва қуёш қорайтирган қўлини узатиб, билетни олди. Билегнинг ҳажми ҳақиқий билет ҳажмидай, ўзи план ва харита чизадиган қалин қоғозга босилган бўлиб, икки букланган эди. Биринчи бети тепасига босмахона ҳарфлари билан қинғир-қийшиқ қилиб: «Немис босқинчиларга ўлим!» деб ёзилган, пастроқда: «Бутуниттифоқ Ленинчи Коммунистик Ешлар Союзи» дейилган. Яна ундан пастроқда: «Вақтинча комсомол билети» деб катта ҳарфлар билан ёзилган. Билегнинг ички томонига, чап бетига, Радикнинг исми, отасининг исми, фамилияси, туғилган йили, ундан пастроққа комсомолга кирган йили —

«1942 йил 6 ноябрь», яна пастроқда «Краснодон шахридаги «Ёш гвардия» комсомол ташкилоти томонидан берилган. Секретарь: Кашук, деб ёзилган. Билетнинг ўнг томони аъзолик бадали тўлаш учун катак-катак қилиб чизилган.

— Билетни курточкамнинг ичига солиб, доим ўзим билан олиб юраман,— деди Радик ва билетни куртказининг ички чўнтагига солиб бекитди.

— Ишинг битди,— деди Олег.

Ҳаммалари Радик Юркиннинг қўлини қисиб, табриклашди.

Радик Садовая кўчага чиқди. Ёмғир тинган, лекин кўча изгирин ва совуқ эди. Қош қорая бошлаган. Бу кеча Радик, байрам шарофати билан олган катта бир топшириқни бажариш учун уч кишилик группага раҳбарлик қилиши керак эди. Кўксига комсомол билетини сезган Радик, севинчи ичига сизмай, уйига кетди. Иккинчи переездга тушиш жойида, райжрокомнинг ҳозир қишлоқ хўжалик комендатураси жойлашган биноси ёнида, менинг дунёда бор эканлигимни немислар билиб қўйсин деб, кучининг борича шунчаки ҳуштак чалиб қўйди.

Шу кечаси, байрам шарафи билан берилган катта топшириқни бажаришда Радик Юркингина эмас, балки ташкилотнинг деярли ҳамма аъзолари қатнашарди.

— Эсларингдан чиқмасми, бўшаган одам тўғри шу ерга менинг ёнимга кела беради!— деди Олег.— Первوماйликлардан бошқа ҳамма.

Первوماйликлар, эгачи-сингил Ивановналарникида Октябрь байрами зиёфати қурмоқчи эди.

Уйда Олег, Туркенич, Ваня Земнухов ва алоқачилардан Нина ҳам Оялар қолди. Бирдан Олегнинг юзида ҳаяжон акслана бошлади.

— Қизлар, жон қизлар, вақт бўлди!— деди Олег, қаттиқ дудуқланиб. Сўнг Николай Николаевичнинг эшигини бориб қоқди.— Марина келиной! Бўлинг!..

Ичкаридан пальтоли, бошига рўмол ўраган Марина, кетидан Коля тога чиқди. Вера буви билан Елена Николаевна ҳам ўз ҳужраларидан чиқишди.

Марина, Оля, Нина кийиниб кўчага чиқиб кетишди,— улар атроф кўчаларда пойдоқчилик қилиб туришлари керак эди.

Эл уйқуга кетмаган, кўчалар тўла одам қатнаб турган бир пайтда бу ишни бошлаш хавфи эди, лекин шундай фурсатдан фойдаланмасдан ҳам бўлармиди?

Кеч кириб бўлди, Вера буви уй ичини қоронғи қилиб бекит-

ди-да, жинчиروқни ёқди. Олег кўчага чиқиб, Марина ёнига борди. Марина девордан ўзини олиб:

— Зоғ учмайди,— деди.

Коля тоға бошиши форточкадан чиқарди-да, теварак-атрофга назар ташлаб, симнинг бир учини Олегга узатди. Олег симни узун таёқ учига боғлаб, таёқни симёғочнинг шундайгина ёнига симга илган эди, таёқ ҳам, симёғоч ҳам қоронғида қўшилиб кўринмай кетди.

Олег, Туркенич ҳамда Ваня Земнухов Коля тоғанинг бўлмасида, ёзув столи ёнида қўлларига қалам олиб ўтиришарди. Кеккайган, нималарни ўйлаётганини юзидан билиб бўлмайдиган Вера буви ва чеҳрасида соддадиллик ҳамда бир оз қўрқув ифода этган Елена Николаевна сал нарироқда каравотда кўзларини аппаратдан узмай ўтирардилар.

Фақат Коля тоғагина радионинг керакли тўлқинини дарров топа биларди. Аппаратдан давомли қарсақлар эшитилди. Фазодаги қарс-курс товушлар нотикнинг кимлигини овозидан таниб олишга имкон бермас эди:

— Уртоқлар... Бугун биз мамлакатимизда Социалистик революция галабасининг йигирма беш йиллигини байрам қилмоқдамиз. Бизда Совет тузуми барпо топганига расо йигирма беш йил бўлди. Ҳозир биз Совет тузумининг йигирма олтинчи йилига қадам қўйиш арафасида турибмиз...

Чеҳраси сокин, жиддий Туркенич ва кўзларини деярли қоғоз бетига қўйгудек ўтирган Ваня тез-тез ёза бошладилар. Нутқни ёзиб олиш қийин эмас эди: Сталин шошилмасдан гапирар эди. Баъзан бирмунча вақт жим бўлиб қоларди, шунда стаканга сув қуйилгани, стакан жойига қўйилгани эшитиларди. Шундай бўлса-да, уларнинг бутун руҳий кучлари дастлаб, бирон сўзни тушириб қолдирмасликка сарфланар эди. Кейин улар нутқнинг ритмига ўрганиб қолишди, шундан уларнинг ҳар бири-ни ўзлари иштирок этаётган бу ниҳоятда ғайри табиий улуғ бир ишда иштирок этаётганликлари туйғуси чулғаб олди.

Ташқарида куз совуғи қақшатиб турган пайтдагина эмас, балки инсон хўрланган, оёқ ости бўлган, қашшоқ бир ҳолатда келтирилган бир пайтда муздек уйда ёки блиндажда жинчиروқ ёқиб ўтирмаган ва совуқ қотган бармоқлари билан махфий радиоприёмникнинг қулоқларини бураб, ўз ватанининг ҳур овозини эшитмаган киши, буларнинг бу кеча Москвада айтилаётган нутқни қандай бир ҳис-туйғу билан тинглаб ўтирганини сира ҳам тушунолмайди.

— ...одамхўр Гитлер: «Биз Россияни бундан буён сира ҳам ўзини тиклаб ололмайдиган қилиб йўқ қилиб юборамиз» дейди. Бу гап равшан бўлса-да, лекин тентакнамолиги кўриниб турибди.

Катта залдан бу ерга етиб келган кулги садолари буларнинг юзидан ҳам табассум уйғотди, Вера буви ҳатто оғзини қўли билан бекитди.

— Бизда Германияни йўқ қилиб юбориш вазифаси йўқ, чунки Россияни йўқ қилиб бўлмаганидек, Германияни ҳам йўқ қилиб бўлмайди. Лекин Гитлер давлатини йўқ қилиш мумкин ва керак... Бизнинг энг биринчи вазифамиз ҳам Гитлер давлатини ва унинг наҳомчиларини йўқ қилиб юборишдан иборатдир.

Залдан кўтарилган қарсақлар бўрони буларда ҳам ўз ҳисларини ифода этиш талабини тугдирди, лекин буларнинг иложи йўқ эди, фақат бир-бирларига қараб-қараб қўйишар эди, холос.

Ун олти ёшли боладан тортиб кекса аёлгача бўлган бу кишиларнинг қалбида мавж урган ва ўзлари тушуниб етмаган бутун ҳис-туйғулари энди уларга ҳақиқат, маълум ва равшан фактлар ва рақамлар билан тўлиб ифодаланиб, истиқболларига аниқ боққандай қайтиб келар эди.

Қисматларига шу қадар оғир кулфат ва жафо тушган шу оддий кишилар ҳозир бутун оламга дер эдилар:

— Гитлерчи аблаҳлар... мамлакатимизнинг босиб олинган ерларидаги граждон аҳолига, эркак ва хотинларга, болалар ва кексаларга, оғанини ва опа-сингилларимизга жабр-зулм қилмоқда... Ҳайвон даражасига бориб етган пасткаш, разил, қабиҳ ва виждонсиз кишиларгина гуноҳсиз, қуролсиз кишиларга шундай ифлосликларни қила оладилар... Биз шу қабиҳликларнинг айбдорларини, «Европада янги тартиб» ўрнатувчиларни, ана шу чиллаки генерал-губернаторларни ва анчайин губернаторлар, комендантлар ва комендантчаларни биламиз. Уларнинг номлари жабрланган ўн мингларча кишиларга маълум. Бу жаллодлар билиб қўйсинки, улар ўз жиноятлари учун жавобгарликдан қочиб қутула олмайдилар ва жабрланган халқларнинг жазосига албатта дучор бўладилар...

Бу уларнинг умидлари ва қасослари садоси эди...

Душман солдатларининг қўпол этиклари поймол қилган ўз шаҳарчаларини ўраб олган улкан бир дунё нафаси, она-тупроқнинг ларзаси, тунги Москванинг юрак уриб туриши бирдан уй

ичини тўлдириб, ўтирганларнинг қалбларини шу дунёга мансублик ҳисси билан тўлдирди.

Нутқнинг ҳар бир хитобини қарсақлар шовқини босиб кетарди.

— Эркак ва аёл партизанларимизга шон-шарафлар бўлсин!

— Эшитдингларми?...— деб хитоб қилди Олег, ҳаммага порлоқ ва бахтиёр кўзлари билан қараб.

Коля тога радиони ўчирди ва уй ичини бирдан даҳшатли бир сукунат қамраб олди. Ҳозиргина бор нарса эди, бирдан йўқ бўлди-қолди... Дераза форточкаси тақиллайди. Ташқарида куз шамоли гувиллайди. Чала ёруғ уйда ёлғиз ўтирган бу кишиларни ҳозиргина жўш урган дунёдан юзларча километр жафокулфат ажратиб туради...

ҚИРҚ САККИЗИНЧИ БОБ

Тун шу қадар қоронғи-зимистон эдики, тўқнаш келган одамлар бир-бирининг юзини кўра олмас эди. Кўчалардан увиллаб учган совуқ, рутубатли шамол чорраҳаларда чирпирак бўлиб айланар, том тунукаларини кўтариб урар, трубаларда гувиллар, симларда чийиллар, симёғочларда гувиллар эди. Шаҳарни фақат улар каби яхши билган кишиларгина қоронғида тиззагача лой кечиб, қоровулхонани топиб кела олар эди...

Одатда, Ворошиловградга борадиган тош йўл билан Горький номли клуб ўртасида кечалари навбатчи «полицай» юриб турар эди. Ҳозир кўринмас эди; эҳтимол, совуқдан ва лойдан қочиб, бирор пана жойга бекиниб олган бўлса.

Қоровулхона гиштдан қурилган бўлиб, уни қоровулхона ҳам деб бўлмасди, балки худди ҳашаматли қасрлардаги сингари, қиррали қилиб қурилган бутун бошли бир минора эди. Қоровулхонанинг қуйи қисмида контора жойлашган, кон территориясига ҳам шу ердан ўтиб кириларди. Миноранинг ўнг ва чап томонлари узун кетган баланд тош девор эди.

Бу иш яғрини кенг Сергей Левашов билан оёқлари чаққон, ўтдай эпчил Любканингина қўлидан келар эди. Сергей тиззасини букиб, Любкага қўлини узатди. Любка қоронғида унинг қўлини кўра олмаса-да, ўзининг кичкина қўлларини дарҳол тутқизди-да, секин кулиб қўйди. Кейин боти кийган оёғи билан Левашовнинг тиззасига чиқиб, лип этиб елкасига минди-да, девор қиррасидан маҳкам ушлаб олди. Любка йиқилиб кетмасин

учун Левашов унинг оёқларидан маҳкам ушлаб турди. Унинг тепасида Любканинг кўйлаги худди байроқ янглиг ҳилпирар эди. Любка девор устига қорни билан ётиб олди-да, кўлларини девордан оширди, Сергейни тортиб чиқаришга унинг кўллари ожизлик қиларди, лекин Сергей, унинг белдан маҳкам ушлаб, деворга чирмашди, олдин бир кўлини, сўнгра иккинчисини девордан ошириб олганда унга ёрдам беришга кучи етди. Энди Любка Сергейга жой бериши керак эди, Сергей унинг ёнига чиқиб олган эди.

Қалин ва тепаси кунгира девор нам ва силлиқ эди, тирғалиб кетиш ҳеч гап эмасди. Лекин Сергей пешонасини ва иккала кўлини минорага тираб, маҳкам турар эди. Энди Любканинг ўзи унинг орқасидан елкасига чиқиб олди: Сергей ниҳоятда бақувват йигит эди. Любканинг кўкраги минора кунгираларига баравар келиб қолди, бир сакрашда минора тепасига чиқиб олди. Шамол унинг кўйлаги ва жакетини шу қадар ҳилпиратар эдики, гўё унинг ўзини ҳам учуриб олиб кетадигандай туюларди. Лекин ишнинг энг қийини бажарилиб бўлган эди...

Любка кўйнидан букланган бир нарсани чиқарди-да, бир четига ўтказилган ипни пайпаслаб топиб ва шамолда очилиб кетмасин учун кўли билан маҳкам ушлаб туриб, флагштокка боғлади. Сўнгра кўйиб юборди, шамол байроқни ҳилпирата кетди, бирдан Любканинг қалби кучли ҳаяжонга тўлди. Сўнгра яна бир букланган нарсани чиқариб, флагштокнинг энг тагига, кунгиранинг ичкари томонига боғлаб қўйди. Кейин Сергейнинг елкасига миниб, девор қиррасига тушди, лекин пастга, лойга сакраб тушгуси келмай, деворга миниб ўтира берди. Сергей ерга сакраб тушди-да, икки кўлини узатиб, секин овоз берди. Любка уни кўрмасди, фақат овозини эшитарди. Бирдан юраги шув этиб кетди: кўлларини олдинга чўзди-да, кўзларини чирт юмиб туриб, ўзини пастга ташлади ва тўғри Сергейнинг кўлига тушди. Любка унинг бўйнидан кучоқлаб олиб, бир неча вақт шу аллозда туришди. Кейин Любка лип этиб ерга тушди-да, юзини Сергей юзига жуда яқин келтириб, ҳаяжон билан шивирлаб деди:

— Серёжка! Гитарни олиб оламизми?

— Майли! Мен ҳам бошқа кийим кийиб олмасам бўлмайди, ботиларинг билан ҳамма ёғимни булғатдинг,— деди Серёжка бахтиёр бир қиёфада.

— Йўқ, йўқ! Ҳозир қандоқ бўлсак шундоқ бора берамиз!— деди Любка ва кулди.

Серёжка Тюленин билан Валяга шаҳарнинг маркази теккан

эди, бу — энг хавфли район эди: райижроком биноси ёнида, биржа биноси олдиларида немис часовойлари турар, дирекцион олдиди ҳам «полицай» юриб турар, тепалик пастиди эса жандармерия жойлашган эди. Лекин уларнинг бахтига, тун қоронги эди, шамол ҳам тинмас эди. Серёжка «қутурган бой»нинг бўшаб ётган уйини танлади ва Валя уйнинг райижрокомга қараган томонида пойлаб тураркан, Серёжка чордоққа тираб қўйилган нарвондан томга чиқиб, ўн беш минутда ишни тамомлаб тушди.

Ниҳоятда совуқ қотган Валя, ишнинг тез битганидан жуда хурсанд эди. Лекин Серёжка ювини унинг ювига яқин келтирдида, секин кулиб туриб:

— Менда яна биттаси бор. Дирекционнинг тепасига илиб тушмаймизми? — деб шипшиди.

— «Полицай» чи?

— Ут ўчириш нарвони бор-ку?

Ростанам, уйнинг орқа томонида ўт ўчирувчилар нарвони тироглиқ турарди.

— Юр, — деди Валя.

Қоп-қоронги зимистонда улар темир йўл изига тушиб, шпаллардан увоқ юриб боришди. Валянинг навариди улар худди Верхнедубанная томонга қараб кетишаётгандай туюларди, аслда эса бундай эмас эди: Серёжканинг кўвлари кечаси ҳам бехато кўра берар эди.

— Етдик! — деди Серёжка, — менинг кетимдан юра бер, чап томон нишаб, «полицай» лар мактаби ёнидан чиқиб қолишинг мумкин...

Парк дарахтлари орасидан шамол гувиллаб елар, яланғоч шохлар қисирлар, Валя билан Серёжканинг устларига дарахтлардан ёмғир томчилари тўкилар эди, Серёжка Валяни хиёбондан-хиёбонга дадил бошлаб борар эди; томонинг тарақлаб туришидан Валя мактабга етиб келганликларини сезди.

Серёжка чиқиб кетган нарвон ҳам қимирламай қўйди. Серёжка йўқ, у кўринмайди... Валя нарвон тагида, қоронгида ёлғиз ўзи туради. Яланғоч дарахт шохларининг шитирлашигина эшитилган ва тун нақадар муҳтиш ва даҳшатли! Бу қоронги ва даҳшатли муҳитда унинг онаси, Валянинг ўзи, кичкина Люся нақадар ожиз эдилар!.. Отаси-чи? Кўвлари ожиз, бошпанасиз ғариб отаси қаерларда сарсон-саргардон бўлиб юрган экан?.. Валя бепоён Донец дала-дашларини, портлатилган кўмир конларини, ёмғир остида қолган шаҳарчаларни, жандармалар билан тўла қоп-қоронги посёлкаларни кўв олдига келтирди... Бирдан у, бу

тарақлаб турган томдан Серёжка энди қайтиб тушмайди деб ўйлаб, қўрқиб кетди. Лекин бирдан нарвон яна қимирлай бошлади, Валянинг чеҳрасида яна бепарвогина ва мустақил бир ифода пайдо бўлди.

— Шу ердამисан? — деб сўради Серёжка, қоронғида жилмайиб.

Валя, Серёжканинг кўл узатганини сезиб, у ҳам қўлини чўзди. Серёжканинг қўли муздек совуқ эди. Оёғида йиртиқ ботинка, ботинканинг ичига сув тўлган бўлса керак, эғнига йиртилиб кетган куртка кийган бу ориқ бола бир неча соат давомида не машаққатлар чекмади? Валя иккала қўлини унинг юзига қўйиб кўрди, Серёжканинг юзи ҳам музлаб кетган эди.

— Жуда совқотибсан-ку, — деди Валя, унинг юзидан қўллаларини олмасдан.

Серёжка жим турарди, улар бирмунча вақт шу алпозда индамай қолишди. Сўнгра Серёжка секин:

— Энди айланиб юрмайлик, сал нарироққа борамиз-да, девордан ошиб ўтамыз... — деб шипшиди.

Валя қўлини олди.

Олеглаб уйга қўшни уй томондан келишди. Серёжка бирдан Валянинг қўлидан ушлаб тортди, иккови дарҳол ўзларини девор панасига олишди. Ҳеч нарсадан хабари йўқ Валя қулогини Серёжканинг оғзига келтириб тутди.

— Олд томондан икки кишининг шарпаси кўринди... Бизни кўриб тўхтади... — деб шипшиди Серёжка.

— Сенга шундай туюлгандир...

— Йўқ, туришибди...

— Юр, шу ердан қўрага ўта қолайлик!

Лекин улар энди қўшни уйни айланиб ўтишган эдики, Серёжка яна бирдан Валянинг қўлидан ушлаб тортди: бояги икки шарпа нариги томондан айланиб келмоқда эди.

— Балки сенга шундай кўрингандир...

— Йўқ, туришибди.

Бирдан Кошевойлар квартирасининг эшиги очилиб, уйдан кимдир биров чиқди-да, Валя билан Серёжкани қўрқитган икки кишига тўқнаш келди.

— Любкамысан? Нега ичкари кирмай турибсизлар? — деди Елена Николаевна, ўзининг майин товуши билан.

— Тсс.

— Таниш! — деди Серёжка ва Валянинг қўлидан ушлаб, бошлаб кетди.

Қоронғида Любканинг секин кулган товуши эшитилди. Любка билан гитара кўтарган Сергей Левашов, Валя билан Серёжка қота-қота кулишиб, бир-бирларини турта-турта, Кошевойлар ошхонасига киришди. Уларнинг усти бошлари шалаббо, лой, ўзларининг кайфлари шу қадар чоғ эдики, Вера буви суюкларни туртиб чиққан узун қўлларини кўтариб:

— Ана буларнинг ақволига бир қараишлар! — деб хитоб қилди.

Умрларида улар бундай кечада бўлмаган эдилар: жинчиरोқ ёниб турган муздек совуқ уй, уч ойдан бери немислар босиб ётган шаҳар...

Бу ерда ўтирган ўн икки нафар йигит ва қизларнинг ҳаммаси бир диванга ситишгани қизиқ. Бир-бирларини қисиб, бошларини эгиб, навбатма-навбат баланд овоз билан доклад ўқир, баъзиларининг бугун радиода эшитганда, бошқаларнинг эса лой кечиб юрганда ҳис ётган туйғу ва шукуҳлари ҳозир юзларида ифода ётарди; баъзилари бир-бирларини боғловчи муҳаббат сезгисини, ёш қалбларда умумхалқ тилаги билан яшаш фикри туғилганда пайдо бўлувчи бахтли дўстлик ҳисларини ифода ётар эдилар. Ҳаммаларининг чеҳрасида дўстлик туйғулари, ёшлик ҳарорати, порлоқ истиқбол барқ урарди... Ҳатто Елена Николаевна ҳам болалар орасида ўзини ёш ва бахтиёр сезар эди. Ҳақат Вера буви юзига ориқ қўлларини тираб, болаларга кўрқа-писа, қандайдир маъюслик ва ачиниш билан термилиб ўтирар эди.

Болалар, докладни ўқиб бўлгач, турли хаёл-ўйларга берилиб кетдилар. Вера бувининг юзида қандайдир бир айёрлик аломати акс этди.

— Ҳой, болаларим, шунақа ҳам бўладими йигит билан қиз деган? — деди у, — шундай улуғ-айём кунда-я? Столга яқинроқ ўтиринлар! Ароқни кўрманга қўйганмисизлар? Оз-моздан ичиш керак-да, ахир!

— Вой, ўзимнинг бувижоним, жон бувим!.. Энг яхши кўрганам сен ўзингсан-да!.. Қани, столга, столга... — деб қичқирди Олег.

Энг муҳими — бақириб гапирмаслик керак, шунинг учун ким овозини баланд қилиб гапирса, ҳамма бирдан унга жим! деб шивирларди. Шундай бўлса-да, эшик олдида қоровул қўйишга қарор беришди. Ёнидаги йигит ёки қиз билан ширин суҳбат қилиб ўтирганининг навбати келганда уни қоровулликка ҳайдаб чиқаришганда ҳамма қота-қота куларди.

Малла сочли Стёпа Сафонов одатда ҳар нима тўғрисида гапира берар эди, лекин бир озгина ичиб олдимиз, бўлди, ўзининг энг яхши кўрган нарсасидан гапиргани гапирган эди. Стёпа Сафоновнинг сепкилли юзи терлаб ёнида ўтирган Нина Иванцовага нуқул фламинго деган бир қуш таърифини гапириб ўтирарди. Ҳамма унга ўшқириб берди ва дарҳол қоровулликка қувиб чиқаришди. Столни бир четга суриб, худди Сергей Левашов қўлига гитара олганда у қоровулликдан бўшаб келди.

Сергей Левашов гитара чалганда, худди айниқса рус созандалари сингари, атроф-теваракка назар-писанд қилмай, чаларди: ўйновчиларга ҳам, томошабинларга ҳам, ҳатто қўлидаги гитарасига ҳам қарамасди, шундай бўлса-да қўли гитар торларини ўзидан-ўзи черта берар эдики, хоҳламаган киши ҳам беихтиёр ўйинга тушиб кетгуси келар эди.

Сергей Левашов қўлига гитара олиб, урушдан аввал расм бўлиб кетган қандайдир чет эл бостони ҳавосини чала бошлади. Стёпа Сафонов дарҳол Нинани турғизиб, икковлари танца тушиб кетдилар.

Бу чет эл танчасида ҳаммадан ҳам Любка-артистка ўткир эди. Йигитлар ичида энг устаси — баланд бўйли, қомати сарв, олифта Ваня Туркенич эди: у ҳақиқий офицер эди-да! Любка олдин у билан танца қилди, кейин Олег билан ўйнади, Олег ҳам мактабда энг яхши танчачилардан ҳисобланарди.

Стёпа Сафонов эса ҳамон жимиб, ёғочдай қотиб қолган Нинани қўйиб юбормас, ҳамон у билан танца тушар ва нуқул фламингонинг эркаги туллаганда урғочисидан қандай фарқ қилишини, урғочи фламинго қанча тухум босишларини батафсил тушунтирар эди.

Бирдан Нина қизариб, юзи хунуклашиб кетди. Стёпага қараб туриб:

— Стёпа, сен билан ҳеч ҳам танца қилиб бўлмас экан, ўзинг паканасан, нуқул оёғимни босиб оласан, озгинг гапдан тинмайди, — деди.

Шундай деди-да, Стёпадан қутулиб қочди.

Стёпа Валяга югурган эди, лекин уни Туркенич илиб кетди. Шундан кейин Оля Иванцова билан танца туша бошлади. Оля Иванцова мўмин, вазмин, синглисига қараганда камгапроқ қиз эди, шунинг учун Стёпа ҳеч нарсадан қўрқмай ажойиб қуш таърифини бемалол давом этдирди.

Лекин, дилида алами қолган экан, пайтини пойлаб туриб Нинани қидириб топди, Нина Олег билан танца тушаётган эди.

Олег, Нинанинг забардаст кучли қоматини дадил қучоқлаб олиб юрар эди. Нинанинг лаблари жилмайди, кўзлари жилваланди. ўзи шу топда ниқоятда кўҳлик бўлиб кетган эди.

Вера буви аҳир чйдаб туrolмади-да:

— Бо-о, шу ҳам ўйин бўлтимил! Чет элингда топилгани шу вқанми? Қани Серёжка, гопакни чалгин! — деб қичқирди.

Сергей Левашов пинагини ҳам бузмади, индамасдан гопакни чала бошлади. Олег бутун ўйини икки ҳатлаб ўтиб бувисининг белидан ушлади-да, ўйинга тортди, Вера буви ҳам уялиб-негиб ўтирмади, қутилмаганда пошналарини гурсиллатиб, енгилгина ўйинга тушиб кетди. Қора юбкасининг бир текисда ҳилпираб учишидан унинг уста ўйинчи эканлиги сезилиб турар эди, унинг чеварлиги ва кучи оёқларида эмас, балки қўлларида, айниқса юзида эди.

Халқнинг ҳамма хусусият ва фазилатлари ҳаммадан ҳам ашула ва рақсда равшанроқ кўринади. Кўйлақ ёқасини ечиб юборган, пешоналари терга пишган Олег, лаблари ва ҳатто кўзларида эмас, балки учиб турган қошларининг бурчакларида акс втган таннозлик билан катта боши ва кенг елкаларини дадил кўтариб, ўзининг бувиси билан шундай ўйинга тушиб кетдики, унинг чинакам украин йигити эканлиги яққол кўриниб турар вди.

Байрам шарофати билан кўкракларига танга-чақалар таққан, чпшлари оппоқ, кўзлари қоп-қора кўҳликкина Марина ҳам тоқат қилиб туrolмади ва қўлларини икки ёнга кериб, пошнасини ерга бир уриб гоз юриш билан Олег теварагида парвона бўла бошлади. Лекин уни Коля тога илиб кетди, Олег яна бувисининг белидан ушлаб, икки жуфт бўлиб ер тепиниб ўйнай бердилар.

— Қариб қолибман, бўлди! — деди ўйиндан қип-қизариб кетган буви ва рўмолчаси билан елпина-елпина, ўзини диванга ташлади.

Бирдан чугур-чугур бошланиб кетди, ҳамма жой-жойидан кўзгалиб чапак чалди, ўйин тугади, лекин Сергей Левашов ҳеч кимга парво қилмай, гўё ҳеч нарса билан иши йўқдай, ҳамон гопак чалиб ўтирарди. Бирдан куй қоқ ўртасида тўхтади.

— Ҳамма ёқни украинча босиб кетди-ку! — деб қичқирди Любка. — Серёжка! Қани, ўзимизникидан ол-чи!

Сергей Левашов гитара торларини чертиши биланоқ Любка пошналарини тепиб, «русча» ўйинга туша кетди; унинг оёқлари шу қадар тез ва эпчил йўргалар эдики, қараган киши маҳлиё

бўлиб қолар эди. Любка бошини баланд кўтарганича уйни бир айланди-да, Серёжка Тюленин қаршисига келиб бир тепинди, сўнгра унга жой бўшатиб, ўзи кетинга тисарилди.

Серёжка, фақат чалгандагина эмас, балки ўйинга тушганда ҳам бепарволик билан ўйнайдиган рус мастеровойлари сингари, йиртилиб кетган ва кўп мартабалаб ямалган ботинка пошналари ни секин-секин дукурлатиб, Любка томон юра кетди. Шу алпозда бир айланди-да, яна Любканинг қаршисига йўрғалади, кейин бир ер тепинди-да тисарилди. Любка ёнидан дастрўмолчасини чиқариб, бир тепинди-да, бошини сира қимирлатмасдан тек тутиб, лекин гоҳ-гоҳда томошабинга билинар-билинмас бир ҳаракат билан қараб қўйиб давра айланиб суза кетди. Серёжка унинг кетидан эргашди-да, қўлларини пастга солган, юзиди ҳамон аввалгидек бефарқлик ва бепарволик ифода этгани ҳолда, оёқларини дупурлатиб илдам ўйнай кетди; ўйинга на қадар সিққидиллик билан берилган бўлса, оёқлари ҳам шу қадар бепарво елар эди.

Гитара товуши жадаллашиши билан Любка ҳам ритми бузди-да, бирдан Серёжка томонга қайрилди, лекин Серёжка ҳамон унга қарши бора берар эди, у шу қадар тез, шу қадар жаҳду жадал билан ер тепиниб ўйнар эдики, ботинкасига ёпишиб қолган лой ҳар ёнга сачраб кетарди.

Унинг ўйини мардлик, лекин маҳкам, ҳеч ким сезмайдиган мардонаворлик билан ажралиб турарди. Любка ўзининг кучли ва эпчил оёқлари билан аллақандай юришлар қиларди, чеҳраси қизарган, олтин янглиг жинғалак сочлари елпинар, унга қараб турганларнинг юзиди фақат: «Любкани артистка деганича бор экан!» деган фикр акс этар эди, фақат Любканинг шайдойиси Сергей Левашовгина унга қарамас, юзи одатдагидек бепарво, вди, фақат бақувват асабий бармоқлари гитара торларини тез-тез чертар эди.

Серёжка худди шапкасини бошидан олиб, ерга урмоқчи бўлгандай қўлларини гоҳ тиззасига, гоҳ пошналарига уриб, Любкага қараб юра бошлади, сўнгра томошабинлар давраси ичига қувиб киритди-да, пошналари билан бир ер тепиниб, ахир иккови тўқтади. Ҳамма кулди, чапак чалди, Любка бирдан маъюсланиб, деди:

— Бизнинг кўча ўйинимиз шу бўлади...

Любка ортиқ ўйнамади, Сергей Левашовнинг ёнида, қўлини унинг елкасига ташлаб ўтирди

Шу куни яширин райком ижозати билан «Ёш гвардия» шта-

би, фронтга кетганларнинг жуда қийналган баъзи оилаларига пул улашди.

«Еш гвардия»нинг маблағлари аъзолик бадалидан кўра кўпроқ яширинча папирос, гугурт, уст-бош, немисларнинг юк машиналаридан ўғирлаб олинadиган турли моллар ва айниқса спирт сотишдан тушиб турадиган пуллардан иборат эди.

Кундуз куни Володя Осъмухин Литвинова деган холасиникига кириб, унга совет пуллари солинган пакет топширди, совет пули нархи паст бўлса-да, немис маркаси қаторида юрар эди.

— Маруся хола, мана бу — сен билан Калерия Александровнага, бизнинг подполчиларимиздан, — деди Володя, — улуғ байрамда... болаларга ҳайитлик олиб беринглар...

Калерия Александровна Литвиновнанинг ҳамсояси, унинг ҳам эри командир. Икковининг ҳам қўлида боласи бўлиб, аҳволлари ночор эди: немислар, уларнинг бор-йўқ бисотларини шипшийдан тортиб олишдан ташқари, мебелларининг кўпини машинага солиб олиб кетган эди.

Калерия Александровна билан Маруся хола байрамда кичкина зиёфат қилиб, меҳмон чақиринмоқчи бўлишди. Бунинг учун озгина самогон сотиб олишди, ичига карам билан картошка солиб сомса ёпишди.

Соат саккизда Калерия Александровнанинг уйига — у онаси ва болалари билан бирга турар эди, — Володянинг онаси Елизавета Алексеевна, синглиси Людмила ҳамда икки қизи билан Маруся холалар тўпланишди. Болалар, ўртоқларимизни кўриб келмоқчимиз деб, кечроқ келишга ваъда беришди. Катталар қиттак-қиттак ичишди, шундай улуғ байрамни яширинча ўтказётганлари тўғрисида бир-бирлари билан дардлашишди. Кичиклар овозларини паст қилиб бир неча совет кўшиқларини айтишди. Оиаларнинг кўзига ёш келди. Люся жуда юраги сиқилиб кетди. Кейин болаларни ётқизишди.

Жора Арутюнянц келганда вақт анча кечиккан эди. Чароғон уйга киргач, ҳамма ёғи лойлигидан, ўгил болаларнинг йўқлигидан, Люсянинг ёнига ўтириб қолганидан жуда уялиб кетди. Уялганидан, Люся тутқизган ярим стакан самогонни ичиб маст бўлиб қолди. Володя билан Толя Орлов келганда Жоранинг кайфи шу қадар ёмон эдики, ҳатто ўртоқлари келгандан кейин ҳам унинг кайфи ўзгармади.

Болалар ҳам бир оздан ичишди. Катталар ўзаро гурунглашиб ўтирар эдилар. Болаларнинг гапидан Люся, улар меҳмонга бормаганликларини фаҳмлади.

— Қаерда? — деб шивирлаб сўради Володя Жорадан, Толя «Момақалдироқ»нинг тепасидан ошиб энгашиб.

— Касалхонада, — ҳамон кайфи йўқ бир ҳолда деди Жора. — Сизлар-чи?

— Бизники мактаб... — бодомсимон қоп-қора кўзларида мардлик ва муғамбирлик ифода этган Володя Жорага янада яқинроқ энгашиб, қулогига алланималарни шивирлай бошлади.

— Қандай? Маскировкасизми? — деб сўради Жора, бир онгинга кайфи очилиб.

— Йўқ, ростдан! — деди Володя. — Лекин, мактабга ачинаман. Ҳа майли, янгисини қуриб оламиз!

Болаларнинг бир-бирлари билан шивир-шивир қилиб гапириб ўтиришларидан аразлаган Люся:

— Бировга ваъда берсанг уйда ўтиргин-да! Эрталабдан бери болалар ва алақанақа қизлар келиб: «Володя уйдами? Володя уйдами?» деб сўрай бериб, қулоқ-миямни ейишди, — деди.

— Васька Буслайдан фарқим бўлмай қолди: «Ҳаммангиз Васьканинг қўрасига боринг!» деб айта бераман, — деб кулди Володя.

Кул рангсимон сочли Толя «Момақалдироқ» бирдан ўрнидан турди-да, тили бир оз гапга келишмай:

— Ҳаммангизни Улуғ Октябрь революциясининг йигирма беш йиллиги билан қутлайман! — деди.

Ичиб олгани учун у шундай жасурлиги тутиб кетган эди. Юзи қип-қизарган, кўзлари муғамбирлашган ва нуқул Володяга алақандай Фимочка деган қизнинг отини айта бериб аччиғини келтирар эди.

Жора эса ҳеч-кимга қарамас, қоп-қора ва арманча кўзларини столга тикиб, дерди:

— Албатта, бу — қолақлик, лекин Печориннинг дардига тушунаман мен... Эҳтимол, бу — давримизнинг руҳига муносиб эмасдир... Лекин баъзи ҳолларда уларга худди шундай муносабатда бўлиш керак... — Сўнгра бир оз жим ўтирди-да, пўнгирлай бошлади: — Хотин зоти...

Люся жўрттага ўрнидан туриб, Толя «Момақалдироқ» нинг ёнига келди-да:

— Толечка, жудаям маст бўпсан-ку, — дея бир қулогидан ўпа бошлади.

Ахири шундай гала-говур бошланиб кетдики, турмуш тартиб-қоидаларини биладиган, жаҳли тез Елизавета Алексеевна, энди тарқалишсанглар ҳам бўлар, деди.

Уй ҳамда болалар ғам-ташвишини тортадиган Маруся хола врталаб ҳали тонг отмасдан уйғонди, оёғига шиппакларини илди, устига уй ичи кўйлагини кийиб, плитага ўт ёқди-да, чой қўйди; сўнгра паришонхотир бир ҳолда, яланглик томонга қараган дераза ёнига келди. Бу деразанинг чапроғидан болалар касалхонаси билан Ворошилов номли мактаб бинолари, ўнг томонидан эса тепаликдаги райижроком ҳамда «қутурган бой» иморатлари кўринарди. Маруся хола дераза ёнига келиб, бехосдан сал қичқириб юборди... Пастлаб сузишиб юрган булутлар остида Ворошилов номли мактаб биноси томида қизил байроқ шамолда ҳилпираб турар эди. Шамол байроқни гоҳ таранг қилиб текислар, шунда байроқ тўғри тўрт бурчак бўлиб кўринар, гоҳ сал қўйиб юборар, шунда байроқ бўшашиб, четлари секин-секин қимирлаб турар эди.

«Қутурган бой» иморати устида ундан ҳам каттароқ қизил байроқ ҳилпираб эди. Бир тўда немис солдатлари ва бир неча оддий гражданлар уй олдида, ёғоч нарвон тагидан байроққа қараб турар эдилар. Нарвонда икки солдат, бири нарвоннинг томга тегиб турган тоқисиди, иккинчиси сал пастроқда, гоҳ байроққа қараб, гоҳ пастда турганлар билан сўзлашиб турар эди. Лекин икковидан биронтаси ҳам нечукдир томга чиқиб байроқни олиб ташламади. Шаҳарнинг шу энг баланд жойида ҳилпираб турган байроқ ҳамма тарафдан яққол ва равшан кўриниб турарди.

Ҳаяжондан ўзини йўқотаёзган Маруся хола шиппакларини улоқтирди-да, туфли кийди, рўмолини ҳам ўрамасдан, сочларини ҳам тарамасдан, югурганича қўшнисиникига чиқиб кетди.

Оёқлари шишган Калерия Александровна ички кўйлагида дераза тоқчасида тиз чўкиб, дераза бандини қўллари билан ушлаганича, байроқлардан кўзини узолмай, қараб ўтирарди. Қопқорайган ва ориқлаб кетган юзиди тинмай кўз ёшлари оқиб тушарди.

— Маруся!— деб хитоб қилди у.— Маруся! Бу — биз учун, совет кишилари учун қилинган! Бизини унутманглар! Мен... мен қутлайман сени...

Икки аёл бир-бирининг қучоғига отилди.

ҚИРҚ ТУҚҚИЗИНЧИ БОБ

Қизил байроқлар фақат «қутурган бой» иморати ҳамда Ворошилов номли мактаб биносигагина тикилган эмасди. Дирекцион устида, илгариги райпотребсоюз, 12-7-2-бис, 1-бис кўмир кон-

лари, «Первомайка» ва Краснодар посёлкаларидаги кўмир конлари устида ҳам қизил байроқлар ҳилпирар эди.

Ҳар тарафдан байроқни кўргани халойиқ тўпланар эди... Бинолар ва қоровулхоналар ёнида тўда-тўда одамлар тарқалишмай туришарди. Жандармлар ва «полицай»лар халойиқни тарқатамиз деб хўп овора бўлишди, лекин биронтаси байроқларни олиб ташлашга журъат эта олмасди, ҳар бир байроқ тагига қора бўёқ билан: «мина қўйилган» деб ёзилган оқ латта боғлаб қўйилган эди.

Ворошилов номли мактаб томига чиққан унтер Фенбонг байроқдан чордэк деразасига сим тортилганини кўрди. Дарҳақиқат, чордоқда, шип тагида мина ётарди — мина ҳатто бекитиб ҳам қўйилмаган эди.

Жандармерияда ҳам, СС командасида ҳам мина ишини биладиган одам йўқ эди. Гоуптвахмайстер Брюкнер, Ровенькидаги оқруг жандармериясига минёр келтиришга машинасини юборган эди, лекин Ровенькида ҳам минёрлар топилмади, кейин Ворошиловградга машина юборишди.

Кундуз соат бирдан кейин Ворошиловграддан келтирилган минёрлар мактаб чордогидаги минани олиб ташладилар. Бошқа жойдан мина топилмади.

Краснодонда Улуғ Октябрь революцияси шарафига қизил байроқ тикилибди деган овоза Донец ҳавзасидаги ҳамма шаҳар ва посёлкаларга тарқалди. Немис жандармерияси шундай шарманда бўлдики, буни Юзовкадаги область фельдкомендант генерал-майор Клердан яшириб бўлмади. Шундан кейин майстер Брюкнер, ҳар қандай йўл билан бўлса-да, махфий ташкилот топилсин ва ушлансин, акс ҳолда погонингдаги кумуш ленталар олиб ташланиб, оддий солдатликка кўчирилсан, деган буйруқ олди.

Қўлга тушириши керак бўлган ташкилотнинг қанақа ташкилот эканлигидан мутлақо беҳабар майстер Брюкнер, унинг ўрнида жандармерия ва гестапо қандай тадбир кўрса, у ҳам шундай тадбир кўрди: худди Сергей Левашов айтгандай, «бутун чангалини ишга солди», яъни ўнлаб бегуноҳ одамларни авахтага тикди. Лекин чангали қанчалик ўткир бўлмасин, қизил байроқлар осиб тўғрисида йўл-йўриқ берган район партия ташкилотидан ҳеч кимни қўлга тушира олмади, «Ёш гвардия» аъзоларидан ҳам биронтасини ушлаб олмади. Бу ташкилотнинг ёш қиз ва ўғил болалардан иборат эканлиги немисларнинг фаҳмига ҳам келмас эди.

Дарҳақиқат, ҳибса олишлар жуда авжга чиққан куни кечаси энг машҳур подполчилардан бири Стёпа Сафанов бошини бир ёнга эгиб, қаламни тупуги билан ҳўллаб, кундалик дафтарига:

«Соат бешларда Сенька келди, «Голубятника»га меҳмонга чақириб кетди, яхши қизлар бўлар эмиш. Бордик, бир оз ўтирдик. Қизларнинг иккита-учтаси ёмон эмас экан, қолганларининг мазаси йўқ...» деб ёзиб ўтирса-ю, бундай ташкилот борлиги кимнинг хаёлига келар эди!

Ноябрнинг иккинчи ярмида «Ёш гвардия» хуторлардаги яқин одамлардан, немислар Ростов областидан бир ярим мингтача қора молни ҳайдаб олиб кетаётгани ҳақида хабар олди. Пода шу маҳалда Каменск ёнида Донец кўпригидан ўнг қиргоққа ўтиб, дарё бўйлаб Каменск — Гундоровская ўртасидаги йўлдан келмоқда экан. Подани донлик украин чўпонларидан ташқари, хўжалик командасидан олинган ўн икки, ўн учтача милтиқли кекса немис солдатлари ҳайдаб келмоқда экан.

Шу хабар келган куни кечаси Тюленин, Петров ва Мошковларнинг милтиқ ҳамда автоматлар билан қуролланган гуруҳлари Шимолий Донецга қўйиладиган кичкина анҳор ёнидаги дарахтзор бир жарликка, анҳорни арава йўл кесиб ўтган кўприк ёнига тўпланишди. Разведка, поданинг беш километрча нарида, чўпон ва солдатлар молларга сочиб юборган похол ғарамлари ёнида қўнганини хабар қилди.

Ёмғир аралаш қор гупиллатиб уриб турибди, қор эриб, оёқ ослари атала бўлиб кетган. Дашт лойини оёқларида кўчириб олиб келган болалар гуж бўлиб, бир-бирларини иситишадди ва:

— Ана, курортга ҳам келдик! — деб ҳазиллашиб қўйишади.

Тонг, гўё «турайми, турмайми, шундай шум ҳавода туриб ҳам нима қиламан, ўз жойимга қайтиб бориб, яна ётиб ухлаганим яхши эмасми» дегандай, зўр-базўр ёришиб келарди. Лекин, унинг бу дангасалигидан виждон бурчи устун келди, Донец тупроғида тонг отди. Ёмғир, қор, туман ичида фақат уч юз қадамгина жойини кўриш мумкин эди.

Ҳамма гуруҳларга бошчилик қилган Туркеничнинг буйруғига кўра болалар, совуқдан букилмай қолган қўллари билан милтиқларини шайлаб, анҳорнинг ўнг қиргоғида, немислар кўприк бошига келаётган йўл устига ётишди.

Олег ҳам бу операцияда қатнашар эди; жангда синаб кўриш учун олинган Стахович Олег билан бирга ўша қиргоқда, анҳорнинг бурилиш ёнида ётар эдилар.

Стахович штабдан чиқарилган вақтдан бери «Ёш гвардия»нинг кўп ишларида қатнашди ва ўзининг обрўсини деярли яна қайта тиклаб олган эди. «Ёш гвардия»нинг кўпчилиги аъзолари олдида обрўси борлиги учун, бу унга унча қийин иш ҳам эмас эди.

Баъзан принципли кишиларга ҳам хос бўлган инсонлик хусусияти билан одамлар, гарчи одамнинг бутунлай бошқача эканлигини яққол кўриб турсалар-да, ўзларининг унга муносабатларини ўзгартирмайдилар, ўзгартиришни ҳам эп билмайдилар. «Одам бўлиб кетади! Ҳаммамизда ҳам нуқсон бор» дейдилар кишилар шундай ҳолларда.

Стахович ҳақида ҳеч нарса билмаган «Ёш гвардия»нинг оддий аъзолари эмас, ҳатто штабга яқин турганларнинг аксарияти ҳам, Стаховичга гўё ҳеч нарса бўлмагандай, эскича муносабатда эдилар.

Олег билан Стахович чангалзорда, тўкилган ҳазон устида ётиб, туман ичида худди қалин тўрдай ёғаётган ёмғир ва қор орасидан паст-баланд ва яланғоч атроф-теваракка кўз ташлаб ётар эдилар. Улар қаршисидан юзларча қорамол тобора кўпайиб маъраб, худди қиёмат-қойим бўлгандай бўкириб келмоқда эди.

— Сувсирашяпти, — деди Олег секин. — Анҳордан суғоришса керак. Бу бизга жуда қўл келар эди-да...

— Қара, қара! — ҳаяжон ичида деди Стахович.

Уларнинг чап томонида, туманда, битта, иккита, учта, ўнта, йигирмата, бир талай ингичка шохлик қизил каллалар пайдо бўла бошлади, уларнинг шохлари тепага қараб деярли тик ўсган бўлиб, ўткир учлари қайрилган эди. Бу каллалар сигир каллаларига ўхшар эди-ю, лекин оддий сигирларда, ҳатто гунажинларда ҳам икки қулоқлари ўртасида одатда дўмбоқ бўлгувчи эди, бу дўмбоқлардан одатда шох ўсиб чиққуси эди. Лекин ер узра ёйилган қалин туман туфайли таналарини кўриб бўлмайдиган бу жониворларнинг шохлари мияларининг теп-текис еридан тик униб чиққан эди, бу жониворлар, худди афсонавий махлуқлар сингари туман ичидан чиқиб келаётган эди.

Улар поданинг бошида эмас, балки чап қанотида келаётган бўлсалар керак: уларнинг маъраши, молларнинг бир-бирига тегиб ишқалангандан ва ерни ларзага солувчи минглаб туёқларнинг босишидан гурсиллаган овозлар эшитиларди.

Шу пайтда Олег билан Стаховичнинг қулоғига ўнг томондаги йўлдан, олд томондан немисча сўзлар эшитилди. Сўзловчиларнинг овозидан, немисларнинг яхши дам олиб олганлиги ва кайф-

лари чоғ эканлиги сезиларди. Улар ботинкаларини бемалол балчиққа ботириб, дадил қадам ташлаб келар эдилар.

Олег билан Стахович бўйларини пастлаб энгашиб, югурганча болалар ёнига ўтиб олишди.

Туркенич тик кесиб тушган қиргоқ лабида, кўприкдан ўн метрча нарида автоматини чап қўлига олиб, қуруқ ажриқ устидан бошини чиқариб, йўлдан кўз узмай турар эди. Унинг оёғи тагида баджаҳл, малла башара Жёня Мошков автоматини қўлида ушлаб ўтирар ва у ҳам кўзини йўлдан узмас эди. Болалар паст-баланд қиргоқ лабида писиб ётишар эди. Уларнинг энг олдингиси Серёжка бўлиб, кейингиси Виктор эди, — уларнинг икковида ҳам автомат бор эди.

Олег ва Стахович Мошков билан Тюленин ўртасига келиб ётишди.

Бепарво ва беғам гурунглашиб келаётган кекса немис солдатлари энди анча яқинлашиб қолган ва уларнинг овозлари худди болаларнинг қулоғи тепасида эшитилаётгандай туюлар эди. Туркенич бир тиззасини букиб, автоматини мўлжалга олди. Мошков устидаги ҳўл пахталик нимчасини тўғрилаб қўйди-да, ерга ётиб, у ҳам автоматини мўлжалга олди.

Олег, нима бўлишига худди ёш болалардай қизиқиб, кўприкдан кўзини узмай қараб ётар эди. Бирдан кўприкдан дукур-дукур эшитилди: шинеллари лой, милтиқларини қинғир-қийшиқ кўтарган немис солдатлари кўприкка чиққан эди.

Олдинги солдатларнинг ўртасига тушиб олган новча, шоп мўйловли ефрейтор бир нималарни гапириб келар, орқадагилар ҳам эшитсин деб, кетига қараб-қараб қўяр эди. Қиргоқ бўйида писиб ётган болалар томонига қарар, солдатлар ҳам биринчи марта кўраётган жойларга қизиқсиниб қараётган сайёҳлардай, анҳорнинг ўнг ва чап томонларига қараб-қараб келар эдилар. Лекин бу ерларда партизанлар борлигини кутмаганликлари учун, писиб ётган болаларни кўрмас эдилар.

Худди шу пайтда бирдан Туркеничнинг автомати қулоқни кар қилгудек даражада тариллатиб ота бошлади, унинг кетидан Мошковнинг автомати ишга тушди, яна бошқа автоматлар ўқ соча бошлади, милтиқлар ҳам олдинма-кетин ота бошлади.

Олег шошиб қолди, отишга улгурмади, чунки бунинг ҳаммаси унинг учун кутилмаган даражада тез бўлди, бундай бўлар деб тасаввур этмаган эди. Дафъатан у, худди эсини танимаган боладай оғзини очиб анграйиб қолди, сўнгра ичидан: «Сен ҳам отсанг-чи, от!» деган овоз эшитилгандай бўлди, қараса — иш аллақачон

тамом бўпти. Кўприкда битта ҳам солдат қолмади, уларнинг кўпи йиқилиб ётарди; кўприкка энди оёғини қўйиб чиқаётган икки солдат бирдан орқасига қараб қоча бошлаган эди, Серёжка, унинг кетидан Мошков, Мошков кетидан Стаховичлар ўринларидан сапчиб туриб, орқаларидан ўқ узиб, икковини ҳам ўлдиришди.

Туркенич ёнига бир неча болани олиб, кўприк томон югуриб кетди. Кўприкда битта солдат талвасаланиб ётарди, болалар уни ҳам ўлдиришди. Йўлдан келаётганлар кўрмасин деб солдатларни оёқларидан судраб, чангалзор ичига олиб кетишди, яроқ-аслаҳаларини ўлжа қилишди. Анҳор бўйлаб бир неча километрга чўзилиб кетган пода моллари гоҳ олдинги оёқлари, гоҳ тўрттала оёқлари билан сувга тушиб, ё бўлмаса анҳорнинг нариги бетига ўтиб, ширали тумшуқлари билан пишқира-пишқира, сув ичар эди, уларнинг пишқириши худди ишлаб турган талай насос овозига ўхшарди.

Бу баҳайбат подада ҳўкизлар, қизил, кўк, ола, ялқов, шохлари йўғон, кўкраклари кенг буқалар, турли зотли семиз, қисир, бўғоз, биқинлари шишган, соғилмай елинлари осилган эмчаклари қизариб ётган сигирлар, бошқалардан ажралиб турган оч қизил тусли, шохлари қоқ мияларидан ўсиб чиққан ғалати сигирлар, худди бошларига қалпоқ кийган ва фартук тақиб олгандай қора чипор, қизил чипор йирик голланд сигирлари аралаш-қуралаш бўлиб кетган эди.

Увлари ҳайдаб кетаётган молларга ўхшаган ҳаракатлари суст, уруш тазьйиқи остида тақдирга тан берган мўйсафид чўпонлар милтиқбозликка парво қилмасдан, поданинг пиравард томонида ҳўл ерда давра қуриб, сўзлашиб ўтирардилар. Лекин қуролли кишилар пайдо бўлиши билан дарҳол ўринларидан турдилар.

Болалар ҳўрмат-вҳтиром билан бошларидан шапкаларини олиб, салом беришди.

Бўз кўйлаги устидан енгсиз нимча кийган, товонлари қий-шиқ, қўзиқоринга ўхшаган бир чол:

— Саломатмисизлар, жаноб ўртоқлар! — деб алик олди.

Чўпонлар ишлатадиган узун қамчи ўрнига қўлига калта қамчи ушлаб олганидан, унинг чўпонлар оқсоқоли эканлиги билиниб турарди. У ўз шерикларини «хотиржам» қилмоқ учун бўлса керак, уларга қараб:

— Э, булар партизан экан-ку! — деди.

— Айбга буюрмайсизлар, оталар, — деди Олег, шапкасини қўлига олиб яна кийиб. — Немис соқчиларини тугатиб бўлдик,

энди бу молларни даштга ҳайдаб юборишга ёрдамлашасизлар, яна немисларнинг қўлига тушиб-етиб юрмасин.

— Ҳим... Тарқатиб юборайлик дейсанми?.. — деди бошқа бир бобой, анча ўйланиб тургандан кейин. — Моллар — ўзимизники-ку, донликмиз биз, нега энди ўз молимизни бегона ерларга ҳайдаб юборар эканмиз?

— Ё қайтариб олиб кетмоқчимисизлар? — деб кулди Олег.

— Қайтаришга-ку қайтариб бўлмайди-я, — деди бир чол, маъюс бир овоз билан.

— Тарқатиб юборсак зора, ўз одамларимиз қўлига тегса...

— Ҳай-ҳай-ҳай! Шунақангги зўрмисизлар, а! — деб юборди пак-пакана бир чол шукуҳ билан ва иккала қўли билан бошини ушлади.

Бу баҳайбат подани ўз тупроқларидан бегона герман тупроғига мажбурият остида ҳайдаб кетаётган бобойларнинг куйиб-пишаётгани кўриниб турарди. Болаларнинг молларга ҳам, чолларга ҳам раҳми келди. Лекин вақтни бой бериб бўлмасди.

— Бобо, қамчинингни менга бериб тур, — деди Олег ва чўпоннинг қамчинини олиб, пода томон кетди.

Ҳўкиз ва сигирлар сувга тўйиб бўлиб, энди анҳорнинг нариги томонига ўтар, баъзилари хас-чўп излаб, тарқалишиб кетган эди. Поданинг бир қисми елкасини ёмғирга бериб, қимир этмасдан турар ёки: «Ҳой чўпонлар, қанисизлар, энди нима қиламиз» дегандай, атроф-теваракка қараб турар эди.

Олег гўё азалдан шу иш билан шуғулланиб келгандек, ҳайвонларни қўли билан итара-итара, оёғи билан тепа-тепа ва қамчинни ишга солиб, поданинг орасидан ўзига йўл очиб олди. Анҳордан ўтиб молларнинг энг қалин ерига кириб борди. Қўй терисидан калта енгсиз нимча кийган бобой ҳам ёнига келиб қўшилди. Унинг кетидан бошқа чоллар ҳам болалар етиб келишди.

Улар бақира-бақира ва қамчиларини ўйната-ўйната қанча вақт овора бўлиб, подани зўрға икки бўлиб юборишди.

— Йўқ, бу ишинг маъкул эмас, — деди нимчали чол. — Автоматларингдан отиб қўя қолинглар, барибир ҳаммаси қирилиб кетади...

— Ай-яй-яй!.. — деди Олег ва худди бирон ери қаттиқ оғригандай, юзи буришиб кетди. Лекин дарҳол чеҳраси ўзгарди, даҳшатли бир тус олди. Елкасидан автоматини олди-да, подага қаратиб ўқ очди.

Ҳўкиз ва сигирлардан бир нечаси йиқилди, бошқалари яраларидан қон оққани ҳолда, маъраб ва бўкириб, дашт томонга қоч-

ди. Бу томондаги пода порох билан қон ҳидидан чўчиб даштга сочилиб қочиб қолди — бутун атроф ларзага келди, Серёжка билан Женья Мошков поданинг иккинчи ярмини автоматлардан ўққа тутишди, бу сигир ва ҳўкизлар ҳам тумтарақай бўлиб қоча бошлади.

Болалар уларнинг кетидан қувар, мол тўпланиб турган бўлса, дарров уларни ўққа тутар эдилар. Ўқ овозлари, молларнинг маъраши, дукур-дукури, қамчинларнинг ҳавода визиллаши ва одамларнинг маънос овозлари бутун даштни босиб кетди. Югуриб қочиб кетаётган ўқ еган буқалар бирдан тўхтаб қолар ва олдинги оёқларини букиб, секин-аста муккасидан йиқилар эди. Яранган сигирлар маъраб, чиройли бошларини баланд кўтарар эдилар-да, яна ожизгина қуйи солар эдилар. Бутун теварак-атроф қип-қизил қонга беланган мол таналари билан тўлиб кетган эди.

Болалар ҳар бири уйларига якка-якка тарқалишиб кетаркан, даштнинг гоҳ у ерида, гоҳ бу ерида, дайдиб юрган сигир ва ҳўкизлар учрарди.

Олег билан Туркенич бирга кетишди.

— Шохи миясининг қоқ ўртасидан ўсиб, учи қайрилган сигирларга назар солдингми? — ҳамон ҳаяжонини босолмай, сўради Олег. — У сигирлар Сал даштининг шарқ томонидан, ё бўлмаса Астрахандан келтирилган Ҳиндистон зотли моллари... Олтин Ўрда замонларидан қолган...

— Қатдан биласан? — ишонқирамай сўради Туркенич.

— Ёшлигимда, ўғай отам қаерга борса, мени ҳам олиб борарди, бу ишларни яхши биларди.

— Стахович бугун азаматлигини кўрсатди! — деди Туркенич.

— Ҳа-ҳа... — ишонқирамай деди Олег, — ўғай отам билан кўп юрганмиз, кезганмиз. Днепр, жазирама қуёш, поёнсиз даладашлар, саноқсиз подалар... Уша вақтларда кимнинг эсига келар эди бизнинг... менинг... — Олегнинг юзи яна буришди, қўлини силтади-да, уйига етгунча индамади.

ЭЛЛИГИНЧИ БОБ

Шаҳар аҳолисининг бир тўдасини немислар алдаб Германияга ҳайдаб олиб кетганларидан кейин, бунинг маъносига тушуниб қолган кишилар биржада рўйхатдан ўтишдан бош тортадиган бўлди.

Қулдорлик замонида ўрмон ва чакалакзорлардан ҳабашлар

тутиб олинганидек, немислар уйма-уй юриб ёки кўчалардан одамларни тутиб олишар эди.

Фельдкомендатуранинг еттинчи бўлими томонидан Ворошиловградда чиқариладиган «Нове життя» деган газета ҳайдаб кетилган болаларнинг Германияда гўё эркин ва яхши турмуш кечираётганлари, яхши-яхши пул топаётганлари ҳақида ота-оналарига юборган хатларини деярли ҳар куни босиб чиқарар эди.

Кўпчилик қисми Шарқий Пруссиянинг турли жойларида батрак, уй хизматчиси бўлиб ишловчи ёш қиз ва ўсмирлардан Краснодарга ҳам хат келиб турар эди. Хатларни цензура ўқимаган, чизиб қора қилмаган бўларди, сатр ораларидан кўп нарсаларни англаб олиш мумкин эди, лекин бу хатларда турмушнинг фақат ташқи томонинигина тавсиф этиларди. Кўп ота ва оналар эса мутлақо хат олмас эди.

Почтада ишлайдиган бир хотин, Германиядан келадиган хатларни немис жандармерияси томонидан почтага махсус тайинланган ва рус тилини биладиган бир немис ўқиб чиқишини, уларни стол галадонига солиб, анча кўпайгандан кейин ёндириб юборишини бир куни Уляга айтиб берди.

«Ёш гвардия» топшириғига кўра Уля, ёшларнинг Германияга ҳайдаб кетилишига қарши олиб бориладиган ишларга раҳбарлик қилар эди: варақалар ёзиб тарқатар, олиб кетилиши хавфи остида қолганларни ишга жойлаштирар ёки Наталья Алексеевнанинг ёрдами билан касалга чиқариб қоғоз олиб берар, баъзан рўйхатга киритилган ва қочганларни хуторларга яширар эди.

Уля бу ишни топшириқ олгани учунгина эмас, балки виждон бурчидай бажарар эди: балки, Валяни унинг мудҳиш тақдиридан қутқариб қола олмагани учун ўзини гуноҳкор деб билиб виждони азобланса керак. Узи ҳам, Валянинг онаси ҳам Валянинг тақдири ҳақида ҳеч қандай хат-хабар ололмай келишлари унинг бу виждон азобини янада ўртантирар эди.

Бир куни кечаси, декабрнинг бошларида, первомайскилик болалар почтада ишловчи хотин воситаси билан, цензорнинг столга яшириб қўйган ва ёгаларига топширилмаган хатларни ўғирлаб чиқишди. Ҳозир Улянинг олдида турган бир қоп хат худди шу ўғирлаб чиқилган хатлар эди.

Совуқ бошлангандан бери Уля ота-онаси билан бир уйда турадиган бўлган эди. «Ёш гвардия» аъзоларининг аксарияти сингари, Уля ҳам ўзининг бу ташкилотга мансуб ёканлигини ота-онасидан яшириб юрар эди.

Ота-онаси унинг учун жон куйдириб, ишга жойлаштирамиз деб уринганда, Уля бир неча оғир минутларни кечирди. Кўрпа-тўшак қилиб ётган онаси гоҳ аламли кўзлари билан умидсизланиб қарар, гоҳ кўз ёши қилиб термулар эди, Матвей Максимович эса шунча йилдан бери қизига биринчи марта ўшқариб берди. Унинг юзи то сочлари тўкила бошлаган миясига-ча кип-қизариб кетди, лекин отаси забардаст, муштлири эўр бўлса-да, унинг қиёфасида, унча-мунча қолган жингалак сочларида ва ўз қизига гапи ўтмай қолганлигида қандайдир ачинарли бир нарса сезилар эди.

Уля отаси ҳам онасига: агар бир бурда нонингизни миннатиллаат қиладиган бўлсангиз, уйни ташлаб чиқиб кетаман, деб айтди.

Матвей Максимович билан Матрёна Савельевна хижолат бўлиб қолишди: Уля ота билан онанинг энг эрка қизи эди. Кекса Матвей Максимовичнинг ўз қизи устидан оталик измини йўқотганлиги, онанинг эса муштитарликдан айтганини қилолмаслиги энди равшан бўлиб қолган эди.

Ўз хатти-ҳаракатларини ота-онасидан яшириб юрса-да, Уля уй ишларини бажонудил қилиб турарди, агар узокроқ вақтга бирор жойга кетадиган бўлса, жуда зеркиб, юрағи сиқилганини, ўртоқлари билан ҳасратлашиб келишни баҳона қиларди. Онаси борган сари қизига маънос термуладиган бўлиб қолган, кўзлари билан худди унинг қалбидагини кўриб тургандай бўларди. Ота эса қизидан тортинадиган бўлиб қолган ва қизи борида кўпинча оғиз очмас эди.

Анатолийнинг аҳволи бутунлай бошқача эди: отаси фронтга кетгач, Анатолий она бошлиғи бўлиб қолди: онаси Таисья Прокофьевна ва сингиси уни худо деб билар, унга тамомила итоат қилишар эди. Уля ҳозир ўз уйида эмас, балки Анатолийларникида,— Анатолий бугун Суходолга, Лилия Ивановна хинаникига кетган эди,— бир қоп хатни олдиға қўйиб, цензура қирққан конвертлардан мактубларни олар, бир-икки сатрини ўқиб, столга ташлар эди.

Исм ва фамилиялар, ота-оналарга, опа-сингилларга кўз ёши қилиб ёзилган дуойи-саломлар Улянинг кўзи олдидан бирин-кетин ўтаверди. Хатлар шу қадар кўп эдики, фақат шундай юзаки қараб чиқишнинг ўзи анча вақтни олар эди. Лекин бу хатлар орасида Валядан келган хат йўқ эди...

Уля қаддини букиб, қўлларини тизза орасига олгани ҳолда, олдинга тикилиб ўтирар эди. Таисья Прокофьевна ва Ана-

толийнинг сингиси аллақачон ухлаб қолган. Кичкина жинчироқнинг жонсиз алангаси Улянинг нафасидан гоҳ пасаяр, гоҳ яна қаддини ростлаб олар эди. Девордаги жўнгина соат хирқи овоз-ла «трик-трак... трик-трак...» деб, дақиқаларни санайди. Поповнинг уйи, Уляларнинг уйи сингари, хуторлар орасида алоҳида якка турарди; бошқалардан ажралиб, айниқса куз ва қиш кечалари ёлғиз туришлари Уляга ёшлигидан сезилиб турарди. Поповларнинг уйи мустақкам ва пишиқ эди. Ташқарида бир қадар қиш нафаси-ла уриб турган шамол овози дераза эшикларидан сал-пал эшитилиб турарди.

Аллақандай сирли, бемеҳр ва шум овозлар-ла тўлган, гоҳ пасайиб, гоҳ қанот қоқиб милтиллаб ёниб турган жинчироқли бу муҳитда Уля ўзини якка-ёлғиз сезарди.

Нега дунё шундай бино этилганки, бир киши ўз қалбини бир кишига тамомила бера олмайди?.. Уля билан Валянинг қалблари ёшлик чоқларидан бир-бирига чамбарчас боғланган экан, нега Уля ўз уйидан, барча рўзгор ғам-ташвишларидан, ота-она ва ўртоқларидан кечиб, бутун куч-қувватини Валяни халос этиб қолишга сарфлай олмади? Нега унинг ёнига бора қолиб, унинг кўз ёшларини арта олмайди, унга нажот йўлини кўрсатиб бера олмайди?.. «Шунинг учунки, иложи йўқ... Шунинг учунки, сен ўз қалбинг ўтини ёлғиз Валягагина эмас, ундан кўпроққа, ватанингни озод этиш йўлига тиккансан» дерди ички товуш. «Йўқ йўқ,— дерди у, ўзига-ўзи,— баҳона излама, сен буни ҳатто фурсатинг борида ҳам қилмадинг, чунки ўз қалбингдан бунга яраша ҳис-туйғу топилмади, сенинг бошқалардан фарқинг йўқ экан!..»

«Наҳотки, буни энди, ҳозир қилишнинг иложи бўлмаса?..»— ўйлади Уля ва ёшлик хаёлларига берилиб кетди: унинг гапини ерда қолдирмайдиган мардонавор одамларни топади, улар ҳамма тўсиқ-ғовларни енгиб, немис комендантларини алдайдилар, ўша мудҳиш мамлакатда Уля Валяни излаб топади-да, унга бундай дейди: «Сени халос этиш учун қўлимдан келган ҳамма нарсани қилдим, ўзимни аямадим, мана энди сен озодсан...» дейди. Қани энди шундай қилишнинг иложи бўлсал.. Лекин бунинг иложи йўқ-да! Бундай мардонавор одамлар топилмайди, Улянинг ўзи эса бунга ожизлик қилади... Йўқ, буни агар ўша Валянинг чин дўст-ийгити бўлганда эди, ўша қила олар эди.

Лекин, Улянинг ҳам шундай дўсти йўқ-ку? Борди-ю, Уля худди шундай мушкул аҳволга тушиб қолса, ким уни қутқара

олади? Унинг бундай дўсти йўқ. Дунёда бундай дўстлар бўлмаसा ҳам керак...

Ахир, келгусида у севадиган бирон йигит дунёда бордир? Қанақа йигит у? Уля уни кўрмаган, лекин у йигит унинг юрагида: забардаст, одил ва ҳақгўй, кучли, чеҳрасида мардлик ифода этган йигит. Унинг қалби муҳаббат ўтида ўртанди.— Кўзларини юмса-да, ҳамма нарсани унутиб, мана мен, ол деса... Унинг жинчиروқ алангаси акланган қоп-қора кўзларида бу ҳиснинг бахтли ва даҳшатли ифодалари гоҳ кўринар, гоҳ сўнар эди...

Бирдан Улянинг қулоғига бировнинг эшитилар-эшитилмас инграган чақириқ овози эшитилади. Уля бир сесканиб тушди, бурнининг ингичка-ингичка четлари титрагандек бўлиб кетди... Йўқ, Анатолийнинг сингиси тушида алаҳсиради шекилли. Улянинг олдидаги столда бир уюм хат ётади. Жинчиروқ алангасининг учидан ингичка ис кўтарилади. Дераза эшикларидан гувиллаган шамол нафаси сал-пал эшитилади, соат эса ҳамон «трик-трак, трик-трак» қилиб, ҳисобларини санаб боради...

Улянинг юзи қип-қизариб кетди. Нимадан уялганини унинг ўзи ҳам билмас эди: хаёл-ўйларга берилиб, ишини йигиштириб қўйганиданми, ё бўлмаса ўша хаёл-ўйларида айтилмай қолиб кетган гапларданми. У ўзидан-ўзи хафа бўлиб фойдаланиш мумкин бўладиган хатларни қидириб, яна уларни диққат билан кўздан кечира бошлади.

Уля, Олег билан Туркенич олдида туриб, деди:

— Йўқ, ўзларинг бир ўқиб чиқинглар! Даҳшат... Наталья Алексеевнанинг айтишича, немислар бизнинг шаҳардан саккиз юзга яқин кишини ҳайдаб кетибди. Яна бир ярим минг кишининг рўйхатини киши билмас тайёрлаб қўйишганмиш... йўқ, бирон қаттиқ чораси кўрилмаса бўлмайди, уларни олиб кетилаётганда тўсатдан ҳужум қилиш керак ё бўлмаса ўша Шприкни ўлдирish-қўйиш, жазоси!..

— Уни-ку ҳамма вақт ўлдирса ҳам бўлади-я, лекин бошқаси келади-да,— деди Олег.

— Ҳамма рўйхатларни йўқ қилиш керак... Мен йўлини биламан: биржага ўт қўйиш керак! — деди Уля, қасос ҳароратида ўртанган бир ҳолда.

«Еш гвардия»нинг энг афсонавий ишларидан бири бўлган

бу ишни Серёжка Тюленин ҳамда Любка Шевцовалар бажарди, уларга Витя Лукьянченко ёрдам берди.

Шу кунларда қиш нафаси зўрайган, кечалари анча совуқ бўлиб, машина ғилдираклари қўпрган пахса-пахса лойлар то офтоб қизитиб эритмагунча, тошдай қотиб ётадиган бўлган эди.

Улар Витя Лукьянченколарнинг полизида тўпланишадиган бўлди. Учовлари тўпланишиб, темир йўл тармоғидан ўтишди-да, йўлсиз, тўғри тепаликдан кетаверишди. Серёжка билан Витя бензин солинган бак ва бир неча ёнилги солинган шиша кўтариб борар эдилар. Икковининг ҳам ёнида қуроли бор. Любканинг қуроли эса асал солинган шиша, чўтка ва «Нове життя» газетасидан иборат эди.

Тун шу қадар жимжит ва сокин эдики, ҳатто пашша учса ҳам эшитилгундай эди. Улар жуда аҳтиёт билан борар эдилар: қоқилиб кетишса ёки бензин баки бирон нарсага тегиб кетса, фош бўлиб қолишлари мумкин эди. Тун ниҳоятда қоронғи; бу ерлар уларга жуда яхши таниш бўлса-да, қаерга қараб кетаётганликларини баъзан билмас эдилар. Ҳар қадамда бир тўхтаб, қулоқ солишарди, яна бир қадам қўйиб тўхтаб, яна қулоқ солишарди...

Шу тахлитда жуда кўп вақт ўтди, уларнинг назарида охири йўқдай бўлди. Ажаб улар биржа ёнидаги часовойнинг юриб турганини эшитиб, дарҳол қўрқувлари ҳам босилди: Часовойнинг оёқ товуши гоҳ яққол эшитилар, гоҳ эшитилмай қоларди: ақтимол, у шу топда тўхтаб, атрофга қулоқ солаётгандир, ё бўлмаса эшик олдида тўхтаб, дам олиб тургандир.

Биржанинг узундан узун биноси қишлоқ хўжалик комендатурасининг рўпарасида эди. Бинонинг ўзи ҳали кўринмас, лекин часовойнинг қадам товушларидан бинонинг бир томонидан келиб чиққанларини англадилар, сўнгра бинонинг орқа томонидан кириш учун, чап томондан айланиб ўтишди.

Витя Лукьянченко шов-шув камроқ бўлсин деб, шу ерда, бинодан йигирма қадамча бериди тўхтади, Серёжка билан Любка секин дераза олдига келишди.

Любка пастки ойнасига асал суркади-да, газета варагини ёпиштирди. Серёжка ойнани босган эди, у синди-ю, лекин сочилиб кетмади, уни секин чиқариб олди. Бу иш ниҳоятда сабр-тоқатли бўлишликни талаб этарди. Иккинчи ром ойнасини ҳам худди шундай қилиб чиқариб олишди.

Кейин пича дам олишди. Часовой, совқотган бўлса керак, эшик ёнида ер депсиниб турар эди, шунинг учун унинг яна нарироққа кетишини кутишга тўғри келди: улар, Любка бино ичига кирганда қадам товушини часовой эшитиб қолишдан қўрқар эдилар. Часовой нари кетди. Серёжка сал энгашди-да, икки қўлини чпрмаштириб, Любкага тутди. Любка дераза ромини ушлаб, бир оёғини Серёжканинг қўлига қўйди-да, иккинчисини дераза тоқчасига қўйиб, миниб олди,— дераза ромининг пастки қирраси оёқларига ботиб кетган эди. Лекин ҳозир бу ҳақда ўйлаш хонаси эмас эди. Нариги оёғини тобора чўзиб секин полга қўйиб олди. Шу билан Любка уй ичига кириб олган эди.

Серёжка унга бакни узатди.

Любка ичкарида жуда узоқ қолиб кетди. Серёжка ичкарида, Любка стол ёки стулга тегиб кетмасайди, деб қўрқиб турарди.

Любка яна дераза ёнига қайтиб келганда ундан бензин ҳиди гупиллаб урарди. Любка Серёжкага секин жилмайди, оёғини дераза тоқчасидан ошириб, бошини ва қўлларини чиқарди. Серёжка унинг қўлтиғидан ушлаб пастга тушириб қўйди.

Любка билан Витя анча жойга етиб олгунарига қадар Серёжка шу бензин ҳиди келиб турган дераза ёнида бир ўзи пойлаб турди.

Сўнгра қўйнидан ёнилғили шишани чиқарди-да, очиқ деразадан кучининг борича ичкарига ирғитди. Шу қадар кучли ёнгин кўтарилдики, алангаси Серёжкани кўр қилаёзди. Серёжка бошқа шишаларни отиб ўтирмасдан, тепаликдан темир йўл тармоғи томонга қараб уриб қочди.

Часовой бақирар, унинг кетидан ўқ узар эди, Серёжканинг тепасидан қандайдир бир ўқ визиллаб учиб ўтди. Бутун атрофни бирдан аланга ёритиб юборарди, гоҳ яна қоронғилик чўмарди. Бирдан осмонга ҳайбатли бир суратда улкан аланга кўтарилиди-да, теварак-атроф кундузгидек ёришиб кетди.

Бу кеча Уля ечинмай ётди. Уйдагиларни уйғотиб юбормаслик учун секин-аста дераза ёнига келар эди-да, уйни қоронғи қилиб турган одеял четини сал очиб, ташқарига қарарди. Лекин ҳамма ёқ қоп-қоронғи зимистон эди. У Любка билан Серёжкадан хавотирланар, баъзан бу ишни беҳуда ўйлаб топдимми деб ўйлар эди. Тун ниҳоятда узайиб кетди. Ахир тоқани тугаб, мудрай кетди.

Бирдан гўё бир кимса уни туртгандай бўлди, сесканиб

уйғонди-да, стулни қулатиб, ҳовлига югурди. Уйғонган онаси уйқусираб бир нима деб сўради, Уля жавоб бермай, кўйлақчан, ташқарига югуриб чиқиб кетди.

Шаҳарнинг нариги томонини, тепаликлар устини қалин шуъла қоплаган, олислардан милтиқ овозлари эшитилади, Улянинг қулогига одамларнинг ҳайқириқлари ҳам чалингандай бўлди. Аланга шу қадар зўр эдики, ҳатто шаҳарнинг бу томонидаги уйларнинг томларини ҳам ёритар эди.

Лекин, бу шуъла манзараси Уля кутган ҳис-туйғуларни уйғотмади. Шуъла, шуъланинг томларга тушиб турган ёруғи, одамларнинг ҳайқириқлари ва милтиқ овозлари, онасининг кўрқуви — буларнинг ҳаммаси унинг қалбига қандайдир ҳавотирлик солган эди. У, Любка билан Серёжкадан, айниқса уларни зўр бериб қидиришаётган бир пайтда бунинг ташкилотга бўладиган оқибатидан ташвишланар эди. У ноиложликдан қилинаётган мудҳиш вайрон этиш жараёнида дунёда энг катта, энг азиз нарсасини, унинг ўз қалбидан жой олган нарсасини бой беришдан хавотирланар эди. Бу Улянинг умрида биринчи марта шундай туйғу кечириши эди.

ЭЛЛИК БИРИНЧИ БОБ

Ворошиловград областининг ҳамма районларидаги ўнлаб махфий радиоприёмниклар 1942 йилнинг 22 ноябрь куни Совет Информбюросининг «Сўнгги соатда» деган ахборотини қабул қилди, бу ахборотда, Сталинград ёнидаги немис фронтини таъминлаб турган икки темир йўлни совет қўшинлари кесиб қўйди ва ғоят кўп асир олинди, дейилган эди. Иван Федорович кундан кунга ва аста-секин зимдан олиб борган кўзга кўринмас иш бирдан юзига чиқди-да, «янги тартиб»га қарши қаратилган умумхалқ ҳаракатига айланиб кетди.

Совет қўшинлари Сталинград ёнида қўлга киритган ютуқларини тобора кенгайтириб бораётганликлари тўғрисида кун сайин янги хабарлар келиб турарди. Ҳар бир совет кишисининг қалбида милтиллаб келган кутиш ҳислари, бирдан қондай қайнаб тошиб, юракларни ҳаяжонга сола бошлади: «Келишлпти!»

30 ноябрь куни эрталаб барвақт Полина Георгиевна ўз одати билан Лютиковга бидонда сут келтирди. Устахонага ишга кирган кунидан бошлаб ўзи учун жорий этган турмуш тар-

тиб қоидаларини Филипп Петрович сира бузмай, канда қилмай бажариб келар эди. Душанба куни эрталаб Полина Георгиевна келганда Филипп Петрович металлга суйканавериб ва мой ёпишавериб, ялтираб кетган эски жомакор кийимини кийиб ишга отланиб турган эди. Филипп Петровичнинг эгнидаги бу костюм илгари вақтларда, оккупациядан аввал ҳам кийиб юрадиган жомакор костюмнинг ўзи эди. Одатда конторкага кириши билан, шу костюм устидан яна кўк халат кийиб олгучи эди. Фарқи шунда эдики, илгарилар халатни конторкадаги жовонга солиб юрарди, энди халатни буклаб, қўлтигига қистириб уйга олиб кетарди. Ҳозир халат, Филипп Петровичнинг овқатланиб бўлишини кутиб, ошхонада, табуреткада ётар эди.

Полина Георгиевнанинг юзидан унинг янги хабар келтирганини, хушxabар келтирганини Филипп Петрович дарҳол пайқади. Одоб юзасидан Пелагея Ильинична билан бир оз ҳазил-мутойиба қилиб,— бунинг-ку сира эҳтиёжи йўқ эди, чунки Пелагея Ильинична ўз одати бўйича, бирон нарса кўрган ё пайқаганини билдирмаган эди,— Лютиков билан Полина Георгиевна Петровичнинг бўлмасига кириб кетишди.

— Мана, атайлаб сиз учун кўчирдим... Кеча кеңкурун қабул қилиб олинди,— ҳаяжон билан деди Полина Георгиевна, кофточкасининг остидан майда хат ёзилган бир парча қоғозни ола туриб.

Кеча эрта билан, у, Филипп Петровичга Совет Информбюросининг совет қўшинларининг Марказий Фронтида, Великие Луки билан Ржев районларида катта ҳужумга ўтганликлари тўғрисида «Сўнги соатда» деган ахборотини келтириб берган эди. Бугунги хабар эса бизнинг қўшинларимизнинг Дон дарёсининг шарқий қирғоғига етиб келгани тўғрисида эди.

Филипп Петрович бирмунча вақт қоғоздан кўзини узмай тек туриб қолди, сўнгра шиддатли кўзларини Полина Георгиевнага қаратди-да:

— Капут... Гитлер капут...— деди.

У, асир тушган немис солдатлари худди шундай дейди деб кўрган-билганлардан эшитган эди, ҳозир у, ўша немис солдатларининг сўзини такрорларди. Лекин у бу сўзларни ниҳоятда жиддий суратда такрорлади ва Полина Георгиевнани қучоқлади. Бахтиёр Полина Георгиевнанинг кўзларидан ёш чиқиб кетди.

— Кўпайтирайми? — деб сўради у.

Кейинги кезларда улар бутунлай деярли ўзлари варақа ёзмай қўйишган эди, Совинформбюронинг совет самолётлари маълум жойларга келиб ташлаб турган босма ахборотларини тарқатар эдилар. Лекин кечаги ахборот шу қадар муҳим эдики, Филипп Петрович варақа ёзиб чиқаришни тайинлади.

— Икковини бирга қўшишсин. Шу бугун кечаси ёпиштирамиз,— деди Филипп Петрович. Чўнтагидан зажигалка чиқарди-да, бояги қогозни кулдон устига тутиб ёндирди, кулини уқалаб, форточкани очди ва полизга пуркаб ташлади.

Филипп Петровичнинг юзига муздек совуқ ҳаво келиб урди, совуқдан қовжираган кунгабоқар ва ошқовоқларнинг палагига тушган қировга бирмунча вақт хаёлчан қараб турди.

— Совуқ қаттиқми? — деб сўради у, ташвишنامо бир товуш билан.

— Кечагидек. Ер устидаги сувлар қотиб яхлаган, эриганича йўқ.

Филипп Петровичнинг пешонасида тиришлар пайдо бўлди, у бир нималарни ўйлаб, шу алпозда бирмунча вақт индамай турди. Полина Георгиевна ундан яна бошқа буйруқ кутиб турар эди, лекин Филипп Петрович гўё уни бутунлай унутгандай эди.

— Мен кетай энди,— деди секин Полина Георгиевна.

— Ҳа, ҳа,— деб жавоб қилди Филипп Петрович, худди ўзига келган кишидай оғир бир хўрсиндики, Полина Георгиевна «Тоби қочмадимикин?» деб ўйлаб қолди.

Филипп Петровичнинг тоби йўқ эди: уни подагра касали қийнарди, нафас қисиларди, лекин бу дарди анчадан бери бор эди, унинг чуқур хаёл суриб қолганига сабаб бу дард эмас эди.

Филипп Петрович бу вазиятда бало-қазонинг кутган томондан эмас, бутунлай бошқа томондан келиб қолишини билар эди.

Ташкилот раҳбари бўлган Лютиковнинг ҳозирги мавқеи жуда қулай эди. Мавқеининг қулайлиги шундан иборат эдики, у немис маъмурлари билан бевосита алоқа қилмас ва унинг олдида бирон масъулият сезмагани ҳолда, унга қарши иш олиб бориши мумкин эди. Немис маъмурияти олдида Бараков жавобгар эди. Лекин худди шу туфайлидан ишлаб чиқариш масалаларида Бараков Лютиковнинг йўл-йўриги асосида шундай қилар эдики, немис маъмурияти олдида ҳам, ишчилар олдида

ҳам немисларга хизмат қилувчи директор бўлиб кўринар эди. Бараков ҳар нарса қила оларди, лекин у, Лютиковнинг немисларга қарши қилган бирон ишини кўрмаслиги керак эди.

Сиртдан бу шундай бўлиб кўринарди: ҳаракатчан, ғайратли ва тадбирли Бараков ўзининг бутун куч-қувватини барпо этишга сарфлайди ва буни ҳамма кўради ва билади; кўзга кўринмайдиган, камтаргина Лютиков эса ҳамма нарсани барбод этади,— буни эса ҳеч ким кўрмайди ва билмайди. Иш юришмаяптими? Йўқ, иш юришиб турибди-ку, лекин кўнгилдагидек тез эмас. Сабаби? Сабаби яна ўша сабаблар-да: «Ишчилар йўқ, механизм йўқ, асбоб йўқ, транспорт йўқ, ҳеч нарса йўқ бўлгандан кейин нима қила олардинг?»

Бараков билан Лютиков ишни ўртада шундай бўлишиб олишган эдики, Бараков бошлиқлардан буйруқ ва кўрғазма олгач, бундан дарҳол Лютиковни хабардор қилар эди-да, ўзи зўр ғайрат билан буйруқ ва кўрғазмаларни амалга оширишга киришиб кетар эди. Лютиков эса ҳаммасини барбод этар эди.

Бараковнинг ишлаб чиқаришни тиклаш йўлида жон куйдириб қилган ҳамма ҳаракатлари мутлақо самарасиз бўлар эди. Лекин унинг бу ҳаракатлари, ўлиб-тирилиши Бараковнинг Краснодар орқали ва атроф-теварақдаги районлар орқали ўтган йўлларда партизан ҳужумлари ҳамда диверсияларни уюштирувчи раҳбар сифатида қиладиган ва кўзга кўринарли ишларни жуда яхши ниқоблаб турар эди.

Валько ҳалок бўлиб кетгандан кейин, шаҳар ва районда ҳамма кўмир конлари, корхоналар ва айниқса марказий электротехника устахоналарида саботаж уюштириш ишларини Лютиков ўз виммасига олди: кўмир конлари ва бошқа корхоналардаги асбоб-ускуналарнинг тикланиш ё тикланмаслиги шу марказий устахонага боглиқ эди.

Районда корхона жуда кўп эди, немис маъмурияти содиқ кишилар камлиги туфайли, бу корхоналарни тергаб-тежай олмас эди. Натижада ҳамма ерда одамлар «сусткашлик» қилиб ишни судрар, галга солар эди.

Одамлар ичидан «сусткашлар»нинг каттаси бўлиб ишлашга ўз хоҳишлари билан отилиб чиқувчи талабгорлар ҳам топилиб турар эди.

Масалан, Николай Николаевичнинг ошнаси Виктор Бистринов дирекционда иш юритувчи ёки мирза лавозимига ўхшаш вазифада ишлар эди. Маълумоти ҳамда салоҳияти жиҳатидан

инженер бўлган Бистринов дирекционда ўтириб ўзи ҳам ишламасди ва кўмир конларда ҳеч нарса билан шуғулланмайдиган кишиларни ўз теварагига тўплаб олиб, кўмир конларидаги бошқа кишиларнинг ҳам ишламаслиги учун нималар қилишни уларга ўргатиб турарди.

Ўз ўртоқлари Шевцов, Валько ҳам Костиевичлар ҳалок бўлгандан сўнг омон қолган Кондратович деган чол анчадан бери унинг ёнига келиб-келиб юрадиган бўлиб қолди, у тўрт томони очиқ саҳрода шамол қуритган дуб дарахтига ўхшар эди. Яширин суратда майфурушлик қилувчи ва полиция ҳамда жандармериянинг қуйи мансабдорлари билан оғиз-бурун ўпишиб юрувчи ўгли туфайлидан немислар унга тегмаганлигига чол шубҳа қилмас эди.

Чолнинг ўгли камдан-кам юрагини очиб гапирадиган киши эди, лекин шундай пайтларда: менга совет ҳокимиятидан кўра немис ҳокимиятининг фойдаси камроқ, дерди.

— Одамлар жуда қашшоқлашиб кетганми, дейман, ҳеч кимда пул қолмади-я!— деб иқрор бўларди у ҳатто бироз ғамгинлик билан.

— Шошмай тур, ака-укаларинг фронтдан қайтсин, жонингни осмонга чиқаришиб қўяди, у ерда ғам чекмайсан ҳам, ташвиш тортмайсан ҳам,— бамайлихотир дерди чол, ўзининг паст ва хирқи овози билан.

Кондратович ҳозир ҳам ҳеч ерда ишламас, эртадан кечгача кичик шахталардами, шахтёрларнинг уйларидами,— тентираб юрар эди, кўмир конларидаги немис маъмурларининг ҳамма қабоҳатлари, тентаклик, бефаҳмликлари ва нуқсонларини тўплаб юрувчи бир хазинага айланиб қолганини ўзи ҳам билмас эди. Кўп тажрибали ва маҳоратли кекса ишчи бўлганлигидан у, немис маъмурларини назар-писанд этмас вди; уларнинг хўжалик ишларидаги нўноқликларини кўрган сари уларга нафрати тобора ортиб борарди.

— Ўзларинг бир ўйлаб кўринглар, ёш инженер ўртоқлар,— дерди чол, Бистринов билан Коля тоғага қараб,— ҳамма нарса шуларнинг қўлида бўлса-ку, ҳар кунига атиги икки тонна кўмир берса! Хўп, улар капиталист, биз эса ўзимиз учун ишлаймиз, бунга ақлим етади, лекин уларнинг бир ярим асрлик тажрибаси бор-ку, ахир! Биз бўлсак энди йигирма бешга қадам қўйдик. Шунча вақтдан бери, ахир уларни бирон ишга ўргатишгандир! Иннайкейин, бутун дунёга донги чиққан бу ишбилармон, молиячиларнинг мисли йўқ талон-торож уюштирганларини айтмайсиэ-

ми! Тфу, падарига лаънат!— деб бўғиларди чол. Ғоят йўгон овози билан.

— Амалпарастлар! Йигирманчи асрда талон-торожнинг уддасидан чиқолмай қолди-ку! Ун тўртинчи йилда уларни роса калтаклашган эди, ҳозир ҳам елкаларида калтак синади! Ўзганинг молига чангал солишни билишади, лекин ўз ақллари билан бирон нарса қилиш қўлларидан келмайди. Тепага люмпен ҳам мешчанлар чиқиб олган деб шунни айтади-да... Бўтун инсоният кўзи олдида ҳамма ишларни барбод этиб ўтиришибди!— дерди Бистринов, кўзларида яширин шодлик ўти ёнгани ҳолда.

Шундай қилиб, икки ёш инженер билан бир кекса чол, Швейденнинг кўмир қазиб чиқариш йўлида қилган оэ-моз уринишларини барбод этиш учун ҳар кун қийналмасдан бемалол план тузиб чиқар эдилар.

Шундай қилиб ўнлаб ва юзлаб кишиларнинг хатти-ҳаракати яширин партия райкомининг фаолиятини қўллаб-қўлтиқлаб турар эди.

Филипп Петровичнинг ўзи ишлаб турган устахонада бу ишларни бажариши ҳаммадан ҳам қийинроқ эди. У шундай қоидага амал қиларди: ишлаб чиқаришда ҳал этувчи роль ўйнамайдиган ҳамма майда-чуйда заказларни йўқ демасдан бажариб берарди, шу билан бир вақтда, йирик заказларни мумкин қадар кейинга сураб, галга солгани солган эди. Немислар қўли остида устахонага ишга кирган кунларидан бери бу ерда бир неча пресс ҳамда бир қанча йирик кўмир конларига қарашли насослар ремонт қилинмоқда эди, лекин ҳанузгача бирон нарса ҳам ремонт қилинмаган ва қайта тикланмасдан келар эди.

Лекин, шу билан бирга, бошлаб юборилган тадбирлардан ҳеч бўлмаса биронтасини охирига етказмасдан қолдириб бўлмас эди, чунки директор Бараковга гап тегиши мумкин эди. Шунинг учун бошлаб қўйилган баъзи ишлар охиригача етказилар ё бўлмаса сал-пал чала қолдирилар эди, лекин яна бирдан авария бўлиб қолиб бутун иш таққа тўхтаб қоларди. Дам ўтмай мотор ишдан чиқиб турарди: моторнинг ичига қум сепиб қўйишарди. Мотор ремонтга қўйилар эди-да, унинг ўрнига двигатель юргизиларди, лекин бирдан двигатель ҳам ишдан чиқиб қоларди: ё цилиндр қизиб кетган бўларди, ё бўлмаса ичига муздек сув қуйиб юборишарди. Бу каби майда-чуйда диверсияларни бажариш учун Филипп Петровичнинг ҳамма цехларда ўз одамлари бўларди, бу одамлар расман ўзларининг цех бошлиқларига бўйсунсалар ҳам, амалда фақат Лютиковнинг айтганини қилардилар.

Сўнги вақтда Бараков собиқ ҳарбийлар орасидан кўпгина янги ишчиларни ишга қабул қилди. Темирчилик цехида Қизил Армия офицерларидан икки коммунист босқончи бўлиб ишларди. Кечалари йўлларда катта-катта диверсия қилиб юривчи партизан группаларининг командирлари шулар эди. Уз кишиларининг кўпинча ишга келмай қолишларига баҳона топиш учун Филипп Петрович асбоб-ускуна келтириш учун уларни атраф районлардаги бошқа корхоналарга ёлгондака командировкаларга юбориб турарди. Яширин ташкилотга тортилмаган бошқа ишчиларда шак-шубҳа тугдирмаслик учун, улар ҳам командировкага юбориб туриларди. Ҳақиқатан ҳам асбоб-ускуна топиб бўлмаслигига ишчилар ишониб қайтишар, бошлиқлар эса директор ҳамда цех бошлиқларининг жонларини жабборга бериб ишлаётганларини кўрар эди. Шундай қилиб иш қонуний равишда тўхтаётар эди.

Устахона Краснодар яширин ташкилотининг асосий маркази бўлиб қолган эди: ҳеч ким сезмаган, ҳеч ким билмаган яширин кучлар бир жойга тўпланган, ҳар вақт қўл остида тайёр турарди, бу кучлар билан алоқа қилиб туриш осон эди. Лекин бунинг хавф-хатари ҳам бор эди-да.

Бараков ниҳоятда жасорат, уюшқоқлик ва босиқлик билан ишларди. Ҳарбийда бўлгани ва инженер бўлгани учун, ҳатто икки-чикирлар ҳам унинг назаридан ташқарида қолмасди.

— Мен ишни шундай йўлга қўйганманки, билсанг, бирон нуқсон топа олмайсан,— дерди у Филипп Петровичга кайфи чоғ бўлган пайтларда.— Нима учун биз ўзимизни улардан бефаҳмроқ деб ўйлашимиз керак?— дерди.— Бизки улардан ақллироқ эканмиз, демак уларни алдашимиз керак! Алдаймиз ҳам!

Филипп Петрович каттакон иягини кўксига туширарди, узун юзи янада баттароқ салқиб кўринарди-да,— бу нарса эса Филипп Петровичнинг таъби хира эканлигини кўрсатар эди,— дерди.

— Сен жуда ҳам осон деб ўйлайсан. Ахир булар фашист немислар-ку. Тўғри, булар сендан ақлли ҳам эмас, айёр ҳам эмас. Лекин, сен ҳақлимисан, ноҳақмисан, буни билишнинг уларга нима кераги бор? Ишнинг юришмай турганини кўрдими — бўлди, каллангни суғуриб олади, ҳатто юзларини буриштирмайди ҳам. Сенинг ўрнингга бирон аблаҳни келтириб қўйишади. Вассалом, ё ҳаммамиз асфаласофилинга кетамиз ё тумтарақай қочишдан бўлак иложимиз қолмайди. Лекин биз қоча олмаймиз, ҳаққимиз йўқ. Йўқ, оғайни, сен билан биз ништэр дамида юрган одамлар-

миз, агар сен эҳтиёткор одам бўлеанг, янала уч карра эҳтиёт-корроқ бўлишинг керак.

Узининг қоронги уйида, кўрпада тўлганиб ётганларида Филипп Петрович мана шулар устида ўй ўйларди, уйқуеи тарқаб кетарди. У яна вақт ўтиб бораётганлиги, вақт кетаётгани устида ўйларди...

Заказлари бажариш қанча узоққа чўзилса, Бараковнинг ҳисобига ёзиб қўйилган авариялар, нуқсонлар қанча кўпайиб борса, унинг немис маъмурлари қузуридаги вазияти ҳам шунча қалтис бўлиб борар эди. Лекин бундан ҳам каттароқ хавф-хатар шунда эдики, вақт ўтиб борган сари, устахонада ишловчи кишиларнинг аксарияти,— булар орасида тажрибали, кўпни кўрган ишчилар ҳам бор эди, албатта,— бу корхонада кимнингдир атайлаб вараркунандалик қилаётганини англаб эди, англамай бўлмас эди ҳам.

Немислар билан яқин алоқада бўлган ва немис тилини яхши билган ҳамда корхонада ниҳоятда талабчан бўлган Бараков, ишчилар орасида немисга сотилган одам деб ҳисобланар эди. Ундан ҳамма ўзини четлаб юрар, бу ерда устахонада эса ундан гумонсирашнинг хавфи йўқ эди. Фақат Филипп Петровичдан гумонсираш мумкин эди. Ҳар ҳолда, Лютиковнинг немисларга сидқидиллик билан ишлашига ишонган одамлар Краснодонда камдан кам эди. Лютиков Россиянинг илгарилари, ишчилар синфининг виждони деб аталган ишчиларидан бири эди. Уни ҳамма танирди, ҳамма унга ишонарди,— халқ янглишмайди.

Цехда бир неча ўн нафар киши Филипп Петровичнинг бевоисита қўли остида ишлар эди. Филипп Петрович қанча камгап бўлмасин, ўзини қанчалик камтар тутмасин, унинг йўл-йўлакай, гўё қийинчиликдан қўрқиб тургандай ҳадиксираброқ берган кўрсатмаларининг ишлаб чиқаришга анд эканлигига ишчиларнинг ақли етмаслиги мумкин эмас эди.

Унинг фаолияти майда-чуйдалардан иборат эди, бу майда-чуйдалар ҳар бири унча кўзга ташланмас эди. Лекин замон ўтиб борган сари бу майда-чуйдалар бир-бирига қўшилиб, яхлит бир нарсага айланиб, Филипп Петровичнинг ўзи ҳам тобора кўзга ташлана борар эди. Филипп Петровичнинг атрофидаги кишиларнинг аксарияти ўз кишиларимиз эди. Ув қўли остидаги кишилар орасида уй бекаси Пелагея Ильиничнага ўхшаган кишиларнинг оз эмаслигини ҳам сезиб юрарди. Улар ҳамма нарсани биларди, севарди-ю, лекин билган ва сезганликларини унинг ўзига ҳам, бошқаларга ҳам, ҳатто ўзлик-ўзларига ҳам билдириш-

майди. Лекин кишининг фош бўлиши учун бирталай қабих одамнинг бўлиши шарт эмас, пайти келганда биргина юраксиз киши чиқиб қолса ҳам кифоя.

Устахона зиммасига юкланган энг маъсул ишлардан бири — бирталай кўмир конларига, шаҳарнинг марказий қисмига қамда устахонанинг ўзига сув отказиб берувчи катта Краснодон водокачканини тиклаш эди. Водокачкани тиклаш вазифаси бундан икки ойча илгари Бараковга топширилган, Бараков эса Филипп Петровичга оширган эди.

Бошқа ҳамма ишлар каби бу иш ҳам айтарлик қийин ва мураккаб эмас эди, лекин унинг бажарилиши сира ақлга тўғри келмас эди. Лекин водокачкага эҳтиёж жуда катта эди. Фельднер жаноблари бир неча марта келиб иш жуда суст бораётгани учун қаттиқ койиб кетган эди. Ҳатто водокачка тайёр этилгандан кейин ҳам Филипп Петрович, водокачка синовдан ўтиши керак деган баҳона билан, уни ишга туширишга шошилмас эди. Бу йил қиш эрта келди, эрталаблари қаттиқ совуқ бўлиб турди, водокачканинг ҳамма қувур ва трубаларига эса сув тўлдириб қўйилган эди.

Шанба куни иш охирида Филипп Петрович водокачкани қабул қилиб олгани келди. У ҳадеб бак ва трубалардан сув оқяпти деб тихирлик қила берди, ҳамма гайка ва жўмрақларини маҳкам бураб беркитдирди. Унинг кетидан юрган ишбоши ҳамма нарсанинг тўла-тўкис ва беками-кўстлигини билса-да, индамас эди. Ишчилар уларни ташқарида кутиб туришарди.

Ниҳоят, ишбоши билан Филипп Петрович ишчилар олдига қайтиб чиқишди. Филипп Петрович пиджак чўнтагидан ўраб чекишга мослаб букланган «Нове життя» газетасини олди-да, илдизи билан қўшиб майдаланган қўл бола тамаки билан ишчиларни сийлай бошлади. Ишчилар жонланиб, қўлларини тамакига чўза бошлашди. Шу кунларда ҳатто қўлбола тамаки ҳам қахат эди. Аллақандай чириган бир нарсани майдаланган пичанга қўшиб чекишарди, бунинг отини ҳамма ерда «бувимнинг тушаги» дейишарди.

Улар водокачка ёнида индамай тамаки тортиб туришаверди. Гоҳо-гоҳода ишчилар гоҳ иш бошига, гоҳ Лютиковга қараб қўйишарди. Филипп Петрович чала қолган тамакисини ерга ташлаб, пошнаси билан эзиб ташлади.

— Хўш, шу билан энди иш тамом ҳисоб,— деди у.— Лекин, ишни бугун топшириб бўлмас: вақт кетди. Душанбани кутамиз-да...

Ҳамманинг ўзига бирмунча саросималик билан қараганини Филипп Петрович сезди: кечқурунданоқ қаттиқ совуқ тура бошлаган эди.

— Сувни очиб юбориш керак эди,— иккиланиб туриб деди ишбоши.

— Қишмиди?— қовогини солиб туриб деди Филипп Петрович.

У ишбошининг кўзларига кўзи дуч келишини сира истамасди, лекин қўққисдан кўзлари учрашиб қолди. Ишбоши ҳамма гапга тушунганини Филипп Петрович дарҳол англади. Қолганлар ҳам гапнинг маъносини англаган бўлса керак: ўртага шу қадар кучли хижолатпазлик чўккан эди. Ўзини тута билган Филипп Петрович бепарвогина:

— Кетдик... — деди.

Шундан кейин улар чурқ этмасдан водокачка ёнидан тарқалишди.

Филипп Петрович фортчкани очиб, совуқдан қовжираб қолган кунгабоқар ва ошқовоқларнинг палагидаги қалин қировни кўрганда, худди шу тўғрида ўйланиб қолган эди.

Филипп Петрович ўйлаганидек, бутун бригада аъзолари уни водокачка ёнида кутиб турар эди. Қувурларнинг совуқдан ёрилиб кетгани, бутун водокачканинг яна ишдан чиққани, ҳамма ишларни қайтадан бошлаш кераклигини унга айтишнинг ҳожати йўқ эди.

— Э, афсус!.. Лекин, бундай бўлишини ким биларди! Совуқни қаранглар-а!— деди Филипп Петрович.— Нима ҳам қилардик. Тарвузимиз қўлтигимиздан тушмай қўя қолсин. Қувурларни янгилаш керак. Тўғри, янги қувур ҳеч ерда йўқку-я, лекин топишга уришиб кўраимиз...

Ҳамма унга ҳадиксираб қараб турарди. Ҳамма уни довяораклиги учун ҳурмат қилишини ва қилган ишидан ва айниқса унинг бўмайлихотир туришидан қўрқишларини сезарди.

Ҳа, Филипп Петрович билан ишловчи кишилар ўз кишиларимиз эди. Лекин, қачонгача тақдир билан ўйнашиб бўлади?

Икки ўртада жорий этилган огзаки тартибга қўра, Бараков билан Лютиков ишдан ташқари ҳеч кўришмас эдилар, чунки уларнинг дўстлиги у ёқда турсин, ҳатто ишга алоқаси бўлмаган масалалар юзасидан улар ўртасида муносабат бўлиши мумкинлиги ҳақида ҳатто кишиларда шак-шубҳа ҳам туғилмаслиги керак эди. Башарти шошилишч бир иш чиқиб қолиб, сўзлашиш керак бўлса, Бараков Филипп Петровични ўз кабинетига чақир-

тирар эди, лекин уни чақиришдан олдин ва чиқиб кетгандан кейин албатта бошқа цехларнинг бошлиқларини ҳам чақирирар эди.

Бу сафар албатта гапиришиб олиш эҳтиёжи туғилган эди.

Филипп Петрович цех ичидаги конторасига кирди-да, қўлтигида олиб юрган буклоғлик халатини стулга ташлади, кепка ҳам палтосини ечиб, оқарган сочларини қўли билан саришталлади, калта қирқилган тикандек қаттиқ мўйловини тароғи билан таради-да, сўнг Бараковнинг олдига кетди.

Устахонанинг контораси ҳовлидаги кичкина гиштин бинода эди.

Совуқ тушиши билан Краснодон муассасаларининг кўпчилниги ва хусусий хоналар кўчадан ҳам совуқ бўлиб қолган эди, лекин немислар ишлайдиган ҳамда немислар турадиган ҳамма бинолар сингари, устахона контораси ҳам иссиққина эди. Устига қайтарма ёқали мовут курткасини кийган, куртка тагидан жуда яхши дазмолланган мовий ёқаси кўриниб турган ва рангдор галстук таққан Бараков кабинетида ўтирар эди. Бараков хийла озиб, юзлари қуёшда қорайиб кетган эди. Бу эса уни анча ёшроқ қилиб кўрсатар эди. У соч ўстирган ва олд томонидаги сочларини тўзитиб юрувчи эди. Сочларини шу хилда тўзитиб юрадиган, ияги чуқурча ва айни замонда катта-катта кўзлари ўткир, жасур, қалин лабларини қаттиқ юмиб юрувчи бу киши ҳозирги вазиятида одамлар назарида ҳақиқатан ҳам шубҳа туғдирар эди.

Бараков ўз кабинетида ҳеч нарса билан шугуланмай, бекор ўтирар эди. Лютиковни кўриши билан қувонди.

— Эшитгандирсан?— деб сўради Филипп Петрович, унинг рўпарасига ўтираётиб ва ҳарсиллаб.

— Бешбаттар бўлсин!— Бараковнинг тўлиқ лабларида табассум пайдо бўлди.

— Йўқ, мен сводкани айтаман.

— Уни ҳам эшитдим...— Бараковнинг приёмниги бор эди.

— Хўш, энди бизнинг Украинамиз қандай бўлади?— кулимсираб сўради Лютиков. Донбасда ўсиб катта бўлган Лютиков ўзи рус бўлса-да, баъзан украинча ҳам гапириб қўярди.

— Мана бундай бўлади,— унга ҳамоҳанг бир тарзда деди Бараков.— Биз тайёрлашимиз керак умумхалқни...— Бараков иккала қўлини кенг бир ҳаракат-ла силкитиб кўрсатди, Бараковнинг қайси «умумхалқ»ни айтаётганини Филипп Петрович дарров англади.— Бизникилар яқин келиб қолиши билан...— Бара-

көв құлини стол тепасида айлантриб кўрсатди-да, бармоқларини силкитди.

— Албатта...— Филипп Петрович ўз шеригидан мамнун эди.

— Эртагача бутун планни тузиб, келтириб бераман... Гап болаларнинг этишмаслигида эмас, чиллак билан конфет-попукларнинг этишмаслигида...— Бараков кўққисдан айтиб юборган қориядан кулиб юборди. У, одамдан кўпи йўқ, лекин милтиқ билан ўқ камчилроқ демоқчи эди.

— Йигитларга тайинлайман, жадал ҳаракат қилишса — топишади. Гап водокачкада эмас,— деди Филипп Петрович, гапни бирдан ўзини ҳаяжонлантриувчи масалага буриб.— Гап унда эмас. Гап шундаки... Гапнинг нимадалигини ўзинг ҳам биласан.

Бараковнинг пешонасида чуқур тириш пайдо бўлди.

— Мен бир таклиф айтайми? Кел, мен сени ишдан бўшатиб кўрай,— қатъий оҳанг билан деди у.— Водокачкани музлатиб қўйдинг, деб баҳона қиламан-да, ишдан бўшатиб юбораман.

Филипп Петрович ўйланиб қолди: ҳақиқатан, бу тадбир ҳам кўл келиши мумкин эди.

— Йўқ,— деди у, бирмунча вақтдан сўнг.— Яширинадиган жойим йўқ. Башарти яширинадиган жой бўлганда ҳам, бундай қилиб бўлмайди. Бутун иш очилиб қолиши мумкин, унда сен ҳам кетасан, сен билан бирга мен ва бошқалар ҳам кетади. Биз ҳозир эгаллаб турган вазиятимизни бой бера олмаймиз, тўғри келмайди.— қатъий суратда деди у.— Йўқ, фронтдаги ишларимизнинг боришига қараймиз. Агар бизникилар жадал келиб қолгудай бўлса, немисларга шундай сидқидиллик ва жонбоэлик билан ишлаймизки, ҳатто биздан бирон нарсада гумонсираган сдам бўлган бўлса янглишганини дарров англайди: немисларнинг куни битиб турибди-ю, булар жонини жабборга бериб иш-лаяпти, деб ўйлайди. Барибир, ҳамма қилганимиз ўзимизга қолади!

Бу фикрнинг ғоят даражада соддалиги дастлаб Бараковни ҳайратлантрирди.

— Лекин фронт яқинлашиб келса, бизни қурол-аслаҳаларни ремонт қилишга мажбур этишмайдими — деди у.

— Агар фронт яқин келиб қолса, ҳамма нарсани ташлаймиз-да, партизанларга қўшилиб кетамиз!

«Бобой бало!» деб ўйлади Бараков, мамнуният билан.

— Яна бир раҳбарлик маркази тузиш керак,— деди Филипп Петрович,— устаконадан четда, сен билан мендан ташқари, аҳти-

ётдан дейман-да.— У, гапни ҳазилга айлантириб, «Унинг керак-лиги ҳам бўлмайди-ку, лекин эҳтиётдан-да...» деган бир гап билан таскин бермоқчи бўлди-ю, лекин бунинг ўзига ҳам, Бараковга ҳам керак эмаслигини сезиб, деди:— Одамларимизнинг тажрибаси катта, тўғри келганда сен билан бизсиз ҳам ишни эплаб кетаверади. Ё нотўғрими?

— Тўғри.

— Райком чақиршга тўғри келади. Ўйлаб кўр, райкомни сўнги марта немислар келмасдан олдин чақирган эдик. Ички демократия қани?— Филипп Петрович Бараковга шиддат билан қараб туриб, кўзини қисиб қўйди.

Бараков кулиб юборди. Улар ҳақиқатан ҳам райком чақирмай келар эдилар, чунки Краснодон шароитида райкомни деярли тўплаб бўлмас эди. Шундай бўлса-да, энг муҳим ишларни райондаги бошқа раҳбар ходимлар билан маслаҳатлашиб олгандан кейин ҳал қилар эдилар.

Филипп Петрович цех орқали ўз конторкасига қайтишда Мошковни, Володя Осьмухинни ва Толя Орловни кўриб қолди,— улар нариги тиски ёнида ишлаб туришган эди.

Филипп Петрович ишни кўздан кечирмоқчи бўлгандай цехнинг ярмича келадиган ва девор остига қўйилган узун стол бўйлаб юрди, слесарлар шу стол ёнида ишлар эди. Ҳозиргина бемалол ва бепарво тамаки чекиб, гурунглашиб турган болалар одоб юзасидан қўлларига эгов олишди.

Филипп Петрович уларга яқин келганда Мошков кўзларини кўтариб қаради-да, зақарҳанда бир жилмайиш билан секин:

— У уришиб бергандир?— деб сўради.

Мошковнинг водокачка воқеасидан хабари борлигини ва Бараковни айтаётганини Филипп Петрович англади. Бошқа болалар сингари Мошков ҳам Бараков тўғрисидаги ҳақиқатни билмас эди ва уни немисларга берилган киши деб юрарди.

— Уришиш ҳам гапми...— Филипп Петрович, худди чиндан ҳам танбеҳ олган кишидай, бошини чайқаб қўйди.— Ишлар қалай?— деб сўради, гўё детални кўздан кечирмоқчи бўлгандай, Осьмухиннинг тискисига энгашди ва тикандай қаттиқ мўйлови остидан секингина:— Бугун кечаси Олег ўтган сафаргидек меникига келсин...— деди.

Краснодон «Ёш гвардия» яширин ташкилотининг қалтис жойларидан яна бири шу эди.

ЭЛЛИК ИККИНЧИ БОБ

Қизил Армиянинг эндиликда фақат Сталинград ёнида ва Дондагина эмас, балки Шимолий Кавказда ва Великие Луки районидаги ютуқлари кенгайиб борган сари, «Еш гвардия»нинг жанговар ҳаракатлари ҳам шу қадар кенгайиб, зўрайиб борар эди.

«Еш гвардия» бутун районга илдиз отган, юздан ортиқ аъзони бирлаштирган ва ҳамон ривож топиб борувчи катта бир ташкилот бўлиб қолган эди. Унинг аъзоларидан кўра кўмакчилари кўпроқ эди.

Ташкилот ўсиб борарди, ўсмасдан иложи ҳам йўқ эди, чунки унинг аслида вазифаси шу эди. Тўғри, ўз фаолиятларини бошлаган дастлабки вақтга қараганда бирмунча кўзга кўрина бошлаганларини болалар сезар эдилар. Лекин, начора: маълум бир маънода шундай бўлиши турган гап эди-да.

Лекин, «Еш гвардия» фаолияти қанча кенгайиб борса, гестапо ҳамда полиция ташлаб қўйган «тўр»нинг иккала қаноти ташкилот атрофида шунча бир-бирига яқинлашиб борар эди.

Штаб йиғилишларидан бирида Уля бирдан:

— Орамизда Морзе алифбесини биладиган ким бор? — деб сўраб қолди.

Бу нимага керак деб ҳеч ким сўрамади, Уляни ҳеч ким мазақ ҳам қилмади. Эҳтимол, ўз фаолиятларини бошлаб юборган кунларидан бери болалар, қамалишлари мумкинлиги тўғрисида энди биринчи марта ўйлашган бўлса. Лекин бундай хаёл келган бўлса ҳам, келди-ю, кетди. Ахир, уларни бевосита тахликага солувчи бирон хавф йўқ эди-да.

Худди шу даврда Лютиков Олегни юзма-юз суҳбатга чақириб қолди.

Уша дастлаб кўришганларидан буён булар сира учрашмаган эдилар ва энди кўришиб, бир-бирларида катта ўзгариш борлигини сезишди.

Филипп Петровичнинг сочлари янада кўпроқ оқарган ва яна ҳам семириб кетгандай кўринди. Бу семизлик соғ-саломатликдан эмаслиги сезилиб турарди. Суҳбат вақтида у дам-бадам ўрнидан турар ва уй ичида у ёқдан-бу ёққа юра бошлар эди. Унинг нафас олишини Олег эшитиб турарди,— Лютиковнинг гавдаси ўзига огирлик қилаётган бўлса керак. Филипп Петровичнинг фақат кўзлари аввалгидек шиддат билан боқар, уларда ҳеч қандай ҳорғинлик сезилмас эди.

Лютиков эса Олегнинг ўсганини, ҳатто гавдаси ўсиб улғайганини сезди.

Олег энди ўзининг энг гуллаб турган палласига кирган, катта бўлиб қолган йигит эди. Чаноқлари чиқиб турган юз бичимлари равшанлашган, йирик-йирик кўзларида ва тўлиқ лабларининг аллақаерларида гоҳ-гоҳда аввалгидек болаларга хос бир ифода пайдо бўлиб қолар, бу ифода айниқса жилмайганда пайдо бўлар эди. Лекин бу учрашув маҳалида у хаёлчанроқ эди, бошини елкаларининг ичига олиб, букилиб ўтирар, пешонасида узун-узун тиришлар пайдо бўлган эди.

«Еш гвардия»нинг эски группалари ва янги тузилаётган группалари ҳақида Филипп Петрович батафсил гапириб беришни талаб этарди, синчиклаб суриштирар, қайта-қайта саволлар берар, фамилияларни айтдирар ва характеристикалар сўрар эди. Уни ишнинг ташқи томони эмас,— ишнинг ташқи томонини Полина Георгиевнадан эшитиб, билиб юрарди,— балки ташкилотнинг ички ҳолати, айниқса Олегнинг ўз ташкилотига қанчалик кўзи етиши ва ундаги аҳволга қанчалик тушуна ва баҳо бера билиши кўпроқ қизиқтирар эди.

Филипп Петровични ташкилот аъзоларининг қанчаси бир-бирини таниши, штаб ўз группалари билан қандай алоқа қилиб туриши, группаларнинг бир-бирлари билан алоқа ва муносабатлари қандайлиги қизиқтирар эди. Қорамолларни тарқатиб юбориш операциясини эслаб, бу операция ҳақида штаб ўз группаларини қандай йўллар билан хабар қилганлиги, ҳар бир группа раҳбари ўз йигитларига қандай хабар қилгани ва уларнинг қандай, қайси йўл билан тўпланганликларини анча вақтгача суриштирди. Уни бундан ҳам оддийроқ ишлар, масалан, варақа ёпиштиришлар қизиқтирди, қизиққанда ҳам асосан алоқа йўллари ва раҳбарлик қилиш жиҳатлари қизиқтирар эди.

Шуни яна бир марта таъкидлаб ўтишимиз керакки, Филипп Петровичнинг ҳар бир кимса билан қиладиган суҳбатида бир хусусияти бўларди, бу хусусият шундан иборат эдики, гапни ҳамсуҳбатига бериб қўяр, уни роса гапиртирар ва ўз фикрини изҳор этишга шошилмас эди. У ҳеч вақт ўзини ҳамсуҳбатига мосламас эди-ю, лекин ким билан гаплашмасин,— хоҳ қари, хоҳ ёш билан,— ўз тенги билан гаплашаётгандай бўларди.

Олег ҳам бунини сезарди. Филипп Петрович уни сиёсий раҳбар деб билиб суҳбатлашарди, унинг фикр-мулоҳазаларига қулоқ соларди. Бошқа вақт бўлганда унинг Олегга бундай муносабати, эҳтимол, Олег қалбини бахтиёр туйғулар ҳам фахр

билан тўлдирган бўларди. Лекин ҳозир Олег Филипп Петровичнинг «Ёш гвардия»дан унча рози эмаслигини сезиб турар эди. Филипп Петрович ундан гап сўраб туриб бирдан ўрнидан туриб кетар эди-да, у ёқдан бу ёққа юра бошлар эди, бу эса унинг одати эмас эди. Кейин ҳеч нарса сўрамай қўйди, ҳадеб у ёқдан бу ёққа юраверди. Олег ҳам жим қолди. Ниҳоят, Филипп Петрович Олегнинг рўпарасидаги стулга келиб ўтирди-да, унга шиддатли кўзлари билан қаради.

— Анча ўсибсизлар: ташкилот ҳам ўсган, сизлар ҳам анча улгайгансизлар,— деди Филипп Петрович,— бу яхши. Катта фойда келтираётисизлар. Халқ сизларни сезиб турибди, вақти келиб, сизлардан миннатдор эканлигини айтади. Лекин мен шуни айтмоқчиманки, ишларинг унча яхши эмас... Мендан ижозат олмасдан туриб ташкилотга энди биронта ҳам кишини қабул қилманглар, етади! Ҳозир замон шундайки, энг қўрқоқ, бориб турган дангаса ҳам бизга ёрдамлашади, унинг ташкилотда бўлишлиги шарт эмас. Тушундингми?

— Тушундим,— деди Олег секин.

— Алоқа...— Филипп Петрович бир оз ўйланиб ўтирди.— Алоқа усулларинг жуда содда. Бир-бирларингникига, уйма-уй югур-югур кўп. Айниқса сен билан Туркенич уйи атрофида югур-югур кўп. Бу жуда хавфли. Башарти мен сенинг кўчангда турадиган оддий киши бўлсам, нимага сизларникига худонинг берган куни, ҳатто юриш тақиқланган кечалари ҳам болалар ва қизлар келиб туради, сизларникида нима бор экан? деб ўйлардим, шундай бир фикр миямга албатта келарди. Мен, оддий бир киши шундай деб ўйлардим. Лекин улар сизларнинг пайингизга тушган-ку, бу югур-югурларга улар албатта эътибор беришади. Сизлар ёш-яланг болаларсиз, баъзан сиёсат учун эмас, шунчаки ўйин-кулги учун ҳам тўпланишиб турсаларинг керак?— деб меҳрибон ва бир оз муғомбирлик билан жилмайиб туриб сўради Филипп Петрович.

Олег уялиб кетди, жилмайди-да, бош эгди.

— Яхши эмас. Бир оз зерикишга тўғри келади. Бизникилар қайтсин, тўйгунимизча ўйин-кулги қилаверамиз,— деди Филипп Петрович, ниҳоятда жиддий бир қиёфада.— Штаб аъзоларини ҳам тез-тез тўплаб туриш керак эмас. Ҳозир уруш даври. Командирларинг бор, комиссарларинг бор,— фронтда жанг вазиятида ишлагандай ишланглар. Аммо, алоқа усулларини ташкилотларинг даражасигача кўтариш керак. Шундай бир жой топишларинг керакки, ҳар ким бемалол кела олсин ва бу ҳеч кимнинг

диққатини ўзига тортмасин. Горький номли клубда ҳозир нима бор?

— Бўш ётибди,— деди Олег. У, клуб деворига варақа ёпиштиргани ва «полидай» қўлига тушишига сал қолганлари эсига тушиб кетди. «Не замонда бўлган эди бу!»— деб ўйлади у.— Лекин, у ерда ишлаб ҳам бўлмайди, туриб ҳам бўлмайди, шунинг учун бўш ётибди,— деб изоҳлади Олег.

— Маъмурларга мурожаат этинглар-да, бошлаб клуб очинглар.

Олег бирмунча вақт индамай ўтирди, пешоналари тиришди.

— Тушунмадим,— деди.

— Нимасига тушунмайсан? Ешлар учун, аҳоли учун клуб очинглар дейман. Сиёсатдан йироқда турган, фикри-зикри ўйинкулаги бўлган, эериккан йигит ва қизларни уюштиринглар, тўп-ланглар, ўзинглар қатнашиб ташаббускор группа тузинглар-да, жаноби бургомистрга мурожаат этиб, бинони клубга беришни илтимос қилинглар. Аҳолига янги тартиб руҳида маданий хизмат кўрсатмоқчимиз, денглар. Йигитлар танца қилсин, қайтанга бекор юрибди, мияларига ҳар хил бўлмагур фикрлар келиб юрмасин, денглар! Масалани у аблаҳнинг ўзи ечолмайди-ку, лекин бошлиқларидан сўрайди. Рухсат этишса ажаб эмас. Ўзлик-ўзлари ҳам юраклари сиқилиб, ўлиб юришибди.

Олег ёш бўлса ҳам, ўзига хос идрок билан,— лекин майдачуйда маиший нуқтаи назардан эмас, балки кенг тадбирли иш кўриш жиҳатидан,— клубга штаб аъзоларини ишга жойлаш ва улар орқали бешликларнинг раҳбарлари билан алоқа боглаб туриш мумкинлигини дарҳол фаҳмлади. Лекин, ўз моҳияти билан аксининсоний бўлган муҳитга ғайри ихтиёрий суратда бўлса ҳам кириш, бу муҳитнинг қабиҳ ишларида қатнашиш фикри Олегни хижолатпаазликка солиб қўйди. Кишиларга қабиҳ одатларни ўргатиш ёки бунга четдан туриб бўлса ҳам кўмаклашиш... Йўқ, ҳар нимага рози бўлса ҳам, бунга рози бўла олмайди! Олег Филипп Петровичнинг юзига қарай олмасдан, бошини эгиб индамай ўтирарди.

— Ўзим ҳам шундай бўлар деб ўйлаган эдим,— сокин бир алпозда деди Филипп Петрович.— Тушунмадинг! Тушунганинда, менга ва бутун ташкилотга катта тортиқ қилган бўлардинг.— Филипп Петрович ўрндан турди-да, уй ичида оғир қадам ташлаб юрди.— Ўғил боласан, қўрқасан... булғанишдан. Пок одамга қора юқмайди! Уларнинг қанақа агитаторларни ҳам бор? Клубга яна битта радиокарнай ўрнатишади, зўр келса.

Ҷадиоси ҳозир ҳам бақриб ётибди-ку! Шундай қилиш керакки, клуб тамомила ўз қўлимизда бўлсин. Биз жар солиб ташвиқот қилмасак ҳам, бизнинг ташвиқотимиз уларниқидан кучли бўлади. Ростини айтсам, сизларнинг бу ишларингга биз ҳам бир оз ёндош келмоқчимиз. Бизнинг ёндошганимизни сизларга сездираймиз, бунинг учун кечирим сўраймиз. Программаларинг, хатти-ҳаракатларинг бетараф бўлиши керак. Бу ишга Мошков, Земнухов ёки Осьмухин қаби болаларни тортсанг, бирпасда боплаб ташлайди, Люба Шевцовани тортсанг яна ҳам яхши бўлади...

Олег унинг маслаҳатига кўнгандан кейин ҳам кекса Лютиков ёш ўртоғини анча вақтгача кўндириб, унга насихат қилиб ўтирди. Бояги қалбаки туйғуга берилганига Олегнинг ўзи ҳам пуншаймон ерди.

— Мен бу гапларни сенга шунинг учун айтаётибманки, сен менга айтган бояги гапни ўртоқларинг сенга ҳам айтиши мумкин. Уларга нима деб жавоб беришни билгин деяпман,— дерди. Лютиков ва яна ва яна Олегга насихат қилар эди.

1-бис кўмир кони маъмуриятининг уларни қўллаб-қўлтиқлаш тўғрисидаги ваъдасини олгач Ваня Земнухов, Мошков ҳамда «Ёш гвардия»га алоқаси бўлмаган яна икки қиз, бургомистр Стаценко ҳузурига боришди. Улар ҳақиқатан ҳам шу муносабат билан уюштирилган ёшлар группасининг вакиллари эди.

Стаценко уларни шаҳар маҳкамасининг ифлос, муздек совиқ уйида қабул қилди. У одатдагича маст эди, бармоқлари шишиб кетган қўлларини кўк мовут солинган столга қўйиб, одобли, мўмин-қовул ва кўзойнагидан бургомистрга эмас, балки мовутга қараб ўтирган Ваня Земнуховга кўзини тикиб ўтирарди.

— Шаҳарда, немис армияси Сталинград остоналарида мағлубиятга учраётганмиш деган ёлғон хабарлар пайдо бўлмоқда. Шу муносабат билан баъзи ёшларнинг хаёлига...— Ваня бармоқларини баланд кўтариб ҳавода силкитди,— бузуқ, зарарли фикрлар келаётир. Пауль жаноблари.— Земнухов, кончилик батальонининг 1-бис кўмир конидаги вакили номини айтди,— ва жаноби...— шаҳар маҳкамасига қарашли маориф бўлими мудирининг номини айтди,— бизнинг таклифимизни манзур кўришди, бундан сиз бургомистр жаноблари хабардор бўлсангиз керак ва ниҳоят, янги тартибга содиқ бўлган ёшлар номидан биз, сизнинг ёшларга меҳрибон эканлигингизни билиб, шахсан илтимос қилар эдик...

— Мен томонимдан жаноблар... Болалар!— бирдан эркалаб

доди Стаценко.— Шаҳар маҳкамаси...— унинг кўзларида ёш кўринди.

Бу масалани шаҳар маҳкамаси еча олмаслигини, балки старший жандарм вахмайстергина ҳал эта олишини Стаценко ҳам, жаноблар ҳам билар эди. Лекин Стаценко «рози» эди, унинг ўзи веркиб, юраклари ўлгудек сиқилиб юрар эди.

Шундай қилиб, 1942 йилнинг 19 декабрида Горький номидаги клубда гауптвахмайстернинг ижозати билан, биринчи эстрада концерти бўлди.

Томошабинлар пальто, шинель ва пўстинларини ечмай, баъзилари ўтирар, баъзилари тикка турар эдилар. Клубнинг ичи совуқ бўлишига қарамай, одам икки ҳисса кўп эди; кўп ўтмай, шиплар терлаб, чакка тома бошлади.

Энг олдинги қаторда гауптвахмайстер Брюкнер, вахмайстер Балдер, лейтенант Швейде, зондерфюрер Сандерс, унга қарашли қишлоқ хўжалик комендатурасининг ҳамма мансабдорлари, оберлейтенант Шприк Немчинова билан, бургомистр Стаценко, полиция бошлиғи Соликовский хотини билан, яқинда унга ёрдамга юборилган терговчи Кулешовлар ўтирарди; Кулешов одобли, сепкилдор юзли, кўзлари кўк, қошлари сийрак, устига узун қора пальто, бошига қизил мовутга олтин ҳал солинган қалпоқ кийган мўмингина одам эди.

Бу ерда Пауль, Юнер, Беккер, Блошке, Шварц жаноблари, хончилик батальонининг бошқа ефрейторлари ҳам бор эди. Тилмоч Шурка Рейбанд, гауптвахмайстернинг ошпази, лейтенант Швейденинг ошпази ҳам шу ерда ҳозир эди.

Кейинги қаторларда йўл-йўлакай қўнган немис, румин қисмдарининг солдатлари, жандармерия солдатлари, полицайлар ўтиришарди, буларнинг кийимлари зални тўлдириб, ўтирган уст-бошлари бир ҳолда, эски рўмол ва шапка кийиб олган маҳаллий аҳолидан ажралиб турарди. Иши кўп ва умуман ўйин-кулгига ҳуши йўқ унтер Фенбонг кўринмас эди.

«Донгги чиққан меҳмонлар», ҳамма ёғига СССР герби, ўроқ билан болға сурати солинган парда олдида ўтирар эдилар, лекин парда очилиши билан саҳнанинг тўрида фюрернинг маҳаллий рассомларнинг бўёқ билан чизган катта расми кўринди, расм унча моҳирлик билан солинмаган бўлса-да, аслига анча ўхшар эди.

Концерт қадимги ҳаётдан олинган водевиль билан бошланди. Келиннинг отаси — чол ролини Ваня Туркенич ўйнади. У ўз бадий принциплари ва традицияларига амал қилиб, Дани-

лич деган боғбонга ўхшаб кийинган эди. Томошабинлар ўз арвандалари саҳнага чиққанда ҳам, саҳнадан кетганда ҳам барабар қарсақ чалар эдилар. Немислар сира кулмас эди, чунки гауптвах-майстер Брюкнер кулмай ўтирар эди. Лекин водевиль тамом бўлгач, майстер Брюкнер иккала кәфгини бир неча марта уриштириб қўйди. Унинг кетидан бошқа немислар ҳам чапак чала бошладилар.

Қилли музика оркестри,— оркестрнинг ифтихори Витя Петров билан Сергей Левашов эди,— «Куз уйқуси» деган вальс ҳамда «Сой бўйига чиққанимда» деган куйни чалиб берди.

Қора костюм кийган ва ботинкалари ялтираган конференсье ва кеча мутасаддиси Стахович саҳнага чиқиб:

— Луганск область эстрадасининг артисткаси... Любовь Шевцова!— деб баланд овоз билан эълон қилди.

Томошабинлар қарсақ чалишди. Ҳаво ранг кўйлак, шу тусли туфли кийган Любка саҳнага чиқди, Валя Борцнинг шалоги чиқиб кетган роялда қилган жўри остида бир неча маъюс, бир неча шўх ашулалар айтиб берди ва ҳаммага манзур бўлди. Уни анчагача саҳнага чақирди. Бирдан у ўзининг тўқ олачипор кўйлаги, оқ туфлиларини кийиб, саҳнага нағма чалиб югуриб чиқди-да, алақандай ўйинга тушиб кетди. Немисларнинг вақти хуш бўлиб кетиб, қийқириб юборишди ва Любкани узоқ қарсақлар билан кузатиб қолишди.

Саҳнага яна Стахович чиқди:

— Лўлилар қўшигига тақлид... Владимир Осьмухин! Гитарада Сергей Левашов жўр қилади!..

Володя қўлларини ҳар мақомда кериб ва букиб, бўйинларини чўзиб, гоҳ бирдан сакраб ўйнаб, «Оҳ она, юрак-бағрим қисилиб кетди» деган ашулани айтди. Қош-қовоғи солиқ Сергей Левашов гитарасини чалиб, худди Мефистофелдай, унинг кетидан юрар эди.

Томошабинлар қотиб-қотиб кулар эдилар, немислар ҳам.

Володя бир неча ашула айтиб берди. У гайри табиий суратда қўлларини гоҳ кериб, гоҳ букиб, калласини ҳар томонгә айлантриб, фюрернинг расмига қараб туриб, шу ашулани айта бошлади:

Қани, сўйла, эй дайди, дайди,
Юртинг борми ҳам кимсан ўзинг?
Кун сал исиб берганда, билгил,
Ох, ўшанда битадя кунинг,
Кетажаксан уйқуга буткул...

Ашула жуда ёқиб кетганидан, одамлар ўринларидан туриб кетиб, узоқ олқишладилар. Володяга бир неча марта саҳнага қайтиб чиқишга тўғри келди.

Ковалёв раҳбарлиги остидаги цирк бригадаси ўйини билан концерт тамом бўлди.

Клубда концерт борар экан, Олег билан Нина совет қўшинларининг Доннинг ўрта қисми районидаги катта ҳужуми, улар Новая Калитва, Кантемировка ва Богучарни, яъни немислар шу йилнинг июль ойида жануб томондан фронтни ёриб ўтишлари олдида ишғол қилган худди шу шаҳарларни эгаллагани ҳақида радиодан «Сўнгги соатда» ахборотини қабул қилиб олдилар.

Олег билан Нина ахборотни тонг отаргача ўтириб кўпайтиришди. Бирдан уларнинг тепасида моторларнинг гуриллаган овози эшитилди, бу галати овозлар, уларни ҳайратга солиб қўйди. Ҳовлига югуриб чиқишди. Шаҳар тепасидан учиб ўтиб кетётган совет бомбардимончилари шу совуқ кундаги ёруғ осмонда равшан кўринар эди. Самолётлар, янграган овозлари билан бутун осмонни эгаллаб, шошилмасдан учиб борар ва Ворошиловградга етмасдан қаергадир бомба ташлар эди. Олис жойга ташланган бомбаларнинг гумбури Краснодарга ҳам эшитилиб турарди. Совет бомбардимончи аэропланларини душманининг қирувчи аэропланлари безовта қилмади, фақат бир оз кечикиб, зенит тўплаари ўққа тута бошлади, бомбардимончи самолётлар эса қайтишда ҳам Краснодар устидан шошмасдан учиб ўтиб кетди.

ЭЛЛИК УЧИНЧИ БОБ

1942 йилнинг тарихий ойлари бўлиб қолган ноябрь, декабрь ойларида халқлар хотирасига биргина сўз, символ сўз: Сталинград деган сўз ифодаси билан ўрнашиб қолган ҳодисанинг ҳақиқий масштабини совет кишилари, айниқса немисларнинг узоқ орқа томонларида қолиб кетган совет кишилари кўра ва била олмас эдилар.

Сталинград — ғоят катта куч, қурол-аслаҳанинг ҳамма турларини, мукамал техниканинг ҳамма турларини тўплаган душманга қарши,— инсоният тарихида бўлиб ўтган ҳатто энг катта жангларда ҳам бундай куч, бундай қурол-аслаҳа ва техника бўлмаган эди,— таг-туғи билан хароб этилган шаҳарнинг Волга

бўйига суқилиб кирган бир парча ерини мисли кўрилмаган даражада мудофаа этишгина эмас.

Сталинград — янги, совет тузуми тарбиялаб етиштирган саркардалар даҳосининг буюк ифодасидир. Бир ярим ойдан ҳам камроқ бўлган қисқа муддат ичида ва мислсиз бепоён Волга бўйи ҳамда Дон даштларида совет қўшинлари изчиллик билан тузилган яхлит режани уч паллага бўлиб бажариб душманнинг йигирма икки дивизиясини қуршаб олди ва ўттиз олти дивизиясини тамомила тор-мор этди. Қуршов ичига солинган душманни қириб ташлаш ва асир қилиб олиш учун ниҳояти бир ойгина вақт керак бўлди.

Сталинград — янги, совет тузуми тарбиялаб етиштирган кишилар ташкилотчилик даҳосининг энг яхши бир мисолидир. Буни англаш учун, яхлит план, ягона ирода билан қанчаю-қанча кишилар ва ҳарбий техниканинг ҳаракатга келтирилганини, бу планни бажариш учун одам ҳамда моддий резервлар яратилганини, бу нарсаларни фронтга силжитиш учун қанча ташкилотчилик ва моддий бойликлар сарф этилганини, бу кишилар оммасининг озиқ-овқат, уст-бош, ўқ-дори, ёнилги билан таъмин этилганлигини ва ниҳоят, бу ҳаракатга бош бўлиб, миллион-миллион қуроли кишиларнинг онгли ҳаракатига айлантириб юбориш учун, ҳарбий маҳорат ҳамда сиёсий жиҳатдан тажрибали ва сержантлардан тортиб то маршалларгача бўлган саркарда ҳам командирлар ўртасида тарихий оламшумул сиёсий иш ва тайёргарлик олиб борилганини тасаввур этиш кифоя.

Сталинград — ягона ва яхлит режали янги жамият ҳўжалигининг анархияга асосланган жамиятдан устун турганлигини кўрсатадиган энг юксак далилдир. Европа давлатларининг кўпчилигидаги саноат ва қишлоқ ҳўжалиги ишга солиниб қурола-аслаҳа ва бошқалар билан таъмин этилиб турган кўп миллионли душман армиялари бостириб киргандан бир ярим йил кейин, одам ақли бовар қилмайдиган даражада вайрон этиб ташлангандан кейин, эски типдаги давлатларнинг биронтаси ҳам бундай катта ҳўжум бошлаш вазифасини ҳўжалик нуқтаи-назаридан еча олмас эди.

Сталинград — капитал кишанидан озод этилган халқнинг маънавий кучи ва тарихий онгининг ифодасидир. Сталинград шулар билан тарих саҳифаларига кирди.

Иван Фёдорович Проценко ўзи қатнашган ва кўзи олдидан ўтиб турган воқеаларнинг қанчалик кенг эканлигини барча совет кишилари билмаганидек, у ҳам билмас эди ва била олмас

эди ҳам. Лекин, Украина партизанлари штаби ҳамда Украина территориясига биринчи бўлиб кириши керак бўлган Жануби-Ғарбий фронтнинг Ҳарбий совети билан жонли кишилар ҳам радио орқали алоқада бўлиб турганлиги учун, совет қўшинлари ҳужум операцияларининг характери ва миқёсини, Ворошиловград областида немисларга қарши курашаётган бошқа совет кишиларидан кўра кўпроқ билар эди.

Иван Фёдорович, шаҳарнинг ҳамма тўрттала районидаги яширин райкомларнинг фаолиятини кенгайтириб, йўлга солиб юборгунча Ворошиловградда бўлди. Лекин, совет қўшинлари Шимолий Донда немислар фронтини ёриб ўтганликлари ҳақида хабар олингунча Иван Фёдорович турар жойини бир неча марта ўзгартирган эди. Ноябрь окиридан бошлаб асосан областнинг шимолий районларида бўлди.

Областнинг шимолий районларида бўлиши кераклигини Иван Фёдоровичга ҳеч ким айтмаган эди. Лекин у, совет қўшинлари fronti энг яқинроқ ва партизан отрядлари мунтазам совет армияси билан тезроқ ҳамкорлик қила бошлаши мумкин бўлган жойда бўлиши кераклигини ўз ақли билан сезиб, билган эди.

Иван Фёдорович узоқ кутган, майда-майда партизан отрядларини катта операциялар ўтказишга қодир бўлган йирик отрядларга айлантириш мумкин бўлган вақт етиб келмоқда эди.

Иван Фёдорович энди Беловодск районидаги қишлоқлардан бирида, Марфа Корниенко деган қариндошлариникида жойлашиб олганди, асоратдан қутқазилган гвардия сержанти Гордей Корниенко, яъни Марфанинг эри ҳам, шу ерда яширинган эди. Корниенко қишлоқда партизанлар группасини тузди, бу группа ўзининг бевосита вазифаларини бажариш билан бирга, Иван Фёдоровични ҳар турли тасодифотлардан сақлаб юрарди. Беловодск районидаги барча партизан группаларига Краснодондаги Горький номли мактаб ўқувчилари ёзда чиқиб ишлаган ва болаларни кўчириб олиб кетиш учун Мария Андреевна Борцга ўзининг энг сўнгги машинасини берган совхоз директори командирлик қилар эди. Беловодск районидаги ҳамма группаларни бирлаштириб, икки юз кишилик ягона отряд тузишни Иван Фёдорович шу директорга топширди.

Иван Фёдоровичнинг радисти немислар фронтининг шимол-шарқ томондан — Новая Калитва — Монастирщина участкасида, шарқ томондан — Чир дарёси бўйидаги Боковское районида ёриб ўтилганлиги тўғрисида махфий акборот қабул қилиб олганда, совет қўшинларининг Урта Дон районида бошлаган

янги кучли ҳужуми ҳали оламга хабар қилинмаган эди. Шу махфий хабар билан бир вақтда Иван Фёдоровичга: ўз ихтиёрида мавжуд бўлган ҳамма партизан кучларини душманинг шимол томонидаги коммуникацияларига — Кантемировка ҳам Марковка томонга ва шарқ томонга — Миллерово, Глубокая — Каменск ҳам Лихая томонларга ташлаш тўғрисида буйруқ берилди. Бу — фронт Ҳарбий советининг буйруғи эди.

— Бизнинг ҳам кунимиз туғиб қолди! — таяннали суратда деди Иван Фёдорович ва радистни кучоқлади.

Улар ака-укадай ўпишди. Бирдан Иван Фёдорович радистни ўзидан секин нари итарди-да, кийинмасдан ташқарига югуриб кетди.

Совуқ тун, осмонда юлдузлар чарақлайди. Кейинги вақтда кунда қор ёғиб турар, уйларнинг томлари, олисдаги тепаликлар оппоқ қор пардаси остида мудраб ётарди. Иван Фёдорович севинчига сиймай, совуқни ҳам сезмай, муздек ҳавони энтिका-энтика ютар ва кўзларидан оқиб, юзларида қотиб қолаётган ёшларини сезмай турар эди.

Иван Фёдорович бир соат деганда ўз квартирасига етиб олди. Радист билан радиоаппаратни ҳам ўзи билан олиб олган эди. Хуторлардаги полиция постларини қириб ташлаш операциясидан энди қайтиб келган забардаст гвардиячи Гордей Корниенко қотиб ухлаб ётар эди. Лекин Иван Фёдорович уни туртиб, янги хабарларни айтиши биланоқ уйқуси ўчиб кетди.

— Монастиршчина ёнида. — деб хитоб қилди Корниенко, кўзлари чарақлаб кетиб. — Мен ўша фронтда эдим, асирга ҳам ўша ерда тушган эдим... Бизникилар бир неча кунда етиб келади, мана мени айтди дерсан!

Кекса солдат ҳаяжонланиб кетиб, апир-шапир кийина бошлади.

Шимолдаги ҳамма партизан группалари Гордей Корниенконинг ихтиёрига берилган эди, у шу группаларни дарҳол Марковка-Кантемировка районига бошлаб бориши керак эди. Иван Фёдоровичнинг ўзи радист ҳамда икки партизан билан биргаликда, совхоз директори ўз отряди билани манзил қурган Городище қишлоғига жўнаб кетиши керак эди: отряд қошида бўлишнинг айна вақти келганини Иван Фёдорович англай эди.

Шу бир ердан иккинчи ерга кўчиб юрган кунларида унинг доимий алоқачиси ва чопари хотинининг ўртоғи Маша Шубина эди, — Шубинани у Ворошиловграддан ўзи билан бирга олиб келган эди. Иван Фёдорович бу аёлни матонатли, садоқатли,

лекин шу қадар камтар бир аёлки, уни бошқалардан ажратиб олиш учун уста ташкилотчининг кўзи бўлиши керак деб тахмин қиларди, худди ўзи ўйлагандек бўлиб чиқди. Омма ичидан танлаб олинган бу камтар кишилар шу қадар мислсиз меҳнатсевар, шу қадар фидойилик билан астойдил ишлайдиларки, ўз бошлиқлари ва раҳбарларининг ҳамма топшириқларининг бажарилиши шу кишиларнинг зиммасига тушади. Бундай кишилар, бўлмаса, ҳатто энг катта топшириқлар ҳам бажарилмай, топшириқ ҳолича қолиб кетаверади.

Маша Шубина эрта билан кечни, кун билан тунни ажрата билмай қолган эди: шу қадар ишга берилиб кетган эди. Унинг ёнида бирга ишлаб келаётган кишилар унинг турмуши ва ишидаги энг характерли нарса нималигини билишга уринса, унинг сира ухламаслигини кўриб ҳайратда қолган бўлар эдилар. Маша Шубина ухлаганда ҳам жуда оз ухлар эди ва энг муҳими шунда эдики, унинг ухлаганини ҳеч ким кўрмасди, шунинг учун ҳамма уни ухламайди деб ўйларди.

Бу аёлнинг қалби ҳеч кимга кўринмайдиган улуғвор иш пафоси билан ёнар эди. Унинг дилини иситиб турган бирдан бир шахсий шукуҳи унинг ёлғиз эмаслигини англаши эди. У ўзининг жонанжон дугонаси бўлиши Катя билан учрашиб туришдан маҳрум эди,— у билан фақат Марфа Корниенко орқали алоқа қилиб турар эди. Лекин Маша, ўзининг энг яқин ва ягона дугонаси яқин жойда эканлигини ва икковлари ҳам умумий бир иш учун жонбозлик қилиб келаётганларини билар эди. Иван Фёдорович уни шунча одамлар орасида танлаб, унга тамомила ишониб қўйганлиги учун Маша ҳеч ғаразсиз унга бутунлай содиқ эди. Мана шу ишонч учунгина у ўз жонини фидо этишга тайёр эди.

Қўлидан келганича ўз ҳиссасини қўшган ҳодисаларнинг бу қадар кенгайиб бораётганидан ҳаяжонланиб кетган Иван Фёдорович Машага сўнги буйруқ бермоқда эди:

— Марфаникида Митякин отряди командирининг ўзи билан шахсан учрашасан. У Глубокаяга, Каменск томонга борадиган йўлга ҳаракат қилиши керак. Тезроқ йўлга чиқсин, кечаси ҳам, кундуви ҳам душманга тиним бермасдан ҳаракат қилсин. Марфа Катяга айтсин, дарҳол ўқитувчилигини ташлаб бу ёққа кўлин...

— Шу квартирагами?— деб сўради Маша.

— Шу квартирага... Сен вақтни кеткизмасдан, дарҳол Ксения Крогованинг олдига бор. Йўлни топиб борасанми?

— Топиб бораман.

Иван Фёдорович Машанинг қиладиган вазифаларини таништирган вақтда унга: Успенка қишлоғи, тиббий пункт, врач Валентина Кротова деган адрес бериб қўйган эди. Валентинанинг синглиси Ксения ҳозир Проценконинг хотини Екатерина Павловна билан Донецнинг жануб томонидаги ҳамма райкомлар ўртасида алоқачи бўлиб ишларди.

— Ксенияга айтасан: ҳаракат райони — Лихая, Шахти, Новочеркасск, Ростов, Таганрог йўллари,— деб давом этарди Иван Фёдорович.— Кечаси ҳам, кундузи ҳам душманга тиним бермасдан ҳаракат қилишсин. Фронт яқин келиб қолган жойларнинг ҳаммасида аҳоли яшайдиган пунктларни қўлга киришиб, душман диққатини ўзларига тортаверсин... Катянинг асосий квартираси, шундай қилиб, тугатилади. Марфанинг уйи энди асосий квартира бўлиб қолади. Паролни ўзгартираман...— Иван Фёдорович Машанинг қулоғига энгашди-да, паролни айтиди.— Унутмайсанми?

— Йўқ.

Иван Фёдорович бир оз ўйланиб турди-да:

— Бўлди, шу,— деди.

— Бўлдими?— Маша унга кўзларини тикиб қаради. У ўзининг бу саволи билан: «Мен-чи?» деб сўрамоқчи эди. Лекин кўзларида ҳеч нарса ифода этмади.

Ҳамма нарсани эсда сақлаб юрадиган бўлганидан, Иван Фёдорович бирон нарсани унутмадимми деб ўйланиб турди. Бирдан, Машанинг бундан кейин нима қилиши кераклиги тўғрисида ўйламаганини эслади.

— Хў-ўш... Ксенияни топганингдан кейин, унинг ихтиёрида қоласан. Марфа билан алоқада бўлиб турасизлар. Менинг номимдан айт, сени энди бошқа ерга юборишмасин.

Маша кўзларини қўйи солди. У ҳозир бу ердан чиқиб, ёлғиз ўзи йўлга тушиб кетишини, бу ерларни тарк этишини, бугун эмас, эртага бизникиларнинг бу ерларга кириб келишини кўз олдига келтирди. Ҳа, ҳозир Иван Фёдорович иккиси турган бу ерда бир неча кундан кейин битта ҳам душман зоти қолмайди, улар шунча кутган ва етиб келиши учун ўз жонларини аямаган порлоқ ва ёрқин дунё қайтиб, яна ўз жойини эгаллайди.

— Начора, Маша,— деди Иван Фёдорович,— сенинг ҳам вақтинг йўқ, менинг ҳам... Қилган ҳамма ишинг учун раҳмат...

Машани қаттиқ қучоғига босди-да, лабидан қаттиқ ўпди. Маша бир он унинг қучоғида қимирламай туриб қолди ва унга жавоб ҳам қайтара олмади.

Немисларнинг орқа томонида қолган энг қашшоқ аёллар каби юпун кийинган Маша елкасига тўрвасини осди-да, ташқари чиқди. Иван Фёдорович уни узатгани чиқмади. Шундай қилиб ёши қайтиб қолган, лекин айни вақтда юзи қизларнинг юзи каби тоза, темир юракли ва камтар аёл Маша, ҳали тонг ёришмасдан, қорни гирчиллатиб, ёлғиз ўзи олис йўлга равона бўлди.

Бирмунча вақтдан кейин Иван Фёдорович ҳам ёнидаги кичкина группа билан бирликда йўлга тушди. Сокин, қаҳратон тонг отмоқда эди. Қорамтир, ўлик тусли туман ортидан қаҳратон қиш шафағи намоён бўлмоқда. На осмонда, на ерда бирои товуш ёшитилади, ҳатто аҳён-аҳёнда жарлик нишабларида ва тепалик ён бағирларида буталар қорайиб кўринган бепоён кўз илғамас сипоқ даштда шамол ҳам сезилмайди. Қор остида қолиб кетган бутун теварак-атроф уйқуда. Ҳамма нарса кўзга совуқ, хунук, ҳувиллаб қолгандай, шум бўлиб кўринар ва шундайлигича абадий қолиб кетадигандай туюлар эди. Иван Фёдорович эса бу бепоён даштдан кетиб борар, унинг қувончдан тўлиб тошган кўксидан ғалаба садолари янграр эди.

Иван Фёдорович отряд сари йўлга чиққан бу сокин тонг билан эрзац мўйна солиб тикилган немис капюшони кийган партизан Городишче яқинидаги гариб кулбада манзил қурган Иван Фёдоровичнинг олдида хотини Катяни бошлаб кирган оқшом ўртасида беш кун вақт ўтди. Айрим қисмларга бўлиниб кетган ҳайбатли жангнинг ер ва кўкни ларзага солиб турувчи гумбури бу бепоён ер узра янграр эди. Иван Фёдоровичнинг ўзи эса хотинининг порох гардидан қоп-қорайиб кетган ажойиб чеҳрасидан кўзини узмай қараб ўтирарди.

Бутун атрофдаги ҳамма нарса аралаш-қуралаш бўлиб кетди, ҳаракатга келди, порлаб кетди. Кечалари ёритувчи ракеталар ва ҳатто отилган замбаракларнинг шуълалари ўн-ўн километр жойлардан кўриниб турар эди. Ер ҳам, кўк ҳам гумбурлайди. Ҳайбатли танк жанглари ва ҳаво жанглари бошланмоқда эди. Иван Фёдорович отрядидаги кишилар яқиндагина гвардиячи танк корпуси деган ном олган танк корпусининг шу томонга қараб бостириб келаётганини билган эдилар, улар сон-саноқсиз танкларнинг гуриллаб келаётган овозини ёшитаётгандай бўлар эдилар. Бизнинг самолётларимиз билан душман самолётлари осмонда чизиб қолдирган оппоқ спираль чизиклар совуқ ҳавода соатлаб қимир өтмасдан тарқалмай турар эди.

Немисларнинг аралаш-қуралаш бўлиб кетган орқа қўшин қисмлари грейдер йўллардан ғарбга ва жануб-ғарб томонга

судралиб боради, ҳисобсиз қишлоқ йўлларининг ҳаммаси эса Иван Фёдорович қўлида эди. Катта мағлубиятга учраб, голиб томон бетўхтов қисиб келаётган вақтда бўлгани каби, немисларнинг қаршилик кўрсатишга қодир бўлган ҳамма қуроли кучлари энг асосий ва даҳшатли хавфни қайтаришга ташланган эди,— шундай бўлиб тургандан кейин партизанлар билан курашишга уларга имкон қаерда эди дейсиз!

Аҳоли яшайдиган катта ва кичик жойларда, айниқса Шимолний Донецга қуйиладиган Камишная, Деркул, Евсуг деган дарё бўйларида,— узоққа чидар истеҳкомлар қурилган, энди яна янгилари қурилаётган бу ерларда — немис гарнизонлари бор эди. Бу истеҳкомларнинг ҳар бири теварагида,— гарчи бу истеҳкомлар ҳужум қилиб келувчи совет қўшинларининг орқа томонида, анча ичкарида қолиб кетган бўлса-да, даҳшатли ва давомли жанглар бўлиб турар эди. Немис гарнизонлари энг охирги солдат қолгунча жанг қиларди, чунки Гитлер, чекини-масин, ҳеч ким таслим бўлмасин, деб буйруқ берган эди. Тормор этилган ёки асир қилиб олинган немис қисмларининг қолдиқлари,— қишлоқ йўлларидан қочиб кетаётган солдат ҳам офицерларнинг тарқоқ тўдалари эса партизанларга ўлжа бўлар эди.

Совет қўшинлари ҳужумининг нақадар тез суръатлар билан кенгайишини, бир неча ойдан бери бекор ётган немис аэродромларининг шу беш кун ичида ҳаракатдаги аэродромга айланганидан ва совет авиациясининг бутун қудратли кучи шу аэродромларга ташланганидан билиш мумкин эди. Немисларнинг узоққа учиб бора оладиган бомбардимончи авиацияси энди шошилиш суратда орқага, ичкари томонга кўчирилмоқда эди.

Улар,— ҳозиргина қишлоқи пўстинини ечиб ташлаган, совуқдан юзлари қип-қизарган Катя билан уйқусизликдан қиёфаси қорайиб кетган Иван Фёдорович,— ташландиқ кулбада ёлғиз иккови ўтиришар эди. Иван Фёдоровичнинг кўзларида пайдо бўлган шайтонча у кўздан бу кўзига бир оёқлаб сакраб юра бошлади. У дерди:

— Гвардиячи танк корпусининг сиёсий бўлими айтганини бажариб турибмиз, ишимиз чакки бўлмаса керак!— Бирдан кулиб юборди.— Катя, мен сени чақиртириб олишимнинг сабаби шуки, бу ишни бошқа ҳеч кимсага топшириб бўлмайди. Қанақа иш эканлигини пайқадингми?

Ҳозиргина у хотинини эҳтирос ила қучоқлаб турган, унинг бўғасининг ҳарорати Катянинг кўзларидан ҳали кетмаган, Ка-

тянинг ёниб унга қараб турган кўзларининг нами ҳали ҳам қуримаган эди. Иван Фёдорович ҳозир бутун фикри-зиқрини жалб этиб турган энг муҳим нарсадан бошқа нарса тўғрисида сўзлай олмас эди. Иван Фёдоровичнинг қандай иш билан чақиртирганини Катя ҳам дарҳол фаҳмлади. Йўқ, унинг фаҳмлашининг ҳам кераги йўқ эди, чунки эрини кўрган замониёқ буни англади. Яна бир неча соат ўтар, Катя яна уни ташлаб, йўлга отланади — қаёққалигини ҳам билади. Буни қандай билганини ўзи ҳам айтиб бера олмас эди. Иван Фёдоровични қаттиқ севганидан холос. Шунинг учун Иван Фёдоровичнинг саволига Екатерина Павловна фақат бош эгиб жавоб қилди-да, бичими келишган, шамолдан қотган, ҳатто бир оз шиддатли бўлиб кўринган юзидаги порлаб турган нам ва ажойиб кўзларини яна унга тикди.

Иван Фёдорович ўрнидан турди, эшикнинг маҳкам беркирилганини текширди-да, ён сумкасида тўрт букланган бир неча варақ папирос қоғоз чиқарди.

— Мана, қара...— Иван Фёдорович қоғозларни эҳтиёт билан стол устига ёйди.— Кўряпсанми, текстини тамомила шифр билан ёзиб чиқдим. Лекин харитани шифр билан чизиб бўлмайди.

Дарҳақиқат, варақларнинг иккала томони учи ўткир қалам билан ёзилган хатга тўлган эди, ҳарфлар шу қадар майда эдики, буларнинг инсон қўли билан ёзилганига ишониш қийин эди. Қоғозлардан бирига Ворошиловград областининг харитаси чизилган бўлиб, хаританинг ҳамма ерига квадрат, тўғарақ ва уч бурчак шаклидаги белгилар чизилган эди. Бу ниҳоятда майда ва пухта иш қандай катта меҳнат талаб этганини шундан билиш мумкин эдики, бу белгиларнинг энг йириги куяча, энг кичиклари тўғноғич бошича келарди. Бу — асосий мудофаа линиялари, мустаҳкамланган пунктлар, ўқ позициялари ҳамда аэродромлар, зенит батареялари, автопарклар, ремонт устахоналари жойлашган ерлар, қўшин ҳамда гарнизонлардаги аскарий қисмлар миқдори, улардаги қурол миқдорлари ва бундан бошқа кўп нарсалар тўғрисида беш ой давомида битта-битталаб тўпланган ва энг кейинги маълумотлар асосида қайта-қайта текширилган ва тўлдирилган маълумотлар эди.

— Ворошиловградда ва Дон бўйида менинг маълумотларимга нисбатан кўп нарса ўзгарган бўлиши мумкин, ўзгарганда ҳам душман фойдасига ўзгарган бўлади. Лекин Донец бўйларига оид маълумотлар мен кўрсатгандайлигича қолаверади. Шун-

дай деб айтгин. Яна, немислар Миусни ҳам гояда мустаҳкамлашмоқда деб айтгин. Бундан ўзлари хулоса чиқариб олишадди, буни ўзлари ҳам билади. Лекин сенга айтишим мумкин: модсмики улар Миусни мустаҳкамлашга киришибдими, демак Ростовни қўлда ушлаб қолишларига Гитлер ишонмайди. Тушундингми?

Иван Фёдорович жаранлаган овоз билан шодиёна кулиб юборди. Иван Фёдорович одатда ўз бола-чақалари ёнида бўлганида, тамомила бўш қолган вақтларида,— бундай дамлар камдан-кам бўлар эди,— шундай пайтларда шундай кулгувчи эди. Уларнинг иккови ҳам олдида қандай иш турганини бир зум унутдилар. Иван Фёдорович иккала қўли билан унинг бошидан ушлади-да, сал нари итариб туриб, меҳр-муҳаббат-ла тўлган кўзлари билан унинг юзига тикилиб:

— Вой қалдирғочим, оппоғим...— деб такрорлар эди.— Ҳа!— деб хитоб қилди у бирдан.— Мен сенга ҳали гапнинг энг муҳимини айтмабман-ку: бизникилар украин тупроғига қадам қўйишди. Қувон...

Иван Фёдорович ён чўнтагидан елимланган каттакон ҳарбий харита чиқарди-да, столга ёйди. Катянинг кўзига ҳаммадан олди ташланган нарсаси — Ворошиловград областининг шарқий томонларида бизнинг қўшинларимиз ишғол этган ва кўк ҳам қизил қалам билан қалин қилиб чизилган шаҳар ва қишлоқларнинг номи бўлди. Катянинг қалбида иссиқ ўтли аланга тўлқинланиб кетди: бу жойларнинг баъзилари Городишчега жуда-жуда яқин эди.

Иван Фёдорович билан Катянинг бу учрашувлари буюк Сталинград операциясининг иккинчи ҳам учинчи паллалари ҳали тамом бўлмаган, немисларнинг Сталинграддаги группировкасини қуршов ичига ола бошлаган иккинчи ҳалқа ҳали тамомила бир-бирига туташмаган кунларга тўғри келди. Лекин Сталинград группировкасига ёрдам бергани шошилиб келаётган немис қўшинларининг Котельниково районида тор-мор этилгани шу кечаси маълум бўлган, шундан кейин қўшинларимизнинг Шимоллий Кавказда ҳам ҳужум бошлаб юборганликлари тўғрисида ҳам дастлабки хабарлар кела бошлаган эди.

— Лихая-Сталинград темир йўлининг икки ерини бизникилар кесиб қўйди, мана бу ерларда: Чернишевская билан Тацинскаяда.— шод-хуррам бир кайфиятда дерди Иван Фёдорович.— Лекин Морозовский ҳозирча немисларнинг қўлида. Мана бу ерда, Калитва бўйларида, ҳамма қишлоқ ва шаҳарларни бизни-

килар ишғол этди. Миллерово-Воронеж темир йўлининг Миллероводан то мана бу жойгача, Кантемировканинг шимолигача бизникилар босиб ўтди. Миллеровонинг ўзи ҳозирча немисларнинг қўлида. Улар у ерни жуда мустақкамлаб ташлаган. Афтидан, бизникилар Миллеровони ёнлаб ўтганга ўхшайди,— мана, кўрдингми, бизнинг танкларимиз ўтиб олган ерини...— Иван Фёдорович Камишная дарёсининг Миллероводан ғарброқ жойини бармоғи билан чизиб кўрсатди-да, Катяга қараб қўйди.

Катя харитага, қўшинларимиз Городишчега яқинлашиб келиб қолган жойларга диққат билан қарар экан, кўзларида лочин кўзларидагидек ифода пайдо бўлди. Иван Фёдорович хотинининг нега бундай қараётганини сизди-да, жим бўлди. Катя юзини харитадан ўгирди-да, бирмунча вақт олдинга қараб қолди. У одатда худди шундай маъюс, хаёлчан қарагувчи эди. Иван Фёдорович бир уҳ тортди-да, харита чизилган папирос қоғозни катта харита устига олиб қўйди.

— Менга қара, бу гапларнинг ҳаммаси ёдингда бўлсин, чунки йўлда харитага қарашнинг иложи бўлмайди,— деди Иван Фёдорович.— Мана бу қоғозларни шундай жойга яшириб қўйки, бирон фалокат бўлиб қолгудай бўлса... хуллас, ютиб юборасан. Кейин ўзинг кимлигингни яхшилаб билиб ол. Менимча, сен қочқинсан. Масалан, Чирлик ўқитувчисан, Қизиллар дастидан қочиб кетяпсан. Немисларга ҳам, полицайларга ҳам шундай дейсан. Маҳаллий аҳолига эса... Маҳаллий аҳолига Чирдан Старобельскдаги қариндошларимникига кетаётибман дейсан, ёлғиз ўзим қийналиб кетдим дейсан. Яхши киши бўлса сийлайди, уйдан жой беради, ёмон одам бўлса ҳам нима деёлади?— дерди Иван Фёдорович, хотинининг юзига қарамасдан, босиқ ва йўғон овоз билан секин.— Шунингга олиб қўйки, бу ерда кишилар тасаввур этган фронт йўқ. Бизнинг танкларимиз у ердан ҳам бостириб келмоқда, бу ердан ҳам... Немис истеҳкомларига етганингда уларни узоқдан айланиб ўт, немислар сени кўрмайсин. Лекин ҳар ерда ўткинчи немисларни учратишинг мумкин, ҳаммадан ҳам шулардан эҳтиёт бўл. Мана бу чегарага етдингми, бўлди, тўхта шу ерда бизникиларни кут. Мана, кўрдингми, харитада ҳам ҳеч нарса кўрсатилмаган, бу ерда нима бор, нима йўқлигини билмаймиз, одамлардан ҳам суриштира кўрма,— хавfli. Бирон сўққабош кампирми, ё бирон аёлними топгин-да, ўшаникида туравер. Жанг бошланса ертўлага тушиб ўтираверинглар.

Иван Фёдорович бу гапларни хотинига айтмаса ҳам бўлар-

ди, лекин ҳеч бўлмаса хотинига маслаҳат бериб ёрдам қилгиси қалар эди. Иложи бўлганда-ку хотинининг ўрнига ўзи жон деб борар эдику-я!

— Жўнаб кетишинг биланоқ кетингдан сенинг йўлга чиққан-ингни уларга хабар қиламан. Башарти кутиб олишмаса, биринчи учраган эсли-хушли кишимизга ҳамма гапни айт-да, танк корпуси сиёсий бўлимигача элиб қўйинг, деб илтимос қил...— Бирдан унинг кўзида чақмоқ порлади ва у деди:— Сиёсий бўлимга етиб олганингдан кейин суюниб кетиб, ҳар ҳолда эринг борлигини унутиб юборма, улардан илтимос қил, омон-эсон етиб олганлигинг тўғрисида менга хабар қилишин...

— Бундан кўпрогини айтaveraман, мен дейманки: ё тезроқ ҳужум қилиб менинг эримни озод этинглар ё бўлмаса менга ижозат беринглар, эримнинг ёнига қайтиб кетаман дейман,— деди Катя ва кулды.

Бирдан Иван Фёдорович хижолатланди.

— Бу масалани айтмоқчи эмасдим-ку, лекин, айтолмасдан иложим йўқ,— деди у ва юзи жиддий қиёфага кирди.— Бизникилар қанча тез илгари силжимасин, лекин мен бу ерда уларни кутиб туролмайман-да. Биз немислар билан бирга чекинишимиз керак,— бизнинг вазифамиз шу. Бизникилар бу ерга келса, немислар билан биз у ёққа кетаверамиз. Бизни энди немислардан ҳеч ҳам ажратиб бўлмайди. Бизнинг Ворошиловград территориямиздан энг сўнги солдат туёғини шиқиллатиб кетмагунча мен уларга тиним бермай юравераман. Бундай қилмасак, Старобельск, Ворошиловград, Краснодар, Рубежанск, Красний Лучдаги партизанларимиз ва подполчиларимиз нима деб ўйлайди биз тўғримизда?.. Сенинг ҳам менинг ёнимга қайтиб келишининг фойдаси йўқ: бунга ҳеч қандай эҳтиёж қолмайди. Менга қара...— Иван Фёдорович хотинига энгашиди-да, ўзининг катта кафтини унинг нозик бармоқларига қўйиб, қисди.— Сен корпусда қолма, у ерда қиладиган ишинг бўлмайди, фронт Ҳарбий советига жўнатишни илтимос қил. Никита Сергеевични учратсанг, болаларимни кўриб келгани рухсат берсангиз деб сўра. Бунинг сира айби йўқ, бунга арзийдиган иш қилдинг. Болаларни айтмайсанми? Ҳатто уларнинг қаердалигини билмаймиз: Саратовдами ё яна бирон ердами... Тирикми, соғми улар?

Катя унинг юзига тикилиб қарар ва ҳеч нима демас эди. Ҳолисларда бўлаётган тунги жанг наъраси хутордан анча четда турган кичкина кулбани ларзага келтириб турарди.

Иван Фёдоровичнинг қалби унга, ўзининг рафиқасига, севимли хотинига меҳр-муҳаббат ва ачиниш ҳислари билан тўлиб тошар эди. Хотинининг нақадар меҳрибон, раҳмдил эканлигини ҳамма қийинчилик ва жудоликларни, хўрликни, яқин кишиларининг ўлими ва ҳалокатини қандай зўр бир матонат билан енгаётганини Иван Фёдоровичнинг ўзигина билар эди. Иван Фёдорович хотинини тезроқ у томонга, меҳр-муҳаббат бор жойга, ҳур кишилар турган порлоқ томонга, ўз болалари ёнига олиб кетгиси келарди. Лекин Катянинг ўйлагани бу эмас эди.

Катя Иван Фёдоровичга қараб-қараб тўймасди, кейин қўлини унинг қўли остидан чиқарди-да, эрининг силлиқ таралган малла сочларини майингина силади; Иван Фёдоровичнинг чакка сочлари хийла тўкила бошлаган, шунинг учун унинг кенг пешонаси янада баландроқ бўлиб кўринар эди. Катя шу малла сочларни майингина силади:

— Бўлди гапирма, бўлди... Гапирма, ўзим ҳам биламан. Майли, мени истаганларича ишлатишсин, ҳеч кимдан ҳеч қаерга рухсат сўрамайман. Сен шу ерда экансан, мен ҳам имконият борича сенга яқинроқ жойда бўламан...

Иван Фёдорович унинг гапига гап қайтармоқчи бўлган эди, лекин юзи бирдан салқиб тушди. Хотинининг иккала қўлини ушлади-да, унинг кафтларига юзини босиб бирмунча вақт шу алпозда турди. Сўнг кўм-кўк кўзлари билан хотинига тикилиб туриб:

— Катя...— деди.

— Ҳа, кетдим,— деди хотини ва ўрнидан қўзғалди.

ЭЛЛИК ТУРТИНЧИ БОБ

Екатерина Павловнани бўйи ниҳоятда узун, айиқ тахлит шу ерлик бир чол кузатиб борарди,— ҳамма уни «Фома бобой» дерди. Сафарнинг бошида, Екатерина Павловна билан бобой бир-бирлари билан сўзлашишга имконлари борида Катя чолнинг фамилиясини сўраб билди, чолнинг фамилияси Корниенко экан, у беҳисоб Корниенколар сулоласига мансуб бўлиб, бу даштларга келиб туриб қолган биринчи украинлардан бири экан ва ҳамма Корниенколар каби, бу ҳам Гордей Корниенконинг узоқ аймоғи экан.

Кейин сўзлашишнинг иложи бўлмай қолди.

Гоҳ қишлоқ йўллари билан, гоҳ йўл бўлмаган ҳолда тўғри дала-дашт кезиб, кечаси билан тўхтамай юриб боришди. Қор эндигина далаларни оқартирган, юриш унча қийин эмас эди.

Аҳён-аҳёнда гоҳ шимол уфқида, гоҳ жануб томонда автомобиль чироқлари кўриниб қолар, лекин дарров кўздан ғойиб бўлар эди. У томонлардан, шимол ҳамда жануб томонлардан, катта грейдер йўллар ўтарди. У йўллар анча олис бўлса-да, машиналарнинг товуши эшитилиб турарди. Миллерово районида тор-мор этилган немис қисмлари жануб томондан чекиниб бормоқда эди, Баранниковка ёнида тор-мор этилган немис қисмлари эса шимол томондан чекиниб бормоқда эди,— Баранниковка Ворошиловград областидаги бизнинг қўшинларимиз ишгол этган биринчи қишлоқ эди.

Екатерина Павловна билан Фома бобой ҳамон шарқ томонга қараб кетавердилар, лекин қишлоқ ҳамда даштда учраган истехкомларни айланиб ўтиш учун, доим бир йўлни ташлаб, бошқа йўлдан кетишар эди. Катянинг назарида йўл ниҳоятда узоқ кўринарди, шундай бўлса ҳам жанг бўлаётган жойларга тобора яқинлашиб борар эдилар: замбаракларнинг оғир нафаслари яқинроқ эшитилар, уфқнинг гоҳ у еридан, гоҳ бу еридан уларнинг ўтли нафаслари ҳам яқинроқ кўриниб турар эди. Тонг отарда ёға бошлаган майда қор бу товушларни эшитдирмай қўйди, ҳеч нарса ҳам кўринмай қолди.

Катя қочқинга ўхшашлик учун оёғига эскириб кетган пийма кийиб олган, елкасидаги тўрвасини қор босган эди. Атрофдаги ҳамма нарса — бошидаги қалпоғининг қундузли қулоқчинларини тушириб олган забардаст Фома бобой, оёқ шарпалари, кўзни қамаштиргудек ялт-ялт қилиб турган қор,— ҳамма нарса хаёлийдай туюларди. Катянинг руҳини гўё мудроқ босгандай эди. Бирдан оёғини қаттиқ ерга босганини сездди. Фома бобой тўхтади. Катя юзини унга яқин келтириб қаради ва қалбини бир нима туртгандай бўлди: улар шу ерда хайрлашишлари керак эди.

Фома бобой унинг юзига меҳрибон кўзлари билан ташвишланиб қарар, қоп-қора қўли билан улар келиб чиққан қишлоқ йўлини кўрсатар эди. Катя у қўли билан кўрсатган томонга қаради. Тонг ёриша бошлаган эди. Бобой ўзининг катта қўллари билан унинг елкасидан ушлади-да, ўзига тортиб, Екатерина Павловнанинг қулоқ ва юзларини соқол ва мўйлови билан қитиқлаб ҳарорат-ла шипшиди:

— Хўп келса икки юз саженча келади. Тушундингизми?

— Хайр,— деб шипшиди Катя.

Йўлдан бир оз нарига бориб, орқасига қайрилиб қаради: Фома Корниенко ҳамон йўл устида турар эди. Узи то кўздан йўқолгунича чолнинг йўл устида туришини Катя англади. Ҳақи-

қатан ҳам яна эллик метрча юргандан кейин яна қараган эди, чолнинг қорасини кўрди; забардаст бобой ҳамон жойида турар эди. Учинчи марта қайрилиб қараганида чол кўринмади. Бу ер Катя ўз кишиларимизнинг ёрдамига ишониши мумкин бўлган энг сўнги қишлоқ эди, ундан нарига фақат ўзига ишониб бориши мумкин эди. Қишлоқ шарқ томондаги тепаликларга қурилган истеҳкомлар ортида жойлашган бўлиб, бу истеҳкомлар немислар томонидан нари-бери қурилган мудофаа линиясининг бир қисми эди. Иван Фёдоровичнинг Катяга айтган гапига кўра, тузукроқ уйларни истеҳкомларда турган кичик аскарый қисм офицерлари ҳамда штаблари эгаллаб олишган эди.

Агар Катя, Камишная дарёси бўйидаги немис мудофаа линиясидан суриб чиқарилган қисмлари қишлоқни эгаллаб тургани устидан чиқиб қолса, унинг аҳволи оғирлашиши мумкинлигини айтиб, Иван Фёдорович уни огоҳлантирган эди. Донец тармоғи бўлган Деркул дарёсига қуйиладиган Камишная дарёси шимолдан жанубга, Ростов области чегарасига яқин ердан, Кантемировка Миллерово темир йўли билан деярли ёнма-ён оқарди. Екатерина Павловна шу Камишная дарёси бўйидаги қишлоқлардан бирига кириб бориши ва бизникиларни шу ерда кутиб туриши керак эди.

Қор пардаси ортидан Катя энг яқин кулба қорасини кўриб қолди-да, йўлдан далага бурилиб, уй томларини кўздан йўқотмасдан, қишлоқни четлаб кетаверди. Катяга унинг турадиган уйи учинчи уй деб айтишганди. Кун борган сайин ёриша борарди. Катя кичкинагнна уй олдига яқин келди-да, деразадан ичкари қаради. Уйнинг ичи жимжит эди. Катя деразани қоқмади-ю, лекин тирнади, шундай қиласан деб ўргатиб қўйишган эди.

Анчагача жавоб бўлмади, юраги гуп-гуп уриб турибди. Анчадан кейин ичкаридан ожизгина бир овоз эшитилди,— ёш боланинг овози бўлса керак. Катя яна деразани тимдалади. Тупроқ ердан кичик боланинг оёқ шарпаси эшитилди-да, секин эшик очилди, Катя ичкари кирди.

Уйнинг ичи қоп-қоронғи эди.

— Қаерликсиз?— деб секингина сўради ёш бола овози.

Катя шартли сўз билан жавоб қилди.

— Ойи, эшитяпсизми?— деди бола.

— Секин, вой...— деб шипшиди хотин кишининг овози.—

Рус тилини эсингдан чиқариб қўйдингми? Бу киши рус-ку, эшнтмаяпсанми? Қани, бу ёққа келинг, каравотга ўтиринг. Кўрсатиб қўй, Сашко...

Бола муздек қўли билан Екатерина Павловнанинг қўлқопда исиб кетган қўлидан ушлади-да, Катяни ўз кетидан тортди.

— Шошма, пўстинимни ечиб ташлай,— деди Екатерина Павловна.

Лекин рўпарадан чўзилган хотин кишининг қўли Катянинг қўлини боланинг қўлидан олди-да, ўзига тортди.

— Ечинмасдан ўтираверинг. Уйимиз совуқ. Немис патруллари кўринмадими?

— Йўқ.

Екатерина Павловна тўрвани ерга қўйди, бошидан рўмолини ечиб қоқди, кейин пўстинининг тўғмаларини ечиб, этакларини ушлаб туриб қоқинди-да, шундан кейингина аёлниг ёнига каравотга ўтирди. Бола каравотнинг нариги томонига ўтиб ўтирди-да, онасининг иссиқ бағрига ёпишиб олди.— Катя буни эшитмади-ю, лекин оналик ҳисси билан сезди.

— Қишлоқда немислар кўпми?— деб сўради Катя.

— Унчаям кўп эмас. Ҳозир улар қишлоқда ётмайдиган бўлишган, кўпинча ертўлаларида ётиб юришади.

— Ертўлада дейди-я...— кулимсираб деди бола.— Блиндажларда дегин!

— Ҳаммаси бир гўр. Энди уларга мадад келармиш, шу ерда фронт бўлиб туришар эмиш.

— Менга қаранг, исмингиз Галина Алексеевна эмасми?— деб сўради Катя.

— Галя деяверинг, мен ҳали қари эмасман. Галя Корниенкова.

Катяга, яна бир Корниенконикига бориб тушасан дейишган эди, худди шундай бўлди.

— Ўз кишиларимиз ёнига кетаётибсизми?— деб секин сўради бола.

— Ушаларнинг ёнига. У ёққа ўтиб бўладими?

Бола бир оз индамай турди, кейин сирли бир ифода билан:

— Одамлар ўтишди...— деди.

— Қачон?

Бола индамади.

— Сизнинг отингиз нима?— деб сўради аёл.

— Ҳужжатда отим Вера.

— Вера бўлса Верадир-да, бу ернинг одамлари — ўзимизга қарашли одамлар, ишонишади. Ишонмаганда ҳам ҳеч нима демайди. Балки, сизни тутиб бериш қўлидан келадиган битта-яримта ёмон одам бордир, лекин ҳозир буни қилишга қўрқади,— де-

ди аёл, бамайлихотир оҳангда кулимсираб.— Ҳадемай бизникилар етиб келишини ҳамма билади... Ечининг, каравотга ётинг, устингиздан бирон нарса ёпиб қўяман. Биз ўғлим икковимиз бирга ётамыз, бир-биримизни иситиб...

— Мен сиэни каравотдан ҳайдадимми?! Йўқ,— жадал дея бошлади Катя,— менга сўрида бўлса ҳам, ерда бўлса ҳам барибир, иннайкейин, ухлай олмайман ҳам.

— Ухлайсиз. Биз ҳам ҳозир турамиз деб ётувдик.

Уйнинг ичи ҳақиқатан ҳам жуда совуқ эди,— қиш бошидан бери иситилмагани сезилиб турарди. Немислар даврида уйлarning иситилмаслигига Катя ўрганиб қолган эди: аталами, кашами, ё картошками,— овқатни аҳоли тараша ёки похол ёқиб нарибери пишириб олишга ўрганиб олган эди.

Катя пўстинини ва пиймасини ечиб ётди. Уй бекаси унинг устидан қавима кўрпа ёпди, кўрпа устидан пўстин ташлаб қўйди. Шундан кейин кўзи уйқуга кетганини Катянинг ўзи ҳам билмай қолди.

Катя даҳшатли бир гумбурлашдан уйғониб кетди,— бу товушни эшитмади, балки бутун вужуди билан сезиб уйғонди. Нима бўлганига ҳали тушунмай, каравотдан қаддини кўтариб қаради, шу онда яна қаторасига эшитилган бир неча портлаш бутун атроф-теваракни даҳшатли товушлар ҳамда ҳаво тўлқини тўлдирди. Катя моторларнинг гуриллаган овозини эшитди,— самолётлар қишлоқ тепасидан пастлаб учиб ўтди-да, бирдан осмонга тикка кўтарилиб кетди. Бу самолётларнинг бизнинг «Ил»ларимиз эканини англади эмас, балки овозидан таниди.

— Бизникилар!— деб юборди у.

— Ҳа, бу самолётлар бизники,— босиқ ҳолда секин деди дераза тагидаги скамейкада ўтирган бола.

— Сашко, кийина қол, сиз ҳам отлана қолинг, Вера! Бизникиликка-ку, бизники-я, лекин бир уриб қолишса борми, қайтиб ўрнингиздан турмайсиз!— дерди уйнинг ўртасида явшон супурги ушлаб турган Галя.

Уйнинг ичи совуқ бўлишига қарамай, қўллари ялангоч Галя таги тупроқ уйда яланг оёқ турар эди, бола ҳам кийинмай ўтирарди.

— Урмайди,— деди бола, хотинлардан устун турганлигини сезиб,— истеҳкомларни мўлжалга оляпти.

Кўэлари катта кишининг кўэлари сингари жиддий, лекин ўзи нимжонгина бола скамейкада чордана қуриб ўтирарди.

— Шундай ҳавода «Ил»ларимизнинг учишини қара...— ҳаяжон ичида дерди Катя.

— Йўқ, деразани кечаси парда қоплаган,— деди бола, Катянинг қиров бойлаган дераза ойналарига қараб турганини кўриб.— Ҳаво чакки эмас: қуёш ҳам йўқ, қор ҳам тинган..

Бутун умрини ўқитувчиликка бағишлаган ва бу бола ёшидаги болаларга ўрганиб қолган Катя, болани қизиқтириб қолганини ва унинг менга ҳам эътибор берсайди, деб ўтирганини сезарди. Шу билан бирга, бола ўзини шу қадар сипоҳ ва мустақил тутар эдики, хатти-ҳаракатлари билан ҳам, гап оҳанги билан ҳам бирон беодобликка йўл қўймасликка тиришарди.

Катя қишлоқнинг олд томонидан эшитилаётган зенит пулемётларининг тириллаган овозларига қулоқ солиб турарди. Қанчалик ҳаяжонланмаган бўлсин, немисларнинг бу ерда зенит артиллерияси йўқлиги унинг назаридан қочмади. Бу эса бу ердаги истеҳкомлар ҳозиргина тўсатдан мудофаа линияси бўлиб қолганини кўрсатар эди.

— Қани энди, бизникилар тезроқ етиб кела қолса!— дерди Галя.— Бизнинг ертўламиз ҳам йўқ. Бизникилар чекинганда бизлар немис самолётларидан қочиб, қўшнилариимизнинг ертўласига беркинардик, ё бўлмаса далага югуриб чиқар эдикда, қулоғимизни беркитиб, кўкат ичида ё жўякда ётаверар эдик...

Бирин-кетин ташланган учта бомба зарбаси кулбани титратиб юборди, яна қишлоқ устидан бизнинг самолётларимиз учиб ўтиб, тикка осмонга кўтарилиб кетди.

— Вой қоқиндиқларим!— деб хитоб қилди Галя ва қулоқларини беркитиб чўққайиб ўтирди.

Самолёт овозларини эшитиши биланоқ чўққайиб ўтирувчи бу аёл бу райондаги партизанлар асосий квартирасининг эгаси эди. Қизил Армиянинг асирдан қочган ёки қуршовдан қутулиб чиққан солдатларининг аксарияти Галя Корниенконинг уйи орқали ўтиб турар эди. Галянинг эри уруш бошларидаёқ ҳалок бўлиб кетганини, икки боласи оккупация вақтида дизентериядан ўлиб кетганини Катя билар эди. Галянинг бундай беихтиёрий ҳаракатида,— хавфдан сақланиш учун бўйини эгиб туришида ва қулоқларини беркитишида қандайдир содда ва инсоний фазилат бор эди. Катя югуриб унинг ёнига борди-да, қучоқлаб олди.

— Қўрқманг, қўрқманг!..— деб хитоб қилди Катя ҳаяжон ичида.

— Мен қўрқаётганим йўқ, лекип хотин киши шундай қилмаса бўладими...— Галя қоп-қора холдор юзини унга кўтариб қаради-да, кулиб юборди.

Бу кулбада Екатерина Павловна кечгача турди. То қоронғи тушгунча сабри-тоқати тугаёзди,— бизникилар олдига етиб олишга шу қадар ошиқар эди. Бизинг «Ил»ларимиз, қирувчи самолётларимиз муҳофазаси остида, қишлоқ олдидаги истеҳкомларни эртадан кечгача бомбардимон қилиб турди. «Ил» кўн бўлмаса керак, афтидан ниҳояти олтита бўлса керак. Улар қаторасига икки-уч марталаб айланиб келишар эди-да, бомбаларни ташлаб бўлиб, ёнилги ҳамда бомба ортгани кетишар ва яна қайтиб келишар эди. Катя уйғониб кетган вақтдан то қош қорайгунча шу тахлитда ишлаб туришди.

Эртадан кечгача қишлоқ тепасида бизнинг қирувчи аэропланларимиз билан «мессер»лар ўртасида ҳаво жанги бўлиб турди. Баъзан, жуда баландликдан совет бомбардимончи аэропланларининг учиб ўтгани эшитилиб қоларди,— немисларнинг олисдаги мудофаа марраларига қараб учиб ўтаётган бўлса керак. Эҳтимол, у бомбардимончи аэропланлар Митякино отрядининг базаси ёнида Донецга қуйиладиган Деркул дарёси бўйидаги истеҳкомларни бомбардимон қилиб турган бўлса. Иван Фёдоровичнинг «газиги» ўша отряд базаси яқинидаги горда турар эди.

Кун давомида бир неча марта немисларнинг штурмчи самолётлари учиб ўтиб, яқин жойга,— Камишная дарёсининг нариёғига бўлса керак,— бомба ташлаб турди. У ердан тинимсиз оғир артиллериянинг садоари эшитилиб турарди.

Бир марта немис истеҳкомларига жуда яқин бир ерда,— Екатерина Павловна шу томонга қараб юриши керак эди,— тартибсиз артиллерия отишмаси бошланиб кетди. Бу отишма олдиниға узоқдан бошлангандай бўлди, кейин яқинлашиб келаверди-да, жуда яқин бир ерга етиб келиб, энг авжига чиқиб турганда бирдан тўхтади. Оқшом пайтида отишма яна бошланди, снарядлар қишлоқ олдига туша бошлади. Немис тўплари бир неча минут жавоб қайтариб турди, улар шу қадар тез ва жадал отар эдики, ҳатто уй ичидагилар бир-бирлари билан гапириша олмай қолди.

Екатерина Павловна билан Галя бир-бирларига маъноли қарашиб олишди. Кичкина Сашко эса сирли бир маъно ифода этган кўзлари билан ҳамон олдинга қараб ўтирар эди.

Ҳаво жанги ва артиллерия отишмаси аҳолини уй-уйига ва

ертўлаларга кириб яширинишга мажбур этди, Екатерина Павловна ҳам келган-кетганлар билан учрашишдан қутулиб олди. Немис солдатлари, афтидан, ўзларининг бевосита ишлари билан машгул эдилар. Бутун қишлоқ бўшаб қолгану, фақат биргина шу кулда ёлғиз уч киши, икки аёл билан бир бола қолгандай эди.

Катянинг йўлга чиқиши керак бўлган ҳал этувчи ва эҳтимол, фалокатли минут яқинлашиб келган сайин у ўзини қўярга жой топа олмас эди. У ҳадеб Галядан йўлнинг қанақалигини сурштирар ва бирон кимса йўл бўрсата оламасмикин, деб сўрай берар, Галя эса яккапи:

— Хавотир бўлманг, дамингизни олиб ўтираверинг. Ҳали кўп хавотирланадиган вақтингиз келади.— дерди.

Афтидан, Галянинг ўзи ҳеч нарсани билмайдигандай ва шунчаки уни юпатаётгандай туюларди; бу эса Катянинг ҳаяжонини янада учайтирар эди, холос. Лекин шу онда кулдага бирон бегона киши кириб қолса-ю, Катя билан гапириша бошласа, унинг бунчалик ҳаяжонланиб турганини сира ҳам пайқамас эди.

Қош қорайди, «Ил»лар ҳам сўнги марта гувиллашиб бўлишди, зенит пулемётларнинг ҳам овози тинди. Бутун атрофга жимлик чўмди, фақат олислардаги бепоёнликда тушуниб бўлмайдиган аллақандай меҳнат ҳам жанг билан тўлиб-тошган ҳаёт жўш уриб турарди. Кичкина Сашко чордона қуриб ўтирган оёқларини,— у кундуз куни оёқларига пийма кийиб олган эди,— туширди-да, эшик ёнига келиб, бир вақтлар оқ, ҳозир кир босиб кетган ва ямоқ тушган чарм камзулини чурқ этмасдан кия бошлади.

— Вақт бўлди, Верочка,— деди Галя,— ҳозир айни вақти. Анови бадбахтлар энди дам олгани ётишади. Бу ерга эса ўзимизнинг одамлардан битта-яримтаси кириб қолиши мумкин, улар сизни кўрмагани яхши.

Қоронғи бўлганидан, унинг юзида қандай ифода борлигини билб бўлмас, товуши эса бўғиқ эшитиларди.

— Болакай қаерга отланыпти?— деб сўради Катя, қандайдир хавотирлик сезиб.

— Майли, майли,— жадал деди Галя. Уй ичида елиб-югуриб, Катя билан ўғлини кийинтира бошлади.

Катя, оналик туйғулари ила тўлган кўзлари билан Сашконинг рангсиз чеҳрасига бир он қараб турди. Беш ой давом этган оккупация вақтида якка-якка кишиларни, тўда-тўда ҳамда

бутун бошли отрядларни ҳамма душман истеҳкомларидан ўтказиб турган, юзлаб, балки минглаб кишиларни ўтказиб юборган машҳур йўл бошловчи шу бола экан-да! Бола Катяга ортиқ қарамас эди. Устига ўзининг чарм камзулини кияркан, бутун вужуди билан: «Менга қараб қўйишга ҳам вақтинг бўлмаган эди, бунга ақлинг етмаган эди, энди менга халақит берма» дегандай кўринар эди.

— Бирпас туринглар-чи, мен ташқарини чиқиб қараб келай, кейин ўзим айтаман.— Галя, Катя тўрвасининг богичини букилмайдиган енгидан ўтказди-да, халтасини тўғрилаб қўйди.— Қани, хайрлашиб олайлик, кейин фурсат бўлмайди. Худо бахтингизни берсин...

Улар бир-бирлари билан ўпишиб хайрлашди, сўнг Галя ташқари чиқиб кетди. Она боласини ўпиб қолмаганига, ҳатто у билан хайрлашмаганига Катя ажабланмади,— Катя энди ҳеч нарсага ажабланмай қўйган эди. «Булар бунга ўрганиб қолишган» деган сўзнинг бу ерда ўринсиз эканлигини у англади. Агарда тақдир Катянинг ўз ўғлини бундай ҳалокатли ва хавфли ишга йўл бошловчиликка чорлаганда Катя боласини қучоқларига босиб, ҳамма ёгидан ўпишдан ўзини тута олмас эди. Лекин ҳозир у, Галянинг тўғри қилганлигига иқрор бўлмасдан иложи йўқ эди. Эҳтимол, Галя бошқача хайрлашганда балки Сашко унинг эркалатишларидан ўзини торган, ҳатто унинг эркалатишларидан хафа ҳам бўлган бўларди, чунки онанинг эркалатиши шу онда унинг кўнглини бузиб юбориши мумкин эди.

Сашконинг ёнида Катя бир оз ўнғайсизланиб қолди. Айтадиган ҳамма гапи сунъий ва сохта чиқишини сезар эди. Лекин шундай бўлса-да, ўзини тутиб туролмади-да, ниҳоятда жиддий бир оҳангда деди:

— Сен узоққа борма, истеҳкомлар орасидан ўтадиган йўлни кўрсатсанг бўлди. Ундан у ёгига йўлни ўзим топиб оламан.

Сашко унга қарамасдан индамай тураверди. Шу онда Галя ўшиқни қия очди-да:

— Ўйинглар, ҳеч ким йўқ...— деб шипшиди.

Булутли, сокин тун, лекин совуқ унча қаттиқ эмас, унча қоронғи ҳам эмас,— ой қиш туманининг пардаси ортида турган бўлса керак, йилнайкейин, қор ҳамма ёқни ёритиб туради.

Бошига шапка эмас, балки жуда эскириб кетган ва каттагина картуз кийган, оёқларида пийма, лекин қўлқопсиз Сашко, орқасига қайрилиб қарамасдан, тўғри далага қараб йўл олди.

Ойисининг ёлгон айтмаслигини билса керак-да: «ҳеч ким йўқ» дедими, демак ҳеч ким йўқлиги аниқ.

Шимолдан жанубга қараб тизилган тепаликлар,— улар шу тепаликларни ошиб ўтишлари керак эди,— Деркул дарёсини унинг тармоғи Камишная дарёсидан ажратиб турувчи баландлик эди. Қишлоқ бир оз қаддини кўтариб турган ва Деркул томондаги даштга қараб кетиб, ахир пастлаб, даштга қўшилиб кетган икки тизма ўртасида, пастликда жойлашган эди. Сашко шу тизмалардан бирини кесиб ўтиш учун, уй олдидан тўғри далага қараб кетаверди. Нима учун Сашко йўлни бундан солганини Катя англади: тизма даштдан у қадар баланд бўлмаса-да, улар ундан ошиб ўтганларидан кейин, уларни қишлоқдан кўриб бўлмас эди. Тепаликдан ошгач, Сашко тизма бўйлаб шарқ томонга қараб бурилиб кетаверди. Энди улар немис истеҳкомлари жойлашган тепаликларнинг тўғрисида кетиб борар эдилар.

Улар йўлга чиққанларидан бери Сашко, ҳамроҳим келаётимидими, йўқми деб бир марта ҳам орқасига қайрилиб қарамади. Катя унинг кетидан итоат билан индамай борар эди. Улар энди қор тагидан чиқиб турган сийрак буғдойпояларни босиб ҳалиги қишлоқ жойлашган пастлик сингари пастликдан борар эдилар. Кечасидагидек, ҳозир ҳам шимол ва жануб томонлардаги грейдер йўллардан чекиниб борувчи немис қўшинларининг шарпаси эшитилиб турарди. Замбаракларнинг овози камайган, лскин жануб-шарқ томонда, Миллерово атрофида кучайган эди. Осмоннинг аллақарида,— Камишная дарёси тепасида бўлса керак,— немисларнинг отган ёритувчи бомбалари муаллақ турарди. Бомбалар шу қадар олис эдики, уларнинг ўлимтик ёруғи бу ерда кўринса ҳам, кечани ёритмас эди. Агар олд томондаги тепаликлардан бирининг устида шундай бомбалардан бири пайдо бўлиб қолса, Сашко билан Катя кўзга яққол кўринардиколарди.

Юмшоқ қор оёқ остида майингина босиларди, фақат пиймаларнинг буғдойпояга суркалганигина эшитиларди. Кейин буғдойпоя тугади. Сашко орқасига қайрилиб қаради-да, қўли билан яқинроқ келинг дегандай ишора қилди. Катя унинг ёнига келганда Сашко чўққайди-да, унга ҳам чўққайинг деб ишора қилди. Катя пўстини билан қор устига ўтирди. Сашко бармоғини ўзига ва унга суқиб кўрсатди-да, қор устидан чизик тортиб, шарқ томонни кўрсатди. Қўлини чарм камзулининг энгидан чиқариб ҳозиргина тортган чизик ўртасидан икки томонга қор уйиб қўй-

ди. У җалари кетаётган йўлга чизиқ тортганини ва бу йўлдаги тўсиққа ишора қилиб кўрсатганини Катя англади. Сўнгра Сашко уйиб қўйган қорининг бир еридан бир сиқим, яна бир еридан бир сиқим қор олиб, уюлмадан икки йўл очиб кўрсатди-да, бу йўлақларнинг икки томонида истеҳкомлар борлигини бармоғи билан босиб кўрсатди, кейин бир йўлак орқали, сўнг иккпичи йўлак орқали чизиқ тортди. Катя унинг икки йўл борлигини кўрсатаётганини англади.

Катя Суворовнинг ҳар бир солдат ўз манёврени билиши керак деган ҳикматли сўзидан эслаб, кулимсираб қўйди. Бу ўн яшар Суворов назарида Катя бирдан-бир солдат эди. Катя «ўз манёврени тушундим» дегандай, бошини силкитди-да, яна йўлга тушдилар.

Улар энди шимол-шарқ томондан айланиб ўтмоқда эдилар. Шу тахлитда қалин қилиб тортилган тиканли симга етдилар. Сашко Катяга ётинг деб ишора қилди-да, ўзи сим бўйлаб кетаверди. Салдан кейин кўздан ғойиб бўлди.

Катянинг олдидан тахминан ўн икки қатор қилиб тортилган тиканли сим ўтарди. Линия ёски, симлар занглаб кетган эди, Катя ҳатто симни ушлаб ҳам кўрди. Бу ерда «Ил»ларнинг ишини кўрсатувчи бирон асар йўқ эди. Бу ғовни немислар партизанларга қарши қўйишган бўлса керак: тиканли сим асосий истеҳкомлардан анча олисда бўлиб, тепаликни орқа томондан ҳимоя қилиб турарди.

Катя умрида бунчалик кутиб бетоқат бўлмаган эди. Вақт ўтиб борар, Сашкодан эса дарак йўқ эди. Бир соат ўтди, икки соат ўтди, бола эса ҳамон қайтмас эди. Лекин нима учундир, Катя ундан ташвишланмас эди: бола тамомила ишонса бўлади-ган жангчи эди.

Катя узоқ вақт қимирламай ётганидан, совуқдан титрай бошлади. Олдин у ёнбошидан бу ёнбошига айланиб ётди, кейин ахир чидамай, туриб ўтирди. Майли, кичкина Суворов койиса койисин, лекин Катяни шунча вақт ёлғиз ташлаб кетган экан, Катя атроф-теварақни ўзи текшириб чиқишга уриниб кўради. Болаки эмакламасдан, қаддини кўтариб юриб кетдими, демак Катя ҳам бир оз бўйини эгиб, бир оз юриб туриши мумкин.

Катя эллик қадамча юрар-юрмас, бирдан шундай бир нарсани кўриб қолдики, севиниб кетганидан бутун вужуди титраб кетди. Унинг олдада яқиндагина тушган снаряд қўпориб кетган ва четлари текис бўлмаган чуқур ётар эди. Снаряд боягина тушиб ёрилган, қўпориб ташланган қоп-қора тупроқ атрофдаги

қорни қоплаб ётарди. Бу чуқур самолётдан ташланган бомбадан эмас, балки худди снаряддан ҳосил бўлган чуқур эди. Бунинг шундай ақиллигини тупроқнинг қўпорилганидан билиш мумкин эди: тупроқ бир томонга, Сашко билан Катя келган томонга қараб сочилиб ётар эди. Афтидан, Сашко ҳам бунга эътибор қилмасдан, йўлда давом этишдан олдин чуқурни ёнлаб ўтган бўлса керак,— унинг ивлари шунинг кўрсатар эди.

Катя, яна бошқа чуқурлар ҳам бормикин деб, қор босиб ётган атрофга қаради, бошқа чуқур кўринмади, ҳар ҳолда Катянинг яқин атрофида кўринмади. Катяни тасвирлаб бўлмайди-ган, бутунлай бошқача бир ҳаяжон чулаб олди: ахир, бу чуқур бизнинг снаряд кавлаб кетган чуқур бўлиши мумкин. Лекин бу чуқур узоқ масофага отувчи оғир артиллерия снаряди кавлаб ташлаган чуқур эмас эди, бу ерни ўрта калибрли вамбарак снаряди кавлаб ташлаганлиги кўриниб турарди.

Учовлари кеча кечкурун Галянинг кулбасида ёшитган артиллерия отишмасининг изларидан бири бўлса керак.

Бизникилар яқин! Улар жуда яқинда туришибди! Беш ойдан бери ўз болаларини кўрмасдан, тўхтовсиз ва даҳшатли кураш ўтида ёнган, вужудига қон сачраган шинели инсоннинг душман таҳқирлаган жонажон тупроғига кириб келиб, акаларча меҳрибонлик билан қўлочини очиш дамини шунча умидлар билан кутиб келган бу аёлнинг ҳис-туйғуларини қандай сувар билан тасвирлаш мумкин? Ҳозирги пайтда ёридан ҳам, акасидан ҳам авизроқ бўлган бу инсон сари унинг азоб-уқубатла тўлган қалби зўр бир куч билан интиларди!

Бирдан унинг қўлоғига қор босиб келаётган пийма товуши чалинди, унинг ёнига Сашко келди. Сашко чарм камзулининг бутун олд томонлари, тиззалари ҳам пиймалари қорга эмас, балки тупроққа беланганини Катя аввал пайқамади,— бола қўлларини енгига тикиб келар эди, афтидан, узоқ вақт эмаклаб юрган ва жуда совқотган кўринарди. Катя энтика-энтика унинг юзига тикилиб қаради: бу бола унга нима келтирди? Лекин боланинг қўлоқларигача тушиб турган катта картуви остидаги юзи ҳеч нарса ифода этмасди. У фақат қўлларини енгидан чиқарди-да, «Бу томондан ўтиб бўлмайди» дегандай ишора қилди.

Бу ишорадан Катя донг қотиб қолди. Бола олдин чуқурга, кейин Екатерина Павловнага қаради,— уларнинг кўзлари бири-бирига тўқнашди, кейин бола жилмайди. Афтидан, бу чуқур Катяга қандай таъсир этган бўлса, илгари болага ҳам шундай таъсир этган бўлса керак. Екатерина Павлованинг ҳолини

англади, унинг жилмайиши эса: «Майли, бу ердан Утолмасак, бошқа ердан ўтамиз» деган маънони билдирарди.

Улар-ўртасидаги муносабат янги паллага кирди: улар бир-бирларига тушундилар. Улар бундан буён ҳам чурқ этмай бо-ришарди, лекин энди бир-бирлари билан дўст бўлишган эди.

Катя боланинг ингичка қўлчалари билан музлаб қолган ерга таяниб, эмаклаб юрганларини кўз олдига келтирди. Лекин бола ўзига бир лаҳза ҳам дам бермади. Катяни имлади-да, ўв-лари босиб келган изларидан яна орқага қайтиб кетишди.

Катянинг бу болага қандай ҳис-туйғу билан қарашини аниқ-лаш осон гап эмас эди. Бу туйғуни ўртоқлик туйғуси, ишонч, итоат ҳамда ҳурмат туйғуси дейиш мумкин эди. Шу билан бирга бу оналик туйғуси ҳам эди. Бу шу туйғуларнинг ҳаммаси бирга қўшилишидан ҳосил бўлган бир туйғу эди.

Нима учун бу ердан ўтиб бўлмаслик сабабларини Катя су-риштириб ўтирмади. Боланинг қайтиб уйга эмас, балки истеҳ-комлар орқали иккинчи йўл томонга айланма йўллардан бошлаб кетаётганига Катя сира шак-шубҳа қилмасди. Қўлини иситиб олсин деб унга ўз қўлқопларини ҳам таклиф этмади, чунки боланинг олмаслигини билар эди.

Бирмунча вақтдан кейин улар яна шимол томонга бурилди-лар, кейин шимол-шарқ томонга бурилиб, бошқа тепалик эта-гини ўраб турган тиканли сим ёнидан чиқдилар. Сашко кетди, Катя яна уни узоқ вақт кутди. Ниҳоят, Сашко қайтиб келди, бу сафар у тупроққа олдингидан баттар беланган, шапкаси янада пастга тушиб, қўлларини енг ичига беркитиб олган эди. Қорда ўтирган Катя унинг яқин келишини кутди. Сашко юзини унинг юзига яқин келтирди-да, бир кўзини қисиб жилмайди.

Катя ахир ўз қўлқопини узатган эди, Сашко олмади.

Одатда шунақа бўлади: энг қийин нарса деб ўйлаганинг амалда фақат осонгина эмас, ҳатто билинмай ҳам қолади. Катя-нинг ўйлагани ҳам худди шундай бўлиб чиқди. Икки истеҳком ўртасидан қандай ўтганларчиси Катя билмай қолди. Шу сафарга чиққандан бери кечирган ҳамма нарсаларнинг энг осони шу бў-либ чиқди. Бунинг нега бунчалик осон эканлигини кейин англа-ди. Канча йўл юрганларини, кейин қанча ерни эмаклаб ўтганла-рини ҳатто эслай олмас эди ҳам. У фақат, бу атроф-теварак кундуз кун «Ил»лар қўпориб, остин-устун қилиб юборган ер эканлигини билар эди, буни билишнинг ҳам сабаби шу эдики, Сашко иккови очиқ далага чиққанда, пўстини, пиймалари ва қўлқоплари Сашконики сингари лойга беланган эди.

Кейин улар пасти-баланд бўлиб кетган ва қор босиб ётган даладан яна узоқ юришди. Ниҳоят, Сашко тўхтади-да, Катяни кутиб турди.

— Йўл бундай кетади. Кўряпсиэми?— деб шивирлаб сўради у, қўли билан йўлни кўрсатиб.

Сашко ўзлари чиққан қишлоқни Катя босиб ўтиши керак бўлган хутор билан боғловчи йўлни кўрсатар эди. Энди Катя, Иван Фёдорович берган харитага кўра, немис истеҳкомлари сийрак, лекин немислар орқаларига қарамай чекиниб кетаётганликлари учун, Иван Фёдоровичнинг тахминича: ҳамма ёқ аралаш-қуралаш бўлиб ётган ерга келиб қолган эди. Чекиниб бораётган немисларнинг тарқоқ қисмлари бу ерларга муваққат истеҳкомлар қуриб, аръергард жанглари олиб бораётган бўлишлари мумкин эди. Ҳар ерда чекиниб борувчи немис қисмларига ёки ўз қисмидан ажралиб қолган айрим солдатларга дуч келиб қолиш мумкин эди. Ҳар бир қишлоқ ҳам бирдан немис мудофасининг олдинги лизияси бўлиб чиқиши мумкин эди. Йўлнинг бу қисмини Иван Фёдорович энг хавfli деган эди.

Лекин, грейдер йўллардан чекиниб бораётган немисларни ва жануб-шарқда, Миллерово томёнда давом этиб турган артиллерия отишмасини ҳисобга олмаганда, бу атрофларда Иван Фёдорович тасвирлаган вазиятдан дарак йўқ эди.

— Яхши боринг,— деди Сашко ва қўлини пастга туширди.

Мана шунда Катянинг ҳамма туйғуларидан оналик туйғуси устун келди. Катя уни қўлга олиб, кўксига босгуси ва шу ҳолда уни бутун оламдан беркитиб узоқ-узоқ бағрига босиб тургуси келди. Лекин, бу уларнинг муносабатини бузиб қўйиши мумкин эди, албатта.

— Яхши қол! Раҳмат сенга.— Катя қўлқопини ечди-да, қўлини узатди.

— Яхши боринг,— деди Сашко яна.

— Ҳа, айтмоқчи, анови йўлдан нега ўтиб бўлмас эди?— деб сўради Катя, кулиб туриб.

Сашко қош-қовоқларини солди.

— Фрицлар ўз кишиларини кўмаётган экан. Жуда катта чуқур қазишган экан!..

Катя болани мумкин қадар узоқроқ кўриб бориш учун, бирмунча вақт орқасига қараб-қараб борди. Лекин Сашко унга бир марта ҳам қайрилиб қарамади-да, тезда қоронғида кўздан ғойиб бўлди.

Мана шунда Катя бутун умрида эсдан чиқмайдиган даражада ҳайратланди. Кўп бўлса икки юз метрча йўл босди, унинг тахминича ва сезишича, йўлга чиқиб олишига сал қолган эди. Энди тепаликка чиққан эдики, бирдан олдида замбарак стволни ундан сал четроққа буриб турган баҳайбат танкни кўриб қолди. Танк башнясидаги қандайдир шар янглиғ бир нарсага ўхшаган галати, қорамтир нарса,— Катянинг кўзига ҳаммадан олдин шу ташланди,— бирдан ҳаракатга келди, у очиқ люкдан шлём кийган бошини чиқариб турган танкист эди.

Танкист автоматини Катяга шу қадар тез бурдики, Катянинг назарида худди автоматини шайлаб, уни кутиб тургандай бўлиб туюлди. Танкист ниҳоятда бамайлихотир бир қиёфада:

— Тўхта!— деди.

Танкист бу сўзни секин ва айни вақтда қаттиқ овоз билан амрона ва айни вақтда мулойим оҳангда деди, чунки унинг ҳузурида турган аёл киши эди. Лекин энг муҳими, бу сўзни соф рус тилида айтди.

Катянинг жавоб беришга мадори қолмаган эди, кўзларидан дув-дув ёш оқа бошлади.

ЭЛЛИК БЕШИНЧИ БОБ

Екатерина Павловна учратган танклар иккита эди, лекин йўлнинг нарёғида, тепалик орқасида турган иккинчи танк аввал кўринмаган эди. Бу танклар илғор танк отрядига қарашли дозор эди. Екатерина Павловнани тўхтатган танкист эса танк командири ҳамда дозор командири эди,— бунини Екатерина Павловна билолмас эди, чунки офицер оддий комбинезонда эди. Буларнинг ҳаммасини Екатерина Павловна кейин билди.

Командир унга пастга тушишни буюрди, ўзи ҳам танкдан сакраб тушди, кетидан танкист тушди. Командир Екатерина Павловнанинг кимлигини суриштираркан, Екатерина Павловна унинг юзига қараб турарди. Командир ҳали жуда ёш эди. У жуда чарчаган кўринарди ва афтидан, кўп вақт ухламаган кўринар эдики, кўзлари ўзидан ўзи юмилиб кетар ва қовоқларини зўр-базўр кўтариб турар эди.

Катя унга кимлигини ва нима иш билан кетаётганини тушунтирди. Офицернинг юзи унинг ҳам ишонганини, ҳам ишонмага-

нини ифода этарди. Лекин Катя бу ифодани сезмас, фақат ўз олдида турган ниҳоятда ёш, жуда ҳорғин чеҳрали кишини кўрди ва кўзларидан яна ва яна ёшлар қайнаб чиқаверди.

Қоронғи йўлдан мотоциклчи елиб келди, мотоциклчини танк ёнига келиб тўхтатди-да, оддий бир товушда:

— Нима гап?— деб сўради.

Савол оҳангидан Катя, мотоциклчининг унинг туфайлидан келганини англади. Душман орқасида узлуksиз ишлаб келган беш ой ичида ў, оддий даврда кишилар сира аҳамият бермай ўтиб кетаверадиган майда-чуйда нарсаларга ҳам кўзи етадиган бўлиб шуни одат қилб олган эди. Башарти танк ичидан туриб мотоциклчини радио орқали чақирганларида ҳам, мотоциклчи бундай тез етиб кела олмас эди. Бўлмаса, уни қандай чақиршиди экан?

Шу онда нариги танк командири етиб келди-да, Катяга жадал назар ташлаб қаради, сўнг икки командир ҳам мотоциклчи четроққа чиқиб, бирмунча вақт бир-бирлари билан маслаҳатлашиб туришди. Сўнгра мотоциклчи мотоциклчини ҳайдаб, қоронғида кўздан йўқолди.

Командирлар Катя олдига келишди, уларнинг каттаси бир оз хижолатланган ҳолда Катядан ҳужжатингиз борми деб сўради. Катя, ҳужжатни фақат олий қўмондонликкагина кўрсатишга ҳаққи борлигини билдирди.

Ҳаммалари бирмунча вақт индамай туришди, кейин иккинчи командир, олдингисидан ҳам ёшроғи, йўгон овоз билан:

— Сиз қаердан ўтиб келдингиз? Жуда қаттиқ мустаҳкамланган эканми?— деб сўради.

Катя истеҳкомлар тўғрисида билган ва эшитганларини оқизмай-томизмай гапириб берди ва бу истеҳкомлар ўртасидан ўн яшар бола билан бирга ўтиб келганини айтди. Катя немисларнинг ўз кишиларини кўмаётганларини, бизнинг снаряд кавлаб ташлаган чуқурни кўрганларини ҳам гапириб берди.

— Ҳа-ҳа! Биттаси ўша ерга бориб туришди-да! Кўрдингми?— деб хитоб қилди иккинчи командир, катта командирга болаларга хос жилмайиб.

Эрталаб ҳамда кечқурун Галяникида эшитилиб турган ва гоҳ пасайиб, гоҳ зўрайиб турган артиллерия овозлари немис истеҳкомларига ҳамла қилган бизнинг илгор танкларимиздаги тўпларнинг овози эканлигини Катя энди тушунди.

Шу ондан бошлаб Катянинг командирлар билан муносабати дўстона бир тусга кирди. Катя ҳатто, танк командирдан мото-

циклчини қандай чақиртирдинглар деб сўрашга ботинди, командир мотоциклчини танкнинг орқа томонидаги лампани ёқиб чақирдик деб изоҳ берди.

Улар шу аллозда гурунглашиб тураркан, коляскали мотоцикл етиб келди. Мотоциклчи ҳатто Катяга честь ҳам бериб кўришди,— унинг Катяни фақат ўз кишимиз деб билиб эмас, балки жуда катта кишидай ҳурмат қилиб қараши сезилиб турарди.

Мотоцикл коляскасига ўтирган онидан бошлаб, Катяни бутунлай бошқа ва янги бир ҳис чулғаб олдики, ўз томонимизга ўтиб олгандан кейин ҳам бир неча кунгача бу ҳисни ўзида сезиб юрди. У ҳали душман устун келиб турган территорияга бошқалардан олдин ёриб кириб қолган илгор танк қисмига келиб етганини пайқарди. Лекин у, энди душман кучига ҳеч қандай аҳамият бермай қўйган эди. Душман ҳам, Катя беш ой давомида бошдан кечириб келган ҳаёт ҳам, йўл машаққатлари,— буларнинг бари кейинда қолиб кетдигина эмас, балки унинг хаёлидан ҳам анча увоқлашиб кетган эди.

Боягина уни қуршаб турган муҳитдан уни энди қандайдир маънавий бир чегара ажратиб холи этиб турарди. Уни эндиликда ўз ҳис-туйғуларига, кечирмаларига, ўз фикр-мулоҳазаларига ва турмуш қарашларига ўхшаган ҳис-туйғули, шундай кечирма ва характерли кишилар муҳити ўраб олганди. Бу муҳит шу қадар улкан эдики, шу маҳалгача кун кечириб келган у муҳитга қараганда поёнсиз бир дунё бўлиб кўринарди. У энди шу мотоциклда яна бир кун, яна бир йил кезиб юрганда ҳам шу муҳитдан чиқмас эди, энди яширинишнинг ҳам, ёлгон гапиришнинг ҳам, ғайри табиий жисмоний ва маънавий иш қилишнинг ҳожати йўқ эди. Катя яна ўша Катя бўлиб олган ва бу сафар абадий шу Катялигича қолар эди.

Муздек шамол юзини жийиллатарди, қалби эса шундай бир ҳисга тўлиб-тошар эдики, ҳозир у ашула айтиб юборишдан ҳам қайтмас эди.

Мотоциклчи уни бир кун ҳам, ҳатто бир соат ҳам олиб юрмади, Катяни ниҳояти икки минутча олиб юрди. Ёзда қуриб қолган, энди устини қор қоплаган кичкина сой устидаги кўприкка етиши билан мотоциклни секинлатди. Шу сой ҳосил этган ва ён багирлари нишаб бўлиб тушган саёз жарлик тагида Катя бирдан ўнга яқин танк ҳамда йўл бўйлаб тизилиб турган бир неча юк машиналарини кўриб қолди. Машиналарда ва машиналар ёнида бизнинг моторлашган пиёда қисмларимизга мансуб

автоматчиларимиз, — қишлик шапка ва ватник кийган энг оддий автоматчиларимиз турар ва ўтирар эди.

Катяни бу ерда кутишмоқда эди. Мотоцикл кўприкдан тушар-тушмас, Катянинг ёнига комбинезон кийган икки танкист югуриб келди-да, қўлтиғидан ушлаб, ерга тушириб қўйди.

— Афв этасиз, ўртоқ... — Еши қайтиб қолган танкист честь берди-да, Катянинг Чирда ўқитувчилик қилиб турганидаги қалбаки фамилиясини айтди. — Афв этасиз, мен шу расмиятни бажаришга мажбурман...

Катянинг паспортини очди-да, чўнтак фонари билан тепадан пастга ёритиб қараб, яна қайтариб берди.

— Ҳаммаси тўғри, ўртоқ капитан! — Танкист, пешонаси, қош ўрталари ва чап юзи тилинган бошқа танкистга қайрилиб қаради, бу танкистнинг тиртиғи энди битган, янгигина тиртиқ эди.

— Совқотдингизми? — деб сўради капитан ва унинг мулозим, меҳрибон ва ҳам йўгон овозидан, унинг камгар, лекин шу билан бирга амрона ва дадил хатти-ҳаракатларидан унинг танк отряди командири эканлиги билиниб турарди. Бир оз исиниб олишингизнинг ҳам иложи йўқ, — ҳужумга отланиб турибмиз. Агар ҳазар қилмасангиз... — Ўзининг қатта ва оғир қўли билан белига илиб қўйган флягани бесўнақай бир ҳаракат билан олдинга сурди-да, қопқоғини очди.

Катя бир сўз демасдан флягани икки қўллаб ушлади-да, узоқ хўплаб ичди.

— Раҳмат.

— Ичинг тагин!

— Йўқ, раҳмат...

— Сизни дарҳол корпус штабига элтиш тўғрисида, танкда элтиш тўғрисида буйруқ келди, — деди капитан, кулимсираб. — Йўлдаги душманни-ку ер билан яксон қилдиг-а, лекин зона шунақаки яна бирон фалокат бўлиб ўтирмасин!

— Менинг фамилиямни қаердан билдингиз? — деб сўради Катя, сув чапиштирилган бир қултум спирт бутун вужудини ёндира бошлаганини сезиб.

— Сизни кутишяпти.

Бундан чиқди, бунинг ҳаммасини Иван Фёдорович, ўзининг Ваняси ҳозирлаб қўйган экан-да!

Қишлоқ олдидаги истеҳкомлар ҳақида кўрган-билганини яна бир марта гапириб беришга тўғри келди. Танкларнинг ҳозир шу тепаликларни қўлга киритиш учун жўнаб кетажагини Катя фаҳмлади. Ҳақиқатан ҳам, унинг танк башняси устига

чиқиб, кейин совуқ танкнинг ичига тушиб олишига ёрдамлашарканлар, бирдан атрофдаги танклар даҳшатли суратда гуриллай бошлади, автоматчилар эса дарҳол машиналарга минишди. Танкнинг нақадар катта ва ҳайбатли эканлигини Катя унга яқин келганидан кейингина билди.

Катя билан бирга сафарга чиқиши керак бўлган танк экипажи тўрт кишидан иборат эди. Уларнинг ҳар бирининг ўз жойи бор эди, Екатерина Павловнани жанг бўлимининг қоқ тагига жойлаштирдилар. Танкнинг ичи тор эди, шунинг учун у командирнинг оёғи тагида ўтирар эди. Бутун командадан фақат танк ҳайдовчигина ярадор бўлмаган эди.

Танк командири бошидан ярадор бўлган эди. Қалин пахта устидан бинт билан боғланган бошига шлём сигмас, шунинг учун командир бошига солдат шапкаси кийиб олган эди. Командир яна қўлидан ҳам ярадор бўлган эди: қўли чилвир билан осилган, бирон нарсага тегизиб олмаслик учун ўзини беихтиёр аҳтиёт қилар, баъзан танк силкиганда юзлари буришиб кетарди.

Унинг ва экипажнинг ўз ўртоқлари ёнидан кетгулари келмасди, шунинг учун орқага қайтишимизнинг гуноҳқори шу аёл деб, дастлаб Катяга совуққина муносабатда бўлишди. Маълум бўлишича, командир билан танк ҳайдовчи асосий экипаж аъзолари бўлиб, қолган икки киши, гарчи қаршилиқ кўрсатган бўлсалар-да, бошқа танклардан туширилиб, бу танкнинг ишдан чиққан аъзолари ўрнига тайинланган экан. Катяни танк ёнига бошлаб келишган пайтда танк командири билан капитан жанжаллашиб турарди,—тўғри, улар бир-бирларига жуда мулоим ва одобли гаплар айтиб туришса-да, лекин чеҳралари даҳшатли эди. Бутун юзини кесиб ўтган тиртиги ҳали тамомила битиб кетмаган капитан ўз айтганини қилдирди. У, отрядни ярадорлардан озод этиш учун Катянинг кетишидан фойдаланган эди.

Лекин, танк йўлга чиқиб жўнаган ва ёнларида ўтирган аёл ёшигина жувон эканлигини билганларидан сўнг, улар Катяга муносабатларини ўзгартишди. Бунинг устига, Катянинг танк отряди қўлга киритиши керак бўлган истеҳкомлардан ўтиб келгани маълум бўлди. Танкистларга жон кирди. Уларнинг ҳаммаси ёш-ёш йигитлар эди, ҳар бири Катядан беш, етти ёш кичик эди.

Танк командири дарҳол «иккинчи фронт» очилсин деб буюрди,—Америкадан келган консерва гўштни «иккинчи фронт» деб аташар эди. Уқчи-радист бирпасда «иккинчи фронт»ни очди-да, катта-катта қилиб нон тўғради, шундан кейин командир

Катяга чап қўли билан фляга тутди. Катя флягадан бош тортди, лекин гўшт билан нонни зўр иштаҳа билан ея бошлади. Танкистлар командир флягидагидан галма-галдан оғизларига қуйишди, шундан кейин танк ичидагилар тамомила апоқ-чапоқ бўлиб кетишди.

Улар имкон борича жадал юриб борар эдилар. Катя у ёндан бу ёнга чайқалиб ўтирарди. Очиқ люкдан бошини чиқариб турган ўқчи бирдан ўтирди-да, лабларини командирнинг қулоғига текизиб, деди:

— Уртоқ старший лейтенант, эшитяпсизми?

— Бошландими?— деб хирқи овоз билан сўради танк командир ва танк ҳайдовчининг елкасини оёғи билан туртди.

Ҳайдовчи танкни тўхтатди. Орага чўмган сукунатда ҳамманинг қулоғига гумбур-гумбур артиллерия отишмаси эшитилди. Бутун тунни тўлдириб турган бу садолар Катя босиб ўтган томондан келар эди.

— Ҳе, фрицларнинг ёритувчи ракеталари йўққа ўхшайдику!— Қаноат билан деди башня ўқчиси, яна танкдан бошини чиқариб.— Бизникилар шундай илдам кетаётибдики! Тўп оловларини кўриб турибман...

— Қани, мен ҳам кўрай-чи!

Старший лейтенант башня ўқчисининг жойига ўтиб турди-да, бинтланган бошини танкдан эҳтиёт билан чиқарди. У ташқарини кузатиб тураркан, Катянинг бос-йўқлигини унутган, бошқалар жанг тўғрисида ўз фикр ва тахминларини билдиришар ва яна ўз танкларида эмасликларидан хафа бўлиб қўяр эдилар.

Командир бинтланган калласини яна эҳтиёт билан танк ичига олиб кирди,— унинг юзида зўр дард-алам акс этарди. Лекин у, Катя борлигини унутолмас эди, шунинг учун ҳам орадаги гап-сўзни дарҳол тўхтатди. Шундай бўлса-да, унинг жангда қатнаша олмаганлиги қаттиқ алам қилиб турганини Катя унинг юзидан кўриб турар эди. Командир ҳатто, яна йўлга тушишдан олдин ҳамманинг танкдан бошини чиқариб қарашига галма-гал рухсат берди.

Хуллас, уларнинг ҳаммасининг бир оз руҳи тушиб кетган эди. Лекин Екатерина Павловна ишбилармон аёл эди, дарҳол танкистларни жанг ишларидан гапга сола бошлади. Машинанинг гумбурлаб боришидан сўзлашиш жуда қийин эди, шунинг учун улар яккаш бақаришиб гапирар эди. Ўтган жанглар хотираси уларни яна жонлантирди. Уларнинг пойма-пой гаплари-

дан Екатерина Павловна ўзи келиб қолган ерда бўлиб ўтган жангларнинг тахминий манзарасини кўз олдига келтирди.

Совст танк қисмлари Воронеж-Ростов темир йўлининг Россошь билан Миллерово ўртасидаги катта масофани кесиб ўтиб, Камишная дарёси бўйидаги истеҳкомлардан немисларни суриб чиқарган, шимолроқда, Ново-Марковка деган қишлоқ ёнида ва ҳатто Деркул дарёсининг юқори қисмига ҳам етиб олган эдилар. Чекиниб борувчи немис қисмлари Камишная билан Деркул ўртасидаги тепаликларни, жумладан Катя ўтиб келган тепаликларни жадаллик билан ўз мудофааларининг олдинги линиясига айлантирмоқда эдилар. Янги мудофаа чегараси энди Лимаревка, Беловодск, Городишчелар орқали, яъни ҳозирги пайтда Иван Фёдорович бошчилигидаги отрядлар ҳаракат қилиб турган жойлар орқали ўтиб, Донец бўйигача, яъни Митякино отрядининг базаси жойлашган ергача етиб борарди. Бу ерларни жуда яхши билган Катя совет қўшинлари зарбасининг қудратига энди тўғри баҳо бера олар эди. Шу билан бирга у, қўшинларимиз олдида турган барча қийинчиликларга ҳам кўзи етарди. Қўшинларимиз Деркул, Евсуг, Айдар, Боровая деган дарёлар бўйидаги истеҳкомлардан, Старобельск-Сталино-Луганская темир йўлини ва ниҳоят, Донец дарёсидан ўтишлари керак эди.

Катя тўқнаш келган илғор танк отряди ўз қисмидан ажралиб олдинга кетганига икки кун бўлган эди, асосий қисм илғор отряддан ўн беш километрча кейинда келар эди. Ғарб томонга силжиб борувчи отряд душманнинг йўлда учраган ҳамма мудофааларини янчиб, бир неча қишлоқ ҳам хуторларни, жумладан, Иван Фёдоровичнинг кўрсатмасига биноан Катя кириб бориши керак бўлган қишлоқни ишғол этган эдилар.

Ҳозир Катя ўтирган танк кундуз куни илғор дозорда бўлиб, унга таниш бўлган тепаликларга қилинган ҳужумда қатнашган эди. Кейин бирдан душман истеҳкомларига дуч келиб қолиб, тўп ҳам пулемётлардан ўт очган ва бу билан душман ўтини ўзига қаратган эди. Шу жангда танк шикастланган, танк командири эса бошидан ва қўлидан ярадор бўлган эди.

Улар жанг бўлаётган жойдан шу қадар узоқлашган ва қайтишнинг сира иложи ҳам йўқ эдики, Катя билан танк ҳайдовчидан бошқа ҳамма ахийри чарчади ва уйқулари келди,— одатда қаттиқ жангдан чиққан жангчилар шу хилда чарчаган бўлади ва уйқулари келади. Катянинг уларга раҳми келар ва ачинарди.

Шу тахлитда улар аҳоли яшайдиган бир неча жойдан ўтдилар. Бирдан танк ҳайдовчи Катяга қайрилиб қаради-да:

.. — Бизникилар келишяпти! — деб қичқирди.

Шу маҳалгача улар йўлдан елиб борар эдилар, энди далага бурилдилар, ҳайдовчи танкни тўхтатди.

Кеч туннинг сукунاتини фақат олис ва яқинда бўлаётган жанг садолари бузиб турарди, — бу садоларга ҳарбий кишилар ўрганган бўлади. Бу сукунат ичиде рўпарадан келаётган металл оқимининг гумбуолаши, тарақа-туруғи тобора аниқроқ ва равшанроқ эшитиларди. Танк ҳайдовчи олдинги томондаги чироқлар билан сигнал берди. Танк командири билан башня ўқчиси танкдан ерга сакрашди, Катя эса башнядан бошини чиқариб қарай бошлади.

Аввал мотоциклчилар елиб ўтиб кетди, уларнинг кетидан йўл ҳам тўғри даштдан келаётган танк ва бронемашиналар кўринди. Бу машиналар бутун тунни гумбур ва қасир-қусур билан тўлдириб келмоқда эди. Катя рўмолининг устидан қулоқларини қўллари билан беркитди. Унинг ёнидан баҳайбат ва оғир танклар, тўпларининг қорамтир тумшуқларини олдинга қаратиб, даҳшатли товушлар билан ўрмалаб ўтиб борарди, — бу танклар қоронғида янада баҳайбат, янада даҳшатлироқ бўлиб кўринарди.

Уларнинг яккаю-ягона турган танклари ёнига кичкина бронемашина келиб тўхтади-да, ичидан шинелли икки ҳарбий киши чиқди. Улар танк командири билан бирмунча вақт бақиришиб сўзлашиб туришди, башнядан бошини чиқариб турган Катяга ҳар замон, ҳар замонда қараб-қараб қўйишарди. Сўнгра шинелли ҳарбийлар яна бронемашинага минишди-да, машина танклар оқимидан ўзиб, тўғри даштдан йўл солиб елиб кетди.

Танклар оқими, пиёда аскарлар тушган юк машиналари оқими, кейин яна танклар оқими келар эди. Юк машиналар йўлдан бир текисда майин елиб борарди. Автоматчилар даштда ёлғиз турган танкка, танк башнясидан бошини чиқариб, қулоқларини қўлқоплари билан беркитиб қараб турган аёлга қараб борар эдилар.

Қоронғида ўтиб борувчи бу металл оқими ва гўё металл билан бирга қўшилишиб кетгандай туюлган одамлар оқими Катяни гоят даражада ҳайратлантирди. Катя сезиб келаётган ҳистуйғуга худди шу онда яна бир янги туйғу келиб қўшилдики, бу туйғудан анча вақтгача қутулолмай юрди. Унинг назарида бу нарсаларнинг ҳаммасини Катянинг ўзи эмас, балки ўзга бир киши кўриб тургандай туюларди. Катя худди тушда бўладигандай, ўзини четдан кўриб турар эди. Таърифлаб бўлмайдиган зўр куч ила қалбига бостириб кирган бу муҳитни унуттаёганини

биринчи марта сеза бошлади. Ўзини қамраб олган турли-туман кишилар, ҳодисалар, гаплар ва ниҳоят, ўзига янги туюлган ва унутиб юборган инсоний тушунчалар орасида қолган Катя хийла вақтгача ўзига келолмай юрди.

Шунинг учун ҳам Иван Фёдоровични кўргиси ва уни яқин сезиб тургуси келар эди. У Иван Фёдоровичдан шу қадар хавотирланар эдики, у азоб чекарди. Меҳр-муҳаббат ҳам соғинч ҳислари унинг қалбини яралар эди, бу ҳисларнинг давоси шунинг учун ҳам йўқ эдики, кўз ёши нималигини у аллақачонлари унутиб юборган эди.

Екатерина Павловна учратган Қизил Армия ўзининг ғолиб армия эканлигини билган армия эди.

Уруш бошлангандан бери ўтган бир ярим йил ичида ғолиб армия қуролланиш жиҳатдан қашшоқ қолга тушиб қолгани йўқ, балки Екатерина Павловна кўзи олдида шундай қудратли равишда қуролланган бир армия бўлиб гавдаланган эдики, забт этилган Европанинг энг яхши заводлари қуроллантирган ва хотирада абадий сақланиб қоладиган хўрлик замонда қақраб ётган Донец даштидан аёвсиз суратда бостириб келган душмандан ҳам кучлироқ ва мураккаброқ қуролланган армия бўлиб қолган эди. Лекин Катяни тақдир ҳозир бирга қўшиб қўйган кишилар ҳаммадан ҳам кўпроқ ҳайратлантирган эди. Ҳа, Катя тўқнаш келган, учрашган турли-туман кишилар янги хил кишилар эди. Улар янги ва қудратли техникани билиб олган кишиларгина эмас, балки ўзларининг маънавий, руҳий даражалари билан инсоният тарихининг янги, янада юксак погонасига кўтарилган кишилар эди.

Катя баъзида, бу кишилар шу қадар илгари ўзиб кетишганки, мен энди ҳеч ҳам уларга етиб ололмасам керак, деб виждони азобланарди.

Боши ҳам қўлидан ярадор бўлган старший лейтенант командирлиги остидаги бу ажойиб «терма» танк экипажи Катяни танк бригадасига элтди. Танк бригадаси ҳалиги йўлда учраган бригада эди. Тўғриси айтганда буни штаб деб бўлмас эди, бу ерда бригада командири билан оператив группагина бор эди. Улар душман билан кеча куни эрталаб бўлган жангда вайрон этилган хуторда жойлашган эдилар.

Кўзлари ёниб турган ва уйқусизликдан юзи қоп-қорайиб кетган ёш полковник,— у билан бирга бўлган штабчиларнинг ҳам юзлари уйқусизликдан қорайиб кетган эди,— Екатерина Павловнани биттаю-битта бутун қолган уйда қабул қилди.

Полковник бундан тузукроқ қабул қила олмаслиги учун уэр сўради: бу ерга ров кирганини ва дарҳол йўлга чиқиб кетиши кераклигини айтди. Шундай бўлса-да, Катяга бу ерда бир оз туриш ҳамда ухлаб олишни таклиф этди.

— Ҳадемай бизнинг иккинчи эшелонимиз етиб келади, сизга қарайдиган ва хизматингизда бўладиган одамлар ҳам топилади,— дерди у.

Уй жуда иситиб юборилган эди. Офицерлар Катяни пўстинни ечиб ташлаб исиниб олишга мажбур этишди.

Хутор қанчалик вайрон этилган бўлмасин, унда аҳоли кўп эди,— аксарияти хотин-халажлар, болалар ва кексалар эди. Совет ҳарбий кишиларини, яна танкистларни кўриб улар жуда таажжубланар эдилар. Ҳарбийлар, айниқса командирлар бор жойга дарҳол одамлар тўпланар эди. Алоқачилар бу уйга ва ёнверига ярим хароба уйларга сим тортиб, штаб ҳамда унинг идораларига жой ҳозирламоқда эдилар.

Катя чой ичди, бу асл чой эди. Яна ярим соат ўтар-ўтмас командирнинг вездеходига тушиб, корпус штаби сари елиб кетди. Энди у билан фақат биргина автоматчи — сержант борар эди. Бошини бинт билан боғлаб олган старший лейтенантнинг ҳам, кўзлари ёниб турган полковникнинг ҳам, яна ўнлаб кишиларнинг қиёфалари Катянинг хотирасидан кўтарилиб кетди.

Совуқ киш тонги ота бошлади, бутун теварак-атрофни туман қамраб ола бошлади. Лекан олисдан, туман ортидан қуёш кўтарилиб келмоқда,— Катя худди шу қуёш сари елиб бормоқда эди.

Улар катта грейдер йўлидан борар эдилар, уларнинг қаршисидан қўшинлар ўтиб турар эди. Агар Катя дам ўтмай йўлдан қор босиб ётган даштга бурилиб кетаётган вездеходга тушмаганда эди, корпус штабига ҳали-бери етиб ололмас эди. Кўп ўтмай машина саёзлашган, бетўхтов суратда ўтиб турган танклар ҳам тўплар эзиб атала қилиб юборган қор, муз ва қум аралаш лойқа келаётган Камшиная дарёсидан кечиб ўтди.

Туман сағал сийраклашди, оддий кўз билан қараса бўладиган қуёш уфқда пастак муаллақ турарди. Катянинг кўзи олдида дарёнинг икки қирғоғи бўйлаб чўзилиб кетган, ҳозир эса бизнинг қўшинлар эгаллаган душман истеҳкомлари ястланиб ётарди. Бутун атроф-теваракни замбарак ўқлари ва танк ҳамда оғир замбаракларни янги позицияларга судраб чиқувчи шатакчи машиналар кавлаб, қўпориб ташлаган эди.

Дарёдан ўтилгандан кейин, жануб-ғарб томонга силжиб бораётган ҳисобсиз қўшинлар ҳамда оккупацион қўшиннинг

асир тушган солдатлари шарқ томонга олиб ўтилаётгани туфайлидан, қатнов секинлашди. Уларни катта ҳам кичик тўдаларга бўлиб олиб келишар эди. Шинеллари куйган, соқоллари ўсиб кетган, усти бошлари ифлос асирлар атала бўлиб кетган йўлдан ё бўлмаса тўғри қир даладан мағлубият ва асирликдан сазойи бўлиб судралиб борар эдилар. Улар ҳозир энди ўз қўллари билан вайрон этган ерлардан ўтиб келмоқда эди. Юз йиллардан бери ғалла бериб келган ҳосилдор ерлар энди пайҳон бўлиб ётар, қишлоқлар эса ёндирилган ва кули кўкка совурилган ҳолда вайрон ётарди. Гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда ёниб битган танкларнинг таналари, мажақланган юк машиналари ётарди, шикастланган тўп стволнинг тумшуғи ё бўлмаса қора свастикали самолётнинг абжағи чиқиб кетган ғилдирағи кўриниб қоларди. Душман солдатларининг совуқдан букилиб кетган жасадлари далани ва йўлларни қоплаб ётарди, уларни йиғиштириб оладиган одамлар ҳам йўқ эди, фурсат ҳам йўқ эди, улар устидан ўрмалаб ўтаётган танклар ва оғир замбараклар эзиб чалпак қилиб юборган эди.

Хужум этиб борувчи колонналарда пиёда борувчи, танк ҳамда юк машиналарида ўтирувчи, ниҳоятда ҳорғин ва шу билан бирга ўн кундан бери давом этиб келаётган ва бу жанг давомида ғолиб келаётганликларидан руҳлари баланд кўгарилган, бу жангнинг қаҳрамонона ва оғир кулфатларида тобланган кишилар душман ўликларига эътибор ҳам бермас эдилар. Фақат Катя уларга нафрат аралаш назар ташлаб, йўталиб қўяр эди.

Сталинград остоналарида Гитлер қўшинларини тор-мор этиш паллаларидан бири бўлган ва тарихда энг катта урушлардан бири ҳисобланган жанг жануб-шарқ томонга қараб тобора кенгайиб бормоқда эди. Тарқалиб борувчи туманнинг гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда ҳаво жанглари кўриниб қолар, бутун қир узра оғир замбараклар ўқирар ва кўз иллаган поёнсиз қирнинг ҳамма ёғидан катга-катта ҳарбий операция қўшинлари, техника, озиқ-свқат ва снаряд ортган машиналар ҳаракат қилиб ўтиб турар эди.

Агар ёнғин тутунлари туман буғлари билан аралашиб кетмаганда эди, чошгоҳ пайтида қуёш ўз юзини кўрсатган бўларди; шу онда Катя гвардиячи-танк корпуси штабига етиб келди. Буни ҳам штаб деб бўлмас эди, балки Миллероводан сағал шимолроқдаги станциялардан бирида тасодифан бутун қолган, темир йўлга қарашли гиштин иморат эди, корпус командирининг вақтинча команда пунктин шу бинога жойлашган эди. Станция бинолари ер билан яксон этилган эди. Лекин яқиндагина озод

өтилган жойларда бўлгани каби, бу ерда ҳам даставвал қизиб турган жанглр билан бирга совет гсраждан ҳаётининг тикланиб бориш манзараси кўзга ташланиб турар эди.

Команда пунктидаги ҳарбийлар орасида Катянинг ҳаммадан олдин бир кишига кўзи тушди, бу киши тинчлик давридаги ҳаётни, Иван Фёдоровични, бутун оилани, Катянинг ўқитувчилик қилиб юрган вақтларини, кейин халқ маорифи ходими бўлиб юрган вақтларини дарров эсига солди.

— Андрей Ефимович! Вой жонгинам!— Катя шундай деб беихтиёр қичқириб юборди-да, ўзини ўша кишига ташлаб, қучоқлаб олди.

Бу киши — украин партизанлари штаби раҳбарларидан бири бўлиб, бундан беш ой илгари яширин ишга кўчиш олдидан Иван Фёдоровичга йўл-йўриқ берган эди.

— Бунақа экан, ҳаммани ҳам бир-бир қучоқланг-да!— деди ориқ ва афтидан ёш кўринган генерал, узун киприклари орасидаги сур ранг ҳам доно кўзлари билан унга қараб туриб.

Катя генералнинг қуёшдан қорайган шиддатли юзига, оқ аралашган ва саришта қилиб қирқилган чакка сочларига қараб бирдан уялиб кетди-да, юзини қўллари билан бекитиб, қорамтир қишлоқи рўмолли бошини эгди. Пўстинли ҳам пиймали Катя бежирим кийинган ҳарбийлар ўртасида бирмунча вақт шу аллозда туриб қолди.

— Ана холос, аёл кишини уялтирдингиз-а! Муомалани ҳам билмас экансиз!— деди кулиб туриб Андрей Ефимович.

Офицерлар кулишди.

— Афв этасиз...— генерал ўзининг ингичка қўлини Катянинг елкасига тегизди.

Катя қўлларини юзидан олди, унинг кўзлари порлаб турарди.

— Майли, майли, зарари йўқ,— дерди у.

Генерал дарҳол унинг елкасидан пўстинини ечинтира бошлади.

Ҳозирги замон командирларининг аксарияти каби, корпус командири ҳам ўз мансабига ҳамда ўз унвонига нисбатан анча ёш эди. Мавжуд вазиятга қарамасдан, у сунъий эмас, табиий бир ҳолатда хотиржам, ҳаракатлари аниқ ва тежоглиқ, сергайрат эди, ҳазиллари дагалроқ, лекин шу билан бирга мулоим эди. Атрофидаги ҳамма ҳарбий кишилар ҳам у сингари котиржам-ишчан, мулойим ва ҳаммалари батартиб, озода кишилар эди.

Иван Фёдоровичнинг маълумотини шифрдан оддий сўзларга кўчириб бўлгунларича, генерал стол устидаги катта ҳарбий хари-

та устига Ворошиловград областининг харитаси чизилган папирос қоғозни худди Иван Фёдорович Катяга кўрсатгандек, эҳтиёт қилиб ёйди. (Иван Фёдоровичнинг ўтган куни кечаси шундай қилиб кўрсатганига кишининг ишонгуси ҳам келмас эди!) Генерал ингичка бармоқлари билан қоғозни текислади-да, жуда мамнун бўлиб:

— Мана бу ишга қойилман!.. Ийя, лаънати-лар-э!— деб юборди бирдан.— Улар Миусни яна мустаҳкамлаётган экан-да! Мана бунга қаранг, Андрей Ефимович...

Андрей Ефимович харита тепасига энгашди, унинг иродали юзида пайдо бўлган майда-майда тиришлар Андрей Ефимовични қари қилиб кўрсатар эди. Бошқа ҳарбийлар ҳам ҳарбий харита устидаги папирос қоғозга энгашиб қарай бошладилар.

— Биз-ку улар билан Миусда учрашмаймиз-а. Лекин нима учун бундай қилишаётганини биласизми?— деди генерал, узун киприклари орасидаги кўзлари билан Андрей Ефимовичга кулиб қараб туриб.— Уларни бориб турган ҳафтафаҳм деб бўлмайди: уларга ҳақиқатан ҳам Шимолий Кавказ ва Кубандан кетишга тўғри келади!

Генерал кулиб юборди, Катя эса қизариб кетди,— генералнинг бу гаплари Иван Фёдоровичнинг тахминларига жуда тўғри келган эди.

— Қани, энди қарайлик-чи, биз учун қандай янгиликлар бор экан.— Генерал ҳарбий харита устида ётган катта лупани олди-да, Иван Фёдоровичнинг ўз қўли билан папирос қоғозга чизган белги ва тўгаракларни қараб чиқа бошлади.— Буниси бизга маълум, бу ҳам маълум... хўш... хўш...— Харитага илова қилинган изоҳнома ҳали расшифровка этилиб бўлмаган эди, лекин генерал, Иван Фёдоровичнинг ишораларини изоҳномасиз ҳам ўқий билар эди.— Бундан чиқди, бизнинг Василий Проховичимизнинг иши чакки эмас экан, сен бўлсанг нуқул: «разведкамиз ёмон, разведкамизнинг мазаси йўқ!» дейсан,— деди генерал нозик киноя билан, ёнида турган тўладан келган, мўйловлари қоп-қора полковникка қараб. Бу полковник корпус штабининг бошлиғи эди

Паст бўйли, семизгина, сочлари тўкилиб битган, қоши йўқ, жонли кўзларида муғамбирлик акс этиб турган бир ҳарбий киши, полковникдан олдин жавоб қилди:

— Уртоқ корпус командири, бизнинг маълумотларимизнинг ҳам бу маълумотларнинг ҳам манбаи бир,— деди у, уялиб-нетиб ўтирмасдан.

Корпус штабига қарашли разведка бошлиғи, Василий Прохорович дегани шу киши эди.

— Э-э-э, мен бу маълумотларни ўзингиз топгансиз деб ўйладман,— ҳафсаласи пир бўлиб деди генерал.

Офицерлар кулишди. Лекин корпус командирининг кинояли гапига ҳам, ўз ҳамкор-ўртоқларининг кулгисига ҳам Василий Прохорович парво қилмади, афтидан, бундай гапларга ўрганиб қолган кўринарди.

— Уртоқ генерал, мана бу маълумотларга, мана бу Деркул бўйидаги белгиларга эътибор беринг. Улар жуда кейинда қолиб кетишибди! Бу ерлар тўғрисида биз кўпроқ биламиз!— бамайлихотир деди у.

Василий Прохоровичнинг бу гаплари Иван Фёдорович тўплаган ва Катя шунча йўлларни босиб келтирган маълумотларнинг аҳамиятини камайтириб юбориши мумкинлигини Катя пайқади.

— Бу маълумотларни менга топширган ўртоқ,— деди у, кескин бир суратда,— сизларни огоҳлантириб қўйишни илтимос қилди: душманнинг чекиниши билан боғлиқ бўлган ҳамма маълумотларни ўзим етказиб тураман деди ва эҳтимолки, ҳовир етказа бошлагандир ҳам. Мана бу харита ва унга илоза қилинган изоҳнома областдаги умумий вазиятни тасвирлайди.

— Тўғри,— деди генерал.— Бу харита кўпроқ ўртоқ Ватутин билан ўртоқ Хрущёвга керак бўлади. Харитани шуларга жўнатамиз. Биз эса ўзимизга алоқаси бўлган маълумотлардан фойдаланамиз.

Екатерина Павловна фақат ярим кечага боргандагина Андрей Ефимович билан юзма-юз гаплашиш имкониятига эга бўлди.

Улар бўш, лекин яхшилаб иситилган ва немислардан ўлжа қилинган жинчиروқлар ёритиб турган уй ўртасида тикка турар эдилар. Катя сўради:

— Бу ерга қандай келиб қолдингиз, Андрей Ефимович, аэвизим?

— Нимасига таажжубланасиз? Ахир, биз Украина тупроғига қадам қўйиб турибмиз. Ҳозирча озгина бўлса ҳам, ўзимизники! Ҳукумат ўз тупроғига қайтиб келиб, совет тартибларини жорий этишга киришди.— Андрей Ефимович кулимсиради-да, майда тиришлар қоплаган юзи бирдан ёшариб кетди.— Узингизга маълум, бизнинг қўшинларимиз Украина партизанлари билан ҳамкорлик қила бошлади. Шундай экан, биз бўлмасак иш юришармиди?— У баланддан пастга, Катяга қараб гапирар, кўзлари порларди. Лекин бирдан юзи яна жиддий тус олди.—

Бугун сизга дам бериб, иш тўғрисида эртага гапиришармиз деб ўйлагандим. Лекин, сиз довжурак кишисиз, биламан!— У бир оз хижолатланди, лекин кўзлари Катянинг кўзларига тикилиб турарди.— Биз сизни яна қайтариб юбормоқчимиз, тўғри Ворошиловградга. Биз яна кўп нарсаларни билишимиз керак, бу иш фақат сизнинг қўлингиздан келади...— У бир оз жим қолди, кейин сезин ва илтимоснамо оҳангда деди:— Албатта, агар жуда чарчаган бўлсангиз...

Лекин Катя унинг гапини тамом қилишга қўймади. Унинг қалби фахр ҳам миннатдорлик ҳислари билан тўлиб кетган эди.

— Раҳмат,— деди у зўрга.— Андрей Ефимович, раҳмат!.. Ортиқ ҳеч гапнинг кераги йўқ. Мени бундан бошқа ҳеч нарса шунчалик бахтиёр эта олмас эди,— ҳаяжон-ла дерди у. Унинг қуёш қорайтирган, шиддатли, олтин сочлари қамраб турган чеҳраси гўзаллашиб кетди.— Биттаю битта илтимосим шуки, мени эртагаёқ қайтариб юборишингизни сўрайман, мени фронт сиёсий бошқармасига юборманг, мен дам олишга муҳтож эмасман!

Андрей Ефимович ўйланиб турди, кейин бош чайқади-да, жилмайди.

— Ўзиям шошилинич иш эмас,— деди у.— Олдинига бирмунча вақт маррани текислаб ва қўлга киритган позицияларни мустаҳкамлаш билан банд бўламиз. Деркулни, айниқеа Донецни тайёргарликсиз олиш қийин. Кейин, Миллерово билан Каменск ҳам бизни бир оз тутиб турибди. Сиз эсангиз сиёсий бўлимда кўп нарсаларни айтиб беришингиз керак. Хуллас, бу иш билан шошилмасак ҳам бўлади. Икки-уч кундан кейин йўлга чиқсангиз ҳам бўлади...

— Оҳ, нега эртагаёқ эмас!— деб хитоб қилди Катя юраги меҳр-муҳаббат ва қонга тўлиб.

Учинчи кун кечқурун Екатерина Павловна яна ўзига таниш қишлоққа, Галянинг кулбасига қайтиб келди. Екатерина Павловна ҳамон ўша пўстинида ва қорамтёр рўмолида, ҳужжати ҳам ўша чирлик ўқитувчи хотин номига ёзилган ҳужжатнинг ўзи эди.

Энди бу қишлоқ бизникилар қўлига ўтган эди. Лекин шимол ҳам жануб томонга қараб тизилиб кетган тепаликларни ҳануз душман эгаллаб турарди. Немис истеҳкомларининг линияси Камишная дарёси билан Деркул дарёсини ажратиб турган тепаликлар устидан ўтиб бориб, кейин гарбга бурилганда Деркул дарёси бўйлаб кетар эди.

Ҳамон ўшандай индамас ва батартиб кичкина Сашко Катяни ўтган сафар Фома бобой олиб келган йўл билан кечаси яна қайтариб обориб қўйди, Катя бундан бир неча кунгина бурун Иван Фёдорович билан учрашган уйга кириб борди.

Бу ерда Корниенколар уруғ-аймоғидан бўлган бир киши Катянинг йўлга чиққанлигини Иван Фёдорович билишини, ўзи соғ-саломат эканлигини, лекин Катя билан кўришишнинг иложи йўқ эканлигини айтди.

Катя кечаси ҳам, кундузи ҳам йўл юриб, суткасига ниҳоятин икки-уч соатгина дам олиб, ҳамроҳсиз ахийри Марфа Корниенко-ниқига етиб олди. Етиб олди-ю, Маша Шубинанинг ҳалок бўлиб кетганини эшитиб юраги қон бўлди.

Успенское қишлоғининг тиббий пунктидаги яширин квартира маълум бўлиб қолган экан. Полицияда хизмат қилувчи ўзимизга қарашли киши томонидан огоҳлантирилган вгачи-сингил Кротовалар қочишга ва ўзлари билан борлиқ бўлган яширин ташкилотларни квартиранинг маълум бўлиб қолгани тўғрисида хабардор қилишга улгуришган. Лекин бу хабар Марфа Корниенкога кечикиб, Маша Успенка қишлоғи томон йўлга чиққандан кейингина етиб келган.

Машани йўлда учратиб огоҳлантирмоқчи бўлишган, лекин иложи бўлмаган. Маша жандармерия қўлига тушган, ўша Успенка қишлоғининг ўзидаёқ уни қийнаб ўлдиришган. Маша Шубина яширин ташкилот билан алоқада эканлигини то ўлгунича бўйнига олмаганлигини, бирон кимсани ҳам айтиб бермаганини полицияда ишловчи ўша киши келиб айтиб берган.

Бу даҳшатли хабар эди! Лекин Катя ҳатто ўз қалбини азоблашга ҳаққи йўқ эди: у, куч-қувватини сақлаши, бардам бўлиши керак эди.

Икки кундан кейин у Ворошиловградга кириб борди.

ЭЛЛИК ОЛТИНЧИ БОБ

Немислар босиб олган жойда яшовчи ва урушнинг нималигига ақли етмайдиган энг қолюқ ва бефаҳм одам ҳам немисларнинг куни битганлигига ақли етарди.

Краснодон каби, фронтдан анча олисда турган жойларда бунинг шундай эканлигини энг аввал гитлерчиларнинг талон-тарожида шериклик қилганлар — венгер ҳамда итальян сотқин аскарлари ва Антонеску армияси қолдиқларининг тумтарақай қоча бошлаганидан кўриб билишди.

Румин офицерлари ва солдатлари автотранспортларини ва артиллерияларини ташлаб, ҳамма йўлларни тўлдириб қочмоқда эдилар. Қирчанги ва сулайиб қолган отларга қўшилган соявон араваларда судралишиб боришар, вчки терисидан тикилган чўққи қалпоқ ёки пилотка кийган, совуқ урган юзларини сочиқ ёки аёлларнинг жун лозимлари билан ўраб олган ҳолда, этаклари куйган шинелларнинг енгига қўлларини тиқиб олиб, кечаси ҳам, кундуви ҳам тинмай пиёда судралиб борар эдилар.

Соявон аравалардан бири Кошевойларнинг эшигига келиб тўхтади, аравадан таниш бир офицер тушиб, югурганича уйга кириб кетди. Қулоғини совуқ олдирган деньшик қулоғини совуққа бермаслик учун бошини бўйнига қисиб офицернинг каттакон чамадонини ва ўзининг кичкин чамадонини кўтариб кирди.

Офицернинг юзлари шишиб кетган, елкаларида тилла погонлари йўқ эди. Энтикканича ошхонага югуриб кирди-да, дарҳол қўлларини плитага тутиб исита бошлади.

— Хуш, ишлар қалай?— деб сўради ундан Коля тоға.

Офицер совуқ уриб кетган бурнини ҳам қимирлата олмади,— ювида, бурнини қимирлатганда пайдо бўладиган бир ифодани акс өтдирган эди, бирдан юви Гитлернинг юзига ўхшаб кетди, бу билан у, мўйловларим борлигида ва кўзларим ўтдай ёниб турган маҳалларда ишим яхши эди дегандай бўлди. У Гитлерга тақлид өтиб, оёқ учларида турди-да, қочиб кетаётганини кўрсатди. У ҳатто жилмаймас эди ҳам: ҳазилга ҳам жони қолмаган эди.

— Уйимизга, хавайкамиз ёнига кетяпмиз,— деди кайфи чоғ деньшик, офицерга ҳадиксираб қараб, Коля тоғага бир кўзини қисиб қўйди.

Улар исинишди, қоринларини тўйгизишди ва чамадонларини кўтариб өнди уйдан чиқиб кетишайтган эдики, Вера буви Елена Николаевнанинг кўрпасини кўтариб қараса, иккала чойшаб ҳам йўқ.

Ғазабидан ҳатто юзи ёшариб кетган Вера буви югуриб меҳмонлар кетидан ҳовлига чиқди-да, кўча эшикка бориб, овозининг борича бақира бошлаган эди, хотинлар можаросига қолишини фаҳмлаб қолган офицер деньшикка буюриб кичкина чамадонни очтирди. Чамадондан ҳақиқатан битта чойшаб чиқди. Вера буви чойшабни қўлида тутиб:

— Бошқаси қани?— деб қичқирди.

Деньшик хўжайинига кўз олайтириб қаради, лекин офицер ўз чамадонини кўтарганича соявон аравага кириб кетди. Агар

йўлда украин ёки молдавиялик партизан қадимги румоликлар авлоди бўлмиш румин офицерини деньшиги билан бирга қўшиб туриб у дунёга жўнатган бўлмаса, офицер чойшабни ўз Руминиясига олиб кетган чиқади.

Баъзан жуда пухта ва пишиқ ҳозирланган ишлардан кўра таваккал билан бошланган ишлар тасодиф туфайли кўпроқ самарали бўлиб чиқади. Лекин бирон ножўя қадам касрига катта ишлар барбод бўлиши мумкин.

30 декабрь куни кечқурун Серёжка билан Валя бир тўда ўртоқлари билан бирга клубга кета туриб, бир уй олдида турган немис юк машинасини кўриб қолишди. Ичига қопда нарсалар ортилган машина ёнида соқчи ҳам йўқ эди, машинанинг ҳайдовчиси ҳам кўринмасди.

Серёжка билан Валя лип этиб машинанинг тепасига чиқишди-да, қопларни ушлаб кўришди, афтидан, қопдаги нарсалар янги йилга аталган совғалар бўлса керак. Кеча кечаси қор ёғиб, ер қотган, ҳамма ёқ оппоқ эди; кўча тўла одам. Шундай бўлса-да, болалар машинадан бир неча қопни ерга иргитиб, яқин ҳовлиларга ва саройларга яшириб қўйишди.

Клуб директори Женя Мошков билан бадий раҳбар Валя Земнухов ёшлар клубдан тарқалиши билан совғаларни клубга олиб келиб қўйишни таклиф этишди: клубнинг бир талай сртўллари ва подваллари бор эди.

Машина ёнида тўпланиб турган немис солдатлари, айниқса ёқаси ит мўйнали пўстин ва эрзацпийма кийган ефрейтор, маст-аласт ҳолда сўқинишар, уй эгаси — чала кийинган аёл эса мен билмайман, менда айб йўқ деб турар эди. Айб аёлда эмаслиги немисларнинг ўзига ҳам аён эди. Немислар вағир-вуғур қилиша-қилиша ахийри машинага минишди, уй эгаси ичкарига қочиб кириб кетди, немислар эса жарлик томонга бурилиб, жандармерия томонга қараб ҳайдаб кетишди.

Болалар қопларни клубга ташиб олиб, подвалга яшириб қўйишди.

Ваня Земнухов билан Мошков эрта билан клубда учрашиб, совғаларнинг бир қисмини, айниқса сигареталарни шу бугун, янги йил арафасида, бозорга чиқартиришга қарор беришди: ташкилот пулга муҳтож эди. Шу маҳал клубга тасодифан кириб қолган Стахович ҳам бу тadbирни қўллади.

Бозорда майда-чуйда немис молларини яширинча сотиш

ғайри оддий бир нарса эмас эди: бу иш билан даставвал немис солдатларининг ўзлари шугулланар эди: улар сигарета, тамаки, шам, бензинни ароққа, иссиқ кийим-бош, озиқ-овқатга алиштиришар эди. Немис моллари қўлдан қўлга ўтиб турарди: полиция бунга эътибор бермас эди. Мошковнинг ихтиёрида маълум процент олиб сигареталар сотиб бериб юрадиган бир тўда кўча болалари ҳам бор эди.

Лекин шу куни полиция, мол йўқолган жой атрофидаги уйлари агдар-тўнтар қилиб, янги йил совғаларини топа олмаганидан кейин, бирон кимса молни бозорга олиб чиқиб қолмасмикин деб, бозорни атайлаб текшириб юрган эди. Сигарета сотиб юрган болалардан бири полиция бошлиғи Соликовскийнинг қўлига тушиб қолди.

Терговда бола сигареталарни бир кишидан нонга алиштириб олдим деб айтди. Болани хивич билан роса савалашди. Лекин бола, кўп калтак ея бериб ўрганиб қолган болалардан эди, иннайкейин у, ўз ўртоқларига хиёнат қилмаслик кераклигини биларди; болани калтаклаб-калтаклаб, ўлгудек йиғлатиб, кечгача камерага қамаб қўйдилар.

Полиция бошлиғи бошқа ишлар билан бир қаторда немис сигареталарини сотиб юрган бола ушланганини ҳам майстер Брюкнерга айтган эди, майстер Брюкнер бу ишни бошқа юк машиналардан ҳам ўғирланган молларга боғлаб, болани шахсан ўзи сўроқ қилмоқчи бўлди.

Камерада ухлаб қолган болани ярим кечада уйғотишди-да, майстер Брюкнернинг кабинетига олиб келишди. Бола икки жапдарм мансабдори, полиция бошлиғи билан тилмоч ҳузурига келиб турди.

Бола ҳамон ўша гапини такрорлар эди.

Майстернинг газаби келиб кетиб, боланинг қулоғидан ушлаб, коридордан судраб кетди.

Болани камерага олиб киришди, бу ерда қонга бўялган икки тўшак, шипга боғланган арқон, узун стол, столда милтиқ шомполи, бигиз, электр симидан ясалган қамчи, болта бор эди. Уйдаги чўян печка қизитилган, бир бурчакда сув тўла бир неча челақ турарди. Камеранинг ичида девор тагига ҳаммомдагидек нишаб қилиб қазилган иккита ариқча ҳам бор эди.

Узун стол ёнидаги курсида боши кал, кўзига кўзойнак таққан, қора мундири, жун босиб кетган узун қўллари қип-қизил бир немис тамаки чекиб ўтирарди.

Бола нсмисни кўрди-ю, бутун вужудини бирдан титроқ бо-

сиб, сигареталарни клубда Мошков, Земнухов ҳамда Стаховичлар берганини айтди.

Худди шу кунини перовмайсклик Вирикова деган қиз бозорда Лядская деган бир ўртогини учратган эди, бу қиз билан у бир вақтлар бир партада ўтирар эди, лекин уруш бошидан бери бир-бирлари билан кўришмаган эдилар: Лядскаянинг отаси Краснодонга ишга кўчирилган эди.

Улар қалин ўртоқ эмас, улар бир хилда, яъни ўз манфаатларинингига кўзлаш жиҳатдан бир хилда тарбияланган қизлар эди, бундай тарбия ҳеч қачон дўстликка йўл очмайди, — улар бир-бирларининг гапига дарров тушунишарди, уларнинг тилак-орзулари ҳам бир хил эди, бир-бирларидан ўзларига манфаат излашарди. Бу қизлар ёшлик чоғларидан ота-оналари ва улар атрофидаги муҳит кишиларининг дунё ҳақидаги тасаввурларини — ҳар ким фақат ўз манфаатини кўзлайди, деган фикрларини мияларига қуйиб олиб, инсон ҳаётининг мақсади — орқада қолиб кетиш эмас, балки бошқалар ҳисобига яхши кун кўришдан иборат деб билар эдилар.

Вирикова билан Лядская мактабда ҳар турли жамоат юмушларини бажарар, ҳозирги замонга оид ижтимоий ва ахлоқий ғояларни бийронлик билан айта берар эдилар. Лекин улар бу жамоат юмушлари, бу тўғридаги сўзлар, ҳаттоки мактабнинг берадиган таълим-тарбияси ҳам шахсий манфаат учун кураш ва бу манфаат учун бошқа одамлардан фойдаланишни ниқоблаш учун ўйлаб чиқарилган гаплар деб билишар эди.

Улар бир-бирларини кўришиб айтишлик хурсанд бўлишмаган бўлсалар-да, лекин хийла мамнун эдилар. Букилмайдиган кафтларини бир-бирларига узатиб кўришишди. Пак-пакана Вирикованинг қулоқчинли қалпоғи остидан икки жамалаги икки ёнида диккайиб чиқиб турарди. Лядская эса дароздан келган бўлиб, малла башара, юз яноқлари туртиб чиққан, тирноқларини бўяб юрувчи қиз эди. Улар бозорнинг энг тиқилинч еридан четроққа чиқиб, вайсай кетишди.

— Худо олсин немисларингни! Улар яна халоскор эмиш! — дерди Лядская. — «Маданият, маданият!» эмиш! Қиладиган ишлари текинжўрлик ва текинга ялло қилиш... Йўқ, мен улардан кўпроқ нарсани умид қилган эдим... Қаерда ишлаяпсан?

— Собик «Заготскот» кнторасида... — Вирикованинг юзида алам ва нафрат ифодаси акс этгандай бўлди: ахир у, немислардан ҳақиқат нуқтаи назаридан туриб ўпқаланадиган одамни учратган эди. — Атиги икки юз грамм нон беради, бошқа бало

ҳам йўқ.. Улар аҳмоқ экан! Уэ истаги билан хизматга кирганларнинг қадрига етишмайди. Улардан менинг ихлосим қолган, — деди Вирикова.

— Ишидан бирон фойда тегмаслигини мен дарров пайқаган эдим. Бормадим-қўйдим, — деди Лядская. — Олдинига майшатим ёмон эмас эди. Яхши-яхши улфатларим бор эди, станицаларга бориб, мол алиштириб келар эдим... Кейин бир қиз менга хусумат қилиб, биржага ёзилмаган деб бориб айтибди. Мен ҳам билиб ишимни қилдим! Кўчамизда биржа вакили турар эди, ўзи анча қариб қолган эди-ю, лекин жуда-жуда тузук киши, ўзи немис ҳам эмас, Лорингияданми бир нима бало. Ушани қўлга олдим-да, бир неча кун ўша билан бирга бўлдим, кейин ўзи сигарета ва спирт олиб келадиган бўлди. Кейин нима бало бўлди-ю, касал бўлиб қолди, шундан кейин ўрнига бир итваччани юборишди, шу бўлди-ю, мени кун ўтмасдан шахтага ишга жўнатди. Қуриб кетсин, ғалтагини айлантириш осон дейсанми! Бу ерга келишимнинг ҳам сабаби шу: бу ердаги биржадан бирор тузукроқ иш топилаармикин... Биржада танишларинг йўқми?

Вирикова лабларини бурди.

— Бо-о, бошимга урармидим!.. Менинг гапимга кирсанг, яхшиси ҳарбийлар билан ўртоқ бўлиб олиш. Биринчидан, улар бу ерда бугун туриб, эртага кетадиган одамлар, кетса сатқаний сар. Иккинчидан, улар хасислик қилмайди, эрталиги борми ё йўқлигини билишади-да, ҳеч нарсани аяшмайди ҳам. Бизникига бир боргин!

— Қандай қилай, йўлнинг ўзи ўн саккиз километр, кейин сизларнинг Первомайкаларингга яна қанча йўл юриш керак!

— Яқиндагина сизники ҳам эди-ку!.. Ҳар ҳолда, бор, қаерга ишга кирганингни гапириб берасан. Мен сенга бир нарсалар кўрсатман, балки берарман ҳам, фаҳмладингми? Келгин! — Вирикова ўзининг кичкина ва букилмас кафтини очиб узатди.

Шу кун биржага борган бир қўшни хотин Вириковага кичкина хаф берди. Лядская: «Биржаларингдаги одамлар бизникидан ҳам беш баттар итваччалар экан, ишим ўнгмади, «тинкам қуриб», «уйимга қайтиб кетдим» деб ёзган эди.

Янги йилга ўтар кечаси шаҳарнинг бошқа районларидаги каби, «Первомайка»да ҳам тинтув ўтказилганда, Вирикова дафтар ичига қистириб қўйган бояги қоғоз чиқиб қолди. Уларникида тинтув ўтказган терговчи Кулешов кўп зўр бермасданоқ, Вириковани ўртоғининг номини айтишга мажбур қилди, Вирикова юраги чиқиб кетганидан, ўз ўртоғининг «немисларга қарши

қилган хагги-ҳаракатлари»га яна бўлган-бўлмаган гапларни ҳам қўшиб гапириб берди.

Кулешов Вириковага байрамдан кейин полицияга боришни буюриб, хатни ўзи билан олиб кетди.

Мошков, Земнухов ва Стаховичларнинг қамоққа олинганини даставвал Серёжка эшитди. У, опалари Надя билан Даша ҳамда ўртоғи Витька Лукьянченкони огоҳлантириб, ўзи Олегникига югурди. Валя ва'опа-сингил Иванцовалар ҳам шу ерда экан, — улар ҳар куни эрталаб Олегникига тўпланишар, Олег уларга кундалик топшириқ бериб турар эди.

Шу куни кечаси Олег билан Коля тоға радиодан Сталинград районида Қизил Армиянинг олти ҳафталик ҳужуми натижаларини, немис қўшинларининг Сталинград ёнидаги ҳайбатли группировкаларининг икки сидра қуршовга олинганлиги ҳақидаги Совинформбюронинг ахборотини ёзиб олишган эди.

Серёжка кириши билан қизлар унинг қўлидан тортиб судралиб, севина-севина бу хабарни билдиришди. Серёжка ўзини қанчалик тетик тутмасин, совуқ хабарни айтганда лабларининг титроғини боса олмади.

Олег бирмунча вақт ранги оқариб, қўлларини жуфтлаб ўтирди, пешонаси тиришди. Кейин ўрнидан турди-да, юзида ғайрат ва ишчанлик аломатлари ифода этди.

— Қизлар, — деди у, секин, — дарров Туркенич билан Уляни топиб келинлар. Штабга яқин алоқада бўлган ҳамма болаларникига кириб хабар қилинлар, яшириб бўладиган нарсаларни яширишсин, яшириб бўлмайдиганларини дарҳол йўқотишсин. Кейин нима қилиш кераклигини икки соатдан кейин айтилади денлар. Ота-оналарингизни огоҳлантириб қўйинг, Любканинг ойисига ҳам кириб айтинлар, — деди у (Любка Ворошиловградга кетган эди). — Мен ҳозир бир ерга бориб келишим керак бўлиб қолди.

Серёжка ҳам пахтали куртқасини ва шапкасини кийди, — қаҳратон совуқларда ҳам Серёжка шу шапкада юрар эди.

— Сен қаёққа? — деб сўради Олег ундан.

Валя бирдан қизариб кетди: у, Серёжка мени кузаггани кийинмоқда деб ўйлаган эди.

— Болалар тўплангунча кўчада кўз-қулоқ бўлиб турай, — деди Серёжка.

Ваня, Мошков ва Стаховичларнинг бошига тушган нарса

уларнинг ҳам бошига тушиши, ҳар онда, ҳатто ҳозирнинг ўзи-даёқ тушиши мумкинлигини улар эндигина фаҳмладилар.

Қизлар, ким кимникига бориши тўғрисида келишиб, ҳовлига чиқишди.

Ҳовлига чиққан Серёжка Валяни тўхтатди.

— Ўзингга эҳтиёт бўл. Агар бизни бу ердан топмасанг, тўғри Наталья Алексеевникига бора бер, мен сени ўша ердан топаман. Сенсиз ҳеч қасқа кетмайман...

Валя бир сўз демасдан бошини эгиб «ҳа» деди-да, Туркеничникига қараб чопди.

Олег ўз одатича қадам ташлаб юришга тиришиб, Полина Георгиевнаникига кетди. Полина Георгиевна меҳнат биржасига яқин кўчалардан бирида турар эди.

Олег кириб келганда Полина Георгиевна кунда қиладиган ишини қилиб ўтирган эди: картошка тозалаб, плитада буғланиб турган чугунокка ташлаб турар эди. Олег ўртоқларининг қамоққа олинганини айтганда, бу сокин ва босиқ хотиннинг бирдан ранги оппоқ оқариб кетди. Қўлидан пичоғи тушиб кетди, бирмунча вақтгача тили гапга келмай қолди. Сўнгра ўзини босиб олди.

Янги йилнинг биринчи куни бўлгани учун ҳеч ким ишламас эди. Бугун эрта билан сут элтиб бергандан кейин, энди кўп-кўп куни яна Филипп Петровичникига бориши тўғри келмаган бир иш эди. Лекин бу ишни кейинга суришнинг ҳам иложи йўқ эди: шу соатда эмас, ҳатто шу дақиқада кўп ишлар бўлиб кетиши мумкин эди.

Полина Георгиевна, «Еш гвардия»нинг ҳамма ишларидан хабардор бўлса-да, қамалганлардан биронтаси Туркенич ё Олегнинг район комитети билан алоқаси борлигини биладими деб Олегдан сўради. Албатта, қамалганларнинг ҳаммаси бундай алоқа борлигини биларди, лекин кимнинг шахсан алоқа қилиб туришини ҳеч ким билмас эди. Мошковнинг ўзи ҳам район комитети билан алоқа қилиб турар эди, лекин унга ҳар жиҳатдан ишонса бўлади. Земнухов комитет билан фақат Полина Георгиевна орқали боғланган эди. Полина Георгиевна Ваняни шу қадар яхши билар эдики, ўзининг, яъни Полина Георгиевнанинг, таҳлика остида қолиши мумкин деган фикр ҳам хаёлига келмас эди.

Ҳаммадан ёмони Стаховичнинг «Еш гвардия» тўғрисида кўп нарсани билганлигида эди. Олег уни виждонли, лекин иродаси бўш киши деб тасвирлаб берди.

Полина Георгиевна, башарти битта-яримта бегона киши кириб қолгудай бўлса, нима деб жавоб бериш кераклигини Олегга уқдирди-да, ўзи чиқиб кетди.

Бу бир соат вақт Олег назарида жуда узоққа чўзилиб кетди! Унинг бахтига, уйга ҳеч ким кирмади. Фақат девор орқасида қўшниларнинг ивирсиб юришларигина эшитилиб турарди.

Ниҳоят Полина Георгиевна қайтиб келди... Совуқ юзини қизартириб юборган эди. Афтидан, Филипп Петрович унинг қалбида умид тугдирадиган гапларни топиб гапирган кўринарди.

— Гапимга қулоқ сол,— деди Полина Георгиевна, рўмолини бошидан олиб ва пальто тугамаларини ечиб юбориб, Оленингни рўпарасига табуреткага келиб ўтирди.— Рухлари тушиб кетмасин деб тайинлади. Кейин, ҳаммалари, штабнинг барча аъзолари ҳамда штабга яқин турган ёки қамалганлар билан яқин алоқада бўлганларнинг ҳаммаси дарҳол шаҳардан чиқиб кетсин деб тайинлади. Ташкилотга раҳбарлик қилиб туриш учун ишончли болалардан иккита-учтасини қолдириб, уларнинг каттасини, мен билан боғлаб, ўзларинг кетишларинг керак... Қишлоқдами ё узоқроқ шаҳардами яширинишга имкони бўлганлар яширинсин. Штаб аъзоларига ва штаб билан яқин алоқада бўлганларга шимолий районларга, Донецкнинг нарёғига кетишни маслаҳат кўрарди,— у ерда ё фронтдан ўтиб кетиш мумкин, ё бўлмаса бизникилар етиб келишини кутиш мумкин... Шошма, гапим ҳали мамом бўлгани йўқ...— деди Полина Георгиевна, Оленингни савол бермоқчи бўлганини пайқаб.— Сенга бир адрес беришни тайинлади. Гапимни яхшилаб тинглаб ол,— Полина Георгиевнанингни юзи бирдан тошдай қатъий ифода топди.— Бу адресни яна биргина Туркеничга айтишга ҳаққинг бор. Бу адресдан фақат икковинг фойдаланишинг мумкин. Бу адресни бошқа ҳеч кимга, зинҳор ҳеч кимга, ҳатто энг азиз кўрган болаларга ва... қизларга ҳам бериш мумкин эмас. Тушундингми?— деди паст овоз билан Полина Георгиевна ва Оленингни юзига тикилиб қаради. Полина Георгиевна кимни ўйлаб айтаётганини Олег англади.

— Мен билан Туркенич иккимиз шу адресни албатта топиб боришимиз шартми?— деб секин сўради Олег.

— Йўқ, албатта шарт эмас... Лекин бу адрес энг ишончли адрес: у ерда сизларни яширибгина қўйишмайди, балки сизларга иш ҳам беришади...

Оленингни юзига қараб ўтирган Полина Георгиевна унинг ичида қандай оғир бир кураш бўлаётганини англади. Лекин

Олег Полина Георгиевна кутгандаи бутунлай бошқа нарсани сўради:

— Авахтадаги болалар-чи? Ҳатто уларни қутқариб олишга уриниб кўрмасданоқ, уларни қандай ташлаб кетамиз?

— Сизлар энди уларга барибир ҳеч қандай ёрдам қила олмайсиз,— кутилмаганда, шиддат билан деди Полина Георгиевна.— Қилиш мумкин бўлган ҳамма ишни райкомнинг ўзи қилади. Сизларнинг бу ерда қоладиган болаларингизни ҳам ишга жалб этамиз. Кимни ишбоши этиб тайинлайсизлар?

— Попов Анатолий қолади,— деди Олег, бир оз ўйланиб ўтиргач.— Агар унга бирор нарса бўлса, Коля Сумской қолади. Танийсизми?

Улар бир оз жим ўтиришди. Олегнинг кетиши керак эди.

— Ҳар ҳолда, қаёққа кетишни мўлжаллайсан?— деб секин сўради Полина Георгиевна. У, Олегни ва Олегнинг оиласини яхши кўрувчи, меҳрибон киши бўлганидан, шу саволни берган эди. Полина Георгиевнанинг ҳаяжоиланиб ўтирганини Олег сезарди.

Олегнинг қовоқлари тушиб, юзи шу қадар маънос бўлиб кетдики, Полина Георгиевна ҳатто бу саволни берганига пушаймон қила бошлади.

— Полина Георгиевна,— деди Олег зўр-базўр,— сиз берган бу адресдан нима учун фойдалана олмаслигимни ўзингиз биласиз.

Ҳа, Полина Георгиевна биледи: Нина туфайлидан! Олег Нинани ташлаб кета олмас эди.

— Биз икковимиз фронтдан ўтиб кетишга уриниб кўрамиз,— деди Олег.— Хайр.

Улар қучоқлашиб хайрлашишди.

Олег йўтида уларникига Ваня Туркенч, сал ўтмасдан, гарчи ҳеч ким чақиртирмаган бўлса ҳам, Стёпа Сафонов билан Сергей Левашов, яна бир оздан кейин Жора Арутюнянц келиб ўтирган эди. Жора Арутюнянц Осьмухинсиз бир ўзи келган эди. Бугун, биринчи январь куни эрталаб, Володя роса ўн саккиз ёшга тўлган эди; сингласи Людмила шу кунга атаб тўқиб берган бир жуфт жун пайпоқни кийиб, сингласи иккови қишлоққа, боболариникига меҳмонга кетишган эди.

Туркенич болаларни уйнинг ҳар томонини пойлаб туришга чиқариб юборди.

Уяни кутиб ўтирмасдан,— у олисда турар эди,— Туркенич билан Серёжка икковлари маслаҳат қуришди.

Улар энди нима қилишлари керак? Ҳал этилиши, тезда, шошилиш суратда ҳал этилиши керак бўлган бирдан-бир масала шу эди. Гап ёлғиз қамоққа олинган ўртоқлари устида эмас, балки бутун ташкилот тақдири устида бораётганлигини улар билар эди. Ё ишнинг оқибатини кутиш керакми? Уларни ҳар онда қамоққа олиб кетишлари мумкин. Ё яширинишлари керакми? Улар ҳеч ерга яширина олмас эдилар: уларни ҳамма танирди.

Валя қайтиб келди, кейин Уля билан Оля Иванцова ҳамда улар йўлда учратган Нина кириб келишди. Нина, клуб ёнида немис жандармлари ва «полицай»лар пойлаб турганини ва клубга ҳеч ким киритилмай қўйилганини, клуб раҳбарларининг қамалгани ва клуб подвалидан немисларнинг янги йилга атаган совғалари топилгани ҳаммага маълум бўлганини гапириб берди.

Туркенич билан Нина, болаларнинг қамалишига фақат шу сабаб бўлган деб тахмин қилар эдилар. Бу ҳодисанинг ўзи ҳам қанчалик оғир бўлмасин, лекин ташкилотга путур етгани йўқ дейишарди улар.

— Йигитларимиз сирни очмайди,— дерди Туркенич, ўзига хос қатъият билан.

Шунинг устига Олег кириб келди ва бир сўз демасдан, оғир хаёллارга чўмгани ҳолда, стол ёнига келиб ўтирди. Сўнг Туркенични бувисининг хонасига чақириб олиб кириб кетди. Олег унга Полина Георгиевнадан олган адресни берди. Бирмунча вақт маслаҳатлашиб туришди-да, оғир сукунатда чурқ этмай кутиб ўтирган, Серёжка билан қизлар ёнига қайтиб чиқишди. Уларнинг ҳаммаси ғамгин ҳолатда Олегга умид билан кўз тикиб туришарди.

Олег гапира бошлаганда юзи ҳатто шиддатли бир тус олди.

— Б-б-бизлар ўзимизнинг омон қолишимиз мумкин деган ҳар қандай фикрдан боз кечишимиз керак,— деди у ва ҳаммага очиқ, мардона қараб чиқди.— Бизга қанчалик оғир б-бўлмасин, би-бизга қанча қийин бўлмасин, лекин биз Қизил Армиянинг стиб келишига қадар шу ерда қолишимиз мумкин, унга немисларнинг орақсидан туриб ёрдам беришимиз мумкин деган фикрдан, ҳаттоки эртаги куни қилишимиз керак бўлган ишларни бажариш фикрдан воз кечишимиз керак... Акс ҳолда ўзимиз ҳам ҳалок бўлиб кетамиз, ўртоқларимизни ҳам қурбон берган бўламиз,— деди у, ўзини зўрга босиб. Ўтирганлар ранг-рўйлари оқариб индамай тинглар эдилар.— Немислар бир неча ойдан бери кетимизга тушиб юрибди. Бизнинг борлигимизни улар билади. Улар, ташкилотнинг айни қоқ белидан келиб чиқди. Башарти,

уларнинг шу совғалардан бошқа ҳеч нарсадан хабарлари бўлма-са-да,— деб таъкидлади Олег,— клуб теварагига уюшган ҳаммамизни, биздан бошқа яна ўнлаб бегуноҳ кишиларни тутиб олишлари турган гап... Нима қилишимиз керак? — Олег бир оз жим қолди.— Кетиш керак... Шаҳардан чиқиб кетишимиз керак... Шундай, тарқалиб кетишимиз керак. Лекин ҳаммамиз эмас, албатта. Краснодон посёлкасидаги болалар бу хавфдан четда қолса керак деб ўйлайман. Первомайскликлар ҳам. Улар ишни давом этдира беришлари мумкин...— Олег бирдан Уляга жиддий юзини буриб қаради,— Уля бундан мустасно: штаб аъзоси бўлгани учун, буни ҳар нафасда қамоққа олишлари мумкин... Биз ҳалол курашдик,— деди Олег,— биз ўз бурчимизни виждонан адо этдик деб тарқалишимиз мумкин... Биз уч ўртоғимизни, улар ичида энг яхшиларнинг яхшиси бўлган Ваня Земнуховни бой бердик. Лекин биз, руҳимиз, тушмасдан, умидсизланмасдан, тарқалайлик. Биз кўлимиздан келган ҳамма нарсани бажардик...

Олег жим қолди. Ортиқ ҳеч кимнинг гапиргиси келмас, ҳеч ким гапира олмас эди ҳам.

Беш ойдан бери улар бир-бирлари билан ёнма-ён қадам ташлаб келдилар. Беш ой давомида немислар қўли остида, жисмоний ва руҳий машаққат, азоб-уқубат ва сарф этилган куч жиҳатдан ҳар куни ҳафтанинг оддий кунига ўхшаган беш ой давомида бирга ҳамкорлик қилиб келдилар... Беш ой-а, қандай тез ўтди-кетди! Шу беш ой ичида қанчадан-қанча ўзгаришлар бўлиб кетди!.. Қанча яхшилигу қанча ёмонликни, қанча меҳр-муҳаббат, қанча қора юракларни кўрдилар улар, умум ишига, бир-бирларига ўз қалбларининг қанча олижаноб кучларини тақдим этдилар... «Ёш гвардия»нинг қандай ташкилот эканлиги, ташкилотнинг уларга нималар берганини улар энди билишди. Мана эндиликда улар бу ташкилотни ташлаб кетишлари керак бўлиб қолди.

Қизлар — Валя, Нина ва Оля секин-секин йиглаб ўтиришарди... Уля афтидан сокин ва хотиржам кўринарди, фақат кўзларидан даҳшатли ўт порлаб турарди. Серёжка бошини столга қўйиб, шишган лабини чўзиб, тирноғи билан дастурхонни чизиб ўтирарди. Кўзларини олдинга тикиб индамай ўтирган Туркеничнинг юпқа лабларида кескин ифода акс этарди.

— Бошқа фикр борми?— деб сўради Олег.

Бошқа фикр йўқ эди. Лекин, Уля, деди:

— Менинг ҳозирнинг ўзидаёқ шаҳардан чиқиб кетишимга

зарурият бўлмаса керак деб ўйлайман. Биз первомайскилар клуб билан кам алоқа қилганмиз. Мен шошилмасам ҳам бўлар, балки яна ишлашим мумкин бўлар. Узимни эҳтиёт тутиб юраман.

— Сен албатта кетишинг керак,— деди Олег ва яна Уляга жиддий бир тусда қаради.

Шу онгача жим ўтирган Серёжка бирдан:

— Уля албатта кетиши керак!— деди.

— Мен ўзимни эҳтиёт қилиб юраман,— деди яна Уля.

Йиғилиш аҳли юрак-бағирларини оғир ғам-ташвиш босгани ҳолда, бир-бирларининг юзига қарамай, штаб номидан учлик комиссия тузишга, бу комиссияга Анатолий Попов, Сумской ва Уляни сайлашга (агар Уля шу ерда қоладиган бўлса) қарор беришди. Агар Любка қайтиб келса ва унинг шу ерда қолиши мумкин бўлса, унда Любка тўртинчи аъзо бўлиб қиради. Ҳаманинг мумкин бўлган қадар тезроқ кетиши керак деган қарорга келишди. Олег, ҳамма огоҳлантириб чиқилмагунча ва Попов ҳамда Сумской билан алоқа ўрнатилмагунча, ўзи билан алоқачи қизларнинг кетмай туришини айтди. Лекин штаб аъзоларидан ва штабга яқин алоқада бўлганлардан биронтаси бугун кечаси уйда ётмаслиги керак.

Жорани, Сергей Левашов ҳам Стёпа Сафоновни чақириб керишди-да, штаб қарорини билдиришди.

Кейин хайрлаша бошладилар. Уля Олегнинг ёнига келди. Улар қучоқлашиб хайрлашди.

— Р-раҳмат,— деди Олег.— С-сенинг шундай 6-бўлганинг учун, с-сенинг борлигинг учун раҳмат...

Уля Олегнинг сочларидан эркалатиб силади.

Лекин Уля билан қизлар хайрлаша бошлаганда Олег чидаб туrolмади-да, ташқарига чиқиб кетди. Кетидан Серёжка чиқди. Улар устки кийимсиз қаҳратон совуқда, 1943 йилнинг кўз қамаштиргудай қуёши остида турар эдилар.

— Ҳамма гапни уқдингми?— хирқи овоз билан сўради Олег.

Серёжка «ҳа» деб бош силкитди.

— Уқдим... Стахович бардош беролмаса керак... Шундайми?

— Ҳа... Бу тўғрида айтиб ҳам бўлмайди: билмасдан туриб, ўз ўртоғингга ишонмаслик — яхши бўлмас. Балки уни қийнаб азоблашаётгандир, биз бўлсак озод юрибмиз.

Жим қолишди.

— Қаерга кетмоқчисан?— деб сўради Серёжка.

— Фронт линиясидан ўтишга уриниб кўрмоқчиман.
— Мен ҳам... Бирга кета қолайлик?
— Албатта. Лекин. Нина ҳам Оля мен билан бирга кетишади.

— Менимча, Валя ҳам биз билан бирга кетса керак,— деди Серёжка.

Сергей Левашов қовоғи солинган ва ўнгайсизланган бир ҳолда Туркенич билан хайрлашгани унинг ёнига келди.

— Шошма, сен нега бундай қиялсан?— деб сўради Туркенич, унинг юзига синчиклаб қараб.

— Мен ҳозирча шу ерда қола тураман,— қовоғини солиб деди Левашов.

— Бу ишинг номаъқул,— паст овоз билан деди Туркенич.— Сен унга ёрдан ҳам бера олмайсан, ҳомийлик ҳам қила олмайсан. У етиб келгунча сени олиб кетишлари мумкин. У эпчил қиз ё қочиб қутулади, ё алдаб...

— Кетмайман...— деди Левашов.

— Кетасан, фронтдан бизникиларга ўтиб кетасан,— қатъий оҳангда деди Туркенич.— Мен ҳали вазифамни топширганим йўқ ва сенга буйругим шу!

Левашов индамади.

— Хўш, ўртоқ комиссар, шундай қилиб, фронтдан ўтмоқчимисан? Қатъийми?— деб сўради Туркенич, кириб келган Олегни кўриб. У, Олегнинг икковларига берилган адресдан воз кечганидан хафа, лекин Олегни бунга кўндириш имконияти йўқлигини билар эди. Беш кишилик группа тузилганини эшитиб, бош чайқади.— Кўпайиб кетибсизлар... Демак, яна шу ерда учрашамиз— ҳаммамиз Қизил Армия сафида бўламиз!..

Улар бир-бирларининг қўлларини ушлашиб, бир-бирлари билан ўпиша бошлади. Лекин бирдан Туркенич тисарилди-да, иккала қўлини силтаб, уйдан чопиб чиқиб кетди. Сергей Левашов Олег билан ўпишиб хайрлашиб, Туркеничнинг кетидан чиқиб кетди.

Стёпа Сафоновнинг Каменскда турадиган қариндошлари бор эди: Қизил Армия етиб келишини ўша ерда кутадиган бўлди. Жоранинг қалбида эса шундай кураш бораётган эдики, буни ҳеч кимга айта олмас эди. Лекин бу ерда қолишнинг мумкин эмаслигини у биларди. Ҳар нима бўлса-да, Новочеркасскда турадиган тоғасиникига бир вақт Ваня Земнухов билан бирга етиб боришга, муяссар бўлмаган тоғасиникига кетишга тўғри келади... Бирдан Ваня билан бирга қилган бу сафарлари эсига

тушиб кетган эди, кўзига жикқа ёш келди, дарров кўчага чиқиб кетди.

Беш киши: Олег, Серёжка ва алоқачи қизлар, — бирмунча вақт бирга туришди. Серёжка энди уйига қайтиб бормаса ҳам бўлади деган қарорга келишди, ота-онасини Оля, Витя Лукьянченко орқали огоҳлантириб қўядиган бўлди.

Сўнгра Валя, Нина ҳам Оля штаб қабул қилган қарорни керакли кишиларга хабар қилиш учун тарқалишди, Серёжка кийинди-да, кўз қулоқ бўлиб тургани кўчага чиқиб кетди. Олегининг оиласи билан ёлғиз қолиши кераклигини билар эди.

Овқатхонада ва бувининг бўлмасида бу кенгаш бўлиб турар экан, Ваня Земнухов ва бошқаларнинг қамоққа олинганини ва болаларнинг шу тўғрида маслаҳат қуриб ўтирганларини Олегининг уй ичилари билар эди.

Уйда қурол-аслаҳа, байроққа аталган қизил алвон ва варақалар сақланар эди,— Елена Николаевна билан Коля тоға буларнинг бир қисмини яхшилаб бекитишди, қолганларини ёндириб юборишди. Радиоприёмникни Коля тоға ошхона остидаги подвалга кўмиб ташлади-да, устини шиббалаб, тузлаган карамли бочка билан бостириб қўйди.

Ахир, бу ишлар ҳам тугади, саранжом этилди, энди улар Коля тоғанинг хонасида Маринанинг уч яшар ўғлининг шўхлиги ва чуғур-чуғури билан овора бўлиб, худди ҳукм қилинган кишилардай, кенгаш тугашини сабрсиз кутиб ўтиришарди.

Кенгаш қатнашчилари тарқалиб бўлгач, уйга Олег кирди. Ҳамма унга ялт этиб қаради. Унинг юзидаги руҳий ҳалжон ва гайратчанлик ифодалари йўқолган, лекин шу билан бирга тез-тез кўзга ташланиб турадиган болалик аломатлари ҳам йўқолган эди. Қиёфаси маъюс ва паришон эди.

— Ойи... — деди у. — Бувижоним, сен ҳам.. Коля, Марина, сенлар ҳам... — Олег, оёқларини шўхлик билан кучоқлаб олган боланинг бошига қўлини қўйди,— энди сизлар билан хайрлашишга тўғри келади... Мени отлантинглар... Кейин, илгари вақтлардагидек, сўнгги марта бирга ўтиришамиз... — Уннинг кўзларида ва лабларида аввалгидек майин табассум акс этди.

Ҳамма ўрнидан туриб, уни ўртага олди.

...Она қўллари тинимни билмайди, асло тинмайди! Бола ҳали дунёга келмаган, она қорнида юракни эритувчи даражада талпинган вақтлардаёқ она қўллари, худди қушдек, майин-майин юмшоқ кийимлар тайёрлашдан тинмайди. Угли умрида биринчи марта кўчага ўз оёғи билан атак-чечак қилиб юриб

чиққанда, ўглини мактабга отлантирганда онанинг қўли тинмайди... ундан кейин боласини биринчи марта бирон жойга узатади, кейин узоқ сафарга отлантиради, бутун умри бола кузатиш ва дийдор кўришиш билан, зигиртдак бахтли минутлар, қалбнинг тинмай ташвишланиб туришлари билан ўтади! Ўгли тиреклигида, умид борлигида ҳам тинмайди, ўгли дунёдан ўтиб, ундан умидини узганда ҳам тинимни билмайди...

Ҳаммага иш топилди. Коля тога билан бирга барча қоғозхатларни яна бир марта қўлга олиб, кўздан кечириб чиқишди. Кундалик дафтарни ўтга ташлашга тўғри келди. Комсомол билети ва муваққат комсомол билетларининг қолган нусхаларини тужурка астарига тикишди. Егулик, совун, тиш чўтқаси, ипигна — ҳаммаси халтага солинди. Серёжка Тюленинга эски қулоқчин ҳам топилди. Бошқа халтага Серёжка учун яна овқат солинди: ахир, улар беш киши-да...

Фақат, илгари вақтлардагидек, бемалол гаплашиб ўтириш nasib қилмади... Серёжка гоҳ кириб, гоҳ чиқиб турар эди. Кейин Валя, Нина ва Олялар қайтиб келишди. Кеч ҳам кирди. Хайрлашиш вақти ҳам бўлди...

Ҳеч ким кўз ёши тўкмади. Вера буви ҳаммани бир-бир кўздан кечирди, бирининг тугмасини қадаб қўйди, бирининг сумкасини тўғрилаб қўйди. Зўр ҳаяжон-ла ҳаммани бирма-бир бағрига босар эди, ўткир иягини Оленинги бошига қўйиб, анча вақтгача қучоғига босиб турди.

Олег ойисининг қўлидан ушлади-да, икковлари бошқа хонага чиқиб кетдилар.

— Кечир мени, — деди Олег...

Она ҳовлига югуриб чиқиб кетди, юз ва оёқларини совуқ жизиллатди. Она уларни кўрмас, фақат қорни ғарчиллатиб кетишларинигина эшитар эди, кейин бу товуш ҳам бора-бора эшитилмай кетди. Она ҳамон юлдузлар чарақлаган осмон тагида турар эди...

Кечаси билан мижжа қоқмай чиққан Елена Николаевнанинг қулоғига тонготар пайтда эшик қоқилгандай бўлди. Нарибери кийиниб, сўради:

— Ким?

Улар тўрт киши эди: полиция бошлиғи Соликовский, унтер Фенбонг ва икки солдат. Оленини сўрашди. Елена Николаевна Олег нарсаларни овқатга алиштиргани қишлоққа кетган, деди.

Улар бутун уй ичини тинтиб, ҳаммани, ҳатто Вера бувини ҳам, Маринани, унинг уч ёшлар ўғлини ҳам қамоққа олиб кетиш-

ди. Вера буви, қўшниларникига чиқиб, уйга қараб туринглар дейишга зўрға улгурди.

Турмада уларни бир неча камерага бўлиб юбордилар. Марина ўгли билан бир талай хотинлар ўтирган камерага тушди, — бу хотинлар «Ёш гвардия»га мутлақо алоқаси бўлмаган хотинлар эди. Лекин улар орасида Мария Андреевна Борц, Серёжка Тюлениннинг опаси Феня (у ўз болалари билан Серёжалар оиласидан бошқа турар эди) ҳам бор эди. Марина, Фенядан чол-кампир Тюленинлар, яъни Александра Васильевна билан зўрға ҳасса таяниб юрадиган, букчайиб қолган «бобой»нинг ҳам қамалганини, эгачи-сингил Надя билан Дашанинг эса қочиб қутулганини билди.

ЭЛЛИК ЕТТИНЧИ БОБ

Ваня Земнуховни тонготарда олиб кетишди. У Нижне-Александровскийда турувчи Клавани кўргани бормоқчи бўлиб, барвақт турган ва пальто ҳам қулоқчинини кийиб, ёнига бир бўлак нон қистириб, энди кўчага чиққан эди.

Уфқда, тиниқ осмонда эриб йўқ бўлиб бораётган сур рангим ранг парда остини ниҳоятда мусаффо ва қуюқ тўқ қизил шафақ қоплаб ётарди. Шаҳар тепасида пушти ранг ва сарғиш тусли бир неча қалин, лекин, ғоятда енгил тутун муаллақ турарди, — Ваня буларни кўрмас эди, лекин бу кунгидай соф қиш тонгида шундай бўлишини ёшлигидан билар эди; унинг кўзойнаксиз юзида — кўзойнаги терламаслиги учун чўнтагига солиб қўйган эди — бахтли ифода аксланар эди. У ёнига келган тўрта кишининг немис жандармлари ва полицияга терговчи бўлиб келган Кулешов эканини таниб олгунча, юзида барқ уриб турган бахт ифодаси аримади.

Улар Ванянинг ёнига келиб, Ваня уларни таниб олар-олмас, Кулешов ундан бир нималарни сўрашга киришган эди, улар Ваняни олиб кетгани келганларини у фаҳмлади. Шундай муҳим пайтларда бўлгандек, шу ондан бошлаб у ниҳоятда сокин ва хотиржам бўлиб олди-да, ахир Кулешовнинг саволига тусунди.

— Ҳа, мен, — деди Ваня.

— Ўз бошингни единг, — деди Кулешов.

— Уйга хабар бериб қўй, — деди Ваня. Лекин у, уйга кириб

чиқишга рухсат берилмаслигини биларди. Орқасига бурилди-да, дераза ойнасини эмас, ромини мушти билан қоқди.

Шу ондаёқ Кулешов билан жандармерия солдатлари унинг икки қўлидан маҳкам ушлаб олдилар. Кулешов унинг чўнтакларини ковледи, пальто устидан шим чўнтакларини пайпаслаб кўрди.

Дераза форточкаси очилиб, ичкаридан синглиси бошини чиқариб қаради, лекин унинг юзидаги ифодасини Ваня кўра олмас эди.

— Дадам билан ойнмга айт, мени полиция чақиртирибди, хавотир олишмасин, тезда қайтаман, — деди Ваня.

Кулешов йўталди, бошини чайқади-да, немис солдати билан уйга кирди; улар уйни тинтишлари керак эди. Немис сержанти билан яна бир солдат Ваняни камқатнов кўчанинг бир четидан қор босиб, сўқмоқ тушган йўлдан олиб кетишди. Сержант билан солдат қор кечиб борар эди, шунинг учун Ваняни қўйиб юбориб, ўзлари унинг кетидан борар эдилар.

Пальто, қулоқчинли қалпоқ ва пошналари титилнб кетган йиртиқ ботинка кийган Ваняни деворлари нам тортган, поллари сирганчқ, рутубатли камерага киритиб, устидан қулф солишди. Ваня ёлғиз ўзи қолди.

Шип тагидаги торгина бир тирқишдан зиғирдак ёруг тушиб туради. Камерада ҳатто сўри ҳам йўқ, каравот ҳам. Бурчакда турган ҳаром челақнинг қўланса ҳиди димоққа келнб урарди.

Нима учун қамашдикин, менинг махфий ишимни билишганмикин ё гумонсираб қамашдимми, ёйинки бирон кимса хоинлик қилдимми, деб ўйлаб кетди, Клава тўғрисида, ота-онаси, ўртоқлари тўғрисида хаёлга кетди. Лекин у, бутун куч ва иродасини ишга солиб: «Ўзингни бос, Ваня, оғир бўл» дер ва «Сабр қил, бу ёғи бир гап бўлар...» деб ўзига ўзи далда берар эди.

Ваня совқотган қўлларини пальто чўнтағига тиқиб, бошини экани ҳолда деворга суянди ва бирмунча вақт шу аллозда турди, лекин қанча турганини ўзи ҳам билмас эди, балки бир неча соат шу тахлитда тургандир.

Бир ёки бир неча кишининг коридорнинг у бошидан-бу бошига тинмай юриб тургани, камераларнинг эшиклари тарақлаган овозлари ҳам яқин ёки олисдан одамларнинг товушлари эшигилиб турарди.

Бир маҳалда бир неча киши унинг камераси олдига келиб тўхтади, кимнингдир хирқи овози эшитилди:

— Шундами?.. Майстер ҳузурига олиб борилсин!..

Буни айтган одам ўтиб кетди, қулфга калит солинди.

Ваня ўзини девордан олиб, бошини ўгириб қаради. Уни бу ерга олиб келган солдат эмас, балки қўлида калит ушлаган бошқа бир солдат, — коридордаги навбатчи бўлса керак, — «полицай» билан бирга камерага кирди. «Полицай»нинг башараси унга таниш эди, чунки ўтган вақт ичида улар ҳамма «полицай»ларни билиб олган эдилар. «Полицай» Ваняни майстер Брюкнер қабулхонасига олиб кирди, бу ерда бошқа «полицай» нинг соқчилиги остида ўтирган кичкина болани кўрди, бу бола улар сигарета сотдириб юрган болалардан бири эди.

Ориқлаб кетган, афт-башараси кир бу бола Ваняга бир қаради-да, кифтини қоқиб, бир хўрсинди, сўнгра юзини ўгириб олди.

Ваня бир оз енгил тортгандай бўлди. Лекин, барибир, ҳамма нарсадан тонишга тўғри келади: башарти, бир оз пул топиш мақсадида совгаларни ўғирладим деб иқрор бўлганда ҳам, шерикларингни айтасан деб талаб қилишади. Йўқ, ишнинг охири бахайр бўлади деб ўйлаб бўлмайди.

Майстернинг кабинетидан немис саркотиб чиқиб, эшикни очди, лекин эшик бандини қўйиб юбормасдан, йўл берди.

— Кир... кир...— деди юзида ҳайиқиш аломати кўриниб турган «полицай» ва Ваняни эшикка қараб туртди. Бошқа «полицай» боланинг бўйнидан ушлаб, олдинга итарди, Ваня билан бола кабинетга бирга киришди, кетларидан эшик ёпилди. Ваня шапкаси ечиб турди.

Кабинетда бир неча киши бор эди. Улар орасида Ваня стол ёнида ясланиб ўтирган, мундир ёқаси устидан бўйни қабариб чиқиб турган майстер Брюкнерни таниди. Майстер, бойўғли кўзалари билан Ваняга қараб ўтирар эди.

Майстер столининг чап томонида катта қўлида қамчи ушлаб турган Соликовский хироқи овоз билан:

— Яқинроқ кел! Жуда мўмин бўлиб қобсан...— деди.

Столнинг нариги бошида турган терговчи Кулешов узун қўлини болага чўзди-да, унинг қўлидан бир силтаб, стол ёнига судраб келди.

— Шуми? — деб сўради у, секин кулиб ва Ваняни кўрсатиб.

— Шу...— зўр-базўр деди бола ва бурнини торта-торта, тек қотиб қолди.

Ўзидан мамнун бўлган Кулешов олдин майстерга, кейин Соликовскийга керилиб қаради. Столнинг орқа томонида одоб сақлаб турган тилмоч икки букнлиб, орада бўлган гапни майстерга

таржима қилиб берди. Бу киши тилмоч Шурка Рейбанд эди, Ваня уни таниди, чунки бутун Краснодарда уни танимаган одам йўқ эди.

Соликовский, худди икки юзининг ўртасига бекитиб қўйилган кичкина кўзларини Ваняга тикиб туриб:

— Тушундингми?— деди.— Кимлар билан ишлаганингни жаноби майстерга гапириб бер! Тезроқ!

— Нима тўғрисида гап бораётганини тушунмадим,— деди Ваня, ўзининг хирқи ва йўғон овози билан ва Соликовскийнинг бетига дадил қаради.

— Буни кўрдингми, а?— деди ажаб ва газаб билан Соликовский, Кулешовга қараб.— Совет ҳукумати буларни шундай мулақаб қилиб қўйган-да!

Земнуховнинг гапини эшитган бола ҳадиксираб унга қаради-да, худди совуқдан жунжигандай, сесканди.

— Уят эмасми? Жуда бўлмаса, ёш болага раҳминг келсин, сенинг касрингга қийналиб ётибди бола,— деди Кулешов, таъна қилгандек.— Қара, ҳов анави ётган нима?

Ваня, Кулешов имлаб кўрсатган томонга қаради. Девор тагида совға солинган қоп ётарди, ичидаги матонинг бир қисми ерга тўкилган эди.

— Бунинг менга нима алоқаси бор экан, билолмадим. Бу болани эса биринчи кўришим,— деди Ваня. У тобора ўзини босиб олди.

Бўлаётган гапларни тилмоч Рейбанддан эшитиб ўтирган майстер Брюкнерга бу гаплар ёқмаган бўлса керак, Рейбандга кўз қирини ташлади-да, бир нималар деб пўнғирлади. Кулешов ҳурмат-эҳтиром билан жим бўлди. Соликовский, қўлларини икки ёнига солиб, тек қотиб қолди.

Майстер жаноблари сендан неча марта машиналарга ҳужум қилганлигинг, нима мақсад билан ҳужум қилганлигинг, шерикларинг ким, бундан бошқа яна нималар қилганлигингни сўзлаб беришингни талаб этаётibdилар,— деди Рейбанд, Ванянинг юзига қарай олмасдан.

— Менинг кўзим ҳатто сени ҳам кўрмайди-ку, қандай қилиб машиналарга ҳужум қила олар эканман? Буни ўзинг яхши билсан-ку! — деди Ваня.

— Илтимос, майстер жанобларига жавоб бер...

Лекин, майстер жанобларига ҳамма нарса аён бўлса керак, бармоқларини ҳавода ўйнатди-да:

— Фенбонг ёнига олиб борилсин?— деди. - -

Бир нафасда ҳамма нарса ўзгариб кетди. Соликовский Ваняни ушлади-да, кучининг борича силтаб, қабулхонага судраб олиб чиқди. Сўнгра Ванянинг юзини ўзига буриб туриб, кучининг борича икки хивич солди. Ванянинг юзлари қоналоқ бўлиб қип-қизариб, хивич теккан жойлари қабариб чиқди. Хивичнинг бири чап кўзининг бурчагига келиб теккан экан, кўзи шишиб кетди. Уни олиб келган «полицай» ёқасидан ушлаб, Соликовский икковлари биргалашиб тиззалари билан тепа-тепа, коридордан судраб кетишди.

Ваня итариб киритилган хонада унтер Фенбонг ҳам СС хизматига мансуб икки солдат чарчаб, тамаки чекишиб ўтиришарди.

Соликовский темирдек қаттиқ чангалини Ванянинг юзига солди-да:

— Агар шерикларингни айтмасанг, аблаҳ!..— деди вишиллаб.

Солдатлар папироларни ташлаб, пошналари билан эзиб ташлашди-да, ўрганиб қолган қўллари билан Ванянинг пальтосини, усти-бошини шошилмай ечиб олишди ва қип-яланғоч қилиб, қонга беланган сўрига улоқтирдилар.

Фенбонг сап-сариқ жун босган қип-қизил қўллари билан стол устида ётган сим хивичлардан бақувватроғини танлади-да, бирини Соликовскийга берди, бирини ўзи олди, ҳавода ўйнатиб кўрди. Сўнгра икки кишилашиб бор кучлари билан Ваняни савалай кетдилар. Ванянинг оёқларини ва бошини икки солдат маҳкам ушлаб турар эди. Дастлабки хивичдан кейиноқ, Ванянинг баданларидан тирқираб қон оқа бошлади.

Улар савалай бошлашлари биланоқ, Ваня бирон саволга ҳам жавоб бермасликка, оғзини ҳам очмасликка ва ҳатто гинг демасликка ичида онт ичган эди.

Улар то савалаб чарчагунларига қадар чурқ этмай ёта берди. Баъзан улар савалашдан тўхтар, шунда Соликовский сўрар эди:

— Хўш, мулла бўлдингми;

Ваня бошини кўтармай, индамай ёта берар, шундан кейин яна савалашга тушар эдилар.

Уни калтаклашдан ярим соатча олдин, шу ернинг ўзида. Мошковни ҳам худди шу тахлитда савалаган эдилар. Мошков ҳам, Ваня сингари совғаларни ўғирлашда иштирок этганини рад этган эди.

Стахович шаҳарнинг четроқ маҳалласида турарди, шунинг учун у ҳаммадан кейин қамоққа тушган эди.

Ҳаётдаги асосий вазифасини ўзига бино қўйишдан иборат

деб билган ҳамма йигитлар сингари, Стахович ҳам бир оз бўлса-да чидамли бўлишга, ҳатто одамлар олдида, айниқса ўзига яқин ва руҳий жиҳатдан кучли кишилар назарида тарихий қаҳрамонлик кўрсата олишга қодир эди. Лекин бирон хавф-хатар ёки қийинчиликка юзма-юз дуч келиб қолса қўрқоқлик қилар эди.

У қамоққа олиниш пайтидаёқ ўзини йўқотиб қўйган эди. Лекин унинг ақли, идроки ўз ҳолини енгиллаштириш учун ўнлаб ва юзлаб руҳий баҳона ва муроса топа биладиган, эпчил ақллардан эди.

Уни бола билан юзма-юз қилишганда, ўзига ва қамалиши эҳтимол бўлган ўз ўртоқлари олдига қўйиладиган бирдан-бир айб — ўғирланган янги йил совғалари эканига ақли етди. Бу ишни жиноий ишга айлантириб юбориш фикри, буни фақат уч кишигина қилганини айтиб ҳақиқа кўчиш, ниҳоятда ночор ва очликдан нолиб гапириш ва бу гуноҳни ҳалол меҳнат билан ювишга ваъда бериш фикри дарҳол унинг миёсига жо бўлди. Майстер Брюкнер ва бошқалар олдида у шундай гапириб бердики, улар қўлларига қандай одам тушганини дарров пайқадилар. Ундан бошқа шерикларининг ҳам номини айтишни талаб этиб шу кабинетнинг ўзидаёқ тутиб урдилар: ахир, ўша куйи кечкурун улар клубда эди-ку, қандай қилиб юкни машинадан тушира олдилар?

Стаховичнинг бахтига, майстер Брюкнер билан вахмайстер Балдеринг овқат вақти келиб қолди. Стаховичга кечгача тегмадилар.

Кечкурун унга яна хушмуомалада бўлдилар ва совғаларни ким ўғирлаганини айтса, дарҳол чиқариб юборажакларини айтдилар. Стахович яна, бу ишни уч киши қилганмиз деб туриб олди. Мундан кейин уни Фенбонг қўлига топшириб, то Тюлениннинг отини айтмагунча ўлардай қийнадилар. Бошқаларни қоронғида кўролмадим, деди.

Тюлениннинг отини айтиш билан, ўзини янада баттар қийнов гирдобига ташлаганини бу қўрқоқ билмас эди, чунки уни қўлга туширган кишилар, уни худди шундай ожизлик кўрсатиб турган пайтида тамомила таслим қилдириш мумкинлигини билар эдилар.

Уни роса қийнашди, азоблашди, устидан сув қуйиб, яна қийнашди. Саҳар пайтига бориб одам қиёфасини йўқотгач, ёлворди; у, бундай жафо ва азобга лойиқ гуноҳ қилганим йўқ, мен фақат оддий бир ямғирчи эдим, бу ишни буюрганлар бошқа, жавобини ўшалар берсин! деди-да, «Еш гвардия» штабининг, ҳамма ало-

қачиларнинг номларини бирма-бир айтиб берди. Лекин нима учундир Ульяна Громованинг отини айтмади. Бир лаҳза у, Громованинг чиройли қора кўзларини кўз олдига келтирди-да, отини айтмади.

Шу кунларда Краснодар посёлкасидан Лядскаяни олиб келишди ва Вирикова билан юзма-юз қилишди. Бошларига тушган бу ишда ҳар икковни бир-бирини гуноҳкор деб билиб, бепарво ўтирган Балдер ҳамда қотиб-қотиб кулаётган Кулешов ҳузурда шаллақи хотинлар сингари сўкишар ва бир-бирларини фоти этишар эди:

— Бекоргинани айтибсан, пионерларга вожатий бўлган сан сан!..— деб қичқирарди, қизариб-бўзариб кетганидан юзидаги сепкиллари ҳам кўринмай кетган Лядская.

— Ҳа, ҳа! Осоавиахим қутисини кўтариб иона тўплаб юрганингни бутун Краснодар билади!— деб қичқирарди Вирикова, қўлларини мушт қилиб; икки ёнга диккайиб турган жамалаги тинмай ликиллар эди.

Уларнинг муштлашиб кетишига сал қолди. Уларни ажратишди-да, бир суткача қамоқда тутишди. Сўнгра ҳар бирини вахмайстер ҳузурига яккама-якка олиб келишди. Кулешов олдин Вирикованинг, кейин эса Лядскаянинг қўлидан ушлаб, ҳар икковига:

— Яна ўзингни бегуноҳ фаришта қилиб кўрсатасанми? Айт, ташкилотда кимлар бор!— дерди.

Шу билан, олдин Вирикова, кейин Лядская кўз ёши тўкиб, ташкилотда туриш у ёқда турсин, ҳатто большевикларни ёмон кўрганликлари, большевиклар ҳам уларни ёмон кўрганликларига онт ичиб, Первомайск ҳамда Краснодар посёлкасида қолган ҳамма комсомолларнинг ва ҳамма кўзга кўринган йигитчаларнинг номларини бирма-бир айтиб бердилар. Улар ўз мактабдошларини, кўни-қўшниларини, уларнинг қандай ижтимоий ишлар билан шуғулланганларини, кимнинг қанақалигини, кимнинг кайфи қанақалигини жуда яхши билишарди. Уларнинг ҳар бири ўнлаб кишиларнинг номини айтиб берди, натижада «Еш гвардия» билан алоқада бўлган ёшларнинг деярли ҳаммасининг номи очилиб қолди.

Вахмайстер Балдер кўзларини олайтириб, қизларнинг ҳар бирига уларнинг ташкилот билан алоқада бўлмаганликларига ишонмаганини ва номларини айтиб берган жиноятчилар билан бирга қўшиб, ўшалардай қийнажанини айтди. Лекин у, сизларни аяйман, бир йўли бор... деди.

Вирикова билан Лядская турмадан бир вақтда бўшатилади, лекин уларнинг ҳар бири у мендан тоза чиқмаган бўлса керак деб ўйларди. Уларга ҳар ойига йигирма уч маркадан ойлик белгилашди. Гуё орада ҳеч гап бўлмагандек, бир-бирларига ёғочдек қаттиқ қўлларини бериб, хайрлашишди.

— Хайрият, осонгина қутилдик,— деди Вирикова.— Бизни-кига келгин.

— Рост осон қутулдик. Бир кун и кирарман,— деди Лядская.

Улар хайрлашиб кетишди.

ЭЛЛИК САККИЗИНЧИ БОБ

Ҳар бири дарҳол бутун шаҳарга маълум бўлиб турган бу қамоққа олишлар қандайдир галати бир мантиққа асослангандай эди. Олдиниға, штабнинг шаҳардан кетиб қолган аъзоларининг ота-оналарини қамашди. Кейин Арутюнянц, Сафонов ҳам Левашовларнинг, яъни штабга яқин турган ва шаҳардан кетган болаларнинг ота-оналари қамалди.

Бирдан Тося Машченко ва «Ёш гвардия»нинг оддий аъзоларидан бир неча киши қамалди. Лекин, нима учун бошқалар эмас, фақат шулар қамалади?

Янги ва янги одамларнинг қамалиши, бу ишларнинг авжга чиқиши ва пасайиши Стаховичнинг бирма-бир сирни очиб бераётганидан бўлаётгани қамалмай қолганлардан биронтасининг хаёлига ҳам келмас эди. Стахович бирон кимсанинг номини айтгандан кейин, унга дам беришар эди, кейин яна азоблай бошлар эдилар, шундан кейин Стахович яна бирон кимсанинг номини айтарди.

Гарчи Мошков, Ваня Земнухов ва Стаховичларнинг қамалганига бир неча кун бўлган бўлса-да, Лютиков билан Бараков бошчилигидаги яширин ташкилот ходимларидан биронтаси ҳам қамалмади. Марказий устахонада ҳам ҳамма нарса аввалгидек эди.

Янги йилнинг дастлабки уч кунини қишлоқда, бобосиникида ўтказган Володя Осьмухин тўртинчи январда ишга чиқди. У э ўртоқларининг қамалганини ва «Ёш гвардия» штаби шаҳардан кетиш тўғрисида кўрсатма берганини кеча кечқурун ойсидан эшитиб билган бўлса-да, шаҳардан кетишдан воз кечди.

Онасидан яширишнинг энди сира ҳожати йўқ эди, шунинг учун у:

— Болалар сирни очишмайди,— деди.

Володянинг шаҳардан кетгиси йўқлигининг бир қанча сабаблари бор эди. Онасини ва синглисини ташлаб кетишга кўзи қиймасди, айниқса улар бир вақтлар у туфайли эвакуация қилмай қолганларини эсласа, уларга баттар ачинарди. Лекин энг катта сабаби шунда эдики, Олеглар уйда бўлиб ўтган кенгашда қатнашмаган Володя ўз устига келиб турган хавфни тасаввур этиш у ёқда турсин, ҳатто ичида, штаб аъзолари шошқалоқлик қилишган, деб ҳам ўйларди. Қамалганларнинг учаласи ҳам Володянинг энг яқин ўртоқлари эди. Володя уларга қаттиқ ишонар эди. Володянинг ботир қалбида («Мен — Васька Буслайман!») ҳатто болаларни қамоқдан озод этиш планлари тугилар эди, бу планлар биридан бири ўтар планлар эди.

Лекин Володя устахонага қайтиб келар-келмас Лютиков уни бир нарсани баҳона қилиб, конторкасига қақриб олди. Осьмухинлар оиласи билан эскидан борди-келди қилгани ва йигитлар орасида ҳаммадан ҳам Володяни яхшироқ танигани сабабли, Филипп Петрович уни жуда яхши кўрар эди. Ёш дўсти ва шогирдининг тепасида қандай даҳшатли хавф-хатар айланиб юрганни чол фақат тажриба ва мантиқдангина эмас, балки қалбидан ҳам сезиб турарди. Филипп Петрович Володяга дарҳол шаҳардан кетишни таклиф этди. Филипп Петрович ҳатто Володянинг эътирозини ҳам тинглагуси келмади, у бераҳм ва қатъий гапирарди, маслаҳат берарди эмас, балки буюрар эди.

Лекин фурсат қўлдан кетган эди. Володя қачон ва қаерга кетиш кераклигини ўйлаб ҳам бўлмаган эдики устахонанинг ўзида, ишлаб турган ерида қамоққа олинди.

Стаховични азобловчи жаллодларнинг бутун кучи уни «Ёш гвардия»нинг ҳамма аъзоларини фош қилишга эмас, балки шаҳардаги яширин большевиклар ташкилотини топиб берувчи ипнинг учини ҳам топиб беришга мажбур этишга қаратилган эди. Ёшларнинг катталар раҳбарлиги остида ишлаб келаётганлигини ва Краснодар заговорининг маркази яширин большевиклар ташкилотида эканлигини жандармериянинг катта ва кичик амалдорларига кўпгина маълумотларгина эмас, ҳатто энг оддий мантиқ ҳам анчадан бери кўрсатиб турар эди.

Лекин Олегнинг райком билан қандай йўллар билан алоқа қилиб келганлигини Стахович аслида билмас эди. Стахович фақат

шундай алоқа борлигини айтиши мумкин эди. Катта ёшдаги кишилардан Кошевойларникига ким кўпроқ келиб туришини суриштира бошлаганларида Стахович ўзи билган ҳамма одамларни хаёлидан ўтказиб, Соколованинг номини айтди. Ишнинг дастлабки палласида, Стахович штаб аъзоси бўлиб турган вақтида, ундан кейинлари ҳам, бирон иш билан Олегникига келиб юрганларида, у Кошевойларникида ҳақиқатан ҳам кўпроқ Полина Георгиевнани учратиб юрарди. Авваллари Полина Георгиевнанинг келиб-кейтиб юришини «Ёш гвардия»нинг фаолиятига алоқаси йўқ деб юрарди. Лекин ҳозир, Олегнинг баъзан Полина Георгиевна билан таңҳо қолганларини ва у билан шипшиганларини эслаб, унинг номини айтди.

Калаванинг боши Соколовадан даставвал табиати оғир, камгап ва сирли туялган Лютиковга олиб келди. Қамоққа олинган Мошков билан Осьмухиннинг Лютиковнинг ҳеҳида ишлагани ҳам майстер Брюкнерга бежиз эмасдай бўлиб кўринди. Лютиковнинг таржимай ҳоли, Марказий устахонада бўлган диверсия ва авариялар ҳаммаси бир ерга тўпланди.

Бешинчи январь кунини эрта саҳарда Полина Георгиевна одади бўйича Филипп Петровичга сут олиб келди-да, Филипп Петрович «Ёш гвардия» номидан ўзи ёзган варақани кофточкасининг тағига қистириб чиқиб кетди. Варақада ёшларнинг қамалганлиги тўғрисида ҳеч нима дейилмаган эди. Бу варақа билан Филипп Петрович душманнинг ҳамласи нишонга бориб тегмаганини, «Ёш гвардия»нинг барҳаёт эканлиги ва ҳаракатини тўхтатмаганини кўрсатмоқчи эди.

Кечқурун ишдан қайтиб келса, Пелагея Ильиничнанинг ошхонасида хотини Евдокия Федотовна билан қизчаси Рая ўтирибди, улар Филипп Петровични кўриб кетгани хутордан келиб ўтиришган эди. Ҳақиқатан ҳам бу уйга шодлик қадам босиб кирган эди! Филипп Петрович кир кийимларини ечиб тозасини кийди, ювилган ва дазмолланган оқ сорочка кийиб, сур ранг йўлли тим кўк галстугини тақди, устидан Пелагея Ильинична тозалаб қўйган пиджагини кийди. Ясаниб олгач, хотиржам, меҳрибон ва таъби хуш бир ҳолда ўзининг энг яқин, жонажонлари билан қоронғи тушгунча, гўё ҳеч нарса бўлмагандай, ҳазиллашиб ва кулишиб ўтирди.

Филипп Петровичга ҳам ҳалоқат таҳдид солиб турганини у билармиди? Йўқ, буни у билмас эди ва била олмас эди ҳам. Лекин, у, бундай нарсанинг бўлиши мумкинлигини биларди, бунга

ўзини ҳамиша шайлаб юрарди, сўнгги вақтларда эса хавф-хатарнинг зўрайганини сезиб ҳам юрарди.

Кейинги вақтларда камгап Швейде Бараковга тобора кўпроқ ўшқирадиган бўлиб қолган, қутуриб ва газабланиб уни сабо-тажда айблар эди. Немис унинг изига тушмади деб ким айта оларди?

Бундан бир неча кун бурун кўмир ортилган тўртта арава кўмирни нонга алиштириб келиш баҳонаси билан яқин атрофдаги қишлоқларга кетган эди. Ишхона қўрасидан кўмир олиб чиқиб кетишнинг ўзи «янги тартиб»ни ҳаддан ташқари бузиш эди. Лекин Филипп Петрович билан Бараковнинг бундан бошқа чоралари йўқ эди, қулай фурсат кутишга ҳақлари ҳам йўқ эди: кўмирнинг остига, Митякино отрядига қўшилган Краснодар партизанлар группасига аталган яроғ-аслаҳа яширилган эди. Бу қалтис ва мардона ишга ҳеч ким эътибор бермайди, деб ким кафил бўла олар эди?

«Еш гвардия» аъзоларини душман бирин-кетин қамоққа олаётган эди. Бу ташкилотнинг бутун-бутун бандларининг қандай яширин сабаблар туфайли очилиб қолаётганини ким билар эди?

Кекса Филипп Петрович буларнинг барини билар ва англар эди. Лекин унинг чекинишга асоси йўқ эди, имкон ҳам қолмаган эди. Унинг қудратли ва бақувват руҳи бу ерда эмас, балки озодлик келтирувчи буюк армия билан биргаликда қирлар ошиб, даштлар кезиб, дарёлар кечиб юрар эди. Хотини билан, қизи билан нима тўғрида гапирмасин, гап нуқул қўшинларимизнинг гигант ҳужумига қайтиб келар эди. Айни бутун куч-қувватни тўплаб туриб ҳаракат қилиш пайти келганда у қандай қилиб фақат тахминларга қараб ўз постини ташлаб кета оларди? Қалбини ва руҳини эзиб келаётган қуллик ниқобини ташлаб, ўзининг соф виждонли юзини одамларга очиб кўрсатиши мумкин бўладиган куннинг етиб келишига саноқли ҳафталар, балки саноқли кунлар қолган эди!.. Башарти тақдир шу кунга етказмаганда ҳам, унинг ишини охиригача адо эта оладиган кишилар топилади. Бараков кабинетига бўлган тарихий суҳбатдан кейин оқ янги ва ишончли кишилардан «эҳтиёт шарт» деб иккинчи райком тузиб қўйилган ва ҳамма яширин адрес ва квартиралар шу янги райком аъзоларига билдирилган эди.

Филипп Петрович ясанган, хушчақчақ ҳолда ўтирарди, одатлагидан кўра меҳрибонроқ ва сергапроқ эди. Қизчаси отасидан кулиб турган кўзларини узмасдан қараб ўтирарди. Эри билан

бирга узоқ ҳаёт йўлини босиб ўтган, унинг кайфиятидаги ҳатто энг кичик ва сезилмайдиган оҳангларни ҳам билиб турадиган хотини Евдокия Федотовна аҳён-аҳёнда эрига хавотирланиб ва синчиклаб қараб-қараб қўяр эди, унинг бу қараши: «Сенинг бунчалик ясаниб олганинг, бу қадар вақтинг ҳушлиги менга ёқинқирамай турибди» дегандай эди.

Хотини ошхонага чиқиб, Пелагея Ильинична билан ундан-мундан гаплашиб қолганидан фойдаланиб, Филипп Петрович «Ёш гвардия» ташкилоти аъзоларининг қамалганини қизига айтиб бермай туролмади. Рая энди ўн тўртга қадам қўйган эди, «Ёш гвардия» деган ташкилот борлигини эшитган, отасининг ишларини ҳам пайқаб, отасига кўмакчи бўлишни орзу қилиб юрар эди-ку, лекин ундан сўрашга ботинолмас эди.

— Сизлар кўп ўтирманглар, тунашга барибир олиб қолмайман. Барибир дала-дашт билан кетасизлар, кечаси ҳеч ким кўрмайди,— дерди Филипп Петрович, овозини пасайтириб,— Ойингга, кета қолганимиз яхши, деб айтгин. Ойингга гап тушунтириш қийин, ўзинг биласан,— деди Филипп Петрович, истеҳзо билан кулимсираб.

— Ўзингдан хавфланаётибсанми?— деб сўради Рая ва ранги оппоқ оқариб кетди.

— Аниқ бирон хавф-ку, йўқ-ку-я. Лекин, биздақа кишиларни хавф-хатар доим пойлаб юради, мен бўлсам бунга ўрганиб қолганман,— бамайлихотир деди Филипп Петрович.

Қизи ўйланиб турди-да, сўнг ингичка қўллари билан отасининг бўйнидан қучоқлаб, юзини унинг юзига босди. Онаси кириб, уларга таажжубланиб қараб қолди. Филипп Петрович қизи билан хотинини ҳазил-мутойиба билан жўната бошлади. Оккупация вақтида улар бир-бирлари билан кўп марта кўришиб туришарди. Оила ишлари эрининг асосий ишига халақит берган вақтларда эрининг ранжишига Евдокия Федотовна ўрганиб қолган, унинг қачон ҳақли, қачон ноҳақлигини билолмас, ҳатто ўзига алам қилган вақтларда ҳам эрининг гапини қайтармас эди.

Яхши сақланган ва даэмолланган пиджак кийган забардаст гавдали эрини Евдокия Федотовна энди кўриб тургандай, бирдан тоза қирилган, лекин шундай бўлса ҳам тикондай соқоли ўса бошлаган юзидан ўпа бошлади, галстугининг қайси бир жойидан ҳам ўпди-да, бошини унинг кўксига қўйиб турди. Филипп Петрович юзининг пастки қисми титрай бошлади, хотинини секин ўзидан нари итарди-да, бир нима деб ҳазиллашди. Кўзла-

ридан ёш чиқиб турган қизи юзини бурди-да, ойсининг енгидан судрай бошлади.

Полина Георгиевна шу кеча қамалди. Олтинчи январь куни эрталаб эса Филипп Петрович билан Бараковни уйларида эмас, балки ишхонадан олиб кетдилар. Улар билан бирга ишхонадан бир неча ўнлаб киши қамоққа олинди. Филипп Петрович тахмин қилганидек, душманга далил бор-йўқлигининг аҳамияти йўқ эди; қамалганларнинг кўпчилигини ташкилотга ҳеч қандай алоқаси йўқ эди.

Володя қамалган куни ҳам, ишхонада ялпи қамоққа олиш куни ҳам Толя «Момақалдироқ» қамалмади. Иш тамом бўлишини зўрга кутди-да, Елизавета Алексеевна билан Люсяларни кетди. Бўлган воқеадан уларнинг хабарлари бор эди.

— Нега бунақа қиласан? Узингни ўзинг ҳалокатга элтаётганингни биласанми? Вақт борлигида кетсанг-чи...— деб хитоб қилди оналик ҳисси тўлиб-тошган Елизавета Алексеевна.

— Кетмайман,— деди Толя паст овоз билан.— Нега кетар эканман?— деб шапкасини силтади.

Йўқ, Володя турмада экан, у ҳеч ерга кета олмас эди.

Унга шу ерда ётиб қола қол дейишди. Лекин Толя қолмади, кетди. Болаларни қутқозиш учун қандай чоралар кўриш тўғрисида маслаҳатлашгани Витька Лукьянченконикига кетди. Тун маҳали эди, Толя полиция постларини анча наридан айланиб ўтиб борар эди. Узининг туғилиб ўсган шаҳрида Володядан, Земнухов, Мошков, Жора Арутюнянц ҳамда бошқа ўртоқларидан айрилган Толя ўзини жуда ёлғиз сезарди!.. Унинг қалбини ҳам умидсизлик, ҳам қасос туйғулари тўлдириб турар эди.

Саҳар пайтда Осьмухинлар уйининг эшигини алақим қаттиқ-қаттиқ қоқди. Елизавета Алексеевна довурак аёл эди, эшикни сўрамасданоқ бориб очди. Эшикни очди-ю, ҳайратда қолди. Эшикда яна ўша Толя Орлов турарди. Толя совуқотган ва шу даража ориқлаб кетган, даҳшатли ўт билан ёниб турган кўзлари шу қадар чўккан эдики, таниш қийин эди.

— Уқинг...— деди у ва Елизавета Алексеевна билан Люсяга гижимланган қоғоз узатди.

Улар ўқиб бўлганларича зўр аҳтирос билан дерди:

— Йўқ, ҳамма ҳақиқатни сизларга айтишим мумкин, айтишим керак ҳам... Буни Витя ўзи яшириб юрган бир ҳарбий кишидан олибди. Витя иккимиз кечаси билан шаҳарга ёпиштириб чиқдик. Партия райкомининг топшириғи билан. Бу варақани бугун ўнлаб кишилар ёпиштириб чиқди, буни бутун шаҳар.

ҳамма хутор ва посёлкадагилар ўқимоқдалар!— дерди Толя кучли эҳтирос билан ва гапдан тўхтай олмас эди, чунки наза-рида гапнинг энг муҳими қолиб кетаётгандай туюлар эди.

Лекин Елизавета Алексеевна билан Люся унинг гапини тингламасдан, ҳамон ўқимоқда эдилар:

«Краснодон граждандари! Шахтёрлар, колхозчилар, хиз-матчилар! Барча совет ақли Ога-ини ҳам опа-сингилларимиз!

Қудратли Қизил Армия мажақлаб ташлаган душман тумта-рақай қочмоқда! Қўлидан ҳеч нарса келолмай қолган йиртқич душман ҳеч гуноҳи йўқ кишиларни тутиб, одам ақли бовар қил-майдиган қийноқларга солиб азобламоқда. Разиллар шуни эсда тутсинки, биз бормиз, биз шу ердамиз! Совет кишиларининг ҳар бир томчи қони учун улар ўзларининг разил жонлари билан жавоб беражаклар! Бизнинг қасосимиз душманларимизнинг қалбини ларзага солсин! Душмандан қасос олингиз, душманни қирингиз! Қонга қон! Жонга жон!

Бизникилар етиб келмоқда! Бизникилар келмоқда! Бизни-килар келмоқда!

ВКП(б)нинг Краснодон яширин райкоми».

ЭЛЛИК ТУҶҚИЗИНЧИ БОБ

Қамоқлар бошланган дастлабки кунларда Уля уйда ётмай юрди. Лекин, бу қамоққа олишлар, Олег айтганидек, «Перво-майка» билан Краснодон посёлкасига тегмай ўтиб кетди. Шун-дан кейин Уля уйига қайтиб келди.

Бир неча кунгача бировларникида ётиб юрган Уля ўз уйи, ўз жойида уйғонди-да, оғир ўй-хаёллардан қутулиш учун жаҳд-жадал билан уй ишларига берилнб кетди: пол ювди, нонушта ҳозирлади. Қизининг уйга қайтиб келганидан севинган онаси ҳатто ўрнидан дастурхонга туриб келди. Отаси камгап, қош-қо-воғи солиқ эди. Кечалари Уля уйда ётмай, фақат кундуз кунлари ота-онасини кўргани ярим соат, бир соатга ёки бир нарса учун ров келиб кетиб турган кунларда Матвей Максимович билан Матрёна Савельевна бир-бирларининг юзига қарай олмас, ша-ҳарда бўлаётган қамашлар тўғрисида сўзлашар эдилар.

Уля бугунлай бошқа нарса тўғрисида гап очган эди, онаси хижолат аралаш қўшилди, лекин бу шундай сохта гап бўлдики, икковлари ҳам жим қолишди. Идиш-товоқни қачон йиғиштириб,

қачон ювиб-артганини ҳам билмас эди. Отаси рўзгор юмуши билан ташқари чиқиб кетди.

Узининг яхши кўрган оқ холли кўк одми кўйлагини кийиб олган Уля орқасини онасига ўгириб, деразадан қараб турар эди. Узун-узун қўнғир соч ўримлари елкасидан ингичка белигача тушиб турарди; яхи эриб тушган деразага уриб турган ёрқин қуёш нури чаккаларидаги таралмаган жингалак соч толалари орасидан кўриниб турарди.

Уля деразадан дала-дашт томонга қараб, қўшиқ айта бошлади. У, немислар келгандан бери сира ашула айтмас эди, кўрпада ёнбошлаб, ниманидир ямаб ётган онаси қизининг ашула айта бошлаганини эшитиб таажжубланди, ҳатто ишини ҳам бир четга суриб қўйди. Қизи кўкракдан чиқувчи эркин бир овоз билан она эшитмаган ашулани айтарди!

Жонажон ватаннинг шавкати учун
Бир оз хизмат қилдинг, хизматинг ҳалол...

Матрёна Савельевна бу сўзларни сира эшитмаган. Қизининг ашуласида қандайдир маъюслик, мотам оҳанглари эшитиларди.

Кўзгалар қудратли қасоскорлар,
Биздан кўра минг бора кучли улар...

Улянинг овози бирдан кесилди, у ҳамон дераза ёнида қимир этмасдан даштга қараб турар эди.

— Қанақа ашула айтдинг?— деб сўради онаси.

— Узим, шундай... Бир эсимга келиб-кетган ашула эди,— деди Уля, орқасига қайрилиб қарамасдан.

Шу онда эшик ланг очилди-да, Улянинг опаси ҳарсиллаб югуриб кириб келди. Опаси Улядан кўра тўлароқ, юзлари отасикинги юзи каби оқ эди, лекин ҳозир ранг-рўйи докадай оқариб кетганди.

— Поповларникига жандармлар келди!— деди у, ҳарсиллаб ва гўё баланд овоз билан гапирса Поповларникига эшигилади-гандай паст овоз билан шипшиб.

Уля қайрилиб қаради.

— Шунақами! Улардан узоқроқ юриш керак,— деди Уля ҳамон ўша қиёфа билан ва хотиржам бир оҳангда. Эшик ёнига келиб шөшилмасдан пальтосини кийди, бошига рўмол ўради. Лекин шу онда қулоғига эшик олдидан эшитилган оғир ботинкаларнинг дупури чалинди. Уля қишлоқ уст-бошлар устига ёпиб

қўйилган рангдор пардага ўзини олди-да, юзини эшик томонга буриб турди.

Шу гулдор парда ёнида турган қизининг юзи, пириллаб учиб турган бурун учлари, кўзларидан сочилиб турган нурни гўё ўчирмоқчи бўлиб турган узун киприклари, боғлаб улгурмаган, лекин бошига ташланган оқ рўмоли умрбод онанинг эсида қолди.

Уйга полиция бошлиғи Соликовский, унтер Фенбонг ҳам қуроли солдат кириб келди.

— Ана, маликанинг ўзгинаси!— деди Соликовский.— Қочиб кетолмадингми? Ай-я-яй...— деди у, Улянинг пальтоли ва рўмоли елкасидан тушиб турган сарв қомагига назар ташлаб.

— Вой чироғларим! Тасаддуқларинг кетай!— деб ув торта бошлади она, ўрнидан туришга уриниб. Уля бирдан онасига ғазабли кўзлари билан бир ўқрайиб қараган эди, онасининг дами ичига тушиб кетди. Унинг ияги дағ-дағ титрар эди.

Тинтув бошланди. Ота эшикни очиб кирмоқчи бўлган эди, солдат киритмади.

Шу пайтда Анатолийларникида ҳам тинтув бўлмоқда эди. У ерда тинтувни герговчи Кулешов олиб бормоқда эди.

Анатолий уйнинг ўртасида бошяланг, пальтосининг олди очиқ турарди, немис солдати унинг қўлларини орқасига қилиб маҳкам ушлаб турарди. Полицай ҳадеб Таисья Прокофьевнага ҳамла қилиб:

— Арқон олиб кел, сенга айтяпман!— деб ўшқирарди.

Барваста, ғазабидан юзлари қип-қизариб кетган Таисья Прокофьевна:

— Жинни-пинни бўлганмисан, ўз фарзандимни боғлаш учун сенга арқон келтириб берайми?— деб қичқирарди.

— Кел, ойи, арқон келтириб бера қол, кўп ҳам акиллай бермасин,— дерди Анатолий, бурни билан пишқириб,— булар олти киши-ку, қўли боғланмаган бир кишини қандай олиб кетишади?..

Таисья Прокофьевна йиглаб юборди, даҳлиздан арқон келтирди-да, ўглининг оёғи тагига ташлади.

Уляни умумий камерага қамадилар, бу ерда Марина кичкина ўғли билан, Мария Андреевна Борц, Тюлениннинг опаси Феня, «Ёш гвардия»чилардан эса Стаховичнинг бешлигида бўлган юзи оппоқ, хом семиз, кўкраги катта Аня Сопова деган бир қиз бор эди. Аня Сопова шу даража калтакланган эдики, ҳатто ётолмас эди ҳам. Камерани бегона кишилардан бўшатишди ва кеч киргунча первомайкалик қизлар билан тўлди. Булар орасида

Майя Пегливанова, Саша Бондарева, Шура Дубровина, опсингил Лиля ҳам Тоня Иванихиналар ва бошқалар бор эди...

Камерада на койка, на сўри бор эди, қизлар ва аёллар ерга жойлашишди. Камеранинг ичи одамга шу қадар тиқилиб кетган эдики, музлаб ётган деворлар эрий бошлаб, шипдан бетўхтов чакка томиб турди.

Қўшни камера ҳам катта бўлиб, афтидан, у ерга ўғил болалар қамалган кўринарди. У камерага тинмай одам келиб туради эди. Уля: «Камераларингда кимлар бор?» деб девор қоқа бошлаган эди, «Сўраётган ким?» деб сўрашди у камерадан. Уля отини айтди. Унга Анатолий жавоб берди. Қўшни камерада первомайкалик болаларнинг кўпчилиги жойлашган эди: Виктор Петров, Боря Главан, Рагозин, Женя Шепелев, Сашка Бондареванинг укаси Вася,— буларнинг ҳаммасини бир вақтда қамоққа олган эдилар. Модомики шундай бўлган экан, Первомайкалик болаларнинг қўшни камерада эканлиги қизларнинг қалбини бир оз бўлса ҳам иситар эди.

Девор тагида ўтирган бир тўда қизлар олдида турган оёқлари узун, юзи ёш болаларниқига ўхшаган Тоня Иванихина:

— Мен қийновдан жуда қўрқаман,— деб очиқ иқрор бўлар эди.— Улсам ўламан, лекин ҳеч нарса айтмайман-ку, лекин жуда-жуда қўрқаман...

— Қўрқишнинг кераги йўқ: бизникилар яқин, балки турмадан қочиш иложини ҳам топармиз!— деди Саша Бондарева.

— Қизлар, сизлар ҳеч ҳам диалектикани билмас экансизлар...— дея бошлаган эди Майя, ҳамманинг юраги эзилиб турган бўлишига қарамай, қизлар бирдан кулиб юборишди: турмада бундай сўзларни эшитишнинг ўзи ғалати эди.— Албатта-да! Ҳар қандай оғриққа ҳам чидаш мумкин!— дерди Майя, пинагини бузмасдан.

Кечга бориб турма жимиди. Камеранинг шипига осилган ва сим тўр тўсилган электр чироқ хира ёнар, ҳатто камеранинг бурчакларини ҳам эритмас эди. Аҳён-аҳёнда узоқдан немисларнинг кимнидир чақиргани эшитиларди. Кимдир камера ёнидан дукиллаб ўтади. Баъзан бир неча кишининг коридордан ўтиши ва қурулнинг шарақ-шуруқи эшитилиб қолади. Бир маҳал ҳаммалари бирдан сапчиб ўринларидан туриб кетишди, чунки аллакимнинг даҳшат билан чинқириб юборгани эшитилди,— овоз эркак кишининг овози бўлганидан, янада даҳшатлироқ эди.

Уля ўғил болалар камераси деворини қоқди:

«Сизларнинг камераларингдан эмасми?»

У ердан:

«Йўқ, катталар камерасидан...»— деб жавоб беришди,— улар катта ёшдаги подпольечиларни ўз тилларида шундай деб атар эдилар.

Лекин қўшни камерадан бир кишини олиб ўтиб кетганларини қизларнинг ўзлари эшитиб қолишди. Шу ондаёқ, у томондан девор қоқила бошлади:

«Уля... Уля...»

Уля жавоб қайтарди.

«Мен Викторман... Толяни олиб кетишди...»

Уля, Анатолийнинг чеҳрасини, ҳамиша жиддий кўринадиган, лекин бирдан очилиб, нур сочувчи кўзларини тасаввур этди-да, унинг бошига нималар тушиши мумкинлигини ўйлаб, юраги шув этиб кетди. Лекин худди шу пайтда қизлар камерасининг қул-фига калит солингани эшитилди, эшик очилди, дағал бир овоз:

— Громова!..— деб чақирди.

Унинг эсида қолгани шу... Олдин бирмунча вақт Соликовскийнинг қабулхонасида кутди. Кабинетда бир кишини калтаклаб қийнаётган бўлсалар керак. Қабулхона диванида Соликовскийнинг малла сочлари сунъий жингалак қилиб ўрилган, қўлида сават кўтарган хотини эрини кутиб ўтирар эди, ёнида сочлари пахмоқ кичкина бир қиз олма солиб пиширилган сомса еб ўтирарди. Эшик очилди-ю, кабинетдан Ваня Земнуховни олиб чиқишди, унинг шишиб кетган юзини одам таниб бўлмас эди. Ваня ўзини Уляга уриб олишига сал қолди. Уля қичқириб юборишдан зўрга ўзини тутди.

Сўнгра унинг Соликовский билан майстер Брюкнер олдида тургани эсида, Брюкнер, эҳтимол нечанчи марта такрорлаши бўлса керак, Уляга қандайдир бир савол берди. Урушдан олдинлари клубда бирга танца қилиб юрган ва Уляга хушомад қилиб юрган Шурка Рейбанд ўзини эндиликда Уляни ҳеч танимаганга солиб, Брюкнернинг саволини таржима қилди. Лекин Уля, унинг гапини аниқ эшита олмади, чунки нима деб айтишини қамалмасдан илгарийёқ ўйлаб қўйган эди. Шунинг учун совуқ-қина жавоб қилди:

— Ҳеч қандай саволга жавоб бермайман, чунки сенларни мени суд қилишга ҳаққинг йўқ деб биламан. Мени нима қилсанглар қилинлар, лекин ортиқ сира гапирмайман...

Майстер Брюкнер ҳам, шу кейинги кунларда бундай жавобни кўп марта эшитган бўлса керак, жаҳди чиқмади-да, фақат бармоқларини ўйнатаиб туриб:

— Фенбонг олдига олиб чиқилсин!..— деди.

Унга қийнов азоби эмас,— у ҳар қандай огриқ ва қийновга бардош бера оларди, у ҳатто қачон урганларини ҳам билмас эди,— лекин ҳаммадан ҳам уларнинг унга ёпишиб ечинтира бошлаганлари даҳшатли эди; Уля, уларнинг қўлларини ўз баданига тегизмаслик учун, шулар олдида ўзи ечина бошлади...

Уляни камерага қайтариб олиб кетишгаётган маҳалда Анаголий Поповни рўпарадан қўлда кўтариб олиб ўтишди. Анатолийнинг боши осилиб тушган, қўллари ерда судралиб борар, оғзининг бир бурчагидан қон оқмоқда эди.

Камерага кираётганида ўзини тута билиши кераклигини Уля биларди, балки ўзини тута билгандир ҳам. У камерага кираётганда, уи олиб келган полицай:

— Иванихина Антонина!..— деб қичқирди.

Уля Тоня билан эшикда тўқнашди, Тоня унга даҳшатли ва меҳрибон кўзлари билан қарар эди. Улянинг кетидан эшик ёпилиб, қулф солинди. Лекин шу онда ёш боланинг чинқирган овози бутун турмани босиб кетди,— бу товуш Тонянинг товуши эмас, қандайдир бошқа бир қизчанинг товуши эди.

— Улар менинг кичигимни олиб кетишди!— деб қичқириб юборди Маря Андреевна Борц ва ўзини эшикка, йўлбарсдай ташлаб, эшикни ура ва қичқира бошлади:— Люся!.. Улар сенга чангал солишди, кичкинагинам!.. Очинглар! Очинглар дейман!..

Маринанинг ўгли уйғониб, йиғлай бошлади.

ОЛТМИШИНЧИ БОБ

Шу кунларда Любкани Ворошиловградда ҳам, Каменскда ҳам, Ровенькида ҳам кўришган, бир куни ҳатто қамал қилинган Миллеровога ҳам бориб қолган. Душман офицерлари ўртасида орттирган танишларн ҳозир жуда кўп эди. Чўнтаклари ҳадя қилинган печенье, конфет, шоколадлардан ҳеч аримасди, ўзи ҳам кимни учратса, ҳаммага улашиб бериб кета берар эди.

Бефарво ҳамда ниҳоятда довюрраклик билан, юзида болаларга хос табассум акс этган, баъзан даҳшат акс этиб қолувчи кўк кўзларини қисгани қолда, хавф-хатарнинг энг қалтис жойларидан бемалол юра берар эди.

Бу сафар Ворошиловградга борганида у, ўзининг бевосита раҳбарц билан яна учрашди. Бу киши, шаҳарда немисларнинг

жуда қутириб кетганини айтди. Үзи эса квартирасини кунда янгилаб турар экан. Юзларига сув тегмаган, соқоллари ўсиб кетган, кўзлари уйқусизликдан қизариб кетган эди, лекин фронтдан келиб турган хабарлардан жуда хурсанд эди. Унга немисларнинг яқин атроподаги резервлари, таъминотлари, айрим ҳарбий қисмлари тўғрисида,— хуллас бир талай маълумот керак экан.

Любкага яна ўша интендант полковниги билан учрашишга тўғри келди ва шундай бир ҳолатга дуч келдики, сал бўлса қўлга тушарди. Юзи салқи ва бақбақалари осилиб тушган полковник бошчилигидаги бутун интендантлик бошқармаси Ворошилограддан тумтарақай қоча бошлаган эди. Шу сабабдан, ичган сари шиша каби қотиб борувчи полковникнинг ҳам, бошқа офицерларнинг ҳам таъби ниҳоятда хира эди.

Любка шунинг учун омон қолдики, улар жуда кўпчилик эди. Улар бир-бирларига халал берар, уришар ва жанжаллашар эди. Любка ахийри қўзиқоринга ўхшаган қизча турган ўзининг эски квартирасига бир амаллаб етиб олди. Ҳанузгача бир нарса-нинг илинжида юрган лейтенант унга бир банка варенье тақдим этган эди. Любка уни ҳам кўтариб кела берди.

Любка шифти баланд, муздек совуқ уйда ечиниб, кўрпага кириб олди. Худди шу пайтда эшикни аллаким жон-жаҳди билан қоқа бошлади. Любка бошини кўтариб қулоқ солди. Қўшни хонада ётган қўзиқоринга ўхшаган қиз ва унинг онаси уйғонишди. Эшикни худди уриб тешиб юборадигандай қоқишар эди. Любка лип этиб кўрпадан чиқди,— уй совуқ бўлгани учун лиф ҳамда пайпоқларини ечмай ётган эди,— оёғига туфлиларини илди-да, кўйлагини кийди. Уйнинг ичи қоп-қоронги эди. Юраги така-пука бўлиб кетган уй бекаси даҳлиздан туриб ким деб сўрар, унга қўпол овоз билан дўқ уриб жавоб беришар эди,— улар немислар эди. Любка, офицерлар ичиб маст бўлгану, энди менинга келишган деб ўйлаб саросимага тушиб қолди.

Нима қилишини ҳали ўйлаб ҳам бўлгани йўқ эдики, унинг хонасига таг чармлари қалин оғир ботинка кийган уч киши полни гурсиллатиб кириб келди ва улардан бири Любканинг юзига электр фонарини тутди.

— Zicht¹— деб қичқирди аллаким ва унинг овозидан лейтенант эканлигини фаҳмлади.

Ҳа, буларнинг бири ўша лейтенант билан икки жандарм

¹ Чироқ!

эди. Уй бекаси эшик орқасидан туриб жинчиروق узатди, лейтенант шу жинчиروقни бошидан баланд кўтариб Любкага қараганда, афти-башараси газабдан буришиб-қуришиб кетганди. Лейтенант жинчиروقни жандармнинг қўлига тутқизди-да, кучининг борича Любканинг юзига тарсаки урди. Кейин дастпанжаларини кериб, гўё бир нарсани ахтаргандай каравст бошида турган столдаги туалет-пардоз асбобларини титкилай бошлади. Дастрўмол остида ётган кичкина нағма ерга тушиб кетган эди, газаб ичида пошнаси билан босиб мажақлаб ташлади.

Жандармлар бутун уйни тинтидилар, лейтенант эса кетди. Жандармларни у бошлаб келмаганини, балки жандармлар Любкани лейтенант орқали қидириб топганларини Любка англади: бирон ерда бирон сир очилган, лекин қандай сир очилганини Любка била олмас эди.

Квартира бекаси ва унинг қўзиқоринга ўхшаган қизи кийиниб чиқишди ва совуқда жунжиб, тинтувни кузатиб туришди. Тўғриси, тинтувни онаси кузатиб турарди, қўзиқорин эса жуда қизиқиб кўзларини Любкадан узмасдан қараб турар эди. Энг кейинги дамда Любка қўзиқоринни қаттиқ бағрига босди-да, юзидан иссиқ-иссиқ ўпди.

Любкани Ворошиловград жандармериясига олиб келдилар. Мансабдорлардан бири ҳужжатларини кўздан кечирди-да, тилмоч воситаси билан унинг ҳақиқатан ҳам Любовь Шевцова эканлигини ва қайси шаҳарда истиқомат қилишини сўради. Сўроқ вақтида бир бурчакда бир ўсмир бола ҳам ўтирганди, унинг юзини Любка яхшилаб кўролмади. Бола тек туролмай нуқул типирчиларди. Любканинг кўйлак ва бошқа турли буюмлар солинган чамадонини тортиб олиб, фақат майда-чуйда нарсаларни, вареньесини ва баъзан бўйнини ўраб юргувчи катта гулдор рўмолини қолдиришди, нарсаларни тугиб олиш учун рўмолни Любканинг ўзи сўраб олди.

Устидаги ярқироқ крепдешин кўйлаги ва упа-элик ҳам бир банка варенье солиб тугилган тугуни билан Любка кундуз кунни, тергов кетаётган маҳалда, первомайскликлар камерасига кириб келди.

Полицай эшикни очди-да, Любкани ичкари итариб:

— Мана, ворошиловградлик артисткани ҳам қабул қилинглар!— деди.

Юзи совуқдан қизарган, чақнаган кўзлари қисик Любка, камерадагиларни бирма-бир кўздан кечирди-да, Уляни, Маринани ва унинг ўғлини, Саша Бондаревани ва ўзининг қамма ўр-

тоқларинн кўриб, бирдан юзининг қизили кетиб, ранги оппоқ оқариб кетди.

Любиа Краснодон авахтасига келтирилгунча авахтанинг ичи «ёш гвардиячи»лар, уларнинг қавм-қариндошлари ва ўртоқлари билан шу қадар тўлиб кетган эдики, болалик хотинлар коридорларда турарди, бунинг устига, Краснодон посёлкаси группасининг ҳамма аъзоларини ҳам шу ерга жойлаштириш керак эди.

Шаҳарда ҳамон қамоққа олишлар давом этарди, булар ҳамон Стаховичнинг иқрор бўлишлари касрига қолганлар эди. Кийноқ азобидан чарчаган ҳайвон даражасига бориб етган Стахович ўз ўртоқларининг номини айтиб шунга бир нафас ҳордиқ сотиб оларди, лекин унинг ҳар галги хоинлиги уни янги ва янги азобларга соларди. Гоҳ бирдан Ковалёв билан Пирожок воқеасини эслаб қолар, гоҳ Тюлениннинг қадрдон ўртоғи борлигини хотирлар эди, гарчи у боланинг фамилиясини билмас-да, лекин унинг ранги-рўйини, «Шанхай»да туришини билар эди.

Бирдан Стаховичнинг эсига Осьмухиннинг Толя Орлов деган ўртоғи келиб қолди. Шундаш кейин беҳад қийновга солинган Володя билан суяги қаттиқ, жасур «Момақалдироқ» майстер Балдернинг кабинетида юзма-юз турар эдилар.

— Йўқ, бу одамни биринчи кўришим,— деди Толя секин.

— Йўқ, сира танимайман бу кишини,— деди Володя.

Стахович, Земнуховнинг Нижне-Александровскда турувчи маъшуқасини эслаб қолди ва бир неча кун ўтар-ўтмас ўзига ўхшамай кетган Земнухов, кўзлари хиёл ғилайроқ Клава билан юзма-юз, майстер Брюкнер олдида турарди. Клава паст овоз билан:

— Йўқ... бир вақтлар бирга ўқиган эдик, уруш бошлангандан бери кўришмаймиз. Мен қишлоқда тураман...— дерди.

Земнухов эса чурқ этмасди.

Краснодон посёлкаси группасининг ҳамма аъзоларини посёлка авахтасида сақлар эдилар. Группани очиб берган Лядская ташкилотда кимнинг қандай роль ўйнаганини билмас эди, лекин масалан, Лида Андросова билан Коля Сумской ўртала-ридаги муносабатни билар эди,— Лида Сумскойни яхши кўриб юрарди.

Ияги ўткир, юзи тулкинамо, кўҳликкина Лида Андросовани, Сумскойчинг ташкилотдаги ролини айтиб берасан деб, милтиқ тасмаси билан урар эдилар. Лида Андросова ҳар тушган

зарбни овозини чиқариб санар эди-ю, лекин бирон нарсани ҳам айтиб бермади.

Катталар ёшларга таъсир ўтказмасин деб, катталарни бошқа жойда сақлар ва улар ўртасида бирон алоқа бўлишига йўл қўймас эдилар.

Лекин жаллодларнинг ҳайвоний фаолиятининг ҳам чегараси бўлади. Чинниққан большевикларгина эмас, ҳатто қамоққа олинган «ёш гвардиячи»ларнинг биронтаси ўзининг ташкилотга мансуб эканлигига иқрор бўлмади ва ўртоғини сотмади. Ҳали ёш бола деса бўладиган ювга яқин ўсмир ва қиз болаларнинг тарихда мисли кўрилмаган матонати бора-бора уларни бегуноҳ қамалганлар орасидан, қамоқдаги ота-оналари ҳам яқин кишилари орасидан ажрата бошлади. Немислар, ўз вазиятларини осонлаштириш учун, қамоққа тасодифан тушиб қолганларни ва гаров тариқасида ушланган ота-оналарни бирин-кетин чиқариб юбора бошладилар. Чиқариб юборилганлар орасида Кошевой, Тюленин, Арутюнянц ва яна бошқаларнинг ота-оналари бор эди. Мария Андреевна Борцни ҳам қўйиб юборишди. Кичкина Люсяни ундан бир кун олдин чиқариб юборишган эди, кичик қизининг ҳам турмада эканлигини сезиб турган оналик сезгисининг тўғри чиққанини Мария Андреевна фақат уйга қайтиб келганида билди. Жаллодлар қўлида эди Лютиков билан Бараков бошчилигидаги бир группа катта ёшдаги подполчилар ҳамда «Ёш гвардия» ташкилотининг аъзолари қолган эди.

Қамалганларнинг қавм-қариндошлари, ота-оналари эртадан кечгача авахта биноси олдида тўпланишиб турар, авахта ичига кириб кетаётган «полицай»лар ва немис солдатларининг энгларидан ушлаб, ичкаридагиларга совға-салом ё бирон егулик кiritиб беришларини илтимос қилар эдилар. Уларни авахта ёнидан ҳайдашар эди, улар яна тўпланишар, ўтган-кетганлар ҳам уларга қўшилишиб, оломон тобора кўпайиб бора берар эди. Баъзан тахта девор орқасидан азобланганларнинг дод-фигонлари эшитилиб қоларди, уларнинг овози кўчада эшитилмасин деб, эртадан-кечгача патефон қўйишарди. Бутун шаҳар ғовур-гувур, авахта ёнига бориб келмаган одам қолмаган эди. Шундан сўнг майстер Брюкнер, қамалганларга келтириладиган озиқ-овқатни қабул қилиш ҳақида буйруқ беришга мажбур бўлди. Шундан кейин Филипп Петрович билан Бараков, ўзлари тузган район комитетининг барҳаёт эканлигини ва ишлаб турганини, «катталар»ни ва «кичкиналар»ни қутқазиш чораларини кўраётганини билишга муяссар бўлишди.

Энг ваҳший, энг қабиҳ немис оккупацион турмаси шароитларида ётган болаларнинг ҳаёти нақадар ғайри табиий бўлмасин, улар бу шароитда яшаб келаётганларига икки ҳафтача бўлиб қолган эди; уларнинг танлари ва руҳлари шу қадар таҳқир остида қолган бўлса-да, ёшларнинг бора-бора турмага хос, ўз ҳаёти вужудга келиб, улар инсонларга хос севги, дўстлик ҳис-туйғулари билан яшар, ҳатто ўзларининг ўйин-кулги одатларини ҳам қилиб турар эдилар.

— Қизлар, варенье ейсизларми?— дерди Любка, камеранинг ўртасига ўтириб олиб ва тугунини еча туриб.— Аблах! Нағмани босиб синдирди-я! Нағмасиз энди нима қиламан?

— Ошиқма, улар ҳали сенинг елкангда кўп нағма чалади,— куйиниб, фиғони чиқиб дерди Шура Дубровина.

— Билмайсанми, мен Любка бўламан-а! Сен ҳали, улар мени урганда йиғлайди ё чурқ этмай ўтиради деб ўйларсан! Ҳеч-да! Мен уларни ҳақорат қиламан, бақираман, «А-а-а!.. Аҳмоқлар! Любкани нега урасизлар?» деб бақира бераман,— дерди Любка.

Қизлар кулишарди.

— Рост айтади, қизлар, нега ҳам нолиймиз? Бунинг кимга фойдаси бор! Биздан ҳам қайтангга ота-оналаримизга қийин. Бизнинг аҳволимизни у бечоралар билмайди ҳам. Уларнинг бошига ҳали не-не кулфатлар тушаркин!..— дерди Лиля Ивановна.

Кулча юзли, оппоққина Лиля Ивановна концлагерларда кўп нарсаларга кўниккан бўлса керак, ҳеч нолимас, ҳамманинг дардига дармон, жонига ором бўлар эди, бутун камеранинг жони эди.

Кечқурун Любани майстер Брюкнер олдига сўроққа олиб кетишди. Сўроқ ғайри оддий сўроқлардан эди: унда жандармерия ҳам полициянинг ҳамма бошлиқлари ҳозир эди. Любкани урмадилар, аксинча, аврадилар, у билан хушмуомилада бўлдилар. Ўзини босиб олган ва ҳамма ишнинг немисларга маълум эканлигидан беҳабар Любка, ўзининг эски одати бўйича шўхлик қилар, кулар ва ўзини уларга нима кераклигини билмасликка солар эди. Унга агар радиопередатчик билан шифрни ҳам айтиб берсанг, қайтангга ўзингга яхши бўлади, деб шама қилар эдилар.

Любкада радиопередатчик борлигини улар фақат гумон қилар эдилар, лекин бирон аниқ далиллари йўқ эди, шундай бўлса-да, радиопередатчик борлигига сира шак-шубҳа қилмас эди.

лар. Любканинг ташкилотга мансуб эканлигини билгандан кейин унинг нега шаҳарма-шаҳар кезиб юрганини, немислар билан яқин алоқада бўлганини аниқлаш қийин эмас эди. Облаstda бир неча радиопередатчик ишлаб тургани ҳақида немисларнинг контрразведкасида маълумот бор эди. Любкани Ворошиловград жандармериясида сўроқ қилганларида уйнинг бир бурчагида ўтирган йигитча Любканинг ҳамкурс ўртоқларидан бирининг шериги эди, Любканинг махфий курсда ўқиганини шу йигитча тасдиқлаган эди.

Любкага, иқрор бўлсанг ўзингга яхши дейишди-да, камерага қайтариб юборишди.

Онаси бир тугун егулик юборган эди. Любка ерга ўтирди-да, тугунни икки оёғи ўртасига қўйиб, ичидан қоқ нон, тухумларни олар ва бошини чайқаб:

Любахон-Любахон, жоним Любахон,
Боқолмайман сени мен, ҳеч иложим йўқ.

деб ашула айтиб ўтирарди.

Овқатни келтирган полицайга:

— Ойимга айт, Любка соғ-саломат дегин, боршчдан мўроқ келтирсин, айт!— деди-да, қизларга қараб:— Кизлар, ёпирил ҳамманг!— деб кичқирди.

Ахийри Любка Фенбонгнинг қўлига тушди, роса уришди, қийнашди, лекин Любка айтганини қилди: у шундай сўкинар ва бақирар эдикн, унинг овози авахта ичидагина эмас, балки кўчада ҳам эшитилар эди:

— Аҳмоқ!.. Аҳмоқ кал!.. Итвачча!..— Бу, Фенбонгга қаратиб айтилган ҳақоратларнинг энг юмшоғи эди.

Кейинги сафар майстер Брюкнер ҳамда Соликовский ҳузурнда Фенбонг уни электр симидан қилинган хивич билан урганда Люба лабларини қаттиқ тишлаб ётса ҳам, кўз ёшини туга олмади. Камерага қайтиб, индамасдан қорнини ерга бериб, бошини икки кифтига тираб, юзини беркитиб ётди.

Уйдан келтирилган ва буғдой ранг юзига ўтиришган оқ тўр кофта кийган Уля камеранинг бир бурчагида ўтириб атрофини ўраб олган қизларга «Биби Магдалина монастирининг сирлари» деган китобни мароқ билан гапириб берар эди. У энди ҳар кунни уларга қнэиқ-қизеиқ воқеаларни давоми билан айтиб берар эди, ҳозиргача улар: «Сўна», «Муз уй», «Қиролича Марго» деган китобларни эшитиб бўлган эдилар.

Камерани шамоллатиш учун эшик очиб қўйилган эди. Эшикнинг рўпарасида курсида ўтирган рус полицаи «Монастирь сирлари»ни тинглаб ўтирар эди.

Бир оз ўзига келгач, Любка туриб ўтирди; Улянинг ҳикоясига бефарқ қулоқ солиб ўтирди-да, кейин бир неча кундан бери туролмай ётган Майя Пегливановага кўзи тушди. Бирикова, Майя Пегливанова бир вақтлар мактаб комсомол ташкилотининг секретари бўлган деб айтган, шунинг учун Майя Пегливановани бошқаларга қараганда кўпроқ азоблар эдилар. Любканинг кўзи шу қизга тушиб, унинг қонмаган интиқом ҳислари яна авж ола кетди.

— Саша... Саша...— деб секин чақирди Любка, Улянинг атрофини ўраб ўтирган қизлар орасидан Бондаревани.— Нима бало, болалар жим бўлиб қолишди-я...

— Ҳа-я...

— Ё руҳлари тушиб кетдимикин?

— Ҳарна бўлса-да, уларни кўпроқ қийнашади-да,— деди Саша ва хўрсинди.

Табиати ҳам, овози ҳам эркак болаларникига ўхшаб кетадиган Саша Бондареванинг мулойим, қиз болалик хусусиятлари турмада бирдан очилиб кетиб, энди шундан худди хижолат тортиб уялиб юргандек бўларди.

— Кел, уларнинг бир оз кайфини очайлик,— деди Любка, бир оз жонланиб.— Ҳозир уларнинг карриктурасини ясаймиз.

Любка бир парча қоғоз билан бир томони кўк, бир томони қизил кичкина қалам топиб, икковлари,— Любка билан Саша, қоринларини ерга бериб ётишди-да, карриктуранинг мазмунини шивирлашиб муҳокама қила бошлашди. Сўнгра кулиша-кулиша бир-бирлари билан қалам таллашиб, бурни катталигидан боши пастга эгилиб тушган, икки букчайиб, бурни полга етган ориқ боланинг расмини солишди. Боланинг, расмини кўкка бўяб, юзини оқ қолдиришди, бурнини қизилга бўяб, тагига:

Эй, йигитлар, қовоқ солиб қолибсиз,
Нега бошингизни қуйи солибсиз?

деб ёзишди.

Уля ҳикоясини тамомлади. Қизлар ўринларидан туришиб, кериша-кериша тарқалишди, баъзилари Любка билан Саша ёнига келяшди, карриктатура қўлдан қўлга ўта бошлади. Қизлар кулишди:

— Хор бўлиб ётган талант бу ерда экан-ку!

— Буни уларга қандай узатсак экан, а?

Любка қоғозни олди-да, эшик олдига келди.

— Давидов!— деди у, полицайга кибрли овоз билан,— ма, болаларга уларнинг суратини киритиб бер!

— Қоғоз-қаламни қаердан оласизлар, қайронман! Худо ҳақи, бошлиқларга бориб айтаман, бир ҳаммаларингни тинтув қилсин!— қош-қовоғини солиб деди «пolicай».

Шу топда коридордан ўтиб кетаётган Шурка Рейбанд эшик олдида турган Любкани кўриб қолди.

— Хўш, ишлар қалай, Люба? Ворошиловградга қачон кетамиз?— деди, Любкага хушомад қилиб.

— Мен сен билан бормайман... Йўқ, майли, бораман, агар мана буни болаларга киритиб берсанг. Биз уларнинг расмини солган эдик...

Рейбанд каррикутурага қаради-да, нурсиз шиша каби юзида жилмайиш пайдо бўлди, қоғозни Давидовга бериб:

— Киритиб бера қол, зарари йўқ...— деди ва йўлида давом этди.

Рейбанднинг бошлиқлардан энг каттасига яқин эканлигини билган ва ҳамма полицайлар каби унга хушомад қилиб юрадиган Давидов, бир сўз демасдан, болалар камерасининг эшигини қия қилиб очди-да, қоғозни ичкарига ташлади. Ичкаридан бирдан кулги овозлари эшитилди. Бир оздан сўнг девор қоқилди.

— Сизларга шундай туюлгандир, қизлар, бизнинг уйда туврувчи аҳолининг кайфи жойида... Вася Бондарев гапиради... Синглимга салом...

Саша, ётадиган жойининг бош томонида турган шиша банкани (онаси сут юборган эди) олиб, девор ёнига югуриб келди-да:

— Вася, мени эшитяпсанми?— деб қоқди.

Кейин банканинг орқасини деворга қадаб туриб, оғзини банканинг ичига тиқди-да, акасининг энг яхши кўрган ашуласи «Сулико»ни куйлай бошлади.

Лекин, ашулани айта бошлаши билан, ашула сўзлари ўтмиш хотираларини хаёлга келтира бошлаган эди, Саша ўксиди-да, у ёғини айтолмади. Унинг ёнига Лиля келиб, қўлларидан силаб ва сокин ҳам меҳрибон овоз билан:

— Кўй, бўлди... Узингни бос...— дея бошлади.

— Шу шўртанг сув оққанини ўзим ҳам ёмон кўраман!..— деди Саша асабий равишда кулиб.

Соликовскийнинг:

— Стахович олиб келинсин!— деб бақирган овози бутун коридорда эшитилди.

— Яна бошланди...— деди Уля.

Полицай эшикни тақ этиб ёпди-да, кулфлаб қўйди.

— Уни эшитмаган яхши,— деди Лиля.— Улечка, менинг муҳаббатимни ўзинг биласан-ку, «Иблис»дан пича ўқиб бер. Эсингдами, ҳув анови бир марта ўқиб берганинг?..

Уля қўлини кўтарди-да:

— ... Одам недир?— Ҳаёт, меҳнат не?..

дея ўқий бошлади.

Улар юрар, улар асло қайтмас..

Адолат хукмига умид бор.

Дилимда аламин оташи сўнмас,

Аламин ўзимдай мангу барқарор.

Алам ўти сўнмас ҳатто қабримда,

Елқини илоннинг тилидай ўткир.

Янчилган умидлар, вҳтиросларнинг

Фикримни эзувчи тошидай огир..

Қизлар қалбини бу сатрлар не-не ларзаларга солмади! Бу сатрлар уларга гўё: «Бу — сиз тўгрингизда, сизларнинг ҳали туғилмаган ҳисларингиз, барбод этилган умид-тилақларингиз ҳақида!» дегандай туюларди.

Уля, дostonнинг Тамаранинг гуноҳқор жонини фаришта олиб қочган ерини ҳам ўқиб берди. Тося Иванихина деди:

— Ана, кўрдиларингми, ахир фаришта қутқариб кетди-ку! Қандай яхши!..

— Йўқ!— деди Уля. Достон ўқиганида кўзларида ёниб турган ўт ҳамон сўнмаган эди.— Йўқ!.. Мен бўлсам иблис билан учиб кетардим... Уэларинг ўйлаб кўринглар, ахир у худога қарши исён кўтариб чиқди!

— Бизнинг халқимизни ҳеч кимса буколмайди,— деди Любка, кўзлари бирдан чарақлаб.— Бизнинг халқимизга ўхшаган бирон бошқа халқ ер юзида борми ўзи? Қайси бир халқнинг шундай қалби бор? Бундай азоб-уқубат ва кулфатларга қайси бир халқ чидаш бера олар эди?.. Эҳтимол, биз ҳалок бўлиб кетармиз, мен бундан қўрқмайман. Рост, мен ҳеч-ҳеч қўрқмайман,— деди Любка бутун вужудини титроқ босиб, овозининг борича қичқириб.— Лекин мен... Лекин аввал улар билан орани очиқ қилиб олгим бор!.. Яна тўйиб-тўйиб ашула айтиб олгим бор, у томонда, бизникилар бирталай янги ашулалар бў-

қишгандир! Уэларинг ўйлаб кўринглар, олти ойдан бери немислар қўли остида худди гўристонда ётиб чиққандай бўлдик, на кўшиқ эшитамиз, на ўйин-кулги, нуқул фарёд, қон, кўз ёши...— вэтирос билан дерди Любка.

— Ху, балога йўлиқсин немислар! Қани, келинлар, бир ашула айтайлик,— деди Саша Бондарева ва буғдой ранг ингичка қўлини баланд кўтариб, ашула айта кетди:

Балавд тоғлар, қирлар ошиб,
Бизнинг дивизия борар олға...

Қизларнинг барчаси ўринларидан туриб, Сашани ўраб олишди-да, унга қўшилишиб ашула айта бошладилар. Ҳамма барабар айтган ашула бутун авахтага янграб эшитилди. Кўшни камерадаги ўгил болалар ҳам уларга қўшилишиб айта бошлаганини қизлар эшитди.

Бирдан камера эшиги тарақлаб очилди-да, юраги така-пука бўлиб кетган ва ғазабланган полицаё:

— Ҳой, жинни бўлдингларми? Овозларингни ўчир!..— деб ўшқириб берди.

Бу кунларнинг шуқрати ўчмас,
У мангуга қолади.
Партизанлар ўтли жанг билан
Шаҳар қетидан шаҳар олади...

Полицаё эшикни тарақлатиб ёпди-да, югурганича чопиб кетди.

Бир оздан кейин коридордан дукур-дукур оёқ товушлари эшитилди. Эшик олдида бўйи баланд, тарвуздай қорни салқиб тушган, юзлари сап-сарик, кўзларининг атрофи тиришган, қатирма ёқаси остидан бўйни қабариб чиққан майстер Брюкнер, сигара ушлаган қўли титраган ҳолда турар эди.

— Platz nehmen! Ruhe! деб бақирди у бирдан. Унинг овози шу қадар ўткир эдики, худди отилган тўппонча овозидай эшитиларди.

Эсдан чиқмас сингари
Спасскда тунги жанг
Волочаев кунлари.. —

деб давом этар эди қизлар.

¹ Жой-жойинга ўтир, овозингни ўчир!

Камерага жандарм ҳам полицайлар бостириб кирди. Болалар камерасида ур-йиқит бошланди. Қизлар камера деворлари тагига улоқтирилди.

Уртада якка ўзи қолган Любка нозиккина қўлларини белига тираб олиб, даргазаб қонга тўлган кўзлари билан ўқдай тикилиб, чечёткага тушгандай, оёқлари билан ер тепиниб, Брюкнер сари юра бошлади.

— Ҳой, вабонинг қизи!— деб бақирди Брюкнер, нафаси ҳалқумига тиқилиб. Кейин каттакон қўллари билан Любканинг қўлларини қайириб, камерадан судраб олиб чиқа бошлади.

Любка оғзини катта очиб, бошини эгли-да, кучининг бори-ча Брюкнернинг дағал қўлидан тишлади.

— Vergdammt noch mal!— бўкириб юборди Брюкнер ва бошқа қўлини мушт қилиб Любканинг бошига сола кетди. Любка эса унинг қўлини ҳамон қўйиб юбормас эди.

Солдатлар Любкани Брюкнердан зўрға ажратиб олдилар ва тишланган қўлини кўтариб силкитган майстер Брюкнернинг ёрдами билан коридордан судраб олиб кетишди.

Солдатлар унинг қўлларидан ушлаб турар, майстер Брюкнер билан унтер Фенбонг, энди қони қотган товонига сим хивич билан урар эди. Ғазаби қайнаб тошган Любка лабларини тишлар ва гинг демас эди. Бирдан унинг қулоғига камера устида, осмонда пайдо бўлган мотор овози чалинди. Любка бу овозни таниди, бутун қалби тағтана ва мароқ билан тўлди.

— Ҳа-ҳа, итваччалар! Ҳа-ҳа!.. Уринглар! Ана, бизникиларнинг ҳам овози келиб қолди-ку!— деб қичқирди Любка.

Пастлаб бораётган самолётнинг гуриллаган овози камера ичида ҳам янграб эшитилди. Брюкнер билан Фенбонг қийнашдан тўхташди. Кимдир дарров чироқни ўчирди. Солдатлар Любкани қўйиб юборди.

Қонга беланган стол устида қимирлашга ҳам мадори қолмай ётган Любка, оёғи билан тепиниб:

— Ҳа, қўрқоқлар! Бадбахтлар! Кунларинг битди, аблаҳларнинг аблаҳи! Ҳа-ҳа-ҳа!— дерди.

Гумбураб портлаш тўлқини авахтанинг ёғоч биносини ларвага келтирди. Самолёт шаҳарни бомбардимон қилмоқда эди.

Шу кундан бошлаб «ёш гвардиячиларнинг» турмадаги ҳаётида ўзгариш бўлди: улар ўзларининг ташкилотга мансуб эканликларини яширмай, волимларга қарши ошкор кураш бошла-

¹ Ҳа, лаънати!

дилар. «Ёш гвардия»чилар, бирон кимса камерадан олиб кетилса, золимларга қўрс-қўпол муомала қилар, уларни масхара қилишар, камераларда революцион ашулалар айтишар, ўйинга тушишар, тўполон қилар эдилар.

Уларнинг бошига бундан буён тушган азоб-уқубат ва қийноқлар инсон боласи ақлига сиғмайдиган ва инсон шаънига сира тўғри келмайдиган даражага етди.

ОЛМИШ БИРИНЧИ БОБ

Фронтдаги аҳволдан бошқаларга қараганда кўпроқ хабардор бўлган Олег, яхлаб қолган Шимолий Донецдан Гундоровская районига ўтиб Воронеж-Ростов темир йўлидаги Глубокая станциясига чиқиш мақсадида, группани шимол томонга қараб бошлаб кетди.

Улар кечаси билан йўл юришди. Улар ота-оналарини ва яқин кишиларини ўйлай-ўйлай, бора-боргунча чурқ этмай боришди.

Саҳарга яқин Гундоровскаяни четлаб ўтишди-да, ҳеч қандай тўсиққа учрамасдан Донецдан ҳам ўтиб олиб, эски грунт йўл устидан солинган теп-текис ҳарбий йўлдан, бирон дам оладиган ва овқатланиб оладиган жой топилмасмикин деб, атрофга қарай-қарай, Дубовой хутори томон йўл олдилар.

Заррача шамол йўқ. Қуёш чиқиб, кун исий бошлади. Даладашт ва ундаги жар ва тепаликлар чарақлайди. Теп-текис йўлнинг сирти эрий бошлади, йўлнинг икки четдаги ариқларнинг лаблари қорая бошлади, ер бугланиб, тупроқ ҳиди кела бошлади.

Улар кетаётган йўлдан, тепаликдан кўринадиган яқин ва олис қишлоқ йўлларида буюк Сталинград қуршовига тушмай, кейинги жангларда тор-мор этилган немис пиёда ҳам артиллерия қисмлари, бошқа турли хизматларга мансуб қисмлар ҳамда интендант қисмларининг қолган-қутганлари уларнинг рўпарасидан тинмай ўтиб турарди. Булар бундан беш ярим ой илгари минглаб-минглаб юк машиналарида ўтиб турган немисларга ўхшамас эди. Буларнинг шинеллари йиғилиб кетган, юз-кўзлари ва оёқларини совуқдан ўраб олган, соқол-мўйловлари ғовлаб кетган эди, сув тегмаган юзлари шунақанги кир ва қоп-қора эдики, улар худди энди мўридан чиқиб келгандай эди.

Бир куни шарқдан ғарбга қараб кетаётган бир неча итальян солдати болаларнинг йўлидан чиқиб қолди. Солдатларнинг кў-

пи қуролсиз, баъзилари милтиқни таёқ кўтаргандай қўндоғини осмонга қилиб елкасига қўйиб борар эди. Устига ёзлик камзул кийган, қийшайиб кетган шапкаси устидан бошини болалар иштончаси билан ўраб олган офицер яйдоқ эшакка миниб, солдатлари ўртасида катта-катта бошмоқлари ерда судралиб борар эди. Жанубий мамлакат фуқароси Россия қирларида шу қадар кулгили, мишиғи яхлаб қолган бурни эса шу қадар ғалати кўринар эдики, болалар кўришлари биланоқ бехосдан кулиб юборишди.

Йўлда уларга уруш дастидан уй-жойларини ташлаб кетган кўпгина тинч аҳоли учраб турар эди. Қаҳратон қишда халта кўтариб борувчи икки йигит билан уч қизга ҳеч ким парво ҳам қилмас, қайрилиб ҳам қарамас эди.

Буларнинг ҳаммаси уларнинг руҳини кўтариб юборди. Улар, ҳар қандай хавф-хатарни назар-писанд қилмайдиган ёшлик журъати-ла тўлиб тошгандай, ўзларини фронт линиясидан ўтиб олгандай ҳис қилар эдилар.

Оёғига пийма, бошига қулоқчин қалпоқ кийган, қалин пальтоси иссиқ пальтосининг ёқасига ёйилиб тушган Нинанинг йўл юришдан юзлари қизариб кетган эди, Олег унга дамба-дам қараб-қараб борар эди. Уларнинг кўзлари учрашганда бир-бирларига қараб кулиб-кулиб қўяр эдилар. Серёжка билан Валя ҳатто бир ерда қор бўрон ҳам ўйнашди, кейин бир-бирларини қувишиб, ҳаммадан олдинга ўтиб кетишди. Болалар ичида энг каттаси ҳисобланган, қора кийим кийган сокин ва кам гап Оля бу икки жуфт ёшларга оналардек меҳрибон кўзлар билан қараб борар эди.

Дубовой хуторида бир суткача туриб қолишди, фронтдаги аҳволни у ёқ-бу ёқдан суриштиришди. Қўли йўқ бир инвалид — қуршовдан чиқиб, шу ерда туриб қолганлардан бўлса керак, — яна шимолга, Дячкино қишлоғи томон боришни маслаҳат кўрди.

Улар, немислар ҳамда подвалларда беркиниб ётган аҳоли билан тўлиб тошган Дячкино қишлоғида ва атроф-теварақдаги хуторларда бир неча кун дайдиб юришди. Уларнинг жанг бўлиб турган жойга яқин келиб қолганликлари равшан эди, замбаракларнинг тўхтовсиз овозлари эшитилиб турар, кечалари эса замбараклар оғзидан отилиб турган ўт алангалари бутун осмонни ёритиб турар эди. Немисларнинг орқа томонини бизнинг авиациямиз узлуксиз бомбардимон қилмоқда, совет қўшинларининг сиқуви остида фронтнинг ғарбга томон силжиб бориши

якқол сезилиб турарди, чунки атроф-теварагдаги немисларга қарашли ҳамма нарса жойидан қўзғалиб, ғарбга томон оқиб бормоқда эди.

Ҳар бир ўткинчи солдат уларга гумонсираб қарарди, аҳоли эса, уларнинг кимлигини билмай, уйга киритишдан қўрқар эди. Беш кишининг бирдан фронтдан ўтиши у ёқда турсин, ҳатто бу ерларда кезиб юриши ёки кўпроқ бир ерда туриб қолиши ҳам хавфли эди. Кичкина хуторлардан бирида улар кириб ётган уйнинг хўжайкаси уларга гумонсираб қараб қўйган эди, ярим кечада ўрндан туриб кийиниб кўчага чиқиб кетди. Хушёр ётган Олег ўртоқларини дарров уйғотди-да, ҳаммалари хутордан даштга қараб чиқиб кетдилар. Кечадан бери тинмаган шамол уйқулари чала қолган болаларнинг жонига тегди, атроф-теварақда бир оз бўлса ҳам дам олиш мумкин бўлган бирон бошпананинг қораси ҳам кўринмайди. Улар ўзларини ҳеч қачон бу қадар ожиз ва хор сезмаган эдилар. Шунда улар орасида ёши ҳаммалариникидан катта Оля гап бошлади:

— Мен бир гап айтай, лекин сизлар кўнгилларингга олмаглар,— деб бошлади у, ҳеч кимнинг юзига қарамай ва юзини шамолдан енгининг учи билан беркитиб.— Шунча киши ҳаммамиз бирдан фронт линиясидан ўтолмаймиз. Фронт линиясидан ўтиш аёлларга ва қизларга айниқса қийин бўлса керак...— Оля, эътироз бўлишини кутиб, Олег билан Серёжкага қаради, лекин улар чурқ этишмади, чунки бу ҳақ гап эди.— Биз ўғил болаларимизнинг қўлини ешиб қўйишимиз керак,— қатъий оҳангда деди Оля. Нина билан Валя гап улар устида бораётганини фаҳмлаб олдилар.— Эҳтимол, Нина бунга кўнмас, лекин ойинг сени менга топширган. Биз Фокино деган қишлоққа борамиз-да, институтда бирга ўқиган бир ўртогимникига кўнамиз, бизга бошпана беради, фронтни биз ўша ерда кутиб оламиз,— деди Оля.

Олег умрида биринчи марта жавобга гап тополмай қолди, Серёжка билан Валя ҳам индамай туришарди.

— Нега кўнмас эканман, вой? Майли, мен розиман,— деди Нина йиғлашига сал қолиб.

Беш киши индамасдан, қандай қарорга келишларини билмай, бирмунча вақт шу алпозда жим туриб қолишди. Ниҳоят, Олег деди:

— Олянинг гапи тўғри. Қизларнинг осон йўли бор экан, уларни таҳликага солиб ўтиришнинг нима ҳожати бор? Тўғри,

бирга ҳам осон бўлади. Сиз ҳам энди к-к-кетаверинг,— деди бирдан дудуқланиб ва қизларнинг каттасини, Оляни қучоқлади.

Сўнгра Нинанинг ёнига келди, ҳамма орқасини ўгириб олди. Нина уни ихтиросли жадал қучоқлади-да, Олегнинг юзларидан ўпа бошлади. Олег ҳам уни бағрига босиб, лабларидан ўпди.

— Эсс-сингдами, бир куни «юзингдан бир марта ўпай, фақат юзингдан...» деб ёлворганим?.. Келиб-келиб энди насиб қипти-я... Эсингдами?— деб шипширди Олег, юзида ёшларгагина хос бир бахт ифода этган ҳолда.

— Эсимда, ҳаммаси эсимда, сенинг айтганларингдан ҳам кўпроғи эсимда... Мен ҳеч ҳам сени унутмайман... Мен сени кутаман,— деб шивирлади Нина.

Олег уни яна бир ўпди-да, қучоғидан чиқди.

Оля билан Нина сал нарироққа бориб, уларни яна бир марта чақиришди, кейин бирдан кўздан ғойиб бўлишди, овозлари ҳам эшитилмай кетди, дайди шамол ҳам уларнинг оёқ изларини қор билан кўмиб ташлади.

— Сизлар нима қиласизлар?— деб сўради Олег, Валя билан Серёжкадан.

— Биз бирга ўтишга уриниб кўрамиз,— уялинқираб деди Серёжка,— фронт бўйлаб юрамиз, бирон ердан ўтиб кетармиз деб ўйлайман. Сен-чи?

— Мен шу ердан ўтсам дейман. Ҳар ҳолда, шу атроф-теваракни биламан,— деди Олег.

Яна орага огир жимлик чўкди.

— Қимматли ўртоғим, уялма, бошингни эгма... Ҳа, қани?.. — деди Олег, Серёжканинг қалбида нималар бўлаётганини билиб.

Валя ҳаяжонланиб Олегни қучоқлади. Қучиш ва эркалаш деган нарсани ёқтирмайдиган Серёжка Олегнинг қўлини қисди-да, кафти билан елкасига бир туртиб, қайрилиб кетаверди. Орқасидан Валя етиб олди.

Бу воқеа еттинчи январь куни бўлган эди.

Лекин, уларнинг иккови ҳам фронтдан ўтишолмади. Улар қишлоқма-қишлоқ дайдиб юриб, ахир Каменскдан чиқишди. Улар ўзларини Донда бўлган жанг вақтида ўз оилаларини йўқотиб қўйган ака-сингил деб аташар эди. Уларга раҳми келганлар муздек ерга жой солиб беришар, улар ҳам худди бахтсизликка учраган ака-сингилдек, бир-бирларини қучоқлаб ётишар эди.

Эрта билан яна ўринларидан туриб йўлга тушишар эди. Валя қаер тўғри келса шу ердан фронтдан ўтишни таклиф этарди, лекин Серёжка чуқур ўйлаб иш қиладиган йигит бўлганидан, ҳамон фронтдан ўтишга кўнгли тортмас эди.

Модомики Валя бирга экан, Серёжканинг фронт линиясидан ўтишга сира уринмаслигини Валя ахийри фаҳмлади; Серёжкага қолса тўғри келган жойда фронтдан ўтиб кета олар эди, лекин Валяни ҳалок қилишдан қўрқар эди. Шундан кейин Валя унга деди:

— Ахир мен бу ерда бирон қишлоқдан жой топиб туравераман... фронт бу ердан ўтиб кетгунча туравераман...

Лекин Серёжка бунга эшитгуси ҳам келмасди.

Валя ахийри уни алдади. Улар бирон ишни биргалашиб қилганларида ҳаммиса Серёжка ишбоши бўларди. Валя эса унга бўйсунар эди. Лекин хусусий ишларда ҳамма вақт Валя устун турар эди, Валянинг айтганини қилаётганини Серёжканинг ўзи ҳам сезмас эди. Бу сафар ҳам Валя, Қизил Армия қисмига етиб бориб, Краснодарда ўз ўртоқларининг ҳалок бўлиб кетаётганини айтиб бера олиши ва шу қисм билан бирга келиб, уларни қутқаза олиши, улар билан бирга уни, Валяни ҳам қутқариши мумкинлигини айтди.

— Мен сени шу атрофда кутиб турардим, — деди Валя.

Кун бўйи йўл юриб чарчаган Валя қотиб ухлаб қолган, эрта тонгда уйғониб қараса, Серёжка кетиб қолган эди; Валяни хайрлашиш учун уйғотишга кўзи қиймаган бўлса керак.

Шундай қилиб, Валянинг якка ўзи қолди.

Бу қаҳратон қиш кечаси Елена Николаевнанинг эсидан сира чиқмайди. Ун иккинчи январга ўтар кечаси эди. Уй ичидагиларнинг ҳаммаси уйқуда эди, ташқаридан аллаким деразани қоқди. Дераза товушини Елена Николаевна дарҳол эшитди ва деразани ўғли қоққанлигини ҳам дарҳол сезди.

Юзларини совуққа олдирган Олег шундай чарчаган ва толиққан эдики, ҳатто бошидан шапкасини олишга ҳам мадори қолмай, секин стулга келиб ўтирди. Ҳамма уйғонди. Вера буви жинчироқни ёқиб, кўчадаи ҳеч нарса кўринмасин деб, стол тагига келтириб қўйди: кунда полиция бир неча марта лаб келиб турарди. Стулда ўтирган Оленинг фақат энгаги кўринарди, шапкасининг атрофини қиров бойлаган, юз олмаларида қандайдир қорамтир доғлар пайдо бўлган эди. У жуда ориқлаб кетганди.

Олег бир неча марта фронт линиясидан ўтишга уриниб кўрди, лекин ҳозирги замон урушларида ўт линиясининг қандай тузилиши, мудофаа вақтида бўлинма ва группаларнинг қандай жойланишини билмас эди. Бунинг устига, билдирмасдан қордан эмаклаб ўтай деса гавдаси катта, усти боши ҳам қора эди. Шаҳарда қолган болалар ва қизлар нима бўлди экан деган фикр ҳеч хаёлидан кетмас эди. Энг охирида у, орадан шунча вақт ўтиб кетди, энди шаҳарга секин билдирмасдан кириб борсам ҳам бўлар, деган мулоҳазага келди.

— Земнуховдан дарак борми? — деб сўради Олег.

— Уша ўзинг билган гаплар... — деди онаси, ўглидан кўзини олиб қочиб.

Елена Николаевна ўглининг бошидан шапкасини олди, устидаги тужуркасини ечинтирди. Чой қайнатай деса ҳатто ўтин ҳам йўқ эди, ўтирганлар «полицай»ларнинг бостириб келиб қолишидан қўрқиб, бир-бирларига қараб-қараб қўяр эдилар.

— Уля-чи? — деб сўради Олег.

Ҳамма жим қолди.

— Уляни олиб кетишди, — деди ахир онаси.

— Любани-чи?

— Униям...

Олегнинг ранги оппоқ оқариб кетди. Бир оз жимликдан сўнг:

— Краснодар посёлкасида-чи? — деб сўради.

Уни битта-битталаб қийнаш ва азоблаш ниҳоятда огир эди, шунинг учун Коля тоға:

— Қамалмаганларнинг номини айтиш осонроқ... — деди.

Шундай деди-ю, Лютиков ва Бараков билан бирга Марказий ишхонадаги ишчилардан анчаси қамоққа олинганини айтиб берди. Булар — немисларнинг орқа томонида махсус топшириқ билан қолдириб кетилган ўз одамларимиз эканлигига энди Краснодарда ҳеч ким шубҳаланмас эди.

Олег бошини егди-ю, ортиқ ҳеч нарса сўрамади.

Маслаҳатлашиб Олегни ҳозирнинг ўзидаёқ Маринанинг қишлоқдаги қариндошлариникига жўнатмоқчи бўлишди. Олегни Коля тоға кўзатиб қўядиган бўлди.

Улар Ровенькига борадиган йўлдан, чарақлаб турган осмон тагида алақаерларгача чўзилган, кўкимтир қор босиб ётган чўлдан борар эдилар.

Бир неча қунлаб оч, бошпанасиз саргардон бўлиб юриб, бирон марта дам олмаганига қарамай, уйига қайтиб келганида устига яна не-не гам-гуссалар тушганига қарамай, Олег ўзини дадил тутиб олган эди ва йўлда кета туриб Коля тоғадан «Ёш гвардия» ҳалокатининг барча тафсилотини сўраб билиб олди. Коля тоғага ўзининг саргузаштларини ҳам гапириб берди.

Анчадан кейин тепаликка чиқиб қолганларини билмай қолишди. Тепаликнинг чўққисига чиқишди-да, эллик метрча нарида қорайиб кўринган каттагина қишлоқнинг четига туша бошладилар.

— Қишлоққа келиб қолибмиз-у, четлаб ўтиш керак эди, — деди Коля тоға.

Улар қишлоқдан эллик метрча наридан йўл қидириб кетишди, қор фақат уюмлардагина қалин эди.

Қишлоққа кириб борадиган йўллардан бирини энди кесиб ўта бошлаган эдиларки, энг четдаги бир уйдан кул ранг кийинган бир неча киши чиқиб, уларнинг йўлини тўсишга югурди. Кул ранг кийинган кишилар елиб-югуриб чопар ва немис тилида хирқи овоз билан бир нималар деб қичқирдишар эди.

Коля тоға билан Олег, бир-бири билан гаплашишга ҳам фурсатлари бўлмай, йўлдан қочиб қолишди.

Олег қочишга мадори қолмаганини сезди, кетидан унга етиб олаётган одамларнинг овози эшитилиб турарди. Бутун куч-қувватини тўплаб югурмоқчи эди, лекин беҳосдан тийғониб кетиб, йиқилди. Етиб келиб уни босдилар, қўлларини орқасига қайирдилар. Коля тоғанинг кетидан икки киши қувиб кетди, унинг кетидан тўппонча ота бошладилар. Бир қанча вақтдан кейин уни тутолмай, сўкина-сўкина, кулиша-кулиша, қайтиб келишди.

Олегни катта бир бинога олиб киришди, илгари бу ер қишлоқ совети бўлган бўлса керак, ҳозир қишлоқ оқсоқолининг маҳкамаси эди. Ерга солинган похол устида бир неча жандарм ухлаб ётарди. Олег, жандармерия постига дуч келганини фаҳмлади, столда усти қора дала телефони турарди.

Ефрейтор лампанинг пилигини кўтариб қўйди-да, Олега бақира-бақира, уни тинтий бошлади. Ундан ҳеч қандай шубҳали нарса тополмагач, тужуркасини ечиб олиб, ҳамма ёгини титкилаб қаради. Узун ва катта қўлларининг япалоқ бармоқлари жуда эпчил ишларди.

Ниҳоят, ефрейторнинг бармоқлари комсомол билетининг

муқовасига бориб етди, шундан кейин Олег ишнинг пачава бўлганини билди.

Ефрейтор комсомол билети ҳамда муваққат комсомол билетларининг нусхаларини стол устига олиб қўйди-да, қўли билан босиб туриб, хирқи овоз билан телефонда аллаким билан сўзлашди. Сўнгра телефон трубкасини жойига қўйиб, Олегни олиб келган солдатга бир нималар деди.

Фақат эртаси куни кечасигина ефрейтор билан кучер ўрнига ўтирган солдат Олегни чанага миндириб, Ровеиькидаги жандармерия ва полиция биносига келтириб, навбатчи жандарм қўлига топширди.

Қоп-қоронғи камерада тиззаларни қучиб, Олег якка ўтирарди. Агар унинг юзини кўриб бўлганда эди, унинг сокин ва жиддийлиги кўринар эди. Оқсоқол маҳкамасида ўтирганида ва уни чанага миндириб олиб келаётганларида Нина ҳақида, онаси ҳақида ва ўзининг қандай бир бемаъни суратда қўлга тушгани ҳақида ўй ўйлашга вақти кўп эди, энди эса бу фикрлар ундан анча йироқлашган эди. У энди нима бўлишини ўйламас эди, чунки буни аввалдан билар эди. У шунинг учун хотиржам ва жиддий эдики, ўзининг қисқа умрининг якунини ясаб ўтирар эди.

«Майли, мен энди ўн олтига кирган эканман, ҳаётим йўлининг шунча қисқа бўлганига мен гуноҳкор эмасман... Нимадан ҳам кўрқай? Улимданми? Қийнов азобиданми? Барини кўтараман... Албатта, менинг ҳам инсонлар қалбида бирон хотира қолдириб ўлгим келади. Майли, шонсиз ўлиб кетсам ҳам, майли... Нима бўпти, менга ўхшаган, ҳаёт шукуҳи билан тўлиб-тошган миллион-миллион кишилар ҳам мен каби ўлиб кетмоқда. Ўзимдан нима таънам бор? Мен ҳеч кимни алдамадим, турмушнинг осон йўлини изламадим. Баъзан енгилтаклик қилар эдим, тўғри — балки қалбим сермеҳр бўлгани учун иродам ожиздир... Азизим Олежка... ўн олти эшда бу катта гуноҳ эмас. Мен ҳаито қисматимга теккан бутун бахтни татиб кўришга улгурмадим ҳам. Лекин, шундай бўлса-да, мен бахтиёрман! Чувалчанг сингари судралмаганимга хурсандман. Мен курашдим... Ойим менга доим: «Шунқорим!» дерди. Мен унинг ва ўртоқларимнинг ишончига доғ тегизмайман. Улимим ҳам ҳаётим сингари пок бўлсин — ўзимга шундай деб айтишдан уялмайман... Улсанг ҳам қадр-қийматинг билан ўласан, Олежка...»

Унинг чеҳраси очилиб кетди; шапкасини боши тагига қўйди-да, зах ерга ётиб, қаттиқ уйқуга кетди.

Тепасига биров келиб турганини сезиб уйғониб кетди. Тонг отмоқда эди.

Казакча шинель кийган, каттакон малла калласига полякча шапкасини зўрға қўндирган, катта бурни қип-қизил, юзига сепкил тошган, кўзлари олайиб чиққан, забардаст бир чол, камера эшигини ёпиб, Олег тепасида турар эди.

Олег туриб, полга ўтирди ва чолга ажабланиб қаради.

— Кошевой дегани ким экан деб юра эдим, сен экансан-да... Илон боласи илон!.. Афсуски, сенинг таъзирингни мен эмас, вестапо беради, менинг қўлимга тушганинда-ку... Мен жуда зарур бўлган вақтдагина ураман... Ҳа-ҳа... Кошевой сен экансан-да... Сенинг номинг Дубровскийникидан ҳам ошиб кетган... Пушкинни ўқигандирсан? Ҳу, итвачча!.. Афсуски, менинг қўлимга тушмадинг.— Чол, Олегнинг тепасига энгашди-да, олайиб турган кўзларидан бирини қисиб, оғзидан ароқ ҳиди гупиллаб уриб турган бир ҳолда, сирли овоз билан шипшый бошлади:— Бунча барвақт кирганимнинг сабабини биласанми?— Чол, ўзини унга жуда яқин тутгандай қилиб, кўзини қисиб қўйди.— Бугун бир тўда одамни у дунёга жўнатаман...— Чол, осмонни кўрсатиб шишган бармоғини миҳ қилиб кўтарди.— Сартарошни бошлаб келдим, уларнинг соч-соқолларини олиб қўяди. Одамларни у дунёга жўнатишдан олдин ҳар вақт соч-соқолларини олдиртираман,— дерди у, шивирлаб. Сўнгра чол қаддини кўтарди, бир йўталиб олди-да, бармоғини яна осмонга бигиз қилиб, деди:— Мана буни маданий ишлаш дейдилар!.. Сен гестапо йўли билан кетасан, ишинг чатоқ. Оревуар!— Шишган қўлини шапкаси ёнига келтирди-да, камерадан чиқиб кетди, кетидан кимдир эшикни ёпди.

Олег, узоқ жойлардан келтирилган номаълум кишилар ўтирган бошқа камерага кўчирилгандан кейин, бояги чолнинг Ровеньки полициясининг бошлиғи Орлов, собиқ Деникин офицери, бориб турган жаллод ва золим эканини билди.

Икки-уч соат ўтар-ўтмас уни сўроққа олиб келишди. Сўроқни фақат немислар қилар эди, гилмоч ҳам немис ефрейторларидан эди.

Олег келтирилган кабинетда бир талай немис жандарм офицерлари ўтирар эди. Улар Олегга ҳам қизиқиб, ҳам таажжубланиб, баъзилари эса худди ғайри оддий кишини кўриб тургандай тикилиб қарар эдилар. Олег, кўпгина нарсаларга ҳали ёшларга хос сезги билан қарагани учун, «Ёш гвардия»нинг шуҳрати кўп ерларга тарқалиб кетганини, Стаховичнинг маълумотлари ту-

файли ҳамда узоқ вақтгача қўлга тушмай юргани туфайли ўзининг ҳам афсонавий бир сиймога айланиб кетганини билмас эди. Олегни худди суюги йўқ илондай липонглаган эпчил бир немис сўроқ қила бошлади. Кўзлари остидаги даҳшатли қўқ доғлари қора кўзларининг бурчагидан чиқиб, афтини айланиб ўтар ва юзига қандайдир гайри табиий бадбуруш тус берар эди,— бундай башараларни фақат даҳшатли тушдагина кўриш мумкин эди.

«Ёш гвардия»нинг бутун фаолиятини очиб бериш ва ҳамма аъзоларининг номларини айтиб бериш тўғрисида қўйилган талабга Олег бундай жавоб берди:

— Ёш гвардияга танҳо ўзим рақбарлик қилганман, унинг аъзолари фақат менинг буйруқларимни адо этар эдилар, шу сабабдан фақат танҳо мен ўзим жавобгарман... Агар мени очиқ суд қилганларида мен, Ёш гвардиянинг бутун фаолиятини гапириб берар эдим. Лекин бегуноҳ кишиларни ҳам қатл этувчи одамларга ташкилотнинг фаолиятини айтиб бериш — ташкилот учун фойдасиз...— Олег жимиди, офицерларга сокин кўзлари билан қараб турди:— Аслини суриштирганда, сиз ўзларингиз ҳам мурдасиз...

Ҳақиқатан ҳам мурдага ўхшаган немис Олегдан яна бир нима деб сўраган эди, Олег:

— Мен охириги сўзимни айтдим,— деди ва киприкларини беркитди.

Шундан кейин Олегни гестапо зиндонига ташладилар, унинг учун чидаб бўлмайдиган эмас, ҳатто таърифга қалам ожизлик қиладиган даҳшатли ҳаёт бошланди.

Олег бу қийнов азобларига бир ой чидаб берди. Уни ўлдира олмас ҳам эдилар, чунки область фельдкоменданти генерал-майор Клернинг келишини кутишар эди. Ташкилот бошлиқларини генерал-майор Клернинг ўзи сўроқ қилмоқчи ва уларнинг тақдирини ўзи ҳал қилмоқчи эди.

Филипп Петрович Лютиковни ҳам фельдкомендантнинг ўзи сўроқ қилмоқчи эди, шунинг учун унинг ҳам шу ерга Ровеньки гестапосига келтирилганини Олег билмас эди. Лютиковнинг Краснодарон большевиклари яширин ташкилотининг раҳбари эканлигини душманлар билолмади, лекин қўлга туширилган ҳамма кишилар орасида унинг энг катта киши эканлигини сезар ва билар эдилар.

ОЛТИШ ИККИНЧИ БОВ

Худди уч бурчакликнинг учларига ўрнатилгандай уч ерга қўндирилган қўл пулемётлари нортауя ўркачига ўхшаган икки тепалик ортидаги пастликни шиддат билан ўққа тутиб туради. Пулемёт ўқлари қор ва лой эзилиб атала ҳолга келиб қолган ерга визз-визз қилиб келиб тушади. Лекин Серёжка бир амаллаб пастликнинг у томонига ўтиб олди. Кимнингдир кучли қўли унинг билагидан маҳкам ушлаб, окоп ичига тортиб туширди.

— Уят эмасми, а? — деди қўзлари катта-катта, лекин кичкина жуссали сержант, асл Курск шеvasида. — Бу нима қилганинг? Рус йигитига ўхшайсан-ку, қилганинг... Сени улар юрагингни олиб қўйган ё бирон нарса ваъда қилишган дейман-да!

— Мен ошна, ошна, — деди Серёжка, гайри табиий равишда кулиб. — Хўжжатларим бор, телогрейкамга тикиб олганман, мени командир олдига олиб боринг. Жуда муҳим маълумот айтишим керак.

Дивизия штаби бошлиги билан Серёжка командир ҳузурида турар эдилар. Командир, бир вақтлар акациялар кўкариб ётган, ҳозир эса авиация билан артиллерия вайрон этган хуторнинг бирдан-бир бутун қолган уйига жойлашган дивизия команда пунктида ўтирар эди. Бу ердан ҳарбий қисмлар ўтмас, машиналарнинг қатнови ҳам ман этилган эди. Агар тепалик ортидан эшитилиб турган тўхтовсиз уруш гумбура-гумбурини назарга олмаганда, хутор ҳам, уйнинг ичи ҳам жимжит эди.

— Бунинг хўжжатлари у ёқда турсин, гапларидан ҳам кўри-ниб турибди. Бола ҳамма гапни билар экан, бутун теварак-атрофни, огир артиллерия ўрнатилган жойларни, ҳатто йигирма етти, йигирма саккиз ва ўн еттинчи кварталлардаги ўт нуқталарини ҳам билар экан... — Штаб бошлиги яна бир неча рақамларни келтирди. — Бунинг айтган ҳамма гаплари разведка келтирган маълумотларга тўғри келади, ҳатто баъзиларини аниқроқ қилиб айтиб берди. Айтмоқчи, қирғоқлар эскарлар билан мустаҳкамланган, эсингиздами? — деди штаб бошлиги, қўнғир сочли, ёқасига учта шпал таққан ёш йигит. У тиши оғриб турганидан ҳадеб оғзининг бир бурчагини сал очиб, ҳаво тортарди.

Дивизия командири Серёжканинг комсомол билетини, командир Туркенич билан комиссар Кашук имзо чеккан «Сергей Тюленин Краснодондаги «Ёш гвардия» яширин ташкилотининг штаб аъзосидир» деб ёзилган гувоҳномасини синчиклаб кўздан

кечирди. Комсомол билети ҳамда гувоҳномани ўқиб чиқиб, уларни топширган штаб бошлиғига эмас, балки Серёжканинг қўлига қайтариб берди-да, дагалроқ бир назар билан Серёжканинг бошидан оёғигача қараб чиқди.

— Ҳм...— деди дивизия командири.

Штаб бошлиғининг тиши зирқиллаб оғриган бўлса керак, афтини буриштириб туриб ҳаво тортди-да:

— Бунинг муҳим яна бир маълумоти бор экан, фақат сизгагина айтар эмиш,— деди.

Серёжка уларга «Ёш гвардия» ҳақида батафсил сўзлаб берди. Сўнгра, дивизия ҳаялламай ҳозир йўлга чиқиб, турмада ётган болаларни қутқазishi керак деб, ўз фикрини билдирди.

Штаб бошлиғи дивизиянинг Краснодонга сафар қилиши ҳақидаги бу тактик планни эшитиб, кулди, лекин шу ондаёқ инграб юборди-да, лунжини ушлади. Лекин командир, дивизиянинг Краснодонга сафар қилишини унча гайри оддий бир иш деб билмади шекилли, Серёжканинг гапига кулмади. У фақат:

— Каменскни биласанми?— деб сўради Серёжкadan.

— Биладану, лекин бу томонини эмас, у томонини биладан. Мен у томонидан ўтиб келдим...

— Федоренко!— деб қичқирди командир.— унинг овози шундай йўгон эдики, қаердадир турган идиш-товоқлар жаранглаб кетди.

Уйда улардан бўлак ҳеч кимса йўқ эди, лекин худди йўқдан пайдо бўлгандек, бирпасда Федоренко пайдо бўлди-да, командир ҳузурига келиб пошналарини бир-бирига шундай урдик, ҳамманинг ҳаваси келиб, чеҳралар очилиб кетди.

— Есть Федоренко!

— Мана бу йигитчага оёқ кийими берилсин, бу — бир, қорни яхшилаб тўйгазилсин, бу — икки. Чақирмагунимча бирон иссиғроқ жойга киб ухласин.

— Есть оёқ кийими берилсин, есть қорни тўйгазилсин, сиз чақирмагунингизча ётиб ухласин...

— Иссиғроқ жойда...— командир бармогини кўтариб қўйди.— Ҳаммом қалай?

— Бўлади, ўртоқ генерал!

— Бор!

Серёжка ва унинг елкасидан худди эски қадрдон ошнадек қучоқлаб олган сержант Федоренко уйдан чиқиб кетишди.

— Қўмондон келармиш,— деди генерал, жилмайиб.

— Йўғ-эй!— деди штаб бошлиғи ва тишининг оғриб турганини ҳам унутиб, оғзи қулоғига етди.

— Блиндажга кўчишга тўғри келади. Буйруқ бер, блиндаж-ни иситишсин, бўлмаса Калавадан тоза гап эшитасан!— деди дивизия командири кайфи чоғ жилмайиб.

Дивизия командири солдатларча эркалатиб «Калава» деб атаган армия қўмондони шу маҳал ҳали уйқуда эди. Армия қўмондони уйда эмас ва умуман аҳоли яшайдиган обод жойда эмас, балки чакалакзор ичидаги илгари немисларга қарашли блиндажда жойлашган ўз команда пунктида ухлаб ётар эди. Гарчи армия жадал суръатлар билан илгари силжиб бораётган бўлса-да, қўмондон ҳар сафар аҳоли яшайдиган обод жойда истиқомат қилишдан кўра немис блиндажларида қўнишни афзал кўрарди, башарти блиндажлар вайрон этилган бўлса, ўзи ҳамда штаби учун урушнинг дастлабки кунларидаги каби, янги блиндажлар қазиттирар эди. Блиндажларни менсимаган ва блиндаж қазиттиришни лозим кўрмаган кўпгина ўртоқлари — йирик ҳарбий арбоблар душман авиацияси остида ҳалок бўлиб кетгандан кейин, армия қўмондони шу принципга амал қила бошлаган эди.

Армия қўмондони яқиндагина, Серёжка Тюленин келиб чиққан дивизияга қўмондонлик қилар эди. Бу дивизия бундан роса ярим йил илгари Иван Фёдорович Проценко бошчилигидаги партизанлар отряди билан ҳамкорлик қилиши керак бўлган дивизиянинг ўзи эди. Шу дивизиянинг илгариги қўмондони, яъни ҳозирги армия қўмондони эса Краснодарда, райком биносида Иван Фёдорович билан юзма-юз ўтиришиб гапни бир ерга қўйиб гаплашиб олган ва аввал Ворошиловград, кейин Каменск мудофааси вақтида ва ундан ҳам кейин эса 1942 йилнинг июль—август ойларидаги тарихий чекинишларда арьергард жангларида маҳорат кўрсатган генералнинг худди ўзи эди.

Қўмондоннинг фамилияси ота-бобосидан қолган қишлоқча оддий бир фамилия эди. Унинг фамилияси шу жанглардан кейин бошқа саркадалар фамилиялари билан бир қаторда шуҳрат топди, Шимолий Донец ва Урта Дон аҳолиси хотирасидан жой олди. Эндиликда эса, Жануби-Ғарбий фронтда икки ой давомида бўлиб турган жанглардан кейин, унинг фамилияси, буюк Сталинград эпопеясида шуҳрат тонган бошқа саркардаларнинг фамилиялари каби, бутун мамлакатга танилди. «Калава»—унга берилган янги бир лақаб эди, ундан генералнинг ўзи мутлақо беҳабар эди.

Бу лақаб маълум даражада унинг ташқи қиёфасига мос келар эди. У бўйи паст, кенг яғринли, тўшдор, шиддатли, юзи русларга хос содда бир киши эди. Сиртдан оғир қарвон кўринсада, аслда жуда чаққон, ҳаракатчан эди, кичкина ва шўх кўзларидан донолик ифодаси аримас, ҳаракатлари ҳам чаққон эди. Лекин унга «Калава» деб лақаб қўйилишининг сабаби ташқи қиёфасининг бунақалигидан эмас эди.

Шарт-шароит шундай вазият туғдирдики, у июль ва август ойларида чекиниб ўтган жойлардан ҳужум қилиб қайтиб келмоқда эди. Уша тарихий кунларда жанглarning қанчалик оғир бўлишига қарамасдан, у душманни анча орқада қолдириб, номаълум томонга қараб кетиб қолган эдики, душман ҳатто унинг изини ҳам топа олмаган эди.

Кейинги маҳалда Жануб-Ғарбий фронтни ташкил этган қисмларга қўшилиб, шу қисмлар билан бирга ерни кавлаб маҳкам ётиб олган ва қутурган душманнинг ғазаби уларнинг метиндай сабр-тоқатларига дуч келиб чил-чил бўлмагунча, бошқалар билан бирга қимир этмай ётаверган. Вақти келганда бошқалар билан бирга ер остидан кўтарилган-да, аввал шу дивизия бошида, кейин армия бошида душманнинг изига тушиб олиб, минг-минг асирлар олиб, юзлаб замбаракларни ўлжа қилиб, душманнинг тарқоқ қисмларини кейиндагиларга ўлжага қолдириб, бугун бир оёғи Донда, бир оёғи Чирда, эртага бир оёғи Чирда, бир оёғи Донецда бўлиб, илгарига қараб кетаверган.

Ана шундан кейин солдатлар оммаси ичидан «Калава» деган дум-думалоқ ва афсонавий сўз думалаб чиққан-да, генералга ёпишган қолган. Ҳақиқатан ҳам генерал калавага ўхшаб думалаб кетаверарди.

Серёжка январь ўртасининг ҳал этувчи кунларидан бирида, Воронеж, Жануб-Ғарбий, Дон, Жанубий, Шимолий Кавказ, Закавказье, Волхов ҳам Ленинград фронтларида мисли кўрилмаган ҳужум бошланиб турган бир пайтда қўшинларимизни топиб келди. Бу ҳужум натижасида Сталинград остоналарида қуршовга олинган немис-фашист қўшинлари тамоила тор-мор этилди ва асир олинди, бу ҳужум натижасида икки йилдан кўпроқ давом этиб келган Ленинград қамали ўпириб юборилди ва ниҳоятти бир ярим ой ичида Воронеж, Курск, Харьков, Краснодар, Ростов, Новочеркасск, Ворошиловград каби шаҳарлар озод этилди.

Серёжка ўзимизникилар ёнига худди январнинг ўрталарида, Донецнинг шимолий ирмоқлари бўлмиш Деркул, Айдар, Оскол

дарёлари бўйлаб қурилган немис истеҳкомларига янги ва қудратли танклар ҳужуми бошланган пайтда темир йўлнинг Каменск — Кантемировка участкасидаги қуршовга олинган Милерово шаҳридаги немис гарнизони тор-мор этилган пайтда, ундан икки кун аввал эса Глубокая станцияси олиниб бизнинг қисмларимиз Шимолий Донецда ҳозирлик кўриб турган пайтда келган эди.

Дивизия командири Серёжка билан суҳбатлашиб турган маҳалда армия қўмондони ҳали ухлаб ётган эди. Ҳамма қўмондонлар каби, бу армия қўмондони энг муҳим масалалар билан, қўмондонликка оид бўлган ҳамма масалалар билан одатда кечаси, бу масалаларга алоқаси бўлмаган кишилар ухлаганда ва ҳеч ким ҳалақит бермай, армиянинг кундалик икир-чикирларидан бўшаган вақтларда шугулланар эди. Лекин бўйи Буюк Пётрнинг бўйидай келадиган старший сержант Мишин — сержант Федоренко дивизия командири ҳузурида қандай вазифада бўлса, старший сержант Мишин ҳам армия қўмондони ҳузурида шундай вазифада эди — генерални уйғотиш вақти бўлмадимикан деб, душмандан ўлжа олинган ва ўзига ҳадя этилган қўл соатига қараб-қараб қўяр эди.

Қўмондон сира тўйиб ухлас эди, бугун эса одатдагидан ҳам барвақтроқ туриши керак эди. Шарт-шароит шундай вазият тугдирган эдики — одатда урушда кўпинча шундай бўлиб туради — июль ойида ўз қўмондонлиги остида Каменскни мудофаа қилиб турган дивизия энди шу шаҳарни ҳужум қилиб олиши керак эди. Рўй-ростини айтганда, дивизияда «кексалар» дан деярли қолмаган эди. Дивизиянинг яқинда генералликка кўтарилган командири у даврда полк командири эди. Офицерлар ўртасида бундай «кексалар» оз-моз топиларди, лекин жангчилар орасида бундайлар деярли қолмаган эди: дивизиянинг ўндан тўққизи ҳозир Ўрта Донда ҳужум бошлашдан олдин келиб қўшилган янги жангчилардан эди.

Старший сержант Мишин соатига сўнгги марта қаради-дэ, генерал ухлаб ётган сўри ёнига келди. Бу худди сўрининг ўзи эди, чунки генерал захдан қўрқар эди, шунинг учун унга ҳаммаша вагоннинг иккинчи қаватидаги сингари сўри ясаб беришар эди.

Виждони пок ёш болалардай ёнбош ётган генерални Мишин одатдагидай олдин қаттиқ туртди. Лекин бу туртиш генералнинг қаттиқ уйқусини бузмади. Бу туртиш аслида Мишиннинг бундан буён қиладиган ишига тайёргарлик эди. Бир қўлини гене-

ралнинг қўлтигидан ўтказди, иккинчи қўли билан елкасидан қучоқлаб олди-да, генералнинг оғир гавдасини худди ёш болани кўтаргандай кўтарди.

Халатда ётган генерал дарҳол уйғонди, унинг кўзлари Мишинга шундай равшан боқдики, унинг ухлаб турганлиги сира билинмас эди.

— Э, раҳмат!— деди генерал ва кутилмаганда сўридан лип этиб ерга сакраб тушди-да, сочларини силаб, сартарошни кўзи билан излаб, табуреткага ўтирди. Мишин генералнинг оёғи тағига туфлисини ташлади.

Оёғига юфтдан тикилган баҳайбат этик кийган, гимнастёркасининг устидан оппоқ пахтадек фартук тутган сартарош блиндажнинг ошхонасида совун кўпиртириб турар эди. Қўмондоннинг ёнига худди арвоҳдай билдирмасдан юриб келди-да, халатининг ёқасига оқ рўмолча қистириб, бир кечада ўсиб чиққан қорамтил ва қаттиқ соқолига совун суркай бошлади.

Ун беш минут ўтмасдан генерал усти бошини кийиб, китель тугмаларини қадаб, нонушта тайёр бўлгунча, кичкина стол ёнида усти чармдан, астари қизил мовутдан қилинган папкадан адъютант чаққон олиб бериб турган қоғозларни кўздан кечира бошлади. Адъютант энг олдин бизникилар Миллеровони олгани тўғрисидаги маълумотни узатди, лекин бу хабар генерал учун янгилик эмас эди, Миллеровонинг ё кечаси, ё бугун эрталаб олинishi муқаррарлигини генерал билар эди. Кейин ҳар турли кундалик ишлар бошланди.

— Вой шоввоэлар-эй! Қандни ўлжа қилиб олишган бўлса, ўзларида қолаверсин!.. Сафронов «Жасурлик учун» медалидан Қизил Байроқ ордени рўйхатига кўчирилсин: дивизиядагилар солдатларни фақат медалга, орденга эса фақат офицерларни тавсия этиш мумкин деб ўйлашса керак! Ҳали ҳам отиб ташланмадимми бу? Трибуналми у ё «Задущевное слово» газета редакциясимми? Дарҳол отиб ташлансин, йўқса уларнинг ўзини ўзим судга бердиртираман!.. Вой зангарлар-эй! «Вазифага таклиф этиш керак...» деб ёзганини қара? Гарчи мен солдатлардан бўлсам ҳам, рус тилида бундақа ёзилмаса керак деб ўйлайман. Бу хатни ўқимасдан туриб қўл қўйган Клепковга айт, ўзи яна бир марта ўқиб чиқсин. Хатосини қиёил ё кўк қалам билан туватсин-да, ўзи менга олиб келсин... Сенга нима бўлди ўзи: бугун нуқул менга бемаза қоғозларни тўплаб келдингми? Ҳаммасини кейинроқ олиб келсанг ҳам бўларди,— дерди генерал, зўр иш-таҳа билан нонуштага ўтираркан.

Қўмондон энди кофе ичиб бўлай деб турганда унинг олдига паст бўйли, қомати келишган, бошининг олд томонидаги сочлари тўкилганидан пешонаси янада кенгроқ кўринган, чакка сочлари саришта қирқилган, сокин, ҳаракатлари эпчил бир генерал папка кўтариб кирди-да стол ёнига келди. Ташқи қиёфаси ҳарбийга эмас, балки олимга ўхшарди.

— Утир,— деди қўмондон.

Штаб бошлиги келтирган ишлар адъютант келтирган ишларга қараганда муҳимроқ эди. Лекин штаб бошлиги, ишга киришишдан олдин, фронт штабига самолётда келтирилган ва бугун эрталаб армия штабларига юборилган Москва газетасининг сўнгги сонини генералга узатди-да, жилмайди.

Газетада мукофотланган ва унвонлари оширилган офицер ҳам генералларнинг навбатдаги рўйхати, шу жумладан унинг армиясидан тавсия этилган офицер ҳам генералларнинг номлари ҳам бор эди.

Қўмондон ҳарбий кишиларгагина хос хушчақчақлик ва мамнуният билан рўйхатни баланд овоз билан ўқирди, Академияда ёхуд Ватан уруши даврида таниганларнинг номлари чиқиб қолса штаб бошлиғига гоҳ маънодор қилиб, гоҳ таажжубланиб, гоҳ шубҳа билан ё бўлмаса, айниқса ўз армиясига қарашли кишиларнинг номлари чиқиб қолганда худди ёш болалардай суюниб қарар эди.

Илгари «Калава» қўмондонлик қилган дивизиянинг кўп марта мукофотланган командири ҳам рўйхатда бор эди. Армия штабининг бошлиғи ҳам ўша дивизиядан чиққан эди. Дивизия командири бундан анча илгари бўлиб ўтган жанг учун мукофотланган эди. Лекин қарор кўп жойлардан ўтиб, матбуотда эндигина эълон қилинган эди.

— Каменский қўлга киритиш олдида буни эшитдириб бўлмас,— деди қўмондон.— Яна талтайиб бўшашиб кетмасайди.

— Аксинча, янада бардамроқ бўлади,— деди штаб бошлиғи кулиб туриб.

— Билямиз, билямиз ҳамма раҳмдиллигингизни!.. Бугун дивизияга ўзим бормоқчиман, қутлайман... Чувиринга табрик телеграммаси юборилсин, Харченкога ҳам. Куколевга расмий телеграмма эмас, чин юракдан, иссиқ телеграмма юбориш керак... Унинг учун мен кўп хурсандман. Вязьмадан кейин тузалмас деб ўйлаган эдим,— деди қўмондон. Кейин бирдан муғомбирона жилмайди.— Хўш, погонлар қачон келади энди?

— Йўлда, келаётир,— деди штаб бошлиғи ва яна жилмайди.

Яқинда, қўшинларда оддий аскарлар ҳамда офицер состави ва генераллар учун погон тақишни расм қилиш тўғрисида буйруқ чиққан эди, ҳозир энди бутун армия оғзида шу гап эди.

Дивизия командири қўмондон келишини штаб бошлиғига айтган эди-ки, бу хабар бир лаҳзада бутун дивизияга тарқалди. Бу хабар ҳатто қор билан лой қоришиб балчиқ бўлиб ётган ерларда, Донецнинг кафтдек теп-текис қирғоғида ётганларга ҳам етиб борди: бу ердан дарёнинг тикка кесиб тушган ул қирғоғи, кўп жойларини ўт олган Каменск бинолари, туман ортидан шўнғиб чиқиб, шаҳарни бомбардимон қилаётган штурмчи самолётлар кўриниб турар эди.

Қўмондон дивизиянинг иккинчи эшелонига машинада етиб келганда уни дивизия командири кутиб олиб, сўнгра икковлари команда пунктига қараб борар эканлар, уларнинг йўлларида гоҳ ёлғиз солдат ё офицер, гоҳ тўда-тўда солдат ва офицерлар гўё тасодифан бўлгандай пайдо бўлиб қолишар эди, ҳамма қўмондонни кўришгагина эмас, балки ўзларини унга кўрсатишга ҳам тиришар эди. Ҳаммалари пошналарини олифтанамо уриштирар, ҳамманинг чеҳрасида табассум ўйнар эди.

— Ростини айтинг, блиндажга жойлашганингизга бир соат ҳам бўлгани йўқ, ҳатто деворлари ҳам терламапти,— деди қўмондон, дивизия командирининг қувлигини бирпасда фош қилиб.

— Так точно, икки соатча бўлди. Каменскни олмагунимизча блиндаждан чиқмаймиз,— дерди қўмондон ҳузурида одоб сақлаб турган дивизия командири; унинг кўзларида муғомбирлик ифода этар, юзининг қуйи қисмида эса гўё: «Дивизиянинг ҳўжайини мен бўламан, қайси масалада жиддий сўкишингни ҳам биламан, бу гапинг шундай бир пўписа» дегандай, хотиржамлик акс этиб турарди.

Қўмондон уни мукофот билан табриклади. Дивизия командири ҳам, қулай фурсатдан фойдаланиб, гўё бепарволик билан айтгандай, деди:

— Ҳали жанг бошлангунга қадар... шу қишлоқда битга ҳаммом бутун қопти, ўзи ҳам яқин, иситяпмиз. Сиз ҳам анчадан бери ҳаммомда ювинмагандирсиз, ўртоқ генерал?

— Йўғ-эй, ростданми?..— деди генерал, гоят жиддий бир тусда.— Тайёрма?

— Федоренко!

Ҳаммомнинг фақат кечқурун тайёр бўлиши маълум бўлди. Дивизия командири Федоренкога шундай бир ўқрайиб қаради-ки, бу қарашнинг оқибати қандай бўлиши равшан эди.

— Кечкурунми ..— деди қўмондон ўйлаиб. Кейин бирдан муҳим бир иш чиқиб қолганини эслаб.— Ҳаммомингга бошқа сафар тушармиз,— деди.

Бутун армияда эпг катта ҳарбий мутахассис ҳисобланган армия штаби бошлигининг берган маслаҳатига кўра, дивизия командири Каменскни шимол томондан ўтиб ишғол қилиш планини тузиб чиққан эди, ҳозир шу планини қўмондонга баён қила бошлади. Қўмондон тинглаб турди-да, юзида пландан норозилик аломатлари кўринди.

— Бу ер худди уч бурчакдай бир жой: бу ёғи дарё, бу томони темир йўл, бу томони шаҳарнинг чети,— буларнинг ҳаммасига истехком қурилган-ку...

— Мен ҳам худди шуни айтган эдим, лекин Иван Иванович...

Иван Иванович — армия штабининг бошлиғи эди.

— Хўп, дарёдан ҳам ўтдинг дейлик, лекин кейин фронтни қандай қилиб кенгайтирасан? Шаҳарга яқинлашганинг сари сени ҳар атрофдан ўққа тутавермайдами?— дерди қўмондон, Иван Иванович масаласига атайлаб тақилмасдан.

Лекин Иван Ивановичнинг обрўсига таяниб туриб ўз вазиятини мустақкамлаб олишига кўзи етган дивизия командири яна:

— Иван Ивановичнинг фикрича, бу томондан зарба берилишини немислар кутмайди, буни улар шунчаки пўписа деб билишади, разведкамиз келтирган маълумот ҳам худди шуни тасдиқлайди.— деди.

— Шаҳарга бостириб кирдингларми, бўлди, улар устларингга ҳамма кўчалардан, вокзалдан ўқ ёғдираверади...

— Иван Иванович...

Қўмондон. Иван Иванович номли тўсиқни йўлдан олиб ташламагунча илгари силжиб бўлмаслигини англади-да:

— Иван Иванович хато қилган,— деди.

Шундан кейин шаҳарга бутунлай бошқа томондан ҳамла қилиш ва уни ўраб олишнинг янги планини мулоҳим иборалар билан тушунтириб, бармоқлари калта, лекин каттагина қўли билан харитадан кўрсатиб берди.

Дивизия командири эрталаб шаҳарнинг қўмондон асосий зарба бериладиган томон деб белгиллаган тарафидан — фронтдан ўтиб келган болани эслади. Шундан кейин шаҳарни штурм қилиш плани бирдан ўз-ўзидан унинг миясидан жой олди қолди.

Ҳал қилувчи ҳамма муҳим масалалар дивизия штабида кечасигача ҳал этилиб, полкларга тарқатилди. Шундан кейин ко-

мандирлар нариги қишлоқда тасодифан бутун қолган ҳаммомга кетишди.

Эрта билан соат бешда дивизия командири ва унинг сиёсий ишлар бўйича ўринбосари тайёргарликнинг боришини текширгани полкларга чиқиб кетишди.

Полк командири майор Кононенконинг блиндажида кечаси билан ҳеч қим ухламай чиқди, чунки кечаси ҳамма катта командирлардан ҳамма кичик командирларгача уларнинг айрим кичик, лекин муҳим ва ҳал этувчи вазифалари тўғрисида кўрсатма ва йўл-йўриқлар бериб турилди.

Ҳамма буйруқ ва кўрсатмалар бериб бўлинган бўлса-да, дивизия командири кеча айтилган гапларни яна бир марта қайтарди ва майор Кононенконинг ишини синчиклаб текширди.

Кўп учрайдиган меҳнатқаш ҳарбийлар тоифасидан бўлган майор Кононенко,— гимнастёркасининг ёқаси тагидан свитери чиқиб турган, юришга осон бўлсин учун шинель ўрнига калта пахталик нимча ва пахталик шим кийган, ориқ ва жасур юзли майор ҳам дивизия командирининг гапини сабр-тоқат билан, лекин бепарво тинглади, чунки бу гапларнинг бари унга маълум эди; кейин ўзи нималарни қилиб қўйгани тўғрисида командирга рапорт берди.

Серёжка худди шу полкка тушган эди. У дивизия командиридан тортиб рота командиригача ҳамма нарвон пояларидан тушиб, автомат, икки граната олиб, Каменскнинг жанубидаги разъездга ҳаммадан илгари бостириб кириши керак бўлган штурмчи группага тайинланди.

Кейинги кунларда Каменскнинг пасти-баланд, сийрак чангалзор ҳам яланг теварак-атрофида илиққина бўрон тинмас эди. Кейин шамол жануб томондан туман учириб келди. Қорлар өрий бошлади, далалар ва йўллар лой бўлиб кетди.

Донецнинг икки тарафидаги қишлоқ ва хуторлар бомбардирмон ҳам артиллерия ўтидан вайрон бўлиб кетган эди. Жангчилар эски блиндажларга, ертўлаларга, чодирларга жойлашган, кўплари очиқ жойларда гулхан ёқмай ўтиришарди.

Штурм бўладиган кундан олдинги кун эртадан кечгача дарёнинг у томонидан туман орасидан каттагина шаҳар, унинг хувилаб ётган кўчалари, уйларнинг тоmidан баланд кўтарилиб турган станция водокачкаси, заводларнинг трубалари, черковларнинг жомхоналари кўриниб турарди. Шаҳар олдидаги тепаликларга ва шаҳар атрофига ҳурилган немис дзотлари кўзга шундй кўриниб турарди.

Аҳоли яшайдиган мана шундай бир жойни озод этиш учун бўладиган жанг олдидан солдат шинели кийган совет кишисининг кўнгли алланечук ҳис-туйғулар билан тўлиб кетади. Бу ҳис-туйғулар шинель кийган кишининг ўз жонажон ерини озод этиш учун ҳужум қилаётганидан келиб чиқадиган руҳий ҳаяжон ҳис-туйғуларидир. Бу ҳис-туйғулар шаҳарга, унинг аҳолисига, рутубатли ертўлаларга, чуқурларга беркиниб ётган оналар ва гўдакларга ачиниш ҳис-туйғуларидир. Бу ҳис-туйғулар беҳисоб жиноятлар қилган ва жазоланишини сезиб тургани учун қаршиликни икки ҳисса, уч ҳисса кучайтирган душманга ғазаб ва нафрат ҳис-туйғуларидир. Булар — ўлим хавфи бор эканлиги ва вазифанинг қийин эканлигини тушунишдан келиб чиққан руҳий хавотирлик, ташвиш ҳис-туйғусидир. Табiiй қўрқув ҳиссидан юраклари қисилганлар оз дейсизми!

Лекин жангчиларнинг биронтаси ҳам ўзининг бу ҳис-туйғуларини бошқаларга сездирмасди, ҳамма ҳаяжонда, ҳамманинг вақти хуш, бир-бирларига ҳазил мutoйиба қилишарди.

Ўзлари эмас, гўё шаҳарга афсонавий калава думалаб кириб борадигандай, жангчилар:

— Калава қасд қилдимиз, бўлди, думалаб кириб браверади,— дейишарди.

Серёжка келиб қўшилган штурмчи группага Серёжка линиядан ўтиб келиб биринчи учрашган пак-пакана, эпчилгина, хушчақчақ, юзига майда-майда тиришлар тошган сержант командирлик қиларди, сержантнинг кўзлари шу қадар порлаб турар эдики, гўё кўзларининг ранги дам ўгмай ўзгариб тургандай туюлар эди. Сержантнинг фамилияси Каюткин эди.

— Шундай қилиб, краснодонликман дегин,— деб қайта сўрарди сержант: унинг товушида ҳам севинч, ҳам қандайдир ишонмаслик оҳанглари сезиларди.

— Краснодонда бўлганмисан дейман?— деб сўради Серёжка.

— Ушоқлик бир қиз билан дўст эдим,— деди Каюткин, бир оз маъюсланган ҳолда,— у ердан кўчиб кетган бўлса керак. Мен у билан йўлда танишган эдим. Ўзи жуда яхши қиз экан... Краснодондан босиб ўтганман,— деди бир оз жимиб тургач,— Каменскни ҳам мудофаа қилганман. Мудофаа қилганларнинг баъзилари ўлиб кетди, баъзилари асирда, ёлғиз мен тирик, яна қайтиб келдим. Мана бу шеърни эшитганмисан?

Каюткин жиддий бир қиёфада ўқий бошлади:

Жангларда яраландим,
Изи қолди, тузалдим;
Уч ўровга тутилдим,
Уч сафар ҳам қутулдим.

Унгдан, сўлдан, тепадан
Улим ёғилди ҳар он,
Ҳар қандайин балодан
Омон қолдим ҳар қачон.

Тўдамиз чанг кўтарган
Ошна йўллар ўтаркан,
Мен қисман «майдаландим»
Ҳам қисман «тилкаландим»...

— Менга ўхшәганлар тўғрисида ёзилган,— деди Каюткин ва Серёжкага кўзини қисиб кулиб қўйди.

Кун кетиб, тун кирди. Дивизия командири майор Кононенкога унинг вазифасини яна бир марта ўқидирар экан, бу вазифани бажарадиган жангчилар уйқуда эдилар. Серёжка ҳам ухлаб ётар эди.

Навбатчилар уларни эрталаб соат олтида уйғотди. Жангчилар бир стакандан ароқ ичишди, ярим котелокдан гўштли шўрва ва тўйгуларича сўк шовла еб олишди. Сўнгра қалин ўрмондан, жарлик ва яна чакалакзорлардан ўтиб, ҳужум бошланадиган жойга тўпланишди.

Илгарилаб бораётган жангчиларнинг оёқлари тагидаги қор ва лой балчиқ бўлиб кетган. Икки юз метр нарида ҳеч нарса кўринмас эди. Оғир замбараклар ҳам қўзғалди, жангчиларнинг кети энди Донец бўйига етиб, тўғри балчиқда ётар эди.

Замбараклар кетма-кет тартиб билан ота бошлади, лекин замбараклар шу қадар кўп эдики, уларнинг отилиши ва снарядларнинг портлаши бир-бирига қўшилиб тўхтовсиз ва узлуксиз бўр гумбурлаш ҳосил ётар эди.

Каюткин ёнида ётган Серёжка туман оралаб дарёдан, тепаларидан учиб ўтаётган думалоқ, чўғдек қизарган ва қуйруқлари ёниб турган снарядларнинг ёниб ўтишини, нариги томонга бориб гумбурлаб портлашларини кўриб шаҳар устида портлаган ўқларнинг овозларини эшитиб ётар эди, бу садолар эса унинг ва ёнидаги ўртоқларининг гайратига гайрат қўшар эди.

Немислар ўз тахминларига кўра пиёда аскарлар тўпланаётган жойни мўлжаллаб мина отар эдилар. Баъзан шаҳар томондан олти оғизлик миномёт ўкириб қоларди. Шунда Каюткин хавотирланиб:

— Яна гиншиб қолди-ку....— дерди.

Бирдан олисдан, Серёжканинг орқа томонидан, гумбура-гумбур овози эшитилди. Бу садо тобора кенгайиб авж олиб бутун уфққа ёйилиб бораверди. Жангчилар писиб ётган қиргоқ осмони гумбурлаган овозга тўлиб кетди. Ул қиргоққа ўт ёгилди, ҳамма ёқни қалин тутун босиб кетди.

— Катюшалар ишга тушди-ку,— деди Каюткин. У ўзини анча тетик сеза бошлади, майда-майда ажин босган юзи жиддий тус олди.— Энди Иван-долбай бошласа борми, томошани ўшанда кўрасан.

Орқадан эшителиётган гумбурлаш ҳали тугамаган ва замбарак снарядлари ул қиргоққа ёгилиб турган бир пайтда Серёжка, команда бўлганини ҳам, бўлмаганини ҳам эшитмай, Каюткиinning бирдан ўрнидан сапчиб туриб олдинга қараб югурганини кўрди-да, у ҳам окопдан чиқиб муз устига қараб югурди.

Энди улар дарё музи устидан чошиб борар эдилар, атроф-теварак жимжитдай туюларди, ҳолбуки ул қиргоқдан улар устига ўқ ёгилиб турар, кўп одамлар ях устида йиқилиб қолар эди. Қалин туман ичида югуриб борувчиларнинг юзига қоп-қора тутун билан қиё ҳиди келиб урарди. Лекин ҳамма жангчиларни, ҳамма ишимиз тўғри чиқди, оқибати ҳам худди ўзимиз кутгандай бўлади, деган ҳис қамраб олди.

Тўсатдан чўккан бу жимжитликдан қуроғи битган Серёжка, дарёнинг ул ёғида, бурқиб ётган чуқур ичида Каюткин ёнида ётганидагина ўзига келди. Юзида газаб ўти ёниб турган Каюткин жон-жаҳди билан олд томонга автоматдан ўқ сочар эди. Серёжка, кўп бўлса эллик қадамча нарида бир тешикдан тумшуғи чиқиб турган пулемётни кўриб қолди-да, у ҳам ўша томонга қараб ўқ соча бошлади. Серёжка ҳам, Каюткин ҳам пулемётчига кўринмасди, улар тепасидан тинмай ўқ узиб турган пулемётнинг бир онда овози ўчди.

Шаҳар уларнинг ўнг томонида, олисда қолиб кетганди, шаҳар энди ўққа тутилмас эди. Улар борган сари шаҳардан узоқлашар, дарё бўйидан дашт сари тобора узоққа силжиб борар эдилар. Анчадан кейин даштга, улар силжиб бораётган жойларга, шаҳардан отилган замбарак снарядлари келиб туша бошлади.

Туманда кўринмаган, лекин Серёжка яхши таниган хуторлар ёнида улар яна кучли пулемёт ва автомат ўтига дуч келдилар. Дарҳол ерга ётишди ва кетиндан қўлда итариб келинаётган енгил замбараклар етиб келгунча ётавердилар Замбараклар

хуторларни нишонга олиб ота бошлади. Ниҳоят, тўда-тўда жангчилар, бўйлари баланд, вақтлари чоғ, оз-оздан ичиб олган забардаст артиллеристлар гилдиратиб келаётган ўша кичкина замбараклар билан бирга хуторларга бостириб кирдилар. Батальон командири ҳам шу ерда пайдо бўлди. Вайрон этилган гиштин бино подвалига алоқачилар жадал телефон сими торта бошладилар.

Бутун шу кичкина операциянинг сўнгги нуқтаси бўлмиш темир йўл разъездигача иш тузук борди. Агар уларнинг ихтиёрида бир неча танк бўлганда, разъездни ҳам аллақачон қўлга киритишарди, лекин Донец музи танкларни кўтара олмас эди, шунинг учун ҳам танклар ишга солинмаган эди.

Энди жангчилар қоп-қоронғи тунда ҳужумни давом этдирмоқда эдилар. Бу операцияга шахсан ўзи раҳбарлик қилган батальон командири душман ўт очиши биланоқ, қўл остида мавжуд бўлган жангчиларни ҳужумга бошлаб киришга мажбур бўлди, асосий куч ҳали етиб келганича йўқ эди. Жангчилар хуторга бостириб кирдилар, Каюткин группаси кўчани ичкаридаб кетган ва энди мактаб биносини қўлга киритиш учун жанг бошлаб юборган эди.

Мактаб биноси ичидан шундай даҳшатли ўқ ёғила бошладик, Серёжка ортиқ отолмай, юзини балчиққа бериб ётди. Ўқ чап қўлига, билагидан юқориқоққа келиб теккан, лекин суяги бутун эди. Серёжка ҳаяжон ичида оғриқни ҳам сезмади. Анчадан кейин бошини кўтариб қараса, ёниверида ҳеч ким йўқ.

У, шерикларим душман ўқиға дош беролмай, шаҳарнинг четига чекинишган деб ўйлаши мумкин эди. Лекин Серёжка ҳали тажрибасиз эди; ҳамма шерикларини ўлган деб ўйлаб, бирдан юраги ўйнаб кетди. Бир уйнинг муйишига эмаклаб бордида, қулоқ солди. Ёнидан икки немис солдати чопиб ўтиб кетди. Унг ҳам чапдан, орқа томонлардан немисларнинг овози келар эди. Бу ерда отишма босилган, лекин шаҳар чеккасида зўрайган эди. Сўнгра отишма ҳам тинди.

Шаҳар тепасида, қоп-қора қалин тутун қоплаган осмон фонида баҳайбат аланга липонглаб кўринар, у томондан гала-гала одамларнинг бақириқ овози эшитилар эди.

Немислар ишғол этган хуторда, қор аралаш балчиқда ярадор Серёжка ёлғиз ўзи ётар эди.

ОЛТМИШ УЧИНЧИ БОБ

Дўстим! Азиз дўстим!.. Қиссамнинг энг қайгули саҳифаларига етиб келиб, бехосдан сени эсладим...

Ёшлик чоғларимизда, шаҳарга ўқишга қатнаб юрган кунларимизда қанчалик ҳаяжонланганимни билсанг эди! Бизни эллик чақиримдан ортиқ масофа ажратиб турар эди. Уйдан жўнаб кетаётганимда сени топа олмасмикинман, якка ўзинг кетиб қолмадингмикан деб қўрқардим,— ахир, бутун ёз бўйи кўришмаган эдик-да!

Аравада, отамнинг орқасида ўтириб, сизларнинг қишлоғингизга кечаси соат бирларда кириб бориб, чарчаган отимиз кўчадан эўрга кетаётган пайтларда сенинг кетиб қолган бўлишинг мумкин деган ғам-ташвишнинг ўзи юрагимни жуда эзиб юборган эди. Уйларингга бориб етмасданоқ аравадан сакраб тушардим: сенинг похолхонада ётувчи одатинг борлигини билардим. Агар у ерда бўлмасанг, демак кетиб қолган бўлардинг. Лекин, бирон марта мени кутмасдан, ёлғиз ўзинг кетиб қолганинг борми? Биладан, мени ёлғиз қолдирмаслик учун мактабга кечикиб боришдан ҳам тоймас эдинг... Тонг отаргача иккаламиз ухламасдан, яланг оёқларимизни похолхона тоmidан осилтириб ўтирардик, тўйиб-тўйиб гаплашардик, пиқир-пиқир кулишардик, товуқлар ҳам чўчиб кетарди... Димогимизга хушбўй похол ҳиди уриб турарди. Урмон ортидан кўтарилган қуёш юзларимизга илк нурларини сочарди, ёз бўйи қанчалик ўзгарганимизни шундагина билар эдик.

Бир куни, ёшлигимизда, тиззамизгача сойга тушиб кўм-кўк тиниқ сувда турганимизда, бир қизни севиб қолганингни айтганинг эсимда... Ростини айтсам, қиз менга ёқмас эди, лекин сенга:

— Мен эмас, сен яхши кўрибсан, бахтли бўл!— дедим.

Шунда сен кулиб:

— Рост, кишини жиноятдан қайтариш учун ҳатто алоқани ҳам узиш мумкин, ундан юз ўгириш ҳам мумкин, лекин муҳаббат масаласида маслаҳат бериб бўладими? Яқин кишиларинг муҳаббатингга бош қўшади, кишиларнинг бошини қовуштиради, ажратади, сен яхши кўрган одам ҳақида яхши-ёмон гапларни кўтариб юришади... Бу билан қанча зарар етказишларини, ҳаётда бир мартагина бўлиб ўтиб кетадиган ширин ва пок дамларни заҳарлашларини ўзлари билсалар эди!..— дединг...

Яна, ҳув анови (отини тилга олгим ҳам келмайди) ҳув ано-

ви Н. келиб, ҳеч кимни менсимасдан, ҳаммани масхара қилиб, фалон киши фалончини яхши кўради, хушторининг ёнидан бир қадам нари сйлжимамайди, қизнинг эса тирноқлари кир, лекин бу гаплар орамингда қолсин... Фалон киши бўлса кеча бир ерга меҳмондорчиликка бориб, ўлардай ичиб, тоза қусди, лекин гап орамингда қолсин... Фалон кишининг бўлса усти боши йиртиқ, ўзини камбағал қилиб кўрсатади, аслда ўзи бориб турган хасис одам, мен биламан, бировларнинг пивосини ичишдан уялмайди, лекин бу гаплар орамингда қолсин... деганлари эсимда...

Ўшанда сен унинг бетига қараб турдинг-да:

— Ҳой, Н., менга қара, йўқол, тезроқ туёғингни шиқиллатиб қол...— дединг.

— Нима дединг?— деб ажабланди Н.

— Туёғингни шиқиллат дедим! Ўз ўртоғининг орқасидан гийбат қилиб юрадиган одамдан ҳам разил одам бўладими? Гийбатчи йигитдан ҳам паст одам бўладими?..— дединг сен.

Қандай гурур билан қарагандим ўшанда сенга! Мен ҳам худди шундай деб ўйлар эдим-у, лекин мен бундай шартта кесиб гапиролмасдим...

Лекин, сендан йироқда бўлган чоғимда мен комсомолга киришдан бўлак йўлим йўқ, деган фикрга келган эдим, ёз палласида шу нарса ҳаммадан кўпроқ эсимда қолган...

Шунда биз кузда яна ўша похолхонада кўришдик, шунда сенинг мендан тортиниб, кўнглинг бир оз совиганини сездим, ўзим ҳам сендан шундай кўнглим совиб юардим. Биз ёшлигимиздагидек, яланг оёқларимизни осилтириб, гурунглашиб ўтирдик. Сўнгра сен дединг:

— Балки, гапларимга тушуна олмассан, сенсиз, сен билан маслаҳатлашмасдан, шу қарорга келганим учун балки мендан хафа ҳам бўларсан, лекин мен шу ёз ичи ёлғиз ўзим, бошқа йўл йўқ экан деган фикрга келдим. Мен комсомолга киришга қарор қилдим...

— Комсомолга кирсанг устингга янги вазифалар олишинг керак бўлади, янги ошна-оғайни орғидирасан, мен нима қиламан?— деб сўрадим мен сендан, дўстлик кучини синамоқ учун.

— Шундайку-я,— дединг сен, маъюс бир ҳолда,— бундай бўлиши турган гап. Бунинг виждон иши эканлигини биламан, албатта, лекин сен ҳам комсомолга кирганингда қандай яхши бўлар эди!

Мен сени ортиқ қийнай олмадим: иккимиз бир-биримизга тикилиб қараб турдик-да, бирдан кулиб юбордик.

Сенинг товуқлар ётадиган похолхонангда, дарахтлар ортидан қуёш чиққандаги сўнги суҳбатимиздай ширин ва бахтли суҳбат бўлмагандир... Ушанда биз, қадам босиб кирган йўлимиздан асло чиқмасликка, дўстлигимизга доим содиқ бўлишга снт ичган эдик...

Дўстлик! Дунёда не-не одамлар бир шиша вино ичиб ўтиргандаги суҳбатни ёки бир-бирларига ён босишни дўстлик деб биладилар! Бунинг дўстликка қандай алоқаси бор?

Йўқ, биз ҳатто майда-чуйда масалаларда ҳам олишардик, бир-биримизнинг иззат-нафсимизни аямасдик, шунақа, дўстим. Агар фикримиз бир ердан келиб чиқмаса, аччиқ-аччиқ гаплар ҳам айтишардик! Лекин бундан бизнинг дўстлигимиз фақат кучайиб мустақкамланиб борарди, камолга етарди, худди метиндай мустақкам бўлиб борарди...

Мен сенга кўп ноинсофлик қилардим, лекин бирон хато қилиб қўйганимни билсам, сендан уэр сўрашдан қочмас эдим. Гост, шундай вақтларда мен сенга: нотўғри қилибман дердим қўярдим.

Шунда сен дердинг:

— Қўй, хижолат тортма, фойдасиз. Агар қилган хатоингга ўзинг тушунган бўлсанг — унут, бундан ҳам баттарлари бўлади, бу — кураш... — дердинг.

Кейин сен мени госпиталдаги энг яхши ҳамширалардан ҳам, балки ҳатто онадан ҳам яхши парвариш қилиб боқдинг, чунки сенда кўнгила бўшлик деган нарса йўқ эди. Сен дағалроқ йигит эдинг...

Энди мен сени қандай йўқотганимни айтиб берай, бунга анча ва анча вақтлар бўлди, лекин менга олдинги урушда эмас, балки кейингисиде бўлгандай туюлади... Сени кўл бўйидан, тўқайзор ичидан қўлимда кўтариб келар эдим, қонинг қўлимга томиб турар, жазирама офтоб қиздириб турар эди; кўл бўйида ҳеч ким тирик қолмаган бўлса керак, чунки бутун ўт шу тор қамишзорликка қаратилган эди. Сени кўтариб олиб кетдим, чунки бу дунёда яшамаслигингни кўзим олдиға келтира олмас эдим... Тагингға қамиш солиб ерга ётқиздим. Ҳушинг ўзингға эди, фақат лабларинг қақраб ётар эдинг. Сен:

— Сув.. Бир хўплам сув бер... — дединг.

Лекин у ерде сув йўқ эди, кўлдан сув келтириб ичирай десам на котелок, на кружка, на фляга бор эди. Шунда сен:

-- Авайлаб этигимни еч, этигим ҳали бутун... — дединг.

Фикриини англадим. Не-не йўлларни босиб ўтган каттакон

солдат этигингни оёғингдан ечдим, неча кунлардан буён пайтаваларни ювмасдан юрган эдик,— сенинг шу этигингни олиб, кўл бўйига кетдим, сўнгра эмаккладим — ўзим ҳам ниҳоятда ташна эдим. Тепадан ўқ ёмғир каби ёғиб турган бир пайтда қониқиб сув ичишни орзу қилиш албатта беҳуда эди, этикни сувга тўлдириб ёнинга қайтиб келиш бир муъжиза эди.

Лекин, ёнинга қайтиб келсам — жон берибсан... Чехранг ниҳоятда сокин эди. Сенинг нақадар катталигингни биринчи шунда кўрдим,— одамларнинг икковимизни адаштириши ҳам бежиз эмас экан. Кўэларимдан тирқираб ёш чиқиб кетди. Тоқати-мадорим қуриб, қақшадим, этигинга, солдат дўстлигининг шу қўпол, аччиқ пиёласига лабларимни қўйиб, бир томчи қолгунча ичдим...

Холдан кетган Валя совуқ демай, қўрқув демай, саргардон бўлиб, кечалари очиқ даштда ётиб юриб, фронт бўйлаб хутордан хуторга ўтиб юрарди. Фронт линияси ҳар сафар силжиб, чекинаётган немислар тўлқини бостириб келганда, у ҳам борган сари ўзининг тугилиб ўсган тарафига яқинлашиб борар эди.

Валя бир кун, икки кун, бир ҳафта саргардон бўлиб юрди, нимага бундай сарсон бўлиб юришини ўзи ҳам билмас эди, балки фронт линиясидан ўтишга ҳамон умидвор бўлгандир; кейин-кейин, Серёжкани алдаш учун гапирган гапига ўзи ҳам ишона бошлади. Нега Серёжка Қизил Армиянинг бирон қисми билан қайтиб кела олмасин? Ахир у «албатта қайтиб келаман» деб айтди-ку. У ҳамиша ваъдасининг устидан чиқарди.

Каменск шаҳрида жанг бошланиб, қоп-қора тутун устини босган аланга шуълалари ўнлаб километрга чўзилиб кетган кунни кечаси Валя Каменскдан ўн беш километрча нарида бўлган бир хутордан бошпана топди. Хуторда немислар йўқ эди, кўпчилик аҳоли қатори Валя ҳам шуълаларга қараб ухламай чиқди. Нимадир уни кутишга мажбур этарди, кутишга...

Қизил Армия қисмларининг Каменскка бостириб киргани, шаҳар ичида қизгин жанглар бўлаётгани, шаҳарнинг кўп қисмидан немислар суриб чиқарилгани хуторда соат ўн бирларда маълум бўлди. Немисларнинг энг даҳшатлиси — жангда енгилган немислар ҳозир бу ерга оқиб кела бошлайди... Валя яна халтасини елкасига ташлади-да, хутордан чиқиб кетди. Уй эгаси Валяга раҳми келиб, халтасига бир бўлак нон солиб берди...

Валя қаёққа кетаётганини билмай, боши оққан томонга қараб кетаверди. Қор ҳамон эриб борар эди, лекин шамол энди бошқа томондан ура бошлади, туман тарқалиб, ҳаво совий бош-

лади, осмонда парча булутлар сузиб юради. Чўпдай ориқлаб кетган Валя халтасини елкасига ташлагани ҳолда, йўл ўртасида тўхтади, береткаси остидан чиқиб турган нам сочларини шамол елиб турарди. Сўнгра секин-аста қадам ташлаб, эриб атала бўлиб кетган қор кечиб, Краснодар томонга йўл олди.

Яраланган қўли пастга осилиб тушган, енглари қон Серёжка худди шу пайтда хуторнинг нариги бошидаги уй деразасини қоқмоқда эди.

Йўқ, бу сафар тақдир уни аяди, бир ўлимдан сақлаб қолди... Серёжка қорайиб кетган қор устида, разъезд ёнидаги хуторнинг қоқ ўртасида, то немислар тинчимагунча, анчагача қимирламай ётаверди. Қизил Армия қисмларининг бу кечаси хуторни яна қайтариб олишига ишониб бўлмас эди. Фронтдан четга чиқиб кетиш керак эди. Устидаги кийими — граждандар кийими эди, қуролни эса бирон ерга ташлаб кетиш мумкин эди. Душман қисмлари эгаллаб турган жойдан биринчи марта ўтаётгани йўқ-ку, ахир!

Жароҳатланган қўлини судрай-судрай, темир йўл изидан эмаклаб ўтганида тонг ғира-шира ёриша бошлаган эди. Яхши уй бекалари ўринларидан туриб, кун ёришиб кетгунча чироқ ёқадиган маҳал эди, лекин ҳамма меҳрибон оналар шу маҳалда бола-чақалари билан ертўлаларда ўтиришар эди.

Серёжка темир йўл изидан юз метрча узоқлашгандан кейин ўрнидан турди-да, юриб келиб, шу хуторга етиб келди.

Челақда энди сув келтириб турган олтин сочларини бир ўрим қилиб ўрган бир қиз алланимани йиртиб, Серёжканинг ярасини боғлади, қонга беланган енгини ювиб, устидан кул билан ишқалаб қўйди. Немислар келиб қолишидан қўрққан уй эгалари ҳатто Серёжкага иссиқ овқат ҳам егизмадилар, фақат қўлига бир оз егулик бериб жўнатдилар.

Кечаси билан ухламай чиққан Серёжка фронт бўйлаб хуторма-хутор Ваяни излаб кетди.

Оби-ҳаво яна қишга айланди,— Донец даштларида бундай нарса кўп бўлиб туради. Гупиллаб қор ёға бошлади, лекин ортиқ эримасди. Кейин қаттиқ совуқ бошланди. Серёжканинг бола-чақалари билан алоҳида турувчи Феня деган опаси январь ойининг охирларида бозордан қайтса эшик ичдан қулф.

— Ойи, ёлғиз ўзингмисан?— деб сўради катта ўгли ичкаридан.

Серёжка бир қўли пастга осилган ҳолда, бир қўлини столга тираб ўтирар эди. Серёжка ҳамиша ориқ бола эди, ҳозир эса

юзлари чўккан, гавдаси букчайган эди, фақат кўзлари опасини аввалдагидек жонли ва маъноли ифода билан қарши олди.

Феня унга Марказий ишхонадан қамалганларни ва «Ёш гвардия»нинг аксарий қисми ҳам қамоққа олинганини айтди. Кошевойнинг қамалганини эса Маринадан эшитган эди. Серёжка чурқ этмай ўтирар, фақат кўзлари даҳшатли бир ўт билан ёниб турар эди. Бирмунча вақтдан кейин Серёжка деди:

— Мен кетаман, қўрқма...

Фенянинг ташвишланиб қолганини, ўзи ҳам болаларидан хавотирлана бошлаганини Серёжка сезган эди.

Опаси ярасини боғлади, аёл кийими кийинтирди, усти-бошини бир тугунга тугиб берди-да, қош қорайганда уйига уза-тиб қўйди.

Отаси, турмада кечирган қийноқлардан кейин шу қадар букчайиб қолган эдики, ўриндан деярли турмайдиган бўлиб қолган эди. Онаси ҳали ўзини бардам тутишга тиришарди. На Даша опаси ва на энг севимли Надя опаси бор эди: улар ҳам фронт томонга қаёққадир кетишган эди.

Серёжка Валя Борддан дарак бўлмадими деб сўрай бошлади.

Шу кейинги вақт ичида «ёш гвардиячи»ларнинг ота-оналари бир-бирлари билан танишиб, яқин бўлиб қолишган эди, лекин Мария Андреевна Серёжканинг онасига ўз қизи тўғрисида ҳеч нима демаган эди.

— У ерда эмасми?— деб сўради Серёжка, қовоқларини солиб туриб.

Йўқ, Валя турмада эмас, буни яхши билишарди.

Серёжка ечинди ва бир ойдан буён бугун топ-тоза кўрпасига биринчи марта кириб ётди.

Столда жинчиरोқ милтиллаб турарди. Ҳамма нарса ёшлигида қандай бўлса, ҳозир ҳам худди шундай эди, лекин Серёжканинг кўзига ҳеч нарса кўринмасди. Нариги хонада ётган отасининг қаттиқ йўталидан уй деворлари қимирларди. Серёжканинг назарида эса уй ичи ғайри табиий бир ҳолда жимжитдай туюларди: опалари кўринмасди, уларнинг ивирсиб юришлари эшитилмасди. Фақат «бобо»нинг хонасида кичкина жияни ёмақлар, ўзича бир нималарни бидиллаб юрарди.

Онаси бир юмуш буван ташқари чиқиб кетди. «Бобо»нинг хонасига бир қўшни жувои кирди. Бу жуво буларникига ҳар куни кириб-чиқиб юрарди, Серёжканинг отаси билан онаси соддадиллик қилиб, бу хотин нимага тез-тез келиб турадиган бў-

либ қолди деб ўйламас эдилар. Жувон «бобой» билан нималар тўғрисидадир гаплаша бошлади.

Ерда ўрмалаб юрган болакай ердан бир нарса топиб олди-да:

— Тога... тоға...— дея, Серёжка ётган уйга қараб ўрмалаб кетди.

Бояги жувон бу хонага кўз қирини ташлади-ю, Серёжкани кўрди ва «бобой» билан яна пича гаплашиб тургач, чиқиб кетди.

Серёжка ўрнида букчайиб, жим ётаверди.

Ота билан она ухлаб қолишди. Уйнинг ичи совуқ ҳам жимжит, лекин Серёжка ҳамон уйқусиз, юраги алланимадан сиқилгани ҳолда ётар эди...

Бирдан кўча эшик қаттиқ қоқилди:

— Оч!..— деган овоз эшитилди.

Бундан бир дақиқа илгари унинг назарида, ҳамма синовлардан олиб ўтган ҳаёт кучи энди соб бўлгандай ва ўз иродаси сингандай туюлган эди. Лекин эшик қоқилиши биланоқ унинг бутун гавдаси яна чаққон ва эпчиллашди, у секин кўрпадан тушди-да, дераза ёнига келиб, уйни қоронғи қилиб турган одял бурчагини кўтариб қаради. Ташқари оппоқ эди. Ҳамма ёқ сутдек ойдин эди. Ҳагто дераза тагида автоматини шайлаб турган немис солдатининг гавдасигина эмас, солдатнинг қорга тушиб турган кўланкаси ҳам худди яққол ҳайкалдай туюлар эди.

Отаси билан онаси уйғониб, уйқу ва қўрқув аралаш бир нималар деб ётишди, сўнгра эшик тақиллашига қулоқ бериб, жим ётишди. Серёжка ўз одати бўйича бир қўли билан шимини, кўйлагини кийди, кейин ботинкаларини кийди, лекин дивизиядан берилган солдатча ботинканинг ипларини боғлашга қўли келишавермади. У отаси билан ойиси ётган хонага чиқди-да:

— Биронталаринг чиқиб очинглар, лекин чироқ ёқманглар,— деди паст овоз билан.

Эшикни шундай қоқар эдиларки, кулба қулаб тушай дерди.

Онаси нима қиларини билмай, уй ичида зир югура бошлади.

Отаси ўридан секин-аста турди, унинг индамасдан туриш ва юришларидан Серёжка унинг юришга мадори йўқлигини, бу ишларнинг ҳаммаси унга огир туюлганини сезиб турарди.

— Бошқа иложимиз йўқ, бориб очмасанг бўлмайди,— деди ота галати туюлган ингичка бир овоз билан.

Серёжка, отасининг йиғлаётганини англади

Ота ҳассасини дўкиллата-дўкиллата даҳлизга чиқди ва:

— Ҳозир, ҳозир...— деди.

Серёжка ҳам отасининг кетидан секин даҳлизга шўнғиди.

Она ҳаллослаб даҳлизга югуриб чиқди, у ерда бир металлга тегиб кетгандай бўлди, ичкарига муздек ҳаво киргандай бўлди. Ота эшикни очди-да, эшик бандини ушлаганича, ўзини четга олди.

Ой ёругида даҳлизга бирин-кетин уч кишининг қораси кириб келди. Қирганларнинг энг кейиигиси эшикни ёпди, даҳлизнинг ичини кучли электр фонарь ёритиб юборди. Фонарь шуъласи олдин ичкарироқда, даҳлиздаи огилхонага кирадиган эшик олдида турган онага тушди. Қоронғи бурчакда беркиниб турган Серёжка огилхона эшигининг ҳалқаси туширилганини ва эшикнинг қия очиқ эканлигини кўриб қолди-да, буни онаси унга очиб қўйганини дарров пайқади. Лекин шу онда электр фонарь шуъласи отага ва ота орқасига беркиниб турган Серёжкага тушди: Серёжка, улар даҳлиэни фонарь билан ёритишмаса керак деб ўйлаб, улар ичкарига кириб кетишганидан кейин секин ҳовлига уриб қочмоқчи бўлган эди.

Икки киши унинг қўлидан ушлаб олди. Ярадор қўли қаттиқ оғриб кетган эди, Серёжка қичқириб юборди. Уни ичкарига судраб олиб киришди.

— Чироқни ёқ! Нимага кеккайиб турибсан, ёш келинчакадай!— деб ўшқирди онага Соликовский.

Она қўллари шу қадар қалтирар эдики, чироқни анчагача ёқолмай турди, шундан кейин Соликовскийнинг ўзи зажигалкасини ёқди. Серёжкани эсэсчи солдат билан Фенбонг ушлаб туришарди.

Она уларни кўрди-ю, ҳўнграб йиглаб юбориб, уларнинг оёғига йиқилди. Сергавда, вазмин она бақувват ва кекса қўллари эрга тираб, ўрмалаб юрар эди. Ҳасса таяниб, икки букилиб турган ота дағ-дағ титрарди.

Соликовский юзакигина тинтув қилди, чунки Тюленинлар уйини бундан олдин ҳам бир неча марта тинтишган эди. Солдат шимининг чўнтагидан арқон чиқарди-да, Серёжканинг қўллари эри орқасига қилиб боғлай бошлади.

— Биргина фарзандимиз эди... раҳмингиз келсин... ҳамма нарсамизни олинглар, майли... сигирни ҳам олинглар...

Нималар демади она... Серёжканинг онасига шу қадар раҳми келиб кетдики, бир нарса дейишга кўрқар эди: деса йиглаб юборар эди.

— Олиб кет,— деди Фенбонг солдатга.

Она унинг йўлини тўсган эди, Фенбонг жирканиб уни оёғи билан туртиб ташлади.

Солдат Серёжкани турта-турта олдинда борар эди, уларнинг кетидан Фенбонг билан Соликовскийлар чиқиб кета бошлади. Серёжка орқасига қайрилди-да:

— Хайр, ойи... хайр, отам...— деди.

Она Фенбонгга ташланди-да:

— Жаллодлар, сизларга ўлим ҳам оё! Шошмай туринглар, бизникилар келсин!..— дея, ҳали ҳам кучли қўллари билан уни ура кетди.

— Вой сеними!.. Яна авахтага тушгинг келдими, а?— деб ўкирди Соликовский ва «бобой»нинг хирқи овоз билан ёлворишларига қарамай, одатда кечаси кийиб ётадиган эски кўйлак кийган Александра Васильевнани кўчага судрай бошлади. «Бобой» унинг кетидан пальто билан рўмолини зўрга чиқариб берди.

ОЛТМИШ ТҮРТИНЧИ БОБ

Серёжкани калтаклашганда ҳам чурқ этмади, Фенбонг унинг қўлларини орқасига қилиб, ердан баланд кўтарғизиб қўйганда ҳам, ярадор қўлининг ниҳоятда қаттиқ оғриганига қарамасдан, барибир чурқ этмади. Фақат Фенбонг қўлининг ярасига шомпол тикқаидагина тишлари гижирлаб кетди.

Ҳар қалай, унинг жони қаттиқ эди. Уни якка камерага ташлашди, Серёжка ёнидаги қўшниларининг кимлигини билмоқ учун икки томон деворини қоқа бошлади. Оёқ учига туриб, шип тагидаги тирқишни синчиклаб қарай бошлади— тирқишни кенгайтириб бўлмасмикин ё тахтани кўчириб, жуда бўлмаса ҳовлига чиқишнинг иложи бўлмасмикин деб ўйларди: у, шу камерадан чиқа олса албатта қочиб кета олишига ишонар эди. У ерга ўтиради-да, уни сўроқ қилган ва қийновга солган хонанинг деразаларини, коридордан ҳовлига чиқиладиган эшикнинг қулфли ё қулфли эмаслигини хотирига келтира бошлади. Эҳ, қани эди, қўли бутун бўлса!.. Йўқ, у ҳали қочиб қутулишдан умидини узгани йўқ. Бу қаҳратон қиш кечаларида Донец томонидан келаётган артиллерия садалари ҳатто камераларда ҳам эшитилиб турарди.

Эрталаб уни Витька Лукьянченко билан юзма-юз қилишди.

— Йўқ... ёнимизда қўшни эканлигини эшитардим-у, лекин бирон марта кўрмаганман,— дерди Витька Лукьянченко, юзида бутун қолган қоп-қора ва бахмалдай кўэлари билан Серёжкага эмас, бошқа ёққа қараб.

Серёжка эса чурқ этмасди.

Кейин Витька Лукьянченкони олиб кетишди, бирмунча вақтдан кейин камерага Соликовский унинг онасини олиб кирди.

Улар, ўн бир боланинг онаси бўлган бу кекса хотиннинг усти-бошларини тортиб ечиб ташладилар-да, ўзини қонга беланган сўрига улоқтириб, ўғлининг кўзи олдида сим билан савалай бошладилар.

Серёжка юзини ўгирмади, онасини калтаклашларига индамасдан қараб турар эди.

Кейин унинг ўзини онасининг кўзи олдида калтаклай бошладилар, шунда ҳам Серёжка индамади. Ҳатто Фенбонг ҳам титоқиб кетди ва стол устида ётган темир таёқни олди-да, Серёжканинг соғ қўлини бир уриб, билагини синдириб юборди. Серёжканинг ранги оппоқ оқариб кетди, пешонасидан тер чиқиб кетди. У деди:

— Бўлган-турганим шу...

Шу куни, Краснодар посёлкасида қамоққа олинганларнинг ҳаммасини авахтага олиб келишди. Уларнинг кўплари юролмас эди, уларни қўлтиқларидан ушлаб коридордан судраб келишар эди-да, тиқилиб ётган камерага улоқтиришар эди. Коля Сумской ўзи юра олар эди, лекин бир кўзини хивич билан урганларида оқиб тушган эди. Бир вақтлар чинни каптар осмонга парвоз қилиб учиб кетганда мароқланиб чинқириб юборган Тося Елисеенко, энди фақат қорнида ёта олар эди: бу ерга жўнатишдан олдин уни қизитилган плитага ўтқизишган эди.

Уларни энди келтириб бўлишган эдики, камерага жандарм келиб, Любкани олиб кетди. Ҳамма қизлар, Любканинг ўзи ҳам, қатл этгани олиб кетишмоқда деб ўйлашди... Любка ҳамма билан видолашди, уни олиб кетдилар.

Лекин Любкани қатлга олиб кетмаган эдилар. Область фельдкомендантти генерал-майор Клернинг буйругига кўра, уни Ровенькига, Клер ҳузурига сўроққа олиб кетишди.

Қамалганларга озиқ-овқат қабул қилиш куни эди, кун совуқ, бирон шабада ҳам эмасди; болта товуши, қудуқ бошида челакнинг тарақлаган овози қуёшдан ҳам оппоқ қордан чарақлаб ётган ҳавода яққол эшитиларди. Елизавета Алексеевна билан

Людмила,— улар ҳар сафар турмага бирга келишар эди,—егулик солинган тугунча ва Володя ёзиб чиқарган кейинги хатда сўратдирган кичкина ёстиқчани кўтариб, майдон орқали, сўқмоқ йўлдан турманинг узун биноси томон келмоқда эдилар, деворлари оппоқ ва томини қалин қор босган турма биносини атроф-теваракдаги нарсалардан ажратиш қийин эди.

Уларнинг иккови,— она билан бола,— шу қадар ориқлаб кетишган эдики, уларни кўрган киши опа-сингил дерди. Ҳар вақт эҳтиросли ва ҳаракатлари кескин она энди бутун вужуди ёлғиз асаб томирларидангина яратилгандай гуюларди.

Турма олдини тўлдириб турган хотин-халажларнинг овозларини эшитиб ва аёлларнинг қўлларида тугун кўтариб турганларини ҳамда турма эшиги олдида ҳеч қандай ҳаракат-силжиш йўқлигини кўрибоқ. Елизавета Алексеевна билан Люся бирон шум ҳодиса бўлганлигини пайқадилар. Эшик ёнида одатдагича немис часовоий турарди, у хотин-халажлар оломонига қарамасди, эшик олдидаги супа панжарасида сариқ пўстин кийган бир «полицай» ўтирар эди. Лекин у ҳеч кимдан передача олмас эди.

Елизавета Алексеевнага ҳам, Люсяга ҳам бу ерда кимлар турганига қарашнинг ҳожати йўқ эди, чунки ҳаммалари бу ерда ҳар куни кўришиб туришарди.

Земнуховнинг муштипар кампир онаси эшик зинаси олдида қўлида тугун билан қоғозга ўроғлиқ бир нарса кўтариб турарди ва:

— Жуда бўлмаса бир оз егулик киритиб беринг...— дерди.

— Керак эмас. Қорнини ўзимиз тўйғизиб қўямиз,— дерди полицай, унга қарамасдан.

— Чойшап сўраган экан...

— Бугун ўзимиз бошлаб жой солиб берамиз...

Елизавета Алексеевна эшик олдида келди-да, кескин овози билан:

— Нега передача олмайсилар?— деди.

Полицай, унга парво қилмай, жим ўтираверди.

— Бизнинг шошадиган ишимиз йўқ, жавоб берадиган бирон киши чиқмагунча, шу ердан силжимай тураверамиз,— деди Елизавета Алексеевна, тўпланиб турган аёлларга қараб.

Улар қимирламай тураверишди, кейин бир маҳалда турма кўрасидан бир талай одамларнинг оёқ шарпалари эшитилди, аллаким дарвоза қулфини оча бошлади. Хотинлар ҳар сафар дарвоза очилганда турманинг бу томонга қараган деразаларига

қараб олар, баъзан шу камераларда ўтирган болаларини ҳам кўриб қолар эдилар. Аёллар оломони дарвозанинг чап томонига силжиди. Лекин дарвоза ичкарасидан сержант Больман бошчи-лвгида бир неча солдат чиқди-да, хотинларни ҳайдай бошлади.

Хотинлар сал нарига қочиб боришар эди-да, яна қайтиб келишар эди. Кўплари дод-фарёд солиша бошлади.

Елизавета Алексеевна билан Люся чеккага чиқиб, қараб туришди.

— Бугун қатл этишади,— деди Люся.

— Йўқ, мен худодан бир нарсани тилайман, илоҳи ўғлимнинг қаноти ўлим олдида синмасин, илоҳи бу итлар олдида титрамасин, уларнинг бетига қараб тупура олсин!— дерди Елизавета Алексеевна, хирқи ва паст овоз билан, кўзларида даҳшатли ўт ёнарди.

Шу вақтда уларнинг ўғил ва қизлари ўз қисматларига тушган энг даҳшатли ва сўнгги азобни бошдан кечирмоқда эдилар.

Земнухов майстер Брюкнер ҳузурида юзларидан қон оққани ҳолда, гандираклаб турарди, боши бир ёнга осилиб тушганди, лекин Ваня бор кучини тўплаб, бошини тикка кўтариб олди-да, чурқ этмай келган шу тўрт ҳафта ичида биринчи мартаба деди:

— Ҳа, қўлларингдан келмади-ку?...— деди у.— Қўлларингдан келмайди ҳам!.. Қанча мамлакагларни босиб олдиларинг... Виждондан, шарм-ҳаёдан кечдиларинг... шундай бўлса ҳам, қўлингиздан келмайди... кучингиз етмайди...— деди-да, қаҳ-қаҳ уриб кулди.

Ярим кечага борганда икки солдат камерага Уляни қўлда кўтариб кирди, унинг бўздек оқарган, боши пастга жонсиз осилган, узун сочлари ерда судралиб келар эди. Солдатлар уни камерага олиб кириб, девор тагига улоқтирдилар.

Уля ингради-да, қорнига ағдарилиб ётди.

— Лилечка...— деди Уля, Иванихинанинг каттасига.— Кофточкамни кўтариб қўй, бутун баданим ловиллаб ёняпти...

Юарга мадори қолмаган, лекин энг сўнгги дамгача ўз ўртоқларига худди ҳамширадай бўлиб қолган ва уларга қараб юрган Лилечка, Улянинг қонга беланган кофточкасини қўлтиги тагигача кўтарган эди, уни кўриб қўрқиб кетди, йиглаб юборди. Улянинг елкасига ўйиб солинган беш бурчакли юлдуздан тираб қон оқиб турарди.

Бу жаллодларнинг энг сўнгиси гўрга кирмагунча бу кеча Краснодон аҳолисининг хотирасидан асло сўнмайди. Осмонда

сутдай тип-тиниқ ой ўроғи ярқираб турарди. Дала-дашт ўн километрларгача яққол кўриниб турарди. Қаҳратон совуқ эди. Шимол томонда, Донец дарёси бўйлаб бутун осмонни аланга шуълалари қоплаган, у ёқдан катта ва кичик жанглarning гоҳ пасайиб, гоҳ яна зўрайиб борувчи садолари, шовқини эшитиб турар эди.

«Ёш гвардиячилар»нинг ота-оналаридан биронтаси, фақат улар эмас, бошқалар ҳам бу кеча ухламай чиқди: бу кеча «ёш гвардиячиларнинг» қатл этилишини ҳаммалари билар эдилар. Улар ўзларининг совуқ квартира ва кулбаларида жинчироқ ёқиб ё бўлмаса жинчироқ ҳам ёқмай қоронғида ўтирар, баъзан бирон кимса ҳовлига югуриб чиқар эди-да, овозлари — ё машина товуши ё милтиқ овози эшитилмасмикин деб, анчагача совуқда сукунатга қулоқ бериб турарди.

Камераларда ҳам беҳуш ётганлардан бошқа ҳеч ким мижджа қоқмай чиқди. Қийновга ҳаммадан кейин олиб борилган «ёш гвардиячилар» турмага бургомистр Стаценко келганини кўриптиди. Бургомистрнинг турмага фақат қатл олдидан ҳукми имзолаш учун келишини ҳамма билар эди...

Донец осмонида гуриллаган улуғвор садолар камераларда ҳам эшитиларди.

Уля ёнбошлаб, бошини деворга суяб, қўшни камерадаги болаларнинг деворини қоқар эди:

— Болалар, эшитяпсизларми, эшитяпсизларми?.. Бардам бўлинглар... Бизникилар яқин... Барибир, бизникилар етиб келмоқда...

Коридордан солдатларнинг дупур-дупури эшитилди, камераларнинг эшиклари тарақлаб очила бошлади. Маҳбусларни коридорга олиб чиқиб, қўра билан эмас, катта эшикдан кўчага олиб чиқа бошладилар. Камерада пальто ва жакетларини кийиб олган қизлар бир-бирларининг бошига шапка кийгизиб қўяр, рўмолларини ўрашиб қўяр эдилар. Лиля, қимир этмай ётган Аня Соповани кийинтирди. Шура Дубровина ўзининг энг севимли дугонаси Майяни кийинтириб қўйди. Қизларнинг баъзилари сўнги видео хатларини ёзиб, ерда ётган кийимлар орасига қистириб қўяр эдилар.

Ўтган сафар Уляга тоза усти-бош келтиришган эди, ҳозир у эскисини тугунга туга бошлади. Бирдан хўрлиги келиб, кўзлари ёшга тўлди, кўз ёшларини тутиб туролмади-да, ҳеч ким кўрмасин деб қонли кийимларини юзига босиб, камеранинг бир бурчагига юзини ўгириб, бирмунча вақт шу алпозда ўтирди.

Уларни сутдек ойдин майдонга олиб чиқиб, икки юк машинага ўтқиза бошладилар. Энг олдин тамомила мадори қуриган ва эс-қушидан айрилган Стаховични олиб чиқишди-да, кўтариб туриб, машинанинг ичига улоқтиришди. «Еш гвардиячилар»нинг кўпи ўзлари юролмас эди. Анатолий Поповни кўтариб олиб чиқишди: унинг товони кесиб ташланган эди. Кўзлари ўйиб олинган Витя Петровни Рагозин билан Женя Шепелев қўлтиқлаб келар эди. Володя Осьмухиннинг ўнг қўли кесиб ташланган эди, лекин у ўз оёғи билан юриб келди. Ваня Земнуховни Толя Орлов билан Витя Лукьянченко кўтариб чиқишди. Уларнинг кетидан чўпдай ориқлаб кетган Серёжка Тюлений гандираклаб келар эди.

Қизлар ва йигитларни бошқа-бошқа машиналарга миндиришди.

Солдатлар, машиналарнинг икки ёнини кўтариб беркитишди-да, маҳбуслар билан тиқилиб кетган машиналарнинг бортидан ўзлари ҳам машинага минишди. Унтер Фенбонг олдинги машина шоферининг ёнидан жой олди. Машиналар юриб кетди. Уларни майдондан, болалар касалхонаси ҳам Ворошилов номли мактаб бинолари ёнидан олиб кетишди. Олдинги машина қизлар билан тўла эди. Уля, Саша Бондарева ҳам Лиялар қўшиқ айта бошладилар:

Эркисизлик азоби эди қалбингни,
Шонли йўлда шон билан ўлдинг...

Уларга қолганлари қўшилишди. Кейинги машинада ўтирган болалар ҳам қўшилишиб айта бошладилар. Уларнинг ашуласи совуқ ҳавода олис-олисларга янграрди.

Юк машиналари чап томондаги энг сўнги уйдан ўтиб, 5-кўмир конига олиб борадиган йўлга чиқди.

Машинанинг орқа томондаги тахтасига сиқилиб ўтирган Серёжка бурни билан энтика-энтика совуқ ҳавони ичига ютар эди... Ана, машиналар дала йўли бурилиб кетган айрилишдан ҳам ўтди, ҳадемай жарликни ҳам кесиб ўтишлари керак. Йўқ, бу нарса қўлидан келмаслигини Серёжка билади. Лекин унинг олдида қўллари орқасига боғланган Ковалёв тиз чўкиб ўтирар эди. Ковалёв ҳали анча бардам эди, унинг қўлларини бойлаб қўйишлари ҳам бекорга эмас эди. Серёжка уни боши билан туртди. Ковалёв қайрилиб қаради.

— Толька... Ҳозир жарлик келади...— деб шипшиди Серёжка ва боши билан пастликни имлаб кўрсатди.

Ковалёв орқасига бошини қайриб қаради-да, боғлоглиқ қўлларини қимирлатиб кўрди. Серёжка Ковалёвнинг боғланган қўллари устига энгашиб, арқонни тиши билан еча бошлади. Серёжка шу қадар мадорсиз ва ҳорғин эдики, пешонасидан тер чиқиб кетиб, елкасини бир неча марта машина деворига ташлаб ўтиришга мажбур бўлди. Лекин у, гўё ўзи озодликка чиқишга тайёрланаётгандай, ўлиб-тирилиб ҳаракат қиларди. Ахир арқон ечилди. Ковалёв, ҳамон қўлларини орқасида тутиб, қимирлатиб кўрди.

Кўзгалди қасоскор өллар.
Улар биздан минг бора кучли...

— деб ашула айтишарди болалар ҳам қизлар.

Машиналар жарликка тушди, олдингиси жарнинг ул томониغا кўтарила бошлади. Иккинчиси ҳам ўқира ва тирғона-тирғона, тепаликка қараб кўтарила бошлади. Ковалёв, бир оёғини машинанинг кейинги деворига қўйди-да, пастга ирғиб қорни қўпора-қўпора, жарликдан қочиб кетди.

Солдатлар саросималаниб қолди, бу орада эса машина тепага чиқиб бўлган, Ковалёв ҳам кўздан йўқолган эди. Солдатлар, бошқалар ҳам қочиб кетмасин деб қўрқиб, машинадан сакрамас, ўтирган жойларидан пала-партиш милтиқ ота бошладилар. Милтиқ товушларини эшитиб қолган Фенбонг машинани тўхтатди-да, пастга сакраб тушди. Машиналар тўхтади. Фенбонг ўзининг хотинчалиш ингичка овози билан қичқириб сўкинар эди.

— Кетди!.. Кетди!..— ғоят кучли мароқ ва тантана билан қичқирарди Серёжка ва ўзи билган энг даҳшатли сўзларни топиб сўкинарди. Лекин бу сўкинишлар Серёжканинг тилидан ҳозир гўё бир мақтовдай чиқар эди.

Ана, портлатиб юборилган 5-кўмир конининг қийшайиб қолган копёри ҳам кўринди.

Йигитлар ва қизлар «Интернационал» айта бошладилар.

Уларнинг ҳаммасини шахта ёнидаги музлаб ётган ҳаммомга туширишди ва бу ерда бирмунча вақт тутиб туришди: Брюкнер, Балдер ва Стаценконинг етиб келишини кутишар эди. Жандармлар, усти-бошлари тузукроқларнинг кийимларини ва оёқ кийимларини ечинтира бошладилар.

«Еш гвардия»чиларга бир-бирлари билан видолашишга имкон берилди. Клава Ковалёванинг Ванянинг ёнига келиб ўтиришга ва қўлининг унинг пешонасига қўйишгагина дармони етди, улар охиригача бир-бирларидан айрилишмади.

Уларни кичик-кичик тўдаларга бўлиб олиб чиқиб, кон қуду-гига биттадан улоқтира бошладилар. Ва уларнинг айтишга қур-би етганлари дунёга айтмоқчи бўлган бир-икки оғиз гапини ай-тиб қолди.

Немислар қудуққа ўнлаб кишиларни ташлаганидан, улар қудуқ тагида ўлмай қолмасин деб қўрқиб, уларнинг устидан яна иккита вагонетка ташладилар. Қатл этилганларнинг овоз-лари шахтадан бир неча кунгача эшитилиб турди.

Қўллари орқасига қилиб боғланган Филипп Петрович Люти-ков билан Олег Кошевой фельдкомендант Клер ҳузурида тури-шарди. Шу маҳалгача икковлари ҳам Ровеньки авахтасида ётган бўлсалар-да, бир-бирларининг бир қамоқда эканликларини бил-мас эдилар. Лекин худди шу бугун икковларининг қўлларини бирга боглаб, райондагина эмас, ҳатто бутун областдаги под-польенинг изини айтдиришга мажбур этиш умидида, юзма-юз қи-лишга олиб боришди.

Уларнинг қўлларини бирга боглаб қўйишнинг сабаби нимада эди? Немислар, уларнинг қўллари боғланмаганлигидан қўрқи-шар эди. Шу билан бирга душманлар, бу икки кишининг ташкилотда қандай роль ўйнаганини билганларини кўрсатиш-моқчи эди.

Филипп Петровичнинг оқарган сочларига қон ёпишиб қол-ган, дабдала бўлиб кетган усти-боши забардаст гавдасидаги яраларига ёпишиб қолган, ҳар бир қимирлаганида яралари оғритар эди, лекин у буни ҳеч билдирмас эди. Оғир ва даҳшатли қийновлар, очлик Филипп Петровичнинг гавдасини қуриртган эди, юзидаги ёшлик даврида уни бошқалардан ажратиб турган ва руҳий иродаси кучли эканлигини билдириб турган аломатла-ри янада бўртиброқ чиққан эди. Кўзлари одатдагича сокин ва шиддатли эди.

Олег уриб синдирилган ўнг қўлини осилтириб турар эди, унинг чеҳраси деярли ўзгармаган, лекин чакка сочлари оппоқ оқариб кетган эди. Қалин қорамтир киприклари остидаги кўз-лари равшан ва одатдагидан кўра янада маънолироқ бир ифода билан боқарди.

Халқ ичидан чиққан кекса ва ёш икки йўлбошчи фельдко-мендант Клер ҳузурида шу ҳолатда туришар эди.

Одам ўлдиришдан бошқа ҳеч нарсани билмайдиган ва бу ишда суяғи қотган Клер уларни янги ва янада даҳшатлироқ қий-

ноққа солди, лекин улар энди ҳеч нарсани сезишмасди деса бўларди: инсоннинг улуғ ижодкор руҳи парвоз қилгани каби, уларнинг руҳи ҳам мислсиз юксакликларда парвоз этарди.

Кейин уларни ажратишди, Филипп Петровични яна Краснодон авахтасига олиб кетишди. Марказий ишкона тергови ҳали тугамаган эди.

Лекин, подпольедаги ўртоқлар маҳбусларга кўмак бериша олмади, бунинг сабаби турманинг қаттиқ қўриқ остида бўлганигина эмас, бунинг сабаби яна шу эдики, бутун шаҳар чекиниб ўтувчи душман қўшинлари билан тўлиб кетган эди.

«Ёш гвардия»чиларнинг тақдири қандай бўлган бўлса, Филипп Петрович, Николай Бараков ва уларнинг ўртоқларининг тақдири ҳам шундай бўлди: ҳаммаларини 5-кўмир кони қудугига ташлашди.

Олег Кошевой ўттиз биринчи январь кундуз куни отиб ўлдирилди. Унинг жасади шу куни ўлдирилганларнинг жасадлари билан бирга ялпи ўрага кўмиб ташланди.

Люба Шевцовани эса махфий шифр ҳамда радиопередатчикни топиб берармикин деб, еттинчи февралгача азобладилар. Отилиш олдидан онасига бир амаллаб бир энлик хат ёзиб юборди:

«Альвидо, ойигинам, қизинг қора ерга кетди...»

Любани қатл этишга олиб чиққанларида у ўзининг энг севимли қўшиғини айта бошлади:

Москванинг меҳрибон кенг кучоғида..

Уни қатлга олиб бораётган СС ратенфюрери қизни тиз чўктириб, елкасидан отмоқчи бўлган эди, лекин Люба тиз чўкмади, юзини ўққа тутиб берди.

ОЛТМИШ БЕШИНЧИ БОБ

Филипп Петрович Олег билан Ваня Туркеничнинг фойдаланишини тахмин тутиб, Полина Георгиевна орқали уларга берган адреснинг кимнинг адреси эканлигини эҳтиётдан айтмаган эди. Олег билан Ваня Туркенични у Марфа Корниенконикига юборган, уларнинг етиб борганлари ҳақида Марфа Корниенко Проценкога ё бўлмаса унинг хотинига хабар беришини билар эди. Кейин «Ёш гвардия» раҳбарларидан фойдаланиш йўлини ўзлик ўзи топишар деб ўйлаган эди.

Филипп Петровичнинг бу энг махфий адресни Олег билан Туркеничга айтишининг ўзи уларга қанчалик ишонганини, уларнинг қадрига ета билганини ва уларнинг тақдири учун хавотирланганини кўрсатар эди.

Лекин Лютиков уларни қаерга юбораётганини Полина Георгиевна гарчи Олега айтмаган бўлса-да, бу адрес тўппа-тўғри партизанлар ёнига олиб боришини Ваня дарҳол англаган эди.

«Ёш гвардия» қатнашчилари орасида фақат у-ю, Мошков етилган ва балоғатга етган эди. Ўз дўстларининг қамалгани ўртоқларига қандай таъсир этган бўлса, Ваня Туркеничга ҳам шундай қаттиқ таъсир этган эди. Унинг бутун руҳий кучи ўз дўстларини қандай қилиб қутқаришга қаратилган эди. Лекин Туркеничнинг ўз ўртоқларидан фарқи шу эдики, у воқеаларга реал кўз билан қарар эди. Унинг дўстларига бермоқчи бўлган кўмаги ҳам бутунлай амалий бир фикр эди.

Дўстларни озод этишнинг энг яқин бир чораси — партизанлар ёнига етиб олиш эди. Совет қўшинларининг Ворошиловград областига кирганини ва ҳамон илгари силжиб келаётганини, Краснодарда эса қуроли қўзғолон ҳозирланаётганини Туркенич билар эди. У ҳарбий тажрибага эга бўлган киши эди, шунинг учун унинг ихтиёрига отряд берилишига ёки жуда бўлмаса ўзи отряд тузиб олишига имкон берилишига шубҳа қилмас эди. Шунинг учун Туркенич Олег берган адресдан сира иккиланмасдан фойдаланишга қарор берди.

У, ўз фамилиясининг барча жандарм бошқармаларига ҳам полиция пунктларига маълум бўлганлиги мумкинлигини билар эди, шунинг учун ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатларни олишга ботинмади. Бошқа кишининг номига ёзилган ҳужжати йўқ, бундай ҳужжатни топишга эса вақт қолмаган эди. Ваня ҳеч қандай ҳужжатсиз, шимол томонга йўл олди. Чап қўлининг билагига ёшлигида ўз исмининг биринчи ҳарфи ўйиб ёзилиб қўйилган эди. Шунинг учун ўзининг асл отини қолдириб, фамилиясини Крапивин қилиб олди.

Унинг аҳволи оғир эди. Унинг қадди-қомати, ёши бирон ҳужжатсиз немисларнинг орқа томонида, яна фронтга яқин жойда бир ердан иккинчи ерга бекор тентираб юрувчи кишиларга ҳеч ҳам ўхшамас эди. Башарти, гестапо қўлига ёки полиция қўлига тушиб қолгудай бўлса, Ростов областидаги Ольховий Рогга қизилларнинг танклари хуторга бостириб кирганда уларнинг дастидан қочиб келдим деб баҳона топиши мумкин эди, лекин бу баҳона уни фақат ўлимдан сақлаб қолиши мумкин эди.

Лекин бу баҳона уни немислар қўшинида қора ишга муқаррар боғлаб қўйиши ё бўлмаса Германияга ҳайдаб кетилишига сабаб бўлиши турган гап эди.

Ваня, аҳоли яшайдиган жойларни четлаб ўтар,— унинг тахминича, бу жойларда полицайларга дуч келиб қолиши мумкин эди,— гоҳ дала-даштдан, гоҳ йўлдан панароқ жойларни излаб, кечаси ҳам, кундузи ҳам тўхтамай борар эди. Агар кундуз куни ҳамма ёқдан яққол кўринишига кўзи етиб қолса, кечгача беркиниб ётиб, кечаси яна йўлга тушарди. Этик кийган оёқлари совуқотиб кетганди, айниқса тўхташга мажбур бўлган вақтларда оёқлари жуда совуқотарди, қорнига деярли ҳеч нима кирмасди. Қалб азоби унинг руҳини ғазаблантириб юборган эди. Жисмоний жиҳатдан ёш, бунинг устига Ватан уруши мактабини кўрган рус ишчиси каби бақувват эди.

Шу алпозда у Марфа Корниенконинг уйини топиб борди.

Марфа Корниенко турган қишлоқ, ҳатто унинг уйи, ён-атрофдаги Давидов, Макаров Яр ва бошқа хуторлар ҳам душман аскарлари билан тўлиб кетган эди. Шимолий Донецнинг у юзида ҳам, бу юзида ҳам кучли мудофаа истеҳкомлари қурилмоқда эди. Немис мудофаасининг бу линияси Ворошиловград областининг шимолий қисмини жанубий қисмидан шу қадар ажратиб юборган эдики, Марфа билан Иван Фёдорович ўртасида алоқа қилиб туришнинг деярли иложи қолмаган эди. Башарти алоқа қилиб туришнинг иложи бўлганда ҳам, эндиликда бунинг ҳожати қолмаган эди. Областнинг шимолий районларидаги отрядлар Қизил Армия билан бевосита ҳамкорлик қила бошлаган ва эндиликда Иван Фёдоровичнинг кўрсатмалари асосида эмас, балки шу қисмлар қўмондонлигининг берган кўрсатмалари асосида жанг қилмоқда эди. Жанубий районларга фронт фақат февралнинг ўрталарида яқин келган эди, бу районлардаги отрядлар ҳозирча вазиятга қараб ҳаракат қилиб турарди. Унлаб ва юзлаб километр нарида бўлган Проценко бу вазиятни ҳисобга ололмас ва бу отрядларга раҳбарлик қила олмас эди.

Иван Фёдорович манзил қурган Беловодск отряди ўзининг Городишчи қишлоғидаги базасини ташлаб кетди, чунки у ерни немислар эгаллаган эди. Отряднинг эндиликда бирон муқим жойи йўқ эди, совет қўмондонлигининг кўрсатмасига қараб, немисларнинг орқа томонида ҳаракат қилиб юрарди. Марфанинг Иван Фёдорович билан ҳам, ўз эри билан ҳам алоқаси узлиб қолган эди. Марфа Корней Тихонович билан ҳам ва умуман ўз манзилини ташлаб кетган Митякино отрядидан бирон кимса

билан ҳам алоқа қилмас эди: Митякинская қишлоғи атрофида турган немислар истеҳком қурмоқда эдилар. Туркенич Марфаникига етиб келган пайтда Екатерина Павловна аллақачон Ворошиловградга етиб олган ва у билан ҳар қандай алоқа узилган эди.

Туркенич ақл ишлатгани ва жасорат эта олгани учунгина Марфа билан учраша олди. Унинг толеига, Марфа дарров ишона қолди, ҳужжатсиз ҳам, фақат гапига ишонди: Туркеничнинг гапини текширишнинг ҳеч иложи йўқ эди-да. Туркеничнинг сокин ва жиддий боқишини Марфа сунъий бепарволик билан қаршилади; Туркеничнинг жасоратли, лекин ниҳоятда ҳорғин чеҳраси унинг диққатини ўзига тортди, ҳарбийча ҳаракатларини, камтар ва сипоҳлигини пайқади-да, бирдан ишонди-қўйди, фақат славян аёлларигина шундай бир қарашда ишона оладилар ва хато қилмайдилар. Тўғри, унга ишонганлигини Марфа дарров билдира қолмади, лекин шу онда яна бир муъжиза юз берди. Ўзининг Марфа Корниенко эканлигини яна бир карра тасдиқ этгандан кейин, Ваня Туркеничнинг хаёлига бирдан Гордей Корниенко келиб қолди: Гордей Корниенконинг ҳарбий асирлар лагеридан қутқазилганини Ваня ўз адаши Ваня Земнуховдан ва операция қатнашчиларидан эшитган эди. Шунинг учун Ваня Гордей Корниенко сизнинг қариндошингиз эмасми деб сўради.

— Қариндошим бўлса қариндошимдир,— деди Марфа, бирдан қоп-қора ва ёш кўзларида жонли бир маъно ифода этгани ҳолда.

— Гордей Корниенкони «Еш гвардия»даги йигитларимиз қутказган эди...— деди Ваня ва бунинг қандай бўлганини гапириб берди.

Бу ҳикояни Марфа эридан кўп марта эшитган эди. Ўз эрини озод этган болаларга изҳор этолмай юрган бутун оналик қалбидаги миннатдорликни Ваня Туркеничга бағишлади, бағишлаганда ҳам сўз билан эмас, қўл ҳаракати билан эмас: ўзининг Городишчи қишлоғи яқинида турувчи қариндошларининг адресини Ваняга айтди.

— У ердан фронт яқин, ёрдамлашиб фронтдан ўтказиб юборишади,— деди Марфа.

Ваня бош силкитди. У фронтдан ўтишга интилмас эди, лекин унга бизнинг қисмларимиз билан биргаликда ҳаракат қилувчи партизанлар керак эди, бу партизанларни Марфа айтган ердан тезроқ топа олиши турган гап эди.

Улар қишлоқда эмас, балки даштда, тепалик орқасида гапиришиб туришарди. Қош қорая бошлади. Марфа шу кечасиёқ Донецдан олиб ўтиб қўядиган бир кишини юборишини айтиб, кетди. Бирон егулик олиб келиб берсангиз деб айтишни Ваня Туркенич ўзига ор билди. Лекин Марфа бундай нарсаларни унутадиган аёллардан эмас эди. Бир вақтлар Иван Фёдорович усти-бошини алмаштирган пак-пакана бобой Ваняга бир шапка сухари билан бир бўлак тузланган мой келтирди. Гапга ўч чол Ваняга Донецдан олиб ўтмаслигини, чунки дарёдан партизанни олиб ўтиш тугул, ҳатто ўзи ҳам ўтишга ботинадиган одам йўқлигини шипшиб тушунтира бошлади. Лекин бобой, Донецнинг ўтса бўладиган қулай ва яқин жойини кўрсатишни ваъда қилди.

Шундай қилиб, Туркенич Донецдан ҳам ўтди. Бир неча кундан кейин Городишчи қишлоғидан ўттиз километрча жануброқда бўлган Чугинка деган пастқам бир қишлоққа етди. У энди шундай жойдан ўтиб борар эдики, бу ерларда душман истеҳкомлари тез-тез учраб турар ва немис қўшинларининг жойдан жойга силжиб туриши сезилиб турар эди. Маҳаллий аҳолидан Ваня Чугинка қишлоғида кичкина полиция пункти жойлашганини ва қишлоқдан гоҳ немис отрядлари, гоҳ румин отрядлари ўтиб туришини суриштириб билди. Шу билан бирга Ваня, Чугинка қишлоғи Камишная дарёси бўйидаги бизнинг қўшинлар ишғол этган Волошино қишлоғига жуда яқин эканлигини ҳам билиб олди. Шундан кейин у, ҳар қандай бўлса-да, шу Чугинка қишлоғига киришни қасд қилди: қишлоқ аҳолиси ўртасида бизнинг қўшинлар билан алоқада бўлган кишилар топилиши мумкин эди.

Лекин бу ерда унинг омади келмади: энди қишлоққа етай деб қолганда полиция ушлади. Уни «қишлоқ маҳкамаси» жойлашган бинога олиб келдилар, бу ерда немислар хизматида бўлган рус полиция амалдорлари шу қадар майхўрлик қилиб ўтирар эдиларки, уларнинг бу қадар разолат ва пастликларини таъриф қилиб бўлмасди.

Туркеничнинг устки кийимларини ечиб, оёқ ва қўлларини боғлаб, деворлари яхлаган подвалга ташладилар. Ваня шунча йўл юриб, яна бу гурбатга ҳам учраб, шу қадар мадорсизланган эдики, совуқдан даг-даг титрашига қарамай, подвалнинг ичини эмаклай-эмаклай қидириб бир бурчакдан топган сассиқ тўқимга ўзини ташлади-да, қотиб ухлаб қолди.

Ваня машинанинг милтиқ сингари пөпилашидан уйғониб кетди, уйқу аралаш бу попилашни ҳақиқатан ҳам милтиқ овози

деб ўйлади. Шу ондаёқ қулогига, ташқарида, девор ёнида тўхтаган бир неча катта машиналарнинг тириллаган товуши эшитилди. Тепасидаги пол гурсиллай бошлади. Бирмунча вақтдан кейин подвал эшиги очилди ва Ваня қиш эртаси ёруғида қорамтир пахталик нимча кийган совет автоматчиларини кўрди. Олдинда кирган сержант электр фонарини Ваняга тўғрилади.

Туркенични немислардан ўлжа олинган учта бронемашинида қишлоққа бостириб кирган бизнинг разведкамиз озод этди. Қўлоқлари боғланган полицайлاردан ташқари, қишлоқда фақатгина етти аскар, бир офицер ҳамда ошпаздан иборат немис ротаси ҳам бор эди. Энди овқат пиширишга уннаб турган ошпаз, немис бронемашиналарини кўриб эътибор бермади, ҳатто ҳар аҳтимолга қарши гавдасини тик кўтариб турди: машинада бошлиқлар бўлиши мумкин эди. Бир неча минутдан кейин асир тушган ўша ошпаз, рота командири ухлаб ётган жойни жон деб кўрсатиб берди. Совет автоматчиларини бошлаб борар экан, похолдан ясалган каттакон эрзаушпийма кийиб олган ошпаз мугомбирона кўзларини қисиб қўяр, бармоғини лабига қўйиб, «Тс-сс!..» деб борарди.

Разведка командири старший лейтенант, ёнилги тамом бўлгани сабабли, ўз қисмига қайтмоқчи бўлди ва Туркеничга бирга кетишни таклиф этди. Лекин Ваня бу таклифга кўнмади. Булар сўзлашиб турганда бронемашиналарни қишлоқ аҳолиси ўраб олган ва қизил аскарларни сийлаб раҳмат айтиб, энди қишлоғимизни ташлаб кетманглар деб ёлвориб туришар эди. Шу пайтда уларни ташлаб кетмайдиган одам борлиги маълум бўлиб қолди... Одамлар керакми? Мана, одамлар! Керак бўлса, одамлар яна топилади! Қурол-аслаҳа керакми? Ҳозирча, асир олинган немис ротасининг қуролини бериб туринглар, қолганини кейин ўзи топиб олади! Ва яна бир илтимос: Камишная дарёси бўйида турган қисмларимиз билан боғлаб қўйсангиз бўлгани...

Бутун Ворошиловград областига донги кетган Иван Крапивиннинг партизан отряди шундай тузилди. Бир ҳафта ўтар ўтмас отряднинг сони қирқ кишидан ортиб, замбараклардан бошқа, ҳозирги замон қуролларининг ҳамма тури билан қуролланган эди. Отряд Александров қишлоғидаги собиқ сут фермасига манзил қурган, лекин немислар фронтининг орқа томонига яқин турган бир неча қишлоқни мудофаа қилар эди. То бизнинг қўшинларимиз етиб келмагунча, немислар, Иван Крапивин отрядини бу жойдан суриб чиқара олмадилар.

Лекин «Ёш гвардия»ни халос этиш Ваняга муяссар бўлмади.

Бу участкада фронт январнинг йигирманчи числоларигача тўхтаб қолди. Совет қўшинлари фақат февраль ойидагина Шимолий Донецнинг катта қисмидан ўта бошлади, шунда ҳам аввал Донецнинг анча юқори томонида, Красний Лиман, Изюм ҳам Балаклея районида турган қисмлар дарёдан ўта бошлади.

«Еш гвардия»чи кўпчилик дўстларининг фожиавий тақдирдан Ваня беҳабар эди. Лекин, Краснодарга бўладиган ҳамла кейинга сурилган сари, унинг қалби ва руҳи тобора кўпроқ азоб чекар эди. Ўзи биргалашиб шунча шонли ишлар қилган ва қалбининг энг яхши қисмини багишлаган йигит ва қизлар унинг тасавурида янада олижаноб, янада юксак ва янада покроқ бўлиб кўринар эдилар.

Бир куни сут фермасининг сут соғувчи қизлари, немис-фашистлардан қўрққанларини ошкора айтиб, унинг бир буйругини бажаришда иккиланиб қолишган эди. Шунда Крапивин, яъни Ваня Туркенич, жаҳли чиқиш ўрнига, аччиқ гина қила бошлади:

— Эҳ, қизлар, қизлар! Бизнинг қизларимиз шунақа бўладими?..

Шунда бутун нарсани унутиб, Уля Громова, Люба Шевцова ҳамда уларнинг ўртоқларини қизларга ҳикоя қилиб берди. Уялиб қолган ва шу билан бирга унинг ёниб турган кўзларига маҳлиё бўлиб қолган қизлар бирдан жимиб қолишди. Бирдан Ваня жим бўлди-да, гапини тугатмасдан, қўлини силтаб, кета-верди.

Туркенич фақат февраль ойидагина ўз отряди билан Қизил Армиянинг мунтазам қисмига қўшилди ва Шимолий Донецдан жанглар билан ўтган шу қисм қаторида Краснодарга яқинлашди.

Шу орада Краснодар аҳолиси, тумтарақай қочаётган герман армияси келтирган ҳамма офат ва қийинчиликларни бошдан кечирди. Чекиниб борувчи СС қисмлари талончилик қилар, аҳолини жой-жойидан кўчириб юборар, шаҳар ва райондаги кўмир конларини, корхоналарни ва катта-катта биноларни портлатиб юборар эди.

Любовь Шевцова Қизил Армия Краснодар ҳамда Ворошиловградга кириб келишидан бир ҳафтагина илгари ўлиб кетди. Ун бешинчи февралда совет танклари Краснодарга бостириб кириб келди, танklar билан кетма-кет шаҳарга совет ҳокимияти ҳам қайтиб келди.

Шахтёрлар, бир талай халойиқ кўзи олдида, 5-кўмир кони қудугидан ҳалок бўлиб кетган большевиклар ҳам «ёш гвардиячиларнинг» жасадларини бир неча кун давомида чиқариб турришди. Ҳалок бўлганларнинг оналари ва хотинлари шу кунлари қудуқ бошидан кетмай, ўз фарзандлари ва эрларининг бурдаланиб ташланган жасадларини қўлма-қўл узатиб турдилар.

Елена Николаевна Олег тириклигида Ровенькига кетган эди. Лекин ўгли учун у ҳеч нарса қила олмас эди, онасининг яқин жойдалигини Олег ҳам билмасди.

Мана энди Олегнинг онаси ва ҳамма қавми-қариндошлари ҳузурида Ровеньки аҳолиси Олег билан Люба Шевцованинг жасадларини чуқурдан чиқариб олмоқда эди.

Юзлари чўкиб, қорайиб кетган, кўзларида иродали кишилардагина бўладиган жафо акс этган, қариб қолган бу хотинни илгариги Елена Николаевна Кошешая деб бўлмас эди. Лекин кейинги ойларда ўз ўглига кўмакчи бўлгани, айниқса ўглининг онасини доғда қолдириб бундай ўлим топгани унинг руҳий кучи ва қувватини шу қадар очиб юбордики, бу нарса уни шахсий қайғудан ҳам баланд кўтарди. Гўё одамларнинг кураши, интилишлари ва ҳис-туйғулари билан тўла дунёни тўсиб турган парда бирдан йиртиб ташлангандай бўлди. Бу дунёга у, ўгли кетидан эргашиб киргандай, унинг олдида энди эл-юртга берилиб хизмат қилиш йўли очилгандай эди.

Шу кунларда, немислар қилиб кетган жиноятлардан яна бирининг сири очилди; шаҳар паркида шахтёрлар мозори топилди. Жасадларни қазиб олмоқ учун чуқурни очиб қарасалар, одамлар тикка қилиб кўмилган экан: олдин уларнинг бошлари кўринди, кейин елкалари, гавдалари, қўллари кўринди, улар ичидан Валько, Шульга, Петров ва қўлида гўдак боласини кўтариб турган хотиннинг жасадлари топилди.

5-кўмир кони қудугидан чиқариб олинган «ёш гвардиячиларни» ҳам, катталарни ҳам, паркда икки ўртоқлар мозорига дафн этдилар.

Дафн маросимида Краснодар яширин большевиклар ташкилотининг ҳамда «Еш гвардия» ташкилотининг ҳамма тирик қолган аъзолари: Иван Туркенич, Валя Борц, Жора Арутюнянц, Оля ҳам Нина Иванцовалар, Радик Юркин ва бошқалар ҳозир бўлди.

Туркенич, ҳалок бўлиб кетган ўз ўртоқлари билан видолашиш учун, Краснодардан Миус томонга йўл олган қисмидан отпуск олиб келган эди.

Валя Борд Каменек ёнида уйига қайтиб келганида Мария Андреевна Ворошиловградда турувчи яқин танишлариникига жўнатилган, Қизил Армияни Валя шу Ворошиловградда кутиб олган эди.

Тириклар орасида Сергей Левашов йўқ эди: фронт линиясидан ўтаётганда отиб ўлдирилган эди.

Стёпа Сафонов ҳам ҳалок бўлиб кетди. У Каменскнинг дастлабки ҳамлада Қизил Армия томонидан ишғол қилинган қисмида эди, кейин қисмлардан бирида шаҳар учун бўлган жангда қатнашиб, ўқ еб ўлди.

Анатолий Ковалёвни шаҳарнинг четида турувчи бир ишчи яшириб юрди. Ковалёвнинг зўр гавдаси шу қадар шикастланган эдики, унинг яраларини боглаб ҳам бўлмасди, шунинг учун ҳамма ёгини ювиб оқ чойшабга ўрабгина қўйган эдилар. Ковалёв бир неча кунгача яшириниб ётди. Кейин ортиқ яшириниш хавфи бўлиб қолганидан, ўз қариндошлариникига кетди. У Донбасснинг немислардан ҳали озод этилмаган қисмида турао эди.

Иван Фёдорович Проценко то Ворошиловградга Қизил Армия кириб келгунча, чекинувчи немисларнинг олдида ўз отряди билан ҳаракат қилиб бориб, улар билан бетўхтов жанг қилиб, силжиб келаверди. У хотини Катя билан Городишчи қишлоғи ёнида сўнгги марта кўришганидан буён, энди Ворошиловградда кўриша олди.

Иван Фёдоровичнинг тэпшириги билан Корней Тихонович бошчилигида бўлган бир группа партизан Митякинская станцияси ёнидаги тош конига беркитиб қўйилган машҳур «газик»ни қазиб олди, «газик» бут-бутун, бензини ҳам тўла, ҳатто бир бақ запас бензини билан турар эди, у ўзини яратган замон каби, абадий бўлиб турарди.

Иван Фёдорович билан Катя шу «газик»ка тушиб Краснодарга кетишди, йўл-йўлакай Марфанинг эри Гордей Корниенко ни бир неча кунга уйига ташлаб ўтишди. Марфа, ўз қишлоқларида турган немисларнинг сўнгги кунлари ҳақида ҳикоя қилиб берди.

Қишлоқни совет қўшинлари ишғол қилишидан бир кун бурун, Кошевойларни ўз аравасида кўчириб олиб кетган ва Иван Фёдоровични кийим-бош билан таъмин этган бобой билан Марфа қишлоқ совети биноси ёнига боришган эди, Донецкнинг нариги томонидан қочиб келаётган немис жандармерияси ҳамда полиция амалдорлари вақтинча шу ерга қўнган эди. Қишлоқ аҳолисининг кўпчилиги Қизил Армиянинг йироқ-яқинлигини билиш

мақсадида, тўғрироғи, орқаларига қарамай тумтарақай қочиб кетаётган немисларни томоша қилиш учун қишлоқ совети ёнига тўпланган эди.

Бояги чол билан Марфа ҳам шу ерда эди, бир маҳал яна бир полиция амалдори чана чоптириб келиб қолди. Амалдор чанани худди бобойнинг ёнида тўхтатиб, ерга сакраб тушди-да, пахтаси чиқиб кетган кўзлари билан атрофга қараб, антика-антика бобойдан:

— Жаноби бошлиқ қанилар? — деб сўради.

Бобой кўзларини қисиб туриб:

— Жаноблари-ку майли-я, афтидан, ўртоқлар қувиб етай деб қолганга ўхшайди... — деди.

Полиция амалдори сўкинди, лекин жуда шошиб турганидан, ҳатто бобойни урмади ҳам.

Немислар бир нималарни кавшай-кавшай, уйдан ёпирилиб чиқишди ва чаналарга миниб, қочиб қолчшди, кетларидан фақат қор тўзони кўринарди, холос.

Эртаси куни қишлоққа Қизил Армия кириб келди.

Иван Фёдорович билан Катя, ҳалок бўлиб кетган большевиклар ҳамда «ёш гвардиячиларнинг» хотирасини йўқлаш учун Краснодарга келишди.

Иван Фёдоровичнинг бу ерда бошқа юмушлари ҳам бор эди: «Краснодонуголь» трестини, кўмир конларини қайта тиклаш керак эди. Ундан ташқари, катта ёшдаги подпольечилар ҳамда «ёш гвардиячилар» ҳалокатининг тафсилотини ва уларни қий-ваб ўлдирган қотиллар нима бўлганлигини шахсан ўзи суриштириб билмоқчи эди.

Стаценко билан Соликовский хўжайинлари билан бирга қочиб улгурган эди, лекин терговчи Кулешовни аҳоли танпб слиб, совет суди ихтиёрига топширган эди. Стаховичнинг маълумот берганлари «Ёш гвардия»нинг ҳалокатида Вирикова билан Лядскаяларнинг роли шу терговчи Кулешов орқали маълум бўлди.

Ҳалок бўлган большевиклар ва «ёш гвардиячилар»нинг қабри устида уларнинг тирик қолган ўртоқлари ўз дўстлари учун қасос олишга қасамёд этдилар. Қабр устига вақтинча ёдгорлик-жўнгина обелисклар ўрнатилди. Катта ёшли подпольечиларнинг тепасига ўрнатилган обелискка Филипп Петрович Лютиков билан Бараков бошлиқ уларнинг номлари ёзилди, «Ёш гвардия» обелискининг четларига ташкилотнинг ватан йўлида ҳалок бўлган ҳамма жангчиларининг номлари ёзиб қўйилди.

Мана, уларнинг номлари:

Олег Кошевой, Иван Земнухов, Ульяна Громова, Сергей Тюленин, Любовь Шевцова, Анатолий Попов, Николай Сумской, Владимир Осьмухин, Анатолий Орлов, Сергей Левашов, Степан Сафонов, Виктор Петров, Антонина Елисеенко, Виктор Лукьянченко, Клавдия Ковалёва, Майя Пегливанова, Александра Бондарева, Василий Бондарев, Александра Дубровина, Лидия Андросова, Антонина Машченко, Евгений Мошков, Лилия Иванихина, Антонина Иванихина, Борис Главан, Владимир Рагозин, Евгений Шепелёв, Анна Сопова, Владимир Жданов, Василий Пирожок, Семён Остапенко, Геннадий Лукашёв, Ангелина Самошина, Нина Минаева, Леонид Дадишев, Александр Шишченко, Анатолий Николаев, Демьян Фомин, Нина Герасимова, Георгий Шчербаков, Нина Старцева, Надежда Петля, Владимир Куликов, Евгения Кийкова, Николай Жуков, Владимир Загоруйко, Юрий Виценовский, Михаил Григорьев, Василий Борисов, Нина Кезикова, Антонина Дьяченко, Николай Миронов, Василий Ткачёв, Павел Палагута, Дмитрий Огурцов, Виктор Субботин.

1943—1945—1951.

МУНДАРИЖА

Биринчи қисм

Биринчи боб	9
Иккинчи боб	21
Учинчи боб	30
Тўртинчи боб	40
Бешинчи боб	51
Олтинчи боб	59
Еттинчи боб	69
Саккизинчи боб	79
Тўққизинчи боб	87
Унинчи боб	98
Ун биринчи боб	105
Ун иккинчи боб	113
Ун учинчи боб	125
Ун тўртинчи боб	135
Ун бешинчи боб	143
Ун олтинчи боб	149
Ун еттинчи боб	160
Ун саккизинчи боб	166
Ун тўққизинчи боб	182
Йигирманчи боб	194
Йигирма биринчи боб	212
Йигирма иккинчи боб	228
Йигирма учинчи боб	239
Йигирма тўртинчи боб	247
Йигирма бешинчи боб	253
Йигирма олтинчи боб	264
Йигирма еттинчи боб	273
Йигирма саккизинчи боб	288
Йигирма тўққизинчи боб	300
Уттизинчи боб	315
Уттиз биринчи боб	329
Уттиз иккинчи боб	340
Уттиз учинчи боб	347
Уттиз тўртинчи боб	358
Уттиз бешинчи боб	372

Иккинчи қисм

Уттиз олтинчи боб	385
Уттиз еттинчи боб	396
Уттиз саккизинчи боб	410
Уттиз тўққизинчи боб	421
Қирқинчи боб	432
Қирқ биринчи боб	412
Қирқ иккинчи боб	454
Қирқ учинчи боб	462
Қирқ тўртинчи боб	471
Қирқ бешинчи боб	483
Қирқ олтинчи боб	494
Қирқ еттинчи боб	505
Қирқ саккизинчи боб	512
Қирқ тўққизинчи боб	522
Эллигинчи боб	529
Элик биринчи боб	536
Элик иккинчи боб	549
Элик учинчи боб	556
Элик тўртинчи боб	568
Элик бешинчи боб	582
Элик олтинчи боб	597
Элик еттинчи боб	613
Элик саккизинчи боб	620
Элик тўққизинчи боб	626
Олтишинчи боб	631
Олтиш биринчи боб	643
Олтиш иккинчи боб	653
Олтиш учинчи боб	667
Олтиш тўртинчи боб	675
Олтиш бешинчи боб	683

На узбекском языке

АЛЕКСАНДР АЛЕКСАНДРОВИЧ ФАДЕЕВ

МОЛОДАЯ ГВАРДИЯ

Роман

Издательство «Ёш гвардия» — 1972 — Ташкент

Редактор Н. Умаров
Рассом В. Кайдалов
Рассом редактор К. Назаров
Техн. редактор Л. Жихарская

Корректорлар: М. Рустамов, ва М. Азимбоева.

Босмахонага берилди 16/X-1972 й. Босишга рухсат этилди 19/XII-72 й. Формати 60×84/16. Босма листи 43,5. Шартли босма листи 39,855. Нашр листи 39,27. Тиражи 30000. Шартнома 64—72. Қоғоз № 3.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Ёш гвардия» нашриёти, Тошкент, Навоий кўчаси, 30. 1972. Заказ № 916. Баҳоси 1 с. 28 т.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Матбуот давлат комитетига қарашли Тошкент Полиграфкомбинатида босилди. Навоий, 30.